

ШАЙХ  
МУҲАММАД СОДИҚ  
МУҲАММАД ЮСУФ

Шафсири  
Ҳилол

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

ИККИНЧИ НАШР

2 жуз

*Аллоҳ таолонинг каломни тафсири ҳақидаги ушбу камтарона уринишни қиблагоҳим Муҳаммад Юсуф ҳожи ва онажоним Собира хоним Тилакберди қизи раҳматуллоҳи алайҳимоларга бағишлайман. Ҳақ таолодан у зотларни мағфират айлаб, жойларини жаннатдан қилишини тилаб дуолар қиламан. Муҳтарам ўқувчилардан отамиз ва онамиз ҳақларига дуолар умидугаман.*

*Муаллиф.*

***Ш и о р и м и з:***

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломига интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ — улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш.

Дийний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.



## МОИДА СУРАСИ

*Мағийнага нозил бўлган. 120 оятдан иборат.*

Ушбу сураи каримада моида (ясатилган дастурхон) ҳақида оятлар бўлиб, номи шундан келиб чиққан. Ийсо алайҳиссаломнинг энг яқин сафдошлари (ҳаворийлари) у кишидан осмондан ясатилган бир дастурхон тушириб беришни сўрайдилар. Ундан овқатланишни ва башорат олишни орзу қиладилар. Бу таклиф гарчи ноўринга ўхшаса ҳам, Аллоҳ таоло Пайғамбари Ийсо алайҳиссаломни қўллаб-қувватлаш, у зотнинг Пайғамбарлигини тасдиқлаш учун талаб қилинган моидани туширди. Сурада моидага тегишли оятлар тўрттагина, холос.

Сураи кариманинг иккинчи номи «Уҳууд» (шартномалар)дир. Чунки, унда сўз асосан турли шартнома – аҳдномалар ҳақида кетади. Маълумки, Қуръони Карим мусулмонларнинг илоҳий дастури бўлиб, алоҳида исломий жамият барпо этиш, янги бир умматни тарбиялаш, ушбу жамият аъзоларининг турли алоқаларини йўлга қўйиш учун Аллоҳ томонидан нозил қилингандир. Албатта, мазкур алоқалар аввало Аллоҳ билан, қолаверса, бошқа жамиятлар, халқлар, динлар билан бўлади. Бу эса, ўзига хос аҳдлашувларни тақозо этади. Сурада ана ўшандай шартномалар кенг маънода талқин қилингандир.

Шунингдек, бу сураи каримада ноисломий жамиятларнинг ақийда, муомала, шартномалар ва бошқа соҳалардаги хатолари танқид этилади. Мусулмонларга ўша хатоларни такрорламаслик уқтирилади. Ислом, дин тушунчаларининг ҳақиқати баён қилинади. Дунёда фақат Аллоҳнинг ҳукмигина жорий бўлиши шартлиги, ҳалол-ҳаром, тўғри-нотўғрини аниқлаш фақат Аллоҳнинг ҳаққи эканлиги тушунтирилади.

Уламоларимиз «Моида» сурасида нидолар кўплигини ҳам мулоҳаза қилганлар. Бу сурада «Эй, иймон келтирганлар!» нидоси ўн олти марта такрорланган. Пайғамбар алайҳиссаломга икки нидо, аҳди китобларга олти нидо келган. Ҳар бир нидодан кейинги маънолар ўзига хос шартномага айланган. Худди шу сабабдан ҳам сура-

га уҳууд – шартномалар сураси, деб иккинчи ном берилган. Аллоҳ таоло мусулмон умматидан, шунингдек, аҳли китоблардан (яхудий ва насоролардан) олган аҳдномаларини ҳам эслатади.

Шу билан бирга, сурада тавҳид масаласи ҳам доимий равишда муолажа қилиб борилади. Ўтган умматларнинг бу муҳим масалада йўл қўйган хатолари эслатилади.

Сураи каримада турли шаръий ҳукмлар ҳам келган. Жумладан, ҳалол-ҳаром тўғрисида; ҳайвонларни сўйиш, овлаш масалалари; Масжидул Ҳаромни ҳаж ёки умра қилиш давридаги эҳромга тегишли масалалар; никоҳдаги ҳалол ва ҳаром нарсалар; таҳорат ва намозга тегишли масалалар; шунингдек, қозилик қилиб ҳукм чиқаришда адолатли бўлишга даъват; ўғрилик; исломий жамоага қарши чиқиш, ароқхўрлик, қиморбозлик, бутпарастлик, фолбинликка оид масалалар ҳал этилган. Ов ҳайвонларини нотўғри овлашнинг, қасам ва эҳромдаги хатоларнинг каффорати қандай бўлиши баён қилинади. Ўлим пайтидаги васият ҳақида ҳам сўз кетади. Айни чоғда, жоҳилиятнинг баъзи аҳкомлари танқид этилади. Тавротда келган баъзи ҳукмлар эсланади. Инжилда келган ҳукмлар ҳам тилга олинади. Энди ҳамма Қуръонда келган ҳукмларга амал қилиши лозимлиги таъкидланади. Ислому Аллоҳнинг мукамал дини эканлиги алоҳида уқтирилади. Яҳудийлар ва насоролар билан бўладиган алоқалар ҳақида тўхталиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинади.

Суранинг сўнгида ўқувчиларга барча аҳдномаю шартномалар такроран эслатилиб, уларга амал қилиндими-йўқми, ўйлаб кўриш таклиф этилади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَوْفُوا بِالْعُقُودِ أُحِلَّتْ لَكُمْ بَيْعَةُ الْأَنْعَامِ إِلَّا مَا يُتْلَى عَلَيْكُمْ غَيْرِ مُحِلِّي الصَّيْدِ وَأَنْتُمْ حُرْمٌ إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ مَا يُرِيدُ

1. Эй, иймон келтирганлар! Аҳдномаларга вафо қилинг! Сизга, кейин тиловат қилинадиганларидан бошқа, чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди, эҳромдалиқ вақтингизда овни ҳалол санамаган ҳолингизда. Албатта, Аллоҳ нимани ирода этса, шуни ҳукм қиладир.

Ояти каримадаги «аҳдномалар» сўзидан икки томон ўзаро келишиб тузадиган ва имзолаб тасдиқлайдиган ҳозирги урфдаги аҳдно-маларни тушунмаслик керак. Бу ерда кенг маънодаги аҳдно-малар назарда тутилган. Аввало, бу аҳдномалар инсоннинг банд сифатида Аллоҳ таоло ҳузуридаги аҳдно-маларидир. Буни иймон аҳдномаси дейилади ва у ўз ичига Аллоҳнинг ягона илоҳлигини, Робблигини ва Ҳокимлигини эътироф этишни, Унга банд бўлиш, итоат қилиш ва таслим бўлишни олади. Бу аҳдно-мани Аллоҳ таоло биринчи инсон Одам атодан бошлаб ола бошлаган. Яна, аҳднома Одам Атонинг зурриётидан ҳам олингандир.

Бундай умумий аҳдно-маларга инсон ўзи ўзига қилган шахсий аҳдлари ҳам киради. Назр атаганими, бирор ишни Аллоҳ йўлида қилишга аҳд этганими ёки бошқа аҳдларими – ҳаммаси киради.

Шунингдек, инсоннинг дўстми-душманми бошқа шахслар билан, турли жамоат ҳамда гуруҳлар билан тузган аҳдно-малари ҳам, савдо-сотикми, қарзми, вакилликми, кафиликми – шуларга ўхшаш ишлар ҳам ушбу тушунча остига киради.

Албатта, бошқа давлатлар ва халқлар билан тузилган шартнома-лар ҳам ушбу оятда зикр этилган аҳдно-маларга киради. Аллоҳ таоло мўмин бандаларига хитоб этиб, барча аҳдларига вафо қилишни буюрмоқда. Зотан, аҳдга вафо Исломдаги энг улкан хислатлардан-дир. Шунингдек, аҳдга бевафолик катта гуноҳдир.

Аллоҳга берилган иймон аҳдида ҳалол ва ҳаромнинг ҳукмини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзидан олиш шarti ҳам мавжуд. Ўша аҳдга мувофиқ Аллоҳ таоло нима ҳалолу нима ҳаромлигини Ўзи белгила-моқда.

**«Сизга, кейин тиловат қилинадиганлардан бошқа, чорва ҳай-вонлари ҳалол қилинди».**

Биз «чорва ҳайвонлари» деб таржима қилган сўз Қуръони Ка-рим матнида «ал-Анъом» деб келган. Бу сўз араб тилида туя, қора-мол ва қўй-эчкиларга нисбатан ишлатилади. Бунда хонакилари ҳам, ёввойилари ҳам баробардир. Демак, мазкур ҳайвонлар, аслида, ҳалол-дир. Аммо баъзи мустасно ҳолларда ҳаром бўлиши ҳам мумкин. Ундай ҳоллар оз бўлгани учун уларни алоҳида кўрсатилмоқда. Ўша истисно ҳоллардан биринчиси:

**«Эҳромдалик вақтингизда, овни ҳалол санамаган ҳолингиз-да»** жумласида баён этилгандир.

Маълумки, ҳаж ёки умра ниятида эҳромга кириш бу дунёнинг ишларини ҳаром қилиб, бутун борлиғи билан Аллоҳга ажралиб чи-қишни билдиради. Ҳожи ёки умрачи ўзига ҳатто одатдаги кийимла-рини ҳам ҳаром қилиб, ният ила Масжидул Ҳаром томон йўл олган

шахсдир. Шунинг учун, у барча жондор нарсаларга озор беришдан қўлини тиймоғи лозим. Бу кўрсатма табиатни муҳофаза қилишнинг ўзига хос дарси ҳамдир. Эҳромдаги одам ҳеч қандай ҳайвонни ов қилмайди, чўчитмайди, овчига кўрсатиб бермайди, дарахтлар ва ўсимликларни кесмайди, синдирмайди. Шу йўл билан бу вақтинчалик дарсда, у ҳаёт мазмунини, ҳамма тирик жониворга ҳаёт берган Аллоҳ таолога алоқадорлигини англаб етади. Ўзи ўрганиб қолган моғорли фикр ва одатлардан юқори кўтарилиб, руҳий чўққиларга чиқади.

Оятнинг сўнгида мазкур аҳдномаларнинг энг зўрларидан бири эсга олинади:

**«Албатта, Аллоҳ нимани ирода этса, шуни ҳукм қиладир».**

Унинг иродасининг чеки йўқ. У мутлоқ иродали Зот. Нимани хоҳласа, шуни ҳукм қилади. Унинг ҳукми ҳамма ёқда жорий бўлиши лозим..

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لَا تُحِلُّوْا شَعْبِيْرَ اللّٰهِ وَلَا الشَّهْرَ الْحَرَامَ وَلَا الْهَدٰى وَلَا الْقَلْبٰىدَ وَلَا  
ءَامِيْنَ الْبَيْتِ الْحَرَامِ يَبْتَغُوْنَ فَضْلًا مِّنْ رَبِّهِمْ وَرِضْوَانًا وَّاِذَا حَلَلْتُمْ فَاصْطَادُوْا وَلَا يَجْرِمَنَّكُمْ  
شَحْنَانُ قَوْمٍ اَنْ صَدُّوْكُمْ عَنِ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ اَنْ تَعْتَدُوْا وَتَعَاوَنُوْا عَلٰى الْبِرِّ وَالنَّفْوٰى  
وَلَا تَعَاوَنُوْا عَلٰى الْاِثْمِ وَالْعُدُوْنِ وَاتَّقُوْا اللّٰهَ اِنَّ اللّٰهَ شَدِيْدُ الْعِقَابِ ﴿١٥٦﴾

2. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг дини аломатларини, ҳаром ойна, аталган қурбонликни, осилган белгиларни ва Роббиларидан фазл ва розилик тилаб Байтул Ҳаромни қасд қилиб чиққанларни ўзингизга ҳалол ҳисобламанг. Эҳромдан чиқиб ҳалол бўлсангиз, ов қилсангиз, майли. Масжидул Ҳаромдан тўсгани учун бир қавмни ёмон кўришингиз уларга тажовузкор бўлишингизга олиб бормасин. Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир.

Ушбу ояти каримада зикр этилган «Аллоҳнинг дини аломатлари» жумласидан ҳаж ва умрада жорий қилинган вақтинчалик ҳаром ишлар, шунингдек, ўша ибодатлар бажариладиган муқаддас маконларга хос ҳаром этилган ишлар кўзда тутилган. Биз «аломатлар» деб таржима этган сўз арабчада «шаъбир» деб келган. У эса, «шиор»нинг кўплигидир. Бундан, Аллоҳнинг динига шиор — аломат бўлиб қолган нарсаларга тегманг, деган маъно чиқади. Демак, мўмин-му-

сулмонлар ҳаром этилган нарсаларга тўла риоя қилишлари лозим. Уларни ўзларича ҳалол ҳисоблашга ҳақлари йўқ. (Ҳаж ва умрада, муқаддас жойларда нималарни қилиш ҳаромлиги ўз ўрнида баён қилинган.)

Оятдаги «**ҳаром ой**»дан мурод Ражаб, Зулқаъда, Зулҳижжа ва Муҳаррам ойларидир. Бу ойларда уруш қилишни Аллоҳ таоло ҳаром қилган. Мазкур тўрт ойда уруш қилиш, Аллоҳнинг ҳукмини ўзгартириб, ҳаром нарсани ҳалол ҳисоблаш бўлади. Бинобарин, бу катта гуноҳдир.

Биз «**аталган қурбонлик**» деб таржима қилган маъно араб тилида «ҳадйу» дейилади. Бу сўз ҳожи ёки умрачи сўйиш учун олиб келган, қурбонликка аталган ҳайвонга нисбатан айтилади. Одатда, бундай ҳайвонлар туя, қорамол, қўй ёки эчкидан иборат бўлади. Ҳадйуни ҳалол ҳисобламанг, дейишлик эса, қурбонлик қилиш вақти келгунча уларга тегманг, сўйманг, деган маънони англатади. Демак, ҳайвонларни нима ниятда олиб келинган бўлса, фақат ўшанга ва ўз вақтида сўйишга рухсат бор. Бошқача тасарруф Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол ҳисоблаш бўлади.

«**Осилган белгилар**» эса, арабчада «қилоид» дейилади. Арабларда қурбонликка аталган ҳайвонларга белги бўлсин деб, бўйнига нимадир осиб қўйиларкан. Ким кўрса, бу ҳайвон қурбонликка аталган деб, унга тегмас экан. Мазкур ҳайвон то қурбонлик жойи ва вақти келгунча, бемалол юраверар экан. Ушбу ояти каримада ўша одатга амал қилиш уқтирилмоқда, белги осилган ҳайвонларга тегиш, уларни сўйиш мумкин эмаслиги, ким бу ҳукмга риоя этмаса, Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол ҳисоблаган бўлиши билдирилмоқда.

«**Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг дини аломатларини, ҳаром ойни, аталган қурбонликни, осилган белгиларни...**» ўзингизга ҳалол ҳисобламанг.

Демак, қурбонликка аталган ҳайвонлар ўз эгасининг назрига биноангина сўйилиши керак.

«**...ва Роббиларидан фазл ва розилик билан Байтул Ҳаромни қасд қилиб чиққанларни ўзингизга ҳалол ҳисобламанг**».

Яъни, ким Маккаи Мукаррамани қасд қилиб йўлга чиқса, у одамга тегиш ҳам Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиқиш, уни ўзгартириш бўлади. Чунки, Аллоҳ таолонинг Ўзи уларга Байтуллоҳнинг ҳурмати учун омонлик берган.

«**Эҳромдан чиқиб, ҳалол бўлсангиз, ов қилсангиз, майли**».

Эҳром сўзининг ўзаги «ҳаром» бўлиб, ҳаж ёки умра ниятида эҳромга кирган одам шариатда кўрсатилган бир қанча нарсаларни ва ишларни ўзига ҳаром қилган бўлади. Эҳромдан чиқиш эса ўша

нарсаларни ўзига ҳалол қилишдир. Эҳромдан чиқиш «ҳалол бўлди» ибораси билан ифодаланиши ҳам шундан. Эҳромдаги одамга, масалан, ов қилиш ҳаром эди. Эҳромдан чиқилгач (ҳалол бўлгач) эса, ов қилиш мумкин бўлади. Аммо Ҳарам чегарасида ов қилишга мутлақо ва ҳеч кимга изн йўқ. Аллоҳ таоло Ўзининг муқаддас шаҳри Маккаи Мукаррама атрофидаги маълум ҳудудни одамлар, ҳайвонлар, ўсимликларга ҳеч озор етказилмайдиган минтақага айлантирган. Ушбу минтақани Ҳарам деб аталади.

Ушбу аҳдларга вафо қилган мусулмонлар янада юқорироқ поғоналарга кўтарилишлари лозимлиги ояти кариманинг давомида таъкидланади.

**«Масжидул Ҳаромдан тўсгани учун бир қавмни ёмон кўришингиз уларга тажовузкор бўлишингизга олиб бормасин».**

Маълумки, Ҳудайбия сулҳи йили мушриклар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ саҳобаларни Масжидул Ҳаромни зиёрат этишдан тўсган эдилар. Бу қабиҳ иш мусулмонларга ғоят оғир ботган, шу сабабдан мушрикларга нисбатан янада ғазабнок бўлган эдилар. Вақт ўтиб, Аллоҳ таоло мусулмонларни устун ва мушрикларни остин қилди. Энди мусулмонлар ўша нобакор мушрикларга қарши нима чора кўрсалар бўладиган вақт келди. Аммо бутун дунёга йўлбошчи бўлиши кўзда тутилган жамоага аввалги ишлар учун ўч олиб, тажовузкорлик қилиш ҳеч тўғри келмайди. Бу жамоа Мусулмонлар жамоасидир, у ўзига хос хислатларга эга бўлиши керак. Ўзини тута билиши, қалби кенг бўлиши лозим. Эски гина-қудуратларни эслаб, имкон топилганда ўч олиш пасткашлиқдир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига юқоридагидай амр этмоқда.

**«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг, гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг».**

Ушбу мўъжазгина жумла дунёдаги барча ҳамкорликлар учун асосий қоида ҳисобланади. Исломдан аввалги даврда ҳамкорлик қоидаси уруғчилик, қабилачилик ва бошқа шунга ўхшаш ўлчовлар асосида бўлар эди. Ўзига яқин бўлган шахс, тоифа, қабила, давлат ёки халқ нима қилса, унга ҳамкор бўлиш зарур эди. Жумладан, зулм ва душманлик ишларида ҳам.

Ҳозирдаги ноисломий тузумларда худди шундай ҳол кузатиляпти. Манфаат бор жойда ҳар қандай адолат, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва яна бошқа шиорлар бир пул бўлиб қолади. Бировнинг ватанини, молу мулкани, ҳақ-ҳуқуқини босиб олганлар жафокаш бўлиб, ўз ҳаққини ҳимоя қилмоқчи бўлганлар фундаменталист, жангари, террорчи бўлиб тураверади. Исломда эса, ҳамкорликнинг бош



шарти яхшилик ва тақводир. Агар шу шарт вужудга келса, ҳамма билан ҳамкорлик қилинаверади. Аммо, қаерда гуноҳ ва ёмонлик бўлса, ким бўлишидан қатъи назар, ҳамкорлик қилинмайди.

Бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолога боғлиқ. Мазкур ишларни амалга оширишда, албатта, тақво шарт. Шунинг учун ҳам,

**«Аллоҳга тақво қилинг!»** – деб алоҳида таъкидланмоқда.

Инсон Аллоҳдан қўрққанидагина Аллоҳни рози қиладиган ҳамкорликларни амалга оширади. Инсон Аллоҳга тақво қилгандагина, ундан яхшилик кутиш мумкин. Кимки яхшилик қилса, ўзигадир. Ёмонлик қилса ҳам, ўзигадир. Аллоҳдан қўрқмаган, унинг амрида юрмаганлар билиб қўйсинларки:

**«Албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли Зотдир».**

Биринчи оятда «тиловат қилинадиганлардан бошқа», деб истисно қилинган эди, қуйидаги оятдан ўша нарсаларнинг зикри бошланади:

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ وَالْدَّمُ وَلَحْمُ الْخِنزِيرِ وَمَا أَهَلَ لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ، وَالْمُنْخَنِقَةُ  
وَالْمَوْقُوذَةُ وَالْمُتَرَدِّيَةُ وَالنَّطِيحَةُ وَمَا أَكَلَ السَّبْعُ إِلَّا مَا ذَكَّيْتُمْ وَمَا ذُبِحَ عَلَى التُّصْبِ وَأَنْ  
تَسْنَقَسُوا بِالْأْزْلَمِ ذَلِكُمْ فِسْقٌ الْيَوْمَ يَبْسُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ دِينِكُمْ فَلَا تَخْشَوْهُمْ  
وَأَخْشَوْنَ الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمْ الْإِسْلَامَ دِينًا  
فَمَنْ اضْطُرَّ فِي مَخْصَصَةٍ غَيْرِ مُتَجَانِفٍ لِإِثْمٍ فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ

3. Сизларга ўлимтик, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан бошқанинг номи ила сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузиб ўлдирилган, йиртқич еган ҳайвонлар ҳаром қилинди. Магар, (ўлмаи туриб) сўйиб олсангиз (ҳалол). Ва бутларга сўйилган ҳайвонлар ҳам, чўплар ила фол очишингиз ҳам ҳаром қилинди. Бундай қилмоғингиз фосиқликдир. Бугунги кунда куфр келтирганлар динингизга зарар етказишдан умид уздилар. Улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб, рози бўлдим. Кимки гуноҳга мойил бўлмаган ҳолида очликда музтар бўлса, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.

Ушбу ояти каримада асли гўшти ҳалол қилинган ҳайвонлар ҳақида сўз кетмоқда. Албатта, чўчқани ҳисобга олмаганда. Аслида, гўшти

ҳаром бўлган ҳайвонлар ўз-ўзидан маълум, баҳс улар ҳақида эмас. Шунингдек, Аллоҳ таоло бандаларига кўплаб неъматларни тановул қилишни ҳалол қилиб қўйган. Уларнинг барчасининг асли ҳалол. Модомики, ҳаром нарса аралашмаса, истеъмол қилинаверади. Инсон шахсининг ёки амалининг унга таъсири йўқ. Мисол учун, нонни олайлик. Унинг буғдойини ким эккан, ким ўрган, қандай янчган ёки қандай қилиб нонга айлантирилган — буларнинг аҳамияти йўқ, ҳаммаси истеъмол қилинаверади. Аммо, гўшт маҳсулотлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Чунки гўшт тирик ҳайвондан олинади. Ана ўша тирик жониворни гўштга айлантириш жараёни ва ундаги ният ҳамда эътиқод унинг ҳалол ёки ҳаромга айланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, бу жараёнга, яъни, тирик ҳайвонни гўштга айлантириш жараёнига шариатда алоҳида эътибор берилади. Бир қанча шартлар қўйилади. Ўша шартлар вужудга келгандагина у ҳайвон гўшти ҳалол ҳисобланиб, истеъмол этишга рухсат берилади. Бу шартларнинг бошида ҳайвоннинг жонини чиқариш пайтида унга жон берган Аллоҳнинг номини зикр қилиш туради. Бу иш қилинмаса, катта маънавий жиноят содир бўлган бўлади, шу сабабли унинг гўшти ҳаромга айланади.

Ушбу оятда гўшти ҳаромга айланиб қоладиган ҳайвонлардан бир неча тоифаси зикр этилган.

Ўлимтик (ўзи ўлиб қолган ҳайвон), ҳайвон сўйилганда ундан оқадиган қон ва чўчқа гўшти шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаром қилинганлиги ҳикматлари, тиббий сирлари ҳақида «Бақара» сураси тафсирида батафсил сўз юритилган.

**«Аллоҳдан бошқанинг номи ила сўйилган»** ҳайвон гўштининг ҳам ҳаром бўлиши, аввал айтганимиздек, иймон тақозосига тўғри келмаганидандир. Уни яратган ва унга жон берган Зотнинг номини қўйиб, бошқанинг номи ила сўйилганидандир.

**«Бўғилиб ўлган»** — ҳайвон бўғилиш оқибатида ўлган бўлса, гўшти ҳаромдир. Унга ҳам Аллоҳнинг номи айтилмаган, ҳам қони ичига тарқаб, гўшт зарарли ҳолга келган бўлади.

**«Уриб ўлдирилган»** — бунда ҳам аввалги ҳолдаги ҳикмат туфайли ҳаромлик ҳукми бор. Бирор ҳайвонни тош, ёғоч ёки шунга ўхшаш нарсалар билан уриб ўлдирилган бўлса, унинг гўшти ҳаромга айланади.

**«Йиқилиб ўлган»** — тоғданми, баланд жойданми йиқилиб ўлган ҳайвонларнинг гўшти ҳам ҳаром.

**«Сузиб ўлдирилган»** — икки ҳайвон бир-бири билан сузишсаю, бири ўлиб қолса, унинг гўшти ҳам ҳаромдир.

**«Йиртқич еган ҳайвон ҳаром қилинди».**

Яъни, бир йиртқич ҳайвон мазкур гўшти ҳалол ҳайвонга ҳужум қилиб еса, ўлдирса, ундан ортиб қолган гўшт ҳаром ҳисобланади.

**«Магар (ўлмаи туриб) сўйиб олсангиз (ҳалол)».**

Мазкур ҳолатларга дучор бўлган ҳайвонлар ўлмаи туриб сўйиб юборилса, гўшти ҳалол бўлади.

**«Бутларга сўйилган ҳайвонлар ҳам».**

Жоҳилий арабларнинг турли бутлари бўлиб, уларга атаб жонлиқ сўйишар ва қонини ўша бутларга суртишар эди. Бундай ҳайвонларнинг гўшти, гарчи Аллоҳнинг номини айтиб сўйилган бўлса ҳам, бутларга атаб сўйилгани учун ҳаромдир.

Оят давомида катта маънавий ҳаром иш ҳам зикр этилган.

**«Чўплар ила фол очишингиз ҳам ҳаром қилинди».**

Жоҳилият даврида бутхоналарда хизмат қилувчи коҳинлар ҳузурида бир махсус идишда учта ёки еттита чўп турар эди. Уларга турли иборалар, жумладан, «Роббим буюрди» ёки «Роббим қайтарди» деган иборалар ёзилган бўларди. Бирор ишни қилиш ёки қилмасликда иккиланган одам коҳинга у-бу нарса бериб, фол очишни сўрарди. Шунда коҳин идишдаги чўпларни аралаштириб, фол очирувчига тутар, у идишдаги чўплардан бирини тортганда «Роббим буюрди» деб ёзилган чўп чиқса, ишни қилишга, «Роббим қайтарди» деб ёзилгани чиқса, ишни қилмасликка амр этар эди. Бошқа чўп чиқса, яна пул олиб, қайтадан фол очарди. Худди шу услуб қиморнинг бир турида ҳам қўлланар эди. Буларнинг ҳаммаси ҳаром қилинди.

**«Бундай қилмоғингиз фосиқликдир».**

Аллоҳ ҳаром қилган ишларни қилмоғингиз фисқ, яъни, дин амридан чиқишдир.

**«Бугунги кунда куфр келтирганлар динингизга зарар етказишдан умид уздилар».**

Ушбу оят Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажлари пайтида тушган. Бу вақтга келиб Ислом атрофга ёйилган, мусулмонларнинг шавкати ошган, ҳамма уларга ҳавас ва ҳурмат билан қарайдиган бўлган эди. Пайғамбаримизнинг умрлари охишлашиб, видолашув ҳажини адо этар эдилар. Бу ҳаж Ислом ғалабасининг тантанасига айланиб кетди. Энди кофир-мушриклар, Муҳаммад ва унга эргашган ялангоёқларни ер юзидан йўқотиб юборамиз, дейишга тиллари бормасди. Аксинча, уларнинг кўплари мусулмонликни қабул қилган ёки қабул қилиш арафасида турар эдилар. Қолганлари эса, янги дин равнақига ҳасад билан қараб туришса ҳам, Исломга зарар етказишдан умидлари батамом узилган эди. Ушбу жумлада Аллоҳ таоло мўмин бандаларига мана шу ҳолатнинг хабарини бермоқда ва:

«Улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар!»—деб амр қилмоқда.

Яъни, кофирлар биздан устун келиб қолармикинлар, динимизга зарар етказармикинлар, деб улардан хавфсираб юрманглар. Балки менинг амримга зид ишлар қилишдан қўрқинглар. Сизларга зарар шу туфайли келиши мумкин.

**«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб, рози бўлдим».**

Бу оят Қуръони Каримнинг охириги тушган оятларидан бири ҳисобланади. Аввал айтилганидек, ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажларида тушган. Ушбу ояти карима нозил бўлганда ҳамма саҳобалар, динимиз мукамал бўлди, Аллоҳ бизга неъматини батамом қилиб берди, Исломни дин деб, рози бўлди, деб чексиз қувондилар. Аммо ҳассос қалбли инсон, буюк идрок ва ақл соҳиби Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу йиғлар эдилар. Бу ҳолни кўрган саҳобалар ташвишга тушдилар ва: «Сенга нима бўлди, эй Умар, нечун йиғламоқдасан?» — деб сўрадилар. Шунда Ҳазрати Умар: «Ҳар бир нарса мукамал бўлганидан сўнг унга нуқсон етиш бошланади. Мен бу оятни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларининг яқинлашганига белги деб билмоқдаман», — дедилар.

Бу андиша ҳақиқат бўлиб чиқди: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шу оят нозил бўлганидан саксон бир кун ўтганидан сўнг бу дунёни тарк этдилар.

Диннинг мукамал қилингани, неъматнинг батамом этиб берилгани ва Исломни дин деб рози бўлингани тўғрисидаги хабар фақат ўша замон мусулмонлари ёки умуман мусулмонлар учунгина эмас, балки бутун инсоният учун катта хурсандчилик ва башорат эди. Бу улкан шодлик хабари инсоният ўзининг узоқ тарихи давомида соддат излаб қилган ҳаракат ва уринишларига тож кийдириб, гўзал натижа берган эди. Инсониятнинг яратган холиқи Аллоҳ таоло уни аста-секин тарбия қилиб келди. Ҳамма авлодларга Исломни дин қилиб берган бўлса ҳам, ҳар замон ва маконга ўзига хос шариат берди. Биринчи Пайғамбар Одам Атога берилган шариат ўша даврдаги содда ҳаётга мос ва ўша вақт воқеълигини ҳисобга олган содда шариат эди. Кейинги даврларда ҳам Аллоҳ таоло худди шу қоида асосида ҳар замоннинг, маконнинг ва жамиятнинг ўзига хос ҳолатларини эътиборга олиб шариатлар юбориб турди. Табиийки, кейин келган шариат ўзидан аввалгисидан кўра мукамалроқ бўлар эди. Аввалги Пайғамбарлар ўз қавмларигагина юборилар эдилар. Уларнинг Пайғам-

барликлари, шариатлари маълум муддатга, маълум маконга ва маълум жамият ёки қавмга хос эди. Шу тариқа кўплаб Пайғамбарлар, шариатлар юборилди. Ниҳоят, инсоният ўз камолига етган пайтида, Аллоҳ таоло Пайғамбарларнинг охиргиси Муҳаммад алайҳиссаломга самовий китобларининг сўнггиси Қуръони Каримни нозил қилди ва у орқали жами инсоният учун, ҳар замон ва ҳар маконга салоҳияти бор Ислом шариатини жорий этди. Бу эса, инсониятга улуғ шараф эди. Ана шу охирги шариатнинг мукаммал таълими ва татбиқи йигирма уч йил давом этди. Бошланиши Маккаи Мукаррама яқинидаги Ҳиро ғорида бўлган бўлса, давоми Мадийнаи Мунаввара ва атрофларида, мукаммал бўлиши видолашув ҳажиди – ушбу биз ўрганаётган оятнинг нозил қилиниши биландир. Ва ниҳоят, Оламларнинг Робби Ўзининг мўмин-мусулмон бандаларига:

**«Бугунги кунда Мен сизга динингизни мукаммал қилиб бердим»,** – деб хитоб қилди.

Ушбу хитоб ҳалол-ҳаром, баъзи ҳайвонларни шаръий йўл билан сўйиш, қай ҳолатда ҳалол гўштлар ҳаромга айланиши масалаларига оид ояти карима ичида келишининг ўзи эътиборга сазовордир. Бу ҳол дин деган тушунча кенг тушунча эканини, ҳозирги баъзи бир гумроҳларнинг фикрича, ҳар одамнинг қалбида қолиши лозим бўлган ўйи, хаёли ва фикри эмас, балки инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи шомил тузум-низом эканини кўрсатади. Дин ўзида эътиқод масалаларини ҳам, шу билан бирга, одоб-ахлоқ, муомала, маънавиятлар, таълим-тарбия, иқтисод, сиёсат, ижтимоий масалалар, ибодатлар, ҳалол-ҳаром ва бошқа муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Мазкур барча ишларда шариат ҳукмига амал қилганлар Аллоҳнинг амрига итоат этган бўладилар. Амал қилмаганлар эса, Аллоҳнинг амрига исён қилган бўладилар. Чунки мукаммаллиги Аллоҳ таоло томонидан эълон этилган шариатдан бошқа томонга оғиш уни эътироф этмаслик бўлади. Бу эса, ўз навбатида, куфрга элтади. Кимки Ислом шариатини ҳаётига дастур қилиб олса, илоҳий дастурни олади, баркамол дастурни олади. Унинг ақийдаси баркамол бўлади. Маънавий ҳаёти баркамол бўлади. Таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, иқтисоди, ижтимоий ҳаёти, сиёсати, турли алоқалари, тузумлари баркамол бўлади. Икки дунёдаги бахт-саодати баркамол бўлади. Борлиқни яратган қодир Аллоҳ шу борлиқ халифаси этиб инсонни ҳам Ўзи яратган. Ўзи яратган борлиқда Ўзи яратган одам қандай дастурга амал қилиб яшаса, икки дунё саодатига эришишини ҳам Ўзи яхши билади. Буюк яратувчи Аллоҳ мукаммал қилиб қўйган ушбу динга юрмай, бошқа тузумларни ахтарганлар эса, мен Худодан ҳам яхши йўл топгувчиман, деб даъво қилган бўлади.

**«Сизга неъматимни батамом қилдим».**

Демак, динни мукамал қилиб беришнинг ўзи улкан ва батамом неъматдир. Исломнинг улуғ неъматлигини мусулмон бўлганлар билади. Айниқса, аввал турли жоҳилиятлар ва уларнинг тузумларини синаб кўриб, кейин мусулмонликка ўтганлар жуда яхши биладилар. Исломсиз яшаган инсоннинг ҳайвондан фарқи йўқлигини ана ўшалар кўпроқ таъкидлайдилар.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига мукамал дин қилиб берган Исломнинг батамом неъмат эканини яратган Холиқни инкор этиб юрган худосизларнинг фожиали оқибатларини кўрганда янада ёрқинроқ тушуниб етилади. Бу ҳақиқатни худосизлар дунё халқлари бошига олиб келган битмас-туганмас мусийбатларни идрок этганлар яхши биладилар.

Аллоҳ таоло бандаларига мукамал дин қилиб берган Исломнинг улуғ неъмат экани молга, дарахтга, инсоннинг жинсий аъзосига сиғиниб, залолатда юрганларни кўрганда билинади.

Бу неъматнинг қадри инсон ақлига ор ҳисобланган турли бузук ақийдаларнинг ҳолини кўрганда тушунилади.

Мукамал дин Исломнинг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани, ҳалол-ҳаром нималигини ажратмай, худди ҳайвон каби, қўлига тушган нарчасини еб-ичиб, ўзига ўзи битмас-туганмас дардлар орттириб олаётганларни кўрганда тушуниб етилади.

Мукамал дин Исломнинг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани ахлоқ-одобдан беҳабар, отасини ҳам танимайдиган, дунёдаги ҳеч бир разолатдан қайтмайдиган, безори ва жинойткор авлодлар етишиб чиққанда билинади.

Мукамал дин Исломнинг қадри оилалар бузилиб, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидан, жамиятдаги кишилар орасидан меҳру оқибат кўтарилиб, одамлар бир-бирларига душманлик руҳида, беҳурматлик руҳида, меҳр-шафқатсизлик руҳида шаклланиб, ижтимоий алоқалари бузилиб бўлган жамиятларнинг ҳолини кўрганда билинади.

Мукамал дин Исломнинг бандаларга улуғ илоҳий неъмат экани иқтисодий ҳолатлар оғирлашиб, кишилар ўз меҳнати самарасини кўра олмай, давлат ёки мулкдорлардан зулм чекиб, бола-чақасини боқиш нари турсин, ҳатто қорнини ҳам тўйғиза олмай юрганида тушуниб етилади.

Шу билан бирга, бир гуруҳ нобакорлар оддий инсонларнинг пешона тери билан топган маблағларини хоҳ давлат номи билан, хоҳ иш одами номи билан, турли услублар ила тортиб олиб, айшу ишрат қилиб юрганларини англаб етганлар мукамал дин Исломнинг, ай-



нан Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларининг илоҳий неъмат эканини тушунадилар.

Мукаммал дин Ислоннинг ҳақиқий илоҳий неъмат экани кучли кучсизни еб, ҳаммаёқда зулм урчиб, инсон ўз жонини, болаларини, молу мулкани ва обрў-номусини ҳимоя қила олмай қолган жамиятларни кўрганда тушуниб етилади.

Мукаммал дин бўлмиш Ислоннинг Аллоҳ таоло томонидан бандаларга улуғ неъмат қилиб берилганини ҳавои нафсига берилган сиёсатчилар халқларни бир-бирига уруштириб, қонини тўкканлари етмай, бутун дунёни вайрон қилиш хавфи остига олиб келиб қўйганларини ҳақиқий тушуниб етганлар англайдилар.

Агар инсоният бу неъматнинг қадрига етганида эди, уни қабул қилиб ўрганган ва ҳаётга татбиқ этганида эди, дунёда ҳеч қандай муаммо қолмаган бўлар эди. Инсоният бекор овора бўлиб, турли назариётларга, мафкураларга, дастурларга ва қонун-қоидаларга му-рожаат этиб, ўзини қийнамаган бўлар эди.

**«Ва сизга Ислонни дин деб, рози бўлдим».**

Аллоҳ таоло инсониятга амал қилиш учун фақат битта динни — Ислонни туширган. Бундан бошқа ҳеч бир динга рози эмас. Шу боисдан ҳам, бошқа динлар унинг даргоҳида қабул эмас. Аллоҳ таолонинг бу хитоби мусулмон бандалари учун улкан шарафдир. Аллоҳ таолонинг катта иноятидир. Шу билан бирга, бу иноят мусулмонлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Аввало, мусулмонлар Ислонга тўлиқ амал қилишларини, қолаверса, ўзларига насиб этган улуғ неъматни бутун дунё халқларига ҳам тарқатишларини вазифа этиб юклайди.

Мукаммал дин Ислон бандаларга Аллоҳнинг улкан неъматини эканини инсофли ғайримусулмон шахслар ҳам ҳар доим англаб келганлар. Уламоларимиз китобларида ишончли манбалардан ривоят қилишларича, яҳудийлар Ҳазрати Умари Одил розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб:

«Сизларнинг китобингизда бир оят бор, агар шу оят биз яҳудийларга нозил бўлганида эди, ўша оят тушган кунни ўзимизга байрам қилиб олар эдик», — деган эканлар. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу:

«Қайси оятни айтмоқчисизлар?» — деб сўрабдилар. Яҳудийлар:

«Бугунги кунда сизларга динингизни мукаммал қилиб бердим», оятини, — дейишибди. Шунда Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу:

«Биз у кунни бир эмас, икки байрам қилганмиз: ҳам жума — ҳафталик байрам, ҳам қурбон ийди — йиллик байрам», — деган эканлар.

Йигирманчи аср охирига келаётган ҳозирги вақтда ҳам бошқа миллат вакилларида худди шу маънодаги хулосага келаётганлар

кўпайиб бормоқда. Дунёнинг тараққий этган етакчи давлатларидан бирининг асли масиҳий (христиан) бўлмиш бир илғор сиёсатчиси ўз қаноати ила мусулмон бўлди ва Ислоом ҳозирги мавжуд тузумларнинг ўрнини олиши зарурлигини таъкидлаб, «Ислоом ўрин олувчи сифатида» деган китоб ёзди.

Мазкур улкан ҳақиқат баён қилинган, оятда яна аввалги мавзуга қайтилади:

**«Кимки гуноҳга мойил бўлмаган ҳолда, очликда музтар бўлса, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир».**

Бу услуб ҳам Қуръони Каримнинг ўзига хос илоҳий услубидир. Қаранг, ҳалол-ҳаром масаласини баён қилиш жараёнида, орада, қисқа иборалар орқали бир олам маънони ўзида мужассам этувчи ҳақиқатлар ифодаланмоқда.

Юқоридаги ҳукмларда айрим ҳолатлардаги гўшларнинг ҳаром эканлиги таъкидланган эди. Охирги жумлада эса, истисно тариқасида музтарлик (заруратлик) ҳолатида ҳукм нима бўлиши ўргатилмоқда. Яъни, дейлик, инсон очликдан музтар бўлди – қийин ҳолга тушиб қолди, егани овқати йўқ, фақат ҳаром қилинган гўшлар бор, холос. Булар ҳаром, деб улардан истеъмол қилмаса, ҳалок бўлади. Нима қилиш керак? Мана шундай ҳолда, гуноҳга мойил бўлмаган ҳолда, яъни, ўзини ҳалокатдан сақлаб қоладиган миқдорда ўша ҳаром нарсадан истеъмол қилса, бўлади. Ночорликдан қилинган бу иш учун Аллоҳ уни иқоб қилмайди. Зотан, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.

Ҳаром қилинган нарсаларнинг баёни тутагандан сўнг, энди ҳалол нарсаларнинг баёни бошланади:

يَسْأَلُونَكَ مَاذَا أُحِلَّ لَهُمْ قُلْ أُحِلَّ لَكُمْ الطَّيِّبَاتُ وَمَا عَلَّمْتُم مِّنَ الْجَوَارِحِ مُكَلِّينَ  
تَعْمُونَهُنَّ مِمَّا عَلَّمَكُمُ اللَّهُ فَكُلُوا مِمَّا أَمْسَكْنَ عَلَيْكُمْ وَاذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ وَانْقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ  
سَرِيعُ الْحِسَابِ ﴿١٥٦﴾

**4. Сендан уларга нима ҳалол қилинганини сўрарлар. Сен: «Сизларга пок нарсалар ҳалол қилинди. Овчи итларга ўхшатиб, Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан уларга ҳам ўргатган овчи ҳайвонларингиз сизга тутиб берган нарсадан енглар. Уларга Аллоҳнинг исмини зикр қилинглари. Аллоҳга тақво қилинглари. Албатта, Аллоҳ ҳисоби тезкор Зотдир», деб айт!**

Ояти кариманинг аввалида Аллоҳ таоло Ўзининг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб, у кишидан мусул-



монлар ўзларига нималар ҳалол қилинганини сўрашларини айтмоқда.

**«Сендан уларга нима ҳалол қилинганини сўрашлар».**

Баъзи нарсаларнинг, хусусан, истеъмоли ҳаром қилинган нарсаларнинг ҳукми тушгач, мусулмонлар тасаввурида улкан инқилоб содир бўлди. Улар энди нима ҳалол ва нима ҳаром эканини фақат Аллоҳгина ҳукм қилишини билиб олдилар. Ҳалол-ҳаромнинг ҳаётларидаги тутган ўрнини ҳам англаб етдилар. Шунинг учун ҳам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ўзларига нима ҳалол қилинганини сўрашга ўтдилар. Улар билмасдан ҳаромга қўл уриб қўйишдан қўрқар эдилар. Ҳаромдан ҳазар қилардилар. Мусулмон банданинг ҳақиқий сиймоси шундай бўлиши лозим. Ўзининг ҳар бир иши, жумладан, ейдиган таоми ҳам шариат ҳукмига мувофиқ бўлишига ҳаракат этиши керак. Кўнглига келганини қилиш, қўлига тушганини ейиш ҳайвонларнинг иши.

Мусулмонларнинг саволларига нима деб жавоб беришни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг Ўзи ўргатиб:

**«Сизларга пок нарсалар ҳалол қилинди»**, деб айтишни буюрмоқда. Яъни, мусулмонлар пок нарсалардан маҳрум қилинганлари йўқ. Нимаики пок бўлса, уларга ҳалол. Демак, уларга нопок нарсаларгина ҳаром қилинган. Шундан келиб чиқилса, Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсалар пок, фойдали, дегани бўлади. Аксинча, Аллоҳ таоло ҳаром деган нарсалар ифлос ва зарарли, деганидир.

Сўнгра, умумий ҳалол қилинган пок нарсалардан баъзи изоҳга ҳожати борлари эслатиб ўтилади:

**«Овчи итларга ўхшатиб, Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан уларга ҳам ўргатган овчи ҳайвонларингиз сизга тутиб берган нарсалардан енглар».**

Баъзи ҳайвонлар ва қушлар бошқа ҳайвон ва қушларни овлаши ҳаммага маълум. Аввал ўтган оятда ўргатилмаган йиртқич ҳайвон ёки қуш овлаган ҳалол ҳайвоннинг, агар жони бор пайтида сўйиб олинмаса, гўштини еб бўлмаслиги баён қилинган эди. Бу ерда эса, гап йиртқич ҳайвон ва қушлар билан ов қилиш ҳақида кетмоқда. Одатда, овга, кўпроқ, ит ўргатилади. Оятда: «Овчи итларга ўхшатиб», — деб айтилаётганининг боиси ҳам шундан. Демак, итни овга ўргатгандек қилиб бошқа ҳайвонлар ҳам овга ўргатилган бўлса, улар овлаган ҳайвонни мусулмон одам истеъмом қилса, бўлади.

Ҳайвонларни овга ўргатиш ҳақидаги жумлада,

**«Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан уларга ҳам ўргатган ҳайвонларингиз»**, деган ифода келмоқда. Бундан, инсонга ҳамма нарсани, жумладан, ҳайвонни овга ўргатишни ҳам Аллоҳ таълим бер-

ганлиги келиб чиқади. Инсонга ақл ато қилиб, йиртқичларни унга итоат эттириб қўйган Зот ҳам Аллоҳнинг Ўзи.

Қандай ҳайвон ўргатилган ҳисобланади ва қай ҳолда у тутган ўлжанинг гўшти мусулмонга ҳалол бўлади?

Уламоларимизнинг фикрларича, овга қўйилган ҳайвон ўлжани ушлаб, то эгаси келгунга қадар емай турса, ўшандай ҳайвон ўргатилган бўлади. Агар ушлаб, ундан еб қўйса, ўргатилган ҳисобланмайди ва у ушлаган ўлжанинг гўштини еб бўлмайди.

Аммо мазкур ўлжанинг ҳалол бўлишининг асосий шарти шуки, ов ҳайвонини ўлжа томон қўйиб юбораётган пайтида овчи «Бисмиллаҳи»ни айтиши шарт. Чунки оятда:

**«Уларга Аллоҳнинг исмини зикр қилинг!»** — деб амр этилмоқда. Мўмин-мусулмон киши ҳеч қачон Аллоҳни унутмаслиги керак. Овчи ҳайвонни ўлжага қўяётганда «Бисмиллаҳи»ни айтса, ҳайвони ўлжани тиши ёки чангали билан ўлдирса, сўйиш вақтидаги «Бисмиллаҳи»нинг ўрнига ўтади.

Албатта, бундай ишларда ҳар хил ҳолат рўй бериши мумкин. Масалан, мол-дунёга қизиқиб, ҳалоллик шартига тўғри келмайдиган ҳайвонларни ҳам баъзан ҳалол деб юборилаверади. Шундай ҳолнинг олди олиниб, ояти кариманинг охирида:

**«Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ ҳисоби тезкор Зотдир»**, дейилмоқда.

Кейинги оятда таомларнинг ҳалоли ҳақидаги масала давом эттирилиб, кетидан никоҳдаги ҳалол хусусида баҳс очилади:

الْيَوْمَ أُحِلَّ لَكُمْ الطَّيِّبَاتُ وَطَعَامُ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَلَلٌ لَكُمْ وَطَعَامُكُمْ حَلَلٌ لَهُمْ  
وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ إِذَا آتَيْتُمُوهُنَّ  
أُجُورَهُنَّ مُحْصِنِينَ غَيْرَ مُسَفِحِينَ وَلَا مُتَّخِذِي أَخْدَانٍ وَمَنْ يَكْفُرْ بِالْإِيْمَانِ فَقَدْ حَبِطَ  
عَمَلُهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٥٦﴾

5. Бугунги кунда сизларга пок нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилганларнинг таоми сиз учун ҳалолдир. Сизнинг таомингиз улар учун ҳалолдир. Афийфа мўминалар ва сиздан олдин китоб берилганлардан бўлган афийфалар ҳам, агар ифбатли бўлган ҳолингизда, зинокор бўлмай ва ўйнаш тутмай маҳрларини берсангиз, сизга ҳалолдир. Ким иймонни инкор қилса, унинг амали беҳуда кетади ва охиратда у зиён кўрувчилардан бўладир.

Бу ояти кариманинг аввалида:

**«Бугунги кунда сизларга пок нарсалар ҳалол қилинди»**, деб юқорида зикр қилиб ўтилган олиймақом маъно яна бир бор таъкидланмоқда. Кейин эса, ҳалол-ҳаром масаласида ғайридин миллатлар билан ҳам ўзига хос муомалалар, кенгчиликлар борлиги эслатилиб, бу ҳақда баъзи ҳукмлар баён қилинмоқда:

**«Китоб берилганларнинг таоми сиз учун ҳалолдир. Сизнинг таомингиз улар учун ҳалолдир».**

Ислом мусулмонларга номусулмонлар билан бирга тинч-омон яшашга рухсат берган. Лекин шунинг ўзи етарли эмас. Модомики, мусулмонлар жамиятда бошқа дин вакиллари билан биргаликда яшар эканлар, табиийки, ўртада турли шаклда яқин алоқалар бўлиши, ўзаро борди-келди қилишлари мумкин. Шундан келиб чиқиб, мусулмонларга аҳли китобларнинг сўйган сўйишлари ҳалол қилинган. Бу оятда «таом» сўзи қўлланган, аммо ундан аҳли китобларнинг барча таомлари, жумладан, чўчқа ёки бошқа ҳаром ҳайвонларнинг гўшти, ароққа ўхшаш ичимликлари ҳам ҳалол экан-да, деб тушунилмаслиги керак. Бу нарсаларнинг ҳаромлиги ўз-ўзидан ҳаммага маълум. Асли ўзи ҳалол бўлган бошқа нарсалар ҳақида ҳам аввал айтиб ўтилди. Демак, бу ерда гап гўшти асли ҳалол бўлган ҳайвонлар аҳли китобларнинг динлари асосида сўйилган бўлса, ҳалол бўлишлиги ҳақида кетмоқда.

Баъзи кишилар: **«Сизнинг таомингиз улар учун ҳалолдир»**, дейишлик нима учун керак бўлди экан? Улар Қуръон ҳукмига амал қилишмайди-ку? Ҳалол-ҳаромнинг фарқига ҳам боришмайди-ку, дейишлари мумкин. Уламоларимиз бунга жавобан: «Мазкур хитоб мўминларга қаратилган, сизлар ҳам уларга ўз таомингиздан берсангиз бўлаверди, деганидир», — дейдилар.

Бошқа дин вакилларига нисбатан Исломдаги бағрикенглик ушбу ҳукм билан чегаралиниб қолмайди. Балки яна ҳам чуқурроқ, яна ҳам нозикроқ масалада — никоҳ масаласида ҳам кўрилади:

**«Афийфа мўминалар ва сиздан олдин китоб берилганлардан бўлган афийфалар ҳам, агар ифбатли бўлган ҳолингизда, зинокор бўлмай ва ўйнаш тутмай маҳрларини берсангиз, сизга ҳалолдир».**

Мусулмон эр кишига муслима, афийфага (покиза аёлга) ифбатли бўлиб, зинокор бўлмай ва ўйнаш тутмай, маҳрини бериб уйланиши шарт бўлганидек, аҳли китобдан бўлган афийфага — покиза аёлларга уйланишида ҳам мазкур нарсалар шарт қилинди.

Аввал айтиб ўтганимиздек, бир жамиятда яшаётган икки диндаги шахс ўртасида уйланиш масаласи ҳам кўтарилиши мумкин.

Шунинг эътиборидан Исломда мусулмон эркакнинг аҳли китоб аёлга уйланишига рухсат берилган. Бундай никоҳда хотин ўз истагига биноан динини ушлаб қолиши мумкин. У ўз дини кўрсатмаларига амал қилаверади. Ислом дини унинг ҳамма ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Бундай бағрикенглик жамики инсониятнинг бахтига кафолат берувчи мукамал дин бўлмиш Исломга хос, холос. Бу ҳукмнинг нақадар инсонпарвар эканлигини англаб етиш учун бошқа динларга бир назар солишнинг ўзи кифоя.

Масалан, насороларнинг динида католик мазҳабидаги эркак ҳатто православ мазҳабидаги аёлга уйлана олмайди. Шунингдек, протестант ёки моруний мазҳабидаги аёлга ҳам уйланомайди.

Ушбу ўта аҳамиятли ҳукмларнинг сўнггида шиддатли таҳдид келяпти:

**«Ким иймонни инкор қилса, унинг амали беҳуда кетади ва охиратда у зиён кўрувчилардан бўладир».**

Мазкур ҳукмларга оғишмай амал қилиш иймондандир, бошқача қилиб айтганда, иймон белгисидир. Кимки ушбу ҳукмлардан юз ўтгирса, иймонни инкор қилган, ундан юз ўтгирган бўлади. Иймондан юз ўтгирган, иймонни инкор қилган одамнинг эса, аввал қилган ҳамма амаллари беҳуда кетади. Бу маъно Қуръон матнида «ҳабата» сўзи билан ифодаланган. Бирор ҳайвон заҳарли ўсимлик еб, қорни шишиб ўлса, ҳабата кетди, дейилади. Ботил амал ҳам заҳарли ўсимликка ўхшайди, уни қилган кимсага офат келтиради. Энг ёмони – охиратда у зиёнкорлардан бўлади.

Мусулмонларга ҳалол қилинган таомлар ва аёллар ҳақидаги ҳукмлар кетидан уларнинг кўз қорачиғи ҳисобланган ибодатлари (намоз) борасида ва намоз учун зарур бўлган таҳорат ҳақида гап кетади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطَّهَّرُوا وَإِنْ كُنْتُمْ مَرْضَىٰ أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِنْكُمْ مِنَ الْغَائِطِ أَوْ لَمَسْتُمُ النِّسَاءَ فَلَمْ يَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا فَامْسَحُوا بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ مِنْهُ مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِنْ حَرَجٍ وَلَٰكِنْ يُرِيدُ لِيُطَهِّرَكُمْ وَلِيُتِمَّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ

**6. Эй, иймон келтирганлар! Намозга турмоқчи бўлсаларингиз, юзларингизни ва қўлларингизни чифаноқлари ила ювинглар. Бошларингизга масҳ тортинглар. Ва оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар. Агар жунуб бўлсаларингиз, покларинглар. Агар бемор ёки сафарда бўлсаларингиз ёхуд бирорталарингиз таҳоратхонадан келса ёки аёлларга яқинлик қилса-ю, сув топа олмасаларингиз, бас, покиза тупроқ ила таяммум қилинглар. Ундан юзингизга ва қўлларингизга масҳ тортинглар. Аллоҳ сизларга қийинчилик туғдиришни истамас. Аммо сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини батамом қилиб беришни истайдир. Шоядки, шуқр қилсангизлар.**

Ушбу оятлар синчиклаб ўқиб-ўрганилса, Ислоннинг поклик дини, поклик бўлганда ҳам, мукамал поклик дини эканлиги яққол намоён бўлади. Аввалги беш оятда пок нарсаларнинг ҳалол қилингани, мусулмонларга пок таомлар, покиза аёллар ҳалол қилингани ҳақида сўз борган бўлса, бу оятда бадан поклиги ҳамда, энг муҳими, қалб поклиги ҳақида сўз кетмоқда. Чунки, намоз қалбни покловчи амалдир. Ҳамма нарса покликка таянади, покликка қаратилгандир. Хос-сатан, намоз ўқиш учун нафақат бадан, балки кийим-бош ва жой ҳам пок бўлиши зарур.

Ҳукм баёни «**Эй, иймон келтирганлар!**» нидоси билан бошланаётгани бу ҳукмларнинг ҳам аҳамият жиҳатидан олдингиларидан қолишмаслигини кўрсатади.

**«Намозга турмоқчи бўлсаларингиз, юзларингизни ва қўлларингизни чифаноқлари ила ювинглар. Бошларингизга масҳ тортинглар. Ва оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар».**

Таҳоратнинг фарзлиги ва бу фарз амалнинг ичида тўртта фарз борлиги ушбу оятдан олинган. Шу билан бирга, баъзи тоифалар ушбу оятни тушунишда ва ундан ҳукм чиқаришда мусулмонлар жумҳурига зид боришган. Бунга ояти каримани нотўғри талқин қилиш сабаб бўлган. Оятнинг матни «Бошларингизга масҳ тортинглар ва оёқларингиз ҳам!» – деганга ўхшаш маънода келган. Бу тарзда тузилган жумлани шиъа мазҳабидаги кишилар «ва оёқларингизга ҳам масҳ тортинглар» деган маънода тушунганлар ҳамда шу маънодан келиб чиқиб, таҳорат қилганда, юзини ювади, қўлини чифаноғи билан ювади, бошига ҳамда оёғига масҳ тортади, деб ҳукм чиқарганлар. Шундай қиладилар ҳам. Қуръони Карим маънолари бошқа тилларга таржима қилинганда ҳам кўпинча шу хатога йўл қўйилган. Аслида, ундай эмас. Таҳоратнинг тартибига мувофиқ бўлиши учун оёқни ювиш кераклиги охирида зикр қилинган. Араб тилидан, Қуръон тилова-

тидан хабардор ҳеч бир шахс бу маънодан бошқа маънони тушунмайди. Қолаверса, Қуръони Каримни биринчи қабул қилиб олган зот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унга оёқни ювиш маъносини берганлар ва ўзлари доимо таҳоратда оёқларини ювганлар. Қуръони Каримнинг нозил бўлишига ҳамаср бўлган саодатманд авлод — саҳобаи киромлар авлоди бу оятни, оёқни ювишни англатади, деб тушунганлар ва ҳаммалари таҳорат қилганларида оёқларини ювганлар. Улардан бирорталари ҳам оёққа масҳ тортмаганлар.

Намоз учун таҳорат фарз эканлиги баён этилганидан сўнг, яъни, кичик таҳоратсизликдан покланиш баён қилингандан сўнг, катта таҳоратсизликдан — жунубликдан покланиш баён қилинади.

**«Агар жунуб бўлсаларингиз, покланинглар».**

Яъни, ғусл қилинглар.

Жунублик ихтилом бўлиш ёки жинсий алоқа туфайли юзага келади. Аввалги оятларда ҳам келган ва ўз жойида баён қилинган эди.

Баъзи ҳолларда инсон таҳоратга ёки ғуслга имкон топа олмай қолади. Шунда нима қилиши керак? Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон Зот, бу ноқулай ҳолатдан чиқишнинг йўлини ҳам ўзи кўрсатади.

**«Агар бемор ёки сафарда бўлсаларингиз ёхуд бирорталарингиз таҳоратхонадан келса ёки аёлларга яқинлик қилса-ю, сув топа олмасаларингиз, бас, покиза тупроқ ила таяммум қилинг».**

Худди шу маънолар «Нисо» сурасида ҳам келган ва ўша жойда батафсил баён қилинган. Бу ўринда жунубликда ҳам таяммум қилинганига далил сифатида бир ҳадиси шариф келтириш ўринли бўлса керак.

Имом Бухорий қилган ривоятда Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Ғазотларнинг бирида, совуқ кечада ихтилом бўлиб қолдим. Ғусл қилсам, ҳалок бўлишимдан қўрқиб, таяммум қилдим. Сўнгра шерикларимга имом бўлиб бомдод намозини ўқидим. Улар буни Пайғамбаримиз алайҳиссаломга етказдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳой Амр, жунуб бўлсанг ҳам, шерикларингга имом бўлиб намоз ўқидингми?!» — деб сўрадилар. У кишига нимага ғусл қилмаганимнинг хабарини бердим. Ҳамда Аллоҳ «Ўзингизни ўлдирманглар! Аллоҳ сизларга раҳимли Зотдир», деганини эшитган эдим, дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар-да, ҳеч нарса демадилар. Бу, у кишининг иқрорлари эди».

«Нисо» сурасида келган таяммум ҳақидаги оятнинг тафсирида айтганимиздек, намоз ғоят муҳим ибодат, уни тарк этишнинг ҳеч узри йўқ, таҳорат қилиш имкони бўлмаса, таяммум қилиб бўлса



ҳам, ўқиш зарур. Шунинг учун, шариатга таяммум киритилган. Бу ерда таяммум қилишнинг қойдаси баён этилмоқда.

**«Ундан юзларингизга ва қўлларингизга масҳ тортинглар»** (яъни, тоза тупроқдан).

Тупроқни юзга ва қўлларга суртишдан мақсад нима? Нима учун шундай қилинади? Аллоҳ таоло бу ишни буюриш билан нимани ирода этган? Наҳотки, одамларни қийнашни истаган бўлса? Жавоб Аллоҳ таолонинг Ўзидан келади:

**«Аллоҳ сизларга қийинчилик туғдиришни истамас. Аммо сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини батамом қилиб беришни истайдир».**

Аллоҳ ҳеч қачон бандаларига қийинчиликни истамайди. Исломда ҳамма нарса енгилликка бино қилинган. Сув йўқ бўлса ёки уни истеъмол қилиш имкони бўлмаса, таяммумга буюрилиши ҳам енгилликдир. Аллоҳ таоло хоҳлаганида, қандай қилиб бўлса ҳам, сув топасан ва сув билангина таҳорат қиласан, дейишга ҳаққи бор эди. Аммо бу нарса бандаларига оғир бўларди. Таяммумга амр этишдан мурод, Аллоҳ мусулмонларни поклашни истайди. Чунки, намоз Аллоҳ таоло билан бўладиган мулоқотдир. У мўмин банданинг меърожидир. Намозда банда Роббул Оламийннинг қаршисида туриб, Унга муножот қилади. Ундан ҳожатларини сўрайди. Унга дардини тўкиб солади. Бу муҳим ва қолдириб бўлмас мулоқотга покланиб бориш лозим экан, агар сув топилмаса, таяммум қилиб бўлса-да, покланиш зарур. Бунга ўша мулоқотни тайин қилган Зот—Аллоҳ таолонинг Ўзи рухсат беряпти. Намоз Аллоҳ таолонинг Ўзи билан мулоқотга чиқиш учун бандаларига яратиб берган имконият бўлиб, бу ҳол У зот намозга қанчалик аҳамият беришини кўрсатади. Аммо баъзи нобакор бандаларнинг бу олиймақом мулоқотдан қочиб юришларини қандай баҳоласа бўлади?

Оятнинг давомида:

**«Ва сизга Ўз неъматини батамом қилиб беришни истайдир»**, дейишидан, таяммум қилиб бўлса ҳам, намоз ўқишга рухсат бериши бандаларга Аллоҳнинг неъматини эканини тушунамиз. Банда бу неъматнинг қадрига етиши ва унга шукр қилиши лозим.

**«Шоядқи, шукр қилсангиз».**

Юқорида олтига оят ўтди. Бу оятларда озиқ-овқат, ов қилиш, ҳалол-ҳаром, никоҳ, одамлар муомаласи, таҳорат, намоз каби масалалар келди. Ушбу масалаларнинг барчаси бир хил эътибор ила аралаш ҳолда келмоқда. Улар мўмин-мусулмонларга қарата:

**«Эй, иймон келтирганлар!»**—деган хитоб орқали баён қилинмоқда. Бу эса, Ислом дини инсон ҳаётининг ҳамма соҳаларини қам-

раб олганини кўрсатади. Ҳамда, дин ҳар бир одамнинг қалбидаги ишончидир, деган сафсатанинг бекор эканига ёрқин далилдир. Биз бундан Ислом дини ҳам ақийда, ҳам ҳаёт тарзи, ҳам муомала, ҳам иқтисод, ҳам сиёсат эканини, бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг бандаларига берган амри-фармони эканини тушуниб оламиз. Биз бундан ҳаётимиздаги ҳар бир ишимиз намоз ва таҳорат каби ибодат эканини, уларга худди намоз ва таҳоратга эътибор берганимиздек муносабатда бўлишимиз лозимлигини англаб етамиз. Дилида мусулмон бўлиб, амалида кофирнинг ишини қилиш аҳмоқлик эмасми? Масжидда мусулмон-у, бозорда ёки ошхонада номусулмон бўлиш гумроҳлик эмасми? Аллоҳ ўз бандаларидан ҳамма ишда унга таслим бўлишни истайди. Шунга бўйин эгган одамгина ҳақиқий мусулмон бўла олиши мумкин. Ана шундагина банда Аллоҳ таолога берган аҳдномасига вафо қилган бўлади.

Мазкур шаръий ҳукмлар баён этиб бўлингандан сўнг, келаси оятда Аллоҳ таоло неъматини ва мийсоқни эслатади:

وَأذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَمِيثَاقَهُ الَّذِي وَاثَقَكُمْ بِهِ إِذْ قُلْتُمْ سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا وَأَتَقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٥٧﴾

**7. Аллоҳнинг сизга берган неъматини ва сиздан олган аҳдини эсланг. Ўзингиз: «Эшитдик ва итоат қилдик», дегансиз-а?! Ва Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ кўкраклардаги нарсани ҳам билгувчи Зотдир.**

Инсонга Аллоҳ берган неъматларнинг саноғига етиб бўлмаслигини, бу неъматларнинг шукрини ҳам адо эта олмаслигимизни яхши биламиз. Аммо Аллоҳнинг бизга берган неъматлари ичида энг улуғи иймон — Ислом неъматини эканини тушуниб етмоғимиз лозим. Бу улкан неъматнинг шукри унга амал қилиш билан бўлишини ҳам тушунмоғимиз керак.

Оятда келаётган «мийсоқ» — аҳднома эса, Аллоҳнинг амрига итоат қилиш аҳдномаси эди. Бандалар ўзлари иймон келтириб, мўмин-мусулмон бўлганларида, «эшитдик ва итоат қиламиз», деб аҳд беришган эди. Энди аҳкомлар келди. Уни тинглаб, ўргансинлар ва итоат қилсинлар. Тақводор бўлсинлар. Чунки, Аллоҳга иймонсиз, итоатсиз ва тақвосиз ҳаётнинг мазмуни бўлмайди:

**«Ва Аллоҳга тақво қилинг».**

Ундан қўринг. Сиз Аллоҳга тақво қилганингиздагина, дилингиздаги иймон кучли бўлади ва зоҳирдаги ишингизни унинг тақо-



зосига мувофиқ қиласиз. Агар тақво бўлмаса, тил билан чиройли гапларни гапириб қўйиб, амалда унинг тескариси қилинаверади. Шунинг учун ҳам, тилдан чиққан ҳар бир нарсага ишониб бўлмайди. Дилда ҳақиқий иймон бўлсагина, шариат аҳкомларига тўлиқ амал қилинади. Одамлар ўзларича тилда иймон – Исломга оид гапларни гапириб, ҳаммани оғзиларига қаратганларидан хурсанд юрибдилар. Аммо:

**«Албатта, Аллоҳ кўкраклардаги нарсани ҳам билгувчи Зотдир».**

Яъни, ҳар бир инсоннинг яширин ниятлари, махфий хотиралари ва беркитган сирларини ҳам очиқ-ойдин ва аниқ билади.

Кейинги оятда бандаларнинг Аллоҳ олдидаги аҳдларидан бири ҳақида сўз кетади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا كُوْنُوْا قَوّٰمِيْنَ لِلّٰهِ شُهَدَآءَ بِالْقِسْطِ وَلَا يَجْرِمَنَّكُمْ  
شُرَكَآءُ قَوْمٍ عَلٰٓى اَلَّا تَعْدِلُوْا اَعْدِلُوْا هُوَ اَقْرَبُ لِلتَّقْوٰى وَاتَّقُوا اللّٰهَ اِنَّ اللّٰهَ خَبِيْرٌ  
بِمَا تَعْمَلُوْنَ ﴿١٠٧﴾

**8. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ учун ҳақда туринг, адолатли гувоҳ бўлинг. Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни уларга нисбатан адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Бу тақвога оид ишдир. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалингиздан хабардор зотдир.**

**«Эй, иймон келтирганлар!»** – нидоси мўминларга ниҳоятда маҳбуб нидо экани айтилган. Бу нидо уларни ҳар қандай машаққатга қўрқмай пешвоз чиқишга тарғиб қилади. Демак, бу ўринда ҳам ўта муҳим бир масала ўртага ташланадиганга ўхшайди.

**«Аллоҳ учун ҳақда туринг, адолатли гувоҳ бўлинг».**

Дарҳақиқат, ўзи учун ёки оиласи, қавми-қариндоши, миллати ёки бошқа эътиборлар учун эмас, фақат Аллоҳ учун ҳақда туриш керак. Бу, осон иш эмас. Шунингдек, кези келганда ўзига қарши, ҳатто ота-онаси, бола-чақасига қарши адолатли гувоҳ бўлишга ҳам тўғри келади. Ниҳоятда оғир иш. Бундай мўъжизасифат ишлар фақат иймоннинг таъмини тотган, Исломнинг ҳақиқатини англаган кишилардангина содир бўлади. Бунга кўҳна тарихнинг ўзи гувоҳ.

Кетидан бундан ҳам машаққатлироқ даражадаги иш айтилади:

**«Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни уларга адолат қилмасликка олиб бормасин».**

Бу дегани – душманига нисбатан ҳам адолатли бўлиш, деганидир. Ўзи ёмон кўрган қавмларга ҳам ҳеч қандай шарт-сўзсиз, тўғридан-тўғри, фақат адолат ила муомалада бўлишни тақозо этади. Бу эса, унча-мунча инсоннинг қўлидан келмайди. Аммо, иймон – Ислом неъматидан баҳраманд бўлганларга, Аллоҳнинг розилигини кўзлаб ҳаёт кечираётганларга бу иш ҳам аини муддао, кўзланган мақсад. Мусулмонлар динларини маҳкам тутган пайтларида бу сифатларини бутун дунёга амалда кўрсатганлар. Инсоният тарихи аввал ҳам, кейин ҳам бундай намуналарни кўра олгани йўқ. Фақат мусулмонлардан, улар Исломни маҳкам тутган пайтларида кўрган, холос. Бунинг мисоллари сонсиз-саноксиз. Биргинасини бу ерда келтирамиз:

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Равоҳа розияллоҳу анҳуни Хайбар номли жойга юбориб, уларнинг мевалари ва зироатлари маҳсулини ўлчаб келишни топширдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ерни фатҳ қилган чоғларида Хайбар аҳли билан маҳсулнинг ярмини беришга келишган эдилар. У ерда яшовчи яҳудийлар Абдуллоҳ ибн Равоҳа розияллоҳу анҳуга пора бериб, ишда фойдаларига ўзгариш қилмоқчи бўлдилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Равоҳа розияллоҳу анҳу уларга қараб: «Аллоҳга қасамки, ҳузурингизга мен учун халойиқнинг энг маҳбуби бўлган зот олдидан келдим. Сизлар эса, Аллоҳга қасамки, мен учун маймун ва тўнғиздан ҳам баттарсизлар. Аммо у кишини яхши кўришим ва сизларни ёмон кўришим, сизларга адолатсизлик қилишимга сабаб бўла олмайди», дедилар. Шунда яҳудийлар ажабланишиб: «Осмонлару ерни тутиб турган нарса ҳам – шу, ўзи», – дейишган.

Бундай соф, Аллоҳ учун адолат ўрнатиш бошқа ҳеч бир миллатда, тузум ёки динда бўлмаган, бўлмайди ҳам. Ҳозирги кунда адолат даъвосини қилаётганларнинг адолатсизликлари ҳам иймону Исломсиз соф адолат бўлиши мумкин эмаслигини яна бир бор кўрсатмоқда. Чунки, ҳақиқий адолат фақат ҳақиқий тақводор қалб эгасидангина содир бўлиши мумкин. Ояти карима шуни таълим беради бизга:

**«Адолат қилинг. Бу тақвога оид ишдир».**

Қалбида тақвоси бор инсонга унинг Аллоҳдан хабардорлиги, Яратганнинг розилигини топишга уриниш ҳисси соф адолат учун ҳаракат қилишига туртки бўла олади. Чунки фақат тақводор инсонгина:

**«Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардор Зотдир»**, деган огоҳлантиришга тўлиқ ишонади.

Мазкур фармонларга амал қиладиганлар бор, амал қилмайдиганлар ҳам бор. Уларнинг мукофоти ёки жазоси қандай бўлишини келаси оятлар баён қилиб беради:

وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٩﴾

**9. Аллоҳ иймон келтириб яхши амалларни қилганларга ваъда қилди: Уларга мағфират ва улкан ажр бўлур.**

Одатдагидек, бу оятда ҳам иймон эслатилгандан сўнг «яхши амал қилиш» ҳам қўшиб қўйилапти. Бу эса, ҳақиқий иймон эгаси иймон тақозоси бўйича амал қилиши лозим эканини яна бир бор кўрсатиб турибди. Иймонини яхши амаллар ила қувватлантирган кишиларни Аллоҳ бу дунёда гуноҳларини мағфират қилиб, у дунёда жаннатга киритиши турган гап. Қуръони Карим истилоҳида жаннат «улкан ажр» деб ҳам айтилади.

Келаси ояти каримада иймон, амали солиҳ ва уларнинг мукофотига зид нарсалар зикр этилади.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴿١٠﴾

**10. Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – ана ўшалар дўзах эгаларидир!**

Куфр келтирганлар дўзах эгаси бўлмаса, ким дўзах эгаси бўларди. Аллоҳ таолонинг оятларини ёлғонга чиқарганлар дўзах эгаси бўлмаса, ким дўзах эгаси бўлар эди!

Кейинги оятда Аллоҳ таоло мусулмонларга уларни душманларидан ҳимоя қилиб, неъмат ато этганини эслатади. Бу эса, ўз навбатида, мўмин бандаларни адолат ўрнатишда бардавом бўлишга тарғибдир:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ هُمْ قَوْمٌ أَنْ يَبْسُطُوا إِلَيْكُمْ أَيْدِيَهُمْ فَكَفَّ أَيْدِيَهُمْ عَنْكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١١﴾

**11. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг. Бир қавм сизга қўл узатмоқчи бўлганида, У уларнинг қўлларини сиздан қайтарган эди. Ва Аллоҳга тақво қилинг. Мўминлар Аллоҳга таваккал қилсинлар.**

«Мусулмонларга қўл чўзмоқчи бўлган қавм» кимлар эканлиги ҳақида турли ривоятлар бор. Аммо муҳаққиқ уламоларимиз бу қавм

Ҳудайбия ҳодисаси пайтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва мусулмонларни гафлатда қолдириб, қириб ташламоқчи бўлган мушриклар гуруҳи эканини таъкидлаганлар.

**«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг. Бир қавм сизга қўл узатмоқчи бўлганида, У уларнинг қўлларини сиздан қайтарган эди».**

Аллоҳ уларга ёвуз ниятларига эришиш имконини бермади. Улар мусулмонлар қўлига асир тушдилар. Бу, албатта, Аллоҳ томонидан мусулмонларга берилган улкан неъматдир. Кўриниб турибдики, Аллоҳ хоҳласа, ҳар қандай ҳолда ҳам бандасига неъмат ато этади. Аммо банда бундай бахтга эришиши учун бу иноятга лойиқ бўлиши лозим. Бу эса, яна тақво билан бўлади. Шунинг учун ҳам:

**«Ва Аллоҳга тақво қилинг»**, деб хитоб этилмоқда.

Айни чоғда, Аллоҳнинг мададидан ҳеч қачон умид узмаслик лозимдир. Буни:

**«Мўминлар Аллоҳга таваккал қилсинлар»**, деган жумладан билиб оламиз.

Юқоридаги оятларда Аллоҳ таоло билан мўминлар орасидаги мийсоқ — аҳднома ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, мийсоқ — аҳднома яхудийлар билан ҳам бўлган эди. Энди ўша аҳдноманинг оқиба-ти баён қилинади:

﴿ وَلَقَدْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَبَعَثْنَا مِنْهُمُ اثْنَيْ عَشَرَ نَقِيبًا وَقَالَ اللَّهُ إِنِّي مَعَكُمْ لَئِنْ أَقَمْتُمُ الصَّلَاةَ وَآتَيْتُمُ الزَّكَاةَ وَآمَنْتُمْ بِرُسُلِي وَعَزَّرْتُمُوهُمْ وَأَقْرَضْتُمُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا لَأُكَفِّرَنَّ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَلَأُدْخِلَنَّكُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ فَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ مِنْكُمْ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءَ السَّبِيلِ ﴾

12. Батаҳқиқ, Аллоҳ Бани Исроилдан аҳднома олди. Улардан ўн иккитасини нақиб қилиб юбордик. Ва Аллоҳ: «Албатта, Мен сизлар биланман. Агар намозни қоим қилсангиз, закотни берсангиз, Пайғамбарларимга иймон келтирсангиз, уларни қўлласангиз ва Аллоҳга яхши қарз берсангиз, албатта, сизнинг хатоларингизни кечираман ҳамда сизни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритаман. Бас, бундан кейин ҳам сиздан ким куфр келтирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашган бўладир», деди.

Ушбу оятдан кўриниб турибдики, бандалардан мийсоқ — таъкидланган аҳднома олиш Аллоҳнинг аввалдан бўлиб келаётган одати экан. Бундай аҳднома фақат мусулмонлардан эмас, балки бошқа умматлардан, жумладан, Бани Исроилдан ҳам олинган экан.

**«Батаҳқиқ, Аллоҳ Бани Исроилдан аҳднома олди».**

Бани Исроил — яҳудийлардир. Исроил — Яъқуб алайҳиссаломнинг иккинчи исмлари. Маълумки, у кишининг ўн иккита ўғиллари бўлган. Ушбу ўн икки ўғилдан тарқалган зурриётлар Бани Исроилни ташкил этади. Аллоҳ таоло аҳдни ўша ўн икки уруғнинг (асботнинг) ўн икки нақибни — вакилидан олган.

**«Улардан ўн иккитасини нақиб қилиб юбордик»**, дейилиши шундан.

Аллоҳ билан Бани Исроил орасидаги аҳднома нима ҳақида бўлганини оятнинг давомидан биламиз:

**«Ва Аллоҳ: «Албатта, Мен сизлар биланман»**, деди.

Аммо Аллоҳнинг Бани Исроил билан бирга бўлиш ҳақидаги аҳди бекордан-бекорга эмас. Шарт бор. Ўша шартларга Бани Исроил амал қилгандагина аҳд кучга кириши керак. Хўш, улар қайси шартлар экан?

Биринчиси:

**«Агар намозни қоим қилсангиз».**

Намознинг фарзлигини тан олиш ёки ўқиш эмас, балки намозни қоим қилишлик. Яъни, унинг аслини мустаҳкам қилиб, Парвардигори Олам билан банда орасидаги ҳақиқий алоқага айлантириш лозим эди. Бу дегани — намозни Аллоҳ ирода қилгандек адо этиб, ундан кутилган натижаларни, жумладан, тарбиявий, ахлоқий, ижтимоий натижаларни фаҳш ва мункар ишлардан қайтарадиган даражада манфаатли ҳолга эриштириш лозим эди.

Иккинчиси:

**«Закотни берсангиз».**

Бу борада ҳам худди намоз тўғрисида айтилган гапларни айтиш мумкин. Закотни Аллоҳ хоҳлагандек қилиб адо этиш лозим. Ундан кўзланган барча ҳикмат ва фойдалар юзага чиқиши, закот орқали иқтисодий ҳаёт илоҳий қоидалар асосида борадиган бўлиши керак.

Учинчиси:

**«Пайғамбарларимга иймон келтирсангиз ва уларни қўлласангиз».**

Бу ҳам жуда муҳим иш. Аллоҳ юборган Пайғамбарларнинг барчасига ҳеч бирларини айирмасдан иймон келтириш. Уларнинг ҳаммаси Аллоҳ томонидан юборилган Пайғамбарлар, деб эътиқод қилиш лозим. Улардан бирорталарига куфр келтириш ҳаммаларига куфр

келтиришга, қолаверса, Аллоҳ таолога ҳам куфр келтиришга тенгдир. Аллоҳнинг Пайғамбарларига иймон келтиришнинг ўзи етарли эмас. Балки, иймонни амалга таржима ҳам қилиш керак. Пайғамбар алайҳиссаломларни қўллаш ҳам керак. У зотлар ўз ҳаётларини бағишлаган хайрли ишга уларга иймон келтирганлар ҳам ўз ҳаётларини ва бутун вужудларини бағишламоқлари зарур.

Тўртинчиси:

**«Ва Аллоҳга яхши қарз берсангиз».**

Исломий ва, хусусан, Қуръоний истилоҳда «яхши қарз» деб хайру эҳсонга айтилади. Айниқса, Аллоҳга яхши қарз бериш айнан шу маънони англатади. Оддий ҳолларда эса, рибосиз, ёрдам учун берилган қарзга айтилади. Бундан Аллоҳнинг йўлида молу пул сарфлаш, хайру эҳсон қилиш тушунилади. Хоссатан, Пайғамбарларни қўллаш, Ислом динига хизмат қилишда мол-пул сарфлаш ҳам зарурий амаллардан ҳисобланади.

Шу шартларни бажо қилганларидагина, Аллоҳ таоло Ўз аҳдига биноан Бани Исроил билан бирга бўлади. Ва яна бошқа яхшиликларга ҳам эришадилар.

**«...албатта, сизнинг хатоларингизни кечираман».**

Намоз ўқиш, закот бериш, Пайғамбарларга иймон келтириш ва Аллоҳга яхши қарз бериш Бани Исроилнинг хатоларининг кечирилишига ҳам сабаб бўлади. Бу улуғ амалларнинг мукофоти шу билан тугаб қолмайди. Асосий мукофот:

**«...ҳамда сизни остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритаман».**

Бу олий мукофотдир. Ушбу мукофотга эришиш учун ҳар қанча амал, ҳар қанча ҳаракат қилинса, уринилса, арзийди. Ушбу баёнотларни эшитган ҳар бир инсон, албатта, Аллоҳ таолога иймон келтириб, У қўйган шартларни бажаришга ўтади. Мантиқ шуни тақозо қилади. Агар бундай бўлмаса:

**«Бас, бундан кейин ҳам сиздан кимки куфр келтирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашган бўладир».**

Аллоҳ таоло билан Бани Исроил орасидаги аҳднома ана шундан иборат эди. Хўш, унга амал қилиндими? Оқибати нима бўлди?

فِيمَا نَقَضْتُمْ مِيثَاقَهُمْ لَعَنَّاهُمْ وَجَعَلْنَا قُلُوبَهُمْ قَاسِيَةً يُحَرِّفُونَ  
الْكَلِمَ عَنْ مَوَاضِعِهِ ۗ وَنَسُوا حَظًّا مِمَّا ذُكِّرُوا بِهِ ۗ وَلَا تَزَالُ تَطَّلِعُ عَلَى خَائِنَةٍ  
مِّنْهُمْ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ فَاعْفُ عَنْهُمْ وَأَصْفَحْ ۗ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٠٧﴾

**13. Аҳдларини бузганлари учун уларни лаънатладик ва қалбларини қаттиқ қилдик. Улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирдилар. Ўзларига эслатма бўлган нарсадан кўп насибани унутдилар. Уларнинг озгиналаридан бошқаларидан мудом хиёнат кўрасан. Бас, уларни авф эт ва айбларини ўтиб юбор. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севар.**

Бани Исроил яҳудийлигига борди. Ҳатто Аллоҳ таоло билан бўлган аҳдномани ҳам бузди. Уни бажо келтирмади. Намозни қоим қилмади. «Намоз» деб аталмиш улуғ ибодатни Аллоҳ айтганидек эмас, ўзлари хоҳлаганларидек бузиб адо этадиган бўлишди. Закот бериш у ёқда турсин, ҳамма иқтисодий алоқаларга ҳаром-харишни қўшдилар. Одамларнинг молини ботил йўл билан ейишни жорий қилдилар. Аллоҳнинг барча Пайғамбарларига бирдай иймон келтиришмади, аксинча, уларнинг кўпчилигини ҳақорат қилдилар. Ифво ва бўҳтонлар ёғдирдилар. Ҳатто Закариё, Яҳё алайҳиссаломларга ўхшашларини ўлдиришгача бориб етдилар. Ийсо алайҳиссаломни ўлдирдик, деб даъво қилдилар. Охирги Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам ўлдиришга ҳаракат қилдилар. Аллоҳга яхши қарз бериш тугул, бандага ҳам яхши қарз бермадилар. Қарз беришда рибохўрликни бутун дунё бўйича йўлга қўйдилар.

Мазкур бузғунчиликлари ва яна бошқа жиноятлари учун Аллоҳ таоло уларни лаънатлади – Ўз раҳматидан қувди. Уларнинг малъун эканликлари ҳар қадамда билиниб туради. Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини қаттиқ қилиб ҳам қўйди. Шу сабабдан, озгиналаридан бошқа аксариларининг қалбларига ҳидоят нури ҳам кирмайди.

Аҳдномани бузишнинг баъзи кўринишлари ояти кариманинг ўзида ҳам зикр қилинган:

**«Улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирдилар».**

Калималарни – сўзларни ўзгартариш деганда Таврот назарда тутиляпти. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Ўзининг самовий китоби Тавротни нозил қилганда, Бани Исроилдан бу китобни муҳофаза қилиш, қандай нозил бўлган бўлса, шундай сақлаш ҳақида аҳднома олган эди. Аммо бундай бўлмади. Яҳудий тарихчиларнинг ўзлари айтишларича, асл Таврот йўқолганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Яҳудийлардан бирор киши Тавротни ёдламагани ҳам ҳақиқатдир. Ҳозирги кунда яҳудийлар «Мусо алайҳиссаломдан қолган», – деб олиб юрган беш китобдан иборат Талмуд эса, Тавротнинг қандай ёзилганлиги, уни сақлаш ҳақида аҳднома олинганлиги каби ишларни ҳикоя қилади. Яҳудийларнинг ўзлари таъкидлашларича, Таврот бобилликлар яҳудийларни асир олган пайтлари йўқолган.

Бу ҳам етмагандек, улар калималарни ўз ўрнидан ўзгартирганлар. Яъни, баъзи лафзларнинг ўзини, баъзиларининг маъноларини



ўзгартирганлар. Яна бошқа бирларини эса, асл маънодан бошқа маънога бурганлар. Улар яна:

**«Ўзларига эслатма бўлган нарсадан кўп насибани унутдилар».**

Яъни, Аллоҳ томонидан уларга келган Тавротдаги ва бошқа эслатмаларни қасддан эсларидан чиқардилар. Оятнинг давомида Аллоҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

**«Уларнинг озгиналаридан бошқаларидан мудом хиёнат кўрасан»**, дейди.

Аллоҳ ҳидоятга солиб Исломни қабул қилган яҳудийларни эътиборга олмаганда, хиёнат уларнинг асосий сифатлари ҳисобланади. Яҳудийлар кўхна тарих давомида хиёнаткорлик билан ном чиқарганлар. Бу борада ҳаммага бирдек хиёнат қилганлар. Уларнинг қонуни бўйича, яҳудийнинг яҳудийга хиёнати мумкин эмас, аммо яҳудийнинг бошқа миллат вақилига хиёнати савобли иш ҳисобланади. Улар румликларга ҳам, форсликларга ҳам хиёнат қилганлар. Доим яхшилик кўришларига қарамай, мусулмонларга қайта-қайта хиёнат қилганлар. Лекин шунга ҳам қарамай, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига:

**«Уларни авф эт ва хиёнатларини ўтиб юбор»**, — демоқда ва орқасидан:

**«Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир»**, —деб хуш-хабар бермоқда.

Бу ҳукм ушбу оят тушган вақтга хос ва муносиб ҳукм эди. Кейинчалик Аллоҳ таоло Пайғамбарига уларни Мадийнаи Мунавварадан ва Арабистон ярим оролидан бутунлай ҳайдаб чиқаришни амр қилди.

Яҳудийлардан олинган аҳднома ва унинг оқибатлари ҳақида сўзлаб бўлингандан сўнг, келаси оятда насоролардан ҳам аҳднома олинганлиги ҳақидаги хабар келади:

وَمِنَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّا نَصْرُكَ إِنَّا أَخَذْنَا مِيثَاقَهُمْ فَنَسُوا حَظًّا مِمَّا  
ذُكِّرُوا بِهِ فَأَغْرَبْنَا بَيْنَهُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَسَوْفَ  
يُنَبِّئُهُمُ اللَّهُ بِمَا كَانُوا يَصْنَعُونَ ﴿١٤﴾

14. Ва, «Биз насоролармиз», деганларнинг ҳам аҳдномасини олдик. Бас, улар ўзларига эслатма бўлган нарсадан кўп насибани унутдилар. Биз улар орасида адоват ва ёмон кўришни қиёмат кунигача қўзғатдик. Аллоҳ, албатта, уларга қилмишлари ҳақида хабар берадир.



«Насоролар» деганда масиҳий динидаги кишиларни, яъни, Ийсо алайҳиссаломга эргашганларни тушунамиз. Баъзи уламоларнинг таъкидлашларича, Ийсо алайҳиссаломга биринчи эргашганлар Носиро номли қишлоқ аҳолиси экан. Шунинг учун ҳам, уларга «насоролар», деб ном берилган. Бошқа бир талқинларга кўра, Ийсо алайҳиссалом: **«Ким менга нусрат (ёрдам) беради?»** — деганларида, биз, деб чиққан эканлар. Шунинг учун, «насоро» номини олганлар.

Ояти каримада:

**«Ва, «Биз насоролармиз», деганларнинг ҳам аҳдномасини олдик»,** дейилмоқда.

Ушбу жумланинг ўзидан бир неча мулоҳаза чиқарса бўлади. Аввало, «Биз насоролармиз, деганлар», дейишдан англашиладики, улар оғизларида насороликни даъво қиладилар-у, ўзлари асли насоро эмаслар. Оғиздаги гап амалда тасдиқланмагунча, ундай даъвони ҳеч ким эътироф этмайди (Оғизда «мусулмонман» дейдиганлар ҳам шу сирага кирадилар). Қолаверса, Аллоҳ таоло бу диндагилардан аҳднома олганлигини биламиз. Самовий динларнинг асли бир бўлгандан кейин, уларга бўлган муносабат ҳам бир хил бўлиши табиий ҳолдир. Оятда насоролардан олинган аҳднома тафсилотлари келтирилмасдан бир йўла натижа зикр этиляпти. Сўзнинг кетиши шу мақомда. Аллоҳ таолога аҳд берган насоролар ҳам яҳудийлар каби аҳдга вафо қилмадилар. Яҳудийларга ўхшаб:

**«Бас, улар ўзларига эслатма бўлган нарсадан кўп насибани унутдилар».**

Бунинг оқибатида кетма-кет ноқулайликлар келиб чиқаверди. Аҳдномани унутганликлари натижасида:

**«Биз улар орасида адоват ва ёмон кўришни қиёмат кунигача қўзғатдик».**

Насороларнинг ўзаро адоватлари ҳаммага маълум ва машҳур. Католик протестант билан, православ моруний билан ёки бошқаси яна бири билан ҳамини душман. Ҳар бир черков ўзини алоҳида динда деб ҳисоблайди ва бошқасини душман билиб, ёмон кўради. Уларнинг ўзаро олиб борган диний-мазҳабий урушлари оқибатида қонлар дарё бўлиб оққани тарихда машҳур. Ҳозиргача бу душманлик ва бир-бирини ёмон кўриш давом этиб келмоқда. Ушбу ояти кариманинг тасдиғи ила, у душманлик қиёмат кунигача давом этишида ҳам шубҳа йўқ. Қиёмат кунда эса:

**«Аллоҳ, албатта, уларга қилмишлари ҳақида хабар берадир».**

Яҳудий ва насороларнинг Аллоҳга берган аҳдномаларига нисбатан ўзларини қандай тутганлари баён қилиб берилгандан сўнг, энди уларга қўшма хитоб қилинади:

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ قَدْ جَاءَكُمْ رَسُولُنَا يُبَيِّنُ لَكُمْ كَثِيرًا مِمَّا  
 كُنْتُمْ تُخْفُونَ مِنَ الْكِتَابِ وَيَعْفُو عَنْ كَثِيرٍ قَدْ جَاءَكُمْ  
 مِنَ اللَّهِ نُورٌ وَكِتَابٌ مُبِينٌ ﴿١٥﴾

**15. Эй, аҳли китоблар! Батаҳқиқ, сизларга Пайғамбаримиз келди. У, сизга китобдан беркитиб юрган кўпгина нарсаларингизни баён қилиб берур. Кўпгинасини эса, афв қилур. Батаҳқиқ, сизларга Аллоҳдан нур ва ойдин Китоб келди.**

Яҳудий ва насороларга бу оятда таъкидлаб айтилаётган нарса — Аллоҳнинг охирги Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нафақат араб мушрикларига, балки дунёдаги бошқа барча халқларга, шу жумладан, аҳли китобларга ҳам Аллоҳ томонидан келганликларидир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг яҳудийларга ҳам Пайғамбар бўлиб келишлари хабари Тавротда бор бўлиб, улардан аҳд олинганда, у зотга иймон келтириш аҳди ҳам олинган эди. Шунингдек, у зоти бобаракот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насороларга ҳам Пайғамбар бўлиб келишлари хабари Инжилда зикр қилинган бўлиб, Аллоҳ таоло насоролардан аҳд олган пайтида, у зот келган вақтларида иймон келтириш аҳди ҳам олинган эди.

**«Эй, аҳли китоблар! Батаҳқиқ, сизларга Пайғамбаримиз келди».**

Бу оятда уларга ўша аҳдномада айтилган Пайғамбар дарҳақиқат келганлигининг хабарини бериб туриб, у зотнинг аҳли китобларга қиладиган баъзи ишлари ҳам айтилмоқда:

**«У, сизга китобдан беркитиб юрган кўпгина нарсаларингизни баён қилиб берур».**

Яҳудийлар Тавротдан, насоролар эса, Инжилдан кўпгина нарсаларни беркитиб юрган эдилар.

Ҳақиқатда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудийларга улар беркитган зинонинг ҳукмини баён қилиб берганлар. Шунингдек, рибохўрликнинг ҳаром эканлигини ҳам ва бошқа кўпгина нарсаларни баён қилиб берганлар. Насоролар эса, Аллоҳнинг тавҳидини беркитганлар. Бу икки тоифа қўшилиб, Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барчага Пайғамбар бўлиб келишларини беркитганлар. Булар ва бунга ўхшаш кўплаб беркитилган ҳақиқатлар баён қилиб берилган. Шу билан бирга, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Кўпгинасини афв қилур».**

Яъни, ўз шариатларига тегишли бўлмаган, вақти ўтиб кетган, зикр қилишдан фойда йўқ кўпгина нарсаларни афв қиладилар, эслаб ўтирмайдилар.

Агар яҳудийлар ва насоролар ҳамда жумлаи жаҳон англаб етса:  
**«Батаҳқиқ, сизларга Аллоҳдан нур ва ойдин Китоб келди».**

«Нур»дан мурод Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ислом дини, «ойдин Китоб»дан мурод эса, Қуръони Каримдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам инсониятга келтирган нарса нурдир. Буни иймон насиб этган кишилар биладилар. Исломга киришлари билан жоҳилият зулматидан иймон нурига чиққанларини ҳис этадилар. Қуръони Каримни иймон ва ихлос билан ўрганганларида, унинг ойдин Китоб эканлигини тушунадилар.

Бу ойдин Китоб нималар қилишини кейинги оят баён қилади:

يَهْدِي بِهٖ اَللّٰهُ مَنْ اَتَّبَعَ رِضْوَانَهُ سُبُلَ السَّلَامِ وَيُخْرِجُهُم مِّنَ الظُّلُمَاتِ اِلَى النُّورِ بِاِذْنِهٖ وَيَهْدِيهِمْ اِلَى صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿١٦﴾

**16. У билан Аллоҳ Ўз розилигини истаганларни салом йўлларига бошлар ва уларни Ўз изни ила зулматлардан нурга чиқарар. Ҳамда сироти мустақимга ҳидоят қилар.**

Ўша ойдин Китоб – Қуръон билан Аллоҳ таоло Ўз розилигини истаб мусулмон бўлган бандаларини салом (тинчлик) йўлларига бошлайди. Ислом – тинчлик дини. Ислом туфайли, Қуръон туфайли инсоннинг кўнгли тинч бўлади, ўзи тинч бўлади, оиласи, шаҳар, қишлоғи, жамияти, давлати ва бутун дунё тинч бўлади. Мусулмон инсоннинг ҳаёти тинч бўлади. У, ўзи яшаётган борлиқ билан тинч алоқада бўлади. Атроф-муҳит тинч бўлади. Умуман, шомил ва комил тинчлик бўлади. Тинчликнинг барча йўллари фақат мусулмон бўлган, унинг розилигини истаган бандаларгина Аллоҳ томонидан ҳидоят қилинадилар. Шунинг учун ҳам, инсоният ҳақиқий тинчликни хоҳлайдиган бўлса, мусулмон бўлиши шарт.

**«Уларни Ўз изни ила зулматлардан нурга чиқарар».**

Ушбу жумладаги «зулматлар» сўзига алоҳида эътибор бериш керак. Зулматлар кўплик сонидан келмоқда, нур эса, бирликда. «Нур»дан мурод – Ислом, «зулматлар»дан мурод эса – Исломдан бошқа тузум ва динлар. Исломдан ўзга ҳар қандай дин ёки тузум, у қайси ном билан аталишидан қатъиназар, зулматдир. Ҳамма жиҳатдан зулматдир. Ким уларни ихтиёр қилса, нурни қўйиб, зулматни ихтиёр этган бўлади. Адашувга, хасоратга юрган бўлади. Кимки Қуръонга иймон келтирса, Исломга кирса, қоронғуликдан нурга чиққан бўлади. Нурга соҳиб бўлганлар эса, адашмайдилар. Чунки, Аллоҳнинг Ўзи уларни зулматдан нурга чиқаради:

«...ҳамда сироти мустақимга ҳидоят қилар».

Тўғри йўлга бошлайди. Бинобарин, аҳли китоблар ҳам ўзларининг бузуқ ақийда ва шариатларини қўйиб, Аллоҳ уларга юборган Пайғамбарга – Муҳаммад алайҳиссаломга, Қуръонга иймон келтиришлари ва Исломга амал қилиб, куфр ва жоҳилият зулматларидан иймон нурига чиқишлари лозим. Сироти мустақим шудир. Бошқаси куфрдир. Жумладан:

لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ قُلْ فَمَنْ يَمْلِكُ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا إِنْ أَرَادَ أَنْ يُهْلِكَ الْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَأُمَّهُ  
وَمَنْ فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ وَاللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٧﴾

**17. Батаҳқиқ, Масих ибн Марям Аллоҳдир, деганлар ҳам кофир бўлдилар.** Уларга: «Агар Аллоҳ Масих ибн Марямни, унинг онасини ва ер юзидаги барча кимсаларни ҳалок этишни ирода қилса, ким Уни бирон нарсадан ман қила олади? Ҳолбуки, осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсалар Аллоҳникидир. У нимани хоҳласа, халқ қиладир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир», деб айт!

Насоролар Аллоҳга берган аҳдларида вафо қилмаган энг бош масала – Аллоҳнинг тавҳидини қўйиб, ширкка бурилишлари эди. Уларнинг залолатга кетишларининг асосий масаласи шу бўлган.

**«Батаҳқиқ, Масих ибн Марям Аллоҳдир, деганлар ҳам кофир бўлдилар».**

Аслида, Ийсо алайҳиссалом Пайғамбар бўлиб, тавҳидни, якка илоҳликни олиб келган эдилар. У кишига иймон келтириб, эргашганлар ҳам худди шу ақийдада эдилар. Аммо, вақт ўтиши билан, бошқа қавмларнинг, хусусан, бутпарастлик динидагиларнинг насронийлар динига кириши туфайли бу соф ақийдага футур ета бошлади. Аста-секин бошланган ихтилофлар кейинчалик авж олиб кетди. Баъзилари Ийсо – Масих алайҳиссаломни Аллоҳнинг Пайғамбари деса, бошқалари: «У Расул бўлса ҳам, Аллоҳга алоҳида яқинлиги бор», дейишди. Учинчилари эса: «У Аллоҳнинг ўғлидир», деб даъво қилишди. Яна бошқалари: «У Аллоҳнинг ўғли бўлса ҳам, махлуқ эмас, қадимдан бор», дейишар эди. Бунга ўхшаган ихтилофлар жуда ҳам кўпайган пайтда 325 милодий санада «Никия кенгаши» номли йиғилиш бўлиб, ихтилофларга чек қўйиш мақсадида унда қирқ сак-

киз минг диний билимдонлар қатнашди. Бу кенгашда ҳам хилофлар авж олди. Охири, бутпарастлик динидан насроний динига ўтган Рум императори Константин, ўзи насроний динидан беҳабар бўлса ҳам, «Масих ибн Марям худодир», деган гапни маҳкам тутди ва бошқа фикрдагиларни қувфин қилишга ўтди. Шундай қилиб, бутпарастлик ақийдаси насронийликка ўтди. Сўнгра, яна бошқа ихтилофлар кучайди. Масихий динининг бузилишида вақти-вақти билан чақирилиб турадиган «Муқаддас кенгашлар» катта вазифа бажарди. Кўнгиллари тусаганда бундай кенгашларни ўтказиб, ўзларига мос қарорларни чиқариб, мана шу дин, деб юраверадиган бўлишди. Шу билан бирга, бу қарорларга, хусусан, Масих Ибн Марямни «худо» деб эътиқод қилиш ҳақида чиққан қарорга норозилар ҳам бўлган. Ийсо алайҳиссалом худо эмас, худонинг Пайғамбари дегувчи насролар ҳозирги пайтда айниқса кўпайиб бормоқда. Энг қизиғи – улар Ийсо тўғрисидаги ақийданинг энг тўғриси Қуръонда эканлигини ҳам англаб етмоқдалар. Қуръони Карим эса, бу масалани оддий мантиқни ишга солиб муолажа қилган. Аллоҳ Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб:

**«Уларга: «Агар Аллоҳ Масих ибн Марямни ва унинг онасини ва ер юзидаги барча кимсаларни ҳалок этишни ирода қилса, ким Уни бирор нарсадан ман қила олади?» – деб айтгин»,** демоқда.

Жавоб, албатта, аниқ: ҳеч ким! Ҳеч ким, ҳеч қандай зот Аллоҳнинг иродасига қарши чиқа олмайди. Аллоҳ таоло нимани хоҳласа, шуни қилади.

**«Ҳолбуки, осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсалар Аллоҳникидир».**

Унинг ўзи ягона молик. Ягона холиқ. Ягона шоҳ. Шу жумладан, Масих ибн Марям ва унинг онасига ҳам молик, холиқ ва шоҳдир. Аллоҳ таолонинг иродасига ҳеч ким монеъ бўла олмайди.

**«У нимани хоҳласа, халқ қиладир».**

Яъни, яратади.

**«Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир».**

Кейинги оятда яҳудий ва насроларнинг баъзи ботил даъволари зикр қилинади ва бу даъво ўзига ҳос услуб ила муолажа этилади:

وَقَالَتِ الْيَهُودُ وَالنَّصَارَى نَحْنُ أَبْنَاءُ اللَّهِ وَأَحِبُّهُ قُلْ فَلِمَ يُعَذِّبُكُمْ بِذُنُوبِكُمْ بَلْ أَنْتُمْ بَشَرٌ مِّمَّنْ خَلَقَ يَغْفِرُ لِمَن يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَاءُ وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ  
وَمَا يَنبَغِيهِمَا وَإِلَيْهِ الْمَصِيرُ

**18. Яҳудий ва насоролар: «Биз Аллоҳнинг ўғилларимиз ва Унинг маҳбубларимиз», – дедилар. Уларга: «Ундай бўлса, нимага У сизларни гуноҳларингиз туфайли азоблайдир? Балки, сизлар У яратган башардирсизлар. У кимни хоҳласа, мағфират қилади. Кимни хоҳласа, азоблайдир. Осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсалар Аллоҳникидир. Қайтиб бориш фақат Унинг Ўзигадир», – деб айт.**

Ушбу оятда зикр қилинаётган масала бошқа оятларда ҳам келган. Ўша оятларда таъкидланишича, бу даъво ортидан: «Биз Аллоҳнинг ўғли бўлганимиз учун азобга дучор бўлмаймиз, дўзахга ҳам тушмаймиз, тушсак ҳам, озгина муддатга тушамиз», – дейишар эди.

**«Яҳудий ва насоролар: «Биз Аллоҳнинг ўғилларимиз ва Унинг маҳбубларимиз», – дедилар».**

Бу эса, қуруқ даъво бўлиб, ақийда бобидаги шунчаки тортишувларга эмас, балки катта ва чуқур бузғунчиликларга сабаб бўлади.

Энг ёмони – илоҳий мутлақ адолат тушунчасини бузиб кўрсатишга ҳаракат бўлади. Инсон бу дунёда қилган амалига қараб эмас, қариндошлик ё насаб алоқасига қараб даражаларга эришади, деган тушунча олға сурилади. Бу эса, ўз навбатида, бу дунёдаги яшаш қоидаларини таг-томири билан бузиб юбориш хавфини туғдиради. Мазкур ботил даъводаги кишиларга хоҳлаган бузғунчилик учун йўл очиб беради.

Аслида эса, илоҳий адолат мутлақдир. Ҳар бир инсонга, у ким бўлишидан қатъиназар, амалига қараб мукофот ёки жазо берилади. Худди ана шу ҳолатни эслаш ва бу ҳақиқатни яҳудий ва насороларга эслатиш уларнинг даъволари ботил эканлигининг исботига далил бўлади.

**«Уларга: «Ундай бўлса, нимага У сизларни гуноҳларингиз туфайли азоблайдир?» (деб айт).**

Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга йўл кўрсатиб, ушбу оддий мантиқ ила яҳудий ва насороларнинг даъволарини чипакка чиқарди.

Яъни, Аллоҳ: «Агар даъволарингиз тўғри бўлса, унда нима учун Аллоҳ сизларни гуноҳингиз туфайли азоблайдир?» – деб сўрашни амр этмоқда. Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики:

**«Балки, сизлар У яратган башардирсизлар».**

Ҳа, сизлар ҳам, эй, яҳудий ва насоролар, Аллоҳнинг ўғли эмас, оддий инсон – башардирсизлар. Бошқа гапга ҳожат йўқ. Шунинг ўзи уларнинг даъвоси пуч эканини, Аллоҳнинг адолати мутлақ эканини, бандаларга бериладиган мукофот ёки жазо фақат бир қоида асосида – инсоннинг иймони ва амалига қараб бўлишини, бундан



бошқа қоида йўқлигини билдиради. Аллоҳ шуни ирода қилган, унинг иродаси амалга ошгусидир.

**«Кимни хоҳласа, мағфират қилади. Кимни хоҳласа, азоблайдир. Осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсалар Аллоҳникидир».**

Зеро, У зот Ўз мулкида хоҳлаганини қилади. У қариндошлик ёки шахсий алоқаларга қараб эмас, иймон ва амалга қараб мукофот ёки жазо беришни ирода қилган. Демак, ҳар бир инсон, жумладан, яҳудий ва насоролар ҳам, Аллоҳнинг амрига биноан иймон келтириб, амал қилишлари лозим. Акс ҳолда, билиб қўйсинларки:

**«Қайтиб бориш фақат Унинг Ўзигадир».**

Сўнгра яна бир бор аҳли китобларга хитоб қилиниб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақ эканликлари таъкидланади:

يَا أَهْلَ الْكِتَابِ قَدْ جَاءَكُمْ رَسُولُنَا يُبَيِّنُ لَكُمْ عَلَى فَتْرَةٍ مِّنَ الرَّسُولِ أَن تَقُولُوا مَا جَاءَنَا  
 مِن بَشِيرٍ وَلَا نَذِيرٍ فَقَدْ جَاءَكُمْ بَشِيرٌ وَنَذِيرٌ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٩﴾

**19. Эй, аҳли китоблар! Батаҳқиқ, сизларга Пайғамбаримиз келди. У сизларга Пайғамбарлардан бўш даврда (динни) баён қиладир. Бизга башорат бергувчи ҳам, огоҳлантиргувчи ҳам келмаган, демаслигингиз учун. Бас, батаҳқиқ, сизларга башорат бергувчи ҳам, огоҳлантиргувчи ҳам келди. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.**

Аллоҳ таоло ушбу ояти карима билан аҳли китобларга хитоб этиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга ҳам Пайғамбар бўлиб келганларини баён қилмоқда.

**«Эй, аҳли китоблар! Батаҳқиқ, сизларга Пайғамбаримиз келди».**

Зеро, Таврот ва Инжил каби илоҳий китобларга ишониб, Мусо ва Ийсо каби ҳақ Пайғамбарларга эргашиб юрсалар-у, Муҳаммад алайҳиссаломга эргашмасалар, Қуръонга ишонмасалар, кофир ҳисобланадилар.

**«У сизларга Пайғамбарлардан бўш даврда (динни) баён қиладир».**

Биз «бўш давр» деб таржима қилган сўз Қуръони Карим матнида «фатратин» дейилган. Бу сўз луғатда, сукунат, бўшлиқ, кесилиш ва заифлик маъноларини англатади. Шариатда бир Пайғамбар билан иккинчисининг орасидаги Пайғамбарсиз ўтган вақтга «фатиратун» — бўш давр дейилади. Маълумки, Ийсо алайҳиссаломнинг Пайғамбар-

ликларидан сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келгунларига қадар орадан олти юз йил ўтган. Оятда Пайғамбаримизнинг ана ўша вақтдан кейин келганликлари, энди эса, дин аҳкомларини баён қилиб, ўз вазифаларини адо этажаклари ҳақида сўз кетмоқда.

Ийсо алайҳиссаломнинг Пайғамбарликлари етмаган, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келгунларича яшаб ўтган кишиларга «аҳли фатират» дейилади. Уларга Пайғамбарлик хабари етмагани учун ҳам масъулият юклатилмайди.

Аммо Муҳаммад алайҳиссаломнинг ва Ислом динининг хабари етган ҳар бир кимса тўла масъулият остида бўлади. Шунинг учун ҳам:

**«Бизга башорат бергувчи ҳам, огоҳлантиргувчи ҳам келмаган, демаслигингиз учун»,** дейилмоқда.

Аҳли китобларнинг муқаддас китоблари Таврот ва Инжилда башорат берувчи ва огоҳлантирувчи Пайғамбар келиши ҳақида хабар бор. Буни уларнинг ўзи ҳам такрор-такрор айтиб юрганлар. Ушбу оятда ўша мазкур Пайғамбар ҳақиқатан келгани хабар қилинмоқда. Қиёматда: «Нима учун иймон келтирмадингиз?» – деб сўралганда, баҳона қила олмасликлари ҳам эслатилиб қўйилмоқда:

**«Бас, сизларга башорат бергувчи ҳам, огоҳлантиргувчи ҳам келди».**

Энди узрларингиз қабул қилинмайди.

Оятнинг охирида эса, ҳеч бир иш, шу жумладан, хоҳлаган қавм ва миллатдан Пайғамбар юбориш ҳам Аллоҳга қийин эмаслиги ишоратан таъкидланяпти. Яъни:

**«Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир».**

Кейинги оятларда Бани Исроилнинг мийсоқни – аҳдномани бузишлари ҳодисасига яна бир бор қайтилади:

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ ۖ يَا قَوْمِ أذكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ جَعَلَ فِيكُمْ أَنْبِيَاءَ  
وَجَعَلَ لَكُم مَّلُوكًا ۖ وَأَنْتُمْ كَانُوا لِلْعَالَمِينَ ﴿٢٠﴾

**20. Мусо ўз қавмига: «Эй қавмим, Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг. Ахир, У сиздан Пайғамбарлар юборди, подшоҳлар чиқарди ва оламларда бирортага бермаган нарсаларни берди-ку», – деганини эсла.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ўзининг охирги Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиб, яҳудийларнинг сизга ва динингизга қарши чиқаётганларидан хафа бўлманг, дея тасалли бермоқда.



Уларнинг бу ишлари янгилик эмаслигини, улар қадимдан мийсоқни — аҳдномани бузиб келганликларини, ҳатто ўз Пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломга ҳам қарши чиққанликларини эслатмоқда.

Бани Исроил Фиръавннинг зулм ва истибдоди остида узоқ вақт яшади. Аллоҳ уларни қутқариш учун Мусо алайҳиссаломни юборди. Уларга ўзининг турли неъматларини ато этди. Охири бориб, Муқаддас ерга киришларини ирода қилди. Шунда Мусо алайҳиссалом уларни бу илоҳий амрни амалга оширишга ундаш мақсадида ҳозир биз ўрганаётган ва ундан кейинги оятларда келган гапларни айтдилар:

**«Мусо ўз қавмига: «Эй қавмим, Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг», — деди».**

Дарҳақиқат, Аллоҳ уларга жуда кўплаб неъматларни ато этган эди. Жумладан:

**«У сиздан Пайғамбарлар юборди».**

Агар Пайғамбарлар тарихига назар солинадиган бўлса, ҳақиқатан ҳам, кўпчиликлари Бани Исроилдан эканлиги маълум бўлади.

Аллоҳ Бани Исроилдан Пайғамбар юборишдан ташқари **«подшоҳлар чиқарди»**. Тарихда улардан машҳур подшоҳлар кўп ўтган. **«...ва оламларда бирортага бермаган нарсаларни берди».**

Жумладан, аввал ўтган сураларда зикр қилинган манн, салва, офтобдан тўсиб юргувчи булут, ичидан сув отилиб чиққан тош ва бошқаларни берди. Мусо алайҳиссалом бу улуғ неъматларни эсла-тиб бўлиб, ана ўшалар шукронаси учун ҳам Аллоҳнинг амрини ба-жариш керак, деб илоҳий амрни айтдилар.

يَقَوْمِ ادْخُلُوا الْأَرْضَ الْمُقَدَّسَةَ الَّتِي كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَلَا تَرْتَدُّوا عَلَىٰ أَدْبَارِكُمْ  
فَنَنْقَلِبُوهَا خَسِرِينَ ﴿٢١﴾

**21. Эй қавмим, Аллоҳ сизга ёзиб қўйган муқаддас ерга кириш. Ортингизга қайтманг, бас, зиён кўргувчига айланасиз.**

Оятда зикр қилинаётган «муқаддас ер»дан мурод — Байтул Мақдисдир. Аллоҳнинг бу амрига шавқу завқ билан киришиш лозим эди. Аммо Бани Исроил яна яҳудийлигини қилди:

قَالُوا يَمُوسَىٰ إِنَّ فِيهَا قَوْمًا جَبَّارِينَ وَإِنَّا لَن نَّدْخُلَهَا حَتَّىٰ يَخْرُجُوا مِنهَا فَإِن يَخْرُجُوا مِنهَا فَإِنَّا دَاخِلُونَ ﴿٢٢﴾

22. Улар: «Эй Мусо, унда зўравон қавм бор. Улар ундан чиқмагунларича биз ҳеч қачон кирмасмиз. Агар улар чиқсалар, биз кирувчидирмиз», – дедилар.

Яҳудийларнинг ҳақиқий башаралари яна бир бор фош бўлди. Шу пайт:

قَالَ رَجُلَانِ مِنَ الَّذِينَ يَخَافُونَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمَا ادْخُلُوا عَلَيْهِمُ الْبَابَ فَإِذَا  
دَخَلْتُمُوهُ فَإِنَّكُمْ غَالِبُونَ وَعَلَى اللَّهِ تَوَكَّلُوا إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٢٢﴾

23. Улардан У зотдан қўрқадиганлардан бўлган ва Аллоҳ уларга неъмат ато этган икки киши: «Уларнинг устига эшиқдан кириб боринглар. Агар унга кирсаларинг, албатта, волиб бўласизлар. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккал қилингиз», – дедилар.

Мусо алайҳиссалом муқаддас ердаги аҳволни билиш мақсадида олдин ўн иккита нақиб – вакил юборган эдилар. Ушбу оятда зикри келган, Аллоҳдан қўрқувчи ва Унинг неъматига сазовор бўлган икки киши ўша нақиблардан эди. Худди шу ўринда Аллоҳдан қўрқиш нимаю бошқадан қўрқиш нималиги равшан бўлмоқда. Аллоҳдан қўрқадиган банда ҳеч қачон бошқадан қўрқмайди. Чунки бир қалб икки хавфни кўтармайди. Аллоҳдан қўрқмаган эса, ҳаммадан қўрқади. Ушбу икки солиҳ банда ҳам Аллоҳдан қўрқадиганлардан бўлганлари учун, қўрқмасдан муқаддас ерга бориб, у ерда юрган катта жуссали, бақувват ва зўравон қавмни ўз кўзлари билан кўриб келдилар. Қавмларини Аллоҳнинг амрига итоат этиб ўша зўравон қавм устига дадил бостириб бораверишга ундадилар.

Аммо Худодан қўрқмаганлар Аллоҳнинг амрига итоат этмасликларига зўравон қавмдан қўрқишларини баҳона қилдилар. Бундайларни «мўмин» деб бўладими? Улар мўмин бўлганларида:

«Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккал қилингиз», – деган чақириқ уларга таъсир қилар эди. Аммо Бани Исроилга бу чақириқ ҳам таъсир этмади.

قَالُوا يَا مُوسَى إِنَّا لَنَدُّ خُلُهَآ أَبَدًا مَا دَامُوا فِيهَا فَآذِهِبَ أَنْتَ وَرَبُّكَ فَقَتَلَا إِنَّا  
هَاهُنَا قَاعِدُونَ ﴿٢٣﴾

24. Улар: «Эй Мусо, модомики, улар бор экан, биз зинҳор ва зинҳор у ерга кирмасмиз. Сен ўзинг Роббинг ила бориб икковлон

**уларга қарши уруш қилаверинглар. Биз бу ерда ўтириб турувчимиз», – дедилар.**

Ана холос. Қўрқоқликнинг оқибати шу-да. Аввал узр-баҳона қидиришган бўлса, энди очикдан-очик илоҳий амрдан бош тортмоқдалар. Шу билан бирга, уят-андишани йиғиштириб қўйиб, ўз ҳақиқатларини очдилар.

**«Сен ўзинг Роббинг ила...»** дедилар.

Демак, Аллоҳ Мусо алайҳиссаломнинг Робби, Бани Исроилнинг Робби эмас экан-да. Қўрқоқ бўлгандан кейин, ҳол – шу. Ҳамма нарсадан, ҳатто ақийдадан ҳам воз кечиб юбораверилади.

**«Биз бу ерда ўтириб турувчимиз».**

Демак, уларга ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

Шундан кейин Мусо алайҳиссаломнинг Аллоҳга илтижо этиб, дуо қилишдан бошқа иложлари қолмади.

قَالَ رَبِّ إِنِّي لَا أَمْلِكُ إِلَّا نَفْسِي وَأَخِي فَافْرُقْ بَيْنَنَا وَبَيْنَ الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ ﴿٢٥﴾

**25. У: «Эй Роббим, албатта, мен ўзим ва биродаримдан бошқага эга эмасман. Ўзинг биз билан фосиқ қавмнинг орасини ажратгин», – деди.**

Ҳақиқий мўминнинг иши шундай бўлади. Қўлидан келганича ҳаракат қилиб, Аллоҳнинг амрини етказди. Бўлса, бўлди. Бўлмаса, ўзи ёлғиз қолса ҳам, иймон йўлидан собит қадамлар билан кетаверади.

Мусо алайҳиссалом ҳам Муқаддас ерга кириш ҳақидаги илоҳий фармонни қавмларига етказдилар. Уларни турли услублар билан бу фармони олийни бажо келтиришга ундадилар. Аммо Бани Исроил бани исроиллигига бориб, ҳеч йўлга юрмади. Шундагина Мусо алайҳиссалом Пайғамбарлик одоби ила, дарду аламга, ҳасратга тўла ушбу дуони қилдилар. Фақат ўзларию биродарлари Ҳорунга эга эканликларини, икковлари фармонни бажаришга тайёрликларини баён қилдилар. Ҳамда ўзлари билан фосиқ – диндан чиққан Бани Исроил қавми орасида ажрим чиқаришини Аллоҳдан сўрадилар.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Мусо алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул этди ва қўйидаги ҳукмни чиқарди:

قَالَ فَإِنَّهَا مُحَرَّمَةٌ عَلَيْهِمْ أَرْبَعِينَ سَنَةً يَتِيهُونَ فِي الْأَرْضِ فَلَا تَأْسَ عَلَى الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ ﴿٢٦﴾

**26. У:** «Албатта, бу ер уларга қирқ йилгача ҳаромдир. Улар ер юзида ҳайрон бўлиб юрарлар. Фосиқ қавмлар учун хафа бўлма», – деди.

Бани Исроилнинг бу қилмиши учун, яъни, Аллоҳнинг амрига итоат этмагани – Муқаддас ерга кирмагани учун, Аллоҳ уларга бу муқаддас ерга киришни қирқ йилгача ҳаром қилиб қўйди. Тафсири-чиларимизнинг айтишларича, яҳудийлар бу муддатда Сино ярим оролидаги саҳрода 270 фарсахлик жойдан ташқарига чиқа олмай, адашиб, ҳайрон бўлиб, бир борган жойга қайта-қайта бориб юра-вердилар. Ана шундай ҳайронлик ва сарсон-саргардонликда қирқ йил юрдилар. Бу даврда мазкур гуноҳни содир этган нобакор авлод ўлиб битди. Саҳрода ўсган янги авлод пайдо бўлди. Яъни, Аллоҳ тайин қилган муддат тутагунча аввалгилар муқаддас ерга кира олмай ўлиб кетдилар.

Қуръони Карим қиссалари фақат ўтмишни эслаш ва тасалли учун эмас, балки улардан ибрат олиб, ҳаётда фойдаланиш учундир. Мусулмонлар воқелиқда буни исботлаганлар. Бадрда мушриклар билан юзма-юз келганда, мусулмонларнинг сони жуда ҳам оз эканлиги кўриниб қолди. Бу омил мушрикларнинг ғайратига ғайрат, кучига куч қўшиши аниқ, аксинча, мусулмонларнинг қалбига хавф солиши, уларда умидсизлик пайдо қилиши мумкин эди.

Бу ҳол Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам ўйлантирган бўлса, эҳтимол. Аммо саҳобаи киромлар бу муаммони қўйидагича ҳал қилдилар. Улар Пайғамбарлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй, Аллоҳнинг Расули, биз сизга Бани Исроил ўз Пайғамбарига айтганидек, «Сен Роббинг ила бориб, икковлон уларга қарши урушаверинглар. Биз бу ерда ўтириб турувчимиз», демаймиз. Аммо биз: «Сенинг ўзинг Роббинг ила бориб, икковлон уларга қарши урушинглар, биз ҳам сизларнинг ёнларингизда урушамиз, деймиз», дедилар.

Кейинги оятларда яҳудийларнинг аҳдга вафосизликлари ва гуноҳ ишларни тап тортмай қилишларига ўхшаш бир қисса келтирилади:

﴿وَاتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ ابْنَيْ آدَمَ بِالْحَقِّ إِذْ قَرَّبَا قُرْبَانًا فَتُقْبِلَ مِنْ أَحَدِهِمَا وَلَمْ يُنْقَبَلْ مِنَ الْآخَرِ قَالَ لَأَقْتُلَنَّكَ قَالَ إِنَّمَا يَتَقَبَّلُ اللَّهُ مِنَ الْمُتَّقِينَ﴾

**27. Уларга Одамнинг икки ўғли хабарини ҳақ ила тиловат қилиб бер. Икковлари қурбонлик қилганларида, бирларидан қабул қилинди, бошқасидан қабул қилинмади. У:** «Албатта, мен

сени ўлдиражакман», – деди. Бириси: «Албатта, Аллоҳ тақводорлардангина қабул қиладир.

لَيْنُ بَسَطَتْ إِلَيَّ يَدَكَ لِتَقْنُنِي مَا أَنَا بِبَاسِطٍ يَدِيَ إِلَيْكَ لِأَقْنُكَ إِنَّي أَخَافُ اللَّهَ  
رَبَّ الْعَالَمِينَ ﴿٢٨﴾

28. Агар сен мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг, мен сени ўлдириш учун қўл кўтармасман. Мен, албатта, оламларнинг Робби Аллоҳдан қўрқаман.

إِنِّي أُرِيدُ أَنْ تَبُوءَ بِإِثْمِي وَإِثْمُكَ فَتَكُونَ مِنْ أَصْحَابِ النَّارِ وَذَلِكَ جَزَاءُ الظَّالِمِينَ ﴿٢٩﴾

29. Мен, албатта, менинг ҳам гуноҳимни, ўзингнинг ҳам гуноҳингни олиб кетишингни, шу сабабдан дўзах аҳлидан бўлишингни хоҳлайман. Ана ўша золимларнинг жазосидир», – деди.

Эски тафсирларда Одамнинг бу икки ўғли кимлар эканлиги, нима учун қурбонлик қилишгани, биттасидан қурбонлик қабул бўлмаганлигининг сабаби ва бошқа тафсилотлар узундан-узоқ баён қилинади. Ҳатто бошқа динларнинг китобларидан ҳам маълумотлар келтирилади. Эҳтимол, ўша устоз муфассирлар яшаган замон тақозоси шу бўлгандир. Эҳтимол, улар яшаган маданий ва маърифий муҳит шуни тақозо қилгандир. Аммо, аслини олганда, Қуръони Карим ҳидоят китоби, унда келтириладиган қиссалар ҳам кишиларни ҳидоят қилиш ишига ҳисса қўшади. Бу ишда эса, шахсларнинг исми, воқеа бўлиб ўтган жойнинг номи, ер майдони каби чегара ва рақамларга боғлиқ маълумотлар унча аҳамиятсиз. Охирги пайтда ўтказилган илмий текширишлар, хусусан, Қуръони Каримни бошқа самовий китоблар билан солиштириб кўришлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлаб чиқди. Шунинг учун, замонавий тафсирчиларимиз, мазкур қўшимча маълумотларга берилиб кетмасдан, асосий эътиборни Қуръони Карим зикр этган ҳодисаларнинг моҳиятига қаратишни маслаҳат берадилар.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу қиссада зикр қилинган

«Одамнинг икки ўғли»нинг исmlарини билишдан ҳидоят йўлида бир фойда бўлса, Аллоҳнинг Ўзи айтиб қўяр эди. Шунингдек, қурбонлик қилишнинг сабабини ва нима учун биттасининг қурбонлиги қабул бўлмай қолишининг боисини билиш аҳамиятли бўлганида, Аллоҳнинг Ўзи зикр қилган бўларди.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитобан, ушбу қиссани кишиларга тиловат қилиб беришни амр қилмоқда.

Одамнинг икки ўғли бор экан, улар қурбонлик қилишибди. Бирларининг қурбонлиги қабул бўлибди. Иккинчиларининг қурбонлиги қабул бўлмапти. Шунда қурбонлиги қабул қилинмаган ўғил қурбонлиги қабул қилинганга ҳасад қилиб, кўра олмасдан, мен сени албатта ўлдираман, дебди. Инсон қалбига ҳасад кирганда шундай бўлади. Қурбонлиги қабул бўлмагани унинг яхши киши эмаслигига далолат эди. Қурбонлиги қабул бўлгани эса, иккинчи ўғилнинг яхши инсонлиги учун эди. Яхши одам доимо яхши бўлади. Ҳатто қийин ва шиддатли пайтларда ҳам, ҳаёти хавф остида турганда ҳам, яхшиликча қолади. У ўзига тажовуз қилиб турган шахсга қараб, хотиржамлик билан:

**«албатта, Аллоҳ тақводорлардангина қабул қилади»,** – деди

Инсоннинг яхши амалларининг, жумладан, қурбонлигининг Аллоҳ таоло ҳузурда қабул бўлиши, амал эгасининг тақводор эканини англатади. Бу билан у ўзига суиқасд қилиб турган душманни ҳам тақводор бўлишга даъват этди. Кейин эса, янада хотиржамлик билан, биродарининг шаррини кесиш учун:

**«Агар сен мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг, мен сени ўлдириш учун қўл кўтармайман»,** – деди.

Ҳақиқий тақводор, Аллоҳдан қўрққан инсоннинг гапи шундоқ бўлади. У, шу билан ёмонликнинг олдини олишга, ҳасадчининг ҳасад оловини совутишга ҳаракат қилмоқда.

**«Мен, албатта, оламларнинг Робби Аллоҳдан қўрқаман»,** – деди.

Яъни, менинг тутган бу йўлим сендан ёки ўлимдан қўрққанымдан эмас, балки бошқа бир инсонни ўлдириш гуноҳ бўлгани учун, Аллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлиб қолишимдан қўрққанымдан шундай қилмоқдаман, деди.

Бундан кейин эса, биродарини бу ишдан қайтариш мақсадида оқибат нима бўлишини ҳам эслатиб қўйди:

**«Мен, албатта, менинг ҳам гуноҳимни, ўзингнинг ҳам гуноҳингни олиб кетишингни, шу сабабдан дўзах аҳлидан бўлишингни хоҳлайман. Ана ўша золимларнинг жазосидир»,** – деди».

Яъни, агар сен Аллоҳдан қўрқмай мени ўлдирадиган бўлсанг, мени ўлдирганинг гуноҳини ҳам оласан ва олдинги қурбонлигининг қабул бўлмагани гуноҳини ҳам оласан. Гуноҳ устига гуноҳ қилган бўласан. Оқибатда, сенга бериладиган жазо ҳам ортади ва дўзахга тушасан, деди.

Аммо ёмонликка юрган шахсга бу гаплар таъсир қилмади.

فَطَوَّعَتْ لَهَا نَفْسُهُ قَتْلَ أَخِيهِ فَقَتَلَهُ فَأَصْبَحَ مِنَ الْخَسِرِينَ ﴿٣٠﴾

**30. Нафси унга биродарини ўлдирити яхши кўрсатди. Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиёнкорлардан бўлди.**

Ҳавои нафсининг гапига юрса, шунақа бўлади. Унга ҳар қандай насиҳат-эслатмалар кор қилмайди. Ҳалиги биродарга ҳам шунча насиҳат-эслатмалар фойда бермади.

**«Нафси унга биродарини ўлдирити яхши кўрсатди».**

Аввал айтганимиздек, бу одам нафсининг амрига қарши чиқа олмади.

**«Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиёнкорлардан бўлди».**

У, бу дунёда ҳам, шу иши туфайли зиён кўради. Чунки, биродари унга ёрдам берар эди. Уни тўғри йўлга чақириб, насиҳатлар қилар эди. Энди у ўлди, насиҳат қилувчи, яхшилиқ қилувчи ва ёрдам берувчи одам йўқ бўлди. Охиратда эса, ушбу жиноят туфайли, яъни, биродарини ўлдиргани учун дўзахга тушади.

Аллоҳ таоло қотилга жиноятдан кейингина унинг ожизлигини кўрсатиб, ҳасрат дарсини берди:

فَبَعَثَ اللَّهُ غُرَابًا يَبْحَثُ فِي الْأَرْضِ لِيُرِيَهُ كَيْفَ يُورِي سَوَاءَ أَخِيهِ قَالَ يُوَلِّتُنِي  
أَعْرَضْتُ أَنْ أَكُونَ مِثْلَ هَذَا الْغُرَابِ فَأُورِي سَوَاءَ أَخِي فَأَصْبَحَ مِنَ النَّادِمِينَ ﴿٣١﴾

**31. Аллоҳ ер юзида кезиб юрган қарғани унга биродарининг ўлигини қандай кўмишини кўрсатиш учун юборди. У: «Шўрим қўрсин! Мана шу қарғачалиқ бўлиб, биродарим ўлигини кўма олмадим-а?!» – деди. Бас, у надомат қилувчилардан бўлди.**

Ояти кариманинг сиёқидан кўриниб турибдики, қотил биродарини ўлдириб қўйгандан кейин нима қиларини билмай қолган. Ўликни кўмиш кераклиги хаёлига келмаган. Чунки, аввал ўлик бўлмаган. Бу ер юзидаги биринчи ўлик эди. Шунинг учун ҳам, нима қилишни билмай, ҳайрон бўлиб қолган. Ривоятларда келишича, шу пайтда Аллоҳ унга ўликни кўмишни ўргатиш учун икки қарғани юборган. Улар қотилнинг олдида урушиб, бири иккинчисини ўлдирган. Сўнгра қотил қарға ўлган қарғани ерни кавлаб кўмган. Бу ҳолни оятда қисқа қилиб:

**«Аллоҳ ер юзида кезиб юрган қарғани унга биродарининг ўлигини қандай кўмишини кўрсатиш учун юборди», – дейди.**

Қарға қарғаниннг ўлигини кўмганини кўрган қотил ўзидан нафрат қилди ва:



«Шўрим қурисин! Мана шу қарғачалик бўлиб, биродаримнинг ўлигини кўма олмадим-а?!» – деди.

Ўзича ғурурга кетиб, ҳасад қилиб, бегуноҳ биродарини ўлдиришгача етиб борган нобакор, вақти келиб бир қарғачалик бўла олмай қолди.

«Бас, у надомат қилувчилардан бўлди».

مِنْ أَجْلِ ذَلِكَ كَتَبْنَا عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنَّهُ مَن قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ  
فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ النَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَأَنَّمَا أَحْيَا  
النَّاسَ جَمِيعًا وَلَقَدْ جَاءَتْهُمْ رُسُلُنَا بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ إِنَّ كَثِيرًا مِّنْهُمْ بَعْدَ ذَلِكَ  
فِي الْأَرْضِ لَمُسْرِفُونَ ﴿٢٦﴾

32. Шунинг учун ҳам, Бани Исроилга: «Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади», деб ёздик. Батаҳқиқ, уларга Пайғамбарларимиз баёнотлар олиб келдилар. Сўнгра, бундан кейин ҳам, улардан кўплари ер юзида исроф қилгувчилардан бўлдилар.

Одам ўлдиришнинг тарихга кириши саҳифасини ҳикоя қилиб берилгандан сўнг, Аллоҳ таоло ўша қиссадан олинадиган хулосани кейинги ҳаётга, одам ўлдиришга уринишларга боғлаб, умумий қоида чиқаради:

«Шунинг учун ҳам», яъни одамлар ичида ёмонлари бўлиши, улар нафснинг гапига кириб, бошқаларни ўлдиришга ҳаракат қилиши, кейин эса, қилганига пушаймон бўлиши ва бошқа сабабларни эътиборга олиб:

«Бани Исроилга: «Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади», деб ёздик», – дейилмоқда.

Бу ердаги «ноҳақдан» деган ҳукмга одам ўлдириб қасос учун ўлим жазосига тортилган кимса кирмайди.

«Ер юзида фасод қилиш» тушунчаси эса, босқинчилик, қароқчилик каби ишларни ўз ичига олади.

«Тирилтирса» дегани ўлимдан сақлаб қолса, деган маънони билдиради.

Исломда ўлим ҳукмига лойиқ жиноят қилмаган жон жуда ҳам юқори баҳоланади. Зотан, ўлим ҳукми ҳам бошқа яхши жонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун чиқарилади. Шу боис, бир беайб инсонни ўлдирган одам бутун бошли инсониятни ўлдиргандек жиноят қилган ҳисобланади. Чунки жонлар кўп бўлгани билан ҳаёт кечириш ҳаққи битта. Ҳар бир жон ҳаёт кечириш ҳаққига эга. Ана ўша жонлардан биттасини ўлдирган одам ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққига тажовуз этган бўлади. Аксинча, битта жоннинг ҳаётини сақлаб қолиш эса, ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққини сақлаб қолган билан тенг. Худди шу ҳақиқатни Аллоҳ таоло Бани Исроилга ёзиши – фарз қилиши – улар ўша вақтда аҳли китоб бўлиб турган қавм эканлигидандир.

Аммо Бани Исроил, одатдагидек, яҳудийлигига борди.

**«Батаҳқиқ, уларга Пайғамбарларимиз баёнотлар олиб келдилар. Сўнгра, бундан кейин ҳам улардан кўплари ер юзида исроф қилгувчилардан бўлдилар».**

Ояти карима аввалида келган аҳдномадан кейин бир қанча Пайғамбарлар очиқ-ойдин баёнотлар олиб келишди. Аммо, барибир, Бани Исроилдан кўплари ер юзида исроф қилгувчилардан бўлдилар. Яъни, тажовузкор бўлиб, ер юзида одам ўлдирдилар, куфр ва фасод ишларни қилдилар.

Агар ушбу ояти каримада бир жонга суиқасд қилиш, уни ноҳақдан ўлдириш жиноятининг миқёси ҳақида сўз кетган бўлса, келаси оятда жамиятга хавф-хатар солувчиларнинг ҳукми ҳақида сўз болади:

إِنَّمَا جَزَاءُ الَّذِينَ يُحَارِبُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا أَنْ يُقَتَّلُوا  
أَوْ يُصَلَّبُوا أَوْ تُقَطَّعَ أَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ مِّنْ خَلْفٍ أَوْ يُنْفَوْا مِنَ الْأَرْضِ  
ذَلِكَ لَهُمْ حِزْبٌ فِي الدُّنْيَا وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ

**33. Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига қарши уруш қилувчилар, ер юзида фасод қилувчиларнинг жазоси, албатта, ўлдирилмоқлари ёки осилмоқлари ёхуд қўл-оёқлари қарама-қарши томондан кесилмоғи ёки ер юзида сургун қилинмоқларидир. Бу, уларга бу дунёда ор бўлур. Охиратда эса, уларга улкан азоб бор.**

Бу ерда васф қилинаётган жиноятчилар бугунги кундаги «уюшган жиноят» истилоҳига тўғри келади. Ёмон ниятли бир гуруҳ кишилар тўпланиб олиб, мусулмонларнинг ўзига, мол-мулкига ва

тинчликларига таҳдид солиши, мусулмон ҳукуматга қарши чиқиши, Ислом шариатида «ҳироба» дейилади. Уларни Аллоҳ таоло ояти каримада:

**«Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига қарши уруш қилувчилар»,** – деб таърифламоқда.

Демак, мусулмонлар жамоаси ҳаётига, тинчлигига, молу мулкига таҳдид солувчилар, шариат асосида ҳукм юритаётган ҳукуматга қарши чиқувчилар, аслида, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига қарши уруш очган ҳисобланадилар. Чунки, улар Аллоҳнинг шариатига амал қилаётган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилаётган ҳукумат ва жамоатга суиқасд қилмоқдалар. Аллоҳнинг динини ортга суришга сабаб бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам, улар **«ер юзида фасод қилувчилар»** деган сифатга сазовор бўлмоқдалар. Демак, уларнинг

**«жазоси, албатта, ўлдирилмоқлари ёки осилмоқлари ёхуд қўлоқлари қарама-қарши томондан кесилмоғи ёки ер юзида сургун қилинмоқларидир».**

Булар учун тўрт хил оғир жазо тайин қилинди. Ўша даврнинг ҳокими давр шароитига ва жиноятчиларнинг жинояти ҳолатига қараб, ушбу ҳукмлардан қайси бирини муносиб топса, ўшанисини қўллайди. Ё уларни ўлдиришга ҳукм чиқаради, ё уларни осиб ўлдиришга ҳукм қилади, ё ўнг қўлию чап оёғини ёки, аксинча, чап қўлию ўнг оёғини кесишга буюради ва ёки сургун қилишга амр этади.

Қуръони Каримда бу масалада ижтиҳод қилишга йўл очиб қўйилганлиги учун ҳам мужтаҳид уламоларимиз кенг баҳс этиб, турли фикрларни айтганлар.

Ҳанафий, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаби уламолари, жазо жиноятчилар содир этган жиноятга қараб бўлади, деганлар. Шунга биноан, жиноятчилар гуруҳи одам ўлдирса-ю, молу мулкини олмаса, улар ўлдириладилар. Молу мулкини олсалар-у, одам ўлдирмасалар, қўл-оёқлари кесилади. Ҳам одам ўлдириб, ҳам молу мулкини олса, олдин ўлдирилиб, кейин осилади. Ким таҳдид қилса-ю, одам ҳам ўлдирмаса, молу мулкини ҳам олмаса, сургун қилинади, деганлар.

**«Бу, уларга бу дунёда ор бўлур».**

Ислом шариати бўйича бундай жиноятчилар қўлга тушиб, жиноятлари исбот бўлиб, ҳукм чиққандан сўнг, ҳукмни ижро этиш пайтида жамоатчилик тўпланади. Уларнинг жиноятлари ҳақида маълумот берилади. Ва кўпчилик ҳузурда ҳукм ижро этилади. Агар жиноятчи ўлдирилса, ўлиmidан олдин ор-номусга қолиб ўлади. Уруғ-авлоди, бола-чақаси ҳам ор-номусга қоладилар. У осиладиган бўлса, одамлар тўпланадиган, кўпчилик ўтадиган жойга осилади. Бу ҳам

катта ор бўлади. Баъзи уламолар: «Жиноятчиларни тириклайин осиб қўйиб, ҳар замонда найза суқиб турилади, аста-секин ўлади», дейишган. Бу яна ҳам каттароқ ор бўлади. Шунингдек, сургун ҳам орномусдир. Тинч юртидан бошқа, узоқ ва қийинчиликли жойларга сургун қилинади. Бундай кимсанинг умри афсус-надоматда, ору номусда ўтиб кетади.

Бу ҳукмлар фақат бир ҳолатдагина ижро этилмай қолиши мумкин. Ўша истисно ҳолат будир:

إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا مِنْ قَبْلِ أَنْ تَقْدِرُوا عَلَيْهِمْ فَأَعْلَمُوا أَنَّهُ اللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

**34. Магар, уларга қодир бўлишингиздан олдин тавба қилсалар, билинги, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Қўлга тушмасдан олдин тавба қилиш ҳақиқий афсус-надоматнинг, яхшиликка қайтишга қилинган қатъий қарорнинг аломатидир. Улар ўз жиноятларини давом эттираверсалар ҳам бўларди, аммо инсофга кириб, ишларининг нотўғри эканини англаб етибдилар, Ислом дини бу рағбатни тақдирлайди. Иккинчидан, бундай ҳукм бошқа жиноятчиларнинг ҳам тавба қилиб, тўғри йўлга тушишларига сабаб бўлади. Бошқа шаръий ҳукмлар қатори ушбу ҳукмга ҳам амал қилинган даврда элу улус тинч бўлиб, ҳамма омонда эди. Бепоеън саҳрода қўй боқиб юрган чўпон қўйларига бўри хужум қилишдан хавфсирамаса, бошқа қўрқинчи йўқ эди. Аммо ҳозир-чи? Одамлар уйида тинч ўтира олмайдилар. Ҳар қадамда жонлари ҳам, молу мулклари ҳам хавф остида. Дунёдаги жами ҳукуматлар бирлашиб ҳам жиноятчиларни жиловлай олмаяптилар. Аллоҳнинг ҳукмига юрмасликнинг оқибати – шу.

Одам ўлдириш ва жиноятчи гуруҳлар ҳақидаги сўздан кейин тақво ҳақида ваъзу насихат келади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَابْتَغُوا إِلَيْهِ الْوَسِيلَةَ وَجَاهِدُوا فِي سَبِيلِهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

**35. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглр ва Унга васийла ахтарингиз ҳамда Унинг йўлида жиҳод қилингиз. Шояд-ки, ютуққа эришсангиз.**

Аллоҳнинг амрига итоат қилмасликнинг оқибати нима бўлиши билинди. Энди сиз, эй, иймон келтирганлар:

**«Аллоҳга тақво қилинглари ва Унга васийла ахтарингиз».**

Дунёда қўрқиш лозим бўлган ягона зот Аллоҳдир. Бу хавф эса, инсон каромати — ҳурмат-эътиборига лойиқ хавфдир. Қачонки инсонларда Аллоҳдан қўрқиш ҳисси — тақво ҳисси бўлмас экан, ҳеч қандай қонун, ҳеч қандай тузум одамларни ёмонликдан сақлаб тура олмайди. Қўйилган миқдор ёки жосуслар назоратидан қочиб, олдингидан ҳам баттар ишларни қилаверадилар. Инсонда тақво бўлсачи? Унда, ҳар бир инсон ўзига ўзи қўриқчи ва қузатувчи бўлади. Ҳеч ким уни назорат қилмаса ҳам, ҳеч ким кўрмаётган бўлса ҳам, ёмонлик қилмайди.

**«Унга васийла ахтарингиз ҳамда Унинг йўлида жиҳод қилингиз».**

Яъни, Аллоҳга яқин бўлиш, маҳбуб бўлиш йўлини ахтарингиз. Ҳамда Аллоҳнинг йўлида куч-ғайрат сарфлангиз, жиҳод қилингиз. Шунда:

**«Шоядки, ютуққа эришсангиз».**

Келаси оятда кофирларнинг ҳоли баён қилинади.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوَآتَتْ لَهُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا وَمِثْلَهُ مَعَهُ لَيَفْتَدُوا بِهِ  
 مِنْ عَذَابِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَا نُقْبِلُ مِنْهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٣٦﴾

**36. Агар куфр келтирганлар қўлида ер юзидаги ҳамма нарса ва яна шунча нарса бўлсаю уни қиёмат кунининг азобидан қутулишга тўлов қилиб берсалар ҳам, улардан қабул қилинмас. Уларга аламли азоб бор.**

يُرِيدُونَ أَنْ يُخْرِجُوا مِنَ النَّارِ وَمَاهُمْ بِمُخْرِجِينَ مِنْهَا وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٣٧﴾

**37. Улар дўзахдан чиқмоқчи бўлурлар. Аммо ундан чиқа олмаслар. Уларга муқим азоб бор.**

Кофирларни қиёмат кунда аламли азоб кутаётгани ҳаммага маълум. Ҳатто кофирларнинг ўзлари ҳам буни сезишади. Фаразан ушбу ҳолатдан қутулиш учун уларнинг имкони бор ёки йўқлигини баҳс қилинадиган бўлса, улар нима қилишлари мумкин? Қўлларидан нима келади? Ояти каримада бор имкониятларнинг энг катта-сидан ҳам каттаси келтирилмоқда:

«Агар куфр келтирганлар қўлида ер юзидаги ҳамма нарса ва яна шунча нарса бўлсаю...»

Дунёдаги жами кофирлар йиғилса ҳам ҳосил қила олмайдиган имконият — дунёдаги ҳамма нарсалар уларнинг қўлида бўлишлиги. Бу имконсиз нарса. Аммо, тасаввур учун, майли дейилса, бунинг устига яна шунча қўшилса, яъни, дунёдаги ҳамма нарсалар икки баробар қилиб кофирлар қўлига берилса-да, улар:

**«уни қиёмат кунининг азобидан қутулишга тўлов қилиб берсалар ҳам, улардан қабул қилинмас».**

Бундан уларнинг қиёмат куни азобидан қутулиш имконлари умуман йўқдир, деган маъно чиқади. Демак:

**«Уларга аламли азоб бор».**

Ояти карима кофирларнинг дўзахдан қутулиш учун қиладиган ҳаракатларини ажойиб тасвирлайди:

**«Улар дўзахдан чиқмоқчи бўлурлар».**

Бунинг учун турли-туман имкониятлар ахтарадилар. Аммо чиқа олармикинлар? Йўқ!

**«Аммо ундан чиқа олмаслар. Уларга муқим азоб бор».**

Аввалги оятларда куч ишлатиб, зўравонлик билан одамларнинг молини тортиб олиш ҳақида сўз кетган эди, келгуси оятда эса, одамларнинг молини билдирмай — ўғирлаб олганларнинг жазоси ҳақида гапирилади:

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا جِزَاءً بِمَا كَسَبَا نَكَالًا مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

**38. Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар. Бу уларнинг қилмишига жазо ва Аллоҳдан иқобдир. Аллоҳ азиз ва ҳақиймдир.**

Ушбу ояти карима ва унда баён қилинган ҳукм энг кўп тортишувларга, баҳсларга ва муқоясаларга сабаб бўлган масалалардан дир. Мазкур баҳс, тортишув ва муқоясалар ҳозирги кунда — Ислом душманлари Аллоҳнинг шариатига қарши ҳужумларни кўпайтирган пайтда янада авж олди. Бунинг оқибатида нотўғри фикрлар ҳам тарқалди. Ҳозирда Ислом шариатини ҳаётга татбиқ қилиш ҳақида гап кетса, баъзиларнинг хаёлига қўли кесилган одамларга тўла жамият келадиган бўлиб қолди. Чунки, ҳамма ўз қаричи билан ўлчайди. Агар ўғрининг қўлини кесадиган бўлинса, ҳаммамизнинг қўлимиз кесилиши керак, деб ўйлайди ҳозиргилар. Ҳақиқатан ҳам, тузукроқ назар солинадиган бўлса, бугунги жамиятларда, хусусан, худосизлик жамиятларда ўсган авлоднинг, агар ораларида Аллоҳ, Ўз

мўъжизаси ила сақлаган баъзилар бўлмаса, ўғрилиқ қилмагани кам. Лекин бундан Ислом жамияти қўли кесилганлар жамияти бўлар эканда, деган фикр ҳам чиқмайди. Бу мутлақо нотўғри ҳаёлдир. Аввало, Ислом шариатининг татбиқи ҳақида сўз кетганда, бутун бошли исломий тузумни тушуниш керак. Аллоҳ таоло аслида жоҳилий тузумга амал қилиб турганларга ўғрининг қўлини кесишни амр қилган эмас. Балки иймон келтирганларга, Аллоҳнинг ҳукми остида тўлақонли ҳаёт кечириётганларга амр қилган. Ислом шариати парчаланмас, бир бутун тузумдир. Ана ўша тузумда яшаб турган кишилардан ўғрилиқ қилганларининг қўлини кесиш ҳақида сўз кетмоқда.

Исломий жамият ўз ҳукми остида яшаётган кишиларга, ким бўлишидан қатъиназар, яхши ҳаёт кечириш ҳаққини беради. Уларни тўғри йўлда тарбиялайди. Ижтимоий ҳаётда адолатни ўрнига қўяди. Шахсий мулкнинг ҳалол йўл билан ривожланишига эшикни кенг очиб қўяди. Жамият аъзоларининг ижтимоий таъминотини ҳам йўлга қўяди. Хулоса қилиб айтганда, кишиларни ўғрилиқка бошлайдиган омилларнинг олдини олади. Ана шундан кейингина ўғрининг қўлини кесишга ҳукм чиқаради.

Ислом ҳар бир инсонга яхши ҳаёт кечириш ҳақ-ҳуқуқини бериши инсонларнинг яхши еб-ичиши, кийиниши, турар жойга эга бўлишида ўз аксини топади. Бу нарсага эришишнинг асосий йўли ҳар бир инсоннинг ҳалол меҳнатиدير. Ислом жамияти аъзоларига ҳалол меҳнат ила касб қилишга тўлиқ шароит яратиб беришга масъул. Фуқаронинг ҳунари бўлмаса, ҳунар ўргатади. Ҳунарини рўёбга чиқаришга имкон ё майдон бўлмаса, ўша имкон ва майдонни яратади. Иш топиб беради. Агар ушбу омилларни ишга солиб ишласа ҳам, топгани кун кечиришга етмаса ёки бошқа сабаблар туфайли ишлай олмаса, Ислом шариати бўйича, бошқа томонлардан ёрдам олади. Аввало, иқтисодий жиҳатдан ҳолати яхши бўлган яқин қариндошларидан унга нафақа жорий қилинади. Ёки бу иш яшаб турган жойидаги бой кишилар зиммасига юкланади. Унга ҳам имкон бўлмаса, мусулмонларнинг байтул моли – хазинасидан нафақа олади. Унда ҳам етарли бўлмаса, давлат бой фуқаролардан олиб беради. Шунча ғамхўрлик ва яхшиликлари бор жамиятда одам ўғрилиқ қиладими? Агар шунда ҳам ўғрилиқ қилинса, қўлини кесишга лойиқ иш бўлмай-дими – бу?!

Ҳазрати Умари Одил розияллоҳу анҳу халифалик вақтларида йўлда кетаётиб, тиланиб ўтирган қари одамни кўриб қолибдилар.

«Бу ким?» – деб сўрабдилар.

«Бу – фалончи яҳудий, қариб ишга ярамай, шу ҳолга тушиб қолди», – дейишибди. Ҳазрати Умар:



«Ёшлик чоғида ундан жия олсак-у, қариганида шу ҳолда ташлаб қўйсак, адолатдан бўлмайди», — дебдилар-да, ҳалиги яҳудийга байтул молдан нафақа белгиладилар. Кўриниб турибдики, мазкур имтиёздан мусулмон эмаслар ҳам фойдаланади.

Ислом жамияти аъзоларини тўғри йўлда тарбия қилади. Уларнинг тарбияси иймон асосига, Аллоҳдан қўрқиб, қиёматдан умидвор бўлиш асосига қурилади. Ризқни ҳалол йўл билан топиб ейиш ҳар бир мусулмоннинг вожиби эканлигини чуқур тушунтириб тарбия қилинади. Ўғрилиқ гуноҳ экани, бировнинг молини ботил йўл билан ейиш гуноҳ экани, ўғри гуноҳкор экани, унинг шарият ҳукми бўйича қўли кесилиши тушунтириб тарбия қилинади. Ана шундан кейин ҳам ўғрилиқ қилганнинг қўли кесилмасинми?

Исломий жамият ижтимоий адолатни ўрнига қўяди. Бу жамиятда бировнинг ҳаққини бошқаси емайди, зулм йўли билан тортиб олмайди. Ҳар ким ҳалол меҳнатига яраша ҳақ олади. Унинг меҳнати капиталист ёки давлат томонидан таҳқирланмайди. Жамият мулки ҳисобланган нарсаларда ҳар бир инсоннинг тегишли ҳаққи бор, улардан фақат давлатбошилар ёки баъзи шахслар ва оилаларгина фойдаланмайди. Ислом жамияти шахсий мулкни ривожлантиришга кенг йўл очиб қўяди. Одамлар ҳалол йўл билан қанча кўп молу мулк топса, шунча яхши. Давлат улардан молу мулкларини тортиб олмайди. Бошқа кишилар уларга ҳасад қилмайди. Мана шундай шароитда яшаб туриб ҳам, ҳалол меҳнатга ҳаракат қилмай, бировларнинг ҳаққини ҳаром йўл билан олишга чўзилган қўл кесилса, арзимайдими?!

Ислом жамияти аъзоларининг ижтимоий таъминотларини яхшилаб йўлга қўяди. Аввало, ночор кишиларнинг нафақасини яқин қариндошларига Аллоҳнинг олдидаги диний бурч сифатида вожиб қилади. Ота фарзандларига, эр хотинига, ака укаларига, фарзанд ота-онасига ва ҳоказо нафақа бериши шарт. Яъни, бой қариндошлар ночорларига нафақа беришлари вожиб. Ихтиёрлари билан беришмаса, қози ҳукм чиқариб мажбур қилади. Фиқҳ китобларимизнинг нафақа бобида бу масалалар кенг ёритилган. Ночор инсоннинг яқин қариндоши бўлмаса, унга давлат ёрдам беради, бой мусулмонлар нафақа беради. Иш берувчи ишчига нафақа беради ва ҳоказо. Агар бу чоралар қўлланмаган бўлса, ўғрилиқ содир этилса, қўлини кесишга ҳукм чиқаришга давлат ҳақли бўла олмайди.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳузурларига Музайна қабиласидан бировнинг туясини ўғирлаганлари учун бир неча йигитни ушлаб олиб келдилар. Ҳазрати Умар уларнинг қўлини кесишга амр қилдилар. Шунда баъзилари бу йигитлар Ибн Ҳотиб ибн Балтаъа

исмли кишининг йигитлари эканини, хўжайинлари уларга овқат бермаганидан туя ўғирлаб сўйиб ейишга мажбур бўлганларини айтдилар. Ҳазрати Умар ҳукми дарҳол бекор қилдилар. Хўжайинни чақириб келиб қойдилар ва ўғирланган туянинг баҳосини икки баробар тўлашга амр қилдилар.

Шунчалик имконлар бўла туриб, ўғриликка борган қўлни, албатта, кесиш зарур!

Айни чоғда, шариат бўйича, бировни ушлаб келиб, манави ўғри экан, дейилса, дарҳол қўли кесилавермайди. Бу тадбирнинг ўзига яраша тартиб ва қоидалари бор. Буларни бир чеккадан яхшилаб тушуниб олиш керак.

Аввало, ўғрилик нима — шуни билиб олайлик. Шаръий истилоҳда ўғрилик — бировнинг беркитилган молини махфий суратда олиш. «Беркитилган» деганимиз, қаровсиз қолмаган деган маънони англади. Омборга қўйиб қулфланган ёки қоровул қўйилган бўлса, мол беркитилган бўлади. Қаровсиз қолган молни ўғирлаган одамнинг қўли кесилмайди, аммо бошқа чора кўрилади. Беркитилган жойдан чиқиб қолган, омборнинг эшиги очиқ қолиб, ундан кўриниб турган ёки мол бор жойга кириб-чиқиб юришига рухсат берилган одамларга нисбатан ҳам, агар молдан олсалар, бошқа чора кўрилади.

Энг муҳим шартлардан бири — беркитилган жойдан ўғирланган мол Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги чорак динор қимматга эга бўлиши керак. Ундан оз бўлса, ўғрининг қўли кесилмайди. Унга бошқа чора кўрилади.

Энди қўли кесилиши лозим бўлган ўғрига бу жиноят қандай тарзда собит бўлади? Яъни, қозихона бу одамнинг айбдор-жиноятчилиги собит бўлди, қўли кесилсин, деб қачон ҳукм чиқара олади? Ўғрилик собит бўлиши, аввало, ўғрининг шахсий эътирофи ила бўлади. У, эътироф қилгандан сўнг юқоридаги шартлар текшириб чиқилади. Тўғри келса, яна бир бор ўғридан бу ишни тушуниб қилган-қилмагани сўралади. Ана шундан сўнг ҳукм чиқарилади.

Яна, ўғрилик икки адолатли кишининг гувоҳлиги билан ҳам собит бўлади. Гувоҳ адолатли бўлиши жуда муҳим. Яъни, умри бўйича шариатга хилоф қилмаган, ёлғон гапирмаган, аввал гувоҳлиги нотўғри чиқмаган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам, қозилар гувоҳларнинг гувоҳлигини қабул қилишдан олдин уларнинг кимлигини ўрганиб чиқади. Жамиятдаги эътиборли кишилардан уларнинг поклиги, адолати ҳақида маълумот олади. Сўнгра, гувоҳлигини қабул қилади. Мазкур шартларда озгина шубҳа туғилса, қўл кесиш бекор қилинади. Агар ўғрилик шубҳасиз собит бўлса, ўғри-

нинг ўнг қўли билаги билан кафтини бирлаштириб турувчи бўғиндан кесилади.

Ислоннинг бу ҳукмига қарши чиқувчилар, бу жазо инсонпарварлик руҳига тўғри келмайди, ўғри қанчалик миқдорда ўғрилик қилган бўлса ҳам, қўлини кесмасдан, қамаш керак, дейишади. Неча юз йиллардан буён бу тадбирларини жорий ҳам қилмоқдалар. Аммо йилдан-йилга, ойдан-ойга, кундан-кунга ўғрилик кўпайиб бормоқда. Майда ўғрилар учун қамоқхона жазо эмас, балки малака ошириш курси, ўғрилик ишини янада чуқурроқ эгаллаш мактаби бўлиб қолди. Қамоқдан, ўзидан кўра тажрибали шахслардан тажриба ўрганиб чиқиб, аввалгисидан катгароқ ўғрилик қилмоқдалар. Бу мантиқсиз ҳолат етти ёшдан етмиш ёшгача ҳаммининг истеҳзосига сабаб бўлмоқда.

Ислоний жазо бўлмиш қўл кесиш эса, энг самарали омил ҳисобланади. Ислонда жиноятнинг олдини олишга, таг-томири билан йўқотишга ҳаракат қилинади. Шунинг учун ҳам, тайин қилинган жазолар нафақат тан жазоси, балки руҳий, маънавий ва тарбиявий жазо ҳам ҳисобланади. Бу маънода Ислонда кўзда тутилган жазолар жиноятчи нимани кўзлаб жиноят қилса, уни, аввало, ўшандан маҳрум қилишга ўтилади. Мисол учун, меросга тезроқ етиш учун мерос қолдирувчининг ўлимига сабаб бўлган меросхўр аввал меросдан маҳрум қилинади, кейин бошқа чоралар кўрилади. Ўғрилик қилган одам осонлик билан молу мулкка эга бўлиш мақсадида бу ишга қўл уради. Унга молу мулк топишни қийинлаштириш учун қўли кесилади.

Қолаверса, бошқа жазо чоралари каби, бу жазо ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Жазо ҳукми кўпчилик халқни тўплаб туриб ижро этилади. Кўпчиликнинг ичида шарманда бўлган ва танасида жиноятининг белгиси қолган шахс иккинчи бор бу ишга қўл урмайди. Энг муҳими — ҳукми ижро этиш пайтида ҳозир бўлганлар ҳам ўрнатилган олиб, шу каби шарманда бўлмаслик учун ўғриликдан тийиладилар.

Бу ҳукми ижро этишдан кўра, унинг ҳайбати кўпчиликни жиноятдан ушлаб туриши эътиборга сазовор. Ўғрининг қўли кесилди, деган ҳукм чиқиши биланоқ кўпчилик ўзидан-ўзи қуйилиб қолади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтларида ушбу ояти карима тушганидан сўнг уч-тўрт кишининг қўли кесилиши билан ҳеч ким ўғрилик қилмай қўйган. Ҳозирги пайтдагига ўхшаб, жазони ўтаб чиқиб оқ яна қайтадан бошлашмаган.

فَمَنْ تَابَ مِنْ بَعْدِ ظُلْمِهِ وَأَصْلَحَ فَإِنَّ اللَّهَ يَتُوبُ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ

**39. Ким зулмидан кейин тавба этса ва амали солиҳ қилса, Аллоҳ, албатта, тавбасини қабул қиладир. Шубҳасиз, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Гуноҳ қилган банд тавбага шошилмоғи лозим. Аммо бу ояти каримага чуқурроқ назар соладиган бўлсак, унда:

**«тавба этса ва амали солиҳ қилса»,** дейилмоқда.

Мусулмон одам учун ёмонликдан қайтишнинг ўзи кифоя қилмас экан. Ёмонликдан қайтиш билан бирга, яхшилик амалларни қилиши ҳам зарур экан. Чунки ёмонликни қилмай қўйиб юраверса, орада бўшлиқ пайдо бўлади ва бу бўшлиқ уни яна ёмонликка қайтариши мумкин. Шунинг учун ҳам, яхшилик қилиш тавбани қабул этиш шартларига қўшилмоқда. Ўғриликка қўл урган одам афсус ила тавба қилиб, унинг шартларига риоя этса, Аллоҳ таоло ҳузурда албатта унинг тавбаси қабулдир. Аммо у қўлга тушиб, иши қозихонага етса, унга нисбатан чора қўлланиши шарт. Бу ерда уни кечириб бўлмайди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бир одам қимматбаҳо ридосини бошига қўйиб ухлаб ётганда, бошқа бир шахс астагина у ридони ўғирлайди. Аммо бир оз ўтиб қўлга тушади. Ридонинг эгаси уни ушлаб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига олиб боради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўғрининг қўлини кесишга амр қиладилар. Шунда ридонинг эгаси раҳим қилиб: «Маيلي, мен розиман, битта ридо учун қўли кесилиб кетмасин», дейди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Шу гапингни буни менинг олдимга олиб келмай туриб айтганингда, бўлар эди. Аммо энди мумкин эмас», дейдилар.

Ўғрининг айбини ўғирланган мол эгаси кечиб юбора олмаганидек, ҳоким ҳам, ким бўлишидан қатъиназар, кечиб юбора олмайди.

Мадийнаи Мунавварада бир аёл ўғрилик қилиб қўлга тушади. Унинг қариндош-уруғлари бундан қаттиқ ташвишланадилар. Агар қўли кесилса, бутун уруғимизга ор бўлади, деб қайғурадилар. Маслаҳатлашишиб, Усома ибн Зайд Пайғамбаримизнинг эркаси, уни ишга солайлик, кечириб юборсалар ажаб эмас, дейишади. Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу воситачилик қиладилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қаттиқ ғазабланадилар ва масжидда жамоат намозидан сўнг хутба қилиб: «Сизга нима бўлдики, Аллоҳнинг ҳаддидан бўлмиш бир ҳадда менга воситачи қўясизлар! Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғрилик қилса ҳам, қўлини кесаман! Сиздан олдин ўтганларнинг ҳалок бўлишига сабаб ҳам оддий одамга ҳадни жорий этиб, обрўлига жорий этмаслик эди», дедилар («Ҳад» деганда шаръий жазо тушунилади).

Жиноят ва унинг жазоси ҳамда тавба ва мағфират ҳақидаги оятлардан кейин, бу дунёю у дунёдаги мукофот ва жазонинг умумий қоидаси зикр қилинади:

أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ يُعَذِّبُ مَنْ يَشَاءُ وَيَغْفِرُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٤٠﴾

**40. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳники эканлигини, кимни хоҳласа, азоблашини, кимни хоҳласа, мағфират қилишини ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини билмасмидинг?!**

Борлиқни ёлғиз Ўзи яратган Зот унда ёлғиз Ўзи ҳукм юритади. Унинг хоҳишини чекловчи йўқ. Ниманики хоҳласа, шуни қилади. Осмонлару ер ҳам, уларнинг орасидагилар ҳам Ўзининг мулки. Ўз мулкида нимани раво кўрса, шуни қилади.

Энди Аллоҳнинг ҳукмига, тайин қилган жазоларига бошқа қавмларнинг муносабатлари ва у муносабатларнинг оқибатлари ҳақида сўз юритилади:

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ لَا يَحْزُنكَ الَّذِينَ يُسْكِرُونَ فِي الْكَفْرِ مِنَ الَّذِينَ قَالُوا ءَأَمْنَا بِأَفْوَاهِهِمْ وَلَمْ تُؤْمِن قُلُوبُهُمْ وَمِنَ الَّذِينَ هَادُوا وَسَمَّعُوا لِلْكَذِبِ سَمَّعُوا لِقَوْمٍ ءَاخِرِينَ لَمْ يَأْتُوكُمْ بِحَرْفٍ مِنَ الْكَلِمِ مِنْ بَعْدِ مَوَاضِعِهِ يَقُولُونَ إِنْ أُوتِيتُمْ هَذَا فَخُذُوهُ وَإِن لَّمْ تُؤْتَوْهُ فَاحْذَرُوا وَمَنْ يُرِدِ اللَّهُ فِتْنَتَهُ فَلَن تَمْلِكَ لَهُ مِنْ أَلَيْسَ شَيْئًا أُولَٰئِكَ الَّذِينَ لَمْ يُرِدِ اللَّهُ أَنْ يَطَهِّر قُلُوبَهُمْ لَهُمْ فِي الدُّنْيَا خِزْيٌ وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٤١﴾﴾

**41. Эй Пайғамбар! Оғизлари ила: «Иймон келтирдик» деб, қалблари иймон келтирмаганлар ва яҳудий бўлганларнинг куфрга ошиқадиганларидан хафа бўлма. Улар ёлғонни кўп эшитурлар, сенга келмаган қавмлардан ҳам эшитурлар. Сўзларни жойларидан ўзгартирурлар. Улар: «Агар сизга бу берилса, олинглар, агар бу берилмаса, ҳазир бўлинглар», дерлар. Аллоҳ кимни фитнага солишни ирода қилса, унга Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсани тўса олмассан. Аллоҳ ана ўшаларнинг қалбларини пок-**

лашни ирода қилмади. Уларга бу дунёда шармандалик бор. Уларга охиратда улкан азоб бор.

Ушбу ояти каримада зикри келаётган,

**«Оғизлари ила: «Иймон келтирдик» деб, қалблари иймон келтирмаганлар»**дан мурод – мунофиқлардир. Демак, ушбу ояти карима мунофиқлар ва яҳудийлар ҳақида тушган. Маълумки, мунофиқликнинг келиб чиқиши ҳам яҳудийларга бориб тақалади.

Ушбу оятларнинг нозил бўлиши сабаби ҳақида имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Аллоҳ таоло бу оятларни яҳудийларнинг икки тоифаси тўғрисида нозил қилган. Жоҳилият даврида улардан бири иккинчисини енггандан сўнг ўзаро келишиб: «Агар обрўли тоифа обрўсиз тоифадан бирор кишини ўлдириб қўйса, элик васақ хун тўлайди. Аммо обрўсиз тоифа обрўли тоифадан бирор кишини ўлдириб қўйса, юз васақ хун тўлайди», дейишган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келгунларигача мазкур шартнома асосида иш тутар эдилар. У киши келганларидан кейин обрўсиз тоифа обрўли тоифадан бир кишини ўлдириб қўйди ва орада жанжал чиқди. Обрўли тоифа ўлдирилган аъзоси хунига юз васақ хун талаб қилди. Обрўсиз тоифа эса: «Дини бир, насаби бир, юрти бир икки тоифа аъзоларидан бирининг хуни иккинчисиникидан икки баробар бўлиши қаерда бор? Биз авваллари сизнинг сиқувингиз ила, қўрққаннимиздан берар эдик. Энди эса, Муҳаммад келгач, бермаймиз», дедилар. Орала-рида уруш чиқишига оз қолди. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўртага ҳакам қилишга келишдилар. Бир оздан сўнг обрўли тоифа ўзаро кенгашиб: «Аллоҳга қасамки, Муҳаммад улардан бизга икки баробар хун олиб бермайди. Улар рост айтишади: кўп миқдор хунни бизнинг сиқувимиз остида, биздан қўрққанларидан берар эдилар. Муҳаммадга билдирмасдан одам юборинглар, унинг фикрини билиб келсин. Агар сизлар хоҳлайдиган нарсани берадиган бўлса, уни ҳакам қиласизлар. Агар уни бермайдиган бўлса, ҳазир бўласизлар ва ҳакам қилмайсизлар», дейишиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига баъзи мунофиқларни пинхона юбордилар. Аллоҳ Пайғамбарига уларнинг хабарини берди ва режаларини билдириб:

**«Эй, Пайғамбар! Оғизлари ила: «Иймон келтирдик» деб, қалблари иймон келтирмаганлар ва яҳудий бўлганларнинг куфрга ошиқадиганларидан хафа бўлма»** оятини «фосиқун»гача туширди».

Аллоҳ таоло бу оятни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга у кишининг Пайғамбарлик сифатлари билан хитоб қилиб:



**«Эй, Пайғамбар!»**—деб бошламоқда. Сўнгра икки тоифа одамларнинг қилмишларидан хафа бўлмасликка чақирмоқда.

**«Оғизлари ила: «Иймон келтирдик» деб, қалблари иймон келтирмаганлар ва яҳудий бўлганларнинг куфрга ошиқадиганларидан хафа бўлма».**

Демак, оғизда «иймон келтирдик» дейиш билан одам боласи мусулмон бўлиб қолмас экан. Оғиз билан келтирилган иймонни қалб ва амал тасдиқлагандагина иймонига ишонса бўлади.

Бу ҳолат айниқса бугунги кунимизда кенг тарқалгандир. Оғзи билан иймон-Исломни даъво қилувчилар жуда ҳам кўп. Аммо иш билан тасдиқлашга келганда, аксарияти ўзини четга олади. Бундайлар, кишининг дини қалбида бўлади, Ислом дини амалларини қилмаганимиз билан дилимизда ҳурматимиз бор, деб сўзамолик қилади. Бу ҳаммаси нифоқ. Беҳуда гап.

Яҳудийларнинг кимлиги қадимдан маълум. Уларнинг қилмишлари оятнинг сабаби нузули ҳақидаги ривоятда зикр қилинган. Уларнинг мазкур қилмишларидан хафа бўлмаслик кераклигини Аллоҳ таоло Пайғамбарига уқтирмоқда:

**«Улар ёлғонни кўп эшитурлар, сенга келмаган қавмлардан ҳам эшитурлар».**

Яъни, сенинг ҳузурингда бир жиноят ҳақида фатво сўраб келган мунофиқ яҳудийлар ёлғонни кўп эшитадилар ва буларни олдинга юбориб, ўзлари келмай қолганлардан ҳам тинглайдилар. Яна, улар:

**«Сўзларни жойларидан ўзгартирурлар».**

Яъни, улар Тавротдаги сўзларни ўз жойидан ўзгартирадилар. Ўрнига бошқа сўзларни қўядилар. Маъносини бузиб айтадилар. Жумладан, мазкур жиноятнинг ҳукми ҳақида Тавротда келган сўзларни ҳам ўзгартирганлар.

**«Улар: «Агар сизга бу берилса, олинглар, агар бу берилмаса, ҳазир бўлинглар»,—дерлар».**

Яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига фатво сўраб келиш учун одам юбораётган яҳудийлар воситачиларга: «Агар Муҳаммад сизларга ушбу жиноят ҳақида енгил ҳукм айтса, қабул қилинглари, агар енгил ҳукм айтмаса, ҳазир бўлинглар, у ҳукмни олманглари», дейишади. Кўриниб турибдики, улар шариат ҳукмига амал қилмоқчи эмаслар. Ўзларининг кўнгилларига ёқса, олиб, ёқмаса, рад қилмоқчилар. Яҳудийлар Тавротдаги ҳукм оғир эканлигини биладилар. Унга амал қилмасликлари воқелиқдаги бор нарса. Иймон келтириб мусулмон ҳам бўлмаганлар. Аммо ҳавои нафсларидаги ҳукмни тасдиқлаш учун, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи



васалламга мурожаат этиб, енгил ҳукм бўлса, олишмоқчи. Кейин эса, мана, бу ҳукмни бизга фалончи ўзи белгилаган, деб ўзларига ҳужжат қилишмоқчи.

Бугунги кунда худди шу хилдаги одамлар жуда кўпайиб кетган. Ўзи Ислом шариатига умуман амал қилмайди. Умрида боши сажда кўрмаган. Баъзан ночор ҳолга тушиб қолган пайтда шариатнинг ҳукмини сўраб қолади. Иттифоқо, шариат ҳукми унинг хоҳишига тўғри келиб қолса, биз бу ишни шариатга мос қилмоқдамиз, деб керилиб юради. Тўғри келмаса, бу қадимги замонга мос ҳукм, ҳозир шароит ўзгариб кетган, нима бўлса ҳам, кўнглимиз тоза, деб кетаверади. Мана шу қилмишининг ўзи унинг кўнгли бузуқ ва ифлос эканини билдиради. Бундай одамларни ояти каримада, куфрга ошиққанлар, деб таъриф қилинмоқда.

Аввал айтилганидек, Аллоҳ таоло Пайғамбарига куфрга ошиқётган бундайларнинг қилмишидан хафа бўлмасликни тайинлади ва улар фитна йўлида юрганларини баён қилиб:

**«Аллоҳ кимни фитнага солишни ирода қилса, унга Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсани тўса олмассан»,**—деди.

Мазкур шахслар фитна йўлида юрибдилар, Аллоҳ уларни фитнага солиб қўйган, хафа бўлиш, куйинишнинг ҳожати йўқ. Барибир, фойда қилмайди. Бунинг устига:

**«Аллоҳ ана ўшаларнинг қалбларини поклашни ирода қилмади».**

Уларнинг қалблари нопок. Ўзлари шуни хоҳладилар. Қалблари нопок бўлмаганда, мазкур ишларни қилмас эдилар. Уларнинг нияти бузуқ бўлгани учун Аллоҳ ҳам қалбларини поклашни ирода қилмади. Бинобарин:

**«Уларга бу дунёда шармандалик бор. Уларга охиратда улкан азоб бор».**

Кейинги ояти карима уларнинг васфини давом эттиради:

سَمْعُونَ لِلْكَذِبِ أَكْمُونَ لِلْسُّحْتِ فَإِنْ جَاءُوكَ فَأَحْكُم بَيْنَهُمْ أَوْ أَعْرِضْ عَنْهُمْ وَإِنْ تُعْرِضْ عَنْهُمْ فَكَنْ يَضُرُّوكَ شَيْئًا وَإِنْ حَكَمْتَ فَأَحْكُم بَيْنَهُم بِالْقِسْطِ  
 إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ﴿٤٢﴾

42. Улар ёлғонни кўп эшитувчилар, ҳаромни кўп еювчилардир. Агар сенга келсалар, ораларида ҳукм чиқар ёки улардан юз ўгир. Агар улардан юз ўгирсанг, сенга ҳеч зарар келтира олмас-

**лар. Агар ҳукм қилсанг, ораларида адолат ила ҳукм қил. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни севадир.**

Аввалги оятда ҳам мазкур шахслар,

**«улар ёлғонни кўп эшитувчилар»** деб сифатланган эдилар. Бу оятда ҳам худди шу сифат ила сифатланмоқдалар. Бундан уларнинг бош сифатларидан бири «ёлғонни кўп эшитувчи»лик эканлиги аён бўлмоқда.

Оғзи билан иймон келтириб, қалби иймон келтирмаганлар ва яҳудий бўлганларнинг ҳоли шу-да.

Иймон – Ислом бўлмаса, жамиятда ёлғон авж олади. Уларнинг эшитадиган нарсаси ёлғон бўлиб қолади. Ёлғонни кўп эшитади дегани, демак, қарийб ҳамма ёлғон гапиради, деганидир. Атроф ёлғонга тўлиб кетади. Етти ёшдан етмиш ёшгача ёлғончига айланади. Рост ва тўғри сўзга жой қолмайди. Ундай жамиятда рост ва тўғри сўзли одам ақлдан озган ва ғариб саналади. Чунки, у яшаб турган жамиятда рост сўзни фақат ёлғон топа олмай қолганларидагина, ноиложликдан гапирадилар.

Мазкур кишиларнинг яна бир сифати –

**«ҳаромни кўп еювчилар»**дир. Оғзи билан иймон келтириб, қалби иймон келтирмаганлар жамиятида ва яҳудий бўлганлар жамиятида ҳаром емоқ одат тусига киради. Иймон-Ислом бўлмаган жамиятда ҳаром ейиш авж олади. Аллоҳ ҳаром қилган чўчқа, ўлимтик, қон, ароқ ва бошқаларни ўзлари учун энг тансиқ ва азиз таом ҳисоблайдилар. Бунинг устига, топганлари ҳаммаси ҳаром. Ботил йўл билан, қимор, порахўрлик, рибохўрлик, товламачилик, зўравонлик, ўғрилик, бировнинг ҳаққини тортиб олиш каби йўллар билан мол топадилар. Уларнинг жамиятида ҳалол йўл билан ризқ топиш анқонинг уруғига айланади. Ўзлари шундай ҳолда бўла туриб, яна мунофиқлик ила фатво сўраб келишади.

**«Агар сенга келсалар, ораларида ҳукм чиқар ёки улардан юз ўғир. Агар улардан юз ўғирсанг, сенга ҳеч зарар келтира олмаслар».**

Бу амрга биноан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ихтиёр берилмоқда. Хоҳласалар, улар орасида ҳукм чиқарадилар, хоҳламасалар, масалани кўрмай, уларни қайтариб юборадилар. Уларни қайтариб юборсам, нима бўлар экан, деган хаёлга ўрин йўқ. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳеч зарар келтира олмайдилар.

Бу амр ўша, фитнага учган, аввал маслаҳат қилиб, сўнг ҳукм сўраб келган, гуруҳнинг ўзига хос бўлса керак. Чунки, шариатдаги собит ҳукм бўйича, Ислом жамиятида яшаётган ғайридинлар учун

ҳам шариат ҳукмлари юритилади. Албатта, уларнинг диний ақийдалари ва ҳукмлари эътиборга олинган ҳолда. Шариатларида йўқ нарсага улар мажбур қилинмайди. Мисол учун, чўчқа боқишлари, сотишлари, ейишлари мумкин. Шунингдек, ароқ ҳам уларнинг ўзларига хос тариқада рухсат берилган нарса ҳисобланади. Аммо, бунга ўхшаш ишлар ўзаро давраларида мумкин. Мусулмонларга тарқатмайдилар.

**«Агар ҳукм қилсанг, ораларида адолат ила ҳукм қил. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни севадир».**

Яҳудийларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳукм сўраб келганлари ҳақида маълумот бор. Имом Молик ибн Анас Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Яҳудийлар келиб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга улардан бир эркак бир аёл билан зино қилганини айтадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тавротда тошбўрон қилиш ҳақида нима борлигини биласизларми?» – дедилар. Яҳудийлар, уларни шарманда қиламиз, сўнгра дарра урамиз, дейишди. Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу: «Ёлғон гапирдинлар. Тавротда тошбўрон бор!» – дедилар. Тавротни олиб келиб, очишди. Улардан бири тошбўрон ояти ёзилган жойга қўлини қўйди-да, ундан олдинги ва кейинги ибораларни ўқиди. Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу унга: «Қўлингни кўтар!» – деди. Яҳудий қўлини кўтарган эди, тошбўрон қилиш ояти кўринди. Шунда яҳудийлар: «Эй Муҳаммад, бу тўғри айтяпти, Тавротда тошбўрон ояти бор», – дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалиги икки яҳудий зинокорни тошбўрон қилишга амр қилдилар. Улар тошбўрон қилиндилар. Эркак аёлни тошбўрондан гавдаси билан тўсаётганини кўрдим».

Бу ҳадисни имом Бухорий ва имом Муслимлар ҳам ривоят қилганлар.

Кейинги оятда яҳудийларнинг мазкур қилмишлари инкор этилади:

وَكَيْفَ يُحْكُمُونَكَ وَعِنْدَهُمُ التَّوْرَةُ فِيهَا حُكْمُ اللَّهِ ثُمَّ يَتَوَلَّوْنَ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ  
وَمَا أَوْلَىٰ لَكَ بِالْمُؤْمِنِينَ

**43. Ўзларида Таврот бўла туриб, унда Аллоҳнинг ҳукми бўла туриб, қандай қилиб сени ҳакам қилурлару сўнгра яна юз ўгириб кетурлар? Улар мўмин эмаслар.**

Бу ерда уларнинг қилмишларидан икки марта ажабланиш бор. Аввало, билмоқчи бўлган ҳукмлари қўлларидаги Тавротда бор. Ҳолбуки, улар Тавротни, бизга Аллоҳ берган илоҳий китоб, унга амал қилмоқдамиз, деб фахр ила тилга олишади. Демак, ўзларида Таврот туриб ва унда мазкур масаланинг ҳукми бўлатуриб, яна Расулуллоҳни ҳакам қилишлари ажабланарли. Яҳудийларнинг бу ҳаракати, улар Аллоҳнинг ҳукмини эмас, ўзларига ёқадиган ҳукми ахтаришаётганини кўрсатади. Иккинчи ажабланарли ҳол — Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳукм чиқариб берсалар ва бу ҳукм Таврот ҳукмига тўғри келиб қолса, юз ўгириб кетишлари. Демак, улар Аллоҳнинг ҳукмини мутлақо хоҳламайдилар. Агар заррача хоҳлаганларида, икки томонлама тасдиқланган ҳукми қувонч ила кутиб олар эдилар. Мазкур шахсларнинг бу қилмишларидан билиб олса бўладики:

**«Улар мўмин эмаслар».**

Аллоҳга бўлган иймон билан Унинг ҳукмига юрмаслик, шариатга амал қилмаслик ҳолати бир ерда жам бўлиши мумкин эмас. Кимки мен мўмин-мусулмонман деса-ю, Аллоҳнинг ҳукмига амал қилмай, бошқанинг ҳукмига юрса, оғзида иймон келтириб, қалбида иймон келтирмаган бўлади.

Аллоҳнинг ҳукмига амал қилиш лозимлиги ҳамма диёнатларда ҳам бор нарса:

إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا الَّذِينَ اسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا وَالرَّبَّيْنِیُّونَ وَالْأَحْبَارُ بِمَا اسْتَحْفَظُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ وَكَانُوا عَلَيْهِ شُهَدَاءَ فَلَا تَخْشَوُا النَّكَاسَ وَأَخْشَوْنَ وَلَا تَشْتَرُوا بِآيَاتِي ثَمَنًا قَلِيلًا وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ ﴿٤٤﴾

**44. Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. У билан У зотга таслим бўлган Пайғамбарлар, Аллоҳнинг китобини муҳофаза қилишга мукаллаф бўлган роббонийлар ва аҳборлар яҳудий бўлганларга ҳукм юритурлар. Улар бу китобга гувоҳ қилинганлар. Одамлардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Менинг оятларимни арзон баҳога сотманглар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар кофирлардир.**

Тавротни ҳам илоҳий китоб сифатида Аллоҳ нозил қилган. Унда одамларга ҳидоят ва икки дунё саодати йўлини кўрсатувчи нур бор.

Унга амал қилувчилар ақийда, ибодат бобидаги ҳидоят ва йўл-йўриқларни ўша Тавротдан оладилар. Шу билан бирга, Таврот фақат ахлоқ-одоб ва баъзи диний маросимларнинг мажмуаси эмас. Унда кишилар ҳаётини бошқариб турувчи таълимотлар, ҳукмлар бор. Ҳукумат шунга мувофиқ бўлиши керак.

**«У билан У зотга таслим бўлган Пайғамбарлар, Аллоҳнинг китобини муҳофаза қилишга мукаллаф бўлган роббонийлар ва аҳборлар яҳудий бўлганларга ҳукм юритурлар».**

Демак, яҳудийлар ҳукумати Таврот асосида иш олиб бориши керак. Ўзларини Аллоҳга таслим қилган – бутунлай топширган Пайғамбар алайҳиссаломлар бор вақтларида улар Тавротга амал қилган ҳолларида яҳудийларга ҳукмдор бўладилар. Чунки, Таврот фақат яҳудийларга хос китобдир. Шунинг учун ҳам, унинг ҳукми фақат яҳудийларга тааллуқдир.

Мазкур Пайғамбарлардан кейин эса, Аллоҳнинг китобини муҳофаза қилишга мукаллаф бўлган, сақлаш масъулияти юклатилган роббонийлар – халқ тарбиясига масъул кишилар, ҳукмдорлар, қозилар ҳамда аҳборлар – диний уламолар Тавротнинг ҳукмини яҳудийлар орасида жорий қилишга масъулдирлар. Яҳудийларнинг диний уламолари «аҳбор» деб аталади. Мазкур масъул тоифалар (роббоний ва аҳборлар) Таврот шариати асосида ҳукм қилиш билан бирга:

**«Улар бу китобга гувоҳ қилинганлар».**

Яъни, улар Таврот таълимотлари асосида ўзлари ҳаёт кечиришларига, сўнгра эса, қавмларининг ҳам ушбу китоб шариати асосида яшашларига гувоҳ бўлишлари лозим эди.

Албатта, Аллоҳнинг ҳукмини жорий қилиш осон бўлмайди. Унинг йўлида турли-туман тўсиқлар бўлади. Ҳар хил тоифалар Аллоҳнинг шариати асосида яшашга даъват қилувчиларга турли тухматлар қилади. Авом халқни бу ишдан қўрқитиш учун турли ташвиқотлар қилади. «Динни ўз манфаати йўлида ишлатмоқчи, ўзи ҳукмини тортиб олмоқчи, одамларни эски замонга қайтармоқчи», каби ифволарни қўзғайди. Бундан ташқари қувғин қилиш, қамаш, қийнаш ва ўлдириш каби усуллари ҳам бор. Аллоҳ таолодан қўрқиш бўлмаса, унинг ҳукмини жорий этишга ҳаракат қилувчилар ҳам бўлмайди. Шунинг учун, Аллоҳ уларга хитобан:

**«одамлардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар»,** – демоқда.

Ва яна, Аллоҳнинг китобини ўқиб, ҳар бир баъда шариат ҳукми остида яшамоғи зарурлигини тушуниб етганлардан баъзилари, молу дунё деб, амал ва мансаб умидида йўлдан озиб, Аллоҳнинг оятларини бузишга, маъносини ўзгартиришга ҳаракат қилишларини қораламоқда:

**«Менинг оятларимни арзон баҳога сотманглар»,** – демоқда.

Бу дунёнинг матоҳи деб, оятлар маъносини бузишга уринишни Аллоҳ, оятларимни арзон баҳога сотиш, деб таърифламоқда. Бундай кимсалар ҳукмдорга, мулкдорга, мансабдорга, зўравонга хушомад қилиб, улар хоҳлаган мақомда фатво чиқариб беришади. Қилмишларини оқлаб гапиришади ёки индамай туришади.

**«Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар кофирлардир».**

Бошқа гапнинг ҳожати йўқ. Ҳаммаси очиқ-ойдин. Бошқа томонга буриб маъно ҳам бериб бўлмайди. Аллоҳ ҳукмининг жорий бўлишидан бош тортган одам Унинг илоҳу маъбудлигини ҳам тан олмаган бўлади.

Сўнгра қасос ҳақидаги Тавротнинг ҳукми баён қилинади:

وَكُنْبَنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا أَنَّ النَّفْسَ بِالنَّفْسِ وَالْعَيْنَ بِالْعَيْنِ وَالْأَنْفَ بِالْأَنْفِ  
وَالْأُذُنَ بِالْأُذُنِ وَالسِّنَّ بِالسِّنِّ وَالْجُرُوحَ قِصَاصٌ فَمَنْ تَصَدَّقَ بِهِ فَهُوَ  
كَفَّارَةٌ لَهُ وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿١٧٨﴾

**45. Биз унда уларга жонга – жон, кўзга – кўз, бурунга – бурун, қулоққа – қулоқ, тишга – тиш ва жароҳатларда қасос вожиб, деб ёздик. Ким у(қасос)ни кечиб юборса, бу унга каффоротдир. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар золимлардир.**

Яъни, Биз Тавротда, яҳудийларга жиноятчилардан қасос олишни вожиб, деб ёздик. Жонга – жон, яъни, одам ўлдирганнинг ўзи ҳам ўлдирилади. Кўзга – кўз, яъни, бировнинг кўзини кўр қилгандан унинг ҳам кўзини кўр қилиш ила қасос олинади. Бурун, қулоқ, тиш ва бошқа аъзолар, шунингдек, етган жароҳатларга ҳам шунга ўхшатиб қасос олинади.

Ушбу ҳукм Ислом шариатида ҳам ўзгартирилмасдан қабул қилинган.

**«Ким у(қасос)ни кечиб юборса, бу унга каффоротдир».**

Яъни, гуноҳдарининг кечирилишига сабабдир.

**«Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар золимлардир».**

Аллоҳнинг ҳукми ила ҳукмдорлик қилмаганлар юқоридаги оятда **кофир** деб аталган эди. Бу оятда ўша васфга золимлик ҳам қўшилмоқда. Эндиги оятда эса, Тавротдан кейин келган Пайғамбар ва китоб ҳақида сўз кетади:



وَقَفَّيْنَا عَلَىٰ آثَرِهِمْ بِعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ التَّوْرَةِ وَآتَيْنَاهُ الْإِنجِيلَ فِيهِ هُدًى وَنُورٌ وَمُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ التَّوْرَةِ وَهُدًى وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٤٦﴾

**46. Уларнинг изларидан Ийсо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчидир. У тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир.**

Яъни, яҳудийларнинг Пайғамбарлари изидан Ийсо ибн Марямни Пайғамбар қилиб юбордик, дейди Аллоҳ таоло. Ийсо ибн Марям алайҳиссалом ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи бўлиб келганлар. Аллоҳ таоло у зотга Инжил китобини берган.

**«Унда ҳидоят ва нур бор».**

Инжилда ҳам кишиларга тўғри йўлни кўрсатувчи ҳидоят ва уларга икки дунё саодат йўлларини ёритувчи нур бор.

**«У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчидир».**

Яъни, Инжил Таврот шариатига баъзи ўзгаришлар киритган, холос. Шу билан бирга:

**«У тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир».**

Ҳа, илоҳий китоблардаги ҳидоятдан манфаат топиш учун тақволи бўлиш керак. Бу китоблардаги ҳидоят ва нурнинг фойдаси тақвоси борларга тегади. Тақводан холи, ғафлат босган қалбларга эса, бу нур ва ҳидоят кириб бормайди. Аллоҳ туширган китобда ҳидоят мавжудлиги аниқ, нур мавжудлиги аниқ, энди ўша ҳидоят ва нурдан манфаат топиш учун очик-ҳассос қалб керак. Таъсирчан қалб керак. Моғор босиб, тошга, кесакка айланган қалб керак эмас.

وَلِيَحْكُمَ أَهْلَ الْإِنجِيلِ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فِيهِ وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿٤٧﴾

**47. Инжил аҳли унда Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритсинлар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ана ўшалар фосиқлардир.**

Демак, Инжилга эътиқод қилган насоролар ҳам унда Аллоҳ нозил қилган ҳукмлар остида, ўша ҳукмларни жорий қилган ҳолда яшамоқлари керак бўлган. Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юриштилик умумий ҳол бўлган. Таврот аҳли ундаги ҳукмлар остида, Инжил аҳли ҳам ундаги ҳукмлар остида яшамоқлари матлуб бўлган.



Қуръон тушиб бўлганидан кейин эса, ҳамма бараварига Қуръоннинг аҳкомлари остида яшаши вожибга айланган.

Аллоҳ таолонинг талаби шу:

**«Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ана ўшалар фосиқлардир».**

Эътибор берилса, охирги оятларда:

«Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса», — деган шарт уч марта келди. Жавоби эса, уч хил бўлди. Аввал «кофирлар», кейин «золимлар», учинчисида «фосиқлар» дейилди. Бундан чиқадик, Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаслик ҳам кофирлик, ҳам золимлик ва ҳам фосиқлик бўлади.

Яҳудийлар Таврот, насоролар Инжил ҳукмини жорий этиб яшамоқлари лозим бўлганини баён қилгандан сўнг, аввалги барча шариатларни, жумладан, Таврот ва Инжил шариатини ҳам бекор қилиб, ўрнига қиёмат кунигача боқий қолиши учун Аллоҳ томонидан мукамал этиб юборилган Ислом ҳақидаги сўзлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб ила бошланади:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ  
فَأَحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ لِكُلِّ جَعَلْنَا  
مِنْكُمْ شُرَعًا وَمِنْهَا جَاءَ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَٰكِن لِّيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ  
فَاسْتَبِقُوا الْخَيْرَاتِ إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٤٨﴾

**48. Ва Биз сенга китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги Китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этгувчи қилиб нозил қилдик. Бас, улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит. Ўзингга келган ҳақни қўйиб, уларнинг хоҳишларига эргашма. Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа, ҳаммангизни бир уммат қилиб қўяр эди. Аммо У сизларни Ўзи ато этган нарсада синамоқ истайдир. Яхшиликка шошингиз. Ҳаммангизнинг қайтар жойингиз Аллоҳ ҳузуридадир. Бас, ўшанда ихтилоф қилган нарсаларингиз ҳақида хабар берур.**

Ушбу ояти каримани ҳар бир мусулмон яхши ўрганиб чиқмоқлиги ва ўзига сингирмоқлиги бугунги кунда жуда ҳам муҳим. Ўзича мусулмонман деб юрганлар ҳам яхшилаб ўргансалар, аслида кимликларини билиб олган бўлар эдилар.

Аллоҳ таоло бу ояти каримани Пайғамбаримизга:

**«Ва Биз сенга Китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги Китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этгувчи қилиб нозил қилдик»,**— дейиш билан бошламоқда.

Қуръон, ундан келиб чиқадиган Ислом шариати Аллоҳ томонидан тушган. Уни туширувчи — бутун борлиқнинг Робби Аллоҳ таолонинг Ўзи. Ким уни инкор этса, Аллоҳни инкор этади. Ким Қуръонни ҳурматсиз қилса, Аллоҳни ҳурматсизлаган бўлади. Ислом шариатига нисбатан паст назар билан қараган кимса Аллоҳга паст назар билан қараган бўлади. Қуръон ва Ислом шариати таълимотлари ила иш тутишдан бош тортган одам Аллоҳнинг таълимотларидан бош тортган бўлади. Ким шундай қилса, ҳеч қандай ҳолда ўзини мусулмон аташга ҳаққи йўқ.

Қуръони Карим бу оятда қандай сифатланаётганига қаранг:

**«ўзидан олдинги китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этгувчи».**

Яъни, Қуръони Карим ўзидан олдинги китобларда келган илоҳий таълимотларни тасдиқлайди. У охири ва боқий китоб, шунинг учун ҳам, олдинги китобларга ҳақиқий баҳони у беради. Қуръони Карим охири китоб бўлгани учун ҳам ҳамма таълимотлар устидан нозир ва ҳакамдир. Улардаги ихтилоф ва келишмовчиликлар ҳақидаги ҳукмлар ҳам Қуръондан чиқади.

Аллоҳ томонидан нозил қилинган ҳақиқий назоратчи — ҳакам турганда, одамларнинг фикрига, фирқаларнинг дастурига, давлатларнинг мафқурасига йўл бўлсин!

Пайғамбарига мазкур сифатларга эга китобни нозил қилган Аллоҳ таоло қуйидаги амрни қилиши айни муддаодир:

**«Бас, улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит».**

Бошқа гап йўқ. Ер юзида Аллоҳнинг ҳукми жорий бўлиши лозим. Ким ўзини Аллоҳнинг бандасиман деса, Унинг розилигини топиш мақсади бўлса, бу ҳақиқатни тўлалигича, чин кўнгилдан қабул этмоқлиги лозим. Бўлмаса, Аллоҳга қарши чиққан бўлади.

**«Ўзинга келган ҳақни қўйиб, уларнинг хоҳишларига эргашма».**

Демак, бу ишда ҳеч қандай узр кетмайди. Одамларда турли хоҳишлар бўлиши мумкин. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ўз хоҳишларини турли узрларга ўраб кўрсатишлари мумкин. Аммо Аллоҳ таоло олдиндан Пайғамбарини огоҳлантириб, ҳеч кимнинг ҳеч қанақа хоҳишини эътиборга олмай, Аллоҳнинг айтганинигина қилишга буюриб қўймоқда.

Ривоятларда зикр қилинишича, ушбу жумлага яҳудийларнинг баъзи муаммолари сабаб бўлган экан. Улар Пайғамбаримиз соллал-

лоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Биз билан баъзи ҳукмларни ўзгартиришга, жумладан, зинокорни тошбўрон қилишни бекор қилишга ва бошқа ишларга келишсанг, сенга иймон келтирамиз», дейишган экан. Ана шунда Аллоҳ таоло одамларнинг хоҳишига эргашмасдан Аллоҳнинг ҳукмини амалга ошириш зарурлигини таъкидлаган.

Ислом оламшумул – барча халқлар, барча одамлар, барча замонлар ва барча маконларга салоҳиятли дин. Агар бугун бир миллатнинг бу динга киришига қизиқиб, унинг талабига асосан Аллоҳнинг ҳукмини ўзгартирилса, эртага бошқа бир миллат ўз талаби, ўз шарт билан келади. Эҳтимол, бу талаб, аввалгиларнинг талабига мутлақо зид бўлар. Унда, Ислом ҳамманинг устидан кузатувчи – ҳакамлик сифатини, илоҳий мукамал динлик сифатини йўқотиб, одамлар қўлидаги ўйинчоққа айланиб қолади.

Ана шу ҳақиқатни баён қилиш учун Аллоҳ қуйидагиларни айтади:

**«Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик».**

Ҳар бир халқнинг ўзига яраша урф-одати, ҳаёт кечириш йўли, услуби бор. Бу нарсалар ўз-ўзидан, беҳудага бўлгани йўқ. Бир ҳикмати бўлиши керак. Ҳолбуки, ҳамма одамлар бир хил яшаб, бир хил ҳаёт кечиришса, бўлмасмиди?

**«Агар Аллоҳ хоҳласа, ҳаммангизни бир уммат қилиб қўяр эди».**

Лекин қилмади. Турли-туман, хилма-хил қилиб қўйди. Хўш, бунинг ҳикмати нима? Нима учун шундай бўлди?

**«У сизларни Ўзи ато этган нарсада синамоқ истайдир».**

Яъни, Аллоҳ таоло одамларни турли халқ ва миллатларга бўлишидан, уларга турли шариат ва йўл беришидан чиқадиган ҳикмат – уларни синаб кўриш. Улар Аллоҳ берган динда юрадиларми, шариатга амал қиладиларми, йўқми? Қиёматда – Аллоҳнинг ҳузурида ҳақиқат юзага чиқади. Бу дунё, синов, имтиҳон дунёси, унда одамлар турли-туман бўлиб юраверишади. У дунёда эса, Аллоҳнинг айтганини қилганларгина нажот топадилар. Модомики, аҳвол шундай экан:

**«Яхшиликка шошилингиз. Ҳаммангизнинг қайтар жойингиз Аллоҳнинг ҳузуридадир».**

Ҳамма хилма-хил бўлиши билан, қайтар жой битта – Аллоҳнинг ҳузури. Демак, инсон бир хил бўладими, ҳар хил бўладими, энг аввало, Аллоҳнинг розилигини топиш учун ҳаракат қилиши лозим бўлади. Аллоҳнинг розилиги Исломга амал қилишда эканини Аллоҳнинг Ўзи айтиб қўйган. Демак, яхшиликка шошилингиз! Исломга шошилингиз! Ана ўшандагина Аллоҳнинг ҳузурига қайтганингизда, ҳижолат тортмайсиз. Чунки Аллоҳ қиёмат кунида:

«Бас, ўшанда ихтилоф қилган нарсаларингиз ҳақида хабар беради».

وَأَن آحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَأَحْذَرَهُمْ أَن يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ  
مَا أَنزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ فَإِن تَوَلَّوْا فَاعْلَمُوا أَنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَن يُصِيبَهُم بِبَعْضِ ذُنُوبِهِمْ وَإِن كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ  
لَفَاسِقُونَ ﴿٥٩﴾

**49. Улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит. Уларнинг хоҳишларига эргашма ва улар сени Аллоҳ сенга нозил қилган нарсада фитнага солишларидан ҳазир бўл. Агар юз ўғирсалар, билки, Аллоҳ уларни баъзи гуноҳлари туфайли мусийбатга солишни ирода қилибдир. Албатта, одамлардан кўплари фосиқлардир.**

Ўтган оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни одамларнинг хоҳишларига эргашиб, шариат ҳукмини тарк этишдан қайтарган эди. Бу ояти қаримада эса, Аллоҳ таоло нозил этган нарса — Ислом шариати ила одамлар орасида ҳукм юритиш зарурлигини яна бир бор таъкидлаяпти. Сўнгра, аввалгидан кўра дақиқроқ ишдан ҳам қайтариб:

**«Уларнинг хоҳишларига эргашма ва улар сени Аллоҳ сенга нозил қилган нарсада фитнага солишларидан ҳазир бўл»,** — димоқда.

Яъни, одамлар шариат ҳукмини юритишда баъзи жузъий камчиликлар бўлишини таклиф қилса ҳам, қабул этма, деганидир.

Номаъқул одамлар шариатга умуман амал қилмаслик ҳақида таклифлар киритадилар, бу қабул бўлмаса, кичикроқ ўзгартириш киритишни таклиф этадилар. Табиийки, бу ҳам қабул бўлмайди. Шунда Аллоҳ инсоф берганлари ўзига келиб, ҳақиқатга таслим бўлади. Мусулмон бўлиб ҳаёт кечиришни бошлайди. Инсофга келмаганлари эса, юз ўгириб кетади. Буни нима деб баҳолаш керак? Ислом даъватининг муваффақиятсизлигимиз ёки бошқа нарсами? У пайтда даъватчи нима қилиши керак? Аллоҳнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган хитоби ушбу саволларга жавоб бўлади:

**«Агар юз ўғирсалар, билки, Аллоҳ уларни, баъзи гуноҳлари туфайли мусийбатга солишни ирода қилибдир».**

Демак, ким юз ўгирса, ўзига зарар. Ўзи мусийбатга учрайди. Аллоҳнинг шариатидан юз ўтиргани учун бу дунёда бошига турлитуман, эҳтимол, кўпчиликнинг кўзига кўринмайдиган, ақли идрок

этолмайдиған мусийбатларга тушади. У дунёда эса, ҳақиқий ва чексиз мусийбатларга дучор бўлиши турган гап. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг меросхўрлари бўлмиш Ислом даъватчилари эса, ҳаммани рози қиламан, деб уриниб, уларнинг хоҳишига қараб иш тутишни хаёлларига ҳам келтирмасликлари керак. Чунки:

**«Албатта, одамлардан кўплари фосиқлардир».**

«Фосиқ» дегани дин чегарасидан чиқувчи, бошқа томонга бурилиб кетувчи, деганидир. **Мусулмонман** деб, ҳатто тақводорликни даъво қилиб юрган кўпларга назар солинса, ўзининг шахсий манфаати йўлида шариат ҳукмларига риоя қилмай қўйишлари кўрилади. Улар турлича таклиф-мулоҳазалар ҳам киритиб турадилар. Бу таклиф ва мулоҳазалар ортида ҳам, аслида ўзларининг шахсий манфаатлари ётади. Аммо уларнинг бу ҳолларининг Исломга дахли йўқ. Ислом даъватига кирган шахслар бу ҳақиқатни ҳеч унутмасликлари лозим.

Одамлар икки йўлдан бирини танлашлари керак:

أَفَحُكْمَ الْجَهْلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا الْقَوْمِ يُوقِنُونَ

**50. Жоҳилият ҳукмини истарларми?! Ишончи комил қавмлар учун Аллоҳдан ҳукми яхшироқ ким бор?!**

Жоҳилият деганда, Исломдан бошқа тузум, Ислом ҳукмидан бошқа ҳукм тушунилади. Жоҳилият маълум бир жойга ёки даврга ёки қавмга хос нарса эмас. Исломдан олдинги Арабистон ярим оролида мавжуд бўлган жоҳилият эса, кўплаб жоҳилиятлардан бири, холос. Қиёматгача боқий диннинг қиёматгача муҳофаза қилинадиган, ҳукми ҳамма жойга, ҳамма вақтга ва ҳамма одамларга жорий бўлган китоби – Қуръони Каримнинг ушбу оятида Аллоҳ таоло Ўзининг ҳукмидан бошқа ҳукми истаётган бандаларнинг қилмишларини инкор этиб:

**«Жоҳилият ҳукмини истарларми?!»** – демоқда.

Ким Ислом ҳукмидан бошқа ҳукми истаса, у ҳукм қайси ном билан аталишидан қатъиназар, жоҳилият ҳукмини истаган бўлади. Ва бундай одамлар Аллоҳнинг динига, шариатига, ҳукмига ва шу туфайли Аллоҳнинг Ўзига ҳам иймони – ишончи йўқ одамлар бўлади.

**«Ишончи комил қавмлар учун Аллоҳдан ҳукми яхшироқ ким бор?!»**

Ҳеч ким йўқ. Аллоҳнинг ҳукми ила банданинг ҳукми орасида Аллоҳ билан бандасичалиқ фарқ бор. Инсон ҳавои нафсига қараб хоҳ шахсий, хоҳ фирқавий ёки хоҳ жамоатчилик орқали ҳукм туз-

ган бўлса ҳам, ҳаммаси ожиз банданинг ожиз ақли чегарасидан чиқиб кета олмайди. Энг муҳими — ҳеч кимнинг бандаларга ҳукм чиқаришга ҳаққи йўқ. Ким, одамлар менинг ёки бизнинг ҳукмимиз бўйича яшамоғи лозим, деса, Аллоҳнинг ҳокимлик сифатига шериклик даъвосини қилган бўлади. Қўпол қилиб айтганда, одамлар менга намоз ўқисин, деган билан баробар бўлади.

Олдинги оятларда яҳудий ва насронийларнинг қилмишлари ва ниятлари маълум бўлган эди, келаси оятда улар билан қандай муносабатда бўлиш лозимлиги кўрсатилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَىٰ أَوْلِيَاءَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ

مِّنْكُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾

**51. Эй, иймон келтирганлар! Яҳудий ва насороларни ўзингизга дўст тутманг. Улар бир-бирлари билан дўстдирлар. Сиздан ким уларни дўст тутса, албатта, у улардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят этмас.**

Биз оятда, дўст тутманг, деб таржима этган ибора Қуръони Каримда «валий» лафзи билан келган. «Валий» сўзи эса, биз ўгирган «дўст тутиш» маъносидан кўра чуқурроқ ва кенгроқ маънони ифодалайди. Валий бўлишлик ўзаро бирлашиш, ёрдамчилар иттифоқи тузиш маъносини англатади. Қуръони Каримнинг аҳли китобларга нисбатан яхши муомалада бўлиш ҳақидаги маълумотлари бошқа масала, уларни валий тутмаслик ҳақидаги кўрсатмаси бошқа масаладир.

**«Улар бир-бирлари билан дўстдирлар».**

Яҳудий ва насоролар кофирлиги туфайли бир-бирлари билан дўст бўладилар. Ислом нуқтаи назаридан куфр миллати бир миллат ҳисобланади. Улар ҳаммаси Исломга қаршидирлар. Бу ҳақиқатни мусулмонлар тушуниб олмоқлари зарурдир. Ана шунга қараб муносабатда бўлиш керак.

**«Сиздан ким уларни дўст тутса, албатта, у улардандир».**

Мусулмонлардан ким кофирларни дўст тутса, улар билан биргашса, уларни ўзига яқин деб билса, шубҳасиз, мусулмонлар билан ўз алоқасини кесган бўлади. У ҳам ўша кофирлар сафидан жой олади.

**«Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят этмас.»**

Кофирларни дўст тутганлар ўзига ҳам, мусулмонлар жамиятига ҳам зулм қилган бўладилар. Ундай золим қавмларни Аллоҳ таоло, албатта, ҳидоят қилмайди.



فَتَرَى الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ يُسْرِعُونَ فِيهِمْ يَقُولُونَ نَخْشَى أَنْ تُصِيبَنَا آيَةٌ فَعَسَى اللَّهُ أَنْ يَأْتِيَ بِالْفَتْحِ أَوْ أَمْرٍ مِنْ عِنْدِهِ فَيُصْبِحُوا عَلَى مَا أَسْرُوا فِي أَنْفُسِهِمْ نَادِمِينَ

**52. Қалбларида касаллик борларнинг, «Замон айланиб бизга мусийбат етишидан қўрқамиз» деб, улар томон шошилганини кўрасан. Шоядки, Аллоҳ фатҳу нусрат берса ёки Ўз томонидан бирон иш ато қилсаю ўзларича сирлашган нарсаларига надомат қилсалар.**

Ушбу масалани яхшироқ тушуниб олишимиз учун бу ояти карималарнинг нозил бўлишига сабабчи ҳодисани ўрганишимизга тўғри келади.

Имом ибн Жарир Тобарий Идрисдан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Отамдан эшитганман, у эса Атийй ибн Саъддан эшитган. У бундай деб айтган экан: «Бани Ҳорис ибн ал-Ҳазражлик Убода ибн Сомит Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, менинг яҳудийлардан валийларим бор. Уларнинг сони кўп. Мен Аллоҳ ва Унинг Расули учун яҳудийларнинг валийлигидан воз кечаман. Ҳамда, мен энди, фақат Аллоҳни ва Унинг Расулини ўзимга **валий** деб биламан», деди. Шунда (мунофиқларнинг бошлиғи) Абдуллоҳ ибн Убай: «Мен замоннинг айланишидан қўрқадиган одамман. Шунинг учун, ўз валийларимдан воз кечмайман», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Убайга: «Эй Абул Ҳабоб, Убода ибн Сомитга қарши яҳудийларнинг валийлигига бахиллик қилганинг сенга бўлсин», – дедилар. У: «Қабул қилдим», – деди. Шунда Аллоҳ таоло:

**«Эй, иймон келтирганлар! Яҳудий ва насороларни ўзингизга дўст тутманг»** оятларини нозил қилди».

Бошқа ривоятларда таъкидланишича, Убода ибн Сомитнинг яҳудий дўст-валийларидан воз кечишига, уларнинг Исломга ва Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган хиёнат ва душманликлари сабаб бўлган. Шундай ишларни қилиб турганларни ўзини билган мусулмон қандай дўст тутади? Асло! Уларни дўст тутиш учун ушбу оятда васфи келган ўтакетган мунофиқ каби бўлиш керак, холос.

**«Қалбларида касаллик борларнинг, «Замон айланиб бизга мусийбат етишидан қўрқамиз» деб, улар томон шошилганини кўрасан».**



Яъни, мазкур кофирларни, дин душманларини дўст тутиш учун қалбида касали бор – мунофиқ бўлиш керак. Шу билан бирга, замон айланиб мусулмонлар енгилиб қолса, ғолибларнинг зарбаси остида қолмайин, деб қўрқадиган ҳам бўлиш керак. Демак, Исломга у ихлос билан кирган эмас. Мусулмонлар устун келиб турганда, улардан қўрқиб, тили билан мусулмонлигини изҳор қилган, баъзи ибодатларга ва диний кўрсатмаларга ҳам амал қилиб турган. Лекин қалби касал – маразга тўла. Пайт пойлаб туради. Мусулмонларга қарши бўлган кофирлар билан ҳам дўстлашиб, ҳамкорлик қилиб, мободо, замон айланиб, улар мусулмонлардан устун келиб қолса, менга зарар беришмасин, деб туради. Лекин иш тамоман бошқача бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

**«Шоядки, Аллоҳ фатҳу нусрат берса ёки Ўз томонидан бирон иш ато қилсаю ўзларича сирлашган нарсаларига надомат қилсалар».**

Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди. Аммо кейинги надомат бефойда.

Мусулмонларга фатҳу нусрат келиб, қалбларида касаллик борлар кофирларни дўст тутганларига афсус-надомат қилиб турганларида:

وَيَقُولُ الَّذِينَ ءَامَنُوا أَهْتُولَاءِ الَّذِينَ اقْسَمُوا بِاللّٰهِ جَهْدَ اٰيْمَانِهِمْ اِنَّهُمْ لَمَعَكُمْ حَبِطَتْ اَعْمَالُهُمْ فَاَصْبَحُوا خٰسِرِيْنَ

**53. Иймон келтирганлар: «Ўзларини сизлар билан деб, Аллоҳнинг номи ила жон-жаҳдлари ила қасам ичганлар анавиларми?» – дейишади. Амаллари беҳуда кетди. Бас, зиён кўргувчилардан бўлдилар.**

Мўминлар жамоаси Аллоҳдан келган фатҳу нусратнинг нашидасини суриб, хурсандчилик қилишаркан, бир чеккада турган мунофиқларнинг ҳолини кўришади. Улар: «Замон айланиб, кофирлар устун келиб қолса, нима бўлади?» – деб кофирлар билан дўст-валий бўлишган эди. Мунофиқларнинг бундайин аянчли ҳолини кўргач, оятда келган гапларни айтишади. Дарҳақиқат, бу мунофиқларнинг нифоқ ила қилган баъзи ибодатлари ва яхши амаллари беҳуда кетади, яъни, ҳабата бўлади. Заҳарли ўсимлик еб қўйиб, қорни ёрилиб ўлган ҳайвон билан баробар бўлади.

Аммо мунофиқларнинг бунақа иккиюзлама ишлари асло динга зарар етказа олмайди. Аллоҳ Ўз динини муҳофаза қила олади. Кейинги оят шу ҳақда:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا مَنْ يَرْتَدَّ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهَ بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَهُ أَذِلَّةٌ عَلَى  
 الْمُؤْمِنِينَ أَعِزَّةٌ عَلَى الْكَافِرِينَ يُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوْمَةَ لَائِمٍ ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ  
 يُؤْتِيهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ

**54. Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ албатта Ўзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтирур. Улар мўминларга хокисор, кофирларга қаттиққўл, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилурлар ва маломатчининг маломатидан қўрқмаслар. Бу, Аллоҳнинг фазли бўлиб, хоҳлаган одамига берадир. Аллоҳ фазли-карами кенг ва билувчи Зотдир.**

Аллоҳ таоло динининг ер юзида барқарор бўлишини ирода этган. Бу иродани юзага чиқаришда баъзи бандаларини восита – сабаб қилади. Мана шу шарафли ишга мусулмон уммати танланган. Ким бу шарафни етарли тақдир этса, чин қалбидан ихлос билан бу динга хизмат қилади. Бу дин йўлида жонини ҳам, молини ҳам бахш этади. Аммо ким бу улкан бахтнинг қадрига етмаса, турли баҳоналар билан Исломдан қайтса – муртад бўлса, ёмонлиги ўзигадир. Исломга ҳеч қандай зарар етмайди. Қайтага, унга ўхшаган номаъқул шахслардан холи бўлади. Аллоҳ ундайларга муҳтож эмас.

**«Аллоҳ, албатта, Ўзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтирур».**

Демак, Аллоҳ таоло Ўз динининг ер юзида барқарор бўлишига восита қилган бандалари алоҳида сифатларга эгадирлар. Биринчиси – ўзаро муҳаббат. Яъни, Аллоҳ уларни севади, улар ҳам Аллоҳни севадилар. Бу ўзаро муҳаббат энг катга ва қувватли боғланишдир. Аллоҳнинг динига хизмат қилувчиларга, ўша динда мустаҳкам турувчиларга оз эмас, кўп эмас, Аллоҳнинг муҳаббати бўлар экан. Дунёда ўзини билган инсон учун бундан улкан бахт йўқ. Ожиз бир инсоннинг муҳаббатига сазовор бўлган шахс ўзини қанчалар бахтли-саодатли ҳис этади. Биз сўз юритаётган муҳаббат эса, ҳамма бандаларнинг Робби, бутун оламларнинг холиқи, икки дунёнинг молики, барча махлуқотлар қатори бандаларнинг ҳам холиқи, уларга жон ато қилган, нозу неъмат берган, қиёмат куни ҳисоб-китоб қиладиган Зотнинг муҳаббати! Аллоҳнинг маҳбуби бўлишдан юқори бахт йўқ. Шу билан бирга, бу муҳаббатга эришишнинг фақат бир йўли бор – мусулмон бўлиш. Ихлосли мусулмон бўлиш. Аввалги оятда зикр қилинганидек, тили билан иймон келтириб, дилида мунофиқлик ё куфрга кетиш ёки қалбида касаллик билан эмас.

Аллоҳнинг севгисини қозонган бандаларнинг ўзлари ҳам Аллоҳни севадилар. Демак, севги-муҳаббат икки тарафламадир. Аллоҳни севиш қандай улкан бахт. Бу севги дунёдаги ҳамма севгилардан устун турадиган севгидир. Бу севги жо бўлган қалбда бошқа севгилар ҳам соғлом бўлади. Аллоҳни севгувчи одам доимо ўз маҳбуби розилиги учун ҳаракат қилади. Ўзида шундай севги пайдо қилган одам дунёни ҳам бошқача кўради. Дунёдаги ҳамма нарсани ўз қадр-қиммати билан танийди. Фақат мусулмон инсонгина ушбудай севгига соҳиб бўла олади. Бошқалар бу бахтдан бебаҳрадилар. Бошқаларда бунақа севги бўлиши амри маҳол.

Мазкур бандаларнинг сифатларидан яна бири:

**«Улар мўминларга хокисор, кофирларга қаттиққўл»**дирлар. Яъни, Аллоҳ ўз динини ер юзида муқаррар қилиш учун танлаган бандалари аввало мўминларга хокисор (тавозуъли) бўладилар. Иймон (дин) қардошлари билан ўзаро муомалаларда мулойим, лутфли, ширинсўз бўладилар. Меҳрибон, шафоатлидирлар. Мўмин биродарларига ҳеч озор бермайдилар. Бу ҳоллари улар учун пастлик ёки хорлик эмас, балки Аллоҳнинг дини йўлидаги қардошликлари ҳурмати, диний биродарлик туйғусидир. Бу қардошлик туфайли туғилган мўминлараро муҳаббат тилеғламалик, сунъий муомалалар, кўзбоғловчиликларни ўртадан кўтаради, уларнинг алоқаларини соф иймон ва Ислом алоқасига айлантиради.

Шу билан бирга, мазкур кишилар кофирларга қаттиққўлдирлар. Чунки уларнинг кофирлар билан бўладиган алоқалари якка шахс алоқалари эмас, балки бу доирадан юқори турадиган алоқадир. Яъни, бу ерда гап шахсий алоқа ҳақида эмас, дин устида кетмоқда.

Аллоҳнинг динини ер юзида барқарор этиш учун танлаб олинган бандаларнинг яна бир сифатлари шуки, улар:

**«Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилурлар»**

Аллоҳнинг динини, шариатини, иродасини ер юзида барқарор қилиш учун энг зарур нарса – Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишдир. Аллоҳнинг динини ер юзида барқарор этиш учун танлаб олинган кишилар шахсий мақсадлар йўлида эмас, фирқа, тоифа, қабилалари манфаати учун эмас, қандайдир тузум ёки «дохийлар» йўлида эмас, балки фақат Аллоҳ йўлида жиҳод қиладилар. Улар ер юзида Аллоҳнинг дини қарор топиши, шариати жорий бўлиши, ҳукми юритилиши учун жиҳод қиладилар, лекин бу осон иш эмас. Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилмоқчи бўлганларнинг йўлларида тўсиқлар кўп. Энг катта тўсиқлардан бири – ўз нафсларидир. Нафсий тўсиқларининг бошида турли мулоҳазалар, баҳоналар туради. Жумладан, одам-

лар нима дер экан, маломат қилишмасмикан, деган хаёллар ўтади. Аммо, бу хаёлларга берилмаслик керак. Чунки, Аллоҳ Ўз динини ер юзида барқарор этишга ихтиёр қилган бандаларини таърифлаётганда:

**«ва маломатчининг маломатидан қўрқмаслар»,** – демоқда.

Аллоҳнинг йўлида жиҳод қиладиган одамга маломатчиларнинг маломатидан қўрқишнинг нима кераги бор? Маломатчилик кенг тарқалган дард. Ҳар нима қилсанг ҳам, одамлар барибир маломат қилавериши мумкин. Шунинг учун, Аллоҳнинг айтганидан қолмаслик керак. Агар маломатчиларнинг маломатидан қўрқиб, уларга риоя қилинса, жиҳод Аллоҳ учун эмас, улар учун бўлиб қолади. Қолаверса, маломатчилар ким ўзи? Нима қилиб бера олади улар? Бирор ишни бажаришда, уларни баҳолаш ва тақдирлашда Аллоҳнинг йўл-йўриғи лозим ва тақдири ҳамма нарсадан устундир. Бинобарин, Аллоҳнинг динини ер юзида барқарор этиш учун Аллоҳ ихтиёр қилган қавмдан бўлиш:

**«Бу, Аллоҳнинг фазли бўлиб, хоҳлаган одамига берадир. Аллоҳ фазли карами кенг ва билувчи Зотдир».**

Аллоҳнинг бундай кенг фазли-караמידан баҳраманд бўлган кишилар бу улуғ иноятнинг қадрига етмоқлари лозим.

Бу ояти карима мусулмонларнинг ноумид бўлмасликлари учун катта далилдир. Аллоҳ хоҳлаган пайтида, хоҳлаган одамлар ила ер юзида Ўз динини барқарор қилиб олади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида диндан қайтганларнинг ва кофирларнинг умидларини пучга чиқариб, ихлосли саҳобалар авлодини олиб келди. Ислому ер юзида барқарор бўлди. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу даврларида баъзи қабилалар диндан қайтди, фитна чиқди ва Ислому хавф остида қолди. Аммо Аллоҳ таоло яна ихлосли мусулмонларни – ушбу оятда сифатлари зикр қилинган зотларни келтириб, динининг ер юзидаги барқарорлигини таъминлади.

Бир минг тўрт юз йилдан зиёд тарихи давомида Ислому дини ўзига қарши чиқувчиларни кўп кўрди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўтиб кетди. Аммо, Ислому боқий қолди.

Масалан, мўғуллар яшин тезлигида ҳамма жойларни босиб олдилар. Шаҳарларни хароб этиб, одамларни қирдилар, китобларни ёқдилар. Уларнинг қаршисига чиқадиган қавм қолмади. Уларнинг энгилмаслиги ҳақида афсонаомуз гаплар тарқалди.

Мусулмон тарихчиларнинг ёзишларича, ҳолат шу даражага етганки, бир мўғул кўчада мусулмонни кўриб қолиб: «Ҳой мусулмон, қиличим уйда қолибди, сен жойингда туриб тур, мен бориб қили-

чимни олиб келиб сени ўлдираман», деса, мусулмон туриб берган. У қиличини олиб келиб, мусулмонни ўлдирган экан.

Бошқа гувоҳларнинг айтишларича, бир мўғул аёл бир гузар мусулмон эркакни ўлдирган. Ҳатто мусулмонлар орасида, Қуръонда зикр қилинган яъжуж-маъжуж шулар бўлса керак, деган фикр ҳам тарқалган. Аммо, ўзини билган мусулмонлар ушбу оят ва бошқа ояту ҳадисларга таяниб, умидни узмаганлар. Аллоҳ Ўз динини ер юзида барқарор этиш учун ихтиёр қилган қавмдан бўлиш орзуси ила ўзларида ўша қавмнинг сифатларини мужассамлаштириш йўлида тинмай ҳаракат қилганлар, Аллоҳ йўлида жиҳод этиб, маломатчиларнинг маломатидан қўрқмаганлар. Айни Жолут номли жойда мўғуллар биринчи бор тормор этилганлар. Сўнгра, аста-секин ҳамма Ислон диёрлари озод қилинган. Ўзига хос мўъжиза ҳисобланган бу ғалабада бошқа омиллар қатори руҳий-маънавий омил алоҳида аҳамият касб этган. Мусулмонлар мўғуллардан ҳарбий жиҳатдан енгилсалар ҳам, юртлари босиб олинса ҳам, руҳий-маънавий жиҳатдан енгилмаганлар, қалбларини мўғуллар босиб ололмаган. Улар: «Мўғуллар мушрик-кофирлардир, аслида, улар ҳеч нарсага арзимайдилар, биз мусулмонлармиз, ҳақ биз билан, биз ғолиб бўлишимиз керак, аммо бизнинг айбимиз — динга амал қилишдаги камчиликларимиз туфайли мўғуллар вақтинчалик устун келиб турибдилар. Агар ғолиб келмоқчи бўлсак, ўзимизни тузатайлик, айбларимизни йўқотайлик ва динимизга тўлиқ амал қилайлик», — деб тўғри мулоҳаза юритишди, шу йўлда ҳаракат қилишди. Оқибатда, Аллоҳ улардан баъзиларини Ўз динини ер юзида қайтадан қарор топтиришига ихтиёр қилди. Мўғуллар салтанати парча-парча этилди. Аллоҳнинг дини ер юзида барқарор бўлди.

Кейин Оврупадан Ислонга қарши салбчи насоролар чиқди. Рим папаси чақирғи ила Оврупа подшоҳлари жамланиб, куч йиғдилар ва мусулмонларга қарши қатли ом эълон қилдилар. Жаҳон тарихи бунга ўхшаш ваҳшиёна ҳаракатни кам кўрган. Салбчилар номи мусулмон бўлган жон борки, қўймай ўлдира бердилар. Қонлар дарё каби оқди. Мовий Ўрта Ер денгизи мусулмон қони ила қизил тусга кирди. Салбчилар Шомни, Фаластинни ва бошқа жойларни босиб олиб, юз йиллар давомида ҳукмларини юритдилар. Аммо мусулмонлар салбчиларга нисбатан ҳам худди мўғулларга бўлган муносабатда бўлдилар. Булар ҳам кофирлар. Улар ноҳақлар. Ҳарбий ғалабалари вақтинчалик. Биз мусулмонлармиз. Биз ҳақмиз. Салбчилардан мағлубиятга учраганимиз уларнинг кучли эканликларидан эмас, бизнинг заифлигимиздандир. Динимизга амал қилишда сусткашлик қилишимиздандир, деган фикрда бўлдилар. Шу билан бирга, ўзларидаги нуқсонларни тузатиб, Аллоҳ Ўз динини ер юзида барқарор қилиш учун ихтиёр қилган қавмлардан

бўлишга ҳаракат қилдилар. Оқибатда, Аллоҳ таоло асли курд миллатига мансуб мухлис мусулмон Салоҳиддин Аййубий бошчилигида, ўзининг йўлида жиҳод қиладиган ва маломатчиларнинг маломатидан қўрқмайдиган бир қавмни юбориб, ер юзида ўз динини барқарор қилди.

Ҳозирги пайтда мусулмонлар яна бир тушкунликни бошларидан кечирмоқдалар. Дунё кофирлари бирлашиб, уларни эзиб турибдилар. Муртадлар ҳаддан зиёд кўпайган пайти. Ҳар қадамда мунофиқлар. Энг ёмони, руҳий-маънавий ҳолат ҳам бузилган. Ҳозир кофирларга, муртадларга ва мунофиқларга нафрат билан эмас, ҳавас билан қараш одат тусига кирди. Уларга тақлид қиладиганлар ва эргашадиганлар урчиди. Айни чоқда, руҳий-маънавий устунлигини ҳис этадиган мусулмонлар сони ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Улар ҳозирги мағлубиятнинг негизини тушунадилар. Маломатчиларнинг маломатидан қўрқмай, ҳар қандай шароитда Аллоҳнинг йўлида жиҳод қиладилар.

Ҳозирги ноқулай ҳолатдан қутулиш учун мусулмонлар ушбу оятда зикр қилинган сифатларни ўзларида мужассам этишлари лозим. Бунинг учун эса, тинмай ҳаракат қилиш керак. Ана шундагина Аллоҳнинг динини ер юзида барқарор этишга ихтиёр қилинган қавм пайдо бўлади. Аллоҳнинг ваъдаси яна бир бор зуҳур этади.

Кейинги оятда мусулмонларнинг дўст-валийси кимлар эканлиги баён қилинади:

﴿إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ﴾

**55. Албатта, сизнинг валийлариңиз Аллоҳ, Унинг Пайғамбари ва бўйсунган ҳолларида намозни қоим қилиб, закотни адо этадиган иймон келтирганлардир.**

Мусулмон киши ўз валийларини — ишончли дўстларини билиб олиши лозим. Улар кимлар?

Энг аввало, Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Сўнгра Унинг Пайғамбари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Ва ниҳоят, иймон келтирганлардир. Аввалги оятларда зикри келган оғзи билан иймон келтириб, қалблари иймон келтирмаганлар эмас, балки ҳақиқий мўминлардир.

Ҳақиқий мўминларни ажратиб оладиган аломатлардан бири — улар доимо Аллоҳга бўйсунган ҳолда ҳаёт кечирадилар. Яна бир улкан аломатлари — намозни қоим қилишлари, яъни, турғизишларидир. «Намоз ўқидинми? — Ўқидим» даражасидаги оддий намоз эмас, ҳақиқий, Аллоҳ ирода қилган мақомда намозни қоим қиладилар. Ундай намозлар, Аллоҳ бошқа бир оятда зикр қилганидек, «фаҳш



ва мункар ишлардан қайтарадиган» бўлиши керак. Агар биров намоз ўқиса-ю, намози уни ёмон ишлардан қайтармаса, демак, намозни қоим қилолмабди.

Валий бўлишга арзийдиган мўминларнинг сифатларидан яна бири – закотни адо этишларидир. Закот молиявий ибодат бўлиб, бойларнинг иймонини синайдиган амалдир. Закотнинг бир номи садақа – тасдиқловчи ҳамдир. Кимки молу дунёга бўлган ҳирсидан ғолиб келиб, закотни чиқариб ҳақдорга берар экан, бу иши унинг иймони ҳақиқий эканини тасдиқлайди. Ана шундай иймонлари тасдиқланган мўминларгина валийликка ярайдилар.

﴿٥٦﴾ وَمَنْ يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْغَالِبُونَ

**56. Ким Аллоҳни, Унинг Пайғамбарини ва иймон келтирганларни валий қилиб олса, бас, албатта, Аллоҳнинг ҳизби – ана ўшалар ғолиблардир.**

Қачонки мўмин-мусулмонлар Аллоҳни ўзларига валий – дўст тутишни ўрнига келтирсалар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни валий – дўст тутишни яхши йўлга қўйсалар ва ўзларининг ихлосли мўмин биродарларини валий – дўст тутсалар, Аллоҳнинг ҳизби бўладилар. Аллоҳнинг ҳизбидагилар эса, доим ғолибдирлар.

Ва ниҳоят, кейинги оятда кофирларни умуман валий – дўст тутиб бўлмаслиги баён қилинади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الَّذِينَ اتَّخَذُوا دِينَكُمْ هُزُؤًا وَلَعِبًا مِّنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِن قَبْلِكُمْ وَالْكَافِرَ أَوْلِيَاءَ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ كُفْرَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٥٧﴾

**57. Эй, иймон келтирганлар! Динингизни масхара ва ўйин қилиб олган сиздан олдин китоб берилганлар ва куфр келтирганларни валий – дўст тутманг. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг.**

Ушбу ояти карималар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлаётган вақтда мунофиқлар, мушрик-кофирлар ва аҳли китоблар – яҳудийлар Ислом динини масхара қилар эдилар. Аммо ҳукм умумийдир – ким Исломни масхара қилса, ўйин қилса, кофир бўлади. Кофирни эса, у хоҳ бутпараст бўлсин, хоҳ худосиз бўлсин, хоҳ аҳли китоб бўлсин, валий – дўст тутиб бўлмайди. Тўғри, Исломда аҳли китобларга кенг бағирли бўлиш, яхши муомала қилиш, аёлларига уйланиш, таомларидан ҳалол бўлганини истеъмол қилиш ва бошқа баъзи ишларга руҳсат берилган. Лекин бу ишлар бошқа, валий – дўст тутиш



бошқа. Дўст тутиш деганда, бутун вужуди билан берилиб яқинлашиш ва ўзаро ёрдамлашиш кўзда тутилади. Аввалги ишлар оддий инсоний, ахлоқий масалалар бўлса, валий — дўст тутиш ақийда, дину диёнат ва иймон масаласидир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оят сўнгида:

**«Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг»,**—демоқда.

Ҳақиқий мўмин киши Аллоҳдан қўрқади — тақво қилади. Тақво эса, ўз навбатида, кофирларни дўст тутмасликни тақозо этади.

وَإِذَا نَادَيْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ اتَّخَذُوا هَاهُنَا وَأُولَٰئِكَ بِأَنفُسِهِمْ قَوْمٌ لَا يَعْقِلُونَ

**58. Агар намозга нидо қилсангиз, улар уни масхара ва ўйин қилишади. Бу уларнинг ақл қилмайдиган қавмлигидандир.**

Динсизлар, кофирлар ва худосизлар турли йўллар билан Ислом динини масхаралашади, ўйин қилишади. Айниқса, ҳозирги пайтда бу нарса авж олган. Худосизлар зулми остида яшаган мусулмонлар буни жуда яхши билишади.

Аммо, Аллоҳ таоло Ўз динини масхара ва ўйин қилувчиларга мисол тариқасида айнан намозни масхара ва ўйин қилишларини алоҳида кўрсатаётганида катта маъно бор. Аввало, намоз диннинг устуни ва энг бош рамзларидан биридир. Мусулмон билан кофирни ажратиб турадиган омил. Қолаверса, кофирлар ҳам Исломни масхара қилишда кўпроқ намозни мўлжал қиладилар. Худосизларнинг динга қарши олиб борадиган фаолиятига назар соладиган бўлсак, буни яққол кўрамиз. Уларнинг динга қарши нутқларида, мақолаларида, эшиттиришларида ва кўрсатувларида, кино ва театрларида — ҳамма-ҳаммасида намозни масхара қилиш бор. Намозга азон айтилганда: «Ана энди мусулмонларнинг фалон қилиши бошланади», деб масхара қилганларини ўзимиз кўриб-эшитганмиз. Шу ва шунга ўхшаш бошқа ҳолларни ўйлаб, Қуръони Каримнинг мўъжизасига яна бир бор тан берилади.

Кофирларни дўст тутмаслик ҳақидаги мўминларга қаратилган чақириқлар тамом бўлгандан сўнг Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилади:

قُلْ يَا هَلَلَاكُنْتُمْ هَلْ تَنْقُمُونَ مِنَّا إِلَّا أَنْ أَمَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ مِن قَبْلِ وَأَنْ أَكْثَرُكُمْ فَاسِقُونَ

**59. «Эй, аҳли китоблар! Бизни фақат Аллоҳга ҳамда ўзимизга нозил қилинган ва авваллари нозил қилинган нарсаларга иймон**

**келтирганимиз учун ва сизларнинг кўпчилигингиз фосиқ бўлганингиз учун айблайсизларми?!» – деб айт.**

Аҳли китоб бўлсин, худосиз бўлсин, мушрик бўлсин, мунофиқ бўлсин, ким бўлишидан қатъиназар, мусулмон бўлмаганларнинг мусулмонларни ёмон кўришига асосий сабаб аҳли Исломининг иймонидир. Кофирларнинг бу ишлари ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайдиган бир ҳолат. Ўйлаб кўринг-а: иймонсиз одам мўмин инсонни мўмин бўлгани учун ёмон кўрса!... Қўполроқ мисол келтирадиган бўлсак, бу нарса ароқхўр-алкаш кимсанинг ароқ ичмайдиган пок одамни фақат ароқ ичмагани учун ёмон кўришидек гап. Ароқ кони зарар нарса, буни алкашнинг ўзи ҳам бошқалардан кўра яхши билади. Аммо, барибир, ароқ ичмайдиган одамни айнан ароқ ичмагани учун ёмон кўради.

Шунга ўхшаб, кофирлар мусулмонларни фақат мусулмон бўлганлари учун ёмон кўрадилар. Мусулмон одам уларга ёмонлик қилмайди. Ҳеч бир ишига зарар етказмайди. Аммо кофир уни ёмон кўради. Худосизларнинг қилмишларини эсланг. Юз минглаб мусулмонларни фақат мусулмон бўлганлари учун ўлдирдилар. Масжид, мадрасаларни буздилар. Китобларни ёқдилар. Ўйлаб кўринг, бир гуруҳ мусулмон йилда бир марта келадиган ҳайит намозини ўқиш учун одамлар кўзидан йироқ, пана-пастқам жойда тўпландилар. Кофирларнинг раҳбарлари мелисалар билан келиб, ҳаммаларини калтаклаб, қувдилар. Қўлга тушганини олиб бориб қамадилар. Нима учун? Намоз ўқимоқчи бўлгани учун! Ҳа, мусулмонларнинг айби – мусулмон бўлгани. Бу «айб» учун уларни кофирлар ҳар қандай жазога тортишга ўзларини ҳақли деб биладилар. Уларга бу ҳақни ким берди? Кофирлиги, фосиқлиги берди.

Мусулмон Аллоҳга ишонади, Аллоҳ нозил қилган китобга – Қуръонга ишонади. Аллоҳ юборган Пайғамбарга – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ишонади. Бировга ёмонлик қилмайди. Ичмайди, ҳаром-хариш емайди, бузуқликка юрмайди, ўғрилиқ-ғарлиқ қилмайди. Бировнинг ҳақини емайди. Бировга зулм қилмайди. Қўлидан ва тилидан одамларга фақат яхшилик келади, ёмонликлардан қайтади. Шу нарсалар унинг бош айби. Худосиз эса, Худога ишонмайди – кофир. Қуръонга, Пайғамбарга, нимаики яхшилик келтирадиган нарса бўлса, ишонмайди. Ибодат қилмайди. Ичади, чекади, зино қилади, ўғрилиқ-ғарлиқ, порахўрлик, зулм қилади, дунёда нимаики ёмонлик бўлса, қайтмайди. Шу билан бирга, худосиз бўлгани унга мўмин-мусулмонни айблаш-азоблаш ҳақ-ҳуқуқини беради гўё. Ушбу оятда аҳли китобларга қаратиб берилган, ўзида инкорни мужассамлаштирган савол ҳамма кофирларга, жумладан, Илом динига, мусулмонларга қарши бўлганларга ҳам қаратилган. Уларнинг жавоб-

лари қандай бўлади? Жавоб бермоқчи бўлсалар ҳам, бу жавоб қилмишларидан ҳам мантиқсиз чиқиши турган гап.

Келаси ояти каримада ҳам Аллоҳ таолонинг Ўз Пайғамбари Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қилаётган хитоби давом этади.

قُلْ هَلْ أَنْبِئُكُمْ بِشَرِّ مِّنْ ذَلِكَ مَثُوبَةً عِنْدَ اللَّهِ مَن لَّعَنَهُ اللَّهُ وَعَظِمَ عَلَيْهِ وَجَعَلَ مِنْهُمْ  
الْقِرَدَةَ وَالْخَنَازِيرَ وَعَبَدَ الطَّاغُوتِ أُولَئِكَ شَرٌّ مَّكَانًا وَأَضَلُّ عَن سَوَاءِ السَّبِيلِ ﴿٦٠﴾

**60. «Сизларга Аллоҳнинг ҳузуридаги бундан ҳам кўра ёмонроқ «савоб»нинг хабарини берайми? Ким Аллоҳнинг лаънатига учраган, ғазабига дучор бўлган, маймун ва чўчқага айлантирилган ва тоғутга ибодат қилган бўлса, ана ўшалар ёмон мартабадаги ва тўғри йўлдан бутунлай адашган кимсалардир», – деб айт!**

Аҳли китоблар мусулмонларга иймонларини айб қилиб қўйишлари аввалги оятда қораланган эди. Энди ундан ҳам баттар ишлар бўлиб ўтгани баён этилмоқда. У замон бу ҳодисаларда фақат яҳудийларгина (аҳли китоблар сифатида) иштирок этганлари учун бу ерда ўшаларнинг ҳоли кўрсатилмоқда. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга уларга мусулмонларнинг иймонларини айблашдан ҳам кўра ёмонроқ «савоб» ҳақида хабар беришни буюрмоқда. У «савоб»:

Биринчидан:

**«Ким Аллоҳнинг лаънатига учраган»,** бўлса.

Яҳудийларнинг Аллоҳ таолонинг лаънатига учраши, раҳматидан қувилиши бошқа сураларда батафсил баён этилган. Яҳудийлардан бошқа лаънатга учраган қавм зикри Қуръонда келмаган. Ўзлари шундай улкан «савоб»га – Аллоҳнинг лаънатига учраб туриб, яна мусулмонларни Аллоҳга ва У нозил қилган нарсага иймон келтирганлари учунгина айблашни уларга ким қўйибди?!

Иккинчидан: Аллоҳнинг

**«ғазабига дучор бўлган»,** бўлишлари.

Бу ҳам бошқа сураларда кўпроқ баён қилинган. Ўзи Аллоҳнинг ғазабига учраган маълум ва машҳур қавм бўлса-ю, мусулмонларни иймонлари учунгина айблашса?!

Учинчидан:

**«маймун ва чўчқага айлантирилган»**лари.

Яҳудийларнинг маймун ва чўчқага айлантирилишлари ҳақидаги батафсил баёнотлар ҳам бошқа сураларда келади. Аллоҳга исёнлари ва беодобликлари учун маймун ва чўчқага айлантириб қўйишдек «савоб»-га мушарраф бўлган бадбахтлар Аллоҳга ва У зот нозил қилган нарсага иймон келтирганликлари учунгина мусулмонларни айлаб ўтирса?!

Тўртинчидан:

**«ва тоғутга ибодат қилган бўлса».**

Яҳудийлар Аллоҳнинг кўрсатмасидан чиқиб, тоғутга ибодат қилганлар. Тоғут, аввал айтиб ўтилганидек, Аллоҳдан бошқа маъбуддир. Тоғут – Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм чиқарувчидир. Тоғутга ибодат қилиш Аллоҳнинг шариатини қўйиб, ундан бошқанинг шариатига юришдир. Ким Аллоҳнинг шариати ўрнига шариат (қонунлар мажмуаси) чиқарса, у тоғутдир.

Бу жойдаги «тоғутга ибодат қилди» жумласи «унга сажда қилди» деган маънони билдирмайди. «Ибодат»нинг маъноси кенг ва шомилдир. Аллоҳнинг кўрсатмасини қўйиб, бошқанинг кўрсатмасига юриш маъносини билдиради. Аҳли китоблар аҳбор ва роҳибларини илоҳ қилиб олганликлари ҳақида оят тушганда, Адий ибн Ҳотим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Биз уларга ибодат қилганимиз йўқ-ку», деган маънода савол беради. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, сизлар улар ҳалол деган нарсани ҳалол, ҳаром деган нарсани ҳаром санагансизлар, шу уларга ибодат қилганингиздир, деган маънода гап айтганлар.

Ўзлари тоғутга ибодат қилган яҳудийларга, Аллоҳга ибодат қиладиган мусулмонларни айблашни ким қўйибди?! Қандай ҳақлари бор?! Бировни айбладан олдин ўзларининг ким эканликларини бир ўйлаб олсинлар. Чунки, ўзлари:

**«ёмон мартабадаги ва тўғри йўлдан бутунлай адашган кимсалардир».**

Юқорида яҳудийларнинг тарихда олган «савоб»лари ҳақида маълумот берилди. Кейинги оятларда уларнинг бошқа сифатлари баён қилинади:

وَإِذْ جَاءُوكُمُ قَالُوا آمَنَّا وَقَدْ دَخَلُوا بِالْكَفْرِ وَهُمْ قَدْ خَرَجُوا بِهِ ۗ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا كَانُوا يَكْتُمُونَ ﴿٦١﴾

**61. Улар ҳузурингизга келсалар, иймон келтирдик, дерлар. Ҳолбуки, уларнинг куфр ила кириб, куфр ила чиқишлари шубҳасиз. Аллоҳ улар беркитган нарсани яхши биладир.**

Бу оят мунофиқ яҳудийлар ҳақида экани кўриниб турибди. Зотан, мунофиқлик аслида улардан чиққан. Ўша пайтларда мунофиқлар асосан яҳудийлардан бўлган, десак ҳам бўлаверади. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг яҳудий бўлгани маълум ва машҳур. Мунофиқ яҳудийлар мусулмонларнинг ҳузурларига келганларида, иймон келтирдик, дейдилар. Шаҳодат калималарини қайта-қайта айтишлари, баъзи ибодатларда пешқадам бўлиб иштирок этишлари ҳам мумкин.

Аммо, Аллоҳ таоло уларнинг кофир эканликларига гувоҳлик бериб турибди:

**«Ҳолбуки, уларнинг куфр ила кириб, куфр ила чиқишлари шубҳасиз».**

Оғизларида «иймон келтирдик» деб айтган чоғларида ҳам кофир эдилар, чиқиб кетишларида ҳам куфр ҳолларида кетдилар. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Улар ўзларича, мусулмонларни боқладик, деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, бу қилмишлари ўзларига зарар. Чунки:

**«Аллоҳ улар беркитган нарсани яхши биладир».**

Бинобарин, ҳаммасининг жазосини беради. Бугунги кунда ҳам мусулмонлар ҳузурида, биз ҳам мусулмонмиз, деб кўкракларига ураётган турли тоифа мунофиқлар бу ҳақиқатни яхши англасинлар.

وَتَرَى كَثِيرًا مِّنْهُمْ يُسِرُّونَ فِي الْأَيْمَانِ وَالْعُدْوَانِ وَأَكَلِهِمُ الشُّحْتِ لَيْسَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٦٢﴾

**62. Ва улардан кўпларининг гуноҳга, душманликка ва ҳаром ёмоққа ошиқаётганини кўрасан. Қилаётган ишлари қандай ҳам ёмон!**

Куфр ва мунофиқлик ҳукм сурган жамиятларда, қавмларда ўзи шундай: разолат кенг қулоч ёяди, динсиз ва мунофиқлар гуноҳ ишларда, душманлик ва зулмда ҳамда ҳаромхўрликда бир-биридан ўзишга ҳаракат қилади. Чунки улар кофирдирлар. Чунки улар мунофиқдирлар. Кофирларнинг Худодан ҳам, охиратдан ҳам умидлари йўқ, шунинг учун, разолатга ошиқадилар. Нима қилиб бўлса ҳам, ҳавои нафсини қондиришнинг пайдан бўладилар. Мунофиқлар эса, мўмин-мусулмонларни ишонтиряпман-ку, бошқаларни ҳам ишонтириб кета оламан, деб ўз нафсларига ҳам мунофиқлик қилдилар. Шунинг учун, разолатга ошиқадилар. Ҳар турли йўл билан ҳавои нафсларини қондиришга уринадилар. Ҳолбуки:

**«Қилаётган ишлари қандай ҳам ёмон!»**

لَوْلَا يَنْهَاهُمُ الرَّبَّانِيُّونَ وَالْأَحْبَارُ عَنْ قَوْلِهِمُ الْإِيْمَانَ وَأَكَلِهِمُ الشُّحْتِ لَيْسَ مَا كَانُوا يَصْنَعُونَ ﴿٦٣﴾

**63. Роббонийлари ва аҳборлари уларни гуноҳ айтиш ва ҳаромни ейишдан қайтарсалар бўлмасми?! Қилаётган ҳунарлари қандай ҳам ёмон-а!**

Аввалги оятлар тафсирида айтилганидек, роббоний — иш боши, тарбияда масъул кишилар, аҳборлар эса, диний олимлардир. Бундан шундай маъно чиқадики, ҳар бир жамиятнинг роббонийлари — ҳукм юри-

тиш ва тарбия қилиш масъулияти бўйнига юклатилган ҳокимлари ва диний олимлари ўз қавмларини гуноҳдан ва ҳаромхўрликдан қайтаришлари лозим экан. Буни Исломда «амри маъруф, наҳйи мункар», дейилади. Жамиятнинг яхши бўлиши, муваффақиятларга эришиши учун амри маъруф, наҳйи мункар зарур. Акс ҳолда, оқибати расволикдир. Мазкур яҳудийларнинг ҳалокатга учрашларининг асосий сабабларидан бири ҳам мункар (ёмон иш) қилувчини ёмонликдан қайтармаганлари бўлган. Қайси бир жамиятда кишиларга амри маъруф ва наҳйи мункар қилинмаса, яъни, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарилмаса, шубҳасиз, у жамият ҳалокатга юз тутади. Гуноҳдан қайтариш ва ҳаромдан ман этиш бўлмас экан, оқибати воядир.

وَقَالَتِ الْيَهُودُ يَدُ اللَّهِ مَغْلُولَةٌ غُلَّتْ أَيْدِيهِمْ وَلُعِنُوا بِمَا قَالُوا بَلْ يَدَاهُ مَبْسُوطَتَانِ يُنْفِقُ كَيْفَ يَشَاءُ وَلِيَزِيدَنَّ كَثِيرًا مِنْهُمْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ طُغْيَانًا وَكُفْرًا وَالْقَيْنَا بَيْنَهُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ كُلَّمَا أَوْقَدُوا نَارًا لِلْحَرْبِ أَطْفَأَهَا اللَّهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ ﴿٦٤﴾

**64. Яҳудийлар:** «Аллоҳнинг қўли бовлиқдир», дедилар. Қўллари боғлансин уларнинг. Айтганлари учун лаънатга учрасинлар. Аксинча, Аллоҳнинг икки қўли очиқ, хоҳлаганича нафақа қилур. Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса улардан кўпларининг тугён ва куфрини зиёда қилур. Уларнинг орасига қиёмат кунига-ча душманлик ва ёмон кўришни солдик. Улар қачон уруш оловини ёқсалар, Аллоҳ ўчирур. Улар ер юзида фасод қилиб юрарлар. Аллоҳ фасод қилгувчиларни севмас.

Ушбу ояти карима яҳудийларнинг Аллоҳ таолога нисбатан катта беодобликларидан бирини келтириш билан бошланмоқда. Аллоҳ таоло тўғрисида нотўғри тасаввурга бориб:

**«Яҳудийлар:** «Аллоҳнинг қўли бовлиқдир», дедилар».

Бу гаплари билан, Аллоҳ бахил, демоқчилар. Ҳамма айблардан холи бўлган Аллоҳ таолони «бахил» дея сифатлаш учун фақат яҳудий бўлиш керак. Фақат уларгина бундай даъво қилишга журъат этишлари мумкин. Аслида, бахиллик яҳудийларнинг ўзларига хос. Улар дунёдаги энг бахил халқ ҳисобланадилар. Оятнинг давомида:

**«Қўллари боғлансин уларнинг»,** деб дуо қилинмоқда.

Қуръони Карим ҳақ: дуои бадга дучор бўлган яҳудийларнинг қўллари доимий боғлиқдир. Давомида:

**«Ва айтганлари учун лаънатга учрасинлар»,** дейилган.



Уларнинг лаънатга учраганлари ҳақида оятлар кўпдир. Кейинги жумлада лаънати яҳудийларнинг бу даъволарига жавоб келади:

**«Балки Аллоҳнинг икки қўли очиқ, хоҳлаганича нафақа қилур».**

Аллоҳ таолонинг нафақат инсонларга, балки бутун махлуқотларга берган ва берадиган неъматлари ҳадсиз-ҳисобсиз эканлиги очиқ ва равшан. Бу ҳақиқатни англаб етиш учун кўп далил керак эмас.

**«Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса улардан кўпларининг тугён ва куфрларини зиёда қилур».**

Яҳудийларнинг қалблари ҳиқду ҳасадага тўлалиги сабабли Исломга қарши тугён ва куфрлари зиёдадир. Хусусан, Аллоҳ нозил қилган Қуръони Карим уларнинг ҳиқду ҳасадини баттар қўзғайди. Чунки, Қуръон оятлари доимо уларни фош этади ва шарманда қилади. Оқибатда, яҳудийларнинг тугён ва куфрлари янада зиёда бўлади.

Яҳудийлар ҳаётида бўладиган яна бир ҳолат:

**«Уларнинг орасига қиёмат кунигача душманлик ва ёмон кўришни солдик».**

Сиртдан қаралса, яҳудийлар ўзаро иттифоқ, аҳил-иноқ, муҳаббатлари зиёда бўлиб кўринади. Аслини олганда, тарихчиларнинг таъкидлашларича, қадимдан яҳудийлар тоифа-тоифа бўлиб ўзаро ашаддий душманликда яшаганлар ва шундай давом этмоқдалар. Уларнинг тарихи ўзаро адоват ва ёмон кўришлар билан тўла. Натижада, улар қаерга борсалар, қувфинга учраб келишган. Қаерга борсалар, фитнага сабаб бўлиб юрадилар.

**«Улар қачон уруш оловини ёқсалар, Аллоҳ ўчирур».**

Қанчадан-қанча урушлар яҳудийларнинг ифвоси билан бўлгани ҳаммага маълум.

**«Улар ер юзида фасод қилиб юрарлар».**

Ҳозир ер юзидаги ҳар бир фасодда яҳудийларнинг қўли борлиги ҳам ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Аммо билиш лозимки:

**«Аллоҳ фасод қилгувчиларни севмас».**

Аввалги оятларда аҳли китобларнинг тугён ва куфрлари баён қилинган бўлса, энди улар ўзларини қандай тутишлари лозимлиги айтилади.

وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْكِتَابِ آمَنُوا وَاتَّقَوْا لَكَفَّرْنَا عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَلَأَدْخَلْنَاهُمْ  
جَنَّاتِ النَّعِيمِ ﴿٦٥﴾

**65. Агар аҳли китоблар иймон келтириб, тақво қилганларида эди, уларнинг гуноҳларини ювган ва жаннати наъиймга киритган бўлардик.**



Аҳди китобларнинг бурчи иймон келтириш эди. Аллоҳ амр қилган нарсаларга иймон келтирганларида, лозим ишни адо этган бўлардилар. Иймонлари ҳақиқий бўлиб, уларни тақвога чорлаганда эди, олий мақсадга мувофиқ бўларди. Аллоҳ таоло уларнинг бу ишларини тақдирлаб, гуноҳларини ювар ва уларни жаннати наъиймга — неъматлар жаннатига киритган бўларди.

وَلَوْ أَنَّهُمْ أَقَامُوا التَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْهِمْ مِنْ رَبِّهِمْ لَأَكْلُوا مِنْ فَوْقِهِمْ  
وَمِنْ تَحْتِ أَرْجُلِهِمْ مِنْهُمْ أُمَّةٌ مُقْتَصِدَةٌ وَكَثِيرٌ مِنْهُمْ سَاءَ مَا يَعْمَلُونَ ﴿٦٦﴾

**66. Агар улар Тавротга, Инжилга ва уларга Роббиларидан нозил бўлган нарсага амал қилганларида эди, албатта, тепаларидан ҳам, оёқлари остидан ҳам еган бўлардилар. Улардан мўътадил тоифалар ҳам бор. Уларнинг кўпларининг қилган нарсалари жуда ҳам ёмон.**

Албатта, иймон ва тақво Аллоҳ таолодан нозил бўлган Таврот ва Инжилни, бошқа илоҳий китобларни, жумладан, Қуръони Каримни ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади. Таврот ҳам, Инжил ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтиришга, у кишининг динига киришга амр қилган. Ҳамма Исломга кириши, сўнги Пайғамбарга эргашиши ва Қуръони Каримга амал этиши лозим. Қуръони Карим келишидан олдин Таврот ва Инжилга амал қилганларида ҳам, ушбу оятдаги илоҳий ваъдага ноил бўлардилар. Қуръони Карим келгандан кейин унга амал қилинса ҳам, албатта, ўша ваъдага вафо қилинади.

Ушбу икки оятдан улкан исломий қоида келиб чиқади. Яъни: инсон ҳаётини дунёвий ва диний бўлакларга бўлмаслик лозим; инсон ҳаёти бўлинмас бир хил ҳаётдир; у ҳаёт ўзининг ҳамма соҳаларида илоҳий қоидаларга ва таълимотларга мос бўлиши лозим. Ким иймон келтирса, тақволи бўлса ва Аллоҳ нозил қилган нарсага — самовий китобга амал қилиб яшаса, гуноҳлари кечиради, жаннати наъиймга киради, тепасидан ҳам, оёқлари остидан ҳам (ризқ) ейди. Яъни, диндор бўлиш икки дунё саодатига сабаб бўлади. Бу эса, ҳозирги вақтда дунё бўйлаб ҳукм сураётган, дин фақат охират иши учун керакли шахсий-маънавий ишдир, деган нотўғри фикрга мутлақо зиддир. Бу номаъқул фалсафанинг асли насороларда бўлган, аммо кейинроқ уни динга қарши чиққанлар ҳаммаёққа тарқатганлар.

Маълумки, насроний дини Оврупада тубдан бузилган ҳолда ёйилган. Одамлар томонидан бузилган ўша динга кўра, бу дунё бузуқлик

ва гуноҳкорликдан иборат, кишилар тарки дунё йўли билангина охират саодатига эришишлари мумкин, деб кенг тарғиб этилади. Каниса аста-секин Оврупадаги халқларнинг ҳамма ҳаётий жабҳаларида мазкур фалсафани куч билан жорий этди. Одамларни илм-маърифатдан ва эркин фикрлашдан қайтарди. Жаҳолат ботқоғига тортди. Озодлик, илм-маърифат ва яхши ҳаёт тарафдорларини шафқатсиз равишда жазолади, ўтларда куйдирди, ўлдирди ва азоблади. Ўрта асрларда бўлиб ўтган бу можаролар ҳаммага маълум. Аммо тарихларда, мактаб дарсликларига ўша номаъқулликларни насроний дини бўйича иш юритиб турган кишилар қилганлар, деб айтилмайди. Балки умумлаштириб, дин қилди, деб айтилади. Шу йўл ила кишиларга Исломга қарши ҳам айна шундай фикр сингдирилган. Аслида эса, бу даъволари ғирт бўхтон, унинг соҳибларининг усуллари эса, пасткашлиқдир. Ўша пайтларда худди Оврупанинг ўзида – ҳозирги Испания ва Португалия ерларида Андалус номида Ислом давлати мавжуд бўлиб, у ерда илм-фан, маърифат гуллаб-яшнаган, кишилар бу дунёнинг жаннатида яшай бошлаган эди. Каниса эса, илм-фан ва маърифатга қизиққан насороларни мусулмонларга эргашганлари учун азоблашга, кофирга чиқаришга ўтди. Насроний дини раҳбарлари, Оврупа халқлари мусулмонларга қўшилиб, канисани ташлаб кетади, деб кўрқишар эди. Яъни, ўша пайтда илм-фан ва маърифат учун ҳаракат қилиш мусулмонликка ҳаракат билан баробар бўлиб қолган эди. Насоролардан фикри очиқларининг мусулмонларга ўхшаб илми, маърифатли бўлишга уринишлари, мусулмонларга ўхшаб бу дунёда ҳам яхши ҳаёт кечиришга ҳаракат қилишлари канисага куфр ва шаддодлик бўлиб кўринди. Бунинг натижаси ўлароқ, зулм ва истибдод кучайди. Оқибатда, динга муносабат ўзгарди. Кишилар канисанинг зулмидан қутулишга ҳаракат қилдилар. Париж коммунаси ва бошқа ҳаракатлар бўлди. Ҳамма динга қарши чиқди. Умуман динга эмас, балки насроний канисасига қарши чиқди. Аммо, бу ҳаракатни дарсликлар «динга қарши» деб аташди. Бу курашнинг сўнгида канисага қаршилар ғолиб келдилар. Мағлуб бўлган канисага – черковга вазифаларини чегаралаб қўйдилар. Унга биноан, гўё иймон қалбга тегишли нарса, ҳар кимнинг шахсий иши, хоҳласа, динга амал қилади, хоҳламаса, йўқ, дейишди. Черков мана шу шахсий-маънавий ишга амал қилиб, ўзига мурожат этганларнинг руҳий талабларини қондирсин, бошқа ишга аралашмасин, дейишди. Одамлар ўзининг шахсий эътиқоди бўйича болаларини чўқинтирмоқчи бўлса, чўқинтирсин, якшанба кунги ибодатга бораман деса, борсин, никоҳ қилдираман деса, қилдирсин, жаноза ўқитаман деса, ўқитсин – булар ўзининг иши. Аммо, бошқа

ишларда черков четга чиқиб турсин. Ҳаётнинг қолган соҳалари бу дунёнинг иши, бу дунёнинг ишига аралашшига черковнинг ҳаққи йўқ. Бу дунёнинг ишини инқилоб қилиб ҳукми қўлга киритганлар тартибга соладилар, ўз ҳукмига бўйсундирадилар. Ва ҳоказо.

Шу тариқа насроний черковнинг айби билан янги тузум дунёга келди. Дин дунёдан, давлат диндан ва мактаб черковдан ажратилди. Ҳозирги кунда ўша бузуқ инқилобни амалга оширганларнинг меросхўрлари дунёни сўраб турибдилар, шу боисдан ҳам ўзларининг бу фасод фалсафаларини ҳамма динларга, ҳамма халқларга сингдиришмоқдалар. Кўрсатмаларига юрмаганларни турли тазйиқлар остига олиб, ҳатто куч ишлатиб бўлса ҳам, сиёсатларини ўтказмоқчилар.

Ҳолбуки, Исломда бу тушунча умуман йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Исломда дин билан дунё, давлат билан шариат, мактаб билан масжид орасида фарқ йўқ. Ҳаммаси бир мужассам тана ҳисобланади. Исломда масжидга кириб тасбеҳ ўтириб ўтирган одам нафл ибодат қилган ҳисобланса, далада ёки ишхонада ишлаб ҳалол ризқ топаётган одам фарз ибодатни адо этаётган бўлади. Исломда давлат бир гуруҳ одамлар сармаст ҳолида, тамаки тутатиб ўтириб ишлаб чиққан қонунлар билан эмас, одамларнинг Робби осмондан туширган дастур орқали бошқарилади. Исломда ҳафтада бир марта ёки йилда бир бора масжидга кириб қўйиб, ўзини мусулмон санаб, қолган вақтларда мактабда, илмий даргоҳларда бошқа фалсафа ва мафкураларнинг ҳукмига бўйсунуш йўқ. Масжид илм даргоҳи ҳамдир, илм даргоҳлари эса, масжиддир.

Биз ўрганаётган ушбу икки оятда у дунёнинг саодатига эришиш учун иймон ва тақво шарт қилиб қўйилмоқда.

**«Агар аҳли китоблар иймон келтириб, тақво қилганларида эди, уларнинг гуноҳларини ювган ва жаннати наъиймга киритган бўлардик.**

**Агар улар Тавротга, Инжилга ва уларга Роббиларидан нозил бўлган нарсага амал қилганларида эди, албатта, тепаларидан ҳам, оёқлари остидан ҳам еган бўлардилар».**

Бу тушунарли ҳол. У дунёда гуноҳлари мағфират қилиниб, жаннати наъиймга кириш ҳар банданинг олий мақсади. Аммо бу олий мақсадга эришиш бу дунё ҳаёти ҳисобига бўлмайди. Балки ҳам келажакда жаннати наъиймга кириш учун ва ҳам бу дунёнинг саодатига эришиш учун – тепаларидан, оёқлари остидан (ризқ) ейиш учун ҳам, яъни, ҳамма томонларидан нозу неъматларга кўмилиш учун ҳам, иймон ва тақво зарурий шарт ҳисобланади. Динга амал қилинса, бу дунё ишлари юришмай қолади-да, деган хавф Исломда йўқ, бундай хавотир бошқа динларга мосдир. Бу ҳақиқатнинг тарихий далиллари ҳам бор.

Ўрта асрларда ҳамма халқлар ўз динларини маҳкам тутганлар, ўшанда мусулмонлар тараққиётга эришиб, ҳамма соҳаларда дунё халқларига устоз бўлганлар. Илм-фан ва маърифат, сиёсат ҳамда бошқа соҳаларда оламшумул даҳоларни тарбиялаб етиштирганлар. Айни пайтда, бошқа динларга эргашувчилар қолақ, жоҳил ва илмсиз бўлганлар. Кейинчалик ҳамма диндан узоқлашди. Жумладан, мусулмонлар ҳам. Оқибатда, **мусулмонман** деб юрганлар охириги сафга ўтиб, бошқа халқлар олдинга ўтиб кетдилар. Мусулмонликни даъво қилаётганлар агар яна жаҳон халқлари сафларидан олдинги ўринни эгаллашни хоҳласалар, Исломни маҳкам тутишлари, унга тўлиқ амал қилишлари лозим. Масжидга борганда, яқин қариндоши ўлганда Қуръонга амал қилиб, бошқа вақтда ўзига ўхшаган бандаларнинг йўриғига юргувчилар ҳозирги ҳолатларидан чиқа олмайдилар.

Оятнинг охирида аҳли китоблардан мўътадил тоифалар ҳам борлиги таъкидланади.

**«Улардан мўътадил тоифалар ҳам бор. Уларнинг кўпларининг қилган нарсалари жуда ҳам ёмон».**

Улар Исломга кирадилар. Тўғри йўлдан юрадилар. Аммо кўплари жуда ҳам ёмон ишларни қилиб юргувчи шахслардир. Шунга қарамасдан, динга даъват қилиш ва Исломни тушунтириш бардавом бўлиши лозим.

Шунинг учун,

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَغْتَ رِسَالَتَهُ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ﴾

**67. Эй, Пайғамбар! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ. Агар шундай қилмасанг, Унинг элчилигини етказмаган бўласан. Аллоҳ сени одамлардан сақлар. Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас.**

Бу ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб бўлиб, Аллоҳ таоло у кишига ҳар қандай шароитда, одамларнинг қабул этиши-этмаслигига қарамай, даъват қилавериш лозимлигини буюрмоқда:

**«Эй, Пайғамбар! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ».**

Зотан, Пайғамбарлик вазифаси ўзи шундан иборат. Бошқа оятларда одамларга Аллоҳдан нозил қилинган нарсани қандай етказишнинг таълими ҳам берилган. Жумладан, ҳикмат ва яхши мавъи-

залар билан етказиш таълими. Демак, нима қилиб бўлса ҳам, Аллоҳдан нозил қилинган нарсани етказиш вазифаси мавжуд.

**«Агар шундай қилмасанг, Унинг эчилигини етказмаган бўласан».**

Яъни, агар Роббингдан нозил қилинган нарсани етказмасанг, Аллоҳнинг Пайғамбарлиги вазифасини адо этмаган бўласан. Аммо, етказиш осон иш эмас. Ислом даъвати йўлида тўсиқлар кўп бўлади. Мусулмон даъватчининг душманлари кўпдир. Унга қарши турли ифво-бўхтонлар уюштирилади. Маломатлар қилинади. Обрўйига, молига ва жонига суиқасд қилинади. Аммо бу нарсалардан қўрқма. Чунки:

**«Аллоҳ сени одамлардан сақлар».**

Уларнинг ёмонликларидан асрайди. Ривоятларда келишича, ушбу ояти карима нозил бўлишидан олдин, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг турар жойларини саҳобалардан баъзилари қўриқлаб туришар экан. Ушбу ояти карима нозил бўлгандан сўнг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларидан чиқиб: «Сизлар бораверинглар, Аллоҳ Ўзи мени сақлайдиган бўлди», деганлар. Қуръоннинг мўъжизалигининг тасдиғига қарангки, шундан сўнг у зотга ҳеч ким катта зарар етказа олмаган.

Исломга даъват қанчалик кучли бўлмасин, баъзилар тўғри йўлга юрмасликлари мумкин. Бундай пайтда даъватчи тушкунликка тушмаслиги керак. Аллоҳнинг суннати ўзи шундай:

**«Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас».**

Расулуллоҳ одамларга етказишлари лозим бўлган нарсалар ичида аҳли китобларга қаратилган қуйидаги сўзлар ҳам бор:

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لَسْتُمْ عَلَىٰ شَيْءٍ حَتَّىٰ تُقِيمُوا التَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْكُمْ  
مِّن رَّبِّكُمْ وَلِيَزِيدَنَّ كَثِيرًا مِّنْهُمْ مَّا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ طُغْيَانًا وَكُفْرًا فَلَا تَأْسَ عَلَى  
الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٦٨﴾

**68. «Эй, аҳли китоблар! Таврот, Инжил ва сизга Роббингиздан нозил қилинган нарсага амал қилмагунингизча ҳеч нарсага арзи-массизлар», деб айт. Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса улардан кўпларининг туғён ва куфрларини зиёда қилур. Кофир қавмлар учун ачинма.**

Ушбу ояти карималар нозил бўлган пайтда яҳудий ва насоролар: «Биз аҳли китобмиз, бизга Аллоҳ Тавротни нозил қилган, бизга

Аллоҳ Инжилни нозил қилган, биз мўминлармиз, биз умиз, биз бумиз», деб фахрланиб, мақтаниб юрар эдилар. Ушбу оятда уларнинг бу қилмишларига баҳо берилиб, бунақа қуруқ мақтанишнинг ўрнига, бошқа – тўғри ишни қилишлари лозим эканлиги айтилмоқда. Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб этиб:

**«Эй, аҳли китоблар! Таврот, Инжил ва сизга Роббингиздан нозил қилинган нарсага амал қилмагунингизча ҳеч нарсага арзи-массизлар», деб айт»,** демоқда.

«Мен мўминман, мен аҳли китобман, мен аҳли Тавротман, мен яҳудий динидаман», деб оғзи билан айтса-ю, Тавротга амал қилмаса, у одам ҳеч нарсага арзимади. У мўмин ҳам эмас, аҳли китоб ҳам эмас ва яҳудий динидан ҳам эмас.

Яна бири: «Мен мўминман, мен аҳли китобман, мен аҳли Инжилман, мен насоро динидаман», деб тилида айтса-ю, Инжилга амал қилмаса, у одам ҳам ҳеч нарсага арзимади.

Агар биров, мен мўминман, мен аҳли китобман, мен Роббимдан нозил қилинган нарсага ишонувчи диндорман деса-ю, ўзи ўша Роббидан нозил қилинган нарсага амал қилмаса, ҳеч нарсага арзимади.

Ушбу қоидадан келиб чиқилса, биров: «Мен мусулмонман, мен аҳли Қуръонман, мен Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга умматман», деса-ю, ўзи Қуръонга амал қилиб яшамаса, бундай одам ҳеч нарсага арзимади. Ундай кишилар «Мен мўминман, мен мусулмонман», деб даъво қилишга ҳақлари йўқ.

Аҳли китобларни ушбу ҳақиқатлар ила фош этилгани учун ҳам:

**«Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса улардан кўпларининг тугён ва куфрларини зиёда қилур».**

Аввал айтилганидек, уларнинг қалблари ҳиқду ҳасадга тўладир. Қолаверса, Қуръони Каримнинг очиқ-ойдин оятлари уларнинг юз йиллардан бери қилиб келаётган ёлғон даъволарини фош қилмоқда. Бу уларнинг аламларини кўзийди, аччиқларини чиқаради. Натижада, тугён ва куфрлари янада зиёда бўлади. Баттар бўлсинлар.

**«Кофир қавмлар учун ачинма».**

Улар ўзлари куфр-зулмат йўлини танладилар. Ҳидоят ва даъватга эътибор бермадилар. Энди ўзларидан кўрсин. Бу гаплар, айниқса, аҳли китобларга алоҳида тегишлидир. Аллоҳ таоло уларга Пайғамбар юбориб, самовий китоб тушириб, тўғри йўлга солиб, улуғ неъмат ато қилган эди. Агар улар Таврот ва Инжилга амал қилганларида, Муҳаммад алайҳиссаломга ва Қуръони Каримга ҳаммадан аввал иймон келтирар эдилар. Чунки, Тавротда ҳам, Инжилда ҳам у кишига иймон келтириш амр қилинган ва у кишининг васфлари келган. Аммо, булар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиш ўрнига, у



кишига душманлик қилдилар. Қуръони Каримга иймон келтириш ўрнига, уни эшитганда тугён ва куфрлари зиёда бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, буларга ачинишнинг ҳожати йўқ.

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالصَّابِغُونَ وَالنَّصَارَىٰ مَن ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ  
الْآخِرِ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٦٩﴾

**69. Албатта, иймон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, собиъунлар ва насоролардан ким Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса ва яхши амал қилса, уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар.**

Бунга ўхшаш оятнинг тафсири «Бақара» сурасининг олтимиш иккинчи оятида ҳам ўтган. Аҳли китоблар Аллоҳ таолога берган аҳдларини бузиб, Тавротдан ва Инжилдан чекинганликлари аввалда эслатиб ўтилганлиги боис, бу оятда ҳақиқий аҳли дин бўлиш учун зарур умумий қоида баён қилинмоқда. Ким бўлишидан қатъиназар — хоҳ мусулмон бўлсин, хоҳ яҳудий бўлсин, хоҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам келишларидан олдин бутларга сивғинишни тарк этиб, ўз ҳолича, муайян бир динга эргашмасдан, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилган собиъунлар тоифаси бўлсин, хоҳ насроний диндагилар бўлсин — Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтириб, яхши амал қилиши керак. Акс ҳолда, бўлмайди. Шу боисдан ҳам, оғизда ўзининг қайси динга мансублигини айтиб мақтанишдан ҳеч фойда йўқ. Ҳар қавмнинг ўз дини юриб турган пайтда амал қилгани фойда беради, холос. Қолган ҳаммаси бекорчи гап. Ҳар диннинг муддати тугаб, уни бекор қилувчи дин келганда, янги динга ўтиш зарур. Муддати қиёмат кунигача тугамайдиган охирги ва мукамал дин бўлмиш Ислом келганидан кейин ҳамма бунга ўтиши, Аллоҳга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, Қуръонга ва иймон келтирилиши лозим бўлган яна бошқа нарсаларга иймон келтириши ҳамда яхши амаллар қилиши лозим. Ана шундагина:

**«уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар».**

Келаси оятларда Бани Исроилнинг аҳдни қандай бузгани ҳақидаги тарих ҳикоя этилади:

لَقَدْ أَخَذْنَا مِيثَاقَ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَرَأْسَنَا إِلَيْهِمْ رَسُولًا ۖ كُلَّمَا جَاءَهُمْ رَسُولٌ  
بِمَا لَاتَهَوُّوْا أَنْفُسَهُمْ فَرِيْقًا كَذِبًا ۖ أَوْ فَرِيْقًا يَّقْتُلُوْنَ ﴿٧٠﴾

**70. Батаҳқиқ, Биз Бани Исроилдан мийсоқ – аҳднома олдик ва уларга Пайғамбарлар юбордик. Ҳар қачон уларнинг ҳавои нафсларига тўғри келмайдиган нарса келтирган Пайғамбарни: бир гуруҳларини ёлғончи дедилар, бир гуруҳларини ўлдирдилар.**

Яҳудийларнинг Исломи Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга муносабатлари, душманликлари янгилик эмас. Пайғамбарларга салбий муносабатлари узоқ тарихга эга.

Ояти карима шу ҳақиқатни баён этиш билан бошланмоқда:

**«Батаҳқиқ, Биз Бани Исроилдан мийсоқ – аҳднома олдик ва уларга Пайғамбарлар юбордик».**

Демак, Аллоҳ таоло Пайғамбарларни юборишдан олдин Бани Исроилдан таъкидланган аҳднома олган. Бу аҳдномага мувофиқ Бани Исроил ҳар бир Пайғамбарга иймон келтириши, уни қўллаб-қувватлаши ва унга ёрдам бериши лозим эди. Ҳолбуки, Пайғамбарлар келганда, Бани Исроил мийсоқни бузди.

**«Ҳар қачон, уларнинг ҳавои нафсларига тўғри келмайдиган нарса келтирган Пайғамбарни: бир гуруҳларини ёлғончи дедилар, бир гуруҳларини ўлдирдилар».**

Бани Исроил, одатдагидек, ҳақиқатни эмас, ҳавои нафсини устун қўйди. Бани Исроил ўз ҳавои нафсига ёқса, шайтоннинг йўлига ҳам юраверади, ёқмаса, ҳатто у Аллоҳнинг Пайғамбари бўлса ҳам, қабул қилмайди. Зотан, дунёда ҳеч бир халқ Пайғамбарларга уларчалик шаккоклик қилмаган. Дунёда ҳеч бир халқ Пайғамбарларни уларчалик ёлғончига чиқармаган ва ўлдирмаган. Шулардан келиб чиқилса, Муҳаммад алайҳиссаломга нисбатан қилаётган ёмонликларидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бу уларнинг асли бузуқликларига далолат бўлиб, шу сабабли ҳам Аллоҳнинг лаънатига учрагандирлар. Бошқалар ҳам бундан ўрнак олсинлар. Бани Исроилнинг ишини такрорламасинлар. Хўш, Бани Исроил шунчалар ёмонликларни қилишга қилди, балки бу айбларини тан олгандир? Йўқ:

وَحَسِبُوا أَلَّا تَكُونَ فِتْنَةً فَعَمُوا وَصَمُوا ثُمَّ تَابَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ ثُمَّ عَمُوا  
وَصَمُوا كَثِيرٌ مِنْهُمْ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ

**71. Улар, ҳеч қандай синов бўлмас, деб кўру кар бўлиб олдилар. Сўнгра, Аллоҳ уларни кечирди. Кейин улардан кўплари яна кўру кар бўлиб олдилар. Аллоҳ уларнинг қилаётганини кўрувчи Зотдир.**

Бани Исроилнинг ҳар қандай гуноҳни тап тортмай қилаверишларининг сабаби ушбу оятда очиб берилмоқда:

**«Улар, ҳеч қандай синов бўлмас, деб кўру кар бўлиб олдилар».**

Яъни, Бани Исроилликларнинг синов, ҳисоб-китоб бўлишига иймонлари йўқ эди. Улар шундай ўтиб кетишларига, амалларининг сарҳисобини бермасликларига қаттиқ ишонардилар. Бундай ботил ишонч уларни кўру кар қилиб қўйган эди. Кўзлари ўнгида рўй бериб турган ҳодисалардан ибрат олмасдилар. Қулоқлари билан эшитаётган нарсалар ҳам уларга таъсир қилмас эди. Ҳеч қандай синов, ҳисоб-китоб бўлмайди, деб қаттиқ ишонишлари уларни шу ҳолга олиб келганди.

Бугунги кунда ҳам, ҳеч қандай синов, ҳисоб-китоб бўлмайди, деб ҳисоблайдиганлар худди Бани Исроилга ўхшаб кўру кар бўлиб қолади. Уларнинг бу бузуқ фикрлари ҳар қандай гуноҳни таптортмай қилишларига олиб келмоқда.

**«Сўнгра, Аллоҳ уларни кечирди».**

Шунчалик гуноҳларни қилсалар ҳам, Аллоҳ таоло меҳрибон ва кечиримли Зот бўлганидан, уларни кечирди. Аммо улар бундан хулоса чиқармадилар, фурсатдан фойдаланмадилар:

**«Кейин улардан кўплари яна кўру кар бўлиб олдилар».**

Бу ҳол уларнинг тузалмас дардга чалинганларининг далилидир. Агар уларда заррача яхшилик бўлганида, Аллоҳнинг кечирганига шукр этиб, ўзларини ўнглашга ҳаракат қилар эдилар. Улар яна ўзларининг эски одатлари бўйича, ҳеч қандай синов бўлмайди, деб юрибдилар. Аслида эса:

**«Аллоҳ уларнинг қилаётганларини кўрувчи Зотдир».**

Ҳаммасини кўриб-билиб, ҳисоблаб туради ва вақти келганида жазосини беради.

Энди насороларнинг ҳоли баён қилинади:

لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ وَقَالَ الْمَسِيحُ يَبْنِي  
إِسْرَائِيلَ أَعْبُدُوا اللَّهَ رَبِّي وَرَبَّكُمْ إِنَّهُ مِنْ يُشْرِكُ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ  
وَمَا وَنَّهُ النَّارَ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ ﴿٧٢﴾

72. Аллоҳ, албатта, Масих ибн Марямдир, деганлар, батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Масих ибн Марям эса: «Менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз Аллоҳга ибодат қилинг. Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва унинг турар жойи дўзах бўлур. Ва золимларга нусрат берувчилар йўқдир», деди.

Ийсо алайҳиссаломдан кейин насоролар у зот олиб келган соф ақийдани қандай қилиб бузганларини аввалги оятлар тафсирида ўргандик. Бу оятда эса, ўша залолат ботқоғига ботган насороларнинг:

**«Аллоҳ, албатта, Масих ибн Марямдир»,** деганлари куфр эканлиги, уларнинг бу ақийдаси ва гапи Масих ибн Марямнинг айтганларига ҳам буткул зид эканининг баёни келмоқда. Чунки, Масих ибн Марям алайҳиссалом ҳеч қачон насороларга, мен Худоман, менга ибодат қилинг, демаганлар. У зот алайҳиссалом ўзларига эргашганларга:

**«Менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз Аллоҳга ибодат қилинг»,** деганлар.

У зот ўзларини ҳам бошқалар қатори банда ҳисоблаганлар. Шу билан бирга, у киши одамларни умуман ширқдан – Аллоҳнинг шериги бор дейишдан қайтарганлар. Тавҳидга – ягона Аллоҳга эътиқод ва ибодат қилишга чақирганлар.

Масих ибн Марям алайҳиссалом насороларга:

**«Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва унинг турар жойи дўзах бўлур»,** деганлар.

Аммо Аллоҳга берган мийсоқ – аҳдномани бузган насоролар эса, Масих ибн Марям Худодир, деб Масих ибн Марямнинг ўзлари таъкидлаб айтган маълумотнинг тескарисини қилмоқдалар. Бу, улар томонидан бўлаётган катта зулмдир.

**«Ва золимларга нусрат берувчилар йўқдир».**

لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ ثَالِثُ ثَلَاثَةٍ وَمِمَّنْ إِلَهٌ إِلَّا إِلَهُ وَاحِدٌ وَإِن لَّمْ يَنْتَهُوا عَمَّا يَقُولُونَ لَيَمَسَّنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٣﴾

**73. Аллоҳ учтанинг учинчисидир, деганлар, батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Ягона илоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ! Агар айтаётганларидан қайтмасалар, улардан куфр келтирганларини алам-ли азоб тутади.**

Насроний динидагиларнинг мантиқсиз, ўзлари ўйлаб чиқарган, ҳақиқий диний таълимотни бузиб кўрсатадиган ақийдаларидан бири ушбу оятда муҳокама қилинмоқда. Улар: «Аллоҳнинг табиати бири-бирига тенг учта кўринишдан – Ота худо, ўғил худо ва Муқаддас руҳдан иборатдир. Ўғил худо, яъни, Ийсо воситаси ила бутун махлуқот Ота худога улашади. Ўғил худога фидо қилинганлик, Муқаддас руҳга «тозалаш» нисбати берилади», дейдилар. Шу билан бирга, ўзларини тавҳид ақийдасида деб, даъво қиладилар.

Худди мана шу мантиқсизлик қадимдан насоролар ўртасида турли келишмовчиликларни келтириб чиқарган. Ҳозирги кунда масихий

динидан одамларнинг четланишида ҳам худди шу сабаб бор. Бу саф-сатани бир оз ақлини ишлатган одам ҳеч қабул қила олмайди. Чунки, соғлом ақл далолат қилган нарса:

**«Ягона илоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ!».**

Бундан бошқа гапни айтиб, бузуқ эътиқод қилиб юрганлар ботил фикрларидан қайтмоқлари лозим:

**«Агар айтганларидан қайтмасалар, улардан куфр келтирганларини аламли азоб тутади».**

Бу муқаррар нарса. Бўлажак аламли азобдан ҳамма тириклик пайтида қутулиб олиши мумкин. Бунинг учун:

﴿٧٤﴾ أَفَلَا يَتُوبُونَ إِلَى اللَّهِ وَيَسْتَغْفِرُونَ لَهُ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

**74. Аллоҳга тавба қилиб, унга истиғфор айтмайдиларми?! Зотан, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

У зот тавба қилганларнинг тавбасини қабул этади. У зот истиғфор айтганларнинг гуноҳини кечиради.

Фурсат ўтмасдан аввал, бузуқ ақийдаларидан қайтиб тавба қилсинлар, тўғри ақийда бўлмиш Ислом ақийдасига ишонсинлар ва ўтган гуноҳларини кечишини сўраб, Аллоҳга истиғфор айтсинлар.

Ийсо алайҳиссалом ҳақларидаги тўғри эътиқод қуйидагича бўлади:

مَا الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ وَأُمُّهُ  
صِدِّيقَةٌ كَانَا يَأْكُلَانِ الطَّعَامَ أَنْظِرْ كَيْفَ نَبِّئُ لَهُمُ الْآيَاتِ ثُمَّ  
﴿٧٥﴾ أَنْظِرْ أَنَّى يُؤْفَكُونَ

**75. Масих ибн Марям бир Пайғамбар, холос. Ундан олдин ҳам Пайғамбарлар ўтган. Унинг онаси эса, сиддиқадир. Икковлари ҳам таом ер эдилар. Биз уларга оятларни қандай баён қилаётганимизга назар сол-у, кейин уларнинг қандай бурилиб кетаётганларига назар сол.**

Масих ибн Марям кабилар йўқ эмас. Унга ўхшашлар дунёда кўплаб ўтган. Шунинг учун, оддий одамлардан Пайғамбарлик хусусиятлари ила бир оз ажралиб туриши, унга эргашганларни у ҳақида турли бўлмағур ақийдаларни қилишга, ҳатто уни «худо» деб даъво қилишга олиб бормаслиги керак.

**«Масих ибн Марям бир Пайғамбар, холос. Ундан олдин ҳам Пайғамбарлар ўтган».**

Масих ибн Марямдан олдин ўтган кўплаб Пайғамбарларда ҳам Пайғамбарлик хислатлари, мўъжизалари ва сифатлари бўлган. Лекин уларни ҳеч ким «Худо» деб даъво қилмаган. Чунки, ҳақиқат ўзи – шу. Шунинг учун, Масих ибн Марямни ҳам Аллоҳнинг Пайғамбари деб билиш зарур.

**«Унинг онаси эса, сиддиқадир».**

Биби Марям бинти Имрон Аллоҳнинг айтганларини, амру фармонини тасдиқловчи – сиддиқадир. Содик, пок бир бандадир. Бу кишини ҳам «она Худо» деб эътиқод қилиб бўлмайди. Демак, Масих ибн Марямни ҳам, унинг онаси Марям сиддиқани ҳам «худо» деб эътиқод қилиш хатодир. Биргина далилнинг ўзи уларнинг аслида кимликларини кўрсатади.

**«Икковлари ҳам таом ер эдилар».**

Бу оддий ҳақиқат. Бу ҳақиқатни энг ашаддий насоролар ҳам инкор эта олмайди. Марям кичиклигидан, ота-онасидан туғилгандан бошлаб одамлар ичида ўсди. Еб-ичди. Буни ҳамма кўрди. Бу ҳол у киши бу дунёдан ўтгунга қадар давом этди. Шунингдек, Масих ибн Марям ҳам онасидан туғилгандан бошлаб кўпчиликнинг ичида бўлди. Доимо таом тановул қилди. Уни Аллоҳ таоло ўзига кўтаргунгача шундай давом этди. Буни ҳам ҳамма кўрди. Энди ўйлаб кўрсинлар. Бошқа нарсаларни бир ёққа қўййлик-да, ушбу оятда келган энг оддий далилни – таомни олайлик. Таомга ҳожати тушувчи одам Худо бўла оладими?! Овқат емаса, қорни очиб, заифлашадиган киши Аллоҳ бўлиши мумкинми?! Ҳожатмандлик бандага хос сифат. Шунингдек, таомга ҳожати тушишлик, овқат емаса, қорни очишлик, сув ичмаса, чанқашлик бандага хос сифат. Бинобарин, ҳаётлари давомида таом еб ўтган Масих ибн Марям ва у кишининг оналари Марям сиддиқалар ҳам Аллоҳ эмас, Аллоҳнинг бандаларидирлар.

Бу жуда ҳам оддий мантиқ. Ҳеч қандай ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо:

**«Биз уларга оятларни қандай баён қилаётганимизга назар сол-у, кейин уларнинг қандай бурилиб кетаётганларига назар сол».**

Жуда ҳам ажабланарли ҳол.

Кейинги оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиниб, насороларнинг ақийдалари бузуқлигига яна бир ҳужжат келтирилади:

قُلْ أَتَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا وَاللَّهُ هُوَ السَّمِيعُ

الْعَلِيمُ



**76. Сен: «Аллоҳни қўйиб, сизга зарар ҳам, фойда ҳам бера олмайдиган нарсага ибодат қиласизларми?! Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир», деб айт.**

Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бандаларга Аллоҳдан ўзга фойда ёки зарар берадиган зот йўқ. Демак, хоҳ инсонга, хоҳ ҳайвонга ёки бошқа нарсаларга ибодат қиладиганлар фойда ҳам, зарар ҳам бера олмайдиган нарсага ибодат қилган бўлади. Ҳақиқий фойда ва зарар берувчи зот Аллоҳдир, Уни қўйиб, фойда ҳам, зарар ҳам бера олмайдиган нарсага, жумладан, Масих ибн Марям ва унинг онасига ибодат қилиш мутлақо нотўғри ишдир. Ким шундай иш қилса, албатта, эътиборсиз қолмайди.

**«Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир».**

Сўнгра, келаси оятда аҳли китобларга қўшма хитоб қилинади. Пайғамбаримизга буйруқ ўлароқ келган бу хитобда қуйидагилар айтилади:

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ لَا تَغْلُوا فِي دِينِكُمْ غَيْرَ الْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعُوا أَهْوَاءَ قَوْمٍ  
 قَدْ ضَلُّوا مِنْ قَبْلُ وَأَضَلُّوا كَثِيرًا وَضَلُّوا عَنْ سَوَاءِ السَّبِيلِ ﴿٧٧﴾

**77. Сен: «Эй, аҳли китоблар! Динингизда ҳаддан ошиб, ноҳақлик қилманг. Ва олдин ўзлари адашиб ва кўпчиликни адаштириб, тўғри йўлдан умуман чиққанларнинг ҳавои нафсларига эргашманг», деб айт.**

Бу хитоб айнан ушбу оятлар тушаётган пайтдаги ва ундан кейинги даврлардаги аҳли китобларга қаратилгандир. Ушбу оятда улар аввал ўтган аждодларига, уларнинг ҳавои нафсларига эргашмасликка даъват қилинмоқда. Улар, ўзлари адашиб, бошқаларни ҳам адаштириб, оқибатда тўғри йўлдан бутунлай чиқиб кетган эдилар.

Динда ҳаддан ошишлик арабчада «ғулув» дейилади. Ғулув — аслида, динда бўлмаган нарсаларни ўзини яна ҳам диндорроқ, тақводорроқ кўрсатиш мақсадида динга киритишдир.

Мисол учун, насороларнинг Ийсо алайҳиссаломни улуғлашда ғулувга кетишлари — ҳаддан ошишлари у киши келтирган соф ақийданинг тамоман бузилиб кетишига сабаб бўлган. Бунга ўхшаш ишлар жуда ҳам кўп. Шунинг учун ҳам, аҳли китобларни динларида ҳаддан ошиб, ноҳақлик қилмасликка даъват этишни Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга топширмоқда. Бу амр, яъни, динда ғулувга кетмаслик — ҳаддан ошмаслик амри мусулмонларга ҳам тегишлидир.

Келаси оятларда яна Бани Исроилнинг ўзига келган Пайғамбарлар, хусусан, Довуд ва Ийсо алайҳиссаломлар билан бўлган можаролар ва бошқа сифатлар баён этилади:

لُعِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَى لِسَانِ دَاوُدَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ  
ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ ﴿٧٨﴾

**78. Бани Исроилдан куфр келтирганлари Довуд ва Ийсо ибн Марям тилида лаънатландилар. Бу эса, исён қилганлари ва тажовузкор бўлганлари учун бўлди.**

Бани Исроил узоқ тарихи давомида доимо ўзларига ҳидоят учун юборилган Пайғамбарларга исён қилгани, уларга қарши чиқиб келгани аввал ўтган оятларда ва уларнинг тафсирида айтиб ўтилди. Энди эса, ўша Пайғамбарлардан икки буюги – Довуд ва Ийсо алайҳиссалом мисол тариқасида зикр қилинмоқдалар. Икковлари ҳам Бани Исроилни исёни ва тажовузкорлиги учун лаънатлаган эдилар. Аслида, ҳидоятга бошлаш учун, Аллоҳ томонидан раҳмат бўлиб келган Пайғамбар бўлар-бўлмас ишга бир қавмни лаънатлайвермайди. Жуда ҳам ўтиб кетганидан, чидаб бўлмайдиган ҳолга етганлигидангина қилиши мумкин бу ишни. Шунинг ўзи ҳам Бани Исроилнинг ким эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, Бани Исроилнинг бошқа айблари ҳам бор эди:

كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ ﴿٧٩﴾

**79. Улар, қилинган ёмон ишдан бир-бирларини қайтармас эдилар. Бу қилмишлари қандай ҳам ёмон бўлди!**

Яҳудийларнинг Пайғамбарларга исёнлари ва тажовузкорликларининг сабаби ҳам улар ёмонликни қабул қилаверадиган бўлиб қолганликларидадир. Яъни, уларда бир-бирини ёмон ишдан қайтариш одати йўққа чиқиб қолган эди. Бундай жамият дунёдаги энг расво жамиятга айланади. Ҳар бир жамиятда ёмон одамлар бўлади. Ёмонлик ҳам бўлади. Аммо яхши жамият ўз ичида ёмонлик тарқашига йўл қўймайди. Ёмонларнинг йўлини тўсади. Қўлини боғлайди. Бундай қилмаган жамият эса, бориб-бориб ҳалокатга учрайди. Бани Исроил худди шундай бўлган. Бу ҳақиқат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам тасдиқланган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Пайғамбаримиз сол-

лаллоҳу алайҳи васаллам: «Бани Исроил маъсиятлар қилганида, улар молари уларни қайтардилар, аммо улар қайтмадилар. Сўнгра, улар мажлисларда бирга ўтиришаверди, бирга еб-ичишаверди. Аллоҳ уларни бир-бирларига қўшиб юборди ва Довуд ҳамда Ийсо ибн Марям тилида лаънатлади (Бу эса, исён қилганлари ва тажовузкор бўлганлари учун бўлди)», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнбошлаган ҳолда эдилар, туриб ўтирдилар ва: «Менинг нафсим қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, то уларни ҳақ ила яхшилиб ўраб олгунингизча», дедилар.

Имом Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бани Исроилни нуқсонга учратган биринчи нарса – улардан бир киши бошқасини учратганда: «Эй, фалончи, Аллоҳдан қўрқ, қилмишингни ташла, бу сенга ҳалол эмас», дер эди-ю, кейин эртасига кўришса, бирга ўтириб, бирга еб-ичиб кетаверар эди. Мана шундай қилганларидан сўнг Аллоҳ таоло уларни бир-бирларига қўшиб юборди», дедилар ва «Бани Исроилдан куфр келтирганлари Довуд ва Ийсо ибн Марям тилида лаънатландилар», оятини ўқидилар. Сўнгра: «Йўқ! Аллоҳга қасамки, албатта, яхшиликка буюрасизлар ва, албатта, ёмонликдан қайтарасизлар, албатта, золимнинг қўлидан оласизлар, уни ҳақ учун халқа каби ўраб оласизлар!» – дедилар.

Имом Муслим Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сиздан ким бир ёмон ишни кўрса, қўли билан ўзгартирсин. Агар унга қодир бўлмаса, тили билан ўзгартирсин. Агар унга ҳам қодир бўлмаса, қалби билан. Аммо буниси иймоннинг заифидир», деганлар.

Яъни, мусулмон одам ёмонликни иложи борича ўзгартиришга ҳаракат қилмоғи керак. Қўли ва тили билан ўзгартиришга имкон топмаса, қалби билан инкор қилиш керак. Бу эса, иймони заифлиги аломати. Энди қалби билан ҳам қилмаса, иймони қолмаган бўлади. Ёмонларнинг ёмонлигига индамай қараб туравериш уларга шерик бўлиш билан баробар. Шунинг учун, Аллоҳ таоло ёмонлик кенг тарқалган жамиятни жазолаганда ҳаммасини қўшиб жазолайди.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Адий ибн Умайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар ўз ораларида ёмонликни кўриб туриб, уни инкор қилишга қодир бўлиб туриб, инкор қилмай юрмагунларича Аллоҳ ознинг амалига кўпчиликни азобламайди. Агар шундай қилсалар, Аллоҳ хосни ҳам, омни ҳам қўшиб азоблайди», деганлар.

Бугунги мусулмонларнинг ушбу қоидани эсдан чиқариб қўйганлари бошларига тушаётган мусийбатларга сабаб бўлаётган бўлса, ажаб эмас.

Ўтган замондаги Бани Исроилликларни васф қилиб бўлгандан сўнг, ҳозиргиларнинг васфи келади:

تَكَرَى كَثِيرًا مِنْهُمْ يَتَوَلَّوْنَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَبِئْسَ مَا قَدَّمَتْ لَهُمْ  
أَنْفُسُهُمْ أَنْ سَخِطَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَفِي الْعَذَابِ لَهُمْ خَالِدُونَ ﴿٨٠﴾

**80. Улардан кўпларининг куфр келтирганларни валий – дўст тутганини кўрасан. Уларга нафслари тақдим қилган нарса қандай ҳам ёмон бўлди. Аллоҳ уларга ғазаб қилди. Ва улар азобда боқий қолувчилардир.**

Яҳудийлар доимо мусулмонларга қарши кофирлар билан тил бириктириб, ўзаро ҳамкорлик қилиб келганлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом вақтларида мушрикларни афзал кўриб, мусулмонларга қарши тил бириктирган бўлсалар, ҳозиргача турли кофирлар билан тил бириктириб, Исломга қарши бўлиб келмоқдалар.

وَلَوْ كَانُوا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالنَّبِيِّ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مَا اتَّخَذُوهُمْ أَوْلِيَاءَ  
وَلَكِنَّ كَثِيرًا مِنْهُمْ فَسِقُونَ ﴿٨١﴾

**81. Агар Аллоҳга, Пайғамбарга ва унга нозил қилинган нарсага иймон келтирганларида эди, уларни валий – дўст тутмас эдилар. Лекин улардан кўплари фосиқлардир.**

Яъни, ўша яҳудийлар Аллоҳ таолога, Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга ва Қуръонга иймонлари бўлганда эди, кофирларни дўст тутмас эдилар. Ушбу оятда улар Аллоҳга ҳам иймонлари йўқликда айбланмоқдалар. Яҳудий ва бошқа аҳли китобларнинг, биз мўминимиз, деган даъволари шу билан пучга чиқади. Уларнинг кўплари фосиқ эканликлари ҳам тасдиқланмоқда. Фосиқлик эса, дин кўрсатган чегарадан четга чиқишдир.

Қуръони Карим янги жамият – Исломий жамият қуриш, бу жамиятни турли бузуқ ақийда ва урф-одатлардан, ботил фаолиятлардан поклаш мақсадида тарбиялаб келди. Ушбу суранинг аввалида шу маънодаги кўплаб оятларни кўрдик. Энди эса, ушбу сурада зикри келган ноисломий, жоҳилий ва тоғутга ибодат қилувчи уч тоифанинг – яҳудийлар, мушриклар ва насороларнинг мўмин-мусулмонларга нисбатан қанақа муносабатда бўлишларини баён қилади:

﴿لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ النَّاسِ عَدَاوَةً لِلَّذِينَ ءَامَنُوا الْيَهُودَ وَالَّذِينَ أَشْرَكُوا  
وَلَتَجِدَنَّ أَقْرَبَهُم مَّوَدَّةً لِلَّذِينَ ءَامَنُوا الَّذِينَ قَالُوا إِنَّا نَصْرِي ذَلِكَ يَأْتِي  
مِنْهُمْ قَسِيصٌ وَرُهْبَانًا وَأَنَّهُمْ لَا يَسْتَكْبِرُونَ﴾

**82. Яҳудий ва ширк келтирганларнинг иймон келтирганларга нисбатан одамларнинг ашаддий адоватлиси эканини топасан. Улардан иймон келтирганларга дўстликка яқинроғи, биз насоролармиз, деганлар эканини топасан. Бу, уларнинг ичида диний олимлар ва роҳиблар бўлганидан ва уларнинг такаббурлик қилмасликларидандир.**

Бу уч тоифа мусулмонларга муносабатда иккига бўлинади. Биринчиси – мусулмонларга нисбатан ашаддий адоватли тоифа бўлиб, улар яҳудий ва мушриклардан иборатдир. Иккинчи тоифа – мусулмонларга нисбатан, бошқа кофирларга қараганда, дўстликка яқинроқ тоифа бўлиб, улар насоролардан иборатдир.

Оятдаги хитоб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ёки ҳар бир мухотабга бўлиши мумкин. Мусулмонларга нисбатан ашаддий адоватли гуруҳнинг бошида яҳудийлар турибди. Улардан кейин мушриклар келмоқда. Тарих ушбу қуръоний ҳақиқат мўъжиза эканига кўп бор шохид бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам пайтларида Исломига қарши турган тоифа яҳудийлар бўлди. Мушрикларни Исломига қарши урушга гиж-гижлаганлар ҳам улар эди. Шунингдек, мушриклар ҳам Исломига қарши ўзларидаги барча имкониятларни ишга солдилар. Кейинчалик ҳам яҳудийлар душманликларини яна ҳам ашаддийроқ шаклда давом эттирдилар ва эттирмоқдалар. Узун тарих саҳифаларини варақлар экансиз, Исломига, мусулмонларга қарши бўлган ҳамма душманликларда яҳудийларнинг қўли борлигини кўрасиз. Яҳудийлар бундай душманлик ишларда мушрикларга ҳам устозлик қиладилар. Уламолар, яҳудий ва мушрикларнинг мусулмонларга қарши ашаддий адоватда бир жабҳада бўлишларининг сабаби уларни бирлаштирувчи баъзи бир сифатлар борлигидир, дейишади. Бундай сифатларга: кибру ҳаво, ўзини юқори тутиш, ўз қавми ёки жинсига мутаассиб бўлиш, моддий ҳаётга қизиқиш, шафқатсизлик каби сифатлар киради.

Шу билан бирга, оятда мўминларга дўстликка яқинроқ тоифа ҳам борлиги айтилмоқда:

**«Улардан иймон келтирганларга дўстликка яқинроғи, биз насоролармиз, деганлар эканини топасан».**

Яҳудий ва мушрикларнинг мўминларга ашаддий адоватли бўлишлари сабаби оятда айтилмаган эди. Шунинг учун ҳам, уларга нисбатан умумий ҳукм чиқди. Аммо насороларнинг мўминларга нисбатан дўстликка яқинроқ бир ўрин олишларининг сабаби уларда бир неча шартнинг борлигидирки, оятда ушбу шартлар санаб ўтилади:

**«Бу, уларнинг ичида диний олимлар ва роҳиблар бўлганидан ва уларнинг такаббурлик қилмасликларидандир».**

Насоролар ичида диний олимлари бор, улар масиҳий дини таълимотларини кишиларга тушунтирадидлар. Бу таълимотларда кишиларга ёмонлик қилмаслик уқтирилади, ўнг бетига тарсаки еса, чап бетини тутиб бериш тарғиб этилади. Шунингдек, насоролар ичида роҳиблар бор. Улар тарки дунё қилганлар бўлиб, масиҳий жамоалар ичида таъсирлари кучлидир. Шу билан бирга, улар мутакаббир ҳам эмаслар.

Кейинги оятларда насоролардан мўминларга дўстликка яқинроқ бўладиганларининг васфлари давом этади:

وَإِذْ أَسْمِعُوا مَا أَنْزَلَ إِلَى الرَّسُولِ تَرَىٰ أَعْيُنُهُمْ تَفِيضُ مِنَ الدَّمْعِ مِمَّا عَرَفُوا مِنَ الْحَقِّ  
يَقُولُونَ رَبَّنَا ءَأَمْنًا فَاكُنْبُكَ مَعَ الشَّاهِدِينَ ﴿٨٢﴾

**83. Уларни Пайғамбарга нозил қилинган нарсани тинглаганларида, ҳақни билганликларидан, кўзлари ёш тўкканини кўрсан. Улар: «Эй Роббимиз, биз иймон келтирдик, бас, бизни шоҳидлар қаторига ёзгин», – дерлар.**

Мўминларга дўстликка яқинроқ бўлган насоролар Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ томонидан нозил қилинган Қуръони Каримни тинглаганларида, кўзларидан ёш тўкадилар. Ҳақиқатни билганларидан, йиғлайдилар. Улар йиғлаб қўйиб, яна аввалги ҳолларида бардавом бўлавермайдилар. Балки, ўша ўзлари билган ҳаққа эргашадилар:

**«Улар: «Эй Роббимиз, биз иймон келтирдик, бас, бизни шоҳидлар қаторига ёзгин», дерлар».**

Улар бу билан ҳам кифояланиб қолмайдилар, бундан ҳам олий мартабаларга интиладилар:

وَمَا لَنَا لَا نُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَمَا جَاءَنَا مِنَ الْحَقِّ وَنَطْمَعُ أَنْ يُدْخِلَنَا رَبُّنَا مَعَ الْقَوْمِ الصَّالِحِينَ ﴿٨٣﴾

**84. «Нима учун Аллоҳга ва бизга келган ҳаққа иймон келтирмас эканмиз ва Роббимиз бизни ҳам солиҳ қавмлар қаторига киритишини тамаъ қилмас эканмиз?!» – дерлар.**



Яъни, мазкур насоролар, Аллоҳга ва Ундан келган ҳақ дин бўлмиш Исломга иймон келтирмасликни, тушуниб бўлмайдиган ҳол деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, Роббиларидан уларни ҳам солиҳ қавмлар ичига киритишни тамаъ қилмасликни ҳам тушуниб бўлмайдиган ҳол, деб ҳисоблайдилар. Натижада:

فَأَثَبَهُمُ اللَّهُ بِمَا قَالُوا جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ جَزَاءُ  
الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٥﴾

**85. Айтганларига яраша Аллоҳ уларга остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларда боқий қолишни мукофот қилиб берди. Яхшилик қилувчиларнинг мукофоти шулдир.**

Мазкур сифатларга эга бўлган, биз насоролармиз, деб юрганларнинг оқибати ва мукофоти шулдир. Аммо:

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴿٨٦﴾

**86. Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир.**

Ушбу оятларни ўрганар эканмиз, насороларнинг мусулмонлар билан бўлган алоқалари тарихига назар солиб, ҳақиқатан ҳам ушбу ояти каримада васфи келган, ичларида диний олимлари ва роҳиблари инсофли бўлиб, мутаккабирлик қилмайдиган, Қуръон эшитганда кўзидан ёш тўкиб иймон келтирадиган, Аллоҳга ишониб, Исломга юрадиган, Аллоҳдан юқори мартабаларни тамаъ қиладиган кишилар ўтганининг гувоҳи бўламиз.

Бу сифатларга эга эмаслари эса, кофирлигича қолиб, мусулмонларга дўстликка яқинроқ бўлиши қийинлигини кўрамиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ҳам шундай эди. Кейин ҳам шундай бўлди. Ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Ҳазрати Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги, биз насоролармиз, деган баъзи кишиларнинг ҳоллари ва қилган ишлари айнан ушбу ояти карималарнинг тушишига сабаб бўлган.

Имом Қуртубий ўзларининг «Жомиъул Аҳком» номли тафсирида қуйидагиларни ёзадилар: «Ушбу оятлар Нажоший ва унинг шериклари ҳақида нозил бўлган. Ибн Исҳоқ ва бошқаларнинг сийрат китобларида келган машҳур ривоятларга кўра, мусулмонлар мушриклар ва уларнинг фитнасидан қўрқиб, биринчи бор ҳижрат

қилиб, уларнинг юртига келдилар. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнага ҳижрат қилдилар. Мушриклар у кишига ета олмадилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан улар ўртасида уруш бўлди. Бадр урушида кофирларнинг кўзга кўринган арбоблари қатл этилдилар. Шунда қурайшлик кофирлар: «Ўч олишингиз учун Ҳабашистонда имкон бор. Нажошийга иккита уддабурон, ақли одамни ҳадя билан юборинглар, у ўз ҳузуридаги мусулмонларни беради. Сиз эса, Бадрда қатл этилган одамларингизнинг ўчини улардан олиб, ўлдирасизлар», дейишди. Қурайшлик кофирлар Амр ибн Осс билан Абдуллоҳ ибн Робийъани ҳадялар билан Ҳабашистонга юборишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу хабарни эшитиб, Амр ибн Умайяни мактуб билан Нажошийга юбордилар. У Нажошийнинг ҳузурига борди. Нажоший Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини ўқиди. Сўнгра Жаъфар ибн Абу Толибни муҳожирлар билан чақирди. У ўзининг диний олимлари ва роҳибларини тўплади. Кейин Жаъфарга Қуръон ўқиб беришни амр қилди. У Марям сурасини ўқиди. Улар кўзларидан ёш оқиза бошладилар. Ана ўшалар ҳақида Аллоҳ таоло:

«Улардан иймон келтирганларга дўстликка яқинроғи, биз насоролармиз, деганлар эканини топасан» оятини туширди.

Нажоший ва унинг одамларининг иймон келтириб яхши мусулмон бўлганликлари маълум ва машҳур. Нажоший вафот этган куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоздан чиқиб: «Бугун Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бири вафот этди», деб саҳобалар билан ғойибона жаноза намози ўқиганлар.

Шунингдек, бошқа насоролар ҳам яҳудийларчалик ёмон муносабатда бўлмаганлар. Рим императори Ҳеракл ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини олганда, Ислонни қабул қилмоқчи бўлган, аммо одамларини тўплаб маслаҳат қилганда, кўнишмаган.

Кейинчалик ҳам шу каби муносабатлар бўлиб турган.

Аммо насоролар мазкур ояти каримада келган сифатларини тарк этганларида, улар ҳам мусулмонларга қарши энг ашаддий душманларга айланардилар. Уларнинг ичида инсофли, тавозуъли диний олимлар ва роҳиблар қолмай, ўрнига инсофсиз ва мутакаббир диний олим ва роҳиблар келганда, Рим папаси ва бошқа диний раҳнамолар бошчилигида Исломи оламига қарши қайта-қайта салб юришлари қилдилар. Юз йиллар давомида фан-маданият ва илм маркази бўлиб, Оврупага нур сочиб турган Андалус давлатини ер юзидан супуриб ташладилар. Уларнинг ваҳшийлигидан бешиқдаги болалар ҳам беомон бўлди. Мусулмон номи бўлса бўлди, битта қўймай қир-

дилар. Муслмонларнинг қонини дарё қилиб оқиздилар. Уларнинг қонли юришлари туфайли Ўрта Ер денгизининг мовий суви қирмизига айланди. Салбчи насоролар денгиздан ўтиб муслмон юртларни ишғол қилдилар. Қон тўқдилар. Зулм ўтказдилар. Кейинроқ келиб эса, барча муслмон давлатларни масиҳий давлатлар ўз мустамлакасига айлантирди. Жаҳонда буюк жуғрофий кашфиётчилар сифатида номи машҳур бўлган оврупалик шахслар аслида муслмон юртларни босиб олишга тайёргарлик кўриш айғоқчилари эканлиги, улар сафарга чиқишдан олдин папага насоро дини учун янги жойлар ва янги қавмлар топиб беришни ваъда қилиб, унинг дуоси ва изинини олганликлари маълум ва машҳурдир.

Ҳозир ҳам шу ҳол давом этмоқда. Ояти каримада келган васфга эга бўлган насоролар мўмин-муслмон бўлиб, кундан-кунга сафлари кўпайиб бормоқда. Уларнинг акслари эса, «Қаршимизда битта душман қолди, у ҳам бўлса, Исломдир», демоқдалар. Охирги оятда айтилганидек, уларнинг жойи жаҳаннамдир, иншааллоҳ.

Аҳли китоб ва мушрикларнинг ҳоли бу бўлса, муслмонлар нима қилишлари керак? Шу саволга кейинги оятларда жавоб келади. Бу оятларнинг асосий мақсади муслмонларни фақат Аллоҳнинг ҳукми остида яшашга тарғиб қилишдир. Ҳар бир ишда илоҳий таълимотларга асосон чора кўришга ундашдир. Ушбу ишларга оид оятлар мажмуасининг ҳар бири мўминлар учун маҳбуб нидо – «Эй, иймон келтирганлар!» нидоси ила бошланади. Биринчи бўлиб ҳалол-ҳаром ҳақида сўз кетади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لَا تُحَرِّمُوْا طَيِّبٰتٍ مَّاۤ اَحَلَّ اللّٰهُ لَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوْۤا ۗ اِنَّ اللّٰهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِيْنَ ﴿٨٧﴾

**87. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилманг. Ҳаддингиздан ошманг. Албатта, Аллоҳ ҳаддидан ошувчиларни севмас.**

وَكُلُوْا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللّٰهُ حَلٰلًا طَيِّبًا وَاتَّقُوا اللّٰهَ الَّذِىْۤ اَنْتُمْ بِهٖ مُّؤْمِنُوْنَ ﴿٨٨﴾

**88. Ва Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсалардан енглар. Ўзингиз ишонган Аллоҳга тақво қилинг.**

Аввал ўтган оятларда ва уларнинг тафсирида Аллоҳ ҳалол қилган нарса пок ва фойдали бўлиши айтилган эди. Бу ерда ўша покиза

ва ҳалол нарсаларни ҳаром деб, ҳукм чиқариш мумкин эмаслиги таъкидланмоқда. Чунки, ҳукм чиқариш, жумладан, нима ҳалолу нима ҳаромлигининг ҳукмини чиқариш ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хосдир. Аллоҳ ҳалол деган нарсани ким ҳаром деса ёки Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ким ҳалол деса, кофир бўлади. Ундай одам Аллоҳнинг илоҳлик сифатига – шариат ҳукмларини чиқариш сифатига шерик бўлишга уринган бўлади. Шунингдек, бир киши ўзи учун ҳам бундай ҳукмни чиқариб, қандайдир диндорлик сифатини зиёда қилишга уриниш, деб ўйлаши ҳам нотўғридир. Бундай иш диндаги ғулув – ҳаддан ошиш ҳисобланади. Ушбу оятнинг нозил бўлиш сабаби буни таъкидлайди.

Имом ибн Жарир Тобарий қуйидагиларни ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни ўтириб одамларга ваъз-насиҳат қилдилар, аммо ортиқча қўрқитмадилар. Сўнгра туриб кетдилар. Шунда у кишининг саҳобаларидан баъзилари: «Агар янги бир иш қилмасак, нима деган одам бўламиз. Насоролар ўзларига бир қанча нарсаларни ҳаром қилишган, биз ҳам ҳаром қилайлик», дейишди. Баъзилари ўзига гўшт ейишни ҳаром қилди, баъзилари соннинг юқори қисмини емоқни ҳаром қилди. Бошқалари кундузи овқат емоқни, яна бошқалари аёлларни ўзларига ҳаром қилди. Бу гап Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб борганда: «Аёлларни, таомни ва уйқуни ўзига ҳаром қилганларга нима бўлди?! Огоҳ бўлинглар, мен ухлайман ҳам, бедор ҳам бўлман, рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Аёлларни никоҳимга ҳам оламан. Ким мендан ўзини тортса, у мендан эмас», дедилар. Шунда Аллоҳ:

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилмангиз. Ҳаддингиздан ошманг», оятини нозил қилди.

Аллоҳ таоло Ўзи белгилаб берганидан кам ишни қилиш нуқсон ва гуноҳ бўлганидек, Унинг белгилаб берганидан ортиқча қилишга уриниш ҳам тажовузкорлик ва гуноҳ ҳисобланади.

Шу қоидага кўра, Аллоҳ таоло ҳалол қилиб қўйган нарсани ўзига ҳаром қилиб, ўзини ўша нарсадан тийиш билан гўё Аллоҳга қурбат ҳосил қилишга уриниш ҳам гуноҳдир. Чунки, ҳалол ва ҳаром қилишликнинг ягона соҳиби Аллоҳ таолодир, бошқа эмас.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар Анас розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади. Уч кишидан иборат бир гуруҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалолларининг уйларига у зоти шарифнинг ибодатлари ҳақида сўраб келдилар. Бу ҳақда хабар берилганда, уларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибодатлари оз кўринди ва «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам қаёқдалар-у, биз қаёқдамиз, у кишининг олдингию кейинги гуноҳлари мағфират қилинган», дедилар.

Битталари:

«Мен доимо кечаси билан намоз ўқиб чиқаман, энди», деди.

Иккинчиси:

«Мен доимо рўза тутаман, оғзим очиқ юрмайман», деди.

Учинчиси эса:

«Мен аёллардан четда бўламан, ҳеч уйланмайман», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдига келиб:

«Сизлар шу-шу гапларни айтдингизми? Аммо, Аллоҳга қасамки, ичингизда Аллоҳдан энг кўп қўрқувчингиз менман ва унга энг кўп тақво қилувчингиз ҳам менман. Лекин мен рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам юраман. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёлларга уйланман ҳам. Ким суннатимдан ўзини тортса, мендан эмас», дедилар.

Шу билан Аллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ўзига ҳаром қилиб олт ичиш ёки вазифа қилиб олиш бекор қилинди. Ҳамда ҳеч кимнинг Аллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ҳаром қилишга ҳаққи йўқлиги таъкидланди.

Ҳазрати Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Пок таомлар, кийимлар ва никоҳларни ўзига ҳаром қилганлар бу ҳақда қасам ичган эдилар. «Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилманг» ояти нозил бўлгандан сўнг, ичган қасамимиз нима бўлади, деб қолишди. Шунда Аллоҳ қуйидаги оятни нозил қилди:

لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَٰكِنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا عَقَدْتُمُ الْأَيْمَانَ فَكَفَرْتُمْ<sup>١</sup>  
 إِطْعَامَ عَشْرَةِ مَسْكِينٍ مِنْ أَوْسَطِ مَا تَطْعَمُونَ أَهْلِيكُمْ أَوْ كِسْوَتُهُمْ أَوْ تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ<sup>٢</sup> فَمَنْ  
 لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ<sup>٣</sup> ذَٰلِكَ كَفْرَةٌ أَيْمَانِكُمْ إِذَا حَلَفْتُمْ<sup>٤</sup> وَاحْفَظُوا أَيْمَانَكُمْ<sup>٥</sup> كَذَٰلِكَ  
 يَبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ<sup>٦</sup>

89. Аллоҳ сизларни беҳуда қасамларингиз учун тутмас. Лекин қасд ила туккан қасамларингиз учун тутадир. Бас, унинг каффурати ўз аҳлингизни ўртача таомлантириш миқдорида ўнта мискинга таом ёки кийим бериш ёхуд бир қул озод қилишдир. Ким топа олмаса, бас, уч кун рўза тутсин. Ана ўша, агар қасам ичган бўлсангиз, қасамингизнинг каффуратидир. Қасамларингизни муҳофаза қилинг. Аллоҳ сизга шундай қилиб Ўз оятларини баён этади. Шоядки, шукр қилсангиз.

Ушбу оятдан ҳалол-ҳаром фақат тановул қилинадиган таом, ичиладиган шароб ёки никоҳдагина эмас, балки ҳамма нарсада, ҳатто оғиздан чиқадиган, одамлар эътибор бермайдиган калималарда ҳам экани тушунилади. Демак, инсон фаолиятининг ҳар бир жабҳасида ҳалол-ҳаром бор. Ҳар бирига алоҳида ҳукм бор. Ўша ҳалол ёки ҳаромни аниқлаш ва ҳар бир ишнинг ҳукмини чиқариш фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига хосдир. Бу ишга ундан бошқа ҳеч ким аралаша олмайди. Инсонни йўқдан бор қилган — яратган Аллоҳ унинг қандоқ яшамоғи лозим эканини кўрсатиб беришга ҳам фақат Ўзигина ҳақли. Инсонга ризқ берган Аллоҳ ўша ризқнинг қайсиниси ҳалол ва қайсиниси ҳаром эканлигини аниқлашга ҳам фақат Ўзигина ҳақли. Инсонга ақл ва тил берган Аллоҳ ўша ақлни ишлатиб, ўша тил билан қандай сўзларни айтганини тутади-ю, қайсинисини тутмайди — Ўзи ҳукм қилади.

Ояти карима:

**«Аллоҳ сизларни беҳуда қасамларингиз учун тутмас»** жумласи ила бошланмоқда. «Беҳуда қасам» деганда, тил ўрганиб қолган, беихтиёр гапга қўшилиб кетадиган қасам иборалари тушунилади. Бу ҳол, айниқса, арабларда кўп учрайди. Уларда «валлоҳи», «биллоҳи» дейиш қасам ичишни англайди. Айтилиши ҳам осон. Сўз орасида ишлатавериш, ўзлари ҳам ўрганиб қолишган. Демак, ана шундай ҳолларда беихтиёр қасам лафзи оғзидан чиқса, Аллоҳ унинг учун тутмас экан. Айб ҳисоблаб, жазо чораси белгиланмас экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, исломий таълимотларда умуман қасам ичишга тарғиб қилинмайди. Аввало, қасамни фақат Аллоҳнинг номи билан ичилади. Бошқаси мумкин эмас. Аллоҳнинг номи билан эса, ҳадеб қасам ичавериш яхши эмас. Фақат шариатда кўрсатилган жойлардагина қасам ичиш зарур. Мисол учун, қозининг ҳузурида. Бошқа вақтларда ҳуда-беҳудага оғизга қасам лафзларини олавериш яхшилиқдан эмас. Аммо бу кўрсатмаларга амал қилмай, бекордан-бекор қасам ичиб юборса, ушбу оятдан билинмоқдаки, Аллоҳ томонидан тайин қилинган жазо йўқдир. Лекин беҳуда қасам одобсиз, ишончсиз киши сифатида жамиятда эътиборсиз бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Қасам ичишнинг Аллоҳ томонидан тутиладигани ҳам бор:

**«Лекин қасд ила туккан қасамларингиз учун тутадир».**

Бу жумлада қасамнинг маҳкамлиги ҳиссий таъбир ила баён қилинмоқда. Бунинг учун «қасд ила» иборасининг маъносига «туккан» ибораси ҳам боғланмоқда. Худдики, қасам бир ҳиссий нарсаю, уни маҳкамлаш учун туғиш мумкин бўлганидек. Бундан шу нарса келиб чиқадики, тутиш — айб санаш учун қасам қасд ва мустаҳкам ният



ила ичилган бўлиши шарт экан. Ана шундай ҳолатда қасам ичувчи агар қасамхўр бўлса, яъни, қасамини ўринлата олмаса, шариат бўйича унга нисбатан жазо чораси кўрилади.

**«Бас, унинг каффорати – ўз аҳлингизни ўртача таомлантириш миқдорида ўнта мискинга таом ёки кийим бериш ёхуд бир қул озод қилишдир».**

Араб тилида «каффорат» сўзи бир нарсани яхшилиб, ҳеч ҳам кўринмайдиган қилиб тўсиб-беркитишга айтилади. Шариатда эса, содир этилган гуноҳни ювиш учун адо этиладиган молиявий ёки бадан ибодатига айтилади.

Қасам ичиб, унга амал қила олмай қасамхўр бўлган инсоннинг адо этиши лозим бўлган каффорати, аввало, ўнта мискиннинг қорнини тўйғазишдир. Уларни тўйғазишдаги ўлчов – каффорат берувчининг ўз аҳлига – бола-чақасига берадиган ўртача таом миқдори-дир. Агар таом беришни хоҳламаса, ўнта мискинга бир сидирға кийим-бош олиб беради. Кийим ҳам ўша вақтнинг, жойнинг ва урфнинг ўртача кийими бўлади. Учинчи жазо эса, бир қул озод қилишдир.

Қасамхўрга каффорат учун белгиланган ушбу жазо чораларидан Ислом динининг бева-бечораларга, камбағал-мискинларга қанчалик эътибор билан қарагани яққол кўриниб турибди. Шунингдек, бу мукамал ва оламшумул диннинг қулчиликка қарши бўлгани, қулларни озод қилишга қаттиқ урингани ҳам кўриниб турибди. Исломда бу ишлар гуноҳларни ювадиган ибодат даражасига кўтарилгани эътиборга сазовордир. Оғзига кучи етмайдиган, ўзига эътиборни қаратиш ва бир ишни албатта қилиш ёки қилмаслигини таъкидлаш мақсадида Аллоҳнинг номи ила қасам ичган одам, аслида, Аллоҳ таолога нисбатан катта беодоблик қилган бўлади. Бу ишнинг жазосига бошқачароқ чора белгилаш ҳам мумкин эди. Аммо, Аллоҳ таоло айнан фақир-мискинларга ва қулларга меҳр кўрсатиб, уларнинг фойдасини кўзловчи чораларни белгилаган.

Оғзи бўш, иродасиз, бир ишга ўзини ундаш учунгина қасам ичадиган шахсларнинг ҳаммаси ҳам ўнта мискинни тўйғазадиган ёки кийинтирадиган ёхуд бир қул озод қиладиган даражада молиявий имкониятларга эга бўлавермайди. Ораларида камбағаллари ҳам бўлиши мумкин:

**«Ким топа олмаса, бас, уч кун рўза тутсин».**

Демак, ундайларга енгиллик сифатида уч кун рўза тутиш амр этилмоқда. Ана ўшанда ўзига келади. Ваъз-насихат олади. Келгусида ҳар гапини яхши ўйлаб гапирадиган бўлади. Аллоҳнинг номи ила қасам ичишдан олдин ўзига бир назар соладиган бўлади:

**«Ана ўша, агар қасам ичган бўлсангиз, қасамингизнинг каффоратидир».**

Яъни, қасам ичган бўлсангиз-у, лекин унга амал қила олмай қасамхўр бўлиб қолсангиз, юқорида зикр этилган жазо чораларини ўташ билан, қасамхўрлик туфайли содир этилган гуноҳларингизнинг каффоратига (беркитилишига) эришасиз. Зотан, қасам ичиб, унга амал қилган одамга ҳеч қандай жазо чораси кўрилмайди. Шунинг учун, агар қасам ичган бўлсангиз:

**«Қасамларингизни муҳофаза қилинг. Аллоҳ шундай қилиб сизларга Ўз оятларини баён этади. Шоядки, шукр қилсангиз».**

Аллоҳ таолога қанча шукр қилинса, шунча оз. Содир этилган гуноҳнинг каффоратини кўрсатиб беришининг ўзи ҳар қанча шукрга арзигулик неъматдир.

Аллоҳ таоло Ўз ҳукмларини мусулмон жамияти ҳаётининг барча соҳаларига жорий эта бориб, ҳамма соҳаларда ҳалол нимаю ҳаром нималигини баён қилиб, бу илоҳий қонунлар остида яшовчи жамиятни турли бўлмағур ҳукмлар ва қонунлардан, урф-одатлардан, руҳий-маънавий жиноятлардан, ақийда бузуқлигидан, зулм ва жиноятлардан ҳамда ноҳақ муомалалардан тозалаб келмоқда. Келаси оятларда ҳам, ноисломий жамиятларда кенг тарқалган, кўплаб халқларнинг бошига мусийбат бўлиб ёғилган баъзи бир нарсаларнинг ҳаромлиги эълон қилинади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ  
فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٩٠﴾

**90. Эй, иймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз.**

Араб тилида «хамр» сўзи «тўсиш», «беркитиш» маъноларини англатади. Тановул қилган кишининг ақлига таъсир этадиган, унинг ақлини тўсадиган, беркитадиган, бошқача айтганда, маст қиладиган ҳар бир нарсага «хамр» дейилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида: «Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир, ҳар бир хамр ҳаромдир», дейилган. Бундан англашиладики, «Ароқдан бошқа нарсаларни ичса бўлаверадими? Ичмаса-ю, чекса нима бўлади?» каби саволлар, шунингдек, «ароқнинг ўзи ҳаром эмас экан-у, маст қилиши ҳаром экан», деганга ўхшаш «шарҳ»лар ҳаммаси ўринсиз ва мантиқсиз гаплардир.

«Қимор» аслида арабча сўз, аммо оятда айнан «қимор» сўзи эмас, балки унинг муродифи «майсир» сўзи келтирилган. Бу эса, осонлик билан мол топиш маъносини билдиради. Яъни, қиморнинг ҳақиқий маъносига далолат қилади.

Бут ва фол очадиган чўплар ҳақида аввалги оятлар тафсирида етарли маълумотлар берилган.

Аллоҳ таоло ушбу оятда хамр тановул қилиш ва қимор ўйнаш каби амалий гуноҳларни бутга чўқиниш ва фолбинга ишониш каби куфр ва ширк саналган улкан маънавий жиноятларга тенглаштирмақда. Баъзи одамлар бутга чўқинишдан қаттиқ ҳазар қиладилар, ўлиб кетса ҳам бу ишни қилишга кўнмайдилар. Аммо ароқни ичаверадилар, қиморни ўйнайверадилар. Фолбинга бориш ҳақида ҳам шу фикрни айтса бўлади. Аллоҳ таоло бу ишларнинг барчасини қўшиб-жамлаб туриб бир хил баҳо бермоқда.

**«Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир»,** демоқда.

Сўнгра иймон келтирган бандаларига хитоб қилиб:

**«Бас, ундан четда бўлинг»,** демоқда.

Яъни, мўмин бандаларнинг нажот топишларига, шояд, ушбу ифлосликдан ва шайтоннинг ишидан четда туриш сабаб бўлса, демоқда.

Кейинги оятда эса, хамр билан қиморнинг ушбу суранинг сиёкига мос келадиган равишда зарарларини ҳам эслатиб ўтмоқда:

إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيَصُدَّكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ ﴿٩١﴾

**91. Албатта, шайтон хамр ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришликни солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлайдир. Энди тўхтарсизлар?!**

Юқорида ўтган оятларда аввалги умматларнинг ҳалокатига уларнинг ораларига тушган адоват ва ёмон кўришлик ҳам сабаб бўлгани эслатилган эди.

Бундай ўзаро адоват ва ёмон кўришлик мусулмонлар орасида ҳам пайдо бўлишига хамр билан қимор сабаб бўлиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Хамрнинг шахсга, оилага, жамиятга ва бутун инсониятга келтирадиган зарарлари ҳақидаги маълумотлар жуда ҳам кўп, маълум ва машҳурдир. Бу ҳақиқатларни бутун дунё — мусулмон ҳам, кофир ҳам, худосиз ҳам, ҳатто ароқхўрлар ҳам

яхши билади. Биз у маълумотларни такрорлаб ўтирмайликда, ушбу ояти каримада зикр қилинган зарарини – кишилар ўртасида адоват ва ёмон кўришга сабаб бўлишини эслаб ўтайлик. Агар эътибор берадиган бўлсак, қаерда ичкилик бўлса, ўша жойдан кўнгилсизлик келиб чиқади. Ичкилик туфайли оилалар бузилгани қанча, ака-укалар, ота-болалар, дўст-оғайни, қўни-қўшнилар бир-бирига душман бўлгани қанча. Ишхона, маҳалла-кўй, тўй-маросим, дам олиш жойлари ва жамоатчилик тўпланадиган ерлардаги адоват ва ёмон кўришларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Ҳозирга келиб ичкилик, ароқхўр давлат раҳбарлари сабабли, мамлакатлар орасига ҳам адоват солмоқда.

Шунингдек, қимор ҳам зарари кўп илатдир. Айниқса, кишилар ўртасига адоват ва ёмон кўришлик солиши ҳаммасидан ўтиб тушади. Буни содда мантиқ ҳам кўрсатиб туради. Ютқизган қиморбоз ўзидан бир дақиқада бир ҳаракат ила катта ёки оз миқдордаги маблағни ютиб олган қиморбозни ҳеч қачон яхши кўрмайди ёки унга ўзини дўст санамайди. Қиморнинг орқасидан чиққан жанжаллар, душманликлар, ёмон кўришлар, қотилликлар ҳақида ҳар доим эшитиб турамыз.

Аллоҳ таоло бу икки нарсани – хамр ва қиморни «ифлослик ва шайтоннинг иши», деб атамоқда. Аллоҳ Ўз бандаларига меҳрибон бўлгани учун уларни ифлослик ва шайтоннинг ишидан қайтаради. Нопок таомларни зарарли бўлгани учун ҳаром қилганидек, ифлос ишларни ҳам бандаларига зарарли бўлгани учун ҳаром қилади.

Ушбу ояти каримада зикр қилинган ароқ билан қиморнинг зарарларидан иккинчиси – улар одамларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсиши. Бу маълум ва тушунарли ҳол. Ароқхўрнинг ароқ ичишининг ўзи Аллоҳни эсламаслигига далил. Ичиб маст бўлиб олгандан кейин эса, умуман эсга олмайди. Намоз ҳам, бошқа ишлар қатори, ароқхўрнинг эсидан чиқади. Шунингдек, қиморга берилиб кетган қиморбоз Аллоҳнинг зикрини ҳам, намозни ҳам унутади. Бу нарса ароқ ва қимор келтирадиган зарарларнинг энг каттасидир. Бошқа жиноятлар шу унутишдан келиб чиқади.

Ароқхўр халқларнинг вакиллари ароқдан фазилат топмоқчи бўладилар: «Бу дунёнинг ғам-ғуссаларини унуттиради, бир оз бўлса ҳам, бўшашиб, ўша ғамлардан, аламлардан узоқлашиш имконини беради», дейдилар.

Ислонда бунга масъулиятдан қочиш, ғам-ғусса устига яна ғам-ғусса қўшиш, деб қаралади. Албатта, биров ароқни ичиб, маст бўлиб, ғам-ғуссасини унутгани билан, ҳушига келганда ғам-аламлардан қутулиб қолмайди. Балки, аввалги ғам-ғуссаларига ароқхўрлик ту-

файли келган ғам-ғуссалар қўшилади. Исломда ҳаётнинг ғам-ғуссаларини улардан қочиш билан эмас, балки уларга қарши курашиш билан муолажа қилинади. Муслмонлар қийинчиликларни енгиб ўтишда доимо Аллоҳ таолодан ёрдам сўраган ҳолларида иш олиб борадилар. Ҳамиша Аллоҳ таолонинг зикрида бўладилар, намозни канда қилмайдилар. Аллоҳнинг зикри ва намоз дунёдаги барча ғам-ғуссаларни тўкиб-соладиган, уларни ҳал қилишда, улардан халос бўлишда ҳақиқий ёрдамчи бўлмиш Аллоҳдан мадад сўрайдиган энг қулай фурсатдир. Бундай қулай фурсатни ароқ ичиш, қимор ўйнаш билан қўлдан бой бериш катта бадбахтликдир.

Ароқхўрликка қарши гапирсанг, баъзилар: «Сенинг ишинг нима? Ичса, ўзининг пулига ичибди. Зарар кўрса, ўзи кўради», дейишади.

Исломда бундай фалсафа йўқ. Муслмон одам фақат ўзи учун яшамайди. У, ўздан ташқари оиласи, қариндош-уруғи, жамияти, қолаверса, бутун инсоният олдида масъулиятли шахс ҳисобланади. Энг муҳими – Аллоҳнинг олдида масъулиятлидир. Шунинг учун ҳам, у, аввало, ўз жони олдидаги масъулиятни ҳис этиб, ароқ туфайли молу мулкани, соғлиғини ва обрўйини йўқотиш билан ўзини қийнамаслиги керак. Шунингдек, оиласини ҳам қийнашга ҳаққи йўқ. Оилани боқиб, кийинтириб, яхши жой билан таъминлаб, унинг обрўйини ҳимоя қилиш ўрнига, топганини ичиб, етмаса, оиланинг бошқа аъзолари топган унча-мунча маблағни ҳам сарфлаб, уларнинг обрўйини тўкиш катта жиноят ҳисобланади. Шунингдек, қариндош-уруғлар ҳам ундаги ҳақларидан бебахра қолмасликлари керак.

Ароқхўр киши жамият унга яратиб берган имтиёзлардан фойдаланса-ю, ўзи унга хизмат қилиш ўрнига, тирик товон бўлиб, ногиронлик нафақаси сўраб турса, шунда ҳам ароқхўрлик «ўзининг иши» бўладими?!

Ароқхўрнинг Аллоҳ таоло олдидаги масъулияти ҳақида ҳар қанча гапирсак шунча оз. Қисқа қилиб айтганда, ароқхўр умуман Аллоҳни унутган одам бўлади. Бунақа одам ҳақида қандай қилиб, «ичса ўзининг пулига ичибди, зарар кўрса, ўзи кўради», дейилади?!

Булар оддий фуқаронинг ароқхўрлиги ҳақидаги гаплар. Энди агар ароқхўр масъул одам, вазифадор ёки ҳоким бўлса, нима бўлади? Ароқни ўз пулига эмас, халқ пулига ичса, порага олган пулига ичса, ҳаромдан топган, бировнинг ҳақидан юлиб қолган маблағига ичса-чи? Унда жиноят бир неча чандон кучаяди ва зарарлар ҳам шунчалик кўпаяди. Табиийки, Аллоҳнинг олдидаги гуноҳлар ҳам шунга яраша бўлади.

Ушбу икки оят Қуръони Каримдаги ҳамр ҳақидаги сўнгги оятлардир. Бу ерда унинг батамом ҳаром эканлиги баён қилинган.

Хамр ҳақидаги оятлар тўрт марта, босқичма-босқич бўлиб тушган. Биринчи бор «Наҳл» сурасидаги олтинчи-еттинчи оятда нозил бўлган. Бу оятда, хурмо ва узум меваларидан яхши ризқ ва маст қилувчи нарса олинishi айтилгандир. Бунда маст қилувчи нарса, яъни, хамр яхши ризққа қарши қўйилган, унинг ёмон нарса эканига ишора этилган. Тушунадиган одамлар буни дарров тушуниб олганлар.

Хамр ҳақидаги иккинчи оят «Бақара» сурасидаги икки юз ўн тўққизинчи оят бўлиб, унда одамлар хамр ва қимор ҳақида сўрашлари ва уларда ҳам фойда, ҳам зарар борлиги, зарарлари фойдасидан кўплиги, уларда катта гуноҳ борлиги айтилади.

Учинчи босқичдаги оят эса, «Нисо» сурасидаги қирқ учинчи оятдир. У оятда мусулмонларга маст ҳолда намоз ўқимасликка амр қилинади.

Ва ниҳоят, «Моида» сурасидаги ушбу оятлар нозил бўлиб, хамрнинг мутлақо ҳаром эканлиги ҳукми собит бўлди.

Бундай аста-секин сувратда хамрни ҳаром қилиш услуби энг манфаатли экани тажрибада исботлангандир.

Маълумки, Исломдан олдин ароқхўрлик жуда кенг ёйилган эди. Кишилар ароқхўрлик билан фахрланишар, бу борада мусобақа қилиб бир-бирларидан ўтишга ҳаракат этишарди. Хамр шоирларнинг шеърида, муғаннийларнинг қўшиқларида бош ўринда турарди. Кишилар ароқсиз ҳаётни тасаввур ҳам қила олмас эди. Албатта, бу жамиятни ароқхўрлик иллатидан тозалаш осонмасди. Шуларни эътиборга олиб, бу муаммони муолажа қилишда Қуръони Карим аста-секинлик билан, даражама-даража ҳаракат йўлини тутган. Хамр ҳақидаги илк оятлар нозил бўлгандаёқ уларнинг вақтинчалик эканини, кейинроқ ниҳойи ҳукм тушиши муқаррарлигини кишилар сезиб туришар эди. Бу ҳақда баъзи ибратли ривоятлар ҳам келган.

«Наҳл» сурасидиги биринчи оят нозил бўлгандан кейин бўлса керак, ишончли ҳадис китобларида ривоят қилинишича, Ҳазрати Умар ибн Хаттоб: «Эй Парвардигор! Бизга хамр тўғрисида шифо бўладиган баён бергин!» – деган эканлар. Вақти келиб, «Бақара» сурасидаги «Сендан хамр ва қимор ҳақида сўрайдилар. Уларда катта гуноҳ ва одамлар учун манфаатлар бор. Гуноҳлари манфаатдан кўра каттароқдир», деган оят нозил бўлди. Умар розияллоҳу анҳуни чақириб, у кишига бу оят тиловат қилиб берилди. У киши яна: «Эй Парвардигор! Бизга хамр тўғрисида шифо бўладиган баён бергин!» – дедилар. Сўнгра, вақти келиб, «Нисо» сурасидаги: «Эй иймон келтирганлар! Маст ҳолингизда намозга яқинлашманглар», деган оят нозил бўлди. Ҳазрати Умар чақирилиб, бу ояти карима ҳам у кишига тиловат қилиб берилди. У киши яна: «Эй Парвардигор! Бизга



хамр тўғрисида шифо бўладиган баён бергин!» — дедилар. Ва ниҳоят, «Моида» сурасидаги: «Албатта, шайтон ароқ ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришликни солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлайди. Энди тўхтар-сизлар?!» ояти нозил бўлди. Яна ҳазрати Умар чақирилиб, бу оятни ҳам тиловат қилиб беришди. Шунда у киши: «Тўхтадик!!! Тўхтадик!!!» — деб қичқирдилар.

Бу оятлар Уҳуд урушидан кейин, учинчи ҳижрий санада нозил бўлган. Демак, Қуръон нозил бўла бошлагандан ўн олти йил ўтгандан сўнг тушган. Биринчи сабаби — одамлар берилиб кетган иллатни аста-секинлик билан даволаш экани гапириб ўтилди. Аммо энг муҳим сабаб, ҳақиқий омил ҳақида энди гаплашамиз.

Қуръони Карим оятлари Маккаи Мукаррамада ўн уч йил нозил бўлиб турди. Агар ўша даврда нозил бўлган оятларга назар солинадиган бўлса, ҳаммаси ақийда масаласига, кишилар қалбида «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни ўрнатишга қаратилгандир.

Узоқ муддат ҳидоятсиз юрган, ширк ва куфр моғори босган қалбларни тозалаш-поклаш ва ягона Аллоҳнинг борлиги, бирлиги, холиқлиги, розиқлиги, ҳокимлиги, илоҳу маъбудлиги, бутун оламнинг тарбиячиси, қиёмат кунининг молики эканлиги ва бошқа сифатларини яхшилиб тушунтириб, кишиларнинг ягона ақийдасига айлантиришга ҳаракат бўлди. Шу билан бирга, «Ла илаҳа иллаллоҳ» ахлоқиётлари, яъни, шу калимаи тоййибага иймон келтирган кишининг ахлоқлари қандай бўлиши кераклиги ҳақида йўл-йўриқлар бўлди. Иймон келтириб мусулмон бўлган кишиларнинг қалби покланиб, «Ла илаҳа иллаллоҳ»дан бошқа ақийда сиғмайдиган бўлди. Бу қалбларга ягона Аллоҳнинг муҳаббатидан ўзга ҳеч қандай муҳаббат йўл топа олмайдиган бўлди. Борлиқда Аллоҳ таолодан ўзга ибодатга сазовор зот йўқлигини кишилар тушуниб етдилар. Яъни, бу дунёда унга одамлар банд бўлишига ҳақдор зот, инсонлар унинг айтганларини қилиб яшашига ҳақли зот, розилигини олишга ҳаракат қилиш керак бўлган зот ягона Аллоҳ таолонинг Ўзи эканлиги уларнинг мустаҳкам ақийдасига айланди. Мусулмонлар бу дунёда нима ҳалол, нима ҳаром эканлигини тайин қиладиган зот битта — Аллоҳ эканини тушуниб етдилар. Улар ўз ҳаётларининг барча соҳаларида фақат Ислом кўрсатмалари асосида яшашлари лозимлигини тушуниб етдилар. Уларнинг иймон-этиқодлари қувватланди. Аллоҳдан келган ҳар бир амрни катта қувонч билан, шавқу завқ билан кутиб оладиган ва ўша амрга амал қилишда бир-бирлари билан мусобақаланишга шошиладиган ҳолга келдилар. Исломдан олдинги ҳаётлари тўла залолатда бўлганини, ўзлари буту санамларга сиғиниб юрганларини, ўзларига ўхшаш одамлардан

қўрқиб, уларнинг иродаларига итоат этиб юрганларини, ҳамма эътиқодлари, тасаввурлари нотўғри эканини англаб етдилар. Жоҳилият зулматларидан Ислом нурига чиққанларидан ниҳоятда севиндилар. Уларга бу улкан неъматни берган Аллоҳнинг амрига итоат этишни ўзларига шараф деб биладиган бўлдилар. Мана шундай ҳолат ўзгаришларидан кейингина амалий ҳукмларга оид оятлар туша бошлади ва мусулмонлар уларни мисли кўрилмаган аниқлик билан ҳаётга татбиқ этишга киришдилар.

Хамрнинг ҳаромлигини баён қилувчи ушбу оят нозил бўлганда, кишилар хамр сақлайдиган идишларини кўчага олиб чиқиб ерга урганлар. Мадийнаи Мунаввара кўчаларида ароқ оққан. Одамларга ушбу оят тушганлиги хабари етганда ичишга шайланиб турган хамрларини қайтарганлар, ичиб қўйганларини қусиб ташлаганлар. Шу билан бу иллатдан жамият тамоман қутулган.

Бунга ўхшаш иллатларнинг муолажаси фақат чуқур иймон ва эътиқод асосида бўлмаса, муваффақиятсизликка учраши турган гап. Кўплаб тажрибалар шунга далилдир. Ҳозирда хамрнинг инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган хатар эканини каттаю кичик, эркагу аёл, ҳокиму маҳкум — ҳамма илмий асосда тушуниб етди. Аммо айнан шу иллат кундан-кунга авж олиб кетмоқда. Хамрнинг турли янги навлари пайдо бўлмоқда. Унга қарши ҳукуматларнинг кўраётган чоралари ҳеч фойда бермаяпти. Ҳукуматлар ўлим жазосини чиқарса ҳам, хамрга қизиқувчилар кўпайиб бормоқда. Чунки, муолажанинг асоси нотўғри. Иймонга, Аллоҳга тақво қилишга, Унинг амрига бўйсунушга суюнмайди. Аллоҳдан қўрқмаган ароқхўрга ўзидан ҳам баттар ароқхўр бир ҳокимнинг чиқарган қарори қандай таъсир қилиши мумкин? Фақат Исломгина бу ва бунга ўхшаш иллатларни муолажа қила олади. Чунки, Исломнинг қоидаси бўйича, одамлар одамларга итоат қилмайди. Балки:

وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأَحْذَرُوا فَإِن تَوَلَّيْتُمْ فَأَعْلَمُوا أَنَّمَا عَلَى رَسُولِنَا الْبَلْغُ الْمُبِينُ

**92. Аллоҳга итоат қилинг ва Пайғамбарга итоат қилинг ва ҳазир бўлинг! Агар юз ўгирадиган бўлсангиз, билингки, Пайғамбаримиз вазифаси аниқ етказиш, холос.**

Мусулмон киши тушуниб, ўзига яхшилаб сингдириб олиши лозим бўлган қоидадир бу. Ҳар бир ишда фақат Аллоҳга ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилмоқ керак. Шунда одам икки дунё саодатига эришади. Бу итоатдан фақат банданинг ўзигина фойда топади. Пайғамбарнинг вазифаси — Аллоҳдан келган нарсани очиқ

баён қилиб бериш, холос. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу вазифани мукамал адо этдилар. Энди умматлар қиёматгача итоатда бўлишлари керак.

Хамрнинг ҳаромлиги ҳақидаги охирги оят тушгач, унинг ҳукми ҳаммага аён бўлди. Шунда баъзи шак-шубҳа қўзиб юрадиган одамлар: «Хамр ҳаром бўлса, тириклар-ку тавба қилиб қутулишиб оладилар, аммо хамр ичиб юриб ўлиб кетганлар, қорнида хамр билан вафот этганларнинг ҳоли нима бўлади?» — деган гап тарқатишди. Бу висир-висирлар баъзи ихлосли кишиларга ҳам таъсир қилди. Жамиятда бу гап катталашиб кета бошлади. Шунда Аллоҳ таоло бу саволга жавоб тариқасида ушбу оятни туширди:

لَيْسَ عَلَى الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جُنَاحٌ فِيمَا طَعِمُوا إِذَا مَا اتَّقَوْا وَءَامَنُوا  
وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ ثُمَّ اتَّقَوْا وَءَامَنُوا ثُمَّ اتَّقَوْا وَءَامَنُوا وَأَحْسَنُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

**93. Иймон келтирганлар учун, агар тақво қилиб, иймон келтириб, яхши амалларни қилган бўлсалар, сўнгра тақво қилиб, иймон келтирсалар, кейин тақво қилиб эҳсон қилсалар, еб-ичганларида гуноҳ йўқдир. Зотан, Аллоҳ эҳсон қилувчиларни севадир.**

Ушбу жавобдан Аллоҳнинг ҳукми келмасдан аввал қилинган ишларда жавобгарлик йўқ эканини тушунамиз. Яъни, хамрнинг ҳаромлигини эълон қилувчи оят ҳижратнинг учинчи йилида нозил бўлган бўлса, унгача Исломда хамр ҳаром бўлмаган. Ўша лаҳзагача уни ичган одам ҳаром нарсани ичган бўлмайди. Бу хусусда ҳисоб-китоб ҳам қилинмайди. Унга гуноҳ ҳам бўлмайди. Ўлиб кетган бўлса, сўроқ-савол ҳам қилинмайди.

Шу билан бирга, ояти каримада бундай ишларда иймон ва тақво асосий аҳамият касб этишига алоҳида эътибор бериляпти. Диққат билан қаралса, қисқа бир оятда «иймон» ва «тақво» сўзлари уч мартадан такрорланяпти.

Авалло, бу ҳукм «иймон келтирганлар учун»лиги айтилмоқда. Албатта, емак-ичмагининг ҳалол бўлишини фақат иймонлилар — мусулмонлар суриштирадилар. Улардан бошқаларга нима еб-ичаётганларининг фарқи йўқ. Ҳалолми-ҳаромми, суриштириб ўтирмайдилар. Энг муҳими, есалар-ичсалар бўлди. Бу масалада улар чорва ҳайвонлари кабидирларки, буни ўзлари ҳам яхши билишади.

Кейин:

**«агар тақво қилиб, иймон келтириб, яхши амалларни қилган бўлсалар», дейилмоқда.**

Яъни, ҳам иймон, ҳам яхши амал, ҳам тақводорлик зарур, буларсиз бўлмайди. Оғзида иймон даъво қилса-ю, тақвоси бўлмаса, иймони йўқ ёки заиф бўлади. Шунингдек, яхши амаллар қилиб юрганини ёки энди қилмоқчи эканини даъво қилса-ю, тақвоси бўлмаса, бу ҳам ўрнига ўтмайди. Бундай амалларни яхши деб бўлмайди.

Оятда бундан кейин:

**«сўнгра тақво қилиб иймон келтирсалар»**, дейилмоқда.

Аввалги жумлада иймон билан яхши амалларни қўшиб олиб бориш учун тақво зарурлиги ишоратан билдирилган бўлса, бу ерда иймоннинг алоҳида ўзига ҳам тақво зарурлиги таъкидланмоқда.

**«кейин тақво қилиб эҳсон қилсалар»**, жумласи билан эса, яхши амалларнинг ўзига ҳам тақво зарурлиги таъкидланмоқда. Бу нарса ўз навбатида, шуни кўрсатадики, тақво, яъни, Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиш нақадар аҳамиятли иш экан. Албатта, тақво — киши қалбига ўрнашган малакадир, соҳибини яхшиликка йўллаб, ёмонликдан қайтариб турувчи, доимо Аллоҳдан қўрқитиб турувчи ҳолатдир.

Ароқнинг ҳаромлиги ҳақидаги оят нозил бўлишидан олдин ароқ ичиб юрган бўлса ҳам, иймони, яхши амали тақво асосида бўлган шахсларга еган-ичганида гуноҳ йўқ. Чунки, у пайтда ароқ ҳаром қилинмаган эди. Аммо «менинг иймоним қалбимда, тақвом қалбимда, эътиқод масаласи шахсий иш», деб ароқни ичаётганлар, уни ҳалол десалар, кофир; ҳаром деб туриб ичсалар, осий бўладилар.

Келаси оятларда яна бошқа турдаги ҳалол ва ҳаром ҳақида сўз кетади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّبِعُوا نِعْمَتَ اللَّهِ إِنِّي لَمَنْ أَلَيْسَ اللَّهُ بِذِي فَضْلٍ عَلَىَّ  
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّبِعُوا نِعْمَتَ اللَّهِ إِنِّي لَمَنْ أَلَيْسَ اللَّهُ بِذِي فَضْلٍ عَلَىَّ  
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّبِعُوا نِعْمَتَ اللَّهِ إِنِّي لَمَنْ أَلَيْسَ اللَّهُ بِذِي فَضْلٍ عَلَىَّ  
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّبِعُوا نِعْمَتَ اللَّهِ إِنِّي لَمَنْ أَلَيْسَ اللَّهُ بِذِي فَضْلٍ عَلَىَّ

**94. Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ Ундан ким ғойибона қўрқилишини билиш учун сизларни қўлларингиз ва найзаларингиз етадиган овларда бир оз синаб кўрадир. Бундан кейин ким тажовуз қилса, унга аламли азоб бор.**

Аллоҳ таоло мусулмонларга яна улар ёқтирадиган нидо ила,

**«Эй, иймон келтирганлар!»**, деб мурожаат этмоқда. Келажакда ов ҳақида ҳукм тушириб, уларни синовдан ўтказишининг хабарини бермоқда.

Бу синов бандаларнинг ўзи учундир. Аллоҳ таоло уларни синовсиз ҳам жуда яхши билади. Аммо бунга ўхшаш, Аллоҳ томонидан

бўладиган синовлар бандаларнинг ўзларини ўзларига ва бир-бирларига ким эканликларини кўрсатиб беради. Синовсиз бўлса эди, кўплар ўзини зўр фаҳмлаб, иймон, Ислому ва тақводирлик даъвосини қилиб юраверар эди.

Оятда:

**«Аллоҳ Ундан ким ғойибона қўрқшини билиш учун»,** ҳам дейилмоқда.

Қуръони Каримнинг истилоҳи шу. Аслида, «билиш учун» эмас, «билдириш учун» бўлади. Шу билан бирга, иймон келтирганларни синаш қўллари ва найзалари етадиган овлар орқали бўлиши айтилмоқда.

**«...сизларни қўлларингиз ва найзаларингиз етадиган овларда бир оз синаб кўради».**

Яъни, овлар олдларида бўлади, қўлларини ёки найзаларини узатсалар, етади. Синовдан кўзланган мақсад, Аллоҳдан ким ғойибона қўрқшини билиш. Ислому ақийдасининг асоси Аллоҳдан ғойибона қўрққишга асосланган. Мусулмонлар Аллоҳни кўрмасдан туриб, унга ғойибона иймон келтирадилар. Улар Аллоҳга муҳаббат билан бир қаторда ундан қўрқшини ҳам қалбларига жойлайдилар. Аллоҳдан ғойибона қўрққадилар. Шунинг учун, фақат яхшиликлар қиладилар, ёмонликлардан қайтадилар. Мана шундай ғойибона қўрққиш кимда қай даражада эканлигини билдириш учун амрлар, наҳийлар, ибодатлар ва бошқа топшириқлар келади. Уларни кўнгилдагидек бажарганларга мукофотлар бор. Аммо:

**«Бундан кейин ким тажовуз қилса, унга аламли азоб бор».**

Кейинги оятда ўша — «овда синаб кўриш» қандай иш эканлиги баён қилинади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقْتُلُوا الصَّيْدَ وَأَنْتُمْ حُرْمٌ وَمَنْ قَتَلَهُ مِنْكُمْ مُتَعَمِّدًا فَجَزَاءٌ مِّثْلُ مَا قَتَلَ مِنَ النَّعْمِ يَحْكُمُ بِهِ ذَوَا عَدْلٍ مِّنْكُمْ هَدْيًا بَالِغَ الْكَعْبَةِ أَوْ كَفَّرَهُ طَعَامًا مُّسَكِّينًا أَوْ عَدْلٌ ذَٰلِكَ صِيَامًا لِّيَذُوقَ وَبَالَ أَمْرِهِ عَفَا اللَّهُ عَمَّا سَلَفَ وَمَنْ عَادَ فَيَنْقِمِ اللَّهُ مِنْهُ وَاللَّهُ عَزِيزٌ ذُو انْتِقَامٍ

95. Эй, иймон келтирганлар! Эҳромдалиқ ҳолингизда овни ўлдирманг. Сиздан ким уни қасддан ўлдирса, жазоси сиздан икки одил киши ҳукмига мувофиқ чорва ҳайвонларидан у(ов)га тенг келадиганини ҳадйи қилиб Каъбага етказишдир. Ёхуд унинг каф-

**форати мискинларга таом бериш ёки шу баробарида, ўз қилмишининг ёмон оқибатини татиб кўрсин учун, рўза тутишдир. Ўтганларини Аллоҳ афв қилди. Ким қайтарса, Аллоҳ ундан интиқом олур. Зотан, Аллоҳ азиз, интиқом эгасидир.**

Демак, «овда синаб кўриш» деганда, мусулмон кишига эҳромдалиқ ҳолида ов қилиш ҳаром эканлиги тушунилади. Яъни, ҳаж ёки умра ниятида эҳром боғлаган мусулмон одамга оддий ҳолатда қилиши мумкин бўлган бир қанча ишлар ҳаром бўлиб қолади. Жумладан, қуруқлик ҳайвонларини овлаш ҳам ҳаром бўлади. Бу оятда Аллоҳ:

**«Эй, иймон келтирганлар! Эҳромдалиқ ҳолингизда овни ўлдирманг»,** демоқда.

Бу бир синовдир. Зотан, ҳаж ва умра ибодати мусулмон киши учун кўп томонлама синов саналади. Жумладан, унинг молу мулк сарфлашга тайёрами-йўқми экани, жисмоний қийинчиликларга дош бера оладими, ўзини шаҳватдан, турли фаҳш гап-сўзлардан тийишга қурби етадими-йўқми – синалади. Шунингдек, кўнгли тусаган ҳайвонини овлаб юрган одамнинг иродаси овни таъқиқлаш билан синалади.

Ушбу оятлар Ҳудайбия ҳодисаси чоғи нозил бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ саҳобалар эҳром боғлаб, умра ниятида чиққан эдилар. Ушбу оят нозил бўлди. Овбоп ҳайвонлар кўз ўнглирида айланиб юрди. Мазкур ҳайвонлар уларнинг юклари ичига кириб, туриб ҳам қолди. Аммо ҳеч ким уларга қўл узатмади. Яҳудийларга ўхшаб, ҳийла ҳам қилмадилар. Маълумки, шанба куни ов қилиш яҳудийларга ман бўлганда, улар алоҳида ҳовуз кавлаб олиб, балиқларни у ерга киритиб, эртасига овлар эдилар. Мусулмонлар тўғри турдилар, синовдан яхши ва муваффақиятли ўтдилар.

Бу ҳукм, айни чоқда, табиатни муҳофаза қилишнинг исломий кўриниши ҳамдир. Маълум жойларда ва маълум вақтда ов овлашни таъқиқлашни Исломининг тўрт юз йил аввал йўлга қўйган. Табиатни муҳофаза қилишни ибодат даражасига кўтарган. Ҳайвонларни тартибсиз овлаш, ўсимлик дунёсини бешафқат йўқ қилиш ишларига ўша вақтлардаёқ чек қўйган.

Эҳромдаги одамларга нафақат ов овлаш, балки уларни чўчитиш, кўрсатиб бериш ҳам ҳаром ҳисобланади. Бу чеклашларга тажовуз қилганларга Аллоҳ томонидан аламли азоблар бўлиши эълон қилинган, шунингдек, ўша вақтнинг ўзида, яъни, жиноят содир бўлган пайтда ҳам маълум жазолар белгиланган.

**«Сиздан ким уни қасддан ўлдирса, жазоси сиздан икки одил киши ҳукмига мувофиқ чорва ҳайвонларидан у(ов)га тенг келадиганини ҳадйи қилиб Каъбага етказишдир».**



Эҳромдалик ҳолда ов қилиш мумкин эмаслиги билинди. Шундан кейин ҳам кимдир бу жиноятни содир қилса, яъни, эҳромдалик ҳолида ов ҳайвонини қасддан ўлдириб қўйса, қуйидагича жазони ўтайди. Аввало, унинг қандай жазо ўташини аниқлаш учун икки одил мусулмон киши ҳакам этиб тайинланадилар. Сўнгра, улар жиноятчининг шахси, содир этилган жиноят ва унинг ҳажмини ўрганиб, ҳукм чиқарадилар. Аммо у ҳукм ушбу оят доирасида бўлиши лозим. Аввало, ўлдирилган ов ҳайвонига тенг келадиган уй ҳайвонини ҳадйи – аталган қурбонлик қилиб, Каъбага, яъни, Ҳарам Шариф ҳудудига олиб бориб сўйишга ҳукм қилинади. Сўнг, ўша ердаги мискинларга гўшти тарқатилади. Ҳакамлар овда ўлдирилган ҳайвон уй ҳайвонларидан қайси турига тўғри келишини аниқлайдилар. Мисол учун, саҳобаи киромлар, туяқушга сигир ёки туя, ёввойи молга сигир, кийикка қўй, кабутарга ҳам қўй тенг келади, деб ҳукм қилишган.

**«Ёхуд унинг каффорати, мискинларга таом бериш ёки шу баробарида ўз қилмишининг ёмон оқибатини татиб кўриш учун рўза тутишдир».**

Агар икки ҳакам вазиятни ўрганиб чиқиб, уй ҳайвонларидан қурбонлик қилгандан кўра, мискинларга таом бергани маъқул, деган қарорга келсалар, ўлдирилган ҳайвон баҳосини аниқлаб, ўша миқдорда мискинларга таом бериш ҳақида ҳукм чиқарадилар.

Аммо айбдор камбағал бўлса, иқтисодий ҳолати ночорлигига ҳакамлар ишонч ҳосил қилсалар, унинг жазоси – таомни неча кишига бериш мўлжалда бўлса, шунча кун рўза тутиб беради. Яъни, ўлдирилган ов ҳайвонининг қиймати нечта одамга бир кунлик ўртача тўйишга етса, ўшанча кун рўза тутиб беради. Бу эса,

**«ўз қилмишининг оқибатини татиб кўриш учун»дир.**

Ғуноҳни қилдими, унинг оқибатини татиб кўрсин. Бу унга иқоб ва ибрат бўлиб, ғуноҳга қайта қўл урмайдиган бўлади.

**«Ўтганларини Аллоҳ авф қилди. Ким қайтарса, Аллоҳ ундан интиқом олур. Зотан, Аллоҳ азиз, интиқом эгасидир».**

Қаранг, ёввойи ҳайвонларни ноўрин овлаганлардан Аллоҳ таолонинг Ўзи интиқом олишни ваъда қилмоқда. Табиатни асрашга бундан ортиқ эътибор бўладими?!

أَجَلٌ لَكُمْ صَيْدُ الْبَحْرِ وَطَعَامُهُ مَتَاعًا لَكُمْ وَلِلسَّيَّارَةِ وَحَرِّمَ عَلَيْكُمْ صَيْدُ الْبَرِّ مَا  
 دُمْتُمْ حُرْمًا وَأَتَقُوا اللَّهَ الَّذِي إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿١٦﴾

**96. Денгиз ови ва унинг таоми сизга ва сайр қилувчиларга ҳалол қилинди. Модомики, эҳромда экансиз, сизга қуруқлик ови ҳаром қилинди. Ҳузурида тўпланадиганингиз Аллоҳга тақво қилинг.**

Эҳромдаги инсон сув ҳайвонларини ов қилса ёки унинг таомидан истеъмол қилса, жоиз. Лекин:

**«Модомики, эҳромда экансиз, сизга қуруқлик ови ҳаром қилинди».**

Аллоҳнинг амрига итоат қилмоғингиз зарур. Бу иш тақво билан бўлади. Бас. шундоқ экан, қиёмат куни:

**«ҳузурида тўпланадиганингиз Аллоҳга тақво қилинг».**

Мазкур ҳукм, яъни, овнинг ёки бошқа яна баъзи бир ишларнинг ҳаром қилиниши фақат ҳаж ва умра замонигагина тааллуқли эмас. Балки баъзи маконларда доимий равишда жорий этилгандир. Шунингдек, айрим ойлар ҳам ҳаром қилингандир.

﴿ جَعَلَ اللَّهُ الْكَعْبَةَ الْبَيْتَ الْحَرَامَ قِيَمًا لِلنَّاسِ وَالشَّهْرَ الْحَرَامَ وَالْهَدْيَ وَالْقَلْبَدِ  
ذَلِكَ لَتَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَأَنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴾

**97. Аллоҳ Каъбани – Байтул Ҳаромни, ҳаром ойни, ҳадйини ва осиладиган белгиларни одамлар учун асос қилиб қўйди. Бу эса, Аллоҳ албатта осмонлару ердаги нарсаларни билишини ва албатта Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи Зот эканини билишингиз учундир.**

Каъбаи Муаззаманинг турли номлари бор. Жумладан, уни Байтул Ҳаром ҳам дейилади. Яъни, у ерда ҳар хил ёмонликлар, қон тўкишлар, уруш қилиш, ов овлаш, майсаларни юлиш, дарахтларни синдириш-кесиш каби ишлар ҳаром қилингандир. Бу ўринда фақат Каъбаи Муаззама биноти ёки Каъба атрофидаги Масжидул Ҳаромгина кўзда тутилмайди. Балки Маккаи Мукаррама атрофидаги белгиланган муайян минтақа ҳам назарда тутилади. Ҳозирги кунда ўша чегарадан мусулмон бўлмаганлар кирмаслиги ёзиб қўйилган ва тафтиш ҳам бор. Ўша минтақа ҳарам дейилади ва у ерда айрим ишлар ҳаром ҳисобланади.

Имом Бухорий ва имом Муслим ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккаи Мукаррама фатҳи куни: «Албатта, бу юрт ҳаромдир: дарахти кесилмайди, ўсимликлари юлинмайди, ови чўчитилмайди ва тушиб қолган нарсалар олинмайди. Магар тушган

нарса эканини билдириш учун олса бўлади», деганлар. Бу ҳудудда ҳаром бўлган қолган амаллар бошқа оят ва ҳадисларда баён этилган. Шунингдек, баъзи бир зарарли ҳайвонларни истисно тариқасида ўлдиришга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари изн берганлар.

Имом Бухорий ва имом Муслим Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам беш фосиқ ҳайвонни ҳалолда ҳам, ҳарамда ҳам ўлдиришга амр қилдилар. Улар: қарға, калхат, чаён, сичқон ва қутурган итлардир», дейилган.

Яна маълумот тариқасида айтиб ўтиш керакки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳижрат қилган шаҳар Мадийнаи Мунавварани ҳарам қилганлар.

Имом Бухорий ва имом Муслим Ибод ибн Тамийм розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иброҳим Маккани ҳарам қилди ва унинг ҳақида дуо қилди. Иброҳим Маккани ҳарам қилганидек, мен Мадийнани ҳарам қиламан», деганлар.

Икки ҳарамдаги ҳукмлар ҳам бир хил. Аллоҳ таоло бу маконни, хусусан, Маккаи Мукаррама ҳарамини Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломлар давридан буён омонлик минтақаси қилиб қўйди. Бу муқаддас маконда жамийки жонзот ва наботот тинчлик-омонликда. Атрофдаги халқларга қирғин-барот келса ҳам, ҳарам аҳолиси, гарчи ўзлари мушрик бўлсалар-да, тинчлик-омонликда бўлиб келди. Уларга биров қўл кўтармади. Абраҳа ал-Ашрамга ўхшаш бу жойга кўз олайтирганлар эса, бало-офатларга учради. Аллоҳ бу жойдан кишиларга доимо яхшилик келадиган қилиб қўйди. Охири, мазкур яхшиликларнинг тожи ўлароқ шу шаҳарда Ўзининг сўнгги ва энг маҳбуб Пайғамбарининг дунёга келишини, унга шу ерда охирги илоҳий китоб нозил бўлишини, сўнгги ва мукаммал дини жорий бўлишини ирода қилди. Ояти каримадаги:

**«Аллоҳ Каъбани – Байтул Ҳаромни, ҳаром ойни, ҳадийни ва осиладиган белгиларни одамлар учун асос қилиб қўйди»** жумласи шунга ишорат бўлса керак.

Уламоларимиз, ояти кариманинг ушбу жумласини, динга ва ҳаж ибодатларига асос қилиб қўйди, деган маънода таъвийл қилдилар. Ҳақиқатан ҳам Исломи дини асослари, ҳаж ибодати Маккаи Мукаррамага, ҳарамга, Каъбага чамбарчас боғлиқдир.

Ҳаром ойни асос қилиб қўйишига келсак, буни уруш ҳаром қилинган ойлар – Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойларини яхшилик асоси қилиб қўйилиши деб тушуниш керак. Бу ойларда жоҳилият вақтида ҳам урушлар таққа-тақ тўхтаган. Арзима-

ган нарса учун ўн йиллаб уруш қиладиган баджаҳл араб қабилалари ҳам бу ойлар кириши билан ўзларини тия олар эдилар. Ўфил отасининг қотилини кўриб қолса ҳам, унга бу ойларда бир оғиз сўз айтмас эди.

Бир йилда тўрт ойни урушсиз ой деб эълон қилиш, бутун дунё тинчлигини кўзлаб қўйилган ажойиб асос эди. Ҳарамайни шарифайни макон жиҳатидан тинчлик-омонлик минтақаси бўлса, уруш ҳаром қилинган тўрт ой замон жиҳатидан тинчлик-омонлик минтақаси эди. Инсониятнинг бугунги авлоди эса, Исломдан бир минг тўрт юз йил кейин, «ядро қуролисиз минтақа, тинчлик ҳафтаси», деган гапларни айтиб, худди катта бир иш қилгандек фахрланиб юрибди.

«Ҳадйи» — ҳожи ёки умрачи Ҳарами Шариф ҳудудига қурбонлик учун сўйишни ният қилиб олиб келадиган ҳайвондир. Биз «белгилар» деб таржима қилган сўз арабчада «қалойид» дейилади. Бу — қурбонликка аталган, Ҳарами Шарифга олиб кетилаётган ҳайвонларга осиб қўйиладиган белгилардир. Ўша замонларда хурмонинг пўстлоғидан ёки шунга ўхшаш нарсалардан қурбонликка олиб кетилаётган ҳайвонларнинг бўйнига белги осиб қўйилар экан. Уларни кўрган одамлар у ҳайвонларнинг қурбонликка аталганлигини билиб, уларга тегмас эканлар. Баъзан ҳайвон адашиб қолиб, қанча юрса ҳам, юраверар экан. Ҳатто ўша ҳайвонларни олиб кетаётган инсонга ҳам ҳурмат кўргазар, унга ёмонлик қилмас эканлар. Шунинг учун ҳам, ояти каримада ҳадйи ва белгиларнинг ҳам асос қилинганлиги айтилмоқда.

Мазкур нарсаларнинг ҳаммаси тинчлик-омонлик ва яхшилик асосларидир. Инсоният бунақа тадбирларга доимо муҳтождир. Бундай ишлар инсонни синовлардан яхши ўтишга, ўзини турли ноқулай туйғулардан маълум макон ёки замонда тийиб оладиган қилишга ўргатади. Омонлик-тинчлик ва яхшиликни ўзига одат қилиб олишга ўргатади.

**«Бу эса, Аллоҳ, албатта, осмонлару ердаги нарсаларни билишини ва Аллоҳ, албатта, ҳар бир нарсани билувчи Зот эканини билишингиз учундир».**

Ана шу билиши юзасидан У зот шариат ҳукмларини жорий этади. Жумладан, ушбу оятда зикр қилинган ҳукмларни ҳам.

اعلموا ان الله شديد العقاب وان الله غفور رحيم

**98. Билинги, албатта, Аллоҳнинг иқоби шиддатлидир ва, албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Ҳалол-ҳаром ҳақидаги оятлардан сўнг бу оятнинг келиши юқоридаги амрларга бўйсунмиш лозимлиги, бўйсунмаганлар шиддатли иқобга учрашини англатади, тавба қилиб ўзини ўнглаганларнинг гуноҳини Аллоҳ таоло кечириб, уларга раҳим-шафқат кўрсатишини билдиради.

﴿مَّا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَاغُ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَبْدُونَ وَمَا تَكْتُمُونَ﴾

**99. Пайғамбар зиммасида фақат етказиш бор, холос. Аллоҳ ошкор қилганингизни ҳам, яширганингизни ҳам биладир.**

Пайғамбар ўз вазифасини қойилмақом қилиб адо этди. Энди умматлар қиёматгача у етказган нарсага амал қилиб яшамоқлари лозим. Ошкораю махфийни билиб турган Аллоҳ ҳар кимни қилганига қараб мукофотлайди ёки жазолайди.

Кейинги оятда нарсалар қийматини солиштириш асоси баён қилинади:

﴿قُلْ لَا يَسْتَوِي الْخَبِيثُ وَالطَّيِّبُ وَلَوْ أَعْجَبَكَ كَثْرَةُ الْخَبِيثِ فَاتَّقُوا اللَّهَ يَأْتِ الْإِلَهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

**100. Сен: «Агар нопокнинг кўплиги сени ажаблантирса ҳам, пок билан нопок тенг бўла олмас. Эй, ақл эгалари, Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз», деб айт.**

Бу ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитобдир. Унда исломий ўлчовда пок билан нопок тенг бўла олмаслиги баён қилинмоқда. Агар нопок нарса ўзининг кўплиги билан одамни қизиқтирса ҳам, озгина покка тенг кела олмайди. Ҳаром нарсалар кўп ва турли-туман, аммо, Ислом ўлчовида, ҳаром қанчалик кўп бўлмасин, озгина ҳалол билан баробар бўла олмайди. Ҳаромдан тўпланган нопок милён-миллард сўмлар ҳалолдан топилган пок бир сўмга, албатта, тенг эмас. Сонсиз-саноқсиз нопок ишлар, биттагина пок ишга тенг кела олмайди. Ақл-ҳуши жойида бўлганлар шунга қараб иш кўрадилар:

**«Эй, ақл эгалари, Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз».**

Эси-ақли бор одамларгина бунақа гаплардан ибрат олади.

**«Эй, ақл эгалари!»**—деб хитоб қилинаётганининг боиси ҳам шу. Демак, инсоннинг ақли бўлса, нажот топиш умиди-нияти бўлса, Аллоҳга тақво қилиши лозим.

Ислоний жамият аъзоларини тарбиялаб бориб, келаси оятларда ўз бошлиқлари билан, хусусан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан юқори даражада одоб ва ахлоқли муносабатда бўлишлик ҳақида сўз кетади.

Имом Термизий Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Одамлардан қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтуллоҳни ҳаж қилиш фарздир», ояти нозил бўлганда, одамлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, ҳар йилими?» — деб сўрашди. У киши индамадилар. Улар яна:

«Ҳар йилими?» — дейишди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ. Агар, ҳа, десам, фарз бўлиб қолади», — дедилар. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَسْأَلُوا عَنَ أَشْيَاءَ إِن بُدِلَ لَكُمْ تَسْوِكُمْ وَإِن تَسْأَلُوا عَنْهَا حِينَ يُنَزَّلَ الْقُرْءَانُ تُبَدِّلْكُمْ عَفَا اللَّهُ عَنْهَا وَاللَّهُ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿١٠١﴾

**101. Эй, иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар зоҳир бўлса, сизга ёмон бўладир. Агар Қуръон нозил қилиниб турган чоғда сўрасангиз, сизга зоҳир бўладир. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни авф қилган эди. Аллоҳ мағфиратли ва ҳалийм Зотдир.**

Бу ояти кариманинг сабаби нузули ҳақида кўплаб ривоятлар бор. Улардан бирини юқорида зикр қилдик. Аслида, бу оят ўша пайтда кенг ёйилган бир одатни муолажа этиш учун нозил қилингандир.

Эндигина жоҳилият замонидан чиқа бошлаган одамларнинг табиати ҳам ҳар хил бўлган. Улар орасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлар-бўлмас саволлар билан мурожаат қилувчилари ҳам мавжуд экан. Баъзилари ўзини кўрсатиш учун, баъзилари фитна қўзиш учун ва яна бошқалари фаросати етмаганидан ҳам савол беравераркан. Ўша пайтдаги воқеликни тасвирловчи ривоятларда бу ҳол яққол кўзга ташланиб туради.

Имом ибн Жарир Тобарий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар зикр қилинади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғабланиб, юзлари қизариб, минбарга чиқиб ўтирдилар. Шунда бир одам туриб қаршиларига борди-да:

«Менинг жойим қаерда?» — деб сўради.



«Дўзахда!» — дедилар.

Бошқа бири туриб:

«Менинг отам ким?» — деди.

«Отанг Ҳузайфа!» — дедилар.

Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўринларидан туриб:

«Аллоҳни Робб деб, Исломни дин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар ва Қуръонни Имом, деб рози бўлдик. Эй, Аллоҳнинг Расули, албатта, биз жоҳилиятдан ва ширқдан яқиндагина чиққан одамлармиз. Оталаримизнинг кимлигини Аллоҳнинг Ўзи билади», деди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазабдан тушдилар. Кейин:

**«Эй, иймон келтирганлар, ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар»,** ояти нозил бўлди».

Бундан бошқа ривоятлар ҳам бор. Аммо, мазкурлари кифоя қилар, деган фикрдамиз.

Бу оятни ўрганар эканмиз, англаб етамизки, Қуръони Карим ақийда, шариат масалаларини баён қилиш билан бирга, мусулмонларнинг кундалик ҳаётларига аралашиб, уларнинг қўлидан етаклаб, тарбиялаб ҳам борган. Ҳатто савол бериш одобигача ўргатган.

Аслида, сўраб ўрганиш, маърифат ҳосил қилиш яхши нарса. Аммо ҳамма нарсанинг меъёри ва чегараси бўлганидек, саволнинг ҳам чегараси ва услуби бор. Ислом воқелик дини бўлганидан, маърифат учун бериладиган саволлар ҳам воқелиқдан келиб чиқиши, кишиларга манфаат жалб этиши лозим. Инсоннинг илмини оширмайдиган, маърифатига хизмат қилмайдиган, воқелиқда бўлмайдиган икир-чикирларни сўрайверишдан кимга ва нима фойда бор? Айниқса, Қуръон нозил этилиб турган пайтда. Чунки, шариатнинг янгидан-янги ҳукмлари жорий этилиб турган пайтда ҳар хил саволлар берилаверса, қўшимча ҳукмлар тушиб, кўпчиликка жабр бўлиб қолиш эҳтимоли бордир. «Ҳаж ҳар йили фарзми?» — деб қайта-қайта сўраган одамга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар, ҳа, десам, фарз бўлиб қоларди», деб жавоб қилганларидан ҳам шу маъно чиқади. Ўша бир кишининг саволи сабаб бўлиб, ҳаж ибодати ҳар йили фарз бўлиб қолганда, мусулмонларга қанчалик қийин бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бўлар-бўлмас нарсаларни сўрайвериш ҳар хил қийинчилик ва ноқулайликларга сабаб бўлиши мумкинлигидан ҳам уни ман қилинмоқда.

Бошқа ривоятларда зикр қилинишича, юқоридаги ривоятда: «Отам ким?» — деб сўраган одам Абдуллоҳ ибн Ҳузайфа розияллоҳу анҳу бўлган. У киши қадимдан мусулмон эди. Ҳабашистонга ҳижрат

қилган, Бадр ғазотида қатнашган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчилари сифатида у зотнинг мактубларини Форс подшоҳи Кисрога олиб борган эътиборли шахс эди. Аммо у киши дабдурустдан «Отам ким?» – деб ноқулай савол берди. Саволининг ноқулайлигини, айниқса, онасидан дакки эшитганида, яна ҳам яхшироқ ҳис этди. Онаси у кишига: «Сендан кўра оқроқ болани кўрмадим. Онанг жоҳилият аёллари қилган ишларни қилиб қўйган бўлганида, уни одамлар орасида шарманда қилган бўлар эдинг!» – деган экан. Шунда Абдуллоҳ ибн Ҳузайфа: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ мени бир қора қул насабидансан деганларида, шундай бўлар эди», деди. Яъни, Абдуллоҳнинг отаси Ҳузайфа экани маълум ва машҳур бўлишига қарамай, худди онам хиёнат қилиб биров билан зино қилмаганмикан, дегандек шубҳага бориб савол берган.

Шунга ўхшаш ноқулайликлардан мусулмонларни сақлаш мақсадида уларга хитоб қилиниб:

**«Эй, иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар зоҳир бўлса, сизга ёмон бўладир»,** дейилмоқда.

Яъни, сизга керакли қисми айтиб қўйилган, сўраган нарсангиз юзага чиқса, ўзингизга ёмон бўлади. Тоқатингиздан ташқари таклиф бўлиши ёки бошқа бир оғирроқ ҳукм келиши мумкин.

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Албатта, Аллоҳ таоло сизларга фарзларни буюрди, уларни зое қилманг; чегаралар қўйди, ундан тажовуз қилманг; бир қанча нарсаларни ҳаром қилди, уларни поймол қилманг; сизларга раҳим этиб, эсидан чиқиб эмас, бир қанча нарсаларни зикр қилмади, улар ҳақида сўраманг», дейдилар.

Имом Муслим Омир ибн Саъддан, у эса, ўз отасидан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмонларга ҳаром қилинмаган бир нарса ҳақида сўрасаю, унинг саволи сабабидан ўша нарса мусулмонларга ҳаром қилинса, ўша одам мусулмонлар ҳақида энг катта гуноҳ қилган бўлади», дейдилар.

Бу ҳоллар Қуръони Карим тушиб турган пайтда айниқса хавфли бўлиб, ҳар бир лаҳзада янги оят тушиб, қўшимча савол туфайли мусулмонларга таклиф кучайиши эҳтимоли бўлади.

Аввалги авлод мусулмонлари бу ҳақиқатни яхши тушуниб етганларидан, ўзларини эҳтиёт қилишар эди.

Имом Доримий ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда у киши: «Расулуллоҳнинг саҳобаларидан кўра яхшироқ қавмни кўрмадим. Улар у зот вафот этгунларига қадар ўн учта савол сўрашган, холос. Бу саволларнинг ҳаммаси Қуръонда зикр қилинган. «Сендан ҳаром ой ҳақида сўрайдилар»; «Сендан ҳайз

ҳақида сўрайдилар», каби. Улар фақат ўзларига манфаатли нарсаларнигина сўрашар эди», деганлар.

Имом Молик эса: «Мен бу юртнинг (яъни, Мадийнаи Мунавваранинг) китоб ва суннатдан бошқа нарсага амал қилмаслигини кўрдим. Агар бир янги масала пайдо бўлса, амир уламоларни тўпларди. Уламолар нимага иттифоқ қилсалар, амалга оширардилар. Сизлар бўлса, саволларни кўпайтираверасизлар, Расулуллоҳ бу ишни хуш кўрмаганлар», деган эканлар.

Ҳа, афсуски, замонлар келиб мусулмонлар Ислоннинг бошқа таълимотлари қатори бу таълимотини ҳам унутиб, бўлар-бўлмас масалаларни хаёлан тўқиб чиқаришга, уни ҳал қилишга ортиқча вақт, ақл-заковат ва куч-қувват сарфлашга ўтиб кетдилар. Бу ҳақда кўп гаплар бўлиб ўтган. Аммо, ҳаммаси бефойда нарсалар эканлиги одамни афсуслантиради. Баъзи фикҳ китобларида шу қабилдаги масалани ўқисанг, ҳайрон қоласан. Мисол учун, қуйидагича савол берилади: «Ҳомиладор аёлни тўлғоқ тутиб, боланинг боши чиққанда намоз вақти кириб қолса, қандай қилиб намоз ўқийди?» Жавоб тайёр: «Боланинг бошидан каттароқ қилиб ердан чуқур ковлайди. Саждага борганда, ўтирганда, боланинг боши ўша чуқурда тушиб туради, ҳеч қаерга тегмайди. Зарар тортмайди». Лекин «Воқелиқда шу иш бўлиши мумкинми?» – деган фикр хаёлга келмаган.

Бунга ўхшаш саволлар ва уларга жавоб ахтаришлар, жавоб бир хил бўлмай қолса, орада жанжал чиқаришлар керагидан ортиқ кўрилган. Бундай ҳол фақат фикҳда эмас, илми калом, фалсафа ва бошқа соҳаларда ҳам авж олган. Оқибат ҳаммага маълум. Аслида, бу ишлар Ислон руҳига тўғри келмайди. Воқелиқда бўлмаган нарсани савол қилиб сўраш аввалги мусулмонлар одатида йўқ эди.

Имом Доримий ўзларининг «Сунан» китобларида ривоят қилишларича, Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху бўлмаган нарсани сўраган одамни лаънатлар эканлар.

Зухрий розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятга қараганда, улф саҳобалардан Зайд ибн Собит ал-Ансорий розияллоҳу анху бирор иш ҳақида масала сўралса, «Бу содир бўлдимми?» – деб сўрар эканлар. Агар, ҳа содир бўлди, дейилса, у иш ҳақида билганларини айтар эканлар. Агар, ҳали содир бўлгани йўқ, дейилса: «Содир бўлгунча қўйиб турунглар», дер эканлар.

Беҳуда саволларни беравермаслик ҳақида бир қанча ҳадиси шарифлар ҳам бор.

Имом Муслим Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло сизларга оналарга оқ бўлишни, қизларни тириклайиш кўмишни

ва ман қилиб туриб, бер, дейишни ҳаром қилди. У сизларга уч нарсани ёмон кўрди: «қийлу-қолни» («деди-деди»ни), кўп саволни ва молни зое қилишни», дедилар.

Ушбу оятнинг нозил бўлишига бир қанча сабаблар бўлиб, уларнинг ҳар бирида етарлича ваъз-насиҳатлар борлигини аввалда кўрдик. Шунга ҳам қарамасдан, Аллоҳ таоло кўп беўрин савол яхшиликка олиб бормаслигини ўтганларнинг мисолида ҳам ўрнак қилиб кўрсатишни ирода қилди ва қуйидаги оятни туширди:

قَدْ سَأَلَهَا قَوْمٌ مِّن قَبْلِكُمْ ثُمَّ أَصْبَحُوا بِهَا كَافِرِينَ ﴿١٠٢﴾

**102. Сиздан олдин ҳам бир қавм уларни сўраган, сўнгра эса, уларга кофир бўлган эди.**

Бунга энг ёрқин мисол Бани Исроилдир. «Бақара» сураси тафсирида уларнинг қурбонликка амр этилган сигирнинг сифатлари ҳақида бирин-кетин ноўрин саволлар бериб, ўзларига ўзлари қийин қилиб олганлари, кейин кофир бўлганликлари ҳақида батафсил сўз юритилади. Бунга ўхшаш ҳоллар яна келади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга айтмай тек қўйсам, мени ҳам тек қўйинглар. Шубҳасиз, сизлардан олдингиларни ҳалок қилган нарса — саволларнинг кўплиги ва Пайғамбарларига хилофлари бўлган», деганлар.

Бундан аввалги «Эй, иймон келтирганлар, ҳар хил нарсалар ҳақида сўрайверманглар» оятининг нозил бўлишига сабаблардан бири одамларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан баҳийра, соиба, васийла ва ҳоммлар ҳақида саволлари эди. Бу нарсалар ҳақида кейинги оятда маълумот берилади:

مَا جَعَلَ اللَّهُ مِنْ بَحِيرَةٍ وَلَا سَائِبَةٍ وَلَا وَصِيلَةٍ وَلَا حَامٍ وَلَكِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ وَأَكْثُرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٠٣﴾

**103. Аллоҳ баҳийра, соиба, васийла ва ҳоммларни қилгани йўқ. Лекин куфр келтирганлар Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқирлар. Уларнинг кўплари ақлсиздирлар.**

Ояти кариманинг тўлиқ маъносини ўрганишдан олдин ундаги баъзи сўзларни тушуниб олишимиз зарур.

Агар бешинчи бўталоқ урғочи туғилса, она туянинг қулоғини тилиб, белгили қилиб қўйиб юборилар ва у «баҳийра» деб айтилар

эди. Жоҳилий арабларнинг бузуқ эътиқодларига кўра, бундай туянинг гўштини ейиш, сутини ичиш, ўзини миниш ёки устига юк юклаш ҳаром ҳисобланарди. «Баҳийра» деб қўйиб юборилган туя эркин ҳолда юраверар, унга биров тегмас эди.

«Соиба» луғатда «қўйиб юборилган» деган маънони англатиб, жоҳилият одати бўйича, бир киши сафардан келгани, касалдан тuzалгани ёки шунга ўхшаш бошқа муносабатлар ила назр қилган туяга айтиларди. Бундай туя ҳам қўйиб юборилар ва у ҳам худди «баҳийра» каби гўшти ейилмайдиган, сути ичилмайдиган, ўзи минилмайдиган ва юк ортилмайдиган муқаддассифат ҳайвонга айланиб қолар эди.

«Васийла» луғатда «уловчи» маъносини англатиб, жоҳилий араблар урфида бирин-кетин улаб урғочи бола туққан қўйга айтиларди. Уни ҳам сўймас эдилар.

«Ҳомм» эса, луғатда «ҳимоя қилувчи» маъносини англатиб, урғочи ҳайвонларга қочириш учун қўйиладиган эркак ҳайвонга айтилади. Жоҳилий араблар бир эркак ҳайвон ўнта урғочини қочирса, уни «ҳомм» деб атар эдилар ва унга ҳам алоҳида муносабат кўрсатилар, минилмас, юк юклатилмас ва бошқа имтиёзлар берилар эди.

Ушбу тўрт истилоҳ ҳақида бошқа ривоятлар ҳам бор. Аммо ҳаммаси ҳам мантиқсиз, жаҳолат аломати бўлган ишлардир. Эҳтимол, қабила ва жойларнинг ўзгариши билан бу тўрт истилоҳ ҳам турлича маънода ишлатилгандир. Қандай бўлишидан қатъиназар, бу тасаввур ва бу тасарруфлар Аллоҳнинг шариатига амал қилмаган инсонлар, илоҳий кўрсатмаларни ўзларига дастур қилиб олмаган жамиятлар қандай ҳолга тушиб қолишини яққол кўрсатиб турибди. Аллоҳнинг айтганини бир четга қўйганлар, табиатан мавжуд асил ҳис-туйғуларни барибир йўқ қила олмайдилар. Аста-секин ўзлари ушбуга ўхшаш мантиқсиз нарсаларни тўқиб чиқиб, муқаддаслаштиришга ҳаракат қиладилар. Аллоҳдан бошқанинг ҳукмига юргандан кейин ўша ҳукмнинг йўриғига амал қилишга, унинг рамзларини улуғлашга, муқаддаслаштиришга интиладилар. Боғча болаларига овқатдан сўнг: «Едик-ичдик, бунинг учун фалончи бобомизга, партиямизга минг раҳмат», деб қатор турғизиб, баланд овозда айтиришдан бошлаб, тошдан ҳайкал қилиб олиб, тагига ўт ёқиб қўйиб, қаршисида бош эгиб туриш ва таъзим қилишгача бориб етади. Ундай жамият аъзолари ўзларига етган ҳар бир яхши нарсани партиядан, ҳокимлардан деб тушунади, Аллоҳга эмас, ўшаларга шукр айтишим лозим деб ўйлайди. Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб уларнинг ҳукмини қилгандан сўнг, ўшаларнинг бандасига айланиб қолади. Халқ устида турган тоғутлар эса, ўзига тегишли рамзларни муқаддаслаштириш-

га тиришади. Ушбу оятда ўша нарсалардан бир намуна келтирилмоқда. Ўзларича баъзи ҳайвонларни бут-санамлари ҳаққи деб, эълон қилиб, уларга алоҳида ном ва белгилар қўйиб, турли ҳукмлар чиқаришмоқда. Аллоҳ бу ишларни инкор этиб:

**«Аллоҳ баҳийра, соиба, васийла ва ҳоммларни қилгани йўқ. Лекин куфр келтирганлар Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқирлар»,** дейди.

Жоҳилият араблари Аллоҳни инкор этмасдилар, балки Аллоҳга ширк келтирардилар. Бут-санамлар – кичик Худолар, ўртада воситачи бўлиб, бизни катта Худога етказди, деган эътиқодда эдилар. Шунга қарамай, Аллоҳ бу оятда уларни кофирлар деб атамоқда, даъволари Аллоҳга нисбатан ёлғон эканини таъкидламоқда. Кофирликлари Аллоҳнинг шариатига амал қилмасликларидан бўлса, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқишлари, баҳийра, соиба, васийла ва ҳоммларни илоҳча деб аташардилар. Бундай ишларни Аллоҳ амр қилгани йўқ, улар ўзлари тўқиб чиқариб, сўнгра Аллоҳга нисбат беришмоқда. Аллоҳнинг шариатидан бошқа шариатга юришнинг оқибати шунақа бўлади.

Оятнинг охирида:

**«Уларнинг кўплари ақлсиздирлар»,** дейилмоқда.

Тўғри, ақли бўлса, Аллоҳнинг шариатидан бошқа шариатга юрармиди?! Ўзича турли нарсаларни тўқиб чиқарармиди?!

Аллоҳнинг шариатидан бошқа шариатга юрганларга раҳим қилиб, уларнинг ақл-ҳушларини жойига келтириш, тўғри йўлга солиш мақсадида:

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا إِلَىٰ مَا أَنزَلَ اللَّهُ وَإِلَىٰ الرَّسُولِ قَالُوا حَسْبُنَا مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ  
ءَابَاءَنَا أُولَٰئِكَ كَانُوا لآبَائِهِمْ لَا يَعْلَمُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ ﴿١٣٧﴾

**104. Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага, Пайғамбарга келинлар»,** дейилса, «Бизга ота-боболаримизни нимани устида топган бўлсак, ўша етарли», дерлар. Агар ота-боболари ҳеч нарсага ақли етмайдиган ва ҳидоятга эришмаган бўлсалар ҳам-а?!

Аллоҳнинг шариатига амал қилмай кофир бўлиб юрганларга, уларнинг бу ҳолини кўриб, залолатда эканини англаган ва тўғри йўлни тушунганлар томонидан:

**«Аллоҳ нозил қилган нарсага, Пайғамбарга келинлар, дейилса»,** яъни, Қуръони Каримга, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига, шариатга амал қилишга ўтайлик дейилса:



**«Бизга ота-боболаримизни нимани устида топган бўлсак, ўша етарли, дерлар».**

Бу уларнинг маккорлигининг аломатидир. Аллоҳнинг шариати-ни жорий этмаганлар, халқни алдаш учун унинг тасаввурида эътиборли ҳисобланган бошқа нарсаларни улуғлашга ҳаракат қилади. Жумладан, ота-боболарни. Улар ота-боболарнинг кейинги авлод олдидаги обрўйини ўз фойдалари йўлида ишлатадилар. «Биз бу ишни ўзимиздан қилаётганимиз йўқ, балки ота-боболаримиздан қолган нарсага амал қилмоқдамиз», дейдилар. Ота-боболари тўғри йўлда юрган, Аллоҳнинг шариатига амал қилган бўлсалар, кошки эди. Эргашса, қандай ҳам яхши бўларди. Аммо ота-бобога эргашиш ҳамма ҳолатларда ҳам зарурми?

**«Агар ота-боболари ҳеч нарсага ақли етмайдиган ва ҳидоятга эришмаган бўлсалар ҳам-а?!»**

Ота-боболарга эргашишнинг мана шунақа хавfli томонлари ҳам бор. Агар ота-боболар тўғри йўлда юриб, ақлни ишлатиб, Аллоҳнинг шариатига амал қилган бўлсалар, уларга эргашилади, аммо улар жаҳолатда ўтган, ақлни ишлатмаган бўлсалар, у вақтда уларга эргашиб бўлмайди.

Аллоҳнинг шариатига амал қилмай куфрга кетганларнинг ҳоли бундай бўлса, ҳеч қандай насиҳатни қабул қилмай, ота-бобомизнинг ишларидан қолмаймиз, деб бош тортса, мўмин-мусулмонлар нима қилишлари керак? Бунинг жавоби кейинги оятда келади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا عَلَيْكُمْ أَنْفُسُكُمْ لَا يَضُرُّكُمْ مَن ضَلَّ إِذَا اهْتَدَيْتُمْ إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ  
 جَمِيعًا فِئْتِكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٥﴾

**105. Эй, иймон келтирганлар! Ўзингизни билинг. Агар ҳидоятда бўлсангиз, адашганлари сизга зарар қилмас. Ҳаммангизнинг қайтиб борадиган жойингиз Аллоҳнинг ҳузурида. Ўшанда сизга қилиб юрган ишларингизнинг хабарини берадир.**

Аллоҳ таоло бу оятда ҳам мусулмон бандаларига улар учун маҳбуб бўлган нидо билан хитоб қилмоқда: Эй, иймон келтирганлар, сиз Аллоҳнинг шариатида юрмай кофир бўлаётганларга ваъз-насиҳат, амри маъруф ва наҳйи мункар қилиб, уларни тўғри йўлга солиш учун қўлингиздан келган ҳаракатни қилдингиз. Аммо улар кўнмадилар, айтганингизни қабул қилмадилар. Энди «ўзингизни билинг», ишларингизни жойига қўйинг. Аллоҳнинг амрини бажо қилишда давом этинг. Кофирларнинг қилмишлари сизни турли

хаёлларга олиб бормасин, улар ўз қилмишлари учун ўзлари жавоб берадилар.

**«Агар ҳидоятда бўлсангиз, адашганлари сизга зарар қилмас».**

Ҳар ким ўз қилмишига кўра жазо ёки мукофот олади, чунки:

**«Ҳаммангизнинг қайтиб борадиган жойингиз Аллоҳнинг ҳузурда».**

Ўша жойда сиз ҳам тўпланасиз, залолатга кетган кофирлар ҳам тўпланади. У вақтда ўзаро тортишиб юрмайсиз. Балки, Аллоҳ таолонинг ўзи:

**«Ўшанда сизга қилиб юрган ишларингизнинг хабарини берадир».**

Шунинг учун, бу дунёда ҳар хил нарсаларга чалғимасдан, Аллоҳнинг шариатига мувофиқ ишларни қилишга интилинг.

Ҳар ким қилса, ўзига қилади, деган маъно охиратда жазо ёки мукофот олишга тегишли гапдир. Мусулмон одам бу гапни бу дунёда ўзига шиор қилиб олмайди. Чунки, амри маъруф, наҳйи мункар ҳар бир мусулмонга фарздир. Мусулмоннинг вазифаси даъват қилиш ва ундан қолмаслик. Ҳидоятга солиш Аллоҳнинг иши. Ҳидоятдаги мусулмон киши бошқаларнинг ҳам ҳидоятга эришишини истайди, шу йўлда ҳаракат қилади. Аллоҳ ўнглаб ҳидоятга тушган биродари учун хурсанд бўлади. Бош тортган эса, ўз қилмишига ўзи жавоб бераверади. Унинг учун даъватчи мусулмон жавоб бермайди. Залолатдан чиқишни истамаганлар билан бўладиган муносабат ана шу. Аммо ҳидоятга тушиб, мусулмонлар жамияти аъзоси бўлганларнинг ўзаро алоқалари шариат асосида, ишончли алоқа бўлади. Шундай муомалалардан бири келгуси оятда баён қилинади:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا شَهِدَةُ بَيْنِكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ حِينَ الْوَصِيَّةِ أَثَنَانِ ذَوَا  
عَدْلٍ مِّنْكُمْ أَوْ ءَاخِرَانِ مِّنْ غَيْرِكُمْ إِنْ أَنْتُمْ ضَرَبْتُمْ فِي الْأَرْضِ فَأَصَبْتَكُمْ مُّصِيبَةُ الْمَوْتِ  
تَحْسَبُونَهُمَا مِنْ بَعْدِ الصَّلَاةِ فَيُقْسِمَانِ بِاللَّهِ إِنْ أَرَبْتُمْ لَا نَشْتَرِي بِهِ ثَمَنًا وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰ  
وَلَا نَكْتُمُ شَهِدَةَ اللَّهِ إِنَّا إِذًا لَّمِنَ الْآثِمِينَ ﴿١٠٦﴾

106. Эй, иймон келтирганлар! Бирортангизга ўлим келганда – васият қилар чоғида ўзингиздан бўлган икки адолатли киши, агар ер юзида сафардалиқ чоғингизда ўлим мусийбати етса, ўзгалардан икки киши ўртангизда гувоҳ бўлсин. Агар шубҳа қилсангиз, гувоҳларни намоздан кейин тутасиз ва улар: «Гарчи қариндошимиз учун

**бўлса ҳам, қасамни озгина қийматга сотмасмиз ва Аллоҳ учун гувоҳлигимизни яширмасмиз. Зотан, у ҳолда, албатта, гуноҳкорлардан бўлиб қоламиз», деб Аллоҳ номи ила қасам ичарлар.**

Ислом шарияти ҳукмлари ердаги муаммоларни муолажа қилиш учун осмондан тушган. Бандаларнинг муаммоларини муолажа қилиш учун Аллоҳ томонидан туширилган. Лекин осмондан тушганлиги «осмондан олинган» деган жоҳилий тушунчага олиб бормаслиги керак. Чунки, «осмондан олинган» деган тушунча, ердаги воқеликка тўғри келмайди, деган маънони англатади. Ислом шарияти ҳукмлари айнан ердаги, воқеликдаги ҳаёт муаммоларини муолажа қилиш учун осмону ернинг холиқи ва молики ҳамда ягона ҳокими Аллоҳ томонидан олий мақом этиб туширилган. Ушбу оятда зикр қилинган ҳукм ҳам ердаги ҳаёт билан қоришиб кетган. Айнан воқеликдан келиб чиққан. Ушбу оятлар нозил бўлаётган давр жамияти ичидаги ҳодисалар жараёнига чамбарчас боғлиқ ҳолда жорий қилинган. Бунга ушбу ояти кариманинг сабаби нузулини ўрганиш орқали ҳам гувоҳ бўламиз.

Имом Бухорий ва бошқа ҳадис имомлари Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Тамийм ад-Дорий билан Адий ибн Баддаа Маккага бориб келиб юришар эди. Бир куни улар билан Бани Саҳим қабиласидан бир йигит ҳам йўлга чиқиб, мусулмонлар йўқ жойда вафот этди. Икковларига васият қилди. Улар йигит қолдирган меросни унинг аҳлига олиб келиб бердилар. Аммо тилла суви юритилган жомни олиб қолдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: «Беркитмадинглар ҳам, кўрмадинглар ҳамми?» – деб туриб қасам ичирдилар. Кейин жом Маккадан чиқди. Маккаликлар: «Биз буни Адий ва Тамиймдан сотиб олдик», дейишди. Саҳмийнинг меросхўрларидан икки киши келиб, қасам ичиб: «Бу жом Саҳмийники, бизнинг гувоҳлигимиз иккисининг гувоҳлигидан тўғрироқ ва биз тажовуз қилганимиз йўқ», дейишди. Сўнг жом олинди. Ана шунда Аллоҳ бу (ушбу ва ундан кейинги) оятларни нозил қилди.

Мусулмон одам доимо ўлимга тайёр туриши керак. Ўлимни жасорат билан кутиб олиши лозим ва ўша вақтда ҳам шариятнинг ҳукмини бажаришга ҳаракат қилишга бурчлидир.

Шарият ўлаётган одамга васият қилишни буюрган. Токи унинг ўлиmidан кейин орқасида қолган меросхўрларга жабр бўлмасин, улар бир-бирлари билан жанжал қилиб юрмасин. Ушбу ояти каримада васиятни қандай қилиш кўрсатилмоқда:

**«Эй, иймон келтирганлар! Бирортангизга ўлим келганда – васият қилар чоғида ўзингиздан бўлган икки адолатли киши, агар**

**ер юзида сафардалик чофингизда ўлим мусийбати етса, ўзгалардан икки киши ўртангизда гувоҳ бўлсин».**

Демак, мусулмон одам ватанида ўлаётган бўлса, ўз васиятига икки одил мусулмон кишини гувоҳ қилиши керак экан. Шунда васият бузилмайди. Бировнинг ҳақини биров емайди. Чунки, орада адолатли гувоҳлар бор. Агар ўлим сафардалик чоғида юз берадиган бўлса, яъни, сафарда юрган мусулмон одам ўлимига кўзи етиб васият қилмоқчи бўлса-ю, иккита одил мусулмон гувоҳ топа олмаса, иккита номусулмон одамни гувоҳ қилади. Гувоҳ албатта шартлиги шундан келиб чиқади.

Баъзи пайтларда гувоҳлар ҳақида шубҳага тушиб қолиш ҳам мумкин, лекин шунда ҳам гувоҳ зарур. Фақат, шубҳани қайтариш учун уларга қуйидагича муомала қилинади:

**«Агар шубҳа қилсангиз, гувоҳларни намоздан кейин тутасиз».**

Демак, гувоҳлар бошқа динда бўлсалар ҳам намози бор, намоз ўқийдиган бўлиши керак. Албатта, намоз ўқиган одамдан яхшилик кутса бўлади. Бунинг устига, намоз ўқиб, диний ҳиссиётлари кучайиб турган бир пайтда:

**«улар: «Гарчи қариндошимиз учун бўлса ҳам, қасамни озгина қийматга сотмаймиз ва Аллоҳ учун гувоҳликни яширмасмиз. Зотан, у ҳолда, албатта, гуноҳкорлардан бўлиб қоламиз», деб Аллоҳ номи билан қасам ичарлар».**

Ана шундан кейин уларни гувоҳ қилиб туриб васият қилинади. Агар шундан кейин икковлари гувоҳликни тўғрилиқ ила адо этиб, ҳамма иш жойида бўлса, айна мурод.

فَإِنْ عُرِيَ عَلَىٰ أَنَّهُمَا اسْتَحَقَّ إِثْمًا فَأَخْرَأَنَّ يَوْمَئِذٍ مَقَامَهُمَا مِنَ الَّذِينَ اسْتَحَقَّ عَلَيْهِمُ الْأَوْلِيْنَ فَيُقْسِمَانِ بِاللَّهِ لَشَهَدْنَا أَحَقُّ مِنْ شَهَدَتَيْهِمَا وَمَا أَعْتَدْنَا إِنَّا إِذَا لَمِنَ الظَّالِمِينَ ﴿١٠٧﴾

**107. Агар икковларининг гуноҳлари билиниб қолса, ўринларига устиларига ноҳақлик тушган яқинлардан иккиталари ўтурлар ва Аллоҳ ила қасам ичиб: «Бизнинг гувоҳлигимиз уларнинг гувоҳликларидан тўғрироқ ва биз тажовуз қилмадик. Агар қилган бўлсак, албатта, золимлардан бўлурмиз», дейишади.**

Вафот этаётган одамнинг васиятига гувоҳлар томонидан хиёнат содир бўлгани, худди Адий билан Тамийм тилла суви юритилган кумуш жомни маккаликларга сотганига ўхшаб, билинса, ўша хиёнат

албатта меросхўрларга зарар етказди. Иш қозилик ҳузурида кўрилган пайтда энг яқин меросхўрлардан иккиталари, ўз ҳақларига хиёнат бўлганини исботлаш учун, ўша хиёнат қилган икки гувоҳ қасами ўрнига, уларнинг ёлфончилигини фош этиш учун, Аллоҳ номи ила қасам ичадилар. Шу билан бирга:

**«Бизнинг гувоҳлигимиз уларнинг гувоҳликларидан тўғрироқ ва биз тажовуз қилмадик. Агар қилган бўлсак, албатта золимлардан бўламиз, дейишади».**

Қозилар ушбу қасамни эътиборга оладилар. Шундай қилиб, кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари зое бўлмайди. Аммо мусулмонлар, худди бошқа ишларда шариат ҳукмларига риоя этмаётганларидек, васият пайтида ҳам кўпинча гувоҳ келтирмайдилар ва бунинг оқибатида кўпдан-кўп мусийбатларга дучор бўладилар. Етимларнинг, бева-бечорларнинг, меросхўрларнинг ҳақ-ҳуқуқлари билиб-билмай поймол этилади. Васият пайтида гувоҳ келтириш қанчалик зарур эканини ушбу оятдан билдик. Ҳатто мусулмон гувоҳ топилмаса, номуслмон гувоҳга ҳам ишонилади. Агар ишонч-ли бўлмаса, қасам ичириб бўлса-да, гувоҳ келтирилади. Амр шундай.

Одатда, бир одам вафот этадиган бўлса, орқасидан кўп ишлар қолади. Тириклик пайтида олди-бердилари бўлган, кимлардадир ҳаққи бор, кимларнингдир унда ҳаққи бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қолдираётган меросида — молу мулкида ҳам аниқланиши лозим бўлган муомалалар бордир. Агар инсон ўлаётиб васият қилмаса, турли келишмовчиликлар, қариндошлар ўртасида уруш-жанжаллар келиб чиқиши турган гап. Васият қилинса-ю, гувоҳ бўлмаса ҳам, худди шу ҳол бўлади. Бу каби кўнгилсизликлар шариатга амал қилиш билан ўртадан кўтарилади.

Шундай савол туғилиши мумкин: бутунги кунда бунақа муаммолаларни ҳужжатлаштириш воситалари ривожланиб кетди, мисол учун, қоғозга ёзиб имзо қўйиш, овоз ёзар жиҳозга васиятгўйнинг овозини ёзиб қўйиш ёки жонли сувратга овози билан олиб қўйиш мумкин, демак, гувоҳнинг нима кераги бор? Бу саволга жавоб шулки, аввало, Аллоҳнинг амрларини қилиш ибодат ҳисобланади. Яъни, мусулмон киши шариат ҳукмларини суриштирмай амалга ошириши керак. Фалон нарса учун бу ҳукмга амал қилинар эди, у нарса қолмади, энди амал қилмай қўйса ҳам бўлаверади, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Иккинчидан, шариат ҳукмларидаги ҳикматларни одамлар ақллари етган даражада тушунадилар. Кўп ҳолларда биз бугун тушунмай турган ҳикматлар кейинроқ ойдинлашяпти.

Учинчидан, қоғозга туширилган, овозли ва сувратли тасвир ҳужжатлардаги ва улар атрофидаги қаллобликлар, жанжаллар ҳақида

ҳар куни турли хабарлар эшитилиб турибди. Яъни, буларга ҳам унча ишонч қолмаяпти. Энг яхшиси Аллоҳ кўрсатган йўл — тирик гувоҳ келтириш бўлиб қолмоқда. Худди шу ҳақиқатга келаси оятда ишорат бор:

ذَلِكَ أَدْنَىٰ أَنْ يَأْتُوا بِالشَّهَادَةِ عَلَىٰ وَجْهِهَا أَوْ يَخَافُوا أَنْ تُرَدَّ أَيْمَانُهُمْ بَعْدَ آيْمَانِهِمْ ۖ فَاتَّقُوا اللَّهَ ۚ وَأَسْمِعُوا لِلَّهِ الْعَادِلِينَ ۚ وَلَا يَهْدِ الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿١٠٨﴾

**108. Ана шундай қилмоқлик, гувоҳликни ҳаққоний адо этишларига ёки қасамларидан сўнг раддия қасам бўлишидан қўрқишларига яқинроқдир. Аллоҳга тақво қилинлар ва қулоқ осинлар. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.**

Яъни, юқоридаги икки оят кўрсатмаларига амал қилмоқлик, аввало, гувоҳликни ҳаққоний адо этишларига яқинроқдир. Намоздан кейин кўпчилик ичида Аллоҳ номи билан қасам ичтирилиб, сўнгра: «Гарчи қариндошимиз учун бўлса ҳам, қасамни озгина қийматга сотмаймиз ва Аллоҳ учун гувоҳлигимизни яширмаймиз. Зотан, у ҳолда, албатта, гуноҳкорлардан бўлиб қоламиз», дейишлари ҳақиқатан ҳам ҳаққоний гувоҳлик беришларига кучли омил бўлади. Боз устига, улар яна бир нарсадан қўрқиб туришади. Агар юқорида айтилган ишлардан кейин ҳам хиёнат қиладиган бўлсалар, меросхўрлардан икки киши раддия қасами ила уларни фош қилишлари, шарманда бўлишлари эҳтимоли бор. Шундан қўрқиб ҳам ўзларига ишонилган вазифани виждонан адо этадилар. Булар ҳаммаси эҳтиёт чоралари. Аммо гувоҳликни ҳаққоний адо этишнинг асосий таянчи тақводир. Шунинг учун ҳам, оят сўнггида:

**«Аллоҳга тақво қилинлар ва қулоқ осинлар. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас», дейилмоқда.**

Агар инсонда тақво бўлмаса, Аллоҳдан қўрқмаса, ҳеч нарсадан тап тортмайди. Унга минг бора қасам ичиринг, тепасига мингта мелиса қўйинг, фойдаси йўқ. Одам қачонки Аллоҳга тақво қилиб, унга қулоқ оссагина, атрофига тилидан ва қўлидан яхшиликлар етади. Жумладан, гувоҳликни ҳам ҳаққоний адо этади. Тақвоси бўлмаса, фосиқ бўлади. Фосиқни эса, Аллоҳ таоло ҳидоят қилмайди.

Юқоридаги оятларда муомалага оид масалалар, уларни татбиқ қилишдаги бузуқликлар муолажа қилинди. Эндиги оятларда эса, ақийдага оид бузуқликларни тузатиш насоролар дини мисолида кўриб чиқилади:



﴿يَوْمَ يَجْمَعُ اللَّهُ الرُّسُلَ فَيَقُولُ مَاذَا أُجِبْتُمْ قَالُوا لَا عِلْمَ لَنَا إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّمُ الْغُيُوبِ﴾

**109. Аллоҳ Пайғамбарларни жамлаган кунда: «Сизга қандай жавоб қилинди?» – деб сўрайди. Улар: «Биз билмаймиз, албатта, Сенинг Ўзинггина ғайбларни яхши билгувчисан», дерлар.**

Ушбу ояти каримада васф қилинаётган кўриниш қиёмат кунда содир бўлади. Аллоҳ таоло ҳузурига барча Пайғамбарларини тўплайди ва: «Сиз мен берган динни ўз қавмингизга олиб борганингизда, сизга нима жавоб бердилар?» – деб сўрайди. Турли замонларда турли макон ва қавмларга юборилган барча Пайғамбарлар ўзларини юборган Зот ҳузурига илк бор жамланб турибдилар. Барчалари Аллоҳнинг чексиз илми қаршисида ўз илмлари ҳеч нарсага арзимаслигига иқрорлар. Масалан, улар қавмларининг ўзларига жавобларини сиртдан билишади, холос. Ички ҳақиқатини Аллоҳнинг Ўзи билади. Шунинг учун ҳам, гапни чўзиб ўтирмай:

**«Улар: «Биз билмаймиз, албатта, Сенинг Ўзинггина ғайбларни яхши билгувчисан», дерлар».**

Шу пайт Ийсо алайҳиссаломга алоҳида савол берилади. Маълумки, Пайғамбарлар ҳақида айниқса, у киши тўғрилирида бу дунёда ҳар хил миш-мишлар, турлича ақийдалар ва тортишувлар кўпайган.

إِذْ قَالَ اللَّهُ يٰعِيسَىٰ ابْنَ مَرْيَمَ اذْكُرْ نِعْمَتِي عَلَيْكَ وَعَلَىٰ وَالِدَتِكَ إِذْ أَيَّدتُّكَ بِرُوحِ الْقُدُسِ تُكَلِّمُ النَّاسَ فِي الْمَهْدِ وَكَهْلًا وَإِذْ عَلَّمْتُكَ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَالتَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ وَإِذْ تَخْلُقُ مِنَ الطِّينِ كَهَيْئَةِ الطَّيْرِ بِإِذْنِي فَتَنْفِخُ فِيهَا فَتَكُونُ طَيْرًا بِإِذْنِي وَتُبْرِئُ الْأَكْمَهَ وَالْأَبْرَصَ بِإِذْنِي وَإِذْ تُخْرِجُ الْمَوْتَىٰ بِإِذْنِي وَإِذْ كَفَفْتُ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَنْكَ إِذْ جِئْتَهُم بِالْبَيِّنَاتِ فَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْهُمْ إِنْ هَذَا إِلَّا أَسْحَرُؤُمِمْ

**110. Аллоҳ: «Эй, Ийсо ибн Марям, сенга ва волиданга берган неъматимни эсла. Сени муқаддас руҳ билан қўллаганимни, одамларга бешиқда ҳам, катталигингда ҳам гапирганингни эсла. Сенга китобни, ҳикматни, Тавротни ва Инжилни ўргатганимни эсла. Менинг изним ила лойдан қуш шаклини ясаганигда ва унга пуфлаганигда, Менинг изним ила қуш бўлганини, Менинг изним ила туғма кўрни ва песни тузатганингни эсла. Менинг изним ила**

**ўликларни чиқарганингни эсла. Бани Исроилга аниқ мўъжизалар келтирганингда, улардан куфр келтирганлари: «Бу очиқ сеҳрдан ўзга ҳеч нарса эмас», деганида, сени улардан қутқарганимни эсла», деганини ёд эт!**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб, қиёмат куни Пайғамбарларни жамлаган пайтда Ийсо алайҳиссаломга айтадиган гапларини эслашни буюрмоқда. Бу дунёда насоролар «худо», «худонинг ўғли», деб юрган Ийсо алайҳиссаломнинг ҳақиқатлари ушбу эслатмалардан аниқ билиб олинди. Аллоҳ таоло бу ҳақиқатни барча Пайғамбарлар ҳузурида, масаланинг бош қаҳрамони Ийсо ибн Марям алайҳиссаломнинг ўзларига эслатиш билан тасдиқламоқда.

**«Эй, Ийсо ибн Марям! Сенга ва волиданга берган неъматимни эсла».**

Аввало, насоролар «худо» деб эътиқод қилаётган Ийсонинг волидаси бор экан. Худонинг эса, онаси бўлиши мумкин эмас. Дунёга келишда онага муҳтож бўлган одам Худо бўла олмайди. Иккинчидан, Ийсо ибн Марямга ҳам, унинг волидаси Марям бинти Имронга ҳам Аллоҳ неъмат берган экан. Бошқанинг неъматига муҳтож кишилар Худо бўлиши мумкин эмас.

**«Сени муқаддас руҳ билан қўллаганимни, одамларга бешиқда ҳам, катта бўлганингда ҳам гапирганингни эсла».**

«Муқаддас руҳ» Жаброил фаришта алайҳиссаломдир. «Гапириш» деганда эса, Аллоҳга даъват, Пайғамбарлик гаплари назарда тутил-япти. Одамларнинг оддий гапларидек гап бўлганида, бунча гувоҳлар ҳузурида ҳужжат сифатида келтирилмас эди. Агар бешиқда гапирганинг ёки доимо Пайғамбарларга хос гапирганинг учун сени «худо» деб эътиқод қилишаётган бўлса, бу нарса сени Мен Жаброил билан қўллаганим ва у орқали Ўз сўзларимни юбориб турганимдан эканлигини билсинлар.

Ўз фаолиятида муқаддас руҳ ёрдамига муҳтож бўлган зот ҳеч қачон Худо бўла олмайди.

**«Сенга китобни, ҳикматни, Тавротни ва Инжилни ўргатганимни эсла».**

Оятдаги «китоб»дан мурод — ўқиш-ёзишдир.

Ийсо алайҳиссаломга ўқиш-ёзишни, ҳикмат билан тасарруф қилишни, ўзларидан олдин келган илоҳий китоб Тавротни ва ўзларининг китоблари бўлмиш Инжилни ҳам Аллоҳ таоло ўргатган. Бу ҳақиқат қиёмат кунида барча Пайғамбарларнинг йиғилишда айтилиши ҳам алоҳида маъно касб этади. Ийсо ибн Марям алайҳиссаломнинг ҳақиқатларини ойдинлаштиради. Албатта, ўқиш-ёзишни,

ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўрганишга, қолаверса, бошқа зотдан ўрганишга эҳтиёжи бор одам ҳеч қачон Худо бўла олмайди. Балки, ўша йиғилишда иштирок этаётган Пайғамбарлар каби бир Пайғамбар бўлади.

**«Менинг изним ила лойдан қуш шаклини ясаганингда ва унга пуфлаганингда, Менинг изним ила қуш бўлганини, Менинг изним ила туғма кўрни ва песни тузатганингни эсла».**

Эҳтимол, насоролар Ийсо ибн Марям лойдан қуш ясаганда, унга жон кириб учиб кетгани учун ёки одатда тузатиб бўлмайдиган туғма кўр ва пес касалларнинг у кишидан шифо топганлари учун Худо деб эътиқод қилишаётгандир? Бу нотўғри тасаввур. Аввало, ушбу жамланиб турган Пайғамбарларнинг ҳаммаларига бунга ўхшаш мўъжизалар Аллоҳ томонидан берилган. Қолаверса, Ийсо ибн Марям алайҳиссалом лойдан Аллоҳнинг изни ила қуш ясаган, унга пуфлашни ҳам Аллоҳнинг изни ила пуфлаганлар, у шакл Ийсонинг изни билан эмас, Аллоҳнинг изни билан қушга айланган. Шунингдек, туғма кўр ва песларнинг тузалиши ҳам Аллоҳнинг изни ила бўлган. Агар баъзи мўъжизалар кўрсатган зот Худо бўлаверса, манави тўпланиб турган Пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам Худо бўлишлари керак эди. Ундан кейин, бошқанинг изни ила одатдан ташқари иш қилган киши ҳеч қачон Худо бўла олмайди.

**«Менинг изним ила ўликларни чиқарганингни эсла».**

Яъни, тирилтирганингни. Агар Ийсо ибн Марям алайҳиссаломни ўликларни тирилтиргани учун Худо деб айтишаётган бўлса, бу иш ҳам Аллоҳнинг изни ила бўлган. Жонни олган Аллоҳ қайта беришга ҳам қодир. Бошқа мўъжизалар қатори бу мўъжиза ҳам у кишини Худо деб эътиқод қилишга олиб бормаслиги керак. Бунинг устига, ушбу мўъжизалар содир бўлганда, уларни «очиқ сеҳр» деганлар ҳам бўлган. Шу сабабдан Ийсони ўлдиришга очиқ қасд ҳам қилишганки, бу ҳам эслашга лойиқ ҳодиса:

**«Бани Исроилга аниқ мўъжизалар келтирганингда, улардан куфр келтирганлари: «Бу очиқ сеҳрдан ўзга нарса эмас», деганида сени улардан қутқарганимни эсла».**

Бани Исроил минглаб одамлар ҳузурида кўрсатилган мўъжизаларни инкор эта олмади. Аммо бу мўъжизалар Ийсога Аллоҳ томонидан Пайғамбарлигини тасдиқлаш учун ҳужжат ва далил қилиб берилганлигини эътироф қилишга бўйинлари ҳам ёр бермади. Шунда Бани Исроил ўзларига хос услуб билан бир гап тўқиб чиқардилар: «Бу очиқ сеҳрдир», дедилар ва сеҳргарни ўлдириш керак, деб Ийсо алайҳиссаломни ўлдиришга қарор қилдилар. Лекин Аллоҳ таоло ўз Пайғамбари Ийсо алайҳиссаломни Бани Исроилдан қутқариб, Ўзига

кўтариб олди. Бу ҳам Ийсо ибн Марям Худо эмас, балки Пайғамбар бўлганини кўрсатади.

Келаси оятда ҳам Аллоҳ таолонинг Ийсо ибн Марям алайҳиссаломга берган неъматларидан бири зикр этилади:

وَإِذْ أَوْحَيْتُ إِلَى الْحَوَارِيِّينَ أَنْ آمِنُوا بِي وَبِرَسُولِي قَالُوا آمَنَّا وَاشْهَدْ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴿١١١﴾

**111. Ҳаворийларга: «Менга ва Менинг Пайғамбаримга иймон келтиринг», деб ваҳий юборганимда, улар: «Иймон келтирдик ва шоҳид бўл, биз албатта, мусулмонлармиз», деганини эсла!**

Ҳаворийлар Ийсо алайҳиссаломга ихлослари зўр, дин иши учун бутунлай ажралиб чиққан инсонлар эди. Ийсо алайҳиссаломга ҳақиқий кўмакчи бўлган кишилар ҳам ўшалар. Бу оятдаги «ваҳий юборганимда» деган сўзлардан Пайғамбарларга юбориладиган ваҳийни тушунмаслик керак. Араб тилида, Қуръон истилоҳида «ваҳий» сўзи «илҳом» маъносида ҳам ишлатилади. Мисол учун, «Наҳл» сурасида: «Ва Роббинг асаларига ваҳий қилди», деган оят ҳам бор. Ҳайвонга илҳом берилади. Шунингдек, бу оятда ҳам ҳаворийларнинг ихлоси ва фидокор, иймонли эканликлари Аллоҳ томонидан уларга бу ишлар илҳом қилиб берилганлигидан эканлиги таъкидланмоқда.

Ҳар бир йўлбошчи бўлган одам мухлис ва мустаҳкам иймонли ёрдамчиларга муҳтож бўлади. Улар келажакда ишларни ривожлантиришда хизмат қиладилар. Ҳаворийлар ҳам Ийсо алайҳиссалом даъватларини кишилар орасида ёйишда ва бошқа лозим ишларда ўша вазифани адо этишди. Бундай ёрдамчиларнинг бўлиши ҳам Аллоҳнинг неъматини ҳисобланади.

Ҳаворийлар ҳақидаги суҳбат кейинги келадиган учта ояти каримада ҳам давом этади:

إِذْ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ يَعْيسَى ابْنُ مَرْيَمَ هَلْ يَسْتَطِيعُ رَبُّكَ أَنْ يُنْزِلَ عَلَيْنَا مَائِدَةً مِنَ السَّمَاءِ قَالَ اتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١١٢﴾

**112. Ҳаворийлар: «Эй, Ийсо ибн Марям, сенинг Роббинг бизга осмондан тузатилган дастурхон тушира олурми?» – деганларида, у: «Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳга тақво қилинглар», деганини эсла.**

Бу оятда ҳам хитоб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эслатма бўлиб келмоқда. Айни чоғда, бу оят ҳаворийлар би-

лан Ийсо алайҳиссалом ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни ва шу суҳбат орқали Ийсо алайҳиссалом қавмларининг сиймосини (кимлигини) очиб беряпти. Ҳаворийлар Аллоҳ илҳом бериб, Унга ва Унинг Пайғамбари Ийсо алайҳиссаломга иймон келтирган, ўз қавмлари ичидан Аллоҳнинг дини ва Пайғамбарига мадад бўлиш учун танлаб олинган, ихлосли ва мустаҳкам иймонли кишилар экани ҳаммага маълум. Ана шундай мумтоз гуруҳ ўз йўлбошчиси, Пайғамбарига: «Эй, Ийсо ибн Марям», деб мурожаат қиляпти. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари у зотга бирор марта бунақа равишда мурожаат қилганлари йўқ. Улар доимо: «Эй, Аллоҳнинг Расули», «Эй, Аллоҳнинг Набийси», «отам-онам сизга фидо бўлсин», каби сўзлар билан мурожаат этганлар.

Қолаверса, Ийсо алайҳиссаломнинг энг яқин кишилари бўлмиш ҳаворийлар:

**«Роббинг бизга осмондан тузатилган дастурхон тушира олурми?»** – дейишмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи киромларидан бирорталари иймонга кирганидан сўнг мўъжиза кўрсатишни талаб қилмаганлар. Чунки, бу иш иймонли кишига ярашмайди. Бу иш ноқулай бўлганидан ҳам Ийсо алайҳиссалом ҳаворийларидан юқоридаги ноўрин саволни эшитганларидан сўнг:

**«Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳга тақво қилинглар»,** демоқда.

Ҳаворийлар эса, ўз сўзларида туриб, қилаётган талаблари нима учун эканлигини шарҳлаб бермоқдалар:

قَالُوا نُرِيدُ أَنْ نَأْكُلَ مِنْهَا وَتَطْمَئِنَّ قُلُوبُنَا وَنَعْلَمَ أَنْ قَدْ صَدَقْتَنَا وَنَكُونَ عَلَيْهَا مِنَ

الشَّاهِدِينَ ﴿١١٣﴾

**113. Улар: «Ундан емоқни, қалбларимиз таскин топмоғини, бизга рост гапирганингни билмоқни ва бунга гувоҳ бўлмоқни истармиз», дедилар.**

Ҳаворийларнинг Аллоҳ осмондан бизга ясатилган дастурхон тушириб берсин, деб қилаётган талабларининг бир неча сабаблари бор экан.

Биринчиси, ундан еб кўрмоқчилар. Эҳтимол, таомга ҳожатлари бор. Эҳтимол, Пайғамбарга яқин кишилар сифатида алоҳида ҳурматга сазовор бўлмоқчилар. Эҳтимол, табаррукан қилмоқчилар.

Иккинчидан, қалбларини таскин топтирмоқчилар. Иймонга келганлар-у, аммо қалблари яна ҳам таскин топишини истайдилар. Бунинг учун ўзлари эргашган Пайғамбар сўровига биноан, ўзлари иймон келтирган Аллоҳ томонидан бир мўъжизанинг бўлишини хоҳлайдилар.

Учинчидан, Пайғамбар уларга рост гапирганини билишни истайдилар. Ийсо, Аллоҳнинг Пайғамбариман, демоқда, агар гапи рост бўлса, у ўзига хос услуб билан бу даъвони исбот қилиши керак бўлади. Энг яхши исбот — мўъжиза кўрсатишдир. Ўша мўъжизани кўрсатса, рост гапирган ҳисобланади.

Тўртинчидан, ҳаворийлар ўша мўъжиза содир бўлганига гувоҳ бўлмоқчилар. Улар Ийсо алайҳиссаломга яқин кишилар сифатида бошқа кишилар томонидан турли саволларга тутилишлари турган гап. Энг кўп бўладиган савол, албатта, у зотнинг Пайғамбарлигини қандай исботлайсиз, қабилида бўлади. Ана ўшанда, кўрсатилган мўъжизанинг гувоҳи бўлганликларини айтмоқчилар. Ёки бевосита саволсиз ҳам, даъват чоғида, шубҳачиларнинг шубҳасини қайтариш пайтида, бу гувоҳликларини айтишлари мумкин.

Ҳаворийлар мана шу эътиборлар ила осмондан яратилган дастурхон туширилишини сўрадилар. Шунда Ийсо алайҳиссалом Парвардигори Оламга мурожаат этиб, дуо қилдилар:

قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا أَنْزِلْ عَلَيْنَا مَائِدَةً مِنَ السَّمَاءِ تَكُونُ لَنَا عِيدًا لِأَوَّلِنَا  
وَأَآخِرِنَا وَآيَةً مِنْكَ وَأَرْزُقْنَا وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ ﴿١١٤﴾

**114. Ийсо ибн Марям: «Эй бор Худоё! Роббимиз! Бизга осмондан яратилган дастурхон туширгин, у аввалимизгаю охиригимизга байрам бўлиб қолсин. Сендан мўъжиза бўлиб қолсин. Ва бизга ризқ бергин, зотан Ўзинг энг яхши ризқ бергувчисан», деди.**

Ушбу дуода Ийсо алайҳиссалом Пайғамбарлик одоби ила ўз Илоҳи ва Роббиси Аллоҳ таолога ўзларининг бандаликларини, Унга ҳожатманд эканликларини билдириб, хокисорлик ила нидо қилмоқдалар. У киши Аллоҳ таолодан осмондан дастурхон туширишни, туширганда ҳам, уни хайр-барака ва хурсандчилик боиси — байрамга сабаб бўладиган қилиб туширишни сўраб дуо қилмоқдалар. Шу билан бирга, бу дастурхон Аллоҳ томонидан мўъжиза бўлиб қолишини ҳам сўрамоқдалар. Мўъжиза сифатида туширилган дастурхон ризқ бўлиб қолишини ҳам истамоқдалар.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Ийсо алайҳиссаломнинг бу дуоларини ижобатга олди ва қуйидаги жавобни қилди:



قَالَ اللَّهُ إِنِّي مَنَزَلُهَا عَلَيْكُمْ فَمَنْ يَكْفُرْ بَعْدُ مِنْكُمْ فَإِنِّي أُعَذِّبُهُ عَذَابًا أَبَدًا لَا أُعَذِّبُهُ أَحَدًا مِّنَ الْعَالَمِينَ ﴿١١٥﴾

**115. Аллоҳ:** «Мен, албатта, уни сизларга туширгувчиман. Бас, бундан кейин сизлардан ким куфр келтирса, уни оламларда ҳеч кимни азобламаган азоб ила азоблагайман», деди.

Ҳақ таоло Ўзининг жалолига – улуғворлигига яраша жавоб берди: «Мен, албатта, уни сизларга туширгувчиман», деди.

Уламоларимиз моида – дастурхон ҳақида Қуръони Каримдан бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ бўлишига қарамай, худди шу жумланинг ўзига таяниб: «Дастурхон тушган, чунки Аллоҳниг ваъдаси ҳақдир», дейдилар.

Аллоҳ таоло дастурхон тушириш ҳақидаги сўровни ижобат қилиш билан бирга, Ўзининг доимий одатини ҳам эсга солмоқда. У одат мўъжиза талаб қилган қавм, мўъжиза келгандан кейин ҳам куфр келтирса, уни қаттиқ азобга дучор қилишдир. Бу азоб ҳам бу дунёда, ҳам у дунёда бўлади.

Кейинги оятларда қиёмат кунида Пайғамбарлар тўпланганда Ийсо ибн Марям алайҳиссаломдан саволлар сўраш саҳнаси давом этади:

وَإِذْ قَالَ اللَّهُ يٰعِيسَىٰ ابْنَ مَرْيَمَ ۗ أَنْتَ قُلْتَ لِلنَّاسِ اتَّخِذُونِي وَأُمِّيَ إِلَهَيْنِ مِن دُونِ اللَّهِ ۗ قَالِ سُبْحٰنَكَ مَا يَكُونُ لِيٰ أَن أَقُولَ مَا لَيْسَ لِيٰ بِحَقِّ ۗ إِن كُنْتَ قُلْتُهُ فَقَدْ عَلِمْتَهُ ۗ تَعَلَّمْ مَا فِي نَفْسِي وَلَا أَعْلَمُ مَا فِي نَفْسِكَ ۗ إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّمُ الْغُيُوبِ ﴿١١٦﴾

**116. Аллоҳ:** «Эй, Ийсо ибн Марям, сен одамларга, Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар, дедингми?» – деганини, у эса: «Эй пок Парвардигор, мен ҳаққим йўқ нарсани айта олмайман-ку. Агар айтган бўлганимда, батаҳқиқ, Сен уни билар эдинг. Сен менинг дилимдагини биласан, мен Сендаги ҳеч нарсани билмасман. Албатта, Сен Ўзинг ғайбларни энг яхши билгувчи Зотсан», деганини эсла.

Бу оятда ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиниб, Аллоҳ билан Ийсо алайҳиссалом ораларидаги ушбу савол-жавобни эслашга амр этилмоқда. Бу савол-жавоб ҳам насороларнинг Ийсо алайҳиссаломни ва у кишининг оналари Биби Марямни «худо» деб даъво қилишлари бутунлай нотўғри эка-

нини фош этади. Фош этганда ҳам, қиёмат куни, ҳамма жамланганда, барча Пайғамбарлар алоҳида жам қилинганда, уларнинг гувоҳлигида! Насороларнинг ақийдалари ботил эканлиги айнан Ийсо алайҳиссалом билан бўлиб ўтадиган савол-жавобда фош қилиниши алоҳида маъно касб қилади:

**«Аллоҳ: «Эй, Ийсо ибн Марям, сен одамларга Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар, дедингми?»**—деб сўрайди.

Албатта, Аллоҳ таоло Ийсо ибн Марям бу гапни ҳеч айтмаганини ва айтмаслигини ҳам жуда яхши билади. Эси бор одам бунақа гапни айтмайди. Аммо, Ийсо алайҳиссаломни «худо» деб айтганларнинг қилмиши нақадар ноўрин, номаъқул ва жирканч эканини ҳаммага яна бир бор кўрсатиш учун шундай савол берилади. Оддий инсон қила олмайдиган ишни қандай қилиб Пайғамбар, Пайғамбар бўлганда ҳам Ийсо алайҳиссаломдек улулазим Пайғамбар қилиши — одамларга «мени ва онамни худо қилиб олинглар», дейиши мумкин? Асло мумкин эмас! Шунинг учун ҳам Ийсо алайҳиссаломнинг жавоби Аллоҳга Унинг поклигини тасдиқлаш, «субҳанака —

**«Эй пок Парвардигор»,** дейиш билан бошланмоқда:

**«мен ҳаққим йўқ нарсани айта олмайман-ку».**

Яъни, «Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни худо қилиб олинглар», деб айтишга менинг мутлақо ҳаққим йўқ-ку, қандай қилиб айтаман.

**«Агар айтган бўлганимда, батаҳқиқ, Сен уни билар эдинг».**

Бу ҳам Пайғамбарлик ва бандалик ҳисси билан айтилган гап. Ҳақиқатан ҳам агар фаразан шундай гап айтилган бўлганида, Аллоҳ билар эди ва унга яраша чора кўрилар ва бу хабар барчага тарқалар эди. Шунинг ўзиёқ Ийсо алайҳиссалом ҳеч қачон худолик даъвосини қилмасликларини кўрсатиб турибди.

**«Сен менинг дилимдагини биласан, мен Сендаги ҳеч нарсани билмасман. Албатта, Сен Ўзинг ғайбларни энг яхши билгувчи Зотсан».**

Ийсо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг сифатларини аниқ тушунган бир банда ва Пайғамбар эканликлари ушбу жавобларидан яққол кўриниб турибди. Аллоҳ бир бандасининг дилида яширган нарсасини биладиган, барча ғайбларни энг яхши биладиган Зот бўла туриб, Ийсо алайҳиссаломдек машҳур бир Пайғамбар кўпчилик ичида худоликни даъво қилганини билмай қолар эдими?

Кейинги оятларда Ийсо алайҳиссаломнинг жавоблари давом этади:

مَا قُلْتُ لَهُمْ إِلَّا مَا أَمَرْتَنِي بِهِ أَنْ أَعْبُدُوا اللَّهَ رَبِّي وَرَبَّكُمْ وَكُنْتُمْ عَلَيْهِمْ شَهِيدًا مَّا دُمْتُمْ فِيهِمْ  
فَلَمَّا تَوَفَّيْتَنِي كُنْتُ أَنْتَ الرَّقِيبَ عَلَيْهِمْ وَأَنْتَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ ﴿١٧﴾

**117. Мен уларга Ўзинг менга амр қилган нарса: «Аллоҳга, менинг Роббим ва сизнинг Роббингизга ибодат қилинг»дан бошқани айтганим йўқ. Ва, модомики, ораларида эканман, уларга гувоҳ бўлдим. Мени Ўзингга олганингдан сўнг, Сенинг Ўзинг уларга кузатувчи бўлдинг. Зотан, Сен ҳар бир нарсага гувоҳсан.**

Демак, Ийсо алайҳиссалом насороларга, мен ҳам, сизлар ҳам Аллоҳнинг бандаларимиз ва ҳамиша Унга ибодат қилиш зарур, деб айтганлар. Ундан бошқа гапни айтмаганлар. Яъни, «Мени Худо қилиб олинглар», — демаганлар. Ийсо алайҳиссалом яна бошқа ишлар ҳам қилганлар:

**«модомики, ораларида эканман, уларга гувоҳ бўлдим».**

Яъни, қилган ишлари, айтган гаплари ва бошқа нарсаларига гувоҳ бўлдим. Жумладан, сенинг амрингни қанақа қабул қилишларига гувоҳ бўлдим. Менинг улар ичида бўлган вақтимдаги гаплар шулардан иборат. Мен худолик даъвосини қилганим йўқ. Мендан кейин нима бўлганини Ўзинг биласан.

**«Мени Ўзингга олганингдан сўнг, Сенинг Ўзинг уларга кузатувчи бўлдинг. Зотан, Сен ҳар бир нарсага гувоҳсан».**

إِنْ تَعَذَّبْتَهُمْ فَإِنَّهُمْ عِبَادُكَ وَإِنْ تَغْفِرْ لَهُمْ فَإِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿١١٧﴾

**118. Агар уларни азоблайдиган бўлсанг, бас, албатта, улар Сенинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қиладиган бўлсанг, бас, албатта, Сенинг Ўзинг азиз – волиб ва ҳикматли Зотсан.**

Яъни, ҳамма нарса Ўзингнинг қўлингда, нима қилишни Ўзинг биласан.

**«Агар уларни азоблайдиган бўлсанг, бас, албатта, улар Сенинг бандаларинг».**

Сендек қилган ишидан сўралмайдиган Зот Ўз бандаларидан хоҳлаганини, хоҳлаганича азоблайверишга ҳақли.

**«Агар уларни мағфират қиладиган бўлсанг, бас, албатта, Сенинг Ўзинг азиз – волиб ва ҳикматли Зотсан».**

Азизлигингдан Сен қилмоқчи бўлган ишга биров тўсиқ бўла олмайди. Ҳакиймлигингдан Сен қилган ишни биров беҳикмат дея олмайди.

Келаси ояти каримада ниҳойи ҳукм қандоқ бўлиши ҳақида сўз кетади.

قَالَ اللَّهُ هَذَا يَوْمٌ يَنْفَعُ الصَّادِقِينَ صِدْقُهُمْ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١١٨﴾

**119. Аллоҳ: «Бу кун, ростгўйларга ростгўйликлари манфаат берадиган кун. Уларга остидан сувлар оқиб турган жаннатлар бор, унда абадий – боқий бўлурлар. Аллоҳ улардан рози бўлди. Улар Аллоҳдан рози бўлди. Бу эса, улуғ ютуқдир» – деди.**

Оятдаги «ростгўйлар»дан мурод иймони содиқлардир. «Кун»дан мурод эса, қиёмат кунидир.

**«Бу кун, ростгўйларга ростгўйликлари манфаат берадиган кун».**

Аллоҳ таолонинг таъкидлашича, қиёмат кунда иймонлиларга иймонлари манфаат беради. Мазкур манфаат қуйидаги шаклда зоҳир бўлади.

**«Уларга остидан сувлар оқиб турган жаннатлар бор, унда абадий – боқий бўлурлар».**

Яъни, қиёмат кун иймонлиларга дарахтлари остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор. Улар мазкур жаннатларда абадий қолурлар.

**«Аллоҳ улардан рози бўлди. Улар Аллоҳдан рози бўлди. Бу эса, улуғ ютуқдир».**

Бундоқ бўлишида ҳеч шубҳа йўқ. Чунки,

لِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا فِيهِنَّ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٢٠﴾

**120. Осмонлару ер ва улардаги нарсалар Аллоҳнинг мулкидир. Ва У ҳар бир нарсага қодирдир.**

Ушбу улкан ҳақиқатни унутмаслик ҳар бир банда учун лозимдир.



## АНЪОМ СУРАСИ

*Маккага нозил бўлган. 165 оятдан иборат.*

«Анъом» сўзи чорва моллари маъносини англатади. Сураи кари-ма охирида анъомнинг зикри ва ҳукми келгани учун ҳам шу номни олган. Бу сура энг узун маккий суралардан ҳисобланади. Ривоятларда келишича, 165 ояти кариманинг ҳаммаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Маккаи Мукаррамада бир кечада, бир йўла нозил бўлган. Бошқа сураларга ўхшаб бўлак-бўлак бўлиб тушмаган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уни дарҳол ёдлаб олганлар ва мирзаларини чақириб, имло қилиб туриб, ёздириб қўйганлар.

Асмаа бинти Язийд розияллоҳу анҳодан қилинган ривоятда: «Анъом» сураси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бир йўла нозил бўлди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туяларини жиловидан ушлаб турар эдим. Суранинг оғирлигидан туя суяклари синиб кетай деди», — дейилади.

Имом Тобароний ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда: «Анъом» сураси Маккада, кечаси, бир йўла нозил бўлди. Атрофда етмиш минг фаришта тасбеҳ айтиб турдилар», дейилади.

Шу далилларнинг ўзиёқ бу сураи кариманинг мақоми нечоғли баянлигини ва унда келган масалалар нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.

Бу сураи кариманинг мавзуи ўн уч йил давомида Маккада муолажа қилинган бош масала — ақийда масаласидан иборатдир. Аллоҳнинг ягона илоҳлигини, ибодатга сазоворлигини, Оламларнинг Тарбиячиси, Розики ва Ҳокими эканлигини инсонларнинг ягона ақийдасига айлантиришдан иборатдир. Чунки, инсон ҳаётидаги ҳамма ишлар ақийда асосида ислоҳ қилинмаса, натижа бўлмайди. Фақат соф ва мустаҳкам ақийда асосида олиб борилган ишгина муваффақиятли чиқиши мумкин. Ақийдасиз иқтисод ҳам, сиёсат ҳам, ахлоқ-одоб ҳам, ижтимоий адолат ҳам ва бошқа нарсалар ҳам муваффақиятга эриша олмайди. Шу боисдан, Исломи динининг биринчи даври — Қуръони Каримнинг ўн уч йиллик даври шу муҳим масалага

бағишланган. Аллоҳга нисбатан банда қандай ақийдада бўлиши керак? Банда нима қилса, ҳақиқий-тўғри йўлда юрган ҳисобланади — шулар баён қилинган.

Сураинг аввалида турли бут ва санамларга сиғинаётган мушрикларнинг амаллари ботил эканлиги баён қилиниб, Аллоҳнинг ягоналигига далиллар келтирилади. Бу оят-аломатларни инкор қилувчиларнинг ҳоли не кечгани мисоллар билан исбот этилиб, Аллоҳнинг ҳақиқий илоҳ эканлиги таърифланади. Ушбу ҳақиқатни инсониятга баён этиш шарафи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга юклатилади. Сурада у зотга: «Айт!» деб, такрор-такрор хитоб этилади. Бу хитоб бир ояти каримада тўрт марта қайтарилган ўринлар ҳам бор. Умуман, «Айт!» амри сураи каримада қирқ тўрт марта такрорланган. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг таърифотида «У» лафзи кўп қўлланилган.

Давомида мушриклар инкор этаётган бу китобни (яъни, Қуръонни) аҳди китоблар яхши билиши, ўз навбатида, ширк катта зулм экани ва мушрикларнинг қиёматдаги аҳволоти зикр қилинади.

Сўнгра, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мушрикларнинг амалларидан ранжимаслик таъкидланиб, тасалли берилади ва ўтган Пайғамбарлардан ўрнак олишга чақирилади.

Сураинг сўнгида ҳайвонлар ва экинлар, ҳалол ва ҳаром ҳақида сўз боради.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَجَعَلَ الظُّلُمَاتِ وَالنُّورَ ثُمَّ الَّذِينَ كَفَرُوا

بِرَبِّهِمْ يَعْدِلُونَ

**1. Осмонлару ерни яратган, зулматлару нурни таратган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Сўнгра, куфр келтирганлар ўз Роббиларига (ўзгаларни) тенглаштирурлар.**

«Ҳамд» — гўзал мақтовлар билан эслашдир. Дунёдаги жамики ҳамдлар Аллоҳга хосдир. Аллоҳ таоло Ўзининг сўнги китоби Қуръони Каримнинг бош сураси «Фотиҳа»ни, демакки, Қуръонни ҳам ҳамд билан бошлаган. Шунингдек, Ислом даъватини ва мушрикларга қарши ҳужжатлар келтирган гапларни ўз ичига олган тўрт сурага, жумладан, «Анъом»га ҳам ҳамд ила киришади.



Бу оятда Аллоҳга келтирилаётган ҳамдлар осмонлару ерни, инсон кўзига кўришиб турган чексиз ва улкан нарсаларни яратгани учун бўлиб, уларни яратган Зот ҳар қанча мақтовга сазоворлигининг эътирофидир.

Шунингдек, зулматлар ва нур ҳам кишини лол қолдирадиган чексиз ҳодисалар ҳисобланади.

**«Осмонлару ерни яратган, зулматлару нурни таратган Аллоҳга ҳамд бўлсин».**

Улар ҳақида фикр юритган ақлли инсон Аллоҳга ҳамд айтмай иложи йўқ. Лекин шу ҳолатларни кўриб-билиб туриб, Роббиларига ўзгаларни тенглаштирадиган кимсалар – мушриклар ҳам бор.

**«Сўнгра, куфр келтирганлар ўз Роббиларига (ўзгаларни) тенглаштирурлар».**

Агар уларнинг инсофи бўлганида эди, осмонлар ва ерга назар ташлаб, уларнинг тузилиши, улканлиги ва ажойиботларидан ягона ва ҳар нарсага қодир Аллоҳгагина иймон келтиришни, бошқаларни Унга тенглаштирмасликни англаб олар эдилар.

هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ طِينٍ ثُمَّ قَضَىٰ أَجَلًا وَأَجَلٌ مُّسَمًّى عِنْدَهُ ثُمَّ أَنْتُمْ تَمُرُونَ ﴿١٥﴾

**2. У сизларни лойдан яратган, сўнгра ажални белгилаб қўйган Зотдир. Белгиланган ажал эса Унинг ҳузуридадир. Шундан кейин ҳам сиз шак келтирурсиз.**

Яъни, Аллоҳ сизларнинг отангиз бўлмиш Одамни лойдан яратди. Шу билан бирга, ҳар бирингизнинг бу дунёда қанча муддат яшашигингизни – ажалингизни белгилаб қўйди. Охиратда қайта тирилишигиз ҳам белгилик. Ушбу ишларни билиб туриб ҳам яна шакшубҳа қиласиз-а! Лойдан ясалган жасадга жон киритиш ҳозиргача ҳаммани лол қолдираётган ҳаёт масаласига боғлиқ.

Жонли махлуқотларда жон қаердан пайдо бўлди? Уни кўриш мумкинми? Илмий тажрибаларда, лабораторияларда яратиш бўладими? Худосизлар ҳар қанча уринмасинлар, жон ва ҳаёт ҳақидаги бунга ўхшаш саволларга жавоб топа олмадилар.

Шунингдек, жонни берган Зот уни қайтиб олишини – ажалини ҳам белгилаб қўйган. Қачон олишини Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Бу дунё ажалидан сўнг бошланувчи, у дунё учун белгиланган қиёмат вақтини ҳам тайин этган. Бу вақт, яъни, қиёмат қачон бўлишини Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Мана шу аломатлар ақли-инсофи бор инсонларга ягона Аллоҳга иймон келтириш, Унга ўзгани тенглаштирмаслик учун далил ва омил бўлиши керак. Лекин

шундан кейин ҳам шак-шубҳа қиладиганлар бор. Ана ўшалар билиб қўйсинларки:

وَهُوَ اللَّهُ فِي السَّمَوَاتِ وَفِي الْأَرْضِ يَعْلَمُ سِرَّكُمْ وَجَهْرَكُمْ وَيَعْلَمُ مَا تَكْسِبُونَ ﴿٦٠﴾

**3. У осмонларда ҳам, ерда ҳам Аллоҳдир. Сирингизни ҳам, ошкорингизни ҳам биладир. Қилган касбу корингизни ҳам биладир.**

Осмонлару ерни яратган зот, албатта, ягона Аллоҳ экани муқаррар. Бандалар нимани сир тутсалар, ҳаммасини билади. Ошкора нарсаларни билиши эса, турган гап. Бандаларнинг қилган «касбу корларини», жумладан, ширк келтирган бўлсалар, уни, яхшилик ва ёмонлик қилган бўлсалар, уларни ҳам ҳаммасини билиб туради. Бинобарин, мукофот ёки жазо ҳам Унинг илкида.

Шундай бўлгандан кейин Уни ягона илоҳ деб, тан олиш, Унга иймон келтириш ва У айтганидек яшаш керак эди. Лекин улар буни қилмадилар.

وَمَا تَأْتِيهِمْ مِنْ آيَةٍ مِنْ آيَاتِ رَبِّهِمْ إِلَّا كَانُوا عَنْهَا مُعْرِضِينَ ﴿٦١﴾

**4. Мудом уларга ўз Роббилари оятларидан бир оят келса, ундан юз ўгирувчи бўлдилар.**

Қуръони Каримда «оят» сўзи Қуръоннинг бошланиши ва ниҳояси маълум бир бўлагини, яъни, урфда ишлатаётганимиз оят маъносини англатишидан ташқари, белги-аломат, далил ва мўъжиза маъноларида ҳам қўлланилади. Бу ўринда ўша маъноларнинг барчаси назарда тутиляпти. Яъни, кофир-мушрикларга Аллоҳнинг ягоналиги, ҳақиқий ибодатга сазовор зот эканлиги, Робб — тарбиячи эканлиги ҳақида Қуръон оятлари нозил бўлса ёхуд ўша маъноларга ишорат қилувчи белги-аломатлар ва мўъжизалар келса, юз ўгирадилар.

Демак, уларнинг куфри ва ширки далил-ҳужжат ва ибрат йўқлигидан эмас, балки саркашлик туфайлидир. Улар далил, ҳужжат излаганларида ҳар лаҳзада, ҳар қадамда топар эдилар. Бундай саркашларга қаттиқроқ, қўрқитиб, даҳшатга соладиган қилиб гапириш керак бўлади.

فَقَدْ كَذَّبُوا بِالْحَقِّ لَمَّا جَاءَهُمْ فَسَوْفَ يَأْتِيهِمْ أَنْبَاءُ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴿٦٢﴾

**5. Уларга ҳақ келганда уни ҳам ёлғонга чиқардилар. Тезда уларга ўзлари истехзо қилган нарсанинг хабари келур.**

Юқоридаги оятларда сифатлари зикр қилинган мушриклар Аллоҳ таолодан уларга ҳақиқат, яъни, ҳақ дин, ҳақ китоб, ҳақ Пайғамбар ва ҳақ шариат келганида, бурунги саркашликларини ишга солиб, уни ҳам ёлғонга чиқардилар. Аммо Аллоҳ таоло бу ишларни эътиборсиз қолдирмайди. Уларнинг нотўғри йўлларини тўғрилаш ва боз устига, келажақда даъво қилмасликлари учун Аллоҳ таоло марҳамат қилиб, уларга меҳр кўрсатади. Аммо динсиз саркашлар ҳақни ёлғонга чиқариш билан чексиз азобга лойиқ бўладилар.

**«Тезда уларга ўзлари истехзо қилган нарсанинг хабари келур».**

Бунга ҳеч шубҳа йўқ. Кутиб тураверишсин. Чунки, уларга ўхшаганлар аввал ҳам ўтган ва оқибатлари яхши бўлмаган. Ёки:

أَلَمْ يَرَوْا كَمْ أَهْلَكْنَا مِنْ قَبْلِهِمْ مِنْ قَرْنٍ مَكَتَّهِمْ فِي الْأَرْضِ مَا لَمْ نُمِكِّنْ لَهُمْ وَأَرْسَلْنَا  
السَّمَاءَ عَلَيْهِمْ مِدْرَارًا وَجَعَلْنَا الْأَنْهَارَ تَجْرِيًا مِنْ تَحْتِهِمْ فَأَهْلَكْنَاهُمْ بِذُنُوبِهِمْ وَأَنْشَأْنَا مِنْ بَعْدِهِمْ  
قَرْنًا آخَرِينَ ﴿١٠﴾

**6. Улардан олдин қанча асрларни ҳалок қилганимизни билмасларми? Ўшаларга ер юзида сизларга бермаган имконларни берган эдик. Осмондан устларига барака ёмғири юборган ва остларидан анҳорлар оқиб турадиган қилиб қўйган эдик. Бас, гуноҳлари туфайли уларни ҳалок қилдик ва ўринларига бошқа асрларни пайдо қилдик.**

«Аср» сўзи юз йиллик муддатни англатишини биламиз. Бу ерда ўша муддат орасида яшаган одамлар кўзда тутилмоқда. Инсон ўзи билан ўзи овора бўлиб қолиб, ўтмишга ибрат ила назар солишни унутиб қўяди. Аслида эса, ўтмишга ибрат ила назар солиш, хусусан, ҳалокатга учраган қавмлар ҳалокатининг сабабларини ахтариш, уларни топиб, ўрнат олиш керак. Шунинг учун, Қуръони Каримнинг баъзи ўринларида ўтмишда ҳалок бўлган муайян қавмлар ушбу оятдагидек умумий равишда эслатилади.

**«Улардан олдин қанча асрларни ҳалок қилганимизни билмасларми?»**

Албатта, биладилар. Ушбу оятлар нозил бўлиб турган пайтдаги кофир ва мушриклар ҳам бу ҳақиқатни яхши билардилар. Ҳатто ўзаро эслашиб юрар эдилар. Сафар чоғида Од, Самуд ва Лут қавм-

лари ҳалокатидан мерос қолган асоратларни ўз кўзлари билан кўрар, гувоҳ бўлар, лекин ибрат ола билмас эдилар.

Ушбу оятларни тафсир қилиб турган бугунги кунимиздаги кофир ва мушриклар ҳам бу ҳақиқатни яхши биладилар. Китобларда ўқиганлар, дарсларда ўрганганлар. Турли воситалар ила маълумот олганлар. Аммо ўша ҳалок бўлганлар қисматидан ибрат олмайдилар. Ўтмишдошлари ҳалокати сабабларини ўзларича бошқа ердан қидирадилар ва, табиат кучлари олдида ожиз қолганлар, қуроллари етарли бўлмаган ва шу каби баҳоналарни рўкач қиладилар. Қуръони Карим эса, ўтмиш асрлар ҳалокатининг ҳақиқий сабабларини кўрсатиб беради:

**«Ўшаларга ер юзида сизларга бермаган имконларни берган эдик».**

Уламоларимиз, бу жумладаги хитоб ўша даврдаги Қурайш қабиласи аҳлига қаратилган, дейдилар. Демак, оят нозил бўлаётган пайтдаги қурайшликлардан кўра уларнинг аجدодларига яхши имконлар берилган экан. Шу имконлардан баъзиси:

**«Осмондан устларига барака ёмғири юборган ва остларидан анҳорлар оқиб турадиган қилиб қўйган эдик».**

Бу уларга кенг ризқ берилганининг аломатидир. Хўш, улар бу сероб ризқнинг шукрини қилиб, саодатманд бўлдиларми?

**«Бас, гуноҳлари туфайли уларни ҳалок қилдик ва ўринларига бошқа асрларни пайдо қилдик».**

Ўтган қавмлар ҳалокатига табиий офатлар, уруш ёки бошқа сабаблар эмас, гуноҳлари омил бўлганлиги Қуръоний тафсирдир. Чунки, табиий офатни сабаб десак, бошқа қавмлар бу офатга учрамадилар. Заифлиги сабаб десак, умуман кучсизлар ҳам саломат қолдилар. Хулоса қилиб айтганда, тарихни моддийат асосида тушунтирувчилар келтирадиган ҳамма далиллар шу каби асоссиздир. Аммо тарихни исломий таҳлил қилишга мувофиқ эса, ҳалокатга учраган асрларнинг ҳалокатига сабаб уларнинг гуноҳларидир. Қайси бир аср, қавм, тузум ва қай бир давлатнинг ҳалокатга учраш сабаблари яхшилаб тадқиқ этилса, бош сабаб гуноҳлари эканлиги аён бўлади. Аллоҳнинг умумий қонуни – куфр ва гуноҳкорликнинг оқибати ҳалокатдир. Инсон эса, ожизлигидан буни фаҳмламайди. Инсон дунё ишларини ўз мезони билан ўлчаши оқибатида алданиб қолади. У ўзи кўриб турган воқеликка, чегараланган вақтга мувофиқ ҳукм чиқариб алданади. Унинг кўз олдида кофирлар, осийлар, мушриклар, худосизлар ҳукмга, айшу ишратга эга эканини, егани олдида, емагани ортида эканини кўриб алданади. Бу дунёвий нарсалар кофир ва осийларга уларнинг даражасини фарқлаш учун берилгани-

ни тушунмай чалғиб қолади. Охири вой бўлишини англаб етмайди. Тарих бунга шоҳид. Дунёни ларзага солган Рум империяси нима бўлди? Юнонларнинг оқибати нима бўлди? Бошқаларнинг оқибати-чи? Мўғуллар, салбчилар, олмонлар ва советлар нима бўлди? Ҳамма-ҳаммаси йўлга энди кириб борганда бутун дунё уларга ҳавас билан қаради, улардан зир титради. Бу эса, ўз навбатида, гуноҳкорларни янада ҳаддан ошишга, гуноҳларни кўпроқ қилишга чорлади. Улар шундай қилдилар ҳам. Оқибатда, бошқа гуноҳкор қавмлар, тузумлар каби, ҳалокатга учрадилар. Бўлиб ўтган бу ҳодисалар кейинги авлодларга ўрнак бўлиши, у авлод олдингиларининг хатосини, гуноҳкорлик йўлини танламасликлари, у йўлдан юрмасликлари, фақат тақводорлик йўлини танлаб, ўша йўлдан юрмоқлари лозим.

Кейинги оятларда мушрик-кофирларнинг ғалати ҳолатлари баён қилинади. Улар ҳақни ёлғонга чиқариб, ундан юз ўтириб, Аллоҳнинг оятларидан истехзо қила туриб, яна мўъжизалар кўрсатишни, баъзи хос ишларни юзага келтиришни талаб қилар эдилар. Ана ўша ботил талабларга муносиб раддия келмоқда:

وَلَوْ نَزَّلْنَا عَلَيْكَ كِتَابًا فِي قِرْطَاسٍ فَلَمَسُوهُ بِأَيْدِيهِمْ لَقَالُوا الَّذِيْنَ كَفَرُوْا اِنْ هٰذَا اِلَّا سِحْرٌ مُّبِيْنٌ ﴿٧﴾

**7. Агар сенга қоғоз-китоб туширсақ, уни қўллари билан ушлаб кўришса ҳам, куфр келтирганлар: «Бу аниқ сеҳрдан ўзга ҳеч нарса эмас», дерлар.**

Чунки, уларда аслан ҳақиқатни англаш майли йўқ. Улар нима қилиб бўлса-да, инкор қилишнинг йўлини ахтарадилар. Ушбу талабни қўйишнинг ўзи ҳам ортиқча. Агар улар ҳақиқатга етиш истагида бўлсалар эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ораларида борликларининг ўзи кифоя қиларди. Барчаларининг эътирофига кўра умрида бир оғиз ҳам ёлғон сўз сўйламагани билан машҳур бўлган, мушрикларнинг ўзлари «Амин» деган лақаб қўйган зот қирқ ёшидан кейин Аллоҳнинг номидан ёлғон гапирар эдими? Агар улар ҳақиқатга етиш истагида бўлсалар, Қуръони Каримнинг оғзаки шаклда нозил бўлиб турганининг ўзи ҳам етар эди. Улар Қуръонинг балоғати ва фасоҳатини, ғайриоддий услубини кўриб-эшитиб, «Бу, башарнинг сўзи эмас», дейдилар-да, нега энди қоғозга ёзилган шаклда тушишини талаб қилиб қоладилар? Ҳақиқатни истаганлариданми? Йўқ, уларда бундай мақсад йўқ. Фараз қилайлик, уларнинг Қуръонга нисбатан шак ва шубҳаларини кетказиш учун:

**«Агар сенга қоғоз-китоб туширсақ, уни қўллари билан ушлаб кўришса ҳам»,** иймонга келмайдилар. Тўғри йўлга тушиб олмайди-

лар. Чунки, аслида ҳақиқатга етмоқчи эмаслар. Шунинг учун, уларнинг талабларидан ҳам аниқроқ мўъжиза содир бўлганда:

**«Бу, аниқ сеҳрдан ўзга ҳеч нарса эмас», дейдилар».**

Яна:

وَقَالُوا لَوْلَا أَنْزَلَ عَلَيْهِ مَلَكٌ وَلَوْ أَنْزَلْنَا مَلَكَ الْقُضَى الْأَمْرُ ثُمَّ لَا يُنظَرُونَ

**8. Улар: «Агар унга фаришта туширилса эди», дедилар. Агар фаришта туширсак, иш битди ҳисоб. Сўнгра уларга қараб турилмас.**

Бу оятда кофир-мушриклар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Пайғамбарликларига шубҳа қилишлари ҳақида сўз бормоқда. Улар, Муҳаммаднинг Пайғамбарлигини тасдиқлаб, осмондан фаришта тушсагина, унинг гапларига ишонамиз, қабилида даъволар қилишган эди. Бу ҳам аввалги оятдаги талабга ўхшаб ҳақиқатни билиш истагидан эмас, саркашликларининг жиловсизлигидан келиб чиққан эди.

**«Улар: «Агар унга фаришта туширилса эди», дедилар».**

Аммо, бу талаб нақадар хатарли эканлигини англаб етмадилар. Одатда, Аллоҳ таоло Пайғамбарини ёлғончи қилган қавмга фаришта туширадиган бўлса, фақат уларни ер билан яксон қилиш учунгина туширади.

**«Агар фаришта туширсак, иш битди ҳисоб. Сўнгра уларга қараб турилмас».**

Барчалари ҳалок этилиб, ер билан яксон қилинур.

وَلَوْ جَعَلْنَاهُ مَلَكَ الْجَعَلْنَاهُ رَجُلًا وَلَلَبَسْنَا عَلَيْهِمْ مَا يَلْبَسُونَ

**9. Агар уни фаришта қилсак ҳам, эркак қилган бўлар эдик ва ўзлари мушкуллаштирган нарсани уларга яна ҳам мушкуллаштирар эдик.**

Кофир-мушриклар одам Пайғамбарга ишонмай, уни тасдиқловчи фаришта ҳам тушишини даъво қилиб, ишни мушкуллаштирдилар. Шу билан бирга, улар фаришталар ҳақидаги тасаввурни ҳам, фаришталар – аёл, улар Аллоҳнинг қизларидир, деган ақийда билан мушкуллаштирган эдилар. Шунинг учун ҳам, уларнинг Пайғамбарликни тасдиқ этиш учун фаришта тушириш иддаolari қондирилса, улар учун мушкулот яна ҳам оғирлашган бўлар эди.

**«Агар уни фаришта қилсак ҳам, эркак қилган бўлар эдик».**



Яъни, улар эътиқод қилганларидек, осмондан Пайғамбарни тасдиқлаш учун юборилган фаришта аёл сувратида бўлмас эди. Буни кўрган мушриклар фаришта бўлса, аёл бўлиши керак эди, бу ҳам бошқа бир нарса шекилли, деб турли хом хаёллар билан чалғир эдилар. Натижада:

**«...ўзлари мушкуллаштирган нарсани уларга яна ҳам мушкуллаштирар эдик».**

Бу эса, ўз навбатида, уларни янада қаттиқроқ иқобга дучор қилар эди.

Кейинги оят мушриклардан озор тортган Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бўлиб келмоқда:

وَلَقَدْ أَسْهَرْنَا بِرُسُلِنَا مِنْ قَبْلِكَ فَحَاقَ بِالَّذِينَ سَخِرُوا مِنْهُمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿١٠﴾

**10. Сендан олдинги Пайғамбарлар ҳам истеҳзо қилинганлар. Уларни масхара қилганларни қилган истеҳзолари ўз домига тортган.**

Яъни, эй Пайғамбар, қавминг мушрикларининг сенга қилаётган кирдикорларидан озор чекма, бу кўҳна одат, ушбу мушрикларга ўхшаш саркаш, бефаҳм гуноҳкорлар олдин ҳам бўлган ва улар томонидан:

**«Сендан олдинги Пайғамбарлар ҳам истеҳзо қилинганлар».**

Бу борада сен ёлғиз эмассан. Шу билан бирга, сени истеҳзо қилаётган кофиру мушриклар билиб қўйсинларки, Аллоҳ таоло томонидан келган Пайғамбарларга бу зайл ёмон муомала қилиб бўлмайди. Чунки, тарихга назар соладиган бўлсак, доимо:

**«Уларни масхара қилганларни, қилган истеҳзолари ўз домига тортган!»**

Яъни, шу туфайли ҳалокатга учраганлар. Агар ишонмайдиган бўлсалар, уларга:

قُلْ سِيرُوا فِي الْأَرْضِ ثُمَّ أَنْظِرُوا كَيْفَ كَانَتْ عَاقِبَةُ الْمُكَذِّبِينَ ﴿١١﴾

**11. «Ер юзида сайр қилингиз, сўнгра ёлғончи қилувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солингиз», деб айт.**

Ушбу ояти карима нозил бўлгунга қадар инсоният ер юзида савдо-сотик, уруш-босқинчилик ва маишат истаб, сайр-сафар қилар

эди. Бундай юришларнинг ҳаммаси ҳам дунё матоси учун бўларди. Ушбу ояти карима инсониятни янги бир назарияга, янги бир бурилишга даъват қилмоқда. У ҳам бўлса, ибрат олиш, ҳидоят йўлига тушиш учун фойда берадиган сафар лозимлигини таъкидламоқда. Маърифий сафар қилувчи ўз сафари давомида ўтган аждодлар яшаган жойларни кўриб, ҳидоятга юрмаган, Пайғамбарларни ёлғончига чиқарганларнинг оқибати нима билан тугаганига диққат билан эътибор бериб, ўзига тегишли ибрат олиши лозим..

Дарҳақиқат, ер юзининг қаерига борилса, тарихий осори атийқалар ва бошқа омиллар ўрганилса, куфру ширк, гуноҳ ва исён билан ўтганларнинг оқибати вой бўлгани равшан кўринади. Исломдаги сайру саёҳат ҳам шу маънода ибрат сафари, ҳидоят йўлига томон йўлланиш сафари бўлади. Ҳозирда маърифий маънодаги сафарлар кўпайди, аммо, ушбу оятда кўзланганидек, ибрат олиш учун эмас. Ҳозирги сафарлар жосуслик, ўйин-кулгу, ҳаром-хариш ишлар, бир-бирининг устидан кибрланиш каби қилмишларга хизмат этмоқда.

Аввалги оятларда дунёнинг ягона яратувчиси борлиги, Пайғамбарлик ҳақ экани, ўтганлардан ибрат олиш лозимлиги каби масалалар баён қилинганди, энди кофир-мушрикларнинг ўзларига мурожаат қилиб, уларни ҳақиқат билан юзма-юз қўйишга ундовчи оятлар келади:

قُلْ لِّمَن مَّا فِي السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ قُلْ لِلّٰهِ كُنْبَ عَلٰى نَفْسِهٖ الرَّحْمَةُ لِيَجْمَعَكُمْ اِلٰى  
 يَوْمِ الْقِيٰمَةِ لَا رَيْبَ فِيْهِ الَّذِيْنَ خَسِرُوْا اَنْفُسَهُمْ فَهُمْ لَا يُؤْمِنُوْنَ

**12. «Осмонлар ва ердаги нарсалар кимники?» – деб айт! «Аллоҳники», деб айт! У Ўзига Ўзи раҳматни ёзиб қўйган. Сизларни бўлишида шубҳа йўқ қиёмат куни албатта жамлайдир. Ўзига ўзи зиён келтирувчиларгина, ўшаларгина иймон келтирмаслар.**

Ажойиб савол. Аллоҳнинг шериги бор, дея эътиқод қилиб, баъзи ишларни ўша бут ва санам ёки бошқа нарсаларни рози этиш учун қилаётган мушрикларга, уларнинг юзларига тик қараб туриб берилган савол.

**«Осмонлар ва ердаги нарсалар кимники?»**

Улар аввал бу саволга жавоб берсинлар-чи, кейин кимга қандай ибодат қилиш, бўйсунуш, унинг розилигини топиш учун жаҳд қилиш кераклиги ўйлаб кўрилади.

**«Осмонлар ва ердаги нарсалар кимники?»**

Ёғочдан ясалган бутникими ёки тошдан ўйилган санамникими? «Муқаддас худо» деб, қўйиб юборилган сигирникими, қуёш ёхуд ойникими? Агар ҳақиқатан ҳам ўшаларники ёки улардан бировиники бўлса, унда ўшанга сиғиниш, унинг айтганини қилиб яшаш ва унинг розилигини топишга уриниш лозим бўлади. Табиийки, мушрик ва кофирлар бу саволга жавоб бера олмайдилар. Агар берсалар ҳам, «Аллоҳники» деб, жавоб берадилар. Шунинг учун, эй Пайғамбари охири замон, ўзинг,

**«Аллоҳники», деб айт!...»**

Худди шу саволни бугунги куннинг кофир, мушрик ва худосизларига бериш лозим. Бурунги кофирлар Аллоҳнинг ҳукмига бошқаларни шерик деб адашган бўлсалар, ҳозирги кофирлар Аллоҳнинг ҳукмини бутунлай инкор қилиб куфрга юз тутдилар.

Осмонлар ва ердаги нарсалар Аллоҳнинг мулки бўлиши билан бирга:

**«У Ўзига Ўзи раҳматни ёзиб қўйган».**

Аслида, ягона Аллоҳ Холиқ, Молик ва Ҳоким сифатида нима қилса, ҳаққи бор эди. Аммо Ўз фазли ила Ўзига Ўзи раҳимлиликни, меҳру шафқатни ёзиб қўйган. Аллоҳ таоло Роҳман ва Роҳиймдир, Ўз махлуқотлари билан қиладиган муомаласи ана шу қоида — раҳим-шафқат ва мурувват асосида бўлиши лозимлигини ирода этган. Ҳатто бандаларга етган баъзи мусийбатлар ҳам, оқибати ўйланса, раҳим ва шафқатдандир. Умуман, исломий тасаввурда Аллоҳ таолонинг оламларга қиладиган барча муомаласи раҳим-шафқат асосидадир.

Имом Бухорий ва имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло махлуқотларни яратганда Арши устидаги китобга: «Раҳматим ғазабимдан ғолибдир», деб ёзиб қўйган», деганлар.

Яна ушбу икки улуғ имом Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган бошқа бир ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ раҳматини юз бўлак қилган. Тўқсон тўққизтасини олиб қолиб, биттасини ер юзига туширган. Ана ўша бўлак туфайли махлуқлар бир-бировига раҳим қиладилар. Ҳайвонлар ўз боласини босиб олмай деб, оёқларини кўтариб олиши ҳам ўшандан», деганлар.

Ушбу асосий қоидадан келиб чиқиб, Исломда раҳим-шафқат масаласига кенг қаралади. Дунёдаги барча мавжудотларга раҳим-шафқат қилиш, улар орасида ўзаро меҳрибонлик бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор берилади.

Имом Термизий Амр ибн Оснинг ўғилларидан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Раҳимлиларга Аллоҳ таоло раҳим қилади. Ердагиларга раҳим қилинг. Сизга осмондаги Зот раҳим қилади», деганлар.

Буюк имомлар Бухорий, Муслим ва Термизий Жарир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларга раҳим қилмайдиган одамга Аллоҳ таоло раҳим қилмайди», деганлар.

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Раҳимдиллик фақат бадбахтнинг қалбидангина суғуриб олинади», деганлар. Демак, раҳимдиллик саодатмандлик аломати бўлса, раҳимсизлик бадбахтлик аломатидир.

Имом Бухорий ва имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар зикр қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Алининг ўғиллари Ҳасанни ал-Ақраъ ибн Ҳобиснинг олдида ўпдилар. Ал-Ақраъ буни кўриб: «Менинг ўнта фарзандим бор, аммо бирортасини ҳам ўпганим йўқ», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга бир назар солдилар-да:

«Раҳим қилмаган раҳим кўрмайди», дедилар.

Ислом инсонларга раҳим-шафқат кўрсатиш ҳудудидан чиқиб, бутун мавжудотга раҳим қилиш шиорини олға суради. Мусулмон инсон борлиқдаги барча нарсаларга раҳимли бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

Имом Бухорий, Муслим ва Моликлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Бир одам йўлда кетаётиб қаттиқ чанқади. Бир қудуқни топиб, унга тушиб сув ичди. Кейин қайтиб чиқиб, чанқоқлигидан тупроқни ялаётган итни кўрди. Бу ит ҳам менга ўхшаб чанқабди, деди. Қудуққа тушиб, маҳсисини сувга тўлдирди ва овзига тишлаб қайтиб чиқди. Итга сув берди. Аллоҳ таоло уни мағфират қилди». Саҳобалар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Бизга ҳайвонларда ҳам ажр борми?» — деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар бир жигари борда ажр бор», дедилар.

Имом Абу Довуд Абдурроҳман ибн Абдуллоҳнинг оталаридан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар зикр қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик. Бир қушни икки боласи билан кўрдик ва болаларини олдик. Шунда қуш келиб гирдикапалак бўлиб уча бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етиб келдилар-да:

«Бу қушни ким боласи туфайли фожеага учратди? Унга боласини қайтариб беринглар», дедилар. Чумолининг уясига ўт қўйган эдик. Уни кўриб қолиб:

«Бунга ким ўт қўйди?» – дедилар.

«Биз», дедик.

«Ўт-олов билан азоблашга фақат ўт-олов Роббисининг ҳаққи бор, холос», дедилар у зот.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир чумоли Аллоҳнинг Пайғамбарларидан бирини чақиб олганида, амр қилиб, чумолининг уясини куйдирган экан. Шунда Аллоҳ таоло ўша Пайғамбарга ваҳий юбориб: «Бир чумоли сени чаққани учун, тасбеҳ айтиб турган умматлардан бир умматни куйдирдингми», деган экан», дедилар.

Бу мавзуда қанча гапирсак, оз. Фикҳ китобларимизда ҳайвон соғувчилар тирноқларини олишлари лозимлиги, соғилаётган ҳайвоннинг елинига зарар етказмаслик кераклиги, ҳайвонларни қийнаб, уларга оғир юк юклаш, оч қолдириш мумкин эмаслиги ва шунга ўхшаш таълимотлар ипидан-игнасигача баён қилинган. Шу ҳам Ислом раҳим-шафқат дини эканига далилдир.

**«Сизларни бўлишида шубҳа йўқ қиёмат куни албатта жамлайдир».**

Қуръони Карим нозил бўлишидан олдин араб мушриклари ҳозирги кофир, динсиз ва мушрикларга ўхшаб, қиёмат куни бўлишига ишонмас эдилар. Шунинг учун ҳам, уларга бу ҳақиқат таъкидлаб уқтирилмоқда. Исломда қиёмат кунига, ул кунда содир бўладиган ҳодисаларга ишониш – иймон келтириш ақийданинг асосий рукнларидан ҳисобланади. Бусиз инсон ўзини мўмин-мусулмон дея олмайди. Қиёмат кунига иймон келтирган одам ёмонликлардан сақланиб, яхшиликларни амалга оширади. Қиёмат кунига:

**«Ўзига ўзи зиён келтирувчиларгина, ўшаларгина иймон келтирмаслар».**

Келаси ояти каримада ҳам Аллоҳ таолонинг улуғворлик васфлари давом этади.

﴿وَلَهُ مَا سَكَنَ فِي اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾

**13. Кечада ва кундузда сокин бўлганлар Уникидир. У эшитгувчи ва билгувчи Зотдир.**

Бу оятда замонга дохил барча нарсалар Аллоҳнинг мулки эканлиги баён қилинмоқда. Аввал «осмонлару ер», деб барча маконлардаги нарсалар Аллоҳнинг мулки эканлиги баён қилинган эди. Кеча ва кундуз эса, барча вақтни ўз ичига олгандир.

**«Кечада ва кундузда сокин бўлганлар Уникидир».**

Демак, Аллоҳ таоло барча маконлардаги ва барча замонлардаги нарсаларнинг Моликидир. У макон ва замонда кечаётган барча воқеа-ҳодисаларни кўриб, билиб, эшитиб туради.

**«У эшитгувчи ва билгувчи Зотдир».**

Ана шундай сифатларга эга бўлган Аллоҳни қўйиб:

قُلْ أَغَيَّرَ اللَّهُ وَلِيًّا فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ يُطْعِمُ وَلَا يُطْعَمُ قُلْ إِنِّي أُمِرْتُ أَنْ  
أَكُونَ أَوَّلَ مَنْ أَسْلَمَ وَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٤﴾

**14. Сен: «Аллоҳдан ўзгани валий – дўст қилиб оламанми? У осмонлару ерни яратгувчидир. У таом беради ва таомланмайди», деб айт. «Мен аввалги таслим бўлувчи бўлмоққа амр қилиндим ва менга ҳеч мушриклардан бўлмагин, деб айтилди», деб айт.**

Инсон фақат Аллоҳнигина Ўзига валий – мавло, йўлбошчи, ҳоким, ёрдам берувчи қилиб олмоғи лозим. Чунки,

**«У осмонлару ерни яратгувчидир».**

Ўша Яратгувчи зотни – осмонлару ернинг бағридаги жамики нарсаларнинг молики – эгаси бўлган Зотни қўйиб, кимни валий қилиб олиш мумкин?

**«У таом беради ва таомланмайди».**

Агар бу дунёда яшашга имкон берувчи зотга ибодат қилиш керак бўладиган бўлса, бу иш ҳам Аллоҳнинг Ўзигагина тегишли. Бу дунёда махлуқотларга ҳақиқий таом берувчи фақат унинг Ўзи, холос. Бундан бошқа нарсалар ўзлари бировга таом бера олмайдилар, балки барчалари ўзлари таом ейдилар. Аллоҳ эса, барчага таом бергани билан Ўзи таомга ҳожатманд эмас...

**«Мен аввалги таслим бўлувчи бўлмоққа амр қилиндим».**

Таслим бўлиш мукамал мусулмон бўлиш маъносини англатади. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, у кишидан ўз динларига бир оз бўлса-да ён босишни сўраб турган мушрикларга очиқ-ойдин қилиб, Исломдан бошқа йўлга юрмасликларини эълон қилишни амр этмоқда.

**«менга ҳеч мушриклардан бўлмагин, деб айтилди», деб айт.**

Яъни, Аллоҳ амр этди. Зинҳор-базинҳор ширкка яқинлашиб бўлмайди.

قُلْ إِنِّي أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّي عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥﴾



**15. Сен: «Албатта, мен агар Роббимга осий бўлсам, улуғ кун азобидан қўрқаман», деб айт.**

Улуғ кундан мурод қиёмат кунидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шу қадар олий мақомларига қарамай, улуғ қиёмат куни азобидан қўрқишларининг ўзи ҳаммамизга ўрнак бўлиши керак. Ул зотки шунчалик хавф туйғусига эга эканлар, биз умматлари бундан ўзимизга муносиб хулоса чиқариб олмоғимиз лозим. Ҳар бир исён, гуноҳ ва хатоимиз учун ўша улуғ кунда жавоб беришимиз муқаррарлигини бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз шарт!

مَنْ يُصِرِّفْ عَنْهُ يَوْمَئِذٍ فَقَدْ رَحِمَهُ وَذَلِكَ الْفَوْزُ الْمُبِينُ ﴿١٥﴾

**16. Ким ўша куни ундан четланса, бас, батаҳқиқ, Аллоҳ унга раҳим қилибди. Ана ўша аниқ ютуқдир.**

Оятдаги «ундан четланса» дегани, азобдан четланса, яъни, азобга дучор этилмаса, деганидир. Қиёмат куни азобдан эмин бўлишнинг ўзи катта ютуқдир. Бу ҳол ўша банди учун Аллоҳ томонидан раҳимлиқдир.

Аллоҳга ширк келтираётганлар нима мақсадда бундай қиладилар? Нега ягона Аллоҳга иймон келтирмайдилар? Нима учун Ислом динига амал қилмайдилар? Мақсадлари нима? Ўзларига етдиган зарарни қайтармоқчиларми ёки ўзларига манфаат жалб қилмоқчиларми? Агар мақсад шу бўлса, ҳар бир ақлли одам ўйлаб кўрсин:

وَإِنْ يَمَسُّكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِنْ يَمَسُّكَ بِخَيْرٍ فَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ

قَدِيرٌ ﴿١٦﴾

**17. Агар Аллоҳ сени зарарига оладиган бўлса, Унинг Ўзидан бошқа кушойиш берадиган йўқ. Агар У сени яхшилиқка оладиган бўлса, бас, У ҳар бир нарсага қодирдир.**

Бу дунёда, хоҳласа, зарар етказувчи Зот ягона Аллоҳнинг Ўзидир. Агар У Зот бирор бандида зарар етказадиган бўлса, бутун дунё бир бўлиб ҳаракат қилганда ҳам, ўша бандидан зарарни кетказишга қодир бўла олмайдилар. Мазкур зарардан кушойиш берувчи ҳам фақат Аллоҳнинг Ўзидир. Аксинча, Аллоҳ таоло бирор бандида яхшилиқ етказмоқчи бўлса, дунё бирлашиб ҳаракат қилганда ҳам, ўша бандидан яхшилиқни тўса олмайди. Ҳар бир нарсага қодир Аллоҳ Ўз иродасини амалга оширади.

Мушриклар Аллоҳга шерик қилиб келтираётган бут-санам, турли ҳайвон ва мавжудотлар, тузум ва фирқаларнинг қайси бири шундай қудратга эга? Улардан ҳеч бири ўзига етган зарарни қайтара олмайди, хоҳлаган пайтида ўзига манфаат ҳам жалб қила олмайди.

وَهُوَ الْقَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِ ۚ وَهُوَ الْحَكِيمُ الْخَبِيرُ ﴿١٨﴾

**18. У бандалари устидан ғолибдур. У ҳикмат эгаси ва ҳар бир нарсадан хабардордир.**

Одамлар устидан ғолиблик, уларни ўз иродасига бўйсундириш фақат Аллоҳга хосдир. У ҳар бир ишни ҳикмат ила қилади. У ҳар бир нарсадан хабардордир. Одамлар ана шу ҳақиқатларни англаб етиб, шунга яраша иш кўрсинлар.

قُلْ أَيُّ شَيْءٍ أَكْبَرُ شَهَادَةً قُلِ اللَّهُ شَهِيدٌ بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ وَأُوحِيَ إِلَيَّ هَذَا الْقُرْآنُ لِأُنذِرَكُمْ بِهِ ۚ وَمَنْ يَلْبَغْ  
 آيَاتِكُمْ لِتَشْهَدُوا ۗ أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْهَاهُنَا خُرِّيَ قُلْ لَا أَشْهَدُ قُلْ إِنَّمَا هُوَ اللَّهُ وَحْدٌ وَإِنِّي بَرِيءٌ مِمَّا  
 تَشْرِكُونَ ﴿١٩﴾

**19. Сен: «Қайси нарса энг катта гувоҳликдир», деб айт. «Аллоҳ», деб айт. Сен: «У мен билан сизларнинг ўртангизда гувоҳдир. Менга ушбу Қуръонни, Унинг ила сизларни ва у етиб борганларни огоҳлантиришим учун ваҳий қилинди. Сизлар «Аллоҳ билан бирга, албатта, бошқа худолар бор», деб гувоҳлик берасизларми? «Мен гувоҳлик бермайман», деб айт. Сен: «Албатта, У битта илоҳдир ва мен сиз келтираётган ширкдан покдирман», деб айт.**

Аллоҳни қўйиб ўзгани валий тутган мушриклар билан тортишув давом этмоқда. Юқорида келтирилган далил-ҳужжатлар кор қилмаса, энди бундай ҳолларда ишлатиладиган яна бир иш қолди. Ҳар ким даъвосининг ҳақлигига гувоҳ келтиришини сўрашни Аллоҳ Ўз Пайғамбарига амр қилмоқда:

**«Сен: «Қайси нарса энг катта гувоҳликдир», деб айт».**

Яъни, энг катта, асосий гувоҳликни келтирайлик-да, муаммони бир-йўла ҳал қилиб қўя қолайлик. Яна ундан каттароқ гувоҳни ахтариб юрмайлик. Хўш, мушриклар бунга нима жавоб қилишлари мумкин? Уларнинг «худолари» бўлмиш гунг, ҳиссиз ёғоч бут ва тош санамлари гувоҳ бўла олмайдилар. Аллоҳни қўйиб ўзларига валий тутганлари бошқа нарсалар ҳам гувоҳлик бера олмайди. Шунинг учун, Аллоҳ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга гувоҳ ҳақида савол беришни амр қилди. Энди эса, у кишини жавоб беришга ҳам амр қилиб:

**«Аллоҳ, деб айт»,** демоқда.

Ҳа, Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким бу улкан ишга гувоҳ бўла олмайди. Ҳа, фақат Аллоҳ, фақатгина:

**«У мен билан сизларнинг ўртангизда гувоҳдир».**

Демак, баҳсли масалага Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳакам бўлди. Унинг Ўзи гувоҳ бўладиган бўлди. Унинг шаҳодати Қуръони Каримдир. Мазкур баҳсли масала ҳам унда бор.

**«Менга ушбу Қуръонни, унинг ила сизларни ва у етиб борганларни огоҳлантиришим учун ваҳий қилинди».**

Демак, кимга ушбу Қуръон етиб борган бўлса, унга гувоҳ муқаррар келган ҳисобланади. Ушбу гувоҳга – Қуръонга амал қилмаса, унинг огоҳлантиришидан ҳушёр тортмаса, азобга дучор бўлади. Қуръонда ягона Аллоҳни валий тутиш лозимлиги уқтириляпти-ю:

**«Сизлар Аллоҳ билан бирга, албатта, бошқа худолар бор, деб гувоҳлик берасизларми?»**

Аллоҳдан ўзганинг фармонига юрмоқчи бўласизларми? Ундан бошқанинг қонунига амал қилмоқчимисизлар? Ундан бошқага хизмат этмоқчи бўдиларингизми?

**«Мен гувоҳлик бермайман, деб айт».**

Мен ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ борлигига гувоҳлик бермайман. Мен ягона Аллоҳнинг фармонидан ўзгага юрмайман. Мен ягона Аллоҳнинг қонунидан бошқанинг қонунига амал қилмайман. Мен ягона Аллоҳнинг ҳукмидан бошқанинг ҳукмини тадбиқ этмайман. Мен ягона Аллоҳдан бошқага хизмат қилмайман.

**«Албатта, У битта илоҳдир ва мен сиз келтираётган ширқдан покдирман, деб айт».**

Мушриклар баъзи диний масалаларда аҳли китобларга ҳурмат назари билан қарар, улар билан бу борада маслаҳатлашар эдилар. Уларнинг назарида, аҳли китоблар ўзига хос илм соҳиблари ҳисобланар эдилар. Шунинг учун ҳам, мушриклар уларга Ислом, Қуръон ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида ҳам саволлар беришар эди. Улар эса, тўғри жавоб бермасдилар. Қуйидаги оятда бу борадаги ҳақиқат баён этилмоқда:

الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْرِفُونَهُ كَمَا يَعْرِفُونَ أَبْنَاءَهُمُ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ

20. Биз китоб берганлар уни ўз фарзандларини танигандек танирлар. Улар ўзларига зиён қилганлардир, ана ўшалар иймон келтирмаслар.

Яъни, Аллоҳ китоб берган қавмлар — аҳли китоблар — яҳудий ва насоролар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни худди ўз фарзандларини танигандек танийдилар. Чунки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васфлари уларга Аллоҳ томонидан берилган илоҳий китобда зикр этилган. Ривоят қилинишича, ушбу ояти карима ҳақида Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу яҳудийларнинг мусулмон бўлган олимларидан бири Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳудан:

«Аллоҳ таоло Маккада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга шундай оят туширган. Бу нечук танишлик?» — деб сўраган эдилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу:

«Мен уни кўришим билан худди ўз ўғлимни кўргандек танидим, балки мен Муҳаммадни ўғлимдан кўра яхшироқ биламан», деди. Ҳазрати Умар:

«Қандай қилиб?» — деб сўрадилар.

«Чунки мен аёллар нима қилганини билмайман. Аммо у зотнинг Аллоҳнинг ҳақ Пайғамбари эканига шаҳодат келтирганман», деди Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу.

Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Аҳли китоблар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни, Қуръонни ва Исломни жуда яхши билардилар. Айниқса, бугунги кунда жуда ҳам яхши биладилар. Бу тўғрида сонсиз-саноқсиз китоблар ёздилар. Аммо улардаги мутаассиблик ҳақиқатни бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Улар одамларга Исломни бузиб кўрсатишга ҳаракат этадилар. Бу билан ўзларига зиён қиладилар, холос.

**«Улар ўзларига зиён қилганлардир, ана ўшалар иймон келтирмаслар».**

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِآيَاتِهِ ۗ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الظَّالِمُونَ ﴿٦١﴾

**21. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарганлардан ҳам кўра золиброқ кимса борми? Албатта, золимлар нажот топмаслар.**

Барча мушриклар каби, Макка мушриклари ҳам «Биз худонинг йўлидамиз, Унинг айтганларини қилмоқдамиз», дер эдилар. Ўзлари тўқиб олган баъзи ибодат ва амалларни ҳам Аллоҳ томонидан буюрилган шаръий ишлар деб даъво қилишар, аммо Аллоҳдан келган Қуръон оятларини ёлғонга чиқаришар эди. Ана шу жиҳатдан Аллоҳ улар ҳақида:

**«Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарганлардан ҳам кўра золиброқ кимса борми?»**—демоқда.

«Зулм» сўзининг луғатдаги маъноси «бир нарсани ўз жойидан

бошқа жойга қўйиш»дир. Ширк Қуръонда зулм деб аталади. Бошқа бир оятда: «Албатта, ширк улуғ зулмдир», дейилган. Чунки, мушрик одам иймоннинг ўрнига ширкни қўяди. Дунёда Аллоҳга ширк келтирган одамдан золимроқ кимса йўқ. Афсуски, бугунги кунда «муслмонман» деб юрганлар орасида ҳам Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқийдиганлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Улар ҳам ушбу оятда зикр этилган золимлар қаторига киришлари муқаррар.

**«Албатта, золимлар нажот топмаслар».**

Аввало, бу дунёда нажот топмаслар. Улардан кўпларининг ҳаётига назар ташласангиз, ҳаммаси ҳам охири яхшилик топмаганини кўрасиз. Охиратда уларнинг аҳволи нима бўлишини эса, келаси оятлар баён қилади:

وَيَوْمَ نَحْشُرُهُمْ جَمِيعًا ثُمَّ نَقُولُ لِلَّذِينَ أَشْرَكُوا أَيْنَ شُرَكَائُكُمْ الَّذِينَ كُنتُمْ تَزْعُمُونَ ﴿٦٢﴾

**22. Ҳаммаларини жамлайдиган, сўнгра ширк келтирганларга: «Сиз худо деб гумон қилган шерикларингиз қани?» – деб айтадиганимиз кунни эсла.**

Бу кун – қиёмат куни. Ўша куни Аллоҳ таоло барча халойиқни тўплайди. Ўшанда Аллоҳ таоло мушриклардан:

**«Сиз худо деб гумон қилган шерикларингиз қани?» – деб...»** сўрайди.

Яъни, «Сиз у дунёда, Аллоҳнинг шериги бор, деб эътиқод қилардингиз. Ўша шерикнинг розилиги учун куйиб-пишар эдингиз. Энди ўша ўзингиз гумон қилган «шерик»ларингиз қани?» – деб сўрайди.

Бу ўринда ширк деганда фақат бут ва санамларга чўқинишни тушунмаслик керак. Исломда «ширк» кенг тушунчага эга. Ягона Аллоҳга холис эътиқод қилмай, борлиқдаги ҳодисаларда бошқа бир кучнинг ҳам таъсири бор, деб гумон қилишнинг барча кўринишлари ширқдир. Турли ибодат ва назрларни адо этишда Аллоҳдан бошқага юзланиш ёки бошқанинг розилигини излаш ҳам ширқдир. Шунингдек, ҳар бир нарсада Аллоҳ шариатидан бошқа йўриқларга амал қилиш ҳам ширқдир. Охиратда буларнинг ҳаммаси албатта сўралади.

ثُمَّ لَمْ تَكُنْ فِتْنَتُهُمْ إِلَّا أَنْ قَالُوا وَاللَّهِ رَبَّنَا مَا كُنَّا مُشْرِكِينَ ﴿٦٣﴾

**23. Сўнгра, Роббимиз Аллоҳга қасамки, мушрик бўлмаган эдик, дейишдан бошқа фитналари бўлмас.**

Фоний дунёда ҳам гуноҳкор қўлга тушгандагина ўзига келади ва қилган кирдикорини инкор этиб, ўзини оқлашга бошлайди. Боқий дунёда кўпчилик наздида сўроққа тутилганларида ва ҳамма нарса аниқлангандан сўнг ҳам мушриклар қасам ичиб, ўзларини ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, ширк келтирмагандек тутишади. Бу ажаблаларли ҳол, шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

أَنْظِرْ كَيْفَ كَذَبُوا عَلَيَّ أَنْفُسِهِمْ وَضَلَّ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَفْتَرُونَ ﴿٦٦﴾

**24. Назар сол! Улар ўзларини қандай алдадилар ва тўқиб юрган нарсалари улардан қандай йўқолди, –**

демоқда. Яъни, уларнинг мушриклиги ўзларини ўзлари алдашдан иборатдир. Улар, ўзларича ширкни ҳам худони рози қиладиган амал деб ҳисоблайдилар. Аммо, кези келганда, ўзларича тўқиб олган худолари йўқ бўлади.

Келгуси оятларда баъзи мушрикларнинг ҳоли баён қилинади:

وَمَنْهُمْ مَنْ يَسْتَمِعُ إِلَيْكَ وَجَعَلْنَا عَلَى قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً أَنْ يَفْقَهُوهُ وَفِي آذَانِهِمْ وَقْرًا وَإِنْ يَرَوْا كَلِمَةً

ءَايَةً لَا يُؤْمِنُوا بِهَا حَتَّىٰ إِذَا جَاءُوكَ يُجَادِلُونَكَ يَقُولُ الَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ هَذَا إِلَّا أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٦٧﴾

**25. Улардан сенга қулоқ тутадиганлари ҳам бор. Биз уни фаҳмламасликлари учун қалбларига парда ва қулоқларига тўсиқ қилиб қўйдик. Барча оятларни кўрсалар ҳам, улар иймон келтирмаслар. Ҳатто, олдинга сен билан тортишувга келганларида, куфр келтирганлар: «Бу, ўтганларнинг афсоналаридан бошқа нарса эмас», дерлар.**

Қуръон тинглаб, унга фаҳмлари етмаган, унинг йўриқларига юрмаган баъзи одамларнинг ҳақиқий ҳолатини Аллоҳ ўз Пайғамбарига билдиради:

**«Улардан сенга қулоқ тутадиганлари ҳам бор».**

Яъни, улар ҳам Қуръонга қулоқ осадилар, уни тинглайдилар, аммо қалблари ундан таъсирланмайди. Чунки, уларнинг қалблари парда билан чирмалган. Бу қалбларга Қуръон ҳидояти кирмайди.

**«Биз уни фаҳмламасликлари учун қалбларига парда ва қулоқларига тўсиқ қилиб қўйдик».**

Уларнинг қулоқлари Қуръон оятлари тиловатини эшитади, аммо ҳоллари эшитмагандан бадтар. Чунки, ибрат олмайдилар. Худди қулоқ-



ларида тўсиқ бор кар кишиларга ўхшайдилар. Уларнинг эшитганлари ўзларига фойда қилмаганидек, кўрганлари ҳам наф бермайди.

**«Барча оятларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмаслар».**

«Оят» сўзи Қуръон оятидан ташқари, белги, аломат ва мўъжиза маъноларини англатишини аввалроқ эслатиб ўтган эдик. Демак, мазкур мушрик-кофирлар иймонли бўлишни тақозо этадиган кўпгина аломатларни кўрсалар ҳам, улардан ибрат олмайдилар. Худди ҳеч нарсани кўрмагандек, иймонга келмай юрадилар.

Оятларни эшитиб, кўриб туриб иймонга келмаганлари етмагандек, Ислоом, Қуръон ҳақида ёлғон ва бўҳтон гаплар тўқийдилар:

**«Ҳатто, олдинга сен билан тортишувга келганларида, куфр келтирганлар: «Бу, ўтганларнинг афсоналаридан бошқа нарса эмас», дерлар».**

Бу, уларнинг Қуръони Карим ҳақидаги бўҳтонларидир. Афсоналар — аслида бўлмаган, мўъжизаларга, ғайриоддий ҳодисаларга бой ривоятлар эканлиги ҳаммага маълум. Қуръони Каримда ўтган умматлар қиссалари борлигини эшитган мушриклар у ҳақда юқоридаги бўҳтонни тўқиганлар. Ҳатто баъзи мушриклар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга Қуръони Карим оятларини ўқиб бераётганларида ёнларига ўтириб олар экан-да, у киши Қуръон тиловатини тамом қилганларидан сўнг: «Муҳаммад сизларга бурунгиларнинг афсоналарини айтиб берган бўлса, мен ундан ҳам яхшилари биламан», деб форс афсоналарини айтишга бошлар экан. Мушриклар бу билан кифояланиб қолмасдан:

وَهُمْ يَنْهَوْنَ عَنْهُ وَيَنْعَوْنَ عَنْهُ وَإِنْ يُهْلِكُونَ إِلَّا أَنْفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ

**26. Ва улар (одамларни) ундан қайтарурлар ва ундан узоқлашурлар. Улар сезмаган ҳолларида ўзларини ҳалок қилурлар, холос.**

Аввалги ва ҳозирги мушрик-кофирларнинг ҳоли ажабтовур: ўзлари, Қуръон ўтганларнинг афсоналари, дейдилар. Бироқ,

**«Ва улар (одамларни) ундан қайтарурлар»**

Ҳа, ҳақиқий афсоналардан одамларни қайтармаган ҳолларида, Қуръони Каримдан қайтарадилар. Уни эшитишга, ўқиб-ўрганишга йўл қўймайдилар. Бошқа турли-туман афсоналарни тарғиб қиладилар, Қуръони Каримни эса, турли йўллар билан таъқиқлайдилар. Мана шунинг ўзи ҳам уларнинг Қуръон ҳақидаги бўҳтонлари ноўрин эканлигига далилдир.

Улар одамларни, мусулмон бўлиб қолмасин деб, Қуръондан қайтаришлари етмагандек, ўзлари ҳам:

**«...ундан узоқлашурлар».**

Улар Қуръонга яқинлашсалар, мусулмон бўлиб қолишларидан қўрқадилар. Бу ҳол уларнинг мутлақо нотўғри йўлда эканликларини ўзлари ҳам билишини кўрсатади. Бу ишлари билан:

**«Улар сезмаган ҳолларида ўзларини ҳалок қилурлар, холос».**

Қуръондан узоқлашиш ва ундан одамларни қайтаришдан ҳам кўра каттароқ ҳалокат борми? Улар ўзларини эзгу ва улкан иш қилаётгандек ҳис этадилар. Аслида эса, аданадилар, сезмаган ҳолларида ўзларини ўзлари ҳалок қиладилар.

Улар шундоқ қилиб юриб беш кунлик дунёдан ўтиб кетадилар. Уларнинг ҳоли охиратда қандоқ бўлишини бир кўрсанг эди.

وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذْ وَفَّوْا عَلَى النَّارِ فَقَالُوا يَا لَيْتَنَا نُرَدُّ وَلَا نَكَذَّبُ بِآيَاتِ رَبِّنَا وَنَكُونُ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٧٧﴾

**27. Дўзах устида тўхтатилганларида: «Қани энди (у дунёга) қайтарилсак эди, Роббимизнинг оятларини ёлғонга чиқармас эдик ва мўминлардан бўлар эдик», дейишларини кўрсанг эди.**

Мушриклар ноқулай ҳолга тушиб қолганда — фаришталар уларни дўзах устида тўхтатганларида, ажойиб бир ҳолатни кўрасан!

**«Қани энди (у дунёга) қайтарилсак эди, Роббимизнинг оятларини ёлғонга чиқармас эдик ва мўминлардан бўлар эдик», дейишларини кўрсанг эди».**

Уларнинг «Роббимиз» дейишларига қара! Уларнинг Роббилари бор эмиш. Дўзах устида тўхтатилгунларича бунақа гапларни билмас эдилар. Қара-я, Роббиларининг оятларини ёлғонга чиқармаган, мўминлардан бўлар эмишлар. Бу гапларни энди айтишларига боқ!

بَلْ بَدَّاهُمْ مَّا كَانُوا يَخْفَوْنَ مِنْ قَبْلُ وَلَوْ رُدُّوا لَعَادُوا لِمَا نُهُوا عَنْهُ وَإِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿٧٨﴾

**28. Йўқ! Ундай эмас. Улар олдин махфий тутган нарса ўзларига ошкор бўлди, холос. Агар улар (бу дунёга) қайтарилсалар ҳам, ўзлари ман қилинган нарсага қайтурлар ва, албатта, улар ёлғончилардир.**

Мушрик ва кофирларнинг дўзах устида тўхтатилганларида айтган гаплари ҳақиқат эмас, чин дилдан эмас, ҳа,

**«Ундай эмас. Улар олдин махфий тутган нарса ўзларига ошкор бўлди, холос».**

Ҳа, бу гаплар улар ҳаётлари давомида дилларида яшириб келган туйғуларнинг ошкора бўлиши, холос. Борингки, улар бу дунёга қайт-

дилар, деб фараз ҳам қилайлик: улар шу тобда айтиб турган, «Роббимизнинг оятларини ёлғонга чиқармас эдик ва мўминлардан бўлар эдик», деган гапларини айтмайдилар.

**«Агар улар (бу дунёга) қайтарилсалар ҳам, ўзлари ман қилинган нарсага қайтурлар ва, албатта, улар ёлғончилардир».**

Улар ман қилинган ширк ва куфрга яна қайтадилар. Улар ёлғончидирлар. «Агар бу дунёга қайтарилсак, у қилар эдик, бу қилар эдик», деб ночор қолганда бераётган ваъдалари ва ичаётган қасамлари ҳам ёлғон.

وَقَالُوا إِن هِيَ إِلَّا حَيَاتُنَا الدُّنْيَا وَمَا نَحْنُ بِمَبْعُوثِينَ ﴿٢٩﴾

**29. Улар: «Ҳаёт—бу дунё ҳаёти, холос, биз қайта тирилтирилмасмиз», дедилар.**

Яъни, мушриклар бу дунёда худди шу ақийдада турардилар. Улар охираат борлигига, қайта тирилиш борлигига, ҳисоб-китоб борлигига ишонмас эдилар.

Энди эса, ҳолат улар ўйлагандан тамоман ўзгача чиқиб қолди.

وَلَوْ تَرَىٰ إِذْ ذُوقُوا عَذَابَ رَبِّهِمْ قَالُوكَ الْيَسَّ هَذَا بِالْحَقِّ قَالُوا بَلَىٰ وَرَبِّنَا قَالَ فَذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا

كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٣٠﴾

**30. Аллоҳнинг ҳузурида тўхтатилганларида, У: «Мана шу ҳақ эмасми?!» – деганида, «Роббимизга қасамки, ҳақдир», деганларини, У: «Бас, куфр келтирганингиз учун азобини чекинг», дейишини кўрсанг эди.**

Бу дунёда ўзларини мағрур тутиб, биз қайта тирилтирилмаймиз, деяётганлар, қиёмат бўлиб, ҳамма нарса ўз ўрнига тушганда, хору зор бўладилар. Улар Аллоҳнинг ҳузурида халойиқнинг кўзи ўнгида шармандаларча тўхтатиладилар. Шунда Аллоҳ таоло:

**«Мана шу ҳақ эмасми?» – дейди.**

Яъни, мана шу тирилтириш ҳақ эмасми? – деб улардан сўрайди. Ана ўша пайтда уларнинг ҳолини кўрсанг эди. Ўзларини хору зор тутиб, Роббимизга қасамки, ҳақдир, дейишларини, бироқ уларнинг бу хору зорлиги, бу қасамлари фойда бермаслигини кўрсанг эди. Аллоҳ таоло сўнгги ҳукмини чиқариб:

**«Бас, куфр келтирганингиз учун азобини чекинг»,** дегач, уларнинг ҳоли нечук бўлганини кўрсанг эди.

قَدْ خَسِرَ الَّذِينَ كَذَبُوا بِلِقَاءِ اللَّهِ حَتَّىٰ إِذَا جَاءَهُمُ السَّاعَةُ بَغْتَةً قَالُوا يَحْسِرُنَا عَلَىٰ مَا  
فَرَطْنَا فِيهَا وَهُمْ يَحْمِلُونَ أَوْزَارَهُمْ عَلَىٰ ظُهُورِهِمْ إِلَّا سَاءَ مَا يَزُرُونَ ﴿٣١﴾

**31. Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғон деганлар, шубҳасиз, зиёнга учрадилар.** Ҳаттоки, тўсатдан қиёмат келиб қолганда, устларига гуноҳларини орқалаб олган ҳолларида: «У(дунё)да қилган камчиликларимизга ҳасрат-надоматлар бўлсин», дерлар. Улар орқалаган нарса қандай ёмон-а!

Аллоҳга рўбарў келиш қиёматда рўй беради. Қиёматни ёлғон деганлар, унга ишонмаганлар Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғонга чиқарган бўладилар. Бу эса, бу дунёю у дунёда уларнинг ўзига катта зиён етказади.

**«Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғон деганлар, шубҳасиз, зиёнга учрадилар».**

Оятнинг асосий мақсади охиратда етадиган зиённи васф қилишдир. Уларнинг ҳоли кишилар онгига кучли таъсир этадиган услубда, бадий бўёқлар билан таъриф этилмоқда. Гўё гуноҳлар зил офир бир жисмдир-у, гуноҳкор уни орқасида кўтариб юриши керак.

**«Қачонки, тўсатдан қиёмат келиб қолганда, устларига гуноҳларини орқалаб олган ҳолларида...»**

Қиёмат тўсатдан қоим бўлди. Унда бўлиши лозим бўлган ҳамма ҳодисалар юзага чиқди. Барча одамлар маҳшар майдонига тўпланмоқдалар. Ҳамма бу дунёда қилган амалига мувофиқ турли ҳолатда. Қиёмат кунини ва Аллоҳга рўбарў келишни ёлғон деганлар гуноҳларини орқалаган ҳолларида келмоқдалар. Афтидан, улар бу ҳолга тушишларини кутмаганга ўхшайдилар. Бошларига тушган кўргулик боис у дунёда қилган амаларига афсус-надомат чекмоқдалар. Гуноҳларини орқалаган ҳолда жим кетмасдан:

**«У(дунё)да қилган камчиликларимизга ҳасрат-надоматлар бўлсин»,** деб сўзлаб бормоқдалар.

Улар бу даҳшатли кунда орқалаб кетаётган нарса нима? Одатда, жамоатлар тўпланадиган жойларга одамлар совға-саломлар, кўз ва дилни қувонтирадиган гўзал нарсалар олиб борар эдилар. Аммо бу осийлар фоний дунёда қилган гуноҳларини орқалаб кетмоқдалар:

**«Улар орқалаган нарса қандай ёмон-а!».**

Машҳур муфассирлардан ас-Суддий бу ояти каримани қуйидигача тушунтирганлар: «Ҳар бир золим қабрга кирганда, албатта, унинг олдига бадбашара, қора рангли, сассиқ ҳидли ва ифлос кийимли бир кимса келади. Қабрда икковлари ёлғиз қолади. Шунда золим:

«Бунча ҳам бадбашарасан?» — деб сўрайди.

«Сенинг амалларинг ҳам бадбашара эди», — дейди бояги ирakit одам.

«Мунча ҳам ҳидинг сассиқ?» — дейди золим.

«Сенинг амалларинг ҳам шунга ўхшаш сассиқ эди», — дейди у.

«Кийимларинг бунча ифлос?» — дейди золим.

«Сенинг амалларинг ҳам шунга ўхшаш ифлос эди», — дейди у.

«Сен кимсан?» — деб сўрайди золим.

«Қилган амалингман», — деб жавоб беради у ва биргаликда қабр-да қолади. Қиёмат куни золим қайта тирилтирилганда амали унга:

«Мен сени у дунёда лаззат ва шаҳватлар билан кўтариб юрган эдим. Энди бугун сен мени кўтарасан», — дейди ва ортига миниб олади. Сўнг, уни ҳайдаб дўзахга олиб боради».

Ушбу оятдан ва унинг тафсирида айtilган ҳикматлардан «Ёшлигингда ўйнаб қол, гуноҳ нима қилади» деган шиор ила ялло қилиб юрган кофиру мушриклар огоҳ бўлишлари керак.

Қиёмат кунини, Аллоҳга рўбарў бўлишни инкор этиш ҳам, асосан, юқоридагига ўхшаш бемаъни шиорларга муккасидан кетишдан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Қиёматга ишонмаслик икки дунё учун ҳам кони зиён бўлганидан, Ислом динида унга иймон келтириш ақийданинг асосий рукни деб тайин этилган. Қиёматга иймони йўқ одам, агар бошқа барча зарурий ақийдаларни ўрнига қўйса ҳам, мўмин-мусулмон бўла олмайди.

Инсонларнинг қиёматга нисбатан иймони, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, мукофот ва жазога нисбатан ишончи туфайли ҳаёт, одоб-ахлоқ, яхшилик-ёмонлик ва бошқа ҳодисаларга муносабати шаклланади.

Қиёматга иймони йўқ кофирлар, ҳаёт фақат бу дунё ҳаётидан иборат, қайта тирилиш йўқ, деган тасаввур асосида яшайдилар. Улар эслари кириб, то қариб ҳеч бир нарсага ярамай қолгунларигача кечган арзимаган вақтни ҳаёт деб тушунадилар. Уларнинг тасаввури ердаги ҳаётга мустаҳкам ёпишиб қолган. Тасаввурларидаги беш кунлик ҳаётда кўпроқ маза қилиб олишга ҳаракат қиладилар. Улар тафаккур уфқи доиралари жуда ҳам тор кишилардир. Уларнинг ҳаёти ҳам ўша тасаввурларига мос ниҳоятда тор. Умрлари вақт нуқтаи назаридан, бир кишининг ҳаётига тенг келади ёхуд келмайди. Макон жиҳатидан ўзлари яшаган жамиятдан ташқарига чиқа олмайдилар. Муомала жиҳатидан эса, қисқа муддатда, тор маънода кўрганлари билан бўлади, холос. Шунинг учун ҳам, ўз мақсадларига эришиш — маза қилиб қолиш учун барча қабихликни киприк қоқмай қила берадилар. Қиёматга, у дунёга, қайта тирилишга, ҳисоб-китобга ишонмаганларидан кейин, улардан бошқача тасаввурни кутиб ҳам бўлмайди.

Қиёмат кунига, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, мукофот ва жазога иймон келтирган мўмин-мусулмон тасавурида эса, ҳаёт тамоман бошқача бўлади. У, ҳаётни фақат бу дунё ҳаёти деб эмас, балки, ҳам бу дунё, ҳам у дунё ҳаётидан иборат деб, тушунади. Унинг эътиқоди бўйича, ҳаёт беш кунлик эмас, бир кишининг умрига, бир қавмнинг умрига ёки бу дунёнинг муддатига тенг эмас, ушбу қисқа вақт билан чегараланиб қолмайди. Балки, унинг назарида, дунёвий ҳаёт муддати ухровий ҳаёт муддати олдида беш кунлик бўлиб қолади. У дунё ҳаётини замон чегаралай олмайди. Қиёматга, охиратга иймони борлиги учун унинг тафаккур уфқи доираси жуда кенг бўлади.

Мусулмон инсон тасавурида ҳаёт макон жиҳатидан ҳам чексиздир.

Унинг ҳаёти фақат ер курраси доираси билан чегараланиб қолмайди. Балки, бу коинотдан ўтиб, кенглиги осмонлару ерга тенг бўлган жаннатда ҳақиқий боқий ҳаёт кечиришига ишонади.

Мўмин инсоннинг ҳаётини муносабатлари атрофидаги шахслар билангина чегараланиб қолмайди. У, Аллоҳ таоло, фаришталар, барча ўтган мусулмон умматлар, келажак мўминлар ва жаннатдагилар билан алоқадор бўлади. Шунинг учун ҳам, мусулмон ҳаётини доимо яхшиликлар билан тўқис этишга ҳаракат қилади.

Исломда, бошқа ботил динлардаги каби, жаннат ҳаётини кўзлаб, бу дунёни азоб-уқубатда ўтказиш керак, деган тушунча ҳам йўқ. Балки, у дунёда яхши ҳолатларга эришиш учун бу дунёни яхши ўтказиш мўминга шарт қилиб қўйилади. Қуръони Каримнинг аксар ояти карималарида: «Бу дунёдаги насибангни унутма», — дейилади. Исломда бу дунё охиратнинг экинзорига ўхшатилиши бежиз эмас. Бу дунёдаги экинзорга ким эзгулик уруғини қадаса, яхшилаб парвариш қилса, у дунёда яхши ҳосил олади. Бинобарин, инсон бу дунёда фақат яхши амалларни қилмоғи, ер юзида иймон, Ислом, адолат ҳукм суриши учун, зулм, истибдод ва ёмонликка қарши курашмоғи лозим. Ана шундагина охират ҳаётидан — жаннатдан умидвор бўлса бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларидан бирида: «Агар бирингизга қиёматнинг хабари келса, қўлида кўчат турган бўлса, уни экиб қўйсин», — деганлар. Исломда бу дунёнинг ободлигига шу даражада эътибор билан қаралади. Ислом руҳини тушунмайдиган баъзи бир шахслар ёки авлодлар тасавурига қараб, бутун бошли илоҳий динга нисбатан ҳукм чиқаравермаслик керак. Шу билан бирга, инсон нафси бу дунёга доимо қизиқиб туриши эътиборидан Қуръони Карим мувозанатни сақлаш учун кўпроқ зуҳд ва тақвога чақириб, дунё ҳаётига ортиқча берилмасликка даъват этиб туради:



وَمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا لَعِبٌ وَلَهُوَ وَاللَّذَّارُ الْآخِرَةُ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ يَتَّقُونَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٣٢﴾

**32. Бу дунё ҳаёти ўйин-кулгудан ўзга ҳеч нарса эмас. Тақво қилувчилар учун охират ҳовлиси яхшироқдир. Ақл юритмайсизларми?**

Дунё ва охират илоҳий мезон билан ўлчаняпти. Аллоҳнинг эътиборида бу дунё ҳеч нарсага арзимади ва у дунёга солиштирганда ҳеч нарсага айланиб қолади.

Охиратни ўйламай, бу дунёнинг ташвиши ила ўтадиганлар учун: **«Бу дунё ҳаёти ўйин-кулгудан ўзга ҳеч нарса эмас».**

Улар ушбу беш кунлик дунё ҳаётини айшу ишрат, ҳойи-ҳавас ва ўйин-кулгу билан ўтказиш пайдан бўладилар. Чунки, охиратдан умидлари йўқ. Унга ишонмайдилар. Аслини олганда эса,

**«Тақво қилувчилар учун охират ҳовлиси яхшироқдир».**

Тақво қилувчилар учун бу дунё ҳовлиси ҳам яхши, лекин у дунё ҳовлиси улар учун бу дунёниқидан яхшироқдир. Тақводорлар бу дунёда Аллоҳ таолога тақво қилиб, ҳалол, пок яшаганлари учун бевтафиқлар дучор бўлган муаммолардан холи, ширин турмуш кечирадилар. Аммо у дунёда уларга бериладиган жаннат неъматлари васфига тил ожиздир. У дунёда тақводорлар учун бериладиган мақом ва ҳузурлар энг яхши нарсалардир. Бас, шундоқ экан,

**«Ақл юритмайсизларми?»**

Эй инсонлар!

Кейинги келадиган оятларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга тасалли берилиб, мушрик-кофирлар томонидан етаётган ранжу озорларга сабр қилишга даъват бор:

قَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُ لِيَحْزُنَكَ الَّذِي يَقُولُونَ فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ وَلَٰكِنَّ الظَّالِمِينَ بِآيَاتِ اللَّهِ يَجْحَدُونَ ﴿٣٣﴾

**33. Сени, албатта, уларнинг айтаётганлари хафа қилишини яхши биламиз. Улар сени ёлғончига чиқараётганлари йўқ, балки золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қилмоқдалар.**

Ҳар бир нарсадан огоҳ бўлган Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга мушрикларнинг тазйиқлари, Ислом ва Қуръонга қарши фитналари қанчалик оғир таъсир қилишини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам, ҳабибига тасалли бериб, ушбу оятларни нозил қилмоқда. Аллоҳ таоло:

**«Сени, албатта, уларнинг айтаётганлари хафа қилишини яхши биламиз. Улар сени ёлғончига чиқараётганлари йўқ»,**—демоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Макка мушриклари ҳеч қачон, Муҳаммад ёлғончи деган эмаслар. Улар бу зотнинг бир оғиз ҳам ёлғон сўзламаганларини эътироф этар, аммо иззат-обрўларидан айрилиб қолишдан қўрқиб, ҳасад қилиб, Исломга киришдан бўйин товлашар, Аллоҳнинг оятларини инкор этишар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу инкорлари сабабини уларнинг шахсларидаги нуқсондан деб, ўйламасликлари керак.

**«...балки золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қилмоқдалар».**

Мушрикларнинг Ислом динига бўлган муносабатлари фитратларидаги бузуқликдандир. Ушбу ҳақиқатни уларнинг ўтмишдаги қилмишларидан билиб олса ҳам бўлади.

وَلَقَدْ كَذَّبْتَ رَسُولٌ مِّن قَبْلِكَ فَصَبْرُوا عَلٰى مَا كُذِّبُوا وَاُوذُوا حَتّٰى اَنَّهُمْ نَصَرْنَا وَلَا مُبَدِّلَ  
لِكَلِمَتِ اللّٰهِ وَاَلَقَدْ جَاءَكَ مِنْ نَّبِائِ الْمُرْسَلِينَ ﴿٢٤﴾

**34. Сендан олдин ҳам Пайғамбарлар ёлғончига чиқарилганлар. Бас, улар то нусрат келгунча ёлғончига чиқарилганларига ва берилган озорларга сабр қилганлар. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартирувчи йўқ. Батаҳқиқ, сенга Пайғамбарларнинг хабари келган.**

Аллоҳнинг йўлига даъват қилувчиларга доимо осон бўлмаган. Мушрик-кофирлардан озор топаётган, уларнинг ифво-бўхтонларига учраётган битта сен эмассан.

**«Сендан олдин ҳам Пайғамбарлар ёлғончига чиқарилганлар».**

Сендан олдинги Пайғамбарларнинг барчаси ҳам, сен каби, мушрик-кофирлар томонидан ҳақоратланганлар: сени сеҳргар дейишган бўлса, улар ёлғончига чиқарилганлар. Аллоҳнинг йўлига даъват қилувчиларнинг сафлари бир. Сафнинг аввали нимага учраса, охири ҳам шунга дуч келади. Лекин сабр қилиш керак. Сабр билан мақсадга эришилади. Ўтган Пайғамбарлар, даъватчилар ҳам сабр билан мақсадга эришганлар. Ишонч комил бўлсинки, албатта, нусрат иймон томонида бўлади. Эртами-кечми, Аллоҳнинг йўлида юрганлар нусрат топадилар. Ўтган Пайғамбарлар ҳам:

**«Бас, улар то нусрат келгунча ёлғончига чиқарилганларига ва берилган озорларга сабр қилганлар».**

Бу сўзлар — ҳақ сўзлар. Аллоҳ Пайғамбарига ва у кишининг меросхўрлари бўлмиш даъватчиларига айтаётган башорат сўзлар.

**«Аллоҳнинг сўзларини ўзгартирувчи йўқ».**

Доимо Аллоҳнинг динига хизмат қилувчилар ғолиб чиқади. Мушрику кофирлар мағлуб бўладилар. Мўминларга – Пайғамбарлар ва уларга эргашганларга ғалаба ҳар турли ҳолда етиши, баъзида эрта-роқ, баъзан айна кутилган пайтда, гоҳо кечроқ келиши мумкин. Аммо, албатта, келади. Бу ҳақиқат Пайғамбарларнинг хабарларидан равшан бўлади:

**«Батаҳқиқ, сенга Пайғамбарларнинг хабари келган».**

Уларни сен яхши биласан. Бас, улардан ибрат ва ўрнак олиш керак.

وَإِنْ كَانَ كَبْرَ عَلَيْكَ إِعْرَاضُهُمْ فَإِنْ اِسْتَطَعْتَ أَنْ تَبْنِغِي نَفَقًا فِي الْأَرْضِ أَوْ سَلْمًا فِي السَّمَاءِ فَتَأْتِيهِمْ بَنَاءً ۖ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَمَعَهُمْ عَلَى الْهُدَىٰ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴿٣٥﴾

**35. Агар сенга уларнинг юз ўгиришлари оғир ботаётган бўлса, қодир бўлсанг, ер остидан йўл қилиб ёки осмонга нарвон қўйиб, уларга оят-мўъжиза келтир. Аллоҳ хоҳлаганида, уларни ҳидоятга жамларди. Ҳаргиз жоҳиллардан бўлма.**

Бу оятда кофирларнинг тўғри йўлдан, иймондан бош тортишига қарши ўлароқ даъватчи ўзини-ўзи овора қилиб, ортиқча куюнмаслиги ҳақида сўз бормоқда. Одатда, кишиларни Исломга даъват қилиб юрган зотларда одамларга яхшилик қилиш рағбати бағоят кучли бўлганидан, тасаввурларига ҳамма бирдек мусулмон бўлиши керак деган тушунча мустаҳкам ўрнашиб қолади. Улар одамларга куюнганидан бу ҳақиқатни англатишга жидду жаҳд қиладилар. Борди-ю, одамлар бўйин товласалар ёки бепарволик қилсалар, асл даъватчилар куйиб-ёниб кетадилар. Шунга ўхшаш ҳолатлар, албатта, олиймақом шахсларга муносиб равишда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламда ҳам бўлган ёки бўлиш эҳтимоли вужудга келган. Шунинг учун, Аллоҳ таоло у кишига ушбу оят ила хитоб қияпти.

**«Агар сенга уларнинг юз ўгиришлари оғир ботаётган бўлса, қодир бўлсанг, ер остидан йўл қилиб ёки осмонга нарвон қўйиб, уларга оят-мўъжиза келтир».**

Ояти каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга, агар қодир бўлсалар, мушрикларни ишонтириш, иймонга келтиришга ярайдиган оят-мўъжизани ерни кавлаб кириб бўлса ҳам, осмонга шоти қўйиб чиқиб бўлса ҳам, келтириш таклиф этиляпти. Аммо кофирлар оят-мўъжизалар йўқлигидан иймондан юз ўгираётгани йўқ. Улар нафсларининг бузуқлиги, ҳасад ва саркашликлари оқибатида куфр йўлини ихтиёр қияптилар. Аллоҳ таоло одамларни

ҳар хил табиатли ва айри истеъдод соҳиби қилиб яратгандир. Баъзиси ўз-ўзидан ҳидоят йўлига кириб қолади. Баъзилари даъватга, тушунтиришга муҳтож бўладилар. Бошқалари эса, бир оз қўрқитишга, яна бирлари тарғибот ишларига эҳтиёж сезади. Аммо, яна бир тоифа борки, уларга ҳеч нарса таъсир қилмайди. Улар ҳар қанча даъват қилинмасинлар, шу қадар баҳона топаверадилар. Ана шундай кишилар Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламга, ундай қилсанг, иймонга келамиз, бундай қилсанг, иймонга келамиз, деб турли мўъжизалар талаб этишган, одатдан ташқари ҳолларнинг рўй беришини иддао қилишган. Қуръоннинг бошқа оятларида, жумладан, ушбу «Анъом» сурасининг бошида ҳам бу ҳақда сўз боради. Уларнинг бу талабларидан муддао иймон сари йўл ахтариш бўлмай, балки иймондан бош тортишга баҳона ахтаришдир. Мабодо, улар талаб этган мўъжизалар содир бўлса ҳам, иймон келтирмасдилар, балки бу мўъжиза эмас, сеҳр-жоду, деб баҳона топардилар. Шунинг учун, уларнинг талабларига биноан оят-мўъжиза келтиришга жуда қаттиқ уринишнинг зарурати йўқлиги Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга тушунтирилмоқда. Агар керак бўлса, уларнинг ҳаммасини бир хил қилиб яратиш, бир йўлга — ҳидоятга томон йўллаш Аллоҳ таоло учун ҳеч нарса эмас.

**«Агар Аллоҳ хоҳлаганида, уларни ҳидоятга жамларди».**

Лекин, бундан нима маъни? Ҳамма бир хил қилиб яратилса, Пайғамбар юборишнинг, илоҳий китоб туширишнинг нима кераги бор эди?! У ҳолда одамнинг фаришталардан фарқи қолмайди-ку?! Аллоҳ инсонни турли хил қилиб яратди: унга ақл берди; Пайғамбарлар юборди; ҳидоят йўлини кўрсатди ва ихтиёрини ҳам қўлига бериб қўйди. Инсон болалари орасидан ўша ихтиёр ҳаққидан тўғри фойдаланганлари ҳидоят топадилар ва оқибатлари хайрли бўлади. Акс ҳолда, оқибат ҳам аксинча бўлади. Бу ҳақиқатни билиш лозим. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятнинг охирида:

**«Ҳаргиз жоҳиллардан бўлма»**, деб огоҳ этади.

Кейинги оятда эса, Ислом даъватини кимлар қабул қилади-ю, кимлар қабул қилмаслиги баён қилинади:

﴿ إِنَّمَا يَسْتَجِيبُ الَّذِينَ يَسْمَعُونَ وَالْمَوْتَىٰ يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ ثُمَّ إِلَيْهِ يُرْجَعُونَ ﴾

**36. Албатта, тинглай оладиганларгина қабул қилурлар. Ўликларни эса, Аллоҳ тирилтирур ва сўнгра Унинг Ўзига қайтари-лурлар.**

Ушбу ояти каримада исломий даъватга нисбатан иккига бўлин-диган қарама-қарши икки гуруҳ назарда тутилмоқда.

Биринчи гуруҳ – «тинглай оладиганлар» гуруҳи. Яъни, Аллоҳ таолодан келган даъватни, баённи – Қуръонни тинглай оладиганлар, тинглаган нарсаларини тушуниб, ўзларига сингдириб, уларга амал қиладиганлар гуруҳи. Улар қалблари тирик, очиқ ва яхшилиқни қабул қилишга тайёр кишилардир. Ана ўшаларгина Ислом даъватини қабул қиладилар.

**«Албатта, тинглай оладиганларгина қабул қилурлар».**

Иккинчи гуруҳ – «ўликлар», яъни, маънавий ўликлар гуруҳи. Уларнинг танасида жонлари бўлса ҳам, қалблари ўликдир. Шунинг учун, Ислом даъвати ўлик жасадга таъсир қилмагандек, уларга ҳам таъсир этмайди.

Кофирлар ана шу ҳолда яшаб ўтадилар. Лекин абадий бундай ҳолда қолмайдилар:

**«Ўликларни эса, Аллоҳ тирилтирур ва сўнгра Унинг Ўзига қайтарилурлар».**

Яъни, кофирлар бу дунёдан ўтганларидан кейин Аллоҳ қиёмат куни уларни қайта тирилтиради ва улар Маҳшарга, Аллоҳ таолонинг Ўзига қайтариладилар.

Кейинги оятда кофирларнинг яна битта шубҳалари зикр қилинади:

وَقَالُوا لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ آيَةٌ مِنْ رَبِّهِ قُلْ إِنَّ اللَّهَ قَادِرٌ عَلَى أَنْ يُنْزِلَ آيَةً وَلَٰكِنْ أَكْثَرُهُمْ لَا

يَعْلَمُونَ ﴿٣٧﴾

**37. Улар: «Унга Роббидан бир оят-мўъжиза тушса эди?» – дерлар. «Албатта, Аллоҳ оят-мўъжиза туширишга қодирдир», деб айт. Лекин кўплари билмаслар.**

Кофиру мушриклар доимо, бошқа Пайғамбарларга тушгани каби, Муҳаммадга ҳам Роббидан моддий оят – мўъжиза тушса эди, дейишар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига келиб ҳам турли талабларни қўйишар эди.

**«Улар: «Унга Роббидан бир оят-мўъжиза тушса эди?» – дерлар».**

Аммо, Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари, бошқа Пайғамбарларнинг мўъжизалари каби, моддий мўъжиза бўлишини хоҳламади. У кишига Қуръони Каримни маънавий мўъжиза қилиб берди. Бошқа Пайғамбарларга берилган мўъжизалар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан ҳам содир бўлган. Аммо, бу одатдан ташқари ишларга алоҳида эътибор берилиб, улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам-

нинг Пайғамбарликларининг далили сифатида бўртириб кўрсатилмас ва тарғиб қилинмас эди. Саҳобаи киромлар бу мўъжизаларни оддий ҳодисалар деб билишар, улар тез-тез содир бўлиб турар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам учун жуда ҳам ўнғай бир ҳол эди. Бунинг устига, бу майда ишлар маънавий мўъжиза – Қуръон мўъжизаси соясида кўринмай кетар эди.

Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бош мўъжизалари нима учун Қуръони Карим эканининг ҳақиқий ҳикматини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Аммо, уламоларимиз ижтиҳодлари ила баъзи ҳикматларни тилга оладилар. Жумладан, қуйидаги фикр кўп зикр этилади.

Аввалги Пайғамбарларнинг бош мўъжизалари моддий мўъжизалар эди. Оддий инсон қила олмайдиган айрим мўъжизалар Аллоҳ таоло инояти ила Пайғамбарларга воситасиз, уларнинг хизматлари учун бериб қўйилган эди. Дуо ёки ишоратлар билан ўша мўъжизалар содир бўлаверар, шу билан бирга, ҳар бир Пайғамбар бу дунёдан кетиши билан мўъжизаси ҳам ўзи билан кетган. Чунки, мазкур Пайғамбарларнинг шариатлари маълум бир қавм ва маълум бир вақт билан чегараланган эди.

Аммо, Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатлари – охириги шариат, абадий шариат, ҳар бир замон ва маконга салоҳиятли шариат бўлгани учун у кишига бош мўъжиза этиб Қуръони Карим берилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари бу дунёдан ўтдилар, аммо мўъжизалари қиёматгача қолади. Одамларни Исломга жалб қилаверади. Дастлаб Қуръоннинг балоғат, фасоҳат ва тилдаги мўъжизасига эътибор берилди, одамлар унинг олдида ожиз қолиб иймонга келдилар. Аммо, вақт ўтиши ва ақл-тафаккур ўсиши билан Қуръондаги илмий, ижтимоий, тарихий, ададий ва бошқа турли мўъжизаларни англаб, унинг олдида ожиз қолиб, Исломни қабул қилмоқдалар. Ҳозирги замонда Исломни янги қабул қилаётган кишилар, асосан, шулар жумласидандир.

Иккинчи сабабга эса, ушбу ояти кариманинг ўзида ҳам ишора бор:

**«Албатта, Аллоҳ оят-мўъжиза туширишга қодирдир», деб айт. Лекин кўплари билмаслар».**

Нимани билмаслар? Албатта, Аллоҳнинг оят-мўъжиза туширишга қодир эканини билмайдилар. Оят-мўъжиза туширишни талаб қилганларнинг талаби қондирилиб, мўъжиза туширилса-ю, талабгорлар шундан кейин ҳам кофирлигича қолаверса, ўша умматни Аллоҳ таоло бутунлай ҳалок қилиб юборишини тушунмайдилар. Аллоҳ таоло, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари охир-



ги уммат бўлгани учун ҳам, бу умматга оят-мўъжизани талабга биноан туширишни ирода қилмаган.

Мушрик ва кофирлар иймон келтириш учун мўъжизани, лол қолдирувчи нарсаларни хоҳлаётган бўлсалар, алоҳида талаб қилиб ўтирмасдан атрофларига бир қарасалар, ҳар қадамда энг улкан мўъжизаларни кўрадилар. Мана бу оятни бир тафаккур қилиб, ўйлаб кўрсинлар-а:

وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا طَائِرٍ يَطِيرُ بِجَنَاحَيْهِ إِلَّا أُمَمٌ أَمْثَالُكُمْ مَا فَرَّطْنَا فِي الْكِتَابِ مِنْ شَيْءٍ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّهِمْ يُحْشَرُونَ

**38. Ер юзидаги ҳар бир юрвчи жонзот ва икки қаноти ила учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир. Китобга ҳеч нарсани қўймай ёзганмиз. Сўнгра Роббиларига жамланурлар.**

Бу оламда фақат одамларгина эмас, кўплаб бошқа жонзотлар ҳам яшайдилар. Уларни ҳам Аллоҳ таоло яратган. Ер юзида юрадиган ҳамма жонзотларни — туёқ билан юрадими, судралиб юрадими, икки оёқ, тўрт оёқ ёхуд кўп оёқлими ёки бошқа восита билан юрадими, учадими, ҳамма-ҳаммасини Аллоҳ таоло яратган. Агар улардан бирортасини бошқа зот яратганини даъво қилувчи бўлса, марҳамат, исбот қилсин. «Ҳайвонлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб, сўнгра босқичма-босқич ривожланади», — деганлар аслида кимлар эканига ва оқибати нима бўлганига бизнинг авлод гувоҳ бўлди. Инсоннинг бу соҳадаги ожизлиги шу даражадаки, у ҳатто қанча турдаги жонивор борлигини ҳам аниқ билмайди. Агар билганида, тез-тез янги ҳайвонлар топилгани ҳақида хабарлар чиқиб турмас эди. Агар инсон инсофга кириб, Аллоҳ таоло томонидан яратилган мазкур ҳайвонларнинг энг кичигини олиб ўрганса ҳам, катта мўъжиза қаршисида турганига амин бўлади ва Аллоҳ таолога иймон келтиради. Шунингдек, осмонда нимаики учиб юрган бўлса, ҳаммасини Аллоҳ яратган. Бошқа ҳеч ким яратган эмас. Улардан қай бири танлаб олиб ўрганилса ҳам, катта мўъжиза эканлиги аён бўлади.

Ояти каримада ердаги ва осмондаги жонзотлар ҳам, инсонлар каби, умматлар экани таъкидланмоқда.

**«Ер юзидаги ҳар бир юрвчи жонзот ва икки қаноти ила учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир».**

Яъни, уларнинг ҳаётларида ҳам тирикчилик, оила, туғиш, кўпайиш сингари инсонларга хос ишларга ўхшаш жиҳатлар бор. Уларни ким

бундай қилиб яратди? Уламолар кўпинча, асалари ва чумолини мисол қилиб, келтирадилар. Мутахассисларнинг фикри билан танишган одам бу икки умматнинг жамоа ҳаёти Аллоҳнинг қудратидан эканлигига тан бермай иложи йўқ.

Ана шундай кўп ва мураккаб жонзотларни яратиб, ҳар қадамда учрайдиган мўъжиза қилиб қўйган Аллоҳдан яна Пайғамбарини тасдиқлаш учун мўъжиза туширишни сўраш ўтакетган шаккокликдан ўзга нарса эмас.

Шу билан бирга, Аллоҳ уларнинг ҳаммасини махсус китобга ёзиб ҳам қўйган, қиёмат куни қайта тўплайди ҳам.

**«Китобга ҳеч нарсани қўймай ёзганмиз. Сўнгра Роббиларига жамланурлар».**

Бу нарсаларни билиб туриб кўнгли юмшамаган, ҳидоят топмаган одам қанақа одам бўлиши мумкин?

وَالَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا صُمٌّ وَبُكْمٌ فِي الظُّلُمَاتِ مَنْ يَشَأِ اللَّهُ يُضِلَّهُ وَمَنْ يَشَأِ يُجْعَلْهُ  
عَلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٢٩﴾

**39. Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар кар ва соқовлардир. Аллоҳ кимни хоҳласа, адаштирур ва кимни хоҳласа, тўғри йўлда барқарор қилиб қўядир.**

Юқоридаги «Бу нарсаларни билиб туриб кўнгли юмшамаган, ҳидоят топмаган одам қанақа одам бўлиши мумкин?» деган саволнинг жавоби ушбу оятда зикр этилмоқда.

**«Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар кар ва соқовлардир».**

Бундан маълум бўладики, Аллоҳ оятларини ёлғонга чиқариб кофир бўлганлар сезги аъзолари номукамал одамлардир. Гарчи уларнинг бошқалар каби кўриш, эшитиш ва гапириш аъзолари бўлса ҳам, бу аъзолар илоҳий ҳақиқатни кўришга, эшитишга ва гапиришга қобил эмас. Улар зулмат аҳли — нурни кўрмайдилар. Улар кардирлар — ҳақни эшитмайдилар. Улар соқовдирлар — ҳақни гапира олмайдилар. Бу ҳодиса ортида Аллоҳнинг хоҳиши турибди.

**«Аллоҳ кимни хоҳласа, адаштирур ва кимни хоҳласа, тўғри йўлда барқарор қилиб қўядир».**

Аллоҳ — хоҳиши чексиз Зот. Аллоҳ инсонни Ўз иродаси ила яратди. Унга ақл берди. Йўл кўрсатди. Инсон йўл танлайди — Аллоҳ уни юргизади. Инсон ана шу танлови учун мукофот ёки жазо олади. Хуллас, ҳар бир нарсани Аллоҳ билиб туради.

Кейинги оятда Аллоҳ оғир аҳволга тушган кофирлар ҳолини баён қилади:

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَنْتُمْ عَذَابُ اللَّهِ أَوْ أَنْتُمْ السَّاعَةُ أَعْبَدُوا اللَّهَ تَدْعُونَ إِنْ كُنْتُمْ

صَادِقِينَ ﴿٤٠﴾

**40. Сен: «Агар ростгўй бўлсаларингиз, айтинг-чи, сизга Аллоҳнинг азоби ёки қиёмат соати келганда, Аллоҳдан бошқага дуо қиласизларми?» – дегин.**

Ушбу оятда мўъжизабаён Қуръон мушрик ва кофирларни но-зик жойларидан ушламоқда ва уларни аввало рост гапиришга ча-қириб:

**«Агар ростгўй бўлсаларингиз, айтинг-чи»,** – демоқда.

Гапнинг бундай бошланиши уларнинг ҳолини яхши билгани-дандир. Бу дунёда оддий инсон ҳам бирор кишининг сирини билса-ю, уни иқрор қилмоқчи бўлса, ростини айт деб, олдин уни рост гапиришга чорлаб олади-да, кейин асосий мақсадга ўтади. Бу оятда асосий мақсад, ҳар қандай одам, бошига оғир ҳолат тушганда, ал-батта, Аллоҳни эслаб, Унга илтижо қилиши ва Ундан ёрдам сўраши-ни тасдиқлашга қаратилган. Кофирларга шу ҳолни эслатиш Пай-ғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга топширилмоқда:

**«...айтинг-чи, сизга Аллоҳнинг азоби ёки қиёмат соати келган-да, Аллоҳдан бошқага дуо қиласизларми? – дегин».**

Тажрибада собит бўлишича, инсон, оғир ҳолга тушганда, нои-лож қолганда, албатта, Аллоҳни эслайди ва ундан ёрдам сўрайди. Буни кофир ҳам билади. Зотан, «кофир» дегани «тўсувчи» дегани-дир. Аллоҳ инсонни очиқ табиатли қилиб яратди, яъни, иймонга мойил қилди. Кофир эса, ўша табиатини тўсиб, бор Худони йўқ дейди ёки унга ширк келтиради. Аммо инсон оғир ҳолга тушганда, унга бирор хавф-хатар қаттиқ таҳдид солганда, ўша тўсиқ очилиб, яна асл табиатига қайтади. Ўшанда Аллоҳни ёдга олади. Унга илтижо қилади. Ёрдам сўрайди. Ёки эй, кофирлар, ўшандоқ пайтда сизлар Аллоҳ таолодан бошқага дуо қиласизми?

بَلْ إِيَّاهُ تَدْعُونَ فَيَكْشِفُ مَا تَدْعُونَ إِلَيْهِ إِنْ شَاءَ وَتَنْسَوْنَ مَا تُشْرِكُونَ ﴿٤١﴾

**41. Йўқ! Фақат Унгагина дуо қилурсиз. У эса, хоҳласа, сиз дуо қилган нарсага кушойиш берур. Сиз эса, ширк келтираётган нар-сангизни унутурсиз.**

Бу дунёда кофир-мушриклар бут-санамларни рози қилиш учун ҳаракат қиладилар. Аввал айтилганидек, Аллоҳдан ўзганинг розили-

ги исталган, Аллоҳнинг айтгани қолиб, ўзганинг айтгани адо этилган ҳар бир ҳодиса Аллоҳга шерик келтириш ҳисобланади. Худди шундай, Аллоҳдан ўзганинг айтганини қилаётганлар, уларнинг ҳукмига юраётганлар, розилигини излаётганлар бошларига оғир ҳол тушганда: «Эй санамим, фирқам, қавмим ёки тузумим, менга ўзинг кушойиш бер», демайди.

**«Йўқ! Фақат Унгагина дуо қилурсиз».**

Ҳа, ундай пайтда ҳамма Аллоҳдан ёрдам сўраб, фақат Унгагина мурожаат қилади.

**«У эса, хоҳласа, сиз дуо қилган нарсага кушойиш берур».**

Хоҳламаса, кушойиш бермайди. У зотнинг хоҳиши чексиз. Бунинг устига, У зотнинг Ўзи кимга кушойиш беришини Ўз китобида айтиб қўйган.

**«Сиз эса ширк келтираётган нарсангизни унутурсиз».**

Ҳа, оғир ҳолатга тушиб қолган мушрик фақат Аллоҳ таологагина ёлборади. Ўзи ширк келтирган ҳамма нарсаларни эсдан чиқаради.

Ҳозирги кунимизда бунга ҳар қадамда далиллар учрайди. Умри бўйи динга қарши курашиб юрганлар ҳам бошига оғир ҳолат тушганда, динга рухсат бериб, дин аҳлига, уламоларга яхши гапириб, ўзи ҳам динга мойил эканини изҳор этиб қолади.

Аслида, бундай оғир ҳолатлар эслатиш, огоҳлантириш учун эканлиги кейинги оятлардан тушуниб олинади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا إِلَىٰ أُمَمٍ مِّن قَبْلِكَ فَأَخَذْنَاهُم بِالْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ لَعَلَّهُمْ يَضُرَّعُونَ ﴿٤٢﴾

**42. Батаҳқиқ, Биз сендан олдинги умматларга ҳам Пайғамбарлар юборганмиз. Сўнгра, шояд, тазарруъ қилсалар деб, уларни бало ва зиёнларга тутганмиз.**

Аллоҳ таоло Ислом умматидан аввалги умматларга ҳам Пайғамбарлар юборган. Улардан Пайғамбарларнинг даъватига юрганларини бало-офатларга дучор қилган ва зиён ила тутган. Бундан, шоядки, бошига оғир кун тушганда ўзига келиб, ҳушини йиғиб, хатосини тушунса ва иймон йўлига юрса, деган мақсад кўзда тутилган. Агар воқеликка назар соладиган бўлсак, худди шу ҳақиқатни кўрамиз. Авваллари турли ҳолатларда юриб, кейин тўғри йўлга тушиб олганлар билан гаплашсангиз, ҳидоят йўлини тутишларига бошларига тушган оғир мусийбат сабаб бўлганини айтадилар. Агар Қуръоний мақсад амалга ошиб, бошига бало ва зиён тушганлар тазарруъ қилиб ҳидоят ва тақво йўлига тушиб олсалар, яхши бўлар эди.

فَلَوْلَا إِذْ جَاءَهُمْ بَأْسُنَا تَضَرَّعُوا وَلَكِنْ قَسَتْ قُلُوبُهُمْ وَزَيَّنَ لَهُمُ الشَّيْطَانُ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٥٣﴾

**43. Бизнинг баломиз уларга етганда, тазарруъ қилсалар эди! Лекин қалблари қаттиқ бўлди ва шайтон уларга қилаётган ишларини зийнатлаб кўрсатди.**

Афсуски, улар тазарруъ қилмадилар. Қалблари қотиб, моғор босиб кетганлиги сабабли, бошларига тушган бало-офатлар ҳам уларга таъсир ўтказмади. Бунинг устига, шайтон уларга қилаётган ишларини зийнатлаб кўрсатди. Улар куфр ва ширкларидан бардавом бўлдилар.

فَلَمَّا نَسُوا مَا ذُكِّرُوا بِهِ فَتَحْنَا عَلَيْهِمْ أَبْوَابَ كُلِّ شَيْءٍ حَتَّى إِذَا فَرِحُوا بِمَا أُوتُوا أَخَذْنَاهُمْ بَغْتَةً فَإِذَا هُمْ مُبْلِسُونَ ﴿٥٤﴾

**44. Эслатилган нарсаларни унутган чоғларида, уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Ўзларига берилган нарсалардан хурсанд бўлиб турганларида, уларни бирданига тутдик. Бас, қарабсизки, бутунлай ноумид бўлдилар.**

Бундай муомалага «истидрож» – билдирмасдан даражама-даража олиш, дейлади. Аллоҳ огоҳлантириш мақсадида аввал бало-офатга дучор қилган эди, тазарруъ қилмади, куфрда давом этди. Бало-офат таъсир қилмайдиган қалб, тош қотган, яхшилик умид қилиб бўлмайдиган қалбдир. Ундан энди иймон ҳам, бирор-бир яхшилик ҳам кутиб бўлмайди. Аллоҳ Ўзи ҳикоя қилаётган аввалги умматлардан шундай қаттиқ қалбларини бир муддат тек қўйиб қўйган. Улар бошидан ўтган мусийбатларни ва:

**«Эслатилган нарсаларни унутган чоғларида, уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик»,** – дейди.

Яъни, улар истаганларидан ҳам ортиқ нозу неъматларга кўмиб ташланганлар. Бу дунёнинг матоҳлари уларга селдек оқиб келган. Албатта, улар бу нарсаларга чексиз хурсанд бўлганлар. Аммо, иймонсиз, тазарруъсиз келган нозу неъмат яхшиликка олиб бормаслиги турган гап. Аслида, иймонли, тазарруъли ва тақволиларга нозу неъматлар, фаровон турмуш берилиши лозим. Аллоҳ таолонинг ваъдаси – шу. Аммо, кофир-мушрикларга бу нарсалар берилса, хусусан, ҳамма нарсанинг эшиги очиб қўйилса, орқасида бошқа гапи бўлади. Нозу неъматга кўмилган кофирлар ғурурга кетиб, яна ҳам

кўпроқ исёнга, гуноҳкорликка ўзларини урадилар. Аммо, ҳақиқий ҳикмат кейин пайдо бўлади:

**«Ўзларига берилган нарсалардан хурсанд бўлиб турганларида, уларни бирданига тутдик».**

Бундай бўлишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Бирданига Аллоҳнинг азоби уларни тутди.

**«Бас, қарабсизки, бутунлай ноумид бўлдилар».**

Энди тавба-тазарруъ қилишга имкон қолмади.

فَقُطِعَ دَابِرَ الْقَوْمِ الَّذِينَ ظَلَمُوا وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

**45. Бас, зулм қилган қавмларнинг кети кесилди. Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.**

Ширк ва куфрда юрган қавмлар битирилди. Ўтган умматлар ичида бундай оқибатга дучор бўлганлар кўп. Нух, Ҳуд, Солиҳ, Лут қавмлари, Рум, Форс ва Совет империяси ва бошқа империялар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳаммаси бу дунё неъматларига фарқ бўлиб, куфр «нашида»сини сураётган чоғларида бирданига балога гирифтор бўлдилар.

**«Бас, зулм қилган қавмларнинг кети кесилди».**

Зулм қилган қавмларга муносиб жазони берган

**«Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».**

Бугун ҳам куфр ва исёнига қарамай, нозу неъматларга фарқ бўлиб, ғурурда яшаётганлардан ажабланмаса бўлади. Уларнинг бу «тантана»лари абадий эмас. Эртага нима бўлишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Илгари ҳам, қалблари тош қотиб, тазурруъ қилмай, шайтоннинг найрангига учганларга Аллоҳ таоло «ҳамма нарсанинг эшигини очиб қўйган» эди. Буларга ҳам шундай қилмоқда. Ўтган қалби қаттиқ кофирларнинг оқибати маълум. Бугунги кофирларнинг оқибати кутиляпти. Иншааллоҳ, булар ҳам Аллоҳ томонидан бирдан тутиладилар.

Шунинг учун, кофир ва осийларнинг бу дунё нозу неъматларига ботишларини яхшилик аломати деб бўлмайди ва уларга ҳавас ҳам қилиб бўлмайди. Бу маънода Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам бир қанча ҳадислар ворид бўлган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ бир бандга осийлигига қарамай, у хоҳлаган нарсаларни бераётганини кўрсанг, билки, бу истидрождир», деганлар. (Яъни, уни аста-секин олишдир.) Сўнгра, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васал-



лам: «Эслатилган нарсаларни унутган чоғларида, уларга ҳамма нарсанинг эшигини очиб қўйдик. Ўзларига берилган нарсадан хурсанд бўлиб турганларида, уларни бирданига тутдик. Бас, қарабсизки, бутунлай ноумид бўлдилар», ояти каримасини тиловат қилдилар.

Имом Ибн Аби Ҳотим Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни айтар эдилар: «Агар Аллоҳ бир қавмга боқийликни ва тараққиётни ирода қилса, уларга тежамкорликни ва қаноатни беради. Агар Аллоҳ бир қавмни «кесмоқни» ирода қилса, уларга хиёнат эшигини очиб қўяди». «Ўзларига берилган нарсадан хурсанд бўлиб турганларида, уларни бирданига тутдик. Бас, қарабсизки бутунлай ноумид бўлдилар». «Бас, зулм қилган қавмларнинг кети кесилди. Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа ҳадис уламолари ҳам бу ривоятни келтирган эканлар.

Юқоридаги оятларда мушрик ва кофирларга ибрат-эслатма бўлсин учун, улар тазарруъ қилсинлар учун, умумий бало-офатлар ила қавмлар ва умматлар тутилгани зикр қилинган эди. Кейинги оятда эса, улардан ҳар бирининг тана аъзоларини мубтало қилиши ҳам борлигини эслатмоқда:

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَخَذَ اللَّهُ سَمْعَكُمْ وَأَبْصَارَكُمْ وَخَمَّ عَلَى قُلُوبِكُمْ مِّنْ إِلَهِ غَيْرِ اللَّهِ يَأْتِيكُمْ بِهِ  
أَنْظُرْ كَيْفَ نَصَرَفُ الْآيَاتِ ثُمَّ هُمْ يَصْدِفُونَ ﴿٤٦﴾

**46. Уларга: «Айтинг-чи, агар Аллоҳ қулоқ ва кўзларингизни олиб қўйса, қалбларингизга муҳр босса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ уни сизга беради», дегин. Биз оятларни қандай келтиришимизга, сўнгра уларнинг қандай юз ўгириб кетишига назар сол.**

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга амр қилиб, мушрикларга уларнинг кўзини очадиган савол беришни буюрмоқда. Уларнинг танасидаги баъзи аъзолар ҳақида ўйлаб кўришга чақир, демоқда:

**«Уларга: «Айтинг-чи, агар Аллоҳ қулоқ ва кўзларингизни олиб қўйса, қалбларингизга муҳр босса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ уни сизга беради», дегин».**

Қулоқ ҳамма инсонда бор. Ҳар лаҳзада инсоннинг бу аъзога иши тушиб туради. Бу одатий ҳол бўлганидан одам унинг аҳамиятини кўпинча унутиб қўяди. Аммо, ҳар бир инсон ақлини жойига қўйиб, инсоф ила ўйлаб кўрсин-чи, қулоқ деб аталмиш муҳим бир аъзони унга ким

берган? Турли садоларни қабул қиладиган, уларга қараб кимнинг, ниманинг овози эканлигини ажратиб оладиган ва яна шунга ўхшаш кўплаб нарсаларга хизмат қиладиган аъзони унга ким берган? Аллоҳдан бошқа бирор зот унга қулоқ бера оладими? Қулоқнинг тузилиши, унинг овозларни эшитиш ва фарқлаш жараёнининг ўзи Аллоҳнинг Холиқлигига ва унинг чексиз қудратига далил эмасми? Ҳар бир махлуққа қулоқ ато қилиш у ёқда турсин, бутун дунё бирлашиб бор имкониятларини ишга солганда ҳам, бир дона қулоқ ярата олмайди. Ожиз ва нотавон инсон эса, Аллоҳ берган ақл ва илми ишлатиб, Аллоҳ берган қулоққа тушган пардани олиб қўйишни «мўъжиза» деб, ҳовлиқиб юрибди. Кўз, қалб ва бошқа аъзолар ҳақида ҳам ҳар қанча гапирса бўлади. Бу борадаги мутахассислар фикридан огоҳ одам яхши тушунади. Қуръони Каримнинг мақсади — инсон ушбу ҳақиқатга инсоф назари билан қараб, ҳар бири ўзига ваъз-насиҳат олиши ва ўша аъзоларни берган Зотга иймон келтириб, унга ибодат қилишидир. Аммо кофир ва мушриклар ибрат олмайдилар. Аллоҳ келтирган ҳужжат-далиллар бошқа ёқда қолиб, улар бошқа томонга йўл соладилар.

**«Биз оятларни қандай келтиришимизга, сўнгра уларнинг қандай юз ўгириб кетишига назар сол».**

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَنْتُمْ عَذَابُ اللَّهِ بَغْتَةً أَوْ جَهْرَةً هَلْ يُهْلِكُ إِلَّا الْقَوْمَ الظَّالِمُونَ ﴿٥٧﴾

**47. Уларга: «Айтинг-чи, агар сизга Аллоҳнинг азоби бирданига ёки очиқчасига келса, золим қавмларгина ҳалок қилинадилар-ку!» – деб айт.**

Золимлардан мурод — мушрик-кофирлар. Уларга Аллоҳнинг азоби келиши муқаррар. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Қачон ва қаерда бўлмасин — эртами-кечми, тунми-кундузми, туйқусданми, аста-секинми, махфийми, очиқчасигами — барибир келади. Аллоҳнинг азоби келганда, золим қавмларгина ҳалок қилинадилар. Бас, шундай экан, Аллоҳнинг азоби келмай туриб ўзларини ўнгласалар, иймон ва Ислом йўлига юрсалар, бўлмайдими?

Кейинги оятларда Пайғамбарларни юборишдан асосий мақсад турли мўъжизалар зоҳир қилиш эмаслиги, уларнинг вазифаси бошқалиги баён қилинади:

وَمَا نُرْسِلُ الْمُرْسَلِينَ إِلَّا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ فَمَنْ آمَنَ وَأَصْلَحَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ

يَحْزَنُونَ ﴿٥٨﴾

**48. Биз Пайғамбарларни фақат башорат берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборурмиз. Ким иймон келтириб, амали солиҳ қилса, уларга хавфу хатар йўқ ва улар ранжимаслар.**

Демак, Пайғамбар алайҳиссаломларнинг асосий вазифалари яхшилик йўлига – иймон, Ислом йўлига юрганларга башорат бериш ва ёмонликдан – ширк-куфрдан огоҳлантиришдир. Қисқаси, кишиларни Аллоҳнинг йўлига бошлаш ва уларни тарбия қилишдир.

**«Биз Пайғамбарларни фақат башорат берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборурмиз».**

Одамларнинг вазифаси эса, уларга иймон келтириш, эргашиш ва улар кўрсатган яхши амалларни адо этишдир.

**«Ким иймон келтириб, амали солиҳ қилса, уларга хавфу хатар йўқ ва улар ранжимаслар».**

Иймонлари ва амали солиҳлари туфайли Аллоҳнинг фазли ила жаннатга дохил бўладилар. Уларга келажакда хавфу хатар йўқ. Иймон ва амали солиҳ билан кечган умрлари саодатли бўлгани учун ўтмишларини эслаганда хафа бўлмайдилар.

Аммо, ҳамма ҳам иймон келтириб, амали солиҳ қилавермайди. Табиийки, ундай кимсаларнинг ҳоли ҳам бошқача бўлади.

وَالَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا يَمَسُّهُمُ الْعَذَابُ بِمَا كَانُوا يَفْسُقُونَ ﴿٤٩﴾

**49. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни, фосиқлик қилганлари учун, азоб тутадир.**

Кофир ва осийларни қилган гуноҳлари эвазига азоб тутади. Кимники азоб тутса, ҳалок бўлади.

Пайғамбарларнинг вазифаси юқорида зикр этилди. Шунингдек, уларга иймон келтирганларнинг ҳам, куфр келтирганларнинг ҳам оқибатлари айтиб ўтилди. Келаси оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, у кишидан турли ажойибот ва мўъжизалар кўрсатишни талаб қилаётган мушрикларга ва бошқа кофирларга ўзларининг ким эканликларини, Пайғамбар бўлсалар ҳам, башар фарзанди эканликлари ва башарлик чегарасидан чиқмаганликларини баён этиш буюрилади:

قُلْ لَا أَقُولُ لَكُمْ عِنْدِي خَزَائِنُ اللَّهِ وَلَا أَعْلَمُ الْغَيْبَ وَلَا أَقُولُ لَكُمْ إِنِّي مَلَكٌ إِنْ أَتَيْتُمْ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الْأَعْمَىٰ وَالْبَصِيرُ أَفَلَا تَتَفَكَّرُونَ ﴿٥٠﴾

**50. Сен: «Сизларга, ҳузуримда Аллоҳнинг хазиначиси бор, демасман. Ғайбни биламан, демасман. Ва яна сизларга, мен фариштаман, деб ҳам айтмасман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсага эргашаман, холос», деб айт. «Кўр билан кўзи ўткир тенг бўла олурми? Ўйлаб кўрмайсизларми?» – деб айт.**

Бу ояти каримада Пайғамбарлик ва Пайғамбар шахси ҳақидаги ҳақиқий тасаввур баён қилинмоқда. Аллоҳ таоло мушриклар томонидан турли саволларга тутилаётган, ҳар хил талабларни эшитаётган Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўзларининг ким эканликларини баён қилиб беришни амр қилмоқда:

**«Сизларга, ҳузуримда Аллоҳнинг хазиначиси бор, демасман».**

Яъни, мендан молу дунё, нозу неъмат кутманг. Менга Аллоҳ, Пайғамбари бўлганим учун, хазиначисини очиб бермаган. Ким менга эргашса, уни молу дунё ва нозу неъматга кўмиб ташлай олмайман. Ким менга шу умидда эргашмоқчи бўлса, ушбу ҳақиқатни ҳам билиб қўйсин, мен:

**«Ғайбни биламан, демасман».**

Бу менинг Пайғамбарлик масъулиятимга кирмайди. Ғайбни фақат Аллоҳнинг Ўзигина билади, холос. Ким менга ғайбни билишимни шарт қилиб, эргашмоқчи бўлса, билиб қўйсинки, мен ўзимга эргашганларга ғайб хабарини бера олмайман.

Ва яна:

**«Мен фариштаман, деб ҳам айтмасман».**

Мен одамман. Пайғамбар фаришта бўлиши керак, деган фикрларингиз бўлса, бу беҳудадир. Мен одамман. Шунинг учун, мендан одамга хос тасарруфлар чиқади, фариштага хос тасарруфлар чиқмайди, бу ҳақиқатни ҳам билиб қўйинглар.

**«Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсага эргашаман, холос».**

Менинг бошқа одамлардан фарқим – менга Аллоҳ ҳузуридан ваҳий келади. Мен ўша ваҳийга эргашаман, холос. Аллоҳ таоло бандасига берган сонсиз-саноксиз неъматлар ичида энг улуғларидан бири ақл неъматидир ҳисобланади. Аммо, ақлни ишлатиб, тўғри йўлга солиб турадиган нарса ваҳийдир. Чунки, ақлнинг ўзи инсон учун икки дунё саодатини топишига ёрдам бера олмайди. Бутун инсон-ихтиёр ақлнинг ўзига ташлаб қўйилса, турли хатолар, бурилишлар, бузғунчиликлар, ҳатто ҳалокатлар келиб чиқади. Бунга ўзимиз яшаб турган бугунги воқелик гувоҳ. Ҳозирда инсон ақлини жуда ҳам ривожланган деб, даъво қилади. Аммо, ўша ривожланган ақл инсониятнинг ўзини кундан-кунга ҳалокат жари томон тортиб кетмоқда. Ақлнинг энг муҳим вазифаларидан бири – Аллоҳдан келган ваҳийни идрок этиш ва унга амал қилиш йўққа чиққанда шундоқ бўлади.

**«Кўр билан кўзи ўткир тенг бўла олурми? Ўйлаб кўрмайсизларми? – деб айт».**

Ваҳийсиз инсон, Пайғамбарга эргашмаган инсон кўрдир. Кўзи кўрмайдиган одам қоқилиб, сурилиб, ўзини ҳар томонга уриб, ҳеч нарсани аниқлай олмай, баъзан ҳалокатга ҳам юз тутгани каби, ваҳийсиз одам – динга амал қилмаган, Аллоҳдан Пайғамбарга келган ваҳийни ўзига қабул қилмаган одам кўнгли тусаган ишни қилади, ўзини ҳар томонга уради ва оқибатда ҳалокатга учрайди.

Ваҳийга эргашшиш эса, кўзи очиклиқдир. Бу дунёда кўзи очик одам ҳар бир нарсани яхши кўриб, фойдасига юриб, зараридан четланади. Ваҳий ақл кўра олмаган нарсаларни ҳам кўради. Кишини тўғри, ҳақ ва саодат йўлига бошлайди. Икки кишини чорлаб, кўзланган бир ерга боришни буюрсак, йўл узоқ, хатарли ва нотаниш бўлса, боз устига, уларнинг бири кўр, иккинчиси кўзи очик бўлса, икковлари манзилга бир хил боради, дея оламизми? Йўқ, албатта! Кўзи очик қийналмасдан, бирпасда кўзланган манзилни топади. Кўр эса, топа олмайди. Балки, ўзини турли жойларга уради, эҳтимол, ҳалокатга учрайди. Ваҳийга эргашган – кўзи очик, эргашмаган – кўр. Энди айтинг-чи, икковлари тенг бўла оладими? Ўйлаб кўринг ахир!

Ушбу ояти каримада зикр қилинган ҳақиқатни бугунги кунда ҳам чуқур англашга эҳтиёж сезилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меросхўрлари бўлмиш уламоларга – Ислом даъватига хизмат қилувчи кишиларга одамларнинг турли талаблари кўп. Жумладан, уларни динга даъват қилсалар, даъватга қўшиб, молу дунё беришларини ҳам сўрайдилар. Акс ҳолда, бошқа дин ёки тоифалар молу дунё ваъда қилаётгани, ана ўшаларга қўшилиб кетишлари мумкинлигини айтиб, «қўрқитадилар». Шунингдек, ғайб хабарларидан «фол очиш»ни, бошқалар айни шундай қилишаётганини айтишади. Ёки даъватчи шахсида фариштанing худди ўзини кўришни хоҳлайдилар. Улардаги башарлик сифатини камчилик деб, гумон қиладилар. Бу ҳам одам-ку, деб ўйлаб кўрмайдилар.

Кейинги оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ўз вазифаларини адо этиш топширилмоқда.

وَأَنْذِرْ بِهِ الَّذِينَ يَخَافُونَ أَنْ يُحْشَرُوا إِلَىٰ رَبِّهِمْ لَيْسَ لَهُمْ مِنْ دُونِهِ وَاوَّلِيٌّ وَلَا شَفِيعٌ

أَعْلَاهُمْ يَنْفَعُونَ ﴿٥١﴾

**51. У билан Роббиларига тўпланишдан қўрқадиганларни огоҳлантир. Уларга ундан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам йўқ. Шоядки, тақводор бўлсалар.**

Қиёмат кунидан қўрқадиганлар — Роббилари ҳузурида тўпланишдан қўрқадиганлардир.

**«У билан Роббиларига тўпланишдан қўрқадиганларни огоҳлантир».**

Қуръони Карим билан қиёмат кунда Роббилари олдида тўпланишдан қўрқадиганларни огоҳлантир. Сенинг огоҳлантиришингни ўшалар ихлос билан тинглайдилар ва ундан фойда оладилар. Чунки, қиёмат кунда:

**«Уларга ундан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам йўқ».**

Ҳа, ўзлари уларга Аллоҳдан ўзга валий ҳам, шафоатчи ҳам бўлмаслигини яхши биладилар.

**«Шоядки, тақводор бўлсалар».**

Шоядки, улар бу огоҳлантиришингдан манфаат олиб, ҳақ йўлини қаттиқ ушлаб, тақводор бўлсалар.

Юқоридаги ояти карималарда Ўз Пайғамбарига мушрик-кофирлар билан қандоқ муомала қилишни ўргатиб бўлган Аллоҳ таоло энди келадиган ояти карималарда мўмин-мусулмонлар билан қандоқ муомалада бўлишни баён этади.

وَلَا تَطْرُدِ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ مَا عَلَيْكَ مِنْ حِسَابِهِمْ مِنْ شَيْءٍ وَمَا مِنْ حِسَابِكَ عَلَيْهِمْ مِنْ شَيْءٍ فَتَطْرُدَهُمْ فَتَكُونَ مِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٥٢﴾

**52. Эртаю кеч Роббиларига Унинг юзини ирода қилиб дуо этаётганларни ҳайдама! Уларнинг ҳисобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисобингдан уларнинг зиммасида ҳеч нарса йўқ. Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолма.**

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Асбот ибн Муҳаммаддан, у зот Ашъасдан, у зот Кирдавсдан, у эса, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар: «Қурайш зодагонларидан бир гуруҳи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ордиларидан ўтиб кетаётиб, у кишининг ҳузурларида Суҳайб, Билол, Аммор, Хаббоб ва бошқа заифҳол мусулмонларни кўриб қолдилар ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Муҳаммад! Ўз қавминг ичидан шуларга рози бўлдингми? Орамиздан Аллоҳ неъмат берганлар шуларми? Энди биз шуларга эргашишимиз керакми? Уларни ҳайда! Уларни ҳайдасанг, эҳтимол, биз сенга эргашармиз», дейишди. Ана шунда: «Эртаю кеч Роббиларига унинг юзини ирода қилиб дуо этаётганларни ҳайдама!» — ояти каримаси нозил бўлди».



Жоҳилият қонуни одамларнинг молу мулки, бойлигига қараб ҳукм чиқаради. Бой-зодагонлар камбағаллар билан муомалада бўлиш ёхуд бирга ўтириш у ёқда турсин, мискин бечоралар кирган динга киришни ҳам истамайдилар. Ҳатто камбағаллар билан мулоқот қилган Пайғамбарлар билан гаплашишни, бирга ўтириб-туришни ўзларига раво кўрмайдилар. Ҳамма нарсани пул-мол билан ўлчайдиган бўлиб қолган одамлар учун мол-дунёси йўқ камбағал одам ўрнида кўрилмади.

Аммо Ислолда инсон Аллоҳга бўлган иймони ва ихлосига қараб баҳоланади.

**«Эртаю кеч Роббиларига Унинг юзини ирода қилиб дуо этаётганлар»** ижтимоий ҳолатлари қандай бўлишидан қатъиназар, ҳатто дунёдаги энг фақир-камбағал одам бўлсалар ҳам, олиймақом инсон ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бойларнинг гапига кириб, уларни ўз ҳузурларидан ҳайдашга ҳақлари йўқ. Уларнинг камбағалликлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зиммаларига қўшимча вазифа юкламайди. Камбағалликлари – ўзларига. Уларнинг ризқини Аллоҳ беради. Шунингдек, улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ризқларидан масъул эмаслар. У кишига ҳам ризқни Аллоҳ беради. Ёки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан ўтирсалар, камбағал, уларни ҳузурларидан ҳайдаб, бойларга юз бурсалар, бой бўлиб қолмайдилар. Шу боисдан, Аллоҳ таоло у кишига бу ояти каримада:

**«Уларнинг ҳисобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисобингдан уларнинг зиммасида ҳеч нарса йўқ»,** –демоқда.

Шундай экан, камбағал бўлсалар-да, қалблари иймону ихлосга бой кишиларни ҳузурларидан ҳайдаш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зинҳор-базинҳор тўғри келмайди. Аллоҳ таоло у кишига хитоб қилиб:

**«Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолма»,** –демоқда.

Кишиларнинг бой ёки камбағалликлари уларнинг инсоний қадрларини ўлчаш, динга муносабатларини аниқлаш ёки Пайғамбар билан бирга ўтиришга ҳақли эканликларини белгилаш учун эмас, балки бу ҳолнинг бошқа ҳикмати бор. Бу ҳикмат келаси оятда баён қилинади:

وَكَذَلِكَ فَتَنَّا بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لِيَقُولُوا أَهَؤُلَاءِ مَنَّ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِن بَيْنِنَا أَلَيْسَ اللَّهُ

يَاعْلَمُ بِالشَّكِرِينَ ﴿٥٢﴾

**53. «Орамиздан Аллоҳ неъмат берган шуларми?» – дейишлари учун шундай қилиб, баъзиларни баъзилари ила синадик. Аллоҳнинг Ўзи шукр қилувчиларни яхши билгувчи эмасми?**

Демак, бойларнинг бой, камбағалларнинг камбағал бўлиши синов экан. Синов бўлганда ҳам, бирларини бошқалари билан синаш экан. Бой шукр қиладими, йўқми – синалади. Камбағал ҳам сабр қиладими, йўқми – синалади. Айниқса, бойлар кўпроқ синалади. Чунки, одатда, улар мол-дунёларидан ғурурланиб, ҳамма нарсани бойлик билан ўлчайдиган бўлиб кетадилар. Жумладан, диндорликни ҳам. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларига мушарраф бўлишга ҳам бойлик сабаб бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Муҳаммад келтирган дин ҳақ бўлганида, камбағал-ялангоёқлар унга биздан олдин кирмасди, дейдилар. Пайғамбар алайҳиссаломга:

**«Орамиздан Аллоҳ неъмат берганлар шуларми?»** – дейдилар.

Яъни, «Ҳидоят-иймон неъматни берилганлар шуларми?» – деб сўрайдилар. Лекин улар Аллоҳ ушбу иймон неъматини кимга берса, шукр қилишини билмайдилар-ку?

Аллоҳ ҳидоят неъматини бандаларнинг бойлиги ёки камбағаллигига қараб бермайди. Балки, неъматга шукр қиладиган бандаларига беради. Бой бўлсин, камбағал бўлсин – ҳидоят неъматига эришса, шукр қилсин. Ким шукр қилишини бой-зодагонлар эмас, Аллоҳнинг Ўзи билади.

**«Аллоҳнинг Ўзи шукр қилувчиларни яхши билгувчи эмасми?»**

Ислолда инсоннинг қадр-қиммати бойлиги ёки камбағаллиги билан эмас, иймони билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам, бойлик, камбағаллик синов экани тўғрисидаги ва бойларнинг Пайғамбарлик ҳақидаги нотўғри тасаввурларини танқид қилувчи оятлардан кейин, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мўминларни улуғлашни амр қилмоқда:

وَإِذَا جَاءَكَ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِنَا فَقُلْ سَلَمٌ عَلَيْكُمْ كَتَبَ رَبُّكُمْ عَلَى نَفْسِهِ  
الرَّحْمَةَ أَنَّهُ مَن عَمِلَ مِنكُمْ سُوءًا بِجَهْلَةٍ ثُمَّ تَابَ مِن بَعْدِهِ وَأَصْلَحَ فَإِنَّهُ غَفُورٌ  
رَّحِيمٌ

**54. Агар ҳузуринга оятларимизга иймон келтирганлар келсалар: «Сизларга салом бўлсин, Роббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёзди. Сиздан ким билмасдан ёмонлик қилса, сўнгра ундан кейин тавба қилиб, амали солиҳ қилса, бас, албатта, У зот мағфиратли ва раҳимли Зотдир», – деб айт.**

Бу, Аллоҳ таоло томонидан мўмин бандаларни улуғлаш ва уларни ҳурматлашдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга амр қилиб,

**«Агар ҳузурингга оятларимизга иймон келтирганлар келсалар: «Сизларга салом бўлсин», дейишни таъкидламоқда.**

Ҳамма нарсадан Аллоҳнинг раҳмати устундир. Бу ҳақда ушбу «Анъом» сурасининг аввалидаги худди шу маънодаги оят тафсирида батафсил ёзилди. Яъни, Аллоҳ таоло Ўз зиммасига раҳматни ёзганлигидан:

**«Роббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёзди. Сиздан ким билмасдан ёмонлик қилса, сўнгра ундан кейин тавба қилиб, амали солиҳ қилса, бас, албатта, У зот мағфиратли ва раҳимли Зотдир», – деб айт».**

Шу боис ҳам, ўша гуноҳкорнинг гуноҳларини кечиб юборади.

Фақат, банда ўзини банда билиб, вақтида тавба қилиши, қуруқ оғзаки тавба билан кифояланиб қолмай, дилдан афсус ва надомат чекиб, ортидан яхши амалларни ҳам қилиши шарт. Ана ўшанда Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлади.

Юқорида келган учта оят ҳақида машҳур муфассирлардан имом Абу Жаъфар Тобароний Хаббоб розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қилади: «Ал-Ақроъ ибн Ҳобис ат-Тамимий ва Уйайна ибн Ҳисн ал-Физорийлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у кишининг Билол, Суҳайб, Аммор, Хаббоб ва бошқа заифҳол мўминлар билан гаплашиб ўтирганларини кўрдилар. Кўришлари билан уларни ҳақорат қилдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Биз сендан ўзимизга хос мажлис қилишингни истаймиз. Араблар бизнинг фазлимизни билиб қўйишсин. Сенинг олдинга араб қабилаларининг вакиллари келиб туради. Биз ўша арабларга анави қулваччалар билан бирга ўтирган ҳолда кўринишдан уяламиз. Биз келганимизда уларни турғазиб юбор. Биз гапимизни тугатиб кетганимиздан сўнг, хоҳласанг, улар билан ўтираве-расан», дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қоғоз келтиришни ва ёзишга Алини чақиришни амр қилдилар. Биз бир четда ўтирар эдик. Шу пайт Жаброил: «Эртаю кеч Роббиларига Унинг юзини ирода қилиб дуо этаётганларни ҳайдама! Уларнинг ҳисобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисобингдан уларнинг зиммасида ҳеч нарса йўқ. Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолма» оятини олиб келди. Сўнгра: «Орамиздан Аллоҳ неъмат берган шуларми?» дейишлари учун шундай қилиб, баъзиларни баъзилари ила синадик. Аллоҳнинг Ўзи шукр қилувчиларни яхши билгувчи эмасми?» ояти каримаси тушди. Кейин эса: «Агар ҳузурингга оятларимизга иймон келтирганлар келсалар: «Сизларга салом бўлсин, Роббингиз Ўз

зиммасига раҳматни ёзди...» ояти нозил бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларидаги қоғозни ташладилар-да, бизни чақирдилар. Биз оддиларига келганимизда: «Сизларга салом бўлсин, Роббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёзди», – деб кутиб оддилар. Кейин доим бирга ўтирадиган бўлдилар. Бирга ўтириб, хоҳлаган пайтларида туриб кетар эдилар, биз ўтириб қолар эдик.

Кейин Аллоҳ таоло («Қаҳф» сурасидаги): «Эртаю кеч Роббиларига Унинг юзини ирода қилиб дуо қилаётганлар ила ўзингни сабрли тут. Дунё ҳаёти зийнати истаб, улардан кўзингни олиб қочма», оятини туширди. Шундан сўнг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо биз билан бирга ўтирадиган бўлдилар. Агар ўтирганларида турадиган вақт бўлса, аввал биз турар эдик. Бир оздан кейин у киши турар эдилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундан кейин уларни кўрсалар, аввал салом берар эдилар ва: «Умматим ичидаги кишиларга бошлаб мени салом берадиган қилиб қўйган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин», – дер эдилар.

Кейинги оятда Аллоҳ Пайғамбарлик вазифасидан яна бирини қисқагина баён этади:

وَكَذَلِكَ نَفِصِلُ الْآيَاتِ وَلِتَسْتَبِينَ سَبِيلَ الْمُجْرِمِينَ

**55. Шундай қилиб, жиноятчиларнинг йўли ошкор бўлиши учун, оятларни муфассал баён қилурмиз.**

Яъни, ушбу сурадаги каби оятларимизни, токи ушбу баёнларимиздан жиноятчи-кофирларнинг йўли ошкор бўлсин деб, баён қилурмиз. Оятда кофирлар жиноятчилар деб аталмоқда. Ҳа, дарҳақиқат, кофирлик – жиноят. Жиноят бўлганда ҳам, улкан жиноятдир. Оламдаги барча инсоният, барча жонзот, жами мавжудотга қарши, Аллоҳга, Пайғамбарга қарши жиноятдир. Пайғамбарларнинг вазифаларидан бири ўша жиноятчилар – кофирларнинг йўлини ошкор қилиш, ундан кишиларни огоҳлантиришдир. Демак, мусулмонларнинг йўли ҳам ошкор бўлади. Ана ўша ошкоралик ила иш олиб боришга тўғри келади.

Пайғамбарлик ва Пайғамбар ҳақиқати баён қилиб бўлингандан кейин, энди илоҳият ҳақиқати баён қилина бошлайди:

قُلْ إِنِّي نَهَيْتُ أَنْ أَعْبُدَ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ قُلْ لَا أُنْبِعُ أَهْوَاءَ كُمْ قَدْ ضَلَلْتُمْ إِذَا وَمَا أَنَا مِنَ الْمُهْتَدِينَ

**56. Сен: «Мен Аллоҳни қўйиб, сиз ибодат қилаётганларга ибодат қилишдан қайтарилганман», – деб айт. «Мен сизнинг ҳавои нафсларингизга эргашмасман. Зеро, адашган бўламан ва ҳидоят топганлардан бўлмай қоламан», – деб айт.**

Аллоҳ таоло ушбу оятда Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга амр этиб, мушриклар билан орани очиқ қилиб:

**«Сен: «Мен Аллоҳни қўйиб, сиз ибодат қилаётганларга ибодат қилишдан қайтарилганман, – деб айт», – демоқда.**

Бундан маълум бўладики, дин-диёнат, ақийда-иймон масаласида ўрта йўлни тутиш, келишиб, бировларнинг розилигини эътиборга олиб иш тутиш йўқ экан. Мушрикларнинг шундай бир келишувга ҳаракат қилганлари тарихдан маълум ва машҳур. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Сен бизнинг худоларимизни эътироф қилсанг, биз ҳам сенинг Аллоҳингни эътироф этамиз. Сен бизнинг худоларимизга ибодат қилсанг, биз ҳам сенинг Аллоҳингга ибодат қиламиз», дейишган.

Мусулмончиликда икки ёки кўп хўжайинга қул бўлиш йўқ. Одамлар ўзларини яратган ягона Аллоҳгагина бандалик қилишлари лозим. Бошқа ҳеч нарсага ва ҳеч кимга ибодат қилиш мумкин эмас. Эътибор билан қарасак, оятда **«сиз ибодат қилаётганларга»** деган истилоҳ ишлатилган. Бу таъриф жонсиз бут-санам, ҳайкалларнигина эмас, жонлиларни ҳам ичига олади. Демак, ширк деганда, фақат бут ва санамларни тушунмай, жонли – ақлли шахслар ҳам тушунилар экан. Кимки Аллоҳни қўйиб, бут-санамларга чўқинса, мушрик бўлганидек, кимда-ким Аллоҳнинг буйруқларидан подшоҳ, амир, ҳоким ва бошқаларнинг амрларини устун қўйса ҳам, мушрик бўлади. Шунингдек, Аллоҳ розилигини топишга урина туриб, яна бошқа тарафнинг Аллоҳ хоҳишига зид йўриқларини амалга ошириш ила унинг розилигини топишга уриши ҳам ширк ҳисобланади.

**«Мен сизнинг ҳавои нафсларингизга эргашмасман».**

Албатта, оддий инсонларки қилиши мумкин бўлмаган нарсаларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қилишлари мутлақо дурст эмас. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло у кишига:

**«Зеро, адашган бўламан ва ҳидоят топганлардан бўлмай қоламан, деб айт», – дея марҳамат қилмоқда.**

قُلْ إِنِّي عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّي وَكَذَّبْتُم بِهِ ۗ مَا عِندِي مَا تَسْتَعْجِلُونَ بِهِ ۗ إِن  
 الْحُكْمُ لِلَّهِ يَفُصِّحُ الْحَقَّ وَهُوَ خَيْرُ الْفَاصِلِينَ ﴿٥٧﴾

**57. Сен: «Албатта, мен Роббимдан берилган аниқ ҳужжатга эгаман. Сизлар уни ёлғонга чиқардингиз. Сиз шошилтираётган нарса менда йўқ. Ҳукм фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. У ҳақни аниқлар. У ажрим қилувчиларнинг энг яхшиси», – деб айт.**

Ҳақ таолонинг илоҳлик ҳақиқатларини баён қилиш давом этмоқда. Ушбу оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мушриклар билан орани очиқ қилиб олишда керак бўладиган гаплар ўргатилди.

Биринчидан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даъватларини, эътиқодларини, амалларини «аниқ ҳужжат» асосида олиб бормоқдалар.

**«Албатта, мен Роббимдан берилган аниқ ҳужжатга эгаман».**

Бу очиқ ҳужжат ердан чиққани йўқ, балки осмондан тушган. У одамлар қабул қилган ҳужжат эмас, олам ва одамлар Робби, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Роббилари томонидан туширилган ҳужжатдир. Мушрик-кофирларнинг эса, ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, улар Роббиларини ёлғонга чиқариб қўйганлар.

Иккинчидан:

**«Сиз шошилтираётган нарса менда йўқ».**

Мушриклар шошилтираётган нарса эса – талаб қилинган мўъжиза келгандан сўнг азобни тушириш. Бу иш Пайғамбарнинг илкидаги иш эмас. Унинг имкони ҳам йўқ, вазифасига ҳам кирмайди. Чунки:

**«Ҳукм фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир».**

Ундан бошқа ҳеч ким ҳукм қила олмайди. Ҳатто, Аллоҳга энг яқин бўлган Пайғамбар ҳам бунда иштирок эта олмайди.

**«У ҳақни аниқлар».**

Ҳақ ҳукм чиқариб, ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини аниқловчи қози ҳам Аллоҳнинг ўзи:

**«У ажрим қилувчиларнинг энг яхшиси, деб айт».**

Демак, бундай ишлар илоҳлик хусусиятидан бўлиб, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига хосдир. Пайғамбарлик вазифаси эмас.

قُلْ لَوْ أَنِّي عِنْدِي مَا تَسْتَعْجِلُونَ بِهِ لَقُضِيَ الْأَمْرُ بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ وَاللَّهُ أَعْلَمُ  
بِالظَّالِمِينَ

**58. Сен: «Агар сиз шошилтираётган нарса менинг ҳузуримда бўлса эди, мен билан сизнинг орангизда иш аллақачон битган бўлар эди. Аллоҳ золимларни яхши билгувчидир», – деб айт.**



Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиш топширилган гаплар силсиласи давом этмоқда. Ушбу ояти каримадаги ҳукмлардан Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хос яна бир сифати аён бўлмоқда. У ҳам бўлса, сабрлилик, бандаларнинг қилган гуноҳларига жазо беришга шошилмаслик ва ҳалимликдир. Мушрикларнинг даъволари, қилмишлари шу даражага бориб етган эдики, ҳатто энг ҳалим, энг сабрли ва энг кечиримли инсон бўлмиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, агар иш менинг қўлимда бўлганда, аллақачон битган бўлар эди, дейдилар.

**«Агар сиз шошилтираётган нарса менинг ҳузуримда бўлса эди, мен билан сизнинг орангизда иш аллақачон битган бўлар эди».**

Бундай пайтда ҳам ҳеч нарса бўлмагандек сабр этиш, балки гуноҳкорларга инъомлар бериб бориш ҳам фақат Аллоҳнинг Ўзигагина хосдир. Бу ишларни Аллоҳ таоло мушрикларнинг ҳолидан беҳабар бўлгани учун эмас, балки Ўзининг сабри жамили билан қилади. Ҳолбуки:

**«Аллоҳ золимларни яхши билгувчидир».**

Фақат шуни эмас, балки ҳамма нарсани билгувчи Ул Зотдир. Унинг илмидан ҳеч нарса махфий қолмайди.

﴿ وَعِنْدَهُ مَفَاتِحُ الْغَيْبِ لَا يُعَلِّمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَمَا تَسْقُطُ مِنَ وَرَقَةٍ إِلَّا أَلَيْعُهَا وَلَا حَبَّةٍ فِي ظُلْمَةٍ إِلَّا يَبْسُهَا وَلَا يَابِسُ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ ﴾

**59. Ғайбнинг калитлари Унинг ҳузурда бўлиб, уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. У ердаги, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни биладир. Битта япроқ узилиб тушмайдики, магар уни ҳам биладир. Ер тубидаги бир дона дон борми, ҳўлу қуруқ борми, барчаси очиқ китобда бордир.**

Ушбу ояти каримадан Аллоҳ таолонинг илми чексизлиги ва бу илм ўзига хос ягона васфга эга илм экани билиб олинади. Бу илмнинг бош сифатларидан бири:

**«Ғайбнинг калитлари Унинг ҳузурда бўлиб, уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас».**

«Ғайб» — инсондан ғойиб ҳодисалар, инсон сезги аъзолари билан ҳис эта олмайдиган, билиш имконлари билан идрок эта олмайдиган ҳодисалар. Инсон ўзининг нечоғли билимдонлиги билан ғурурланмасин, унинг билганидан билмагани кўп бўлиб қолаверади. Ўша ғойиб нарсаларни билишда инсоннинг бирдан-бир воситаси бор, у ҳам бўлса, илоҳий ваҳийдир. Қолган барчаси тахмин ва гумонлардан бошқа ҳеч нарса эмас.

Ғайбга ишониш инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган асосий жиҳатлардан биридир. Қўли билан ушлаб, кўзи билан кўрганидан бошқа нарсанинг борлигига ишонмайдиган моддапарастнинг ҳайвондан нима фарқи бор?

Мўмин-мусулмонлар ғайбга иймон келтириш билан бошқалардан ажралиб турадилар. Чунки, ақийда боби асосан ғайбга, яъни, кўзи билан кўриб, қўли билан ушламаган нарсаларга ишонишдан иборатдир. Аллоҳга иймон келтириш ҳам ғайбга иймондир. Шунингдек, фаришталарга, илоҳий китобларга, Пайғамбарларга, қиёмат кунига, жаннатга, дўзахга, яхшию ёмон қадарнинг Аллоҳдан бўлишига иймон келтириш ҳам ғайбга ишонишдир.

Ушбулар ва бундан ташқари инсонни ҳар тарафдан ўраб турган, ўтмишни, ҳозирни ва келажакни илоҳий парда ортида тутиб турган сон-саноксиз нарсалар ғайбиётдир.

Инсон ғайбни билиш борасида ғоят ожиздир. У биринчи инсон — Одам Атонинг қаерда ва қачон пайдо бўлганини билмайди. Билиши мумкин бўлган нарса — Қуръони Каримдаги маълумотлар. Бошқаси ҳаммаси тахмин, гумон, фараз ва ҳоказо. Ўзининг ўтмишини билмаган инсон учун ўтмишнинг асосий қисми ғайб бўлиши турган гап. Аллоҳ таоло эса, ҳаммасини билади. Инсон ҳозирги лаҳзада ўз танасида кечаётган сонсиз-саноксиз ўзгаришларни билмайди. Катта-катта ўзгаришларни билиши мумкин, аммо кўплаб нарсаларни умуман билмайди. Мисол учун, танасидаги ҳужайраларнинг ҳаракати унинг учун ғайбдир. Ўз танасини мукамал билмаган инсон ҳозирги даврда борлиқда рўй бераётган ҳодисалардан қанчасини била олади? Ҳеч қанчасини билмайди. Аммо, Аллоҳ таоло уларнинг ҳаммасини билади.

Инсон ҳатто ўз бошига келажакда қандай ҳодисалар келишини билмайди. Ўзига тегишли нарсаларни билмаганидан кейин, оламдаги бошқаларга алоқадор нарсаларни умуман билмайди. Аллоҳ таоло эса, уларнинг ҳаммасини билгувчидир. Моддапарастлар илмомидан гапираётганларини даъво қиладилар, лекин ҳар бир илмий кашфиётнинг атрофини кўплаб ғайбиёт ўраб туришини унутиб қўядилар. Шунинг учун ҳам, ҳар илмий кашфиётлари атрофида тахминлар ва фаразлар кўпаяди. Аллоҳ таоло эса, ўша тахминларнинг ҳақиқатини билади. Ғайбнинг калитлари Аллоҳ таолонинг Ўзидалиги шундадир. Бу калитни ҳатто Пайғамбарлар ҳам билмайдилар.

**«У, ердаги, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни биладир».**

Яъни, маконга тааллуқли ҳамма нарсаларни билади. Инсон уларнинг ҳаммасини билмайди. Ҳозирги кунда ҳам қуруқлик ва денгиз-

дан инсон аввал билмаган янгидан-янги нарсалар пайдо бўлиб тургани шунга далолат қилади.

**«Битта япроқ узилиб тушмайдики, магар уни ҳам биладир».**

Демак, Аллоҳ борлиқдаги ҳар бир зарра ҳаракатини ҳам билади. Дунё миқёсида биргина япроқнинг узилиб тушиши сезиларли ҳодиса эмас. Аммо Аллоҳ таоло шу ҳодисани ҳам, ҳатто ундан ҳам дақиқ нарсаларгача яхши билади.

**«Ер тубидаги бир дона дон борми, ҳўлу қуруқ борми, барчаси очик китобда бордир».**

«Очик китоб»дан мурод – Лавҳул Маҳфуздир. Ер остида яширин турган бир дона дон бўлса ҳам, ҳўлу қуруқ бўлса ҳам билади дегани, унинг билмайдиган нарсаси йўқдир, деганидир. Бу таъриф фақат Аллоҳнинг Ўзигагина хосдир.

Чексиз ва шомил илмга эга бўлган Аллоҳ таоло, чексиз ва шомил қудратга ҳам эгадир.

وَهُوَ الَّذِي يَتَوَفَّاكُمْ بِاللَّيْلِ وَيَعْلَمُ مَا جَرَحْتُمْ بِالنَّهَارِ ثُمَّ يَبْعَثْكُمْ فِيهِ لِيُقْضَىٰ  
 أَجَلٌ مُّسَمًّى ثُمَّ إِلَيْهِ مَرْجِعُكُمْ ثُمَّ يُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٦٠﴾

**60. У кечаси сизни вафот эттирадир. У кундузи қилган касбингизни биладир. Сўнгра, белгилаган ажал тугал бўлиши учун у(кундузи)да сизни қайта тирилтирадир. Сўнгра, қайтиб боришингиз Унинг Ўзигадир. Сўнгра, нима қилиб юрганингизнинг хабарини берадир.**

Аллоҳ таоло Ўзининг чексиз қудрати ила инсон ҳаётининг ҳар лаҳзасигача қамраб олган.

**«У кечаси сизни вафот эттирадир».**

Дунёдаги барча махлуқотни, жумладан инсонларни ҳам ухлатадиган Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Инсон уйқуга кетганда ҳис этиш қобилиятини йўқотади. Ақли ҳам фаолиятдан дам олади, англаш қобилияти кесилди. Уйқунинг кичик ўлим дейилиши ҳам шундандир. Инсон уйқунинг белгиларини билади-ю, аммо ҳақиқатини билмайди. Аллоҳ таоло ухлатган кишидаги мазкур жараёнларни Ўзи бошқариб туради.

**«У кундузи қилган касбингизни биладир».**

Уйқудалик чоғингизда ҳаракатсиз ҳолингизни бутунлай қамраб олганидек, уйқоқлик чоғингиздаги ҳолу ҳаракатингизни ҳам қамраб олгандир.

**«Сўнгра, белгилаган ажал тугал бўлиши учун у(кундузи)да сизни қайта тирилтирадир».**

Яъни, уйғотади.

Демак, ухлатган ҳам, уйғотган ҳам Аллоҳнинг Ўзидир.

**«Сўнгра, қайтиб боришингиз Унинг Ўзигадир».**

Бу, албатта, қиёмат куни рўй беради. Яъни, қиёмат кунигача инсон ҳаёти Аллоҳ таолонинг тасарруфида бўлади.

**«Сўнгра, нима қилиб юрганингни хабарини берадир».**

Бу дунёдаги ҳаётингни шомил қамровга олиб турган Аллоҳ ҳар бир кичик нарсаларгача билиб турганидан, қиёмат куни ҳамма қилган ишингни хабарини беради. Амалларингни иймон ва яхшилиқдан иборат бўлса, мукофот; куфр ва гуноҳдан иборат бўлса, жазо берилади.

Кейинги оятда яна Аллоҳ таолони васф этиш давом этади:

وَهُوَ الْقَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِ وَيُرْسِلُ عَلَيْكُمْ حَفَظَةً حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَحَدَكُمْ الْمَوْتُ تَوَفَّتْهُ

رُسُلَنَا وَهُمْ لَا يُفِرُّونَ ﴿٦١﴾

**61. У бандалари устидан ғолибдир. У устингизга ҳафазаларини юборадир. Қачонки бирортангизга ўлим келса, элчиларимиз камчиликка йўл қўймаган ҳолда уни вафот эттирадир.**

Аллоҳ таоло доимо бандалари устидан ғолибдир, Ўз иродасини ўтказиб тургувчидир.

**«У бандалари устидан ғолибдир».**

Аллоҳ таоло ғолиблигидан бандаларининг ҳар бир ҳаракат ва саканотларини кузатиб, ҳисоб-китобини қилиб туради.

**«У устингизга ҳафазаларини юборадир».**

«Ҳафаза» — ҳар бир инсонга бириктирилган фаришталарнинг номи бўлиб, улар қиладиган ишнинг маъносини англатади. Биринчи маъно — муҳофаза қилиш, сақлаш маъноси бўлиб, ўша фаришталар ўзлари бириктирилган одамни муҳофаза қилиб турадилар. Иккинчи маъно — ёд олиш маъноси бўлиб, мазкур фаришталар ўзлари бириктирилган инсоннинг ҳамма қилган иши ва айтган сўзларини ёдлаб боради. Хулоса қилиб айтганда, инсон бир лаҳза ҳам Аллоҳ таолонинг кузатувидан четда қолмайди. Буни англаган инсон фақат яхшилиқ қилиб, доимо ёмонликдан четланади. Шу билан бирга, мўмин-мусулмон инсон доимо ўлимга ҳозир бўлиб туради. Чунки:

**«Қачонки бирортангизга ўлим келса, элчиларимиз камчиликка йўл қўймаган ҳолда уни вафот эттирадир»**, деган жумлани ҳеч бир лаҳза унутмайди. Вафот этганларидан сўнгра эса:

ثُمَّ رُدُّوا إِلَى اللَّهِ مَوْلَاهُمُ الْحَقِّ ۗ أَلَا لَهُ الْحُكْمُ وَهُوَ أَسْرَعُ الْحَاسِبِينَ ﴿٦٢﴾

**62. Сўнгра ҳақиқий хўжалари – Аллоҳга қайтарилурлар. Огоҳ бўлингизким, ҳукм қилиш Унинг Ўзигагина хосдир. Ва У энг тезкор ҳисоб-китоб қилгувчидир.**

Фаришталар бандаларнинг жонини олгандан сўнг, қайтиб борадиган жойлари – уларнинг ҳақиқий хўжалари Аллоҳнинг ҳузуридадир. Ундан бошқа қайтадиган жой ёки кимса йўқ. Шу билан бирга, Ундан бошқа ҳукм қилгувчи ҳам, ҳисоб-китоб этгувчи ҳам йўқ.

قُلْ مَنْ يُنَجِّكُمْ مِنَ ظُلُمَاتِ الْبَرِّ وَالْبَحْرِ تَدْعُونَهُ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً لَّيْنٍ أَنْجِنَا مِنْ هَذِهِ لَنَكُونَنَّ

مِنَ الشَّاكِرِينَ ﴿٦٣﴾

**63. Сен: «Сизни қуруқлигу денгизнинг зулматларидан қутқарадиган ким? Унга тазарруъ қилган ҳолда ва махфий ҳолда, агар мана шундан бизни қутқарса, албатта, шукр қилувчилардан бўлар эдик, дейдиганингиз ким?» – деб айт.**

«Зулматлар»дан мурод – хавфу хатар, қийинчиликдир. Қуруқлик ва денгиздаги бундай зулматлар жуда ҳам кўпдир. Ҳар бир инсон ана ўшандай қийинчиликлардан бирига йўлиққан, ноилож қолган пайтда, албатта, ким бўлишидан қатъиназар, Аллоҳни эслайди. Унинг Ўзига тазарруъ қилади. Ичида аҳд ҳам қилади. «Агар мана шу хавфу хатардан Аллоҳ мени қутқарса, бундан кейин, албатта, Унга шукр (ибодат) қиламан», – деб ўзига ўзи сўз беради.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга амр қилиб, ана ўша ҳолатни кишиларнинг эсига солиб, қийин ҳолга тушиб қолганингизда, ундан ёрдам сўрайдиганингиз,

**«Сизни қуруқлигу денгизнинг зулматларидан қутқарадиган ким? Унга тазарруъ қилган ҳолда ва махфий ҳолда, агар мана шундан бизни қутқарса, албатта, шукр қилувчилардан бўлар эдик, дейдиганингиз ким?»**–деб сўрашга амр қилмоқда.

Кейинги оятда бу саволнинг жавобини ҳам У зотнинг Ўзи бермоқда:

قُلِ اللَّهُ يُنَجِّكُمْ مِنْهَا وَمِنْ كُلِّ كَرْبٍ ثُمَّ أَنْتُمْ مُشْكِرُونَ ﴿٦٤﴾

**64. «Сизни улардан ва барча ғамлардан Аллоҳ қутқарур. Сўнгра эса, сиз ширк келтирасиз», – деб айт.**

Аллоҳдан бошқа қутқарадиган ҳеч қандай зот йўқ. Албатта, Унинг Ўзи сизни қутқаради. Қутқарганда ҳам, сиз сўраган ва сўрамаган ҳамма балою офатлардан, вamu ғуссалардан қутқаради. Аммо бошига тушган хавф-хатардан, мусийбат-офатлардан қутулиб олган инсон ваъдасига биноан шукр қилувчилардан бўлиш ўрнига, тинч-омон бўлиб олганидан сўнг яна ширк келтираверади.

Афсуски, улар Аллоҳ таоло хоҳлаган пайтида яна қайта Ўз азобини юбориши мумкинлигини унутадилар.

قُلْ هُوَ الْقَادِرُ عَلَىٰ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عَذَابًا مِّنْ فَوْقِكُمْ أَوْ مِن تَحْتِ أَرْجُلِكُمْ أَوْ يَلِيَسْكُمُ شَيْعًا  
وَيَذِيقَ بَعْضَكُمْ بَأْسَ بَعْضٍ أَنظُرْ كَيْفَ نَصْرَفُ الْآيَاتِ لَعَالَهُمْ يَفْقَهُونَ ﴿٦٥﴾

**65. Сен: «У сизга устингиздан ёки оёфингиз остидан азоб юборишга, турли фирқаларга аралаштириб юборишга, баъзиларингизга баъзиларингизнинг азобини тотдиришга қодирдир», – деб айт. Оятларимизни қандай тасарруф қилишимизга назар сол. Шоядки, англаб етсалар.**

Аллоҳ, қийин ҳолга тушганда: «Агар Аллоҳ мана шундан мени қутқарса, шукр қилувчилардан бўлар эдим» деган ва Аллоҳ таоло уни қутқарганидан кейин ширк келтириб кетадиганларнинг бошига яна турли бало-офатларни юборишга қодир. Юборганда ҳам, уларни ҳамма ёғидан ўраб оладиган азоб юборади.

**«У сизга устингиздан ёки оёфингиз остидан азоб юборишга...»**

Уламоларимиз гуноҳкорларнинг, кофир-мушрикларнинг устидан юбориладиган азобга Лут қавмига ва Фил эгаларига юборилган азобларни мисол келтирадилар. Оёқ остидан юбориладиган азобга Қорунни ер ютиши ва тўфон балоси мисол қилиб келтирилади. Аммо, азоб шу каби ҳоллар билан чегараланиб қолмайди.

**«...турли фирқаларга аралаштириб юборишга, баъзиларингизга баъзиларингизнинг азобини тотдиришга қодирдир».**

Дунёдаги халқларга бериладиган азобнинг энг шиддатлиларидан бири шу хилдаги азобдир. Бошқа азоблар бир бўлиб ўтиб кетса, бу азоб узоқ давом этади. Одамлар фирқаларга бўлингандан кейин, ҳар фирқа аъзолари ўз фирқаларига таассуб қилиб, бир-бирига шафқатсиз равишда зулм ўтказишга, азоб беришга қаттиқ уринади. Инсоният тарихида бундай ҳолатлар кўплаб бўлган ва ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Бундай ҳолларни англаб етиш инсонларнинг бурчи ва уларни бундай азоблардан қутқарувчи омил ҳам шу.



**«Оятларимизни қандай тасарруф қилишимизга назар сол. Шоядки, англаб етсалар».**

Келаси ояти каримада мазкур шахсларнинг ўшандоқ азобга қолишларига сабаб бўладиган ишларидан бири зикр қилинади.

وَكَذَّبَ بِهٖ قَوْمُكَ وَهُوَ الْحَقُّ قُلْ لَسْتُ عَلَيْكُمْ بِوَكِيلٍ ﴿٦٦﴾

**66. Қавминг уни ёлғонга чиқарди. Ҳолбуки у ҳақдир. Сен: «Мен сизларга вакил эмасман.**

لِكُلِّ نَبِيٍّ مُّسْتَقَرٌّ وَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٦٧﴾

**67. Ҳар бир хабарнинг ўз вақти бор. Тезда буни биласизлар», деб айт.**

Яъни: Эй Муҳаммад, қавминг Қуръонни ёлғонга чиқарди. Аммо, иш уларнинг гапига қараб бўлмайди. Ҳақиқий баҳони Аллоҳнинг Ўзи беради. Кофирлар Қуръонни ёлғонга чиқармоқдалар. Аммо, бу билан у ёлғонга айланиб қолмайди. Чунки, ҳақиқий баҳо берувчи Зот:

**«Ҳолбуки, у ҳақдир»,** демоқда.

Шунинг учун ҳам, мўминларнинг кўнгиллари тўқ бўлсин. Улар иймон келтирган Қуръон Ҳақ таолодан тушгани ҳақдир.

Аллоҳ таоло кофир-мушриклар ёлғонга чиқарган Қуръони Каримнинг ҳақ эканини эълон қилиш билан бирга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

**«Мен сизларга вакил эмасман. Ҳар бир хабарнинг ўз вақти бор. Тезда буни биласизлар, – деб айт»,**–дея амр қилмоқда.

Мен сизларга қўриқчи эмасман, балки огоҳлантирувчиман. Ҳозирча кўнглингизга тушганини қилиб юраверинг. Аммо унутмангки, ҳар бир хабарнинг – гапнинг ўз вақти бор. Тезда буни биласизлар. Демак, ора очиқ. Шундай бўлгандан кейин:

وَإِذَا رَأَيْتَ الَّذِينَ يَخُوضُونَ فِي آيَاتِنَا فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ حَتَّىٰ يَخُوضُوا فِي حَدِيثٍ غَيْرِهِ ۗ وَإِمَّا يُنسِيَنَّكَ الشَّيْطَانُ فَلَا تَقْعُدْ بَعْدَ الذِّكْرَىٰ مَعَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٦٨﴾

**68. Оятларимизни (истеҳзо қилишга) шўнғиётганларни кўрган чоғингда, то ундан бошқа гапга шўнғигунларигача улардан юз**

**Ўгир. Агар шайтон эсингдан чиқарган бўлса, эслаганингдан сўнг, золим қавмлар билан ўтирма!**

Иймон масаласида зид бўлган қавм билан бирга ўтириш, унс-улфат топиш осон иш эмас. Айниқса, ўша кофирлар мажлисида Аллоҳнинг оятларини масхара қилаётган бўлсалар. Уларнинг бу истеҳзоларини тинглаб ўтириш ҳеч тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаламга «золим қавмлар» – мушрикларнинг ўшандай мажлисларида ўтиришларини ман қилмоқда.

**«Оятларимизни (истеҳзо қилишга) шўнғиётганларни кўрган чоғингда, то ундан бошқа гапга шўнғигунларигача улардан юз ўгир».**

Демак, ундоқ қавм қурган мажлисга яқинлашиш ҳам мутлақо мумкин эмас. Агар гап нима ҳақида кетаётганидан беҳабар ёки ушбу амри илоҳийни унутиб қўйиб улар билан ўтириб қолинган бўлса,

**«Агар шайтон эсингдан чиқарган бўлса, эслаганингдан сўнг, золим қавмлар билан ўтирма!»** деган кўрсатмага биноан у мажлисдан дарҳол туриб кетиш лозим.

Бу оят Маккаи Мукаррамада, жиҳод фарз бўлишидан аввал нозил бўлган. Кейинроқ Ҳарами Шариф ҳудудига мушрикларни қўймаслик ҳақидаги ояти карима нозил бўлган.

وَمَا عَلَى الَّذِينَ يَنْقُونَ مِنْ حِسَابِهِمْ مِنْ شَيْءٍ وَلَٰكِنْ ذِكْرَىٰ لَعَلَّهُمْ يَنْقُوتُونَ ﴿٦٩﴾

**69. Тақво қиладиганлар зиммасида у (мушрик)ларнинг ҳисобидан ҳеч нарса йўқ. Лекин эслатма бор. Шоядқи, тақво қилсалар.**

Мўминлар билан кофир мушрикларнинг ораси очиқ. Тақводор мўминлар мушриклар қилган гуноҳлар учун ҳисоб бермайдилар. Аммо уларни тўғри йўлга – тақво йўлига солиш учун ваъз-насиҳат – эслатма гапларни айтишлари бор.

Кейинги оятда мўмин билан кофир орасидаги очиқлик янада аниқроқ эканлиги ҳақида гап боради:

وَذَرِ الَّذِينَ اتَّخَذُوا دِينَهُمْ لِبَآئِهِمْ لَهْوًا وَعَرَّتَهُمْ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا وَذَكَرَ بِهِمْ ۚ أَن تَبْسَلَ نَفْسٌ بِمَا كَسَبَتْ لَيْسَ لَهَا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيٌّ وَلَا شَفِيعٌ وَإِن تَعْدِلْ كُلُّ عَدْلٍ لَا يُؤْخَذُ مِنْهَا أُولَٰئِكَ الَّذِينَ أُبْسِلُوا بِمَا كَسَبُوا لَهُمْ شَرَابٌ مِّنْ حَمِيمٍ وَعَذَابٌ أَلِيمٌ بِمَا كَانُوا يَكْفُرُونَ ﴿٧٠﴾

**70. Ўз динларини ўйин-кулгу қилиб олган ва ҳаёти дунёга алданиб кетганларни тарк эт. У (Қуръон) ила эслатгинки, ҳеч бир жон қилган касби туфайли ҳалокатга дучор бўлиб, Аллоҳдан ўзга бирор дўст ва шафоатчисиз ҳолга ва барча фидо қиладиган нарсани фидо қилса ҳам, ундан қабул қилинмайдиган ҳолга тушиб қолмасин. Ана ўшалар қилган касблари туфайли ҳалокатга дучор бўлганлардир. Куфр келтирганлари учун уларга қайноқ сувдан шароб ва аламли азоб бордир.**

«Ўз динларини ўйин қилиб олганлар» динга эҳтиром билан қарамайдиган, динни ўз хоҳишларича тўғрилашга ҳаракат қиладиганлардир. Улар мушриклардан, аҳли китоблардан ёки мусулмонман деб юрганлардан ҳам бўлиши мумкин. Улар, мен фалон динданман, дейдилар-у, аммо ўша динга амал қилмайдилар, эҳтиромини жойига қўймайдилар. Вақти келганда, ўзини диндор қилиб кўрсатишга уринадилар-у, аммо нарироққа бориб, билганларидан қолмайдилар. Улар, агар ўхшатиш жоиз бўлса, хўжайинни алдаб, ўйин-кулгу қилиб юрган хизматчига ўхшайдилар. Балки, улардан ҳам баттардирлар.

Улар диний ақийда ва ҳукмларни масхара қилиб қуладилар. Қуръони Карим ёки ҳадиси шарифда собит бўлган ақийда ёки шариат масалаларини масхара қила туриб, боз устига, «мусулмонман» деб юрганлар сонсиз-саноқсиз эканлигини яхши биламиз. Уларнинг орасида салла-чопон кийиб олган, юқори «диний мансаб»га миниб олганлари қанча. Ана шу охириги тоифа нечоғли хатарли эканлигини ўз кўзимиз билан кўрган халқмиз. Улардан бири, ғайбиётнинг баъзисига ишониб бўлмайди, мисол учун, Нуҳ Пайғамбарнинг тўққиз юз элик йил яшамоғига ишониб бўлмайди, деса, бошқаси Бадр урушида фаришталар тушганини ҳеч ким кўрмаган, бу нотўғри гап; Ийсо алайҳиссалом бошқалар қатори ўлиб, бошқалар қатори кўмилган, дейди. Шу билан, Қуръонни инкор этиб, кофир бўлади. Аммо салла-чопон катта, ўзини мусулмонларга пешво санайди. Уларнинг намоз ўқимаса бўлаверади, ароқ ичса ҳам бўлаверади, каби «насиҳат»лари ва айни шу ва бошқа фосиқликларни ўзлари қилаверишлари динни ўйин-кулгу, мазах қилишдан бошқа нарса эмас.

«Ҳаёти дунёга алданиб қолганлар» ҳам булардан қолишмайди. Одатда, бу икки тоифа бир-бирига қоришиб кетган бўлади. Яъни, динни ўйин-кулгу қилганлар албатта ҳаёти дунёга алданган бўлишлари ёки, аксинча, ҳаёти дунёга алданганлар динни ўйин-кулгу қилиб олишлари турган гап. Ҳаёти дунёга алданганлар унинг бандаси бўлиб қоладилар. Дунё нимани буюрса, ўшани қиладилар. Дунё ҳаёти йўлида дину диёнатларини ҳам сотадилар. Ҳар қандай пасткашликка борадилар. Шунинг учун, улар хавfli одамларга айланадилар. Уларнинг бу офир маразлари бошқаларга ҳам юқиши мумкин.

**«Ўз динларини ўйин-кулгу қилиб олган ва дунё ҳаётига алданиб кетганларни тарк эт».**

Ушбу ояти карима ҳукмига мувофиқ, уларга қарши жиҳод қила олмаганлар улардан ўзларини йироқ тутишлари, умуман алоқа қилмасликлари даркор бўлади.

Аллоҳ таоло ушбу оят давомида уларнинг ёдларига динни ўйин-мазах қилганлари учун ҳалокатга дучор бўлишлари муқаррар эканлигини Қуръон ёрдамида эслатишни буюрмоқда:

**«У (Қуръон) ила эслатгинки, ҳеч бир жон қилган касби туфайли ҳалокатга дучор бўлиб, Аллоҳдан ўзга бирор дўст ва шафоатчисиз ҳолга ва барча фидо қиладиган нарсани фидо қилса ҳам, ундан қабул қилинмайдиган ҳолга тушиб қолмасин!»**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг меросхўрлари – Ислом даъвати йўлига ўзини бағишлаган кишилар ўз динини ўйин-кулгу қилиб олган, дунё ҳаётига алданган ўшандай кишиларга оқибатлари даҳшатли бўлишини эслатишга амр қилин-яптилар. Мазкур кишилар ўз кирдикорлари – динни мазах қилганлари, дунё ҳаётига алданганликлари туфайли ҳалокатга дучор бўлишлари аниқ. Улар бу қилмишлари ила Аллоҳдан жудо бўлганлари аниқ, аммо Аллоҳдан айрилгач, ўзга бирор дўст ва шафоатчисиз ҳолга тушиб қолишларини ҳам унутмасинлар. Бу дунёда мансаб учун, қийин ҳолдан қутулиш учун динни ўйин-кулгу қилиб, мақсадга эришиб юрганлари у дунёда ўтмай қолади. Улар фидо этиш мумкин бўлган ҳамма нарсани – маънавийми, моддийми, ҳаммасини фидо қилсалар ҳам, қиёмат куни улардан қабул қилинмайди. Қилмишлари учун жавоб беришлари керак. Жазо олишлари керак.

**«Ана ўшалар қилган касблари туфайли ҳалокатга дучор бўлганлардир».**

Дўзахга тушишдан кўра даҳшатли ҳалокат йўқ. Улар фақат дўзахга тушиш билан қутулиб қолмайдилар. Балки дўзахда турган ҳолларида қилмишларига яраша азоб ҳам тортадилар.

**«Куфр келтирганлари учун уларга қайноқ сувдан шароб ва аламли азоб бордир».**

Келаси оятда Аллоҳ таолога турли шаклдаги ширкни келтираётганлар билан яна бир бор орани очиқ қилиб олишга амр бор:

قُلْ أَدْعُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُنَا وَلَا يَضُرُّنَا وَنُرَدُّ عَلَىٰ أَعْقَابِنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْنَا اللَّهُ  
كَالَّذِي اسْتَهْوَتْهُ الشَّيَاطِينُ فِي الْأَرْضِ حَيْرَانَ لَهُ أَصْحَابٌ يَدْعُونَهُ إِلَى الْهُدَىٰ أَتَيْنَا قُلْ  
إِنَّ هُدَىٰ اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ وَأَمْرًا لِنُسَلِّمَ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٦﴾

**71. Сен: «Аллоҳни қўйиб на фойда, на зарар бера олмайдиган нарсаларга ибодат қиламизми? Худди оғайнилари, бу ёққа кел, деб ҳидоятга чақириб турган бўлса ҳам, шайтон адаштириб, ер юзида ҳайрон бўлиб қолганга ўхшаб, Аллоҳ бизни ҳидоятга солгандан кейин орқамизга қайтамизми?» – деб айт. Сен: «Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти ҳақиқий ҳидоятдир. Оламларнинг Роббига таслим бўлишга амр қилинганмиз», – деб айт.**

Булар эътиқодда, ибодатда, ихлосда, таслимда, розилик тилашда ва амрни адо этишда турли нарса ва шахсларни Аллоҳга шерик қиладиганларга айтиладиган гаплардир. Бу хитоб уларнинг виждон ва ақллариغا очиқчасига мурожаатдир. Келинлар, очиқчасига ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрайлик:

**«Аллоҳни қўйиб на фойда, на зарар бера олмайдиган нарсаларга ибодат қиламизми?»**

Ахир, бизга бут ҳам, санам ҳам, қуёш ҳам, сигир ҳам, фирқа ҳам, подшоҳ ҳам ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар ҳам фойда ва ё зарар етказа олмайдилар-ку! Ҳамма фойда ва ҳамма зарарнинг соҳиби, хоҳлаганига фойда ва хоҳлаганига зарар етказа оладиган Аллоҳни қўйиб, ўзимизга ўхшаган ёки ундан ҳам паст бечораларга ибодат қилишимиз жоизми? Агар бу номаъқулчиликни қилсак, ўтакетган аҳмоқона ва кулгули бир ҳолатга тушиб қоламиз-ку!

**«Худди оғайнилари, бу ёққа кел, деб ҳидоятга чақириб турган бўлса ҳам, шайтон адаштириб, ер юзида ҳайрон бўлиб қолганга ўхшаб, Аллоҳ бизни ҳидоятга солгандан кейин орқамизга қайтамизми?»**

Мушрикнинг ҳоли ана шундай аҳмоқонадир. У ҳар икки томоннинг розилигини топишга ҳаракат қилади. Оғайнилари уни ҳидоятга чақириб туришибди, мушрик эса, шайтоннинг гапига кириб, заллат йўлига тушиб олган. Нима қилишни билмай ҳайрон. Бир йўла бир томонга ўта олмайди. У ёққа ўтай деса, бу ёқ қолади. Бу ёққа ўтай деса, у ёқ қолади. Қаёққа юз буришни билмайди. Мушрикни бундай ҳайронликдан олиб чиқадиган битта ҳақиқат бор. Ушбу ҳақиқатни англаб етгандагина, ҳайронликдан халос бўлади. Бу ҳақиқат:

**«Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти ҳақиқий ҳидоятдир», – деган ҳақиқатдир.**

Аллоҳнинг ҳидоятига маҳкам ёпишган одамгина нажот топади. Мақсадга эришади. Чунки биз бандалар ҳаммамиз фақат:

**«Оламларнинг Роббига таслим бўлишга амр қилинганмиз».**

Фақат Аллоҳнинг ҳидоятига маҳкам ёпишган ва фақат Аллоҳга – оламларнинг Роббига мусулмон (таслим) бўлганларга қуйидагилар айтилган:

وَأَنْ أَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا زَكَاةً وَهُوَ الَّذِي إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٧٢﴾

**72. Намозни қоим қилинг ва Аллоҳга тақво қилинг! У сизлар ҳузурига тўпланадиган Зотдир.**

Агар, Аллоҳнинг ҳидоятини ҳақиқий равишда тутган бўлсангиз ва унга бўйсуниб, мусулмон бўлган бўлсангиз, намозни қоим қилиб, тўкис адо этинг ҳамда Аллоҳга тақво қилинг. Бу нарса ҳидоятга тушганингиз ва мусулмон бўлганингизнинг шаҳодати бўлади. Агар ҳидоятга тушмайдиган, Аллоҳга таслим бўлмайдиган, намоз ўқиб, тақво қилмайдиган бўлсангиз, билиб қўйингки:

**«У, сизлар ҳузурига тўпланадиган Зотдир».**

Қиёмат куни Маҳшар майдонига тўпланасизлар. Ана ўшанда иймон-этиқодингизга ва қилган амалингизга муносиб равишда ҳар бирингизга мукофот ёки жазо берилади. Шу боис, ҳозирдан тайёр бўлиб бориш керак.

Қиёматнинг қоим бўлиши, бандаларнинг Аллоҳ таоло ҳузурига жамланиши шубҳасиз ҳақиқатлардир.

وَهُوَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ وَيَوْمَ يَقُولُ كُنْ فَيَكُونُ  
قَوْلَهُ الْحَقُّ وَلَهُ الْمَلَأُكُ يَوْمَ يُنْفَخُ فِي الصُّورِ عِلْمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةُ وَهُوَ الْحَكِيمُ  
الْخَبِيرُ ﴿٧٣﴾

**73. У, осмонлару ерни ҳақ ила яратган Зотдир. «Бўл» деган куни бўладир. Унинг гапи ҳақдир. Дуд чалинадиган куни мулк Униқидир. У, ғайбни ҳам, шоҳидни ҳам билувчи Зотдир. Ва У, ҳақийм ва хабардор Зотдир.**

Аллоҳ таоло бутун борлиқни, жумладан, осмонлару ерни ҳақ ила яратган Зот. Бу масала – ҳақ. Бошқа гап-сўз ёки тахминлар ҳаммаси бекор. Ушбуларни яратган Зот учун қиёматни қойим қилиб, ҳамма одамларни Ўз ҳузурига жамлаб, ҳисоб-китоб қилиши ва мукофот ёки жазо бериши жуда ҳам осондир.

**«Бўл» деган куни бўладир».**

Яъни, бир амр кифоя. У зот бирор ишга, ҳатто қиёматни қойим қилишга ҳам ортиқча уринмайди. «Бўл» деса, бўлаверади.

**«Унинг гапи ҳақдир».**

Ҳақ таолонинг иши ҳақ бўлганидек, гапи ҳам ҳақ.

**«Дуд чалинадиган куни мулк Униқидир».**



Яъни, қиёмат куни. Дуд сурнайга ўхшаб чалинадиган асбоб бўлиб, ўша асбобни Исрофил алайҳиссалом чалганларидан сўнг қиёмат қоим бўлади. Шунинг учун ҳам, қиёмат куни — дуд чалинадиган кун, деб ҳам номланади.

Ўша куннинг молики Аллоҳ у кунда хоҳлаганини қилади.

**«У, ғайбни ҳам, шоҳидни ҳам билувчи Зотдир».**

Яъни, махфийни ҳам, ошкорани ҳам билувчи Зот. Ўша билими асосида бандаларига мукофот ёки жазо беради.

**«Ва У ҳакийм ва хабардор Зотдир».**

Барча ишни ҳикмат ила бажаради. Барча нарсадан хабардор.

Кейинги оятларда сураи кариманинг асосий мавзуи бўлмиш илоҳият ва убудият (худолик ва бандалик) ҳақиқати ўтган умматлар тақдири мисолида баён қилинади. Ўтган умматлар орасида Аллоҳга ширк келтиришда ғоят машҳур бўлган қавмлардан бири Иброҳим алайҳиссаломнинг умматларидан эди. Бунинг устига, Қуръони Карим нозил бўлаётган пайтдаги араб мушриклари — Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга юзма-юз қарши турган мушриклар ўзларини Иброҳим алайҳиссаломнинг миллати ва у зотнинг йўлида юрганлар деб, ҳисоблашар, бу билан фахрланишар эди. Хўш, аслида Иброҳим алайҳиссаломнинг динлари қандай бўлган? У зотнинг ақийдалари бўйича, худолик ва бандалик масалаларига қандай қаралган?

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ أَلَا بِئْسَ الَّذِي تَعْبُدُونَ إِذْ تَأْتِيكُمُ الرِّيحُ مِنْ عِنْدِنَا مُتَرَدِّدَةٌ أَفْ تَأْتِيكُمُ السَّمَاوَاتُ مَوَدَّافًا فَتَأْتِيكُمُ السَّحَابُ مَوَدَّافًا فَتَأْتِيكُمُ السَّمَاوَاتُ مَوَدَّافًا فَتَأْتِيكُمُ السَّمَاوَاتُ مَوَدَّافًا فَتَأْتِيكُمُ السَّمَاوَاتُ مَوَدَّافًا﴾

**74. Иброҳимнинг отаси Озарга: «Санамларни худолар қилиб оласанми? Мен сени ва сенинг қавмингни, албатта, очиқ-ойдин адашувда кўрмоқдаман», — деганини эсла.**

Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмлари — Ироқ халдонийлари орасида ўсиб-улғайди. Ақлини танигач, қараса, отаси ҳам, қавмининг бошқа аҳли ҳам тошдан, ёғочдан ўзлари йўниб-ўйиб ишлаб олган бут ва санамларга сиғинмоқдалар.

Иброҳим алайҳиссалом соф қалби ва онги ила бу иш нотўғри эканлигини, жонсиз тош ёки жонсиз ёғоч одамлар томонидан бир оз ишлов берилгани билан худога айланиб қолмаслигини тушуниб етди. Жонсиз тош ва жонсиз ёғоч, одамлар қанча ишлов берса ҳам жонсизлигича қолади.

Ўзи жонсиз бўлган нарса ўзгаларга қандай қилиб жон ато қила олсин?! Ўзи ақлсиз нарса қандай қилиб ўзгаларга ақл беради?! Ўзидан зарарни қайтара олмайдиган нарса қандай қилиб ўзгалардан зарарни қайтара олади?!

Ушбу ҳақиқатни англаган ёш Иброҳим алайҳиссалом отасининг ва унинг қавмининг очиқ-ойдин адашувда эканини ҳам англаб етди. Бу тушунчани уларнинг вакили бўлган ўз отасига очиқчасига айтди:

**«Санамларни худолар қилиб оласанми? Мен сени ва сенинг қавмингни, албатта, очиқ-ойдин адашувда кўрмоқдаман»**–деди.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ана ўша тарихий ҳодисани эслатиш ила Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссаларини бошламоқда. Мазкур қиссанинг тафсилоти қуйидагича:

وَكَذَلِكَ نُرِي إِبْرَاهِيمَ مَلَكُوتَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلِيَكُونَ مِنَ الْمُوقِنِينَ ﴿٧٥﴾

**75. Худди шундай қилиб, Иброҳимга, аниқ ишонувчилардан бўлиши учун, осмонлару ернинг мулкларини кўрсатурмиз.**

Яъни, Иброҳимга худди отаси ва унинг қавми очиқ-ойдин адашувда эканлигини соф қалби ва онги ила кўрсатганимиздек, унга ушбу соф қалб ва онг ила осмонлару ердаги мулкларни, улардаги сиру асрорларни ҳам кўрсатамиз. Шунда у, бут ва санамларга ибодат қилишни инкор этиш даражасидан, Аллоҳга шаксиз ишонувчилик даражасига кўтарилади.

Энди, Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга кўрсатган мулклардан баъзилари зикр қилинади:

فَلَمَّا جَنَّ عَلَيْهِ اللَّيْلُ رَأَى الْكُوكِبَاتِ قَالَ هَذَا رَبِّي فَلَمَّا أَفَلَ قَالَ لَا أُحِبُّ الْآفِلِينَ ﴿٧٦﴾

**76. Уни тун ўраб олганида юлдузни кўриб: «Мана шу Роббимдир», – деди. У ботиб кетганида эса: «Ботувчиларни ёқтирмасман», – деди.**

Бут ва санамлар худо бўла олиши мумкин эмаслиги бир боқишдаёқ аён бўлди. Энди Иброҳим алайҳиссалом ўз қавми худо деб эътиқод қиладиган нарсалардан каттароғларига ҳам бир-бир назар ташлаб чиқмоқчи бўлди. Маълумки, халдонийлар юлдузни ҳам худо деб, эътиқод қилар эдилар. Кишини тун ўраб олганида кўзига яққол кўринадиган порлоқ жисм – юлдуз бўлади.

**«Уни тун ўраб олганида юлдузни кўриб: «Мана шу Роббимдир», – деди».**

Бепоен осмонда, баланд-баландларда нур сочиб турибди. У ҳамани кўриб турган бўлиши мумкин. Иброҳим алайҳиссаломнинг қавми ҳам беҳудага юлдузга ибодат қилмаётгандир? Шунинг учун

ҳам, юдуз худо бўлиши мумкинлигини жиддий ўйлаб кўриш керак. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам мана шу юдуз Роббдир?! Аммо... аммо... ботиб кетди-ку? Худо бўлса, ботармиди? Худо бўлса, маълум вақтда кўриниб, маълум вақтда кўринмай қолармиди? Вақти келганда чиқиб, белгиланган вақти етганда ботиб кетармиди? Ботувчилар худо бўла олмайди.

**«У ботиб кетганида эса: «Ботувчиларни ёқтирмасман», – деди».**

Хўш, бу ҳам худо бўла олмаса, худо қани? Бошқа ёқдан излаш керак. Қани, бир қараб кўрсин-чи, эҳтимол, топилиб қолар. Иброҳим атрофга қараб:

فَلَمَّا رَأَى الْقَمَرَ بَازِغًا قَالَ هَذَا رَبِّي فَلَمَّا أَفَلَ قَالَ لَئِن لَّمْ يَهْدِنِي رَبِّي لَأَكُونَنَّ مِنَ الْقَوْمِ الضَّالِّينَ ﴿٧٧﴾

**77. Чиқаетган ойни кўрганда: «Мана шу Роббимдир», – деди. У ҳам ботганида: «Агар Роббим мени тўғри йўлга бошламаса, албатта, адашувчилардан бўламан», – деди.**

Иброҳим алайҳиссалом ойни аввал ҳам кўриб юрган эди, аммо бу дафъа унга бошқача назар билан қарамоқда. Юдуздан кўра ой ёрқинроқ ва улканроқ туюлмоқда. Эҳтимол, уни худо деса бўлар? Эҳтимол, у ботмас?

**«Чиқаетган ойни кўрганда: «Мана шу Роббимдир», – деди».**

Аммо... аммо у ҳам ботиб кетди-ку! Бу ҳам бўлмади.

**«У ҳам ботганида: «Агар Роббим мени тўғри йўлга бошламаса, албатта, адашувчилардан бўламан», – деди».**

Аллоҳнинг Ўзи, Робби Ҳақиқийнинг Ўзи ҳидоятга бошламаса, иш чатоқ, одамнинг адашиши турган гап. Ёки яна бир бор уриниб кўриш керакми?

فَلَمَّا رَأَى الشَّمْسَ بَازِغَةً قَالَ هَذَا رَبِّي هَذَا أَكْبَرُ فَلَمَّا أَفَلَتْ قَالَ يُقَوْمِ إِنِّي بَرِيءٌ مِّمَّا تُشْرِكُونَ ﴿٧٨﴾

**78. Чиқаетган қуёшни кўрганда: «Мана шу Роббим. Бу каттароқ», – деди. У ҳам ботиб кетганида: «Эй қавмим, мен сиз ширк келтираётган нарсадан воз кечдим», – деди.**

Демак, олдинги уринишлар ҳам – ибодатга сазовор зотни излаш йўлидаги уринишлар ҳам Иброҳимнинг қавми гувоҳлигида бўлган

эди. Иброҳим, улар ибодат қилаётган нарсалар ҳақиқатан ҳам худо бўлиши мумкинми, деган саволга мушрик қавмнинг кўзи ўнгида уларнинг нуқтаи назарида туриб фикр юритган. Шу йўл билан уларнинг очиқ-ойдин адашувда эканликларини амалда кўрсатишга уринган. Ҳар бир инсоннинг кўзига яққол ташланиб, уни доимо ҳайратга солиб турувчи самовий жисмлардан бири қуёшдир. Эҳтимол, уни худо деб эътиқод қилиш, унга ибодат қилиш мумкиндир?

**«Чиқаётган қуёшни кўрганда: «Мана шу Роббим. Бу катта-роқ», – деди».**

Аммо у ҳам ботади. У ҳам маълум қоидага бўйсунди. У ҳам худо бўла олмайди.

**«У ҳам ботиб кетганида: «Эй қавмим, мен сиз ширк келтираётган нарсадан воз кечдим», – деди».**

Демак, қавмнинг худо деб эътиқод қилаётган нарсаларининг ҳаммаси бир пулга ҳам арзимайди. Булардан воз кечиш лозим.

**«Эй қавмим, мен сиз ширк келтираётган нарсадан воз кечдим».**

Менинг улар билан ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен улардан покман. Менинг юзланадиган Роббим бор:

إِنِّي وَجَّهْتُ وَجْهِيَ لِلَّذِي فَطَرَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ حَنِيفًا وَمَا أَنَا مِنَ  
الْمُشْرِكِينَ

**79. Албатта, мен юзимни осмонлару ерни яратган Зотга, тўғри йўлга мойил бўлган ҳолимда юзлангирдим ва мен мушриклардан эмасман.**

Бу иқрор Иброҳим алайҳиссаломнинг мушрик қавмдан ажралиб, ёлғиз Аллоҳ таолога, осмонлару ерни яратган Зотга, мушриklar Унга ширк келтираётган бут ва санамлар, ой-у юлдузлар ва қуёшни яратган Зотнинг Ўзигагина юзланганларини эълон қилишларидир. У кишининг бу юзланишлари, – ушбу йўллари, миллатлари ҳанифлик деб номланади. Бу дегани – фақат тўғрилиқка мойил бўлиш, юзланиш, йўл тутиш деганидир.

Албатта, мушрик қавм Иброҳимдан буни эшитиб индамай кетавермади. Одатдагидек, ботил фикрларини ҳимоя қилиб, у киши билан баҳслашишни бошладилар.

وَحَاجَّهُ قَوْمُهُ قَالَ أَتُحِبُّونِي فِي اللَّهِ وَقَدْ هَدَانِ وَلَا أَخَافُ مَا تُشْرِكُونَ بِهِ إِلَّا أَن

يَسْأَلُ رَبِّي شَيْئًا وَسِعَ رَبِّي كُلَّ شَيْءٍ عِلْمًا أَفَلَا تَتَذَكَّرُونَ ﴿٨٠﴾

**80. Ва қавми у ила тортишди. У: «Мен билан Аллоҳ ҳақида тортишасизларми, ҳолбуки, У мени ҳидоят этди. Мен Унга ширк келтираётган нарсангиздан қўрқмасман. Магар Роббим бирор нарсани ирода этса, бўлиши мумкин. Роббим барча нарсани Ўз илми ила қамраб олган. Эсласангиз бўлмасми?» – деди.**

Бузуқ қалб ва онг ҳар нарсани ўз ўлчови билан ўлчайди ва ўз кўзи ила кўради. Ҳар қандай ёмонликни яхшилик деб баҳолаши ва уни ҳимоя қилиши турган гап. Бундай ҳолга тушиб қолганлар уларни тўғри йўлга даъват қилувчиларни ҳам ўзларига душман деб билдилар. Уларга қарши ҳар нарса қиладилар. Мана, Иброҳим алайҳиссалом ўз Роббига юзланганлигини эълон қилишидан ва ҳали мушрикларга, уларнинг худоларига тил теккизмасидан аввал баҳсга киришдилар. Ўзлари ибодат қиладиган, на фойда, на зиён етказа олмайдиган, тош, ёғочдан ишланган бут-санамлар ва осмон жисмларининг заифлигини, ақийдалари пучлигини унутиб, камолот соҳиб бўлган Аллоҳ таоло ҳақида тортиша бошладилар. Ҳақиқий мўмин бўлган Иброҳим алайҳиссалом ҳам ҳақиқий мўминнинг йўлини тутдилар. У киши ўзлари иймон келтирган, Унинг йўлини тутган ягона Аллоҳ таоло ҳақида ишонч ва хотиржамлик, сабот ва кўнгли тўқлик билан сўзлай бошладилар.

**«Мен билан Аллоҳ ҳақида тортишасизларми?»**–деди.

Мени ҳидоятга солган Зот ҳақида мен билан тортишасизларми? Менга У Ўзини танитди. Мен ақлим, виждоним ва бутун вужудим ила Уни танидим. Энди эса, сизлар, Уни борми-йўқми деб, мен билан гап талашасизларми?

**«Мен Унга ширк келтираётган нарсангиздан қўрқмасман».**

Ўзингиз ёғоч ёки тошдан ясаб олган бутлардан, юлдуз, ой ва қуёшдан ва шунга ўхшаш сиз худо деб, Аллоҳга шерик қиладиган нарсадан қўрқмайман. Уларнинг ҳаммасини менинг Роббим яратган, улар бировга фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмайдиган нарсалардир.

**«Магар Роббим бирор нарсани ирода этса, бўлиши мумкин».**

Яъни, ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси билан бўлади. Шунинг учун, Аллоҳдан ўзгандан қўрқишнинг ҳеч ҳожати йўқ.

**«Роббим барча нарсани ўз илми ила қамраб олган».**

Аллоҳнинг илмидан ташқари ҳеч қандай илм йўқ.

**«Эсласангиз бўлмасми?»**

Ана ўшанда ширк эмас, якка ва ягона Аллоҳга ибодат келтирган бўлар эдингиз.

وَكَيْفَ أَخَافُ مَا أَشْرَكْتُمْ وَلَا تَخَافُونَ أَنَّكُمْ أَشْرَكْتُم بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ بِهِ  
 عَلَيْكُمْ سُلْطَانًا فَأَيُّ الْفَرِيقَيْنِ أَحَقُّ بِالْأَمْنِ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٨١﴾

**81. Қандай қилиб мен сиз ширк келтирган нарсдан қўрқай. Ҳолбуки, сиз ўзингизга ҳеч ҳужжат туширмаган нарсани Аллоҳга ширк келтириб туриб қўрқмайсиз-у? Агар билсангиз, айтингчи, қайси гуруҳ хотиржам бўлишга ҳақлироқ?!**

Оддий мантиқ айтиб турибди. Сизлар худодан қўрқмай, ҳеч қандай ҳужжат-далилсиз, ўзингиздан-ўзингиз баъзи нарсаларни Унга шерик қилиб олдингиз ва яна қўрқмай юрибсиз. Сиз шундай қилганингиздан кейин, ҳақиқий Аллоҳга иймон келтириб туриб, нима учун мен сизларнинг сохта худоларингиздан қўрқай?!

**«Агар билсангиз, айтингчи, қайси гуруҳ хотиржам бўлишга ҳақлироқ?!»**

Ким ўзини эмин санашга ҳақлироқ? Айтинг! Агар сиз айтмангиз, мен айтай:

الَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ أُولَٰئِكَ لَهُمُ الْأَمْنُ وَهُمْ مُّهْتَدُونَ ﴿٨٢﴾

**82. Иймон келтирганлар ва иймонларига зулмни аралаштирмаганлар. Ана ўшаларга хотиржамлик, омонлик бор. Улар ҳидоят топганлардир.**

Демак, хотиржам бўлиш, турли азоб-уқубатлардан омонда бўлиш учун иймон лозим ва бу иймонга зулм аралаштирмаслик керак. Ушбу ояти каримадаги зулмдан мурод – ширкдир. Саҳобаи киромлар бу оят тушгандан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ва ўзаро бир-бирларидан сўраганларида, зулмдан мурод ширк эканлиги аён бўлган. Албатта, Аллоҳга иймон келтирган, ихлос қилган ҳамда эътиқодда, ибодатда ва амалда Унга ҳеч нарсани шерик қилмайдиганлар ҳар бир нарсага қодир Аллоҳнинг ҳимоясида бўладилар. Ундай Зотнинг ҳимоясидаги одам эса, доим хотиржам ва омонликдадир. Ана ўшалар ҳидоят топганлар бўлади.

وَتِلْكَ حُجَّتُنَا آتَيْنَاهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِ نَرْفَعُ دَرَجَاتٍ مِّنْ نَّشَأٍ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿٨٣﴾

**83. Ана ўшалар, Иброҳимга қавмига қарши (тортишувда) берган ҳужжатларимиздир. Кимни хоҳласак, даражасини кўтарамиз. Албатта, Роббинг ҳикматли ва яхши билувчи Зотдир.**



Мушрик қавм билан тортишган Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳнинг Ўзи «Айт» деган хитоблар билан қавмга қарши қандай ҳужжат-далиллар келтиришини ўргатиб турди. Аллоҳ таолодан келган ҳужжатларни қўлаган Иброҳим алайҳиссалом тортишувда мушриклардан устун келдилар. Ғолиб бўлдилар. Бу билан Аллоҳ таоло у кишининг даражаларини улуг қилди.

**«Албатта, Роббинг ҳикматли ва яхши билувчи Зотдир».**

Шунинг учун, У кимга ҳужжат беришни, кимни ғолиб қилишни яхши билади ва ҳикмати ила йўлга солади.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло Пайғамбарларини, уларнинг иймон йўлидаги жиҳодларини сура сиёқига мос зикр қилади:

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ ۚ كُلًّا هَدَيْنَا وَنُوحًا هَدَيْنَا مِن قَبْلُ ۚ وَمِن ذُرِّيَّتِهِ  
دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَىٰ وَهَارُونَ ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٤﴾

**84. Ва Биз унга Исҳоқни ва Яъқубни бердик. Барчаларини ҳидоят қилдик. Бундан олдин Нухни ҳам ҳидоят қилган эдик. Ва унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо, Ҳорунни ҳам (ҳидоят қилдик). Чиройли амал қилувчиларни ана шундай мукофотлармиз.**

وَزَكَرِيَّا وَيَحْيَىٰ وَعِيسَىٰ وَإِيلَىٰ ۙ كُلٌّ مِّنَ الصَّالِحِينَ ﴿٨٥﴾

**85. Ва Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни ҳам. Ҳаммалари аҳли солиҳлардир.**

وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيُونُسَ وَلُوطًا ۚ وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٨٦﴾

**86. Ва Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам. Барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик.**

Ушбу уч оятда Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни ишорат билан, бошқа ўн саккиз Пайғамбарни исмлари билан зикр қилмоқда.

**«Ва Биз унга Исҳоқни ва Яъқубни бердик»,** дегани, Иброҳимга бердик, деганидир.

Исҳоқ алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг кичик ўғиллари, Яъқуб алайҳиссалом эса Исҳоқ алайҳиссаломдан бўлган набиралари. Қолган барча Пайғамбарлар шу сулоладан бўлиб, Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, Иброҳим алайҳиссаломнинг катта ўғиллари Исмоил алайҳиссалом сулоласидан тарқаганлар. Шунинг учун ҳам, Иброҳим алайҳиссалом «Пайғамбарларнинг отаси» номи оланганлар. Ушбу оятда шунингдек:

**«Бундан олдин Нуҳни ҳам ҳидоят қилган эдик»** дея, башариётнинг иккинчи отаси ҳисобланмиш Нуҳ алайҳиссалом ҳам эслатилмоқда. Сўнгра, уч оятда уч гуруҳ Пайғамбарлар зикр қилинмоқда. Улар бу ўринда яшаган замонлари, Пайғамбарлик тарихлари ёки мартабаларига асосан тартиб билан зикр этилмаяпти. Шунингдек, уларнинг шахсий сифатлари ёки фазилатлари ҳам ҳикоя қилинмаяпти. Аммо баъзи уламоларимиз уларнинг оятларда ушбу тартибда зикр қилинишларидан баъзи бир нозик ишораларни кўрадилар. Биринчи гуруҳда зикр қилинган Пайғамбарлар:

**«Ва унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо, Ҳорунни (ҳам)»**, жумласида номи шарифлари зикр қилинган Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо, Ҳорун алайҳиссаломларнинг барчаларида ё подшоҳлик ёхуд амирлик, ҳукмдорлик сифатлари Пайғамбарлик сифатлари билан бирга бўлган. Довуд ва Сулаймон алайҳиссаломлар подшоҳ ва сернеъмат Пайғамбарлар бўлганлар.

Айюб ва Юсуф алайҳиссаломларга келсак, Айюб алайҳиссалом катта бой ва эҳсонли киши бўлганлар. Юсуф алайҳиссалом эса катта вазир ва ҳоким бўлганлар. Аммо икковлари ҳам кўпгина синовларни, бало-офатларни бошларидан ўтказганлар. Қийинчилик синовидида сабр қилганлар, кенглик, осонлик синовидида шукр қилганлар. Мусо ва Ҳорун алайҳиссалом ҳоким бўлганлар.

Иккинчи гуруҳда:

**«Ва Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни ҳам»** деб, зикр қилинган Пайғамбарлар: Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёс алайҳиссаломлар тарки дунё, зуҳду тақво билан машҳур бўлганлар. Шунинг учун ҳам, улар ояти каримада:

**«Ҳаммалари аҳли солиҳлардандир»**, ибораси ила васф қилинаётирлар.

Зотан, ҳамма Пайғамбарлар аҳли солиҳлардандир. Ушбу тўрт Пайғамбар аҳли солиҳликда алоҳида мартабага эришганлар.

Учинчи гуруҳда Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лут алайҳиссаломлар зикр қилинган. Буларнинг алоҳида ажралиб турадиган сифатлари Аллоҳнинг Ўзига аён.

وَمِنَ آبَائِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ وَإِخْوَانِهِمْ وَأَجْنِبَاتِهِمْ وَهَدَيْنَاهُمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٨٧﴾

**87. Ва уларнинг оталаридан, зурриётларидан ва биродарларидан ҳам ҳидоят қилдик. Уларни танлаб олдик ва сиротил мустақиймга ҳидоят қилдик.**

Яъни, ушбу оятларда номлари зикр қилинмаган Пайғамбарлар ҳам номлари айтилганларининг ота-боболари, фарзандлари ва ака-укаларидир. Биз уларни Пайғамбар қилдик ва тўғри йўлга ҳидоят қилдик.

ذٰلِكَ هُدٰى اللّٰهُ يَهْدٰى بِهٖۤ مَنْ يَّشَآءُ مِنْ عِبَادِهٖۤ ۚ وَلَوْ اَشْرَكُوْا الْحَبِيْطَ عَنْهُمْ مَّا كَانُوْا يَعْمَلُوْنَ ﴿٨٨﴾

**88. Ана ўша Аллоҳнинг ҳидояти бўлиб, Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ўшани унга йўллар. Агар улар ширк келтирсалар, қилган ишлари, албатта, беҳуда кетар.**

Демак, Пайғамбарларга берилган нарсалар Аллоҳ томонидан ба-шариятнинг ҳидоят топиши учун берилган нарсалардир. Ким уларга эргашса, ҳидоят топади. Кимки ундан четга чиқиб, Аллоҳга ширк келтирса, қилган амали беҳуда бўлиб, яқинки, унинг ҳалокатига сабаб бўлади.

اُوْلٰٓئِكَ الَّذِيْنَ اٰتَيْنٰهُمْ الْكِتٰبَ وَالْحِكْمَ وَالنُّبُوَّةَۙ فَاِنْ يَّكْفُرْ بِهَا هٗٓؤُلَآءَ فَقَدْ وَكَّلْنَا بِهَا قَوْمًا لَّيْسُوْا بِهَا بِكَافِرِيْنَ ﴿٨٩﴾

**89. Ана ўшалар Биз уларга китобни, ҳукмни ва Пайғамбарликни берган зотлардир. Агар анавилар буларга куфр келтирсалар, батаҳқиқки, Биз уларга куфр келтирмайдиган қавмни вакил қилиб қўйганмиз.**

Яъни, Биз юқоридаги оятларда баъзи Пайғамбарларни зикр қилдик, баъзиларига ишора қилдик:

**«Ана ўшалар Биз уларга китобни, ҳукмни ва Пайғамбарликни берган зотлардир».**

Улардан Довудга Забур, Мусога Таврот, Ийсога Инжил, Муҳаммадга Қуръон берилди. Довуд ва Сулаймонга ҳукм – подшоҳлик берилди. Ҳаммалари Пайғамбар бўлдилар. Энди эса:

**«Агар анавилар буларга куфр келтирсалар»**, яъни, мушрик ва кофирлар уларга – китоб, ҳукм ва Пайғамбарларга куфр келтирсалар,

**«...батаҳқиқ, Биз уларга куфр келтирмайдиган қавмни вакил қилиб қўйганмиз».**

Яъни, «анавилар»нинг куфри билан бирор нарса камайиб қолмайди. Иймон ва Ислом ишини давом эттирувчилар доимо керагича топилади.

أُولَٰئِكَ الَّذِينَ هَدَىٰ اللَّهُ فَبِهِدَاهُمُ أَقْتَدَ قُلُوبٌ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِن هُوَ إِلَّا  
ذِكْرٌ لِّلْعَالَمِينَ ﴿٩٠﴾

**90. Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Бас, уларнинг ҳидоятига эргаш. Сен: «Мен сизлардан бунинг учун ҳақ сўрамасман. У, оламлар учун эслатмадан иборат, холос», – деб айт.**

Зикр қилинган Пайғамбар алайҳиссаломлар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Аллоҳдан келган ҳидоят эса, доимо эргашиш зарур бўлган нарсадир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам иқтидо қилишлари лозим ҳидоят ҳам шу ҳидоятдир. Кишилар даъват қилинадиган ҳидоят ҳам – шу. Ушбу ҳидоятга чақириш билан бирга, уларга қараб:

**«Мен сизлардан бунинг учун ҳақ сўрамасман», – дейдилар.**

Бу тижорат ёхуд олди-берди эмас, бу илоҳий ҳидоятдир. Инсонлар, қўрқманг, турли хаёлларга борманг. Балки, сиз ушбу ҳидоят туфайли икки дунё саодатига эришасиз.

**«У, оламлар учун эслатмадан иборат, холос».**

Бутун оламлар учун эслатма. Бир қавм ёки миллат учун эмас. Ишдан бўшаб, кучдан кетган нафақахўрлар учунгина эмас, у ҳамма-ҳамма учун, барча оламлар учун эслатмадир.

Аммо, одамларнинг кўплари буни тушуниб етмадилар.

وَمَا قَدَرُوا اللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِ ۗ إِذْ قَالُوا مَا أَنزَلَ اللَّهُ عَلَيَّ بَشَرًا مِّنْ شَيْءٍ قُلْ مَن أَنزَلَ الْكِتَابَ الَّذِي  
جَاءَ بِهِ ۗ مُوسَىٰ نُورًا وَهُدًى لِّلنَّاسِ لِيَجْعَلُوهُنَّ مُبَدُونَهَا وَتُخْفُونَ كَثِيرًا وَعُلِّمْتُم مَّا لَمْ تَعْلَمُوا أَنْتُمْ  
وَلآءِ آبَاؤُكُمْ قُلِ اللَّهُ ثُمَّ ذَرْهُمْ فِي خَوْضِهِمْ يَلْعَبُونَ ﴿٩١﴾

**91. Улар, Аллоҳ башарга ҳеч нарса туширгани йўқ, деганларида, Аллоҳни тўғри тақдирламадилар. «Мусо кишиларга ҳидоят ва нур этиб олиб келган, уни сиз қоғозга тушириб олиб, баъзисини зоҳир, кўпини махфий қилган ва сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам билмаган нарсаларни сизга ўргатган китобни ким туширди?!» – деб айт. «Аллоҳ» – деб айт. Сўнгра, уларни тек қўй, шўнғиган нарсаларида ўйнайверсинлар.**

Макка кофирлари Қуръони Карим нозил бўлаётган пайтда бу ҳақда: «Аллоҳ башарга ҳеч нарса туширгани йўқ», деган бўлсалар, бундай гапларни ҳамма вақт ва ҳамма маконнинг кофирлари ҳам айтганлар. Бу ботил гапни, айниқса, худосиз кофирлар жуда қўпол равишда айтардилар. «Дунёдаги барча динлар халқлар учун афюндир» шиори остидаги ташвиқотларининг ажралмас қисми сифатида ёлғон, ифво ва бўҳтонларга қориштириб айтардилар. Уларнинг фикрича, Пайғамбарлар ёлғончи, алдамчи ва фирибгар шахслар бўлиб, худодан менга китоб тушди деб, одамларни алдаб, ўз фойдаларига ишлатишга уринган эмишлар. Худосизлар Қуръони Карим ҳақида қуйидаги афсона-бўҳтонни тўқиганлар: «Арабистонда Муҳаммад исми савдогар ўтган, у қирқ ёшга кирганида қирқ олимни тўплаб, уларга бир китоб ёзишни буюрган. Улар китобни ёзиб «Қуръон» деб номлаганлар. Сўнгра, Муҳаммад ҳеч кимга билдирмасдан олимларнинг ҳаммасини ўлдириб юборган. Китобни эса, бедапоёга яшириб қўйиб, одамларни тўплаб туриб, эй одамлар, менга осмондан Аллоҳ «Қуръон» деган китоб туширди деб, яширган жойидан китобни олиб кўрсатган».

Бу, уларнинг Исломи, Қуръон ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида айтган энг одобли сўзлари ҳисобланади. Демак, Аллоҳ башарга ҳеч нарса нозил қилмаган, деган гап барча кофирларнинг ҳар замон ва ҳар маконда айтадиган гапларидир. Уларнинг бу гаплари Аллоҳни яхши тушунмаганларидан, Унинг сифатларидан ғофил эканликларидан келиб чиққан. Улар бу даъвони қилганларида:

**«Улар, Аллоҳ башарга ҳеч нарса туширгани йўқ, деганларида, Аллоҳни тўғри тақдирламадилар».**

Унинг қадрини, қудратини, илмини ва бошқа сифатларини билмадилар. Билсалар эди, бу гапни айтмас эдилар.

Ушбу ояти карима тушаётган маконда — Арабистон ярим оролида яшовчи кишиларга Мусо алайҳиссалом тарихи яхши таниш эди. Шунингдек, у кишига Аллоҳ туширган Таврот китоби ҳам ёт эмас эди. Қолаверса, Мусо алайҳиссаломга уммат бўлган, Тавротга иймон келтирган кишилар ҳам улар билан ёнма-ён яшар эдилар. Шунинг учун ҳам, оятда, Қуръон Аллоҳдан тушган китоб эмас, Аллоҳ башарга ҳеч нарса нозил қилгани йўқ, деганларга хитобан:

**«Мусо кишиларга ҳидоят ва нур этиб олиб келган, уни сиз қоғозга тушириб олиб, баъзисини зоҳир, кўпини махфий қилган ва сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам билмаган нарсаларни сизга ўргатган китобни ким туширди?»**— дейиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга топширилмоқда.

Оддиларида тирик гувоҳ турибди-ю, улар Аллоҳнинг башарга Китоб туширганини инкор этадилар. Агар уларнинг гапи рост бўлиб, Аллоҳ башарга ҳеч нарса нозил қилмаган бўлса, Мусо одамларга ҳидоят ва нур қилиб келтирган Тавротни ким туширган?! Нима учун Тавротни Мусога Аллоҳ нозил қилганини тан оладилар, бироқ Қуръонга келганда, Аллоҳ башарга ҳеч нарса нозил қилгани йўқ, дейдилар?! Ёки Мусо башар эмасми? Ёки Таврот ҳам нозил бўлмаганми?! Йўқ, ундай эмас, улар Мусони Пайғамбар деб ишонадилар. «Таврот»ни Аллоҳдан нозил бўлган илоҳий китоб деб биладилар. Балки:

**«уни сиз қоғозга тушириб олиб, баъзисини зоҳир, кўпини махфий қилган...»**

Яҳудийлар Тавротни ёзиб олишгач, ундан ўзларига мувофиқ ўринларни одамларга кўрсатишар, мувофиқ келмаган ўринларини эса, махфий тутишар эди.

Шу билан бирга, Тавротни ўзлари учун илм манбаи ҳисоблашарди. Шунга кўра Таврот васфида:

**«Ва сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам билмаган нарсаларни сизга ўргатган»,** дейилмоқда.

Хўш, ушбу васфларга лойиқ бўлган китобни ким нозил қилган? Жавоб кутиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки, яҳудийлар ҳам, Арабистон ярим ороли мушриклари ҳам ҳозиргача бир овоздан, бу китобни Аллоҳ нозил қилган, деб юрганлар. Энди ҳам инкор эта олмайдилар. Шу боис, жавоб ҳам савол берувчи шахсга – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга топширилмоқда:

**«Аллоҳ», – деб айт».**

Шунинг ўзи кифоя. Агар ақллари бўлса, Мусога Тавротни туширган Аллоҳ Муҳаммадга Қуръонни нозил қилиши ҳеч гап эмаслигини англаб оладилар. Агар ақллари бўлмаса, бу оддий ҳақиқатни тушуниб етмасалар:

**«...уларни тек қўй, шўнғиган нарсаларида ўйнайверсинлар».**

Бундай жоҳиллар учун жон куйдиришнинг ҳожати йўқ. Улар билмаса, бошқалар билади.

وَهَذَا كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ مَبْرُكٌ مُصَدِّقٌ لِّلَّذِي بَيْنَ يَدَيْهِ وَلِنُنذِرَ أُمَّ الْقُرَىٰ وَمَنْ حَوْلَهَا وَالَّذِينَ  
يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ يُؤْمِنُونَ بِهِ ۖ وَهُمْ عَلَىٰ صَلَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ ﴿٩٢﴾

**92. Бу, Биз туширган китоб, муборакдир, ўзидан олдингини тасдиқловчидир. Уммул Қуро (шаҳарлар онаси) ва унинг атрофи-**



**ни огоҳлантиришинг учундир. Охиратга иймон келтирганлар унга иймон келтирурлар. Ва улар намозларини муҳофаза қилурлар.**

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло Ўзининг сўнгги китоби Қуръони Каримнинг баъзи васфларини келтирмоқда.

**«Бу, Биз туширган китоб, муборақдир».**

Унинг баракаси ҳамма томондандир: у тушган жой муборақ жойдир; уни туширган Зот муборақдир; уни қабул қилиб олган зот муборақдир; уни тадбиқ қилган уммат муборақдир. Унинг сўзлари оз бўлса ҳам, маънолари баракадир. Уни ўқиб англаган, амал қилган инсоннинг умри, ризқи-рўзи баракали бўлади.

**«...Ўзидан олдингини тасдиқловчидир».**

Яъни, Қуръони Карим ўзидан олдин келган бошқа илоҳий китобларни тасдиқловчи ҳам бўлиб келгандир. Бу китобни туширишдан мақсад:

**«Уммул Қуро (шаҳарлар онаси) ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учундир».**

Уммул Қуро деб, Маккаи Мукаррама назарда тутиляпти. Бу муқаддас шаҳар араблар орасида қадимдан шу ном билан ҳам машҳур бўлган. Чунки, бу муборақ шаҳарда Аллоҳга ибодат этиш учун қурилган дунё ва башарнинг биринчи уйи «Байтуллоҳ» бор. Бу уйни Аллоҳ ҳамма учун суюкли ва омонлик маскани қилиб қўйган. Охирги Пайғамбарининг туғилиши ҳам худди шу шаҳарда бўлишини ирода қилган. Ўзининг охирги китоби Қуръони Каримни ҳам шу шаҳарда нозил эта бошлаган. Бу китобни нозил қилишдан мақсад, аввал айтилганидек:

**«Уммул Қуро (шаҳарлар онаси) ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учундир».**

Ушбу жумланинг тафсири, у ҳақда айтилган фикр-мулоҳазаларни ўрганар эканмиз, Қуръони Карим ҳақиқий илоҳий мўъжиза эканлиги, уни тушунишда одамлар илмига қараб турли ҳолларга тушишлари ҳам мумкинлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ушбу оятлар нозил бўлган пайтда кишилар, Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни Макка шаҳри ва унинг атрофини огоҳлантириш, тўғри йўлга солиш учун нозил қилибди, деб кетаверганлар. Кейинроқ баъзи Ислом душманлари, Муҳаммад аввал — бошда фақат Макка ва унинг атрофидаги баъзи жойларни қўлга олишни мақсад қилиб қўйган эди, шу боисдан ҳам Қуръоннинг дастлабки босқич оятларида: **«Уммул Қуро (шаҳарлар онаси) ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учундир»**, — дейилган, деб даъво қилганлар.

Мусулмон уламолар бундай душманларга қарши кучли ҳужжат-далиллар билан ўз вақтида жавоб берганлар: дастлабки оятларданок

Ислом бутун дунё учун эканлигини билдирувчи очиқ-ойдин далиллар кўп, улардан: «Анбиё» сурасидаги **«Биз сени фақат оламларга раҳмат қилиб юбордик» ояти, «Сабаъ» сурасидаги «Биз сени фақат барча одамларга башоратчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик»** оятлари ана шундай очиқ-ойдин далиллардир, деганлар.

Кейинроқ илм тараққий этиб, жумладан, жуғрофия илмидаги буюк кашфиётлар натижасида олимлар Маккаи Мукаррама ер куррасидаги қуруқликнинг энг маркази — киндиги эканини аниқладилар. Бу кашфиётларидан сўнг шаҳар ва қишлоқларнинг шимолий қутбини ва Маккаи Мукаррамага нисбатан жойлашиш даражасига қараб қиблани аниқлайдиган жадвал ва асбоблар ихтиро қилинди. Энг муҳими,

**«Уммул Қуро (шаҳарлар онаси) ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учундир»** деган ибора, аслида, бутун оламларни даъват қилиш учундир, деган маънода эканини тушуниб етишди.

Ҳа, бу китоб шундай китоб. Унга иймон келтириш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

**«Охиратга иймон келтирганлар унга иймон келтирурлар».**

Уларнинг охиратга иймон келтиришлари, Пайғамбарга ва ул зотга Аллоҳ китоб туширишига ҳам иймон келтириш демақдир. Шунингдек, уларнинг охиратга иймон келтиришлари, охиратдан умидвор бўлишлари яна бошқа кўплаб эзгу ишларга ҳам чорлайди. Хусусан:

**«...улар намозларини муҳофаза қилурлар».**

Чунки, намоз иймоннинг тасдиғидир. Кимнинг охиратга иймони бўлса, Қуръонга иймон келтиради ва намоз ўқийди.

Кейинги оятда Қуръонга ва ваҳийга нотўғри муносабатда бўлганларнинг, Аллоҳга нисбатан бўҳтон тўқиганларнинг, ёлғончи «набий»ларнинг ёки Қуръонга ўхшаш нарсани келтира оламан, деганларнинг ҳоли баён қилинади:

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا أَوْ قَالَ أُوحِيَ إِلَيَّ وَلَمْ يُوحَ إِلَيْهِ شَيْءٌ وَمَنْ قَالَ سَأُنزِلُ  
مِثْلَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَوْ تَرَىٰ إِذِ الظَّالِمُونَ فِي غَمْرَاتِ الْمَوْتِ وَالْمَلَائِكَةُ بَاسِطُو أَيْدِيهِمْ  
أَخْرِجُوا أَنْفُسَكُمُ الْيَوْمَ تُجْزَوْنَ عَذَابَ الْهُونِ بِمَا كُنْتُمْ تَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ غَيْرَ الْحَقِّ  
وَكُنْتُمْ عَنْ آيَاتِهِ تَسْتَكْبِرُونَ ﴿٣٧﴾

**93. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки унга ҳеч нарса ваҳий қилинмаса ҳам, менга ваҳий келди, деган, ёхуд Аллоҳ нозил қил-**

ган нарсага ўхшаш нарсани мен ҳам нозил қиламан, деган кимсadan ҳам золиброқ кимса борми? Золимларнинг ўлим талвасаси пайтларини, фаришталарнинг уларга қўл чўзиб: «Жонингизни чиқаринг! Бугунги кунда Аллоҳга нисбатан ноҳақ гап айтганларингиз учун ва Унинг оятларидан мутакаббирлик қилиб юргангиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз», – дегандаги ҳолларини кўрсанг эди.

Кофир мушриклар Пайғамбар алайҳиссаломни инкор қилиб, у зотга қўяётган айблар ғоят катта айблардир. Бу ишларни қилиш учун чексиз золим бўлиш керак. Аввало, Аллоҳ таолога нисбатан улкан ёлғон тўқиш керак.

**«Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган...»**

Аллоҳ таоло уни Пайғамбар қилиб юбормаса ҳам, Аллоҳ мени Пайғамбар қилиб юборди, дейиш керак.

Бу эса, улкан зулмдир. Қолаверса:

**«...унга ҳеч нарса ваҳий қилинмаса ҳам, менга ваҳий келди»,** дейиши керак. Бу зулм устига зулмдир. Ёхуд:

**«Аллоҳ нозил қилган нарсага ўхшаш нарсани мен ҳам нозил қиламан»,** дейиши керак.

Бундай ишлар Аллоҳнинг маҳбуб Пайғамбаридан содир бўлиши асло мумкин эмас. Агар фаразан, кимдир бундай зулмни қиладиган бўлса, албатта, жазосини тортади ва тезда фош бўлади. Тарих бунинг кўпига гувоҳ. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида Мусайламатул каззоб, унинг хотини Сажоҳ бинти ал-Ҳорис ва ал-Асвад ал-Анасийлар шундай даъво билан чиқдилар. Аммо, тезда шарманда бўлдилар. Бундай кишилар энг золим кишилар ҳисобланадилар.

**«...деган кимсadan ҳам золиброқ кимса борми?»**

Уларнинг кимлигини ояти каримадаги таърифдан ҳам билиб олиш мумкин.

**«Золимларнинг ўлим талвасаси пайтларини, фаришталарнинг уларга қўл чўзиб: «Жонингизни чиқаринг! Бугунги кунда Аллоҳга нисбатан ноҳақ гап айтганларингиз учун ва Унинг оятларидан мутакаббирлик қилиб юргангиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз», – дегандаги ҳолларини кўрсанг эди».**

Улар ўлим талвасасида қийналиб ётибдилар. Шунда азоб фаришталари келиб, уларни азоблаш учун қўл чўзадилар. Дарҳол азоб бермасдан, маънавий қийноқ ҳам бўлиши учун, талваса чекаётган бу золимларга қарата даҳшатли овозда:

«**Жонингизни чиқаринг!**», –деб хитоб қиладилар.

Сўнгра, уларнинг устидан чиқарилган ҳукми ва ушбу ҳукм чиқишига сабаб бўлган ҳодисани ҳам айтадилар:

«**Бугунги кунда Аллоҳга нисбатан ноҳақ гап айтганларингиз учун ва унинг оятларидан мутакаббирлик қилиб юрганингиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз!**»–дейдилар.

Бу ғоятда даҳшатли манзара. Уни кўрган одам дош беролмайди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитобан:

«**кўрсанг эди**», дейилишининг ўзидан аҳволни билиб олса бўлади.

Бу каззоб золимларга қарата таънаомуз гаплар келаси оятда ҳам давом этади:

وَلَقَدْ جِئْتُمُونَا فُرَادَىٰ كَمَا خَلَقْتُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَتَرَكْتُمْ مَا خَوَّلْتُمْ وِرَاءَ ظُهُورِكُمْ وَمَا نَرَىٰ مَعَكُمْ شُفَعَاءَكُمُ الَّذِينَ زَعَمْتُمْ أَنَّهُمْ فِيكُمْ شُرَكَاءَ لَقَدْ تَقَطَّعَ بَيْنَكُمْ وَضَلَّ عَنْكُمْ مَا كُنْتُمْ تَزْعُمُونَ ﴿١٤١﴾

**94. Худди сизларни дастлаб халқ қилганимиздек, ҳузуримизга якка-якка келдингиз. Сизларга берган нарсаларимизни ортингизда қолдирдингиз. Сизлар ўзингизча шерик деб ўйлаган шафоатчиларингизни кўрмаяпмиз?! Батаҳқиқ, ораларингиз узилди. Сиз даъво қилган нарса ғойиб бўлди.**

Фаришталар золим, кофир ва мушрикларни қийнаб, жонларини олгандан сўнг, улар Аллоҳ таолонинг ҳузурига келтириладилар. Хору зор бўлиб, титраб-қақшаб турган золимларга қарата улар ёлғонга чиқарган Аллоҳ дейди:

«**Худди сизларни дастлаб халқ қилганимиздек, ҳузуримизга якка-якка келдингиз.**»

Сизларни якка-якка яратган эдик. Ҳаммангиз онадан ёлғиз-ёлғиз туғилгансиз. У пайтда яланғоч, чорасиз ва кучсиз-қувватсиз эдингиз. Мана, ўлганингиздан сўнг яна Бизнинг ҳузуримизга яланғоч, чорасиз ва кучсиз-қувватсиз ҳолингизда, якка-якка бўлиб келибсиз.

«**Сизларга берган нарсаларимизни ортингизда қолдирдингиз.**»

Аллоҳ таоло сизга ризқу рўз, молу дунё, мансаб-обрў, бола-чақа, дўсту ёр ва бошқа қимматли нарсалар берган эди. Уларни орқангизда қолдириб келибсиз. Улардан ҳеч бирини бирга олиб кела билмабсиз.

«**Сизлар ўзингизча шерик деб ўйлаган шафоатчиларингизни кўрмаяпмиз?!**»

Қани улар? Сизлар билан келишмадими? У дунёда, бу бут ва санамлар бизни Аллоҳга яқинлаштирадидлар, бизга шафоатчи бўладилар деб, даъво қилар эдингиз-ку? Қани ўша сиз шерик деб ўйлаган бутлару санамлар, ой-у юлдузлар, қуёш ёки одамлар?! Келиб энди сизга шафоатчилик қилмайдиларми?! Йўқ!!! Кела олмайдилар:

**«Батаҳқиқ, ораларингиз узилди. Сиз даъво қилган нарса ғойиб бўлди».**

Тамом. Энди улар билан алоқа қила олмайсиз. Улар йўқ бўлди. Улар аслида ожиз нарсалар эди. Аммо, энди бутунлай йўқ бўлдилар. Кўз олдингизга ҳам кела олмайдилар.

Ўтган оятларда Аллоҳнинг тавҳидини, Пайғамбарликнинг ҳақлигини, илоҳий китоб ҳақлигини ва қиёмат қоим бўлиши ҳақлигини баён қилиб бўлинди, келаси оятларда ўша нарсаларни қилишга қодир ягона Аллоҳнинг васфи келади.

﴿إِنَّ اللَّهَ فَالِقُ الْحَبِّ وَالنَّوَىٰ ۗ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ ذَٰلِكُمْ اللَّهُ ۗ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ﴾

**95. Албатта, Аллоҳ донни ҳам, данакни ҳам ёрувчи Зотдир. У, ўлиқдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқаргувчидир. Ана шундай Аллоҳдир. Сиз қаёққа бурилиб кетяпсиз?!**

Аллоҳ таолонинг борлиги ва Унинг ҳар бир нарсага қодирлигини англаб етиш учун битта кичкина данак ёки ундан ҳам кичикроқ донга эътибор назари билан қарашнинг ўзи кифоя.

**«Албатта, Аллоҳ донни ҳам, данакни ҳам ёрувчи Зотдир».**

Хўш, шу кичик дон қаердан пайдо бўлмоқда? Ўзига ўхшаган дондан. Ўша донни деҳқон ерга сочади ёки дон ерга тушиб қолади. Шу билан, деҳқон ҳам ё бирор техника ҳам донга ва унда кечадиган жараёнга аралаша олмайди. Дондан ўсимлик униб чиқади. Яна аралаша олмайди. Ўсимлиқдан аста-секин донлар пайдо бўлади. Яна ҳеч ким аралаша олмайди. Қарабсизки, бир дондан бир неча дон кўпайибди. Ким бу ишни ўзича қила олади? Ҳеч ким. Шунингдек, данак, хусусан хурмо данагини англантиш учун ушбу оятда ишлатилган «наво» сўзи қаттиқ нарсага далолат қилади. Ким уни қўлига олиб кўрса, унда ўсиш, ҳаракат бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайди. Аммо, ўша данакдан дарахт ўсади. Ўша дарахтдан данак пайдо бўлади. Яна худди аввалги ҳолдаги каби бу жараёнга Аллоҳдан бошқа ҳеч ким аралаша олмайди. Шунинг ўзи Аллоҳнинг биру борлигига далолатдир.

**«У, ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқаргувчидир».**

Аллоҳ таоло борлиқни жонсиз қилиб яратган эди. Янги халқ қилинган борлиқ ўлик эди. Сўнгра, Аллоҳ таоло ушбу ўликдан тирик нарсаларни чиқарди. Жумладан, ўлик тупроқдан одамни ясаб, унга жон ато қилди. Шунингдек, бошқа нарсаларга ҳам жон — ҳаёт ато айлади. Ҳозирда ҳам жонсиз — ўлик нарсалардан турли ўсимликлар дунёга келмоқда, улар озуқа бўлиб, инсон ва ҳайвон жисмида тирик ҳужайраларга айланмоқда. Шу билан бир вақтда, тирик ҳужайралар, тирик жонлар ўлмоқда, набототлар қуримоқда. Буларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло қиляпти. Инсоният ўзини танигандан бери биргалашиб уринса ҳам, бирон нарсага жон — ҳаёт ато этиш у ёқда турсин, бирор нарсанинг ҳаёти ва жонининг сирини била олмай хуноб. Шунингдек, ҳамма имкониятларни ишга солиб уринган инсоният бирор нарсани ўлимдан ҳам сақлаб қола олмаяпти. Шунинг ўзи Аллоҳнинг биру борлигига далил эмасми?!

Эй кофирлар, мушриклар! Сизлар унга нисбатан ёлғон тўқийтган Аллоҳ:

**«Ана шундай Аллоҳдир. Сиз қаёққа бурилиб кетяпсиз?!»**

Ўйлаб кўрсангиз бўлмайдими? Ўзингиз билмасангиз, билганлардан сўранг! Бу дунёда ҳаёт сирини ўрганган олимлар охир-оқибат тан бериб, иймонга келмоқдалар. Улардан сўраб кўринг! Ҳаммалари бир бўлиб уринганларида ҳам бирон жонлиқ яратиш у ёқда турсин, Аллоҳ жон — ҳаёт берган нарсаларга сиртдан ўхшаш нарса ярата олмасликларига кўзлари етганидан Роббул Олабийнга тан бериб, иймонга келмоқдалар. Сизлар қаёққа бурилиб кетяпсизлар?!

Бу ҳам етмаса, бошқа нарсаларга, каттароқ махлуқотларга, кўз ўнгингизда доимо намоён бўлиб турувчи нарсаларга назар солинг, эҳтимол, шунда ўзингизга келарсиз. У, Аллоҳ:

فَالِقُ الْإِصْبَاحِ وَجَعَلَ اللَّيْلَ سَكَنًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ حُسْبَانًا ذَلِكَ تَقْدِيرُ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ ﴿٩٦﴾

**96. У, субҳни ёритгувчи зотдир. У, тунни сукунат, қуёш ва ойни ҳисоб қилиб қўйди. Бу эса, ғолиб ва яхши билгувчи Зотнинг ўлчовидир.**

Тонгни ким оттиради? Қоронғу зулмат бўлиб, тонг отмай туриб қолса, зулматни кетказиб, тонгни қоронғуликдан ёриб чиқаргувчи Аллоҳдан ўзга зот борми? Албатта, йўқ. Фақат, инсонлар ушбу ҳақиқатни ўйлаб кўрмайдилар, холос. Ҳар куни қоронғу тушиб, тонг отаверганига одатланиб, ўзи шундай бўлиши керак, деган ха-



ёлда қотиб қолинган. Лекин, дунёда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмаслигини ҳамма яхши тушунади-ку. Аммо, ўзини ақлли ҳисоблаган ҳар бир одам бу ҳолатга бир ибрат назари солиб қўйиши лозим-ку.

**«У, субҳни ёритгувчи Зотдир».**

Аллоҳнинг биру борлигига, чексиз қудратига далолат қилувчи ушбу ҳол ҳар куни кўз ўнгимизда такрорланади.

**«У, тунни сукунат, қуёш ва ойни ҳисоб қилиб қўйди».**

Тунни ёриб чиқувчи тонгни қўйайлик-да, туннинг ўзини олиб кўрайлик. Хўш, тунни ким яратди? Туннинг сукунат эканлигини ҳамма билади. Тунни сукунат қилган ким? Тунни инсон, ҳайвонот, наботот ва жамодот олами учун ором олгувчи сукунат қилиб қўйган ким?! Нима учун сукунат фақат тунгагина хосдир? Хўш, буни ким қилди? Ўз-ўзидан бўлиши мумкин эмас-ку. Инсон ҳар куни тунга киради, унинг сукунатида таскин топади, ором олади. Аммо, буни ким қилди деб, сўраб кўрмайди.

Қуёш ва ойнинг борлиқ учун, борлиқдаги жамики нарсалар учун, алал-хусус, инсон учун чексиз манфаати борлигини ҳамма яхши билади. Ҳозир биз мазкур фойдаларни бир томонга қўйиб турайлик-да, энг содда, ҳамма тушуна оладиган фойдаларидан бири бўлмиш ҳисобга восита эканини олиб кўрайлик. Инсоният қадимдан вақтни, кундуз ва кечани, ҳафта ва ойни ҳисоблаш учун ой ва қуёшдан фойдаланиб келади. Ой билан қуёшнинг ҳаракатидан дақиқ фалакиёт ҳисобларини чиқаради. Уларга қараб вақтни ҳисоблайди. Илм жуда ривожланган ҳозирги кунимизда ҳам инсоният соатини ҳар куни ушбу нарсаларга қараб тўғрилаб олади. Илмнинг чўққисига чиқдим деб, фахрланаётган инсон ўзининг кичик соатини ҳар куни тўғрилашга муҳтож бўлганда, ой ва қуёш каби улкан жисмлар миллионлаб йиллар давомида бир сония ҳам хато қилмай юриб келаётганига бир ибрат назари солса бўлмасмикин? Шундай улкан нарсаларни бунчалик аниқ ҳаракат қилдириб қўйган ким? Оддийгина жажжи соат ўзидан-ўзи юрмайди, шундай экан, бунчалик улкан нарсаларни шунчалик аниқлик билан ўз-ўзидан юрмоқда деса, айб бўлади. Балки ақдсизлик бўлади! Хўш, ой ва қуёшни ким ҳисоб қилиб қўйди? Албатта, Аллоҳ! Инсон ушбу нарсаларни ҳар куни кўради. Аммо улар ҳақида инсоф ила тафаккур қилиб кўрмайди. Қани айтинг-чи, бу ўлчовлар кимнинг ўлчови?!

**«Бу эса, ғолиб ва яхши билгувчи Зотнинг ўлчовидир».**

У, ғолиб ва ҳар бир нарсага қодирлигидан шу қадар сонсиз-саноксиз нарсаларни яратиб қўйиб, Ўзи бошқариб туради. У, ҳамма нарсани яхши билганидан, шундай қилади. Унинг борлиқдаги ўлчовини англаган инсон қудратига, ғолиблигига ва ҳамма нарсани яхши

билишига ҳеч шубҳа қила олмайди. Дунёдаги бор нарсаларнинг ўлчови — улар ҳажмининг ўлчови, ораларидаги масофалар ўлчови ва бошқа барча ўлчовлар Аллоҳнинг ғолиб ва яхши билгувчи Зот эканлигига далолатдир. У зотнинг қудратига, ғолиблигига ва ҳаммадан зиёда билгувчилигига далолат қилувчи бошқа нарсалар ҳам бор. Жумладан:

وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ النُّجُومَ لِتَهْتَدُوا بِهَا فِي ظُلُمَاتِ اللَّيْلِ وَالْبَحْرِ قَدْ فَصَّلْنَا الْآيَاتِ  
لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٩٧﴾

**97. У сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун юлдузларни қилиб қўйган Зотдир. Биладиган қавмлар учун оят-белгиларни батафсил қилиб қўйганмиз.**

Юлдузлар ҳақида сўз юритмасдан, коинотдаги илоҳий тадбир ва мўъжизалар ҳақидаги тасаввур батамом бўлмайди. Албатта, юлдузларнинг тузилиши, уларнинг вазифаси ва манфаатлари, уларга боғлиқ ажойиботлар ҳақида ҳар қанча гапирилса, шунча оз. Айниқса, юлдузлар илми ила машғул бўлганлар буни яхши биладилар. Аммо, биз ўша илмий ҳақиқатларни бир четга қўйиб, олимун жоҳил, каттаю кичик, ҳамма-ҳаммага маълум оддий бир ҳақиқатга назар ташлайлик.

**«У сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун юлдузларни (белги) қилиб қўйган Зотдир».**

Одамлар қадимдан қуруқликда ҳам, денгизда ҳам йўл топиш учун юлдузлардан фойдаланиб келадилар. Хўш, юлдузларни шу ҳолатда ким яратган? Адашган одам хоҳ денгизда, хоҳ қуруқликда бўлсин йўл топишига уларни чора-тадбир қилган ким? Одамларнинг ўзларими? Ёки ўзидан-ўзи бўлиб қолганми? Аллоҳ қилган. Бошқа ҳеч ким қилган эмас, қила олмайди ҳам. Ҳар куни юлдузни кўрган одам, Аллоҳнинг биру борлигига иймон келтирмай, қаёққа қараб кетмоқда? Ақлни ишлатиш керак.

**«Биладиган қавмлар учун оят-белгиларни батафсил қилиб қўйганмиз».**

Биладиган одам учун Аллоҳ Ўзининг ҳаққониятига далил бўлувчи оят-белгиларни ҳар қадамга сочиб ташлаган. Аллоҳнинг биру борлигига далил аввало ўша инсоннинг ўзи-ку:

وَهُوَ الَّذِي أَنْشَأَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ فَمُسْتَقَرٌّ وَمُسْتَوْدَعٌ قَدْ فَصَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَفْقَهُونَ ﴿٩٨﴾

**98. У сизларни бир жондан яратган Зотдир. Бас, у (жон) қарор топадиган жой(она раҳми)да ёки сақлаб қўйиладиган жой (ота сулби)дадир. Яхши англайдиганлар учун оят-белгиларни батафсил қилиб қўйганмиз.**

Инсон ўзига эътибор билан разм солса, улкан мўъжиза эканини дарҳол англаб олади. Аммо, эътибор бермайди. Доимо содир бўлиб тургани учунми, ўзи кўриб турган аъзоларга ўрганиб қолгани учунми, аҳамият бермайди. Аҳамият берса эди, инсон тузилишини ўрганган олимларнинг назарияларига назар солса эди, кўп ва муҳим мўъжизаларни англаб олган бўлар эди. Бунга ўхшаш жиҳатларни бир томонга қўйиб турайлик-да, жамики инсонлар учун маълум бўлган оддий ҳақиқат— инсоннинг бир жондан яратилишига боқайлик.

**«У сизларни бир жондан яратган Зотдир. Бас, (у жон) қарор топадиган жой(она раҳми)да ёки сақлаб қўйиладиган жой(ота сулби)дадир».**

Эркак бўлсин, аёл бўлсин, даставвал, ҳаммаси ота сулбида сақланиб туради. Сўнгра, она раҳмига— бачадонга ўтади, у ердан жой топади ва шундан кейин дунёга келади. Бу ишни ким қилади? Албатта, Аллоҳ таоло қилади. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қила олмайди. Агар бирор зот қила олса, айтсин! Албатта, инсон ўзидан-ўзи дунёга кела олмайди. Ушбу ҳақиқатни ўйлаб кўрган ҳар бир инсон Аллоҳ таолонинг биру борлигига қойил қолмай иложи йўқ. Фақат, бу оддий ҳақиқатни англаш учун фаҳм керак, онг керак, холос.

**«Яхши англайдиганлар учун оят-белгиларни батафсил қилиб қўйганмиз».**

Агар яхши англайдиганлар бўлса, улар учун Аллоҳ таоло оят-белгиларини батафсил қилиб қўйган. Аллоҳнинг биру борлигига далолат қилувчи бошқа оят— белгилар жуда ҳам кўп.

وَهُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ نَبَاتٍ كُلِّ شَيْءٍ فَأَخْرَجْنَا مِنْهُ خَضِرًا  
نُخْرِجُ مِنْهُ حَبًّا مُتَرَاكِبًا وَمِنَ النَّخْلِ مِنَ النَّخْلِ مِنْ طَلْعِهَا قِنْوَانٌ دَانِيَةٌ وَجَنَّاتٍ مِّنْ أَعْنَابٍ وَالزَّيْتُونَ  
وَالرُّمَّانَ مُشْتَبِهًا وَغَيْرَ مُتَشَبِهٍ انظُرُوا إِلَى ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ وَيَنْعِهِ إِنَّ فِي ذَلِكُمْ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ  
يُؤْمِنُونَ

**99. У, осмондан сув нозил қилган Зотдир. Бас, у (сув) ила турли набототлар чиқардик. Ундан яшил гиёҳларни чиқардик. Ундан ғужум-ғужум бошоқлар чиқарамиз. Ва хурмодан, унинг новда-**

**ларидан яқин шингиллар чиқарамиз ва узум боғлари чиқарамиз. Бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорларни чиқарамиз. Унинг мева қилиш пайтидаги мевасига ва пишишига назар солинг. Албатта, бундай нарсаларда иймон келтирадиган қавм учун оят – белгилар бордир.**

Ушбу ояти каримада ғафлат босган инсон мулоҳаза қилмайдиган улкан ҳақиқатлар баён қилинади. Буларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг биру борлигининг далолатидир.

**«У, осмондан сув нозил қилган Зотдир».**

Осмондан сувни Аллоҳ таоло нозил қилмаса ким нозил қилади? Одамлар ўзлари нозил қила оладиларми? Нима учун ҳар йили айрим жойларда қурғоқчилик оқибатида инсоният мислсиз зарарлар кўрмоқда? Демак, ўз вақтида ёмғир ёки қор сифатида осмондан сув тушиб туриши катта неъмат экан.

**«Бас, у (сув) ила турли набототлар чиқардик».**

Осмондан тушган сув турли набототларни чиқаришга сабаб бўлади. Сувсиз ҳаёт бўлмаганидек, набототларсиз ҳам ҳаёт бўлмайди. Шунинг учун, қурғоқчилик бўлган жойларда амаллаб ичгани сув топилганда ҳам, ҳаёт кечириш оғирлашиб кетади. Экинлар, набототлар қуриб, ҳайвонлар ва инсонлар қирила бошлайди. Ер юзидagi набототларни Аллоҳ ундирмаса, ким ундиради? Ҳар ким ўзича бир туп нарсани кўкартира олмайди-ку. Ушбу набототлар ҳам Аллоҳнинг биру борлигига яққол далилдир. Сув туфайли турли набототлар ундирилиб, шу билан кифояланиб қолинмайди. Балки ўша набототлардан бошқа нарсалар яратилади.

**«Ундан яшил гиёҳларни чиқардик».**

Яшил гиёҳлардан кўра инсонлар учун янада фойдалироқ неъматлар ҳам бор.

**«Ундан гужум-гужум бошоқлар чиқарамиз».**

Бошоқлар инсонлар ва ҳайвонларга озуқа, ўсимликларга уруғ ҳам бўлади.

**«Ва хурмодан, унинг новдаларидан яқин шингиллар чиқарамиз».**

Хурмо ҳам бошқа дарахтлар каби оддий бир дарахт. Аммо, кўплаб унга ўхшаш дарахтлар мевасиз бўлгани ҳолда, хурмонинг узиб олишга яқин, қулай жойида шингил-шингил мевалари бор. Буни ким қилди? Дунё бир ёқадан бош чиқариб, яна битта хурмо дарахтини ярата оладими? Йўқ, албатта. Нима учун одамлар бу ҳақиқатни ўйлаб кўрмайдилар?

**«...ва узум боғлари чиқарамиз».**

Узумни олайлик. Унга ўхшаш бошқа набототлар кўп. Аммо, айнан узумзор боғлар бор. Ундан турли-туман хилдаги мевалар оли-

нади. Бир хил наботот бўлса ҳам турли рангли, турли шакли ва турли таъмли мевалар ҳосил қилади. Буларнинг ҳаммасини ким қилмоқда. Бунга Аллоҳдан ўзга ким қодир? Ҳеч бўлмаса, шуни ўйлаб кўриб, хулоса чиқарсалар бўлмайдимиз?

**«бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорларни чиқарамиз».**

Булар ҳам ажойиб бир мўъжизалар. Зайтун ва анорга ўхшаш дарахтлар кўп. Аммо, айнан зайтун ва аноргина бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган турли-туман мевалар беради. Бу меваларнинг пайдо бўлиши, тузилиши, хусусиятлари, самараси ўз-ўзидан бўлиб қолмайди, албатта. Хўш, буларни ким қилади? Ким қодир бу ишларга? Албатта, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким қодир эмас.

**«Унинг мева қилиш пайтидаги мевасига ва пишишига назар солинг».**

Бу пайтдаги ажойиб ўзгаришлар, гўзалликлар ва киши ақли бо-вар қилмайдиган жараёнлар, ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таолонинг биру борлигига ёрқин далилдир. Дунё пайдо бўлганидан бери ҳеч ким бир донагина бўлса ҳам мева ярата олмаган. Ана шунинг ўзи ҳам Аллоҳ таолога иймон келтиришга чорламайдими? Хўш, ким бу нар-салардан ибрат олади?

**«Албатта, бундай нарсаларда иймон келтирадиган қавм учун оят – белгилар бордир».**

Аммо, иймонсизлар ибрат олмай, бошқа йўллардан юрадилар.

وَجَعَلُوا لِلَّهِ شُرَكَاءَ الْجِنَّ وَخَلَقَهُمْ وَخَرَقُوا لَهُ بَنِينَ وَبَنَاتٍ بِغَيْرِ عِلْمٍ سُبْحٰنَهُ وَتَعَالٰى  
عَمَّا يَصِفُوْنَ

**100. Улар жинларни Аллоҳга шерик қилдилар. Ҳолбуки, У ҳаммаларини яратган Зотдир. Илмсиз ҳолда Унга ўвиллар ва қизлар ясадилар. У, улар васф қилган нарсалардан пок ва олий бўлди.**

Юқорида келган ояти қарималарда васф қилинган олий сифатлар эгаси Аллоҳ таолога кофирлар нолайиқ нарсаларни шерик келтирдилар. Жумладан:

**«Улар жинларни Аллоҳга шерик қилдилар».**

Улар жинларда инсонлардан бошқача – ғайри табиий баъзи сифатлар борлигини билгач, уларда илоҳий сифатлар бўлса керак деб, гумон қилдилар ва Аллоҳга ширк келтирдилар.

Ислом ақийдасидан ўзга барча ақийдаларда ушбу нарса бор десак, муболаға бўлмайди.

Арабистон ярим оролида Ҳузоъа қабиласига мансуб Бану Малийх қавми жинга ибодат қилар эди. Жоҳилий арабларнинг барчалари бирор водийда тунайдиган бўлсалар, ушбу водий жинларининг улуғидан паноҳ тилайман, дер эдилар. Ҳозирги жамиятда ҳам Амриқода шайтонни худо деб эътиқод қилучилар борлиги ҳаммага маълум.

**«Ҳолбуки, У ҳаммаларини яратган Зотдир. Илмсиз ҳолда Унга ўғиллар ва қизлар ясадилар».**

Ўзларида илму далил йўқ, лекин йўқ жойдан Аллоҳга ўғил, қизлар топадилар.

Насоролар, Ийсо Аллоҳнинг ўғли, дейишади. Нима учун, десанг, билишмайди. Яҳудийлар, Узайр Аллоҳнинг ўғли, дейишади. Нима учун, десанг, билишмайди. Араб мушриклари, фаришталар Аллоҳнинг қизлари, дейишади. Нима учун фаришталар қиз, десанг, билишмайди. Булар Аллоҳ ҳақида, илмсиз ҳолда оғизларига нима келса вайсайверадилар. Аммо:

**«У, улар васф қилган нарсалардан пок ва олий бўлди».**

بَدِيعُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ أَنَّى يَكُونُ لَهُ وَلَدٌ وَلَمْ تَكُنْ لَهُ صَاحِبَةٌ وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ  
يَكِلُ شَيْءٌ عَلِيمٌ

**101. У, осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи Зотдир. Унинг хотини бўлмай туриб, боласи қандай бўлсин?! У ҳамма нарсани Ўзи яратди ва У ҳамма нарсани яхши билгувчидир.**

Аллоҳнинг яратувчанлиги Ўзига хосдир. Бор нарсаларни бир-бирига чатиштириш яратувчилик эмас. Асли йўқ нарсани вужудга келтириш яратишдир. Аллоҳнинг яратувчанлиги ҳам шундай.

**«У, осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи Зотдир».**

Бир вақтлар осмонлар ҳам, ер ҳам, уларнинг бағридаги нарсалар ҳам, умуман, йўқ эди. Аллоҳ таоло уларни йўқдан бор қилди. Мушрикларнинг «илоҳ»лари нимани йўқдан бор қилибди? Ҳолбуки, уларнинг ўзи ҳам йўқ эди. Уларни ҳам Аллоҳ бор қилган-ку?!

**«Унинг хотини бўлмай туриб, боласи қандай бўлсин?!»**

Ота-бола, ота-ўғил-қиз каби насл ҳақида гап кетганда, ҳаммага маълум ва машҳур қоидалар ёдга келади. Ўғил-қиз пайдо бўлиши учун отанинг ўзи кифоя қилмайди. Балки, она ҳам бўлиши керак. Худонинг ўғли бор, қизи бор, деяётганларга, унинг хотини ҳам борми, десанг, йўқ, дейдилар. Хўш, хотини бўлмаса, қандай қилиб боласи бўлади? Ушбу оддий ва табиий саволга жавоб берсинлар. Бера олмайдилар. Жавобни Қуръони Каримнинг ўзи беради:



**«У ҳамма нарсани Ўзи яратди ва У ҳамма нарсани яхши билгувчидир».**

Аллоҳ ҳамма нарсани, жумладан, Ийсо, Узайр ва фаришталарни ҳам Ўзи яратган. Шунинг учун, улардан ҳеч бири Унга ўғил ёки қиз бўлиши мумкин эмас. У ҳамма нарсани яхши билади. Унинг билгани — билган.

ذَٰلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ خَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَأَعْبُدُوهُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ ﴿١٠٢﴾

**102. Ана ўша Аллоҳ сизнинг Роббингиздир. Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ. У ҳар бир нарсанинг Яратгувчисидир. Бас, Унга ибодат қилинг. У ҳар бир нарсага вакилдир!**

لَا تَدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ ﴿١٠٣﴾

**103. Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар. У латийф ва хабардор Зотдир.**

Аллоҳ ҳамма нарсани яратди. Шунинг учун, ҳамманинг эгаси ҳам Ўзи, ҳаммага ризқ берувчи ҳам Ўзи.

**«Ана ўша Аллоҳ сизнинг Роббингиздир».**

Ана шу сифатларга эга Аллоҳ сиз одамларнинг ҳам Роббингиздир. Робб «тарбиячи» маъносидадир. Робб — тарбиячи — ҳамманинг раҳбари, йўл кўрсатувчиси ва султони бўлмоқ, демақдир. Ушбу сифатларни инкор этувчи ёки улардан бирортасини инкор этувчи, бу хусусиятлар Аллоҳдан бошқанинг ҳаққи, деб билувчилар кофир бўлади. У, Аллоҳдан бошқани ўзига Робб қилиб олган бўлади.

**«Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ».**

У Ўзи ёлғиз яратган, ёлғиз Ўзи Молик бўлган, ёлғиз Ўзи ризқ берган ва ёлғиз Ўзи раҳбар бўлиб, ёлғиз Ўзи йўл кўрсатгувчидир. Ёлғиз Ўзи султон бўлганидан кейин ибодатга сазовор ҳам ёлғиз Ўзидир. Бандалар фақат Унга ибодат қилишлари керак. Яъни, Унга сажда қилишлари, айтганларини бажаришлари, қайтарганларидан қайтишлари ва фақат Унинг розилигини топиш учун ҳаракат этишлари лозим.

**«У ҳар бир нарсанинг яратгувчисидир».**

Бирор нарсани Аллоҳдан бошқа зот яратган, йўқдан бор қилган бўлса, бугунгача хабари чиқар эди. Кўз ўнгимиздаги сонсиз-саноқ-

сиз нарсалар борлиги ҳақиқат. Хўш, булар қандай пайдо бўлди? Ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолдимиз? Ундай дейилса, исботи қани? Дунёда ўз-ўзидан пайдо бўлган бирор нарса борми ўзи? Ким дунёда ўз-ўзидан пайдо бўлган нарса бор деса, бу фақат ушбу ғоя соҳибининг ақли заифлигига далолат қилгувчи бир фикрдир.

Баъзилар, дунё азалдан мавжуд эди, дейдилар. Бу фикр, яъни азалий мавжудият фақат Аллоҳгагина хос. Шу маънода тўғри фикр. Аммо, дунёдаги бошқа мавжудот ҳаммаси аста-секин тугаб бораётгани дунё аҳлига маълум. Ҳатто қуёш ҳарорати ҳам йил сайин пасайиб бораётгани илмий ҳақиқат. Тугаб бораётган нарсалар эса, ҳеч қачон азалий бўла олмайди. Демак, ягона тўғри фикр – дунёдаги жамики нарсаларнинг Яратгувчи Азалий Зотнинг мавжудлигидир. У Зот ҳар бир нарсанинг Яратгувчисидир. Шунинг учун, У зот фақат инсоннинг эмас, балки бутун оламнинг Робби ҳамдир.

**«Бас, Унга ибодат қилинг».**

Яъни, фақат Унга бўйин эгинг, итоат қилинг ва Унинг ҳукмига юринг.

**«У ҳар бир нарсага вакилдир!».**

Яъни, муҳофаза қилувчи, кузатувчи, Ўзидан бошқа ҳамманинг тадбирини кўрувчи, уларга доимо ризқ берувчидир.

**«Кўзлар Уни идрок эта олмас, У, кўзларни идрок этар».**

Аллоҳ кўзларни бу дунё ашёларини кўриш учун яратган. Шу вазифаларини бажарадилар, холос. Аммо имконларидан ташқари нарсани бажаришга қодир эмаслар. Кўзлар маълум масофадаги нарсаларни кўради. Ундан узоқдагисини кўра олмайди. Бу эса, ўша маълум масофадан наридаги кўзга кўринмаган нарса йўқдир дегани эмас. Балки, кўз уни кўра олмаганидандир.

Шунингдек, кўз маълум ҳажмдаги нарсаларни кўради. Ундан кичикроғини кўра олмайди. Сўнгра нарсаларни катталаштириб берувчи асбобларни ишга солади. Улар ҳам маълум катталиқдаги нарсаларнигина кўришда ёрдам бера оладилар. Аммо, атом, протон, нейтрон каби унсурларни кўра олмайди. Ҳозирги фан бу зарраларнинг борлигини тасдиқлайди, аммо ҳеч ким уларни ўз кўзи билан кўрган эмас. Шундай экан, Аллоҳни ўз кўзим билан кўрмагунимча, Унинг борлигига ишонмайман, дегувчиларнинг ақлига шубҳа билан қарашдан бошқа илож қолмайди. Аллоҳ яратган нарсаларни кўришга ожизлик қилаётган сенинг ожиз кўзинг, азалий, сен кўрган ва билган ва ҳис қилган нарсалардан батамом бошқа хусусиятдаги Зотни қандай қилиб кўра олади? Инсонга Аллоҳ зотини кўриш қобилияти берилмаган. Улардан бу нарсани кўриш талаб қилинмаган ҳам.

**«У латийф ва хабардор зотдир».**

У ҳар бир нарсани дақиқ ва нозик жойларигача билувчи Зотдир. У ҳар бир нарсадан хабардор Зотдир.

فَدَجَاءَكُمْ بِصَآئِرٍ مِّن رَّبِّكُمْ فَمَن أَبْصَرَ فَلِنَفْسِهِ ۖ وَمَن عَمِيَ فَعَلَيْهَا ۚ وَمَا أَنَا عَلَيْكُمْ بِحَفِيظٍ ﴿١٠٤﴾

**104. Батаҳқиқ, сизга Ррббингиздан «кўз очувчи»лар келди. Кимки кўрса, ўзига яхши. Ким кўр бўлиб олса, ўзига зарар. Мен сизларга қўриқчи эмасман.**

Биз «кўз очувчи»лар деб таржима қилган сўз Қуръони Карим истилоҳида «басоиру» деб келган. У, «басийра» сўзининг жамъи бўлиб, бир нарсани кўриб, уни англаб етишга далолат қилувчи ҳодисага айтилади.

**«Сизга Роббингиздан «кўз очувчи»лар келди».**

Бу жумлада Аллоҳ Ўзининг биру борлигига, Пайғамбарининг ва динининг ҳақлигига далолат қиладиган «кўз очувчи» нарсаларни юбориб қўйганини айтмоқда.

**«Кимки кўрса, ўзига яхши».**

Ким ўша далилларни кўриб, ҳидоятга юрса, ўзига яхши.

**«Ким кўр бўлиб олса, ўзига зарар».**

Ким ушбу далилларни кўриб туриб ҳам ўзини кўрмаганга солса, ибрат олиб, тўғри йўлга юрмаса, яъни, сунъий кўр бўлиб олса, ўзига ёмон бўлади. Нурни кўрмайди. Йўлдан адашади. Жарга қулайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам улардан воз кечиб:

**«Мен сизларга қўриқчи эмасман»,** дейдилар.

Ҳа, у зот бир инсонни «қўриқлаб» туриш, қилган ишини сарҳисоб қилиш учун юборилган эмаслар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларни даъват қилиш ва огоҳдантириш учун юборилганлар.

وَكَذَلِكَ نُنْصِرُ الْآيَاتِ وَلِيَقُولُوا أَدْرَسَتْ وَلِنُبَيِّنَهُ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿١٠٥﴾

**105. Шундай қилиб: «Дарс олгансан», – дейишлари учун ва билган қавмларга баён қилишинг учун оятларни тасарруф қилурмиз.**

«Тасарруф» сўзи бир нарсани турли кўринишларда тақдим қилиш учун ҳам ишлатилади. Аллоҳ таоло Қуръони Карим оятларини турли баёнлар билан келтириб, кишиларнинг тўғри йўлга юришларига сабаб бўлишини ирода қилди. Аммо, одамлар ўзларининг бор истеъдодлари билан буни турлича қабул қиладилар. Баъзилари дунёда

ҳозиргача маълум бўлмаган услубда тақдим қилинаётган оятлар билан танишганларидан сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Дарс олгансан», — дейишади.

**«Шундай қилиб: «Дарс олгансан», — дейишлари учун...»**

Зотан, улар у зотнинг ҳеч қачон дарс олмаганларини жуда ҳам яхши билишади. Чунки, у киши уларнинг орасида туғилиб, уларнинг сафида ўсиб-улғайдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётларининг бирор лаҳзаси ҳам улар учун махфий эмас. Улар у кишининг бирор лаҳза ҳам дарс олмаганларини жуда яхши биладилар. Аммо, ҳидоятга юришни истамайдилар. Шунинг учун, ниманидир баҳона қилиш керак. Ўйлаб-ўйлаб, сен биз одатланмаган шунчалар гапларни айтяпсан, бошқалардан дарс олгансан, демоқдалар. Қачон дарс олган? Кимдан дарс олган? Аҳли китобларданми? Аҳли китобларда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг китобидаги каби олий савияли гаплар йўқ. Уларнинг китоблари бузилиб, бидъат-хурофот, афсона ва ғайри илмий нарсаларга тўлиб кетган. Уларнинг китоблари ҳозир ҳам турибди. Ўқиб кўриш мумкин. Лекин қалбини моғор босганлар, яхшилиқнинг қадрига етмайдиганлар доимо бир баҳона топадилар.

Аммо, Аллоҳ таоло:

**«...билган қавмларга баён қилишинг учун оятларни тасарруф қилурмиз»,** дейди.

Ислом ва иймон йўлида билган қавмлар — илми инсонлар юрадилар. Оятларнинг маъносини ўшалар англайдилар. Улар кўрувчилар ва билувчилар, қолганлар эса, кўрлар ва жоҳиллардир. Шу билан, сараги-саракка, пучаги-пучакка ажралди.

Шундай бўлгандан кейин:

أَتَّبِعْ مَا أَوْحَىٰ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ ۖ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ ۖ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٠٦﴾

**106. Сенга Роббингдан ваҳий қилинган нарсага эргаш. Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ. Мушриклардан юз ўгир.**

Сен кофир ва мушрикларнинг қилаётган амалларига, айтаётган гапларига эътибор берма! Сенинг қиладиган ишинг:

**«Сенга Роббингдан ваҳий қилинган нарсага эргаш».**

Сенинг икки дунёдаги бахту саодатинг шунда. Бундан бошқага эргашинг залолат ва бахтсизликдир:

**«Ундан бошқа ибодатга сазовор Зот йўқ».**

Сен у туширган ваҳийдан бошқасига эргашмасанг, ибодатга сазовор Зотга ибодат қилган бўласан. Сен Аллоҳнинг фармонини ба-жаргин-да:

**«Мушриклардан юз ўгир».**

Аллоҳнинг иродаси шундай. Инсонни ҳидоят ва залолат йўлини танлаш истеъдодига эга қилиб яратган. Унга ўз йўлини танлаш ихтиёрини берган. Айни шу ихтиёри боис инсон мукофот ёки жазо олади.

وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكُوا وَمَا جَعَلْنَاكَ عَلَيْهِمْ حَفِيظًا وَمَا أَنْتَ عَلَيْهِمْ بِوَكِيلٍ ﴿٧٧﴾

**107. Агар Аллоҳ хоҳласа, ширк келтирмас эдилар. Биз сени уларга қўриқчи қилганимиз йўқ. Ва сен уларга вакил ҳам эмассан.**

Ҳа, агар Аллоҳ хоҳласа, уларнинг ҳаммасини фаришталарга ўхшатиб, фақат тоатдан бошқа амал билан шуғуланмайдиган кимсалардан қилиб қўяр эди. Шунда, улар ширк келтирмас эдилар. Аммо, бунда улар учун ҳаётнинг маънисини бўлмасди. Ҳеч қандай шахсий истаги, хоҳиши, иродаси йўқ кимсани, мустақил фикри йўқ кимсани тасаввур қилиб кўринг-а! Шу боисдан, Аллоҳ инсонга ихтиёр эркинлиги ва тафаккур бериб, йўл кўрсатиб қўйди. Агар инсон Аллоҳ берган ақлни тўғри ишлатиб, мустақим йўлга юрса, мукофот олади. Агар у, Аллоҳ берган ақлни тўғри ишлатмай, нотўғри йўлдан юрса, жазо олади.

**«Биз сени уларга қўриқчи қилганимиз йўқ».**

Сен ҳаммани қўриб, тўғри йўлга юришга мажбур этишга масъул қилинмагансан.

**«Ва сен уларга вакил ҳам эмассан».**

Яъни, уларни муҳофаза қилувчи, қузатувчи, тадбиркор ҳам эмассан.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган бу хитоб ўзини Ислом даъвати йўлига бағишлаган ҳар бир даъватчига ҳам тегишлидир. Аммо, динга юришни хоҳламаганлар билан бўладиган муомала ўзига яраша одоб доирасида бўлмоғи даркор:

وَلَا تَسُبُّوا الَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ فَيَسُبُّوا اللَّهَ عَدْوًا بِغَيْرِ عِلْمٍ كَذَلِكَ زَيَّنَّا لِكُلِّ أُمَّةٍ عَمَلَهُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّهِمْ مَرْجِعُهُمْ فَيُنَبِّئُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٧٨﴾

**108. Уларнинг Аллоҳдан ўзга ибодат қиладиганларини сўкмангиз. Бас, билмасдан зулм ила Аллоҳни сўкиб юрмасинлар. Шундай қилиб, ҳар бир умматга амалини зийнатлаб қўйдик. Сўнгра эса, қайтиб борадиган жойлари Роббиларигадир. Бас, У, қилиб юрган ишларининг хабарини берур.**

Мушриклар Аллоҳни қўйиб, санам ва бутларга ибодат қиладилар. Ушбу ояти каримада мушрикларнинг ўша бутларини ҳақорат қилмаслик буюрилмоқда.

«Уларнинг Аллоҳдан ўзга ибодат қиладиганларини сўкмангиз». Уларнинг бутларини сўкишдан қайтаришнинг асосий сабаби оятнинг ўзидан англашиляпти:

**«Бас, билмасдан зулм ила Аллоҳни сўкиб юрмасинлар».**

Яъни, мусулмон киши мушрикнинг санамини сўкса, бундан ғазабланган мушрик ҳам жавобан Аллоҳ субҳонаху таолони таҳқирлашига сабаб бўлади. Бу, турган гап. Чунки:

**«Шундай қилиб, ҳар бир умматга амалини зийнатлаб қўйдик».**

Инсон табиати шундай. Қилаётган амали ўзига гўзал ва зийнатли кўринаверади. Ҳатто бутун инсоният қабоҳат деб иттифоқ қилган ишни мақташга сўз топади. Шунингдек, мушрикларга ҳам ўз ширклари жуда ҳам зийнатли бўлиб туюлади. Ана шу эътибордан, уларнинг бутлари ҳақоратланган чоғда ғазабланишлари мумкин. Мусулмон одам одобли бўлгани учун ҳам бу ишни қилмаслиги керак. Аллоҳга ҳавола қилиб қўяверса, у ёғини Аллоҳнинг Ўзи билади.

**«Сўнгра эса, қайтиб борадиган жойлари Роббиларигадир. Бас, У, қилиб юрган ишларининг хабарини берур».**

Шундай экан, мусулмоннинг кўнгли тўқ бўлсин. Аммо мушриклар ҳар доим янги гап, янги таклифлар топиб турадилар.

وَأَقْسَمُوا بِاللَّهِ جَهْدَ أَيْمَانِهِمْ لَئِن جَاءَتْهُمْ آيَةٌ لِّيُؤْمِنُوا بِهَا قُلْ إِنَّمَا الْآيَاتُ عِنْدَ اللَّهِ وَمَا يُشْعِرُكُمْ أَنَّهَا إِذَا جَاءَتْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠٩﴾

**109. Улар агар бирон оят – мўъжиза келса, албатта, иймон келтиришлари ҳақида Аллоҳнинг номи билан жон-жаҳдлари ила қасам ичарлар. «Албатта, оятлар фақат Аллоҳнинг ҳузурида», – деб айт. Сизга нима билдирди? Эҳтимол, оят келса ҳам, улар иймон келтирмаслар.**

Ушбу суранинг аввалги оятларида ҳам такрорланганидек, мушриклар оят-мўъжизаларни иймон келтириш учун эмас, иймондан қочиш учун сўрайдилар. Ўшандай мўъжиза келса, яна бошқа бир баҳонани рўқач қиладилар. Улар анчайин эмас, балки қаттиқ оёқ тираб, Аллоҳни ўртага қўйиб, жон-жаҳдлари ила қасам ичиб, агар бирон оят – мўъжиза келса, иймон келтирар эдик, деганлар.

**«Улар агар бирон оят – мўъжиза келса, албатта иймон келтиришлари ҳақида Аллоҳнинг номи билан жон-жаҳдлари ила қасам ичарлар».**

Бу қасамхўрларга нима деб жавоб қайтаришни Пайғамбар солаллоху алайҳи васалламга Аллоҳнинг Ўзи ўргатмоқда:



**«Албатта, оятлар фақат Аллоҳнинг ҳузурида», – деб айт».**

Фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина оят-мўъжизаларни нозил қилиши мумкин. Пайғамбар бу ишнинг урдасидан чиқмайди. Мўминларнинг орасида ҳам, кофирларнинг шундай қилганига бир оят-мўъжиза тушиб қолса қанийди, дейдиганлари бўлган. Аллоҳ уларга:

**«Сизга нима билдирди? Эҳтимол, оят келса ҳам, улар иймон келтирмаслар», – демоқда.**

У чоғда эса, ҳаммалари ҳалокатга учрашлари керак. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари сўнгги уммат бўлгани учун уларни ҳалокатга учратмаслик ваъдасини Аллоҳнинг Ўзи берган.

Яна сизларга нима билдирдики, эҳтимол:

وَنَقَلْبُ أَفْعَدْتَهُمْ وَأَبْصَرَهُمْ كَمَا لَمْ يُؤْمِنُوا بِهِ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَنَذَرَهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١١٠﴾

**110. Худди аввал иймон келтирмаганларидек, қалблари ва кўзларини буриб қўярмиз ва тугёнларида довдираган ҳолларида тек қўярмиз.**

Эҳтимол, Аллоҳнинг иродаси шуни тақозо этар? Ким билади?

Ҳамма нарсани Аллоҳ таолонинг Ўзи тўқис билгувчи. Жамики ҳодиса Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқ. Аллоҳ таоло мушрикларнинг саркашликларини яхши билганидан уларга оят-мўъжиза туширишни ирода қилмаган. Уларнинг тугёни ёки кўфри ва қалбларидаги яшин ва ошқора нарсаларни Аллоҳ жуда яхши билади.

﴿ وَلَوْ أَنَّا نَزَّلْنَا إِلَيْهِمُ الْمَلَكَةَ وَكَلَّمَهُمُ الْمَوْتَى وَحَشَرْنَا عَلَيْهِمْ كُلَّ شَيْءٍ قُبُلًا مَا كَانُوا لِيُؤْمِنُوا إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ يَجْهَلُونَ ﴾

**111. Агар Биз уларга фаришталарни туширсак ҳам, уларга ўликлар гапирса ҳам ва уларнинг олдига ҳамма нарсани очиқ-ойдин тўпласак ҳам, Аллоҳ хоҳдамаса, иймон келтирмаслар. Лекин кўплари жоҳилдирлар.**

Шу маънодаги оятлар ушбу суранинг аввалида ҳам келган эди. Гапнинг хулосаси – ҳамма нарса Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқ. Парвардигор инсонларнинг ҳидоят топиши ёки залолатга кетиши оят-мўъжизалар қудратига эмас, Ўзининг инон-ихтиёрига боғлиқ бўлишини хоҳлаган. Дунёдаги ҳеч бир иш Унинг хоҳишидан ташқарида бўлмайди. Аллоҳ таоло турли оят – мўъжизани, кишини лол қолди-

рувчи нарсаларни жилва қилдириб, одамларни танг қолдириб, кейин иймонга келишларини хоҳламаган.

**«Агар Биз уларга фаришталарни туширсак ҳам, уларга ўликлар гапирса ҳам ва уларнинг олдига ҳамма нарсани очиқ-ойдин тўпласак ҳам, Аллоҳ хоҳламаса, иймон келтирмаслар».**

Аллоҳ таоло иймон йўлини инкишоф этиб, кишилар ўша йўлда ақлларини ишлатиб, ўз ихтиёрлари асосида иймонга келишларини хоҳлайди. Иймонга келганларга мукофот беради, келмаганларга — жазо.

**«Лекин кўплари жоҳилдирлар».**

Уларнинг жоҳиллигининг, иймонга келишлари учун ғайриоддий оят-мўъжизалар кўрсатилишини шарт қилиб қўйишларининг бошқа сабаблари ҳам бор:

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِيٍّ عَدُوًّا شَيَاطِينَ الْإِنْسِ وَالْجِنِّ يُوحِي بَعْضُهُمْ إِلَىٰ بَعْضٍ  
 زُخْرَفَ الْقَوْلِ غُرُورًا وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ مَا فَعَلُوهُ فَذَرْهُمْ وَمَا يَفْتَرُونَ ﴿١١٦﴾

**112. Шунингдек, ҳар бир Пайғамбарга инсу жин шайтонларини душман қилиб қўйдик. Уларнинг баъзилари баъзиларини ғурурга кетказишлари учун жимжимадор каломларни танларлар. Агар Роббинг хоҳласа, бундай қилмас эдилар. Бас, уларни ўзлари тўқиган нарсалари ила ёлғиз қўй!**

Аллоҳ таоло Ўз хоҳиши билан ҳар бир Пайғамбарга инсий ва жинний шайтонларни душман қилиб қўйган экан.

**«Шунингдек, ҳар бир Пайғамбарга инсу жин шайтонларини душман қилиб қўйдик».**

Бундай душманлардан ҳеч бир Пайғамбар холи бўлмас экан. Жинлардан бузғунчи, ифвогар ва ёмонликка юргани шайтон бўлади. Худди шунингдек, одамлардан бузғунчи, ифвогар ва ёмонликка мойили шайтон бўлади. Ҳайвонларнинг ёмони ҳам шайтон бўлади. Буларнинг ичида энг ёмони — одам шайтондир. Ҳайвон шайтоннинг иймон ва Ислом масаласига деярли даҳли йўқ. Жин шайтонлар ояти қарималарда, шунингдек, ҳадиси шарифларда гувоҳ бўлганимиздек, оловдан яратилган бўлиб, кўпгина одамда йўқ хусусиятларга эгадирлар. Улар, яъни, жин шайтонлар одамларни ифво қилиб, васвасага солиб, залолатга чақириб турадилар. Аммо, Аллоҳнинг зикри бор жойдан қочадилар. Аллоҳни эслаб турадиган мўмин-мусулмон кишига улар ўз таъсирларини ўтказа олмайдилар. Аммо, одамдан бўлган шайтонлар эса, ҳамма-ҳаммасидан бадтаринидир. Улар доимо орамизда, кўзла-

римиз ўнгида туради. Аллоҳнинг зикрини қилсанг ҳам, қочмайди. Турли йўллар билан васваса қилиб, гуноҳ ишларга бошлайди. Инсу жин шайтонлари доимо ифво ва тугён билан машғулдирлар.

**«Уларнинг баъзилари баъзиларини ғурурга кетказишлари учун жимжимадор каломларни танларлар».**

Уларнинг бу ялтироқ гапларини эшитганлар ғурурга кетадилар, алданадилар, иймон йўлини тарк этиб, куфр йўлига кирадилар. Аллоҳ ва Пайғамбарининг айтганини қилмасдан, уларнинг душмани бўлмиш инсу жин шайтонларининг айтганини қиладилар. Аммо, буларнинг ҳаммаси, барибир, Аллоҳнинг хоҳишидан ташқарига чиқиб кета олмайди:

**«Агар Роббинг хоҳласа, уни қилмас эдилар».**

Бу ишларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан, йўқ ердан, бекорга ёки одамлар хоҳлагани учун бўлаётгани йўқ. Ҳаммаси Аллоҳнинг иродаси. Шундай бўлгач, мусулмон одам бу ишларни чуқурроқ мулоҳаза қилиб, ўзига керакли хулосани чиқариб олиши зарур. Эҳтимол, инсу жиндан бўлган шайтонларни бу ҳолда тек қўйиб қўйиш одамларни синаш учундир? Эҳтимол:

وَلَنَصْنَعَنَّ إِلَيْهِ أَفْعَادَةً الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ وَلَيَرْضَوهُ وَلَيَقْتَرِفُوا مَا هُمْ

مُقْتَرِفُونَ

**113. Унга (гапнинг гўзалига) охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалби мойил бўлиши, ундан рози бўлиб, қиладиган гуноҳларини бажаришлари учундир.**

Охиратга иймон келтирмаслик фалокатларнинг боши эканлиги ушбу оятдан ҳам англашилмоқда.

**«Унга (гапнинг гўзалига) охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалби мойил бўлиши...»**

Инсу жин шайтонларининг гўзал гапига учиб, қалблари мойил бўладиганлар ҳам ўша охиратга иймон келтирмайдиганлар экан. Улар нафақат ўша ялтироқ гапларни тинглайдилар ва унга мойил бўладилар, балки

**«ундан рози бўлиб, қиладиган гуноҳларини бажаришлари учундир».**

Яъни, улар ундан рози ҳам бўладилар ва у гапларга учиб, гуноҳга ботадилар.

Юқоридаги оятларда ҳидоят ва залолат, Аллоҳга дўст, Пайғамбарга уммат ёки душман бўлиш ҳамда ақийдага тегишли масалалар

баён қилинди, энди суранинг бош мавзуи – ҳар бир нарсада ҳокимият Аллоҳнинг Ўзига хос эканлигининг таъкиди бошланади:

أَفَغَيْرَ اللَّهِ ابْتَغَىٰ حَكْمًا وَهُوَ الَّذِي أَنْزَلَ إِلَيْكُمُ الْكِتَابَ مُفَصَّلًا وَالَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ  
الْكِتَابَ يَعْلَمُونَ أَنَّهُ مُنَزَّلٌ مِّن رَّبِّكَ بِالْحَقِّ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُمْتَرِينَ ﴿١١٤﴾

**114. Аллоҳдан ўзгани ҳакам қилиб олайми? Ҳолбуки, У сизга китобни батафсил этиб нозил қилди. Биз уларга китоб берганлар унинг Роббингдан ҳақ ила нозил қилинганини билурлар. Бас, шак келтирувчилардан бўлма.**

Кофирлар ўз ишларида Аллоҳдан бошқа кучларни ҳакам қилиб олганларидек, мусулмонларнинг ҳам Аллоҳдан ўзгани ҳакам қилиб олишларини хоҳлайдилар. Бу ҳолат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам пайтларида ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Ушбу оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларидан ўшаларга раддия янграмоқда:

**«Аллоҳдан ўзгани ҳакам қилиб олайми?»**

Нима учун Аллоҳдан ўзгани ҳакам қилиб олиш керак экан? Бу ишда қандай мантиқ бор? Ким ўша ҳакам ўзи? Бутми, санамми? Тузумми, фирқами? Бирор ҳайвонми ёки ўзимизга ўхшаган одамми? Унинг нимаси ҳакамликка сазовор бўлибди?

**«Ҳолбуки, У сизга китобни батафсил этиб нозил қилди».**

Ушбу китобда ҳамма нарса батафсил баён қилинган. Одамлар ўртасида ҳакамлик қилиш ушбу китобда ёритилган. Бу ҳақиқатни бошқа тоифадагилар ҳам биладилар. Хусусан:

**«Биз уларга китоб берганлар унинг Роббингдан ҳақ ила нозил қилинганини билурлар».**

Аҳли китоблардан Исломга кирганлари буни тасдиқлаб турибдилар. Аммо, улардан кўплари билиб туриб, билмаганга оладилар. Бу ҳақиқатни бошқаларки билар экан:

**« Бас, шак келтирувчилардан бўлма».**

Албатта, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон шак келтирмаганлар. Аммо кофирларнинг макру ҳийласи, душманликлари фоятда кучли бўлганидан яна бир бор таъкид учун, собит туриш зарурлигини билдириш учун айтилмоқда. Аслида эса, одамлар орасида ҳакам бўлгувчи Аллоҳнинг сўзи батамом бўлган:

وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ صِدْقًا وَعَدْلًا لَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَتِهِ ۗ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿١١٥﴾

**115. Роббингнинг сўзлари содиқлик ва адолат ила батамом бўлди. Унинг сўзларини ўзгартувчи йўқ. Ва У яхши эшитгувчи ва яхши билгувчи Зотдир.**

Аллоҳ таолонинг сўзлари содиқлик – ростлик – тўғрилиқ ила ай-тиб бўлинган, унга қўшимча қилишнинг ҳожати йўқ. Амал қилиш керак, холос.

**«Роббингнинг сўзлари содиқлик ва адолат ила батамом бўлди».**

Аллоҳ таолонинг шариатга киритган амрлари, одамлар орасидаги ҳукм ҳақидаги сўзлари ҳам батамом – тугал бўлган. Унга ҳам ҳеч қандай қўшимчанинг зарурати йўқ. Фақат амал қилиш керак, холос. Ана шундай тугал, содиқ сўзлар турганда ўзганинг сўзига йўл бўлсин. Ана шундай тугал ва адолатли ҳукмлар турганда бошқанинг ҳукмига йўл бўлсин.

**«Унинг сўзларини ўзгартувчи йўқ».**

Унинг содиқ, тугал ва тўғри сўзларини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Ўзгартиришга ҳожат ҳам йўқ. Хоҳ ақийда масаласида, хоҳ тасаввур, хоҳ мафкура, хоҳ асос, хоҳ ахлоқ, хоҳ ҳукм, хоҳ бошқа масалаларда бўлсин, ҳеч ким ҳеч қачон Аллоҳнинг сўзларини ўзгартира олмайди.

**«Ва У яхши эшитгувчи ва яхши билгувчи Зотдир».**

Ким қаерда бўлмасин, нима демасин, ҳамма-ҳаммасини Аллоҳ таоло эшитиб туради. Ким нима қилмасин, ҳамма-ҳаммасини Аллоҳ таоло яхши билиб туради. Шундай бўлгандан кейин, фақат Аллоҳнинг сўзига ва амрига итоат қилиш керак.

وَإِنْ تَطَّعَ أَكْثَرُ مَنْ فِي الْأَرْضِ يُضِلُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ ﴿١١٥﴾

**116. Ва агар ер юзидагиларнинг кўпларига итоат қилсанг, сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирурлар. Улар гумондан бошқага эргашмаслар. Улар тахмин қилурлар, холос.**

Кўпчиликнинг фикри ёки кўпчилик талаб қиляпти деб, ноҳақ ишларга ҳам юриб кетавериш керак эмаслигини ушбу оятдан билиб оламиз.

Гапнинг ёки ишнинг тўғри ёки нотўғрилиги уни айтаётган ёки қилаётганларнинг сонига қараб белгиланмайди. Балки, Аллоҳнинг ҳукмига қараб билинади. Ким Аллоҳнинг ҳукмидан бошқанинг иродасига бўйсунса, Аллоҳнинг йўлидан адашган бўлади.

**«Ва агар ер юзидагиларнинг кўпларига итоат қилсанг, сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирурлар».**

Чунки, Аллоҳнинг йўлига эргашмаганлари учун:

**«Улар гумондан бошқага эргашмаслар».**

Шундай қилсак, яхши бўлса керак. Буни ҳам бир қилиб кўрайлик-чи, нима бўлар экан? Фалончиларнинг услубини кўллаб кўрайлик ва ҳоказо. Шунга ўхшаш гумон, тахмин ва фараздан ўзга ҳеч нарсалари йўқ. Шу билан бирга, биз танлаган йўл энг тўғри йўл, деб ҳам қўйишади. Бир муддатдан сўнг бошқаси келиб, ўзидан аввалгисини оёқости қилади ва ўзи энг тўғри йўлни топиб олганини кўз-кўз қила бошлайди. Аммо, у ҳам тез фурсатда ўзига ўхшашнинг оёқлари остида тепкиланади.

**«Улар тахмин қилурлар, холос».**

Гумон ва тахмин эса, фақат залолатга бошлайди.

إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ مَنْ يَضِلُّ عَنْ سَبِيلِهِ ۗ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ ﴿١١٧﴾

**117. Албатта, Роббинг ким Унинг йўлидан адашишини яхши билгувчидир. Ва У ҳидоят топувчиларни ҳам яхши билгувчидир.**

Дунёдаги ҳамма ишлар, аввал айтилганидек, Аллоҳнинг илмидан ташқарида бўлмайди. Чунки, ҳамма ўзининг тахмини, гумони ила юравермайди. Ҳамманинг ишини тарозуга солиб турувчи, ҳақ баҳосини берувчи қудратли бир сарҳисобчи бўлиши керак. Мисол учун, ҳалол-ҳаром — хусусан, ҳайвонларнинг гўшти қай ҳолда ҳалол бўладию қай ҳолда ҳаром бўлади — аниқ бўлиши шарт.

فَكُلُوا مِمَّا ذَكَرَ اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ إِنْ كُنْتُمْ بِآيَاتِهِ مُؤْمِنِينَ ﴿١١٨﴾

**118. Агар Унинг оятларига иймон келтиргувчилардан бўлсангиз, Аллоҳнинг исми зикр қилинган нарсадан енг!**

Яъни, ҳақиқий мўмин бўлсангиз, Аллоҳнинг номи билан сўйилган ҳайвонларнинг гўшtidан озуқланинг. Киши ҳаётида озиқ-овқат муҳим ўрин тутганидан, хусусан, тановул қилинадиган таомнинг ҳалол бўлиши муҳимлигидан иймонни ўртага қўйиб, Аллоҳнинг номи зикр қилиниб сўйилган ҳайвоннинг гўштини ейишга амр қилинмоқда.

**«Агар Унинг оятларига иймон келтиргувчилардан бўлсангиз, Аллоҳнинг исми зикр қилинган нарсадан енг!»**

Бу дегани — бошқасини еманг деганидир. Воқеъликда баъзи одамлар эътиборсизлик ёки арзимас баҳоналар билан ҳалол ҳайвонларни сўйишда Аллоҳнинг номини зикр қилишни йўлга қўймасалар,



бошқалари ундан ҳам арзимаган баҳоналарни рўкач қилиб, ўша гўштларни ейишни ўзига, фарзандларига раво кўрадилар. Аслида эса, уларнинг бандалик бурчлари — ҳалол-пок, Аллоҳнинг номини зикр қилиб сўйилган ҳайвонларнинг гўштини емоқлари керак эди.

وَمَا لَكُمْ أَلَّا تَأْكُلُوا مِمَّا ذُكِرَ اسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ وَقَدْ فَصَّلَ لَكُمْ مَا حَرَّمَ عَلَيْكُمْ إِلَّا مَا اضْطُرَّرْتُمْ إِلَيْهِ وَإِنَّ كَثِيرًا لِّيُضِلُّونَ بِأَهْوَاءِهِمْ بِغَيْرِ عِلْمٍ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِالْمُعْتَدِينَ ﴿١١٩﴾

**119. Сизга нима бўлдики, Аллоҳнинг номи айтиб сўйилган нарсани емас экансизлар?! У сизларга ҳаром қилган нарсаларини батафсил баён қилиб берган-ку?! Магар музтар бўлганингизда, майли. Албатта, кўпчилик билмасдан, ҳойу ҳаваслари ила адаштирурлар. Албатта, Роббинг тажовузкорларни яхши билгувчидир.**

Агар мўмин-мусулмон бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳукмига таслим бўлиб, иймон келтирган бўлсангиз, Аллоҳ сизга Ўзининг номи айтиб сўйилган ҳайвонларнинг гўшtidан емоқни буюрган экан.

**«Сизга нима бўлдики, Аллоҳнинг номи айтиб сўйилган нарсани емас экансизлар?!»**

Унда мусулмонлигингиз қолдимиз?

**«У сизларга ҳаром қилган нарсаларини батафсил баён қилиб берган-ку?!»**

Ўша батафсил баён қилинган ҳаром нарсалар ичида ҳамма нарса айtilган-ку. Жумладан:

**«Магар музтар бўлганингизда, майли»,** ҳам дейилган-ку.

Яъни, ноилож ҳолга тушиб, емасангиз ҳалокатингиз муқаррар бўлиб қолганда, ҳаддан ошмай, ҳаром нарсани есангиз ҳам, майли, дейилган-ку. Ҳамма нарса аён бўлиб туриб, нимага яна ортиқча гап қиласиз?

**«Албатта, кўпчилик билмасдан, ҳойу ҳаваслари ила адаштирурлар».**

Жумладан, ҳалол-ҳаром масаласида. Аллоҳнинг номи зикр қилинмай сўйилган ҳайвонларнинг гўштини истеъмол қилиш масаласида ҳам хоҳ билмасдан, хоҳ билиб туриб, аммо, аслида ҳавои нафсининг гапига кириб, одамларни адаштирадилар. Одамларга нотўғри фатво берадилар.

**«Албатта, Роббинг тажовузкорларни яхши билгувчидир».**

У Ўзининг ҳукмига тажовуз қилиб, ҳаром нарсаларни, Аллоҳнинг номи айtilмай сўйилган ҳайвонлар гўштини еганларни жуда яхши билади ва уларга тегишли жазони беради. Шунингдек, илм-

сиз, ҳавои нафсининг кўйига кириб, бу масалада ва бошқа масалаларда одамларни адаштирганларни ҳам яхши билади ва уларга ҳам тегишли жазосини беради.

وَذُرُوا ظَهْرَ الْأَيْمَنِ وَبَاطِنَهُ إِنَّ الَّذِينَ يَكْسِبُونَ الْأَيْمَ سَيَجْزَوْنَ بِمَا كَانُوا يَاقْتَرُونَ ﴿١٢٠﴾

**120. Ва ошкора ҳамда махфий гуноҳларни тарк қилинглар! Гуноҳ қилувчилар, албатта, қилган гуноҳларининг жазосини олурлар.**

Яъни, барча гуноҳларни тарк қилинглар. Ошкорасини ҳам, махфийсини ҳам. Жумладан, одамларни илмсизлик ва ҳавои нафс амри билан адаштиришни ҳам тарк этинглар.

**«Ва ошкора ҳамда махфий гуноҳларни тарк қилинглар!»**

Чунки, гуноҳ қилувчилар ҳеч қачон жазосиз қолмайдилар.

**«Гуноҳ қилувчилар, албатта, қилган гуноҳларининг жазосини олурлар».**

Улар, албатта, қилган гуноҳларининг жазосини олурлар.

وَلَا تَأْكُلُوا مِمَّا لَمْ يَذْكَرْ أَسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ وَإِنَّهُ لَفِسْقٌ وَإِنَّ الشَّيْطَانَ لِيُوحِيَ إِلَيْكُ  
أُولِيَّآئِهِمْ لِيُجَدِّدَ لَكُمْ وَإِنْ أَطَعْتُمُوهُمْ إِنَّكُمْ لَمُشْرِكُونَ ﴿١٢١﴾

**121. Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган нарсаларни еманглар. Албатта, бу иш фиксқдир. Албатта, шайтонлар ўз дўстларига сизлар билан тортишишни васваса қилурлар. Агар уларга итоат қилсангиз, сизлар ҳам мушриклардан бўлурсизлар.**

Уламоларимиз ушбу оятнинг тафсирида, агар мусулмон киши ҳайвонни сўяётиб, Аллоҳнинг исмини зикр қилишни унутиб қўйса, сўйган гўшти ҳалол, деганлар. Аммо, билиб туриб, қасддан зикр қилмаса, ундай гўшт ҳаром бўлади.

**«Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган нарсаларни еманглар».**

Шунингдек, аввал ўтган оятларнинг ҳукмига биноан, аҳди китобларнинг сўйиши ҳам ҳалолдир. Бошқаларини эса, ейиш мутлақо мумкин эмас.

**«Албатта, бу иш фиксқдир».**

Яъни, Аллоҳнинг номи зикр қилинмай сўйилган ҳайвоннинг гўштини ейиш фиксқ, яъни, дин амридан чиқишдир.

**«Албатта, шайтонлар ўз дўстларига сизлар билан тортишишни васваса қилурлар».**

Шайтоннинг дўстлари бўлмиш кофир ва мушриклар имконлари борича сизлар билан тортишадилар. Турли масалаларда, жумладан, Аллоҳнинг номи зикр этилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти ҳақида ҳам тортишадилар. Сизлар уларнинг гапларига, тортишувларига ҳеч эътибор бермасликларинг керак.

**«Агар уларга итоат қилсангиз, сизлар ҳам мушриклардан бўлур-сизлар».**

Аллоҳнинг гапини уқмай, ўзганинг гапига юрган одам мушрик бўлмай, ким мушрик бўлсин?! Аллоҳнинг амрини тутмай, бошқанинг амрини тутган киши мушрик бўлмай, ким мушрик бўлсин?! Ҳатто, ҳайвонларни сўйишда Аллоҳдан бошқанинг амрини тутиш ҳам ширк ҳисобланади. Кофир бўлиш эса, умуман бошқа кулфат. Мусулмон билан кофирнинг орасидаги фарқ жуда ҳам улкан:

أَوْ مَنْ كَانَ مِيّتًا فَأَحْيَيْنَاهُ وَجَعَلْنَا لَهُ نُورًا يَمْشِي بِهِ فِي النَّاسِ كَمَنْ مَثَلُهُ فِي الظُّلُمَاتِ لَيْسَ بِخَارِجٍ مِّنْهَا كَذَلِكَ زُيِّنَ لِلْكَافِرِينَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٢٢﴾

**122. Аввал ўлик бўлган одамни тирилтириб, унга одамлар орасида юрадиган нурни бериб қўйган бўлсак, у билан зулматлар ичида ундан чиқа олмай юрувчи одам ўхшаш бўлурми? Шундай қилиб, кофирларга қилаётган амаллари зийнатлаб кўрсатилди.**

Бу ояти каримада кофир одам ўлик ҳисобида эканлиги таъкидланмоқда. Аллоҳ таоло кимни иймонга ҳидоят этса, ўша одамнинг мўмин бўлиши гўё ўликнинг қайта тирилишига тенглаштирилмоқда.

Тирик билан ўликнинг орасида қанчалик фарқ бўлса, мўмин билан кофирнинг фарқи ҳам шунчалиқдир.

Мўмин одамнинг иймони худди қўлида йўл кўрсатувчи нури — машғаласи бор одамга, кофир эса, худди зулматлар ичида қолиб, ундан чиқа олмай юрган одамга ўхшайди. Буларни бир-бирларига тенглаштириб бўладими?

**«Аввал ўлик бўлган одамни тирилтириб, унга одамлар орасида юрадиган нурни бериб қўйган бўлсак, у билан зулматлар ичида ундан чиқа олмай юрувчи одам ўхшаш бўладими?»**

Албатта, йўқ! Аммо, шундай бўлса ҳам, куфрни, ўлик бўлишни ва зулматларда юришни ихтиёр қилаётганлар бор. Нима учун тирилишни, ҳаётга қадам қўйишни, йўлини ёритувчи нурга эга бўлишни хоҳламайдилар? Бу саволга жавоб шу:

**«Шундай қилиб, кофирларга қилаётган ишлари зийнатлаб кўрсатилди».**

Ҳа, сир бу ёқда экан. Кофирлик, яъни, ўликлик ва қоронғу зулмат зийнатлаб кўрсатилар экан. Аввало, Аллоҳнинг хоҳиши ила одамларга ихтиёр берилиб, нур йўли ҳам, зулмат ҳам кўрсатиб қўйилиб, хоҳлаганини танлаб олиш ҳуқуқи берилади. Банда зулматни танласа, унга бу зулмат зийнатлаб кўрсатилади. Қолаверса, аввалги оятларда зикр қилинган инсу жинларнинг шайтонлари гўзал сўзлар билан куфрни, ўлимни ва зулматни зийнатлаб кўрсатади.

**«Шундай қилиб, кофирларга қилаётган ишлари зийнатлаб кўрсатилди».**

Оқибатда, уларнинг қалблари ҳаётдан, нурдан ва иймондан узилиб, ҳидоятни хоҳламайдиган, куфрни яхши кўрадиган бўлиб қолади. Бунинг устига:

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَا فِي كُلِّ قَرْيَةٍ أَكْبَرًا مَّجْرُمٍ مِّمَّهَا لِيَمَّا كُرُوا فِيهَا وَمَا يَمْكُرُونَ  
إِلَّا بِأَنْفُسِهِمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿١٢٣﴾

**123. Худди шунга ўхшаш, ҳар бир шаҳарда катта жиноятчиларни унда макр қилиш учун қўйдик. Улар, сезмаган ҳолда, фақат ўзларига ўзлари макр қилурлар, холос.**

Худди юқорида зикр қилинганидек, кишиларни иймон нуридан, Аллоҳнинг динидан тўсадиган нарсалардан бири:

**«...ҳар бир шаҳарда катта жиноятчиларни унда макр қилиш учун қўйиб қўйдик».**

Бу жиноятчилар катта мансабларни эгаллаб олиб, одамларни ўз йўлига солиш учун турли ҳийла-найранглар қиладилар. Бу жиноятчилар – катта жиноятчилар. Уларнинг жинояти Аллоҳ таолонинг ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз қилишдир. Улар ҳар ким Аллоҳ ҳукми остида эмас, ўзларининг ҳукми остида яшашини истайдилар. Ўзлари бир дастур тузадилар, сўнгра одамларни ўшанга амал қилишга мажбур этадилар. Аллоҳнинг дастури эса, бошқа томонда қолади. Бу катта жиноятчилар, одамлар Аллоҳнинг айтганини қўйиб, менинг айтганимда юрсин, дейдилар. Бу катта жиноятчилар, халқни боқяпман, дейдилар. Яъни, ўзларини ризқ берувчи деб, ҳис қиладилар. Улар ўзларининг бу ҳолда мустаҳкам туришлари учун турли макр-ҳийлаларни ишга соладилар. Жумладан, инсу жин шайтонларидан кенг фойдаланадилар ва бир-бирларига гўзал сўзлар айтиб, ўз қилмишларини зийнатлаб кўрсатадилар. Ҳидоят ва иймон йўлини турли макр-ҳийлалар билан тўсадилар. Жумладан, ўзларини динга мойил қилиб кўрсатиш макрини ҳам ишлатадилар. Динга ҳақиқий хизмат қилувчиларни эса, турли макр-

ҳийлалар билан йўқ қиладилар. Аллоҳнинг дини зоҳир бўлмаслиги учун ҳамма имкониятларни ишга соладилар. Улар, ўзларича, қилаётган макрларидан хурсанд бўладилар. Макр-ҳийла ила одамларни алдаб, мақсадимга эришдим деб, ғурурланиб юрадилар. Лекин аслида:

**«Улар, сезмаган ҳолда, фақат ўзларига ўзлари макр қилурлар, холос».**

Катта жиноятчиларнинг динга қарши қилган макр-ҳийлалари ўзларининг бошига етади. Чунки, улар динга қарши чиқиш билан Аллоҳга қарши чиқадиладар. Аллоҳни макр-ҳийла билан алдаб бўладими? Балки, ўша каттакон жиноятчи мўминларга қарши макр-ҳийла қиялман деб, ўзига-ўзи макр қилган бўлади. Ўзининг ҳалокатига замин яратган бўлади. Мўминларни эса Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳимоя қилади.

Кейинги оятда ўша каттакон жиноятчиларнинг баъзи аҳволлари баён қилинади:

وَإِذَا جَاءَتْهُمْ آيَةٌ قَالُوا لَوْلَا نُنُومُنَا حَتَّى نُنَوِّقَ مِثْلَ مَا أُوتِيَ رَسُولُ اللَّهِ اللَّهُ أَعْلَمُ حَيْثُ  
يَجْعَلُ رِسَالَتَهُ سَيُصِيبُ الَّذِينَ أَجْرَمُوا صَغَارٌ عِنْدَ اللَّهِ وَعَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا كَانُوا  
يَمْكُرُونَ ﴿١٢٤﴾

**124. Агар уларга оят келса, Аллоҳнинг Пайғамбарларига берилган нарсага ўхшаш нарса бизга ҳам берилмагунча зинҳор иймон келтирмасмиз, дерлар. Ўз Пайғамбарлигини қаерга қўйишни Аллоҳнинг Ўзи яхши биладир. Жиноят қилганларга қилган макрлари учун Аллоҳнинг ҳузурида, албатта, хорлик ва шиддатли азоб бордир.**

Яъни, ўша катта шаҳарлардаги каттакон жиноятчиларга Қуръон оятлари ўқиб берилса, уларни каттазанглик кибрлари туттади: «Нима учун мендан мартабаси паст бу одам Аллоҳнинг оятини менга етказди? Нима учун оят тўғридан-тўғри менинг ўзимга келмайди?» — деб ўйлайди. Бошқалар қатори оятни эшитганда бўйин эгиб, Аллоҳнинг ибодатини қилса, мансабидан, мартабасидан тушиб қоладиганга ўхшайди. Ҳамма қатори Аллоҳга баъдалиқ қилиш улар учун хорликка ўхшаб кетади. Шунинг учун, мутакаббирлик ила:

**«Аллоҳнинг Пайғамбарларига берилган нарсага ўхшаш нарса бизга ҳам берилмагунча зинҳор иймон келтирмасмиз, дерлар».**

Бунга ўхшаш гапни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга каттакон жиноятчиларнинг боболаридан бири ал-Валид ибн

ал-Муғийра айтган. У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Агар Пайғамбарлик ҳақ бўлса, сендан кўра мен унга муносиброқман, чунки, менинг сендан кўра ёшим ҳам катта, молу дунёим ҳам кўп», — деган.

Каттакон жинойтчиларнинг боболаридан яна бири Абу Жаҳл эса: «Аллоҳга қасамки, унга (Муҳаммадга) рози бўлмаймиз ва эргашмаймиз ҳам. Магар унга келганга ўхшаб, бизга ҳам ваҳий келса, майли», деган.

Кўриниб турибдики, каттакон жинойтчилар ҳамма нарса уларнинг хоҳиши билан бўлишини, ўзлари ҳамма соҳада устун бўлишларини истайдилар. Ҳатто, Аллоҳ берадиган Пайғамбарлик, диний илм ҳам ўзларининг истагига мувофиқ бўлишини талаб қиладилар. Лекин:

**«Ўз Пайғамбарлигини қаерга қўйишни Аллоҳнинг Ўзи яхши биладир».**

Аллоҳ бандалари ичидан бой-зодагон, мансабдор, мутакаббирларини эмас, балки, пок, ихлосли, омонатли, ростгўйларини танлаб олиб, Пайғамбар қилади. Пайғамбарга иймон келтириш ва у Роббидан келтирган амрларга бўйсунуш ҳамманинг вазифаси. Ҳеч ким бу илоҳий амрлардан бўйин товлаш ҳуқуқига эга эмас. Агар у шаҳар ва давлатларнинг энг каттакони бўлса ҳам. Кимки Пайғамбар келтирган амрларга бўйсунмаса, мансаби, давлати ва молу дунё, куч-қувватига ишониб мутакаббирлик қилса, турли макрлар қилишга ўтса:

**«Жинойт қилганларга қилган макрлари учун Аллоҳнинг ҳузурида, албатта, хорлик ва шиддатли азоб бордир».**

Иймон ва куфрнинг ҳамда ҳидоят ва залолатнинг сиртқи аҳволи юқорида зикр қилинган бўлса, келаси оятда ички ҳолати баён этилади:

فَمَنْ يُرِدِ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَهُ يَشْرَحْ صَدْرَهُ لِلْإِسْلَامِ وَمَنْ يُرِدْ أَنْ يُضِلَّهُ يَجْعَلْ صَدْرَهُ ضَيِّقًا حَرَجًا كَأَنَّمَا يَصَّعَّدُ فِي السَّمَاءِ كَذَلِكَ يَجْعَلُ اللَّهُ الرِّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ

125. Кимни Аллоҳ ҳидоят қилмоқчи бўлса, унинг кўксини Исламга очиб қўядир. Кимни залолатга кетказишни ирода қилса, унинг кўксини худди осмонга кўтарилаётгандек, тор ва танг қилиб қўядир. Шундай қилиб, Аллоҳ иймон келтирмайдиганларга азобни дучор қилур.



Аллоҳ таоло бандаларидан кимга ҳидоятни раво кўрса, ўша банданинг кўксини кенг қилиб қўяди. У банда иймон ва Исломни кенг қалб ила қабул қилади. Унинг учун ҳамма нарса кулиб боқаётгандек, ҳамма нарса осон ва қулайдек туюлади.

**«Кимни Аллоҳ ҳидоят қилмоқчи бўлса, унинг кўксини Исломга очиб қўядир».**

Аксинча, Аллоҳ таоло кимга залолат ва куфрни раво кўрса, унинг қалбини тор ва танг қилиб қўяди.

**«Кимни залолатга кетказишни ирода қилса, унинг кўксини худди осмонга кўтарилаётгандек, тор ва танг қилиб қўядир».**

Иймон ва Ислом ҳақида бирор гап эшитса, сиқилаверади. Бирор кишининг намоз ўқиганини кўрса ёки эшитса ҳам, унга худди дунё тор бўлиб қолгандек, бошқаларнинг динга юргани унинг зиддига бўлаётгандек туюлаверади. Дин қанчалик ривож топса, ҳалиги кофирнинг юраги шу қадар сиқилади ва ўзини нохуш ҳис этади. Кўнглининг тор ва танглигининг зўрайиши диннинг ривожига муносиб равишда бўлади: дин қанча ривожланса, унинг кўкси шунча сиқилади, динда қанчалик тушкунлик рўй берса, унинг кўкси шунчалик кенгаяди.

Бунда ҳам унинг ҳоли худди осмонга кўтарилаётган одам кўксининг сиқилишига ўхшайди. Қанчалик юқорироқ кўтарилса, шу қадар сиқилади, аксинча, қанчалик пастга тушса, шунчалик кенгаяди.

**«Шундай қилиб, Аллоҳ иймон келтирмайдиганларга азобни дучор қилур».**

Илм Қуръони Каримнинг ушбу ўхшатиши катта илмий мўъжизалигини тасдиқлади. Илм ривожланиб, одамлар фазога учадиган бўлганларида, инсон қанчалик баландга кўтарилса, юраги – кўкси шунчалик сиқилиши кашф этилди. Агар Қуръон ҳақиқий илоҳий китоб бўлмаганда, бундан ўн тўрт аср аввал бу илмий ҳақиқатни қандай қилиб кашф этар эди?

Уламоларнинг таъкидлашларича, инсон ер юзида юрган чоғида унинг жисмига муайян ҳаво босими таъсир қилиб туради. Агар инсон ер юзидан кўтарила бошласа, ушбу босим камая боради. Кўтарилиш денгиз сатҳидан ўн икки километрга етганда кўкси сиқилиб, нафас олиши қийинлашиб, гапира олмай қолади. Шунинг учун ҳам, фазогирлар махсус кийим кийиб оладилар.

وَهَذَا صِرَاطُ رَبِّكَ مُسْتَقِيمًا قَدْ فَصَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٢٦﴾

**126. Мана шу Роббингнинг тўғри йўлидир. Ибрат олувчи қавм учун оятларни батафсил баён қилдик.**

Юқорида зикр қилинган йўл – тўғри йўлдир. Бу йўл – Аллоҳнинг, Роббимизнинг йўли. Ислом йўли. Тинчлик-омонлик йўли. Аллоҳ таоло ибрат олувчи, эси-ҳуши жойида, ақлини ишлатадиган кишилар учун оятларини батафсил баён қилиб қўйган. Бундай кишилар саодатманд кишилардир.

﴿هُم دَارُ السَّلَامِ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَهُوَ وَلِيُّهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

**127. Уларга Роббилари ҳузурида дорус-Салом (тинчлик уйи) бордир. У зот қилган ишлари учун уларнинг дўстидир.**

Яъни, ибрат оладиган, мўмин-мусулмон бандаларга Аллоҳ таолонинг ҳузурида дорус-Салом – жаннат бордир. Бу дунёда қилган яхши ишлари учун Аллоҳ таоло уларга дўст бўлур. Зотан, жаннатга эришиш ва Аллоҳ таолога дўст бўлиш ҳар бир мўминнинг олий мақсадидир.

Мўминларнинг оқибати нима бўлиши баён этилгандан сўнг, кейинги оятларда кофирларнинг – инсу жин шайтонларининг ва уларга эргашганларнинг ҳоли баён қилинади:

﴿وَيَوْمَ يُحْشَرُهُمْ جَمِيعًا يَمَعَشَرَ الْجِنِّ قَدْ أَسْتَكْثَرْتُمْ مِنَ الْإِنْسِ وَقَالَ أَوْلِيَاؤُهُمْ مِنَ الْإِنْسِ رَبَّنَا اسْتَمَعَ بَعْضُنَا بَعْضًا وَبَلَّغْنَا أَجْلَنَا الَّذِي أَجَلْتَنَا قَالَ النَّارُ مَثْوَاكُمْ خَالِدِينَ فِيهَا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ﴾

**128. Уларнинг ҳаммасини тўплайдиган кунда: «Эй, жинлар жамоаси, инсдан (адаштирганларингизни) кўпайтирвордингиз?!» – дер. Уларнинг инсдан бўлган дўстлари: «Эй Роббимиз, биз бир-биримиздан ҳузур топдик ва бизга белгилаган ажалингга етиб келдик», – дерлар. У зот: «Қайтар жойингиз дўзахдир. Магар Аллоҳ хоҳласа (қолмайсиз)», – дер. Албатта, Роббинг ҳикматли ва билимли Зотдир.**

Ушбу ояти каримада таъриф этилаётган саҳна қиёмат куни саҳна насидир. У кун оятда:

«Уларнинг ҳаммасини тўплайдиган кун» деб таърифланяпти. Яъни, Аллоҳ инсу жинларнинг ҳаммасини жамлайдиган кун. Демак, қиёмат куни Аллоҳ таоло инсларни – одамларни жамлаганидек, жинларни ҳам жамлайди. Шунда, кофир жинларга Аллоҳ:

**«Эй, жинлар жамоаси, инсдан (адаштирганларингизни) кўпай-тирвордингиз?!» – дер».**

Бу гап жинларга қилган ишлари ҳақида хабар бериш эмас, балки қилган амалларини танқид қилиш, қоралаш учун айтилади. Чунки, ўзларининг васвасаси ва ифволарига учган одам болалари кўп эканини жинлар яхши биладилар. Аллоҳ таоло бу гапни жинларга айтган бўлса ҳам, жавобини ўша жинларга эргашган, уларга валийдўст бўлган одамлар беради:

**«Уларнинг инсдан бўлган дўстлари: «Эй Роббимиз, биз бир-биримиздан ҳузур топдик ва бизга белгилаган ажалингга етиб келдик», – дерлар».**

Демак, жинлар одамларни йўлдан уриб, ифво қилиб, ёмон йўлга юргизиб ҳузур-ҳаловат олган ва роҳатланганлар. Жинлар фитнасига учиб кофир ва гуноҳкор бўлган одамлар эса, уларнинг зийнатлаб кўрсатган, ҳавойи нафсни қондирувчи ишларини бажариб ҳузур қилганлар. Булар иродаси заиф, ғофил, ҳавойи нафсга берилган, шаҳватпараст одамлар бўлганлар. Шайтон уларнинг ушбу заиф жойларидан тутиб, ифвосига учирган ва ўзига малай қилиб олиб, ҳар кўйга солган, бу дунёда мақсадларига эришиш йўлида улардан фойдаланиб ҳузур қилган. Шайтонга малай бўлган инсонлар у зийнатлаб кўрсатган мафкураларни ўзиники қилиб, беш кунлик ҳаётларида ҳавойи нафсини қондириш йўлида ошкора ва махфий гуноҳларни ишлаб, ўзларича, ҳузур қиляпмиз деб юраверганлар. Улар ҳаётларини шундай қилиб ўтказганлар. Энди эса, ҳамма нарсани тушуниб етиб:

**«...бизга белгилаган ажалингга етиб келдик», –**деб турибдилар.

Етиб келишгани аниқ. Ана энди улардан ҳар бири, ҳам инси, ҳам жини ўз қилмишига яраша адолатли жазосини топади.

**«У зот: «Қайтар жойингиз дўзахдир. Магар Аллоҳ хоҳласа (қолмайсиз)», – дер».**

Бу ҳол оқибати сизга у дунёда ҳам айтилган эди. Аммо, қулоқ солмадингиз. Мана энди, ўша айтилган жазо муқаррар бўлди. Сизнинг маконингиз оловли дўзах бўлади. Фақат, иродаси чексиз Аллоҳ бошқа нарсани хоҳласагина, абадий бўлмаслиги мумкин.

**«Албатта, Роббинг ҳикматли ва билимли Зотдир».**

Унинг ҳар бир иши ҳикматдан ҳоли эмас. У ҳамма ишини билим ила қилади.

وَكَذَلِكَ نُؤَيِّدُ بَعْضَ الظَّالِمِينَ بَعْضًا بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿١٢٩﴾

**129. Шундай қилиб, қилган касбларига биноан золимларни бир-бирларига дўст қилурмиз.**

Яъни, юқорида зикр қилинган жинлар ва уларга эргашган инсларни дўст қилганимиздек, табиатига, мафкурасига, қизиқишига, мақсадига, ниятига қараб золимларни ҳам бир-бирларига дўст қилиб қўямиз. Ўша золимлар бирлашиб олиб, Исломга ва мусулмонларга қарши турли ифво ва фитналарни қўзийверадилар.

Зулмининг энг улуғи куфрдир. Ким Аллоҳга ишониб, иймон келтириб, мўмин бўлмаса, ҳамма ишда унга таслим бўлиб, мусулмон бўлмаса, ўша золимдир. Шундан келиб чиқиб, мўмин-мусулмонлардан ўзгалар дин-диёнат масаласидаги золимлардир. Ушбу ояти карима далолатига биноан, бу золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Улар Исломга қарши бир-бирлари билан дўстлашадилар. Улар ўзаро бошқа масалаларда бир-бирлари билан келиша олмасликлари, бир-бирларига душман бўлишлари мумкин. Аммо, Аллоҳнинг дини бўлмиш Исломга қарши бирлашадилар, дўст бўладилар. Қадимдан шундай бўлиб келмоқда. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги золимлар ҳам Исломга қарши бирлашиб дўст бўлган эдилар. Замон ўтиб янги золимлар пайдо бўлди, худосизлар, коммунистлар ва бошқалар куфр саҳнасига чиқди. Аммо, ҳаммалари Исломга қарши иттифоқ тузишни давом эттирмоқдалар.

Ўртада келган, танбеҳ каби бир оятдан кейин, яна аввалги оятдаги қиёмат саҳнасининг тавсифи давом этади. Ҳамма инсу жинлар жамланган кунда Аллоҳ таолонинг уларга қарата берадиган инкорий саволлари давом этади:

يَمَعَّشَرَ الْجِنَّ وَالْإِنْسِ أَلَمْ يَأْتِكُمْ رُسُلٌ مِّنكُمْ يَتْلُونَ عَلَيْكُمْ آيَاتِي وَيُنذِرُونَكُمْ لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَذَا قَالُوا شَهِدْنَا عَلَىٰ أَنفُسِنَا وَعَرَّثَهُمُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَشَهِدُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَنَّهُمْ كَانُوا كَافِرِينَ ﴿١٣٠﴾

**130. «Эй, жин ва инс жамоалари, сизларга ўзингиздан бўлган Пайғамбарлар келиб, оятларимни сизга айтиб бермадиларми, сизларни ушбу кунингизга дучор бўлишингиз ҳақида огоҳлантирмадиларми?» Улар: «Ўзимизга қарши гувоҳлик бердик», – дерлар. Уларни дунё ҳаёти нурурга кетказди ва ўзларига қарши, кофир бўлганларини айтиб, гувоҳлик бердилар.**

Ушбу оятда жин ва инс – одам жамоаларига Аллоҳ таоло томонидан берилаётган савол уларга ўзларидан бўлган Пайғамбарлар борган-бормаганини билиш учун эмас. Чунки, Аллоҳ таоло Пайғамбарларни юборганини жуда яхши билади. Аммо, савол жини инс-

ларга ўзларидан бўлган Пайғамбарлар келганига уларни иқрор қилдириш учун берилмоқда. Қиёмат кунида бутун махлуқот маҳшар майдонида тўпланганида кофир жинлар ва кофир инсларнинг иқрор бўлиб, айбларини бўйинларига олиб, ўзлари ўзларига қарши гувоҳлик беришлари учун шундай савол ташланмоқда.

Кофирларнинг ҳоли, оқибати – шу. Бу дунёда қанчалик керилмасинлар, қанчалик гердаймасинлар, нечоғли мақтаниб, динга, диёнатга, Исломга ва мусулмонларга қарши душманлик қилмасинлар, вақти-соати келиб ўзлари ўзларига қарши гувоҳлик берадилар. Қиёмат куни Аллоҳ таоло улардан:

**«Эй, жин ва инс жамоалари, сизларга ўзингиздан бўлган Пайғамбарлар келиб, оятларимни сизга айтиб бермадиларми, сизларни ушбу кунингизга дучор бўлишингиз ҳақида огоҳлантирмадиларми?»** – деб сўраганда:

**«Улар: «Ўзимизга қарши гувоҳлик бердик», – дерлар».**

Яъни, иқрормиз, бизга ўзимиздан чиққан Пайғамбарлар келиб, оятларингни айтиб бердилар ва ушбу қиёмат кунига дучор бўлишимиз ҳақида огоҳлантирганлар, дейдилар.

**«Уларни дунё ҳаёти ғурурга кетказди ва ўзларига қарши, кофир бўлганларини айтиб, гувоҳлик бердилар».**

Ушбу оятда жинлар жамоасига Пайғамбарлар келганига ишора қилувчи маъно бор. Аммо, бошқа ўринларда бу ҳақда аниқ оят ёки ҳадис йўқ. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам инсларга, ҳам жинларга Пайғамбар эканликлари Қуръонда ҳам, суннатда ҳам, воқелиқда ҳам собит ҳақиқат.

Демак, кофир жин ва инслар қиёмат кунида юқорида таърифланган ночор қолга тушадилар. Уларнинг бу кўйга тушишларига дунёдаги амалиётлари сабаб бўлган. Чунки, бу дунёда:

**«Уларни дунё ҳаёти ғурурга кетказди».**

Улар дунё ҳаёти матоҳларига алдандилар. Унинг кетидан юриб, кофир ва осий бўлдилар. Охир-оқибат:

**«...ўзларига қарши, кофир бўлганликларини айтиб, гувоҳлик бердилар».**

Бу эса, улар ўзларини ҳимоя қилишга ҳеч қандай баҳона топа олмай, ноилож қолишларининг ёрқин далилидир.

Аллоҳ таоло барчани ана шундай қилиб огоҳлантиради, Пайғамбар юборади ва бандаларнинг ўзларини иқрор қилдиради. Зеро, илоҳий қонун – шу.

ذَٰلِكَ أَن لَّمْ يَكُن رَّبُّكَ مُهْلِكَ الْقُرَىٰ بِظُلْمٍ وَأَهْلُهَا غَافِلُونَ ﴿١٧﴾

**131. Бундай қилишининг боиси, Роббинг ғофил турган шаҳар-қишлоқ аҳолисини ҳалок қилмаслигидандир.**

Яъни, даъват етиб бормаган, Пайғамбарларнинг динга чақиригидан ғофил қишлоқ ва шаҳар аҳолисини Аллоҳ ҳалок қилмайди. Фақат, аввал диний даъват етиб, кейин осий бўлганларни ҳалок қилади. Бу – зулм эмас. Агар аввал огоҳлантирмасдан, Пайғамбар юбормасдан туриб ҳалок қилса, зулм бўлиши мумкин эди.

وَلِكُلِّ دَرَجَةٍ مِّمَّا عَمِلُوا وَمَا رَبُّكَ بِغَافِلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ

**132. Ҳар кимга қилганларига яраша даража бордир. Ва Роббинг уларнинг қилаётган амалларидан ғофил эмасдир.**

Мўмин бўлсин, кофир бўлсин – ҳамманинг қилган амалига яраша мартабаси бор. Иймон келтириб, яхши амал қилганларга жаннатдаги олий даражалар, юксак мартабалар берилади. Кофир бўлиб, осийлик, гуноҳкорлик қилганларга эса, дўзахдаги паст даражалар, азоб-уқубатлар бор. Ҳар ким нима қилса, ўзи учун қилади. Аллоҳ таоло ҳеч қачон бандаларнинг иймони ва ибодатидан манфаатдор бўлмайди ёхуд куфр-исёнидан зарар кўрмайди. Балки:

وَرَبُّكَ الْغَنِيُّ ذُو الرَّحْمَةِ إِنْ يَشَاءُ يُدْهِبْكُمْ وَيَسْتَخْلِفْ مِنْ بَعْدِكُمْ مَا يَشَاءُ كَمَا أَنْشَأَكُمْ مِنْ ذُرِّيَّةٍ قَوْمٍ آخَرِينَ

**133. Ва Роббинг беҳожат ва раҳмат соҳиби бўлган Зотдир. Агар хоҳласа, худди сизларни бошқа қавмлар зурриётидан пайдо қилганидек, сизларни кетказиб, ортингиздан нимани хоҳласа, ўринбосар қилиб келтирур.**

Аллоҳ таолонинг бандаларга ҳеч қандай ҳожати йўқ. Уларнинг иймони ва ибодати, яхши амалларидан Аллоҳ таолода нима ҳожат бўлиши мумкин? Агар дунёдаги ҳамма инсонлар ер юзидаги энг тақводор кишининг қалбига эга бўлиб, шунга яраша амал қилсалар ҳам, Аллоҳ, хазинасига заррача нарса қўшилиб қолмайди. Шунингдек, дунёдаги ҳамма инсонлар дунёдаги энг фожир, энг осий инсоннинг қалбига эга бўлсалар, шунга яраша гуноҳлар қилсалар ҳам, Аллоҳнинг хазинасидан заррача нарса камайиб қолмайди.

Аллоҳ таоло раҳмат соҳиби бўлган Зот. Одамларнинг бу дунёда юришларининг ўзи ҳам Аллоҳнинг раҳматидан. У Ўз раҳматини Ўзи хоҳлаган бандаларига беради. Ҳозирги пайтда яшаб турган одам-



ларни аввал ўтган кишилар зурриётидан пайдо қилганлиги ҳам ҳаммага маълум. Яъни, Аллоҳ Ўзи хоҳлаб шундай қилган. Бандаларга ҳожатмандлигидан эмас. Шунингдек, ҳозирги авлод одамларига ҳам ҳеч қандай ҳожати йўқдир. Агар Аллоҳ хоҳласа, бу авлодни ҳам кўтариб, йўқ қилиб, ўрнига Ўзи хоҳлаган нарсани келтира олади. Демак, Аллоҳ бандаларга эмас, бандалар Аллоҳга ҳожатманддирлар. Улар ўзларининг дунёга келишларида Аллоҳга ҳожатманд бўлганлари каби, бу дунёда яшашларида ҳам, ҳар лаҳзада, ҳар нарсада ҳожатманддирлар. Аллоҳ эса, Ўз раҳмати ила уларнинг ҳожатларини раво қилади. Аллоҳнинг бандаларига нисбатан раҳматининг энг юқори чўққиси, уларга Пайғамбарлари орқали дин – шариат юбориши. Динга юрмаганлар ўша олий мақом неъматдан юз ўгирганлар бўладилар. Ўзларига ёмонлик қиладилар. Қиёматда ҳоллари ёмон бўлади.

إِنَّ مَا تُوَعَدُونَ لَأَتِيكُمْ وَمَا أَنْتُمْ بِمُعْجِزِينَ ﴿١٣٤﴾

**134. Албатта, сизга ваъда қилинган нарса келувчидир. Сизлар эса У зотни ожиз қолдирувчи эмассиз.**

Яъни, албатта, сизга ваъда қилинган қиёмат куни, ҳисоб-китоб, жазо ва мукофот келгусидир. Келмаслиги мумкин эмас. У пайтда сиз Аллоҳни ожиз қолдириб, қочиб қутула олмайсиз. Албатта, қилганингизга яраша жазоингизни оласиз.

قُلْ يَنْقُومِ أَعْمَلُوا عَلَىٰ مَكَاتِبِكُمْ إِنِّي عَامِلٌ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ مَنْ تَكُونُ لَهُ عَاقِبَةُ الدَّارِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الظَّالِمُونَ ﴿١٣٥﴾

**135. Сен: «Эй қавмим, ўрнингизда амалингизни қилаверинг. Мен ҳам амал қилувчиман. Тезда охират ҳовлиси оқибати кимнинг фойдасига бўлишини биласиз. Албатта, золимлар нажот топмаслар», – деб айт.**

Бу оятда Пайғамбаримизга амр қилиб, ушбу гапларни айтиш топширилмоқда:

**«Эй қавмим, ўрнингизда амалингизни қилаверинг».**

Яъни, куфрингизда давом этаверинг. Ўзингизча, биз тўғри йўлдамиз, деган фикрдасизлар.

**«Мен ҳам амал қилувчиман».**

Ўз навбатида, мен ҳам амалимда давом этавераман. Мен ҳам ўзимни тўғри йўлда деб биламан. Бу дунёда ҳар ким ўзининг гапини

тўғри деб даъво қилади. Аммо тезда ким ҳақ, ким ноҳақ эканини билдирадиган ажрим вақти келади. Ўшанда кўрамиз:

**«Тезда охират ҳовлиси оқибати кимнинг фойдасига бўлишини биласиз».**

Яъни, қиёмат қойим бўлганда, жаннат кимнинг фойдасига бўлишини биласиз. Лекин билиб қўйингки:

**«Албатта, золимлар нажот топмаслар».**

Кофирлик, динсизлик ва осийликдан ортиқроқ зулм йўқ. Демак, ҳар нарса аён.

Эндиги оятларда ўша золимлардан баъзиларининг қилмишларидан далил келтирилади:

وَجَعَلُوا لِلَّهِ مِمَّا ذَرَأَ مِنَ الْحَرْثِ وَالْأَنْعَامِ نَصِيبًا فَقَالُوا هَذَا لِلَّهِ بِرِزْقِهِمْ وَهَذَا لِشُرَكَائِنَا فَمَا كَانَ لِشُرَكَائِهِمْ فَلَا يَصِلُ إِلَى اللَّهِ وَمَا كَانَ لِلَّهِ فَهُوَ يَصِلُ إِلَى شُرَكَائِهِمْ سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿١٣٦﴾

**136. Улар Аллоҳга Унинг Ўзи яратган экинлар ва чорвалардан насиба ажратдилар ва ўзларича: «Бу Аллоҳга, бу эса бутларимизга», – дедилар. Бас, бутларига бўлган нарса Аллоҳга етмас. Аллоҳга бўлган нарса эса, бутларига етадир. Чиқарган ҳукмлари қандай ҳам ёмон-а?!**

Ушбу ояти каримада ва ундан кейин келадиган оятларда соф Ислому ақийдасига ва шариату кўрсатмаларига эга бўлмаган одамлар қанчалик адашишлари, залолатга кетишлари мумкинлиги яққол кўринади.

Араб мушриклари уларнинг тамсилчиси ҳисобланадилар. Уларнинг экинлардан, чорва ҳайвонларидан Аллоҳга насиба ажратиш одатлари бор эди.

**«Улар Аллоҳга Унинг Ўзи яратган экинлар ва чорвалардан насиба ажратдилар ва ўзларича: «Бу Аллоҳга, бу эса, бутларимизга», – дедилар».**

Шу билан бирга, бутларига ҳам ўша экинлардан ва чорва ҳайвонларидан насиба ажратар эдилар. Агар Аллоҳга ажратган нарсалари бутларига ажратган нарсаларига қўшилиб кетса, майли, деб қўяр эдилар. Аммо бутларига ажратган насибадан Аллоҳга ажратилганига қўшилиб кетса, Аллоҳ бунга муҳтож эмас деб, қайтариб олишарди.

Бу иш аслида мантиқсиз, қўполроқ қилиб айтадиган бўлсак, ахмоқона иш эди. Дунёдаги ҳамма нарсаларни, шу жумладан, экинлар

ва ҳайвонларни ҳам Аллоҳнинг Ўзи яратган, қандай қилиб улардан ўз холиқига насиба ажратилади?! «Бу Аллоҳга, бу эса, бутларимизга», дейишлари нимаси? Уларнинг бу амаллари нотўғри.

**«Бас, бутларига бўлган нарса Аллоҳга етмас. Аллоҳга бўлган нарса эса, бутларига етадир».**

Уларнинг ҳамма чиқарган насибалари бутларига етади. Яъни, Аллоҳга насиба деганлари ҳам, бутларимизга насиба деганлари ҳам, ҳаммаси бутларга етади. Ҳамма қилган сарфлари гуноҳга кетади.

**«Чиқарган ҳукмлари қандай ҳам ёмон-а?!»**

Бунга ўхшаш ишлар ҳар замонда, ҳар маконда, соф Ислом бўлмаган жамият ва даврларда бордир.

وَكَذَلِكَ زَيْنٌ لِكَثِيرٍ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ قَتَلَ أَوْلَادِهِمْ  
شُرَكَاءَهُمْ لِيَرُدُّوهُمْ وَلِيَلْبِسُوا عَلَيْهِمْ دِينَهُمْ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا فَعَلُوهُ  
فَذَرَّهُمْ وَمَا يَفْتَرُونَ ﴿١٣٧﴾

**137. Шунингдек, мушриклардан кўпларига шериклари уларни ҳалок этиш ва динларини чалкаштириш учун болаларини ўлдиришни зийнатлаб кўрсатди. Агар Аллоҳ хоҳласа, бундай қилмасдилар. Уларни ва тўқиётган нарсаларини қўйиб қўй.**

Бу эса, аввалгисидан ҳам кўра тубанроқ ишдир. Ушбу оятдаги «шериклар»дан мурод инс ва жинларнинг шайтонларидир. Қуръон нозил бўлиш даврида араб мушрикларида очликдан ҳадиксираб ёхуд асирга тушиб қолса, ор-номусдан уялиб қолмаслик учун қиз болаларни кичиклигидаёқ тириклай кўмиб юбориш одати бор эди.

**«Шунингдек, мушриклардан кўпларига шериклари уларни ҳалок этиш ва динларини чалкаштириш учун болаларини ўлдиришни зийнатлаб кўрсатди».**

Бу ишни уларга шериклари зийнатлаб кўрсатар эдилар. Яхши қилдинг, бу қиз катта бўлса, битта нонхўр кўпаяр эди, агар катта бўлганда асир тушиб қолса борми, душманлар уни зўрласалар, у қилсалар-бу қилсалар, сенга ор-номус келтирарди, деб қўрқитар эдилар.

Шунингдек, ўғил болаларни ҳам назр сифатида қурбонлик қилиш одатлари бор эди. Мисол учун, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг боболари Абдулмуттолиб, ўнта ўғил кўрсам, бирини қурбонлик қиламан, деб назр қилгани, ўнта ўғил кўргандан кейин қайси бирини қурбонлик қилишни билмай, унинг ўрнига бошқа бир нарсани қурбонлик қилиш мумкинми-йўқми деб, нажот изла-

гани жуда ҳам машҳур. Бунга ўхшаш ишлар жоҳилият ҳукм сурган ҳар бир замонда бор бўлган. Баъзи жойларда, сув тошқинидан ас-райди деб, «Турди», «Тўхтасин» каби исмиларни тўғонларга, тупроқ остига бостириб қурбонлик қилганлар. Ҳозирги замон жоҳилиятида ота-оналар дунё лаззатидан кўпроқ маза қилиш, бола боқиш қийинчиликларидан қочиш, сарф-харажатларни камайтириш мақсадида болаларни туғилмасдан аввал ўлдириш — ҳомилани олиб ташлаш ёки умуман, ҳомилага қарши воситаларни истеъмол қилишни йўлга қўймоқдалар. Оқибатда, катта-катта миллатлар кун сайин камайиб кетаётир. Ҳақиқий исломий таълимот йўқ ерда ана шундай бўлади! Инсу жинларнинг шайтонлари одамларга ҳаттоки болаларни ўлдиришни ҳам зийнатлаб кўрсатади. Мазкур «шериклар» бу ишни ўзига эргашганларни:

**«...ҳалок этиш ва динларини чалкаштириш учун»** қиладилар.

Ҳақиқатан ҳам, бу дунё лаззатини деб ёки ўзларича худодан бошқа бир раҳнамонинг розилигини оламан деб, болаларни ўлдириш ҳалокатга олиб келади. Бу жаллодлик динга ва Холиққа душманликдир. Яъни, Аллоҳнинг динини қўйиб, «шерик»ларнинг динига юришдир. «Шериклар» турли кўринишда бўлиши мумкин. Инсу жинларнинг шайтонларидан иборат бўлиши, якка шахслар, турли ташкилотлар, давлатлар, халқаро муассасалар ёки бошқача шаклларда ҳам бўлиши мумкин.

**«Агар Аллоҳ хоҳласа, бундай қилмасдилар. Уларни ва тўқиган нарсаларини қўйиб қўй».**

Демак, инсу жин шайтонларининг ва уларга эргашаётганларнинг ишлари улар кўзлаганча эмас. Ҳаммаси Аллоҳ таолонинг назорати остида. Агар Аллоҳ хоҳласа, бу куфр ва туғёнларга бормас эдилар. Аммо, Аллоҳ таоло бошқа бандаларга синов бўлсин деб, уларни тек қўйди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача дейилганидек, дин душманлари ҳам маълум муддатгача ўзларини ўзлари овора қиладилар. Оқибат Ислом ва мусулмонларники. Ҳозирча дин душманлари ва улар тўқиган нарсалар тек қўйиб турилади. Улар тўқиган нарсалар, деганда бандалар амал қилиши учун Аллоҳ туширган диний таълимотларга муқобил нарсалар тушунилади. Улар ўша ўзлари тўқиган нарсани одамларга зийнатлаб кўрсатадилар. Улар тўқиган нарсалар турлича номланиши мумкин. Кимдир дастур дейди, бошқаси режа дейиши мумкин. Аммо, Аллоҳ айтган таълимотларга тўғри келмагандан кейин, қандай ном билан аталса-да, ношаръий бўлаверади. Буларнинг ҳаммаси вақтинча, синов учун бўлаётган ҳодисалар.

Келаси оятда кофир-мушрикларнинг яна бир одатлари фош қилинади:

وَقَالُوا هَذِهِ أَنْعَمُ وَحَرَّتْ حَجْرٌ لَا يَطْعَمُهَا إِلَّا مَنْ نَشَاءُ بِرِعْمِهِمْ وَأَنْعَمُ  
حَرَمَتْ ظُهُورَهَا وَأَنْعَمُ لَا يَذْكُرُونَ أَسْمَ اللَّهِ عَلَيْهَا افْتِرَاءً عَلَيْهِ سَيَجْزِيهِمْ بِمَا كَانُوا  
يَفْتُرُونَ

**138. Улар ўзларича: «Мана бу чорва ва экинлар ҳаром, уларни фақат биз хоҳлаган кишиларгина ейдилар ва мана бу миниши ҳаром қилинган чорвалар», – дедилар. Улар маълум чорваларга Аллоҳнинг номини зикр қилмаслар. Бу эса, У зотга туҳматдир. У, тезда, қилган туҳматлари туфайли уларга жазо беражак.**

Бу оятда мушрик ва кофирларнинг энг катта жиноятларидан бири – ҳалол-ҳаромни ажратишда Аллоҳнинг айтганига юрмай, ўзларича кўнгиллари тусаган ҳукми чиқаришлари баён қилинмоқда. Аслида, ҳалол ёки ҳаром ҳақида ҳукм чиқариш Аллоҳ таолонинг ҳаққи. Бандаларнинг бу илоҳий ҳаққа тажовуз қилиши куфрга олиб борадиган катта жиноятдир. Агар бир инсон ҳамма диний ақийдаларга тўлиқ иймон келтирса, шариат кўрсатмаларига мукамал амал қилса-ю, Аллоҳ ҳалол деган нарсани ҳаром деса ёки, аксинча, ҳаром деганини ҳалол деса, кофир бўлади. Бу масала шу даражада нозик масаладир. Инсон ҳаётининг ҳар бир соҳаси Аллоҳнинг ҳукмига мувофиқ бўлиши керак. Аллоҳ ягона Холиқ – яратувчи, ягона Розик – ризқ берувчи, ягона Маъбуд – ибодатга сазовар зот бўлганидек, У ягона Ҳоким – Ўз ҳукмини юритувчидир. Оғизда, биз ҳам мусулмонмиз, отамиз намоз ўқиган, динга ҳурматимиз зўр, аммо дин ҳар бир кишининг қалбида бўлиши керак, бошқа нарсаларга аралаштирилса бўлмайди, дейиш энг катта кофирлик. Бу гапга ушбу оят энг ёрқин далил. Ҳалол-ҳаромга ўзларича баҳо берганларни Аллоҳ қаттиқ қораламоқда. Бундай ишларни Аллоҳга туҳмат деб атамоқда ва уларга қаттиқ жазо беришининг дарагини бермоқда.

**«Улар ўзларича: «Мана бу чорва ва экинлар ҳаром, уларни фақат биз хоҳлаган кишиларгина ейдилар ва мана бу миниши ҳаром қилинган чорвалар», – дедилар».**

Яъни, мушриклар ўзларича, ҳужжат-далилсиз, бу ҳайвонлар ҳаром, уларни истеъмол қилиб бўлмайди; бу экинлар ҳаром, уларни истеъмол қилиш мумкин эмас, дейишди. Улар ўзлари ҳаром қилган ҳайвон ва экинларни хоҳлаган кишиларга ҳалол қилиб, ейишга рухсат бериш ҳақлари борлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, улар баъзи ҳайвонларни, минилиши ҳаром ҳайвонлар

деб, ҳукм чиқарадилар. Яъни, баъзи ҳайвонларнинг гўштини ейишни ҳаром қилишса, баъзи ҳайвонларнинг минилишини ҳаром қилишади.

**«Улар баъзи чорваларга Аллоҳнинг номини зикр қилишмас».**

Абу Бакр ибн Аййаш Осим ибн Абу Нажжуддан қуйидагиларни ривоят қилади: «Абу Воил менга: «ва булар минилиши ҳаром қилинган чорвалардир, дейдилар. Улар маълум чорваларга Аллоҳнинг номини зикр қилмайдилар» деган оятда нима борлигини биласанми?», – деб сўради. Мен: «Йўқ», – дедим. У: «Бу, баҳийра деб аталган ҳайвон бўлиб, уни миниб ҳаж қилмас эдилар», – деди. Мужоҳид: «Уларнинг бир тоифа туялари бўлиб, ўша туяларга Аллоҳнинг номини зикр қилмас эдилар. Ўша туяларга тегишли ҳеч бир нарсада Аллоҳнинг номини зикр қилмас эдилар. Уларни минсалар ҳам, соғсалар ҳам, уларга юк юкласалар ҳам, урчитсалар ҳам, бошқа бирор нарса қилсалар ҳам, Аллоҳни зикр қилмасдилар», – дейди

Аллоҳ таоло мушрикларнинг бу қилмишини Ўз зотига нисбатан туҳмат деб баҳоламоқда.

**«Бу эса, У зотга туҳматдир».**

Яъни, мазкур ишларни Аллоҳнинг номи билан боғлашлари, унинг дини дейишлари ёки Худони рози қиладиган иш деб баҳолашлари ва бошқа шунга ўхшаш даъволари Аллоҳ таолога нисбатан буюк туҳматдир. Аммо, Аллоҳ таоло туҳматчиларни чорасиз қолдирмайди:

**«У, тезда, қилган туҳматлари туфайли уларга жазо беражак».**

Қиёматда ҳар бирларига тегишли жазо белгилаб қўйилган. Аллоҳ уларга адолатли жазо бериши турган гап.

Келаси оятда мушрикларнинг яна бир фасодлари ҳақида гап кетади:

وَقَالُوا مَا فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا عَذَابٌ غَالِبٌ ۗ لَئِنْ جَاءَ سَكْرَةٌ مِنْ رَبِّهِمْ لَنَزِلْنَ فِيهَا بِهَيْبَةٍ وَرِجَالٍ مَشْجُورٍ ۗ أُولَٰئِكَ هُمُ الَّذِينَ يَرْتَابُونَ ۗ وَإِنْ يَكُنْ مِثْقَالٌ ذَرَّةٍ مِنْ رِيبَةٍ فَلْيَلْوَ بِهَا أَعْيُنُهُمْ وَأَفْئِدَتُهُمْ وَهُمْ كَالْعِشْفَانِ ۗ وَإِنْ يَكُنْ مِثْقَالٌ ذَرَّةٍ مِنْ رِيبَةٍ فَلْيَلْوَ بِهَا أَعْيُنُهُمْ وَأَفْئِدَتُهُمْ وَهُمْ كَالْعِشْفَانِ ۗ وَإِنْ يَكُنْ مِثْقَالٌ ذَرَّةٍ مِنْ رِيبَةٍ فَلْيَلْوَ بِهَا أَعْيُنُهُمْ وَأَفْئِدَتُهُمْ وَهُمْ كَالْعِشْفَانِ ۗ

**139. Улар, мана шу чорваларнинг қорнидаги нарсалар эркакларимизга ҳалол, аёлларимизга ҳаром, дерлар. Агар у (қориндаги нарса) ўлик бўлса, улар унга шериклардир. Тезда уларга васфлари учун Ўзи жазо беражак. Албатта, У ҳикматли ва яхши билувчи Зотдир.**

Бу оятда инсу жин шайтонларининг, дин душманлари ва ўзларича ҳалол-ҳаромга «қозилик» қилувчилар аҳмоқлигининг янгича



кўриниши таъриф қилиняпти. Ўтган оятда уларнинг баъзи ҳайвонларни ейиш ёки минишни ҳаром қилганликлари ҳақида сўз борган бўлса, бу оят маълум бир ҳайвонни баъзи одамларга ҳалол, баъзиларига ҳаром қилганликлари ҳақида сўз кетмоқда.

**«Улар, мана шу чорваларнинг қорнидаги нарсалар эркакларимизга ҳалол, аёлларимизга ҳаром, дерлар. Агар у (қориндаги нарса) ўлик бўлса, улар унга шериклардир».**

Улар, ушбу ҳайвоннинг ҳомиласи эркакларимизга ҳалол, аёлларимизга ҳаром, дейишар эди. Агар ўша ҳайвоннинг ҳомиласи ўлик бўлса, эркак-аёлга баробар ҳалол бўларди. Нима учун, қайси далил билан бундай дейишларини ҳеч ким билмайди. Ўзлари ҳам билмайдилар. Ўзича шариат ясаб, ҳукм чиқаришга ўтилганда, шундай бўлади. Нафақат қайси ҳайвон ҳалолу қайси ҳайвон ҳаромлиги масаласида, балки қолган барча масалаларда ҳам ушбу ҳолат такрорланаверади. Бугун кўнгиллари бир нарсени тусаб, ўшанга мос қонун чиқарсалар, эртага худди ўша одамлар унинг тескарисига ҳам қонун чиқараверадилар.

Аммо, Аллоҳ таоло уларнинг бу ишларини эътиборсиз қўймайди:

**«Тезда уларга васфлари учун Ўзи жазо беражак».**

Бу жазо уларнинг ўзлари ўйлаган нарсени қонун дея даъво қилиб, шариат ўрнига кўтарганлари учун содир бўлди.

**«Албатта, У ҳикматли ва яхши билгувчи Зотдир».**

Ҳар бир амалини Зотига хос илм асосида ҳикмат ила амалга оширади. Одамлар Аллоҳнинг измига юрмай, ўзларича турли ҳукм ва қонунлар битадилар ва оқибатда ҳалокатга юз тутадилар.

قَدْ خَسِرَ الَّذِينَ قَتَلُوا أَوْلَادَهُمْ سَفَهًا بِغَيْرِ عِلْمٍ وَحَرَّمُوا مَا رَزَقَهُمُ اللَّهُ افْتِرَاءً  
عَلَى اللَّهِ قَدْ ضَلُّوا وَمَا كَانُوا مُهْتَدِينَ

**140. Ақли пастлик қилиб, жоҳиллик ила фарзандларини ўлдирганлар ва Аллоҳ уларга ризқ қилиб берган нарсаларни ҳаром қилганлар зиёнкор бўлдилар. Батаҳқиқ, улар адашдилар ва ҳидоятга юривчилардан бўлмадилар.**

Ҳа, ақли паст бўлмаса, ҳамма нарсени билгувчи ва ҳамма ишни ҳикмат ила қилгувчи барҳақ Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг айтганларини инкор этиб, Унинг шариатини поймол этиб, ўзларича бошқа нарсаларни тўқиб юришармиди? Агар ақллари бўлса, Аллоҳ таолонинг динини бир томонга қўйиб, ўзларига ўхшаган одамлар, балки инсу жинларнинг шайтонлари уларга зийнатлаб кўрсатган нарсаларга эргашиб юришармиди?

Агар улар жоҳил бўлмасалар, Аллоҳнинг фарзандларни кўпайтириш, уларни тарбиялаб ўстириш ҳақидаги таълимотига душманларча терс, инсу жин шайтонларининг гапига кириб, ўз жигаргўшаларини ўлдирар эдиларми?! Ёки Аллоҳ таоло уларга ҳалол ризқ қилиб берган нарсаларни ҳеч қандай сабаб ёки далилсиз ўзларига ҳаром қилиб олармидилар?! Ана шундай аҳмоқона ишларни қилганлар:

**«...зиёнкор бўлдилар».**

У дунёда тортажак азоб-уқубатлари турган гап, аммо бу дунёнинг ўзидаёқ зиёнкор бўлдилар. Ақли бор инсон, жоҳиллик қилмай, инсоф билан ўйлаб кўрса, унга ўзи тарк қилган ҳар бир диний ишдан бу дунёнинг ўзида олам-олам зиён етишини дарҳол тушуниб олади. Бу ҳақда жуда кўп айтилган, ёзилган ва баҳс юритилган. Биз бошқа илоҳий таълимотлардан четлашни бир томонга қўйиб, ушбу оятда зикр қилинган ўз боласини ўлдириш ва Аллоҳ берган ҳалол ризқни ўзига ҳаром қилиб олиш масаласини олиб кўрсак ҳам, бундай ишни қилганлар бу дунёнинг ўзида қанчалар зиён тортишини аниқ кўра-миз. Ўз боласини ўзи ўлдирган одамдан ҳам зиёнкорроқ одам борми бу дунёда?! Бу ғайринсоний иш қайси шаклда, қандай баҳона ва сабаб ила қилинмасин ҳамда инсу жинларнинг шайтонлари қанчалик зийнатлаб кўрсатмаган бўлмасин, барибир, улуғ зиёндир.

Бугунги кун жоҳилиятининг шайтонлари одамларга дунёга келмаган болаларини нобуд қилиш ёки, умуман, бола кўришдан воз кечишни зийнатлаб кўрсатмоқдалар. Улар одамларга бизнинг айтганимизни қилсанг, соғлиғинг яхши бўлади, иқтисодинг ночор бўлмайди, бу дунёнинг матосидан, ўйин-кулгусидан, урф бўлган кийими, зебу зийнатидан маҳрум бўлмайсан ва ҳоказолар деб йўлдан урмоқдалар. Оқибатда, ўша инсу жин шайтонларининг айтганига кирганлар қариганда фарзандсизлик доғида куйиб, ўлиб кетишмоқда. Фарзанд кўрмаслик учун қилдирган тиббий амалиётлари, қўлланган чоралари ва истеъмол қилган дорилари ўзларининг бошига фалокат бўлмоқда. Бу иш нафақат айрим шахслар, балки бутун бошли халқларнинг бошига каттадан-катта зиёнлар келтирмоқда. Мазкур инсу жин шайтонларининг амрига юриб, Аллоҳ таълимотини рад этган Фарб халқларидан айримлари камайиб, келажақда йўқ бўлиш хавфи туғилмоқда. Натижада, бугун оилаларда фарзандни кўпайтиришга ундовчи барча чақириқ ва чора-тадбирлар наф бермай қўйди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло ризқ қилиб берган ҳалол ва покиза нарсаларни ҳаром қилганлар воқеий дунёнинг ўзидаёқ катта зиёнкор бўлдилар. Уларнинг бу зиёнлари ҳозирда у қадар сезилмаётган бўлиши эҳтимол. Аммо муҳаққақки, келажақда, албатта, зоҳир бўлади.

Келаси оятларда инсонлар йўлдан озиб, ҳамма нарсанинг холиқи бўлмиш Аллоҳ таолонинг ҳукмини тарк этиб, ўзларича ҳалол-ҳаром деб ҳукм чиқарган нарсалар хусусида баҳс юритилади:

﴿ وَهُوَ الَّذِي أَنْشَأَ جَنَّاتٍ مَّعْرُوشَاتٍ وَغَيْرَ مَعْرُوشَاتٍ وَالنَّخْلَ وَالزَّرْعَ مُخْتَلِفًا أَكْثَرُهُمُ وَالزَّيْتُونَ وَالرُّمَّاتِ مُتَشَابِهًا وَغَيْرَ مُتَشَابِهٍ كُلُوا مِنْ ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ وَءَاتُوا حَقَّهُ يَوْمَ حَصَادِهِ وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ ﴾

**141. У (ишкомларга) кўтариладиган ва кўтарилмайдиган боғларни, хурмо ва экинларни, емагини хилма-хил қилиб, зайтун ва анорларни бир-бирига ўхшатиб ва ўхшатмай пайдо қилган Зотдир. Мевалаган пайтида унинг мевасидан енглар ва йиғим-терим кунда ҳаққини беринглар. Ва исроф қилманглар. Албатта, У исроф қилгувчиларни севмас.**

Ўтган оятларда таъкидланганидек, мушриклар экинлардан баъзиларини ҳаром деб, ўзларича ҳукм чиқардилар. Хўш, аслида уларнинг бундай ҳукм чиқаришга ҳуқуқи борми? Одатда, бирор нарса ни бошқа бир кишига бериш ёки бермаслик, ман қилиш ёки изн бериш учун ўша нарсага маънан соҳиб бўлиш ёки асл эгасидан вакил қилинган бўлиши керак. Айрим экинларни ҳаром деб ҳукм чиқараётган мушриклар уларни йўқдан бор қилишга қурбилари етмаслиги у ёқда турсин, ҳаром қилишга ҳам ҳақлари йўқ. Аллоҳ уларга ҳаром қилишга изн бермаган. Мазкур экинларни йўқдан бор қилган зот ягона Аллоҳдир.

**«У (ишкомларга) кўтариладиган ва кўтарилмайдиган боғларни»,** пайдо қилган зотдир.

Ояти каримада зикр қилинган «(ишкомларга) кўтариладиган боғлардан» мурод узумга ўхшаш, кўтариб парвариш қилинадиган мевалардир. Кўтарилмайдигани бошқа неъматлардир. Буларнинг ҳаммасини яратган – йўқдан бор қилган зот Аллоҳ таолонинг Ўзи. Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай зот бирор баргни ҳам йўқдан бор қила олмайди. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, турли гулларни чанглатиш ёки мевалар новдасини пайванд қилиш «яратиш» эмас. Аслида, бор нарсани Аллоҳ берган ақл, қўл ва бошқа воситаларни ишлатиб қилинган ҳаракат, холос. У ҳам Аллоҳ истаса, самара беради, бўлмаса, йўқ.

**«...хурмо ва экинларни емагини хилма-хил қилиб»,** йўқдан бор этган зот ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи. Ундан бошқа ҳеч бир зот

навини хилма-хил қилиш у ёқда турсин, бир дона хурмо, бирор-та экин донини ёки маҳсулотини ҳам пайдо қила олмаган ва олмайди ҳам. Хўш, яна қандай ҳуқуқ асосида Аллоҳ яратиб қўйган зироатларни – экин ва меваларни ҳалол-ҳаром деб ҳукм чиқаришга журъат қиладилар?! Уларга бу ҳуқуқни ким берди? Хурмо навларининг хилма-хиллиги Аллоҳнинг биру борлигига ва ризқ берувчи ягона зот эканига, бинобарин, ҳалолни ҳалолга, ҳаромни ҳаромга ажрим қилиш фақат унинг ҳаққи эканлигига далил эмасми? Шунингдек, экинлар навларининг хилма-хиллиги ҳам Аллоҳнинг биру борлигига, Унинг ягона ризқ берувчи зотлигига ва, бинобарин, нарсаларнинг ҳалол ёки ҳаром экани ҳақида ҳукм чиқариш ҳаққига эга бўлган ягона зот эканига далолат эмасми? Шунингдек, Аллоҳ таоло:

**«...зайтун ва анорларни бир-бирига ўхшатиб ва ўхшатмай пайдо қилган Зотдир».**

Мазкур меваларнинг дарахтлари, шох ва барглари бир-бировига ўхшаса ҳам, мевалари бир-бирига ўхшамайди. Зайтун дарахти бир-бирига жуда ўхшайди, улар орасидаги фарқни мулоҳаза қилиш қийин. Аммо зайтун меваларининг таъми умуман бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, турли навли анор дарахтларининг шох ва барглари бир-бирига жуда ҳам ўхшаш. Аммо, меваларига келсак, бири чучук, бири нордон, бошқаси йирик донли, учинчиси кичик донли ва ҳоказо. Уларни бундай шаклда яратган ким? Ўзларича ҳалол-ҳаром деб ҳукм чиқарётган мушрикларми ё бошқа бировми? Йўқ, уларнинг жумласини дунёдаги барча нарсаларни йўқдан бор қилган Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзи яратгандир. Бинобарин, уларни ҳалол ёки ҳаром қилиш ҳаққи ҳам ягона У зотгагина хос.

Шу боис ҳам, У зот қуйидаги амрни қилишга тўла ҳаққидир:

**«Мевалаган пайтида унинг мевасидан енглар ва йиғим-терим кунида ҳаққини беринглар».**

Мушрикларнинг, инсу жин шайтонларининг ҳукмига қулоқ солманг, ушбу меваларни йўқдан бор қилган Зот сизга демоқдаки, мевалар ҳосилга кирган кун унинг ҳосилидан тановул қилинглар. У сиз учун ҳалолдир. Фақат ўша мева ва экинлар сизнинг мулкингиз бўлса, йиғим-терим куни ҳаққини беринглар. Ушбу мева ва зироат экинлари йиғим-теримидан ҳаққини бериш, улардан закот чиқариш демақдир. Шундан келиб чиқиб, уламолар ушбу оят ҳақида турлича фикрлар айтганлар. Мева ва зироат экинларидан закот чиқариш ҳукми ушбу оятдан олинган, десак, баъзи уламолар, оят Маккада нозил бўлган ва у пайтда закот фарз бўлмаган эди, дейишади. Бошқалари, айнан ушбу оят Мадийнада нозил бўлган, деб

гумон қиладилар. Бу ҳақдаги ҳамма маълумотларни ўрганиб чиққан муҳаққиқ уламолар эса, ояти карима Маккада тушгани аниқ, ўша пайтдан бошлаб мева ва зироат экинларидан ўз хоҳишига қараб камбағалларга бирор нарса бериш вожиблигига амал қилина бошлаган, аммо иккинчи ҳижрий санада, закот фарз бўлгандан кейин Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам мева ва экинларнинг закот миқдорини ҳадислари билан баён қилиб берганлар, дейишадди. Ушбу охирги фараз тўғри деб қабул қилинган.

Агар экинлар суғорилмайдиган бўлса, унинг ўндан бир ҳиссаси закот тариқасида ҳақдорларга берилади. Бу амал ушр дейилади. Аммо, экинларни ўстиришда деҳқон сув чиқариб, ўзи қўшимча меҳнатлар қилган бўлса, йигирмадан бир ҳиссасини закотга беради. Ана шунда мазкур экин ва меваларнинг ҳақиқий эгаси бўлмиш Аллоҳ таолонинг амрини бажо этган бўлади.

Аллоҳнинг мева ва экинлар ҳақидаги яна бир амри:

**«Ва исроф қилманглар. Албатта, У исроф қилгувчиларни севмас».**

Мушрик ва шайтонлар айтганларидек, ҳаром деб, емай юрманглар, балки, аксинча, енглар, аммо исроф қила кўрманглар, увол бўлади. Исроф қилмаслик умумий маънода: йиғиб-териб олишда, сақлашда, бировга беришда ва ниҳоят, тановул қилишда ҳам. Жумладан, ўша нарсаларни кофир ва шайтонларнинг гапига кириб, ҳаром деб, емай юриш ҳам исрофга киради. Ким исроф қилса, Аллоҳнинг ҳузурида гуноҳкор бўлади. Чунки:

**«Албатта, у исроф қилгувчиларни севмас».**

Имом Бухорий қилган ривоятда: «Енглар, ичинглар ва кийинглар. Аммо исроф ва манманлик қилманглар», дейилган.

وَمِنَ الْأَنْعَامِ حَمُولَةً وَفَرْشًا ۖ كُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوبَاتِ  
الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿١٤٢﴾

**142. Ва чорвалардан ҳаммолларини ва (сўйгани) ерга ётқазиладиганларини пайдо қилди. Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар. Албатта, у сизларга очиқ-ойдин душмандир.**

Ўтган оятларда мушриклар ўзларича ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқсиз, далил-ҳужжатсиз баъзи ҳайвонларни минишни, баъзиларининг гўштини ейишни ҳаром қилганлари айтилган эди. Аммо, аслини олганда, ҳайвонларни миниш ёки минмаслик, гўштини ейиш ёки

емаслик ҳақидаги ҳукми фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина чиқаради. Чунки, У зот:

**«...чорвалардан ҳаммолларини ва (сўйгани) ерга ётқазиладиганларини пайдо қилди».**

Ундан бошқа ҳеч ким на юк кўтарадиган ва на гўшт бўладиган бирорта ҳайвонни йўқдан бор қила олмаган ва олмайди ҳам. Бинобарин, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзидан бошқа улар ҳақида ҳалол ёки ҳаром деб ҳукм чиқарадиган кимса ҳам йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Шунинг учун, У зот қуйидаги амрни қилди:

**«Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманлар. Албатта, у сизларга очиқ-ойдин душмандир».**

Чунки, булар Аллоҳ яратган ва ризқ қилиб берган нарсалардир. Шайтон эса, ҳеч нарсани яратмаган. Нима учун энди, Аллоҳ таоло яратган ва ризқ қилиб берган нарсада Унинг амрини қўйиб, шайтоннинг айтганини қилиш керак экан?! Ҳолбуки, шайтон уларнинг очиқ-ойдин душмани-ку! Нима учун энди, ўша очиқ-ойдин душманга эргашиб, унинг айтганини қиладилар?!

Одамлар обдан ўйлаб кўрсинлар, ўша шайтонлар уларга нима ни ҳаром қилмоқда ўзи? Унинг амалида, гапида бир оз бўлса-да мантиқ борми ўзи? Келинг, унинг чорва ҳайвонларини ҳаром қилгани ҳақида бир тафаккур қилиб кўрайлик. Аслида, Аллоҳ чорва ҳайвонларидан:

ثَمَنِيَةَ أَزْوَاجٍ مِنَ الضَّأْنِ اثْنَيْنِ وَمِنَ الْمَعْزِ اثْنَيْنِ قُلْ أَلَّذَكَرِينَ حَرَّمَ أَمْ  
الْأُنثَيْنِ أَمْ أَشْتَمَلَتْ عَلَيْهِ أَرْحَامٌ الْأُنثَيْنِ نَبِّئُونِي بِعِلْمٍ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٤٣﴾

**143. Саккиз жуфт (пайдо қилди): қўйдан иккени (эркак-урғочи) ва эчкидан иккени. «Иккала эркагини ҳаром қилдим ёки иккала урғочисиними ёхуд иккала урғочининг бачадонларида шомил бўлган нарсаними?! Агар ростгўй бўлсангизлар, илмий қилиб хабарини беринглар-чи?» – деб айт.**

Араб тилида «ал-анъом» деб номланган ҳайвонлар туркумини биз «чорва» деб таржима қилмоқдамиз. Аслида «ал-анъом» деб туя, сигир, қўй ва эчкига айтилади. Уларни жуфт – бир эркак ва бир урғочи ҳисоб қилинса, саккизта бўлади. Ана ўша саккизта жуфт жумласидан:

**«Қўйдан иккени (эркак-урғочи) ва эчкидан иккени (пайдо қилди)»,** яъни, йўқдан бор қилди. Ҳар бир турдан бир эркак ва бир



урғочи яратди. Аллоҳ яратган ҳайвонларни мушриклар, инсу жин шайтонлари ўзларича, ҳаром қилдик, дейишмоқда. Аллоҳ улардан:

**«Иккала эркагини ҳаром қилдими ёки иккала урғочисиними ёхуд иккала урғочининг бачадонларида шомил бўлган нарсаними?!»**—деб сўраяпти.

Буни ким билади? Кофирлар ўйламай-нетмай оғзиларига келган нарсани гапираверадилар. Агар эс-ҳушларини йиғиб, бу гапларни ўйлаб кўрсалар, ўзлари ҳам уялиб қоладилар. Аввало, уларнинг бу гапларни айтишга умуман ҳақлари йўқ. Чунки, улар мазкур ҳайвонларнинг битта тукини ҳам яратган эмаслар ва ярата олмайдилар ҳам. Уларга ҳеч ким бу ҳайвонларни ҳаром қилиш ҳуқуқини берган эмас. Қолаверса, қилган ишлари мантиқсиз, ҳеч бир ақлга тўғри келмайди, бирор илмга асосланган эмас. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятнинг охирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитобан:

**«Агар ростгўй бўлсангизлар, илмий қилиб хабарини беринглар-чи, деб айт»**,—демоқда.

Бундай ишларда гумон-тахмин билан, ўзича иш тутиб бўлмайди. Балки, илм ила, ҳуқуқи бор тарафгина ҳукм чиқаради.

وَمِنَ اللَّيْلِ اتَّبِعْتَ أَسْمَاءَ ۖ أَتَتْهَا وَأَسْكَنَتْ ۖ مِنْ دُونِ الْحَرَامِ ۚ وَبَدَتْ حَامًا ۖ فَمَنْعَتْهُنَّ وَأَتَتْهُنَّ أَكْثَرَ يَوْمٍ ۚ وَجَاءَ أَسْمَاءُ يَوْمَئِذٍ عَلَىٰ فَجْرِ نَجْمٍ ۚ وَإِذْ قَالَ اللَّهُ يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ جَاهِدِ الْكُفْرَ وَالْيَهُودَ ۚ وَالْيَهُودُ كُفْرًا وَسَحَابًا مَحْمُومًا ۚ كَبُودًا ضَالًّا ۚ ذَلِيلًا ۚ وَالْحَرَامُ يَكْفُرُ بِاللَّهِ وَالرَّسُولِ ۚ يَكْفُرُ بِمَا هُوَ نَهَىٰ عَنْهُ وَيَكْرَهُ ۚ فَجَاهِدْ ۚ إِنَّكَ قَدِيرٌ بِالْهَدَىٰ ۚ وَاللَّهُ يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿١٤٤﴾

**144. Туядан иккитани, қорамолдан иккини (пайдо қилди). «Иккала эркагини ҳаром қилдими ёки иккала урғочисиними ёхуд иккала урғочининг бачадонларида шомил бўлган нарсаними?! Ёки Аллоҳ сизларга буни амр қилганда шоҳид бўлиб турганмидингиз? Илмсиз ҳолда одамларни адаштириш учун Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқигандан ҳам золиброқ одам борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас».**

Эй мушриклар, сизлар туя ва қорамоллар ҳақида ҳам ҳаром ҳукмини чиқариб, буни Аллоҳга нисбат берган эдингиз. Ҳаққингиз бўлмай туриб, ҳаром ҳақида ҳукм чиқарганингиз бир гуноҳ ва ўзингизча чиқарган ҳукми Аллоҳга нисбат беришингиз янада улканроқ гуноҳ. Қани, айтинг-чи, агар сиз таъкидлаётгандек, Аллоҳ буларни ҳаром қилган бўлса:

**«Иккала эркагини ҳаром қилдими ёки иккала урғочисиними ёхуд иккала урғочининг бачадонларида шомил бўлган нарсаними?!».**

Билмайсиз. Чунки гумон ва тахмин билан гапириб юргансиз.

**«Ёки Аллоҳ сизларга буни амр қилганда шоҳид бўлиб турган-мидингиз?»**

Шоҳид бўлсангиз, айтинг. Айта олмайсиз. Шоҳид бўлганингиз йўқ. Сиз қилган иш тахмин, гумон бўлиб, илмга таянмайди, Аллоҳга нисбатан тўқилган ёлғондир.

**«Илмсиз ҳолда одамларни адаштириш учун Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқигандан ҳам золимроқ одам борми?!»**

Йўқ, албатта. Ундай одамлар дунёдаги энг золим одамлардир.

**«Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас».**

Чунки, уларнинг ўзлари Аллоҳ кўрсатган ҳидоят йўлига юрмасдан, бузғунчилик қилдилар. Аллоҳ таолонинг якка ўзига хос бўлган нарсаларнинг ҳалол ёки ҳаром эканлигини аниқлаб ҳукм чиқариш ишига аралашдилар. Аллоҳ таолога нисбатан ёлғон тўқидилар. Энди зинҳор ва зинҳор ҳидоят йўлига юришларига Аллоҳ томонидан кўмак бўлмайди. Чунки, уларнинг ўзлари орадаги ҳидоят ипларини уздилар.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло Ўзи қарор қилган нарсаларни баён қилади:

قُلْ لَا آجِدُ فِي مَا أُوحِيَ إِلَيَّ مُحَرَّمًا عَلَى طَاعِمٍ يَطْعَمُهُ إِلَّا أَنْ يَكُونَ مَيْتَةً أَوْ دَمًا  
مَسْفُوحًا أَوْ لَحْمَ خِنزِيرٍ فَإِنَّهُ رِجْسٌ أَوْ فِسْقًا أُهْلَ لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ فَمَنْ اضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ  
وَلَا عَادٍ فَإِنَّ رَبَّكَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١٤٥﴾

**145. «Менга ваҳий қилинган нарсада таомланувчи учун ҳаром қилинган нарсани топмаяпман. Магар ўлимтик ёки оқизилган қон ёки тўнғиз гўшти бўлса, албатта, у ифлос, ҳаромдир. Ёхуд фосиқлик ила Аллоҳдан ўзганинг номига сўйилган бўлса (ҳаромдир). Бас, киши музтар бўлиб, маза талаб қилувчи ва тажовузкор бўлмаган ҳолида (истеъмол қилса). Албатта, Роббинг мағфират қилгувчи ва раҳимли зотдир», – деб айт.**

Яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб бўлмоқда. Аллоҳ таоло Ўзи яратган экинлар ва чорваларни ҳаром қилишга журъат қилганларга ушбу ҳақиқатларни айтишни у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга топширмоқда:

**«Менга ваҳий қилинган нарсада таомланувчи учун ҳаром қилинган нарсани топмаяпман».**

Яъни, сиз ҳаром деб атаган нарсаларнинг бирортасини ҳам Аллоҳ ҳаром қилгани йўқ. Бу нарсаларни сиз ўзингизча ҳаром деб юриб-сиз. Аллоҳ таоло менга ваҳий юбориб, нима ҳалол, нима ҳаром эканини баён қилди. Менга ваҳий орқали қилинган илоҳий баёнда истеъмолчи учун ҳаром қилинган нарса йўқ.

**«Магар ўлимтик ёки оқизилган қон ёки тўнғиз гўшти бўлса, албатта, у ифлос, ҳаромдир».**

Бу нарсалар бошқа оятларда ҳам батафсил баён қилинган. Ўзи ўлиб қолган ҳайвоннинг гўшти катта зарар бўлгани учун Аллоҳ таоло уни ҳаром қилган.

Шунингдек, ҳар қандай ҳайвондан оқизилган қон ҳам зарарли бўлиб, ҳаромдир.

Тўнғиз гўшти ҳам шу маънода ҳаром қилинган.

**«Ёхуд фосиқлик ила Аллоҳдан ўзганинг номига сўйилган бўлса (ҳаромдир)».**

Яъни, ҳайвон Аллоҳдан ўзганинг номи билан сўйилса, фосиқлик — дин чегарасидан чиқиш бўлади, сўйилган гўшт ҳаром ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳаром аниқ бўлди. Аллоҳнинг амрига юрман, деган банд мазкур нарсаларни зинҳор-базинҳор истеъмол қилмаслиги керак. Аммо, баъзи ҳолатларда истисно тариқасида ижозат берилади:

**«Бас, киши музтар бўлиб, маза талаб қилувчи ва тажовузкор бўлмаган ҳолида (истеъмол қилса). Албатта, Роббинг мағфират қилувчи ва раҳимли зотдир».**

Ояти каримада қайд қилинган ҳолларга тушиб қолиб, ҳаром нарсаларни еган кишиларни Аллоҳ кечиради. Фақат мазкур ҳолда лаззатланиш учун истеъмол қилинмаслиги керак. Ўлимдан сақлаб қоладиган даражадан зиёд ҳам бўлмаслиги керак.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло яҳудийларга ҳаром қилган нарсалар ҳақида хабар келади:

وَعَلَى الَّذِينَ هَادُوا حَرَّمْنَا كُلَّ ذِي ظُفْرٍ وَمِنَ الْبَقَرِ وَالْغَنَمِ حَرَّمْنَا عَلَيْهِمْ شُحُومَهُمَا إِلَّا مَا حَمَلَتْ ظُهُورُهُمَا أَوْ الْحَوَايَا أَوْ مَا اخْتَلَطَ بِعَظْمٍ ذَلِكَ جَزَيْنَهُمْ بِبَغْيِهِمْ وَإِنَّا لَصَادِقُونَ ﴿١٤٦﴾

**146. Ва яҳудий бўлганларга барча (бутун) туёқлиларни ҳаром қилдик. Мол ва қўйдан эса, уларга ёғларини ҳаром қилдик. Ма-**

**гар орқа ва ичакларидаги ёки суякка аралашган ёғлари** (ҳалолдир). **Бу, зулмлари учун уларга берган жазоимиздир. Албатта, Биз ростгўймиз.**

Демак, бу оятда зикр қилинган нарсалар фақат яҳудийларга хос бўлиб, улар қилган зулм эвазига Аллоҳ таоло томонидан жазо бўлиб келди. Бошқа қавмларга эса ҳалол.

Оятда биз «(бутун) туёқли» деб таржима қилганимиз сўз, туёғи иккига ёки қўпга бўлинмаган ҳайвонлар, деган маънодадир. Бундай ҳайвонлар туя, туяқуш, ўрдак ва шунга ўхшаш оёғидаги туёғи бутун (битта) бўлган ҳайвонлардир.

**«Ва яҳудий бўлганларга барча (бутун) туёқдиларни ҳаром қилдик».**

Ана шундай ҳайвонларни Аллоҳ таоло яҳудийларга ҳаром қилган. Шунингдек,

**«Мол ва қўйдан эса, уларга ёғларини ҳаром қилдик. Магар орқа ва ичакларидаги ёки суякка аралашган ёғлари** (ҳалолдир)».

Аллоҳ таоло яҳудийларга мол ва қўйларнинг оятда истисно қилинганидан бошқа ёғларини ҳам ҳаром қилган.

**Бу, зулмлари учун уларга берган жазоимиздир. Албатта, Биз ростгўймиз.**

Демак, бандалар томонидан содир этилган зулм уларнинг ризқи Аллоҳ таоло томонидан торайтирилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин экан.

Келаси ояти каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинаётган хитоб яна давом этади.

فَإِنْ كَذَّبُوكَ فَقُلْ رَبُّكُمْ ذُو رَحْمَةٍ وَاسِعَةٍ وَلَا يُرَدُّ بَأْسُهُ عَنِ الْقَوْمِ  
 الْمُجْرِمِينَ

**147. Агар сени ёлғончига чиқарсалар: «Роббингиз кенг раҳмат соҳибидир, аммо Унинг азоби жиноятчи қавмлардан қайтарилмас», – деб айт.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммага Аллоҳ таолодан келган ваҳийни етказадилар. Агар кимлардир у зотни ёлғончига чиқарса, уларга:

**«Роббингиз кенг раҳмат соҳибидир, аммо Унинг азоби жиноятчи қавмлардан қайтарилмас»,** яъни, Унинг даргоҳи кенгдир, Унинг раҳмати яхшига ҳам, ёмонга ҳам баробар, сизни куфр келтирганингизга қарамай, азоблашга шошилмайди, аммо азоби муқаррар,

азоби келганида, уни ҳеч ким қайтара олмайди, деган гапларни айтадилар.

Узоқ давом этган тортишув оқибатида, ақли гап топа олмай қолган мушриклар ўзларини қандай тутишлари келаси оятда баён қилинади:

سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ شَيْءٍ  
كَذَلِكَ كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ حَتَّى ذَاقُوا بَأْسَنَا قُلْ هَلْ عِنْدَكُمْ مِنْ عِلْمٍ  
فَتُخْرِجُوهُ لَنَا إِنْ تَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَخْرُصُونَ ﴿١٤٨﴾

**148. Ҳали ширк келтирганлар:** «Агар Аллоҳ хоҳлаганда, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмас эдик ва бирор нарсани ҳаром қилмас эдик», – дерлар. Улардан олдингилари ҳам азобимизни татигунларига қадар шунга ўхшаш ёлғонга чиқариб турганлар. «Сизнинг ҳузурингизда бизга чиқариб кўрсатадиган бирон илм – ҳужжат борми? Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар фақат ёлғон гапирмоқдасизлар», – деб айт».

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло ҳақиқий илмий тортишув, баҳс давомида енгилиб қолган мушрик ва кофирлар энг сўнгида айтадиган гапларни келтирмоқда:

**«Ҳали ширк келтирганлар:** «Агар Аллоҳ хоҳлаганда, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмас эдик ва бирор нарсани ҳаром қилмас эдик», – дерлар».

Ҳўш, уларнинг бу гаплари янги гапми? Йўқ, эски, сийқаси чиққан гап. Мантиқсиз гап.

**«Улардан олдингилари ҳам азобимизни татигунларига қадар шунга ўхшаш ёлғонга чиқариб турганлар».**

Шунингдек, улардан кейингилари ҳам шундай қиладилар. Улар ҳеч бир ишни Аллоҳнинг хоҳишидан ташқарида қилмаган эмишлар. Яъни, агар Аллоҳ хоҳлаганида, ширк келтирмас, кофир бўлмас, гуноҳ қилмас эканлар. Шу билан ўзларини оқламоқчи бўладилар.

Ҳўш, уларнинг бу гапига нима дейиш керак? Уларга ушбу гапларига яраша қуйидаги, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ўргатган саволни бериш керак:

**«Сизнинг ҳузурингизда бизга чиқариб кўрсатадиган бирон илм-ҳужжат борми?»**

Яъни, Аллоҳ сизларнинг ширк келтиришингизни, баъзи нарсаларни ҳаром деб эълон қилишингизни хоҳлаганини исбот қилади-

ган ҳужжатингиз борми? Аллоҳ Ўз бандаларидан нимани хоҳласа, очиқ-ойдин айтиб қўйган. Бандалар иймон келтиришларини хоҳлагани учун, иймон келтиринглар, деган. Кофир, мушрик бўлишларини хоҳламагани учун, куфр келтирманглар, мушрик бўлманглар, деб қатъий ҳукм этган. Шунингдек, бандалари нимани қилишини хоҳласа, амр қилган, нималарни қилмаслигини хоҳласа, наҳий қилиб қайтариб қўйган. Аллоҳнинг хоҳиши ҳаммаси очиқ-ойдин, илмий собит нарсалардир. Аллоҳнинг хоҳиши ичида, ширк келтиринг, баъзи нарсаларни ўзингизча ҳаром қилинг, деган хоҳиш йўқ. Ёки, менинг ғойиб, ҳеч ким билмайдиган хоҳишларимни излаб топиб, ўшанга амал қилинг, дегани ҳам йўқ. Аммо:

**«Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар фақат ёлғон гапирмоқдасизлар», – деб айт».**

قُلْ لِلَّهِ الْحُجَّةُ الْبَلَّغَةُ فَلَوْ شَاءَ لَهَدْنَاكُمْ أَجْمَعِينَ <sup>ص</sup>

**149. Сен: «Етук ҳужжат Аллоҳнинг Ўзидадир. Агар хоҳласа, ҳаммангизни ҳидоятга солар эди», – деб айт.**

Мушрикларнинг агар Аллоҳ хоҳласа, ширк келтирмас эдик, деган гапларини тасдиқловчи ҳеч қандай далил-ҳужжатлари йўқ экани аён бўлди. Аммо, уларга қарши ва Аллоҳ таолонинг ҳақ эканлиги ҳақидаги

**«Етук ҳужжат Аллоҳнинг Ўзидадир».**

Бу, очиқ-ойдин ҳужжат ва далиллардир.

**«Агар хоҳласа, ҳаммангизни ҳидоятга солар эди».**

Аллоҳ, шубҳасиз, бунга қодир. Мисол учун, фаришталарни шундай қилиб яратди. Улар доимо итоаткор, исёнсиз табиат соҳиби қилиб яратилдилар. Лекин одамларни хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, ҳидоятга юрадиган қилиб яратишдан нима фойда бор? Аллоҳ таоло одамларга ҳидоят ва залолат йўлини кўрсатиб қўйди, ақл-идрок берди ва хоҳлаган йўлини танлаш ихтиёрини берди. Ана ўша ихтиёрга қараб ҳар бир инсон жазо ёки мукофот олади. Мушрик ва кофирлар ана ўша ёмон – залолат йўлини танлаганлардир. Улар ўша ихтиёрлари учун жазоларини оладилар.

Кейинги оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга амр қилиб, мушрикларни шариат ҳукмларини чиқариш кимнинг ҳаққи эканлигига гувоҳ келтиришга чақиришни ўргатади:

قُلْ هَلْ مِمَّنْ شُهَدَاءُ كُمُ الَّذِينَ يَشْهَدُونَ أَنَّ اللَّهَ حَرَّمَ هَذَا فَإِنْ شَهِدُوا فَلَا تَشْهَدُ



مَعَهُمْ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ كَذَبُوا بِآيَاتِنَا وَالَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ وَهُمْ  
بِرَبِّهِمْ يَعْدُلُونَ ﴿١٥٠﴾

**150. Сен:** «Аллоҳ мана шуни ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтиринг», – деб айт. Бас, агар гувоҳлик берсалар, сен улар ила гувоҳлик берма. Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарувчиларнинг ва охиратга иймон келтирмайдиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашма. Улар Роббиларига ширк келтирурлар.

Ушбу оятда ақийдавий ширк эмас, балки амалий ширк ҳақида сўз бормоқда. Эътиқод бўйича, Аллоҳнинг шериги, ўғил-қизи ёки хотини бор, деб ишонган одам кофиру мушрик бўлиши муқаррар. Бу ҳақда сура бошидан буён сўз юритилиб келмоқда. Аммо, ушбу оятда эътиқод масаласи аралаштирилмай, айнан амалнинг ўзи ҳақида сўз боряпти. Баъзи инсонлар Ислом ақийдаларига тўлиқ ишонишни даъво қилишлари мумкин. Аммо, амалга келганда ҳамма ишни Аллоҳнинг шариати бўйича қилмаслиги ҳам мумкин. Унда ҳалиги одам кофиру мушрик бўлади.

Ана ўшандоқ ҳукмларни баён этиш учун нозил қилинган ушбу ояти кариманинг аввалида Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб қилиб, қуйидагиларни айтмоқда:

«**Аллоҳ мана шуни**», яъни аввалги оятларда мушриклар ўзларича ҳаром деб эълон қилган нарсаларни

«**ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтиринг, – деб айт**».

Баъзи нарсаларни ўзича ҳаром ёки ҳалол дейиш ҳам ширк. Унга амал қилиш ҳам ширк. Энди эса, ўша мушрикларга, сизлар ўзингизча бу нарсаларни ҳаром деб қўйиб, тағин буни Аллоҳга нисбат бермоқдасиз, яъни, амал қилишга вожиб бўлган қонун, демоқдасиз. Бу жумлада, Аллоҳ ҳаром қилганини тасдиқловчи гувоҳларингиз борми, келтиринг, деган маъно бор.

«**Бас, агар гувоҳлик берсалар, сен улар ила гувоҳлик берма**».

Чунки, ўзларича бир нарсани ҳаром деб ҳукм чиқариб, Аллоҳга ширк келтиришга журъат этган мушриклар, ёлғон гувоҳлик беришга ҳам журъат этишлари мумкин. Билиб қўйки, Аллоҳ ҳеч қачон улар айтган ҳукмни чиқармаган.

Кейинги жумлада ўзича ҳукм чиқариб, Аллоҳга амалий ширк келтираётган одамларга баҳо берилади ва уларга эргашмаслик амр қилинади:

**«Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарувчиларнинг ва охиратга иймон келтирмайдиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашма».**

Дарҳақиқат, Аллоҳ Ўз оятларида баён қилган ҳукмларга қаноат қилмай, ўзларича, бу ҳалол, у ҳаром, ундай қилиш керак, бундай қилмаслик керак, деб ҳукм чиқарувчилар Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарувчи бўлмай, ким бўлади? Охиратга иймони бор одам Аллоҳ амр қилган нарса туриб, ўзича бошқа амал қилар эдими? Бундай одамлар ўзларининг номаъқул ишлари ила Аллоҳ билан ҳукм талашаётган, яъни, ҳокимиятда Аллоҳга шерик бўлишни даъво қилаётган бўлади, уларнинг гапига юрганлар эса, Аллоҳнинг айтганини қўйиб, мушрикнинг айтганига амал қилган ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларнинг ҳавойи нафсига эргашмасликка амр қилмоқда. Сўнгра, улар ҳақидаги охирги ҳукми ҳам эълон қилмоқда.

**«Улар Роббиларига ширк келтирурлар».**

Яъни, ҳалол ва ҳаромни ўзларича тайин қилишлари Аллоҳга ширк келтиришларидир.

Келгуси оятда Аллоҳ Ўзи ҳақиқатда ҳаром қилган нарсаларни баён қилади:

﴿قُلْ تَعَالَوْا أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبِّيَ عَلَيْكُمْ أَلَّا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِمَّنْ إِمْلَقْتُمْ نَحْنُ نَرْزُقُكُمْ وَإِيَّاهُمْ وَلَا تَقْرَبُوا الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنٌ وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ ذَٰلِكُمْ وَصَّيْتُكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٥١﴾﴾

**151. Келинг, Роббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб бераман: «Унга ҳеч нарсани ширк келтирманг! Отанонангизга яхшилик қилинг! Очликдан қўрқиб, болаларингизни ўлдирманг. Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз. Фаҳш-бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг. Аллоҳ ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Магар ҳақ ила бўлса, майли». Ушбуларни сизга амр қилдикки, шояд, ақл юритсангиз», – деб айт.**

Аввалги оятларда чорва ҳайвонлари ва баъзи экинларнинг ҳаром қилиниши ҳақида гап кетган бўлса ҳам, бу оятда асосий ҳукмга, яъни асосга қайтилмоқда. Ҳамма ноқулайликларнинг сарчашмаси бўлган ширк – Аллоҳга ширк келтириш масаласи кўтарилмоқда.

Аллоҳга ширк келтириш йўқолмас экан, бунга ўхшаш масалалар чиқаверади. Ояти кариманинг аввалида эътиборни ўзига тортиб:

**«Келинг, Роббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб бераман»,** – дейилмоқда.

«Робб» сўзини баъзида «Парвардигор», баъзида «Тарбиякунанда», деб таржима қиламиз. Бу икки сўз ҳам форсча бўлиб, «тарбиячи» маъносини англатади. Аммо, арабча «Робб» сўзи тарбиячи маъносидан ташқари, «бошлиқ», «йўлловчи» ва «ҳукм чиқарувчи» маъноларини ҳам ифода этади. Оятда:

**«Роббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни»,** дейилмоқда. Демак, кишиларга бирор нарсани ҳаром қилиш ҳаққига эга бўлиш учун тарбиячи, бошлиқ, йўлловчи ва ҳокимлик сифатларини ўзида жамлаган Робб – Аллоҳ бўлиш керак экан. Ундан бошқа ҳеч қандай зот бирор нарсани ҳаром қилиш, ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Хўш, ўша ҳаққа эга Зот нима ҳукм чиқарган?

**«Унга ҳеч нарсани ширк келтирманг!»**

Умумий қоида – шу. Ширк – улкан зулм. Қолган барча гуноҳлар шундан келиб чиқади. Шунинг учун, Аллоҳ таоло ҳамма гуноҳларни кечса ҳам, ширкни кечирмаслигини очиқ-ойдин айтиб қўйган. Аллоҳ таолога ақийдада ҳам, ибодатда ҳам, амалда ҳам ширк келтирмаслик вожиб. Мўмин-мусулмон одам ягона Аллоҳнинг борлигига ва Унинг баркамол сифатларига эътиқод қилади. Ибодатни фақат унга қилиб, ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ, дейди. Ҳамда дунёдаги ҳамма тасарруфини ягона Робб – Аллоҳнинг кўрсатмасига биноан олиб боради. Ушбу умумий қоидадан келиб чиқиб, бошқа ишлар ҳам мувофиқлашади.

**«Ота-онангизга яхшилик қилинг!»**

Аллоҳга ширк келтирмай, Унинг тавҳидига амал қилганингиздан кейинги ишингиз ота-онага яхшилик қилиш бўлсин. Оилавий алоқаларни яхшиланг. Шунингдек, болаларингизга ҳам яхшилик қилинг.

**«Очликдан қўрқиб, болаларингизни ўлдирманг. Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз».**

Робб сифатига эга бўлган зот учун бу иш ҳеч қандай оғирлик туғдирмайди.

**«Фаҳш-бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг».**

Урфда «фаҳш, фоҳиша иш» деганда, маълум гуноҳ – зино тушуниладиган бўлиб қолган. Аммо, аслида ҳар бир чегарадан чиқиш – ҳаддан ошиш – фаҳш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир гуноҳ фаҳшдир. Мўмин-мусулмон нафақат фаҳш, бузуқ ишларни қилмаслиги, балки уларнинг яқинига ҳам бормаслиги керак. Чунки, яқинига борганда, уни қилиш хавфи кучаяди.

**«Аллоҳ ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Магар ҳақ ила бўлса, майли».**

Аввалги жумлада очликдан қўрқиб, болаларини ўлдириш ман қилинган эди. Энди эса, ҳар қандай жонни ўлдирмасликка амр қилинмоқда.

«Магар ҳақ ила бўлса, майли», деб истисно қилинганларни шариатда ўлдиришга рухсат берилгандир. Яъни, қотилга — қасос учун, муртадга — Исломдан қайтиб бошқа динга киргани учун, зинокорга — оилали бўла туриб, зино қилгани учун шариат ҳукми ила ўлим жазоси берилади. Аммо, ҳукми Ислом ҳукумати чиқаради ва ижро этади. Кимса ўзича қасос олиши ва ҳукм чиқариб, уни ижро этиши мумкин эмас.

**«Ушбуларни сизга амр қилдикки, шояд, ақл юритсангиз».**

Ақл юритиши зарурий бўлганидан шундай дейилмоқда. Ақл юритган одамгина, ҳамма нарсани яратган зот, борлиқ оламнинг Робби бўлган зотгина ушбу ва шунга ўхшаш ҳукмларни чиқаришга ҳақли эканлигини англаб этади.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандаларга ширк келтирмасдан, ўзи билан, шунингдек, ота-оналари ва фарзандлари билан алоқани яхшилашлари лозимлигини, ҳеч қандай гуноҳга яқинлашмасликларини баён қилди, келаси оятда яна тўртта муҳим масалани зикр этади:

وَلَا تَقْرَبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُ وَأَوْفُوا بِالْكَيْلِ وَالْمِيزَانَ  
بِالْقِسْطِ لَا تُكَلِّفُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا وَإِذَا قُلْتُمْ فَاعْدُوا أُولَٰئِكَ مَن ذَاقُوا عَذَابَ اللَّهِ  
وَبِعَهْدِ اللَّهِ أَوْفُوا ذَٰلِكُمْ وَصَّوْاكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿١٥٦﴾

**152. Етимнинг молига то вояга етгунча яқинлашманг. Магар яхши йўл билан бўлса, майли. Ўлчов ва тарозини адолат ила тўлиқ адо этинг. Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф этмаймиз. Агар гапирсангиз, қариндошингиз бўлса ҳам, адолат қилинг. Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилинг. Буларни сизга амр қилдикки, шояд, эсласангизлар.**

Етимнинг молини ейиш ижтимоий алоқаларни бузишдир. Етим заиф ҳол бўлгани учун жамият уни ҳимоя қилиши керак. Етимнинг молини ноҳақ еган одам унинг ҳаққига зулм қилган бўлади, шу билан бирга, жамият ҳаққига ҳам зулм қилади. Чунки, молсиз қолган етимни энди жамият боқиши керак бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, етимни қарамоғига олган одам унинг молига яқинлашиши мум-

кин эмас. Магар яхши йўл билан бўлса, ўша молни ўстириш учун, кўпайтириб вояга етганда унинг қўлига топшириш учун яқинлашса, майли.

**«Ўлчов ва тарозини адолат ила тўлиқ адо этинг».**

Бу ҳам ижтимоий алоқаларни яхшилаш, бировнинг ҳаққини емаслик йўлида кўрилган чора. Олди-берди вақтида ўлчаб берилган бировнинг ҳаққини ейиш ҳаром. Тарозида тортиладиган нарсаларни қинғир тортиб, бировнинг ҳаққини емоқ ҳам ҳаром.

Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлчов ва тарози билан ишлайдиганларга: «Сизлар ўзингиздан олдинги умматлар ҳалокатига сабаб бўлган ишни олгансизлар», — деганлар.

Бу ишда жуда ҳам адолатли бўлиш зарурлиги, бошқа ояти кари-малар ва ҳадиси шарифларда ҳам таъкидланган.

**«Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф этмаймиз».**

Ақийда бобида, ибодат ва муомала бобида ҳам қоида — шу. Ўлчов ва тарозида адолатли бўлиш ҳеч кимга ҳеч қандай офирлик туғдирмайди.

**«Агар гапирсангиз, қариндошингиз бўлса ҳам, адолат қилинг».**

Мўмин-мусулмон одам доимо Аллоҳнинг амрига мувофиқ иш олиб боиши зарур. Бу эса, унинг доимо адолат ила гапириши лозимлигини тақозо қилади. Шунинг учун, ҳақиқий мусулмон инсоний заифликка бориб, қариндошларига ноҳақ ён босишга имкон бермайди. Адолат Аллоҳнинг амри бўлиб, барча унинг олдида баробар. Бир ҳукмда қариндошга бир хил, бошқага ўзгача муомала қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолни фақат мусулмонларгина ҳаётга тадбиқ қилганлар, холос. Бошқалар адолат ҳақида ҳар қанча сафсата сотсалар ҳам, нари борганда, нисбий адолат, яъни, ўз яқинлари ва ўз тоифасига нисбатангина адолатли бўла олади.

**«Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилинг».**

Аллоҳга берган аҳдда ушбу оятларда зикр қилинаётган ҳодисалар, жумладан, қариндошга бўлса-да адолат қилиш, ўлчов ва тарозини адолат билан адо этиш, ноҳақ одам ўлдирмаслик, Аллоҳга ширк келтирмаслик ва бошқалар бор.

**«Буларни сизга амр қилдикки, шояд, эсласангизлар».**

Яъни, ғофил бўлмасдан, ҳар бир нарсани эслаб, қилар амалларингизни Аллоҳ амрига мувофиқ олиб борсангиз.

وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَنْ سَبِيلِهِ ۗ

ذَالِكُمْ وَصَّيْنَكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٥٣﴾

**153. Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинг. Ва бошқа йўлларга эргашманг. Бас, сизни Унинг йўлидан адаштирмасинлар. Мана шу сизга қилган амрки, шояд, тақво қилсангиз.**

Дунёдаги ягона тўғри йўл – Аллоҳнинг йўли. Инсон эргашмоғи лозим бўлган бирдан-бир йўл – шу йўл. Ундан бошқа йўлларнинг ҳаммаси нотўғри йўллар. Ким уларга ёки улардан бирортасига юрса, адашади. Нотўғри йўлга юрганлар Аллоҳнинг йўлидан адашган бўлади. Аллоҳ таолонинг ушбу нарсаларни бажаришга ҳукм қилиши ҳам бандалар тақво қилиб, тўғри йўлни топишлари учундир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадиларки: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўллари билан бир чизиқ чиздилар-да, сўнгра: «Бу – Аллоҳнинг тўғри йўли», дедилар. Кейин ўнг ва чап томонларидан чизиқ чизиб туриб: «Мана бу йўлларнинг ҳар бирининг бошида унга чақириб турадиган шайтон бор», дедилар ва: «Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинг. Ва бошқа йўлларга эргашманг. Бас, сизни Унинг йўлидан адаштирмасинлар» оятини тиловат қилдилар».

Аммо, бу тўғри йўл фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг умматига берилган эмас, балки ундан олдинги Пайғамбарларга, жумладан, Мусо алайҳиссаломга ҳам берилган.

ثُمَّ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ تَمَامًا عَلَى الَّذِي أَحْسَنَ وَتَفْصِيلًا لِّكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً لَّعَلَّهُمْ بِلِقَاءِ رَبِّهِمْ يُؤْمِنُونَ ﴿١٥٤﴾

**154. Яна Мусога ҳам китобни, яхшилик қилганга (неъмат) батамом бўлиши учун, ҳар бир нарса батафсил бўлиши учун, ҳидоят ва раҳмат бўлиши учун бердик. Шоядки, улар Роббиларига рўбарў бўлишларига иймон келтирсалар.**

Демак, Пайғамбарлар силсиласи, уларга тушаётган ваҳий ва китоблар дунё аввалидан рўй бериб келаётган воқелик. Аллоҳ дунёни яратиб, унда инсонни Ўз халифаси қилиб қўйган пайтиданоқ одам боласи Унинг Ўзи кўрсатган йўлдан юриши лозимлигини ҳам ирода қилган.

Ана шу силсиланинг Исломига энг яқин халқаси Мусо алайҳиссалом ва у кишининг шариатлари ҳамда у кишига туширилган Таврот китобидир.



Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбари Мусо алайҳиссаломга туширган Таврот китобидан кўзланган баъзи мақсадларини баён қилмоқда:

**«Яна Мусога ҳам китобни, яхшилик қилганга (неъмат) батамом бўлиши учун...»**

Яхшилик қилган инсон учун илоҳий китоб, илоҳий кўрсатма бўлмаса, неъмат батамом бўлмас экан. Инсон бу дунёда неъмат номи олан ҳамма нарсага эга бўлса-ю, иймони бўлмаса, Аллоҳ таоло берган китоб – йўлланма бўлмаса, унга берилган неъматлар ҳеч қачон мукамал бўла олмайди. Худди шунингдек,

**«...ҳар бир нарса батафсил бўлиши учун...»**

Инсон ҳаётидаги нарсаларнинг батафсил бўлиши учун ҳам илоҳий китоби бўлиш керак экан. Бусиз инсон батафсил баёнотга эга бўлмайди ва ҳар бир нарсани ўзи излаб топишга уринади. Оқибатда адашади ва ҳалокатга учрайди.

**«...ҳидоят ва раҳмат бўлиши учун».**

Ким ҳидоят изласа, илоҳий китобдан изласин, ким раҳмат изласа, илоҳий китобдан изласин. Бошқа жойдан топа олмайди.

Ана ўшандагина:

**«Шоядки, улар Роббиларига рўбарў бўлишларига иймон келтирсалар».**

Илоҳий китоб доимо бўлганлиги ва ундан кўзланган баъзи мақсадлар баён қилинганидан сўнг, келаси оятда Қуръонга эргашиш тарғиб қилинади:

وَهَذَا كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ مَبَّارِكٌ فَاتَّبِعُوهُ وَاتَّقُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ

**155. Биз туширган бу китоб муборақдир. Бас, унга эргашинглар. Ва тақво қилинглр. Шоядки, раҳим қилинсангизлар.**

Қуръони Карим кўплаб етук сифатларга мушарраф китобдир. У, бу дунёга ҳам, охиратга ҳам баракадир.

**«Биз туширган бу китоб муборақдир».**

Бу ҳақиқатни Қуръони Каримга алоқаси бўлган ҳар бир мусулмон яхши билади. Агар дунёда яшашдан мақсад икки дунёнинг баракасига эришмоқ бўлса:

**«Бас, унга эргашинг».**

Ундан ўзга эргашишга арзигулик нарса йўқ. Бошқалар баракасиз нарсалар. Уларга эргашганлар икки дунёда мақсадларига эриша олмайдилар. Қуръонга эргашиш билан бирга, тақво ҳам бўлиши зарур.

«Ва тақво қилинглар».

Чунки, тақвосиз Қуръонга эргашишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Агар инсон тақво ила Қуръонга эргашса:

«Шоядки, раҳим қилинсангизлар».

أَنْ تَقُولُوا إِنَّمَا أُنزِلَ الْكِتَابُ عَلَيَّ طَائِفَتَيْنِ مِنْ قَبْلِنَا وَإِنْ كُنَّا عَنْ دِرَاسَتِهِمْ لَغَافِلِينَ ﴿١٥٦﴾

156. «Биздан аввалги икки тоифага китоб туширилган, уларнинг дарсларидан ғофилмиз», демасликларингиз учун.

أَوْ تَقُولُوا لَوْ أَنَّا أُنزِلَ عَلَيْنَا الْكِتَابُ لَكُنَّا أَهْدَىٰ مِنْهُمْ فَقَدْ جَاءَكُمْ بَيِّنَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَهَدَىٰ وَرَحْمَةً فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن كَذَّبَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَصَدَفَ عَنْهَا سَنَجْزِي الَّذِينَ يَصْدِفُونَ عَنَّا أَيْنَمَا سَاءَ الْعَذَابِ بِمَا كَانُوا يَصْدِفُونَ ﴿١٥٧﴾

157. Ёки «Агар бизга китоб туширилганда, улардан кўра ҳидоятлироқ бўлар эдик», демасликларингиз учун, батаҳқиқки, сизга Роббингиздан очиқ ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат келди. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган ва улардан юз ўгирган кимсадан ҳам золироқ шахс борми? Тезда, оятларимиздан юз ўгирганларни юз ўгирганлари туфайли ёмон азоб ила жазолармиз.

Ушбу оят ила арабларнинг ҳеч бир узрлари қолмайди. Улар Исломга, Қуръонга амал қилмаслик учун бирон-бир баҳона топа олмайдилар. Улар баҳона қилишлари мумкин бўлган ҳар бир нарсага жавоб тайёр бўлди. Аллоҳ уларга:

«Биздан аввалги икки тоифага китоб туширилган, уларнинг дарсларидан ғофилмиз», демасликларингиз» учун Қуръонни туширдик, демоқда.

Яъни, Қуръони Карим нозил қилинмаганда, улар биздан аввалги икки тоифага — яҳудий ва насронийларга китоб туширилган (Таврот ва Инжил), улар ўша китобни дарс қилиб ўқишган, улар бандлик қилсалар бўлади. Аммо, бизга ҳеч қандай китоб тушгани йўқ, шунинг учун, биз хоҳлаганимизни қилишга ҳаққимиз бор, дейишлари мумкин эди. Аммо, энди айта олмайдилар. Чунки, Қуръон тушди. Қуръон охирги шариатнинг китоби бўлгани учун фақат арабларга эмас, ҳамма халқларга илоҳий дастур бўлиб тушди. У ҳамма халқларнинг бўйин товлаш учун қиладиган баҳоналарини бекорга чиқарди.

**«Агар бизга китоб туширилганда, улардан кўра ҳидоятлироқ бўлар эдик», демасликларингиз учун».**

Бу ҳам ўзларига алоҳида китоб тушмаганини баҳона қилиш, ҳатто бошқа аҳли китобларга таъна қилиш маъносини ўз ичига олади. Мана шу ва шунга ўхшаш баҳоналар билан ўзингизни олиб қочмас-лигингиз учун:

**«...батаҳқиқи, сизга Роббингиздан очиқ ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат келди».**

Қуръони Карим борлиғи билан очиқ ҳужжатдир. Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг биру борлигига, ягона илоҳ ва Робблигига, ягона Розик ва Ҳокимлигига очиқ-ойдин ҳужжатдир. Қуръони Карим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ Пайғамбар эканликлари, ким у зотга эргашса, нажот топишига очиқ-ойдин ҳужжатдир. Қуръони Карим ўзининг ҳақиқий илоҳий дастур эканлигига, Унга эргашганларга икки дунё саодати йўлини кўрсатишига очиқ-ойдин ҳужжатдир. Қуръони Карим Ислом динининг ҳақ дин бўлиб, барча замон ва маконга салоҳиятли эканлигига, қиёматгача боқийлигига, кишиларга икки дунё бахтини таъмин қилишига очиқ-ойдин гувоҳдир.

Қуръони Карим инсонларга Роббиларидан келган ҳидоятдир. У кишиларни залолатдан ҳидоятга бошлайди.

Қуръони Карим инсонларга Роббиларидан келган раҳматдир. Ҳам бу дунёда раҳматдир, ҳам у дунёда раҳматдир.

Ҳар бир инсон ушбу очиқ ҳужжат, ҳидоят ва раҳматни нозил қилган Роббул Оламийнга чексиз шукрлар қилмоғи лозим. Аммо, одамлар ичида шукр айтиш у ёқда турсин, куфр келтириб, мазкур оятларни ёлғонга чиқарадиганлар ва улардан юз ўтирадиганлар ҳам бор.

**«Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган ва улардан юз ўтирган кимсадан ҳам золиброқ шахс борми?»**

Албатта, очиқ ҳужжатдан юз ўтирган ва уни ёлғонга чиқарган ҳар қандай одам золим бўлади. Ўзига нисбатан ва ўзгаларга нисбатан зулм қилган бўлади. Чунки, у ўша очиқ ҳужжатни ёлғон деб, бошқа ёлғон ҳужжатларни рост ҳужжат сифатида кўрсатишга ҳаракат қилади. Одамларни ҳам шу йўлга бошлайди. Оқибатда ўзига ҳам, ўзгага ҳам зулм қилади, ҳалокатга учрайди. Бу ҳол оддий очиқ ҳужжатни ёлғонга чиқарган, ундан юз ўтирган одамнинг ҳоли. Энди, Аллоҳ таоло томонидан келган очиқ ҳужжатни ёлғонга чиқарган ва ундан юз ўтирганларнинг ҳоли нима бўлишини билиб олаверинг.

Шунингдек, оддий ҳидоятдан юз ўтирган одам аввало ўзига, қолаверса ўзгаларга зулм қилган бўлади. Отасининг насиҳатига юрмаган фарзанд ўзига қанчалик зулм қилиши, одамлар орасида мало-

матларга қолиши ва ниҳоят, оқибати нима бўлишини тасаввур қилса бўлади. Энди, Холиқининг, унга жон берган, ризқ берган, ҳидоятга йўллаган Роббул Олабийннинг насиҳатига – ҳидоятга юрмаган одамнинг аҳволини шунга қиёс қилаверинг.

Агар бир одам иккинчисига раҳмат – раҳим-шафқат кўрсатсаю, иккинчиси ундан юз ўгирса, барчанинг маломатига қолади; золимдан олиниб, золимга солинади. Энди, шу ҳолни ўз Роббидан келган раҳматни ёлғонга чиқариб, ундан юз ўгирган одамга таққослаб кўринг. Аллоҳ таолодан келган Қуръони Каримни – очиқ ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат бўлмиш китобни ёлғонга чиқариб, ундан юз ўгирганлар ана шундай золимлардир. Дунёда улардан кўра золироқ одам йўқ. Улар бу зулмлари эвазига тегишли жазо олишлари муқаррардир.

**«Тезда, оятларимиздан юз ўгирганларни юз ўгирганлари туфайли ёмон азоб ила жазолармиз».**

Улар бундай жазога муносибдирлар. Улар нафсларидаги бузуқлик оқибатида куфр келтирганлар, оятларни ёлғонга чиқариб, ундан юз ўгирганлар. Улар нимани кутмоқдалар? Нима учун иймон келтирмайдилар? Ёки кутиб турган бирон нарсалари борми?

هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ تَأْتِيَهُمُ الْمَلَائِكَةُ أَوْ يَأْتِيَ رَبُّكَ أَوْ يَأْتِكَ بَعْضُ آيَاتِ رَبِّكَ يَوْمَ يَأْتِي  
بَعْضُ آيَاتِ رَبِّكَ لَا يَنْفَعُ نَفْسًا إِيْمَانُهَا لَمْ تَكُنْ ءَامِنْتَ مِنْ قَبْلُ أَوْ كَسَبَتْ فِي إِيمَانِهَا خَيْرًا قُلْ  
اَنْظُرُوا إِنَّا مُنْظِرُونَ ﴿١٥٨﴾

**158. Улар фаришталар келишини, ё Роббингнинг келишини ёки Роббингнинг баъзи оятлари келишини кутмоқдалар, холос. Роббингнинг баъзи оятлари келган кунида ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, иймони наф бермас. «Кутаверинглар, биз ҳам кутгувчилармиз», – деб айт.**

Иймон келтирмай турганларнинг кимлиги, қайси замонга мансублиги эътиборидан уламолар ушбу оятга хос ва умумий таъвил этганлар. Агар ояти каримадаги «улар»дан мурод, бошқа оятларда зикр қилинганидек, Қурайш кофирлари бўлса, «фаришталар»дан мурод, бошқа оятларда зикр қилинганидек, қурайш кофирлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни қувватлаш ва тасдиқлаш учун талаб қилишган фаришта бўлади. Чунки, улар: «Агар унга фаришта туширилса эди», деганлар. Шунингдек, қурайш кофирлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан Аллоҳни кўрса-

тишни ҳам талаб қилганлар. Шунга биноан, улар Аллоҳнинг Ўзининг келишидан ҳам умидвор эдилар.

«Роббингнинг баъзи оятлари»дан мурод – лол қолдирувчи мўъжизалар. Шундай талаблар қилингани ушбу суранинг аввалги оятларида ҳам бир неча марта зикр қилинган эди.

Агар ояти каримага умумий ҳолни эътиборга олиб таъвил бериладиган бўлса, «фаришта»лардан мурод – ўлим фаришталаридир.

«Роббингнинг келиши» – қиёмат кунининг қойим бўлиши;

«Роббингнинг баъзи оятлари» – қиёмат аломатлари, демақдир.

Имом Бухорий ушбу оятнинг тафсирида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадисни ривоят қилганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуёш ўзи ботадиган жойидан чиқмагунча қиёмат қойим бўлмайди. Одамлар уни кўрган чоғларида ҳаммалари иймонга келадилар. Бу эса, олдин иймон келтирмаган бўлса, ҳеч бир жонга наф бермайди», – деганлар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч нарса чиққан пайтда ҳеч бир жонга олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхши касб қилмаган бўлса, бу иймони наф бермайди. Қуёш ўзи ботадиган жойдан кўтарилса, Дажжол қўпса ва ер ҳайвони чиқса», – деганлар. Чунки, Қуръони Каримда келганидек, бундай иймон бефойдадир. Хоҳ бу дунёда бўлсин, хоҳ у дунёда бўлсин, Аллоҳнинг баъзи оятлари келганда дунё тугаган бўлади.

**«Роббингнинг баъзи оятлари келган кунда ҳеч бир жонга, олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган бўлса, бу иймони наф бермас».**

Лол қолдирувчи мўъжиза-оят келгандан кейин иймон келтиришнинг нима фойдаси бор? Ўлим фариштаси жонини олишга келганда иймон келтиришнинг нима фойдаси бор? Қиёматнинг аломатларини кўргандан сўнг иймон келтиришнинг нима фойдаси бор? Агар улар мазкур нарсаларни кутаётган бўлсалар:

**«Кутаверинглар, биз ҳам кутгувчилармиз, – деб айт».**

Иш шундай бўладиган бўлса, энди Исломни маҳкам тутиш керак, турли йўлларга эътибор бермаслик керак. Шу боис, келаси оятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидагича хитоб қилинмоқда:

إِنَّ الَّذِينَ فَرَقُوا دِينَهُمْ وَكَانُوا شِيعًا لَسْتَ مِنْهُمْ فِي شَيْءٍ إِنَّمَا أَمْرُهُمْ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ يُنَبِّئُهُم بِمَا  
كَانُوا يَفْعَلُونَ

**159. Динларини тафриқа қилиб, ўзлари гуруҳбозлик қилганлар билан ҳеч бир алоқанг йўқ. Албатта, уларнинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола. Сўнгра, қилган ишларининг хабарини берур.**

Дунёда турли динларни тутганлар, динига тафриқа тушганлар кўп. Шу билан бирга, ўзлари турли гуруҳларга, фирқаларга бўлиниб олиб, тарафкашлик қилиб юрганлар ҳам кўп. Лекин сенинг улар билан ҳеч қандай алоқанг йўқ. Сенинг Аллоҳ ҳузуридан келган ва Унинг ҳузурида мақбул дининг бор. Аллоҳ берган ва, фақат шуни қабул қиламан, деган шариатинг бор. Аллоҳ туширган ва, қиёматгача муҳофаза қиламан, деган илоҳий дастуринг – Қуръон бор. Сен йўлингда шахдам юравер. Улар билан алоқанг йўқ. Динларига тафриқа солган ва гуруҳбозлик қилганларни Аллоҳ Ўзи билади:

**«Албатта, уларнинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола».**

Ҳозирча улар нима қилса, қилиб юраверсинлар. Аммо, бир куни келиб, улар албатта Аллоҳ таолога дучор бўладилар.

**«Сўнгра, қилган ишларининг хабарини берур»** ва шунга яраша ҳисоб-китоб қилур. Ҳисоб-китоб қуйидаги қоида асосида бўлур:

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ فَلَا يُجْزَىٰ إِلَّا مِثْلَهَا وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١٥٩﴾

**160. Ким бир яхшилик қилса, унга ўн баробар қайтарилур. Ким бир ёмонлик қилса, унга фақат қилганига яраша жазо бўлур. Ва уларга зулм қилинмас.**

Бу, Аллоҳ таолонинг Ўзига Ўзи раҳмат ёзиб қўйганидандир. Ким яхшилик қилса, савобини ўн баробар кўпайтириб беради ва ким ёмонлик қилса, фақат ўша ёмонлигига яраша жазо беради.

Суранинг охирида Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга яна такрор-такрор «айт» деб хитоб қилиб, ўтган масалаларга, тортишувларга яқун ясайди:

قُلْ إِنِّي هَدَيْتَنِي رَبِّيَ إِلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ دِينًا قِيمًا مِّلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٦٠﴾

**161. Сен: «Албатта, Мени Роббим тўғри йўлга–рост динга–тўғриликка мойил Иброҳим миллатига ҳидоят қилди. У мушриклардан бўлмаган эди», – деб айт!**



Бу, Аллоҳ таоло берган дин ила ғурурланишдир. Мусулмон киши Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қанчалар фахрланса, арзийди, қанчалик шукр қилса, арзийди. Чунки, уларнинг йўли Роббилари томонидан кўрсатилган рост диндир. Чунки, уларнинг миллати тўғрилиқка мойил – бошқа томонга бурилмайдиган миллат – Иброҳим алайҳиссаломнинг миллатидир. У зот ҳеч қачон мушриклардан бўлмаган. У кишининг миллатидан бўлганлар ҳам мушриклардан бўлмаслиги керак.

قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٦٢﴾

**162. Сен: «Албатта, менинг намозим, ибодатларим, ҳаёт ва мамотим оламларнинг Робби Аллоҳ учундир.**

لَا شَرِيكَ لَهُ وَلَهُ يُدْعُكَ مِنْ دُونِ الْمَسْجِدِ وَأَنَا أَوَّلُ الْمَسْلُومِينَ ﴿١٦٣﴾

**163. Унинг шериги йўқ. Ана шунга буюрилганман. Ва мен энг аввалги мусулмонларданман.**

Бу оятлар мусулмон одам бутунлай Аллоҳига ажралиб чиқиши лозимлигини кўрсатади. У намозни фақат Аллоҳ учун ўқийди. Бошқа зот учун ёки бадантарбия, ахлоқий машқ, ота-онасини хурсанд қилиш, жамоатчиликка маъқул келиш учун эмас. У ибодатларини фақат Аллоҳ учун адо этади. Ҳаж қилса, рўза тутса, закот берса, Аллоҳ учун қилади. Бировнинг гапи, мақтови ёки эҳтироми учун қилмайди. Мусулмон киши тириклигининг ҳамма соҳаси, барча тарафлари фақат Аллоҳ учун бўлади. Ҳатто мусулмон кишининг миллати ҳам Аллоҳ учун бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, у кишининг умматлари бўлмиш биз мусулмонлар ҳам шунга буюрилганмиз. Бошқача эмас.

قُلْ أَعْيَرَ اللَّهُ ابْنِي رَبًّا وَهُوَ رَبُّ كُلِّ شَيْءٍ وَلَا تَكْسِبُ كُلُّ نَفْسٍ إِلَّا عَلَيْهَا وَلَا نُزِرُ وَأَنْزِرُ ۖ وَزُرَّا ۖ وَزُرَّا ۖ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ مَرْجِعُكُمْ فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿١٦٤﴾

**164. Аллоҳдан ўзгани Роббим дейми? Ҳолбуки, У ҳамма нарсанинг Роббидир. Ҳар бир жон ёмон касб қилса, фақат ўзига зиён қилур. Ҳеч бир жон бошқанинг оғирлигини кўтармас. Сўнгра, Роббиларингизга қайтишингиз бор. Бас, У сизларга ихтилоф қилган нарсаларингизнинг хабарини берур.**

Дунёдаги барча нарсаларнинг Робби – Тарбиячиси, Йўловчиси, Ризқ бергувчиси ва Ҳукм қилгувчиси бўлган Аллоҳ туриб, Унинг махлуқларидан бирини Роббим дейинми?!

**«Ҳолбуки, У ҳамма нарсанинг Роббидир».**

Ҳамма нарсанинг Роббини қўйиб, ўзгани Роббим десам, ҳолим нима бўлади? Ҳолим хароб бўлади-ку, ахир?!

**«Ҳар бир жон ёмон касб қилса, фақат ўзига зиён қилур».**

Шундай экан, Аллоҳдан ўзгани Роббим десам, ёмон касб қилган бўламан. Ўзимга зиён қилган бўламан. Нима учун билиб туриб ўзимга зиён қилишим керак экан?!

**«Ҳеч бир жон бошқанинг оғирлигини кўтармас».**

Агар мен Аллоҳдан ўзгани Роббим деб, оғирлик – гуноҳ касб қилсам, бу оғирликни ўзим кўтаришим керак. Нима учун ўзимга оғир бўлишини билиб туриб, оғирлик юклашим керак?!

**«Сўнгра Роббиларингизга қайтишингиз бор».**

Мўмину кофир, муваҳҳиду мушрик – ҳамма-ҳамма Роббига қайтиши муқаррардир. Шундай бўлгандан кейин Аллоҳдан ўзгани Роббим дейиш аҳмоқлик-ку?!

**«Бас, У сизларга ихтилоф қилган нарсаларингизнинг хабарини берур».**

У ҳолда ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлар экан. Хўш, шундай бўлса, нима учун Аллоҳдан ўзгани Роббим дейишим керак?!

وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْخَلِيفَةَ فِي الْأَرْضِ وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِّيَبْلُوكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ

**165. У сизларни ер юзида халифалар қилган ва Ўзи берган нарсаларда сизни синаш учун баъзингизнинг даражасини баъзингиздан устун қилган зотдир. Албатта, Роббинг иқоби тез Зотдир. Ва, албатта, У мағфират қилувчи ва раҳимлидир» – деб айт.**

Аллоҳ таоло ер юзида сизларни халифаси қилиб яратди. Авлоддан-авлодга ўтиб, ер юзини обод қилиб, унда Аллоҳнинг иродаси ва ҳукми, ибодати, иймон-Исломи собит бўлиши учун ҳаракат қиласизлар.

Аллоҳ таоло бу дунёда сизларни турли даражаларда қилиб қўйиши ҳам сизларни синаш учундир. Ким шу синовдан яхши ўта олмаса, билсинки:

**«Албатта, Роббинг иқоби тез Зотдир».**

Имтиҳондан яхши ўтганлар эса, билсинларки:

**«Ва, албатта, У мағфират қилувчи ва раҳимлидир».**



## АЪРОФ СУРАСИ

*Маккада нозил бўлган. 206 оятдан иборат.*

Ушбу сурага ўзининг ояти карималаридан бирида келган «Аъроф» сўзи ном қилиб олинган. «Аъроф» калимаси араб тилида баландлик, юқори жой маъноларини англатади. Араблар хўрознинг тожини ҳам «араф» дейдилар. Суранинг номи эса, жаннат билан дўзах орасидаги баландлик жойдан – девордан олиниб, «Аъроф» деб қўйилган. Қиёматда баъзи одамлар «Аъроф» деб номланган ўша баланд деворда туриб, у ердан жаннат ва дўзах аҳлларини таниб, улар билан суҳбатлашадилар.

Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби «Аъроф» сурасининг бош мавзуи ақийда масаласидир. Аммо, ушбу сураи карима бу муҳим масалани, бошқа суралардан фарқли ўлароқ, ўзига хос услубда – ўтган умматларнинг қиссалари орқали муолажа қилади. Бу сурада Одам алайҳиссаломдан тортиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламгача барча Пайғамбарлар ҳақида сўз кетади.

Сураи кариманинг аввалида икки масала: Қуръони Карим масаласи ва Қуръонни ҳамда илоҳий ваҳийни инкор қилувчилар масаласи муолажа этилади. Қиёмат куни бу ҳақда албатта сўроқ-савол бўлиши таъкидланади. Чунки, Аллоҳ таоло инсонларга бу дунёда турли неъматларни берган. Инсон ушбу неъматларга шукр қилиб яшамоғи лозим. Шукр эса, неъматни Неъмат Берувчи рози бўладиган қилиб сарфлаш ва Неъмат Берувчига мақтовлар айтиш билан бўлади.

Ушбу сурада ўша улуғ неъматлардан бири Одам Атони улуғлаш эканлиги эслатилиб, унинг қиссаси келтирилади. Одам болалари огоҳлантирилади. Кишиларнинг ҳидоятга ёки залолатга кетиш сабаблари баён қилинади.

Сўнгра, одамларга бериладиган моддий неъматлар – кийим-бош ва таомлар ҳақида гап кетади. Бу неъматлардан фойдаланишда исрофчи бўлмаслик таъкидланади. Ҳар бир умматнинг ҳам шахслар каби ажали борлиги баён қилинади. Ислом дини осонлик дини экани айтилади.

Кейин қиёмат куни манзаралари орасидан мазкурларга мос манзара келтирилади. Кофирларнинг ҳоли, орзу-умидлари, Аллоҳнинг иши ва иродасининг юзага чиқиш кайфияти баён қилинади. Дуо одоблари, ҳақиқат далиллари келтирилади.

Яна Нух, Ҳуд, Самуд, Лут ва Шуайб қиссалари берилади. Қиссаларда ибрат борлиги таъкидланади.

Сўнгра, Мусо алайҳиссалом, Фиръавн ва Бани Исроил қиссаси батафсил зикр этилади. Унда сеҳр ва сеҳргарлар, тўққиз оят-мўъжиза, заифҳол кишилар, Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиши, Тавротнинг нозил бўлиши, Бани Исроилнинг бузоқни худо қилиб олиши ва бошқа ҳолатлар ҳам ўрин олган.

Орада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг саҳобалари ҳақида, Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бутун башариятга Пайғамбар бўлиб келганликлари ҳақида ҳам сўз юритилади.

Кейин яна Мусо алайҳиссалом ва у кишининг қавмлари Бани Исроил мавзуига қайтилиб, уларга Аллоҳ берган неъматлар ҳақида сўз юритилади. Шанба куни соҳиблари ҳақида гап кетади, Бани Исроил билан бўлган аҳднома баён қилинади.

Аллоҳ оятларини ёлғонга чиқарувчилар ва залолатга кетганларнинг мисоли, дўзах аҳлининг сифатлари келтирилади. Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ҳақида баёнот келади.

Охирига келиб эса, ким ҳидоятда, ким залолатда экани баён этилади. Қиёмат ҳақида савол берганларга жавоб берилади. Одам Ато ва Момо Ҳаволар ҳеч қачон мушрик бўлмаганлари баён қилинади. Қуръони Карим қироати ҳақидаги оятлар билан сурага хотима ясалади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

المصّ

1. Алиф. Лаам. Мийм. Соод.

كُنْتُ أَنْزَلَ إِلَيْكَ فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ مِّنْهُ لِنُنذِرَ بِهِ. وَذِكْرَى لِلْمُؤْمِنِينَ

2. Бу, сенга у ила огоҳлантиришинг учун ва мўминларга эслатма этиб нозил қилинган китобдир. Кўнглингда ундан танглик бўлмасин.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони Карим ила ҳеч нарсага эътибор бермай кофирларни огоҳлантираверишни ва мўминларга эслатма беришни амр қилмоқда. Чунки, одамларга Қуръон ила мурожаат қилиш осон эмас. Бу йўлда кўпгина қийинчиликлар келиб чиқади. Қуръони Каримни одамларга етказишга уринган киши уларнинг ҳавойи нафс-ларига, шаҳватларига, мансабларига, ижтимоий ўринларига, урфларига ва кўнгилларига ёқадиган бошқа нарсаларга қарши гапириши керак бўлади. Шунинг учун ҳам, бу йўлда танглик кўп чиқади. Золим ҳокимлар ҳақидаги оятларни етказган даъватчига ҳокимлар «Менга суиқасд қилмоқда, ўрнимни тортиб олмоқчи», – деб тухмат қилади. Ўғрининг қўлини кесиш ҳақидаги оятларни етказган даъватчи ўғрилардан озор кўради. Намоз ҳақидаги оятларни етказган кимса бенамозлардан танглик кўради. Аёлларга тегишли оятларни етказган одам аёллардан таънаи-дашномларга қолади. Бу ҳол Қуръ-они Карим нозил бўлгандан буён мусулмонлар бошида рўй бераётган ҳолдир.

Энди, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ёлғиз ёки бир қисмгина иймонли кишилар билан бутун оламдан қанчалик танглик кўрганларини тасаввур қилайлик. Шундай бўлса ҳам, Аллоҳ таоло у кишининг кўнгилларида танглик бўлмаслиги зарурлигини таъкидламоқда. У зоти бобаракот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари кўнглида ҳам ҳеч қандай танглик бўлмаслиги керак. Улар Қуръонга жазм ила амал қилишга ўтмоқлари лозим.

اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا مِن دُونِهِ أَوْلِيَاءَ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ

**3. Сизларга Роббингиздан нозил қилинган нарсага эргашинглар! Ундан бошқа валий – дўстларга эргашманглар. Жуда оз эслайсизлар.**

Инсонлар бу дунёда эргашмоғи лозим бўлган бирдан-бир нарса ўз Роббиларидан – тарбиячилари, йўлловчилари, эгалари, ризқ берувчилари ва ҳомийлари Аллоҳдан нозил бўлган Қуръондир.

Инсонлар Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай дўстга эргашмасликлари керак. Чунки, Аллоҳдан бошқага эргашган киши нажот топмайди. Аммо, минг афсуски, ғофил инсонлар буни англамайдилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларга хитоб қилиб:

**«Жуда оз эслайсизлар»,** демоқда.

Тарихда эса, оз эслаганлар – Аллоҳдан нозил бўлган нарсага эргашмай, Аллоҳдан ўзгани дўст тутганлар ҳалокатга йўлиқишган.

Исённинг оқибати қандай бўлишини қуйидаги оятлар баён қилади:

وَكَمْ مِّن قَرْيَةٍ أَهْلَكْنَاهَا فَجَاءَهَا بِأَسْنَابَيْتٍ أَوْ هُمْ قَائِلُونَ ﴿٤﴾

**4. Қанчадан-қанча шаҳар-қишлоқларни ҳалок қилдик. Бас, азобимиз уларга тун уйқусида ёки кун уйқусида келди.**

Яъни, Аллоҳ таоло исён қилган кўплаб қавмларни ҳалокатга учратган. Одатда, уларга Аллоҳнинг азоби кечаси ёки кундузи ухлаб ётган вақтларида, ғафлатнинг чўққисига чиққанларида келган.

فَمَا كَانَ دَعْوَاهُمْ إِذْ جَاءَهُمْ بِأَسْنَاءٍ إِلَّا أَنْ قَالُوا إِنَّا كُنَّا ظَالِمِينَ ﴿٥﴾

**5. Бас, Бизнинг азобимиз келган чоғида уларнинг даъволари: «Албатта, биз золимлардан бўлган эдик», – дейишларидан бошқа нарса бўлмади.**

Яъни, улар азобга учраганларида даъво қилиш учун ҳеч нарса келтира олмайдилар. Айтган гаплари фақат «**Албатта, биз золимлардан бўлган эдик**» дея ўз гуноҳларини эътироф этиш бўлади, холос. Зулмнинг энг каттаси ширкдир. Демак, улар ўзларининг бошқа гуноҳлари қатори мушрик эканликларини ҳам эътироф қиладилар.

Мушрик, кофир ва гуноҳкорлар фақат бу дунёдагина азобга дучор қилинмайди, балки асосий азоб-уқубат охиратда бўлади:

فَلَنَسْأَلَنَّ الَّذِينَ أُرْسِلَ إِلَيْهِمْ وَلَنَسْأَلَنَّ الْمُرْسِلِينَ ﴿٦﴾

**6. Бас, Биз, албатта, Пайғамбар юборилганлардан ҳам ва, албатта, Пайғамбарлардан ҳам сўрармиз.**

Яъни, охиратда Пайғамбар келган ҳар бир қавмдан ва шахсдан: «Сизларга Пайғамбар келдими? Бизнинг амрларимизни етказдими? Сизлар нима дедингиз?» – деб сўралади. Шунингдек, Пайғамбарлардан ҳам: «Амримизни умматларингизга етказдингизми? Улар сизга қандай жавоб бердилар?» – деб сўралади.

فَلَنَقُصِّنَّ عَلَيْهِم بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٧﴾

**7. Бас, уларга илмий равишда қисса қилиб берурмиз. Ҳолбуки, Биз ғойиб бўлмаган эдик.**



Демак, аввалги оятдаги савол бирор нарсани аниқлаш учун эмас, балки гуноҳни иқрор қилдириш учун бўлар экан. Ушбу оятдан кейин, «**уларга илмий равишда қисса қилиб берурмиз**», дейилмоқда.

Яъни, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани Ўзининг шомил илми ила билиб турган. Энди эса, қиёматда халойиқнинг ҳузурида ўша илм асосида гуноҳларини ўзларига айтиб беради. Чунки, Аллоҳ таоло ҳеч бир нарсадан ғойиб бўлмаган. У зот ҳар нарса ҳузурида ҳозир у нозирдир.

وَالْوَزْنُ يَوْمَئِذٍ الْحَقُّ فَمَنْ ثَقُلَتْ مَوَازِينُهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٨﴾

**8. Ўша куни (амалларни) тортиш ҳақдир. Бас, кимнинг тортилган(амал)лари оғир келса, ана ўшалар нажот топгувчилардир.**

Қиёмат куни фақат савол-жавоб билан кифояланиб қолинмайди. Балки ундан ҳам дақиқроқ ишлар бўлади. Ҳар бир инсоннинг қилган амаллари тарозига солиб тортилади. Бу тарози аниқ ишлайдиган тарози бўлиб, зарранинг оғирлигини ҳам сезади. Ана ўша тортишда кимнинг амаллари оғир келса, у нажот топади, жаннатга киради.

وَمَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ فَأُولَئِكَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ بِمَا كَانُوا بِآيَاتِنَا يَظْلِمُونَ ﴿٩﴾

**9. Ва кимнинг тортилган(амал)лари енгил келса, бас, ана ўшалар Бизнинг оятларимизга зулм қилиб, ўзларига зиён этганлардир.**

Қиёматда тортилган амаллари енгил келадиганлар кофир, мушрик ва гуноҳкорлардир. Улар кофирликлари, мушрикликлари ва гуноҳкорликлари билан фақат ўзларига зиён қиладилар. Ўзларига ўзлари зиён қилдиларми, энди, ўзларидан кўраверсинлар. Ахир, улар Аллоҳнинг оятларига зулм қилган, яъни ширк келтирган эдилар.

Аслида, иймон келтириб, мусулмон бўлиб яшамоқлари лозим эди. Чунки, Аллоҳ уларга келаси оятларда зикр қилинадиган неъматларни берган эди:

وَلَقَدْ مَكَّنَّاكُمْ فِي الْأَرْضِ وَجَعَلْنَا لَكُمْ فِيهَا مَعِيشَةً قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴿١٠﴾

**10. Батаҳқиқ, Биз сизларга ер юзида имкон бердик ва унда маишат (воситалари) қилдик. Жуда оз шукр этасизлар.**

Ҳоят қисқа иборалардан ташкил топган ушбу ояти карима чексиз ҳақиқатни, воқеликни мужассам қилгандир. Ер юзида инсонга

яшаш имконини бериш осон иш эмас. Бу имконни яратиш учун қанчадан-қанча бир-бирига боғлиқ ишлар амалга оширилган. Аввало, олам инсон ҳаётига мосланган, кейин, инсон бу дунёда яшашга мослаштирилган. Бу икки тарафлама мослашишнинг вужудга келишига сабабчи ишлар ҳақида олимлар қанчадан-қанча китоблар ёзганлар ва ёзмоқдалар ҳам. Инсон ақлини ишлатиб, дунёда унга яратиб қўйилган яшаш имконларидан ақалли бир ёки иккитасини ўйлаб кўрса, тушуниб етадики, Аллоҳга ҳар қанча шукр қилса ҳам оз экан. Мисол учун, энг эътибор берилмайдиган нарсани – ҳавони олиб кўрайлик. Инсон ҳавосиз яшай олмайди. Аммо, ҳаёт учун зарур ҳаво фақат ерда ва атрофида бор. Ундан юқорига чиқсангиз ҳам йўқ, пастга тушсангиз ҳам йўқ. Қолаверса, ҳавони доимо тозалаб, инсонга керакли ҳолга келтириб турувчи омилларни, жумладан, дарахтларни ҳам Аллоҳ таоло яратиб қўйган. Бу неъматнинг қадрини билиш учун инсон ҳавоси йўқ жойда ёки ҳавоси бузуқ жойда бир оз турса, кифоя. Аммо, ҳаво ҳар қанча мусаффо бўлса ҳам, уни қабул этиб турувчи аъзо бўлмаса, бефойда. Хўш, ҳавони қабул қиладиган, бошқа аъзоларга ҳам таъсирини ўтказадиган аъзоларни инсонга ким берган? Албатта, Аллоҳ берган. Аллоҳ инсоннинг ер юзидаги ҳаётига имкон ўлароқ ўша аъзоларни бериб, уларни маълум тариқада ишлайдиган қилиб қўйган. Ушбу неъматнинг қадрини билиш учун нафаси қисадиган одамнинг олдида бир оз ўтиришнинг ўзи кифоя. Аллоҳ инсонга ер юзида яшаши учун берган имконияти сон-саноксиз бошқа имкониятлардан бири, холос. Одатда, одам ўзига бирор нарса берган шахсга ташаккур айтиб, уни ҳурматлайди. Аммо, кўп инсонлар шунчалик беҳисоб нематларни берган Аллоҳни инкор этадилар ва Унга шукр қилмайдилар. Шукр қиладиганлари эса, жуда оз. Уларнинг шукри ҳам жуда оз.

وَلَقَدْ خَلَقْنَاكُمْ ثُمَّ صَوَّرْنَاكُمْ ثُمَّ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ  
 لَمْ يَكُن مِّنَ السَّاجِدِينَ ﴿١٧﴾

**11. Ва батаҳқиқ, Биз сизларни яратдик, кейин сизларга суврат бердик. Сўнгра эса, фаришталарга: «Одамга сажда қилинг», – дедик. Бас, улар сажда қилдилар. Магар Иблис сажда қилувчилардан бўлмади.**

Аллоҳ инсонни яратган – йўқдан бор қилган зотдир. Шунчаки яратиб қўймай, унга инсоний суврат ва табиат ҳам берган Зотдир. Бинобарин, инсон нафақат яшаш имкони учун, балки уни дунёга келтириб,

инсон сувратини бергани учун ҳам Аллоҳ олдида қарздордир. Инсон ўзига берилган имкониятларни Аллоҳдан бошқа биров бера олишини исбот қила олмаганидек, ўзини дунёга келтирган Зот ҳам фақатгина Аллоҳ эканини эътироф этишдан бошқа иложи йўқ. Инсон ўзидан-ўзи дунёга келиб қолгани йўқ. Ўзини ўзи ҳам ярата олмайди. Бошқа биров ҳам уни ярата олмайди. Инсон маймундан пайдо бўлган деган фикр эса, дунёдаги энг аҳмоқона фикр экани илмий равишда исбот этилди. Шунинг учун ҳам, Инсон Аллоҳга шукр қилмоғи лозим. Аллоҳ таоло инсонни яратиб, унга суврат бериш билан кифояланиб қолмади. Балки, уни Ўз махлуқлари ичида улуғлади:

**«Сўнгра, эса фаришталарга: «Одамга сажда қилинг», – дедик».**

Бу нарса одам учун улуғ мақом эди. Фаришталар Аллоҳнинг ўзига хос махлуқлари бўлиб, инсонлар улар ҳақида фақат Аллоҳ хабар берган нарсаларнигина биладилар. Бу ҳақда аввал ўтган оятлар тафсирида муфассал гапирилган. Ана ўша маълумотларда Аллоҳ таоло фаришталарни фақат итоат қиладиган табиат ила нурдан яратгани ҳақида сўз кетган эди. Фаришталарда исён-гуноҳ қилиш қобилияти йўқ, улар фақат итоат этадилар, холос. Шунинг учун ҳам, улар Аллоҳ таолога яқин – муқарраб халқдирлар. Энди, ана шундай, нурдан яратилган, фақат тоат ила машғул бўлган муқарраб зотларнинг Одамга сажда қилишга амр этилиши, албатта, Инсонни улуғлашдан бошқа нарса эмас. Ана ўша амри илоҳий содир бўлганда фаришталар уни сўзсиз адо этдилар. Одамга сажда қилдилар.

**«Магар Иблис сажда қилувчилардан бўлмади».**

Шунингдек, Иблис вакил бўлмиш жин олами ҳам бошқача бир олам. У на инсон оламига ва на фаришталар оламига ўхшайди. Инсон у олам ҳақида ҳам Аллоҳ таолонинг хабаридан бошқа маълумотни билмайди. Иблис ва жинлар ҳақида ҳам аввал ўтган оятлар ва уларнинг тафсирида муфассал сўз кетган. Иблис ўтдан яралгани, маъсиятга мойиллиги маълум, аммо ушбу сурада, хусусан келаси оятда унинг нима учун Одамга сажда этмай, Аллоҳга исён қилганининг сабаби кўрсатилади:

قَالَ مَا مَنَعَكَ أَلَّا تَسْجُدَ إِذْ أَمَرْتُكَ قَالَ أَنَا خَيْرٌ مِّنْهُ خَلَقْنِي مِن نَّارٍ وَخَلَقْتَهُ مِن طِينٍ ﴿٣٥﴾

**12. У зот: «Сенга амр этганимда сажда қилишингдан нима тўсди?» – деди. У: «Мен ундан яхшиман, мени ўтдан яратдинг ва уни лойдан яратдинг», – деди.**

Мана шу нарса дунёдаги барча исённинг бошидир. Аллоҳдан келган амрни сўзсиз бажариш махлуқотларнинг бурчидир. Аммо,

илоҳий амрни муҳокама қила бошлаш, уни бажармасликка баҳона ахтариш фасоднинг бошидир. Лаънати Иблис Аллоҳнинг биру борлигини ҳеч вақт инкор қилмаган, шунингдек, Унинг Холиқ – яратувчи, Розик – ризқ берувчи, Робб – тарбия қилувчи, йўлланма берувчи, Ҳоким – ҳукм қилувчи эканини ҳам ҳеч қачон рад этмаган. Унинг исёни – Аллоҳдан келган амрни турли баҳоналар билан амалга оширмаслигидир. Энг ёмони – гуноҳни қилиб қўйиб, тавба этмасдан, қилмишини оқлашга ўтишидир.

Аллоҳ таоло Ўз амрини бажармаган, Одамга сажда қилмаган Иблисдан:

**«Сенга амр этганимда сажда қилишингдан нима тўсди?»** – деб сўраганида, у «Тавба қилдим, хато қилибман» дейиш ўрнига:

**«Мен ундан яхшиман, мени ўтдан яратдинг ва уни лойдан яратдинг», – деди».**

Яъни, Аллоҳнинг очиқ-ойдин фармони туриб, ўзининг фикрини ишлатди. Аллоҳнинг амри турганда, қачон фикрбозликлар бошланса, Иблиснинг иши қилинган бўлади. Бунинг оқибати Иблиснинг оқибатига ўхшаш бўлади. Иблиснинг оқибати эса, қуйидаги оятда баён қилинади:

قَالَ فَاهْبِطْ مِنْهَا فَمَا يَكُونُ لَكَ أَنْ تَتَكَبَّرَ فِيهَا فَاخْرُجْ إِنَّكَ مِنَ الصَّاغِرِينَ ﴿١٧﴾

**13. У зот: «Бас, у(жаннат)дан туш! Сен учун унда мутакаббирлик қилиб юриш йўқ. Бас, чиқ! Албатта, сен хору зор бўлгувчилардансан», – деди.**

Иблис Аллоҳнинг айтганига амал қилмагани учун шундай жазога дучор бўлди. Аслида, Иблис ўзини юқори тутишни ирода қилган эди. Шунинг учун ҳам, «Асли менинг аслимдан паст бўлган Одамга сажда қиламанми?» деб исёнга кетган эди. Аллоҳ эса, уни иродасига зид қилиб, яъни, хору зор қилиб жазолади. Аллоҳнинг амрини билиб туриб, эътиқод қилиб туриб, унга амал қилмагани учун Аллоҳнинг даргоҳидан қувилди, Унинг лаънатига учради. Ушбу ҳолатга алоҳида эътибор берилса, бугунги кунда ўзини мусулмон ҳисоблаб юрган кўплар аслида иблисона ишлар қилаётганлари маълум бўлади. Чунки, улар ҳам Иблисга ўхшаб, Аллоҳга ишонаман, динга эътиқодим бор деб, ҳаммаёққа сафсата сотадилар. Аммо, «эътиқодинг бўлса, иймон даъвоси қилсанг, намоз ўқи, рўза тут, Аллоҳнинг айтганини қил», десангиз, турли баҳоналарни топади. Энг катта ва машҳур гаплари: «Эътиқод – қалбнинг иши, дин – одамнинг шахсий иши, модомики, мен Аллоҳнинг борлигини билар эканман, динга эътиқод

қилар эканман, мен мусулмонман, мен нажот топаман», дейишлари-дир. Аммо, ушбу оятдан кўриниб турибдики, Иблис улардан кўра Аллоҳнинг борлигини яхшироқ билар эди, эътиқодда улардан кучли эди, лекин амал қилмагани учун Аллоҳнинг лаънатига учради. Аллоҳ таоло уни жаннатдан чиқиб кетишга буюрди. Унга хору зор бўлишининг хабарини берди. У эса:

قَالَ أَنْظِرْنِي إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿١٤﴾

**14. У: «Менга улар қайта тирилтириладиган кунгача муҳлат бер», – деди.**

Ёмон ҳамма жойда ҳам ёмонлигини қилади. Иблис Аллоҳнинг лаънатига учраб турган пайтида ҳам одам зурриётига ёмонлик қилишни унутмади. У Аллоҳдан одамлар қайта тирилтириладиган кунгача, яъни, қиёматгача муҳлат сўради. Ўша кунгача уларни ифво қилиш мақсадида шундай деди. Аллоҳ таоло унинг бу сўроғига жавобан:

قَالَ إِنَّكَ مِنَ الْمُنظَرِينَ ﴿١٥﴾

**15. У зот: «Албатта, сен муҳлат берилганлардансан», – деди.**

Иблис эса, ушбу берилган муҳлатда ўзини ўнглаб олиш ўрнига, яна ёмонлик қилиш ниятида эканлигини билдирди:

قَالَ فِيمَا آغْوَيْتَنِي لَأَقْعُدَنَّ لَهُمْ صِرَاطَكَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿١٦﴾

**16. У: «Мени ифвога учирганинг сабабли, албатта, мен уларни Тўғри йўлингда тўсиб ўтираман.**

Баъзи тафсирчилар ушбу оятни: «Мени ифвога учирганинг каби, албатта, мен уларни Тўғри йўлингда тўсиб ўтираман, деди», деб ҳам таъвил қилганлар. Яъни, шайтон одамни деб жаннатдан қувилди, ифвога учради. Шунинг учун, у қасд қилиб, қиёматгача одам бола-сидан ўч олишга қасам ичди. Ушбу оятда эса, ўша қасд қилган ифво-сини Аллоҳнинг Тўғри йўлида – сироти мустақиймда туриб қилиши айтилмоқда. Яъни, Иблис сироти мустақиймда ўтириб олиб, ким ўтса, ифво қилиб, уни йўлдан уришга ҳаракат қилади. Ушбу ҳолат ҳадиси шарифларнинг бирида жуда ҳам жонли тасвираб берилган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Сийрат ибн Абул Фолиҳ розияллоху анхудан ривоят қилишларича, у киши дейдилар: «Мен Расулуллоҳ,

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитдим: «Шайтон Одам боласининг йўлларига ўтириб олган: У одамнинг Ислом йўлига ўтириб олиб: «Ўз динингни, ота-бобола-рингнинг динини тарк этиб мусулмон бўласанми?» – деди. Аммо одам унга исён этиб, мусулмон бўлди. У одамнинг ҳижрат йўлига ўтириб олиб: «Ўз ерингни, осмонингни тарк этиб, ҳижрат қиласанми? Муҳожир отнинг тақаси каби-ку», – деди. Аммо, одам унга исён этиб, ҳижрат қилди. Сўнгра, у одамнинг жиҳод йўлига ўтириб олиб: «Урушга кириб ўласанми, хотинингни бошқалар оладими, молу мулкинг бўлинадими?» – деди. Одам унга исён этди ва жиҳод қилди». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам болаларидан ким шундай қилса, ўлгандан сўнг уни жаннатга киритиш Аллоҳнинг зиммасида бўлади. Агар ўлдирилса ҳам, уни жаннатга киритиш Аллоҳнинг зиммасида бўлади. Агар ғарқ бўлса ҳам, уни жаннатга киритиш Аллоҳнинг зиммасида бўлади. Ёки уловдан йиқилиб ўлса ҳам, уни жаннатга киритиш Аллоҳнинг зиммасида бўлади», – дедилар».

Шунга кўра, инсоннинг Аллоҳга эмас, Иблисга исён қилиши лозим бўлади. Аммо, бу осон кечмайди. Чунки, Иблис инсонни ифво қилиш, йўлдан оздириш учун турли томонлардан ҳамла қилади. Бутун қудратини ишга солади. Келинг, Қуръони Каримда келган унинг ушбу эътирофининг давомига эътибор берайлик:

سَمَّ لَا تَيْنَهُمْ مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ وَمِنْ خَلْفِهِمْ وَعَنْ أَيْمَانِهِمْ وَعَنْ شَمَائِلِهِمْ وَلَا تَجِدُ أَكْثَرَهُمْ شَاكِرِينَ ﴿١٧﴾

**17. Сўнгра, уларнинг олдиларидан, орқаларидан, ўнг томонларидан ва чап томонларидан келаман. Ва уларнинг кўпларини шукр қилувчи ҳолда топмасан», – деди.**

Иблис ушбу ваъдасини доимо бажариб келмоқда. Айниқса, сўнгги вақтларда унинг лашкарлари ҳаддан зиёд кўпайди. Инсон қаерга юз бурмасин уларга дуч келади. Аллоҳ таоло инсонга ақл ва дин бериб, уни синашни ирода қилгани учун Иблисни эмин-эркин қўйиб қўйди. Инсон ақлига бўйсуниб, Аллоҳга итоат этиб, Шайтонга қарши исён қилса, ўзидаги ёвузликдан ғолиб келса, фариштадан ҳам устун бўлади. Аммо, ақлини ишга солмай, Роҳман ҳукмини бажармасдан, ғайри мустақийм йўлдан юрса, Иблисдан ҳам бадтар бўлади. Афсуски, лаънати Шайтон ушбу оятда:

**«Ва уларнинг кўпларини шукр қилувчи ҳолда топмасан»,** деганидек, аксарият одамлар ақлини ишлатмайдилар, Аллоҳга шукр қилмай, куфр келтирадилар.



Аллоҳ таоло Иблиснинг ушбу даъволарини эшитгандан сўнг, жавоб бермади-да, унга қуйидаги амрни қилди:

قَالَ أَخْرِجْ مِنْهَا مَذْمُومًا مَدْحُورًا لَمَنْ تَبِعَكَ مِنْهُمْ لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنْكُمْ أَجْمَعِينَ ﴿١٨﴾

**18. У зот: «Ундан мазамматга учраган ва қувилган ҳолингда чиқ!!! Улардан ким сенга эргашса, албатта, жаҳаннамни сизларнинг ҳаммангиз билан тўлдирурман», – деди.**

Аллоҳ таоло шаккокклиги учун Иблисни жаннатдан ҳайдади ва раҳматидан бенасиб қилди. Шунингдек, унга тобе бўлганларнинг барчасини жаҳаннамга ташлашини таъкидлади. Инсон бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олиши керак. Бу дунёда Роҳманга ёхуд шайтони лаъинга эргашиб бор. Роҳманга бўйсунмаган, албатта, шайтонга юкинади. Орада учинчи йўл йўқ. Шайтон муҳибларининг оқибати ушбу оятда айтилганидек бўлади.

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратганидан сўнг фаришталарни унга сажда қилишга буюргани, улар сажда қилгани, аммо ёлғиз Иблис алайҳи лаъна сажда қилмаганини зикр қилгандан сўнг, Иблис билан бу борада бўлган муколама – сўзлашув келтирилди. Бинобарин, Иблисни жаннатдан қувиб юбориб, уни Ўз раҳматидан бенасиб қилганидан сўнг, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга қуйидагича амр этди:

وَبَقَادُمْ أَسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ فَكُلَا مِنْ حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ

الظَّالِمِينَ ﴿١٩﴾

**19. Эй Одам, сен жуфтинг билан жаннатни маскан тут. Икковингиз хоҳлаган жойингиздан енг. Аммо мана бу дарахтга яқинлашманглар. Унинг сабабидан золимлардан бўлиб қолманглар.**

Одам алайҳиссаломнинг жуфти Момо Ҳаво эканлиги ҳаммага маълум. Оятлар мазмунидан Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратганидан сўнг кўп ўтмай Момо Ҳавони ҳам халқ қилгани англашилади.

Шайтони лаъинни жаннатдан қувганидан сўнг Аллоҳ таоло:

«**Эй Одам, сен жуфтинг билан жаннатни маскан тут**», – деб амр қилди. Ушбу жаннатда анвойи неъматлар бор.

«**Икковингиз хоҳлаган жойингиздан енг**».

Нимани хоҳласангиз, қаерда истасангиз, еб роҳат қилинг.

«**Аммо, мана бу дарахтга яқинлашманглар**».

Фақат биргина дарахтга яқинлашиш, унинг мевасидан тановул қилиш сизларга ман қилинади. Қуръони Карим мазкур дарахтнинг қандай дарахт эканини тайин қилиб айтмайди. Чунки, гап дарахт нави эмас, илоҳий амр, яъни, ман қилиш ҳақида боряпти. Аллоҳ таоло жаннат тўла нарсаларни Одам Ато ва Момо Ҳавога неъмат қилиб бериб, хоҳлаган жойингиздан енг, деганидан кейин ўша биргина дарахтни таъқиқламаса ҳам бўлаверар, бу билан Аллоҳ таолонинг хазинасига футур етмас эди. Аммо, бу таъқиқ одам учун зарур, унга керак эди. Зеро, таъқиқ бўлмаса, одам чегара нима эканини билмай, иродасиз ҳайвонга ўхшаб, кўнгли тусаган нарсани қилдиган, оқибатда у дунёни эмас, дунё уни бошқарадиган бўлиб қоларди. Таъқиқ инсон иродасини ишга солади, уни шаҳватидан фолиб келишга ўргатади, ҳар бир нарсанинг меъёри, чегараси борлигини англатади. Ушбу нарсаларни фаҳмлаш ва уларга амал қилиш билан инсон ҳайвондан тубдан фарқ қилади.

Аллоҳ таоло одамга ақлу ирода бергани, уни Ўзининг ер юзидаги халифаси этиб тайинлагани учун ҳам унга ушбу таъқиқни жорий қилиб, доимо иродасини чиниқтириб туришини хоҳлаган. Ҳайвонга Аллоҳ на ақл, на ирода берди, шу сабабли унга халифалик масъулиятини ҳам юкламади, унга бундай амрни раво кўрмади. Агар одам Аллоҳ ман қилган нарсага яқинлашса, золимлардан бўлади. Шайтон одамни васваса қилиб, Аллоҳ ман қилган нарсаларга яқинлаштиришга тиришади. Бу муҳораба ушбу оятларда баён этилган қисса замонидан бошланган, яъни, Аллоҳ Одам Атони жуфти билан жаннатни маскан тутиб, ундаги ҳамма нарсалардан хоҳлаганича еб юришга рухсат бериб, фақат битта дарахтга яқинлашмасликка буюрган лаҳзаданоқ шайтоннинг одам зотига қарши душманона фаолияти бошланган:

فَوَسْوَسَ لَهُمَا الشَّيْطَانُ لِيُبْدِيَ لَهُمَا مَا وُورِيَ عَنْهُمَا مِنْ سَوْءِ تِهِمَا وَقَالَ مَا نَهَاكُمَا رَبُّكُمَا عَنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ إِلَّا أَنْ تَكُونَا مَلَكَتَيْنِ أَوْ تَكُونَا مِنَ الْخَالِدِينَ ﴿٢٠﴾

**20. Бас, шайтон икковларининг беркитилган авратларини очиш учун уларни васваса қилди ва: «Роббингиз сизни ушбу дарахтдан фақат икковингиз фаришта бўлмаслигингиз ёки абадий қолмаслигингиз учунгина ман қилди», – деди.**

Шайтон, асосан, инсонни шарманда қилиш, унинг айбини – авратини очиш учун жидду жаҳд этади. Аммо, ниятини яшириб, инсоннинг заиф томонидан ҳужум қилади, ундаги шаҳват ва ҳавас оловини алангалатади.

Бу ҳақиқатни ушбу ояти карима исботлайди.

**«Бас, шайтон икковларининг беркитилган авратларини очиш учун уларни васваса қилди».**

Бурун уларнинг авратлари ёпиғлик ҳолда эди. Аммо, кейин келадиган оятларнинг бирида гувоҳлик берилишича, Одам ва Ҳаво шайтон қутқусига учганларидан сўнг, уларнинг авратлари очилиб қолди. Албатта, бу ерда ҳиссий авратлари назарда тутилган. Аммо, одам зурриётидан ким шайтон васвасасига учса, унинг маънавий айблари ҳам очилади.

Шайтони лаъин Одам билан Ҳавонинг энг нозик жойларидан тутди:

**«Роббингиз сизни ушбу дарахтдан фақат икковингиз фаришта бўлмаслигингиз ёки абадий қолмаслигингиз учунгина ман қилди», – деди».**

Одам доимо қудратли, хоҳлаган ишини уддалайдиган, бошқа нарсалар таъсирига берилмайдиган бўлишни истайди. Маълумки, фаришталарда ушбу хусусиятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам, шайтон Одамни васваса қилишда ушбу заиф томонидан келди. Агар ушбу дарахтдан тановул этсангиз, фаришта бўласиз, шу боисдан Аллоҳ сизларни бу дарахт мевасини ейишдан ман этмоқда, деди. Шунингдек, одам ўзи эришган олий мақомда абадул абад қолишни, таъбир жоиз бўлса, дунёнинг якка-ёлғиз устунни бўлишни доимо орзу қилиб келган. Шайтон унинг бу заиф жиҳатларини яхши билади. Шу сабабли, Одамга, жаннатда абадий қолмаслигингиз учун Роббингиз сизни ушбу дарахтдан тановул этишни ман қилди, деб қутқу солди. У ўз васвасасини ҳақиқат суратида кўрсатиш учун:

وَقَاَسَمَهُمَا اِنِّي لَكُمَا لِمِنَ النَّاصِحِيْنَ

**21. Уларга: «Албатта, мен сизларга насиҳат қилувчиларданман», – деб қасам ичди.**

Яъни, ифво ва қутқусини Аллоҳнинг номи билан собит этди. Аллоҳ таолонинг номи ила қасам ичиб ўз ифвосини насиҳат деб атади.

Шайтон ўзининг ушбу ифвоси ила:

فَدَلَّهُمَا بِغُرُورٍ فَلَمَّا ذَاقَا الشَّجْرَةَ بَدَتْ لُهُمَا سَوْءٌ لَّهُمَا وَطَفِقَا يَخْصِفَانِ عَلَيْهِمَا مِنْ وَّرَقِ الْجَنَّةِ  
وَنَادَاهُمَا رَبُّهُمَا اَلَمْ نَنْهَكَمَا عَنِ الشَّجَرَةِ وَاَقُلَّ لَكُمَا اِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمْ اَعْدُوٌّ مُّبِينٌ

**22. Бас, уларни алдов ила паст(ҳолат)га туширди. Икковлари дарахтдан татиб кўришганда, авратлари ўзларига кўриниб қолди ва ўзларига жаннат баргларидан тўсиқ тўқий бошладилар. Шунда, Роббилари уларга нидо қилиб: «Сизларни ана ўша дарахтдан қайтарган эмасмидим ва, албатта, шайтон икковингизга очиқ-ойдин душмандир, демаганмидим?!» – деди.**

Шайтон мақсадига етди. Нишонга беҳато урди. Одам Ато ва Момо Ҳавони алдаб, ўз йўлига солди ва ниҳоят уларни гуноҳкор қилиб, мартабасини пастлатди. То ўша дамгача уларнинг авратлари берк яратилгани учун кўринмас эди. Шайтонинг ифвосига учиб,

**«Икковлари дарахтдан татиб кўришганда, авратлари ўзларига кўриниб қолди».**

Бу уларнинг гуноҳкорлик ва айбдорлик белгиси бўлди. Уларнинг нигоҳи бир-бировларининг авратига тушди. Буни сезишлари билан дарҳол:

**«...ўзларига жаннат баргларидан тўсиқ тўқий бошладилар».**

Яъни, улар барглари бир-бирига улаб, авратларини тўсдилар. Ана шундай ҳижолатли ва шармандали ҳолда турганларида:

**«Роббилари уларга нидо қилиб: «Сизларни ана ўша дарахтдан қайтарган эмасмидим ва, албатта, шайтон икковингизга очиқ-ойдин душмандир, демаганмидим?!» – деди».**

Яъни, Аллоҳ таоло Одам ва Ҳавога таъқиқланган ишни қилиб, гуноҳкор бўлганларини билдириб, итоб этди. Бурун, Иблис алайҳи-лаънага ҳам амрини бажармаганини эслатиб, итоб қилган эди. Аммо Одам билан Ҳаво ўзларини Иблис алайҳи лаъна каби тутмадилар, икковлари дарҳол гуноҳларига иқрор бўлдилар ва:

قَالَ رَبَّنَا ظَلَمْنَا أَنفُسَنَا وَإِن لَّمْ تَغْفِرْ لَنَا وَتَرْحَمْنَا لَنَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٢٢﴾

**23. Икковлари: «Эй Роббимиз, биз ўзимизга зулм қилдик. Агар Сен бизни мағфират қилмасанг ва бизга раҳим қилмасанг, албатта, зиён кўрганлардан бўламиз», – дедилар.**

Улар, Иблис алайҳи лаъна каби, гуноҳ қилиб қўйиб, яна такаббурлик билан баҳона ахтариб, ўзларини оқлаш ва даъво қилишга зўр бермадилар. Балки, нажот йўлини ихтиёр қилдилар. Дарҳол айбларини бўйинларига олиб, гуноҳларига иқрор бўлдилар. Ўзларини хору ҳақир тутдилар. Аллоҳнинг Ўзи гуноҳларини кечмаса, уларга раҳим қилмаса, аҳволлари чатоқ бўлишини очиқ-ойдин айтдилар. Аслида, инсоннинг нажот топишига омил бўлган ҳодисанинг ўзи – шу. Чунки, шайтон алайҳи лаъна ҳам, инсон ҳам даставвал хатога йўл қўйдилар. Аммо,

оқибат натижа икки хил бўлиб чиқди. Шайтон лаънатга гирифтор бўлди. Инсон раҳматга эришди. Уларнинг бу мартабаларига гуноҳдан кейинги ҳолатлари сабаб бўлди. Гуноҳқор шайтон кейин ҳам кибру ҳавони тарк этмади. Гуноҳига иқрор бўлиб, тавба қилмади. Боз устига, ўз қилмишини тўғри деб даъво қилди. Одам эса, дарҳол тавба қилди ва Аллоҳ таолодан мадад истади. Шундай қилиб, ҳар икковининг ҳам ҳақиқий табиати юзага чиқди. Хусусиятлари намоён бўлди. Шундан сўнг, Аллоҳ таоло Одам, Ҳаво ва Иблисга хитоб қилиб:

قَالَ أَهْبُطُوا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ وَلَكُمْ فِي الْأَرْضِ مُسْتَقَرٌّ وَمَتَمَّ إِلَىٰ حِينٍ ﴿٢٤﴾

**24. У зот: «Бир-бирингизга душман бўлган ҳолингизда тушинглар. Сизларга ер юзида қароргоҳ бор ва маълум вақтгача фойдаланиш бор», – деди.**

قَالَ فِيهَا تَحْيَوْنَ وَفِيهَا تَمُوتُونَ وَمِنْهَا تُخْرَجُونَ ﴿٢٥﴾

**25. У зот: «Унда ҳаёт кечирасизлар, унда ўласизлар ва ундан қайта чиқариласизлар», – деди.**

Аллоҳ таоло Одам, Ҳаво ва Иблисни жаннатдан ер юзига тушишга амр қилди.

Жуда қадим даврлардан бошлаб, ўша жаннат қаерда эди, қандай эди, каби саволлар ва уларга жавоблар ғоят кўп бўлган. Бунга талай умр, заковат, вақт ва бошқа имкониятлар зое этилган. Бугун ҳам бу масалалаларда «ёқа бўғишаман» деганлар хоҳлаганча топилади. Аммо, улар бу илоҳий сирнинг сўнгига ета олмайдилар. Фаразан, етсалар ҳам, бундан нима фойда? Агар ўша жаннатнинг қаерда эканини, унда шайтон алайҳи лаъна қай ҳолда Одам Ато билан Момо Ҳавога қутқу солганини айнан билиш мусулмонларга манфаатли бўлганида, Аллоҳ таолонинг Ўзи бундан огоҳ этар ёхуд излаб топишга амр қилар эди. Аллоҳ таоло бундай қилмади. Демак, уни топишга уринишнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ. Муҳими, уларнинг жаннатдан ер юзига тушишлари экан, Аллоҳ Ўз китобида бу ҳақда зикр қилди. Ана шуни билсак бўлди. Улар жаннатдан ер юзига туширилганларида:

**«Бир-бирингизга душман бўлган ҳолингизда тушинглар», – дея амр бўлди.**

Яъни, Одам алайҳиссалом билан шайтон алайҳи лаъна ер юзига бир-бирларига душман бўлган ҳолларида тушдилар ва қиёматга довур душман бўлиб қолдилар. Шайтон одамнинг сабабидан саждадан бош

тортиб, Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлди ва қиёматгача уни ифво қилишга аҳд қилди. Унинг табиати ёмонликдангина иборат. У доимо Одамга душманлик қилади.

Одам шайтоннинг васвасасига учиб, Аллоҳ олдида гуноҳкор бўлди. Сўнгра, тавба қилиб, Аллоҳга илтижо этди. Демак, Одамнинг асл табиатида яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бор. Яхшилик йўлини тутса, Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, шайтондан юз буради. Ёмонликни ишга солса, шайтоннинг йўлидан юради. Қиёматгача шундай бўлиб қолаверади. Аллоҳ уларга шуни раво кўрган:

**«Сизларга ер юзида қароргоҳ бор ва маълум вақтгача фойдаланиш бор».**

Улар қиёматгача ер юзида яшаб, ундаги бор неъматлардан ризқланиб турадилар. Аллоҳ таоло Одам болаларининг ер юзида истиқомат қилиб, умри тугагач ўлиб, қайта тирилишларига ишора этаркан:

**«Унда ҳаёт кечирасизлар, унда ўласизлар ва ундан қайта чиқариласизлар, – деди».**

Шундай бўлмоғи муқаррар. Қайта тирилганларида ер юзида қилган амаллари эвазига мукофот ёхуд жазо оладилар, жаннат ёки дўзахга дохил бўладилар.

Аллоҳ таоло Одам боласини ер юзида хоҳлаганча кунингни кўравер, деб ўз ҳолига ташлаб қўйган эмас, балки унга энг зарур неъматларни ато айлаган:

يٰۤاٰدَمُ قَدْ اَنْزَلْنَا عَلَيْكَ لِبَاسًا يُّوْرِي سَوْءَ تَكْوَمٍ وَرِيْشًا وَّلِبَاسًا الثَّقْوَمِ ذٰلِكَ خَيْرٌ ذٰلِكَ  
مِّنْ اٰيٰتِ اللّٰهِ لَعَلَّهُمْ يَدْكَرُوْنَ ﴿٢٦﴾

**26. Эй, Одам болалари, батаҳқиқ, сизларга авратингизни тўсайдиган либос ва зийнат либосини нозил қилдик. Тақво либоси, ана ўша яхшидир. Ана ўшалар Аллоҳнинг оят-белгиларидандир. Шоядки, эсласалар.**

Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган аломатлардан бири либосдир. Одам авратини – айбини беркитиб туриш учун Аллоҳ таоло унга либос ато қилган. Либоснинг зарури авратни пинҳон тутадиганидир. Лекин Аллоҳ инсоннинг авратдан бошқа аъзоларини ҳам тўсиш эҳтиёжи борлигини инобатга олиб, либосни зийнат тарзида нозил қилди. Худди шундай – либосни ўз ўрнида, яъни шариатга мувофиқ истеъмол қилган инсон зийнатли ҳисобланади. Аммо, энг асосий либос – тақво либоси. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятда:

**«Тақво либоси, ана ўша яхшидир», – демоқда.**



Агар оддий либос бадан авратларини тўсиб, жисмни зийнатласа, тақво либоси маънавий авратларни тўсиб, инсон қалбини зийнатлайди. Агар инсоннинг кийим-боши жисмидаги авратларини пинҳон тутиб, унга зийнат бағишласа-ю, тақво либоси йиртилиб, маънавий авратлари очилиб турса, бундан ҳеч қандай маъно йўқ. Ҳозирги кунда кўплар ўзининг тақво либоси башанглигини даъво қилиб, устки авратларининг очилиб қолганига эътибор бермасликка чақиради. Бу, жоҳилликдан ўзга нарса эмас. Агар кимнинг тақво либоси ўрнида бўлса, албатта, жисмоний либоси ҳам дуруст бўлади. Зеро, ҳар икки либосни — ҳам ҳиссий авратни тўсадиган либосни, ҳам тақво либосини нозил қилиш:

**«Ана ўшалар Аллоҳнинг оят-белгиларидандир».**

Яъни, кийим-бош, молу мулк ҳам, ўрни келганда, Аллоҳнинг оят-белгиси ҳисобланади. Ундан ибрат олиш шарт. Шунинг учун, Аллоҳ таоло оятнинг сўнгида:

**«Шоядки, эсласалар»,** демоқда.

Одам алайҳиссалом қиссаси тугагандан сўнг, ул зотнинг зурриётларини олий фазилатларга чақириб келган ушбу ояти каримадаги:

**«Эй, Одам болалари!»** деган хитоб шу каби тўрт нидонинг аввалидир. Бу дастлабки нидо кийим-бошга боғлиқ. Юқорида айтганимиздек, Аллоҳ таоло кийим-бошни инсонга авратини тўссин, ўзини тузатсин, деб берган. Аммо, барча соҳада ҳаддида турмаган одам бу ўринда ҳам турли бузуқликларга йўл қўйди. Баъзилари кийим-бошни фахр ва ғурур воситаси, иккинчилари уни ҳаётдаги асосий мақсад қилиб олди. Қадр-қийматни ҳам кийим-бош билан ўлчаб бошлади. Учинчилари кийимни тор ва юпка кийиб, ундан кўзланган асосий мақсадни суиистеъмол қилишга киришди. Хусусан, тарбиясиз аёллар либосни айни авратни бўрттириб кўрсатиш учунгина киядилар. Бу ҳол юксак инсоний шарафни ерга уради.

Одам болаларига қаратилган иккинчи нидо оталар хатосини такрорлаб, шайтон васвасасига учмасликка чақиради:

يٰۤاٰدَمُ لَا يَفۡتِنَنَّكَمُ الشَّيۡطٰنُ كَمَاۤ اَخۡرَجَ اٰبۡوٰيَكُمۡ مِنَ الْجَنَّةِ يَنۡزِعُ عَنْهُمَا لِبَاسَهُمَا لِيُرِيَهُمَا سَوَءَ تَهۡمٰتٍۭ اِنَّهُ يَرۡنٰكُمۡ هُوَ وَفِيۡلَهُۥ مِنْ حَيۡثُ لَا تَرَوۡنَهُمْۭ اِنَّا جَعَلۡنَا الشَّيۡطٰنَ اَوْلِيَاۡ

لِلَّذِيۡنَ لَا يُؤۡمِنُوۡنَ ﴿۲۷﴾

**27. Эй, Одам болалари, шайтон ота-онангизни ўзларига авратларини кўрсатиш учун устларидан либосларини ечиб, жан-**

**натдан чиқарганидек, сизни ҳам фитнага солмасин. Албатта, у ва унинг ёрдамчилари сизни сиз кўрмайдиган томондан кўра-дир. Биз, албатта, шайтонларни иймон келтирмайдиганларга дўст қилганмиз.**

Шайтон инсониятнинг ота-онаси Одам Ато ва Момо Ҳавони қандай фитнага солгани юқоридаги оятлардан маълум бўлди. У Одам Ато ва Момо Ҳавони гуноҳга чорлаб яланғоч қилди ва жаннатдан чиқаришга муяссар бўлди. Одам болалари бу ҳодисани зинҳор унут-масликлари зарур. Акс ҳолда, шайтон уларни ҳам шармандаларча яланғочлаб, жаннатдан маҳрум этади. Шунинг учун, Аллоҳ таоло уларга хитоб қилмоқда:

**«Эй, Одам болалари, шайтон ота-онангизни ўзларига авратла-рини кўрсатиш учун устларидан либосларини ечиб, жаннатдан чиқарганидек, сизни ҳам фитнага солмасин».**

Одам боласи шайтон ва шайтонзодалар билан бўладиган узлук-сиз муҳорабада бўш келмаслиги керак. Зеро, у бир озгина суст бўлса, фитна ва мағлубиятга учрайди. Шундай қилиб, жаҳаннам ўчоғига ўтин бўлади. Улар бу олишувда жуда ҳушёр бўлишлари лозим. Чунки, Аллоҳ таоло уларга қилган хитобда:

**«Албатта, у ва унинг ёрдамчилари сизни сиз кўрмайдиган то-мондан кўрадир»,**—демоқда.

Демак, бу жангда шайтон учун қулайликлар бор. Унинг имкони-ятлари инсонни кига нисбатан кўпроқ. Инсон шайтонни кўрмайди, аммо у инсонни кўради. Бу эса, ўз навбатида, унга қўшимча имко-ният беради, инсондан эса, қўшимча ҳушёрлик талаб қилинади. Чунки, очиқ-ойдин душман бўлган шайтон шарридан доимо эҳтиёт бўлиб туриш керак. Бунинг учун кучли иймон ва эътиқод зарур.

**«Биз, албатта, шайтонларни иймон келтирмайдиганларга дўст қилганмиз».**

Шайтон иймонсизларга дўст бўла туриб, уларни «тузлайди». «Мен сенинг дўстингман, сенга насиҳатчиман» деб, йўлдан уради. Шай-тон муҳиблари эса, унинг гапига кириб қилган гуноҳларини хаспўш-лаш учун турли баҳоналар топадилар. Жумладан:

وَإِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً قَالُوا وَجَدْنَا عَلَيْهَا آبَاءَنَا وَاللَّهُ أَمَرَنَا بِهَا قُلْ إِنَّا لَأَيُّمٌ بِالْفَحِشَاءِ

أَتَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ

**28. Улар қачон фоҳиша иш қилсалар: «Ота-боболаримиз ушбу-ни қилаётганини кўрдик. Буни бизга Аллоҳ буюрган», — дерлар.**

**«Аллоҳ, албатта, фаҳш ишларга буюрмас. Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсангизни айтасизми?!» – дегин.**

Араб тилида «фаҳш» сўзи улкан қабиҳлик бўлган ҳар бир маъсият маъносида ишлатилаверади. Ушбу ояти кариманинг далолати умумий бўлса ҳам, маълум бир ҳолатни баён қилиш учун нозил бўлган. Жоҳилият даврида араб мушриклари Байтуллоҳни эркак ва аёл яланғоч ҳолларида тавоф қилишар, улар бу кийимлар билан гуноҳ ишлар қилганмиз, шунинг учун, улар ила тавоф қилмаймиз, дейишар эди. Уларга: «Бу гапни қаердан олдингиз?» – дейилганда:

**«Ота-боболаримиз ушбуни қилаётганини кўрдик. Буни бизга Аллоҳ буюрган», – дерлар».**

Ота-боболарнинг амали Аллоҳ амрига мувофиқ бўлса ва уни фарзандлар ҳам давом эттирсалар, қандай яхши. Аммо, ота-боболарнинг амали Аллоҳ амрига мутлақо тескари бўлса-да, яна уни Аллоҳ буюрган, деб турсалар, қандай ёмон. Аллоҳнинг амрига бўйсуниб эмас, йўлдан озган ота-боболарнинг амаллари асосида юзага келган диндорлик шунақа бўлади. Акс ҳолда, инсон яланғоч бўлиб, энг муқаддас маконда, энг улуғ ибодатга журъат этиб, боз устига, бу ишни Аллоҳ буюрган, дер эдими?! Ояти кариманинг охирида Аллоҳ таоло мазкур ҳақиқатни мушрикларнинг юзига солиш учун Ўз Расулига қуйидаги хитобни қилмоқда:

**«Аллоҳ, албатта, фаҳш ишларга буюрмайди. Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсангизни айтасизми?!» – дегин».**

Аллоҳнинг каломи шарифида сиз мушриклар даъво қилаётганингиздек каби амр йўқ. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида бунга ўхшаш ҳолат йўқ. Сизнинг ота-боболарингиз Аллоҳ ҳам эмас, Пайғамбар ҳам эмас. Уларнинг амри ва амаллари ҳеч қачон шариат бўла олмайди. Бунинг устига, ўша ботил амалларингизни Аллоҳга нисбат беришингиз нимаси? Аллоҳ бундай ишларга зинҳор амр қилмайди.

قُلْ أَمَرَ رَبِّي بِالْقِسْطِ وَأَقِيمُوا وُجُوهَكُمْ عِندَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَادْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ  
الدِّينَ كَمَا بَدَأَكُمْ تَعُودُونَ ﴿١٦٦﴾

**29. Сен: «Роббим адолатга амр қилди. Ҳар бир ибодатхонада юзингизни тўғри тутинг. Унинг динига ихлос этган ҳолда дуо қилинг. Сизларни аввалда қандай яратган бўлса, ўша ҳолда қайтасизлар», – деб айт.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло ҳабиби Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга мазкур йўлдан озган фоҳиша иш қилувчилар ота-бобо-

ларини рўқач қилиб, Аллоҳга тухмат қилганларида уларга қарата айтадиган гапларини ўргатмоқда:

**«Роббим адолатга амр қилди».**

Сиз қилаётган фоҳиша ишларга эмас. Аллоҳ оддий инсоннинг фикр, тасаввур ва дидига хилоф бўлган фоҳиша ишга амр қилишдан муназзаҳдир. У зот фақат адолатга амр қилади. Чунки, адолат йўли инсон учун саломатлик йўлидир.

**«Ҳар бир ибодатхонада юзингизни тўғри тутинг».**

Яъни, ибодатларни Аллоҳ кўрсатганидек тўғри ҳолда адо этинг. Ибодатларни ҳаққоний ва тўғри адо этиш Қуръони Карим ва суннати набавийда кўрсатилган. Ҳар ким ўз билганича, отаси, ишбошиси ёхуд пири айтганидек ибодат қилиши нодуруст бўлади.

**«Унинг динига ихлос этган ҳолда дуо қилинг».**

Яъни, ибодатни ёлғиз ва фақат ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хулуси ният билан қилинг. Ундан бошқага ихлос қилиш — ширқдир.

**«Сизларни аввалда қандай яратган бўлса, ўша ҳолда қайтасизлар».**

Яъни, ибтидо ва интиҳо бир хил бўлади. Бу дунёга яланғоч ҳолда келдингиз, ундан яна яланғоч ҳолда кетасиз.

فَرِيقًا هَدَىٰ وَفَرِيقًا حَقَّ عَلَيْهِمُ الضَّلَالَةُ إِنَّهُمْ اتَّخَذُوا الشَّيَاطِينَ أَوْلِيَاءَ مِن دُونِ اللَّهِ  
وَيَحْسَبُونَ أَنَّهُم مُّهْتَدُونَ

**30. Бир гуруҳни ҳидоят қилди. Бошқа гуруҳга йўлдан озиш ҳақ бўлди. Чунки, улар Аллоҳни қўйиб шайтонларни ўзларига дўст тутдилар. Ҳамда ўзларини, албатта, ҳидоят топганлар, деб ҳисобларлар.**

Одамлар азал-азалдан икки гуруҳга бўлиниб келадилар. Улардан бир гуруҳи ҳидоят топганлар, яъни, мўминлар, иккинчиси адашганлар — кофирлар гуруҳи. Аллоҳ:

**«Бир гуруҳни ҳидоят қилди».**

Аллоҳ ҳидояти тазйиқ ва зўрлаш билан эмас, Пайғамбар юбо-риш, китоб нозил этиш, ихлос билан қилинган дуо ва тазарруни қабул қилиш билан бўлади. Юқоридаги қиссадан маълум бўлганидек, ҳатто Пайғамбарлар, авлиё ва солиҳ бандалар ҳам шайтон вас-васасидан саломат қолмаганлар. Аммо, улар доимо яхшилиқни ихтиёр қилганлари, ёмонликдан қочганликлари учун Аллоҳнинг ҳидоятига сазовор бўлганлар.

**«Бошқа гуруҳга йўлдан озиш ҳақ бўлди».**

Уларни ҳам биров мажбур қилиб ёки зўрлаб йўлдан оздиргани йўқ. Ўз ихтиёрлари билан залолат йўлини танлаб олдилар.

**«Чунки, улар Аллоҳни қўйиб, шайтонларни ўзларига дўст тутдилар».**

Уларни шайтон фитнаси шу ҳолга туширди. Икки гуруҳ ҳам Аллоҳ ҳузурига қайтадилар. Ана ўшанда қилган амалларига қараб ҳисоб-китоб бўлади.

Эндиги келадиган ояти каримада Одам болаларига учинчи хитоб — кийим-бош ва емоқ-ичмоқ хусусидаги хитоб келади:

﴿يَبْنَىءَ آدَمَ خُذُوا زِينَتَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ﴾

**31. Эй, Одам болалари, ҳар бир ибодат чоғида ўз зийнатингизни олинг. Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки, У исроф қилувчиларни севмас.**

Ўтган ояти карима тафсирида келганидек, кийимсиз ҳолда ибодат-тавоф қилиш ёхуд жаңда, йиртиқ-ямоқ кийим билан бажариш ибодат фазли ва савобини зиёда этмайди. Лекин табиати бузуқ кишилар бузуқ диндорликка уринадилар, тақвони жулдур кийимлар ила ҳосил бўладиган этиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Аллоҳ таоло эса, энгил-бошда ҳаддан ошиб фахр ва ғурурга кетишни қоралаганидек, унинг паст ва табиатсиз ҳолда истеъмол қилинишини ҳам қоралайди.

**«Эй, Одам болалари, ҳар бир ибодат чоғида ўз зийнатингизни олинг».**

Аввало, авратингиз тўсиқ ортида бўлсин, қолаверса, ибодат чоғи — Роббингиз ила бўладиган мулоқот чоғи гўзал алфозда бўлганингиз афзал. Ўтган баъзи азизлар ушбу амрга итоат маъносида намоз учун алоҳида гўзал кийим тайёрлаб қўйганлар.

**«Еб-ичинг ва исроф қилманг».**

Юқорида зикр қилинган бузуқ диндорликнинг бир кўриниши, озиқ-овқатга муносабатда ҳам зоҳир бўлади. Баъзи бузуқ табиатли одамлар яхши таом истеъмол қилмасликни тақводорликнинг чўққиси сифатида кўрсатишга уринадилар. Аллоҳ таоло фақат емиш ғамида, доимо унинг лаззатлисини ахтарувчи қорин бандаси бўлишни қоралаганидек, лазиз таомлардан ўзини тийиб, сифатсизинигина ихтиёр қилишни ҳам қаттиқ қоралайди. Араб мушрикларида ҳаж мавсумида яхши таомларни емай қўйиш одати бор экан. Ояти карима ўша одатни ҳам танқид қилади.

**«Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки, У исроф қилувчиларни севмас».**

Еб-ичиш гуноҳ эмас, исроф қилиш гуноҳдир.

Имом Бухорий келтирган ривоятда ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Сени икки хислат – фахрланиш ва исрофгарчилик хатога бошламаса, хоҳлаганингни еб, хоҳлаганингни ичавер», деганлар.

Афсуски, баъзи кишилар еб-ичишнинг хилма-хил ва кўп бўлишини ҳаётнинг асосий мезони деб билсалар, бошқа кишилар хусусан, бизда одамлар озиқ-овқатни исроф қилиш деганда, емай ташлаб юборишни тушунадилар. Бу, аслида, тўғри. Аммо, керагидан ортиқ емоқ ҳам исрофдир. Еб-ичиш керак экан деб, қорин бандаси бўлиш ҳам Исломога, мусулмонга муносиб эмас.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва имом Термизийлар Миқдом ибн Маъдийкараб ал-Киндий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам боласи тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони қориндир. Одам боласига қаддини тургизадиган емаклар етади. Агар жуда лозим бўлса, таоми учун учдан бир, шароби учун учдан бир ва ҳавоси учун учдан бир», деганлар.

Бугунги кунда озиқ-овқатни исроф даражада зиёд истеъмол қилишнинг соғлиқка асорати яққол намоён бўлди. Ҳозирги даврнинг кўпгина хасталиқларига ушбу исрофгарчилик сабаб бўлмоқда. Бу ҳақиқатни Қуръони Мажийддан узоқ бўлган ғайридинлар ҳам тушуниб етдилар. Қадимда яҳудийлардан бири хулафодан бирига: «Сизларнинг Қуръонингизнинг ярим оятига бутун тиб илми жойлашган», деб ушбу ояти каримани ўқиган экан. Минг афсуски, Қуръон аҳлиман, деб юрганлардан аксариятимиз бу ҳақиқатни тушуниб етмаймиз. Исломо ҳар бир соҳада мўътадиллик йўлини тутганидек, озиқ-овқат ва кийим-бош масаласида ҳам мусулмонлардан мўътадил бўлишни талаб қилади.

قُلْ مَنْ حَرَّمَ زِينَةَ اللَّهِ الَّتِي أَخْرَجَ لِعِبَادِهِ، وَالطَّيِّبَاتِ مِنَ الرِّزْقِ قُلْ هِيَ لِلَّذِينَ آمَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا خَالِصَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَذَلِكَ نَفِّصِلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٣٢﴾

**32. Сен:** «Аллоҳ Ўз бандаларига чиқарган зийнатларни ва покиза ризқларни ким ҳаром қилди?!» – деб айт. Сен: «Улар ҳаёти дунёда иймон келтирганларга, қиёмат кунда эса фақат ўзларига хосдир», – деб айт. Биладиган қавмлар учун оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз.



Ушбу оятлар эгниларига кийим киймай тавоф қилишни, ҳаж мавсумида яхши таом истеъмол этмасликни ўзларига русум қилиб олиб, бу Аллоҳ амри, деб юрган араб мушрикларининг қилмишлари нотўғри эканини билдириш учун тушгани ва бу орқали ҳамма замон кофирларига хитоб қилинаётгани бошда айтиб ўтилган эди.

Яланғоч ҳолда тавоф қилиш жоиз эмаслигини тушуниб етган мусулмонлар кийим-бош билан тавоф қилишса, мушриклар уларнинг устидан кулишган. Шунда, Аллоҳ таоло мазкур ояти каримани нозил қилган. Бу ғаройиботни кўрингки, ўзи яланғоч тавоф қила туриб, кийим-бош билан тавоф қилаётганининг устидан куляпти. Инсон табиатига футур етса, шундай бўлади. Ҳозирги замон мушриклари бурунги салафларидан ҳам ўтиб кетдилар. Улар Ислом аҳлининг ҳар бир амалидан куладилар. Аммо, ўзларини зиғирча билмайдилар. Мусулмон киши уларга эътибор бермай, Аллоҳ таолонинг амрига амал қилавериши лозим.

Модомики, Аллоҳ таоло ўша кийимларни бандаларга ҳалол қилиб қўйибдими, демак, ҳеч ким уни ҳаром қила олмайди. Шунингдек, Аллоҳ покиза таомларни бандаларига ризқ қилиб бериб қўйибдими, уларни ҳам ҳеч ким ҳаром қила олмайди. Зийнат кийимлари ва покиза таомлар иймонлилар учун бўлмай ким учун бўлсин! Бу ризқу рўзига моддий дунёда бошқалар ҳам шерик бўлиши мумкин, аммо охиратда, ушбу ояти каримада таъкидланганидек, зийнат либослари ва покиза ризқлар фақат мўминларга хос бўлади.

Аллоҳ таоло Ўз зотига иймон келтирган бандаларига ҳеч қачон ҳушрўй кийим-бошларни ва покиза таомларни ҳаром қилмайди.

قُلْ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّيَ الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ وَالْإِثْمَ وَالْبَغْيَ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَأَنْ تُشْرِكُوا بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ بِهِ سُلْطَانًا وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا نَعْلَمُونَ ﴿٣٣﴾

**33. Сен: «Роббим фақатгина ошкора ва яширин фаҳш ишларни, гуноҳларни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳга ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳга нисбатан билмаган нарсани айтишни ҳаром қилган, холос», – деб айт.**

Аллоҳ бандаларига ҳаром қилган нарсалар қуйидагилардир:

**1. «Ошкора ва яширин фаҳш ишлар».**

Аввал айтилганидек, фаҳш иш улкан қабиҳликдир. Бундай ишлар хоҳ ошкора, хоҳ яширин бўлсин, барча-барчасини Аллоҳ ҳаром қилган.

**2. «Гуноҳ».**

Гуноҳкорларнинг ўзларига тегишли маъсиятлари.

**3. «Ноҳақ тажовузкорлик».**

Яъни, одамларга нисбатан адолатсизлик, зулм ва душманлик қилиш.

**4. «Аллоҳга ширк келтириш».**

Ширкнинг қайси тури бўлмасин, ҳаммаси ҳаром.

**5. «Аллоҳга нисбатан билмаган нарсани айтиш».**

Аллоҳнинг зоти ва илоҳиётга доир масалаларда фақат ҳақиқий илм асосидагина фикр юритиш жоиз. Тахмин, гумон ёхуд бировга тақлидан ҳукм чиқариш асло мумкин эмас.

Мазкур гуноҳларни қилаётганлар билиб қўйсинлар:

وَلِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ فَإِذَا جَاءَ أَجْلُهُمْ لَا يَسْتَأْخِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ ﴿٣٤﴾

**34. Ҳар бир умматнинг ажали бор. Ажаллари келган вақтида бирор соатга кетга ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар.**

Дунёга келган ҳар бир шахснинг белгилик ажали бўлиб, ўша ажал келганда бу дунёни, албатта, тарк этиши ҳақиқат. Шунингдек, оламдаги ҳар бир уммат — халқ ва қавмнинг ҳам белгилик ажали бор. Бу ажал муқаррар суратда, ўз вақтида келади. Уни на бирор соат олдинга, на бирор соат ортга сура оладилар.

Кейинги оят билан бошланадиган Одам болаларига қилинган тўртинчи нидода юқорида зикр қилинган ҳолатдан келиб чиқиб, ҳар ким ўзини, ўзлигини англаб, Аллоҳ кўрсатган йўлни топиб юриши қатъий лозимлиги уқтирилади:

يٰۤاٰدَمُ اِمَّا يٰٓاٰتِيۡنٰكُمۡ رُسُلٌ مِّنۡكُمْ يٰقُصُوۡنَ عَلَيۡكُمْ ؕ اٰتٰتِيۡ فَمِنۡ اٰتٰتِيۡ وَاَصۡلَحۡ فَلَا خَوْۡفٌ عَلَيۡهِمْ وَلَا هُمْ يَحۡزَنُوۡنَ ﴿٣٥﴾

**35. Эй, Одам болалари, агар сизларга ўзингиздан бўлган Пайғамбарлар келиб, оятларимни сўзлаганда, бас, ким тақво қилса ва яхши амал қилса, уларга хавф йўқдир ва улар хафа ҳам бўлмаслар.**

Нажот топаман, ўз жоним ва ўз аҳлим жонини хавф-хатарга қўймайман, кейин надомат чекиб юрмайман, деганлар иймон келтириб, Пайғамбарларга эргашсинлар, улар етказган оятларимга қулоқ осиб, тақво қилсинлар ва солиҳ ишларни амалга оширсинлар.

وَالَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَاسْتَكْبَرُوا عَنْهَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٣٦﴾

**36. Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганлар, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.**

Кимки бу дунёда Аллоҳ оятига иймон келтирмай, уни ёлғонга йўяр экан, кофирдир. Кимки Аллоҳ оятларидан кибрланиб, улар асосида яшамас экан, осийдир. Кофир ва осийлар эса, дўзахга эга бўлурлар. Эга бўлганда ҳам, ўша жойда абадул абад қолурлар.

Бу тоифа кишиларнинг азоб-уқубати жони халқумига келиб, фаришталар уни олишга келганидан бошланади:

فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِآيَاتِهِ ۗ أُولَٰئِكَ يَنَالُهُمُ نَصِيبُهُم مِّنَ الْكُذْبِ حَتَّىٰ إِذَا جَاءَهُمْ رَسُولُنَا يُتَوَفَّوْنَهُمْ قَالُوا إِنَّا مَا كُنْتُمْ تَدْعُونَ مِن دُونِ اللَّهِ قَالُوا ضَلُّوا عَنَّا وَشَهِدُوا عَلٰىٰ أَنفُسِهِمْ أَنَّهُمْ كَانُوا كَافِرِينَ ﴿٣٧﴾

**37. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки унинг оятларини ёлғонга чиқарган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Ана ўшаларга китобдан насибалари етар. Бизнинг элчиларимиз келиб уларнинг жонларини олаётиб: «Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган нарсаларингиз қани?» – дерлар. Улар: «Биздан ғойиб бўлишди», – дерлар ва ўз зиёнларига, кофир бўлганларини айтиб, гувоҳлик берарлар.**

Дунёдаги энг золим одам Аллоҳ таолога нисбатан ёлғон тўқиган, Аллоҳ таоло айтмаган нарсани айтди, деб, буюрмаган нарсани буюрди, деб юрган, ўзининг заиф ақли билан жорий қилиб олган қонун, урф-одатларига илоҳий қонунлар мақомини берадиган одамлардир.

Дунёдаги энг золим одам Аллоҳ таоло оятларини ёлғонга чиқарувчи одамдир. Бу икки зулмдан бирини қилган иккинчисини ҳам қилади. Билингики, улардан золимроқ одам дунёда йўқ!

Аммо, минг золим бўлсалар ҳам, бу дунёда яшаб ўтадилар.

**«Ана ўшаларга китобдан насибалари етади».**

Қазои қадар китобида нима ёзилган бўлса, шуни татиб, яшаб кўрадилар, Аллоҳ таоло сабаб қилиб қўйган ишларни қилиб, ундан ҳосил бўлган натижаларга гувоҳ бўлиб ўтадилар. Аммо, ажаллари етиб, бу дунёни тарк этиш онлари келганда ғаройиб бир саҳна вужудга келади. Ўлим фаришталари, яъни:

**«Бизнинг элчиларимиз келиб уларнинг жонларини олаётиб: «Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган нарсаларингиз қани?» – дерлар».**

Жони халқумига келиб, ўлими олдидан ҳамма нарса аён бўлиб қолган кофиру мушриклар нима дея оладилар? Уларни ўлим фаришталаридан ким қутқариб олади? Дардларига ким малҳам бўлади? Умр бўйи Аллоҳга нисбатан ёлгон тўқидилар. Мана энди, Аллоҳнинг элчилари – ўлим фаришталари келиб жонларини олмоққа шай бўлиб турибдилар. Жуда ноқулай ҳолга тушиб қолишди-ку. Бу дунёда ишонган тоғларидан бирортаси йўқ. Бўлганда ҳам, нима қилиб берар эди. Ёмон бўлди-да. Ҳаёти дунёда Аллоҳнинг оятларини ёлгонга чиқармаса бўлар экан. Мана энди, у оятлар ҳақ экани намоён бўлди. Аммо энди, сўнгги лаҳзаларда иймон келтирса ҳам, самараси йўққа ўхшайди. Ўлим фаришталарининг авзойлари бузуқ. Савол бериб, тақалиб туришибди. Улар, Аллоҳдан ўзга сиғинганларинг, айтганига юрганларинг қани, дейишмоқда. Нима деб жавоб қилсалар экан? Бор ҳақиқатни айтадилар-да. Не илож?

**«Улар: «Биздан ғойиб бўлишди», – дерлар».**

Ғойиб бўлмасдан не қилсинлар. Ўзлари ҳечга арзимайдиган нарсалар эди. Мана энди, йўқ бўлишди. Зарра фойдалари тегмади. Уларга ишонганларнинг ҳоли хароб. Энди, кофирликларига иқроп бўлиб, ўзларига қарши гувоҳлик бердилар. Айбларини тан олдилар. Энди, ўлим фаришталари уларнинг жонини қийнаб қабз этади ва Аллоҳ:

قَالَ ادْخُلُوا فِي أُمَمٍ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِكُمْ مِنَ الْجِنِّ وَالْإِنْسِ فِي النَّارِ كُلَّمَا دَخَلَتْ أُمَّةٌ لَعَنَتْ آخِيهَا حَتَّىٰ إِذَا آدَرَكُوا فِيهَا جَمِيعًا قَالَتْ أُخْرِبُهُمْ لِأَوْلِيَّهِمْ رَبَّنَا هَؤُلَاءِ أَضَلُّونَا فَعَاتِبَهُمْ عَذَابًا ضَعِيفًا مِنَ النَّارِ قَالَ لِكُلِّ ضِعْفٌ وَلَكِن لَّا نَعْلَمُونَ ﴿٣٨﴾

**38. У зот: «Сиздан олдин ўтган, жин ва инсдан бўлган умматлар билан дўзахга киринг», – дер. Қачонки, қайси бир уммат (дўзахга) кирса, шеригини лаънатлар. Бироқ у ерда ҳаммалари топишганларида, кейингилари аввалгиларини (маломат қилиб): «Эй Роббимиз, бизни анавилар адаштирган эдилар. Уларга дўзах азобини икки баробар қилиб бер», – дерлар. У зот: «Ҳаммага ҳам икки баробар, лекин билмайсизлар», – дер.**

Ўлим олдидан бошланган азоб шу тариқа давом этади. Икки ояти карима тавсифлаётган сахналар – жон талвасаси, дўзахга кириш оралиғидаги қабр азоби, қайта тирилтириш, маҳшар азобуқубатлари баён этилмай, бир йўла сўнгги сахна тасвирланяпти. Кофир ва мушрикларга Аллоҳ таоло:

**«Сиздан олдин ўтган, жин ва инсдан бўлган умматлар билан дўзахга кириг», – дер».**

Сиздан илгари дўзахга тушган дўстларингизга қўшилиглар. Бу дунёда кофирлик ва маъсият бобида дўст-оғайни эдингиз. Энди, дўзахда ҳам бирга бўлинглар. Шундай қилиб, гуноҳкор зотлар бирин-кетин дўзах қаърига ташланаверадилар.

**«Қачонки, қайси бир уммат (дўзахга) кирса, шеригини лаънатлар».**

Осий зот айнан ўз шеригига эргашиб, оқибат ушбу балойи азимга гирифтор бўлди. Агар ўша шерикнинг измида юрмаса, бу ҳол юз бермасди. Уларнинг бир гуруҳи бошқа бировини лаънатлаб турганда, кейингилари келиб тагин бир тоифани лаънатлай бошлайди. Шундай қилиб, бир-бирларини лаънатлаб, бирин-кетин дўзахда топишадилар:

**«Ҳаммалари унда топишганда эса, кейингилари аввалгиларини (маломат қилиб): «Эй Роббимиз, бизни анавилар адаштирган эдилар. Уларга дўзах азобини икки баробар қилиб бер», – дерлар».**

Осийлар дўзах саҳнида топишганларидан сўнг, бу дунёдаги дўстликдан ва қуруқ «муҳаббат»ларидан асар ҳам қолмайди. Боз устига, бир-бировларига айб ағдаришга тушадилар. Моддий дунёдаги такаббурлик, куфр ва исёнлари босилиб, одамга ўхшаб қоладилар ва Аллоҳ таолога,

**«Эй Роббимиз»** деб нидо қиладилар.

Бу дунёда улар Аллоҳнинг Робб эканини инкор қилган ва Ундан ўзгани ўзларига Робб тутган эдилар. Энди эса,

**«Эй Роббимиз»** дейишмоқда.

Ўзларини оқлаш мақсадида бутун гуноҳларни кечаги ёрларига ағдаришмоқда. Бу дунёда уларга раҳнамо – сарвар бўлганларнинг ёқасига осилиб,

**«бизни анавилар адаштирган эдилар»,** деб фарёд чекишмоқда.

Бугун уларнинг номларини ҳам айтгилари келмайди,

**«анавилар»** демоқдалар, холос.

**«Анавилар»** ўзлари адашгани етмаганидек, бизни ҳам адаштирдилар, шунинг учун,

**«уларга дўзах азобини икки баробар қилиб бер».**

Ўзлариникини ҳам, бизникини ҳам олсинлар, дейдилар. Лекин жавоб улар кутгандек бўлмайди. Уларнинг бу илтимосига Аллоҳ:

**«...ҳаммага ҳам икки баробар, лекин билмайсизлар, – дер».**

Улар сизни адаштирдилар, сиз эса ўзингиздан кейингиларни адаштирдингиз! Шунинг учун, барча-барчангизга дўзах азоби икки

баробар бўлаверади. Бу даҳшатли ҳолга гувоҳ бўлиб турган «аввалгилар»га ҳам жон киради-да, ўзларини оқлашга тутинадилар ва:

وَقَالَتْ أُولَئِهِمْ لِأَخْرَجْنَاهُمْ فَمَا كَانَ لَكُمْ عَلَيْنَا مِنْ فَضْلٍ فذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنْتُمْ  
تَكْسِبُونَ ﴿٣٩﴾

**39. Аввалгилар кейингиларга: «Сизларнинг биздан афзаллик томонингиз йўқ. Қилган касбингизга яраша азобни тортаверинглар», – дерлар.**

Уларнинг барчаси кофир, осий – гуноҳкор. Барчаси дўзахий. Барчаси икки баробар азобга сазовор.

إِنَّ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَاسْتَكْبَرُوا عَنْهَا لَا تُفْتَحُ لَهُمْ أَبْوَابُ السَّمَاءِ وَلَا يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ  
حَتَّى يَلِجَ الْجَمَلُ فِي سَمِّ الْخِيَاطِ وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُجْرِمِينَ ﴿٤٠﴾

**40. Албатта, оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганларга осмон эшиклари очилмас ва улар туя игна тешигидан ўтмагунча жаннатга кирмаслар. Жиноятчиларни мана шундай жазолаймиз.**

Бу дунёда ҳузур-ҳаловатда яшаб юрган чоғида Аллоҳ таоло оятларини ёлғонга чиқариб, уларга ишонмаганлар, бу ҳам етмагандек, Халлоқи Олам оятларидан кибрланиб, уларга амал қилмай ўтганларнинг ҳоли ҳақиқий дунёда жуда аянчли бўлиб қолади. Аввало, уларга

**«осмон эшиклари очилмас».**

Бундан мақсад нима? Биринчидан, қилган амалларининг савоби осмонга қадар чиқа олмайди. Зеро, кофир бўлгач, амали қабул бўлмайди. Бандаларнинг савоблари кирадиган эшик уларнинг амали учун ёпиқ бўлади. Шунингдек, ўша бандалар ўлганда руҳларини осмонга элтгувчи эшиклар очилмай, йўллари тўсилади. Ушбу ҳолни тасаввур қилиш учун имом Аҳмад ибн Ҳанбал Барро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган батафсил ҳадисдан иқтибос келтирамиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жумладан шундай деганлар: «Агар кофир банда бу дунёдан узилиб, у дунёга интиқол қиладиган бўлса, унинг ҳузурига осмондан жанда кўтарган қора юзли фаришталар тушиб, кўзи етадиган жойга ўрнашадилар. Кейин ўлим фариштаси келиб ўша банданинг бош тарафига ўтиради ва:

«Эй, ифлос рух, Аллоҳнинг ғазаби ва қаҳрига чиқ!» — дейди. Жони жасадига тарқаб кетади. Бас, уни ҳўл жундан сихни суғуриб олган-дек суғуриб олади. Олгандан кейин қўлларида тутиб турмай, дарҳол ҳалиги жандага ўрайдилар. Ундан энг сассиқ ўлимтиқдан чиқан ҳиддек ҳид чиқиб туради. Ер юзида бундан ёмон ҳид йўқ. Сўнгра, у жонни олиб юқорига кўтариладилар. Қайси фаришталар тўпи олдидан ўтсалар: «Бу қандай ифлос жон?» — деб сўрайдилар. Бу фалончининг ўғли пистончи, деб ҳаёти дунёдаги энг қабиҳ исмни айтадилар. Охири дунё осмонига бориб етадилар. Эшикни очишни сўрайдилар. Эшик очилмайди». Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «... кибр қилганларга осмон эшиклари очилмайди ва улар туя игна тешигидан ўтмагунча жаннатга кирмайдилар» оятини тиловат қилдилар».

Ҳадиси шарифнинг давомида ўша ифлос жон ернинг энг қаърига итқитилиши, қабр азобига гирифтор бўлиши ва бошқа мусийбатлар таърифланади. Кетма-кет келадиган бу азоблардан қутулишнинг ёлғиз бир йўли бор. У ҳам бўлса, жаннатга дохил бўлиш. Аммо, бу кофир ва осийлар, Қуръондан юз бурган ва унга амал қилмаган гумроҳлар жаннатга қандай қилиб кирадилар?

**«Улар туя игна тешигидан ўтмагунча жаннатга кирмаслар».**

Уларнинг руҳлари осмонга олиб чиқилганда, эшик очилмай, аҳволлари расво бўлган эди. Энди, жаннатга киришлари учун ғоят оғир шарт қўйилмоқда. Бир тарафда улкан жуссали тоғдек туя дарёдек пишқириб турибди. Иккинчи тарафда кўз илғаб-илғамай бир игна. Аммо, унинг тешигини, унга нигоҳи ўткир одам яқинроқдан тикилмаса, кўрмайди ҳам. Бу баҳайбат туя ушбу кичкина тешиқдан ўтса, бош устига, «анавилар» ҳам жаннатга кираверсинлар.

Бу илоҳий таъбир оддийгина қилиб, абадул абад жаннатга кирмайди, дейишдан кўра юз чандон таъсирчандир. Бу ҳам уларнинг азобига азоб, жазосига жазо қўшиш учундир. Шу боисдан ҳам, Аллоҳ таоло оят охирида:

**«Жиноятчиларни мана шундай жазолаймиз»,** демоқда.

Улар жаннатга эмас, дўзахга кирадилар:

لَهُمْ مِنْ جَهَنَّمَ مِهَادٌ وَمِنْ فَوْقِهِمْ غَوَاشٍ ۚ وَكَذَلِكَ نَجْزِي الظَّالِمِينَ ﴿٤١﴾

**41. Уларга жаҳаннамдан тўшак ва устларига чойшаб бор. Золимларни мана шундай жазолаймиз.**

Демак, уларнинг остларига солиб ётадиган тўшаклари ҳам, устларига ёпинадиган чойшаблари ҳам оловдан. Тўрт томондан олов



билан қамраб олинганлар. Бу дунёда куфр ва ширк келтириб оламдаги энг катта зулмни содир этганлар. Бу тоифа золимлар ҳар нечук жазога лойиқдирлар.

**«Золимларни мана шундай жазолаймиз».**

Кофирлар шу зайлда кетма-кет мусийбат, азоб-уқубатга дучор бўлиб, дўзах оловида қуяётган бир пайтда, мўминлар буткул ўзгача ҳолатда бўладилар:

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُكَفِّرَنَّ عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَفْضَلِ الَّذِي كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٢٤﴾  
 الْجَنَّةُ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿١٢٥﴾

**42. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар – Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз – ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.**

Бу тамоман бошқа муҳит. Умуман, бошқа манзара ва саҳна. Бу дунёда иймон билан яшаб, солиҳ амалларни қилганлар жаннат эгалари бўлмоқдалар. Зотан, иймон билан солиҳ амалларни адо этиб яшашнинг ҳеч бир қийинчилиги йўқ. Чунки, Аллоҳ таоло ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. Тоқати доирасидаги амалларни бажариб жаннатга соҳиб бўлиш қандай улур толе! Боз устига, жаннатда абадий қолиш нечук саодат!

وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِنْ غَلٍ تَجْرَىٰ مِنْ تَحْتِهِمُ الْأَنْهَارُ وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي هَدَانَا لِهَذَا وَمَا كُنَّا لِنَهْتَدِيَ لَوْلَا أَنْ هَدَانَا اللَّهُ لَقَدْ جَاءَتْ رَسُولَنَا بِالْحَقِّ وَنُودُوا أَنْ تِلْكَ كُمُ الْجَنَّةِ أُوْرَثْتُمُوهَا بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٢٦﴾

**43. Ва кўксиларидаги ғиллу ғашларни чиқариб олдик, остиларидан анҳорлар оқиб турибди. Улар: «Бизни шунга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, агар Аллоҳ бизни ҳидоят қилмаганда, ўзимиз йўл топа олмас эдик. Роббимизнинг элчилари ҳақни келтирдилар», – дедилар. Ва уларга: «Мана шу жаннатингизни қилган амалларингиз туфайли мерос қилиб олдингиз», – деб нидо қилинур.**

Бутунлай ўзгача манзара, ўзгача ҳолат. Кофирлар дўзахга тушишлари баробарида қалблари бир-бировларига нисбатан ғиллу ғашга тўла, бир-бирларини лаънатлаган ва ҳақоратлаган ҳолда эди-

лар. Уларнинг тўшаклари ва чойшаблари ҳам оловдан эди. Аммо, мўминларнинг ҳолини васф қилиб Аллоҳ таоло:

**«Ва кўксиларидаги ғиллу ғашларни чиқариб олдик, остиларидан анҳорлар оқиб турибди»,** демоқда.

Аслида, мўмин инсонларнинг бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқ бўлса ҳам, Аллоҳ уларнинг қалбини тамоман мусаффо қилиш учун баъзи бир ғиллу ғашларни ҳам чиқариб олибди. Қандай яхши!

Кофирлар Аллоҳга мурожаат қилиб, шерикларининг азобини икки баравар зиёда қилишни сўраган эдилар.

Мўминлар жам бўлиб, Аллоҳ таолога ҳамду сано айтадилар:

**«Улар: «Бизни шунга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, агар Аллоҳ бизни ҳидоят қилмаганда, ўзимиз йўл топа олмас эдик. Роббимизнинг элчилари ҳақни келтирдилар», – дедилар».**

Улар ҳақ сўзлайдилар. Агар Аллоҳ таоло ҳидоят қилмаса, бу ҳолни ҳеч ким ўзича кашф эта олмайди. Элчилар, яъни, Пайғамбарлар ҳақ динни – ҳақ хабарни элтдилар, холос.

Ниҳоят, натижа ҳам мутлақо ўзгача бўлиб чиқди. Кофирларга: «Сизлардан олдин ўтган, жин ва инсдан бўлган умматлар билан дўзахга кириш», дейилган эди. Мўминларга эса:

**«Мана шу жаннатингизни қилган амалларингиз туфайли мерос қилиб олдингиз»,** дейилмоқда.

Икки ёнда икки хил ҳолат. Бир томонда, жаннат эгалари тўқис роҳат-фароғатда. Иккинчи томонда, дўзах эгалари буткул азоб-уқубатда. Шу пайт жаннат соҳиблари дўзах сокинларига нидо қиладилар:

وَنَادَىٰ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ أَصْحَابَ النَّارِ أَن قَدْ وَجَدْنَا مَا وَعَدَنَا رَبُّنَا حَقًّا فَهَلْ وَجَدْتُمْ مَا وَعَدَ رَبُّكُمْ حَقًّا قَالُوا نَعَمْ فَأَذَّنَ مُؤَذِّنٌ بَيْنَهُمْ أَن لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ ﴿٤٤﴾

**44. Ва жаннат эгалари дўзах эгаларига: «Биз Роббимиз бизга ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини топдик. Сизлар ҳам Роббингиз ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини топдингизми?!» – деб нидо қиладир. Улар: «Ҳа!» – дерлар. Бас, улар ўрталарида бир жарчи: «Золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!!!»**

الَّذِينَ يَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ وَيَبْغُونَهَا عِوَجًا وَهُمْ بِالْآخِرَةِ كَفُورُونَ ﴿٤٥﴾

**45. Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган, уни бузишни истайдиган ва охиратга кофир бўлувчиларга!!!» – деб жар соладир.**

Бундай ҳолатда савол беришга фақат жаннат эгаларигина қодир-дирлар. Чунки, дўзах эгалари ўзлари билан ўзлари овра. Бу дунёда кофирлар Аллоҳнинг охирати, жаннати ва дўзахига, уларда азоб-уқубат, роҳат-фароҳат бўлишига иймон келтирган мўминлар устидан кулган эдилар. Энди, вазият буткул ўзгарди. Мўминларнинг юзи ёруғ, сўзлари ҳақ бўлди. Улар ўктам овозда дўзахда азоб чекаётган кофирларга қарата:

**«Биз Роббимиз бизга ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини топдик. Сизлар ҳам Роббингиз ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини топдингизми?!»** деб нидо қилмоқдалар.

Кофирлар нима қилишсин? «Ҳа!» дейишдан бошқа чоралари йўқ. Шу чоғ Аллоҳ юборган жарчи жаннат ва дўзах аҳли ўртасида турганча бор овозда:

**«Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган, уни бузишни истайдиган ва охиратга кофир бўлувчиларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!!!»** – дейди.

Одатда зулм ва куфр, золим ва кофир тушунчалари бир маънони англатади. Аммо, бу ўринда золим кофирдан кўра кенгроқ маънони англатяпти. Кофир ўзи куфр келтириб, иймонини барбод этган шахс. Аммо, золим асли кофир, иймонсиз бўлиб, шариатга амал қилмагани етмаганидек, яна бошқа маъсиятларни ҳам қилади. Энг қабих амалларидан бири одамларни «Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган» лигидир. Ўзи Аллоҳ йўлида юрмагани камлик қилганидек, бошқаларни ҳам Аллоҳнинг йўлидан тўсади. Мўминларни қувғин қилади, турли азобларга солади. Дин ривожига тўсқинлик қилади. Одамларнинг диндор бўлишига, шариатга амал қилишига қаршилик кўрсатади. Бу энг катта зулмдир. Унинг сўнгги таърифи «Охиратга кофир бўлгувчи» лигидир. Охиратга иймони бўлса, бу ишларни қилмас эди.

Келаси ояти каримада жаннат ва дўзах аҳллари ҳақидаги юқоридаги таърифун тавсиф давом этади:

وَيَبْنُهُمْ حِجَابٌ وَعَلَى الْأَعْرَافِ رِجَالٌ يَعْرِفُونَ كَلَّا لِيَسْمِعَهُمْ وِنَادُوا أَصْحَابَ الْجَنَّةِ أَنْ سَلِّمُوا عَلَيْكُمْ  
لَمْ يَدْخُلُوهَا وَهُمْ يَطْمَعُونَ

**46. Ораларида тўсиқ бор, у деворлар устидаги кишилар ҳам-маларини сиймоларидан танирлар. Тамаъ қилган ҳолларида кирмай турган жаннат эгаларига: «Сизга салом бўлсин», – деб нидо қилурлар.**

Яъни, жаннат аҳли ва дўзах аҳлининг орасида тўсиқ бор. Бу тўсиқ «Ҳадид» сурасида «девор» деб аталади. Ўша деворнинг номи

«Аъроф». Деворлар жуда баланд бўлиб, дўзах аҳли ҳар қанча уринсалар ҳам, ундан ўтиб, жаннатга кира олмайдилар. Баъзи ривоятларда, ўша девор устидан боғлар униб, анҳорлар оқиб туради, дейилади. Демак, унинг қалинлиги ҳам хийлагина. Жаннат билан дўзах орасида тўсиқ бўлиб турган баланд ва кенг девор — Аъроф устида одамлар бор. Бу одамлар кимлар эканлиги ҳақида уламолар ўртасида икки хил фикр мавжуд. Биринчиси: улар яхшилик ва ёмонликлари тенг келиб, на жаннатга, на дўзахга ҳукм бўлмай қолган кишилардир. Иккинчиси, ўз қавмига Пайғамбарларнинг ҳақ даъватларини етказиб, уларни яхшиликка бошлаган даъватчилар, уламолар ва шуҳадолардир. Ана шу икки маънодан келиб чиқиб, ояти кариманинг охириги «Тамаъ қилган ҳоларида кирмай турган» жумласига ҳам икки хил маъно берилади. Агар «Аъроф эгалари»ни яхшилиги ва ёмонлиги тенг келиб қолиб, жаннатга ҳам, дўзахга ҳам ҳукм бўлмай қолганлар, десак, жаннатга тамаъ қилиб кирмай турганлар уларнинг ўзлари бўладилар. Аммо улар олий мартабали уламою ва шуҳадолар десак, жаннатдан тамаъдорлик жаннат эгаларининг жаннатга киришидан олдинги ҳолатига ишоратдир. Ҳамда «Аъроф эгалари» уларга жаннатга киришларидан олдин: «Сизга салом бўлсин», деб турган бўладилар.

Биз иккинчи маънони ихтиёр қилдик. Чунки, Аъроф — олиймақом жой, жаннатнинг ҳам устида. Унинг юзида турган одамлар ҳалойиқни юқоридан кузатишяпти. Улар ишонч билан яхшиларга яхши, ёмонларга эса уларга муносиб тарзда сўз қотмоқдалар. Жаннат эгаларини олқишлаб, дўзах аҳлини итоб қилмоқдалар. Ўзларини нима кутаётганини билолмай, қиёмат саҳнида изтироб чекиб турганлар бунга журъат эта олмайдилар. Аллоҳу аъламу бис-савоб.

«Аъроф эгалари» аҳли жаннатга салом бериб бўлганларидан кейин:

﴿وَإِذَا صُرِفَتْ أَبْصَارُهُمْ تِلْقَاءَ أَصْحَابِ النَّارِ قَالُوا رَبَّنَا لِمَ جَعَلْنَا مَعَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ﴾

**47. Қачонки кўзлари дўзах эгалари томон бурилиб қолса: «Эй Роббимиз, бизни золим қавмлар билан бирга қилмагин», дерлар.**

Чунки, дўзах аҳлининг аҳволи ғоятда аянчлидир. Ўшал золим қавмларнинг дўзахдаги ҳолини кўрган ҳар бир банда беихтиёр Аллоҳ таолодан ўзини улар билан бирга қилмаслигини ўтиниб сўраши турган гап.

Шу пайт «Аъроф эгалари» дўзахнинг қаърида азоб чекаётганлар ичида бу дунёда ўзларига таниш бўлган кишиларни кўриб қоладилар. Шунда:

وَنَادَى أَصْحَابُ الْأَعْرَافِ رِجَالًا يَعْرِفُونَهُمْ بِسِيمَاهُمْ قَالُوا مَا أَغْنَىٰ عَنْكُمْ جَمْعُكُمْ وَمَا كُنْتُمْ  
تَسْتَكْبِرُونَ ﴿٤٨﴾

**48. Аъроф эгалари сиймоларидан танийдиган кишиларига нидо қилиб: «Тўплаганингиз ва қилган кибру ҳавоингиз сизга асқотмабди-ку!»**

أَهْتُولَاءِ الَّذِينَ أَقْسَمْتُمْ لَا يَنَالُهُمُ اللَّهُ بِرَحْمَةٍ أَدْخُلُوا الْجَنَّةَ لَا خَوْفٌ عَلَيْكُمْ وَلَا أَنْتُمْ  
تَحْزَنُونَ ﴿٤٩﴾

**49. Сизлар: Аллоҳ уларга раҳмат етказмас, деб қасам ичганингиз ана уларми?! (Уларга): Жаннатга киринглар! Сизга хавф йўқ ва сиз хафа ҳам бўлмайсиз, дейилди-ку!» – дерлар.**

Яъни, кейин уларнинг нигоҳи ҳаёти дунёда сиймолари таниш бўлган одамларнинг дўзахда азобланаётганига тушади. Шунда Аъроф аҳли уларга бу дунёдаги амалларини эслатиб, айни ҳолларига ачинадилар ва аччиқ нидо қиладилар:

**«Тўплаганингиз ва қилган кибру ҳавоингиз сизга асқотмабди-ку!»**

Моддий дунёда ҳар бир ишни жамлаган мол-дунёингиз туфайли осон ҳал қилар эдингиз. Молу дунё бўлса, истаган нарсани бажариш мумкин, деган хаёлда эдингиз. Бугун қиёмат саҳнида жамлаган молингиз асқотмабди-ку?! Унинг ёрдамида дўзах азобидан қутула олмабсиз-ку?! Бу дунёдан кибру ҳаво билан ўтдингиз, ҳамма нарса меники, деб даъво қилдингиз, мен ўзим зўр бўлганимдан шундай бўлди, деб пуч хаёлларга бордингиз, агар қиёмат қойим бўлса ҳам, усталик қилиб ишимни ўнглаб оламан, деб гумон қилдингиз, энди нима бўлди? Ҳолингиз чатоқ-ку?! Кибру ҳавоингиз асқотмабди-ку?

**«Сизлар: «Аллоҳ уларга раҳмат етказмайди», деб қасам ичганингиз ана уларми?!»**

Бу сўзларни Аъроф аҳли бу дунёда бечораҳол, заиф яшаб ўтиб, оқибат жаннатга дохил бўлган кишиларга ишоратан дўзахийларга айтадилар. Қуръони Карим нозил бўлаётган саодат асрида кофирлар худди шундай деганлар. Улар бу даъводан ҳозир ҳам кечганлари йўқ. Аммо, ҳаммалари ҳам қиёматда ушбу итобга ўхшаш итобни эшитишлари турган гап. Кофирлар жаҳаннам азобини чекиб, ҳол-

лари танг бўлиб турганда ушбу таънани эшитиб ҳоллари яна ҳам бадтар бўлади.

Улар мўмин кишиларни ҳаёти дунёдаги заиф ҳоллари учун назар-писанд қилмас эдилар. Дунё ва башар тақдирини ўз ўлчовлари билан ўлчаб, борди-ю қиёмат қўпса ва унда жаннат ҳақиқатда бор бўлиб, Аллоҳ баъзи бир одамларни раҳмат қиладиган бўлса, унда, албатта, бизни раҳмат қилади, анави заифларга раҳмат қиладими, дердилар. Уларнинг ишончлари шу даражада кучли эдики, бу гапларини тасдиқлаш учун қасам ҳам ичган эдилар.

Хўш, энди нима бўлди?! Ўша сиз назар-писанд қилмаганлар ана уларми?! Жаннатда юришибди-ку? Аллоҳ уларга раҳмат қилибди-ку?!

«(Уларга): **«Жаннатга киринглар! Сизга хавф йўқ ва сиз хафа ҳам бўлмайсиз», дейилди-ку!»**

Бу дашномларга қарши дўзах аҳлида жавоб йўқ. Бу дунёдаги кибру ҳаво, гердайишлари ҳам абас. Аҳволлари огир. Дўзах борган сари қизиб бормоқда. Ичгани бир томчи сув йўқ. Жаннат аҳлига маза, остларидан муздек сув оқиб турибди. Ичаман десалар, анвойи шароблар муҳайё. Улардан сув сўралса, қандоқ бўлар экан?

وَنَادَىٰ أَصْحَابُ النَّارِ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ أَنْ أَفِضُوا عَلَيْنَا مِنَ الْمَاءِ أَوْ مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ  
قَالُوا إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَيْنَا الْكُفْرَ بِرَبِّهِ

50. Дўзах эгалари жаннат эгаларига: «Бизга ҳам сувдан ёки Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсадан тўкинглар», – деб нидо қиларлар. Улар: «Албатта, Аллоҳ буларни кофирларга ҳаром қилган.

الَّذِينَ اتَّخَذُوا دِينَهُمْ لَهْوًا وَلَعِبًا وَغَرَّتْهُمُ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا فَالْيَوْمَ نَنسِفُهُمْ  
كَمَا نَسُوا لِقَاءَ يَوْمِهِمْ هَذَا وَمَا كَانُوا بِآيَاتِنَا يَجْحَدُونَ

51. Динларини ўйин-кулги қилиб олган ва ҳаёти дунё ғурурига кетганларга», – дерлар. Бас, бу Кунда улар бугунги ҳолга дучор бўлишларини унутганлари ва оятларимизни инкор қилганларидек, Биз ҳам уларни унутамиз.

Кўриниб турибдики, дўзах аҳли фақат моддий азобгагина эмас, маънавий азобга ҳам бардавом гирифтор бўлиб турар эканлар. Улар

ҳозиргина «Аъроф эгалари»дан дашном эшитган эдилар. Энди эса жаннат аҳлидан сув ва неъматлар сўраб, уларнинг ўрнига ҳам дашном олмақдалар. Жаннат аҳли уларга бу дунёдаги қилмишларини эслатиб қўйишяпти:

**«Албатта, Аллоҳ буларни динларини ўйин-кулги қилиб олган ва ҳаёти дунё ғурурига кетган кофирларга ҳаром қилган».**

Дарҳақиқат, дўзахийлари бу дунёда қиёматни ҳеч қачон ўйлаган эмаслар. Уларнинг муқаддас динни анчайин ўйин-кулги қилишлари, ҳаёти дунё ғурурига кетишлари ҳам ушбу Кунни, яъни охиратни унутиб қўйганларидан. Сухбат шу ерга етганида, Аллоҳ таоло ҳам гапга аралашади:

**«Бас, бу Кунда улар бугунги ҳолга дучор бўлишларини унутганлари ва оятларимизни инкор қилганларидек, Биз ҳам уларни унутамиз».**

Яъни, уларнинг муомаласига мос муомала қиламиз. Бу ҳам катта маънавий азоб. Бу дунёда инсонга ўзидан юқорироқ мартабадаги таниш бир инсон бегоналарча муомала қилса, гоят оғир маънавий ҳолат юзага келади? У дунёда, қиёмат кунни, Аллоҳ таолонинг бундай муомаласини ва осий банданинг аҳволини тасаввур қилиб олаверинг.

Аллоҳ таоло сўзида давом этиб яна қуйидагиларни айтади:

وَلَقَدْ جِئْتَهُمْ بِكِتَابٍ فَصَّلْنَاهُ عَلَىٰ عِلْمٍ هُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٢﴾

**52. Батаҳқиқ, Биз уларга илм ила муфассал қилинган, иймон келтирган қавм учун ҳидоят ва раҳмат бўлган китобни келтирдик.**

Яъни, Қуръонни келтирдик. У илм ила муфассал қилинган. Унда ноилмийлик йўқ. Бу азим китобда иймон келтирганлар учун ҳидоят бор. Ким иймон келтирса, ўшанга икки дунёнинг раҳмати бўлади. Аммо, баъзи одамлар унга иймон келтирмаяптилар.

هَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا تَأْوِيلَهُ يَوْمَ يَأْتِي تَأْوِيلَهُ يَقُولُ الَّذِينَ كُنْتُمْ مِنْ قَبْلُ قَدْ جَاءَتْ رُسُلُ رَبِّنَا بِالْحَقِّ فَهَلْ لَنَا مِنْ شُفَعَاءَ فَيَشْفَعُوا لَنَا أَوْ نُرَدُّ فَنَعْمَلْ غَيْرَ الَّذِي كُنَّا نَعْمَلُ قَدْ خَسِرُوا أَنفُسَهُمْ وَضَلَّ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَفْتَرُونَ ﴿٥٣﴾

**53. Улар унинг таъвийлини – оқибатини кутмоқдалар, холос. Унинг таъвийли келган кунда илгари уни унутганлар: «Роббимиз-**



**нинг Пайғамбарлари ҳақ ила келган эканлар. Энди бизга шафоат қилувчилар борми, шафоат қилсалар ёки ортга қайтарилсагу қилган амалларимиздан бошқача амалларни қилсак», – дерлар. Батаҳқиқ, улар ўзларига зиён қилдилар ва тўқиб олган нарсалари улардан ғойиб бўлди.**

Қуръонга иймон келтирмаганлар қандай мўъжизани кутмоқдалар? Қачон иймонга келадилар? Улар Қуръоннинг таъвийлини – унда келган ваъдаларнинг юзага чиқишини кутмоқдалар. Агар Қуръонда келган ваъдалар юзага чиқиб, қиёмат қойим бўлса, улар, шубҳасиз, иймон келтирадилар. Ўша пайтда Қуръонни унутган бу осий кимсалар:

**«Роббимизнинг Пайғамбарлари ҳақ ила келган эканлар».** Роббимизнинг охирги Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган Қуръон ҳам ҳақ экан. Биз унга иймон келтирмай, улкан гуноҳга ботибмиз:

**«Энди бизга шафоат қилувчилар борми, шафоат қилсалар ёки ортга қайтарилсагу қилган амалларимиздан бошқача амалларни қилсак», – дерлар».**

Қиёмат куни иймонсизликлари боис нажот топишнинг имконияти йўқлигини англаб етадилар. Энди шафоатчи қаёқда? Қиёматда шафоат қилувчиларнинг улуғи ва ишончлиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эдилар. Аммо, кофирлар у Зотга бу дунёда иймон келтирмадилар. У киши соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларидан умид қила олмайдилар. Қиёматда шафоат қилувчиларнинг яна бири Қуръони Карим эди. Аммо, кофирлар унга ҳам иймон келтирмадилар. Демак, Қуръони Каримнинг шафоатидан ҳам умид қила олмайдилар. Қиёматда шафоат қилувчи воситалардан бири иймон эди, иймонлари йўқ. Яна бири ибодат, яхши амаллар эди, таассуфки, ибодатлари ҳам, яхши амаллари ҳам йўқ. Имкони бўлса эди, улар бу дунёга қайтиб, аввал қилган гуноҳларини такрорламай, иймон ва ихлос билан яшашга жон деб кўнардилар. Балки, бирдан-бир орзулари шудир. Аммо, бунинг сира ҳам иложи йўқ. Вақтида иймон келтирмай, ибодат ва солиҳ амаллар қилмай:

**«Батаҳқиқ, улар ўзларига зиён қилдилар».**

Улар Аллоҳга душман бўлган зотларнинг гапига кирдилар. Шайтонга малай бўлдилар. Ёлғон ва бўҳтонларни тўқидилар. Бутларга, раҳбарларга, бойлик, мансаб ва бошқаларга ишондилар. Бутунги кунга келиб эса:

**«...тўқиб олган нарсалари улардан ғойиб бўлди».**

Эй, ғофил бандалар! Сизлар уларнинг барчасидан юз ўтириб, Роббингизга ишонишингиз керак эди.

إِنَّ رَبَّكُمُ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ  
يَغْشَى الْيَلَّ النَّهَارَ يَطْلُبُهُ حَيْثُهَا وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ مُسَخَّرَاتٍ بِأَمْرِهِ ۗ أَلَا لَهُ الْخَلْقُ  
وَالْأَمْرُ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴿٥٤﴾

**54. «Албатта, осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнгра аршни эгаллаган Роббингиз кеча ила кундузни қоплайдир. Униси бунисини шошилиб қувлайдир. Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди. Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосдир. Оламларнинг Робби – Аллоҳ буюқдир.**

Ислом ақийдасига кўра, Аллоҳ таоло ўхшаши йўқ Зотдир. Зотининг, сифатининг, амалларининг ҳам монанди йўқ. Ким уни бирор нарсага қиёслашга уринса, кофир бўлади. Шу боисдан, ушбу оятда келган ва Аллоҳга нисбат берилган ҳодисалар, оятда келганидек, Аллоҳнинг Ўзига хос равишда бўлган, деб тушунилади. Уларни бирор нарсага қиёслашга уриниш айни гуноҳ. Нега, нима учун, деб сўраш ҳам мумкин эмас.

**«Албатта осмонлару ерни олти кунда яратган...»**

Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратгани ҳақ. Аммо, қандай усулда яратганини билмаймиз. Демак, ўзига хос бўлган яратиш тадбири билан яратган.

Уларни олти кунда бунёд этганлиги ҳам ҳақ. Аммо, бу кунлар қандай кунлар эканини билмаймиз. Билишга имконимиз йўқ. Бу кунлар ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бўлган кунлардир.

**«сўнгра аршни эгаллаган Роббингиз»**

Аллоҳ таоло аршни эгаллагани ҳам ҳақ. Аммо, қандай, нечук эгаллаш эканини билмаймиз. Бу ҳақда сўраб-суриштирамаймиз ҳам. Ўтган салафи солиҳларимиз бундай масалаларни қўзиганларни бидъатчи, бузғунчи, фитнакаш, деб атаганлар ва баъзиларини жазолашга ҳукм қилганлар.

Қуръони Каримда шу маънода бир қанча ояти карималар келиши эътиборидан ушбу жумла ҳақида ҳар бир мусулмон билиши лозим бўлган баъзи маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқдир.

Аввало Арш ҳақидаги баъзи маълумотларни ақоид китобларимизнинг энг мўътабарларидан ҳисобланмиш «Шарҳи ақийдаи Тоҳовия» китобидан билиб олайлик:

**Арш ва Курси ҳақдир.**

Шарҳ: «Арш» луғатда подшоҳнинг тахтини англатади. Аллоҳ таоло Қуръонда Сабаъ маликаси ҳақида «Унинг катта арши бор» («Намл» сураси, 23) деган, яъни, тахти бор. Арш жоҳил файласуфлар айтганидек фалак эмасдир. Улар аршни тўққизинчи фалак ёки атлас фалаки, дейишган. Араблар аршни ҳеч қачон бу маънода ишлатмайдилар. Қуръон араб тилида нозил қилингандир. Арш оёқлари бор тахт бўлиб, уни фаришталар кўтариб юришади. У олам учун худди қуббадек. У махлуқотларнинг шифтидир.

Далил:

1- «У зот улуғ Аршнинг эгасидир. Ирода қилган нарсасини қилувчидир». («Буруж» сураси, 15)

2- «У зот даражалари юксақ, Арш эгасидир». («Ғофир» сураси, 15)

3- «Сўнгра аршни эгаллади». («Юнус» сураси, 3)

4- «Ва арши сувнинг устида эди». («Ҳуд» сураси, 7)

5- «Ҳеч бир илоҳ йўқ. Магар У зот-карим Аршнинг Роббиси бор». («Мўминлар» сураси, 116)

6- «Аршни кўтараётганлар ва унинг атрофидагилар Роббиларига ҳамд ила тасбеҳ айтурлар, Унга иймон келтирурлар ва иймон келтирганлар учун истиғфор айтурлар». («Ғофир» сураси, 7)

7- «Ва ўша куни Роббингнинг аршини саккизтаси устларида кўтарур». («Ал-Ҳааққаҳ» сураси, 17)

8- Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларида келган гаплар: «Ҳеч бир илоҳ йўқ. Магар азийму ҳалийм Аллоҳ бор. Ҳеч бир илоҳ йўқ. Магар У – улуғ Арш Роббиси бор. Ҳеч бир илоҳ йўқ. Магар Аллоҳ – осмонлар Роббиси, ер Роббиси ва карим Арш Роббиси бор». (Бухорий, Муслим).

9- Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, одамлар ўлурлар. Биринчи хушига келган мен бўлурман. Қарасам, Мусо Аршнинг оёқларидан бирини тутиб турган бўлади. Билмадим, у мендан олдин ўзига келганми ёки Турдаги зарба билан кифояланганми?» – деганлар. (Бухорий, Муслим).

Юқорида «Шарҳи ақоиди Тоҳовия» китобидан олиб зикр этилган маълумотлардан Арш ҳақида эътиқод қилишимиз лозим бўлган нарсаларни билиб олдик. Энди ушбу ва бошқа ояти карималарда келадиган Аллоҳнинг Аршни эгаллаши ҳақидаги маънони тушунишимиз борасидаги зарур маълумотларни билиб олишимиз лозим.

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, бу маънода ҳам салаф – ўтган мусулмон авлодлар ва уламоларнинг тутган йўллари бор нарсани

Ўзича қабул қилиш, бошқа нарса ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаслик бўлган. Бу масала «Аршга истиво» масаласи номи билан машҳурдир. Чунки, бу ҳақдаги ояти карималарда «Алал Арши истава» бирикмаси Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилади. Агар матнни сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, Аллоҳ Аршга баробарлашди, маъноси чиқарди. Ўтган авлодларда бу маънони Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қиламиз, бу ҳақда сўз очмаймиз, деб келишилган. Чунки, у вақтда ҳамма яхши тушунчага эга бўлган, содда ҳаёт кечиришган ва турли фитналарга дучор бўлишмаган. Шу билан бирга, ушбу масалани кўтариб турадиган баъзи шахслар ҳам топилган. Лекин кўпчилик уларни фитначи деб номлаб, ўз фикрларини тарқатишларига йўл қўймаган. Шу билан мусулмонлар оммаси тинч-омон юрган.

Бу масалада имом Молик раҳматуллоҳи алайҳининг тутган мавқифлари ҳамманинг таҳсинига сазовор бўлган. Ривоятларда келишича, бир киши имом Молик раҳматуллоҳи алайҳининг ҳузурларига кириб истиво ҳақида сўраган экан.

Шунда имом Молик: Истиво маълум. Унинг қандоқлиги номаълум. Унга иймон келтириш вожиб. Унинг ҳақида савол бериш бидъат. Сен бидъатчи экансан! Чиқаринглар, буни, менинг олдимдан! — деган эканлар.

Салафи солиҳларимиз шу йўл билан Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг поклиги, ўхшаши йўқлиги ва бошқа барча камолот сифатларига бўлган тўғри эътиқодни сақлаб туришган.

Вақт ўтиши билан Ислом давлати ҳудудлари кенгайиб, турли халқ, дин, фалсафа ва мафкурага эга одамлар ҳам Исломни қабул қилишди ёки мусулмонлар билан аралашиб яшай бошлашди. Табиийки, улар ўзларининг эски фикр ва тасаввурларидан бирдан ва тўла узилиб чиқа олмас эдилар. Шу билан бир вақтда, Ислом душманлари ҳам доимий равишда турли ифволар қилиб туришар эди. Улар мусулмонларнинг ақийдаларига футур етказиш мақсадида турли шубҳали масалаларни ғоят усталик ила ўртага ташлашар эдилар. Ана шундоқ масалаларнинг энг катталаридан бири, Аллоҳ таолонинг сифатларига оид оят ва ҳадисларнинг зоҳирий маъноларини мисол қилиб мусулмонлар ақийдасига зарар етказишга уриниш бўлди. Аллоҳнинг қўли, кўзи ёки бошқа, У пок зотга нисбат берилган сифатларда кишиларни кўплаб залолатга кетказиш бошланди. Анчагина тоифалар бу масалада куфр кетдилар.

Энди салафи солиҳларга, имом Моликка ўхшаб, бу масалада савол бериш бидъатдир, деб фатво чиқариш иш бермайдиган ҳолга келди. Балки, шунга ўхшаш масалада савол сўрамайдиган одамнинг ўзи қолмади.

Ана шундоқ нозик бир пайтда Абул Ҳасан ал-Ашъарий ва Абу Мансур ал-Мотурудий каби буюк алломалар ақийданинг софлигини сақлаб қолиш учун катта хизмат қилдилар. Бошқа нозик масалалар қатори Аллоҳ таолонинг сифатларига оид масалада ҳам ҳал қилувчи ечим топдилар. Бузғунчилар, Аллоҳнинг Аршга истиво қилиши, унга баробарлашишидир, деган бўлсалар, халаф – кейинги уламоларимиз, йўқ, унда Аллоҳга нуқсон нисбати берилган бўлади, шунинг учун, истивони Аллоҳ таолонинг бошқа баркамол сифатларига мос равишда тушунмоқ керак, дедилар. Шу тариқа, истиво – қувват ва султон ила эга бўлмоқдир, деган таъвийл қилинди. Бунда ҳам худди салафи солиҳларга ўхшаб Аллоҳ таолони турли нуқсонлардан поклаш қасд қилингандир.

Ҳам салаф, ҳам халаф уламоларимизнинг мақсадлари бир бўлган. Фақат мақсадга етиш учун ўз замонларига ва шароитларига мос йўл тутишган, холос. Сиз билан бизлар ҳам бу масалада жуда эҳтиёт бўлиб, ихтилоф қилмай иш тутмоғимиз лозим.

Юқорида саналган ҳодисалардан ташқари, ягона Роббимизнинг қудратига, санъатига, яратувчанлигига далолат қилувчи, биз кўзимиз билан кўриб, ўрганиб хулоса чиқариб олишимиз лозим бўлган сон-саноксиз мўъжизалар теварак-атрофимизда исталганча бор.

**«...Роббингиз кеча ила кундузни қоплайдир».**

Чор атроф ёп-ёруғ кундуз эди. Аммо, бу ёруғлик саҳнини кеча – тун қоплаб олди. Ким буни қилди? Албатта, Аллоҳ қилди. Буни Ундан бошқа ҳеч ким қила олмайди. Ерни маълум суръатда айланатган, шу туфайли кеча кундузни ўраб келаверадиган қилиб қўйган Зот Аллоҳдир. Аммо, кўз ўнгида доимо бир меъёрда такрорланиб турадиган бу амалиётни барпо қилувчини инсон унутиб қўяди. Унинг назарида, бу улкан ҳодиса ўз-ўзидан содир бўлаётганга ўхшаб туюлади. Аммо, диққат-эътибор билан назар солса, ҳар доим кеча кундузни шошиб қувлаётганини англаб етади: яъни, **«Уни шошилиб қувлайдир».**

Шу ҳолнинг ўзиёқ Аллоҳ таолонинг Биру Борлигига далил эмасми? Фақат, инсон бир оз эътибор қилиб, назар ташласа, бўлди. Дарҳол англаб етади. Аллоҳ:

**«Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди».**

Уларни Ўзи яратди ва уларга фақат Ўзи амр-ирода қилади. Ҳа, Қуёш ҳам, Ой ҳам, юлдузлар ҳам қанчалик улкан, қанча кўп бўлма-синлар, уларни Аллоҳ яратди ва уларнинг устидан фақат Аллоҳнинг Ўзи ҳукм юргизади. Улар эса, Унинг амрига сўзсиз бўйсундилар. Шунингдек, инсон зотини ҳам Аллоҳ таоло халқ қилган ва фақат

унинг Ўзигина уларга амр қилишга ҳақли. Аммо, одам зотидан баъзилари бошқаларига амр қилиш ҳаққини даъво қилсалар, уларнинг оиласидан баъзи жоҳиллар Аллоҳ амрини қўйиб, ўша даъвогар банданинг амрига юрмоқдалар. Эй одамлар:

**«Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосдир!»**

Аллоҳнинг Ўзидан бошқа зот ҳеч нарсани ярата олмаганидек, Унинг ўзидан бошқа зот амр қилишга ҳам ҳақли эмас.

Имом Ибн Жарир Тобарий Абдулазиз Шомийнинг отасидан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким қилган яхши амали учун Аллоҳга ҳамд айтмай ўзини мақтаса, куфр келтирган бўлади ва қилган амали бекор кетади. Ким «Аллоҳ бандаларига амр қилиш ҳаққидан бир оз берган», деб ўзича гумон қилса, Аллоҳ Ўз Пайғамбарларига нозил қилган нарсага куфр келтирган бўлади», деганлар.

**«Оламларнинг Робби – Аллоҳ буюқдир».**

Жамики нарсани фақат Унинг Ўзидан сўраш, жамики нарсада фақат Унгагина арз қилиш керак.

أَدْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿٥٥﴾

**55. Роббингизга тазарруъ ила ва махфий дуо қилинг. Зотан, У ҳаддан ошувчиларни севмас.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло мўмин бандаларига дуо қилиш одобларини ўргатмоқда. Дуода тазарру – ёлбориш ва махфийлик бўлиши зарурлигини таъкидламоқда.

Худди шу маъно Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам ифодасини топган.

Имом Бухорий ва имом Муслим Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда қуйидагилар баён қилинади: «Одамлар баланд овоз билан дуо қилган эдилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй одамлар, ўзингизга шафқат қилинг, сизлар қар ёки ғайбга дуо қилаётганингиз йўқ. Сиз дуо қилаётган Зот энг яхши эшитгувчи ва энг яқин зотдир», – дедилар».

Аллоҳ таолога ибодату дуоларни тазарру ила ва махфий қилиш, худди шу ояти каримада таъкид бўлганидек, салафи солиҳларимизнинг одатларига айланган эди.

Имом Абдуллоҳ ибн Муборак Ҳасан ал-Басрийнинг қуйидаги сўзларини келтирадилар: «Агар бир киши Қуръонни жамлаган бўлса ҳам, одамларга билдирмас эди. Агар бир киши фикҳдан жуда кўп нарсани билса ҳам, одамларга билдирмас эди. Агар бир киши кечаси



уйида узундан-узоқ намоз ўқиб чиқса ҳам, меҳмонларига билдирмас эди. Биз бир одамларни кўрдикки, махфий қилиш имкони бўлган ишни ҳеч қачон ошкор қилмас эдилар. Муслмонлар дуога кўп уринар эдилар. Товушлари ҳеч эшитилмасди. Уларнинг дуоси Роббиларига пичирлашдан иборат бўлар эди».

«Роббингизга тазарруъ ила ва махфий дуо қилинг», дегани шу. Аллоҳ таоло қилган ишидан рози бўлиб, мақтаган солиҳ бандаси ҳақида: «Қачонки, Роббига махфий дуо қилди», дегани ҳам шундан.

وَلَا تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَاحِهَا وَادْعُوهُ خَوْفًا وَطَمَعًا إِنَّ رَحْمَتَ اللَّهِ قَرِيبٌ  
مِّنَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٥٦﴾

**56. Ва ислоҳ қилингандан кейин ер юзида фасод қилманг ва Ундан қўрқиб тамаъ ила дуо қилинг. Албатта, Аллоҳнинг раҳмати яхшилик қилувчиларга яқиндир.**

Аллоҳ таоло ер куррасини тузатиб яратган. Ундаги жамики нарсалар ўрни-ўрнига қўйилган. Инсон ана шу ҳар жиҳатдан тузатиб-безатилган ер юзида Аллоҳнинг халифаси сифатида иш кўриши лозим. Фасод — бузғунчилик қилмаслиги керак. Аллоҳ тузаган, тартиб берган нарсалардан тўғри фойдаланмаслик бузғунчиликдир. Аллоҳ кўрсатган йўлда юрмаслик ҳам бузғунчиликдир. Аллоҳга дуо қилаётганда Унинг иқобидан қўрққан ва савобидан умидвор бўлган ҳолда дуо қилиш лозим.

**«Албатта, Аллоҳнинг раҳмати яхшилик қилувчиларга яқиндир».**

Биз «яхшилик қилувчи» деб ўтирган ибора ояти каримада «муҳсин» лафзи ила ифодаланган. «Муҳсин» — эҳсон қилувчи, демакдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан, эҳсон нима, деб сўралганда, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек, агар сен кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилишинг», — деганлар. Демак, Аллоҳнинг раҳмати шундай одамларга яқиндир.

وَهُوَ الَّذِي يُرْسِلُ الرِّيحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ ۗ حَتَّىٰ إِذَا أَقَلَّتْ سَحَابًا ثِقَالًا  
سُقْنَاهُ لِبَلَدٍ مَّيِّتٍ فَأَنْزَلْنَا بِهِ الْمَاءَ فَأَخْرَجْنَا بِهِ مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ ۗ كَذَٰلِكَ نُخْرِجُ الْمَوْتَىٰ  
لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٥٧﴾



**57. У Ўз раҳматидан олдин шамолларни хушхабар қилиб юборадиган Зотдир. Қачонки, улар оғир булутларни кўтариб келтиргач, у ила ўлик юртни суғорамиз. Ундан сув тушириб, ўша ила турли мевалар чиқарамиз. Ўликларни ҳам шундай қилиб чиқарамиз. Шоядки, эсласангизлар.**

Ушбу ояти каримадаги Аллоҳнинг раҳматидан мурод ёмғирдир. Дарҳақиқат, ёмғир – Аллоҳнинг раҳмати. Агар у бўлмаганда, қурғоқчилик кўп бало-офатлар келтирарди. Ёмғир, яъни, Аллоҳнинг раҳмати, одамларнинг назарида, ўзидан-ўзи ёғаётганга ўхшайди. Лекин, аслида, уни Аллоҳ ёғдиради. Ёмғир ёғишидан, яъни Аллоҳнинг раҳмати келишидан бурун, унинг хушхабарини шамоллар олиб келади. Шамолларни ҳам Аллоҳ йўллайди. Бу дунёда Аллоҳнинг амри-сиз ҳеч нарса содир бўлмайди. Шамолнинг эсиши, булутнинг пайдо бўлиши ва шунга ўхшаш табиий ўзгаришларнинг асл сабабини ким яратган? Уларни маълум сабабларга мувофиқ тарзда ҳаракат қиладиган қилиб қўйган ким? Албатта, Аллоҳ!

**«Қачонки, улар оғир булутларни кўтариб келтиргач, у ила ўлик юртни суғорамиз».**

Сувсиз ҳолда қақраб ётган ерларни сув билан сероб қиламиз.

**«Ундан сув тушириб, ўша ила турли мевалар чиқарамиз».**

Дарҳақиқат, сув бўлмаса, ёмғир ёғмаса, бутун борлиқ худди жонсиз жисмдек қимир этмай ётади. Ёмғир ёғиб, сув етганда эса, қуриб-қақшаб ётган ерлардаги турли ўт-ўланлар, ўсимликларга жон киради. Улар бош чиқариб, ўса бошлайди ва маълум вақт ўтгач, ҳар бири маҳсул беради. Бу ҳодиса бошдан-охиригача ёлғиз Аллоҳнинг амри билан содир бўлади. Чунки, бу моддий оламда Аллоҳнинг амридан ташқари иш йўқ. Ушбу зикр этилган ҳолга монанд, ўлиб батамом чириб кетган одамларни ҳам қайта тирилтириш, уларга жон ато этиш ҳам Аллоҳ учун ҳеч нарса эмас.

**«Ўликларни ҳам шундай қилиб чиқарамиз. Шоядки, эсласангизлар».**

Йил бўйи кўм-кўк бўлиб ўсиб ётган ўсимликлар қуриб, йўқ бўлиб кетади, бироқ вақти-соати келиб, фасллар алмашса, ёмғир ёғса, яна худди бурунги яшиллик ҳолига қайтиб келаверади. Шунинг сингари, одамлар ўлгандан сўнг чириб йўқ бўлиб кетсалар ҳам, уруғлари қолади. Аллоҳ хоҳлаган вақтда – қиёмат қойим бўлганда улар ҳам худди ёмғирдан кейин униб чиққан ўсимликлар каби қайта тириладилар. Ҳар бир инсон бу ҳолдан ибрат олиши ғоятда зарур. Зеро, ўсимлик ҳаёти охират ҳаётига жуда гўзал тамсилдир.

Мўътабар далилларнинг қайдича, қиёматда ҳам Аллоҳ таоло қирқ кун ёмғир ёғдиради ва у туфайли худди ердан наботот ўсиб чиққанидек, жасадалар қабрлардан чиқадиладар.

وَالْبَلَدُ الطَّيِّبُ يَخْرِجُ نَبَاتَهُ بِإِذْنِ رَبِّهِ وَالَّذِي خَبثَ لَا يَخْرُجُ إِلَّا نَكِدًا كَذَلِكَ  
نُصِرْفُ الْأَيْتِ لِقَوْمٍ يَشْكُرُونَ ﴿٥٨﴾

**58. Пок юртнинг набототи Роббининг изни ила чиқадир. Нопок бўлгани эса, фақат қийинчилик ила чиқадир. Шукр келтирган қавмлар учун оятларимизни шундай хилма-хил баён қиламиз.**

Юқоридаги оятда бўлгани каби, ушбу ояти каримада ҳам жуда катта ва нозик қиёс бор. Қуръони Карим оятларида ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида пок ва саҳий қалб тоза ва сермахсул ерга — тупроққа қиёс этилади. Нопок ва ифлос қалб эса, шўр ва маҳсулсиз ерга ўхшатилади. Покиза заминдан яхши маҳсуллар етишиб чиққанидек, пок ва саҳий қалбда ҳам иймон, ихлос, етук мафкура ва эзгу ниятлар яшайди. Уларнинг меваси Аллоҳ рози бўладиган амаллардангина иборат бўлади.

Нопок ва нобоп ердан бир ҳосилнинг униб чиқиши машаққат бўлганидек, нопок қалбдан ҳам яхшилик чиқиши қийин. Чиркин қалбдан чиқса ҳам, фақат ёмонлик чиқади.

Бу ояти каримада пок ер ва нопок ер мўмин билан кофирга қиёс этилади. Худди шу каби ўхшатишлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам келган.

Имом Бухорий Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагиларни баён этадилар: «Аллоҳ таоло мен ила юборган илм ва ҳидоят худди ерга кўп ёққан ёмғирга ўхшайди. Агар ер тоза — мусаффо бўлса, сувни қабул қилиб олади, яйловларни ва кўпгина ўсимликларни ўстиради. Агар қаттиқ ер бўлса, сувни тутиб қолади. Аллоҳ ундан бошқаларга наф беради. Ундан ичадилар, суғорадилар ва зироатга ишлатадилар. Яна бошқа бир хил ерлар борки, улар силлиқ бўлиб, на сувни тутати ва на бирор нарса ўстиради. Бу худди Аллоҳнинг динини яхши тушуниб ва Аллоҳ мен билан юборган нарсдан наф топиб, ўзи ҳам ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатган ҳамда ўзи билиб амал қилмаган ва мен билан юборилган Аллоҳнинг ҳидоятини қабул қилмаган одамларга ўхшайди», деганлар.

Бундай зайлда мисоллар келтиришни Аллоҳ таолонинг Ўзи:

**«Шукр келтирган қавмлар учун оятларимизни шундай хилма-хил баён қиламиз»,** демоқда.

Албатта, шукр ҳам пок қалбнинг маҳсули. Покиза қалбда шукрони неъмат мавжуд.

Аллоҳ таоло Ўзининг Биру Борлигига доир далилларни келтирганидан кейин, бурунги замонларда одамлар бу масалага қандай муносабатда бўлгани ва оқибатлари не кечгани ҳақида сўз юритади. Аллоҳ сўзни Нуҳ алайҳиссаломнинг қиссалари ила бошлайди:

لَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ فَقَالَ يَتَقَوَّمُوا عِبَادُ اللَّهِ مَا لَكُمْ مِّنَ اللَّهِ غَيْرُهُ إِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٥٩﴾

**59. Батаҳқиқ, Биз Нуҳни ўз қавмига юбордик. Бас, у: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинлар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Албатта, мен сизларнинг буюк куннинг азобига гирифтор бўлишингиздан қўрқаман», – деди.**

Аввал бошда Одам алайҳиссаломнинг қиссалари баён этилган эди. Энди, у зотнинг зурриётлари, пушти камаридан яралган Нуҳ алайҳиссаломнинг қиссалари келтирилмоқда.

**«Батаҳқиқ, Биз Нуҳни ўз қавмига юбордик».**

Ҳар бир қавмга ўша қавм ичидан танлаб Пайғамбар юбориш – Аллоҳ таолонинг одати. Шу ҳолда бандаларига осон бўлади. Зеро, ўша Пайғамбар ўз қавмининг тилини, урф-одатини, табиатини ва бошқа жиҳатларини яхши билади. Қавмлар ҳам Пайғамбар бўлиб келган зотнинг шахсини яхши танийдилар. Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмларига:

**«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинлар. Сизларга ундан ўзга илоҳ йўқ», – дедилар.**

Маълумки, Қуръони Каримда «ибодат» лафзи маълум бир диний амаллар тизимини эмас, бутун ҳаётини маълум бир таълимотга, ҳукмга амал қилиб ўтказишни англатади. Шундан хулоса қилиб, Нуҳ алайҳиссаломнинг:

**«Аллоҳга ибодат қилинлар»,** деган кўрсатмаларини, ҳаёти дунёда Аллоҳнинг кўрсатмалари асосида яшанлар, деган маънода тушунамиз. Жамики Пайғамбарлар, асосан, ушбу даъват ила юборилганлар.

**«Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ».**

«Илоҳ» сўзи ибодатга лойиқ зот маъносини англатишини яхши биламиз. Демак, юқоридаги маънодан ҳисса: «Сизлар учун, айтганини амалга ошириб, унга бўйсуниб яшашингиз лозим зот Аллоҳ, Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ», дегани бўлади. Яъни, Аллоҳдан бошқа зотнинг ҳукмига бўйсунмаслик қатъий таъкидланади.

Шу билан бирга, Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмига нима сабабдан бундай даъватни қилаётганларини ҳам эслатиб:

**«Албатта, мен сизларнинг буюк куннинг азобига гирифтор бўлишингиздан қўрқаман», – деди».**

Аллоҳнинг, сўнгги Пайғамбарларнинг ва жумладан Нух алайҳиссаломнинг ҳам мақсади – қиёмат кунининг азобига бандаларнинг гирифтор бўлмаслиги. Ўшал кун азобига дучор бўлмаслик учун Аллоҳга ибодат қилиш, Унга иймон келтириб, бу дунёда Унинг ҳукмларини адо этиб яшаш керак. Ҳаётнинг ҳамма жабҳасида Унинг айтганларини қилиш, қисқаси, Унинг ҳақ динига мукамал амал қилиш банданинг бирламчи вазифаси. Чунки, бу дунёнинг мутлақ ҳокими – Унинг Ўзи.

قَالَ الْمَلَأُ مِنْ قَوْمِهِ إِنَّا لَنَرْنَكَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ

**60. Унинг қавмидан бўлган зодагонлар: «Албатта, биз сенинг очиқ-ойдин залолатда эканингни кўряпмиз», – дедилар.**

Ҳар бир қавмнинг ўз зодагонлари бўлади. Уларни зодагон қилган уларнинг мол-дунёси, пули, куч-қудрати, маккорлиги ва устмонлиги бўлади. Бу зотлар қавм номидан гапириш ҳаққини ўзларига ўзлари берганлар. Шу тоифа зодагонлар Нух алайҳиссалом қавмларида ҳам бор эди.

Улар Нух алайҳиссаломнинг даъватини эшитишлари билан дарҳол ўйламай-нетмай, қавм номидан:

**«Албатта, биз сенинг очиқ-ойдин залолатда эканингни кўряпмиз», – дедилар.**

Кофирлар ҳар қачон иймон, дин ва диёнатни залолат деб номлайдилар. Уларга Аллоҳнинг ҳидоятини олиб келган Нух алайҳиссаломга: «Сен очиқ-ойдин залолатдасан», – дейишмоқда. Улардан кейинги кофирлар ҳам шу гапларни муқаррар такрорладилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам худди шу гапни айтдилар. Бугун ҳам ўша зодагонлар зотига мансуб маккор кимсалар диндорларга нисбатан бу гапларни айтиб келмоқдалар. Вақти келиб, «Дин халқлар учун афюндир»; диндорликни «эскилик сарқити»; диндорни «онги заҳарланган шахс» дейишди. Динга дунёдаги барча салбий сифатларни беришди. Диндорни дунёдаги энг жирканч шахс сифатида кўрсатишга уринишди. Ҳозир ҳам аҳвол шу. Фақат, бурунги замондаги каби қўпол ва шармандали услубда эмас, мунофиқлик услубида қилишмоқда. Дин яхши нарса, биз уни ҳурмат қиламиз, аммо дин жамиятнинг қалбида бўлиши керак, диндорларни ҳам ҳурмат қиламиз, аммо бу «ҳурматли диндор» динини қалбида сақласин, дейишмоқда.

Ўз қавмидан бундай номаъқул гапларни эшитган Нуҳ алайҳис-салом:

قَالَ يٰقَوْمِ لَيْسَ بِي ضَلَالَةٌ وَلٰكِنِّي رَسُولٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٦١﴾

**61. У: «Эй қавмим, менда залолат йўқ. Ва лекин мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман.**

أُبَلِّغُكُمْ رِسَالَاتِ رَبِّي وَأَنْصَحُ لَكُمْ وَأَعْلَمُ مِنَ اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٢﴾

**62. Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман, насиҳат қиламан ва Аллоҳ томонидан сиз билмаган нарсани биламан.**

أَوْعِبْتُمْ أَنْ جَاءَكُمْ ذِكْرٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَلَىٰ رَجُلٍ مِّنكُمْ لِيُنذِرَكُمْ وَلِتَتَّقُوا وَلَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٦٣﴾

**63. Ўзингиздан бўлган бир кишига, сизларни огоҳлантириш учун ва тақво қилиб, шояд, раҳматга эришсангиз деб, Роббингиздан эслатма келганидан ажабланасизларми?!» – деди.**

Пайғамбарларнинг вазифаси кишиларга тушунтириш, даъватни етказиш. Шунинг учун, Нуҳ алайҳиссалом қавмларидан ношойиста жавобни эшитган бўлишларига қарамай, уларга ҳақиқатни англа-тишга ҳаракат қилдилар ва уларнинг кўнгилларини овлаш учун:

«Эй қавмим, менда залолат йўқ...» – дедилар.

Яъни, мен сиз уйлаётгандек, адашганим йўқ. Мен адашувда эмас-ман.

**«Балки мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман».**

Ўзимдан-ўзим сизларга сўзлаётганим йўқ. Барча оламларнинг Робби мени сизларга Пайғамбар қилиб юборди. Ўша улуғ вазифани адо этиб мен:

**«Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман».**

Аллоҳ таоло икки дунё саодатига эришишингиз учун нималар қилишингиз лозимлигини баён қилиб сизларга кўрсатмалар – амрлар, наҳийлар, турли ҳукмлар йўлади. Юборилган бу кўрсатмаларни сизга мен етказяпман, холос. Шу билан бирга, керак бўлиб қолганда, сизларга ўз томонидан:

**«насиҳат қиламан».**

Чунки, мен:

**«Аллоҳ томонидан сиз билмаган нарсани биламан».**

Худди шу билимим сизларга насиҳат қилиш учун менга имкон беради.

Кейин, оятнинг давомида Нух алайҳиссалом ўз қавмларининг у кишининг Пайғамбар бўлиб келганларидан ажабланганликлари ноўрин эканини ҳамда Пайғамбарликнинг асл мақсадини баён қилдилар:

**«Ўзингиздан бўлган бир кишига, сизларни огоҳлантириш учун ва тақво қилиб, шояд, раҳматга эришсангиз деб, Роббингиздан эслатма келганидан ажабланасизларми?!» – деди».**

Дарвоқе, кишилар нима учун ажабланадилар? Ахир, ажабланишга ўрин йўқ-ку. Пок, заковатли, ростгўй, ўзида олий инсоний фазилатларни жамлаган бир инсонни Аллоҳ элчи – Пайғамбар қилиб олса, бунинг нимаси ажабланарли? Боз устига, Пайғамбар бўлган инсон уларнинг орасидан бўлса. Улар унинг шахсини яхши билсалар. Бу ҳам етмаганидек, Пайғамбар уларни ёмонликдан қайтариб, Аллоҳнинг раҳматига эришишлари учун жон чекаётган бўлса! Пайғамбар бўлган зот, асосан, одамларга Роббиларидан келган тирик эслатма бўлса! Одатда, ҳар бир инсофли инсонга ҳақиқий мақсад тушунтирилгандан кейин, у бир оз бўлса-да ҳовуридан тушиб, ўзини ўнглаб, ақлини пешлаб, мулоҳаза юритади. Аммо, қалби кўр кофирлар иймон ҳақида ҳар қанча кўп ва хўб панду насиҳат эшитсалар ҳам, ақллари пешламайдилар, фикр қилмайдилар. Нух алайҳиссаломнинг қавми билан ҳам худди шу ҳол рўй берди. Нух алайҳиссалом уларга куюниб тушунтиришларига қарамай:

فَكَذَّبُوهُ فَأَنْجَيْنَاهُ وَالَّذِينَ مَعَهُ فِي الْفُلِّ وَأَغْرَقْنَا الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا إِنَّهُمْ  
كَانُوا قَوْمًا عَمِينَ ﴿٦٤﴾

**64. Бас, уни ёлғончига чиқардилар. Сўнг, Биз уни ва у билан бирга бўлганларни кемада қутқардик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни ғарқ қилдик. Чунки, улар кўр қавм эдилар.**

Ўтган умматларнинг қиссалари Қуръони Каримнинг турли сураларида келади. Аммо, ҳар бир сурада ўзига хос услуб ва иборалар билан баён этилади. Нух алайҳиссаломнинг қиссалари ҳам бир қанча сураларда зикр этилган. «Аъроф» сурасида эса, бу қисса қисқа қилиб, суранинг мавзуига мос равишда келтирилмоқда. Мақсад – Аллоҳга, Унинг юборган динига ва Унинг Пайғамбарларига ишонмаганларнинг оқибати нима бўлишини баён қилиш.

Шу қадар гап-сўз ва насиҳатларга қарамай, Нух алайҳиссаломнинг қавми

**«уни ёлғончига чиқардилар».**

Унга иймон келтирмадилар. Унинг айтганига юрмадилар.

**«Сўнг, биз уни ва у билан бирга бўлганларни кемада қутқардик».**

Дунёни тўфон балосига бостирганимизда, Нуҳ алайҳиссалом ва унга иймон келтирган мўминларни кемада қутқариб қолдик.

**«ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни фарқ қилдик».**

Уларни тўфон қаърида фарқ айлади ва ҳаммалари ҳалок бўлдилар.

Нима учун улар ҳалок бўлдилар?

**«Чунки, улар кўр қавм эдилар».**

Уларнинг қалблари сўқир эди. Бу кўрлар иймон нурини кўролмадилар. Аллоҳнинг нурли йўлига қадам босмадилар. Оқибатда куфр зулматида ҳалокат топдилар.

Энди эса, Аллоҳ таоло Ҳуд алайҳиссаломнинг қиссаларини келтиради:

﴿وَالِىٰٓ عَادِٓ اٰخَاهُمْ هُوْدًاۙ قَالَ يٰٓقَوْمِۙ اَعْبُدُوْا اللّٰهَ مَا لَكُمْ مِّنْ اِلٰهٍ غَيْرِهٖۭۙۗ۟ۢۤ اَفَلَا تَنْتَقُوْنَۙ﴾

**65. Ва Одга ўз биродари Ҳудни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинлар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Тақво қилмайсизларми?!» – деди.**

Аллоҳ таоло Од қавмига ўзларининг орасидан биродарлари бўлган Ҳуд алайҳиссаломни элчи этиб юборганини хабар қилмоқда. Ҳуд алайҳиссалом ҳам қавмларига, худди Нуҳ алайҳиссалом каби, Аллоҳга ибодат қилиш зарурлигини, Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқлигини тушунтирдилар. Шунингдек, уларни тақвога, Аллоҳдан қўрқишга чақирдилар. Зеро, уларни Пайғамбар қилиб юборган Зот ягона, уларга кўрсатма берган Зот бир. Ҳўш, Ҳуд алайҳиссаломнинг қавмлари нима қилди?

﴿قَالَ الْمَلَأُ الَّذِيْنَ كَفَرُوْاۙ مِنْ قَوْمِهٖۭۙ۟ۢۤ اِنَّ لِّلرَّبِّكَ فِىۤ سَفَاهَةٍۙ وَّاِنَّا لَنَنْظُرُكَ مِنْۢ﴾

﴿الْكٰذِبِيْنَ﴾

**66. Унинг қавмидан куфр келтирган зодагонлар: «Албатта, биз сени эси пастликда кўриб турибмиз ва албатта биз сени ёлғончилардан деб биламиз», – дедилар.**

Бу жоҳил қавм олдингилардан ҳам ўтиб тушди. Аввалгилари Нуҳ алайҳиссаломга «сен залолатдасан», деган эдилар. Булар эса, ўз Пайғамбарларига:



**«Албатта биз сени эси пастликда кўриб турибмиз ва албатта биз сени ёлғончилардан деб биламиз»,** – дейишмоқда.

Бу золим қавм Худонинг Пайғамбарига «Сен албатта эси пастсан» ва «сен албатта ёлғончисан», демоқда.

Бу чиркин тухмат ҳам аввалгисига ўхшаб жамики Пайғамбарларга ва уларнинг изидан юрган бутун мўминларга нисбатан азалабад давом этиб келаётган энг ёвуз ғаразлардандир.

Ўз қавмидан бундай қабих тухматни эшитган Ҳуд алайҳиссалом:

قَالَ يَقَوْمِ لَيْسَ بِي سَفَاهَةٌ وَلَكِنِّي رَسُولٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٦٧﴾

**67. У: «Эй қавмим, менда эси пастлик йўқ. Ва лекин мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман.**

أُبَلِّغُكُمْ رِسَالَاتِ رَبِّي وَأَنَا لَكُمْ نَاصِحٌ أَمِينٌ ﴿٦٨﴾

**68. Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман ва мен сизларга ишончли насихатгўйман.**

أَوْ عَجِبْتُمْ أَن جَاءَكُمْ ذِكْرٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَلَى رَجُلٍ مِّنكُمْ لِيُنذِرَكُمْ وَأَذْكُرُوا إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَاءً مِن بَعْدِ قَوْمِ نُوحٍ وَزَادَكُمْ فِي الْخَلْقِ بَصْرَةً فَأَذْكُرُوا لَآءَ اللَّهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٦٩﴾

**69. Ўзингиздан бўлган бир кишига сизларни огоҳлантириш учун Роббингиздан эслатма келганидан ажабландингизми?! Сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилганини ва хилқатингизда куч-қувватни зиёда қилганини эсланг. Аллоҳнинг неъматларини эсланг. Шоядки, нажот топсангиз», – деди.**

Яна Ҳуд алайҳиссалом худди Нуҳ алайҳиссаломга ўхшаб муомила қилганларини кўрамиз. У зот жоҳил қавмга босиқлик билан, содда қилиб, ҳақиқатни баён қилишга ўтдилар. Ўзларидан эси пастликни рад этиб, оламларнинг Робби томонидан Пайғамбар этиб юборилганларини ҳамда Пайғамбарлик мақсадларини сўйладилар.

**«Эй қавмим, менда эси пастлик йўқ. Ва лекин мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман. Сизларга Роббимнинг юборганларини етказаман ва мен сизларга ишончли насихатгўйман».**

Сўнгра, уларни Пайғамбарни ўзларининг орасидан танлагани учун ажабланмасликка чақирдилар.

**«Ўзингиздан бўлган бир кишига сизларни огоҳлантириш учун Роббингиздан эслатма келганидан ажабландингизми?!»**

Кейин эса, Аллоҳ томонидан уларга берилган имтиёзларни эслатдилар:

**«Сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилганини ва хилқатингизда куч-қувватни зиёда қилганини эсланг».**

Аллоҳ таоло Нуҳ қавмини оғир гуноҳлари туфайли ер юзидан гумдон қилиб ташлаган эди. Худди шу осий қавмдан сўнг сизларни ер юзида ўзининг халифаси қилиб танлади. Бу – улугъ неъмат. Бунга, албатта, шукр қилиш лозим эди.

**«Аллоҳнинг неъматларини эланг. Шоядки, нажот топсангиз».**

Фикр қилинг. Аллоҳнинг сизга берган неъматлари жуда кўп. Уларнинг саноғига етиб бўлмайди. Бунинг фаҳмига етиш, тушуниш неъмат берувчи зотга – Аллоҳга шукр қилишга чорловдир. Шукр қилувчи бўлинг, шоядки, нажот топсангиз.

Аммо, Од қавми ҳам жаҳолатида қаттиқ туриб олди.

قَالُوا أَجِئْتَنَا لِنَعْبُدَ اللَّهَ وَحْدَهُ وَنَذَرَ مَا كَانَ يَعْبُدُ آبَاؤَنَا فَأَنَّا بِلِمَاتِعِدْنَا  
 إِن كُنْتُمْ مِنَ الصّٰدِقِیْنَ ﴿۷۰﴾

**70. Улар: «Сен бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилган нарсаларни тарк этишимиз учун келдингми?! Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир!» – дедилар.**

Улар шу инкорлари билан ўзларининг эси паст одамлар эканликларини ошкор қилдилар. Ҳеч қандай ҳужжат-далилсиз ота-боболари қилган амални Аллоҳдан келган амрдан устун қўйдилар.

**«Улар: «Сен бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишимиз ва ота-боболаримиз ибодат қилган нарсаларни тарк этишимиз учун келдингми?!», – дедилар.**

Уларнинг жаҳолатлари шу даражада эдики, ўша ботил нарсаларни деб ҳар қандай азоб-уқубатга тайёр эканликларини билдирдилар ва агар иймон келтирмасалар, Аллоҳнинг иқобига учрашлари муқаррарлигини таъкидлаб турган Ҳуд алайҳиссаломга:

**«Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир, – дедилар».**

Энди ортиқча гапга ўрин қолмади. Ҳуд алайҳиссалом қатъий қилиб:

قَالَ قَدْ وَقَعَ عَلَيْكُمْ مِنْ رَبِّكُمْ رِجْسٌ وَغَضَبٌ أَتَجِدُونَنِي فِي سَمَاءِ  
 سَمَيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَاَبَاؤُكُمْ مَا نَزَّلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ فَاَنْظُرُوا إِنِّي مَعَكُمْ مِنَ  
 الْمُنْتَظِرِينَ ﴿٧١﴾

**71. У:** «Батаҳқиқ, устингизга Роббингиз томонидан азоб ва ғазаб тушди. Мен билан, Аллоҳ ҳеч бир ҳужжат туширмаган, ўзингиз ва ота боболарингиз қўйиб олган номлар ҳақида тортишасизларми?! Бас, интизор бўлиб туринглар! Мен ҳам сизлар билан интизор бўлувчиларданман», – деди.

Яъни, танлаган йўлингиз шу бўлса, тамом, ҳеч қандай шубҳа қолмади. Аллоҳ таолодан устингизга азоб ва ғазаб тушди деб ҳисоблайверинг. Гапингизни қаранг-а?! Мен билан нима ҳақда баҳслашаётганингизни биласизми ўзи?! Сиз, биз ва ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган нарсалар, деганингиз нималигини биласизми?! Улар – сиз ва ота-боболарингиз ўзларига «худо» деб тан олган нарсалар аслида ҳеч вақога арзимади. Уларнинг илоҳ эканлигини исбот этувчи ҳеч қандай ҳужжат ёки далил йўқ. Қилаётган ишингизни қаранг-а!!! Мен ваъда қилган азоб сизларга, албатта, етади. Лекин унинг қачон келишини ёлғиз Аллоҳ билади. Сиз фақат интизор бўлиб кутиб туринг. Мен ҳам интизор бўлиб кутиб тураман. Зеро, мен ҳам бандаман. Азобни юборувчи эса, ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидир.

فَأَبْحِثْنَاهُ وَالَّذِينَ مَعَهُ بِرَحْمَةٍ مِّنَّا وَقَطَّعْنَا دَابِرَ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَمَا كَانُوا  
 مُؤْمِنِينَ ﴿٧٢﴾

**72. Бас, унга ва у билан бирга бўлганларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларнинг кетларини уздик. Улар мўмин эмас эдилар.**

Мазкур баҳсинг оқибатида биз Ҳуд алайҳиссаломга ва у зот билан бўлган мўминларга нажот бердик. Улар Аллоҳ юборган бало-офатлардан омонда бўлдилар.

«...ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларнинг кетларини уздик».

Яъни, батамом ҳалокатга гирифтор қилдик. Уларнинг Муғайс деб аталгувчи водийлари узра узоқ муддат давом этган қурғоқчиликдан сўнг бир булут намоён бўлди. Од қавми, мана шу келаётган булут бизга ёмғир ёғдиради, деб шод бўлишди. Аммо, орзиқиб ку-

тилган булут етиб келганида ундан қаттиқ шамол уфурилиб, барчаларини ҳалок қилди. Улардан бирортаси омон қолмай, «кетлари узилди». Чунки,

**«Улар мўмин эмас эдилар».**

Келгуси оятларда қадим замонларда содир бўлган ибратли ва машҳур ҳодисалардан Солиҳ алайҳиссалом ва Самуд қавми ҳақидаги қиссалар баён қилинади:

وَإِلَى ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَالِحًا قَالَ يَا قَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ قَدْ جَاءَ تَكْوِينَهُ مِنْ رَبِّكُمْ هَذِهِ نَاقَةُ اللَّهِ لَكُمْ آيَةٌ فَذَرُوهَا تَأْكُلْ فِي أَرْضِ اللَّهِ وَلَا تَمْسُوهَا بِسُوءٍ فَيَأْخُذَكُمْ عَذَابُ الْعَذَابِ ﴿٧٣﴾

**73. Ва Самудга ўз биродари Солиҳни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглр. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Сизга Роббингиздан ҳужжат келди. Аллоҳнинг мана бу туяси сизларга белгидир. Уни Аллоҳнинг ерида тек қўйинглр. Унга ёмонлик етказманглр. Яна сизни аламли азоб тутмасин-а!**

وَأَذْكُرُوا إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَاءَ مِنْ بَعْدِ عَادٍ وَبَوَّأَكُمْ فِي الْأَرْضِ تَنْخَضُونَ مِنْ سُھُولِهَا قُصُورًا وَتَنْجُونَ الْجِبَالَ بِيُوتًا فَادُّكُرُوا ؕ الْآءَ اللَّهُ وَلَا تَعْتَوْنَ فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿٧٤﴾

**74. Ва сизларни Оддан кейин халифа қилганини ва сизга ер юзида имкон бериб, текисликларида қасрлар қуриб, тоғлардан уйлар ўйганларингизни эсланг. Аллоҳнинг неъматларини эсланг ва ер юзида фасод-ла бузғунчилик қилманг!» – деди.**

Аллоҳнинг Пайғамбари Солиҳ алайҳиссалом ҳам ўзларидан олдин ўтган Пайғамбарларнинг:

**«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглр. Сизларга ундан ўзга илоҳ йўқ»**, деган асосий ғояларини такрор таъкид этдилар. Аввалги умматлар қисмати эътиборга олинган бўлса керак, Солиҳ алайҳиссалом бу даъватларига нисбатан қавмларидан жавоб кутиб турмай:

**«Сизга Роббингиздан ҳужжат келди»**, деб бир йўла илоҳий ҳужжат ҳақида сўз очиб, ўзларининг ҳақ Пайғамбар эканликларини тасдиқловчи мўъжиза ҳақида:

«Аллоҳнинг мана бу туяси сизларга белгидир», – дедилар.

Бошқа сураларда баён қилинишича, Самуд қавми Солиҳ алай-ҳиссаломдан Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи ва у кишининг ҳақиқий Пайғамбар эканликларини тасдиқловчи мўъжиза келтиришни талаб қилганларида, Аллоҳ таоло катта харсанг тошдан бир туяни чиқарган. Шунинг учун ҳам у «Аллоҳнинг туяси» деб аталмоқда. Солиҳ алайҳиссалом ўз сўзларида давом этиб:

**«Уни Аллоҳнинг ерида тек қўйинглар, унга ёмонлик етказманглар. Яна сизни аламли азоб тутмасин-а!»** – дедилар.

Самуд қавмидан баъзи шахслар бу мўъжизавий туяни кўриб иймон келтирдилар. Туя яйловда ўтлаб юраверди. Сувдан истифода қилиш эса, навбатли бўлди. Чунончи, сувни бир кун туя, бир кун Самуд қавми истеъмол этар эдилар.

Шунингдек, Аллоҳнинг Пайғамбари Солиҳ алайҳиссалом ўз қавмларига Парвардигорнинг неъматларини ҳам эслатдилар:

**«Ва сизларни Оддан кейин халифа қилганини ва сизга ер юзида имкон бериб, текисликларида қасрлар қуриб, тоғлардан уйлар ўйганларингизни эсланг»,** – дедилар.

Ривоятларда баён этилишича, Аллоҳ таоло гуноҳ амаллар қилгани учун Од қавмини ҳалокатга гирифтор этганидан сўнг, уларнинг диёрида Самуд номли қавм истиқомат этиб, ўша ерларни обод қилганлар. Уларнинг умрлари бардавом бўлиб, фаровон турмуш кечирганлар. Паст текислик жойларни танлаб, улкан қасрлар бунёд этганлар. Тоғлар бағрида тошларни ўйиб уйлар ясаганлар. Ҳозиргача ўша масканларнинг баъзилари сақланиб қолган. Солиҳ алайҳиссалом уларга бу нарсаларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг неъматини эканини эслатиб, уларни шукр қилишга ундадилар. Ношукр бўлиб, бузғунчилик қилмасликка даъват этиб:

**«Аллоҳнинг неъматларини эсланг ва ер юзида фасод-ла бузғунчилик қилманг!»** – дедилар.

Ҳўш, қавм не йўл тутди?

قَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا مِنْ قَوْمِهِ لِّلَّذِينَ اسْتَضَعِفُوا لِمَنْ ءَامَنَ مِنْهُمْ  
 اَتَعْلَمُونَ اَنْ صَلِحًا مَّرَّ سَلُّ مِنْ رَبِّهِ ؕ قَالُوا اِنَّا بِمَا اُرْسِلَ بِهِ ؕ مُؤْمِنُونَ ﴿٧٥﴾

75. Унинг қавмидан мутакаббир бўлган зодагонлар заифҳол бўлганлардан иймон келтирганларига: «Солиҳни Роббидан Пайғамбар қилиб юборилган, деб билмоқдамисиз?!» – дедилар. Улар: «Албатта, биз у ила юборилган нарсага иймон келтирувчилармиз», – дедилар.

Яна одатдаги ҳол. Яна зодагонлар Пайғамбарга ва унинг даъватига қарши. Биз «зодагонлар» деб таржима қилаётганимиз араб тилида «ал-Малъу» деб юритилади. Ал-Малъу бой ва амалдорлар тоифасидир. Маълумки, бу гуруҳ ҳар доим, ҳар қавмда динга қарши чиқувчи тоифа ҳисобланади. Улар жамиятда тутиб турган мавқеларидан ажралиб қолиш хавфи туфайли бу улў зулмга қўл урадилар. Улар динга қарши туриб, бошқаларни ҳам бу йўлдан қайтармоққа жидду жаҳд қиладилар. Олдинги Пайғамбарларга зодагонлар қандай муносабатда бўлганларини ўтган икки қисса давомида кўрдик. Самуд қавми мисолида эса, зодагонларнинг мўминлар жамоасига нисбатан бўлган муносабатларини кўрмоқдамиз.

Улар:

**«заифҳол бўлганлардан иймон келтирганларига: «Солиҳни Роббидан Пайғамбар қилиб юборилган, деб билмоқдамисиз?!» – дедилар».**

Улар бу гапни вазиятни билиш учун эмас, мўминларга таҳдид солиш мақсадида айтдилар. Ва мўминлик шарафига муяссар бўлган зоҳиран қашшоқлардан:

**«Албатта, биз у ила юборилган нарсага иймон келтирувчилармиз»,** деган жавобни эшитдилар.

Аввал чиндан ҳам заифҳол бўлган кишилар Аллоҳга иймонлари туфайли батамом ўзгардилар. Энди, улар зодагонларга тик боқиб гапириш, иймонлари ила ғурурланиш мақомига етдилар.

Шунда, зодагонлар ҳам ниятларини ошкор қилдилар:

قَالَ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا إِنَّا بِالَّذِي ءَامَنْتُمْ بِهِ كَفِرُونَ ﴿٧٦﴾

**76. Мутакаббир бўлганлар: «Албатта, биз сиз иймон келтирганга кофирмиз», – дедилар.**

Кофирликларини эълон қилиб бўлишгач, Аллоҳ амрига қарши исён қилишга киришдилар:

فَعَقَرُوا النَّاقَةَ وَعَتَوْا عَنْ أَمْرِ رَبِّهِمْ وَقَالُوا يُصَلِّحُ اتِّثْنَا بِمَا تَعِدُنَا إِنْ كُنْتَ

مِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿٧٧﴾

**77. Бас, туяни сўйдилар, Роббилари амрида тажовузкорлик қилишди ва: «Эй Солиҳ, агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир!» – дедилар.**

Аллоҳнинг, туяни тек қўйинглар, унга ёмонлик етказманглар, деган амрига қасдма-қасд уни ўлдирдилар. Куфрда ҳаддан ошдилар. Боз устига:

**«Эй Солиҳ, агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир!» – дедилар».**

Яъни, иймон келтирмасангиз, туяга зулм қилсангиз, Аллоҳнинг ғазабига учрайсиз, демоқдасан, қани, ўша ваъда қилаётган азобингни келтир, дейишди.

فَأَخَذَتْهُمُ الرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا فِي دَارِهِمْ جِثِيمِينَ ﴿٧٨﴾

**78. Бас, уларни шиддатли зилзила олди ва жойларида ўтириб қолдилар.**

Яъни, ҳаммалари жойларидан қимирлай олмай, ҳалок бўлдилар. Буни кўрган Солиҳ алайҳиссалом:

فَتَوَلَّى عَنْهُمْ وَقَالَ يَاقَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ رِسَالَةَ رَبِّي وَنَصَحْتُ لَكُمْ وَلَكِنْ لَا تُحِبُّونَ النَّصِيحِينَ ﴿٧٩﴾

**79. Кейин, улардан юз ўгирди ва: «Эй қавмим, батаҳқиқ, мен сизга Роббимнинг юборганини етказдим ва насиҳат қилдим. Лекин сиз насиҳат қилувчиларни севмас экансиз», – деди.**

Одатдагидек, Пайғамбар ва унга эргашган мўминлар нажот топдилар, кофирлар эса, ҳалокат чоҳида гумдон бўлдилар.

Энди, навбат Лут алайҳиссаломнинг қиссаларига келди:

وَلَوْ طَآءَ إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ أَتَأْتُونَ الْفَاحِشَةَ مَا سَبَقَكُمْ بِهَا مِنْ أَحَدٍ مِنَ الْعَالَمِينَ ﴿٨٠﴾

**80. Ва Лутни (юбордик). Унинг ўз қавмига: «Сиздан олдин оламларда ҳеч ким қилмаган фоҳиша ишни қиласизларми?!**

إِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ الرِّجَالَ شَهْوَةً مِنْ دُونِ النِّسَاءِ ۗ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ مُّسْرِفُونَ ﴿٨١﴾

**81. Албатта, сизлар аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қилмоқдасизлар. Йўқ! Сизлар исрофчи қавмсиз!» – деганини эсла.**



Иброҳим алайҳиссаломнинг акаларининг ўғли бўлмиш Лут алайҳиссалом Ироқнинг Басра вилоятида Калдонийлар юртида таваллуд топдилар. Оталари вафотидан кейин амакилари Иброҳим алайҳиссалом билан Канъон юртига сафар қилдилар. Иброҳим алайҳиссалом у кишини сўлим яйловлари бор жойларга, Урдун дарёсининг шарқига жойлаштирдилар. Шундай қилиб, Аллоҳ изни билан улар Ўлик денгиз ўрнидаги Садум номли шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли яшайдиган жойларда истиқомат қилдилар ва ўша ерлар аҳолисига Пайғамбар этиб юборилдилар. Ўтган қиссалар мазмунидан Пайғамбарлар ўз умматларига бир хил даъват ила келганини ва қавмлар эса, уларни турли ҳийла ва баҳоналар ила инкор қилганларини билиб олган эдик. Лут алайҳиссалом қиссаларида, у зот дафъатан ўз қавмларининг улкан қабиҳ ишлари — баччабозликларини қоралашга бошлайдилар. Пайғамбар:

**«...ўз қавмига: «Сиздан олдин оламларда ҳеч ким қилмаган фоҳиша ишни қиласизларми?!»** — демоқдалар.

Дарҳақиқат, улар қилаётган фоҳиша ишни, умуман, бирор-бир оламда одам зоти қилмаган эди. Улар, умуман, инсонлик, жонзотлик табиатига зид ишни қилишни ҳаммадан бурун бошлаган эдилар. Бу ҳолни Лут алайҳиссалом:

**«Албатта, сизлар аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қилмоқдасизлар»,** деб таърифламоқдалар.

Аллоҳ таоло инсонни эркак ва аёл жинсида яратди. Ҳар бирига ўзига хос аъзолар ва хусусиятлар берди. Жумладан, инсон наслини бардавом этиш учун ҳар бирини ўзига хос таносул аъзолари билан яратди. Инсон наслини эркак ва аёлнинг қўшилиши натижасида пайдо бўладиган қилди. Бу қўшилишдан икковлари ҳам табиий лаззат оладиган бўлдилар. Бунинг учун уларда зарур аъзолар — ҳистуйғу, ҳужайралар ва шу каби анвойи моддаларни халқ қилди. Ушбу қўшилишдан ҳосил бўладиган лаззат ва рағбатга нисбатан бўлган қизиқишни фарзанднинг ғоят қаттиқ азоб билан туғилиши, унинг тарбияси каби машаққатларни ҳам унутадиган даражада қудратли айлади. Аллоҳ таоло инсон зотининг жинсий яқинлик йўли билан, яъни никоҳланган эркак ва аёлнинг қўшилиши орқали покиза йўл билан кўпайиб туришини ирода қилди ва ҳаётий заруратга айлантирди. Бу йўлдан тажовуз қилганлар ва Аллоҳ иродасига зид бориб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қиладиганлар ақийдаси бузуқ ва тубан кишилар ҳисобланадилар. Шу боисдан, мазкур қиссада худди шу фоҳишалик бош масала қилиб кўтарилади. Бинобарин, Лут алайҳиссалом бу ёруғ оламда ҳеч бир зот қилмаган улкан гуноҳга биринчи бўлиб қўл урган қавмларини:

«Йўқ! Сизлар исрофчи қавмсиз!»—деб таърифламоқдалар.

Хўш, бу пасткаш қавм ўз Пайғамбарининг бу гапига нима деб жавоб қилди?

وَمَا كَانَتْ جَوَابَ قَوْمِهِ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَخْرِجُوهُمْ مِّنْ قَرِيَّتِكُمْ إِنَّهُمْ أَنَاسٌ  
يَنْظَهُرُونَ

**82. Қавмнинг жавоби: «Уларни қишлоғингиздан чиқариб юборинг, чунки улар жуда ҳам покиза бўлаверадиган одамлар экан», дейишларидан бошқа нарса бўлмади.**

Инсофни кўринг. Инсон табиатига мувофиқ иш қилган, ҳалолу пок бўлиб, бошқаларни покизаликка чақирган кишилар юртларидан ихрож қилинар эканлар. Уларнинг «айблари» битта — жуда ҳам покиза одам бўлганликлари. Инсонийлик қиёфасини йўқотган қавм шу даражага етар экан-да. Ўзлари инсоният бўйнига тавқи лаънат бўлиб осиладиган амалларни тап тортмай қилаётганлари етмаганидек, уларга ўхшашни хоҳламаган, инсонлигини йўқотмаган, Аллоҳнинг амрида юришга ҳаракат қилганларни покизаликда айблайдилар.

Бу доимо рўй бериб келаётган ҳол.

فَأَنجَيْنَاهُ وَأَهْلَهُ إِلَّا أَمْرًا تَهُ كَانَتْ مِنَ الْغَابِرِينَ

**83. Бас, унга ва аҳлига нажот бердик. Магар хотини ҳалок бўлгувчилардан бўлди.**

Аллоҳнинг мустақийм йўлидан чекиниб, шаҳват ва залолатга берилган қавмнинг ислоҳ бўлиши қийин. Лут қавмидан ҳеч ким иймонга келмади. Пайғамбарга фақат унинг оила аъзоларигина иймон келтирдилар. Аммо, уларнинг орасидан ҳам энг яқин кишиси — хотини иймон келтирмади. Оқибатда, у жинояткор қавмга қўшилиб ҳалок бўлди.

وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِمْ مَّطَرًا فَانظُرْ كَيْفَ كَانَتْ عَاقِبَةُ الْمُجْرِمِينَ

**84. Ва Биз уларнинг устидан «ёмғир» ёғдирдик. Жинояткорларнинг оқибати қандай бўлганига назар сол!**

Аллоҳ таоло уларнинг устидан тош селини ёғдирди ва барчалари ҳалок бўлдилар. Улардан бирорталари ҳам омон қолмади.

Келаси оятларда Шуайб алайҳиссаломнинг қиссалари баён қилинади:

وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا قَالَ يَنْقُومِ الْعَبْدُ وَاللَّهُ مَا لَكُمْ مِّنَ اللَّهِ غَيْرُهُ قَدْ جَاءَ تَكْمٌ بَيْنَهُ مِّن رَّبِّكُمْ فَأَوْفُوا الْكَيْلَ وَالْمِيزَانَ وَلَا تَبْخَسُوا النَّاسَ أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَاحِهَا ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿٨٥﴾

85. Ва Мадянга ўз биродарлари Шуайбни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сизга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва таърозунни тўлиқ адо этинг, одамларнинг нарсаларидан камайтириб қолманг ва ер юзида унинг ислоҳидан кейин бузғунчилик қилманг. Агар мўмин бўлсангиз, шундай қилмоғингиз ўзингиз учун яхшидир.

وَلَا تَقْعُدُوا بِكُلِّ صِرَاطٍ تُوعِدُونَ وَتَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ مَنۢ ءَامَنَ بِهِۦ وَتَبْغُونَهَا عِوَجًا وَّاذْكُرُوا إِذْ كُنْتُمْ قَلِيلًا فَكَثَرْتُمْ وَاَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ ﴿٨٦﴾

86. Ҳар кўчада ўтириб олиб қўрқитманг. Аллоҳнинг йўлидан Унга иймон келтирганларни тўсманг ва у(йўл)нинг эгри бўлишини истаманг. Оз бўлган чоғингизда сизни кўпайтириб қўйганини эсланг. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг.

وَإِن كَانَ طَآئِفَةٌ مِّنكُمْ ءَامَنُوا بِأَلَّذِي أُرْسِلْتُ بِهِۦ وَطَآئِفَةٌ لَّمۡ يُؤْمِنُوا فَاصْبِرُوا حَتَّىٰ يَحْكُمَ اللَّهُ بَيْنَنَا وَهُوَ خَيْرُ الْحَاكِمِينَ ﴿٨٧﴾

87. Агар сиздан бир тоифа мен ила юборилган нарсага иймон келтирган ва бошқа тоифа иймон келтирмаган бўлса, бас, Аллоҳ орамызда ҳукм қилгунча сабр қилинглр. У ҳукм қилувчиларнинг яхшисидир», – деди.

Аллоҳ таоло ушбу ояти карималарда аввало Шуайб алайҳиссаломни Мадянга Пайғамбар қилиб юборганини, кейин эса, у кишининг ўз қавмларига қилган пандларини келтирмоқда. Шуайб алайҳиссалом ҳам Иброҳим алайҳиссаломнинг зурриётларидандир. Мадян, аслида, Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғилларидан бирининг номи бўлиб, кейинчалик ундан тарқаган қабиланинг ва улар яшайдиган диёрнинг номи бўлиб қолган. Мадянликлар ҳам асли араблар бўлиб, уларнинг ерлари Ақаба қўлтиғидан Тури Синога қадар чўзилган.

Шуайб алайҳиссалом ҳам Пайғамбар бўлганларидан бошлабоқ аввал ўтган Пайғамбарлар ўз қавмларига такрор-такрор айтган сўзларни ўз қавмларига эслатдилар:

**«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сизга Ундан ўзга илоҳ йўқ».**

Сўнгра, ҳар бир Пайғамбарнинг рисолати ўзи ҳужжат бўлишига қарамай, унинг буюк мақомини тасдиқловчи бошқа ҳужжат ҳам бериш Аллоҳга хос экани ва унга ҳам (яъни Шуайбга) илоҳий ҳужжат берилганини таъкидлаб:

**«Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан ҳужжат келди»,**—дедилар.

Аммо, оятда Шуайб алайҳиссаломга берилган ҳужжат — мўъжиза нима эканлиги айтилмаган.

Сўнгра, Ҳазрати Шуайб ўз қавмларидаги бош нуқсонлардан бирини муолажа қилишга ўтиб:

**«Бас, ўлчов ва тарозуни тўлиқ адо этинг, одамларнинг нарсаларидан уриб қолманг ва ер юзида унинг ислоҳидан кейин бузғунчилик қилманг»,**—дедилар.

Шуайб алайҳиссаломнинг қавми кўпроқ амалий ширкка мубтало бўлганга ўхшайди. Чунки, Пайғамбар алайҳиссалом уларни муомала ишларида Аллоҳнинг буйруғини адо этмай, бошқанинг амрини бажаришдан қайтаришлари ўлчов ва тарозудан уриб қолиб, бировларнинг ҳаққини ейишдан огоҳлантиришлари шунга далолат қилмоқда. Бу ва бу каби, Аллоҳ йўриқларини четлаб, бошқа йўлга юриш Аллоҳ таоло ер юзини ислоҳ қилиб қўйганидан кейин уни бузишдан иборат эканига ишора этиб Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларига:

**«ва ер юзида унинг ислоҳидан кейин бузғунчилик қилманг»,** демоқдалар.

Ер юзида Аллоҳ амрига номувофиқ қилинган ҳар бир амал бузғунчиликдир. Бундай амалларни қилиш мўмин инсонга ҳеч хос эмас. Мўмин инсон ҳаёти давомида фақат Аллоҳнинг амрига амал қилиб яшайди. Бу эса, энг аввал ўзи учун манфаат ва яхшиликлар келтиради.

**«Агар мўмин бўлсангиз, шундай қилмоғингиз ўзингиз учун яхшидир».**

Сўнгра, Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларининг номаъқул ишларини муолажа қилишни давом эттирадилар:

**«Ҳар кўчада ўтириб олиб қўрқитманг».**

«Кўча»дан мурод — ҳам моддий ва ҳам маънавий йўллардир. Мадянликлар ҳар икки «кўча»да ҳам одамларни қўрқитиш билан машғул бўлганлари боисдан бу хатарли йўлдан қайтарилмоқдалар.

**«Аллоҳнинг йўлидан Унга иймон келтирганларни тўсманг ва у (йўл)нинг эгри бўлишини истаманг».**

Бошқа ҳаддидан ошган кофирлар каби, Мадян қавми ҳам ўзлари Аллоҳнинг йўлига юрмаганлари етмаганидек, ўзгаларни ҳам бу йўлдан тўсганлар ва Аллоҳнинг йўли ўзларининг хоҳишига биноан турли томонларга бурилишини истаганлар. Бу жуда ҳам улкан гуноҳ ҳисобланади.

Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларини гуноҳ ишлардан қайтариш билан бирга, шоядки, инсофга келсалар, деган умидда бошқа Пайғамбарлар каби ўз қавмларига Аллоҳ берган тансиқ неъматларни эслатадилар.

**«Оз бўлган човингизда сизни кўпайтириб қўйганини эсланг».**

Яъни, сонингиз оз эди, Аллоҳ таоло зиёда қилди, молингиз камчил эди, мўл айлади, яхшилигингиз андак эди, бисёр этди ва ҳоказо.

Шунингдек, Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларини ўтган кофирлар оқибатидан ибрат олишга чақирдилар.

**«Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг».**

Одатдагидек, Пайғамбар келганда ҳар бир қавм икки қарама-қарши гуруҳга бўлинади. Бир гуруҳ иймонга келиб, иккинчи гуруҳ куфр келтиради. Худди шундай ҳолат вужудга келганда, Шуайб алайҳиссалом ўз қавмларини мўминларга зулм қилмасдан, уруш-жанжал чиқармасдан, энг адолатли йўлни тутишга, уларга Аллоҳнинг ҳукми етиб келгунча сабр қилиб кутиб туришга чақирдилар:

**«Агар сиздан бир тоифа мен ила юборилган нарсага иймон келтирган ва бошқа тоифа иймон келтирмаган бўлса, бас, Аллоҳ орамизда ҳукм қилгунча сабр қилинглар».**

Аллоҳ ҳукми орани очик қилади. Аллоҳ ҳукми ким ҳақ эканини адолат ила исбот этади. Чунки:

**«У ҳукм қилувчиларнинг яхшисидир».**

Аммо, жинойткор қавм бу оқилона таклифни қабул қилмади. Сабр қилиб, Аллоҳнинг ҳукм чиқаришини кутмади.

﴿ قَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا مِنْ قَوْمِهِ لَنُخْرِجَنَّكَ يَشْعِيبُ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا مَعَكَ مِنْ قَرْيَتِنَا أَوْلَعْتُمْ فِي مِلَّتِنَا قَالَ أُولَئِكَ كَفَرْتُمْ لَقَدْ أَخَذْنَا لِقَوْمِكُمُ هَٰؤُلَاءِ الْفَلِيحِينَ ﴾

88. Унинг қавмидан мутакаббир бўлган зодагонлар: «Эй Шуайб, ёки, албатта, сени ва сен билан бирга иймон келтирганларни ўз қишлоғимиздан чиқарамиз ёки ўз миллатимизга қайтасизлар», – дедилар. У: «Гарчи ёмон кўрувчи бўлсак ҳам-а?!

قَدْ افترينا على الله كذبا إن عدنا في ملتكم بعد إذ نحننا الله منها وما يكون لنا أن نعود فيها إلا أن يشاء الله ربنا وسيع ربنا كل شيء علمنا على الله توكلنا ربنا أفتح بيننا وبين قومنا بالحق وأنت خير الفلحين ﴿٨٩﴾

89. Агар сизнинг миллатингизга Аллоҳ бизга ундан нажот бергандан сўнг қайтсак, батаҳқиқ, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган бўламиз. Биз учун унга қайтиш мутлақо мумкин эмас, магар Роббимиз – Аллоҳ хоҳласагина (мумкин). Роббимиз ҳамма нарсани ўз илми ила қамраб олгандир. Аллоҳга таваккал қилдик. Эй Роббимиз, биз билан қавмимизнинг орамизни ҳақ ила очгин. Сен очувчиларнинг яхшисидирсан», – деди.

Ўтган оятлар мазмунини теран мулоҳаза қилсак, Шуайб алайҳиссалом ҳар бир нарсани батафсил, эҳтимол, кейин пайдо бўладиган саволларга ҳам жавоб бўладиган тарзда баён қила оладиган салоҳиятга эга Пайғамбар эканликларини англаймиз. Пайғамбар сифатида илк бор даъват қилганларида ҳам масалани батафсил баён этган эдилар. Энди эса:

«Унинг қавмидан мутакаббир бўлган зодагонлар: «Эй Шуайб, ёки, албатта, сени ва сен билан бирга иймон келтирганларни ўз қишлоғимиздан чиқарамиз ёки ўз миллатимизга қайтасизлар», деганларида ҳам, босиқлик билан батафсил жавоб бермоқдалар. Зодагон кофирлар, одатдагидек, мўминларнинг йўлига тўсиқ бўлдилар. Уларга икки йўлдан бирини ихтиёр этишни таклиф қилдилар, яъни, ёки юртни ташлаб чиқиб кетиш ёки ота-боболарнинг динига қайтиш. Зодагон кофирларнинг иккинчи таклифлари алоҳида муолажа талаб қилади. Шунинг учун ҳам, Шуайб алайҳиссалом уларнинг бу таклифига ўз номларидан эмас, балки мўмин жамоат номидан жавоб бермоқдалар. Шунинг учун, жавоб давомида ўз шахс-

ларига тааллуқли бўлмаган баъзи гапларни ҳам айтишга мажбур бўлмоқдалар. Жавобларида, аввало, кофирлар таклифларидан ажабланганликларини изҳор этиб:

**«Гарчи ёмон кўрувчи бўлсак ҳам-а?!»,** – демоқдалар.

Яъни, сизнинг миллатингизни – динингизни ёмон кўриб туриб ҳам унга қайтишимиз керакми, демоқчилар.

Кейинги ояти каримада эса, нима учун қайтишлари мумкин эмаслигини батафсил изоҳлаб:

**«Агар сизнинг миллатингизга Аллоҳ бизга ундан нажот бергандан сўнг қайтсак, батаҳқиқ, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган бўламиз»,** – демоқдалар.

Яъни, сизнинг миллатингиз – ширк миллати, куфр миллати, Аллоҳ бизни Ўз ҳидоятига бошлаб, ўша жаҳолат миллатларидан қутқарганидан кейин яна унга қайтсак, яна ширк ва куфрга ўзимизни урсак, Аллоҳга нисбатан улкан ёлғон тўқиган бўламиз.

Албатта, Шуайб алайҳиссалом ҳеч қачон мушрик ёки кофир бўлмаганлар. Бундай ҳол Аллоҳнинг ҳеч бир Пайғамбарига хос эмас. У зот юқоридаги фикрни жамоат номидан сўзлаяптилар, вассалом.

**«Биз учун унга қайтиш мутлақо мумкин эмас, магар Роббимиз – Аллоҳ хоҳласагина (мумкин)».**

Яъни, биз учун ширк ва куфр миллатига – ортга қайтиш мутлақо мумкин эмас. Биз иймон келтирдик ва унинг лаззатини татиб кўрдик. Энди фақат бир ҳолатдагина – Аллоҳ бизни адаштиришни ирода қилсагина, ортга қайтишимиз мумкин. Зеро, Унинг иродасига ҳеч қачон бас келиб бўлмайди. Чунки:

**«Роббимиз ҳамма нарсани Ўз илми ила қамраб олгандир».**

Аллоҳ жамики нарсани билиб турибди. Барчага қилмишига мувофиқ мукофот ёки жазо беради. Шунинг учун ҳам, биз:

**«Аллоҳга таваккал қилдик».**

Келажақда қилажак жамики амаларимизни ҳам Унинг Ўзига топширдик. Биз фақат Аллоҳга суянамиз. Сизнинг таҳдид ва зўрлигингиз, сохта худоларингиздан заррача ҳайиқмаймиз, уларга эътибор бермаймиз ҳам.

Шуайб алайҳиссалом қудрат қаёқдалигини, кимдан мадад ишташ зарурлигини яхши биладилар. Шунинг учун, Аллоҳ таолонинг Ўзига илтижо қилиб:

**«Биз билан қавмимизнинг орамизни ҳақ ила очгин. Сен очувчиларнинг яхшисидирсан», – деди».**

Шу йўл билан ишни ўзининг ҳақиқий эгаси ҳукмига ҳавола қилиб, иймон ва куфр ўртасида ҳукм чиқарувчи ҳокими мутлаққа мурожаат этдилар. Шунда, зодагонлар ўз табиатларига мувофиқ тарзда мўминларга таҳдид қилишга ўтдилар:



وَقَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَوْمِهِ لِيُنِ اتَّبَعْتُمْ شُعَيْبًا إِنَّكُمْ إِذًا لَخَسِرُونَ ﴿٩٠﴾

**90. Унинг қавмидан бўлган, куфр келтирган зодагонлар: «Агар Шуайбга эргашсангиз, у ҳолда, албатта, зиён кўрувчидирсиз», – дедилар.**

Доимо шундай бўлади. Динга душман бўлган зодагонлар, бойлар, амалдорлар аввал Пайғамбарга ёки унинг ворисларига – олимларга ва эргашувчиларга осиладилар. Унга таҳдид солиб, турли усуллар билан танлаган йўлидан қайтаришга ҳаракат қиладилар. Бу ури-нишлари зое кетгач, мўминларни азоблашга, қўрқитишга ўтадилар. Мадян зодагонлари ҳам Шуайб алайҳиссаломнинг даъватларида мустаҳкам турганларини кўрганларидан кейин, у кишига эргашган мўминларга таҳдид қилиб:

**«Агар Шуайбга эргашсангиз, у ҳолда, албатта, зиён кўрувчидирсиз», – дедилар».**

Аммо, нима бўлганда ҳам оқибат-натижада куфрнинг ҳоли чатоқ бўлади:

فَأَخَذَتْهُمُ الرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا فِي دَارِهِمْ جِثْمِينَ ﴿٩١﴾

**91. Бас, уларни шиддатли zilзила олди ва жойларида ўтириб қолдилар.**

Яъни, барчалари ўринларидан жила олмай, ҳалок бўлдилар.

الَّذِينَ كَذَّبُوا شُعَيْبًا كَانُوا لَمْ يَغْنَوْا فِيهَا الَّذِينَ كَذَّبُوا شُعَيْبًا كَانُوا هُمُ الْخَاسِرِينَ ﴿٩٢﴾

**92. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, худди у ерда яшамагандек бўлдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ўшалар зиён кўрувчилар бўлдилар.**

Яъни, мазкур шиддатли zilзиладан кейин Шуайб алайҳиссаломга муҳолиф бўлган кофирлар ҳалок бўлиб, батамом гумдон бўлиб кетдилар. Улар гўё ҳеч қачон ўз диёрларида яшамагандек, давру даврон суриб, айшу ишрат қилмагандек ҳолга келдилар. Улардан ном-нишон ҳам, асар ҳам қолмади.

**«Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ўшалар зиён кўрувчилар бўлдилар».**

Ихтилоф бу ҳолга етганидан сўнг Шуайб алайҳиссалом:

فَنَوَلَّيْنَا عَنْهُمْ وَقَالَ يَاقَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ رِسَالَاتِ رَبِّي وَنَصَحْتُ لَكُمْ فَكَيْفَ آسَىٰ  
عَلَىٰ قَوْمٍ كَافِرِينَ ﴿٤٣﴾

**93. Кейин улардан юз ўғирди ва «Эй қавмим, батаҳқиқ, сизга Роббимнинг юборганларини етказган эдим ҳамда сизга насиҳат қилган эдим. Қандай қилиб кофир қавмларга қайғурай», – деди.**

Яъни, тўғри йўлга – ҳидоятга юришга кўнмаган саркаш қавмдан юз ўғирдилар ва ниҳоят, улар Аллоҳнинг азобиға гирифтор бўлганларидан сўнг, уларға бу ҳалокатнинг асл сабабини эслатиб:

**«Эй қавмим, батаҳқиқ, сизга Роббимнинг юборганларини етказган эдим», – дедилар.**

Яъни, ўша илоҳий кўрсатмаларға амал қилиб яшаганингизда, бундай даҳшатли ҳолға тушмас эдингиз.

**«ҳамда сизга насиҳат қилган эдим».**

Яъни, кофир ва осий бўлиб эмас, иймонда собит туриб, Аллоҳ шариатига амал қилган ҳолда яшашингиз хайрли бўлишини етказдим ва кўплаб панд-насиҳатлар қилдим. Аммо, насиҳатларға қулоқ осмадингиз. Оқибатда, амалингизға яраша барчангиз ҳалок бўлдингиз. Ўзингизға ўзингиз қилдингиз. Сизнинг бу аҳволингизға қайғуриб бўлмайди:

**«Қандай қилиб кофир қавмларға қайғурай», – деди».**

Шу ерда, ўтган умматларнинг қиссалари тугаб, кейинги оятларда мазкур Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Лут ва Шуайб қавмлари қиссаларига хотима ясалади. Аллоҳ динини инкор қилган, Пайғамбарларни ёлғончига чиқарганларға одатда қандай муносабатда бўлиш баён қилинади:

وَمَا أَرْسَلْنَا فِي قَرْيَةٍ مِّن نَّبِيٍّ إِلَّا أَخَذْنَا أَهْلَهَا بِالْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ لَعَلَّهُمْ يَضُرَّعُونَ ﴿٤٤﴾

**94. Қайси бир қишлоққа Пайғамбар юборсак, албатта, унинг аҳдини тазарруъ қилишлари учун зарарлар ва мусийбатлар ила тутганмиз.**

Албатта, Аллоҳ таоло Пайғамбарнинг кетидан доим бесабаб мусийбат юборавермайди. Бандаларни бекордан-бекорға зарарлар ва мусийбатларға гирифтор қилавермайди. Аввало, бандаларнинг ўзларидан ўтади. Улар Аллоҳ юборган Пайғамбарға, зикр этилган қиссалардаги каби, қарши чиқадилар. Аллоҳға куфр келтирадилар, одамларни иймон йўлидан тўсадилар, исён қиладилар. Шундан сўнггина Аллоҳ уларға бало-офатларини юборади.

Ояти каримадан англаш лозим бўлган мантиқлардан бири – Аллоҳнинг Пайғамбар юбормасдан бурун азоб юбормаслиги. Яъни, аввал, Аллоҳ Ўз элчиси орқали тўғри йўлга даъват қилади, ваъз-насихатлар қилиб кўради, ниҳоят, бош тортганларни азобга дучор этади. Иккинчидан, бандаларга қашшоқлик ва мусийбатларни юборишдан мақсад уларни тавба-тазарру қилишга чорлашдир. Инсон фароғатда яшаса, кам-кўстсиз бўлса, жуда кўп нарсаларни, ҳатто яратган Холиқини ҳам эсдан чиқариб қўяди. Бошига мусийбат етиб, ўзининг ожиз бир қуллигини англаб қолса, ўзига келиши муқаррар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ўзидан кетган, куфр ва исён аҳлига турли мусийбатлар юборади. Аллоҳнинг бундан мақсади ўзига бирор-бир фойда кўзлаш ёки одамларни азоблаб маза қилиш эмас. Аллоҳ беҳожат ва покдир. Парвардигорнинг муддаоси – инсонларнинг манфаати, вақтида тавба-тазарру қилиб ўзларини ўнглаб олишга имконият беришдир.

ثُمَّ بَدَّلْنَا مَكَانَ السَّيِّئَةِ الْحَسَنَةَ حَتَّىٰ عَفَوا وَقَالُوا قَدْ مَسَّ آبَاءَنَا الضَّرَّاءُ وَالسَّرَّاءُ فَأَخَذْنَاهُمْ بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١٥﴾

**95. Сўнгра ёмонликни яхшиликка алмаштирганмиз. Токи, кўпайишиб ва «Ота-боболаримизга ҳам қийинчилик ва хурсандчилик етган эди», деганларида, уларни ўзларига сездирмай, тўсатдан тутганмиз.**

Вақт-соати келиб Аллоҳ таоло мазкур ёмон ҳолатларни яхшилик ҳолатларга алмаштириб қўяди. Очлик-қашшоқлик ўрнига тўқлик фаровонлик, мусийбатлар ўрнига шодлик-хуррамлик келади. Одамлар бу яхши ҳолатларда янада кўпайишади. Уларнинг ададлари, мол-мулклари, орзу-ҳаваслари, нозу неъматлари зиёда бўлади. Аммо, бу зиёдалик ҳам улар учун синов эканлигини англаб етмайдилар. Аллоҳ уларни, шукр қилармикин деб, кўпайтириб қўйганини, яхши ҳолатларга солганини билмайдилар.

Улар:

**«...ота-боболаримизга ҳам қийинчилик ва хурсандчилик етган эди», «Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади», деб ялло қилиб юравадилар.**

Улар, қийинчиликдан кейин осончилик келиши одатдаги нарса, ота-боболаримиз замонида ҳам шундай бўлган, бизнинг давримизда ҳам шундай бўлмоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлади, вақти келганда қийинчиликни тортдик, энди хурсандчилик келган экан, бир етиб маза қилиб олайлик, дейишади.

Ушбу мавҳум ақийда тўрига илиниб, ўзларини дунё матоҳига уришади. Фаровон турмушда бардавомлик уларни хотиржам қилиб қўяди, ҳар қандай гуноҳни тап тортмай қилаверишади. Тўқликка шўхлик бошланади.

Фафлат нигоҳларни мойлайди. Ана шунда, Аллоҳ таоло уларни ўзларига сездирмасдан, туйқусдан тутади ва азоб-уқубатларга гирифтор қилади.

وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْقُرَىٰءِ آمَنُوا وَاتَّقَوْا لَفَنَحْنَاهُمْ بَرَكَاتٍ مِّنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ وَلَٰكِن كَذَّبُوا فَأَخَذْنَاهُم بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٩٦﴾

**96. Агар қишлоқлар аҳллари иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, Биз, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик. Лекин улар ёлғонга чиқардилар, бас, уларни қилган касблари туфайли тутдик.**

Ушбу ояти каримада баён қилинаётган оддий ва содда ҳақиқатни инсоният тушуна олмаётгани ғоятда ажабланарли ҳол. Инсонларга осмон ва заминдан баракот эшиклари очилиши учун биргина шарт кифоя, яъни, инсон иймонли ва тақволи бўлиши лозим экан. Ана ўшанда, унга осмону заминдан баракотлар эшиги ланг очиб қўйилади. Чунки, иймон инсонни баракотли ҳаёт йўлига бошлайди. Чунки, тақво инсонни фаровон ҳаёт йўлига солади. Иймон билан тақво бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлганидек, баракот ҳам уларга боғлиқдир.

**«Агар қишлоқлар аҳллари иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, Биз, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик».**

Бу ҳақиқатга катгаю кичик ҳар бир соҳада гувоҳ бўлиши мумкин. Инсонлар ҳақиқий иймон ва тақво соҳиби бўлган чоғларида уларга баракотлар осмонлар ва ердан очиб қўйилганига тарих шоҳид. Шу ўринда, баракот деганда фақат озиқ-овқат, кийим-кечак ва моддий фаровонликкина кўзда тутилмаслигини ҳам эслатиб қўйишимиз лозим. Албатта, бу нарсалар ҳам баракот тизимига киради. Лекин моддапарастлар ўйлаганларидек, баракот фақат шулардагина эмас. Худди шу моддий ҳодисалар ҳақида гапирсак ҳам, иймон ва тақво баракот асоси эканини исботлаш осон. Иймонли ва тақводор шахсни ҳамда иймонсиз бетавфиқ кимсани кўз олдингизга келтиринг. Баъзи ҳолларда, даромади ўта чегараланган бўлишига қарамай, иймонли ва тақводор шахсинг егани ўзига ош бўлиб, бола-чақаси билан фаро-

вон турмуш кечираётганига гувоҳ бўламиз. Иймонсиз ва бетавфиқ киши эса, даромади ҳисобсиз бўлса ҳам, етказа олмай, ўзини турли ҳаром-хариш йўлларга уриб юрганини ким кўрмаган!

Худди шу ўринда айримларда, иймон ва тақво баракотнинг асоси бўлса, нега воқелиқда мусулмонларни қашшоқлик ва ночорликда, кофирларни эса, фаровонлик ва айшу ишратда кўряпмиз, деган савол пайдо бўлиши турган гап.

Аввало, мусулмонлар ҳақиқий иймон ва чинакам қуръоний тақво талабларига тўла жавоб бера олмаётирлар. Агар айрим шахсларда иймон ва тақво шартлари мужассам бўлса ҳам, иймон ва тақво талабларига жамоат шаклида жавоб бериш имкони йўқ. Мусулмонлар Аллоҳ томонидан келган ҳақ динга, Қуръонга, шариатга соҳиб бўла туриб, иймон ва Ислоҳ ҳамда тақводан шунчалар узоқлашиб кетганларки, улар қилган ва қилаётган ишлари олдида бутунги кўраётган жафолари ҳам оз.

Иккинчидан, кофирларнинг фаровон ҳолати фақат бир тарафлама, холос. Ҳозирги давр, аввалги оятда зикр қилинганидек, Аллоҳ уларга ёмонлик ҳолатини яхшилик ҳолатига алмаштириб қўйган давр. Қолаверса, кофирлар фаровон турмуш учун омил қилиб қўйилган моддий сабабларни вужудга келтирганлар. Уларнинг иймон ва тақволари бўлмаса ҳам, ушбу моддий фаровонлик соҳасида иймонли ва тақводор шахслардан талаб қилинадиган илм, жаҳд, тиришқоқлик, қаттиқ меҳнат ва изланиш каби хислатларни касб қилиб олганлар. Қани энди, бу фаровонлик эгалари иймон келтириб, тақво қилсалар эди, мукамал баракот ичида яшар эдилар. Аммо, афсуски, бундай қилмадилар:

**«Лекин улар ёлғонга чиқардилар, бас, уларни қилган касблари туфайли тутдик».**

Аллоҳнинг «тутиши» ўзига хос бўлиб, турлича ва турли вақтларда содир этилади.

أَفَأَمِّنَ أَهْلُ الْقُرَىٰ أَنْ يَأْتِيَهُمْ بَأْسُنَا بَيِّنًا وَهُمْ نَائِمُونَ ﴿٩٧﴾

**97. Қишлоқлар аҳли уларга Бизнинг бало-қазойимиз тунда, ухлаётган ҳолларида келишидан хотиржаммилар?!**

Яъни, тунда хузур-ҳаловат оғушида ухлаб ётганимизда бошимизга бало-қазо келмайди, деб бўладими? Аллоҳнинг бало-офатлари кофир ва осийларнинг бошига фисқу фужурдан кейин ғафлат уйқусида ётганларида келади. Бу ҳақиқат доимо такрорланиб туришига тарих гувоҳ.

أَوَامِنَ أَهْلِ الْقُرَىٰ أَن يَأْتِيَهُم بَأْسُنَا ضُحًى وَهُمْ يَلْعَبُونَ ﴿٩٨﴾

**98. Қишлоқлар аҳли уларга Бизнинг бало-қазойимиз чошгоҳда, ўйнаётган ҳолларида келишидан хотиржаммилар?!**

Яъни, чошгоҳ маҳали дунё саҳнида ўйнаб турганимизда бало-қазо бошимизга келмайди, деб бўладими? Аллоҳнинг аксарият бало-офатлари кофир ва осийлар фисқу фужурга берилиб, маишат қилиб турганларида бостириб келади. Демак, Аллоҳнинг бало-қазоси келиб қолишидан бирон лаҳза ҳам хотиржам бўлиб бўлмайди.

أَفَأَمِنُوا مَكْرَ اللَّهِ فَلَا يَأْمَنُ مَكْرَ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٩٩﴾

**99. Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлдиларми?! Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўрувчи қавмларгина хотиржам бўлурлар.**

Ғафлатга солиб; гуноҳ қилса ҳам, дахлсиз тек қўйиб; кейин туйқусдан сездирмай олиш Аллоҳнинг ишидир, яъни макридир.

**«Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлдиларми?!»**

Шунинг учун ҳам, ўзини билган зотлар ҳеч қачон ғафлатда яшамайдилар. Аллоҳнинг бало-қазоси келиб қолишидан хотиржам бўлмайдилар.

**«Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўрувчи қавмларгина хотиржам бўлурлар».**

Яъни, хотиржамлик, ғафлат ва гуноҳкорлик уларнинг бошига зиён олиб келади.

أَوَلَمْ يَهْدِ لِلَّذِينَ يَرِثُونَ الْأَرْضَ مِنْ بَعْدِ أَهْلِهَا أَن لَوْ نَشَاءُ أَصَبْنَاهُمْ بِذُنُوبِهِمْ وَنَطَّبَعُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿١٠٠﴾

**100. Ерга унинг аҳлидан кейин меросхўр бўлганларга, агар хоҳласак, гуноҳлари туфайли уларга мусийбат етказишимиз ва қалбларига муҳр босиб, эшитмайдиган қилиб қўйишимиз аён бўлмадими?!**

Маълумки, ҳар бир халқ, ҳар бир қавм ер юзига ўзидан аввалги халқ ёки қавмдан кейин келади. Ёки ушбу ояти каримада зикр қилинганидек, меросхўр бўлади. Ўша меросхўрлар ўзларидан олдин ўтганларнинг қисматига, қазо ва қадарига назар солишлари керак. Ана ўшанда:

«Ерга унинг аҳлидан кейин меросхўр бўлганларга, агар хоҳласак, гуноҳлари туфайли уларга мусийбат етказишимиз» оятининг сири аён бўлади.

Чунки, улардан аввал ўтган қавмлар тақдирида бу ҳол галма-гал такрорланиб келган. Агар хоҳласак:

**«қалбларига муҳр босиб, эшитмайдиган қилиб қўйишимиз аён бўлмадими?!»**

Улардан аввал ўтган халқлардан баъзиларининг қалбларига муҳр босиб қўйиб ёки баъзиларининг қулоқларини «кар», яъни, тингланганидан ибрат олмайдиган қилиб қўйиб, расво қилганимизни англаб етмадиларми?

Юқорида зикр этилган ҳодисалардан, мўмин одам доимо қўрқувда яшар экан, у ҳар лаҳзада бошига бало-қазо ёғилиши хавфи остида, тиззаси қалтираб, ётиб-турганини билмай, еган-ичгани татимай юрар экан-да, деган хаёлга бориш керак эмас. Бу, мутлақо нотўғри фикр. Аксинча, мўмин одам ўз номи ила мўмин — омонликдаги одам, демақдир. Унинг тўрт томони иймони ва тақвоси туфайли Аллоҳ таоло томонидан ато қилинган омонликда. Аммо, мазкур оятларнинг мазмуни ғафлатни ва салбий маънодаги хотиржамликни тарк этишга даъват бўлиб, умуман, Аллоҳни, Унинг кофир ва осийларга берадиган азобларини унутиб қўймасликка чақириқдир.

تِلْكَ الْقُرَى نَقُصُّ عَلَيْكَ مِنْ أَنْبَاءِهَا ۗ وَلَقَدْ جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَمَا كَانُوا لِيُؤْمِنُوا بِمَا كَذَّبُوا مِنْ قَبْلُ ۚ كَذَلِكَ يَطْبَعُ اللَّهُ عَلَى قُلُوبِ الْكَافِرِينَ ﴿١٠١﴾

**101. Биз сенга ана ўша қишлоқларнинг хабарларини қисқа қилиб айтиб бермоқдамиз. Батаҳқиқ, уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар. Аммо, улар олдин ёлғонга чиқарган нарсаларига иймон келтирмадилар. Аллоҳ шундай қилиб кофирлар қалбига муҳр босди.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинаётган бу ояти карималарда Аллоҳ таоло иймон ва куфр ҳақиқатини баён қилиб бермоқда. Мазкур қиссаларни Аллоҳнинг Ўзи сўзламоқда. Аллоҳнинг Ўзи диққат-эътибор ила Қуръони сифатида нозил этаётган қиссалар бежиз, беҳикмат қиссалар эмас, балки панд ва насиҳатларга тўладир. Уларни синчиклаб ўрганиб, ибрат олмоқ даркор.

**«Батаҳқиқ, уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар».**



Ҳамма нарса ошкор ва очиқ-ойдин эди. Агар заррача ақл ва инсоф бўлса, иймон йўлига юришдан ўзга чора йўқлиги аён эди. Вазият ҳам шунга далолат қилар эди. Аммо буткул бошқача бўлди:

**«Аммо, улар олдин ёлғонга чиқарган нарсаларига иймон келтирмадилар».**

Аллоҳ таолонинг барҳақ Пайғамбарлари ўзларининг ҳақ эканликларига очиқ-ойдин ҳужжат ва бурҳонлар олиб келганларида ҳам, аввал бошда иймонга келмаганлар яна иймонга келмадилар. Аввалги куфр ва исёнлари сабабидан, кейин ҳам ҳақ йўлга юриш уларга насиб қилмади.

**«Аллоҳ шундай қилиб кофирлар қалбига муҳр босди».**

Натижада, улар ўзлари учун фойдали ишни қабул қилмай, залолатда маҳкам туриб оладилар ва ўзларини ҳалокатга томон бошлайдилар. Бундай бўлишларининг сабаби кейинги ояти каримада зикр этилади:

وَمَا وَجَدْنَا لِأَكْثَرِهِمْ مِّنْ عَهْدٍ وَإِن وَجَدْنَا أَكْثَرَهُمْ لَفَاسِقِينَ ﴿١٠٢﴾

**102. Уларнинг кўпларида аҳдга вафо кўрмадик. Агар уларнинг кўпларини топсак ҳам, фосиқликда топдик.**

Яъни, улар субутсиз кимсалар бўлиб, аҳдга ҳеч вафо қилмасдилар. Бу қавмнинг аксари қисми фақат фосиқлик билан машғул эди. Фосиқликнинг маъноси Аллоҳ чизиб кўрсатган чегарадан чиқишдир. Яъни, улар Аллоҳ кўрсатган йўлдан озган кимсалар сирасидан эдилар.

Ўтган қиссаларда зикри келган қавмлар ва уларнинг Пайғамбарлари араб минтақаларида яшаб ўтганлар. Нуҳ алайҳиссалом Ироқда, Од қавми Яман ва унинг атрофида, Самуд қавми Ҳижознинг юқори қисмида, Маъян Сино билан Урдун орасида ва ниҳоят Лут қавми шарқий Фаластинда умр кечирганлар. Уларнинг кўплари «арабул обира», яъни, эски ўтган араблар, дейилади. Гувоҳ бўлганимиздек, уларнинг барчалари Аллоҳнинг Пайғамбарларига қарши чиқдилар ва улар келтирган барҳақ динларни ёлғон деб даъво қилдилар. Натижада, ҳаммалари ҳалокатга гирифтор бўлдилар.

Сўнгра, Пайғамбарлик Сомий жинсининг иккинчи шўъбаси — Бани Исроилга ўтди. Исроил лақабини олган Яъқуб алайҳиссаломнинг авлодлари Шом саҳроларида яшар эдилар. Улардан бирлари Юсуф алайҳиссалом Мисрда вазир бўлган кезларида қолганларини ҳам шу ерга таклиф қилдилар. Улар Мисрда жойлашиб, томир отиб кўпайдилар. Аммо, Миср халқига буткул аралашиб кетмадилар. Ўзла-

рининг ақийдалари ва урф-одатлари билан бошқалардан ажралиб туравердилар. Вақт ўтиб, улар билан мисрликлар орасида келиш-мовчиликлар чиқиб, ниҳоят, бу зиддият шиддатли тус ола бошлади.

Фиръавнлар – Миср подшоҳлари уларни турли азобларга дучор қилдилар ва хору зор этдилар. Аллоҳ таоло Бани Исроилни бу мураккаб вазиятли ҳолатдан қутқариш учун Мусо алайҳиссаломни Пайғамбар қилиб юборди.

«Аъроф» сурасининг навбатдаги етмишга яқин ояти карималарида Мусо алайҳиссалом ва Бани Исроил қиссаси кенг баён этилади. Қуръони Каримнинг бошқа сураларида ҳам бу қисса турли шаклларда кўп ва батафсил такрорланган. Чунки, Бани Исроил аввалда ўз Пайғамбари бошчилигида Аллоҳдан келган китобни ҳаётга татбиқ қилиб яшаган миллатнинг жонли намоёндалари эдилар. Улар Асри Саодатда Қуръон тушган халқ билан, яъни араблар билан ёнма-ён яшаганлар. Араблар ҳам уларнинг баъзи гапларидан огоҳ эдилар. Шунинг учун, Қуръони Каримда Мусо алайҳиссалом ва Бани Исроил қиссаси, уларга ибрат бўлсин учун, батафсил ва такрор-такрор келтирилади.

Шундай қилиб, қиссани ҳикоя қилувчи оятларни ўрганишга киришайлик.

ثُمَّ بَعَثْنَا مِنْ بَعْدِهِم مُّوسَىٰ بِآيَاتِنَا إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَئِهِۦ فَظَلَمُوا بِهَا فَأَنْظُرْ كَيْفَ كَانَتْ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ ﴿١٠٣﴾

**103. Сўнгра, уларнинг ортидан Мусони Ўз оятларимиз ила Фиръавн ва унинг зодагонларига юбордик. Бас, у(оят)ларга зулм қилдилар. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлишига назар сол.**

Фиръавн – Мусо алайҳиссалом замонларидаги Миср подшоҳи Минфитоҳ ибн Раъмсисдир. У машҳур бўлиб ном қозонганидан кейин Мисрга бошлиқ бўлган подшоҳлар «Фиръавн» деб номланган бўлдилар. Шу каби, Форс давлати подшоҳи «Кисро», Рум давлати подшоҳи «Қайсар», Ҳабашистон подшоҳи «Нажоший» ва Яман подшоҳи «Табаъ» лақаблари ила аталар эдилар.

Ҳукмда ҳаддан ошиб, динга қарши чиққан золим ҳокимларга ҳам «Фиръавн» лақаби берилган. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Пайғамбарликни ато қилган чоғдаёқ Фиръавнни ҳақиқат ва иймон йўлига даъват қилиши тайинланган. Шунинг учун, бу оятда ҳам Мусони Фиръавнга юбордик дейилиши бежиз эмас. Зодагонлар – унинг қавмидан бўлган бой-бадавлат амалдорларнинг алоҳида зикр

этилишидан мақсад, улар иш бошқарувчилар ва одамларни ортларидан эргаштирувчилардир. Аслида, Мусо алайҳиссалом ҳаммага Пайғамбар қилиб юборилган эдилар. Хўш, Фиръавн ва унинг зодагонлари Мусо алайҳиссалом олиб келган оятларни қандай кутиб олдилар? Афсуски, улар ҳам бошқа подшоҳ ва зодагонлар тутган йўлдан бордилар:

**«Бас, у(оят)ларга зулм қилдилар».**

Яъни, Аллоҳ оятларини ёлғонга чиқардилар. Аввал ҳам таъкидланганидек, зулмнинг луғавий маъноси, бир нарсани ўз жойидан бошқа жойга қўйишдир. Пайғамбар оятлар билан келганда, аслида, уларга иймон келтириш шарт эди, аммо Фиръавн ва унинг зодагонлари куфр келтирдилар, оятларга нисбатан зулм қилдилар. Улар ўзларининг бу қилмишлари билан бузғунчи бўлдилар. Энди:

**«Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлишига назар сол».**

Мазкур қиссани охиригача ўргансак, оқибат маълум бўлади.

Аллоҳ ҳақ пайғомлар билан қувватлантирган Пайғамбар саройга ташриф буюрди:

وَقَالَ مُوسَىٰ يٰفِرْعَوْنُ اِنِّي رَسُولٌ مِّن رَّبِّ الْعٰلَمِيْنَ ﴿١٠٤﴾

**104. Мусо: «Эй Фиръавн, албатта, мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман.**

حَقِيْقٌ عَلٰٓى اَنْ لَا اَقُوْلُ عَلٰٓى اللّٰهِ اِلَّا الْحَقَّ قَدْ جِئْتُكُمْ بِبَيِّنٰتٍ مِّن رَّبِّكُمْ فَاَرْسِلْ مَعِيَ

بَنِيٓ اِسْرٰٓءِيْلَ ﴿١٠٥﴾

**105. Менга Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтмаслик лозимдир. Батаҳқиқ, мен сизларга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжат келтирдим. Мен ила Бани Исроилни қўйиб юбор», – деди.**

Мусо алайҳиссалом билан Фиръавннинг учрашуви – Пайғамбар ила ҳукмдор, Аллоҳнинг йўлига даъват қилувчи ила Аллоҳ ҳукмини талашувчининг ўзаро учрашувидир. Мусо алайҳиссалом даставвал подшоҳга:

**«Эй Фиръавн»,** деб мурожаат қилдилар. Анчайин номини айтдилар. Турли дабдабали хислатлару сифатларини гўзал ташбеҳлар билан зийнатламадилар:

**«албатта, мен оламларнинг Роббидан Пайғамбарман»,** – дедилар. Бу билан Фиръавннинг «Мен одамларнинг Робби – тарбиячи-

си, йўл кўрсатувчиси, ризқ берувчиси ва ҳокимиман», деб қилаётган даъволари сафсата эканини рўй-рост эълон қилдилар. Оламларнинг Робби — ягона Аллоҳнинг Ўзи эканини билдирдилар.

Сўнгра, бир йўла орани очиқ қилиб:

**«Менга Аллоҳ ҳақида ҳақдан бошқани айтмаслик лозимдир»,** — дедилар.

Яъни, мен сенинг мулкинг, ҳукминг, давлатинг, аскаринг ва бошқа нарсаларингни эътиборга олиб ёхуд улардан қўрқиб, Аллоҳ ва дин ҳақидаги ҳақиқатларни бошқаларга ҳам, сенга ҳам ёқадиган тарзда баён қилмайман. Борини, ҳақни гапираман, хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам — шу.

Шунингдек, Мусо алайҳиссалом бу гапларни ўзлари тўқиб чиқариб гапирмаётганларини, Пайғамбарликлари ҳақ эканлигига ҳужжатлари борлигини билдириб:

**«Батаҳқиқ, мен сизларга Роббингиздан очиқ-ойдин ҳужжат келтирдим»,** — дедилар.

Сўнгра, қисқача қилиб мақсадга ўтдилар:

**«Мен ила Бани Исроилни қўйиб юбор»,** — дедилар.

Ўзини «Худо» деб билган Фиръавн Бани Исроилни қул — банда қилиб олган ва уларга Робб эканига шубҳаланмас эди. Мусо алайҳиссалом унга ҳақиқий Робб Аллоҳ эканини тушунтириб, Бани Исроилни озод қилиш ўша ягона Аллоҳнинг — ҳақиқий Роббининг амри эканини изҳор этдилар.

Аммо, туғёнга кетган ҳокимлар вакили бўлмиш Фиръавн жуда ҳам уста маккор эди. У ўз ниятини бирданга ошкор қилмайди. Мусо алайҳиссалом билан бўлаётган мулоқотда ҳам ана шу макрни ишга солди. Ўзини гўё ҳақиқат изловчиси қиёфасида кўрсатишга ҳаракат қилиб, асл ниятини мунофиқлик ила яширди:

قَالَ إِن كُنتَ جِئْتَ بِآيَةٍ فَأْتِ بِهَا إِن كُنتَ مِنَ الصّٰدِقِیْنَ ﴿۱۰۶﴾

**106. У: «Агар мўъжиза келтирган бўлсанг, ростгўйлардан бўлсанг, келтир уни», — деди.**

Аслида, Фиръавн бу тадбир билан, Мусо алайҳиссаломнинг мўъжиза келтира олмай шарманда бўлишларини кўзлаган эди. Ана шу ғаразли мақсадда ҳужжат — мўъжиза талаб қилди. Шунда Мусо алайҳиссалом:

فَأَلْقَى عَصَاهُ فَإِذَا هِيَ ثُعْبَانٌ مُّبِينٌ ﴿۱۰۷﴾

**107. Асосини ташлаган эди... баногоҳ у аниқ аждар бўлди.**

Мусо алайҳиссалом қўлларида ушлаб турган асоларини ерга ташладилар, асо ҳақиқий аждарга айланиб қолди. Аждар халқа солиб ҳаракат қила бошлади.

وَنَزَعِيْدُهُ فَاِذَا هِيَ بِبَيْضَاءٍ لِّلنَّظْرِ ۙ

**108. Ва қўлини чиқарган эди... баногоҳ у назар солувчиларга оппоқ бўлиб кўринди.**

Аслида, Мусо алайҳиссалом буғдойранг тусда эдилар. Фиръавн мўъжиза кўрсатишни талаб қилганда қўлларини қўлтиқларидан чиқарган заҳоти оппоқ тусда намоён бўлди. Кўринганда ҳам, барчанинг ҳавасини келтирадиган даражада чиройли бўлиб кўринди. Мантиқан, талаб қилинган мўъжиза рўй берганидан сўнг муқобил томон тан бериши ва даъватни қабул қилиши керак. Бу оқиллик ва мардлик аломати. Аммо, нияти бузуқ, ўз нияти йўлида ҳар қандай пасткашликка тайёр ғаламислар турли ифво ва бўҳтонларни кўз юммай тўқийдилар. Одатда, бундай ишларни туғёнга кетган подшоҳ – фиръавнларнинг ён-атрофида юрган амалдорлар – бойлар ва зодагонлар қилишади. Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизаларини кўрганларидан кейин ҳам, ўша одатга биноан:

قَالَ الْمَلَأُ مِنْ قَوْمِ فِرْعَوْنَ اِنَّ هَذَا السَّحْرُ عَلِيمٌ

**109. Фиръавн қавмидан бўлган зодагонлар: «Албатта, бу билимдон сеҳргардир!»**

يُرِيْدُ اَنْ يُخْرِجَكُمْ مِّنْ اَرْضِكُمْ فَمَاذَا تَأْمُرُوْنَ

**110. Сизларни ерингиздан чиқаришни хоҳлайди. Бас, нимага амр қиласизлар?» – дедилар.**

Бошқа суранинг таъкидлашича, бу гапларни мўъжизаларга гувоҳ бўлган Фиръавн бир оз ўтиб, қўрқув тарқаб, ўзига келгандан кейин айтган. Фиръавннинг гапларини қонун деб билган зодагонлар хушомад тариқасида унинг сўзларини айнан такрорлаганлар. Ўша такрор ушбу икки оятда ифодаланмоқда.

Улар Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизаларини кўрдилар, бу ҳақиқатан оддий нарса эмаслигини англадилар, аммо туёнлари бу

ҳақиқатни тан олишга йўл қўймади. Мусо алайҳиссаломнинг шахсларида ва даъваткор нутқларида ўзларига нисбатан улкан хатарни кўрдилар. Шу боисдан, у зот хусусида

**«Албатта, бу билимдон сеҳргардир!» – дедилар.**

Уларнинг юртида айна шу даврда сеҳргарлик ривожланиб, энг баланд чўққига чиққан, бироқ Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизалари оддий сеҳргарлар кўрсатаётган нарсаларга ўхшамас эди. Шу боисдан, улар «билимдон сеҳргар», яъни, оддий сеҳргарлардан кўра устун, илмли сеҳргар, деган бўҳтонни тўқишди. Сеҳргар бўлса нима, шунча сеҳргарларнинг бири бўлиб юраверсин-да, дейиш мантиқан тўғри. Йўқ, зодагонлар Мусо алайҳиссаломнинг сеҳргар эмаслигини билдилар. Шундан сўнг унинг даъвати уларни безовта қила бошлади. Улар Мусо алайҳиссаломдан қутулиш йўллари ахтардилар. Хуллас, одамларни унга тескари қўйиш керак, деган хулосага келишди. Шунинг учун ҳам:

**«Сизларни ерингиздан чиқаришни хоҳлайди», – деб ифво тўқишди.**

Яъни, ерингизни эгаллаб олиб, сизларга ўзи ҳоким бўлмоқчи. Ҳар бир даъватчига унга қарши бўлган кофирлар ва ҳасадгўйларнинг муносабати ҳамиша шундай бўлган. Бундай даъватчиларни нима қилиб бўлса ҳам йўқ қилиш керак.

**«Бас, нимага амр қиласизлар?» – дедилар.**

Мусо алайҳиссаломни нима қилиш керак? Бир қарорга келинглари. Барча замонларнинг фиръавнлари ва зодагонлари ўз даври мусоларига нисбатан шу сўзларни айтади. Ҳозир ҳам айтяптилар.

Зодагонлар маслаҳат қилишиб, бир қарорга келдилар ва Фиръавнга:

قَالُوا أَرْجِهْ وَأَخَاهُ وَأَرْسِلْ فِي الْمَدَائِنِ حَاشِرِينَ ﴿١١١﴾

**111. Улар: «Уни ва акасини қўйиб тургин-да, шаҳарларга тўпловчиларни юбор.**

يَأْتُوكَ بِكُلِّ سِحْرِ عَلِيمٍ ﴿١١٢﴾

**112. Ҳамма билимдон сеҳргарларни сенга олиб келсинлар», – дедилар.**

Яъни, Мусо ва акаси Ҳорунни ҳозирча қўйиб тургин-да, барча шаҳарларга одам юбор, улар бор билимдон сеҳргарларни тўплаб

келсинлар. Улар билан Мусо орасида сеҳргарлик бўйича мубораза – куч синашиш, яккама-якка олишув ўтказамиз.

وَجَاءَ السَّحَرَةُ فِرْعَوْنَ قَالُوا إِنَّ لَنَا لَأَجْرًا إِن كُنَّا نَمُحُّنُ الْعَالِينَ ﴿١١٣﴾

**113. Сеҳргарлар Фиръавнга келиб: «Агар биз ғолиб бўлсак, албатта, мукофот олсак керак?» – дедилар.**

Сеҳргарлар ўзларининг ким эканликларини, ўз қудрат ва салоҳиятларини жуда яхши билишарди. Бу бобда уларга тенг келадигани йўқлигини ҳам инкор этишмасди.

Шунинг учун, Мусо алайҳиссалом билан куч синашиш учун Фиръавннинг амрига биноан тўпланиб келишгандан сўнг унга юқоридаги саволни бердилар.

«Агар биз ғолиб бўлсак, албатта, мукофот олсак керак?» – дедилар».

قَالَ نَعَمْ وَإِنَّكُمْ لَمِنَ الْمُقَرَّبِينَ ﴿١١٤﴾

**114. У: «Ҳа. Ва, албатта, менинг яқин кишиларимдан бўлурсизлар»,**

Яъни, мукофот билан тақдирланишингиз тайин гап, боз устига, мен сизларни ўзимга муқарраблардан қилиб оламан. Бу ҳам барча замон фиръавнларининг одати. Ўзига қул бўлган малай-югурдакларни мукофотлашда бахиллик қилмайдилар. Бу мараз югурдаклар бошқа бегуноҳларга қанчалик кўп хиёнат қилсалар, уларни ўзларига шу қадар яқин тутадилар.

Фиръавндан кўнгилдаги жавобни олган сеҳргарлар хотиржам бўлиб, енг шимаришди ва ишга киришиб:

قَالُوا يَا مُوسَى إِمَّا أَنْ تُلْقَى وَإِمَّا أَنْ نَكُونَ نَحْنُ الْمُلْقِينَ ﴿١١٥﴾

**115. Улар: «Эй Мусо, ёки сен ташла, ёки биз ташловчи бўлайлик», – дедилар.**

Сеҳргарларнинг гапларидан ўзларига ишончлари зўрлиги сезилиб турибди. Улар тезроқ Фиръавннинг мукофотига соҳиб бўлиб, зудлик билан қўйнига кириб олмоқчилар.

«Эй Мусо, ёки сен ташла, ёки биз ташловчи бўлайлик», дейишларининг маъноси – аввал сен бошлайсанми ёки биз бошлаймизми, барибир биз ютамиз, деганидир.



قَالَ الْقَوَافِلُ مَا الْقَوَاسِحُ كَرُوا أَعْيُنَ النَّاسِ وَأَسْتَرَهُمْ وَجَاءَهُمْ وَسِحْرٌ عَظِيمٌ ﴿١١٦﴾

**116. У:** «Сизлар ташланглар», – деди. Улар ташлаганларида, одамларнинг кўзини сеҳрладилар, қўрқитдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар.

Мусо алайҳиссалом босиқлик ва ишонч билан сеҳргарларга қараб, аввал

**«Сизлар ташланглар», – деди».**

Улар қўлларидаги арқон ва асоларини ташладилар. Бояги арқон ва асолар одамларнинг назарига илон бўлиб кўринди. Сеҳргарлар одамларнинг кўзини сеҳрлаб, яъни бўяб қўйган эдилар. Шундай қилиб, арқон ва асоларни илонларга ўхшатиб, одамларни қўрқитдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар. Шунда:

﴿١١٧﴾ وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ أَنْ أَلْقِ عَصَاكَ فَإِذَا هِيَ تَلْقَفُ مَا يَأْفِكُونَ ﴿١١٧﴾

**117. Биз Мусога:** «Асоингни ташлагин», деб ваҳий юбордик. Бирдан, у улар уйдирётган нарсани юта бошлади.

Уста сеҳргарларнинг кўзбўямачилиги тўпланганларни даҳшатта солиб қўйган эди. Мусо алайҳиссалом ҳам кўпчилик билан бирга содир бўлаётган воқеани кузатиб турар эдилар. Аллоҳ у зотга:

**«Асоингни ташлагин»,** деб ваҳий юборди. Мусо алайҳиссалом ерга асони ташладилар. Асо аждарга айланди ва бирдан сеҳргарлар намоийш этаётган уйдирма – кўзбўямачиликларни юта бошлади.

**«Бирдан, у улар уйдирётган нарсани юта бошлади».**

Шунда:

فَوَقَعَ الْحَقُّ وَبَطَلَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١١٨﴾

**118. Бас, ҳақ қарор топди ва уларнинг қилаётганлари ботил бўлди.**

Яъни, Мусо алайҳиссаломнинг амаллари ҳақ экани тасдиқланди. Қолган сеҳргарларнинг иши ботил экани ошкор бўлди. Аждар сеҳргарларнинг уйдирмаларини ютиб бўлганидан сўнг, Мусо алайҳиссалом уни қўлга олган эдилар, яна асога айланди. Шунда, улар:

فَغَلِبُوا هُنَالِكَ وَأَنْقَلَبُوا صَغِيرِينَ ﴿١١٩﴾

**119. Ўша ерда енгилдилар ва беобрў бўлдилар.**

Яъни, Фиръавн ва у ёллаган жодугар ва фирибгарлари баҳслашувда енгилдилар, улар «зийнат куни» – байрам асносида одамлар тўпланган жойда шарманда бўлдилар.

وَأَلْقَى السَّحَرَةَ سَاجِدِينَ ﴿١١٩﴾

**120. Ва сеҳргарлар саждага ташланиб:**

قَالُوا يَا مَنَّا رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٢٠﴾

**121. «Оламларнинг Роббига иймон келтирдик.**

رَبِّ مُوسَىٰ وَهَارُونَ ﴿١٢١﴾

**122. Мусо ва Ҳоруннинг Роббига», – дедилар.**

Не боисдан сеҳргарлар биринчи бўлиб иймон келтирдилар? Чунки, улар Мусо алайҳиссалом келтирган нарса сеҳр эмас, ҳақиқий илоҳий мўъжиза эканини ҳаммадан бурун англаб етдилар. Зотан, улар сеҳр нима эканини яхши билишар, ўз ишининг усталари эдилар. Аммо, начора, мағлуб бўлдилар. Оддий инсон уларни мағлуб қила олмаслиги маълум эди.

Сеҳргарларга ҳақиқат биринчи бўлиб етиб борди. Виждонлари уйғонди ва қалбларини иймон нури ёритди. Улар Аллоҳга сажда қилиш учун ўзларини ерга ташладилар. Мўмин бўлганларини эълон қилиб:

**«Оламларнинг Роббига, Мусо ва Ҳоруннинг Роббига иймон келтирдик», – дедилар».**

Ногаҳон, шу дамгача ўзини халқ учун Робб, яъни тарбиячи, йўлбошчи, боқувчи ва ҳоким ҳисоблаб юрган:

قَالَ فِرْعَوْنُ يَا مَنَّمْ بِهِ قَبْلَ أَنْ أَدْنَىٰ لَكُمْ إِنَّ هَذَا الْمَكْرُ مَكْرٌ تَمُوهُ فِي الْمَدِينَةِ لِنُخْرِجُوا مِنْهَا أَهْلَهَا فَسَوْفَ تَعْمُونَ ﴿١٢٢﴾

**123. Фиръавн: «Мен сизга изн бермай туриб унга иймон келтирдингизми?! Албатта, бу сизнинг шаҳардан унинг аҳлини чиқариш учун қилган макрингиздир. Ҳали биласиз.**

لَا قَطْعَانَ أَيْدِيكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ مِمَّنْ خَلَفْتُمْ لِأَصْلَابِكُمْ أَجْمَعِينَ

**124. Албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қарши томонидан кесаман ва ҳаммангизни осаман», – деди.**

Бу ҳам барча фиръавнларга хос хусусият. Улар ўзларига қул бўлган фуқароларнинг ҳатто Аллоҳга иймон келтиришни ҳам ундан сўраб, илтижоланиб, адо этишларини хоҳлайдилар. Бирор ишни уларнинг изнисиз қилган одам гуноҳкори азим бўлади. Ушбу зикр қилинаётган ҳодисага назар солайлик. Фиръавн, унинг зодагонлари, сеҳргарлар аввал бошда Мусо алайҳиссаломга ишонмай тухмат қилдилар. Баҳслашувдан кейин ҳақиқатни тушуниб етган сеҳргарлар Аллоҳ таолога иймон келтирдилар. Оддий мантиқ бўйича бошқалар, жумладан, Фиръавн ҳам, ҳеч бўлмаса, нима учун иймон келтирдингиз, деб сўраши лозим эди. Аммо, туғёнга кетган подшоҳ бу ишни қила олмайди. Унинг тасарруфлари оддий мантиққа ҳам тўғри келмайди.

**«Фиръавн: «Мен сизга изн бермай туриб унга иймон келтирдингизми?!»**–деб сеҳргарларга таҳдид солди.

Унинг бузуқ мантиқига асосан биров Аллоҳга иймон келтирмоқчи бўлса ҳам, аввал ундан изн сўраши керак экан. Туғёнга кетган жоҳил подшоҳлар дилга иймон нури кирганда ҳар бир инсон Аллоҳдан бошқани ўйламай қўйишини ёқтирмайдилар. Бандаларнинг Аллоҳга талпинишида подшоҳлар ўзларига қарши суиқасдни кўрадилар. Шунинг учун, иймон ва Исломга, дину диёнатга уринганларга:

**«Албатта, бу сизнинг шаҳардан унинг аҳлини чиқариш учун қилган макрингиздир»,**–дейдилар.

Бу бугунги кун истилоҳи билан шарҳланганда «давлатни қўлга киритиш учун уринишингиздир», дегани. Туғёнга кетган фиръавнлар қуруқ гап билан кифояланиб қолмайдилар. Улар дарҳол мўминларни жисмонан йўқ қилишга киришадилар. Чунки, улар ҳар бир ҳақиқий мўмин шахсида ўз мулкларига қарши таҳдид кўрадилар. Шунинг учун ҳам, Фиръавн ўз сўзи давомида мўминларга қарата:

**«Ҳали биласиз, албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қарши томонидан кесаман ва ҳаммангизни осаман», – деди».**

Яъни, аввал ўнг қўл ва чап оёғингизни ёки чап қўл ва ўнг оёғингизни кесаман, сўнгра дорга осаман.

Бутун дунё ва барча давр фиръавнларининг мўминларга қарши қўллайдиган услуби шу: қадимда қўл-оёқларини кесиб, осиган; ҳозирда қамайдилар, азоблайдилар, отадилар, осадилар. Аммо, уларнинг бу усуллари ҳақиқий иймон нури билан чароғон бўлган қалб-

ларга заррача қўрқинч сола олмайди. Фиръавндан юқоридаги зўравонлик ва таҳдидни эшитган мўминлар ҳам унга:

قَالُوا إِنَّا إِلَىٰ رَبِّنَا مُنْقَلِبُونَ ﴿١٢٥﴾

**125. Улар: «Албатта, биз Роббимизга қайтгувчимиз.**

وَمَا نُنْقِمُ مِنْهَا إِلَّا أَنْتَ أَمْ نَأْتِيكَ رَبِّنَا لَمَّا جَاءَ تَنَارُ رَبِّنَا أَفَرِحْنَا صَبْرًا وَتَوَفَّنَا مُسْلِمِينَ ﴿١٢٦﴾

**126. Сен биздан фақат Роббимизнинг оятлари келганда уларга иймон келтирганимиз учунгина ўч олмоқдасан! Эй Роббимиз, устимиздан сабр тўккин ва мусулмон ҳолимизда вафот эттиргин», – дедилар.**

Яъни, эй Фиръавн, қўлингдан нима келса, қилавер, биз сендан қўрқмаймиз, сенинг таҳдидингга эътибор ҳам бермаймиз, зеро:

**«Албатта, биз Роббимизга қайтгувчимиз».**

Аввал адашиб, сенга ишониб юрган эканмиз. Аммо, энди, ҳамма нарса аён бўлди. Энди, биз ўз Роббимизга қайтамыз. Ўз навбатида, ҳеч қандай гуноҳимиз йўқлигини ҳам яхши биламиз. Сен бизда айб деб топган нарса – Аллоҳга бўлган иймонимиз. Аллоҳни Робб – тарбиячи, йўлбошчи, боқувчи ва ҳоким, деб тан олишимиз сенга ёқмапти. Шунинг учун бизни айбламоқдасан, дедилар.

Сўнгра, Аллоҳ таолога илтижо қилиб:

**«Эй Роббимиз, устимиздан сабр тўккин ва мусулмон ҳолимизда вафот эттиргин», – дедилар».**

Улар ўзлари танлаган йўлни осон кечиш мумкин эмаслигини теран англаб етдилар. Иймон ва Ислом, дину диёнат ва ҳақиқат йўли гуллар тўшалган, алвон шиорлар осилган роҳат-фароғат йўли эмаслигини яхши билдилар. Бу йўлда уларни турли машаққатлар, азоб-уқубатлар, заҳмат ва мусийбатлар кутиб турганига иқдор бўлдилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳдан тинч-омон, зиён-заҳматсиз, соғсаломат қолишни эмас, балки, сабр-тоқатни сўрашди. Яъни, улар доимо сабр қилиб юришлари лозимлигини яхши билганларидан шундай йўл тутишди. Илтижо қилиб сўраган иккинчи нарсалари, мусулмон ҳолларида бу дунёни тарк этиш бўлди. Дунёдаги жамики мўмин-мусулмонларнинг орзуи – шу: нима бўлса ҳам, иймони саломат қолиб, мусулмон ҳолида ўлса!

Қалбга теран ўрнашган иймон инсонга мана шундай азизлик ва қудрат бахш этади. Фиръавндек жаббор ва тугёнкор подшоҳга тик

боқиб, уни назар-писанд қилмай турган оз сонли мўминлар, Мусо алайҳиссалом ила баҳс бошланишидан олдин, Фиръавндан мукофот тамаъ қилиб, унга яқин кишилар қаторида бўлиш орзуида ёнаётган одамлар эдилар. Аммо, Аллоҳга бўлган иймонлари уларни бир лаҳзада тамоман бошқа инсонларга айлантириб қўйди.

Шу билан бирга, иймон насиб этмаган гумроҳлар турли пасткашликларга боришлари, хусусан, туғёнга кетган золим подшоҳларга яқин бўлган амалдор ва зодагонлар динга ва диндорларга қарши турли-туман ифво-бўхтонларни тўқиб чиқаришларига тарих ҳам, ўзимиз ҳам неча карра иқдор бўлдик.

وَقَالَ الْمَلَأُ مِنْ قَوْمِ فِرْعَوْنَ أَتَذَرُ مُوسَى وَقَوْمَهُ لِيُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَيَدْرُكُوءَ إِلَهُتَكُ  
 قَالَ سَنْقِيلُ أَبْنَاءَهُمْ وَنَسْتَجِيءُ نِسَاءَهُمْ وَإِنَّا فَوْقَهُمْ قَاهِرُونَ

**127. Фиръавн қавмидан бўлган зодагонлар:** «Сени ва худоларингни тарк қилса ҳам, Мусо ва унинг қавмини ер юзида бузғунчилик қилишларига йўл қўйиб берасанми?» – дедилар. У: «Ўғилларини ўлдирурмиз ва аёлларини тирик қолдирурмиз ва, албатта, биз улар устидан қаҳр ўтказувчимиз», – деди.

Золим подшоҳлар атрофидаги зодагонлар – амалдор, хизматкор ва малайларнинг энг катта хизматлари хушомад, тилёғламалик ила ўзларига қарши кишиларни подшоҳга ёмонлаб, унга душман қилиб кўрсатиш ва ниҳоят, фиръавнларни мўминларга қарши гиж-гижлашдир. Уларнинг бобокалонлари бўлмиш Миср зодагонлари Фиръавнни Мусо алайҳиссаломга ва у кишининг қавмига қарши оёқлантириб:

**«Сени ва худоларингни тарк қилса ҳам, Мусо ва унинг қавмини ер юзида бузғунчилик қилишларига йўл қўйиб берасанми?» – дедилар.**

Ҳа, Фиръавннинг ҳам худолари бор эди. Кўпчилик тарихчи, диншунос ва айрим мусулмонлар орасида ҳам, Фиръавн худолик даъвосини қилган деган тушунча бор. Аммо бу тушунча бирмунча ўзгариб, Фиръавн ўзини Аллоҳнинг ўрнига қўйган, деган фикрга айланган. Аслида эса, Фиръавн дунёни мен яратганман, унинг тадбири менинг қўлимда, деган даъвони қилгани йўқ. Фиръавн ҳам бутсанамларга сиғинарди. Фақат, Робблик – халқнинг тарбиячиси, йўлбошчиси, боқувчиси ва ҳокими эканлигини даъво қилган эди. Яъни, одамлар мен айтган йўлдан юриши, мен хоҳлаган ишни қилиши; хоҳлаганимга бирор нарса беришим, хоҳлаганимни маҳқум қили-

шим; қонунлар менинг ҳукмим асосида бўлиши керак, деган даъво-ни қилган. Бошқача қилиб айтганда, Аллоҳнинг Робб – Парварди-горлик сифатига даъвогар бўлган.

Унинг қавмидан бўлган малай-зодагонлар ана шу нозик жойидан олмоқдалар. Мусо ва унинг қавми сени тарк этдилар, сенга Робб деб қарамаяптилар, сен ишонадиган худоларга ишонмай, ўзларига бошқа Робб топиб олиб, ер юзида бузғунчилик қилмоқдалар, уларни тек қўйиб қўяверасанми, дедилар. Бу ҳар жой ва ҳар замоннинг фиръавнлари қавмидан бўлган зодагонларнинг айтадиган гапларидир. Улар шундай даъволар билан фиръавнларни қўрқитиб, мўминларга қарши қўйишади. Ана шунда, фиръавнлар туғённинг чўққисига чиқиб, аҳли иймонга қарши ғайриодамий қонунлар қабул қиладилар.

Зодагонлардан юқорида шарҳланган фитнани эшитган Фиръавн Мусо ва унинг қавми боши устида қилич кўтарди:

**«У: «Ўвилларини ўлдирамиз ва аёлларини тирик қолдирамиз ва албатта, биз улар устидан қаҳр ўтказувчимиз», – деди.»**

Уларга нисбатан бундай ваҳший ҳукмнинг жорий қилинишига асосий сабаб Аллоҳга бўлган иймонларидир. Аммо, қарор муаллифи бўлган золимлар буни ўз номи билан айтмайдилар, балки ер юзида бузғунчилик қилиб юриш, деб «сифат»лайдилар.

Ҳар асрнинг фиръавнлари ва зодагонлари ўз замонасига мос истилоҳларни ўйлаб чиқарадилар. Лекин бу истилоҳларнинг шакли турлича бўлса ҳам, улардаги мазмун-моҳият бир ва улардан кўзланган мақсад ҳам бир. Мўминларни «бузғунчи» деб аташ уларни йўқ қилиш, турли усуллар билан азоблаш ва уларга қаҳр ўтказиш, демақдир.

Бундай даҳшатли қарор янграгандан кейин:

قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ اسْتَعِينُوا بِاللَّهِ وَاصْبِرُوا إِنَّ الْأَرْضَ لِلَّهِ يُورِثُهَا مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ ۗ وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ ﴿١٢٨﴾

**128. Мусо ўз қавмига: «Аллоҳдан ёрдам сўранглар ва сабр қилинглар. Ер Аллоҳники, уни бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мерос қилиб берадир. Ва оқибат тақводорларникидир», – деди.**

Бу ҳол Пайғамбарларга хос вазминлик ва хотиржамликнинг олий белгиси, Аллоҳга ҳақиқий иймони бор мўминларга хос ишонч ва сабот. Мўмин фақат Аллоҳдангина мадад сўрайди, иймон йўлида бошига тушадиган мусийбат ва савдоларга сабр қилади.

**Мусо ўз қавмига: «Аллоҳдан ёрдам сўранглар ва сабр қилинглари»,** – дедилар.

Яъни, Мусо алайҳиссалом ҳам қавмларига бу ҳақиқатни тушунтирдилар. Фиръавн ва унинг султону зодагонларидан қўрқмасликка, уларнинг ҳозирги такаббурилик ҳолатлари вақтинчалик эканини англашга чақирдилар. Зеро, аслида:

**«Ер Аллоҳники, уни бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мерос қилиб берадир».**

Аллоҳнинг ҳукми жорий бўлгунга қадар сабр қилиш, Аллоҳдан ёрдам сўраб ҳаракат қилиш керак. Барибир, нима бўлишидан, қандай мусийбат сели бошга ёғилишидан қатъиназар, матонат билан энгиш лозим. Чунки:

**«оқибат тақводорларникидир».**

Иймон нури билан ёлқинланган бу сўзлар холис ниятли, соф виждонли ҳар қандай қавми тинчлантиради, иймонига иймон, саботига сабот ва сабрига сабр қўшади. Аммо, Мусо алайҳиссаломнинг қавми зуваласи бошқача қавм эди. Бу қавм Пайғамбарининг гапини тўғри қабул қилмади.

قَالُوا أُوذِينَا مِنْ قَبْلِ أَنْ تَأْتِيَنَا وَمِنْ بَعْدِ مَا جِئْتَنَا قَالَ عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَنْ يُهْلِكَ  
عُدُوكُمْ وَيَسْتَخْلِفَكُمْ فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرَ كَيْفَ تَعْمَلُونَ ﴿١٢٩﴾

**129. Улар: «Сен бизга келмасингдан олдин ҳам, келганингдан кейин ҳам озор тортдик», – дедилар. У: «Шоядки, Роббингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни ер юзига халифа қилиб, қандай амал қилишингизга назар солса», – деди.**

Қавм Пайғамбарига таъна қилди. Сен келмасингдан бурун ҳам озор тортар эдик, ўшанда ҳам ўғилларимизни ўлдириб, аёлларимизни тирик қолдирар эдилар, сен келганингдан кейин ҳам, барибир, озор топмоқдамиз, яна ўғилларимизни ўлдириб, қизларимизни тирик қўйишмоқчи, дедилар. Уларнинг фикрича, Пайғамбар келиши ҳамона ҳамма нарса уларнинг фойдасига ҳал бўлиб қолиши керак экан. Улар Пайғамбар шахсига таъна қилмоқдалар. Аммо, нега ўзларига назар солмайдилар? Ўзлари нималар қилдиларми? Иймон келтирдиларми? Иймон тақозо этган бирор-бир ишни қилдиларми? Номига бўлса ҳам, хору зорликдан қутулиш учун заррача уриниб кўрдиларми? Йўқ! Бу ишларнинг бирортасини қилмадилар. Аммо, Пайғамбарга қилаётган даъволари оламни тутади. Табиати бузуқ қавмлар тўғри йўлни кўрсатмоқчи бўлган даъватчиларга нисбатан, одатда, шундай муносабатда бўладилар.



Аммо, Мусо алайҳиссалом яна босиқлик ва вазминлик билан уларга насиҳат қилишда давом этдилар:

**«Шоядки, Роббингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни ер юзига халифа қилиб, қандай амал қилишингизга назар солса», – деди».**

Диққат қиладиган бўлсак, Мусо алайҳиссалом ўз даъватларида қавм томонидан бўлиши лозим нарса «амал» эканини алоҳида таъкид этмоқдалар. Қайси тилда гапирасиз, қандай қарор қабул қиласиз – буларга ёки бошқа нарсага эмас, балки «қандай амал қилишингизга назар солса», демоқдалар. Демак, қасдга эришиш учун амал керак экан. Фармонлар, қарорлар эмас, амал!

Мусо алайҳиссаломнинг айтганлари рўёбга чиқди.

وَلَقَدْ أَخَذْنَا آلَ فِرْعَوْنَ بِالسِّنِينَ وَنَقَصْنَا مِنَ الثَّمَرَاتِ لَعَلَّهُمْ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٣٠﴾

**130. Биз Фиръавн аҳлини, шояд эсласалар, деб (қаҳатчилик) йиллар ва мевалар танқислиги ила тутдик.**

Яъни, Фиръавн ва унинг кибор қавмининг кўзлари очилсин деб, баъзи мусийбатларга, жумладан, очарчиликка ва мевалар танқислигига дучор этдик. Ўзини англаган ҳар қандай қавм бундан тўғри хулоса чиқариб олар эди. Аммо, Фиръавн аҳли ўзини тамоман терс тутди. Улар:

فَإِذَا جَاءَتْهُمْ الْحَسَنَةُ قَالُوا لَنَا هَذِهِ وَإِنْ تُصِبْهُمْ سَيِّئَةٌ يَطَّيَّرُوا بِمُوسَىٰ وَمَنْ مَعَهُ ۗ أَلَا إِنَّمَا طَّيَّرْتُمْهُمْ عِنْدَ اللَّهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٣١﴾

**131. Улар ўзларига яхшилик етганда: «Бунга биз ҳақдормиз», – дедилар. Агар уларга ёмонлик етса, Мусо ва у билан бирга бўлганлардан шумландилар. Огоҳ бўлсинларким, уларнинг шумликлари Аллоҳнинг ҳузуридан бошқа жойда эмас. Лекин кўплари билмаслар.**

Иймонсиз ва табиати бузуқ инсонлар атрофларида рўй бераётган ҳодисаларни нотўғри талқин қилишга одатланган бўладилар. Улар ҳар қандай яхшиликни, биз қилдик, биз бунга ҳақдормиз, биздан бошқа ҳеч ким буни қила олмайди ва ҳақдор ҳам эмас, дейдилар.

**«Улар ўзларига яхшилик етганда: «Бунга биз ҳақдормиз», – дедилар».**

Агар ёмонлик келса, бошқалардан, алалхусус, диндан ва дин аҳлидан кўрадилар.

**«Агар уларга ёмонлик етса, Мусо ва у билан бирга бўлганлардан шумландилар».**

Бу ҳақиқатни дунёдаги энг бузуқ табиатли махлуқлар бўлмиш худосизлар ҳукми остида яшаган халқлар жуда ҳам яхши биладилар. Улар зиғирча яхшилик етса, бизга бу бахтни берган партиёга минг раҳмат, дунёда биздан бошқа бу бахтга эришганлар йўқ, деб жар солишар, агар бирор ёмонлик етса, динга, диндорларга, «халқ душманларига» ва «табиат инжиқликларига» осилишар эди. Ушбу ояти карима мазмунини чуқур англаганимиздан сўнг, бу хусусият уларга Фиръавн аҳлидан мерос қолганини тушуниб оламиз.

Чунки, Фиръавн аҳли ҳам содир бўлган яхшилик ва хурсандчиликнинг боисини ўзларидан деб билишар, жамики ёмонликлар сабабини Мусо алайҳиссаломга ва мўминларга ағдарिशар эди. Аслида, ҳамма нарса, жумладан, ёмонлик ҳам Аллоҳнинг ҳузуридан дидир.

**«Огоҳ бўлсинларким, уларнинг шумликлари Аллоҳнинг ҳузуридан бошқа жойда эмас. Лекин кўплари билмаслар».**

Ҳа, кўпчилик буни билмайди. Фиръавн аҳли ҳам билмади. Улар Мусо алайҳиссаломга иймон келтириш ўрнига, у кишига қарши ифво ва инкорни кучайтирдилар:

وَقَالُوا مَهْمَا تَأْتِنَا بِهِ مِنْ آيَةٍ لِنَسْحَرَنَّ بِهَا فَمَا نَحْنُ لَكَ بِمُؤْمِنِينَ ﴿١٣٢﴾

**132. Улар: «Ҳар қанча оят келтириб бизни сеҳрламоқчи бўлсанг ҳам, биз сенга иймон келтиргувчи эмасмиз», – дедилар.**

Яъни, иймон келтиришдан мутлақо бош тортдилар. Оят-мўъжизани кўришни хоҳламадилар ҳам. Балки Мусо алайҳиссалом уларни ишонтириш учун ҳар қанча уринсалар ҳам, уринишлари беҳуда кетишини олдиндан айтиб қўйдилар.

Ана шунда уларни қилмишларига муносиб тарзда жазолаш фурсати етиб келди.

فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمُ الطُّوفَانَ وَالْجَرَادَ وَالْقُمَّلَ وَالضَّفَادِعَ وَالْدَّمَ آيَاتٍ مُفَصَّلَاتٍ فَاسْتَكْبَرُوا  
وَكَانُوا قَوْمًا مُجْرِمِينَ ﴿١٣٣﴾

**133. Бас, уларнинг устидан тўфон, чигиртка, мита, бақа ва қонларни очиқ-ойдин ва муфассал белгилар қилиб юбордик. Бас, улар мутакаббирлик қилдилар ва жинойтчи қавм бўлдилар.**

Яъни, Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг аҳли ваъз-насиҳатга қулоқ тутсин, инсофу иймонга келсин, қилаётган жиноятларидан қайтсин деб, уларга муфассал қилиб, алоҳида-алоҳида тарзда оят-белгиларни юборди. Баъзи уламоларнинг фикрича, Исро сурасидаги «Мусога тўққизта очиқ-ойдин оят-белги бердик», дейилишига қараганда, тўққиз йилда тўққизта оят юборган, чунончи: асо, қўл, қаҳатчилик, мева ва жонларни нуқсонга учратиш, тўфон, чигиртка, мита, бақа ва қон.

Аллоҳ таоло ҳар гал бало юборганида, Фиръавн аҳли дод-вой солишиб, тавба қилишар, жиноятларини тарк этишга ва Бани Исроилни қўйиб юборишга Мусо алайҳиссаломга ваъда беришар эди. Ушбу ҳолатни қуйидаги оят баён қилади:

وَلَمَّا وَقَعَ عَلَيْهِمُ الرِّجْزُ قَالُوا يَا مُوسَى ادْعِ لَنَا رَبَّكَ بِمَا عَهِدَ عِنْدَكَ لَئِن كَشَفْتَ عَنَّا الرِّجْزَ لَنُؤْمِنَنَّ لَكَ وَلَنُرْسِلَنَّ مَعَكَ بَنِي إِسْرَائِيلَ ﴿١٢٤﴾

**134. Қачонки устиларига азоб тушса: «Эй Мусо, сенга берган аҳд ҳурмати, Роббинга дуо қил, агар биздан азобни кўтарсанг, албатта, сенга иймон келтирурмиз ва Бани Исроилни сен билан қўйиб юборурмиз», – дер эдилар.**

فَلَمَّا كَشَفْنَا عَنْهُمْ الرِّجْزَ إِلَىٰ آجَلٍ لَّهُمْ بَلَغُوهُ إِذْ هُمْ يُنْكثُونَ ﴿١٢٥﴾

**135. Қачонки устиларидаги азобни ўзлари етиб борадиган муддатга кўтарсак, қарабсанки, қасамларини бузиб турибдилар.**

Бу ҳолат ҳақида имом Ибн Жарир Тобарий Саъид ибн Жубайр розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Мусо алайҳиссалом Фиръавн ҳузурига келиб: «Бани Исроилни мен билан қўйиб юборгин», деганида Фиръавн кўнмади. Шунда, Аллоҳ таоло уларнинг устига тўфон – кўп ёмғир юборди. Устиларидан сел қилиб қуйди. Улар, бу илоҳий азоб бўлса керак, деб қўрқдилар ва Мусога: «Роббинга дуо қил, биздан ёмғирни кўтарсин. Биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан қўйиб юборамиз», – дедилар. Мусо алайҳиссалом дуо қилдилар. Сўнг, улар иймон келтирмадилар, Бани Исроилни қўйиб ҳам юбормадилар. Ўша йили Аллоҳ уларга бундан олдин етишмаган турфа зироат, мева ва ўт-ўланларни ўстирди. Улар, биз орзу қилган нарса шу эди, дейишди. Аллоҳ уларнинг устидан чигиртка балосини юбориб, ўсимлик-

ларга завол етказди. Улар ўсимликларга чигиртка етказётган зарарни кўриб, набототнинг уруғи ҳам қолмаслигига ишондилар ва: «Эй Мусо, Роббингга дуо қилгин, биздан чигирткани кўтарсин, биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан қўйиб юборамиз», – дедилар. Мусо алайҳиссалом дуо қилдилар. Аллоҳ улардан чигирткани кўтарди. Улар эса, иймон ҳам келтирмадилар, Бани Исроилни ҳам қўйиб юбормадилар. Улар донларни уйда сақлашни ўрганиб олдилар ва, энди сақлаб олаверамиз, дедилар, хотиржам. Шунда, Аллоҳ уларга (доннинг ўзидан чиқадиган қурт) митани юборди. Улардан бир киши тегирмонга ўн жарийб (дон) олиб борса, ўн қафийз ҳам ун чиқмайдиган бўлди. (Жарийб ва қафийзлар ўлчов бирликлари бўлиб, бир жарийб тўрт қафийзга тўғри келади). Шунда, улар: «Эй Мусо, Роббингга дуо қилгин, биздан митани кўтарсин, биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан қўйиб юборамиз», – дедилар. Бас, Мусо алайҳиссалом Роббига дуо қилди ва улардан бу азоб кўтарилди. Аммо, улар Бани Исроилни қўйиб юборишдан бош тортдилар. Бир куни Мусо алайҳиссалом Фиръавн ҳузурида ўтирган эди, бирдан бақанинг овозини эшитиб қолди ва Фиръавнга: «Сен ва сенинг қавминг бундан нима кўрасан?» – деди. У (Фиръавн): «Бу ҳам бир бало бўлмаса эди», – деб жавоб берди. Кечга бориб улардан ҳар бири томоғигача бақага кўмилган ҳолда ўтирар, гапирмоқчи бўлсалар, оғзиларига бақа кириб кетар эди. Улар Мусога: «Роббингга дуо қил, биздан манави бақаларни кўтарсин. Кейин биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан бирга қўйиб юборамиз», – дедилар. Аллоҳ улардан (балони) кўтарди. Лекин қавм яна иймон келтирмади. Сўнгра, Аллоҳ уларнинг устига қон балосини юборди. Анҳорлардан, қудуқлардан, идишларидан сув олмоқчи бўлсалар, янги қон чиқар эди. Улар бу ҳақда Фиръавнга арз қилиб: «Биз қон балосига учрадик. Тоза ичимлик қолмади», – дедилар. Фиръавн, албатта, У (Мусо) сизларни сеҳрлаб қўйган бўлса ажаб эмас, деди. Улар: «Қаердан сеҳрлайди? Биз идишларимизда сув топа олмаяпмиз, янги қондан бошқа ҳеч вақо йўқ!» – дейишди. Улар келиб: «Эй Мусо, Роббингга дуо қил, биздан қон балосини кўтарсин. Кейин биз сенга иймон келтирамиз ва Бани Исроилни сен билан бирга қўйиб юборамиз», – дедилар. Бало кўтарилди. Улар яна иймон келтирмадилар ва Бани Исроилни қўйиб ҳам юбормадилар».

Бу ҳол фақат Мусо алайҳиссалом даврларидаги Фиръавн ва унинг аҳлигагина хос бўлмай, балки барча давру замон фиръавнлари ва уларнинг аҳлларига хос хусусиятдир. Улар ҳукмда туриб, халқни эзишни ўзларининг қонуний ҳақлари деб биладилар. Қачон бир

бало бошларига келса, Худо эсларига тушиб, уламоларга ялиниб, дуоталаб бўлиб қоладилар. Агар шу қийинчиликдан эсон-омон ўтиб олсак, ундоқ қиламиз-бундоқ қиламиз, деб тоғ-тоғ ваъдалар берадилар. Аммо, кушойиш бўлгандан сўнг, яна аввалги ҳолларига қайтиб, яна динга осилиб, яна уламоларга зулм қилишга, халқни эзишга ўтадилар.

Бу ҳолни дунёда илк бор динларни расман инкор этиб, худосизлар давлати қурган, динни «афюн» деб эълон қилган ёвузлик империяси соҳиблари мисолида яққол кўрамиз. Улар неча марта диндорларга, уламоларга ялиниб келишган ва неча қур ортга қайтишган. Ҳатто катта бало келган пайтда, Иккинчи Жаҳон уруши даврида диний ташкилотлар, ибодатхоналар очишга рухсат бериб, диндорлардан дуо қилишни сўрашган. Лекин қачонки бошларидан бало кўтарилгач, яна кофир ҳолларига қайтиб, дин халқ учун афюндир, деб юришаверган. Бу ҳол уларнинг Фиръавн меросхўрлари эканини кўрсатади.

Улар ўзларича Худони ҳам, диндорларни ҳам бопламоқдамиз, деб ўйлашади. Аммо, Аллоҳ таоло азобини ортга сурса ҳам, ўч олишни тарк қилмайди.

فَأَنقَمْنَا مِنْهُمْ فَأَغْرَقْنَاهُمْ فِي الْيَمِّ بِآيَاتِهِمْ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَكَانُوا عَنْهَا غَافِلِينَ ﴿١٣٦﴾

**136. Бас, улардан интиқом олдик. Оятларимизни ёлғонга чиқарганлари ва улардан ғофил бўлганлари учун уларни денгизга ғарқ қилдик.**

Аллоҳ таоло сабр билан уларнинг бошидан азобни карра-карра кўтариб, ортга суриб келди. Аммо, вақти-соати етганида, қойилмақом қилиб интиқом олди. Аллоҳнинг оятларини рад этиб, кофир бўлганлари учун ва оятлардан ибрат олмай, ғофил бўлганлари учун сув қаърига ғарқ бўлиб, ҳаммалари бирданига ҳалок бўлдилар. Ояти каримада, денгизга ғарқ қилдик, дейилади. Бу денгиз, Қизил денгиздир.

وَأَوْرَثْنَا الْقَوْمَ الَّذِينَ كَانُوا يُسْتَضَعُونَ مَشْرِقَ الْأَرْضِ وَمغربَهَا أَلَّتِي بَرَكْنَا فِيهَا وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ الْحُسْنَىٰ عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ بِمَا صَبَرُوا وَوَدَّ مَرْنَا مَا كَانُوا يَصْنَعُونَ فَرَعُونَ وَقَوْمَهُ وَمَا كَانُوا يَعْرِشُونَ ﴿١٣٧﴾

**137. Ва хўрланиб юрган қавми эса, ўзимиз баракали қилган ернинг машириқию мағрибига меросхўр қилдик. Сабр қилганлари**

учун Роббингнинг гўзал сўзлари Бани Исроилга батамом бўлди. Фиръавн ва унинг қавми қурган нарсаларни ва улар юксалтирган нарсаларни вайрон қилдик.

Оятдаги «хўрланиб юрган қавм»дан мурод Бани Исроилдир. Фиръавн ва унинг аҳли Бани Исроил ўғлонларини ўлдириб, қизларини чўри, ўзларини хизматкор қилиб, мудом хўрлашар эдилар. Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг қавмини улкан жинойтлари боисидан ғарқ этиб, ҳалок қилганидан сўнг, «хўрланиб юрган қавм»ни ўзи баракали қилиб қўйган ернинг машриқ ва мағрибига меросхўр қилганини эслатмоқда.

**«Ва хўрланиб юрган қавми эса, ўзимиз баракали қилган ернинг машриқию мағрибига меросхўр қилдик».**

Энди, улар хорликдан қутулиб, озод ва фаровон турмуш кечириш имконига эга бўлдилар. Бундай имконнинг уларга берилиши:

**«Сабр қилганлари учун Роббингнинг гўзал сўзлари Бани Исроилга батамом бўлди»,**—дея таърифланмоқда.

**«Фиръавн ва унинг қавми қурган нарсаларни ва улар юксалтирган нарсаларни вайрон қилдик».**

Яъни, улар қурган иморатлар, қасрлар ва турли иншоотларни ҳамда улар ундирган боғу роғларни ҳам вайрон қилдик.

Ояти каримадаги «Роббингнинг гўзал сўзлари» иборасидан мурод—аввал таъкид бўлган: «Шоядқи, Роббингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни ер юзига халифа қилиб, қандай амал қилишингизга назар солса», деган сўзларига ишорадир. Яъни, ушбу сўзлар батамом юзага чиқди. Аллоҳ таоло Бани Исроилга душман бўлган Фиръавн аҳлини ҳалок этди. Бани Исроилни эса, ер юзига халифа қилди.

Кейинги келадиган ояти каримада Бани Исроил нима амал қилишига назар солинади.

وَجَوْرَنَا بِبَنِي إِسْرَائِيلَ الْبَحْرَ فَأَتَوْا عَلَيَّ قَوْمٍ يَعْكُفُونَ عَلَيَّ أَصْنَامٍ لَهُمْ قَالُوا يَا مُوسَى اجْعَلْ لَنَا إِلَهًا كَمَا لَهُمْ آلِهَةٌ قَالَ إِنَّكُمْ قَوْمٌ تَجْهَلُونَ ﴿١٣٨﴾

138. Ва Бани Исроилни денгиздан олиб ўтдик. Бас, улар ўз санамларига берилиб сиғинаётган қавм устига келдилар. Улар:» Эй Мусо, бизга ҳам худди уларнинг худоларига ўхшаш худо қилиб бер», — дедилар. У: «Албатта, сиз жоҳил қавм бўлаётисиз.

إِنَّ هَؤُلَاءِ مُتَّبِعُونَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٣٩﴾



**139. Ахир, анавилар ичида турган нарса ҳалокатдир ва қилаётган ишлари ботилдир», – деди.**

Шу ердан бошлаб қиссанинг асосий қаҳрамонлари Мусо алайҳиссалом ва Бани Исроил бўлади. Золим Фиръавн ва унинг бадбахт аҳли ҳалок бўлиб, тақдир саҳнидан улоқтириб ташландилар. Туғёнга кетган подшоҳ ва унинг зодагонлари билан Пайғамбар ва унга иймон келтирганлар орасидаги кураш хотима топди. Золимлар ҳалок бўлиб, мазлумлар озод бўлдилар. Бани Исроил Фиръавн ва унинг аҳли зулмидан абадий халос этилди.

**«Ва Бани Исроилни денгиздан олиб ўтдик».**

Улар боло-офатлардан қутулдилар. Ўз мустақилликларига эга бўлдилар. Қизил денгиздан Аллоҳ уларни ўтказгандан сўнг,

**«Бас, улар ўз санамларига берилиб сиғинаётган қавм устига келдилар».**

Ривоятларда қайд этилишича, ўша қавм сигирга ибодат қилаётган экан. Буни кўрган Бани Исроил аҳли:

**«Эй Мусо, бизга ҳам худди уларнинг худоларига ўхшаш худо қилиб бер», – дедилар».**

Аслида, уларни Фиръавн ва аҳлининг узоқ муддатли эзишидан, хўрлашидан халос этган Аллоҳга шукр айлаб, ёлғиз Унгагина ибодат қилишлари керак эди. Аслида, уларни даҳшатли азоб-уқубатлардан Аллоҳнинг амри ва ёрдами ила фидокорлик қилиб қутқазиб олиб чиққан Пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломнинг маслаҳатисиз ҳеч бир иш қилмасликлари лозим эди. Лекин улар бир золим бутпараст қавмни йўл-йўлакай кўриб қолиб, уларга ҳавас қиляптилар. Аллоҳга ширк келтириб, бут-санамларга сиғинишмоқчи. Энг даҳшатлиси – тақдир саҳросида уларга Аллоҳ томонидан келган Пайғамбарлари Мусо алайҳиссалом бош бўлишини истамадилар. У зотга нисбатан гердайганча:

**«Эй Мусо»,** деб хитоб қилмоқдалар. У зотнинг оламларнинг Роббидан Пайғамбар бўлиб келганлари қаёқда қолди? Аллоҳнинг ибодатига чақирганлари қаёқда қолди? Пайғамбарлик, раҳнамолик ҳурматлари қаёқда қолди? Уларнинг озодлиги, эркинлиги ва яхшилиги йўлида тортган қийинчиликлари, чеккан машаққатлари қаёқда қолди? Узоқ вақт истибдодга чидаб юрган қавм, зулмга бўйин эгиб юрган қавм, хорлик кўтариб юрган қавм ҳар қандай пасткашликка тайёр, табиати бузуқ одамлар тўпига айланди. Бундай қавм яхшилиқнинг қадрини билмайдиган, устида калтак синиб турса бошини эгиб, думини қисиб юрадиган, бир оз эркинлик етса, ҳовлиқиб, ҳаддан ошиб, ҳеч кимни танимайдиган, ўз ичларида фитна кўзиб, ўзгаларга ҳавас қиладиган бўлиб қолади. Бугунги кунимиз тажрибаси ҳам шуни кўрсатмоқда.



Бани Исроил ҳам узоқ вақт давомида мисрликларга қул бўлиб, зулм ва истибдод остида яшади. Фиръавн ва унинг аҳли уларнинг ўғилларини ўлдирад, қизларини чўри, ўзларини хизматкорга айлантирад эдилар. Ана шу узоқ давом этган хорлик ва жабру ситамларга бўйин эгиб юриб, табиатлари айниб кетди. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни уларга юбориб, Фиръавн ва унинг аҳли зулмидан озод қилди. Лекин бузилган табиат бузуқлигини қилди. Улар Мусо алайҳиссаломдан ясама худо топиб беришини талаб қилишди. Мусо алайҳиссалом уларга қаттиқ раддия билдирди.

**«У: «Албатта, сиз жоҳил қавм бўлаётибсиз. Ахир, анавилар ичида турган нарса ҳалокатдир ва қилаётган ишлари ботилдир», – деди.»**

Яъни, Мусо алайҳиссалом Бани Исроилга, сиз жоҳил қавмсиз, деб таъкид оҳангида айтдилар. Шунингдек, улар даъво қилаётган ва санамларига қаттиқ берилиб ибодат қилаётган қавмларнинг тутган динлари ҳалокатга олиб боришини, бажараётган амаллари ботил эканини тушунтирдилар. Ул зот ўз сўзларида давом этиб:

قَالَ أَغَيَّرَ اللَّهُ أَبْغِيكُمْ إِلَهًا وَهُوَ فَضَّلَكُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿١٤٠﴾

**140. «Сизларга Аллоҳдан ўзгани худо қилиб берайми?! Ҳолбуки, У сизларни оламлардан афзал қилган зот-ку!» – деди.**

Бу сўзлардан Мусо алайҳиссаломнинг беҳад дарғазаб бўлганлари яққол сезилиб турибди. Чунки, Бани Исроилнинг юқоридаги аҳволоти ҳеч бир рисолага тўғри келмас эди. Ахир, Аллоҳ таоло уларга Пайғамбар юбориб, илоҳий китоб нозил қилса, шариат бериб, ўз замонасидаги одамлардан афзал этиб қўйса-ю, улар ўз Пайғамбарларига, бизга ҳам анави қавмнинг худоларига ўхшаш худо қилиб бер, деб туришса. Бу ғоят даражада ношукрлик ва ўтакетган шаккоклик эди. Сўнгра, Аллоҳ таоло Қуръони Карим услубини қўллаб, Мусо алайҳиссаломнинг сўзларига Ўз каломини илова қилиб Бани Исроилга хитоб қилади:

وَإِذْ أٰجَيْنٰكُمْ مِّنْ ءَالِ فِرْعَوْنَ يَسُوْمُوْنَكُمْ سُوْءَ الْعَذَابِ يُقْتُلُوْنَ اَبْنَآءَكُمْ وَيَسْتَحْيُوْنَ نِسَاءَكُمْ وَفِيْ ذٰلِكُمْ بَلَاٌۢءٌ مِّنْ رَّبِّكُمْ عَظِيْمٌ ﴿١٤١﴾

**141. Сизларни ёмон азобларга қўяётган, ўғилларингизни ўлдириб, қизларингизни тирик қолдираётган Фиръавн аҳлидан қутқарганимизни эсланг! Ва бу ишда Роббингиздан улуғ синов бордир.**

Яъни, эй, Бани Исроил, Пайғамбарингиз Мусога, бизга худди ановиларнинг худоларига ўхшаш худо қилиб бер, деб ҳаддингиздан тажовуз этманг. Яқиндагина Фиръавн аҳлининг ситам ва азоби остида эзилганингизни, улар ўғлонларингизни ўлдириб, қизларингизни тирик қолдирса ҳам, қўлингиздан ҳеч вақо келмай жимгина яшаганингизни, ушбу азоблардан сизни Биз қутқарганимизни ҳам унутманг. Бу ишларда, яъни, сизнинг азоб-уқубат ва қийинчиликда қолишингизда ҳам, кейин қутулиб, озод бўлишингизда ҳам Роббингизнинг катта синови бор. Қийинчиликда сабр қилиш, осончиликда шукр қилиш керак.

Шу нуқтага етганда қиссада янги босқич бошланади.

Мусо алайҳиссаломнинг Робби ила учрашувга ҳозирлик кўриши манзаралари келади.

﴿وَوَاعَدْنَا مُوسَى ثَلَاثِينَ لَيْلَةً وَأَتَمَمْنَا بِعَشْرِ فِتْمٍ مِيقَاتُ رَبِّهِ ۚ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً ۗ وَقَالَ مُوسَى لِأَخِيهِ هَارُونَ أَخْلِفْنِي فِي قَوْمِي وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ سَبِيلَ الْمُفْسِدِينَ﴾

**142. Ва Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашдик. Кейин эса, уни ўн (кеча) билан тугал қилдик. Бас, Роббининг белгилаган вақти тўлиқ қирқ кеча бўлди. Мусо акаси Ҳорунга: «Қавмимда менинг ўрнимни ол, яхши иш қил, бузғунчиларнинг йўлига эргашма», – деди.**

Муфассирларимиз ривоят қилишларича, Мусо алайҳиссалом Мисрда яшаган вақтларида Бани Исроил қавмига Аллоҳ уларнинг душманларини ҳалок қилгач, бир китоб беришини ва бу китобда нимани қилиш лозим-у, нималарни қилмаслик кераклиги ҳақида баёнот бўлишини айтган эдилар. Аллоҳ таоло Фиръавн ва унинг аҳлини ҳалок қилганидан сўнг, Мусо алайҳиссалом китоб беришни Аллоҳдан сўраганларида, Аллоҳ ул зотга ўттиз кун рўза тутишни амр қилди. Бу ҳодиса Зулқаъда ойида рўй берди. Ўттиз кун ўтиб, Мусо алайҳиссалом дарахтдан олинган мисвок билан тишларини тозалаб, мийқот – учрашув белгиланган вақтга ҳозирлик кўриб турганларида, Аллоҳ таоло Зулҳижжа ойдан ҳам ўн кун рўза тутишни амр қилди. Шу тарзда жами қирқ кун тўлиқ рўза тутдилар.

Бу ишлар ўта муҳим ҳодисага тайёргарлик эди. Мусо алайҳиссалом душман билан муборазада Аллоҳнинг мадади ила ғолиб келганларидан сўнг, бу қадар эътибор билан тадорик кўришлари ғалати туюлади. Лекин келажақда ул зотни кутаётган улуғ воқеаларни билган одамга бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Аввало, Мусо алай-

ҳиссалом Аллоҳнинг буюк дастури – Тавротни қабул қилиб олишга ҳозирлик кўрмоқда эдилар. Қолаверса, бундан буёғига табиати касалланган қавмларини тўғри йўлга солиб, Аллоҳ дастури асосида яшашга бошлашлари керак. Бу ҳар қандай ташқи душман билан бўладиган машаққатли курашдан ҳам оғир эди. Шунинг учун, Аллоҳ у зотни чиллага, ёлғиз қолиб ибодат қилишга, қалбни мустаҳкамлаб сайқаллашга амр қилди. Қирқ кун ўтиб:

وَلَمَّا جَاءَ مُوسَى لِمِيقَاتِنَا وَكَلَّمَهُ رَبُّهُ قَالَ رَبِّ أَرِنِي أَنظُرَ إِلَيْكَ قَالَ لَن نَرِيكَ وَلَٰكِن نُنظِرُ  
إِلَى الْجَبَلِ فَإِنِ اسْتَقَرَّ مَكَانَهُ فَسَوْفَ نَرِيكَ فَلَمَّا تَجَلَّى رَبُّهُ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُ دَكًّا  
وَخَرَّ مُوسَى صَعِقًا فَلَمَّا أَفَاقَ قَالَ سُبْحَانَكَ تُبْتُ إِلَيْكَ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُؤْمِنِينَ

**143. Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида, У: «Роббим, менга (жамолингни) кўрсатгин, Сенга назар солай», – деди. У зот: «Мени ҳеч кўра олмасан. Лекин тоққа назар сол, агар у маконида собит тура олса, бас, Мени кўрасан», – деди. Робби тоққа тажаллий қилганида, уни титилган ҳолга келтирди ва Мусо ҳушидан кетиб йиқилди. Ҳушига келгач: «Сен поксан, Сенга тавба қилдим. Мен мўминларнинг аввалгисиман», – деди.**

Башар фарзанди тарихидаги тенги ва ўхшаши йўқ ҳодиса. Робб ила банданинг учрашуви. Бутун оламларни яратган Зот билан ўша оламларнинг кичик бир заррасининг юзлашуви. Бу учрашув тафсилотини ва қандай ҳолда рўй берганини Аллоҳнинг Ўзи билади. Биз эса, Қуръонда зикр этилгани билан кифояланамиз, холос. Эҳтимол, ушбу учрашув келажақдаги машаққатларни енгиб ўтиш учун Мусо алайҳиссаломга қувват ва сабот манбаи бўлар. Эҳтимол, шунинг учун, учрашувдан бурун қирқ кун ҳамма нарсани тарк этиб, чилла ўтириб, алоҳида ҳозирлик кўрилгандир. Вақти-соати етиб, учрашув ўз вақтида, белгиланган жойда содир бўлди. Бу учрашув араб лафзида исми замон ва исми макон маъносини бирданига англатувчи лафз ила «мийқот» дейилади ва учрашув вақти ва замони маъносини билдиради.

**«Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида, У: «Роббим, менга (жамолингни) кўрсатгин, Сенга назар солай», – деди».**

Уламоларимиз таъкидлашларича, ушбу улуғ мийқот Қурбон ҳайити куни, Тур тоғининг ўнг томонида содир бўлган. Мийқот рўй берган тарихий вақт қирқ кунлик рўза ҳақидаги ривоятдан аниқланган. Мусо алайҳиссалом Зулқаъда ойида тўла ўттиз кун ва Зул-

ҳижжа ойида ўн кун рўза тутиб, ҳайит куни Аллоҳ билан роз айтишганлар. Мийқот Тур тоғининг ўнг томонида содир бўлгани бошқа ояти карималарда ҳам зикр этилган.

Демак, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ билан мийқотга, белгиланган вақтда, белгилик жойга келганларида, у зотга Робби бевосита сўзлади. Бу ҳол қандай содир бўлди, тафсилотини ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи билади. Мусо алайҳиссалом қандай қилиб Аллоҳнинг каломини тингладилар, буни ҳам Аллоҳнинг Ўзигина билади. Чунки, бу нарса инсон ҳатто тасаввур қилиши ҳам мушкул бир ҳолдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирганларида, ул зот тез-тез нафас олар, титраб-қақшаб, совуқ кунда ҳам терга кўмилиб кетар эдилар. Саҳобалардан бирларининг тиззалари ваҳий тушаётган пайтда Пайғамбаримизнинг тиззаларига текканда, саҳобийнинг сонлари ёрилиб кетгудек бўлган экан. Энди, бевосита Аллоҳнинг Ўзи билан гаплашиш қандай бўлишини бир оз бўлса ҳам тасаввур қилиш мумкин. Шубҳасиз, бу ўзига хос ғаройиб ва нодир бир ҳолат. Бу ҳолатнинг ғоят даражада ғаройиблигидан Мусо алайҳиссалом шавқу завққа тушиб, маст бўлиб қолганлар ва ўзларини бутунлай унутиб қўйганлар. Роббиларига бўлган муҳаббатлари зиёдалашиб, Аллоҳ каломини бевосита тинглаш шунчалик бўлса, бевосита Ўзини кўз билан кўриш қандай бўлар экан, деб Аллоҳ таолодан жамолини кўрсатишини сўраганлар. Пайғамбарнинг бу истагига жавобан Аллоҳ таоло:

**«Мени ҳеч кўра олмассан»,**—деган.

Шу билан бирга, бу ҳолни ойдинлаштириш мақсадида нима сабабдан кўра олмаслигини амалда исбот этган.

**«Лекин тоққа назар сол, агар у маконида собит тура олса, бас, Мени кўрасан», — деди.**

Яъни, эй Мусо, сен тоққа назар сол, у жуда ҳам улкан ва чидамли борлиқ. Унга ҳар нечук нарса таъсир ўтказа олмайди. Мен ўзимга хос тарзда унга кўринаман. Агар тоғ бу ҳолга чидаб, мавқеида собит тура олса, сен ҳам сўровингга биноан Мени бевосита кўра оласан.

**«Робби тоққа тажаллий қилганида, уни титилган ҳолга келтирди».**

Мазкур тажаллий қандай рўй берганини ва у нечук манзара касб этганини ҳам билмаймиз. Бизнинг билганимиз шу: Аллоҳ таоло юқоридаги гапларни Мусо алайҳиссаломга айтганидан кейин, у киши тоққа назар солдилар. Тоғ титилиб, ерга тенглашиб қолди. Маконида собит тура олмади. Мусо алайҳиссалом буни ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу оддий ақлга сиғмас мўъжиза эди.

**«ва Мусо ҳушидан кетиб йиқилди».**

Чунки, бўлиб ўтган ҳодиса шу даражада маҳобатли эди.

**«Ҳушига келганида: «Сен поксан, Сенга тавба қилдим. Мен мўминларнинг аввалгисиман», – деди».**

Яъни, Мусо алайҳиссалом ўзларига келганларида, аввалги завқ ва шавқ, ҳис-ҳаяжонлар босилган эди. Кўзларини очиш билан Аллоҳни улуғлашга шошилдилар: «Сен поксан», яъни, бандаларнинг оддий назарига кўриниш даражасидан юқорисан. Мен номуносиб савол берганимдан тавба қилдим. Мен мўминларнинг аввалгисиман, дедилар.

Шундан сўнг Аллоҳ таоло ул зотга хитобан:

قَالَ يٰمُوسَىٰ اِنِّي اصْطَفَيْتُكَ عَلَى النَّاسِ بِرِسَالَاتِي وَبِكَلِمَةٍ فَخُذْ مَا آتَيْتُكَ وَكُن مِّنَ الشَّاكِرِينَ ﴿١٤٤﴾

**144. «Эй Мусо, мен сени одамлар ичидан Пайғамбарлигим ва гаплашишим ила танлаб олдим. Бас, сенга берган нарсамни ол ва шуқр қилувчилардан бўл!» – деди.**

Яъни, одамлар орасидан сени танлаб олиб, Пайғамбарлигимни ато қилдим. Сени одам зоти ичидан сайлаб олиб, бевосита сўйлашдим. Ҳаммадан устун кўрдим. Шунинг учун, бевосита кўринмаганимга ғамгин бўлма. Сендан талаб қилинадигани:

**«Бас, сенга берган нарсамни ол ва шуқр қилувчилардан бўл!».**

Менинг амримни мукамал адо этсанг, сени кўриб, бошқалар ҳам буни адо қиладилар. Чунки, Пайғамбарлар бошқалар учун намунадир.

وَكَتَبْنَا لَهُ فِي الْاَلْوَا حِ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ مَّوْعِظَةً وَتَفْصِيْلًا لِّكُلِّ شَيْءٍ فَخُذْهَا بِقُوَّةٍ وَاْمُرْ قَوْمَكَ يَأْخُذُوْا بِاَحْسَنِهَا سَأُوْرِيْكُمْ دَارَ الْفٰسِقِيْنَ ﴿١٤٥﴾

**145. Ва унга лавҳларда ҳамма нарсадан мавъиза ва ҳар бир нарсанинг тафсилотини ёзиб бердик. «Бас, уларни қувват ила тут ва аҳлингга буюр, уларнинг энг яхшиларини олсинлар. Энди, сизларга фосиқларнинг диёрини кўрсатаман», – дедик.**

Ушбу ояти каримада зикр қилинган «лавҳлар» ҳақида тафсир уламолари кўплаб маълумотлар келтиришган, кўплаб баҳс-мунозара қилишган. Аммо кейинги даврдаги муҳаққиқ тафсирчи олимла-

римиз, маълумотларнинг ҳаммаси ҳам ишончли манбалардан олинмаганлиги учун улар ҳақида тортишувнинг ҳожати йўқ, деган хулосага келганлар. Биз учун «лавҳлар» нимадан иборатлиги, қайси моддадан бўлгани, шакли ёки ҳажми аҳамиятсиз, балки уларга ёзилган маънолар аҳамиятлидир, дейди муфассирлар.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада Мусо алайҳиссаломга ҳамма нарсадан мавъиза ва ҳар бир нарсанинг тафсилотини ёзиб берганини баён қилмоқда. Ёзиб бериш билан бирга:

**«уларни қувват ила тут»,** деб амр қиляпти.

Давомида Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ўз аҳлига ҳам амр қилиб, уларга ушбуларнинг яхшиларини тутишга буюрмоқликлари зарурлигини ҳам билдирган. Ояти кариманинг охирида Аллоҳ:

**«Энди сизларга фосиқларнинг диёрини кўрсатаман»,** деб ваъда берган.

Кейинги ояти карималарда ноҳақдан такаббурлик қилганлар, Аллоҳнинг оятларидан юз ўгириб, кофир бўлганларнинг оқибати ҳақида сўз боради:

سَأَصْرِفُ عَنْ آيَاتِيَ الَّذِينَ يَتَكَبَّرُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَإِنْ يَرَوْا كُلاًّ آيَةٍ لَا يُؤْمِنُوا بِهَا وَإِنْ يَرَوْا سَبِيلَ الرُّشْدِ لَا يَتَّخِذُوهُ سَبِيلًا وَإِنْ يَرَوْا سَبِيلَ الْعِغْيِ يَتَّخِذُوهُ سَبِيلًا ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَكَانُوا عَنْهَا غَافِلِينَ ﴿١٤٦﴾

**146. Энди, ер юзида ноҳақдан мутакаббирлик қилаётганларни, барча оятларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмаётганларни, тўғрилиқ йўлини кўрсалар ҳам, уни ўзларига йўл тутмаётганларни, агар адашув йўлини кўрсалар, уни ўзларига йўл тутаётганларни Ўз оятларимдан бураман. Бундай бўлиши уларнинг оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан ғофил бўлишлари сабабидандир.**

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада баъзи нобоп сифатларга эга бўлган бандаларни Ўз оятларидан буриб, улардан баҳра олмайдиган қилиб қўйишини таъкидламоқда. Бу жуда катта жазо. Банда Аллоҳнинг оятидан бенасиб бўлса, ундан таъсирланмаса, ўзича хулоса чиқариб баҳра олмаса, улкан бахтсизликка дучор бўлган саналади.

Аммо, Аллоҳ таоло бекордан-бекорга баъзи бандаларни Ўз оятларидан буриб қўявермайди. Балки аввал бошда банданинг ўзидан ўтади. У Аллоҳ берган неъматлар ва имкониятлардан фойдалана туриб, ер юзида мутакаббирлик қилади. Мутакаббирлик — ўзини



барчадан устун тутиш бандага эмас, Худога хос хусусият. Шунинг учун, ояти каримада мутакаббирликни ноҳақдан қиладилар, дейилмоқда.

**«Энди ер юзида ноҳақдан мутакаббирлик қилаётганларни...»**

Банда мутакаббирлик қилса, Аллоҳга хос бўлган сифатни эгаллашга уриниб, Аллоҳ таолога хос баъзи хислатларга шерик бўлишга беҳуда чиранган бўлади. Шу билан Аллоҳнинг оятларидан бурилишига, яъни, Аллоҳ фазли бўлган оятларидан баҳрасиз қолишига сабаб бўлади. Банданинг бу феъли ҳам «фиръавчилик»нинг бир нусхаси ёхуд кўринишидир.

Мазкур бахтсиз кишиларнинг иккинчи сифатлари оятда қуйидагича таърифланади:

**«барча оятларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмаётганларни Ўз оятларимдан бураман».**

Оят — илоҳий китобда нозил бўлган, Аллоҳнинг борлигига, иймонга далолат қилувчи бирор аломат, белги ёки Аллоҳ томонидан юборилган бирор-бир мўъжиза бўлиши мумкин. Ана шуларни кўриб-билиб туриб иймон келтирмаган одам инсонлигини йўқотган, табиати бузуқ, ҳар қандай жазога лойиқ одам бўлади. Уни оятлардан буриб, улардан ваъз-насиҳат, манфаат олмайдиган қилиб қўйиш айна адолатдир.

Уларнинг яна бошқа сифатларини ҳам Аллоҳ мукамал зикр қилган:

**«тўғрилиқ йўлини кўрсалар ҳам, уни ўзларига йўл тутмаётганларни, агар адашув йўлини кўрсалар, уни ўзларига йўл тутмаётганларни Ўз оятларимдан бураман».**

Бандаларнинг бу ҳолатини ҳар лаҳзада кўриб турибмиз. Одамларга ҳар қадамда оламнинг энг ҳақ йўли — Ислом дини намоён бўлиб туради. Улар уни очиқ кўзлари билан кўрадилар. Яхшилигини ҳам биладилар. Аммо, афсуски, кўплари бу йўлдан юрмайдилар. Ёмонлик йўлидан эса, кўрган заҳотлари юрадилар. Бу тоифа бадбахт одамларни Аллоҳ таоло ўз оятларидан буриб, уларни ўша оятлардан манфаатсиз этиб қўйса, айна адолатдир. Чунки, улар ўзлари шуни хоҳладилар. Ўзларига ўзлари қилдилар.

**«Бундай бўлиши уларнинг оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан ғофил бўлишлари сабабидандир».**

Уларга нисбатан кўрилаётган бундай чора зулм эмас, балки қилмишларига муносиб жазодир. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарганлар ва у оятлардан ғофил бўлганлар, шунга сазовордирлар. Оқибатда улар қуйидаги оятда зикр қилинган ҳолга тушадилар:



وَالَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَلِقَاءِ الْآخِرَةِ حَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ هَلْ يُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٤٧﴾

**147. Оятларимизни ва охират мулоқотини ёлғонга чиқарганлар амаллари беҳуда кетганлардир. Улар фақат қилиб юрган амалларининг жазосини олурлар.**

Яъни, иймонсиз бўлганлари учун баъзи бир қилган яхши амаллари ҳам самарасиз бўлади. Уларга бу амалларидан савоб тегмайди. Бундай ҳолга араб тилида иши «ҳабата» бўлди, дейилади. «Ҳабата» сўзи заҳарли ўсимликни кўп еб қўйиб, қорни шишиб ўлган ҳайвонга нисбатан ишлатилади. Иймонсизларнинг ҳам қилган амаллари ана шунга қиёсланмоқда. Ҳақиқатан, Аллоҳ таолонинг оятлари, белгилари ва мўъжизаларини кўриб-билиб туриб уларни ёлғонга чиқарганлар, охират кунига иймон келтирмаганлар ана шундай қисматга лойиқдирлар.

Сураинг давомида Бани Исроил қиссасига қайтилади ва улар Мусо алайҳиссалом мийқотга кетганларида қилган кирдикорлари ҳақида сўз юритилади:

وَأَتَّخَذَ قَوْمُ مُوسَىٰ مِنْ بَعْدِهِ مِنْ حُلِيِّهِمْ عِجْلًا جَسَدًا آلِهًا ۖ خَوَّارًا لَّيْرُونَ أَنَّهُ لَا يُكَلِّمُهُمْ وَلَا يَهْدِيهِمْ سَبِيلًا ۚ اتَّخَذُوهُ وَكَانُوا ظَالِمِينَ ﴿١٤٨﴾

**148. Мусонинг қавми ундан кейин тақинчоқларидан (бўлган), бўкирадиган бузоқ жасадини (худо) тутдилар. Унинг уларга гапирмаслигини ва уларни ҳидоят қилмаслигини билмадиларми?! Уни (худо) тутдилар ва зулм қилувчилардан бўлдилар.**

Яъни, Мусо алайҳиссаломнинг қавми бўлмиш Бани Исроил, у зот Роббининг мийқотига кетганларидан сўнг, ўзлари билан Мисрдан олиб чиққан тақинчоқлардан ясалган бузоқ жасади — ҳайкалинини ўзларига худо қилиб олдилар. Бу тақинчоқлар Миср аҳолиси — қибтийларнинг тақинчоқлари эди. Қавм ичидан Самурий исмли одам ўша тақинчоқлардан бузоқ шаклини ясаб, устакорлик билан ундан хўкизнинг бўкиришига монанд овоз чиқадиган ҳолга келтирди. Мусо алайҳиссалом Бани Исроилга маълум ўттиз кундан ортиқ қолиб кетганларидан сўнг, Самурий: «Мусо мийқотига кетган Робби шунинг ўзи, у унутиб қўйиб, бошқа ёқларда адашиб юрибди», — деди. Бани Исроил Пайғамбарлари Мусонинг сўзларини унутиб, унинг халифаси Ҳоруннинг ҳам гапига кирмай, Самурийнинг ифво-

си ила тилла тақинчоқлардан ясалган, алланечук бўкиргувчи бузоқ ҳайкалига сифинмоққа ёпирилдилар.

**«Мусонинг қавми ундан кейин тақинчоқларидан (бўлган), бўкирадиган бузоқ жасадини (худо) тутдилар».**

Улар бу амаллари хусусида тафаккур қилишмасди. Бутпараст қавм олдидан ўтаётиб Мусо алайҳиссаломга, бизга ҳам худди анавуларнинг худоларига ўхшаш худо қилиб бер, деганларида, Мусо алайҳиссалом қаттиқ рад қилиб, койиганларини ҳам унутдилар. Бу тилла бузоқ жасади, нари борса, тошдек тилсиз жисм экани ва уларни ҳидоят қила олмаслигини ҳам ўйлаб ўтирмадилар.

**«Унинг уларга гапирмаслигини ва уларни ҳидоят қилмаслигини билмадиларми?!».**

Бу ғоятда мудҳиш золимлик эди. Шунинг учун, ояти кариманинг сўнгида:

**«Уни (худо) тутдилар ва зулм қилувчилардан бўлдилар»,** дейилмоқда. Ҳақиқатда, бутун дунёни ва уларнинг ўзларини ҳам яратган Аллоҳни қўйиб, ўз қўллари билан ясаган қандайдир ҳайкални худо деган қавмдан кўра золимроқ ким ҳам бўлиши мумкин?

وَمَا سَقَطَ فِي أَيْدِيهِمْ وَرَأَوْا أَنَّهُمْ قَدْ ضَلُّوا قَالُوا لَئِن لَّمْ يَرْحَمْنَا رَبُّنَا وَيَغْفِرْ لَنَا  
لَنَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿١٤٩﴾

**149. Қўллари тушган пайтда ва ўзларининг адашганларини билганларида: «Агар Роббимиз бизга раҳим қилмаса ва мағфират этмаса, албатта, зиёнкорлардан бўламиз», – дедилар.**

Ояти каримадаги биз «Қўллари тушган пайтда» деб таржима қилган ибора, уринган ишини эплай олмай, ҳафсаласи пир бўлиб, надомат чекиш маъносини англатади. Бу бизнинг тилимиздаги, тарвузи қўлтиғидан тушди, иборасига ўхшайди. Аввал, бошда ҳеч нарсага қарамай, тилладан ясалган бузоқ жасадига ибодат қилишга ёпирилган Бани Исроил вақт ўтиши билан ҳафсаласи пир бўлди, ўзининг адашганлигини тушуниб етди ва:

**«Агар Роббимиз бизга раҳим қилмаса ва мағфират этмаса, албатта, зиёнкорлардан бўламиз», – дедилар».**

Бу ҳодисалар Мусо алайҳиссалом қирқ кунлик чиллада ўтирган, сўнгра Роббилари ила роз айтишаётган кезларда содир бўлди.

وَلَمَّا رَجَعَ مُوسَىٰ إِلَىٰ قَوْمِهِ غَضْبَانَ أَسِفًا قَالَ بِئْسَمَا خَلَفْتُمُونِي مِن بَعْدِي ۖ أَعَجَلْتُمْ أَمْرَ

رَبِّكُمْ وَالْقَى الْأَلْوَاهِ وَأَخَذَ بِرَأْسِ أَخِيهِ يَجُرُّهُ إِلَيْهِ قَالَ ابْنَ أُمَّ إِنَّ الْقَوْمَ اسْتَضَعُّوْنِي  
وَكَادُوا يَفْقِنُونِي فَلَا تُشْمِتْ بِيَ الْأَعْدَاءَ وَلَا تَجْعَلْنِي مَعَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿١٥٠﴾

**150. Қачонки Мусо ўз қавмига ғазабланган ва афсус қилган ҳолида қайтганида: «Менинг кетимдан қандай ҳам ёмон халифа бўлдингиз. Роббингизнинг амридан (олдин) шошилдингизми?!» – деди ва лавҳларни ташлаб, акасининг бошидан тутиб, ўзига торта бошлади. У (Ҳорун): «Эй онамнинг боласи, шубҳасиз, бу қавм мени хўрлади ва ўлдириб қўйишларига сал қолди. Энди сен душманларни устимдан кулдирмагин ва мени ҳам золим қавмлардан деб билмагин», – деди.**

Робби билан мийқот тутагандан сўнг, Мусо алайҳиссалом қавм орасида бўлиб ўтган ҳодисалардан огоҳ бўлган эдилар. Шунинг учун ҳам, қавм ҳузурига ғазабланган ва афсусланган ҳолда қайтдилар. У кишининг надоматлари юз-кўзларидан, сўзларидан, ўзларини тутишларидан яққол сезилиб турарди. Келишлари баробарида қавмларига хитобан:

**«Менинг кетимдан қандай ҳам ёмон халифа бўлдингиз», – дедилар.**

Сизни ҳидоятда қолдириб кетган эдим, ортимдан залолатга кетибсиз. Сизни тавҳидда қолдириб кетган эдим, ортимдан бутпараст бўлибсиз. Сизни Аллоҳга ибодат қилувчи ҳолида тарк этувдим, энди эса, бир бузоқ ҳайкалига ибодат қилаётибсиз, деб фиғон чекдилар.

**«Роббингизнинг амридан (олдин) шошилдингизми?!», – деди.**

Аллоҳ амрини кутиб турсангиз бўлмасмиди?! Мен мийқотга кетганимни билар эдингиз. У ердан сизга Аллоҳнинг амрини олиб келишимни ҳам билар эдингиз, сабр қилиб, кутиб турсангиз бўлмасмиди?!

**«...ва лавҳларни ташлаб, акасининг бошидан тутиб, ўзига торта бошлади».**

Бу ҳол Мусо алайҳиссаломнинг ўз қавми қилган бемаънилиқдан нечоғли дарғазаб бўлганларининг исботи. У зот Роббининг калималари битилган лавҳларни ташлаб, акалари Ҳоруннинг сочидан тортдилар. Чунки, мийқотга кетаётиб, ўринларига акаларини тайинлаб, қиладиган ишларини таъкидлаб кетган эдилар. Айни чоғда, ғазабга миниб, қандай қилиб бу қавм Аллоҳни қўйиб бузоқнинг ибодатига ўтиб олганининг сабабини билмоқчилар. Дарғазаб бўлган укадан бу тасарруфни кўрган Ҳорун алай-ҳиссалом уни бир оз ҳовридан тушириш учун ораларидаги ака-укалик ҳурматини эслатиб:

«Эй, онамнинг боласи, шубҳасиз, бу қавм мени хўрлади ва ўлдириб қўйишларига сал қолди», – дедилар.

Мен ҳам қараб турганим йўқ. Айтдим, тушунтирдим, аммо кўнишмади. Ҳатто мени ўлдириб қўйишларига оз қолди. Дарҳақиқат, Ҳорун алайҳиссалом Бани Исроилни бузоқ ҳайкалига ибодат қилишдан қайтаришга қаттиқ ҳаракат қилган эдилар. Бу ҳол бошқа сураларда зикр этилади.

Энди эса, қилган хатти-ҳаракатларини батафсил баён қилишга фурсат йўқ. Ғазабланган ука (Мусо алайҳиссалом) душманлар кўзи ўнгида сочидан тортиб турибди. Тезроқ бу хижолатли ҳолатдан чиқиш, дарғазаб укага зудлик билан аҳволни тушунтириш учун:

«Энди сен душманларни устимдан кулдирмагин ва мени ҳам зolim қавмлардан деб билмагин», – деди».

Яъни, мен уларга қўшилиб, бузоқ ҳайкалига ибодат қилиб, зolim бўлганим йўқ. Шунда, Мусо алайҳиссалом:

قَالَ رَبِّ اغْفِرْ لِي وَلِإِخِي وَأَدْخِلْنَا فِي رَحْمَتِكَ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ ﴿١٥١﴾

151. У: «Роббим, мени ва акамни мағфират қилгин ва бизларни ўз раҳматингга киритгин. Сенинг ўзинг раҳим қилгувчиларнинг раҳимлироғисан», деди.

Келгуси ояти каримада жинойткор қавмга бериладиган жазо ҳақида сўз юритилади:

إِنَّ الَّذِينَ اتَّخَذُوا الْعِجْلَ سَيَنَاءُ لَهُمْ غَضَبٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَذِلَّةٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُفْتَرِينَ ﴿١٥٢﴾

152. Албатта, бузоқни (худо) тутганларга Роббиларидан ғазаб ва ҳаёти дунёда хорлик етадир. Ёлғон тўқувчиларни мана шундай жазолармиз.

Ким Аллоҳ таолога нисбатан ёлғон тўқиса, у Аллоҳнинг ғазабига учрайди ва дунё ҳаётида хору зор бўлади. Бу ҳақиқат асрлар бўйи исботини топиб давом этиб келмоқда ва бундан кейин ҳам этаверади. Бузоқни худо деб Аллоҳ зотига ёлғон тўқиган Бани Исроил бунга яққол мисол бўла олади. Худосиз қавмлар тарихининг ҳар лаҳза ва ҳар санасида бунга ўхшаш юзлаб мисолларга гувоҳ бўлиш мумкин.

وَالَّذِينَ عَمِلُوا السَّيِّئَاتِ ثُمَّ تَابُوا مِن بَعْدِهَا وَآمَنُوا إِنَّ رَبَّكَ مِن بَعْدِهَا غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٥٣﴾

**153. Гуноҳ ишларни қилганлар, ундан кейин тавба қилсалар ва иймон келтирсалар, албатта, Роббинг ундан сўнг мағфират қилгувчи ва меҳрибон зотдир.**

Гуноҳни қилгандан сўнг, унда бардавом бўлмасдан тавба қилиб, гуноҳдан қайтиб, қилмишига надомат чекиб, сўнг иймон келтирган одамлар фақат ўзларига яхшилик қиладилар. Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини мағфират этиб, раҳматига сазовор айлайди.

Мана шу ояти карима ила, агар Бани Исроил юқоридаги оятларда зикри келган гуноҳларидан қайтиб тавба қилсалар ва иймон келтирсалар, Аллоҳ таоло албатта уларни мағфират қилишига ишора қилинмоқда.

Ушбу икки ояти каримадан кейин яна Мусо алайҳиссалом мийқотдан қайтиб келган чоғдаги саҳнага қайтилади:

وَلَمَّا سَكَتَ عَنْ مُوسَى الْغَضَبُ أَخَذَ الْأَلْوَابَ ۗ وَفِي نُسُخَتِهَا هُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلَّذِينَ هُمْ  
لِرَبِّهِمْ يَرْهَبُونَ ﴿١٥٤﴾

**154. Қачонки Мусонинг ғазаби босилгач, лавҳларни олди. Уларнинг нусхасида Роббиларидан ҳақиқатда қўрқадиганлар учун ҳидоят ва раҳмат бор эди.**

Ҳоруннинг гапидан кейин бир оз ўзига келиб, Аллоҳдан мағфират сўраб, Унинг раҳматидан умидворликларини билдирганларидан сўнг, Мусо алайҳиссаломнинг ғазаблари босилди. Шунда, ерга қўйган лавҳларни қўлларига олдилар.

**«Қачонки Мусонинг ғазаби босилгач, лавҳларни олди».**

Бу лавҳларда Аллоҳ таолодан ҳақиқатда қўрқадиган одамлар учун катта ҳидоят ва улкан раҳматлар борлиги ёзилган эди.

**«Уларнинг нусхасида Роббиларидан ҳақиқатда қўрқадиганлар учун ҳидоят ва раҳмат бор эди».**

Ким бу ёзувларга амал қилса, ҳидоят топади ва Аллоҳнинг раҳматига муваффақ бўлади.

وَأَخْبَارَ مُوسَى قَوْمَهُ سَبْعِينَ رَجُلًا لِّمِيقَاتِنَا فَلَمَّا أَخَذَتْهُمُ الرَّجْفَةُ قَالَ رَبِّ لَوْ شِئْتَ  
أَهْلَكْتَهُمْ مِّن قَبْلُ وَإِنِّي أَتُهْلِكُنَا بِمَا فَعَلَ السُّفَهَاءُ مِنَّا ۖ إِنَّ هِيَ إِلَّا فِتْنَتُكَ تُضِلُّ بِهَا مَن تَشَاءُ  
وَتَهْدِي مَن تَشَاءُ ۗ أَنْتَ وَلِيُّنَا فَاغْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا ۖ وَأَنْتَ خَيْرُ الْغَافِرِينَ ﴿١٥٥﴾

**155. Ва Мусо мийқотимизга қавмидан етмиш кишини танлаб олди. Уларни даҳшатли зилзила тутган пайтда: «Эй Роббим, агар хоҳласанг, буларни ҳам, мени ҳам бундан олдин ҳалок қилсанг бўларди. Эсипастларимиз қилган иш туфайли бизни ҳалок қиласанми? Бу Сенинг синовингдан бошқа нарса эмас. У ила кимни хоҳласанг, адаштирасан ва кимни хоҳласанг, ҳидоятга соласан. Сен валийимизсан, бас, бизни мағфират қил ва раҳим эт. Сенинг Ўзинг мағфират қилувчиларнинг энг яхшисисан.**

Бани Исроил тилладан ясалган бузоқ ҳайкалига ибодат қилиб, улкан гуноҳ содир этганлари, кейин афсус билан тавба қилганлари учун Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга улардан етмиш кишини ўз мийқотига олиб келишни амр қилган ва бу етмиш нафар барча Бани исроилликлар номидан Аллоҳга узр айтиб, дуо қилишлари керак эди.

**«Ва Мусо мийқотимизга қавмидан етмиш кишини танлаб олди».**

Мусо алайҳиссалом Бани Исроилнинг ўн икки уруғидан, бузоққа ибодат қилмаган етмиш кишини танлаб, Аллоҳнинг мийқотига олиб бордилар. Улар эса, Мусо алайҳиссаломга, бизга Худонинг Ўзини кўрсат, деб туриб олдилар. Бани Исроил бани исроиллигини доимо қилади. Ҳаттоки улар орасидан танлаб олинганларнинг қилмиши шу бўлди. Бундай шаккоклик содир этганларидан сўнг, уларни даҳшатли зилзила тутиб, ўзларидан кетдилар. Шу пайт Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолога илтижо қилиб:

**«Эй Роббим, агар хоҳласанг, буларни ҳам, мени ҳам бундан олдин ҳалок қилсанг бўларди. Эсипастларимиз қилган иш туфайли бизни ҳалок қиласанми?»**—дедилар.

Яъни, агар бизни ҳалок қилмоқчи бўлсанг, мийқотингга келишимиздан олдин, гуноҳ содир бўлган пайтнинг ўзидаёқ ҳалок қилиб юборсанг бўлар эди. Эсипаст— ақсизларимиз қилган иш— (бузоққа ибодат қилиш) туфайли бизни— (мийқотингга келганларни) ҳалок қиласанми?

**«Бу Сенинг синовингдан бошқа нарса эмас».**

Яъни, содир бўлган бари ҳодисалар Сенинг имтиҳонингдир.

**«У ила кимни хоҳласанг, адаштирасан ва кимни хоҳласанг, ҳидоятга соласан».**

Бу синов туфайли баъзилар адашади, баъзилар ҳидоят топади. Ҳар бир синовнинг натижаси— шу. Кимдир бу имтиҳондан яхши ўтиб, ҳидоят топади, кимдир ўта олмай, залолатга кетади. Бизга эса, Сенинг Ўзинг мадад бергин. Чунки:

**«Сен валийимизсан».**

Сендан ўзга валийимиз йўқ. Синовдан ёруғ юз билан ўтишимизга Ўзинг мадад бер.

«...бас, бизни мағфират қил ва раҳим эт. Сенинг Ўзинг мағфират қилувчиларнинг энг яхшисисан».

﴿وَكَتُبْنَا فِي هَذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ إِنَّا هُدْنَا إِلَيْكَ قَالَ عَذَابِي أُصِيبُ بِهِ مَنْ أَشَاءُ وَرَحْمَتِي وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍ فَسَأَكْتُبُهَا لِلَّذِينَ يَتَّقُونَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَالَّذِينَ هُمْ بِآيَاتِنَا يُؤْمِنُونَ﴾

156. Ва бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни ёзиб қўй. Биз Сенинг Ўзингга тавба қилдик», – деди. У зот: «Азобим ила кимни хоҳласам, тутаман. Раҳматим эса, ҳамма нарсадан кенгдир. Уни тақво қилганларга, закот берганларга, оятларимизга иймон келтирганларга ёзажакман.

الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الْأُمِّيَّ الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْنُوبًا عِنْدَهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ يَأْمُرُهُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاهُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ الطَّيِّبَاتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثَ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَالْأَغْلَالَ الَّتِي كَانَتْ عَلَيْهِمْ فَاَلَّذِينَ ءَامَنُوا بِهِ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَاتَّبَعُوا النُّورَ الَّذِي أُنزِلَ مَعَهُ ۗ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

157. Улар ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган, устиларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий Набий, Пайғамбарга эргашурлар. Бас, унга иймон келтириб, ёрдам бериб ва уни қўллаб-қувватлаган ҳамда унга нозил бўлган нурга эргашганлар – ана ўшалар нажот топгувчилардир», – деди.

Мусо алайҳиссалом ўз сўзларида давом этиб, Аллоҳга илтижо қилганлари кўйи:

«Ва бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни ёзиб қўй. Биз Сенинг Ўзингга тавба қилдик», – дедилар.



Аллоҳдан гуноҳларини кечишини сўраганларидан сўнг, у зот икки дунёнинг яхшилигини ҳам сўрадилар. Фақат охиратнинггина эмас, бу дунё ва у дунёнинг ҳам яхшиликларини сўрадилар. Бу ҳаммага ўртак бўлиши керак. Мусо алайҳиссалом танлаб олинган етмиш нафар номидан қилган илтижолари охирида **«Биз Сенинг Ўзингга тавба қилдик»**, дедилар.

Аллоҳ таоло бу илтижога жавобан Ўз Зотига хос бўлган умумий қонуниятни баён қилди:

**«Азобим ила кимни хоҳласам, тутаман. Раҳматим эса, ҳамма нарсадан кенгдир».**

Яъни, истаган бандамни азоблайман (ўз навбатида, иймон келтирмаган ва гуноҳкор бўлганларни азоблашини ҳам айтиб қўйган). Аллоҳнинг раҳмати эса, жуда ҳам кенг, Ўзи халқ қилган бу дунёдан ҳам кенг. Унинг раҳмати мўминга ҳам, кофирга ҳам, тақийга ҳам ва осийга ҳам шомилдир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло Ўз раҳматини ёзиб қўядиган, алоҳида бахтга сазовор этадиган бандаларининг сифатларини ҳам зикр қилиб ўтмоқда:

**«Уни тақво қилганларга, закот берганларга, оятларимизга иймон келтирганларга ёзажакман».**

Аллоҳ таолонинг раҳматига шубҳасиз сазовор бўлиши, унинг раҳмати ёзилиб қолиши учун банди бир неча сифатларга эга бўлиши лозимлиги шарт қилинмоқда:

Биринчиси – тақво қилиш. Яъни, Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиб яшаш.

Иккинчиси – закот бериш. Яъни, Аллоҳга молиявий ибодат қилиш.

Учинчиси – Аллоҳнинг оятларига иймон келтириш.

Тўртинчиси – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашини.

Ушбу тўртинчи шарт иккинчи оятда баён қилинмоқда: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қанча васфларини зикр қилиб, ўшандек таърифга соҳиб бўлган Пайғамбарларга Аллоҳнинг раҳмати ёзилажаги ҳақида хабар берилмоқда. Демак, Аллоҳнинг раҳмати ёзиладиган одамлар қуйидаги сифатларга эга Пайғамбарга эргашадилар:

**«Ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган».**

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари ҳақиқий Таврот ва ҳақиқий Инжилда ёзилган. Шундай бўлишини Аллоҳ таоло қадимда Мусо алайҳиссалом билан бирга мийқотга келган Бани Исроилнинг етмишта вакилига ҳам айтган. Кейинчалик шундай бўлди ҳам. Қанчадан-қанча аҳли китоблар ёки бу китоблар

дан бўлажак Пайғамбарнинг сифатлари ҳақида маълумот олганлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳини васаллам кўришлари билан иймонга келдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мақталган сифатларидан яна бири:

**«уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган»** Пайғамбар эканликларидир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам нимага буюрган бўлсалар, ўша нарса бандаларнинг икки дунёси учун ҳам яхшилик бўлади. Барча учун умумий бўлган бу қоидани ҳеч унутмаслик керак. Баъзи вақтларда инсонга буюрилган нарсадан келиб чиқадиган яхшилик сезилмаслиги мумкин. Аммо, бу ўша буюрилган нарсада яхшилик йўқлигидан эмас, балки кўзланган яхшиликни инсон англаб етмаганидандир. Тажрибанинг кўрсатишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган ишларнинг натижаси, ўша ишни бажарувчи шахснинг набираси ёки ундан кейинги авлодида зоҳир бўлиши мумкин экан. Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам нимадан қайтарган бўлсалар, ўша нарса, албатта, ёмон бўлади. Бу ҳам барча учун умумий қоидадир.

Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яна бир сифатлари:

**«Уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган»** Пайғамбар эканликларидир.

Бу ҳам барча учун умумий қоида. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам нимани ҳалол қилган бўлсалар, ўша нарса покдир. Пок нарса эса, шубҳасиз, фойдалидир. Пайғамбаримиз ниманики ҳаром қилган бўлсалар, демак, улар Ислому шарияти ҳаром қилган нарсалар бўлиб, ҳаммаси нопокдир. Нопок нарса зарарлидир. Зарари дарҳол кўриниши ёхуд бир оз фурсатдан кейин намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, бир неча авлоддан кейин ҳам зоҳир этиши эҳтимол. Шунинг учун, турли андишаларга бормаи, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаром қилган нарсалардан доимо ҳазар қилиш, улардан узоқда бўлиш шарт.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу оятда Бани Исроилнинг етмиш вакили орқали ҳаммага эълон қилинаётган сифатларидан яна бири, кишиларнинг

**«устиларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган»** Пайғамбар эканликларидир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келгунларича, турли тузум ва ҳукмлар халқлар елкасида офир юк бўлиб, қўл-оёқларига кишан боғлаб турар эди. Бу ҳол ҳаттоки ушбу сўзлар

бевосита қаратилган, илоҳий китоб, Пайғамбар ва шариат соҳиби бўлган Бани Исроил устида ҳам бор эди. Мисол учун, Бани Исроилдан кимнинг кийимига нажосат тегса, унинг ўрни кесиб ташланмагунча кийими пок ҳисобланмасди. Улар урушда ўлжага тушган нарсаларни куйдириб юборишлари керак эди. Бани Исроилдан гуноҳ қилган одамларнинг эшикларига айбдор киши қандай йўл тутса, гуноҳи авф бўлиши ёзилиб қоларди. Чунончи, гуноҳкор кўзини ўйиб олиш ёзилса, ўз кўзини ўйиб олар эди. Бошқаларда бундан ҳам баттар ҳукмлар мавжуд эди. Ушбу ояти каримада зикр қилинган башорат ҳақиқатга айланиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келдилар ва инсоният елкасидаги мазкур офир юкларни олиб ташлаб, қўл-оёғидаги кишанларни парчаладилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яна бир сифатлари,

«**уммий**» эканликларидир. Яъни, онадан қандай туғилган бўлсалар, шундай – на ўқиш ва на ёзишни ўрганмай ўсганликларидир. Бу сифат у зотнинг ўзларига хос бўлиб, ҳақиқий Пайғамбар эканликларини тасдиқловчи мўъжизадир. Ҳаммага маълум ва машҳур «уммий»дан Қуръондек мўъжиза каломнинг эшитилиши, турли ҳукм ва башоратлар чиқиши ул зотнинг ягона Аллоҳнинг Пайғамбари эканликларига далолат қилмаса, нимага далолат қилади?!

Аллоҳ Мусо алайҳиссалом бошлиқ Бани Исроилдан танлаб олинган етмиш нафар вакилга ушбуларни айтди ва охирида:

**«Бас, унга иймон келтириб, ёрдам бериб ва уни қўллаб-қувватлаган ҳамда унга нозил бўлган нурга эргашганлар – ана ўшалар нажот топгувчилардир»,** – деди.

Яъни, Таврот ва Инжил аҳлларида ким нажот топаман деган ниятда бўлса, бошқалар қатори Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирсин, у зотга, у зотнинг динига мадад берсин, қўллаб-қувватласин ва у зотга нозил бўлган нурга – Қуръони Каримга эргашсин, ана ўшандагина нажот топгувчилардан бўладилар.

Афсус, минг афсуски, қадимда Мусо алайҳиссаломга ва танланган етмиш нафар вакилга мийқот чоғи айтилган бу илоҳий тавсияларга на Таврот аҳли бўлмиш яҳудийлар ва на Инжил аҳли масиҳийлар амал қилдилар. Аксинча, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келганларидан токи ҳозирги кунгача у зотнинг шахсларига, динларига ва умматларига қўлларида келган барча ёвузликларни қилишдан бир дақиқа ҳам тўхтаганлари йўқ. Бу билан улар ўзлари учун очилган нажот йўлини беркитмоқдалар, холос.

Сўнгра, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга му-  
рожаат этиб, одамларга қуйидаги хитобни етказишни буюрмоқда:

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ  
وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ فَآمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الَّذِي يُؤْمِنُ  
بِاللَّهِ وَكَلِمَاتِهِ ۗ وَاتَّبِعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥٨﴾

**158. Сен:** «Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга, осмонлару ернинг мулки Уники бўлган, Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган ва тирилтириб ўлдирадиган Аллоҳнинг Пайғамбаридирман. Бас, Аллоҳга ҳамда Унинг Аллоҳ ва Унинг калималарига иймон келтирадиган уммий набийсига иймон келтиринг. Ва унга эргашинг, шоядқи, ҳидоят топсангиз», – деб айт.

Қадимдаёқ, Аллоҳ таоло васф қилиб қўйган Пайғамбар ва унинг шариати оламшумул ҳодисадир, буни эълон қилиш Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зиммаларига юклатилмоқда. Одамлардаги барча инсон зотига ниҳо қилиб:

**«Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга, осмонлару ернинг мулки Уники бўлган, Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган ва тирилтириб ўлдирадиган Аллоҳнинг Пайғамбаридирман»,** дейишга амр қилинмоқда.

Бурунги Пайғамбарлар ўз қавмлари ва ўз замонларига, ўзларидан сўнг янги Пайғамбар келгунча бўлган даврга Пайғамбар бўлганлар. Улар инсоният тарихининг маълум бир даври учун масъул бўлганлар. Аммо, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун олам халқларига ва қиёматга қадар кечадиган замонларга Пайғамбар бўлиб келдилар. У кишининг шариатлари вақт ўтиши билан эскириб қолмайди, балки барча вақт ва маконга салоҳияти бор шариатдир. Унинг ҳаётга татбиқ қиладиган шохобчалари замон талабига доимо жавоб бера олади. Шунинг учун ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бутун инсониятга қарата, мен барчангизга Пайғамбарман, деб айтиш ҳуқуқи берилган. У зот Пайғамбар бўлганларида ҳам, «Осмонлару ернинг мулки Уники бўлган» Аллоҳнинг Пайғамбаридирлар. Осмонлару ер Аллоҳ мулки бўлганидан кейин, ундаги одамлар ҳам Аллоҳнинг мулки. Аллоҳ уларнинг молики. Молик мамлуқларининг барчасига улардан бирини Пайғамбар қилиб тайин этиши ҳеч гап эмас. Шу билан бирга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбари бўлган Зот «ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган» Зотдир. Аллоҳ,

ибодатга сазовор ягона Зот экан, Унинг жумла бандаларини бирлаштирувчи ягона дин Ислом дини бўлиши ва уларнинг барчасига Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарлиги ҳақиқатдир.

**«...ва тирилтириб ўлдирадиган Аллоҳнинг Пайғамбаридирман».**

Тирилтирадиган — ҳаёт ато қиладиган Зот Ўзи ҳаёт берган бандаларининг барчасига ягона Пайғамбар юборишга қодир. Ҳаммани ўлдирадиган — ҳаётини оладиган Зот яна қайтиб Ўзи ҳаётини оладиган бандаларининг барчасига ягона Пайғамбар юборишга қодир. Бу унинг учун жуда ҳам осон иш. Шундай бўлгандан кейин:

**«Бас, Аллоҳга ҳамда Унинг Аллоҳ ва Унинг калималарига иймон келтирадиган уммий набийсига иймон келтиринг».**

Демак, Аллоҳга, Унинг Пайғамбарига иймон келтириш зарур. Аввало, ўша Пайғамбарнинг ўзи Аллоҳга, Унинг калималарига иймон келтирган бўлиши шарт. Чунки, даъватига даъватчининг ўзи мустаҳкам иймонли бўлмаса, унинг даъвати бесамардир.

Бунинг устига, ўша Пайғамбар ер юзидаги устозлардан таълим олмаган «уммий» бўлса, ҳеч кимдан ёзишни ҳам, ўқишни ҳам ўрганмаган, балки дунёга келганидан сўнг бевосита Аллоҳнинг Ўзидангина таълим олган бўлса, бу нечук улуғ саодат!

Ана шундай Пайғамбарга фақат иймон келтирибгина қолмай:

**«унга эргашинг, шоядқи, ҳидоят топсангиз».**

Демак, иймонга муносиб амал ҳам бўлиши зарур. Ана ўшанда ҳидоятга эришилган бўлади.

Ушбу оятдан кейин яна Бани Исроил қиссасига қайтилади:

وَمِنْ قَوْمٍ مُّوسَىٰ أُمَّةٌ يَهْدُونَ بِالْحَقِّ وَبِهِ يَعْدِلُونَ ﴿٦٧﴾

**159. Ва Мусонинг қавмидан баъзи жамоалар борки, ҳақ ила ҳидоят қилиб, у ила адолат қилурлар.**

Яъни, Бани Исроил ёппасига ёмон бўлмаган. Мусо алайҳиссалом даврларида уларнинг орасида баъзи жамоалар ҳақ сўзлар ила одамларни ҳидоятга бошлаб, ҳақ ила уларнинг сафида адолат қилганлар. Кейинчалик, Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келганларида Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳуға анҳуға ўхшаш Бани Исроил аҳли шундай қилдилар.

وَقَطَّعْنَهُمْ اثْنَيْ عَشَرَ نَبِطًا أُمَّةً وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ إِذِ اسْتَسْقَنَهُ قَوْمُهُ ۖ  
أَنْ أَضْرِبَ بِعَصَاكَ الْحَجَرَ ۖ فَانْبَجَسَتْ مِنْهُ اثْنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا قَدْ عَلِمَ كُلُّ

أَنَاسٍ مَّشْرَبُهُمْ وَظَلَلْنَا عَلَيْهِمُ الْغَمَمَ وَأَنْزَلْنَا عَلَيْهِمُ الْمَتَّ وَالسَّلْوَى ط كَلُوا مِن  
طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَمَا ظَلَمُونَا وَلَكِن كَانُوا أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿١٦٠﴾

160. Уларни ўн икки уруғ–жамоага бўлиб юбордик. Ва қавми ундан сув талаб қилган пайтда Мусога: «Асоинг ила тошни ур!» деб ваҳий юбордик. У(тош)дан ўн иккита булоқ отилиб чиқди. Ҳамма одамлар ўз сувхонасини билди. Ва уларга булутни соябон қилдик, манн ва беданаларни нозил қилдик. «Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларини енглар» (дедик). Улар Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилар эдилар.

Юқоридаги оятларда зикр қилиб ўтилганидек, яҳудийлар так-рор-такрор кофирлик, беодоблик, гуноҳкорлик ва шаккоклик қилган бўлсалар ҳам, Аллоҳ таоло уларни яна иноятига олиб, Ўз марҳаматини кўрсатмоқда.

**«Уларни ўн икки уруғ – жамоага бўлиб юбордик».**

Маълумки, Исроил лақабини олган Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн иккита ўғиллари бор эди. Аллоҳ ана ўша ўн иккита ўғилдан тарқалган фарзандларнинг ҳар бирини бир жамоа – қабила қилиб қўйди.

**«Ва қавми ундан сув талаб қилган пайтда Мусога: «Асоинг ила тошни ур!» дедик».**

Бани Исроилнинг сувлари тугаб, ўзлари ҳам, жониворлари ҳам чанқаган пайтда, Мусо алайҳиссалом қошига келиб сув талаб қилдилар. Аллоҳ таоло у зотга асолари ила муайян тошни уришга буюрди. Мусо алайҳиссалом тошни урдилар. Шунда:

**«У(тош)дан ўн иккита булоқ отилиб чиқди».**

Булоқларнинг ҳар бири бир уруғга мўлжалланган эди. Бу ҳам Аллоҳнинг марҳамати. Агар булоқ битта бўлганида, сув талаш бўлиб, жанжал чиқиши мумкин эди. Аммо, Аллоҳ уларга ўн иккита булоқ чиқариб берди ва:

**«Ҳамма одамлар ўз сувхонасини билди».**

Шу билан ҳамма сувга қонди ва бу ташвишдан халос бўлди. Аммо, фақат сув билангина яшаб бўлмайди. Аллоҳ таоло яна марҳамат кўрсатди.

**«Ва уларга булутни соябон қилдик, манн ва беданаларни нозил қилдик», – дейди.**

Саҳрода сув билан таъминлашнинг устига, Бани Исроил бошида булутни соябон бўлиб сузиб юрадиган қилиб қўйди. Улар қаерга бормасинлар, бошлари узра булут соя солиб турар эди. Таом сифатида осмондан манн (асалли ҳалво) ва бедана гўштини ҳозир қилиб қўйди. Яна, Аллоҳ таоло:



«Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларини энглар», деб мулозамат кўрсатди.

Мисли кўрилмаган илоҳий марҳамат. Бу мурувватга қанча шукрона қилинса, шунча оз. Аммо, Бани Исроил бани исроиллигига борди. Мазкур неъматлар учун шукрнинг ўрнига, куфрони неъмат қилди. Бу эса, катта зулмдир. Аммо, бу билан улар Аллоҳга эмас, ўзларига зулм қилардилар.

«Улар Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилар эдилар».

Чунки:

وَإِذْ قِيلَ لَهُمْ اسْكُنُوا هَذِهِ الْقَرْيَةَ وَكُلُوا مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ وَقُولُوا حِطَّةٌ  
وَادْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا نَغْفِرْ لَكُمْ خَطِيئَتَكُمْ سَنَزِيدُ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٦١﴾

161. Уларга: «Мана бу шаҳарни маскан тутинглар, унда хоҳлаган жойингизда таом энг ва «Ҳиттатун» (гуноҳларимизни кечир) деб эшиқдан сажда қилган ҳолингизда кирсангиз, сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз, эҳсон қилувчиларга зиёда қиламиз», деганимизни эсла.

فَبَدَّلَ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ قَوْلًا غَيْرَ الَّذِي قِيلَ لَهُمْ فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِجْسًا  
مِّنَ السَّمَاءِ بِمَا كَانُوا يَظْلِمُونَ ﴿١٦٢﴾

162. Бас, улардан зулм қилганлари уларга айтилгандан ўзга гапни алмаштирдилар. Бас, зулм қилганлари туфайли устларига осмондан азоб юбордик.

Мазкур ояти карималарга ўхшаш оятлар тафсири «Бақара» сурасида батафсил ўтди. 161-оятдаги «Мана бу шаҳар»дан мақсад – Қуддуси шарифдир. Аллоҳ таоло Бани Исроилга баъзи шартларни юклади ва Қуддуси шарифга кириб, хоҳлаган жойларида таомланиб юришларини тайинлади. Шаҳарга сажда қилган ҳолларида, яъни, Аллоҳни улуғлаб, таъзим билан «Ҳиттатун» (хатоларимизни кечиргин) деб киришлари лозим эди.

«Уларга: «Мана бу шаҳарни маскан тутинглар, унда хоҳлаган жойингизда таом энг ва «Ҳиттатун» (гуноҳларимизни кечир) деб эшиқдан сажда қилган ҳолингизда кирсангиз...»

Агар улар бу шартни адо этсалар, Аллоҳ таоло хатоларини афв



этишни ва (эҳсон) яхшилик қилувчиларга бундан зиёда нарсаларни ҳам беришни ваъда қилди.

**«сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз, эҳсон қилувчиларга зиёда қиламиз»,**

Аммо, Бани Исроил такрор бани исроиллигини эслатди.

**«Бас, улардан зулм қилганлари уларга айтилгандан ўзга гапни алмаштирдилар».**

Улардан зулм қилганлари айтишлари лозим бўлган «Ҳиттатун» деган иборани, «Ҳинтатун», яъни «буғдой» деган сўзга алмаштирдилар ва шаҳарга сажда қилган ҳолларида эмас, ортлари билан сурилиб кирдилар.

**«Бас, зулм қилганлари туфайли устларига осмондан азоб юбордик».**

Ана шу итоатсизлик ва зулмлари учун Аллоҳ таоло уларнинг устидан азоб туширди.

Кейинги оятларда Бани Исроилнинг бошқа кирдикори баён қилинади.

وَسَأَلُهُمْ عَنِ الْقَرْيَةِ الَّتِي كَانَتْ حَاضِرَةَ الْبَحْرِ إِذْ يَعْدُونَ فِي السَّبْتِ إِذْ  
تَأْتِيهِمْ حِيتَانُهُمْ يَوْمَ سَبْتِهِمْ شُرَّعًا وَيَوْمَ لَا يَسْبِتُونَ لَا تَأْتِيهِمْ كَذَلِكَ  
نَبَّأُوهُمْ بِمَا كَانُوا يَفْسُقُونَ ﴿١١٣﴾

**163. Улардан денгиз соҳилида бўлган қишлоқ ҳақида, шанба кунида ҳаддан ошганлари, шанбалик кунларида балиқлари очиқ келиб, шанбалик қилмаган кунлари келмагани ҳақида сўра. Қилган фосиқликлари туфайли уларни шундай синаймиз.**

Оятдаги бу хитоб Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилгандир. Аллоҳ ул зотга яҳудийлардан уларнинг тарихида бўлиб ўтган машҳур воқеа ҳақида сўрашга амр қилмоқда.

**«Улардан денгиз соҳилида бўлган қишлоқ ҳақида, шанба кунида ҳаддан ошганлари, шанбалик кунларида балиқлари очиқ келиб, шанбалик қилмаган кунлари келмагани ҳақида сўра».**

Денгиз соҳилида жойлашган бир қишлоқ бўлган экан. Уни яҳудийларнинг ўзлари яхши биладилар. Ўша соҳил бўйидаги қишлоқда яҳудийлар жамоаси яшар эдилар. Бани Исроилнинг талабларига биноан ҳафтанинг шанба куни улар учун байрам, дам олиш куни қилиб белгиланди. Бу кун уларга ишлаш ва тирикчиликка уриниш ҳаром қилинди. Соҳил бўйидаги мазкур қишлоқда яҳудийлар учун катта синов бўлди. Шанба

куни балиқлар соҳилга келиб очик-ойдин кўриниб, кўзларини ўйнатиб юрар эди. Шанба кунидан бошқа куни эса ҳеч бир балиқ кўринмасди.

**«Қилган фосиқликлари туфайли уларни шундай синаймиз».**

Шунда, Бани Исроилдан баъзилари чидаб тура олмай ман қилинган амрни буздилар. Ривоятларда келишича, улар шанба куни алоҳида тўсиқлар ташлаб, соҳилга келган балиқларни қайтиб кета олмайдиган қилиб қўйишар ва якшанба куни йиғиб олишар, шу билан бирга, биз Аллоҳнинг амрини бузганимиз йўқ, шанба куни дам олдик, ов қилганимиз йўқ, дер эдилар.

Бошқа бир гуруҳ ҳийла ила балиқ овлаган жамоага насиҳат қилиб, Аллоҳдан қўрқишга ва унга осий бўлмасликка чақирдилар.

Шунда, насиҳатчи гуруҳга:

وَإِذْ قَالَتْ أُمَّةٌ مِّنْهُمْ لِمَ تَعِظُونَ قَوْمًا لَّا اللَّهُ مُهْلِكُهُمْ أَوْ مُعَذِّبُهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا قَالُوا مَعذِرَةٌ  
إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ ﴿١٦٤﴾

**164. Улардан бир жамоат: «Аллоҳ ҳалок қилувчи ёки шиддатли азоб-ла азобловчи қавмга ваъз қилиб нима қиласиз?!» деганида, улар: «Роббингизга узр бўлиши учун ва шоядки, тақво қилсалар деб», – дедилар.**

Яъни, учинчи бир гуруҳ ўзларини бошқача тутдилар. Насиҳат қилаётган жамоага мурожаат қилиб, бу осийлар қилар ишни қилиб бўлишди, энди Аллоҳ уларни ҳалок қилади ёки қаттиқ азоб билан азоблайди, уларга насиҳат қилиб нима қиласиз, барибир фойдаси йўқ, дедилар.

**«Улардан бир жамоат: «Аллоҳ ҳалок қилувчи ёки шиддатли азоб-ла азобловчи қавмга ваъз қилиб нима қиласиз?!» деганида...»**

Насиҳат қилувчилар эса, биз насиҳатни:

**«Роббингизга узр бўлиши учун ва шоядки, тақво қилсалар деб» қилмоқдамиз, дедилар.**

Яъни, Аллоҳ олдидаги бурчимизни адо этдик. Охират куни Аллоҳ сўраб қолса, узр бўлиши учун, уларга насиҳат қилдик ва яна шоядки, насиҳат таъсир этиб, тақво қилиб қолсалар, деган умидимиз бор эди, дедилар.

فَلَمَّا نَسُوا مَا ذُكِّرُوا بِهِءِ أَنجَيْنَا الَّذِينَ يَنْهَوْنَ عَنِ السُّوءِ وَأَخَذْنَا الَّذِينَ ظَلَمُوا  
عَذَابًا بَشِيسًا بِمَا كَانُوا يَفْسُقُونَ ﴿١٦٥﴾

**165. Бас, улар ўзларига эслатма бўлган нарсани унутганларида, ёмонликдан қайтараётганларга нажот бердик ва зулм қилганларни қилган фосиқликлари туфайли шиддатли азоб ила тутдик.**

Яъни, солиҳ кишилар қилган ваъз ва насиҳатларни ҳам унутганларидан сўнг иш битди. Улар ҳақида ҳукм чиқди:

**«Ёмонликдан қайтараётганларга нажот бердик»**

Улар ихлосли бандалар эдилар. Ўзлари гуноҳдан четда турганлари билан бирга, осийларни гуноҳлардан қайтариб, уларни ҳидоят йўлига юришга чақирдилар. Шунинг учун, улар нажот топдилар.

**«...ва зулм қилганларни қилган фосиқликлари туфайли шиддатли азоб ила тутдик».**

«Зулм» сўзининг маъноси бир нарсани ўз ўрнидан бошқа жойга қўйиш экани, Қуръони Каримда эса, кўпроқ «куфр» маъносида ишлатилиши аввал ҳам бир неча бор айтилган эди. Шунингдек, «фисқ», «фосиқлик» сўзи ҳам луғатда, чегарадан чиқиш, урфда шариат чегарасидан чиқиш, Қуръонда эса, кофирлик маъноларини англатади.

Фосиқлик, кофирлик қилганларни тутган шиддатли азоб нима экани келаси оятда баён қилинади:

فَلَمَّا عَتَوْا عَنْ مَّآئِهِمْ قُلْنَا لَهُمْ كُونُوا قِرَدَةً خَاسِئِينَ ﴿١٦٥﴾

**166. Бас, улар ўзлари қайтарилган нарсадан қайтмай, такаббурлик қилганларида, уларга: «Хўрланган маймунларга айланинг!» – дедик.**

Аллоҳ уларни қайтарган нарсадан қайтмадилар. Солиҳ қавмлар ваъз қилиб қайтарсалар ҳам, қайтмадилар. Мутакаббирлик қилдилар. Шунда:

**«уларга: «Хўрланган маймунларга айланинг!» – дедик»**

ва улар «хўрланган маймунга» айландилар. Чунки, Аллоҳ таолонинг «Бўл» деган амри бўлмасдан қолмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Улар оддий маймун эмас, «хўрланган маймун»га айландилар. Лекин бу уларга белгиланган азобнинг сўнги эмас эди. Охирги азоб кейинги оятда келади. Унда Аллоҳ таоло Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилмоқда:

وَإِذ تَأَذَّنَ رَبُّكَ لِيُبَعَثَنَّ عَلَيْهِمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَنْ يَسُومُهُمْ سُوءَ الْعَذَابِ إِنَّ رَبَّكَ لَسَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١٦٦﴾

**167. Роббинг, албатта, уларнинг устларига қиёмат кунигача уларга ёмон азобни тоттирадиганларни юборишни эълон қилганини эсла! Албатта, Роббинг иқоби тез Зотдир ва, албатта, У мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Аллоҳ таоло Бани Исроилнинг гуноҳларини қайта-қайта афв қилиб, уларга кўпдан-кўп неъматларини эҳсон айлади. Аммо, улар ҳар сафар ношукрлик қилиб, кофир бўлдилар ва янгидан-янги шак-кокликларни ўйлаб чиқардилар.

Ниҳоят, Аллоҳ таоло уларга нисбатан қиёмат кунигача қойим бўлган жазо ҳукмини жорий этди. Қиёмат кунигача Бани Исроилни ёмон азоблар билан жазолайдиган одамларни юбориб туришини ҳукм қилди.

Бу ҳукм асрлар давомида қудратини кўрсатиб келмоқда. Инсоният тарихининг Бани Исроилга доир қисми уларнинг турли шахслар, тоифалар ва давлатлар томонидан хилма-хил шиддатли азобларга дучор этилганликлари ҳақидаги хабарларга тўла. Дунёда ҳеч бир халқ Бани Исроилчалик хўрланмаган, уларчалик азоб-уқубат кўрмаган ва улар каби бошқа халқларнинг нафратига дучор бўлмаган. Гоҳо-гоҳида бу ҳукм тўхтаганга, Бани Исроилнинг аҳволи яхшиланганга ўхшаб туюлса-да, аммо асл моҳият асло ўзгармас экан. Аллоҳ қиёматгача деб ҳукм қилган бўлса, уни бирор бошқа зот ўзгартира олармиди?

**«Албатта, Роббинг иқоби тез Зотдир ва, албатта, у мағфиратли ва раҳимли Зотдир».**

Соҳил бўйидаги қишлоқ осийларини тезда азоблаганидек, хоҳласа, ҳар қандай гуноҳкорни бир зумда азоблайди. Шу билан бирга, у мағфиратли ва раҳимли Зотдир, тавба қилганларнинг гуноҳларини мағфират қилиб, уларга раҳим кўрсатади.

وَقَطَعْنَا لَهُم فِي الْأَرْضِ أُمَّمًا مِّنْهُمْ الصَّالِحُونَ وَمِنْهُمْ دُونَ ذَلِكَ وَبَلَوْنَاهُمْ بِالْحَسَنَاتِ وَالسَّيِّئَاتِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿١٦٨﴾

**168. Ва уларни ер юзида жамоатларга бўлиб юбордик. Улардан аҳли солиҳлари бор ва улардан ундай эмаслари ҳам бор. Шоядки, қайтсалар деб, уларни яхшиликлар ва ёмонликлар ила синадик.**

Бани Исроил аслида Яъқуб алайҳиссаломдан тарқаган бир халқдир. Гуноҳлари эвазига берилган азоблардан бири уларни ер юзига тирқиратиб юбориш бўлди. Бани Исроилликлар дунёнинг ҳамма

бурчакларига тарқалиб, турли жамоаларга бўлиниб кетганлар. Ҳар бирларига, фалон жойнинг яҳудийси, пистон ернинг яҳудийси, дейилиш одатга айланган. Уларнинг тиллари, кийинишлари, турмуш тарзлари ҳам турли-туман бўлиб, бу ҳол ўзини билган халқ учун мудҳиш азоб ҳисобланади.

**«Улардан аҳли солиҳлари бор».**

Масалан, денгиз соҳилидаги қишлоқ осийларига ваъз-насиҳат қилган жамоа ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирган тоифа шу жумлага киради.

**«...ва улардан ундай эмаслари ҳам бор».**

Яъни, аҳли солиҳ бўлмаганлари ҳам бор. Бор бўлганда ҳам, жуда кўп. Уларнинг орасида Пайғамбарларни ўлдирганлари, кофирлари бир талай.

**«Шоядки, қайтсалар деб, уларни яхшиликлар ва ёмонликлар ила синадик».**

Яхшилик етганда, Аллоҳ бизга неъмат берди деб, шукр қилсалар, Аллоҳнинг йўлига қайтишлари мумкин эди. Ёмонлик етганда, ўзимиздан ўтган нарсага Аллоҳ томонидан огоҳлантириш келди деб, Худонинг йўлига қайтсалар тўғри бўлар эди.

فَخَلَفَ مِنْ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ وَرِثُوا الْكِتَابَ يَأْخُذُونَ عَرَضَ هَذَا الْأَدْنَى وَيَقُولُونَ سَيُغْفَرُ لَنَا  
وَإِنْ يَأْتِهِمْ عَرَضٌ مِثْلُهُ يَأْخُذُوهُ أَلَمْ يُؤْخَذْ عَلَيْهِمْ مِيثَاقُ الْكِتَابِ أَنْ لَا يَقُولُوا عَلَى اللَّهِ إِلَّا الْحَقَّ  
وَدَرَسُوا مَا فِيهِ وَاللَّذَّارِ الْأَخْرَةَ خَيْرٌ لِلَّذِينَ يَتَّقُونَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٦٩﴾

**169. Бас, улардан сўнг, ортларидан китобни меросга олган бир ўринбосарлар келдики, улар мана бу тубаннинг ўткинчи(матохи)ни оладилар ва «Бизни кечирилур», – дерлар. Агар ўшанга ўхшаш ўткинчи нарса келса, яна олаверадилар. Улардан Аллоҳга нисбатан фақат ҳақдан бошқа нарса айтмасликка Китобнинг аҳду паймони олинган эмасмиди?! Улар у(китоб)даги нарсаларни ўрганганлар-ку?! Охират ҳовлиси тақво қилганлар учун яхшидир. Ақл ишлатмайсизларми?!**

Яъни, ораларида солиҳлари ҳам бор, ғайрисолиҳлари ҳам бор авлод ортидан бир тоифа ўринбосарлар келди. Улар

**«Китобни (Тавротни) меросга олганлар»** сифатига эга эдилар.

Аммо:

**«Улар мана бу тубаннинг ўткинчи (матохи)ни оладилар».**

Чунки, улар китобни мерос олганлари, уни мутолаа қилганлари

билан, унга амал қилмайдиган бўлиб вояга етган эдилар. Китобга илоҳий дастур эмас, ота-бобомиздан қолган бир мерос, деб қарар эдилар. Шунинг учун, улар китобни ўқисалар ҳам, ота-бобомизнинг меросини ўрганияпмиз, уларнинг маданий ёдгорликларини тадқиқ этяпмиз, деб ўйлар эдилар. Натижада, илоҳий китобнинг таълимоти уларга иймон-эътиқод асоси эмас, маданий маълумот бўлиб қолар эди. Оқибатда, улар ўзлари меросга олган илоҳий дастурга зид иш қилиб, бу тубан дунёнинг ўткинчи матоҳларига, ҳаром-харишларга ўзларини уришар, энг даҳшатлиси, гуноҳни била туриб қилганларидан сўнг

**«ва: «Бизни кечирилур», – дерлар».**

Демак, содир этган амаллари гуноҳ эканини била туриб қилишмоқда. Акс ҳолда, нега «бизни кечирилади» дейдилар? Бир марта қилиб, бизни кечирилади, десалар ҳам бир гап эди:

**«Агар ўшанга ўхшаш ўткинчи нарса келса, яна олаверадилар».**

Аслида, Аллоҳ гуноҳни билмай қилиб қўйиб, тавба-надомат чеккан, қайта унга яқинлашмаганларнигина кечиради. Аммо, билиб туриб гуноҳ қилгач, тавба қилмайдиган, ўзларича «бизни кечирилади», деб ҳукм чиқариб, яна гуноҳ қилаверадиганлар Аллоҳга нисбатан фақат ҳақдан бошқа нарса айтмасликка Китобнинг аҳд-паймонини олган эмасмидилар?!

Аллоҳ Тавротда Бани Исроилга буни таъкидлаб айтган эди.

**«Улар у(китоб)даги нарсаларни ўрганганлар-ку?!»**

Китобдан ўрганган нарсаларининг ҳеч бирига бу қилаётган амаллари тўғри келмайди-ку?!

Китобни ўрганиш эмас, унга амал қилиш асосий мақсад бўлиши керак. Агар унга амал бўлмаса, уни ўрганиш натижа бермайди. Берганда ҳам, салбий натижа беради, яъни, ўрганганларини бузғунчиликка ишлатадилар. Динга, диёнатга зарар келтирадиган фатволар чиқарадилар. «Бизни кечирилади» деганларига ўхшаш даъволарни қилишга журъат этадилар.

Бу фақат Тавротни ўрганганларга тегишли эмас, балки Қуръонни ўрганганларга ҳам тегишлидир. Ҳозирда шу хилда Қуръонни ўрганганлар кўп, «бизни кечирилади» деяётганлар кўп. Уларнинг ҳаммалари яхши билиб қўйсинларки,

**«Охират ҳовлиси тақво қилганлар учун яхшидир. Ақл ишлатмайсизларми?!»**

وَالَّذِينَ يَمْسِكُونَ بِالْكِتَابِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ إِنَّا لَا نَضِيعُ أَجْرَ الْمُصْلِحِينَ ﴿١٠٦﴾

**170. Китобни маҳкам тутганлар ва намозни тўкис адо этганлар бўлса, албатта, Биз аҳли солиҳларнинг ажрларини зое қилмасмиз.**

Яъни, илоҳий китобни маҳкам тутиб, ҳаётга тадбиқ қилган ҳолда яшай бориб, ўзларига фарз қилинган ибодатларни тўкис адо этганлар аҳли солиҳлар бўладилар. Аҳли солиҳларнинг амалини Аллоҳ таоло ҳеч қачон зое қилмайди.

Яна сўз Бани Исроилга қайтади:

﴿وَإِذْ نُنَقِّنَا الْجَبَلَ فَوْقَهُمْ كَأَنَّهُ ظِلَّةٌ وَظَنُوا أَنَّهُ وَاقِعٌ بِهِمْ خُذُوا مَا آتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ  
وَأَذْكُرُوا مَا فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

**171. Уларнинг устига тоғни худди соябондек кўтарганимизни, улар уни, устимизга тушиб кетади, деб ўйлаганларида, сизга берган нарсамизни қувват ила олинглар ва ундаги нарсани эсланглар, шоядки, тақво қилсангиз, деганимизни эсла.**

Ояти каримада зикр этилган «тоғ» Мисрга қарашли Сийно ярим оролида жойлашган Тур тоғидир. Мусо алайҳиссалом Бани Исроилни бошлаб муқаддас ер томон юрганларида юқоридаги оятларда зикр қилинган ҳодисалар рўй беради. Фазаблари пасайгандан сўнг у зот лавҳларни олиб, Аллоҳ амр қилган вазифаларни уларга етказган эдилар, Бани Исроилликларга бу ҳукмлар оғир туюлиб, уларни қабул қилишдан бош тортдилар. Шунда, Аллоҳ фаришталарга амр қилиб, Тур тоғини уларнинг бошлари устига муаллақ қилиб қўйди. Бани Исроилликлар бу ҳолни кўриб, энди бизни тоғ босиб, ўламиз экан, деб қаттиқ таҳликага тушдилар ва ҳаммалари ер ўпиб сажда қилдилар. Сажда пайтида ўнг кўзларини ерга босиб, чап кўзлари билан қўрқинч ила тоққа қараб турдилар. Улар ана шундай даҳшат остида турганларида Аллоҳ:

**«Сизга берган нарсамизни қувват ила олинглар ва ундаги нарсани эсланглар, шоядки, тақво қилсангиз»,**—дея нидо қилди.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, ушбу ҳодисани ўзларига замондош Бани Исроилликларга эслатишни амр этмоқда. Чунки, Бани Исроилликлар ўша ҳукмларни ҳам унутиб, Аллоҳнинг йўлидан озиб, Унга берган аҳд-паймонларини эсдан чиқарган эдилар.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло нафақат Бани Исроилдан, балки, умуман Бани Одамдан аҳду паймон олгани, ўша ал-мийсоқга — аҳду паймонга асосан уларнинг барчаси Аллоҳни Робб деб билиб, Унга



ширк келтирмай, фақат тавҳид асосида яшашлари лозимлиги ҳақида сўз боради.

وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ  
قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَن تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ ﴿١٧٢﴾

**172. Роббинг Бани Одамнинг умуртқа поғонасидан, қиёмат куни, бундан ғофил эдик, демасликларингиз учун, зурриётларини олиб, ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб: «Роббингиз эмасманми?» – деганида, «Худди шундай! Гувоҳ бўлдик!» – деганларини эсла.**

Бу ояти каримада ғаройиб бир ҳолат таъриф этилмоқда. Аллоҳ таоло Ўзига маълум бўлган бир пайтда, қиёматгача дунёга келадиган барча одамларнинг уруғликларини оталарининг сулбидан чиқариб олган ва ўша уруғликларга:

**«Роббингиз эмасманми?!»** – деб савол берган.

Бу саволни беришдан биринчи мақсад уларни ўзларига гувоҳ қилиш бўлса; иккинчи мақсад, қиёмат куни бундан ғофил эдик, демасликлари учундир. Мазкур илоҳий саволга ҳамма зурриётлар:

**«Худди шундай»,** яъни, албатта, Сен Роббимизсан, **«гувоҳ бўлдик»,** деб жавоб беришган. Шунга биноан, инсон уруғлик пайтида, яъни, она қорнига ўтганда ва инсон бўлиб яралганда, Аллоҳнинг Робб эканлигини эътироф этгучи табиат соҳиби бўлади. Яъни, Аллоҳ таоло уни шу ҳолда яратади. Қисқаси, одам боласи онадан Аллоҳ тавҳидини тан оладиган соф табиат билан дунёга келади. Чунки, унинг ўзи уруғлик ҳолидаёқ Аллоҳга ал-мийсоқ – аҳду паймон бериб қўйган. Инсоннинг ушбу ал-мийсоқга – аҳду паймонга содиқ қолиши ёки хиёнат қилиши кейинги омилларга боғлиқ.

Имом Бухорий, имом Муслим ва бошқа ҳадис илми имомлари Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳар бир гўдак соф табиат ила туғилади. Бас, ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилади», – деганлар. Яъни, тарбия қилишда шундай йўл тутадилар.

Демак, Аллоҳ таоло инсон табиатини тавҳидга мос равишда бунёд этган. Қай бир инсон ўзининг азалий соф табиатини асраб қола олган бўлса, мўмин-мусулмон бўлади. Кимки ўз табиатини соф ҳолда сақлай олмаган бўлса, кофир, мушрик, худосизга айланади. Чунки, аслида кофирлик, мушриклик ва худосизлик инсон табиатига терс нарсалардандир.

Аллоҳ таоло ушбу мийсоқни ва гувоҳликни Бани Одам зурриётидан талаб қилишининг асосий сабабларидан бири, аввал айтиб ўтганимиздек, қиёмат куни биз бундан ғофил эдик, демасликлари учундир. Қиёмат куни ҳақиқатан ҳам мазкур даъвони қилмасликлари ҳақидаги ҳақиқатни имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа имомлар Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифдан англаб оламиз. Пайғамбармиз солаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат кунида дўзах аҳлидан бўлган ҳар бир кишига: «Айт-чи, агар ер юзидаги ҳамма нарса сеники бўлса, қутулиш учун тўловга берармидинг?» – дейилади. У: «Ҳа», – дейди. Аллоҳ: «Мен сендан бундан кўра осон нарсани хоҳлаган эдим. Одамнинг сулбида турганингга менга ҳеч бир нарсани ширк келтирмаслигинга аҳду паймон олган эдим. Сен эса, фақат ширк келтиришни хоҳладинг», – дейди.

Кейинги оятда Бани Одам зурриётини ўзини ўзига гувоҳ қилиб, аҳд олишдан кўзланган яна бир мақсад баён этилади:

أَوْ نَقُولُوا إِنَّمَا أَشْرَكَ آبَاؤُنَا مِنْ قَبْلُ وَكُنَّا ذُرِّيَّةً مِّنْ بَعْدِهِمْ أَفَنُهَلِكُنَا بِمَا فَعَلَ  
الْمُبْطِلُونَ ﴿١٧٣﴾

**173. Ёки: «Ҳақиқатда, ширк келтирганлар олдинги ота-боболаримиз, биз, уларнинг кейинги зурриётимиз. Ботил иш қилувчиларнинг қилмиши туфайли бизларни ҳалок этасанми?» демаслигиниз учун.**

(Бани Одамнинг умуртқа поғонасидан зурриётларини олиб, ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб, «Роббингиз эмасманми?» дедик).

Яъни, айбни ота-бобога ағдариб, қутулиб кетишга ҳаракат қилмасликлари учун оталари сулбида турганларидаёқ ҳар бирларидан алоҳида-алоҳида ал-мийсоқ – аҳду паймон олинган. Аллоҳ таолонинг ана шу аҳду паймонга биноан сўроқ-савол қилишга ҳаққи бор. Зеро, Аллоҳ бандаларига ақл берди ва ақлсизларни сўроқ-саволдан озод этди. Ана ўша ал-мийсоқ ва ақл асосида бандаларни сўроқ-савол қилиб, жазолаверса ҳам бўлар эди. Аммо, яна меҳрибонлик қилиб, ал-мийсоқни – аҳду паймонни эслашлари ва ақлни пешлашлари учун Пайғамбарлар юборди. Бандаларнинг ақлларини ва Пайғамбар даъватига эришганларини сўроқ-савол қилишга қарор қилди.

Аммо, Бани Одамдан кўплари ҳам ал-мийсоқни – аҳду паймонни, ҳам ақлни ва ҳам Пайғамбарлар даъватини унутиб, Аллоҳга куфр ва ширк келтирдилар. Баъзилари эса, ширкка ўзимиз айбдор эмасмиз, балки ота-боболаримиз гуноҳқордирлар, аслида, ширк келтир-

ганлар улар, биз улардан кейин келган зурриётлармиз, уларнинг ортидан эргашганмиз, холос, бизни ҳалок этма,

**«Ботил иш қилувчиларнинг қилмиши туфайли бизларни ҳалок этасанми?»**— дейдилар.

وَكَذَلِكَ نَفِصَلُ الْآيَاتِ وَلَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿١٧٤﴾

**174. Шояд, қайтсалар деб, оятларни мана шундай батафсил баён қиламиз.**

Яъни, бандалар куфрдан қайтсин учун ва куфрдан юз буриб, иймонга юришга одамзот ақлининг қудрати етмагани учун Пайғамбарлар юбориб, улар орқали оятларни худди шу тарзда батафсил баён қиламиз.

Келаси оятда соф табиатдан айниш, Аллоҳга берган аҳду паймонни бузиш қанақа бўлишини кўрсатиш учун Аллоҳнинг оятларидан истифода этмайдиганлардан бирини мисол қилиб келтиради:

وَأْتَلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ الَّذِي ءَاتَيْنَاهُ ءَايَاتِنَا فَآنَسَلَخَ مِنْهَا فَآتَبَعَهُ الشَّيْطٰنُ فَكَآَنَ مِنَ الْفٰوَٓرِٖٓتِ ﴿١٧٥﴾

**175. Уларга оятларимизни берганимизда, улардан ўзини олиб қочган ва уни шайтон эргаштириб кетиб, ифвога учганлардан бўлган шахснинг хабарини тилолот қилиб бер!**

Ушбу ояти каримада зикр қилинган шахс ким экани хусусида мўътабар тафсир китобларимизда кўп сонли турли-туман ривоятлар бор. Шунинг ўзи ҳам бу оят муайян бир шахсга хос бўлмай, балки маълум бир тоифа одамларга хос эканини кўрсатиб турибди. Ояти каримада:

**«оятларимизни берганимизда»,** дейилишига кўра, у одам диний илмдан огоҳ экани кўриниб турибди. Демак, у одамга Аллоҳ таоло диний илмларни эгаллашга имкон берган, аммо у Аллоҳнинг оятларидан ўзини олиб қочган, яъни, илмига амал қилмаган. Шу туфайли,

**«уни шайтон эргаштириб кетиб, ифвога учганлардан бўлган».**

Аллоҳнинг йўлида юрмаган, унинг оятларига амал қилмаган одамни, албатта, шайтон ўз измига солади ва ифвосига учиради. Шайтоннинг ифвосига учраган диний илми шахс эса, шайтондан баттар бўлиб қолади. Фақат унинг ўзи Аллоҳ оятларидан қочиб қолмай, ўзгаларни ҳам қочиради, авом халққа катта салбий таъсир кўрсата-

ди. Илмига амал қилмаган, Аллоҳнинг оятларидан ўзини олиб қочиб, шайтонга эргашганлар ер юзида лак-лақдир. Улар Исломни аввало ўз шахсларида емирадилар. Салла-чопонга бурканиб, на намоз ўқийдилар ва на рўза тутадилар. Гуноҳ ишларни эса, тап тортмай қилаверадилар. Одамларга ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилиб фатво берадилар. Айниқса, Аллоҳнинг эмас, ҳукмдорларнинг розилигини топиш учун уларнинг итјолоғидан ҳам қайтмайдилар. Бундай шахслардан нобакор ҳокимлар Исломга қарши устомонлик билан фойдаланадилар.

Шу тоифа илмига амал қилмаганларга кейинги оятда қуйидаги баҳо берилган:

وَلَوْ شِئْنَا لَرَفَعْنَاهُ بِهَا وَلَٰكِنَّهُ أَخْلَدَ إِلَى الْأَرْضِ وَاتَّبَعَ هَوَاهُ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ الْكَلْبِ إِن تَحْمِلْ عَلَيْهِ يَلْهَثْ أَوْ تَتْرُكْهُ يَلْهَثُ ذَٰلِكَ مَثَلُ الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا فَاقْصِصْ الْقِصَصَ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٧٦﴾

**176. Агар хоҳласак, уни ўша(оят)лар билан кўтарар эдик. Лекин унинг ўзи ерга ёпишди ва ҳавойи нафсига эргашди. Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшар, уни ҳайдасанг ҳам, тилини осилтириб тураверадир, тек қўйсанг ҳам, тилини осилтириб тураверадир. Бу, Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмларнинг мисолидир. Бу қиссани ҳикоя қил, шоядки, тафаккур қилсалар.**

Диний илмдан хабардор бўла туриб, унга амал қилмаганларнинг таърифи Қуръони Каримнинг ажойиб услубига хос тарзда ифодаланмоқда. Аслини олганда, диний илм Аллоҳ томонидан бандага бериладиган улкан неъматдир. Бу илм ўша одамни, агар у ўзини ҳам, илмини ҳам хор қилмаса, юксак мартабаларга кўтариши муқаррар.

**«Агар хоҳласак, уни ўша(оят)лар билан кўтарар эдик».**

Яъни, агар унинг мартабасини юксалтиришни хоҳласак, «ўша оятлар» — диний илмлар билан мартабасини кўтарар эдик. Илмига амал қилганида, инсон етиши мумкин бўлган энг юқори мартабага эришар, Пайғамбарларнинг меросхўри бўлар эди.

**«Лекин унинг ўзи ерга ёпишди ва ҳавойи нафсига эргашди».**

Юксалишини хоҳламади, билган илмини оёқости қилди. Ҳавойи нафси ароқ ич, деса, ароқ ичди; ҳаром е, деса, ҳаром еди; ёлғон гапир, деса, ёлғон гапирди; нотўғри фатво бер, деса, нотўғри фатво берди; ҳукмдорнинг кўнгли нимани тусаса, шариатнинг оёқ-қўлини боғлаб келтирди. Бу дунёнинг чирияжак матоҳини деб ерга қапиш-

ди. Могу дунё, деди. Амал-мансаб, деди. Каттаконларнинг кўнгли, деди. Аллоҳнинг эмас, уларнинг розичилиги, деди. Ҳавойи нафсининг гапига кирди. Охири бориб, ахлат уюми оралаб, тилини осилтириб юрган итга ўхшаб қолди.

**«Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайди, уни ҳайдасанг ҳам, тилини осилтириб тураверадир, тек қўйсанг ҳам, тилини осилтириб тураверадир».**

Нима қилиб бўлса ҳам, ташланган ахлатни титиб еса бўлди.

**«Бу, Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмларнинг мисолидир»**,—дейди Аллоҳ таоло оятнинг давомида.

Оятларни таълим олиб ўрганган одам, билиб туриб уларга амал қилмаса, уларни ёлғонга чиқарган бўлади. Агар уларни рост деса, амал қилиш керак эди.

Ояти кариманинг охирида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

**«Бу қиссани ҳикоя қил, шоядки, тафаккур қилсалар»**,—дейди.

Чунки, ушбу оятлар тушаётган пайтдаги қавмларга ҳам Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали Ўз оятларини нозил қилаётган эди. Улар мазкур қиссани тингласалар, Қуръон оятларидан ўзларини четга олмасликларига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳол улардан кейин келадиган авлодларга ҳам то қиёмат лаҳзаларигача тааллуқлидир.

سَاءَ مَثَلًا لِّلْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَأَنْفُسَهُمْ كَانُوا يَظْلِمُونَ ﴿٧٧﴾

**177. Оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмларнинг мисоли қандай ҳам ёмон бўлди! Улар ўзларига зулм қиладилар.**

Уларнинг оятлардан ўзларини олиб қочишлари, уларга амал қилмасликлари ёхуд ушбу оятларни ёлғонга йўйишларидан на Аллоҳ таолога, на Унинг барҳақ Пайғамбарига, на мўмин бандаларига бирор зарар етмайди. Балки, улар бу хатти-ҳаракатлари билан фақат ўзларига зарар етказадилар, холос.

مَنْ يَهْدِ اللَّهُ فَهُوَ الْمُهْتَدِ وَمَنْ يُضِلِلْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٧٨﴾

**178. Аллоҳ кимни ҳидоятга солса, ўша ҳидоят топувчидир. Кимни адаштира, ўшалар ўзлари зиён кўрувчилардир.**

Аллоҳ таоло ҳидоятни истаган, унга томон интилган зотларни ҳидоятга солади. Шунинг учун ҳам, бошқа бир оятда: «Бизнинг

йўлимизда жиҳод қилганларни, албатта, Ўз йўлларимизга ҳидоят қиламиз», деган. Шунингдек, Аллоҳ таоло залолатни истаганларни залолат кўчасига солади.

Ушбу ҳидоят ва залолат масаласида кишиларда қадимда ҳам, ҳозир ҳам кўп саволлар пайдо бўлган. Қуръони Каримда бу масала хусусида бир қанча оятлар келган, шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам бир қанча ҳадиси шарифлар ворид бўлган. Мазкур матнларни узоқ ўрганиб чиққан уламоларимиз қуйидаги хулосага келганлар (яна Аллоҳ билгувчироқдир):

«Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз хоҳиши билан инсонни ҳам ҳидоятга, ҳам залолатга юра оладиган қурама қобилият ила яратгандир. Шу билан бирга, унга Тарбияқунанда ҳам битта эканини англай оладиган ва у томон йўлланадиган соф табиатни, ҳидоят ва залолатни ажрата оладиган ақлни берган. Соф табиат бузилса, тўғрилаш; ақл адашган бўлса, тўғри йўлга солиш учун Пайғамбарларни ҳужжат ва далил билан юборган. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг хоҳишидан ташқарига чиқмайди. Чунки, бу дунё ишлари, умуман, борлиқдаги барча воқелик фақат Аллоҳнинг хоҳиши билан рўй беради.

Аллоҳнинг хоҳиши ҳидоятга интилганларни ҳидоятга бошлашдир. Шунингдек, Аллоҳнинг хоҳиши, у берган ақл, кўриш, эшитиш ва англаш қобилиятларини фақат ўз ўрнида қўллаб ибрат олмаганларни залолатга солишни ҳам тақозо қилади».

Аммо, оят ва ҳадисларни якка-якка ўқиб ёки уларга бошқа бир ғараз билан қаралса, бу маъноларни идрок этиш хийла душвор бўлади.

Келаси оятда ҳам ушбу масала муолажа қилинади:

وَلَقَدْ ذَرَأْنَا لِجَهَنَّمَ كَثِيرًا مِّنَ الْجِنِّ وَالْإِنسِ لَهُمْ قُلُوبٌ لَا يَفْقَهُونَ بِهَا وَلَهُمْ أَعْيُنٌ لَا يُبْصِرُونَ بِهَا وَلَهُمْ آذَانٌ لَا يَسْمَعُونَ بِهَا أُولَئِكَ كَأَلْأَنْعَامِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ أُولَئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ ﴿١٧٩﴾

**179. Батаҳқиқ, жаҳаннам учун кўплаб жин ва инсларни яратдик. Уларнинг диллари бору тушуна олмаслар. Кўзлари бору кўра олмаслар. Қулоқлари бору эшита олмаслар. Ана ўшалар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Балки улардан ҳам баттарроқдирлар. Ана ўшалар ғофилдирлар.**

Ояти кариманинг биринчи жумласидан Аллоҳ таоло, аслида, қадимдан жаҳаннам учун жинлар ва инслардан кўпларини яратиб қўйган экан, деган хулоса келиб чиқиш эҳтимоли бор.

**«Батаҳқиқ, жаҳаннам учун кўплаб жин ва инсларни яратдик».**



Аммо, бу иш Аллоҳнинг илми замон, макон ва моддий ҳодисаларга тегишли эмас, балки уларнинг ҳаммасидан баланд турувчи ўзига хос олий бир мақом эканини англатиш учун айтилади. Аллоҳ ўхшаши йўқ Зотдир. Унинг сифатларини бошқаларникига ўхшатиб бўлмайди. Аммо, тушунишга осон бўлиши учун бир ҳолни тасаввур қилайлик: инсон ўзи ясаган асбоб ёки ускунани, устоз ўз шогирдининг баъзи хусусиятларини билади. Уста ёхуд устоз ўзининг чеғараланган билими асосида ўзи ясаган асбоб ёки таълим берган шогирдига нисбатан келажақда рўй берадиган бирор воқеани айтса ва бир кун ўша воқеа ҳақиқатда содир бўлса, устанинг ёки устознинг ўша гапи шу ишни содир қилди, деб бўладими? Йўқ. Шунга ўхшаб, Аллоҳ таолонинг чексиз илми ҳам бандаларни маъсият қилиб, дўзахга ташлагувчи куч эмас, балки камчиликсиз, тўғри илм ҳолича қолади.

Ушбу оятда зикри келаётган, жаҳаннам учун яратилган кўплаб жин ва инсонларнинг бу даҳшатли маконга киришларига сабаб Аллоҳнинг азалий илми эмас, балки, бунинг сабаби уларнинг қалблари бўла туриб ҳақиқатни ҳис қила олмасликларидир. Уларнинг кўзлари бўла туриб, Аллоҳнинг борлигига далолат қилувчи нарсаларни кўра олмасликларидир. Уларнинг қулоқлари бўла туриб, ҳидоятга элтувчи нарсаларни эшита олмасликларидир.

**«Уларнинг диллари бору тушуна олмаслар. Кўзлари бору кўра олмаслар. Қулоқлари бору эшита олмаслар».**

Улар Аллоҳ берган ақл, кўз, қулоқ ва бошқа маърифат воситаларини тўғри ишга солиб, ҳидоят йўлидан юрмаганларидан кейин, албатта:

**«Ана ўшалар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Балки улардан ҳам баттарроқдирлар. Ана ўшалар ғофилдирлар».**

Бундай махлуқлардан чорва ҳайвонлари афзалроқдир. Чунки, ҳайвонлар бу дунёда ўзларига юклатилган вазифани адо этадилар. Улар инсонларнинг турли мақсад ва манфаатлари учун яратилганлар ва ўшаларни тўқис адо этадилар. Аммо, Аллоҳ берган жамийки нознеъматлардан фойдалана туриб, ўз Робби ҳузуридаги вазифасини адо этмаган инсон ҳайвондан баттарин бўлиши шак-шубҳасиздир.

وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا ۖ وَذَرُوا الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي أَسْمَائِهِ سَيُجْزَوْنَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

**180. Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Унга ўша (исм)лар ила дуо қилинг ва Унинг исмларидан оғадиганларни тек қўйинг. Яқинда қилган амалларига яраша жазоланурлар.**



Аллоҳнинг барча исмлари гўзалдир. Мўмин-муслмон банда Аллоҳга дуо қилганида, ўша гўзал исмлар ила дуо қилмоғи лозим.

**«Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Унга ўша(исм)лар ила дуо қилинг»**

Шу билан бирга, Аллоҳнинг гўзал исмларини бузиб, тўғрилиқдан оғадиган бузғунчиларни тек қўймоқ лозим.

**«...ва Унинг исмларида оғадиганларни тек қўйинг».**

Бу жоҳилият даврига хосдир. Ўша вақтдаги мушриклар ўз бутларидан бирига «Аллоҳ» исмини бузиб «ал-Лот», бошқасига «ал-Азиз» исмини бузиб «ал-Уззо», деб ном қўйган эдилар. Кимки йўлдан озган бўлса,

**«Яқинда қилган амалларига яраша жазоланурлар».**

Имом Бухорий ва имом Муслимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг тўқсон тўққизта, бир кам юзта исми бордир. Ким уларни санаб чиқса, жаннатга киради. Аллоҳ тоқдир, тоқни яхши кўради», — деганлар.

وَمِمَّنْ خَلَقْنَا أُمَّةً يَهْدُونَ بِالْحَقِّ وَبِهِ يَعْدِلُونَ ﴿١٨١﴾

**181. Ва Биз яратган кимсалар ичида ҳақ ила ҳидоят қиладиган ва у ила адолат қиладиган жамоат ҳам бор.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таборак ва таоло мадҳ этган бу жамоат Ислом умматидир. Бу уммат қаерда ва қачон бўлса ҳам, ҳаққа даъват, ҳаққа иршод этади. Бу уммат қаерда ва қачон бўлса ҳам, одамлар ичида ҳукм қилса, ҳақ-адолат ила ҳукм қилади. Ислом умматининг ҳаққа ҳидоят қилишига, уларнинг ҳақ ила одил ҳукм юришига тарих шоҳид. Бу ҳақиқат дўст ғурур билан, душман куйиб-ёниб иқрор бўлган ҳақиқатдир. Ислом уммати ўз динидан узоқлашиб, кишиларни ҳаққа ҳидоят қилиш, улар орасида ҳақ ила адолат ўрнатишга қодир бўлмай заифлашиб қолган вақтда инсоният қандай бадбахтликка дучор бўлганини кўриб турибмиз.

وَالَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا سَنَسْتَدْرِجُهُم مِّنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٨٢﴾

**182. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса, улар билмайдиган томондан аста-секин оламыз.**

Яъни, Аллоҳ таоло кофир ва мунофиқларни оҳиста-оҳиста, ўзларига билдирмаган ҳолда ҳалок қилади. Даставвал, уларга хоҳлаган йўриғига юришга имкон бериб қўяди. Кофирлар бу ҳолни ўзлари-

нинг тадбири, ақли ва уринишларига йўйиб, залолатда шиддатлай-  
веради. Охир бориб, ҳалокатга дуч келади.

وَأْمَلِي لَهُمْ آتٍ كَيْدِي مَتِينٌ ﴿١٨٣﴾

**183. Уларга муҳлат бериб қўяман. Албатта, Менинг «макрим» метиндир.**

Аллоҳ таоло Ўз оятлари шаънига бўҳтон тўқиганларни дарҳол жазоламайди. Балки, уларга узоқ умр беради, маишатларини фаровон қилади, турли ишларга кенг имконлар муҳайё этади. Бу муомала, дарҳақиқат, худди «макр»га ўхшайди. Макр бўлганда ҳам, «метин» – қаттиқ макрга ўхшайди.

Олдинги оятларда қалб, қулоқ ва кўзлар мададида жаҳаннамдан қутулиш йўлларини қидиришга ундаш, оятларга ишонмайдиганларни қўрқитиш услублари баён этилгандан сўнг, навбатдаги ояти карима одамларни ҳидоят йўлига даъват қилаётган Пайғамбар шахси ҳақида тафаккур қилиб кўришга чақиради:

أَوَلَمْ يَتَفَكَّرُوا مَا بِصَاحِبِهِمْ مِّنْ جَنَّةٍ إِن هُوَ إِلَّا نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿١٨٤﴾

**184. Улар ўз соҳибларида мажнунлик йўқлигини тафаккур қилиб кўрмайдиларми?! У фақат ошкора огоҳлантирувчи, холос.**

Кофирлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши олиб борган курашларида ул зотни мажнун – жинни, деб ташвиқот қилар эдилар. Одамларни ул зотдан қайтариш учун, Муҳаммадга жин теккан, гапларига қулоқ солсангиз, унинг гаплари ҳеч бир соғ одамнинг гапига ўхшамайди, дердилар. Аслида эса, Қурайш зодагонлари у киши соллаллоҳу алайҳи васалламга келаётган ваҳий оддий эмас, инсонни ожиз қолдирувчи олий даражадаги калом эканини яхши билишарди. Улар бир-бирларига билдирмай, яширин бориб, Қуръон эшитиб лол қолишар, шу билан бирга, жамланиб қолганларида Қуръон ҳақида сўз очилса, унинг илоҳий калом эканлигини тан олсалар обрўларидан, султонларидан айрилиб қолишдан қўрқиб, уни бошқача сифатлар билан таърифлашар эди. Бунда, албатта, Қуръоннинг оддий калом эмаслигини эътиборга олардилар. Улар баъзида, Муҳаммаднинг каломи сеҳрдир, шунинг учун, берилиб тинглаётганларни сеҳрлаб қўймоқда, десалар, баъзида, Муҳаммадга жин теккан, ўша жинлардан ўргангани учун каломи бошқача, дер эдилар.

Ушбу оятда улар бу ҳақда тафаккур қилиб кўришга чақирилмоқда. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг орасида туғилиб, улғайиб вояга етдилар. Шу пайтгача у зотда бирор-бир нуқсонни кўрмаган эдилар. Ўзлари у кишига «Амин» лақабини берганлар. Омонат ва ростгўйлик, заковат ва ҳикмат бобида қойил эдилар.

**«Улар ўз соҳибларида мажнунлик йўқлигини тафаккур қилиб кўрмайдиларми?!»**

Бугун камолот ёшига етиб, қирққа кириб, ақллари тўлганда жин тегиб қолдими? Фикр қилсинлар. У кишида ҳеч қандай жинниликдан асар йўқ.

**«У фақат ошкора огоҳлантирувчи, холос».**

Пайғамбарлик вазифаларини адо этиб, одамларни огоҳлантирадилар, холос.

أَوَلَمْ يَنْظُرُوا فِي مَلَكُوتِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا خَلَقَ اللَّهُ مِنْ شَيْءٍ وَأَنْ عَسَى أَنْ يَكُونَ  
قَدْ أَفْتَرَبَ أَجْهَمٌ فَبِأَيِّ حَدِيثٍ بَعْدَهُ يُؤْمِنُونَ ﴿١٨٥﴾

**185. Осмонлару ернинг мулкларига, Аллоҳ яратган нарсаларга ва, ажаб эмаски, ажаллари яқинлашиб қолган бўлишига назар солмайдиларми? Бундан кейин, яна қайси гапга ишонадилар?!**

Атрофга зеҳн билан назар солган инсон учун Аллоҳнинг борлиги, ягоналиги ва қудратига далолат қилувчи далилларни топиш оғир эмас. Улар ҳар қадамда исталганча тўлиб ётибди. Осмонлару ердаги каттаю кичик ҳар бир нарса шунга далолат қилади.

Ҳолбуки, бутун борлиқни Аллоҳ таолонинг Ўзи яратган. Энг кичик зарралар ҳам, ҳужайралар ҳам шундан гувоҳлик беради. Фақат, бу нарсаларга эътибор назари билан, инсоф назари билан, ўзининг инсон эканлигини тўла тушунган ҳолда қараш керак, холос. Энг муҳими, эртага ўлишини, бу дунёга устун бўла олмаслигини фикр қилиб қараш керак.

**«...ва, ажаб эмаски, ажаллари яқинлашиб қолган бўлишига назар солмайдиларми?»**

Ажал кўз билан қошнинг орасида. Унинг чангалидан қочиб қутулиб бўлмаслик ҳақиқатларнинг онаси.

**«Бундан кейин, яна қайси гапга ишонадилар?!»**

Лекин инсонлар орасида осмонлару ер мулкларига, Аллоҳ яратган нарсаларга, ажаб эмаски, ажали яқинлашиб қолганига эътибор бермай, бундай нарсалардан ғофил бўлиб юрганлар, адашганлар

кўпдир. Уларни шу қилмишлари учун Аллоҳ таоло адаштириб қўяди ва улар ўша туғёнларида давом этаверадилар.

مَنْ يُضِلِلِ اللَّهُ فَكَأَنَّهُ هَادٍ لَهُ وَيَذُرُهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١٨٦﴾

**186. Аллоҳ кимни залолатга кетказса, унга ҳидоят қилувчи йўқдир. Уларни тек қўйиб қўяди, туғёнларида адашиб-улоқиб юраверадилар.**

Демак, уларнинг залолатга кетишларига туғёнлари сабаб бўлган. Ўша туғёнлари – ҳаддан ошишлари туфайли залолатга кетдиларми? Аллоҳ уларни ўша туғёнларида тек қўйиб қўяди, адашиб-улоқиб, ҳайрон бўлиб юришаверади. Уларни ҳидоят қилувчи топилмайди. Чунки, дастлаб ўзлари ҳидоят йўлидан юз ўтириб туғёнга кетдилар. Шу аҳволларига қарамай, улар яна қиёмат соати ҳақида савол ҳам беришади. Бинобарин, гўё ҳамма нарсани тушунадигандек кўри-нишга ҳаракат қилишади.

يَسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَاهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّي لَا يُجَلِّيهَا لِوَقْتِهَا إِلَّا هُوَ ثُقُلْتِ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا تَأْتِيكُمْ إِلَّا بَغْنَةً يَسْأَلُونَكَ كَأَنَّكَ حَفِيٌّ عَنْهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٨٧﴾

**187. Сендан соат (қиёмат) қачон собит бўлиши ҳақида сўрарлар. Сен: «Унинг илми фақат Роббим ҳузуридадир. Уни фақат Ўзигина зоҳир қиладир. У осмонлару ерда оғир иш бўлади. Сизларга фақат тўсатдан келадир», – деб айт. Худди сен уни билишинг керакдек, сендан сўрарлар. Сен: «Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир. Лекин кўп одамлар билмаслар», – деб айт.**

Ўлимни, охират кунини, ул кун ҳар бир одам бу дунёдаги қилмишлари юзасидан сўроқ-савол қилинишини ўйлаш ҳар қандай шаккок, кофирни ҳам ўйлантириб қўяди. Шундай лаҳзаларда улар охират ҳақида савол бера бошлайдилар. Баъзи ҳолларда қиёмат бўлишига шак келтирганларидан, ўз фикрларини тасдиқлаш, қиёмат бўлади, деган ақийдадагиларни ожиз қолдириш учун сўрайдилар. Баъзи вақтларда синаш учун сўрайдилар ва ҳоказо.

Қурайш мушриклари ҳам вақти-вақти билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан қиёмат ҳақида, айниқса, унинг қачон собит бўлиши ва келиши ҳақида сўрар эдилар.

**«Сендан соат (қиёмат) қачон собит бўлиши ҳақида сўрарлар».**

Яъни, бўладиган бўлса, қачон бўлишини айтиб бер, деб даъво қилардилар. Бу саволдан, қачон бўлишини айтиб бера олмасанг, қандай Пайғамбарсан, шуни ҳам билмайсанми, деган ғаразгўйликнинг ҳиди келади.

Аслида, қиёмат Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билиши мумкин бўлмаган ҳодисадир. Унинг қачон рўй беришини фақат Аллоҳнинг Ўзигина билади. Лекин мушриклар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни синаш, ул зотни хижолат қилиш учун, қиёмат қачон бўлади, деб сўроқ қиладилар. Агар ҳар бир сўзни Аллоҳдан қабул қилиб оладиган ҳақиқий Пайғамбар бўлмаса, бунга турли жавоблар бериш мумкин. Хусусан, Пайғамбарликни даъво қилувчи табиатан телба ва бузуклар одамлар эътиборини жалб қилиш учун уларнинг қиёматга нисбатан бўлган эътиросли қизиқишидан фойдаланишга ҳаракат қилишлари кейинги пайтларда ошкор бўлди. Қиёмат фалон вақтда бўлади, деб қўйиб, сўнг шарманда бўлганлари ҳам жуда кўп.

Лекин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бу саволга қандай жавоб беришни Аллоҳнинг Ўзи сўзма-сўз уқдирыпти:

**«Унинг илми фақат Роббим ҳузуридадир. Уни фақат Ўзигина зоҳир қиладир. У осмонлару ерда оғир иш бўлади. Сизларга фақат тўсатдан келадир», – деб айт.**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам одам, у киши ҳеч қачон ғайб илмини биламан, деб даъво қилмаганлар. У зот:

**«Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир»,** – дейдилар. Яъни, қиёматнинг қачон бўлишини фақат бир зот – Роббим билади, холос. Бошқа ҳеч ким билмайди. Мен ҳам билмайман.

**«Уни фақат Ўзигина зоҳир қиладир».**

Қиёматни юзага келтирувчи Зот ҳам ягона Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Бошқа ҳеч ким бу ишга аралаша олмайди.

**«У осмонлару ерда оғир иш бўладир».**

Унинг ҳақида билганим шу: Қиёмат осмонлар ва ер қанча улкан бўлмасин, уларга ҳам оғир келадиган даражада улуғ ҳодисадир. Шунинг учун, ўша кунга тайёрланиш керак.

**«Сизларга фақат тўсатдан келадир».**

Билмай қоласизлар. Аввал эълон қилиб, вақтини тайинлаб келмайди. У содир бўлмасдан бир оз олдин ўзини ўнглаб, у ер-бу ерини тозалаб, ҳеч нарсани кўрмагандек мўмин-қобил бўлиб туришга имкон йўқ. Унинг келишига доим тайёр туриш керак. Унинг қачон содир бўлишини сўраб юришдан самара йўқ. Бунинг устига, бу саволга жавоб берадиган зотнинг ўзи йўқ, Мушрикларнинг саволи эса, ноўрин.

**«Худди сен уни билишинг керакдек, сендан сўрарлар».**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг дахллари йўқ нарсаларни Аллоҳдан сўрамайдилар.

**«Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир. Лекин кўп одамлар билмаслар»,** – деб айт.

Қиёматнинг қачон бўлиши илми Аллоҳнинг Ўзига хос илмидир. Уни ҳеч кимга, ҳатто Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам билдирмаган. У зот фақат қиёматнинг қачон бўлишинигина эмас, бошқа ғайб илмларини ҳам билмайдилар. Бу билмасликлари эса, айб эмас.

Кейинги ояти каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга айтишлари учун ўргатилаётган гаплар давом этади.

قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ الْغَيْبِ  
لَأَسْتَكْثَرْتُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِيَ السُّوءُ إِنْ أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿١٨٨﴾

**188. Сен: «Ўзим учун на фойда ва на зарарга молик эмасман. Магар Аллоҳнинг хоҳлагани бўлур. Агар ғайбни билганимда, яхшилиқни кўпайтириб олган бўлар эдим ва менга ёмонлик етмасди. Мен фақат иймон келтирадиган қавмлар учун огоҳлантирувчи ва башорат берувчиман, холос»,** – деб айт.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг суюкли ва охирги Пайғамбари, одам боласининг улуғи бўлишлари билан бирга, бир башардирлар. Бу оддий ҳақиқатни рўй-рост айтишлари ушбу ояти каримада амр қилинмоқда. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу эътирофлари улуғ ҳақиқатларни ошкор қилади:

**«Ўзим учун на фойда ва на зарарга молик эмасман».**

Яъни, фойда ва зарар Аллоҳдандир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз шахсларига нисбатан на фойда, на зарар етказиш ҳаққи ёхуд имконига молик эмаслар.

**«Магар Аллоҳнинг хоҳлагани бўлур».**

Бу дунё ишлари фақат Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан рўй беради. Ундан бошқа зотнинг хоҳиши, ҳатто Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хоҳишлари ҳам ўтмайди.

**«Агар ғайбни билганимда, яхшилиқни кўпайтириб олган бўлар эдим ва менга ёмонлик етмасди».**

Яъни, агар ғайб сирларидан огоҳ бўлганимда, ҳар бир ишнинг оқибатини билар эдим. Шунда, фақат оқибати яхшилиқ келтирадиган ишларни қилардим ва менга ёлғиз яхшилиқлар етар ва уларни кўпайтириб олар эдим.

Шунингдек, ғайбни англай олганимда эди, оқибати ёмон бўладиган ишларни олдиндан билиб олиб, уларни қилмас эдим ва менга ҳеч қачон ёмонлик етмас эди. Ҳолбуки, бундай эмас. Ғайбни ҳеч ким билмайди. Банданинг вазифаси Аллоҳнинг кўрсатмасига биноан амал қилиш, оқибати эса, Аллоҳнинг иродасига қараб бўлади. Банда ўзига белгилик чегарадан чиқмай туради. Ҳатто Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам бу борада чегара бор, чунки у зот ҳам бир бандадирлар.

**«Мен фақат иймон келтирадиган қавмлар учун огоҳлантирувчи ва башорат берувчиман, холос», – деб айт».**

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, ўзлари ушбу оятда эътироф этаётганларидек, огоҳлантирувчи ва башоратчидирлар, холос. У зот одам боласини кофирлик, осийлик ёмон оқибатларга олиб боришидан огоҳлантирадилар, иймон ва амали солиҳ яхшиликка олиб бориши ҳақида башорат берадилар. Уларнинг ушбу хизматларидан иймон аҳли манфаат олади.

Келгуси ояти каримада яна тавҳидга чақирувчи янги далиллар келтирилади:

﴿هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَجَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا لِيَسْكُنَ إِلَيْهَا فَلَمَّا تَغَشَّاهَا حَمَلٌ خَفِيْفًا فَهَمَّتْ بِهِ فَلَمَّا أَثْقَلَتْ دَعَوَا اللَّهَ رَبَّهُمَا لَئِنْ آتَيْتَنَا صَالِحًا لَنُكُونَنَّ مِنَ الشَّاكِرِيْنَ﴾

**189. У сизларни бир жондан яратган ва ором олсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир. Вақтики у (жуфтини) ўраганида енгил ҳомиладор бўлди. Бас, у билан юрди. У оғирлашганда эса, икковлон Роббилари Аллоҳга: «Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз», – деб дуо қилдилар.**

Ислом таълимоти бўйича, ҳамма одамларнинг асли бир. Уларни Аллоҳ бир жондан яратган. Унинг жуфти бўлмиш аёлни ҳам худди шу жоннинг ўзидан халқ қилган. Лекин бирини эркак, иккинчисини аёл қилишидан мақсад уларнинг бир тан, бир жон бўлиб «ором олиш»лари учундир. Агар инсон ушбу ҳақиқатга инсоф назари ила қараса, бу ҳолни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким қила олмаслигини англаб етади. Иймон келтиради. Аллоҳнинг айтган йўлида юради.

**«У сизларни бир жондан яратган ва ором олсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир».**

Инсонларни Аллоҳдан бошқа зот яратганини ким исбот қилиб бера олади? Ҳеч ким! Одамларнинг эркак ва аёл қилиб яратилиши-



нинг сабаби нимада эканлиги борасида турли ғоя тарафдорлари турлича жавоб берганлар. Ҳамма ҳам бу масалага доир ўз қарашларини баён этган. Масийҳийлар, аёл эркакни ифво қилиш учун яратилган шайтондир, деганлар. Уларда бир вақтлар аёлга назари тушган одам гуноҳкор ҳисобланган. Маълум замонларда Оврупада одам насли камайиб кетган. Баъзи бир тоифалар аёлга фақат жинсий майлни қондириш воситаси деб қараганлар. Кейинроқ, бошқалари унга арзон ишлаб чиқариш кучи, деб ҳам қаради.

Ислонда эса, эркак ва аёлнинг асли бир, уларни Аллоҳ таоло бир жондан яратган. Уларнинг вазифалари икки хил бўлиши – бир-бирларидан ором олишлари, оила деб номланган ошёнда истиқрор, хотиржамлик ва унсу улфат топишлари учундир.

Эркак билан аёлнинг ҳалол йўл билан қўшилиб, бир оила бўлиб яшашларининг самараларидан бири фарзанддир. Буни ушбу оятда юқори одоб йўли билан:

**«Вақтики у (жуфтини) ўраганида, енгил ҳомиладор бўлди»,** деб англатмоқда.

Яъни, аёл киши янги ҳомиладор бўлганида, ҳомила енгил бўлади. Унинг оғирлиги онага у қадар оғир ботмайди.

**«Бас, у билан юрди».**

Яъни, она ҳомила билан маълум муддат юрди.

**«У оғирлашганида эса, икковлон Роббилари Аллоҳга: «Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз», – деб дуо қилдилар».**

Вақт ўтган сари ҳомила катталашиб бориб, она оғирлашади. Туғиш вақти яқинлашади. Ана шу пайтда отада ҳам, онада ҳам фитрий ҳис-туйғулар ошади, уларда орзу-умид пайдо бўлиб, фарзандларининг соғ-саломат, тўла-тўкис ва аҳли солиҳлардан бўлишини орзу қиладилар. Шунингдек, уларда онанинг эсон-омон қутулиб олиши ҳақида ҳадиклари ҳам бор. Ҳар нечук, инсон орзу-умид паллаларида Аллоҳга илтижо қилади. Ота-онада эса, ҳам орзу-умид, ҳам ҳадик бор. Улар шунинг учун ҳам:

**«Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз», – деб дуо қилдилар.**

فَلَمَّا أَتَاهُمْ صَلَاحًا جَعَلُوا لَهُ شُرَكَاءَ فِيمَا آتَاهُمَا فَتَعَالَى اللَّهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿١٩٠﴾

**190. Уларга солиҳ (фарзанд)ни берганида эса, Аллоҳ берган нарсада Унга шериклар қила бошларлар. Аллоҳ улар келтирган ширкдан олийдир.**

Яъни, фарзанд эсон-омон дунёга келганидан кейин унинг фақат Аллоҳ хоҳлаганидек бўлишига ҳаракат қилишмайди. Бола ва унинг тарбиясига доир юмушларда ширкка йўл қўйишади.

Қуръони Карим нозил бўлаётган даврда одамлар ўз болаларини баъзи бутларга назр қилардилар. Уларга шундай маъноларни акс эттирадиган исмларни қўяр эдилар. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар учраб туради. Болага турли мақсадлар асосида ном қўйиш ёхуд фақат шу жиҳатларга эътибор бериш, ушбу ҳолатга мослаб тарбия қилиш кенг тарқалган. Жоҳил инсонлар аҳволлари офир пайтларда Аллоҳга ёлборганларини, боламизни соғ-саломат қўлимизга олсак, Аллоҳга шукр қиламиз, деб берган аҳду паймонларини унутиб, бошқа турли-туман ширк йўлидаги орзу-ҳавасларга берилиб кетадилар. Натижада, Аллоҳ берган неъмат — фарзандда ўша валати орзу ҳаваслар камол топиши учун ҳаракат қиладилар. Бу нарса Қуръони Каримда ширк деб номланмоқда.

**«Аллоҳ улар келтирган ширкдан олийдир».**

أَيْشِرُّكُمْ مَا لَا يَخْلُقُ شَيْئًا وَهُمْ يُخْلِقُونَ ﴿١١٦﴾

### **191. Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, ўзлари яратиладиган нарсаларни ширк келтирурларми?**

Ота-оналар ёхуд ўша боланинг камолотига дахлдор барча кишилар Аллоҳга шерик қиладиган нарсалари нима бўлишидан қатъи-назар, ҳеч нарсани ярата олмайдилар. Балки, уларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг қудрат қўли билан яратилгандирлар. Шундай экан, қандай қилиб уларни Аллоҳга ширк қилиш мумкин?

وَلَا يَسْتَطِيعُونَ لَهُمْ نَصْرًا وَلَا أَنْفُسُهُمْ يَنْصُرُونَ ﴿١١٧﴾

### **192. Ва уларга ёрдам беришга қодир эмаслар ҳамда ўзларига ҳам ёрдам бера олмаслар.**

Яъни, Аллоҳга ширк қилиб келтирилаётган ўша нарсалари бировга ёрдам бериш у ёқда турсин, ҳатто ўзига ҳам ёрдам беришга қодир эмас.

Уламоларимиз ушбу ояти каримадан фоят нозик масалани мулоҳаза қилганлар. Оят таркибида араб тили нуқтаи назаридан, ақлли нарсалар, яъни, инсонлар хусусида қўлланиладиган феъллар ишлатилган. Бундан мушриклар Аллоҳга ширк қилиб келтираётган нарсалар умумий тушунчадаги бут ва санамларгина эмас, балки одам-

лардан ҳам иборат экани маълум бўлади. Исломдан олдиндаги жоҳилият пайтида эса, одамга сиғиниш бўлмаган. Демак, бу ўринда одамни Аллоҳга ширк келтириш дегани одам чиқарган ҳукмларга амал қилиш деганидир.

Аллоҳ берган фарзандни Аллоҳ йўлида, Унинг розилигини топадиган, айтганини адо этадиган қилиб тарбияламаслик, аксинча, бошқа йўлда, яъни, Аллоҳдан ўзганинг розилигини топиш учун, ул Зотдан бошқанинг айтганини қиладиган этиб тарбиялаш Аллоҳга ширк келтириш демақдир.

Юқоридаги ояти карималарда ота-онанинг мисолида, тўғри йўлдан чалғиб ширк кўчасига кириб кетишнинг, на фойда, на зарар ва на мадад ҳам бера олмайдиган нарса ва шахсларни Аллоҳга ширк қилиб келтиришнинг оқибатсизлиги баён қилинди, энди бевосита мушрикларга хитоб қилинади:

وَإِن تَدْعُوهُمْ إِلَى الْهُدَىٰ لَا يَتَّبِعُوكُمْ سَوَاءٌ عَلَيْكُمْ أَدَعَوْتُمُوهُمْ أَمْ أَنْتُمْ صَالِمُونَ ﴿١٩٣﴾

**193. Агар уларни ҳидоятга даъват қилсангиз, сизга эргашмаслар. Уларни даъват қиласизми ёки жим турувчи бўласизми, сиз учун барибир.**

Бу оятда мушрикларнинг эсини жойига келтириб қўядиган ҳақиқат бордир: ўзлари ясаб олган буту санамларга эътибор кўзи билан қарашга чақириқ бордир.

**«Агар уларни ҳидоятга даъват қилсангиз, сизга эргашмаслар».**

Чунки, уларнинг қулоқлари йўқ, даъватни тинглай олмайдилар. Уларнинг ақллари йўқ, даъватни англай олмайдилар.

**«Уларни даъват қиласизми ёки жим турувчи бўласизми, сиз учун барибир».**

Сиз эса, уларни Аллоҳингизга ширк келтириб юрибсиз.

إِنَّ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ عِبَادٌ أَمْثَالِكُمْ فَأَدْعُوهُمْ فَلْيَسْتَجِيبُوا لَكُمْ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٩٤﴾

**194. Албатта, сиз Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётганлар ўзингизга ўхшаш бандалардир. Агар ростгўй бўлсангиз, уларни чақириб кўринг, бас, сизга жавоб берсинлар-чи!**

Аллоҳ таоло араб мушрикларига улар илтижо ва ибодат қилаётган бут ва санамлар ҳақида маълумот бермоқда. Мушриклар «худо»

деб эътиқод қилаётган буту санамлар ибодатга муносиб эмаслар, балки улар ҳам Аллоҳ томонидан яратилган ва Унинг амрида юрадиган нарсалардир. Уларга сиғинган инсон Аллоҳга эмас, ўзига ўхшаган махлуққа ибодат қилган бўлади.

Агар сиз уларни ҳақиқатда «худо» деб билсангиз у (бут)ларни чақириб кўринг, бас, сизга жавоб берсинлар-чи! Албатта, жавоб бера олмайдилар. Ўзига «худо» деб эътиқод қилаётган одамларнинг чақириғига жавоб бера олмаган нарса қандай қилиб Худо ёки Худода шерик бўла олади?!

أَلَمْ أَرْجُلُ يَمْشُونَ بِهَا ۖ أَمْ لَهُمْ أَيْدٍ يَبْطِشُونَ بِهَا ۖ أَمْ لَهُمْ أَعْيُنٌ يُبْصِرُونَ بِهَا ۖ أَمْ لَهُمْ آذَانٌ يُسْمَعُونَ بِهَا ۖ قُلْ ادْعُوا شُرَكَاءَكُمْ ثُمَّ كِيدُوا فَلَا تُنظِرُونَ ﴿١٩٥﴾

195. Ёки уларнинг оёқлари бормики, юрсалар; ёки қўллари бормики, ушласалар; ёки кўзлари бормики, кўрсалар; ёки қулоқлари бормики, эшитсалар. Сен: «Шерикларингизни чақириг-да, менга ҳеч муҳлат бермай, зиддимга ҳийла-найранг қилаверинг!

إِنَّا نَحْنُ اللَّهُ الَّذِي نَزَّلَ الْكِتَابَ وَهُوَ يَتَوَلَّى الصَّالِحِينَ ﴿١٩٦﴾

196. Албатта, менинг валий – эгам Китобни нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳларни дўст тутадир.

وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ لَا يَسْتَجِيبُونَ نَصَرَكُمْ وَلَا أَنْفُسَهُمْ يَبْصُرُونَ ﴿١٩٧﴾

197. Ундан ўзга сиз ибодат қилаётганлар сизга ёрдам беришга қодир эмаслар ва ўзларига ҳам ёрдам бера олмаслар.

وَإِنْ تَدْعُهُمْ إِلَى الْهُدَىٰ لَا يَسْمَعُوا وَتَرْتَهُمْ يَنْظُرُونَ إِلَيْكَ وَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ ﴿١٩٨﴾

198. Агар уларни ҳидоятга даъват қилсангиз, эшитмаслар. Уларни сенга назар солиб тургандек кўрасан. Ҳолбуки, улар кўрмаслар», – деб айт.

Бутларнинг юрадиган оёқлари ҳеч қачон бўлмаган, гарчи «бандалари» уларга тошдан ёки ёғочдан катта-катта оёқ шакллари ясаган бўлсалар ҳам. Шунингдек, бутларнинг ушлайдиган қўллари,

кўрадиган кўзлари ва эшитадиган қулоқлари йўқ. Шундай экан, қандай қилиб улар худо ёки худога шерик бўла оладилар? Ҳеч мумкин эмас. Шундан сўнг, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга мушрикларга қарата қўйидаги ҳароратли сўзларни айтишни амр қилади:

**«Шерикларингизни чақиринг-да, менга ҳеч муҳлат бермай, зиддимга ҳийла-найранг қилаверинг!»**

Қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Сиз жонсиз, ўз қўлингиз билан ясаб олган бутларингизга ишонсангиз,

**«Албатта менинг валий – эгам Китобни нозил қилган Аллоҳдир».**

У ҳамма нарсага қодир. У Ўзи эга бўлган бандаларини сиз ва сизнинг бутларингизнинг ҳийла-найрангларидан қутқариб олади. У китоб нозил қилиб, бандаларини тўғри йўлга, нажот йўлига бошлаб қўйган.

**«У солиҳларни дўст тутадир».**

Аллоҳ Ўз дўстларини ҳимоя қилиб олади. Аммо сизларнинг аҳволингиз офир. Чунки,

**«Ундан ўзга сиз ибодат қилаётганлар сизга ёрдам беришга қодир эмаслар ва ўзларига ҳам ёрдам бера олмаслар».**

Ўзини ўзи ҳимоя қилишга қодир бўлмаган нарса бошқани қандай қилиб ҳимоя қилсин! Ахир, уларнинг жони йўқ-ку!

**«Агар уларни ҳидоятга даъват қилсангиз, эшитмаслар».**

Чунки, эшитадиган қулоқлари йўқ.

**«Уларни сенга назар солиб тургандек кўрасан. Ҳолбуки, улар кўрмаслар».**

Чунки, кўрадиган кўзлари йўқ. Ушбу ҳақиқатларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларнинг юзларига рўй-рост айтдилар. У зотга эргашган мўмин-мусулмонлар ҳам ҳар доим барча мушрикларга айтиб келишмоқда. Бундан кейин ҳам айтаверадилар.

«Аъроф» сурасининг сўнгида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва барча мўмин-мусулмонларга қўйидаги илоҳий кўрсатмалар нозил этилади:

خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ

**199. Кечиримли бўл, яхшиликка буюр ва жоҳиллардан юз ўгир.**

Яъни, ўзаро муомала-муносабатда кечиримли бўл, осон йўлни тут. Одамларга нисбатан ўта талабчан бўлма. Қилган хатоларини афв этувчи, кенг бағирли бўл.

Ҳақиқатан ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сифатни муборак шахсларида мужассам қилган эдилар. Ул зот ҳақидаги ривоятларда кишини ҳайрон қолдирарли даражадаги ҳолатлар зикр этилган. Ул зотнинг саҳобаи киромлари, ҳақиқий мўмин-мусулмонлар ҳам доимо ояти каримада таъкидланганидек бўлишга, ана шу қоида асосида яшашга астойдил ҳаракат қилганлар.

**«Яхшиликка буюр».**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватлари яхшиликка буюрадиган даъватдир. Ислом динида яхшиликка буюриш ҳар бир мусулмон эр ва муслима аёлга фарз қилингандир.

**«Жоҳиллардан юз ўғир».**

Жоҳиллик нодонлик, илмсизликдир. Ислом мусулмонларни нодонлик ва нодонлардан, илмсизлик ва илмсизлардан юз ўғиришга, ҳар қачон донолик ва доноларга, илму уламоларга юз тутишга даъват қилади.

وَأَمَّا يَنْزَغَنَّكَ مِنَ الشَّيْطَانِ نَزْعٌ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ إِنَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

**200. Агар сенга шайтон томонидан санчиш санчилса, Аллоҳдан паноҳ сўра. Албатта, У яхши эшитувчи ва яхши кўрувчи Зотдир.**

Яъни, жоҳиллар билан муомала қилиш мушкул иш. Улардан ҳар нарсани кутиш мумкин. Мабодо, ўшандай муомала чоғида бирор кўнгилсизлик содир бўлиб, шайтон васваса қиладиган бўлса, қизишмасдан, дарҳол Аллоҳдан паноҳ сўра. У энг яхши эшитувчи Зот, сўровингга дарҳол жавоб беради. У энг яхши кўрувчи Зот, ҳамма нарсани кўриб турибди. Ўзи билиб ҳисоб-китоб қилади.

إِنَّ الَّذِينَ اتَّقَوْا إِذَا مَسَّهُمْ طَئِفٌ مِّنَ الشَّيْطَانِ تَذَكَّرُوا فَإِذَا هُمْ مُبْصِرُونَ

**201. Тақво қилувчилар, агар уларга шайтондан бир шарпа етса, албатта, зикр қиларлар, бас, кўрибсанки, улар (тўғри йўлни) кўрувчи бўлиб турибдилар.**

Сураинг аввалида шайтон қандай йўл билан Одам алайҳиссаломни жаннатдан чиқаришга эришгани, шунингдек, шайтоннинг васвасаси Одам боласи тақдирида тўхтовсиз давом этиб туриши ҳам айтиб ўтилган эди. Лекин шайтон нима қилганда ҳам васвасадан нарига ўта олмайди. Агар ўзича билиб ҳаракат қилса, ҳар бир инсон учун шайтоннинг васвасасидан қутулишнинг осон йўли бор. Бунинг учун у мўмин-мусулмон, тақводор бўлса бўлди.

Мазкур

**«Тақво қилувчилар, агар уларга шайтондан бир шарпа етса, адбатта, зикр қиларлар»** (яъни, уларга шайтонинг васвасаси етса, дарҳол Аллоҳни зикр қиладилар).

**«...бас, кўрибсанки, улар (тўғри йўлни) кўрувчи бўлиб турибдилар».**

Аллоҳни зикр қилиш, ҳар доим эслаб юриш шайтонга қарши энг ишончли ва кучли қуролдир.

Демак, шайтондан бирор бир шарпа (васваса, иғво ва ғазаб) етиши жаҳолат, кўрлик ва нодонликка бошлайди. Аллоҳнинг зикри эса, илм-маърифат, кўзи очиқлик ва оқиллик манбаидир.

Аммо, шайтон биродарларининг аҳволи бошқача:

وَإِخْوَانُهُمْ يَمُدُّوهُمْ فِي الْغَيِّ ثُمَّ لَا يَقْصِرُونَ ﴿٧٢﴾

**202. Ва у(шайтон)ларнинг биродарлари йўлдан оздиришда уларга мадад берарлар, сўнгра бунда тўхтамаслар.**

Шайтони лаъиннинг биродарлари инсонлардан ҳам, жинлардан ҳам бўлади. Улар тинмай иғво қиладилар, одамларни йўлдан оздиришга уринадилар. Баъзилари эса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан мўъжиза келтиришни талаб қилишдан тўхтамайдилар.

وَإِذَا لَمْ تَأْتِهِمْ بِثَآئِةٍ قَالُوا لَوْلَا أٰجْتَبَيْتَهَا قُلْ إِنَّمَا أَتَّبِعُ مَا يُوحَىٰٓ إِلَيَّ مِنْ رَبِّي هَٰذَا بَصَآئِرٌ مِّنْ رَبِّكُمْ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٧٣﴾

**203. Ва агар уларга мўъжиза келтирмасанг, «Ўзинг тўқиб қўявермайсанми?» – дерлар. Сен: «Мен фақат Роббимдан ваҳий қилинган нарсага эргашаман, холос. Мана бу – иймон келтирувчи қавм учун Роббингиздан кўз очувчи, ҳидоят ва раҳматдир», деб айт.**

Маълумки, даъво қилинган мўъжиза келтирилгандан сўнг ҳам иймонга келмаган даъвогар қавмни охиригача ҳалок қилиб битириш Аллоҳ таолонинг одати. Охирги уммат бўлмиш Уммати Муҳаммадийяни бундай азобга дучор қилиш Аллоҳнинг иродасида йўқ. Шунинг учун, мушрикларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан мўъжиза келтириш ҳақидаги талабларига жавоб берилмаган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу чиркин мўъжизапарастларга, Аллоҳ сиз талаб қилган мўъжизани юборишни ирода қилмаган, десалар, улар, ўша мўъжизани «Ўзинг тўқиб қўявермайсанми?» – дейдилар.



**«Ва агар уларга мўъжиза келтирмасанг, «Ўзинг тўқиб қўявермайсанми?» – дерлар».**

Бу гаплар уларнинг нечоғли нодон, нечоғли калтафаҳм эканларини кўрсатиб турибди. Ўзларининг бузғунчилик, куфр ва Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқишлари етмаганидек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам ёлғондан мўъжиза тўқиб, Аллоҳга нисбат беришни таклиф қилмоқдалар. Улар Пайғамбарлик вазифасини ҳам тушунишни хоҳламайдилар. Ҳолбуки, ўзидан бир нарсани тўқиб, Аллоҳга нисбат бериш катта жиноят, Пайғамбарга тўғри келмайдиган иш. Ушбу ҳақиқатни уларга тушунтириш учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидагиларни айтиш амр этиляпти:

**«Мен фақат Роббимдан ваҳий қилинган нарсага эргашаман, холос».**

Ўзимдан бир нарсани тўқимаيمان. Таклиф қилиб киритмайман. Сизга ўхшаганларнинг гапларига ҳам юрмайман.

**«Мана бу – иймон келтирувчи қавм учун Роббингиздан кўз очувчи, ҳидоят ва раҳматдир», деб айт.**

Яъни, ушбу Қуръон, сиз талаб қилаётган барча моддий мўъжизалардан устун турадиган маънавий мўъжизадир. Унинг мўъжизалигини англаб етиш учун кишида иймон бўлиши керак. Ана ўшандагина ушбу Қуръони Карим унинг учун Кўз очувчига айланади – ҳамма соҳада кўзини очиб қўяди. Энг муҳими, қалб кўзини очади.

Шу билан бирга, ушбу Қуръони Карим Ҳидоятдир: ундан бошқадан ҳидоят излаган адашади. Ҳидоятнинг ҳаммаси, энг олийси шу Қуръондир. Ким ҳидоят изласа, Қуръондан изласин, топади.

Яна, бу Қуръон Раҳматдир. Раҳмат бўлганда ҳам, Роббил Оламийндан бўлган раҳматдир. Бу дунё ва у дунё учун ҳам раҳматдир. Инсонлар бу улкан ҳақиқатни тушуниб етмоқлари лозим. Бас, шундай бўлганидан кейин:

وَإِذَا قُرِئَ الْقُرْآنُ فَاسْتَمِعُوا لَهُ وَأَنْصِتُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٢٠٤﴾

**204. Қуръон тиловат қилганда, уни тингланглар ва жим туринглар, шояд, раҳматга эришсангиз.**

Ушбу оятдан уламоларимиз Қуръони Карим тиловат қилинганда унга жим туриб қулоқ осиш вожиблиги ҳақидаги ҳукмни чиқарганлар. Ҳанафий мазҳаби уламолари эса, намозда имом қироат қилганида, иқтидо қилувчилар жим қулоқ осиши лозим, деб ҳукм чиқарганлар. Умуман, Қуръон Аллоҳнинг каломи, уни ўқиш, тинглаш,

ўрганиш ва унга амал қилиш зарурий ишдир. Ҳар бирининг ўзига яраша зарурати ва ҳаловати бор.

Ушбу ояти каримани ўрганар эканмиз, беихтиёр, кейинги пайтларда Қуръони Карим бўйича ўтказилган илмий теширишлар ҳақидаги маълумотлар хотирга тушади. Илм тараққий этган юртлардан бирида инсоннинг руҳий ўзгаришларини ўрганаётган олимлар қизиқарли бир тажриба ўтказганлар. Улар тажриба учун тўрт кишини олганлар. Уларнинг бири араб бўлиб, ўз тилини яхши биладиган эътиқодли мусулмон; иккинчиси, ўз тилини яхши биладиган араб, аммо мусулмон эмас; учинчиси, эътиқодли мусулмон, аммо араб тилини билмайди; тўртинчиси эса, араб тилини ҳам билмайди, мусулмон ҳам эмас. Тажриба ўтказувчи олимлар буларнинг тўртовларига ҳам Қуръони Карим тиловатини эшиттириб, уларда содир бўлаётган руҳий ўзгаришларни кузатганларида, ҳаммаларида ажойиб бир ўзгариш содир бўлаётганини кашф қилганлар.

Бундан бир минг тўрт юз йил аввал ҳам араб мушрикларининг одамларни Қуръон эшитишдан қаттиқ ман қилиб қўйишлари, эшитган одамнинг унга эргашиб кетишидан қўрқишлари бежиз эмас экан. Одамларни Қуръон тинглашдан ман қилган Қурайш зодагонларининг бири-биридан беркиниб, тунлари Қуръон тиловатига қулоқ осишлари ҳам бежиз эмас экан. Бугунги куннинг худосизлари ҳам, одамлар маъносини тушунмаса-да, уларнинг қўлларидан Қуръонларини тортиб олишлари, Қуръон тиловатини бутунлай ман қилишлари ҳам бежиз эмас экан.

Қуръон аҳли бўлиш бахтига эришган, шайтон васвасасидан сақланмоқчи бўлган кишиларга Аллоҳ таоло қўйидагича амр қилади:

وَأذْكُر رَبَّكَ فِي نَفْسِكَ تَضَرُّعًا وَخِيفَةً وَدُونَ الْجَهْرِ مِنَ الْقَوْلِ بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ وَلَا تَكُن مِّنَ الْغَافِلِينَ ﴿٢٠٥﴾

**205. Роббингни эртаю кеч ичингда тазарруъ-ла, қўрқиб, овоз чиқариб гапирмай зикр қил ва ғофиллардан бўлма.**

Яъни, Аллоҳни доимо зикр қилиб юр. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани эшитиб турувчи Зот. Унга қарата баланд овозда дуо ёки зикр қилишнинг ҳожати йўқ. Энг муҳими, зикр бардавом бўлиши ва дилдан чиққан, тазаррули бўлиши шарт. Акс ҳолда, инсон ғофиллардан бўлиб қолади.

إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ رَبِّكَ لَا يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِهِ وَيُسَبِّحُونَهُ وَلَهُ يَسْجُدُونَ ﴿٢٠٦﴾

**206. Роббинг ҳузуридагилар, албатта, Унинг ибодатидан мутакаббирлик қилмаслар, Уни поклаб ёд этадилар ва Унга сажда қиларлар.**

Аллоҳга доимо ибодат қилиш, Унинг ибодатидан шайтоний кибрилла бош тортмаслик фаришталар амали. Фаришталар доимо Аллоҳга тасбеҳ айтадилар, Унга сажда қиладилар. Инсон ҳам ушбу ишларни ўзига лозим тутса, фаришталардан ҳам юксак мақомга эришади.

Ушбу ояти карима Қуръондаги биринчи сажда ояти ҳисобланади. Маълумки, ўн тўрт сурада сажда оятлари келган. Дониш аҳли бу оятларни яхши биладилар. Ҳар бир Қуръон китобида бу ояти карималарга алоҳида белгилар қўйилган. Ушбу сажда оятларини ўқиган ёхуд эшитган шахсларга тиловат саждаси вожиб бўлади. Шунингдек, имом намозда тиловат қилса ҳам, сажда лозим бўлади. Агар бир сажда ояти бир ўринда бир неча марта тиловат қилинса, тиловат саждаси бир карра жоиздир. Аммо, бир неча ўринда тиловат қилинса, унинг сонига мувофиқ сажда қилинади. Тиловат саждасида: «Аллоҳу акбар» деб бир марта сажда қилинади. Сўнг, дуоси ўқилади. Мазкур сажда оятларида Аллоҳни улуғлаш, Унга сажда қилиш маънолари бўлганидан, уларни ўқиган ёки эшитган мусулмонларга сажда қилиш вожиб бўлгандир.



## АНФОЛ СУРАСИ

*Мадийнага нозил бўлган. 75 оятдан иборат.*

«Анфол» сўзи «нафл»нинг жами бўлиб, «зиёда» маъносини англатади. Қуръон истилоҳида эса, кофирлар билан бўлган урушда қўлга киритилган ўлжаларга нисбатан ишлатилади. Сураи каримада ўлжалар ҳақида, уларнинг ҳукми масаласида сўров-жавоб бўлганидан, суранинг ўзи ҳам ушбу ном ила аталиб қолган. Сураи карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадийнаи Мунавварага ҳижратларининг иккинчи йили, аниқроғи, ҳижратдан ўн тўққиз ой ўтиб, Рамазон ойида бўлган катта Бадр урушидан сўнг туша бошлаган. Албатта, бошқа суралар каби, бу сураи карима ҳам бир йўла эмас, балки бўлак-бўлак ҳолда, турли вақтларда нозил бўлган.

«Анфол» сурасида Бадр уруши ҳақида ҳам гап боради. Маълумки, нафақат Ислом тарихида, балки бутун инсоният тарихида Бадр урушининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу уруш бўлиб ўтган кунни Аллоҳ таоло «Фурқон кун» - ҳақ билан ботилни фарқ қиладиган кун, деб номлаган. Шу кун Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга Ислом тарихидаги биринчи улкан ғалабани берди. Бу ғалаба уларнинг узоқ йиллик сабр-бардошлари эвазига берилган илоҳий мукофот эди.

Аслида, воқеа бундай бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Абу Суфён ибн Ҳарб бошлиқ Макка мушрикларининг ўттиз ёки қирқ кишилиқ карвони Шомдан келаётгани ҳақида хабар етди. Бу катта карвонда қурайшликларнинг молу мулклари, тижоратлари бор эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни қизиқтириб: «Мана Қурайшнинг карвони, мол-мулки. Унинг йўлига чиқинглар, шоядки, Аллоҳ таоло бу мол-мулкни сизларга ўлжа қилиб берса», — дедилар. Баъзи кишилар кўнгилли бўлиб чиқишга қарор қилдилар. Айримлар боргиси келмади. Чунки, улар, ўртада уруш чиқади деб, ўйламаган эдилар. Бадрга отланган мусулмонлар уч юз ўн етти нафар эдилар. Шулардан саксон олти таси муҳожирлардан, олтмиш битгаси ансорийларнинг Авс ва бир юз етмиштаси Ҳазраж қабиласидан эди. Авсликлар ҳазражийларга қараганда шижоатли, урушга сабри эдилар. Аммо, сафар масаласи

тўсатдан пайдо бўлгани ҳамда яшаш жойлари ҳам Мадийнанинг тепароқ қисмида эканлиги сабабидан авсликлар бу гал Бадрга ҳазражликларга нисбатан озчилик бўлиб чиқдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг улови тайёр бўлса, биз билан юрсин», — дедилар. Улови Мадийнадан узоқроқда бўлганлар, бориб уловларини олиб келгунча кутиб туришни сўрашган эди, кўнмадилар. Мусулмонлар, юқорида айтилгандек, урушни кутмаган, унга тайёргарлик ҳам кўрмаган эдилар. Лекин Аллоҳ таоло уларни душман билан тўсатдан тўқнаштирди.

Абу Суфён Ҳижозга яқинлашган сари сергакланиб, ҳар бир хабарга аҳамият билан қулоқ солиб келаётган эди. Карвон бирор кутилмаган ҳолга дуч келмасин деб, ўтган-кетганлардан маълумотлар тўпларди. Баъзи йўловчилар унга: «Муҳаммад саҳобаларини сенга ва сенинг карвонингга қарши оёққа тургазмоқда», деган хабарни етказди. Абу Суфён ҳушёр тортди. Замзам ибн Амр Фифорий исмли одамни ёллаб, Маккага жўнатди. «Муҳаммад саҳобалари билан йўлимизни тўсиб чиқди, ким Қурайшнинг молу мулкини ҳимоя қилмоқчи бўлса, зудлик билан етиб келсин!» деган хабар йўллади. Замзам ибн Амр шошилинич Маккага томон йўл олди.

У Маккага дод-вой солиб кириб борди. «Эй Қурайш жамоаси! Ибн Фолиб фарзандлари, Муҳаммад саҳобалари билан карвонларингизнинг йўлини тўсди. Ёрдам!!! Ёрдам!!! Аллоҳга қасамки, борсангиз, туяларнинг қулоғи кесилган, одамларнинг кўйлаги йиртилган, юклари таланган ҳолда кўрасиз!» — дер эди. Қурайшнинг тинчи бузилди, улар тезда ҳаракатга тушиб қолдилар. Икки кун ичида урушга тайёр бўлдилар. Кучлилари кучсизларига ёрдам берди. Суҳайл ибн Амр, Заъма ибн Асвад, Туъайма ибн Адий, Ҳанзала ибн Абу Суфён, Амр ибн Абу Суфёнлар маккаликларни урушга тарғиб қилишди. Суҳайл одамларга: «Эй Оли Фолиб! Муҳаммад ва ясриблик муртадлар карвонингизни, молу мулкингизни тортиб олишларига йўл қўясизми?! Кимга мол керак бўлса, мана, олсин, кимга куч керак бўлса, мана куч», — деди. Умайя ибн Абу Салт унинг мадҳига байт айтди.

Навфал ибн Муовия ад-Дайлий қурайшлик бойларнинг ҳузурига бориб, уларни қўшин жиҳози учун нафақа беришга даъват қилди. Абдуллоҳ ибн Робиъа унга: «Мана беш юз динор, хоҳлаган ерингга ишлат», — деди. Хувайтиб ибн Абдул Уззо икки юз динор берди. Қурол ва улов учун яна уч юз динор қўшди. Туъайма ибн Адий йигирмата туя ажратди. Қурайшликлардан сафарбарликка бормай қолганлар ўзлари ўрнига бирорта одам ёллаб юборар эди.

Замзам ибн Амр тушида Макка водийсидан қон оқаётганини кўрди. Отика бинти Абдулмуттолиб ҳам шундай бир туш кўрдик, унда ҳар

уйдан одам ўлишига ишоралар бор эди. Фикр-мулоҳазали кишилар урушга боришни хоҳламадилар. Айниқса, Ҳорис ибн Омир, Умаййа ибн Халаф, Утба ибн Робийъа, Шайба ибн Робийъа, Ҳаким ибн Ҳизом, Абул Бухтурий ибн Ҳишом, Али ибн Умаййа ибн Халаф, Осс ибн Муннабиҳлар умуман сафардан бош тортдилар. Абу Жаҳл уларни айблади Уқба ибн Абу Муъайт ва Назр ибн Ҳорис Абу Жаҳл тараф бўлишди.

Ниҳоят, юришга қарор қилдилар. Сафарларига чирманда билан қўшиқ айтадиган чўри қизларни ҳам олдилар.

Қаерда тўхтасалар, туя сўяр эдилар. Қўшинлари тўққиз юз элик нафар жангчидан иборат эди. Пиёдалар эғнидаги совутлардан ташқари, яна юзта отга биттадан совут ортиб олган эдилар. Улар етти юзта туяни ҳам Бадрга томон ҳайдаб борардилар. Юришлари жуда кибрили ва дабдабали эди.

Абу Суфён ҳам одамлари билан келаверди. Буларнинг карвонидо мингта туя бор эди. Мадийнага яқинлашган сари қўрқувлари ортиб бораверди ва юришни секинлатиб, Замзам ибн Амрнинг ёрдам олиб келишига кўз тика бошладилар. Бадрга етганларида Абу Суфён карвоннинг олдига ўтди. Миясига, пойлаб туришган бўлса-я, деган қўрқинчли фикр келди. Тезда йўналишни ўзгартириб, карвонни соҳил томон бурди-да, илдам кета бошлади. Бадр чап тарафда қолди.

Қурайшликлар ҳар қулай жойда бир тўхтаб, туя сўйиб, кўринганни меҳмон қилиб келишар эди. Уларнинг ҳузурига Абу Суфённинг чопари Қайс ибн Имруил Қайс келиб, карвонлари қутулиб кетганини билдирди. «Энди қайтаверар экансизлар. Ўзингизни Ясриб (Мадийна) аҳлига қатл эттирмангиз. Энди сизларга эҳтиёж йўқ. Карвон ва мол-мулкингизни ҳимоя қилиш учун чиққан эдингиз, Аллоҳ уларни қутқарди», – деди. У ҳар қанча уринмасин, қурайшликларни ортга қайтишга кўндиролмади. Абу Жаҳл: «Аллоҳга қасамки, Бадрга бориб, уч кун туриб, туяларни сўйиб, таомларни еб, ароқларни ичиб, чўрилардан қўшиқ эшитиб маишат қилмагунча, қайтмаймиз. Токи араблар доимо биздан қўрқиб турсинлар!» – деди. Қайс Абу Суфённинг олдига бориб, қурайшликлар йўлларидан қайтмаганини хабар қилди. Шунда Абу Суфён: «Ҳолинга вой қавмим! Абу Жаҳлнинг иши бу! У одамларга бошлиқ бўлиб, туғёнга кетди. Қайтишни хоҳламабди. Ҳаддан ошиш хато ва бадбахтликка олиб боради. Агар Муҳаммадга йўлиқсак, хор бўламиз», – деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари билан йўлга чиққанларида Рамазон эндигина кирган эди. Мусулмонларда бор-йўғи етмишта туя бўлиб, навбат билан миниб келишар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Ҳазрати Али ибн Абу Толиб ва Марсад ибн Абу Марсадлар бир туяни, Ҳамза ибн Абдулмуттолиб,



Зайд ибн Ҳориса, Абу Кабша ва Онисалар биргаликда бошқа биттасини, Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар ва Абдурроҳман ибн Авф учовлон яна бир туяни навбат ила минишар эди.

Бадрга яқинлашганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қурайшликларнинг ҳам шу ёққа келаётганликлари ҳақида хабар етди. У зот асҳоби киромлар билан маслаҳат қилдилар. Дастлаб Абу Бакр розияллоҳу анҳу туриб чиройли гаплар айтдилар. Сўнгра, Ҳазрати Умар туриб, у киши ҳам чиройли гаплар айтдилар. Жумладан: «Эй, Аллоҳнинг Расули! Қурайш иззатли бўлиб ўрганиб қолган. У азизликка эришганидан бери ҳеч хор бўлгани йўқ. Аллоҳга қасамки, у ўз иззатини ҳеч қачон бериб қўймайди. Сизга қарши, албатта, уруш қилади. Бунинг учун қиладиганини қилиб, тайёргарлигини кўриб қўйган», — дедилар.

Сўнгра, ал-Микдод ибн Амр туриб: «Эй, Аллоҳнинг Расули! Аллоҳнинг амрига юраверинг, биз сиз биланмиз. Биз Бани Исроилга ўхшаб: «Сен ва Роббинг икковларинг улар билан урушаверинглар, биз эса, бу ерда ўтириб турамиз», демаймиз. Сиз ва Роббингиз икковингиз уларга қарши уруш қилинглари, биз ҳам сизлар билан бирга жанг қиламиз. Сизни ҳақ ила юборган Аллоҳга қасамки, бизни Барқул Ғимодга (Яманнинг чеккасидаги бир жойга) бошласангиз ҳам кетаверамиз», — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хурсанд бўлиб, унинг ҳаққига яхши дуолар қилдилар. Шу билан бирга, Расулуллоҳ ансорийларнинг ҳам фикрини эшитишни хоҳладилар. Пайғамбар алайҳиссалом улар фақат шаҳар ичидагина менга ёрдам берсалар керак, деб ўйлар эдилар. Чунки, улар ҳижратдан олдин иккинчи Ақаба байъатида Расулуллоҳни ўзлари ва болаларини ҳимоя қилгандек ҳимоя этишга ваъда беришган эди. Шунинг учун ҳам, Расулуллоҳ: «Эй, одамлар, менга маслаҳат беринглари!» — дея нидо қилдилар. Шунда Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу туриб: «Эй, Аллоҳнинг Расули! Сиз бизни назарда тутяпсиз шекилли?» — деб сўрадилар. Пайғамбаримиз, шундай, деб жавоб қилдилар. Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу:

«Ўзингизга ваҳий қилинган ишдан бошқасига дучор бўлиб қолганга ўхшайсиз. Биз сизга иймон келтирганмиз. Тасдиқ этганмиз. Сиз келтирган нарсани ҳақ деб, шаҳодат берганмиз. Сизга қулоқ осиб, итоат қилишга аҳду паймон берганмиз. Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари, нимани хоҳласангиз, шуни қилаверинг. Сизни ҳақ ила юборган Аллоҳга қасамки, агар бир денгизни кўрсатиб, унга шўнғисангиз, биз ҳам орқангиздан битта қолмай шўнғиймиз. Кимни хоҳласангиз, ёнингизга олинг, хоҳламаганингиздан узоқроқ бўлинг. Молу-мулкимиздан ҳам истаганингизча олаверинг. Сиз олган молимиз ўзимизда қолганидан кўра суюклироқдир. Жоним қўлида



бўлган Зотга қасамки, бу йўлдан ҳеч юрганим йўқ, нима бўлишини ҳам билмайман. Аммо, эртага душманга йўлиқишдан қўрқмаймиз. Уруш вақтида сабр қиламиз. Тўқнашув пайтида сизга содиқмиз. Шоядқи, Аллоҳ бизга кўзингизни қувонтирадиган ишларни насиб этса. Тўғри, баъзи қавларимиз ортда қолди. Уларнинг сизга бўлган муҳаббати бизникидан кам эмас. Бизнинг сизга бўлган итоатимиз уларникидан кучли эмас. Аммо, улар, карвон учун кетилмоқда, деган ўй билан чиқмай қолдилар, холос. Сизга бир соябон қуриб, уловларингизни ўша ерга тўплайлик. Сўнгра, душманга рўпара бўлайлик. Агар Аллоҳ бизни азиз қилиб, душманимиз устидан ғолиб қилса, хўп яхши. Агар иш бошқача бўлса, унда туяларга минасиз-да, ортимизда қолганларга етиб оласиз», — дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам севинганларини билдириб: «Эй Саъд! Аллоҳ бундан ҳам яхши ҳукм қиладими», — деб марҳамат қилдилар.

Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳунинг нутқлари тамом бўлгандан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қани, Аллоҳнинг баракоти билан, юринглар! Аллоҳ менга икки тоифадан бирини ваъда қилди. Аллоҳга қасамки, мен у қавмнинг йиқиладиган жойларини кўраётгандекман», — дея мужда бердилар. Одамлар жангга дуч бўлишларини, улар қасд қилган карвон аллақачон ўтиб кетганини англадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гаплари қалбларда нусрат келишига ишонч туғдирди. Ўша куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам байроқ тикишга амр этдилар. Байроқлар учта эди. Бирини Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу кўтариб юрди. Қолган иккитасининг ранги қора бўлиб, уларни Али ибн Абу Толиб ва Саъд ибн Муозлар кўтаришди. Шунингдек, қурол ҳам ошкор қилинди. Ҳолбуки, Мадийнадан чиққанларида байроқ тикилмаган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рамазоннинг ўн еттинчи куни, жума кечаси хуфтон пайтида Бадрнинг қуйи томонига келиб тушдилар. Али, Зубайр, Саъд ибн Абу Ваққос ва Басбас ибн Амр розияллоҳу анҳумларни сув олиб келишга буюрдилар. Майда тошли кичик тепаликни кўрсатиб, «Менимча, ана шу тепалик олдидаги қудуқдан сув топасиз», — дедилар. Улар қудуқ олдида Қурайшнинг сув ташийдиган туялари ва мешкобчиларига дуч келдилар. Баъзилари мусулмонларни кўриб қочиб қолишди. Ажир (мардикор) Қурайш ҳузурига бориб: «Эй, Бани Ғолиб, анави Абу Кабшанинг ўғли (Расулуллоҳни назарда тутмоқда) ва унинг саҳобалари мешкобчиларингизни тутиб олиб кетдилар», — деди. Қурайш лашкаргоҳида ҳаяжон кўтарилди. Улар ғазабга миндилар.

Осмондан ёмғир ёғиб турар эди. Ўша кечаси Абу Ясар Убайда ибн Саъид ибн Оснинг қулини олиб келди. Мунаббих ибн ал-Ҳажжонинг қули билан Умайя ибн Халафнинг қули мусулмон бўлдилар.

Асирларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келтиришганида, у зот намоз ўқиётган эдилар. Улар: «Биз Қурайшнинг мешкобчиларимиз, бизни сув олиб келишга юборишган эди», — дедилар. Сўроқ қилаётганлар бу гапга ишонмай, ура кетишди. «Биз Абу Суфённинг одамларимиз, унинг карвонида эдик», деган эдилар, урушдан тўхташди. Расулulloҳ намозни тугатиб салом бердилар-да: «Агар сизга тўғриси айтишса, урасизлар, ёлгон гапиришса, тўхтайсизлар-а?!» — деб асирларга қарата савол бера бошладилар. Мешкобчилар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Қурайш ушбу тепаликнинг ортида эканини, ҳар куни тўққиз-ўнта туя сўяётганларини, Маккадан кимлар чиққанини айтиб беришди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уларнинг сони минг билан тўққиз юз орасида экан. Мана, Макка ўзининг жигаргўшаларини сизга қарши юборибди», — дея вазиятга баҳо бердилар.

Сўнгра, саҳобаларига қаерга жойлашиш ҳақида маслаҳат солдилар. Машваратда Ҳаббоб ибн Мунзир Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўради: «Эй, Аллоҳнинг Расули, бу жойга сизни Аллоҳ туширдими? Ундан силжишнинг иложи борми? Ёки уруш ва ҳийла учун тушдингизми?» Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уруш ва ҳийла учун тушган эдим», — дедилар. Ҳаббоб ибн Мунзир:

— Эй, Аллоҳнинг Расули, ундай бўлса, мушрикларга энг яқин қудуққа олиб боринг бизларни. Бу ер жанг қилишга ноқулай, ўша томонда эски бир қудуқ бор. Унинг суви ширин, ҳам тутамайди, кўп. Ундан идишларимизни сувга тўлдириб оламиз-да, жанг қилаверамиз, — деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳаббобнинг фикрини маъқуладилар. Ислоом лашкари Бадрдаги эски қудуқ ёнига бориб ўрнашди. Расули акрам кечаси билан намоз ўқиб чиқдилар. Бу оқшом жума кечаси бўлиб, Рамазон ойининг ўн еттинчиси эди. Ҳаббоб айтган ишлар амалга оширилди.

Аллоҳ таоло осмондан ёмғир ёғдирди. Мусулмонлар турган жойга ерни ҳўл қиладиган, аммо юришга ҳалақит қилмайдиган даражада ёғди. Қурайшликлар эса, ёмғир кўп ёққанидан юра олмай қолдилар. Улар қумлик жойга тушган эдилар. Ёмғир мўмин-мусулмонлар учун неъмат ва раҳмат, мушрикларга бало ва офат бўлди.

Ўша кеча мусулмонларни қаттиқ мудроқ босди. Ҳаммалари ухлаб қолдилар. Баъзиларининг боши эгилиб, кўксига тушиб қолса ҳам, сезмас эди. Ёнбошларига йиқилганларидагина ўзларига келардилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аммор ибн Ёсир ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳумоларни душман томонга вази-ятни ўрганиб келиш учун юбордилар. Икковлари яширинча Қурайш лашкарини айланиб чиқиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мушриклар қаттиқ қўрқинча эканининг, осмон ҳам уларни тинч қўймаётганининг хабарини етказишди.

Қудуқ бўйига жойлашганларидан сўнг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хурмо шохлари ва пўстлоғидан бир қароргоҳ, — қапа қурилди. Унинг эшиги олдида Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу қиличини яланғочлаб, қоровулликда турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уруш бўладиган манзилни айланиб чиқдилар. Саҳобаларига қурайшлик кофирларнинг бошлиқлари ўлдириладиган ўринларини кўрсатдилар. Мана бу фалончининг ўладиган жойи, мана бу пистончиники, деб бирма-бир айтиб чиқдилар. (Уларнинг ҳаммаси Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатган жойларда ҳалок бўлдилар.) Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафларни тўғриладилар. Кейин қароргоҳга қайтдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳам у киши билан бирга қапага кирдилар.

Тонг отганда Қурайш оёққа турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг тепалик томонидан келаётганини кўргач: «Эй, бор Худоё, мана бу Қурайш ўз кибриёси ва фаҳри ила Сенга қарши келмоқда. Сенинг Пайғамбарингни ёлғончи қилмоқда. Эй, бор Худоё, менга ваъда қилган нусратингни бер. Эй, бор Худоё, уларни...», — деб Роббиларига илтижо қилдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Утба ибн Робитанинг қизил туя миниб келаётганини кўриб, дедилар: «Агар қавмдан бирортасида яхшилик бўлса, шу қизил туя эгасида бўлади. Агар унга итоат қилсалар, тўғри йўл топадилар».

Улардан бир тўпи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳовузларига келиб тўхтадилар. Мушриклар орасида Ҳаким ибн Ҳизом ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уларга тегманглар», — дедилар. Ўша куни ким ҳовуздан сув ичган бўлса, ҳаммаси ҳалок бўлди. Фақат Ҳаким ибн Ҳизомгина тирик қолди. Кейинчалик Исломга кириб, яхши мусулмон бўлди.

Қурайшликлар бир оз нафасларини ростлаганларидан сўнг Умар ибн Ваҳб ал-Жамҳийни мусулмонларнинг сонини билиб келиш учун юбордилар. У қайтиб бориб: «Улар уч юз киши атрофида, лекин менга яна бир оз муҳлат беринглар, пистирмаси ёки мадад кучлари бор-йўқлигини билиб келаман», — деди.

Водийни роса айланди, анча ичкарига кириб кўрди. Қайтиб келиб қавмига шундай деди:

«Ҳеч нарса кўрмадим. Аммо, эй Қурайш жамоаси, балолар ўлимларни кўтариб келаётганга ўхшайди... У қавмнинг қиличидан бошқа қуроли йўқ, мавқе жиҳатдан устунликка ҳам эга эмас, беркинадиган жойи ҳам йўқ. Аллоҳга қасамки, уларнинг ҳар бири сиздан бир одамни қатл этмасдан туриб ўлмайди. Агар улар сиздан ўз сонларича одамни ўлдирсалар ҳам, бу дунёда юришингизда яхшилик қолмайди. Бир ўйлаб кўринглар».

Ҳаким ибн Ҳизом бу сўзларни эшитгандан сўнг одамлар ичида айланиб юриб, охири Утба ибн Робийъанинг олдига борди ва унга:

«Эй, Абу Валид, сен Қурайшнинг каттасисан, улуғисан, сенга итоат қилишади. Дунё турғунича номинг яхшилик билан ёд этилишини хоҳлайсанми?» — деди.

«Хўш, нима демоқчисан?»

«Одамларни бу йўлдан қайтар. Иттифоқдошинг Омир ибн Ҳазражийни ҳам қайтишга кўндир».

«Хўп, мен шундай қиламан. Сен менга ёрдам бер. У менинг иттифоқдошим, у талаб қилаётган хунни бераман, молининг зарарини ҳам тўлайман. Сен ибн Ҳанзалага (Абу Жаҳлга) бор. Одамларни бузса, ўша бузади, деб ўйлайман».

Сўнгра Утба ибн Робийъа баланд овозда сўзлай бошлади:

«Эй, Қурайш жамоаси! Аллоҳга қасамки, сизлар Муҳаммад ва унинг саҳобалари билан тўқнашиб, бирор яхшиликка эриша олмайсизлар. Аллоҳга қасамки, уни мағлуб этган тақдирингизда ҳам, одамларнинг юзига қарашга уяласиз. Биров амакиваччасини ўлдирса, бошқа биттаси тоғаваччасини, яна бири қариндошини ўлдирган бўлади. Қайтинглар, Муҳаммадни бошқа арабларга қўйиб беринглар. Агар уни енгсалар, сиз хоҳлаган иш бўлади, енголмасалар, ўзингизни хоҳламаган нарсангизнинг устида кўрасизлар».

Ҳаким ибн Ҳизом Абу Жаҳлнинг олдига борганида, у совутини олиб, кийишга тайёрлаётган эди. У:

«Эй, Абул Ҳаким, Утба мени сенинг олдинга юборди», — деб ўтган гаплардан Абу Жаҳлни хабардор этди. Шунда Абу Жаҳл: «Аллоҳга қасамки, Утба Муҳаммад ва унинг саҳобаларини кўриб, қўрқиб кетибди. Аллоҳга қасамки, Худо биз билан Муҳаммаднинг ўртасида Ўз ҳукмини чиқармагунча, йўлимиздан қайтмаймиз. Утбанинг ҳукми бизга керак эмас. Мусулмонларнинг орасида унинг ўғли ҳам бор, шунинг учун, сизларни қўрқитяпти», — деб Ҳакимнинг таклифини кескин рад этди.

Сўнгра, Омир ибн Ҳазражийга одам юбориб: «Анави иттифоқдошинг одамларни қайтариб олиб кетмоқчи. Сен ўч олиш лозимлигини яхши биласан, чунки уларнинг босқинчилигини ўз кўзинг

билан кўргансан. Тур, одамларга аҳд қилганингни билдир, укангни ўлдирганларини сўзла!» – деб тайинлади. Омир ибн Ҳазражий Абу Жаҳлнинг ташвиқи билан ўртага чиқди-да, «Вой Умарим!» – деб қичқира бошлади. Одамларни урушга қизиқтирди. Уларни Утба ибн Робийъа айтган гаплардан қайтарди. Мушриклардан Асвад ибн Абдул Асад Махзумий олдинга чиқиб (у бадхулқ, жаҳлдор одам эди), кибр билан бундай деди:

«Аллоҳга сўз бераманки, уларнинг ҳовузидан сув ичаман ё уни бузиб ташлайман ёки шу йўлда ўлиб кетаман!»

Бироқ Асвад ниятига етолмади. Унинг йўлини Ҳамза ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳу тўсиб чиқди. Илк тўқнашувдаёқ Ҳамза розияллоҳу анҳу унинг оёғини кесиб ташлади. Асвад чалқанчасига ағдарилиб тушди ва оёғидан шерикларига қараб қон отила бошладди. У сўзининг устидан чиқиш учун ҳовуз томон эмаклаб кетди. Ҳамза розияллоҳу анҳу орқасидан бориб, бир йўла ўлдириб қўяқолди.

Шундан кейин Утба ибн Робийъа укаси Шайба ва ўғли Валид билан олдинга чиқиб, мусулмонларни яккама-якка олишувга чақирди. Уларнинг қаршисига ансорийлардан уч йигит-Ҳориснинг ўғиллари Авф ва Муавваз ҳамда Абдуллоҳ ибн Равоҳалар чиқди. Мушриклар:

«Сизлар кимсизлар?» – деб сўрашди.

«Биз ансорийлармиз», – деб жавоб беришди улар.

«Бизнинг сизлар билан ишимиз йўқ!» – дейишди мушриклар.

Сўнгра: улардан бири:

«Эй, Муҳаммад! Бизга ўз қавмимиздан бизга тенг келадиган тузукроқ одамни чиқар!» – деб бақирди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Убайда ибн Ҳорис, тур! Эй Ҳамза, тур! Али, сен ҳам тур!» – дедилар.

Улар душманга рўбарў бўлишди. Мушриклар:

«Сизлар кимларсиз?» – деб сўрашди яна. Убайда:

«Мен Убайдаман», – деди. Ҳамза:

«Мен Ҳамзаман», – деди. Али:

«Мен Алиман», – деди. Шунда:

«Яхши, бизга тенг келадиган аслзодалардан экансизлар», – деб, рақибларига ташландилар.

Ёши ўтиб қолган Убайда Утба ибн Робийъа билан жанг бошлади. Ҳамза Шайбага, Али эса Утбанинг ўғли Валидга ҳамла қилди. Ҳамза бирпасда Шайба ибн Робийъани ер тишлатди. Али ҳам Валидни ўлдирди. Убайда билан Утба зарба бериб, бир-бирларини ярадор қилдилар. Ҳамза ва Али ёрдамга отилишди. Қиличлари билан Утбани чопиб ташлаб, шерикларини даст олдилар-да, орқаларига қайтдилар.

Сўнгра, икки тараф бир-бирига яқинлаша бошлади. Расулуллоҳ саҳобаларига буйруқ бўлмагунча жилмасликни амр қилдилар. «Агар улар яқинлашиб келсалар, камондан ўққа тутинглар», – деб тайинладилар. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафларни яна бир бор тўғрилаб, қапага қайтдилар. У киши билан бирга фақат Абу Бакр розияллоҳу анҳу кирдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан нусрат юборишини, ваъдасининг устидан чиқишини сўраб дуо қилдилар: «Эй, бор Худоё! Агар бугун ушбу жамоа ҳалок бўлса, ер юзида Сенга ибодат қиладиган одам қолмайди», – деб Роббиларидан мадад сўрар эдилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қапа ичида турганларида бир мудроқ босгандай бўлди. Сўнг кўзларини очиб: «Суюнавер, Абу Бакр! Аллоҳнинг нусрати етди. Ана, Жаброил отининг жиловидан тутиб келмоқда», – дея марҳамат қилдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг озод қилган қули Маҳжоъга камон ўқи тегиб жон берди. Шундай қилиб, биринчи шаҳидлик мақомига у эришди. Кейин, ҳовуздан сув ичаётганида томоғига ўқ санчилиб, Ҳорис ибн Сууроқа ҳам шаҳид бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб, одамларни шижоатлантириб:

«Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, кимда-ким сабр билан, савоб умидида олдинга интилиб, ортга қочмай уруш қилса ва ўлса, Аллоҳ уни жаннатга киритади!» – дедилар.

Жаннатнинг нақд хабарини эшитган Умайр ибн Ҳамом розияллоҳу анҳу:

«Оҳ, оҳ!!! Менинг жаннатга киришимга анавилар томонидан ўлдирилишим кифоями», – деди-да, қўлида еб турган хурмоларини ерга улоқтириб, қиличини суғурганича урушга кириб кетди ва шаҳид бўлди.

Икки томон бир-бирига тўқнашган пайтда Абу Жаҳл ҳам:

«Эй, бор Худоё! У қариндошлар орасини бузадиган, бунинг устига, бизга бутунлай нотаниш бўлган нарсани олиб келди. Бугун уни синдиргин!» – деб илтижо қиларди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳовучларини тўлдириб майда тош олдилар ва юзлари тескари бўлсин, деган маънодаги «Шаҳатил вужух!» калимасини айтиб, Қурайшга томон отдилар. Саҳобаларга, маҳкам туринглар, деб далда бердилар.

Мушриклар енгилди. Аллоҳ хоҳлаганича Қурайш бошлиқлари ўлдирилди, бир қисми асир олинди.

Одамлар асирларни ҳайдаб келаётганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қапада ўтирган эдилар. Саъд ибн Муоз розияллоҳу



анху бир гуруҳ ансорийлар билан қиличларини яланғочлаганча қапа эшиги олдида у зотни қўриқлаб туришарди.

Ўша куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга хитоб қилиб, дедилар:

«Мен билдимки, ҳошимийлар ва яна баъзи одамлар, урушга мажбуран олиб келинганлар. Бирортангиз ҳошимийни ўлдирмасин. Ким Абул Бухтирий ибн Ҳишом ибн Асадни кўрса, ўлдирмасин. Ким Аббос ибн Абдулмуттолибни кўрса, тегмасин. Уни мажбур қилиб олиб келишган».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абул Бухтирийни ўлдирмасликка амр этганларига сабаб, у Пайғамбаримизга Маккада ёмонлик қилмаган эди. Ундан озор ҳам, бирон ёмонлик ҳам етмаган эди. Бани Ҳошим ва Бани Муттолибга қарши қурайшликларнинг фитналарини амалдан қолдирганлардан бири у эди.

Асирларга оид ишлардан фориф бўлгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўликлар ичидан Абу Жаҳднинг жасадини топишни буюрдилар. Уни Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху жон берай деб турганда топди ва ўлдирди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўликларни эски қудуққа ташлашга амр қилдилар. Умаййа ибн Халаф совути ичида шишиб кетган эди, уни кўтариб бўлмади. Устидан тош ва тупроқлар билан кўмиб қўяқолишди. Сўнг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эски қудуқ олдида келдилар-да, мушрикларнинг жасадларига қарата: «Эй, қудуқда ётганлар, Роббингиз ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини билдингизми?! Мен Роббим ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини билдим» – дедилар. Саҳобалар: «Эй, Аллоҳнинг Расули, ўлик одамларга ҳам гапирасизми?» – деб ҳайратларини баён қилдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Батаҳқиқ, Роббиларининг ваъдаси ҳақ эканини билдилар», – деб жавоб қайтардилар.

Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жангоҳда қолган ашёларни тўплашга амр қилдилар. Ҳамма нарса тўпланди. Мусулмонлар ўша тўпланган нарсалар устида тортиша бошладилар. Уларни тўплаганлар, бу бизники, дедилар. Душман билан уруш қилиб, унинг ортидан қувиб кетганлар: «Аллоҳга қасамки, биз бўлмаганимизда, ҳеч нимага эгалик қилолмасдингиз. Душман билан биз урушдик, сиз эса бу нарсаларга эга чиқмоқдасиз» – деб эътироз билдирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўриқчилик қилганлар: «Аллоҳга қасамки, ўлжаларга биздан кўра ҳақлироқ эмассиз. Буларнинг ҳаммаси кўз олдимизда турди. Агар олсак, ким бизга монелик қиларди. Лекин Расулуллоҳга душман ҳужум қилиб қолмасин деб, қўриқлаб турганимиз учунгина олмадик, сиз биздан кўра ҳақлироқ эмассиз», – дедилар.



Шунда, Аллоҳ ўлжалар ҳақида оятларни нозил қилди.

Барча ўлжалар Расулуллоҳнинг қўлларига топширилди. Уларни қандай тақсим қилишни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи таълим берди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асирларни саҳобаларга тарқатдилар ва уларга яхши муомалада бўлишни тайинладилар.

Мисъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ўтиб кетаётса, туғишган укасини бир ансорий асир қилиб олиб кетаётган экан. Унга қараб: «Буни маҳкам ушла, онасининг молу дунёси кўп. Сендан сотиб олиши мумкин», — деди.

Ўша асир — Абу Азиз ибн Умайр айтадики: «Мени Бадрдан ушлаб, ансорийлар яшайдиган жойга олиб келишди. Агар уларга бирон егулик келтирилса, нонини менга бериб, ўзлари хурмо ер эдилар. Кимнинг қўлига нон тушса, менга келтириб берарди. Мен нонни қайтарсам, улар қўл ҳам теккизишмас эди».

«Анфол» сураси биз қисқача зикр қилиб ўтган Бадр ғазоти тўғрисида нозил бўлган. Аллоҳ таоло ушбу ғазотдаги воқеалар қиёматгача одамларга ибрат бўлиб қолишини ирода қилди.

Суранинг аввалида одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «анфол» — ўлжалар ҳақида сўрашгани айтилиб, орқасидан ўша саволга батафсил жавоб келади.

Сўнгра, Бадр урушида мўмин-мусулмонларга Аллоҳнинг Ўзи ёрдам бергани, уларга мадад бўлиши учун фаришталарни туширгани зикр қилинади.

Сура давомида уруш пайтида риоя қилиш лозим бўлган кўрсатмалар ҳақида ҳам сўз кетади. Турли ихтилофлардан сақланиш лозимлиги таъкидланади.

Омонатга хиёнат қилмаслик зарурлиги уқтирилиб, тақво қилганларга икки дунёда ҳам манфаат борлиги айтилади.

Шу билан бирга, кофирларнинг Маккада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан қилган душманликларига ҳам тўхтаб ўтилади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига бу дунёда бошқа Пайғамбарларнинг умматларига келганидек, оммавий азоб бўлмаслиги ҳақида хабар берилади.

Жоҳилият пайтидаги мушрикларнинг баъзи урф-одатлари ҳам тилга олинади ва танқид қилинади.

Сўнгра, яна ўлжалар ҳақида сўз юритилиб, уларнинг ҳукми баён этилади.

Бадр уруши куни мусулмонлар ва кофирлар эгаллаган мавқелар ҳақида ҳам сўз юритилади.

Кейин эса, душман билан тўқнашилганда собит туриш, қўрқмаслик ва доимо Аллоҳни зикр қилишлик уқтирилади. Талашиб-тортишишлардан ва ихтилофдан қайтарилади.

Шиддатли пайтларда шайтон кофирларни ташлаб қочиши ҳақида ҳам, аҳдни бузганлар ҳақида ҳам гап кетади.

Шундан сўнг, мусулмонлар учун энг муҳим ишлардан бири — душманга қарши тайёргарлик кўриб қўйиш зарурлиги масаласи кўтарилади ва ҳарбий ҳолатларга доимо шай туриш кераклиги уқтирилади. Мусулмон аскарларнинг маънавий, руҳий кучлари ҳам яхши тарбияланган бўлишига аҳамият берилади, тинчлик тарафдори бўлиш айтилади. Мўмин-мусулмонларнинг қалбларига Исломни сингдириш ҳақида оятлар келади.

Асирлар ҳақидаги ҳукмлар ҳам шу сурада эълон этилади. Ва, ниҳоят, сураи кариманинг охирида Ислом робитаси ҳақида сўз кетади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَنْفَالِ قُلِ الْأَنْفَالُ لِلَّهِ وَالرَّسُولِ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَصْلِحُوا ذَاتَ بَيْنِكُمْ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ

**1. Сендан ўлжалар ҳақида сўрарлар. Сен: «Ўлжалар Аллоҳ ва Пайғамбарникидир. Бас, Аллоҳга тақво қилинглр ва ўз ораларингизни ислоҳ этинглр. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат қилинглр», деб айт.**

Бадр ғазоти ҳақидаги юқорида келтирилган маълумотларда таъкидланганидек, «Анфол» сурасининг кўпгина оятлари мазкур уруш сабабидан нозил бўлгандир. Хусусан, дастлабки оятлар жангдан кейин ўлжа устида мусулмонлар орасида жанжал чиққани сабабли тушгандир.

Аллоҳнинг ёрдами билан ғолиб бўлган мусулмонлар ғалаба нашидасида маст эканлар, ўлжа хусусида ўзаро ихтилофга тушиб қолдилар. Бу эса, инсон табиати ниҳоятда мураккаб эканини яна бир бор кўрсатади. Кофирлардан тушган ўлжани талашаётган инсонлар, аслида, бутун мол-мулкидан кечиб, Исломни танлаган зотлар эди. Уларнинг бир қисми молу дунёларини, қариндош-уруғларини, азиз ватанларини ташлаб, дину диёнат йўлида ҳижрат қилганлар.

Бошқалари эса, ҳижрат қилиб келган биродарларига ҳамма нарсаларни бериб, уларни ўзларидан устун кўрган ансорийлар эди. Улар

Бадр урушига кираётиб, «ўлжа» деган нарсани хаёлларига ҳам келтирган эмаслар. Балки, тезроқ шаҳид бўлиб, жаннатга кириш иштиёқида ёнар эдилар. Улардан бири жаннатга киришга шошилганидан қўлидаги бир неча хурмони еб битиришга ҳам чидамаган. Аммо, жанг тугаб, кўп йиллик машаққат ва қи-йинчиликлардан кейин дастлабки ғалаба қўлга киргач, дарҳол дунё-га қизиқиш бошланди. Орада низо чиқди. Бу жуда ҳам хатарли ҳол эди.

Ҳозирги кунда исломий ҳаракатлар еча олмаётган бош жумбоқ ҳам шундадир. Даъват йўлида, душманга қарши кураш йўлида мўъжизага ўхшаш ишлар қилинади-ю, биринчи ғалаба, бир оз мансаб ва мол-дунё қўлга киргач, ихтилоф, ўзаро келишмовчиликлар бошланади. Аллоҳ таоло саҳобалар авлодини ҳар хил ишларни бошларига солиб, тарбиялаб борган. Бадр урушидан кейин ўлжа талашиб ҳам шунга ўхшаш масалалардан биридир. Аллоҳ уларни амалий хато устида тарбиялади. Ўша ҳодисанинг бевосита иштирокчиси бўлмиш Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан шундай ривоят бор: «Бу оятлар биз ҳақимизда – Бадр соҳиблари ҳақида, ўлжа талашиб, ихтилоф қилганимизда, ахлоқларимиз бузилганида нозил бўлган. Аллоҳ ўлжани бизнинг қўлимиздан тортиб олиб, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламга берди».

Аллоҳ таоло ояти кариманинг аввалида Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилмоқда:

**«Сендан ўлжалар ҳақида сўрарлар».**

Яъни, ўлжа устида талашиб, ҳар қайсиси ўзини бошқалардан кўра ҳақлироқ билиб, соҳиблик даъвосини қилганидан сўнг, сўрайдилар. «Ўлжалар кимники», – дейдилар.

**«Ўлжалар Аллоҳ ва Пайғамбарникидир, деб айт».**

Ўлжалар сизники эмас. Сиз шошилиб, уни ўзингизники қилиб олмоқчисиз. Йўқ. Ўлжалар Аллоҳники.

Аллоҳ сизни кофирлар устидан ғолиб қилди.

Бу ғалабани сиз келтирганингиз йўқ. Аллоҳ келтирди.

Мушрикларни сиз ўлдирганингиз йўқ, балки Аллоҳ ўлдирди.

Кофирларни сиз асир олганингиз йўқ, Аллоҳ асир олди.

Ўлжани сиз қўлга киритганингиз йўқ, Аллоҳ киритди.

Ўлжалар сизники эмас, Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламники. Ўша зот туфайли сизга Аллоҳнинг ёрдами келди.

Сиз бўлса, ҳаққингиз бўлмаган нарсани талашиб, бир-бирингизни хафа қилиб, ўртадаги дўстликка футур етказиб юрибсиз. Бундай қилиш сизларга ҳеч муносиб эмас.

**«Бас, Аллоҳга тақво қилинлар ва ўз ораларингизни ислоҳ этинлар».**

Қалбда тақво бўлгандагина инсон дунёнинг ўтқинчи матоҳини талашиб юрмайди. Молу дунё деб ўз биродарлари билан орани бузмайди. Қалбидан тақво жой олган инсонгина Аллоҳга ва Пайғамбарга итоат қилади.

**«Агар мўмин бўлсангиз Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат қилинг».**

Демак, мўминликнинг шарти ҳар бир нарсада Аллоҳга ва Унинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишдир. Иймон амалда кўринади. Иймонни кўрсатадиган амал эса, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат қилишда зоҳир бўлади. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларидан бирида: «Иймон қалбда виқор топган ва амал билан тасдиқ этилган нарсадир», деганлар.

Кейинги оятларда ҳақиқий мўминлар кимлар экани баён қилинади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَّتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿١٠٦﴾

**2. Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи, оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилгувчи ва Роббиларига таваккул қилгувчиларгина мўминлардир.**

Оятда мўминларнинг бир неча сифати зикр қилинган. Оят «Албатта», деган таъкид билан бошланаётгани диққатни тортади.

**«Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи»лар... мўминлардир.**

Демак, мўминни ажратиш учун Аллоҳни зикр қилиш керак экан. Аллоҳ зикр қилинганда, қалбини титроқ босиб, ундан қўрқиб турган одам мўмин бўлади. Яъни, масалан, бирон ишни Аллоҳ буюрган, қилиш керак, дейилса, Аллоҳдан қўрқиб, ўша ишни бажаришга киришган одам мўмин бўлади. Гапни эшитиб туриб, Аллоҳ зикр қилингандан кейин ҳам қўрқмай, у ишдан бўйин товлаган одам мўмин эмас.

Мисол учун, Аллоҳ намоз ўқишни фарз қилган, Унинг амрини бажариш ҳар бир мусулмонга фарздир, дейилса, қалбини титроқ босиб, дарҳол намоз ўқишни бошлаган одам мўмин. Мазкур ҳукми эшитиб, яна ўқимай кетаверадиғанлар эса, мўмин эмасдир.

Шунингдек, ароқ ичишни Аллоҳ ҳаром қилган, ким уни ичса, гуноҳкор бўлади, дейилса, Аллоҳдан қўрқиб, ароқ ичмай қўйган

одам мўминдир. Аллоҳдан қўрқмай, яна ичаверган одам эса, мўмин эмас. Ушбу мисолни бошқа ҳар бир амрга ва қайтариққа солиштириб олаверинг.

**«оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилгувчи»** лар ... мўминлардир.

Яъни, Аллоҳнинг оятлари тиловат қилинганда, иймони зиёда бўладиган инсон мўминдир. Қалбига Қуръон таъсир этадиган, иймонини бақувват қиладиган инсон мўминдир. Аммо, Қуръони Карим оятлари қанчалик тиловат қилинса ҳам, иймони зиёда бўлмай тураверадиган инсон мўмин эмасдир.

**«...ва Роббиларига таваккул қилгувчиларгина мўминлардир».**

Яъни, фақат Аллоҳ таологагина қайтадиган, Унигина кўзлайдиган, Ундангина паноҳ тилайдиган, Ундангина ҳожатларини раво қилишни сўрайдиган, Унгагина рағбат қиладиган, У хоҳласа, бўлади, хоҳламаса, бўлмайди, деб эътиқод қиладиган кишиларгина мўминлардир. Бу дегани, дунёдаги ишларга аралашмай, сабабини ахтармай туравериш керак, дегани эмас. Мўмин ҳар бир ишни режага солиб, пухта ўйлаб, турли сабабларни топиб, кейин қилади. Лекин ўша тадбирларнинг ўзигагина суяниб қолмайди. Фикр, режа ва тадбирлар натижа берди, ҳам демайди. Балки, Аллоҳга суянади. Натижани Аллоҳдан деб билади. Шундай тушунчага эга бўлмаган одам мўмин эмас.

Мулоҳаза қилинса, Қуръонда одамлар мўминлар ва мўмин эмасларга ажратилган. Баъзилар айтаётганидек, «ҳақиқий мўмин, оддий мўмин ва мўмин бўлмаганлар»га эмас. Мазкур сифатларга эга бўлганларгина мўминдир, бошқалари мўмин эмас. Учинчи тоифа йўқ. Агар бўлса, Аллоҳ айтар эди.

Кейинги оятда мўминларнинг сифатларини зикр қилиш давом этади:

الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿٢٠٥﴾

**3. Улар намозни тўқис адо этадиганлар ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қиладиганлардир.**

Аввалги оятдаги сифатлар ҳаракатга, амалга чорловчи қалбдаги ҳис-туйғулар бўлса, бу ояти каримадаги сифатлар бевосита амалнинг ўзи билан боғлиқ ибодатлардир. Ўша сифатлардан бири:

**«Намозни тўқис адо этадиганлар»**гина мўминлардир.

Эътибор қилинг, намоз ўқийдиганлар эмас, намозни тўқис адо этадиганлар, дейилмоқда. Намоз иймоннинг борлигини тасдиқловчи амалдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида: «Намоз биз билан биздан бошқаларнинг орасидаги фарқдир», деганлар. Яъни, мўминлар билан мўмин бўлмаганлар орасини ажратиб турувчи амалдир. Намоз ўқимаса ҳам бўлаверар экан, дейдиганлар у зотга қарши гапирган бўлади. Хулоса шулки, намоз ўқиган одам мўмин, намоз ўқимаган мўмин эмас.

**«...ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қиладиганлардир».**

Бу ҳам иймонни тасдиқловчи амаллардан. Шунинг учун, молиявий ибодатга «садақа» – «тасдиқловчи» дейилади. Унутмаслик керакки, қалбдаги мавжуд нарсани амал юзага чиқаради. Шунинг учун ҳам, амал иймоннинг асосий қисми ҳисобланади. Оғизда турли даъволарни қилиш билан эмас, молу мулкнинг закотини бериш, инфоқ-эҳсон этиш, Аллоҳнинг йўлида сарфлаш билан киши мўмин бўлади. Бу амалларни қилмаган одам мўмин эмас.

أُولَئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا هُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿١٠٦﴾

**4. Ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Уларга Роббилари ҳузурда даражалар, мағфират ва карамли ризқ бор.**

Яъни, мазкур сифатларга эга бўлганларгина ҳақиқатда мўмин ҳисобланади, бошқалар мўмин бўла олмайдилар. Ким мазкур сифатларга эга бўлса, Робби ҳузурдаги даражаларга, мағфиратга ва карамли ризққа эришади. Мўмин бўлса, ҳақиқий мўмин бўлади, бошқача мўмин бўлиши мумкин эмас. Яъни, инсон иймон ҳақиқатини ҳис этгандагина ўзини мўмин ҳисоблай олади. Мўминлигининг белгиси асли мўмин бўлган қавмда туғилиши ёки исми мўминларнинг исмига ўхшаши ёхуд оғизда мўминликни даъво қилиш эмас, балки юқоридаги ва бошқа оятларда зикр қилинган сифатларга эга бўлишидир. Иймоннинг ҳақиқати ҳар бир кишида бўлмоғи зарурлигига уламоларимиз қуйидаги ҳадиси шарифни мисол қиладилар.

Имом Тобароний Ҳорис ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки: «Ҳорис розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидан ўтиб кетаётган эканлар, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Ҳорис, қандай тонг оттирдинг?» – деб сўрабдилар. Шунда Ҳорис розияллоҳу анҳу:

«Ҳақиқий мўмин бўлиб тонг оттирдим», – дебдилар.

«Ғапингга эътибор қил. Ҳар бир нарсанинг ҳақиқати бўлади. Сенинг иймонингнинг ҳақиқати нимада?» – деб сўраганларида, у:

«Нафсимни дунёдан олиб қочдим. Кечаларимни бедор, кундузларимни чанқаб ўтказдим. Худди Роббимнинг аршини аниқ кўраётгандекман. Худди аҳли жаннатнинг бир-бирларини зиёрат қилаётганларига назар солиб тургандекман. Худди аҳли дўзахнинг у ерда бир-бирларига қилаётган душманликларига қараб тургандекман», — деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Ҳорис, билибсан, маҳкам тут! Эй Ҳорис, билибсан, маҳкам тут! Эй Ҳорис, билибсан, маҳкам тут!» — деб қайта-қайта тайинладилар».

Келгуси оятларда Бадр ғазоти ҳақида батафсил сўз юритилади. Бу оятларнинг аввалгисида бир гуруҳ кишилар ўлжани тақсимлашни ёқтирмасалар ҳам, Аллоҳ, Ўз ҳукмини чиқарган:

كَمَا أَخْرَجَكَ رَبُّكَ مِنَ بَيْتِكَ بِالْحَقِّ وَإِنَّ فَرِيقًا مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ لَكَاذِبُونَ

**5. Албатта, бу ҳолат мўминлардан бир гуруҳи ёқтирмаган бўлсалар ҳам, Роббинг сени ҳақ ила уйингдан чиқарганга ўхшайди.**

Яъни, ўлжа тақсимотининг баъзи кишиларга ёқмай туриш ҳолати, худди сени Аллоҳ уйингдан Бадрга уруш қилиш учун чиқаргандаги ҳолатга ўхшайди. Ушбу икки иш — ўлжани бўлиш ва ғазотга чиқишнинг бир-бирига ўхшашликлари бор. Ўлжа тақсимооти бир гуруҳ мўминларга ёқмаганидек, урушга чиқиш ҳам баъзи бир мўминларга ёқмаган эди. Лекин бир гуруҳ мўминлар хоҳламасалар ҳам, Аллоҳ таоло ўлжаларни тақсимлашга амр қилди. Шунинг каби, баъзи мўминларга ёқмаса-да, Аллоҳ таоло урушга чиқишга амр этди. Ояти каримадан кўриниб турибдики, баъзи бир мўминлар Бадр урушида иштирок этишни хоҳламаганлар. Аммо, уларга хуш келмаса ҳам, Аллоҳ бу урушга боришни амр қилган.

Имом Абу Бакр ибн Мурдавайҳ қилган ривоятда Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Мадийнада эканимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга Абу Суфённинг карвони келаётгани ҳақида хабар етди. Ушбу карвоннинг йўлига чиқсак, шояд, Аллоҳ уни бизга ўлжа қилиб берса. Шунга нима дейсизлар?» — дедилар. Биз хўп дедик. Йўлга чиқдик. Бир кунми, икки кунми йўл юрганимиздан кейин бизга: «Улар билан урушадиган бўлсак нима дейсизлар? Уларга сизнинг чиққанингизнинг хабари берилди», — деб сўрадилар. Биз: «Йўқ. Аллоҳга қасамки, душман билан жанг



қилишга бизда тоқат йўқ», — дедик. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У қавм билан жанг қилишга нима дейсиз?» — дедилар. Биз аввалги гапимизга ўхшаш гап айтдик. Миқдод ибн Амр: «Ундоқ бўлса, Эй, Аллоҳнинг Расули, биз сизга Мусонинг қавми Мусога айтганидек: «Сен ва Роббинг икковларинг улар билан уришаверинглар, биз эса бу ерда ўтириб турамиз», демаймиз...» деган гапларни айтди. Биз, ансорийлар жамоаси агар Миқдод ибн Амрнинг гапига ўхшаш гапни айтганимизда, у ишимиз бизга улкан молу дунёдан ҳам маҳбуброқ бўлар эди, деб орзу қилдик. Шунда Аллоҳ таоло: «Албатта, бу ҳолат, мўминлардан бир гуруҳи ёқтирмаган бўлсалар ҳам, Роббинг сени ҳақ ила уйингдан чиқарганга ўхшайди», оятини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилди.

يَجِدُ لَوْنَكَ فِي الْحَقِّ بَعْدَ مَا نَبَّيْنَا كَأَنَّمَا يَسَاقُونَ إِلَى الْمَوْتِ وَهُمْ يَنْظُرُونَ

**6. Худди ўзлари кўриб турган ҳолларида ўлимга ҳайдалаётгандек, ҳақ аён бўлгандан кейин ҳам сен билан баҳслашадилар.**

Ҳақ аён бўлгандан кейин ҳам, яъни, уруш бўлиши аён бўлиб қолгандан кейин ҳам, тақдирга тан бериб, жангга астойдил тайёрланиш ўрнига сен билан баҳслашадилар. Чунки, уларга Абу Суфён карвонни бошқа томонга буриб, соҳил бўйлаб ўтиб кетганининг ва қурайшликлар аскар тортиб келаётганининг аниқ хабари етган эди. Шундай бўлса ҳам, баъзилар, биз карвонни қасд қилиб чиққан эдик, урушга тайёр эмасмиз, деб сен билан баҳс қилдилар. Агар урушга борсак, албатта, ўламиз, деб ўйландилар. Худди ўлимларини ўз кўзлари билан кўриб тургандек муомала қилмоқдалар.

وَإِذْ يَعِدُكُمُ اللَّهُ إِحْدَى الطَّائِفَتَيْنِ أَنَّهَا لَكُمْ وَتَوَدُّونَ أَنَّ غَيْرَ ذَاتِ الشَّوْكَةِ  
تَكُونُ لَكُمْ وَيُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُحِقَّ الْحَقَّ بِكَلِمَاتِهِ وَيَقَطَّ دَابِرَ الْكَافِرِينَ

**7. Ўшанда Аллоҳ сизга икки тоифадан бири албатта, сизники бўлишини ваъда қилган эди. Сизлар шавкати йўғи сизларники бўлишини суяр эдингиз. Аллоҳ эса, Ўз калималари ила ҳақни ҳақ қилишни ва кофирларнинг думини қирқишни ирода қилган эди.**

Яъни, Бадр томон юрган вақтингизда, икки тоифадан бири «ёки Абу Суфённинг карвони ёки Қурайш лашкарлари сизники бўлишини Аллоҳ ваъда қилган эди. Улардан бири албатта сизнинг қўлингизга кириши аниқ эди.

**«Сизлар шавкати йўғи сизларники бўлишини суяр эдингиз».**

Яъни, сиз ўша икки тоифадан қуввати йўғи, Абу Суфённинг карвони сизники бўлишни хоҳлар эдингиз. Чунки, минг туяга ортилган юкни қирқтагина одам ҳайдаб келаётган эди. Улар билан тўқнашсангиз, карвондаги молу-мулкларни осонгина қўлга киритар эдингиз.

**«Аллоҳ эса, Ўз калималари ила ҳақни ҳақ қилишни ва кофирларнинг думини қирқишни ирода қилган эди».**

Аллоҳ таоло шавкати йўқ — заиф тоифани қўлга киритишингизни ирода қилмади. Абу Суфёнга имкон берди. У йўлни буриб, соҳил бўйлаб юрди-да, қутулиб кетди. Аллоҳ ҳақни ҳақ қилишни — ҳақиқатни юзага чиқаришни ирода қилган эди, яъни Исломнинг ҳақ эканини зоҳир қилишни ва кофирларнинг думини қирқиб, ҳовурларидан туширишни хоҳлаган эди. Шунинг учун ҳам, қурайшликларни адаштирди. Улар Абу Суфён қутулиб кетгандан кейин қайтишлари афзал эканлиги ҳақидаги гапларни қабул этмадилар. Ўзларининг ичидан чиққан Утба ибн Робиъа кабиларнинг насиҳатларига ҳам қулоқ осмадилар. Воқеаларнинг аввалидан иш шу томонга қараб кетаётганини, эҳтимол, ҳеч ким бошдан англамагандир. Аммо, ҳамма ишни ҳикмат билан қиладиган, тадбиркор зот Аллоҳ таоло осонгина қўлга киритиш мумкин бўлган дунё матоҳини эмас, ҳақни юзага чиқаришни, Исломни зоҳир қилишни, кофирларни ерга уришни хоҳлади. Шунинг учун, сизнинг Қурайш аскари билан тўқнашингизни ирода қилди. Ҳа, Аллоҳ таоло:

لِيُحِقَّ الْحَقَّ وَيُبْطِلَ الْبَاطِلَ وَلَوْ كَرِهَ الْمُجْرِمُونَ ﴿٨﴾

**8. Жиноятчилар ёқтирмасалар ҳам, ҳақни ҳақ, ботилни ботил қилиш учун шундай бўлишини ирода қилган эди.**

Аллоҳнинг иродаси ила мусулмонларнинг мушрикларга қарши жангга киришлари туфайли, жиноятчилар — кофирлар ёқтирмасалар ҳам, Аллоҳ таоло Исломни барқарор қилишни хоҳлаган эди.

Аммо, бандалигига бориб, баъзи кишилар, биз карвон учун чиққан эдик, душман билан жанг қилишга тоқатимиз йўқ, дедилар. Бу ҳол инсон қанчалик даражага эришган бўлса ҳам, баъзи вақтларда

заифлик қилишини, узоқни кўра олмай қолишини кўрсатади. Нима қилганда ҳам, уруш бўлиши аниқ эди. Икки тарафда ҳам жангга тайёргарлик бошланди. Табиийки, мусулмонлар бундай нозик пайтда Аллоҳ таолога илтижо қиладилар. Бадр урушида Аллоҳга ёлборишда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга ўрнак бўлдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар: «Бадр уруши куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига назар солдилар. Улар уч юздан зиёдроқ эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қиблага қарадилар, эгниларида ридо ва иштон бор эди. Сўнгра: «Эй, бор Худоё, менга берган ваъдангни юзага чиқар. Эй, бор Худоё, бугун мана шу Ислом жамоаси ҳалок бўлса, Сенга ер юзида бошқа ибодат қилинмайди», – дедилар. У зот Роббиларидан мадад сўраб дуо қилар эдилар. Ҳатто елкаларидан ридолари тушиб кетди. Абу Бакр келиб ридони олиб, эгниларига ташлаб қўйди-да, орқаларида турди. Сўнгра: «Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари, Роббингизга ёлборганингиз етар. У сизга берган ваъдасини, албатта, амалга оширади», – деди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди.

إِذْ تَسْتَغِيثُونَ رَبَّكُمْ فَاسْتَجَبْ لَكُمْ أَلَمْ نَسْمَعْ مِمَّنْ يَدْعُونَ الْمَلَائِكَةَ مُرْدِفِينَ

**9. Ўшанда Роббингиздан мадад сўраганингизда, сизни (сўровингизни) ижобат қилиб: «Албатта, Мен сизларга кетма-кет келадиган мингта фаришта ила мадад берувчиман», – деди.**

Албатта, Пайғамбарларига қўшилиб, мусулмонлар ҳам Парвардигори Оламдан ёрдам сўраганлар. Шунинг учун ҳам, оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларигагина эмас, балки мусулмонларга мурожаат қилинмоқда.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига мадад учун фаришталарни юборганлиги ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Аммо, бу каби мавзуларда энг ишончли манба Қуръони Карим ва ҳадиси шариф бўлади. Мазкур ояти карима ва яна бошқа оятларни ўз жойида ўрганамиз. Шунингдек, имом Бухорий ҳам китобларида бу ҳақда Пайғамбаримиздан ривоят қилинган ҳадисни келтирганлар.

Имом Бухорий ўз «Саҳиҳ»ларидаги «Китоб ал-Мағозий»да «Фаришталарнинг Бадрда ҳозир бўлишлари» бобини келтирганлар. Ушбу бобдаги биринчи ҳадисда Муъоз Ибн Рифоъата Ибн Рафиъ аз-Зурақийдан, у ўз отасидан ривоят қилади. Унинг отаси аҳли Бадр-

лардан бўлган экан: Жаброил фаришта Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Ичингизда аҳли Бадрларни қандоқ санайсизлар?» — деди.

У зот:

«Мусулмонларнинг афзалидан», — дедилар ёки шунга ўхшаш калима айтдилар. У:

«Фаришталардан Бадрда ҳозир бўлганлар ҳам шундоқдир», — деди.

Имом Бухорий яна шу бобда Иқрима ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳулардан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадр куни:

«Мана бу Жаброил отининг бошидан тутиб устида уруш анжомлари билан келмоқда», — дедилар.

Фаришталар орқали юборилган мададнинг ҳикмати келаси оятда баён қилинади:

وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ وَنَتَّظِمَنَّ بِهِ قُلُوبَكُمْ وَمَا أَلْتَصَّرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ إِنَّا اللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

**10. Аллоҳ у(мадад)ни башорат ва қалбларингиз у билан хотиржам бўлиши учунгина қилди. Ғалаба эса, фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир. Албатта, Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли зотдир.**

Аллоҳ таолонинг кетма-кет келадиган фаришталарни юбориб, сизларга мадад бериши, албатта, ғалаба қозонишингизнинг хушхабарини бериш учун ҳамда фаришталар тушганини билиб, хотиржам кўнгил билан урушга киришингиз учун бўлган. Шу мақсад бўлмаганда, Аллоҳ таоло сизларга ўша фаришталарсиз ҳам нусрат бериб қўяверар эди. Ғалаба фаришталарнинг тушишига боғлиқ эмас.

**«Ғалаба эса, фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир».**

Унинг ҳузуридан бошқа жойдан ҳеч қачон ғалаба келмайди.

Чунки:

**«Албатта, Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли зотдир».**

Аммо, Бадр уруши куни Аллоҳнинг мусулмонларга берган мадади фақат кетма-кет келадиган фаришталарни юбориш билан чегараланиб қолмади. Аллоҳ таолонинг яна бошқа мададлари ҳақида кейинги оят ҳикоя қилади:

إِذْ يُغَشِّيكُمُ النُّعَاسَ أَمَنَةً مِّنْهُ وَيُنزِلُ عَلَيْكُم مِّنَ السَّمَاءِ مَاءً لِّيَطَّهَّرَكُم بِهِ وَيُدْهَبَ

عَنْكُمْ رَجَزَ الشَّيْطَانِ وَلِيَرْبِطَ عَلَى قُلُوبِكُمْ وَيُثَبِّتَ بِهِ الْأَقْدَامَ ﴿٦٠﴾

**11. Ҷшанда У сизни Ҷзидан омонлик қилиб, мудроқ ила ўраган эди ва сизни поклаш, сиздан шайтоннинг васвасасини кетказиш ҳамда қалбларингизни боғлаш ва қадамларингизни собит қилиш учун устингизга осмондан сув туширган эди.**

Мусулмонлар Бадрга борганларидан сўнг мушриклар ўзларидан бир неча баробар ортиқлигини, от ва туялари, қурол-аслаҳалари ҳаддан зиёд кўплигини кўриб, қалбларини кўрқинч босди. Улар урушга умуман тайёр эмас эдилар. Бунинг устига, душманнинг бунчалик кўплиги ва кучлилиги хавф устига хавф туғдирди.

**«Ҷшанда У сизни Ҷзидан омонлик қилиб, мудроқ ила ўраган эди».**

Яъни, эй мусулмонлар, ўша кўрқиб турган чоғингизда, Аллоҳ сизни Ҷзидан омонлик қилиб, мудроқ ила ўраган эди.

Мусулмонларга ажойиб бир руҳий ҳолат пайдо бўлди ўшанда. Ҳозиргина кўрқиб, хавсираб турган одамлар бир мудроқдан кейин қалблари тўла сокинлик, ўзлари хотиржам, душмандан заррача кўрқмайдиган ҳолга келдилар. Мудроқ босиш ҳолати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламда қандай кечгани имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ларида бундай ривоят қилинган: «Бадр уруши куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан қапада дуо қилиб турганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мудроқ босди. У киши кулиб уйғондилар ва:

«Суюнавер, эй, Абу Бакр, Ҷаброил отда икки томонидан чанг чиқариб келмоқда», – дедилар. Сўнгра қападан «Тезда бу жамоат енгиледи ва орқага қараб қочурлар», деган оятни ўқиб чиқдилар».

Ана ўша мудроқ Аллоҳ таоло томонидан мусулмонларга келган яна бир мадад эди. Ҳозирги замонларда ҳам аскарларга руҳий тайёргарлик бўйича кўшгина дарслар ўтилади. Турли услублар қўлланилади. Чунки, маънавий-руҳий тайёргарликда гап катта. Аллоҳ Бадр урушидан олдин мусулмонларга омонлик қилиб, мудроқни бериши мислсиз руҳий-маънавий мадад бўлган.

Аммо, Аллоҳнинг ўша куни мусулмонларга берган мадади фақат шугина эмас.

**«...ва сизни поклаш, сиздан шайтоннинг васвасасини кетказиш ҳамда қалбларингизни боғлаш ва қадамларингизни собит қилиш учун устингизга осмондан сув туширган эди».**

Яъни, ёмғир ёғдирган эди. Ҳақиқатан ҳам, баъзи пайтдаги ёмғирлар нафақат ерни, дарахтларни ва тоғу тошларни, балки инсонлар-

нинг қалбини ҳам ювиб тозалагандек бўлади. Инсон айрим ёмғирлардан кейин ўзини енгил ҳис этади. Дилидаги кирлик ва ғашликлар ювилиб кетгандек бўлади. Ўзида тетиклик, куч-ғайрат сезади. Аллоҳ таоло Бадр уруши куни мусулмонларнинг устидан худди шундай ёмғир ёғдирган эди.

Бу ҳақда имом ибн Касир тафсирларида Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қилган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадрга борганларида улар билан сувнинг орасида мушриклар бор эди. Тушган жойлари ҳам оёқ ботиб кетадиган қумлоқ эди. Бундан мусулмонларга қаттиқ заифлик етди. Шайтон уларнинг дилларига, сизлар ўзингизни Аллоҳнинг валийлари деб ўйлайсизлар, орамизда унинг Расули бор, деб даъво қиласизлар. Лекин мушриклар сувни эгалаб олишди. Сизлар бўлса, жунуб ҳолингизда намоз ўқияпсиз, деб васваса қилди. Бас, шунда Аллоҳ таоло уларнинг устидан қаттиқ ёмғир ёғдирди. Мусулмонлар унинг сувидан ичдилар, Аллоҳ улардан шайтоннинг васвасасини кетказди. Ёмғир ҳўл қилгандан сўнг, қум ҳам қўзғалмай қолди. Энди, одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам енгил юриб, душманга томон бордилар. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига мингта фаришта билан мадад берди. Жаброил беш юзтаси билан бир томондан, Микоил беш юзтаси билан бошқа томондан келди».

Муҳаққиқ уламоларимиз таъкидлашича, бу иш Бадрга биринчи бор етиб келганда рўй берган. Кейин бошқача йўл тутганлар. Аввал Бадр йўлидаги биринчи учраган қудуқ атрофига жойлашганлар. Шунда саҳобалардан Хаббоб ибн Мунзир Пайғамбаримизнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бу жойга сизни Аллоҳ туширдими? Ундан силжишнинг имкони борми ёки уруш ва ҳийла учун тушдингизми?» – деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уруш ва ҳийла учун тушган эдим», – дедилар. Хаббоб розияллоҳу анҳу:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бу жой бўлмайди. Бизни анави қавмга энг яқин сувгача олиб боринг, унинг ортидаги хурмоларни пана қилиб урушамиз. Ҳовузларга сув тўлдириб оламиз. Бизнинг сувимиз бўлади. Уларнинг сувлари бўлмайди», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг айтганини қилдилар.

Мусулмонларга сувсизликдан, шайтоннинг васвасасидан етган заифликни кетказиш, қалбларни боғлаш, собитқадам қилиш учун Аллоҳ таоло ёмғир ёғдирди. Кейин эса, ҳаракат қилиб, сув масаласини ўз фойдаларига ҳал этдилар. Бу ишлар кейинчалик, жанг давомида катта фойда берди. Муслмонлар сувга муҳтожлик сезмадилар, мушриклар эса, сувсиз қолиб қийналдилар.



Келгуси ояти каримада Аллоҳ таоло мусулмонларга берган мададнинг янги жиҳатлари кўринади:

إِذْ يُوحِي رَبُّكَ إِلَى الْمَلَائِكَةِ أَنِّي مَعَكُمْ فَثَبَّتُوا الَّذِينَ ءَامَنُوا سَأَلْتُ فِي قُلُوبِ الَّذِينَ كَفَرُوا الرُّعْبَ فَأَضْرِبُوا فَوْقَ الْأَعْنَاقِ وَأَضْرِبُوا مِنْهُمْ كُلَّ بَنَانٍ ﴿١٦﴾

**12. Ўшанда Роббингиз фаришталарга: «Мен, албатта, сиз биланман, бас, сиз иймон келтирганларни собит қилинг, тезда куфр келтирганларнинг қалбларига қўрқинч соламан. Бас, бўйинлар устидан зарба беринглар ва ҳамма бармоқларига зарба беринглар», деб ваҳий қилган эди.**

Бу мададни Аллоҳ таоло фаришталар орқали берди. Аввало, Аллоҳ таоло:

**«...Мен, албатта, сиз биланман, бас, сиз иймон келтирганларни собит қилинг... деб ваҳий қилган эди».**

Аллоҳ таолонинг фаришталар билан бирга бўлишининг ҳақиқатини ёлғиз Ўзи билади. Бошқанинг бу ҳақда айтган гапи ўзининг фикри ва тушунчаси бўлишдан нарига ўта олмайди. Чунончи, фаришталар ўзига хос олам бўлиб, биз улар ҳақида фақат Куръон ва саҳиҳ ҳадислар орқалигина тўғри маълумотлар ола биламиз. Шунингдек, ушбу ояти каримага асосланиб, Бадр уруши куни фаришталар мўминларни собит қилганларини билиш мумкин. Чунки, улар ўзларига Аллоҳ томонидан келган амрни бажармай қўймадилар. Лекин улар мўминларни қандай қилиб собит қилганларининг кайфиятини билишга қодир эмасмиз. Бу ҳақда ишончли хабар йўқ. Аммо, ўшанда фаришталар Роббиларининг амри ила мўминларни собит қилганлиги душманга қарши улкан мадад бўлгани аниқ.

Аллоҳнинг мўминларга берган бошқа бир мадади эса:

**«...тезда куфр келтирганларнинг қалбларига қўрқинч соламан»,** деган жумлада аксини топган.

Бу ҳам катта мадад, душманни руҳий-маънавий томондан заиф қилиб, қалбига қўрқинч солиб қўйиш жанг пайтида катта натижалар беради. Бадр урушида худди шундай бўлган.

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло кофирларга аёвсиз зарба беришга, бўйинларини, бармоқларини чопишга амр қилмоқда. Бунинг сабаби келгуси оятда баён қилинади:

ذٰلِكَ بِاَنَّهُمْ شَاقُوْا اللّٰهَ وَرَسُوْلَهُۥ وَمَنْ يُشَاقِقِ اللّٰهَ وَرَسُوْلَهُۥ فَكَبَرَتْ اِلٰهُهُۥ شَدِيْدُ الْعِقَابِ ﴿١٧﴾



**13. Бу уларнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши турганлари учундир. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши турса, бас, албатта, Аллоҳнинг иқоби шиддатлидир.**

Яъни, Аллоҳ таолонинг мўминларга мадад бериб, кофирларга қўрқинч ва азоб юбориши:

**«уларнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши турганлари учундир».**

Кофирларнинг Аллоҳга қарши туриши Унга иймон келтирмаганликларида, Унинг динига душманлик қилишларида, У кўрсатган йўлдан юрмасдан, аксинча, Унинг йўлида юрганларга адоватда бўлганликларида ва бошқа шунга ўхшаш ишларда кўринади. Уларнинг Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламга қарши туришлари эса, у зот солаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбарликларини қабул этмасдан, даъватларини рад этиш, у кишига эргашганларга душман бўлиш, шариатларини ва суннатларини инкор қилиш каби ишлар билан бўлади. Ана шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло мушрикларни жангда мағлуб қилди ва уларни турли азоб-уқубатларга гирифтор этди. Бу фақат Бадр урушига хос эмас, балки умумий қоидадир.

**«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши турса, бас, албатта, Аллоҳнинг иқоби шиддатлидир».**

Ким қачон, қаерда Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши чиқса, иқобга учраши аниқ. Шунинг учун, инсонлар доимо Аллоҳнинг йўлида юриши, иймонда собит бўлиши, Роббилари кўрсатмаси ила яшаб, Унинг калималарини олий қилиш учун чин дилдан курашишлари лозим. Лекин баъзида Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши чиққанларнинг бу дунёда бамайлихотир юрганларига, Аллоҳнинг иқобига дучор бўлмаётганига гувоҳ бўламиз. Аслида, бу ҳукм умумий бўлиб, ҳар бир шахсга жорий қилинавермасдан, бундай улкан ишлар натижаси авлодлар кураши туфайли юзага келишини унутмаслигимиз керак. Қолаверса, кофирлар, Аллоҳ ва Унинг Расулига қарши турганлар бу дунё иқобидан бирор ҳикматга кўра қутулиб қолишлари мумкин. Аммо, охиратда ҳеч-ҳеч қутула олмайдилар. Улар ўлган кун таҳдид ила қуйидагилар дейилади:

ذَٰلِكُمْ فَذُوقُوهُ وَأَنَّ لِلْكَافِرِينَ عَذَابَ النَّارِ

**14. Мана шу сизники, тортаверинглар! Албатта, кофирларга дўзах азоби бордир.**

Яъни, эй, кофирлар, мана шу азоб сизники, уни тортаверинглар. Сўнг, албатта, сизларга дўзахда куйиш азоби ҳам бордир. Эн-

диги оятларда урушда кўрилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида сўз кетади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُتِلْتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا زَحْفًا فَلَا تُولُوهُمْ الْأَدْبَارَ ﴿١٥﴾

**15. Эй, иймон келтирганлар, куфр келтирганларга яқинлашиб, юзма-юз келганингизда уларга орқа ўгирмангиз.**

Яъни, эй мўминлар, урушда душманга яқинлашиб борганда орқага қочманглар.

وَمَنْ يُؤَلِّهِمْ يَوْمَئِذٍ دُبُرَهُ إِلَّا مُتَحَرِّفًا لِقِنَالٍ أَوْ مُتَحَيِّزًا إِلَىٰ فِئَةٍ فَقَدْ بَاءَ بِغَضَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَمَأْوَاهُ جَهَنَّمُ وَبئسَ الْمَصِيرُ ﴿١٦﴾

**16. Кимки ўша кунда жанг ҳунари кўрсатиб ёки бошқа гуруҳга қўшилмоқчи бўлган ҳолатдан ташқари уларга орқа ўгириб қочса, бас, батаҳқиқ, Аллоҳдан бўлган ғазаб ила қайтибди. Унинг жойи жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон жой.**

Бу қоида мусулмон жангчилар учун қатъий ва бажарилиши шарт бўлган қоидадир. Душман билан юзма-юз келганда ортга қайтиш умуман мумкин эмас. Фақат иккита ҳолат бундан мустасно:

Биринчиси, душманга ўзини қочиб кетаётгандек кўрсатиб, кейин уни тузоққа тушириб, тор-мор этиш учун ҳийла қилиш.

Иккинчиси, урушга қизиқиб, олдинлаб кетиб, шерикларидан ажраб қолган бўлса, уларга қўшилиб олиш учун ортга қайтиш.

Бошқа ҳолатларда орқага қайтса, ўзи билан бирга Аллоҳнинг ғазабини олиб қайтган бўлади. Албатта, унинг борар жойи жаҳаннам бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида жангдан қочишни етгита энг катта гуноҳдан бири деб ҳисоблаганлар.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳалокатга элтувчи етти гуноҳдан четланинглар», — дедилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули, улар нималар?» — деб сўрадилар. У зот айтдиларки:

«Улар: Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик қилиш, Аллоҳ қатлини ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдириш, рибохўрлик, етимнинг молини ейиш, уруш куни қочиш ва покиза, гофила ва мўмина аёлларга бўҳтон қилиш».

Нима учун Исломда жанг пайти орқага қочиш бунчалик қаттиқ қораланади? Чунки, биринчидан, ортга қараб қочган биттагина аскар бутун бошли қўшиннинг мағлубиятига сабабчи бўлиши мумкин. Иккинчидан эса, илоҳий нусрат ўз-ўзидан келавермайди. Унга эришиш учун Аллоҳ бир неча шартлар қўйган. Ўша шартлар юзага чиқмаса, нусрат ҳам келмайди. Аввало, аскар тортиб чиқиш керак. Аллоҳга бўлган иймон, эътиқод кучли бўлиши керак. Фақат Аллоҳга суяниш керак. Энг муҳим омиллاردан бири – шижоатли бўлиш керак. Ана шу шижоатгина дунё муҳаббатини унутиб, душманга тик боришни таъминлайди. Бу дунё муҳаббатини унутиб, ўлимга тик борганларга эса, ҳаёт берилади ва ёки шаҳиди аълолик насиб этади. Бадр урушида худди шундай бўлди. Оз сонли, лекин шижоатли мусулмонлар, ўзларига нисбатан бир неча марта кўп бўлган мушриклардан ғолиб келиб, кўпларини ўлдирдилар, кўпларини асир олдилар. Бу иш қандай содир бўлди? Сабаби нима? Бу саволларга келаси оятдан жавоб оламиз:

فَلَمْ تَقْتُلُوهُمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ قَتَلَهُمْ وَمَا رَمَيْتُمْ إِذْ رَمَيْتُمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ رَمَىٰ وَلِيُبْلِيَ الْمُؤْمِنِينَ مِنْهُ بَلَاءً حَسَنًا إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

**17. Уларни сиз ўлдирмадингиз, балки Аллоҳ ўлдирди. Отган пайтингда, сен отмадинг, балки Аллоҳ отди. Ва мўминларни гўзал синов ила синаш учун (шундай қилди). Албатта, Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи зотдир.**

Эй мўминлар, билиб қўйинглар, Бадр урушида мушрикларни ҳақиқатда сиз ўлдирганингиз йўқ, балки Аллоҳ ўлдирди. Ҳа,

**«Уларни сиз ўлдирмадингиз, балки Аллоҳ ўлдирди».**

Бунинг учун Аллоҳга шукр қилинг.

**«Отган пайтингда, сен отмадинг, балки Аллоҳ отди».**

Яъни, эй Пайғамбар, бир сиқим тупроқни олиб отганингда, сен отганинг йўқ, балки Аллоҳ отди.

Бадр урушида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сиқимларига тупроқ олиб, мушриклар томонга «Шаҳатил вужух» (Юзлар қаро бўлсин!) деб отганлари ривоятларда собит.

Ўша ҳодисага гувоҳ бўлган саҳобалардан ҳар бири кўрганларини айтиб берганлар. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу бу ҳақда шундай ривоят қиладилар: «Бадр куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини кўтариб: «Эй, бор Худоё, агар ушбу жамоа ҳалок бўлса, ер юзида Сенга ибодат қиладиган одам қолмайди...» деб

дуо қилдилар. Жаброил келиб у кишига: «Бир сиқим тупроқ олиб, уларнинг юзига қараб от!» — деди. Бир сиқим тупроқ олиб, уларга отдилар. Кўзига ва оғзи-бурнига тупроқ кирмаган бирорта ҳам мушрик қолмади. Шундан кейин улар ортларига қараб қоча бошладилар».

Шу ҳолат ҳам кўрсатиб турибдики, бирор нарсага эришиш йўлида Аллоҳнинг аниқ ваъдаси бўлса ҳам, барибир, инсондан ҳаракат бўлиши керак. Аллоҳнинг иродаси — шу. Агар шундай бўлмаганда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари туфайли ўша жойда турган мушрикларнинг жонини бир лаҳзада олиб қўйиш Аллоҳ учун ҳеч гап эмас эди. Лекин Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мўминларнинг ҳаракатлари орқали ўз тадбирини зоҳир қилишни хоҳлаган эди. Иккинчидан, мўминларни ҳаракатлар қилдириб, машаққатларга йўлиқтириб, гўзал синов ила синашни ирода қилган эди.

**«Ва мўминларни гўзал синов ила синаш учун (шундай қилди)».**

Қуръон истилоҳида «гўзал синов» ибораси савобга эришиш йўлида чекилган машаққат ва қийинчиликка айтилади.

**«Албатта, Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи зотдир».**

У сизнинг қилган дуо, илтижоларингизни эшитди ва сизларга ёрдам берди.

«Чунки У дуоларни эшитгувчи ва кимнинг ғалаба ва нусратга ҳақди (муносиб) эканини билгувчи зотдир». (Ибн Касирдан.)

ذٰلِكُمْ وَاَنَّ اللّٰهَ مُوْهِنٌ كَيْدِ الْكٰفِرِيْنَ ﴿١٨﴾

**18. Ана ўшаларнинг (сизга бўлиши) Аллоҳ, албатта, кофирларнинг ҳийласини заиф қилгувчи бўлганидандир.**

Яъни, юқоридаги оятларда зикр қилинган илоҳий тадбирларнинг сабаби, Аллоҳ таоло кофирларнинг мусулмонларга қарши кўрадиган ҳийласини заиф қилгувчи зот бўлганлигидандир.

Гап кофирларнинг ҳийласини заиф қилишга келиб тўхтагач, эндиги хитоб ҳам уларга қаратилмоқда:

اِنْ تَسْتَفِيْحُوْا فَقَدْ جَاءَكُمْ الْفَتْحُ وَاِنْ تَنْهَوْا فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَاِنْ تَعُوْدُوْا نَعُدْ وَلَنْ تُغْنِيْ عَنْكُمْ فِئَتِكُمْ شَيْئًا وَّلَوْ كَثُرَتْ وَاِنَّ اللّٰهَ مَعَ الْمُؤْمِنِيْنَ ﴿١٩﴾

**19. Агар орани очишни сўраган бўлсангиз, бас, батаҳқиқ сизга орани очиш келди. Агар тўхтасангиз, бу ўзингиз учун яхшидир.**

**Агар сиз қайтсангиз, Биз ҳам қайтамиз. Сизнинг гуруҳингиз қанча кўп бўлса ҳам, сизга ҳеч бир ҳожатингизни чиқара олмас. Албатта, Аллоҳ мўминлар билан биргадир.**

Араб тилида «истифтоҳ» деганда, агар иккита бир-бирига қарши тоифа бўлса, улардан ҳақ бўлганини ғолиб қилиб, ораларини очиқ қилишни Аллоҳдан сўраш тушунилади. Мана, мушриклар ҳам Бадр урушидан олдин «истифтоҳ» — орани очиқ қилишни Аллоҳдан сўрашган эди. Машҳур олим ва тафсирчи зотлардан Суддийнинг ривоят қилишларича, мушриклар Маккадан Бадрга қараб юришларидан аввал, каъбапўшларга осилиб туриб: «Эй, бор Худоё, икки лашкардан аълосига, икки гуруҳдан ҳурматлисига ва икки қабиладан яхшисига нусрат бер», — деб орани очиқ қилишни сўраган эдилар.

Шунингдек, имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Саълаба розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Икки тараф урушганда, Абу Жаҳл: «Эй, бор Худоё, биздан қариндошлик алоқаларини энг кўп узган ва номаълум нарсани олиб келган одамни шу кунда синдиргин», — деб истифтоҳ қилган эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Қурайш мушрикларига хитобан:

**«Агар орани очишни сўраган бўлсангиз, бас, батаҳқиқ, сизга орани очиш келди»,** — демоқда.

Бадр урушида ўзингиз сўраган эдингиз, икки лашкарнинг аълоси мусулмонлар лашкари эканлиги аён бўлди, икки гуруҳдан ҳурматлиси мусулмонлар гуруҳи эканлиги ошкор бўлди, икки қабиланинг яхшиси ҳам мусулмонлар экани билинди. Улардан қариндошлик алоқаларини узгувчи, ноъмаълум нарсани олиб келгувчи ҳам мушрик-кофирлар эканлиги собит бўлди — ўша куни Аллоҳ уларни синдирди. Демак, ора очиқ бўлди. Ҳақиқат юзага чиқди. Ният қилган нарсангиз шу бўлса, унга эришдингиз. Бас, шундай бўлгандан кейин:

**«Агар тўхтасангиз, бу ўзингиз учун яхшидир».**

Яъни, агар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга қарши уруш қилишдан тўхтасангиз, ўзингиз учун яхши бўлади. Аммо, шунча воқеалардан кейин ҳам тўхтамасангиз, яъни:

**«Агар сиз қайтсангиз, Биз ҳам қайтамиз».**

Агар сиз яна Пайғамбарга ва унинг саҳобаларига қарши урушга қайтадиган бўлсангиз, Биз ҳам қайтамиз. Нимага қайтишимизни ўзингиз билиб олаверасиз, бошингизга тушиб турибди. Лекин билиб қўйингки, биз қайтган пайтда:

**«Сизнинг гуруҳингиз қанча кўп бўлса ҳам, сизга ҳеч бир ҳожатингизни чиқара олмас».**

Бадрда ҳам кўплигингиз фойда бермасдан, шармандангиз чиқди-ку. Яна шунинг каби шарманда бўлишингиз турган гап.

**«Албатта, Аллоҳ мўминлар билан биргадир».**

Шундай бўлгандан кейин, кофирларнинг кўплиги нима қилиб бера олар эди.

Энди эса, мўминларга илоҳий кўрсатмалар берилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَا تَوَلَّوْا عَنَّهُ وَ أَنْتُمْ تَسْمَعُونَ ﴿٦٠﴾

**20. Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилингиз ва эшитиб туриб, Ундан юз ўгириб кетмангиз.**

Олдинги оятлардан ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси билан бўлишини билиб олдингиз. Сизлар иймонли кишиларсиз, иймонингиз тақозоси Аллоҳга ва Унинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишлиқдир. Унинг оятларини эшитиб туриб, ундан юз ўгириб кетмангиз.

وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ قَالُوا سَمِعْنَا وَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿٦١﴾

**21. Ва ўзлари эшитмасалар ҳам, «эшитдик» деганлар каби бўлмангиз.**

Яъни, кофир ва мушрикларга ўхшаманг. Улар эътибор қулоқлари билан эшитмасалар ҳам, «эшитдик» дейишаверади.

إِنَّ شَرَّ الدَّوَابِّ عِنْدَ اللَّهِ الضَّمُّمُ الْبُكْمُ الَّذِينَ لَا يُعْقِلُونَ ﴿٦٢﴾

**22. Аллоҳнинг ҳузурида ҳайвоннинг энг ёмони, албатта, кару соқов бўлиб, ақл ишлатмайдиганлардир.**

Ҳайвонларга хос хусусият шуки, қулоғи овозни эшитади-ю, англамайди. Овоз чиқарадию, бу овозлари маъносиз. Мияси бор-у, ақл юрита олмайди. Кофир ва мунофиқлар ҳам худди ҳайвонларга ўхшайдилар. Уларнинг қулоқларига Аллоҳнинг оятлари, даъватчиларнинг даъвати эшитилади, аммо улар бу эшитган нарсаларини, ҳайвонларга ўхшаб, англай олмайдилар. Оғизларидан чиқадиган гаплардан ҳам фойда йўқдир. Ниҳоят, ақлларини ишлатиб, ўзлари учун ваъз, насиҳат ололмайдилар.

Лекин оятда кофир ва мунофиқлар

**«Аллоҳнинг ҳузуридаги ҳайвоннинг энг ёмони»,** деб васф қилинмоқда. Чунки, ҳайвонлар эшитганларини англамасалар ҳам, чиқараётган товушлари билан маъно англата олмасалар ҳам, мияларини

ишга солиб, ақл юритолмасалар ҳам, фитрий истеъдодларига кўра, Яратганнинг амр-иродасига бўйсундилар. Аммо, кофир ва мунофиқлар шуни ҳам қила олмайдилар. Ўзларига фойдали нарсаларни қўйиб, зарарига юрадилар. Шунинг учун ҳам, улар «ҳайвонларнинг энг ёмони» деб номланмоқдалар. Ҳа, улар шундайдирлар. Чунки, улар ақлларини ишлатмайдилар.

وَلَوْ عَلِمَ اللَّهُ فِيهِمْ خَيْرًا لَأَسْمَعَهُمْ وَلَوْ أَسْمَعَهُمْ لَتَوَلَّوْا وَهُمْ مُّعْرِضُونَ ﴿٢٣﴾

**23. Агар Аллоҳ уларда бирор яхшиликни билганида, албатта, эшиттирар эди ва агар уларга эшитгирса ҳам, албатта, юз ўгириб, бурилиб кетар эдилар.**

Яъни, ўша эшитмайдиган бўлиб қолган кофирлар шунчалик бузилганларки, улардан бирор яхшилик чиқмайдиган даражага етган. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларни эшитмайдиган, эшитганида фойда олмайдиган ҳолларида тек қўйган. Агар Аллоҳ таоло улардан бирор яхшилик чиқишини билганида эди, албатта, уларни эшитганидан фойда оладиган қилиб қўйган бўларди. Аммо, уларнинг табиатлари бузуқлигини, эшитсалар ҳам, юз ўгириб, тескари қараб кетишларини билгани учун ҳам, Аллоҳ бундай қилмади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ ۗ وَأَنَّهُ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٢٤﴾

**24. Эй, иймон келтирганлар, сизга ҳаёт берадиган нарсага чақирганларида, Аллоҳ ва Расулига жавоб беринг ва билинги, албатта, Аллоҳ киши билан унинг қалбини ажратиб қўяди ва, албатта, Унинг ҳузурида тўпланурсиз.**

Бу ояти каримада ҳам мўминларга ўзларига ёқимли бўлган «Эй, иймон келтирганлар» нидоси билан мурожаат этилмоқда ва:

**«...сизга ҳаёт берадиган нарсага чақирганларида, Аллоҳ ва Расулига жавоб беринг»,** деб амр қилинмоқда.

«Ҳаёт берадиган нарса» – иймон ва Исломдир. Қуръони Карим таъбири бўйича, ҳақиқий ҳаёт иймон ва Исломдир. Инсон буларсиз ўлиқдир. Киши иймон ва Ислом билангина тўлақонли ҳаёт маъносига эга бўлади. Иймонсиз ва Исломсиз ҳаёт кечиргандан кўра кечирмаган яхшироқ. Шунинг учун, ҳар бир одам тезроқ ўзини ўнглаб,



ўз вақтида Аллоҳ ва Расулининг чақириғига жавоб бериб, ўзларига ҳаёт берадиган иймон ва Ислому йўлига юришлари лозим. Акс ҳолда:

**«...Ва билинги, албатта, Аллоҳ киши билан унинг қалбини ажратиб қўяди».**

Чунки, қалбнинг ҳақиқий эгаси Удир. Аллоҳ инсон билан қалбининг орасини ажратгандан кейин у инсон ўзини ўнглай олмай қолади. Инсон ўз қалбига молик бўла олмай қолади. Бу ҳақиқат Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам ўз аксини топган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўпинча: «Эй, қалбларни айлантириб тургувчи Зот, қалбимни ўз динингда собит қилгин!» — деб дуо қилар эдилар. Коинотларнинг сарвари, бани одамнинг афзали, охир замон Пайғамбарики шундай дуо ила Аллоҳ таолога илтижо қилса, бошқаларнинг ҳоли нечоғлик эканини билиб олаверса бўлаверади.

**«...ва албатта Унинг ҳузурида тўпланурсиз».**

Шунинг учун ҳам, Унинг чақириғига, Расулининг даъватига жавоб беришга шошилини. Йўқса, Унинг ҳузурида тўпланганингизда ҳолингизга вой бўлади.

Кейинги оятда ҳам мўминларга қаратилган хитоб давом этади:

وَأَتَّقُوا فِتْنَةً لَا تُصِيبَنَّ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْكُمْ خَاصَّةً وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿٢٥﴾

**25. Ва сизлардан фақат зулм қилганларнинг ўзигагина етмайдиган фитнадан сақланинг. Ва билинги, албатта, Аллоҳнинг иқоби шиддатлидир.**

Ушбу ояти каримадаги «фитна» сўзи бошқа оятлардаги каби синов ва бало маъноларини англатади. Қайси бир жамоада золимлар зулм қилганда, бошқалар қараб турса, ҳамма — зулм қилганлар ҳам, қараб турганлар ҳам баробар балога гирифтор бўладилар. «Зулм» деганда бир шахснинг иккинчи шахсга тажовуз қилишигина анланмайди, балки бу сўзнинг маъно қамрови кенг бўлиб, ҳамма ноҳақликлар ва барча гуноҳларни англатади. Хусусан, динни тарк этиш, Аллоҳнинг амрига юрмаслик катта зулм ҳисобланади. Қайси бир жамиятда ана шундоқ зулмлар содир этилса, ўша жамиятнинг барча аъзолари: зулм ишларни қилганларию, уларга бефарқ қараб турганлари биргаликда фитнага — оммавий бало-офатга гирифтор бўладилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Ўзига иймон келтирган бандаларини бундан огоҳлантириб, ушбу хитобни қилмоқда:

**«Ва сизлардан фақат зулм қилганларнинг ўзигагина етмайдиган фитнадан сақланинг».**

Яна, эй зулм қилаётганлар ва уларга жим қараб турганлар:

**«...билингки, албатта, Аллоҳнинг иқоби шиддатлидир».**

Албатта, зулмга қарши курашиш осон эмас. Лекин мусулмон одам, қийинчиликлар олдида тушкунликка тушмаслиги керак. Ихлос билан ҳаракат қилса, Аллоҳнинг Ўзи ёрдам беради.

وَأَذْكُرُوا إِذْ أَنْتُمْ قَلِيلٌ مُسْتَضْعَفُونَ فِي الْأَرْضِ تَخَافُونَ أَنْ يَخَطَفَكُمْ النَّاسُ  
فَأَوْبَكُمْ وَأَيْدِكُمْ بِنَصْرِهِ وَرَزَقَكُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٦٦﴾

**26. Сиз ер юзида оз сонли, заифҳол бўлиб, одамлар сизни тутиб олишидан қўрқиб юрган ҳолингизни эсланг. Бас, У зот сизга жой берди, Ўз нусрати ила қўллади ва сизларга пок нарсаларни ризқ қилиб берди. Шоядки, шукр қилсангиз.**

Ушбу ояти қаримада Аллоҳ таоло мусулмонларга жуда қийин пайтларда ҳам Ўзи ёрдам берганини эслатмоқда. Эй мўминлар,

**«Сиз ер юзида оз сонли, заифҳол бўлиб, одамлар сизни тутиб олишидан қўрқиб юрган ҳолингизни эсланг».**

Исломиё даъватнинг бошланишида мусулмонлар оз сонли, заифҳол эдилар. Маккада қўрқиб, бекиниб юрардилар. Мушриклар тутиб олса, азоб беришади, ўлдиришади, деб кечалари яширинча Қуръон ўқишар, яширинча ибодат қилишар эди. Уларда ҳеч қандай моддий куч-қудрат йўқ эди. Аммо, Аллоҳга иймонлари мустақийм ва ихлослари кучли эди.

**«Бас, У зот сизга жой берди, Ўз нусрати ила қўллади ва сизларга пок нарсаларни ризқ қилиб берди».**

Яъни, Аллоҳ мусулмонларни Маккадан ҳижрат қилдириб, уларга Мадийнадан жой берди. Оз сонли, кучсиз бўлсалар ҳам, Бадр урушида уларни Ўз нусрати ила қўллади – ғолиб қилди. Маккада очнаҳор юрар эдилар, энди, уларга пок нарсаларни ризқ қилиб берди.

**«Шоядки, шукр қилсангиз».**

Шукр қилишнинг энг каттаси Аллоҳ ва Расулининг чақириғига жавоб беришдир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمْنَتِكُمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٦٧﴾

**27. Эй, иймон келтирганлар, билиб туриб, Аллоҳга, Пайғамбарга ва омонатларингизга хиёнат қилманг.**

Аллоҳга хиёнат – «Ла илаҳа илаллоҳ», деб иймонга келган шахснинг ана ўша «Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ» шиорига хилоф қилишидир. Аллоҳдан ўзганинг йўлига юриш, Аллоҳ фарз қилган амалларни тарк этиш, қайтарганларидан қайтмаслик ва бошқа гуноҳлар Аллоҳга хиёнат қилиш бўлади.

Пайғамбарга хиёнат қилиш эса, «Муҳаммадун Расулуллоҳ»га хилоф қилишидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларига юрмаслик, суннатларига амал қилмасликдир.

**«...ва омонатларингизга хиёнат қилманг».**

Яъни, кишилар орасида бўладиган муомалалардаги омонатларга. Муомалалар шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқача бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммасида ҳам бировга бир нима ишониб топширилса, омонат бўлади. Уни ўз ўрнига қўя олмаслик хиёнат ҳисобланади. Омонатга хиёнат қилиш мўмин-мусулмонларга бегона ҳислатдир. Хиёнаткорлик – мунофиқларнинг, иймонсиз ва динсиз кишиларнинг сифати. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва Ибн Ҳиббон ал-Бустийлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Омонати йўқ кишининг иймони йўқ, аҳди йўқ кишининг дини йўқ», деган ҳадисларини ривоят қилишган.

Омонатга хиёнат рўй берса, кўпроқ бола-чақа ва дунё ишларини баҳона қилиб кўрсатадилар. Аслида эса:

وَأَعْلَمُوا أَنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ وَأَنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٢٨﴾

**28. Ва билинги, молларингиз ва фарзандларингиз фитнадан ўзга нарса эмас ва, албатта, Аллоҳнинг ҳузурида улуғ ажр бордир.**

Молу дунё ва фарзандлар омонатга хиёнат қилишга сабаб бўлиши учун эмас, синов учун берилади. Ҳар бир инсонда молу дунёга, фарзандга муҳаббат бор. Булар ҳам Аллоҳнинг неъматлари. Синаш учун берилган неъматлар. Қани, банда буларга шукр қиладими, йўқми? Уларни Аллоҳнинг розилигини қозониш учун ишлатадими ёки йўқми? Кимки молу дунё ва фарзандлар синовидан муваффақиятли ўтса, улар учун:

**«...албатта, Аллоҳнинг ҳузурида улуғ ажр бор».**

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَتَّقُوا اللَّهَ يَجْعَلْ لَكُمْ فُرْقَانًا وَيُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٢٩﴾

**29. Эй, иймон келтирганлар, агар Аллоҳга тақво қилсангиз, сизга фурқон беради, сизнинг гуноҳларингизни ювиб, мағфират қилади. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.**

Юқоридаги ишларни тўғри амалга ошириш учун тақво керак. Балки, ўша таълимотларга амал қилишнинг ўзи тақводир.

**«Эй, иймон келтирганлар, агар Аллоҳга тақво қилсангиз, сизга фурқон беради».**

Яъни тақводор кишига Аллоҳ таоло ҳақдан ботилни, яхшидан ёмонни ажратадиган, фарқлайдиган ҳидоят ва нур бериб қўяди. «Фурқон» дегани ажратувчи – фарқловчи деганидир. Ана ўша ҳидоят ва нур ила тўғри йўлдан юриб борилади. Тақводорларнинг гуноҳлари ҳам ювилади, ҳам мағфират қилинади. Бу катта бахтдир. Аммо Аллоҳ таоло бу билан кифояланиб қолмайди. Тақводорларга яна бошқа мукофотлар беради.

**«Аллоҳ улуғ фазл эгасидир».**

Келаси оятда Аллоҳнинг мусулмонларга берган фазлини эслатиш учун уларнинг ўтмиши ёдга солинади:

وَإِذْ يَمْكُرُ بِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِيُثْبِتُوكَ أَوْ يَقْتُلُوكَ أَوْ يُخْرِجُوكَ وَيَمْكُرُونَ وَيَمْكُرُ اللَّهُ  
وَاللَّهُ خَيْرٌ الْمَكْرِينِ ﴿٦٠﴾

**30. Куфр келтирганлар сени ушлаш, ўлдириш ёки чиқариб юбориш учун макр қилганларини эсла. Улар макр қилдилар ва Аллоҳ ҳам «макр» қилди. Аллоҳ «макр» қилгувчиларнинг устасидир.**

Уламоларимиз Аллоҳга «маккор» сифатини беришдан қайтарганлар. Шунинг учун ҳам, Қуръон ёки ҳадисда Аллоҳ таолога нисбатан «макр» лафзи ишлатилса, уни бандаларга нисбатан қўлланилгани каби тушунмаслик керак. Кофирлар ўзларича макр қилишга уринадилар, аммо Аллоҳ таоло уларнинг макрини йўққа чиқаради, макрларининг жазосини беради.

Ушбу ояти каримадаги хитоб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратилгандир:

**«Куфр келтирганлар сени ушлаш, ўлдириш ёки чиқариб юбориш учун макр қилганларини эсла»,** деб ёдга солинаётган ҳодиса эса, Маккада бўлиб ўтгандир.

Бу ҳақда имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Қурайш бир кеча Маккада машварат қилди. Кимдир эрталаб уни (Муҳаммад-ни) ушлаб, боғлаб қўйинглар, деди. Бошқалари эса, йўқ, уни

ўлдириш керак, дейишди. Баъзилари, Маккадан чиқариб юборинглар, деди.

Аллоҳ таоло Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга бунни билдирди. Ҳазрати Али Расулуллоҳнинг тўшакларига кириб ётди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, Маккадан чиқиб ғоргача етиб олдилар. Мушриклар Али розияллоҳу анҳуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деб ўйлаб, кечаси билан пойлаб чиқдилар. Эрталаб ёпирилиб кириб, Алини кўрганларида, Аллоҳ уларнинг макрларини ўзларига қайтарди. Улар: «Оғайнинг қани?» – деб сўрадилар. Али: «Билмайман», – деди. Улар Расулуллоҳнинг изларидан ахтариб кетдилар. Тоққа етганларида, адаштириб юбордилар. Тоғ тепасига чиқиб, ғор ёнидан ўтдилар. Ғорнинг оғзида ўргимчак уясини кўриб: «Агар у бу ерга кирганида, ўргимчак уяси бўлмас эди», – деб ўтиб кетдилар. Ўша жойда (Расулуллоҳ) уч кун қолдилар».

Бундан ортиқ ҳимоя бўладими? Ана шундай қийин ҳолатларда сақлаган Аллоҳ таоло бундан кейин ҳам сақлайди.

Ўша кофирлар бошқа гуноҳларни ҳам қиладилар. Масалан:

وَإِذْ أَنْتَلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا قَالُوا قَدْ سَمِعْنَا لَوْ نَشَاءُ لَقُلْنَا مِثْلَ هَذَا إِنْ هَذَا إِلَّا  
 أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٣١﴾

**31. Уларга оятларимиз тиловат қилинса: «Батаҳқиқ, эшитдик, агар хоҳласак, бунга ўхшашни ўзимиз ҳам айтамыз. Бу аввалгиларнинг афсонасидан ўзга нарса эмас», – дейдилар.**

Гарчи ушбу ояти кариманинг маъноси умумий бўлиб, ҳамма кофирларга тегишли саналса-да, аслида унинг нозил бўлишига Назр ибн Ҳорис исми кофир сабабчи эди.

Машҳур тафсир олими Ҳофиз Имоиддин ибн Касир ўз тафсирларида Саъид ибн Жубайр, ибн Журайж ва бошқалардан қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Назр ибн Ҳорис, унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, форсларнинг юртига бориб, уларнинг подшоҳи Рустам ва Асфандиёр кабиларнинг афсоналарини ўрганган эди. Қайтиб келганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбар бўлиб, одамларга Қуръон ўқиб бераётганларини кўрди. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор мажлисдан туриб кетсалар, у кишининг ўринларига ўтириб, форсларнинг ҳикоясини гапириб берар эди. Сўнгра эса: «Аллоҳга қасамки, айтинглари-чи, қайси биримиз қиссани яхши айтдик? Менми ёки Муҳаммадми?» – дер эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ Бадр куни уни асир олишга имкон берди. Шунда, Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳузурларида унинг бошини танасидан жудо этишга амр қилдилар. Алҳамдулиллаҳ, шундай бўлди ҳам. Уни Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳу асирга олган эди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Назрни ўлдиришга амр қилганларида Миқдод розияллоҳу анҳу:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бу менинг асирим», — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу, Аллоҳнинг китоби ҳақида оғзига келганини айтиб юрарди», — дедилар. Яна ўлдиришга буюрдилар. Шунда Миқдод розияллоҳу анҳу яна:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бу менинг асирим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй, бор Худоё, Миқдодни Ўз фазлинг билан бой қилгин!» — дея марҳамат этдилар. Миқдод:

«Шуни хоҳлаган эдим», деди.

Бас, Назр ибн Ҳорис ҳақида: **«Уларга оятларимиз тиловат қилинса: «Батаҳқиқ эшитдик, агар хоҳласак, бунга ўхшашни ўзимиз ҳам айтамыз. Бу аввалгиларнинг афсонасидан ўзга нарса эмас», дейдилар»** ояти нозил бўлди.

Маълумки, афсона — асли йўқ, хом хаёл билан тўқилган, хурофий қиссадир. Унда ўлган кишиларнинг ҳаёти таги йўқ сифатлар ила васф қилинади. Одатда, бундай афсоналар бекорчилик вақтида бир-бирига айтиб, вақт ўтказиш учун тўқилади. Унинг сафсата, гап ўйини эканлиги ҳаммага маълум. Бу, тингловчилар учун мароқ, тасалли бўлса, сўзловчилар учун сўз ўйини, мусобақа бўлади.

Кофирлар Қуръони Каримда келган аввалги умматларнинг қиссаларини, гўзал лавҳалар ва мўъжизаларини афсона деб баҳолайдилар. Бу ҳолат ҳозир ҳам давом этмоқда. Ҳатто баъзи бир ўзини мусулмон ҳисоблайдиган шахслар ҳам Қуръонга маданий мерос сифатида қарайдилар. Худойиларда тиловат қилиш ва яна шунга ўхшаш маросимларга боғлаб, унга амал қилишни эскилик сарқити, қоқоқлик деб биладилар.

Кофирлар Қуръонни афсона дейиш билан кифояланиб қолмаганлар, балки ундан ҳам илгари кетганлар:

وَإِذْ قَالُوا اللَّهُمَّ إِن كَانَتْ هَذِهِ حَقًّا مِنْ عِنْدِكَ فَامْطِرْ عَلَيْنَا حِجَابًا مِّنَ السَّمَاءِ أَوْ آتِنَا بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٦٢﴾

32. «Эй, бор Худоё, агар мана шу сенинг ҳузурингдан келган ҳақ бўлса, устимизга осмондан тош ёғдиргин ёки бизга аламли азоб юборгин», деганларини эсла.



Имом Бухорий ривоят қилишларича, бу гапни Абу Жаҳл айтган экан. Баъзи ривоятларда ундан бошқа кофирлар ҳам худди шу гапни айтганликлари таъкидланади. Бундай дейиш Қуръони Каримни инкор қилишнинг энг мункар кўринишларидан биридир. Сўзнинг совуқлигини қаранг! Агар шу, яъни Қуръон ҳақ бўлса, устимиздан тош ёғдир ёки бошқа аламли азоб бер, эмиш. Ҳаққа нисбатан бундай гапни инсонлик табиатини буткул йўқотган одамгина айтиши мумкин. Хўш, уларнинг бу ноўрин талабларига Аллоҳ таоло қандай жавоб берди?

Аллоҳ таоло жавобни пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган хитоби орқали берди:

وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُعَذِّبَهُمْ وَأَنْتَ فِيهِمْ وَمَا كَانَ اللَّهُ مُعَذِّبَهُمْ وَهُمْ يَسْتَغْفِرُونَ ﴿٣٣﴾

**33. Модомики, сен уларнинг ичида экансан, Аллоҳ уларни азобламас. Модомики, улар истиғфор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азобловчимас.**

Уларга Аллоҳ таоло ҳалок қилиб битирувчи азоб юбормаслигининг иккита сабаби бор экан. Биринчиси, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг борликлари. Чунки, у кишини Аллоҳ таоло барча одамларга раҳмат қилиб юборган. Ораларида шундай зот турган қавмни оммавий азобга дучор қилишни Аллоҳ ирода қилмаган.

Иккинчи сабаби эса, уларнинг истиғфор айтишлари. Аллоҳдан гуноҳларини кечиришини сўрашларидир. Чунки, истиғфор айтилса, яхшиликдан умид бор бўлади.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло уларни бу дунёнинг ўзида азоблаши жуда ҳам осонлиги айтиб ўтилади:

وَمَا لَهُمْ آلَا يُعَذِّبَهُمُ اللَّهُ وَهُمْ يَصُدُّونَ عَنِ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَمَا كَانُوا أَوْلِيَاءَ ۗ إِنْ أَوْلِيَاؤُهُمْ إِلَّا الْمُنَافِقُونَ وَلَكِنْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٤﴾

**34. Нега энди Аллоҳ уларни азобламас экан. Улар Масжидул Ҳаромдан тўсмоқдалар. Ҳолбуки, Унинг валийлари эмаслар. Унинг валийлари тақводорлардан ўзга ҳеч ким эмас. Лекин кўплари билмаслар.**

Яъни, Аллоҳ уларни азобласа, ҳаққи бор, уларнинг қилмиши азобга лойиқ. Улар одамларни Масжидул Ҳаромдан тўсмоқдалар. Мусулмонларни унга яқинлаштирмаптилар. Аслида, уларнинг бунга ҳаққи йўқ, улар Масжидул Ҳаромнинг валийлари – мутасаддилари



эмаслар. Қандай қилиб Аллоҳнинг уйига кофиру мушриклар ва-лий — мутасадди бўлар экан? Байтуллоҳга фақат бир тоифа одамларгина валий — мутасадди бўла оладилар. Улар тақводорлардир.

Лекин кўпчилик буни билмайди.

Мушриклар қандай қилиб Байтуллоҳга валий — мутасадди бўлсинлар? Улар улуғ мақомдаги ибодатни ҳам нотўғри қиладилар-ку?!

وَمَا كَانَ صَلَاتُهُمْ عِنْدَ الْبَيْتِ إِلَّا مُكَاءً وَتَصَدِيَةً فَذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنْتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٣٥﴾

**35. Уларнинг байт олдидаги намозлари ҳуштак ва қарсак ча-лишдан иборат эди, холос. Бас, куфр келтирганингиз туфайли азобни татиб кўринг.**

Мушриклар Байтуллоҳнинг валий — мутасаддилари бўлса, ибодатла-ри ҳуштак ва чапак чалишдан иборат бўлармиди? Бу ишда на Байтул-лоҳга ҳурмат-эҳтиром бор ва на Аллоҳга ибодат. Фақат овоз чиқариш, тўс-тўполон қилиш. Шунинг учун ҳам, оятнинг сўнгида уларга хитобан:

«**Бас, куфр келтирганингиз туфайли азобни татиб кўринг**», де-йилмоқда.

Яъни, Бадр урушидаги азобни татиб туринг, қолганини қиёмат-да оласиз.

Юқоридаги оятда кофирларнинг жисмоний «ибодатлари» васф қилинди, келаси оятда молиявий «ибодатлари» васф этилади:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ ﴿٣٦﴾

**36. Албатта, куфр келтирганлар молларини Аллоҳнинг йўли-дан тўсиш учун сарфларлар. Бас, уларни сарфларлар-у, сўнгра, ўзларига ҳасрат бўладир, кейин мағлуб бўлурлар. Куфр келтир-ганлар жаҳаннамга тўпланурлар.**

Ушбу сураи карима тафсири муқаддимасида келтирилган Бадр уруши ҳақидаги ривоятларда Макка мушрикларининг бойлари му-сулмонларга, Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламга қарши қан-чалик молу мулк сарфлаганликларини кўриб ўтдик.

«**Албатта, куфр келтирганлар молларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун сарфларлар**».

Кофирлар одамларни Аллоҳнинг йўлидан қайтариш учун ундан кейин ҳам, ҳозир ҳам ҳисобсиз маблағларини сарфламоқдалар. Улар, ўзларича, бу харажатларни эзгулик йўлида, савоб учун сарфляпмиз, деб ўйлайдилар. Улар хоҳлаганларича сарфлайверсинлар, лекин бир куни келиб, худди шу сарфлаган моллари ўзларига ҳасратнадомат бўлиб қайтади.

**«Бас, уларни сарфлайдилар-у, сўнгра, ўзларига ҳасрат бўлади, кейин мағлуб бўлурлар».**

Бунга Бадр урушига харжланган моллар мисол бўла олади. Мингминглаб сарф қилсалар ҳам, мақсадларига эриша олмай, мағлуб бўлдилар. Охиратда эса, жаҳаннамда тўпланадилар. Бу, Аллоҳ таолонинг таъкид ила берган хабаридир:

**«Куфр келтирганлар жаҳаннамга тўпланурлар».**

Кейинги оятда уларни мағлуб этиш ва жаҳаннамда тўплашдан кўзланган мақсад баён қилинади:

لِيَمِيزَ اللَّهُ الْخَبِيثَ مِنَ الطَّيِّبِ وَيَجْعَلَ الْخَبِيثَ بَعْضُهُ عَلَى بَعْضٍ فَيَرْكُمُهُ  
جَمِيعًا فَيَجْعَلُهُ فِي جَهَنَّمَ أَوْلِيَّكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٧٧﴾

**37. Аллоҳ покдан нопокни айириши учун ва нопокнинг баъзиси устига баъзисини тахлаб, ҳаммасини жаҳаннамга ташлаши учун. Ана ўшалар зиён кўргувчилардир.**

Яъни, Аллоҳ таоло покдан нопокни ажратиб олиш учун бу дунёда кофирларни мағлуб этади. Ким пок бўлса, Аллоҳнинг йўлида пок мол сарфлаган бўлса, у ғолиб бўлади. Харжлаган моли унинг учун савобга айланади. Ким нопок бўлса, кофир бўлса, мағлуб бўлади, сарфлаган нопок моли ўзига ҳасрат бўлиб қайтади.

Аллоҳ таоло кофирларни у дунёда жаҳаннамга тўплайди, уларни покдан – жаннатий мўминлардан ажратиб олиш учун, худди ўтинни тахлагандек, бир-бирларининг устига тахлаб туриб, дўзахга ташлаш учун тўплайди. Ҳақиқий зиён кўрувчилар ана шулар бўлади.

Келгуси оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб этиш орқали ҳали ҳам кофирлар тавба қилиб, иймонга келиш имконига эга эканликларини билдиради.

قُلْ لِلَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ يَنْتَهُوا يُغْفَرْ لَهُمْ مَا قَدْ سَلَفَ وَإِنْ يَعُودُوا فَقَدْ مَضَتْ  
سُنَّتُ الْأَوَّلِينَ ﴿٧٨﴾

**38. Куфр келтирганларга айт, агар тўхтасалар, ўтган нарсалар мағфират қилинур ва агар қайтадиган бўлсалар, бас, батаҳқиқ, аввалгиларнинг суннати ўтган.**

Юқоридаги оятларда куфрнинг оқибати нима бўлиши батафсил баён қилинди. Ҳамма нарса аён бўлди. Энди, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга охириги хулосани кофирларга айтиш топширилмоқда.

**«Куфр келтирганларга айт, агар тўхтасалар, ўтган нарсалар мағфират қилинур».**

Яъни, агар улар куфр келтиришдан, Исломга ва мусулмонларга душманлик қилишдан тўхтасалар, мўмин бўлиб, яхши амалларни қилсалар, уларнинг аввалги гуноҳлари барчаси кечирилади. Чунки, Ислом ўзидан аввалги ҳамма нарсани ювади.

Имом Бухорий ривоят қилган бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ислом ўзидан аввалги нарсани кесади, тавба ҳам ўзидан аввалги нарсани кесади», – деганлар.

Шунингдек, имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Исломда яхшилик қилса, жоҳилиятда қилган амалига жавобгар бўлмайди», – деганлар.

**«...агар қайтадиган бўлсалар, бас, батаҳқиқ, авалгиларнинг суннати ўтган».**

Яъни, улар ушбу баёндан кейин ҳам яна куфрга қайтсалар, Ислом ва мусулмонларга душманлик қилишга қайтсалар, аввалда уларга ўхшаганларнинг одат бўйича нима бўлганлари маълум. Улар ҳам ўшаларга ўхшаб ҳалок бўладилар.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло, кофиру мушриклар куфрларида ва душманликларида тураверсалар, уларга қарши уруш қилишга буюради:

وَقَالُوا هُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةً وَيَكُونَ الدِّينُ كَلَهُ لِلَّهِ فَإِنِ اتَّهَوَا  
فَإِنِ اللَّهُ بِمَا يَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٣٩﴾

**39. Ва улар билан то фитна бўлмагунча ва диннинг ҳаммаси Аллоҳга бўлгунча, уруш қилинг. Агар тўхтасалар, бас, Аллоҳ, албатта, нима қилаётганларини кўриб тургувчи зотдир.**

Яъни, эй Пайғамбар, эй мўминлар, анави кофирлар куфрлари билан Исломга ва мусулмонларга қарши фитна қўзғашдан тўхтамаяптилар:

**«...улар билан то фитна бўлмагунча ва диннинг ҳаммаси Аллоҳга бўлгунча, уруш қилинг».**

Ушбу оятда Исломдаги жиҳоднинг маънолари қисман баён қилинган.

Демак, жиҳоднинг мақсадларидан бири Исломга ва мусулмонларга қарши фитнани йўқ қилишдир. Ислом динига қарши фитна тўхтаса, жиҳоднинг сабаблари биттага камаяди. Жиҳоднинг яна бир мақсади — дин, бўйсунуш, ибодат фақат Аллоҳга бўлсин. Бандага бўлмасин, бош-қа нарсаларга бўлмасин. Ҳамма ўз ҳолига, ихтиёрига қўйиб берилсин. Мабодо, бандаларни ўзларига ўхшаган бандаларга ёки бошқа бирор нарсага ибодат қилдиришга ҳаракат бўлса, жиҳод лозим бўлади.

**«Агар тўхтасалар, бас, Аллоҳ, албатта, нима қилаётганларини кўриб тургувчи зотдир».**

Яъни, улар Исломга ва мусулмонларга қарши фитна қилишдан, диннинг барчаси Аллоҳ учун бўлишига қаршилиқ кўрсатишдан тўхтасалар, мусулмонлар ҳам жиҳоддан тўхтайдилар. Уларни сўроқ-саволга тутиб, тафтиш ҳам қилиб юрмайдилар. Бундай ишларнинг ўз эгаси бор. Аллоҳ таоло нима қилаётганларини кўриб-билиб турибди. Ўзи ҳисоб-китоб қилиб олади.

وَإِنْ تَوَلَّوْا فَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ مَوْلَكُمْ نِعْمَ الْمَوْلَىٰ وَنِعْمَ النَّصِيرُ ﴿٤٠﴾

**40. Агар юз ўгирсалар, бас, билгинки, албатта, Аллоҳ хожангиздир. У қандай ҳам яхши хожа ва қандай ҳам яхши нусрат бергувчи!**

Яъни, агар кофирлар сизнинг гапингизни, даъватингизни эшитмай, юз ўгириб кетсалар, куфрларидан ва фитна қилишдан қайтмасалар, ҳеч эътибор бермай, уларга қарши курашни давом эттираверинг. **«...албатта, Аллоҳ хожангиздир».**

У сизни ҳимоя қилади ва сизга ғалаба беради.

**«У қандай ҳам яхши хожа ва қандай ҳам яхши нусрат бергувчи!»**

Уруш бўлгандан кейин ўлжа масаласи ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлади. Келаси оятда ана шу масалага тўхталади.

﴿٤١﴾ وَأَعْلَمُوا أَنَّمَا غَنِمْتُمْ مِّن شَيْءٍ فَإِنَّ لِلَّهِ خُمُسَهُ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ إِن كُنْتُمْ ءَامِنْتُمْ بِاللَّهِ وَمَا أُنزَلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا يَوْمَ الْفُرْقَانِ يَوْمَ التَّقَىٰ أَجْمَعِينَ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٤١﴾

**41. Ва агар Аллоҳга, фурқон куни–икки жамоат тўқнашган куни бандамизга нозил қилган нарсамизга иймон келтирган бўлсангиз, билингки, ўлжага олган нарсангиздан бешдан бири Аллоҳга, Расулига, яқинларига, етимларга, мискинларга ва мусофирларгадир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.**

Ушбу ояти каримада зикри келган

«**Фурқон куни-икки жамоат тўқнашган куни**»дан мурод Бадр уруши кунидир. Чунки, айна ўша кун Аллоҳ таоло ҳақ билан ботилни фарқ қилган, ажратган кундир. Ўша кун мусулмонлар билан мушриклар тўқнашган кундир. Оятда Бадр уруши куни Расулуллоҳга нозил қилинган оятларга иймон келтиришлик Аллоҳга иймон келтириш билан бирга зикр этилмоқда. Ўша куни нозил қилинган ояти карималар ўлжани тақсимлашга ҳам тааллуқли эди. Ана ўша оятлардаги ҳукмларга амал қилсалар, иймонлари борлигига далолат бўлиши таъкидланмоқда.

«**Ва агар Аллоҳга, фурқон куни–икки жамоат тўқнашган куни бандамизга нозил қилган нарсамизга иймон келтирган бўлсангиз**», дейилмоқда.

Сўнгра эса, ўшандоқ иймон тақозосига оид, тўлиқ розилик билан қабул этилиши лозим бўлган **ўлжалар тақсими ҳақидаги ҳукм** баён қилинмоқда:

«**...билингки, ўлжага олган нарсангиздан бешдан бири Аллоҳга, Расулига, яқинларига, етимларга, мискинларга ва мусофирларгадир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир**».

Жиҳод пайтида қўлга тушган ўлжаларнинг бешдан тўрти мужоҳидларга бўлиб берилади. Қолган бир қисми эса, ушбу оятда зикр қилинган тоифаларга ажратилади:

- 1) Аллоҳ таолога;
- 2) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга;
- 3) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқинларига;
- 4) етимларга;
- 5) мискинларга;

6) мусофирларга, яъни, гуноҳ учун бўлмаган, мубоҳ сафар вақтида оғир иқдисодий аҳволга тушиб қолганларга бўлиб берилади. Гуноҳ ишлар ниятида сафар қилган бўлсалар, берилмайди. Аллоҳга ва Расулига аталган улушлар мусулмонларнинг умумий манфаатлари йўлида сарфланади.

إِذْ أَنْتُمْ بِالْعُدْوَةِ الدُّنْيَا وَهُمْ بِالْعُدْوَةِ الْقُصْوَى وَالرَّكْبُ أَسْفَلَ مِنْكُمْ وَلَوْ تَوَاعَدْتُمْ لِأَخْتَلَفْتُمْ فِي الْمِيعَادِ وَلَكِنْ لِيَقْضِيَ اللَّهُ أَمْرًا كَانَ مَفْعُولًا لِيَهْلِكَ

مَنْ هَلَكَ عَنْ بَيِّنَةٍ وَيَحْيَىٰ مِنْ حَيٍّ عَنْ بَيِّنَةٍ وَإِنَّ اللَّهَ لَسَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٤٦﴾

**42. Ўшанда сизлар (водийнинг Мадийнага) яқин тарафида, улар узоқ тарафида, отлиқлар эса сиздан пастда эди. Агар ваъдалашиб олганингизда ҳам, келишилган жой ва вақтда хилоф қилардингиз. Лекин Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиши учун, ҳалок бўладиган одам очиқ-ойдин ҳужжат билан ҳалок бўлиши учун, яшаши керак бўлган одам очиқ-ойдин ҳужжат билан яшаши учун (тўқнашдингиз). Ва, албатта, Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи Зотдир.**

Ушбу ояти каримада Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Бадр урушидан олдин мусулмонлар ва уларнинг душманлари бўлмиш Қурайш мушрикларининг жойлашуви ва Абу Суфён бошлиқ карвоннинг ҳолини ҳамда ана ўша ишлардаги илоҳий ҳикматларни ажойиб услуб ила баён қилмоқда. Бу илоҳий баённи синчилаб ўрганган одам Қуръони Каримнинг илоҳий китоблигига яна бир бор тан бермай иложи йўқ.

**«Ўшанда сизлар (водийнинг Мадийнага) яқин тарафида, улар узоқ тарафида, отлиқлар эса сиздан пастда эди».**

Яъни, Бадр уруши куни сизлар, эй мусулмонлар, водийнинг Мадийнага яқин тарафига келиб тушдингиз. Мушриклар водийнинг Мадийнадан узоқ тарафига келиб тушдилар. Карвондаги отлиқлар эса, сиз турган жойнинг пастроғидан юриб, соҳил бўйлаб ўтиб кетди. Сиз билан мушриклар ўртасида тепалик бўлиб, бир-бирингизни кўрмас эдингиз.

Аввал айтиб ўтганимиздек, мусулмонлар Абу Суфён бошлиқ Шомдан келаётган тижорат карвонини тўсиб чиқишган эди. Мушриклар эса, Маккадан ўша карвонни ҳимоя қилиш учун отланган эдилар. Улар ҳам, булар ҳам, карвонни топа олмай, бир-биридан беҳабар, бир жойга тушдилар. Мусулмонлар ҳам, мушриклар ҳам бир жойга, бир вақтнинг ўзида ўзларича келдилар.

**«Агар ваъдалашиб олганингизда ҳам, келишилган жой ва вақтда хилоф қилардингиз».**

Яъни, вадалашиб, учрашув жойи ва вақтини олдиндан келишиб олганингизда ҳам, бунчалик аниқ дуч келмаган бўлар эдингиз. Шунинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, Бадр урушидаги воқеалар Аллоҳнинг тадбири ва иродаси билан бўлмоқда. Ишлар тадбирини олишдан Аллоҳнинг мақсади эса:

**«...Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиши учун»** эди.

Ислом ҳақ сифатида кишилар қалбидан жой олиб бўлган, энди, уни воқелиқда, кишилар ҳаётида ҳам қарор топтириш зарур эди. У

бутун инсониятга икки дунё саодатини таъминловчи илоҳий тузум, кишилар ҳаётининг барча соҳаларида илоҳий дастур сифатида ўз ўрнини тутиши керак эди. Кофирлар танлаган йўл ҳалокатга олиб боришининг хабарини бериш даркор. Мусулмонлар ўзлари учун қандай ҳаётни танлаб олганлари ҳам ҳаммага ошкор бўлиши лозим. Мана шуларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло бир кунмас бир кун рўёбга чиқариши муқаррар эди.

Аллоҳ таоло ўша ишни ҳал этиб қўя қолиш учун Бадр кунини танлади ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларига мусулмонлар билан кофирлар ўртасидаги жанг айнан Бадр деган жойда содир бўлишини ирода қилди.

**«Лекин Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиши учун, ҳалок бўладиган одам очиқ-ойдин ҳужжат билан ҳалок бўлиши учун, яшаши керак бўлган одам очиқ-ойдин ҳужжат билан яшаши учун (тўқнашдингиз)».**

Шундай бўлди ҳам. Аллоҳ мушрику кофирларни мусулмонлар қўли билан мағлуб қилди. Аллоҳнинг ҳақ дини зоҳир бўлиб, воқеликка чиқишига мусулмонлар восита қилинди. Қилиниши керак бўлган иш ҳал этилди. Шу куни Аллоҳга, Унинг Расулига, динига ва мусулмон бандаларига уруш очиб, ўзларига ҳалокат йўлини ихтиёр этган мушрикларга қарши очиқ-ойдин ҳужжат собит бўлди. Шунингдек, Аллоҳнинг йўлида, Унинг дини — Исломи йўлида, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилиш йўлида жонларини ва молларини фидо этиб, кофирларга қарши жиҳод қилган мусулмонлар ҳаёт йўлини, ҳалокатдан қутулиш йўлини танлаганларига очиқ-ойдин ҳужжат собит бўлди.

**«Ва, албатта, Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи Зотдир».**

У зот ҳар бир нарсани эшитиб турадир. У зот ҳар бир нарсани кўриб турадир. Ҳамда ана ўша Ўзи эшитган ва кўрган нарсалари ҳақида ҳисоб китоб қиладир.

Келаси ояти каримада ҳам Бадр урушида бўлиб ўтган баъзи ҳодисаларни эслатиш давом этади.

إِذْ يُرِيكُهُمُ اللَّهُ فِي مَنَايِكَ قَلِيلًا وَلَوْ أَرَادَكَّهُمْ كَثِيرًا لَفَاشْتَهُمْ وَلَنَنْزَعْتَهُمْ فِي الْأَمْرِ وَلَئِنْ سَأَلْتَهُمْ لَيَقُولُنَّ إِنَّمَا كُنَّا نَعْبُدُ آبَاءَنَا وَإِنَّمَا آبَاؤُنَا كَانُوا عَلَىٰ سَبِيلٍ سَاءٍ مَّا يَدْعُونَ

43. Ўшанда Аллоҳ тушингда уларни сенга оз кўрсатди. Агар уларни сенга кўп кўрсатганида, тушкунликка учрар эдингизлар ва бу ишда ораларингизда низо чиқар эди. Лекин Аллоҳ сақлади. Албатта, У дилингиздаги нарсани билгувчи зотдир.



Бадр урушида мусулмонлар кофирлар устидан ғолиб келишлари учун Аллоҳ таоло кўрган тадбирлардан бири Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тушларида душманни оз қилиб кўрсатгани эди.

Расулуллоҳ бу ҳақда саҳобаи киромларга хабар берганларида, ҳаммалари хурсанд бўлиб, шижоатланиб жангга кирдилар. Бу ҳам ғалабанинг омилларидан бири бўлган.

**«Ўшанда Аллоҳ тушингда уларни сенга оз кўрсатди. Агар уларни сенга кўп кўрсатганида, тушкунликка учрар эдингизлар ва бу ишда ораларингизда низо чиқар эди».**

Оятнинг давомида, агар Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тушларида кофирларни кўп кўрсатганида, мусулмонлар тушкунликка учрашлари ва ораларида низо чиқиши мумкинлиги ҳам эслаб ўтилмоқда.

**«Лекин Аллоҳ сақлади».**

Уларни тушингда оз кўрсатди ва мусулмонлар кўркмай, ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, шижоат билан жанг қилдилар ва Аллоҳнинг ёрдамида ғолиб чиқдилар.

**«Албатта, У дилингдаги нарсани билгувчи зотдир».**

Шунинг учун ҳам, кофирларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга оз кўрсатди. Бу туш ўнгда ҳам тақрорланди:

وَإِذْ يُرِيكُمُوهُمْ إِذِ التَّقَاتُمْ فِي آعْيُنِكُمْ قَلِيلًا وَيَقَلِّلُكُمْ فِي آعْيُنِهِمْ لِيَقْضَى اللَّهُ  
أَمْرًا كَانَ مَفْعُولًا وَإِلَى اللَّهِ تَرْجِعُ الْأُمُورُ ﴿٤٤﴾

**44. Ўшанда, тўқнашганингда, уларни сизнинг кўзингизга оз қилиб кўрсатганини, сизни уларнинг кўзига оз қилиб кўрсатганини эсланг. Буни Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиш учун қилди. Ва барча ишлар Аллоҳга қайтарилур.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрган тушлари рост чиқди. Аллоҳ таоло мусулмонларга кўп сонли мушрикларни оз қилиб кўрсатди.

**«Ўшанда, тўқнашганингда, уларни сизнинг кўзингизга оз қилиб кўрсатганини», эсланг.**

Ўша машҳур тарихий ғазотнинг иштирокчиларидан бири Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар: «Улар кўзимизга жуда оз бўлиб кўриндилар. Ҳатто мен ёнимдаги одамдан: «Етмиштгача кўряпсанми?» — деб сўрадим. У: «Менимча, юзтага яқин бўлса керак», — деди. Кейин улардан биттасини ушлаганимизда, сўра-

сак, мингта эдик, деди». Муслмонлар, шу боис, қўрқмай, шижоат билан жангга кирдилар ва ғолиб бўлдилар. Ва:

**«...сизни уларнинг кўзига оз қилиб кўрсатганини эсланг».**

Аллоҳ таоло мушрикларга оз сонли муслмонларни яна ҳам камайтириб кўрсатди. Улар биз кўпмиз, муслмонлар оз экан, деб ғурурга кетишди ва ғафлатда қолиб, мағлуб бўлишди.

**«Буни Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиш учун қилди».**

Исломни қалбда ёки иймон келтирганлар орасидагина қарор топтириб қолмасдан, ҳамма тан оладиган қилди. Қурайш мушриклари куфр миллатининг Исломга қарши турган асосий кучи эди, уларнинг бор имконини ишга солиб тўплаб келган қуроли кучларини Аллоҳ мағлуб қилди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларидаги муслмонларни ғолиб этди. Бу кун дунё тарихида энг катта аҳамиятга эга бўлган кунлардан бирига айланди. Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни қилди.

**«Ва барча ишлар Аллоҳга қайтарилур».**

Ундан бошқага эмас. Шунинг учун, Аллоҳдан қолмаслик керак.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло мўминларни уруш пайтида собит туришга буюради:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا لَقِيتُمْ فِئَةً فَاثْبُتُوا وَاذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٤٥﴾

**45. Эй, иймон келтирганлар! (Кофир) жамоатга рўбарў келганингизда, саботли бўлинг ва Аллоҳни кўп зикр қилинг, шоядки, нажот топсангиз.**

Ушбу ояти каримада муслмонларга ғалабанинг иккита катта омилини амалга ошириш амр қилинмоқда.

Биринчи омил — душман жамоаси билан тўқнашганда саботли бўлиш. Албатта, сабот бўлмаса, жангда ҳеч ким ғолиб кела олмайди. Муслмонлар ушбу илоҳий амрга ихлос билан амал қилган пайтларида бутун дунёга эга бўлдилар. Аввалги муслмонлар саботда ҳаммага дарс берардилар. Шу боис, улар ўзлари ҳам, қуроллари ҳам оз бўлса-да, Аллоҳга бўлган кучли иймонлари ва саботлари туфайли дунёда энг катта ва қудратли ҳисобланган Рум ва Форс салтанатларини тезда тор-мор қилдилар. Дунёда иймон ва хуррият нурининг таралишига сабабчи бўлдилар.

Душманга рўбарў келганда нажот топиш учун иккинчи муҳим омил — Аллоҳни кўп зикр қилиш. Чунки, Аллоҳни зикр қилган одам мағлубият нелигини билмайдиган кучга мурожаат этган бўлади. Ёрдам

сўраган иймонли бандаларига албатта нусрат бергувчи Зотнинг Ўзигагина мурожаат қилган бўлади. Битмас-туганмас куч-қудрат манбаига мурожаат қилган бўлади. Бу эса, албатта, нажот топишнинг йўлидир.

وَاطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَا تَتَزَعَوْا أُنْفُسَكُمْ تَسْلُوًا وَتَذْهَبَ بِرِيحِكُمْ وَأَصِرُوا إِنَّا اللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴿٤٦﴾

**46. Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинг. Ўзаро низо қилманг, у ҳолда тушкунликка учрайсиз ва куч-қувватингиз кетадир. Ва сабр қилинг. Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар биландир.**

Ғалаба омилларидан яна бири — Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилиш бўлиб, у нафақат уруш майдонидаги, балки барча соҳалардаги ғалаба ва муваффақиятларнинг асосий гаровидир. Маълумки, урушда қўмондоликка итоат катта аҳамиятга эга. Бу оддий бандаларга итоат ҳақидаги гап. Энди, оламларнинг яратгувчиси ва тадбирини қилгувчисига, У зотнинг танлаб олган охирги Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бўладиган итоат қанчалар улуғ эканини, қанчалик муваффақиятлар гарови эканини ўзимиз билиб олаверишимиз керак. Яна шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, итоат деганда, умумий ва ҳар бир нарсадаги итоат тушунилмоғи лозим. Мусулмонларнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига итоатлари қанча кўп бўлса, муваффақиятлари ҳам шунчалик кўп бўлаверади. Шунинг учун ҳам, Қуръони Каримда бу амр қайта-қайта такрорланди. Ушбу, мусулмонларни ғалабага олиб борувчи омиллар ичида ҳам Аллоҳ таоло Ўзининг мўмин бандаларига нидо қилиб:

**«Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинг»,**—демоқда.

Ривоят қилинишича, ғазотлардан бирида мусулмонларнинг ишлари унча юришмабди. Нима камчилик ўтди экан, деб узоқ ўйлашибди. Шунда, битталари суннатлардан бирига амал қилмай қўйганларини эслабди. Аскарга ўша амални адо қилиш амр қилинибди. Сўнгра, ғалаба ҳам келибди.

Ушбу оятда зикр қилинаётган ғалаба омилларидан яна бири ўзаро низо қилмасликдир.

**«Ўзаро низо қилманг»,**

Ўзаро низонинг оқибати нима бўлиши оятнинг ўзида айтилган:

**«...у ҳолда тушкунликка учрайсиз ва куч-қувватингиз кетадир».**

Ислом тарихида мусулмонларнинг ҳамма мағлубиятлари ички низолар оқибатида содир бўлган. Мусулмонлар тарихига тааммул ила назар ташланса, уни яхшилаб ўрганилса, Бадр урушидан, ҳозир

биз ўрганаётган ояти карималар сўз юритаётган Ислом душманлари билан биринчи тўқнашувдан тортиб, то бугунги кунимизгача мусулмонларни ҳеч қандай ташқи куч енга олмаган. Мусулмонлар ўз душманларидан қанча енгилган бўлсалар, фақатгина динларидан узоқлашиб, ўзаро ички низо қилганларидагина енгилганлар.

**«Ва сабр қилинг. Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар биландир».**

Сабр урушда жуда асқотадиган сифатдир. Сабр бўлмаса, ҳеч бир нарсада, жумладан, урушда ҳам муваффақиятга эришиш маҳол.

Ушбу оятларда Аллоҳ таоло мўминлар душман билан тўқнашганда ўзларини қандай тутишлари лозимлигини ўргатади. Худди шу маъноларни таъкидлаб келган ҳадислар ҳам бор. Имом Бухорий ва имом Муслимлар Абдурроҳман ибн Авф розийаллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам душманга рўбарў келган кунлардан бирида қуёш заволга кетгунигача қараб турдилар, сўнгра, одамлар орасига кириб:

«Эй одамлар, душманга рўбарў келишни орзу қилманглар, Аллоҳдан офият сўранглар. Уларга рўбарў келганингизда эса, сабр қилинг ва билингки, жаннат қиличларнинг соясидадир», — дедилар. Сўнгра, Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам ўринларидан турдилар ва: «Эй, бор Худоё, китобни нозил қилгувчи, булутларни сургувчи, тўдаларни енгувчи, буларни ҳам енггин, бизга нусрат бергин», — дедилар».

Мусулмонлар мазкур кўрсатмаларга амал қилган вақтларида доимо ғолиб келганлар. Бу соҳада айниқса саҳобаи киромларнинг олдига тушадиган ҳеч ким йўқ эди. Бу ҳақда Имодудин ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи тафсирларида қуйидагиларни ёзадилар:

«Саҳобалар розияллоҳу анҳум шижоатда, Аллоҳнинг ва Расулининг амрини адо этишда, ўзларига берилган кўрсатмаларга амал қилишда олдинги барча миллат ва асрлардан устун эдилар. Кейин ҳам ҳеч ким улардай бўла олмади. Улар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари ва амрларига итоат қилганлари сабабли қалбларни ва юртларни фатҳ қилдилар. Озгина вақтда шарққа ҳам, ғарбга ҳам етиб бордилар. Уларнинг сони Рум, Форс, Турк, Сақолия, Барбар, Ҳабаш, Судан, Қибт ва бошқа тоифаларга қараганда жуда ҳам оз эди. Лекин ҳаммалари устидан ғолиб келдилар. Бас, Аллоҳнинг калимаси олий бўлди, Унинг дини бошқа динлардан устун бўлди. Ўттиз йилдан оз вақтда Ислом мамлакатлари машриқдан мағрибгача кенгайди. Аллоҳ улардан рози бўлсин ва уларни ҳам рози қилсин. Бизларни ҳам ўшалар билан бирга жам қилсин. Албатта, У, Карим ва Ваҳҳобдир!»

Кейинги оятда Аллоҳ таоло мўминларни кофирлар каби беодоблик ва гуноҳлар қилишдан қайтаради:

وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ خَرَجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ بَطْرًا وَرِثَاءَ النَّاسِ وَيَصُدُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَاللَّهُ يَمَّا يَعْمَلُونَ مُحِيطٌ ﴿٤٧﴾

**47. Ва диёрларидан кибру ҳаво билан, одамларга риё учун чиқиб, Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганларга ўхшаманг. Аллоҳ нима қилаётганларини ихота қилгувчидир.**

Ушбу ояти каримада кофирларга, жумладан, Маккадан Бадрга қараб отланган қурайшликларга ишора қилинмоқда.

**«Ва диёрларидан кибру ҳаво билан, одамларга риё учун чиқиб, Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганларга ўхшаманг».**

Улар урушга катта дабдаба билан борардилар. Кибру ҳаволари дунёни оларди. Қаерга тушсалар, туялар сўйишар, ўйинчи қизларни ўйнатиб, қўшиқ айттиришар, одамларни меҳмон қилишар эди. Бу дабдабалар риё учун, куч-қувватларини бошқаларга кўрсатиш учун эди.

Ҳатто, уларнинг Шомдан келаётган карвони Бадрни четлаб ўтиб, соҳил бўйлаб кетганидан кейин Абу Суфён одам юбориб, биз тинч омон ўтиб олдик, энди орқага қайтаверинглар, деганида, Абу Жаҳл қуйидаги гапларни айтган эди: «Аллоҳга қасамки, қайтмаймиз. То Бадрнинг сувига етиб бормагунимизча, туяларни сўймагунимизча, ароқни ичмагунимизча, қизлардан қўшиқ эшитмагунимизча, қайтмаймиз. Бу кунимиз ҳақида, мавқемиз ҳақида араблар абадий гапириб юрсинлар». Ҳолбуки, уларнинг бунчалар кибру ҳаво ва риёкорлик билан қилаётган ишлари Аллоҳнинг йўлидан тўсиш эди. Шу билан бирга:

**«Аллоҳ нима қилаётганларини ихота қилгувчидир».**

Бирон-бир гап-сўзлар, амаллар ёки қалбларидаги ниятлари у Зотнинг қамровидан ташқарига чиқиб кета олмайди.

Келаси оятда шайтон қандай қилиб мушрикларни васваса қилгани ва ифвога солганининг баёни келади.

وَإِذْ زَيْنَ لَهُمُ الشَّيْطَانُ أَعْمَالَهُمْ وَقَالَ لَا غَالِبَ لَكُمْ الْيَوْمَ مِنَ النَّاسِ وَإِنِّي جَارٌ لَكُمْ فَلَمَّا تَرَآتِ الْفِتْنَانَ كَصَّ عَلَىٰ عِقْبَيْهِ وَقَالَ إِنِّي بَرِيءٌ مِّنْكُمْ إِنِّي أَرَىٰ مَا لَا تَرَوْنَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ وَاللَّهُ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿٤٨﴾

**48. Ўшанда шайтон уларга амалларини зийнатлаб кўрсатди ва: «Бу кунда одамлардан сизга ғолиб кела оладиган ҳеч ким йўқ. Мен сизнинг ҳомийингизман», – деди. Икки жамоа бир-бирини кўрганида эса, орқасига қайтди ва: «Албатта, мен сиз кўрмаётган нарсани кўрмоқдаман. Мен Аллоҳдан қўрқаман», – деди. Аллоҳ иқоби шиддатли зотдир.**

Яъни, Бадр уруши куни шайтон мушрикларни васвасага солиб, мусулмонларга қарши уруш олиб боришларини зийнатлаб, яхши иш қилиб кўрсатди. Қўрқмасдан урушга киришлари учун:

**«Ўшанда шайтон уларга амалларини зийнатлаб кўрсатди ва: Бу кунда одамлардан сизга ғолиб кела оладиган ҳеч ким йўқ», – деди.**

Яъни, хотиржам урушга кираверинг, оз сонли, заифҳол бу мусулмонлар ким бўлибди. Сиз шунчалик куч-қувватга эгасизки, сизга нафақат мусулмонлар, балки бошқалар ҳам ғолиб кела олмайди, деди. Бу сўзларнинг ортидан яна қўшимча қилиб:

**«Мен сизларнинг ҳомийингизман», – деб қўйди.**

Яъни, бир нарса бўлса, мен ўзим турибман, қўрқманглар, деди.

**«Икки жамоа бир-бирини кўрганида эса, орқасига қайтди».**

Яъни, мусулмонлар бир томондан, мушриклар бошқа бир томондан жанг майдонига қараб юриб, бир-бирларига яқин келганда эса, шайтон орқасига қараб қочди. Мушрикларни васваса қилиш, уларнинг ишини зийнатлаб кўрсатиш тўхтади. У орқага қараб қоча-ётиб, мушрикларга:

**«Албатта, мен сиз кўрмаётган нарсани кўрмоқдаман. Мен Аллоҳдан қўрқаман», – деди.**

Демак, шайтон мушриклар мағлубиятга учрашлари шубҳасиз эканлигини кўрган, шунинг учун қочган.

Ушбу ояти карима хусусида қадимги тафсирчиларимиз кўплаб ривоятларни келтирганлар. Уларда шайтоннинг қайси ҳолатда келгани, қандай қилиб мушрикларга амалларини зийнатлаб кўрсатгани, нимани кўриб қолиб қочгани ҳақида турли маълумотлар келтирилган. Аммо, бу маълумотлар ривоят кимдан олинган бўлса, ўша кимсанинг фикрини ва тушунчасини ифода этади, холос.

Биз Қуръони Каримдаги васфга умумий тасаввур бериш билан кифояланамиз. Бу ишлар қандай содир бўлганини Аллоҳнинг Ўзи билади. Ушбу ояти каримага қўшимча Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган битта ҳадиси шариф ҳам бу бобдаги тушунчаларимизни тўлдиради.

Имом Молик ибн Анас ўзларининг «Муватто» номли китобларида Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шайтон

ҳеч қачон Арафа кунидагидек кичкина, ҳақир, мағлуб ва ғазабнок кўринмайди. Бу ҳол раҳматнинг нозил бўлганини ва гуноҳларнинг афв этилганини кўргани учундир. Аммо, Бадр куни кўргани ундан ҳам ўтиб тушди», – дедилар.

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Бадр куни у нимани кўрди?» – деб сўрадилар.

«У Жаброилнинг фаришталарни етаклаб келаётганини кўрди», – дедилар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам..

إِذْ يَقُولُ الْمُنَافِقُونَ وَالَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ غَرَّ هَوَاهُ دِينُهُمْ وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَإِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٤٩﴾

**49. Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлганлар: «Анавиларни дини мағрур қилиб юборди», – дедилар. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, албатта, Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли Зотдир.**

«Мунофиқлар»-сиртидан мусулмон-у, ичидан кофир одамлар.

«Дилларида мараз бўлганлар» — иймони заиф, гоҳ ундай, гоҳ бундай бўлиб қалқиб турадиган одамлар. Бадр куни оз сонли мусулмонларнинг ўзларидан бир неча баробар кўп мушрикларга қарши урушга кириб кетаётганларини кўриб:

**«Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлганлар: «Анавиларни дини мағрур қилиб юборди», – дедилар.**

Мунофиқлар ва иймони заифлар ғалабанинг ҳақиқий манбаини қаёқдан ҳам билсинлар. Иймон кучига ишонган, Аллоҳга таваккул қилган, Унинг ёрдамига суянган мусулмонларнинг ҳеч тап тортмай кўп сонли душманга қарши шаҳдам одимлар билан бориши уларга ғурурга кетиш бўлиб кўринди. Мунофиқлар ва иймони заифлар доимо шунақа ифво қилиб келганлар, доимо четдан томошабин бўлиб турганлар.

Ҳақиқий иймон эгалари бўлмиш мухлис мусулмонлар эса, доимо Аллоҳга таваккул қилиб, ғолиб келганлар.

**«Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, албатта, Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли Зотдир».**

Юқоридаги оятларда кофирларнинг бу дунёдаги ҳоллари баён қилинди, энди, охиратдаги ҳолатларининг хабари берилади:

وَلَوْ تَرَىٰ إِذِ يَتَوَقَّى الَّذِينَ كَفَرُوا الْمَلَائِكَةَ يَصْرِيحُونَ وَجُوهَهُمْ وَأَدْبَارَهُمْ وَذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ ﴿٥٠﴾



**50. Агар фаришталар куфр келтирганларнинг жонини олатуриб, юзларига ва кетларига уриб: «Ёнғин азобини тотинг!»**

ذٰلِكَ بِمَا قَدَّمْتُمْ اَيْدِيَكُمْ وَاِنَّ اللّٰهَ لَيَسِّرُ لِّلْعَبِيدِ

**51. Бу, қўлингиз тақдим қилган нарса туфайлидир. Албатта, Аллоҳ бандаларига ҳеч зулм қилгувчи эмасдир», – дейишларини кўрсанг эди.**

Ушбу икки ояти каримадан кўриниб турибдики, кофирларга азоб-уқубат уларнинг жонини олиш пайтиданоқ бошланар экан. Ўлим соати етиб, фаришталар жонларини олаётганларидаёқ уларни азоблаш, хорлаш бошланар экан. Кофирларнинг жонини шундоқ-қина эмас, балки уларнинг юзлари ва кетларига уриб туриб олар эканлар. Индамасдан олиб қўявермай, таъна қилиб, бу дунёда қилган гуноҳларини юзларига солиб ва охиратда чекадиган азобларини эслатиб туриб олар эканлар. Жумладан:

**«Ёнғин азобини тотинг! Бу, қўлингиз тақдим қилган нарса туфайлидир», – дер эканлар.**

Дўзахда ёниш азобини тотинг. Бу қийнашлар ва азоблар сизга бекордан бекорга бўлаётгани йўқ. Балки, ўз қўларингиз билан қилган гуноҳлар туфайли бўлмоқда. Бу, Аллоҳнинг тасарруфи. У, жуда адолатли тасарруф. Чунки:

**«Албатта, Аллоҳ бандаларига ҳеч зулм қилгувчи эмасдир».**

Аллоҳ бандаларнинг бу дунёдаги амалларини зарра миқдорича ҳам қўймай ҳисоб-китоб қилиб, мутлақ адолат ила ҳукмини чиқаради. Кофирларга қилинаётган бу муносабат янги эмас, улардан олдинги кофирларга ҳам худди шундай муносабатда бўлинган. Чунки, уларнинг қилмишлари ҳам:

كذّٰبٍ ءَالٍ فِرْعَوْنَ وَاٰلِٓنَّيْنِ مِنْ قَبْلِهِمْ كَفَرُوْا بِآيٰتِ اللّٰهِ فَاَخَذَهُمُ اللّٰهُ بِذُنُوْبِهِمْ  
 اِنَّ اللّٰهَ قَوِيٌّ شَدِيْدٌ الْعِقَابِ

**52. Худди Оли Фиръавн ва улардан олдингиларнинг қилмишларига ўхшайди. Аллоҳнинг оятига куфр келтирдилар. Бас, Аллоҳ уларни гуноҳлари туфайли тутди. Албатта, Аллоҳ кучли ва иқоби шиддатли зотдир.**

Аллоҳ таоло бу дунёнинг ишларини ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Ҳамма нарса Аллоҳнинг қазои қадари ила бўлади. Бадр урушида ҳам мушриклар бекордан-бекорга мағлуб бўлганлари йўқ.

**«Худди Оли Фиръавн ва улардан олдингиларнинг қилмишларига ўхшайди. Аллоҳнинг оятига куфр келтирдилар. Бас, Аллоҳ уларни гуноҳлари туфайли тутди».**

Яъни, улар худди Оли Фиръавнга ва улардан олдин ўтган кофирларга ўхшаб, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирдилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло гуноҳлари туфайли уларни азоб-уқубатга тутди, мағлуб этди, шармандаи шармисор қилди.

**«Албатта, Аллоҳ кучли ва иқоби шиддатли зотдир».**

Кейинги оят уларга етган мусийбатнинг сабабини баён қилади:

ذَٰلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ لَمْ يَكُ مُغَيِّرًا نِّعْمَةً أَنْعَمَهَا عَلَىٰ قَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ وَأَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ

عَلِيمٌ

**53. Бундай бўлиши Аллоҳ бир қавмга берган неъматини, токи, улар ўзларини ўзгартирмагунларича, ўзгартирувчи бўлмаслиги ва Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи зот бўлганидандир.**

Яъни, Аллоҳ таоло мазкур нобакор қавмни қилган гуноҳлари туфайли азоб-уқубат ила тутиши, икки сабабдандир:

Биринчиси:

**«Аллоҳ бир қавмга берган неъматини, токи, улар ўзларини ўзгартирмагунларича, ўзгартирувчи бўлмаслиги».**

Иккинчиси:

**«Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи зот бўлганидандир».**

Аллоҳ таоло уларга турли неъматларни ато қилди. Ҳаёт берди, ақл-идрок берди, соғлиқ ва бошқа неъматларни берди. Уларга яна ризку рўз берди, обрў эътибор берди. Одатда, бу нарсалар бандаларни синаш учун берилади. Қани, улар шукр қиладиларми ёки куфр келтирадиларми?

Аммо, улар шукр қилмадилар, балки куфр келтирдилар. Аллоҳ берган неъматлардан фойдаланиб туриб, Аллоҳга қарши чиқдилар. Аллоҳнинг оятларига кофир бўлдилар. Яъни, уларнинг ўзлари Аллоҳ берган неъматни ўзгартирдилар. Шунда, Аллоҳ ҳам неъматларини ўзгартирди – уларни азоб-уқубат ила тутди. Чунки, Аллоҳ уларнинг ҳар бир гапини эшитиб, ҳар бир ишини билиб турган эди.

Улар,

كَذَّابٍ آلِ فِرْعَوْنَ ۗ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ ۗ كَذَّبُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ فَأَهْلَكْنَاهُمْ بِذُنُوبِهِمْ  
وَأَغْرَقْنَاهُ آلَ فِرْعَوْنَ ۗ وَكُلُّ كَانُوا ظَالِمِينَ

**54. Худди Оли Фиръавн ва улардан олдингиларнинг қилмишига ўхшаб, Роббиларининг оятларини ёлғонга чиқардилар. Бас, Биз уларни гуноҳлари туфайли ҳалок қилдик ва Оли Фиръавнни гарқ қилдик. Ҳаммалари золим эдилар.**

Кейинги кофирлар янги ихтиро яратганлари йўқ. Улар ҳам ўзларидан олдин ўтган кофирларнинг қилмишларини такрор қилмоқдалар, холос. Улар:

**«Худди Оли Фиръавн ва улардан олдингиларнинг қилмишига ўхшаб, Роббиларининг оятларини ёлғонга чиқардилар».**

Бу кофирлардан олдин Оли Фиръавн ва улардан аввалгилар ҳам Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган эдилар. Энди, булар ҳам ўшаларга ўхшаб, Роббиларининг оятларини ёлғонга чиқаришмоқда. Ҳечқиси йўқ, Оли Фиръавн ва улардан олдингиларнинг оқибати нима бўлган бўлса, буларнинг оқибати ҳам шундай бўлади.

**«Бас, Биз уларни гуноҳлари туфайли ҳалок қилдик ва Оли Фиръавнни гарқ қилдик».**

Кейинги келган кофирларни ҳам гуноҳлари туфайли ҳалок қиламиз. Чунки, уларнинг:

**«Ҳаммалари золим эдилар».**

Куфрдан ҳам, Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқаришдан ҳам каттароқ зулм борми?! Кофирлар ким бўлибди ўзи?

Бу саволга кейинги оятда жавоб келади:

إِنَّ شَرَّ الدَّوَابِّ عِنْدَ اللَّهِ الَّذِينَ كَفَرُوا فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٥٤﴾

**55. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида ҳайвоннинг ёмони куфр келтирганларидир. Бас, улар иймон келтирмаслар.**

Иймон бўлмаган жойда яхшилик қаердан бўлсин. Яратган холиққа — Аллоҳга ишонмай юрган одамдан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин. Бундай одам иймонсиз — кофир бўлгани учун ҳайвондан ҳам паст даражага тушиб қолади. Тушганда ҳам, Аллоҳнинг ҳузурида тушади. Бу эса, ҳар қандай инсон учун бадбахтликдир.

**«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида ҳайвоннинг ёмони куфр келтирганларидир».**

Кофирларнинг шундай даражага тушиб қолишига сабаб бўлган нарсалардан бири келаси оятда зикр қилинади:

الَّذِينَ عَاهَدتَّ مِنْهُمْ ثُمَّ يَنْفُضُونَ عَهْدَهُمْ فِي كُلِّ مَرَّةٍ وَهُمْ لَا يَتَّقُونَ ﴿٥٥﴾

**56. Улардан сен аҳдлашганлар сўнгра ҳар сафар аҳдларини бузарлар ва улар У зотдан қўрқмаслар.**

Бу қилмишлари билан улар яна бир инсонийлик хусусиятларини йўқотадилар. Яъни, аҳдда туриш инсонни ҳайвондан ажратадиган хусусиятларидан бири саналади. Кофирлар аҳдни бузиш билан шу сифатни ҳам йўқотдилар. Бу қилмишларига бош сабаб уларнинг Аллоҳдан қўрқмасликларидир. Чунки, қалбларида иймон йўқ. Улар кофирлардир.

Кейинги оятда ўша аҳдини бузганларнинг ҳукми баён қилинади:

فَأَمَّا نَتَقَفْنَهُمْ فِي الْحَرْبِ فَشَرِدَّ بِهِنَّ مَن خَلَفَهُم لَعَلَّهُمْ يَدَّكُرُونَ

**57. Агар урушда улардан зафар қозонсанг, бас, уларни ҳалок қилиш билан ортларидагиларни сарсон қилиб қўй, шоядки, эсласалар.**

Яъни, ана ўша ҳар сафар аҳдини бузаётганлар билан бўлган урушда зафар қозониб қолсанг, уларга шундай чоралар кўргинки, уларнинг орқасида турган кофирлар шу кунга тушишдан қўрқиб, саргардон бўлиб, нима қиларини билмай қолсинлар.

Шоядки, орқаларида қолганлари булардан ибрат олиб, эслаб, ўзларини ўнглаб олсалар. Аҳдини бузганларга шафқат йўқ.

وَأِمَّا تَخَافَنَّ مِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَانْبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَى سَوَاءٍ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْخَائِبِينَ

**58. Агар бир қавмнинг хиёнатидан қўрқадиган бўлсанг, уларга тенгма-тенг (аҳд бузилганини) ўртага ташла. Албатта, Аллоҳ хоинларни севмас.**

Яъни, бирор кофир қавм билан аҳдлашган бўлсанг, аммо содир бўлаётган гап-сўз ва тасарруфлардан, баъзи бир маълумотлардан аҳдга хиёнат қилаётганларини билиб қолсанг, уларга аҳд икки томондан баробар бузилганини билдир. Аҳдга ишониб, хотиржам турган томонга ёмонлик қилиш хоинлик бўлади. Аллоҳ таоло хоинларни севмас.

Ислонда аҳдга вафо қилишлик бурчдир. Аҳд унга вафо қилиш учун тузилади. Шу билан бирга, аҳд тузганмиз, деб бепарво ҳам қолинмайди. Иккинчи томон шубҳа уйғотса, эҳтиётлик билан кузатиб турилади. Агар у томондан аҳдни бузиш, хиёнат қилиш аломатлари сезилса, уларга жавобан хиёнат, кўзбўямачилик қилинмайди, алданмайди ҳам. Ўртадаги аҳд икки томондан тенг бузилгани очиқ-ойдин эълон қилинади. Бу эса, инсоний муомалаларда шарафдир.

Исломда хиёнатга ҳеч йўл йўқ. Муслмонлар доимо аҳдга вафодорлик, хиёнат қилмаслик билан машҳур бўлганлар. Ҳатто хиёнатга ўхшаб кетадиган ишга қўл урмоқчи бўлган давлат бошлиқларига ҳам танбеҳлар берганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Сулаймон ибн Омирдан қуйидагиларни ривоят қилдилар: «Муовия Рум ерларидан юриб борарди. У билан румликлар орасида маълум муддатга аҳднома бор эди. Муовия уларга яқинлашиб туриб, аҳднома муддати тугаши билан ҳужум қилиш ниятида эди. Бирдан улов минган оқсоқол пайдо бўлди-да: «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Вафо бўлсин! Алдов бўлмасин! Албатта, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг бирор қавм билан аҳди бўлса, унинг муддати тугамагунча, бирор тугун тугмасин ҳам, ечмасин ҳам ёки улар билан аҳдни икки томондан баробар бузсин», деган эдилар», — деди. Бу гап Муовияга етиб борди ва у қайтди. Ҳалиги оқсоқол Амр ибн Анбаса розияллоҳу анҳу эканлар».

Бугун тараққиёт ва маданиятни даъво қилаётганларнинг ҳар лаҳзада киприк қоқмай аҳдни бузаётганларини кўриб, Ислом қанчалик улуғвор эканига яна бир бор тан берасан киши.

وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَبَقُوا إِنَّهُمْ لَا يُعْزِرُونَ ﴿٥٩﴾

**59. Куфр келтирганлар ўздик деб ўйламасинлар. Улар ҳеч қочиб қутула олмаслар.**

Яъни, кофирлар аҳдни бузиш, алдаш, хиёнат ва бошқа турли услублар билан ўзиб кетамиз, мақсадга етамиз, деб ўйламасинлар. Улар қочиб қутула олмайдилар. Қочиб қаергача борар эканлар?! Аллоҳ уларни жазолашдан ожиз қолармиди?! Аллоҳ муслмон бандаларини ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Уларга доимо нусратини беради.

Модомики, кофирлар бор экан, улардан хиёнат содир бўлиши кутилар экан, доимо тайёр туриш керак. Шу боис:

وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهَبُونَ بِهِمْ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ وَآخَرِينَ مِنْ دُونِهِمْ لَا نَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ يُوَفَّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تُظْلَمُونَ ﴿٦٠﴾

**60. Улар учун қўлингиздан келганича куч-қувват ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг душмани-**

**ни, ўз душманингизни ва улардан бошқа ўзингиз билмайдиганларни қўрқитасиз. Уларни Аллоҳ биладир. Аллоҳ йўлида нимани сарф қилсангиз, сизга тўлиқ қайтарилур. Сизга зулм қилинмас.**

Ушбу оят мусулмон жамиятининг қуроли кучлари доимо шай туриши лозимлигига далилдир. Ҳар бир мусулмон жамият қўлидан келганича ҳарбий тайёргарликни кўриб қўйиш билан Аллоҳнинг амрини бажарган бўлади.

**«Улар учун қўлингиздан келганича куч-қувват ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки...»**

Яъни, душманларга қарши қўлингиздан келганича куч-қувват тайёрлаб қўйинг.

Албатта, ҳар бир замоннинг ўзига яраша ҳарбий қуввати бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтларида, ушбу ояти карима нозил бўлган вақтда ҳарбий куч қилич, найза ва камон отишдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам, бу машқларни кишиларга ўргатишга, қурол-аслаҳаларни тайёрлаб қўйишга катта эътибор берилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида, айниқса, отиш ҳақида таъкидлар кўп келади.

Ўша вақтда урушларда асосан улов вазифасини от бажарган, шунинг учун ҳам, оятда от ҳақида гап кетмоқда. Шунингдек, ҳадиси шарифларда ҳам от зикр этилади.

Мусулмонлар динларини маҳкам тутган кейинги пайтларда ҳам ўзлари яшаб турган замоннинг илғор ҳарбий воситаларини ўзлаштириш билан доимо бошқалардан устун бўлиб келдилар. Аммо, тушкунликка тушганларида, диндан узоқлашганларида, бошқа исломий неъматлар қатори, ушбу ояти каримага ҳам амал қилмай қўйган пайтларида куч-қувватни йўқотдилар.

Ҳозирги кунда мусулмонлар, исломий деб аталаётган давлатлар кўпайгани билан уларнинг бирортасида ҳам тузукроқ ҳарбий куч-қувват йўқ. Қурол-аслаҳалари қоқоқ, бошқалар ўзлари ишлатмай қўйган қуролларни буларга сотган. Қурол олиб келингандан сўнг, уни ишлатадиган тузукроқ одам топилмайди. Шунинг учун, қурол сотган кофир давлатдан маслаҳатчи, техник ходим ва бошқа номлар билан одамлар ҳам олиб келинади. Ҳарбий уловлар масаласи бундан-да бадтар.

Оятда ҳарбий куч-қувват ва уловни тайёрлаб қўйишнинг ҳикмати ҳам баён қилинади:

**«Бу билан Аллоҳнинг душманини, ўз душманингизни ва улардан бошқа ўзингиз билмайдиганларни қўрқитасиз. Уларни Аллоҳ биладир».**

Демак, ҳарбий куч-қувват тайёрлашдан асосий мақсад душманни қўрқитиш. Кимнинг ҳарбий куч-қуввати жойида бўлса, ундан бошқалар қўрқади. Унга тажовуз қила олмайди. У билан ҳисоблашади. Мусулмонлар ҳарбий куч-қувватга эга бўлган пайтларида ҳамма улар билан ҳисоблашган эди. Аммо, диндан узоқлашиш оқибатида ҳарбий жиҳатдан заифлашиб қолдилар ва, натижада, душманлар барча мусулмон ўлкаларни мустамлака қилиб олдилар. Ҳозир ҳам улардан заррача қўрқмайдилар. Аксинча, ўзларини мусулмон деб атаётган давлатлар бошқалар олдида зириллаб турадилар. Бу ҳол Аллоҳнинг динидан узоқлашишнинг жазосидир. Агар аввалги куч-қувватларини тиклаб, ҳамма билан тенгма-тенг муомала қилиш нияти бўлса, мусулмонлар Исломга қайтишлари, унинг таълимотларига, жумладан, ушбу ояти каримага ҳам тўлиқ амал қилишлари лозим. Бу ояти карима ҳарбий куч-қувватни таъминлаш йўлида сарфланган маблағни «Аллоҳнинг йўлида сарф қилиш» деб атамоқда ва бу сарф ҳеч қачон бекор кетмаслигини таъкидламоқда:

**«Аллоҳ йўлида нима сарфласангиз, сизга тўлиқ қайтарилир. Сизга зулм қилинмас».**

Ислом мусулмонларни душманга қарши кучни тайёрлаб қўйиб, қалбларига қўрқинч солиб, ўзлари билан ҳисоблашадиган ҳолда тутиш билан бирга, агар улар тинчликка мойил бўлсалар, буни ҳам қабул қилишга амр қилади:

﴿وَإِنْ جَنَحُوا لِلسَّلَامِ فَاجْنَحْ لَهَا وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾

**61. Агар улар тинчликка мойил бўлсалар, сен ҳам мойил бўл. Ва Аллоҳга таваккул қил. Албатта, У эшитгувчи ва билгувчи Зотдир.**

Яъни, душман тараф урушиш эмас, тинчлик тарафдори бўлса, сен ҳам тинчлик ўрнатишга интил. Бошқа ишлардаги каби бу ишда ҳам Аллоҳга суян. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани эшитиб, билиб турибди.

﴿وَإِنْ يُرِيدُوا أَنْ يَخْدَعُوكَ فَإِنَّ حَسْبَكَ اللَّهُ هُوَ الَّذِي آتَاكَ بِنَصْرِهِ وَبِالْمُؤْمِنِينَ﴾

**62. Агар сени алдашни ирода қилсалар, бас, сенга Аллоҳ кифоя қиладир. У сени Ўз нусрати ва мўминлар билан қўллаган.**

﴿وَأَلْفَ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ لَوْ أَنْفَقْتَ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا مَا أَلْفَتَ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ﴾



وَلَكِنَّ اللَّهَ أَلْفَ بَيْنَهُمْ إِنَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

**63. Ҳамда уларнинг қалбларини бирлаштирган Зотдир. Агар ер юзидаги ҳамма нарсани сарф қилсанг ҳам, уларнинг қалбларини бирлаштира олмас эдинг. Лекин Аллоҳ уларни бирлаштирди. Албатта, У волиб ва ҳикматли Зотдир.**

Гоҳида кофирлар тинчликка мойил бўлиб кўриниб, сени алдашга уринишларидан қўрқма. Улар:

**«Агар сени алдашни ирода қилсалар, бас, сенга Аллоҳ кифоя қиладир».**

Сени Унинг Ўзи сақлайди. Сенга Унинг Ўзи ёрдам беради. Чунки:

**«У сени Ўз нусрати ва мўминлар билан қўллаган ҳамда уларнинг қалбларини бирлаштирган Зотдир».**

Аллоҳ сени Бадрда қўллаган, нусрат берган Зотдир. Ундан кейин ҳам сенга нусрат берди.

Аллоҳ сени мўминлар билан қўллаган Зотдир. Бундан кейин ҳам улар билан қўллайди.

Мўминларнинг қалбларини бирлаштирган Зот ҳам Аллоҳдир. Шу билан бирга, уларни катта кучга айлантирган Зот ҳам Аллоҳ.

**«Агар ер юзидаги ҳамма нарсани сарф қилсанг ҳам, уларнинг қалбларини бирлаштира олмас эдинг».**

Чунки, уларнинг орасида адоват жуда ҳам кучли эди. Мисол учун, Мадийна мусулмонларини ташкил қилувчи Авс ва Ҳазраж қабиалари қадимдан бир-бирлари билан чиқиша олмай, тўхтовсиз уруш-жанжаллар билан келардилар. Шунингдек, Маккалик мусулмон бўлганлар орасида ҳам бундан қолишмайдиган адоват ҳукм суларди. Мадийналик ва Маккаликлар орасини бирлаштириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

**«Лекин Аллоҳ уларни бирлаштирди».**

Инсоният тарихида турли халқлар, қабила-уруғлар ва миллатларни Исломчалик бирлаштирган тузум ёки мафкура йўқ. Бўлмади ҳам. Кишилар қалбидан Ислом муносиб ўрин олган жойларда ва замонларда миллатчилик, маҳаллийчилик ва тарафкашликнинг салбий кўринишлари тамоман йўқолган. (Бу масалалар халқлар бошига битган бало бўлгани ҳаммага маълум.) Чунки, Ислом биродарлиги ирқ, насаб, тил, қабила, қавм асосида эмас, Аллоҳга муҳаббат асосида бўлади.

Узоқ йиллар давомида бир-бирлари билан урушиб келган турли қабиаларнинг Аллоҳ йўлида, иймон-Ислом йўлида бирлашиши худди мўъжиза бўлган. Кейинчалик Ислом турли ўлкаларга тарқалганида

ҳам ушбу мўъжиза такрорланган. Турли халқлар, миллат ва элатлар бир онадан туғилгандан ҳам афзал бўлиб яшаганлар.

Исломдан узоқлашганларида эса, бир-бирларига душманга айланганлар.

Мусулмонларнинг биродар эканликлари кўпгина оятлар билан бирга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қанча ҳадиси шарифларида ҳам ворид бўлган. Шулардан биттасини келтириб ўтмоқчимиз.

Имом Абу Довуд Сижистоний ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги гаплари айтилади: «Албатта, Аллоҳнинг бандалари ичида шундай одамлар борки, улар Пайғамбар ҳам эмас, шаҳид ҳам эмас. Лекин қиёмат куни уларнинг Аллоҳ ҳузурдаги мартабаларига Пайғамбарлар ҳам ҳавас қилишади», – дедилар. «Эй, Аллоҳнинг Расули, бизга улар кимлигининг хабарини берасизми?» – деб сўрашди. «Улар Аллоҳдан бўлган руҳ ила бир-бирларига муҳаббат қўйган қавмлардир. Уларнинг орасида қариндошлик алоқаси ҳам, мол олди-бердиси ҳам йўқ. Аллоҳга қасамки, уларнинг юзлари нурлидир. Улар нурдадирлар. Одамларга хавф тушганда, улар хавф қилмайдилар. Одамлар хафа бўлганларида, улар хафа бўлмайдилар», – дедилар.

Мусулмонларнинг ана шу тарзда дўст-биродар бўлишлари уларга зафар ёр бўлишининг бош омилларидан бири эканлигини ҳозирги мусулмонман деб юрганлар ҳам тушуниб етмоқлари лозим.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ва мўминларни хотиржам қилиб, бундоқ дейди:

يَأَيُّهَا النَّبِيُّ حَسْبُكَ اللَّهُ وَمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٦٤﴾

**64. Эй Набий, сенга ва сенга эргашганлар мўминларга Аллоҳ кифоядир.**

Яъни, ҳеч кимдан қўрқманглар. Аллоҳнинг Ўзи сизларнинг ёрдамчингиз, қўлловчингиз ва ҳомийингиздир.

Кейинги оятда эса, Аллоҳнинг кифоя бўлиши шарти баён қилинади.

يَأَيُّهَا النَّبِيُّ حَرِّضَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَى الْقِتَالِ إِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ عَشْرُونَ صَبَرُوا وَيَغْلِبُوا  
مَائَتِينَ وَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مِائَةٌ يَغْلِبُوا أَلْفًا مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا  
يَفْقَهُونَ ﴿٦٥﴾

**65. Эй Набий, мўминларни жангга чорла! Агар сиздан йигирмата сабрли бўлса, икки юзтани енгади. Агар сиздан юзта бўлса, куфр келтирганлардан мингтасини енгади. Бу, улар тушунмайдиган қавм бўлганларидандир.**

Эй Пайғамбар, Аллоҳ сенинг ва сенга эргашган мўминларнинг ҳоми-йингиз, ёрдамчингиз ва қўлловчингиз бўлгандан кейин, бемалол:

**«...мўминларни жангга чорла!»**

Сонларининг оз эканлигига қараб ўтирма. Аллоҳ улар билан биргадир. Шунинг учун, улар ўзларидан сон жихатдан кўп бўлган душман устидан бемалол ғолиб келадилар.

**«Агар сиздан йигирмата сабрли бўлса, икки юзтани енгади, Агар сиздан юзта бўлса, куфр келтирганлардан мингтасини енгади».**

Бунинг боиси нима? Нима учун бирга ўн тўғри келмоқда? Бу саволга жавоб кейинги жумлада келади.

**«Бу, улар тушунмайдиган қавм бўлганларидандир».**

Яъни, кофирлар тушунмайдиган бўлганлиги бир мўминнинг ўн кофир устидан ғолиб келишига сабабдир. Чунки, кофирлар, аслини олганда, ўзлари нима қилаётганларини тўлиқ англаб етмайдилар. Бу нарса Бадр урушида Қурайш мушриклари томонидан кўрилди. Кофирлар дунё ғаразида, риёкорлик ёки шунга ўхшаш тайинсиз ғаразлар билан шайтоннинг васвасасига учиб, урушга кирдилар. Юқорида айтиб ўтилганидек, улар нима қилаётганларини тушуниб етмас эдилар. Мусулмонлар эса, ҳамма нарсани англаб, аниқ бир мақсад билан, Аллоҳга суянган ҳолда жангга кирдилар. Шунинг учун ҳам, улардан ҳар биттаси ўнтадан кофирни енгди.

الَّذِينَ خَفَّفَ اللَّهُ عَنْكُمْ وَعَلِمَ أَنَّ فِيكُمْ ضَعْفًا فَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مِائَةٌ صَابِرَةٌ يَغْلِبُوا  
مِائَتَيْنِ وَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ أَلْفٌ يَغْلِبُوا أَلْفَيْنِ بِإِذْنِ اللَّهِ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴿٦٦﴾

**66. Энди, Аллоҳ сизлардан енгиллаштирди, сизларда ожизлик борлигини билди. Бас, агар сиздан юзта сабрли бўлса, икки юзтани енгади. Агар сиздан мингта бўлса, Аллоҳнинг изни ила икки мингтани енгади. Аллоҳ сабрлилар биландир.**

Мусулмонлар доимо қувватли бўлиб туравермас эканлар, уларда заифлик ҳоллари ҳам учраб тураркан. Буни Аллоҳ таоло ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Шунинг учун, аввалги оятда келган ҳукми енгиллаштириб, заиф ҳолатида бир мусулмон жангчи иккита душманга ғолиб келишини таъкидламоқда.

**«Энди, Аллоҳ сизлардан енгиллаштирди, сизларда ожизлик борлигини билди. Бас, агар сиздан юзта сабри бўлса, икки юзтани енгади».**

Шу билан бирга, номи мусулмон бўлса бўлди, деган тушунча уйфонмаслиги учун «Аллоҳнинг изни ила» шарти ҳам қўшиб қўйилди.

**«Агар сиздан мингта бўлса, Аллоҳнинг изни ила икки мингтани енгади».**

Ҳамма нарсага Аллоҳнинг изни зарур бўлгани каби, мўминнинг кофир устидан ғолиб келиши учун ҳам Аллоҳнинг изни зарурдир. Унинг изнисиз ҳеч нарса бўлмайди. Яна, мўминлар томонидан сабрматонат намуналари ҳам кўрсатилиши лозим. Чунки:

**«Аллоҳ сабрилар биландир».**

Уруш бўлгандан кейин ўз-ўзидан асирлар ҳам бўлади. Аввалги оятларда урушга чорлаш, қандай урушиш зикр қилинган бўлса, эндиги оятларда асирлар масаласи хал этилади:

مَا كَانَتْ لِنَبِيِّ أَنْ يَكُونَ لَهُ أُسْرَى حَتَّى يُشْخِنَ فِي الْأَرْضِ تُرِيدُونَ عَرَضَ الدُّنْيَا وَاللَّهُ يُرِيدُ الْآخِرَةَ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٦٧﴾

**67. Набий учун ер юзида забардаст бўлмагунича асирлари бўлиши яхши эмас эди. Сизлар дунёнинг ўткинчи матоҳини истайсизлар. Аллоҳ эса, охиратни истайдир. Ва Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли Зотдир.**

Ушбу ва кейинги ояти карималар Бадр урушида асирга тушган мушриклар масаласида нозил бўлгандир. Бу оятларнинг нозил бўлиши сабаби ҳақида катта ҳадис имомлари, жумладан, имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирганлар: «Тўқнашув бўлган куни Аллоҳ мушрикларни мағлуб этди. Улардан етмиш киши ўлдирилди ва етмиштаси асир олинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр, Умар ва Али розияллоҳу анҳуларга асирлар тўғрисида маслаҳат қилдилар. Абу Бакр:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, улар амакивачча, қабиладош ва ёки биродар одамлар, менимча, улардан тўлов олсангиз, яхши бўларди. Улардан олинган маблағ биз учун кофирларга қарши қувват бўлади. Ажаб эмаски, Аллоҳ уларни ҳам ҳидоятга солиб, бизга елкадош бўлсалар», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сен нима маслаҳат берасан, эй, Ибн Хаттоб?» дедилар. Мен:

«Аллоҳга қасам, мен бу Абу Бакрнинг гапларига қўшилмайман. Фикрим шуки, менга агар изн берсангиз, фалончининг (Умарнинг қариндошларидан бири) бўйинини узсам, Алига изн берсангиз, ака-

сининг бўйнини узса, токи, Аллоҳга қалбимизда мушрикларга нисбатан юмшоқлик йўқлигини кўрсатайлик. Булар мушрикларнинг бошлиқлари ва йўлбошчиларидир», — дедим. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Абу Бакрнинг айтганларига мойил бўлдилар, менинг гапларимни ёқтирмадилар. Улардан тўлов олдилар. Эртасига Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан Абу Бакрнинг олдиларига борсам, икковлари йиғлаб ўтирибдилар.

«Сизни ва соҳибингизни нима йиғлатди? Агар йиғлайдиган нарса бўлса, мен ҳам йиғлай. Йиғланмайдиган нарса деб билсам, сизлар учун мен ҳам ўзимни йиғлаганга солай», — дедим. Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Соҳибларинг тўлов олиши сабабидан менга сизнинг азобланишингиз анави дарахтдан ҳам яқинроқ қилиб кўрсатилди ва Аллоҳ таоло: «Набий учун ер юзида забардаст бўлмагунича асирлари бўлиши яхши эмас эди...» дан то «Бас, ўлжага олган нарсаларингиздан ҳалол-пок бўлгани ҳолда енглар» гача нозил қилди, дедилар». Кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло дастлабки даврларда, то Ислом собитқадам бўлиб, у билан ҳамма ҳисоблашадиган бўлгунча, бошқача иш тутишни — асирларга тўлов олмай, қилмишига яраша ўлдиришни ирода қилган эди. Аммо, ҳали Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламни бунга амр этмай турарди. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам ўз саҳобалари билан маслаҳатлашиб, асирлар учун тўлов олишга қарор қилдилар. Шундан кейингина Аллоҳ таоло оятларини нозил қилиб, хатони тузатди.

Аллоҳ таоло кўпинча хато содир бўлишидан олдин мусулмонларнинг ишларига аралашиб, тўғри йўлга йўллаб турарди. Баъзи ҳолларда эса, хато содир бўлгандан кейин оят нозил бўлади, хато тузатилади. Бунда ҳукм янада қаттиқ таъсир қилади. Яна бошқа ҳикматларини Аллоҳнинг Ўзи билади. Ана ўша биз билган ва билмаган ҳикматларга биноан мусулмонлар Бадр урушида асирга тушган етмишга мушрикни озод қилиш шarti билан тўлов олиб бўлганларидан кейин Аллоҳ таоло:

**«Набий учун ер юзида забардаст бўлмагунича асирлари бўлиши яхши эмас эди»,** — демоқда.

Яъни, аввало, ер юзида забардаст бўлиш учун, куч-қувват ила тамкин топиш учун ҳаракат қилиш лозим эди. Лекин мусулмонлар бу томонини англамай, асирлардан тўлов олиб, мол-мулкни кўпайтириш орқали қувватли бўламиз, деб ўйлашди.

**«Сизлар дунёнинг ўткинчи матоҳини истайсизлар».**

Шунинг учун, мазкур мушрикларни ўлдирмай, тўлов олдингиз. Уларга тўлов олиб, бу дунёнинг ўткинчи матоҳига эга бўлишни ўйладингиз.

**«Аллоҳ эса, охиратни истайдир».**

Бу истак дунё матоҳини тарк этишни тақозо қилади.

**«Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли Зотдир».**

Шунинг учун, сизни уларнинг устидан ғолиб қилди. Бунинг ҳикматини Ўзи билади.

لَوْلَا كُنْتُ مِنَ الَّذِينَ سَبَقَ لِمَسَّكُمْ فِي مَا أَخَذْتُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٦٨﴾

**68. Агар Аллоҳнинг олдиндан ёзгани бўлмаганида, сизга олган нарсаларингиз туфайли улуғ азоб етар эди.**

Ушбу оятда иккита катта ҳақиқат кўриниб турибди.

Биринчиси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асирлар масаласини Аллоҳ аралашадиган даражада жиддий масала деб ҳисобламаганлар. Йўқса, саҳобаларга маслаҳат қилмасдан, Аллоҳнинг амрини, албатта, кутган бўлардилар.

Иккинчиси, Қуръонда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳеч қандай аралашувлари йўқ. Ҳаммаси Аллоҳ таолонинг Ўзидандир. Бўлмаса, бу ҳолат юзага келмас эди.

Аллоҳ таоло аввалдан Бадр урушида иштирок этган мусулмонларнинг барча гуноҳларини кечиб юборган эди. Шунинг учун, уларнинг бу ҳолатлари ҳам олдиндан ёзиб қўйилган қазои қадарга биноан кечиб юборилди. Бунинг устига, уларга бошқа инъомлар ҳам берди. Жумладан:

فَكُلُوا مِمَّا غَنِمْتُمْ حَلَالًا طَيِّبًا وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٦٩﴾

**69. Бас, ўлжага олган нарсаларингиздан ҳалол-пок ҳолда енглар. Аллоҳга тақво қилинглр. Албатта, Аллоҳ мағфират қилгувчи ва раҳимли Зотдир.**

Ўлжага олинган молларни ҳалол қилиб бериш ҳам Аллоҳнинг мусулмонларга кўрсатган бир марҳаматидир. Шунингдек, Аллоҳ таоло асирлар учун, яъни, уларни озод қилиш учун олинадиган молни ҳам ҳалол қилди. Бу нарса олдинги Пайғамбарлар умматларига ҳалол қилинмаган эди.

Ўлжа ва тўлов моли дунё иши бўлгани учун эҳтиёткорлик қилинмаса, ҳаром аралашиб қолиши эҳтимоли бор. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ:

**«Аллоҳга тақво қилинглр»,**—демоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиз мусулмонларга берилган инъомлар-

нинг ўз ўрни бор, улар ҳам яхши. Аммо, энг катта неъмат Аллоҳдан мўминларга келадиган мағфират ва раҳматдир.

**«Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир».**

Сўнгра, асирларнинг қалбини мойил қилувчи сўзлар келади:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ قُلْ لِمَنْ فِي أَيْدِيكُمْ مِنَ الْأَسْرَىٰ إِنَّ يَعْلَمَ اللَّهُ فِي قُلُوبِكُمْ خَيْرًا يُؤْتِيكُمْ خَيْرًا  
مِّمَّا أَخَذَ مِنْكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

**70. Эй Набий, қўлингиздаги асирларга: «Агар қалбларингизда яхшилик бўлса, Аллоҳ билур ва сизга ўзингиздан олинган нарсадан кўра яхшироқ нарсани берур ва сизни мағфират қилур. Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир», – деб айт!**

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида имом Ибн Шиҳоб Зухрий қуйидагиларни ривоят қилади: «Қурайшликлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга асирларнинг тўловини бериб, озод қилиш учун одам юбордилар. Ҳар бир қавм қариндошини ўзи рози бўлган тўловни бериб қутқариб олди. Шунда Аббос:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен мусулмон эдим», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мусулмонлигингни Аллоҳ билади. Агар айтганинг рост бўлса, сенга Аллоҳнинг Ўзи мукофот беради. Аммо, сен сиртдан бизга қарши бўлдинг. Ўзинг учун, акаларингнинг ўғиллари Навфал ибн Ҳорис ибн Абдулмуттолиб ва Ақийл ибн Абу Толиб ибн Абдулмуттолиб учун ҳамда иттифоқдошинг Бани Ҳорис ибн Феҳрнинг укаси Утба ибн Амр учун тўлов бер», – дедилар. Аббос:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менда унча мол йўқ», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Умму Фазл икковингиз кўмган моллар қани?» – дедилар. Аббос:

«Аллоҳга қасамки, эй Муҳаммад, сиз Аллоҳнинг Расули эканингизни яхши биламан, бу молларни мен ва Умму Фазлдан бошқа ҳеч ким билмас эди. Мендаги молнинг йигирма уқияси ўзингизга ўтди деб ҳисоблайверинг», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, у бойлик Аллоҳ сендан бизга олиб берган нарсадир», – деб унинг сўзини тўғриладилар. Аббос ўзига, икки акасининг икки ўғлига ва иттифоқдошига тўлов берди. Шунда Аллоҳ таоло:

**«Эй Набий, қўлингиздаги асирларга: «Агар қалбларингизда яхшилик бўлса, Аллоҳ билур ва сизга ўзингиздан олинган нарсадан кўра яхшироқ нарса берур ва сизни мағфират қилур. Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир», – деб айт!»** оятини нозил қилди.



Аббос айтдики:

«Аллоҳ менга Исломда йигирма уқия ўрнига қўлида молу мулки бўлган йигирмата қул берди. Энди Аллоҳнинг мағфиратидан умидворман».

Кўриниб турибдики, Аббос розияллоҳу анҳу қалбидаги яхшилик, иймонни Расулуллоҳга айтган. Яъни, мен сизларга қарши мушрикларга қўшилиб урушга келишга мажбур бўлдим, аммо аслида мусулмонман, қалбим пок, унда иймон бор, деган. Мазкур оятда Аллоҳ таоло, агар қалбларингизда иймон бўлса, демасдан, «агар қалбларингизда яхшилик бўлса», демоқда. Дарҳақиқат, иймон—яхшиликдир, яхшилик бўлганда ҳам, ҳамма нарсадан устун турадиган яхшилик. Ушбу оятда асирга тушган, озод бўлиши учун молу мулкдан бир қисмини сарфлаб, хафаҳол бўлиб қолган шахсларнинг кўнгли кўтарилмоқда. Хафа бўлманглар, агар қалбингизда иймон бўлса, Аллоҳ тўловга берган молингиз ўрнига ундан-да яхшироқ молни беради, демоқда. Бундан Ислом асирларга қанчалик яхши муомалада бўлгани кўриниб турибди. Уларнинг қалбидан бирор яхшилик чиқишидан умидвор бўлиб турилибди. Уларни хорлаш, ўч олиш, пастга уриш нияти йўқ. Кечагина душманлик билан мўминлар устига бостириб келган одамнинг мусулмон бўлиб, иззатли-эътиборли шахсга айланиши, икки дунёнинг бахтига муяссар бўлиши истанилмоқда. Лекин шу билан бирга, уларнинг хиёнат қилмасликлари ҳам истанилади:

وَإِنْ يُرِيدُوا خِيَانَتَكَ فَقَدْ خَانُوا اللَّهَ مِنْ قَبْلُ فَأَمْكَنَ مِنْهُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٧١﴾

**71. Агар сенга хиёнат қилишни истасалар, батаҳқиқ, бундан олдин Аллоҳга хиёнат қилган эдилар. Бас, У уларга қарши имкон топди. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Яъни, ўша асирлар, қалбимизда иймонимиз бор, деб сени алдашни—хиёнат қилишни истаётган бўлсалар, ҳеч ажабланадиган жойи йўқ.

**«Агар сенга хиёнат қилишни истасалар, батаҳқиқ, бундан олдин Аллоҳга хиёнат қилган эдилар».**

Улар Аллоҳга мийсоқда берган аҳдларига хиёнат қилиб кофирмушрик бўлишди. Аллоҳ ва Расулига қарши урушга келишди.

**«Бас, У уларга қарши имкон топди».**

Сени уларга ғолиб қилди ва уларни асирга туширди. Аллоҳ нима қилишни Ўзи яхши билади ва ҳар бир ишни ҳикмат билан қилади. Чунки:

**«Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир».**

Ушбу оятнинг тафсирида имом Қуртубий Ибн Арабийдан қуйидагиларни нақл қилганлар: «Асирга тушган мушрикларнинг баъзилари Исломни қабул қилганларини айтдилар. Лекин азму қарорлари йўқ эди. Тўлиқ эътироф ҳам қилмадилар. Улар мусулмонларга яқинлашишни ва шу билан бир вақтнинг ўзида мушриклардан айрилмасликни ҳам истар эдилар».

Уламоларимиз: «Агар киши қалбидаги иймон ҳақида тили билан гапирса-ю, азму қарор қилмаган бўлса, мўмин бўлмайди. Агар шунга ўхшаш иш мўминдан содир бўлса, кофир бўлади» – деб ҳукм чиқаришган. Лекин ўз ихтиёри билан, кофирларга ёқиш учун, дилида азму қарор қилинмасдан, тилида «диндан қайтдим» деб айтса ҳам кофир ҳисобланаверади.

Ушбу гаплар худди ҳозирги кунимиз учун айтилганга ўхшайди. Вақти келганда, мусулмонларга яхши кўриниш учун Исломни даъво қилувчилар шундай кўпаядики, кўриб ҳайрон қоласан. Иш битгандан кейин аввалгидек кетаверишини кўриб, яна бир ҳайратланасан.

Сураи кариманинг сўнгги оятларида Ислом жамиятидаги алоқалар ва Ислом жамияти билан бошқа жамиятлар орасидаги муомалалар ҳақида сўз кетади:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَاوَأُوا  
وَنَصَرُوا أَوْلِيَّكَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا لَمْ يَهَاجِرُوا أَمْوَالَهُمْ مِنْ شَيْءٍ حَتَّى  
يُهَاجِرُوا وَإِنْ أَسْتَضَرُّوكُمْ فِي الدِّينِ فَعَلَيْكُمْ التَّضَرُّ إِلَّا عَلَى قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ  
وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٧٢﴾

**72. Албатта, иймон келтирган, ҳижрат қилган, Аллоҳнинг йўлида молу жонлари билан жиҳод қилганлар ва жой бериб, ёрдам кўрсатганлар, ана ўшалар бир-бирларига валийдирлар. Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаганларга эса, то ҳижрат қилмагунларича, сиз ҳеч валий бўла олмасиз. Агар улар сиздан динда ёрдам сўрасалар, ёрдам бермоғингиз вожиб. Фақат, сиз билан ўрталарида аҳднома бор қавм зиддига эмас. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўргувчи Зотдир.**

Ушбу ояти каримани тафсир қилишдан олдин Исломда «вала» тушунчаси ҳақида сўзлаб ўтиш лозим. Бу сўз «валий», «валия» сўзлари билан бир ўзак ва бир маънода бўлиб, яқин дўст, маҳбуб, ҳомий ва

жавобгар маъноларини англатади. Булар инсоний алоқаларга боғлиқ сифатлардир. Мўмин киши мўминнинг валийси, деганда, яқини, дўсти, ҳомийси ва жавобгари, деган маъно англашилади. Шунга асосланиб, баъзи ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятлар келиб чиқади. Мисол учун, меросхўрлик ва хун тўлаш масалаларига ўхшаш ишлар.

Исломда «вала» ақийда асосида бўлади. Ким мўмин-мусулмон бўлиб, Исломга кирар экан, бошқа ҳамма восита ва алоқалардан узилиб, ақийда ила боғланади. Барча мўмин-мусулмонлар унинг валийсига айланади. Қариндошлари мўмин бўлмаса, валий эмаслар; қабиласи мўмин бўлмаса, валий эмас; жамияти мўмин бўлмаса, валий эмас.

Ушбу ояти каримадаги:

**«Иймон келтирган, ҳижрат қилган, Аллоҳнинг йўлида молу жонлари билан жиҳод қилганлар»**дан мурод Маккаи Мукаррамдан Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилиб келган муҳожир мусулмонлардир.

**«...жой бериб, ёрдам кўрсатганлар»** эса, ўша ҳижрат қилиб келган муҳожирларга жой берган, уларга керакли ёрдам кўрсатган мадийналик мусулмонлар — ансорийлардир. Аллоҳ таоло уларни бир-бирларига валий — дўст, маҳбуб, ҳомий ва жавобгар, деб эълон қилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уларни диндош биродарлар, деб эълон қилганлар. Муҳожирлардан ҳар бир кишини ансорийларнинг бирортаси билан ака-ука қилиб қўйганлар. Бу диний биродарлик (ёки алоқа) қариндошлик, туғишганлик алоқаларидан устун саналган. Улар ҳамма масалаларда, ҳатто мерос масаласида ҳам мана шу алоқага таяниб иш кўрганлар. Уларнинг бир-бирларига валийликлари бир-бирларига ёрдам беришда, мерос тақсимлашда, хун тўлашда, қарзларини ўташ ва туғишганлар орасида бўладиган бошқа ҳомийлик ва жавобгарлик масалаларида ҳам ўз аксини топган.

**«Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаганларга эса, то ҳижрат қилмагунларича, сиз ҳеч валий бўла олмассиз».**

Баъзи бир кишилар иймон келтирган бўлсалар ҳам, турли баҳоналар билан ҳижрат қилмаган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бошқалар каби байъат бермаган, жоҳилият жамиятидан ажралиб чиқмаган эди. Шунинг учун, уларга валийлик йўқ, шунинг учун ҳам, «валий»ликни уларга бериб бўлмайди. Аммо:

**«Агар улар сиздан динда ёрдам сўрасалар, ёрдам бермоғингиз вожиб»**дир.

Агар ҳижрат қилмаган мусулмонларнинг эътиқодлари хавф остида қолиб, ёрдам сўрасалар, уларга бу соҳада ёрдам бермоқ лозим.

Шарти шулки:

**«Фақат, сиз билан ўрталарида аҳднома бор қавм зиддига эмас».**

Чунки, мусулмон жамияти жамоат номидан бошқаларга аҳд бериб қўйгандан кейин, унга вафо қилиш лозим. Ҳалиги ёрдамга муҳтож кишилар эса, ўз ихтиёрлари билан мусулмонлар жамоасига қўшилмай юрибдилар.

**«Аллоҳ нима қилаётганингизни кўргувчи Зотдир».**

Ким иймон келтирди, ҳижрат қилди – кўради. Ким иймон келтирди-ю, ҳижрат қилмади, уни ҳам кўради. Ким умуман иймон келтирмади – буни-да кўради.

وَالَّذِينَ كَفَرُوا بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ ۗ أَلَّا تَفْعَلُوهُ تَكُن فِتْنَةً فِي الْأَرْضِ وَفَسَادٌ كَبِيرٌ ﴿٧٣﴾

**73. Куфр келтирганлар бир-бирларига валийдирлар. Агар (мазкур нарсани) қилмасангиз, ер юзида фитна ва катта фасод бўлади.**

Яъни мусулмонлар бир-бирларига валий – дўст, ҳомий, маҳбуб, жавобгар бўлганидек, кофирлар ҳам бир-бирларига валийдирлар. Улар ҳаммалари бир бўлиб, мусулмонларга қарши душманлик қилдилар. Уларнинг мақсадлари мусулмонларни йўқ қилишдир.

Агар сиз, мусулмонлар, юқорида зикр қилинган валийлик, бир-бирингизга нисбатан дўстлик, биродарлик, ҳомийлик, маҳбублик ва жавобгарликни ҳис этиб, уларга тузукроқ амал қилмасангиз:

**«...ер юзида фитна ва катта фасод бўлади».**

Бу фитна ва фасодни кофирлар қилади.

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَّهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَاوَأُوْا وَنَصَرُوا أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ مَّغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٧٤﴾

**74. Иймон келтирган, ҳижрат этган, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилганлар ва жой бериб, ёрдам кўрсатганлар, ана ўшалар ҳақ мўминлардир. Улар учун мағфират ва карамли ризқ бордир.**

Ушбу оятда ҳақ мўминлик васфлари муҳожир ва ансорийлар мисолида яна бир бор зикр қилинмоқда.

Бу, аввало, иймон келтиргандан бошланса, сўнгра ўша иймон тақозоси ила, керак бўлганда, ватандан, молу мулкдан, қариндош-уруғдан, мансабдан ва бошқа имтиёزلардан воз кечиб, дин учун ҳижрат қилишдир, Аллоҳнинг йўлида курашишдир, ҳижрат қилиб

келган мўмин биродарига бошпана бериш ҳамда уларга керакли ёрдамларни кўрсатишдир. Ана ўша сифатларни ўзида мужассам қилган инсон ҳақ мўмин бўлади.

**«Иймон келтирган, ҳижрат этган, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилганлар ва жой бериб, ёрдам кўрсатганлар, ана ўшалар ҳақ мўминлардир».**

Уларни Аллоҳ мағфират қилади. Карамли ризқ, жаннатни беради.

**«Улар учун мағфират ва карамли ризқ бордир».**

وَالَّذِينَ آمَنُوا مِنْ بَعْدُ وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا مَعَكُمْ فَأُولَٰئِكَ مِنْكُمْ وَأُولُوا الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ  
 أَوْلَىٰ بِبَعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٧٥﴾

**75. Кейин иймон келтириб, ҳижрат қилган ва сизлар билан жиҳод қилганлар ҳам сизлардандир. Аллоҳнинг китобида қариндошлар бир-бирларига ҳақлироқдирлар. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билгувчи Зотдир.**

Яъни, биринчи ҳижратдан кейин иймон келтириб, ҳижрат қилган ва сизлар билан бирга жиҳодга чиққан мусулмонлар ҳам сизлардандир.

Ояти каримадаги

**«Аллоҳнинг китобида қариндошлар бир-бирларига ҳақлироқдирлар»**, жумласида мерос масаласи кўзда тутилган. Ҳижратдан сўнг мерос маълум муддат мусулмон биродарлиги асосида тақсимланган бўлса ҳам, кейинчалик ҳаммаси ўз ўрнига тушиб, мусулмонлар орасидаги меросхўрлик қариндошлик асосида бўлиши тайин қилинган. Аммо, ким бўлишидан қатъиназар, кофир билан мусулмон ўртасида меросхўрлик бўлмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кофир мусулмонлардан мерос олмайди», — деганлар.

**«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билгувчи Зотдир».**



## ТАВБА СУРАСИ

*Мағийнага нозил бўлган. 129 оятдан иборат.*

Ушбу сураи каримада тавба ҳақидаги оятлар ҳам борлиги учун у шу ном билан аталади. Бу суранинг иккинчи машҳур номи «Бароат»дир. Чунки, сураи карима «бароат» сўзи билан бошланади. Шунингдек, уламоларимиз бу суранинг «Мубосира», «Мусийра», «Мухзия», «Фозиҳа», «Мушаррида», «Суратул азоб» каби номлари ҳам борлигини айтганлар.

«Тавба» сурасининг ажралиб турадиган яна бир хусусияти — аввалида «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»нинг ёзилмаганидир. Чунки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буни айтмаганлар. Маълумки, Қуръони Каримнинг ҳар бир оятини қаерга ва қай тарзда ёзишни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари айтиб, тушунтириб борар эдилар. «Тавба» сурасининг аввалига «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни нима учун айтмаганлар, деган саволга уламолар ҳар хил жавоб берганлар. Масалан, «Кашшоф» тафсирида келтирилишича, Ибн Уйайна: «Аллоҳнинг исми салом (тинчлик) ва омонликдир, уруш ва улоқтириб ташлаш ҳақида гап борганда ёзилмайди», — деган эканлар. Яъни, бу сурада кофирларга қарши уруш қилиш ҳақида сўз кетади, уруш эса, уларга нисбатан шафқатсиз бўлиш демақдир. Бинобарин, «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» бу ерга тўғри келмайди, деганидир.

«Тавба» сураси нозил бўлиш вақти жиҳатидан охириги суралардан ҳисобланади. Унда келган ҳукмлар ҳам ниҳойи, сўнгги, яъни, вақтинчалик бўлмаган ҳукмлардир. Хусусан, бу сурада исломий жамият билан бошқа тузумлар ўртасидаги алоқаларга алоҳида эътибор берилган. Айни чоғда, Ислом жамияти ичидаги тоифалар ва уларнинг ўзаро алоқалари ҳақида ҳам сўз кетади.

«Тавба» сураси, бошқа суралар каби, тарқоқ ҳолда нозил бўлган, яъни, оятлари турли жойларда, турли вақтларда бўлиниб-бўлиниб, тўққизинчи ҳижрий йилнинг ичида тушган.

Сураи кариманинг аввалида мусулмонларнинг Арабистон ярим оролидаги мушриклар билан алоқалари қандай бўлиши кераклиги

ҳақида сўз юритилади. Уларга бўладиган муносабатларнинг сабаби баён қилинади.

Кейинги қатор оятларда эса, мусулмонларнинг аҳли китоблар, яҳудий ва насоролар билан ўзаро алоқалари ҳақида гап кетади. Бу алоқаларнинг сабаблари, тарихий ва ақийдавий жиҳатлари тилга олинади. Шунингдек, улардан мусулмонларнинг фарқи, улар қандай қилиб йўлдан озиб кетганлари очиб ташланади.

Мазкур оятлардан кейин мушрик ва кофирларга қарши урушдан бош тортганлар ҳақида сўз боради. Улардаги қўрқоқлик, бепарволик ва ҳимматсизлик оқибатлари айтиб ўтилади.

Табук ғазотида мунофиқлар тутган ўрин ва уларнинг қилмишларининг муолажаси суранинг бош мавзудир. Мунофиқларнинг Ислом жамиятидаги кирдикорлари ва иккиюзламачиликлари, ҳақиқий ниятлари, ҳийла-найранглари ушбу сураи каримада ўзига хос услуб ила фош этилади. Мунофиқларнинг Табук урушидан олдинги ва кейинги ҳамда уруш пайтидаги ҳолатлари кетма-кет баён қилинади.

Улар урушдан бош тортиб баҳона топишлари, мусулмонлар сафига тафриқа, фитна ва заифлик солишга интилишлари ҳақидаги оятлар келади. Мунофиқларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мухлис мўмин-мусулмонларга етказган озорлари батафсил зикр этилади. Мўмин-мусулмонларни мунофиқларнинг ҳийла-найрангларидан эҳтиёт бўлишга чақирилади. Шу билан бирга, мусулмонлар билан мунофиқларнинг фарқи, ҳар бирининг ўзига хос сифатлари ва амаллари ҳамда уларнинг орасидаги алоқалари кўрсатиб берилади.

Мунофиқларга оид масалалар баёнидан кейинги оятлардан сўнг сурада бошқа тоифалар хусусидаги оятларга ўтилади. Жумладан, саҳровий араблар орасида мухлис мўмин-мусулмонлар ҳам, мунофиқлар ҳам борлиги, ҳатто аҳли Мадийна ичида мунофиқлар топилиши тўғрисида сўз юритилади. Шунингдек, исломий ҳаёт тарзини тўла қабул этмасдан, яхши ишларга ёмон ишларни аралаштириб қилиб юрганлар ҳам борлиги айтилади. Баъзи бир асл ҳоли номаълум тоифаларнинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола эканлиги эслатилади. Баъзиларнинг дин ниқоби остида мусулмонларга қарши иш қилишлари ҳам эсга олинади.

Сўнгра, исломий жиҳод ва унинг чегаралари, Мадийна аҳли ва унинг атрофидаги аъробийларнинг жиҳоддаги вазифалари, уларнинг жиҳоддан бош тортишлари мумкин эмаслиги, мушриклар билан мунофиқларни ажрата билиш лозимлиги ҳақида оятлар келади. Табук урушига бормаи қолган баъзи мухлис кишиларга тегишли



ҳукм изҳор этилади. Шунингдек, мунофиқларнинг баъзи ҳолатлари, Қуръони Каримга муносабатлари тилга олинади.

Суранинг охирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари зикр этилади ва у зотга доимо Аллоҳга таваккал қилиш буюрилади.

«Тавба» – «Бароат» сурасининг биринчи оятлари тафсирига киришишдан олдин ушбу оятлар нозил бўлгунча, яъни, Аллоҳ ва Унинг Расули мушрикларга «бароат» – «ора очиқлик» эълон қилгунларига қадар бўлиб ўтган воқеаларни қисқача эслатиб ўтиш лозим.

Маълумки, Аллоҳ таоло инсонларни ширк ва куфр зулматларидан иймон нурига чиқаришни, турли нарса ва шахсларга сифинишдан озод этишни, ягона Ўзигагина ибодат қилишларини хоҳлаб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Пайғамбарлик мартабасини бериб, Қуръони Каримни индирганида, мушриклар бир овоздан бунга қарши чиқдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни сеҳргар, Қуръонни сеҳр ва мусулмонларни сеҳрланганлар, дедилар. Жон-жаҳдлари билан Исломга қарши турдилар. Маккада оз сонли мусулмонларга қарши ўн уч йил давомида қўлларидан келган барча ёмонликларни қилдилар.

Охири, мусулмонлар Пайғамбарлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчилигида юртларини ташлаб ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар. Чунки, инсофга чорлаш, ёлвориш ва раҳим-шафқат сўрашлар мушрикларга қор қилмади. Улар мусулмонларни умуман ер юзидан йўқотиш ниятида эканликларини амалда кўрсатдилар.

Ҳатто Мадийнага ҳижрат қилган мусулмонлар ҳам мушрикларнинг таъқибларидан қутула олмадилар. Ҳижратдан кейин ушбу оятлар тушгунча ўтган тўққиз йил давомида мусулмонлар билан мушриклар ўртасида йигирма марта уруш ва тўқнашувлар бўлди. Ислом янги келган вақтдан мазкур оятлар нузулига қадар ўтган йигирма икки йил ичида мусулмонлар мушрикларни оқилона иш юритишга, ҳеч бўлмаса, адолатли бўлишга чақириб келдилар.

Аммо, мушриклар бу чақириқларга мутлоқ қулоқ осмадилар. Аксинча, уларнинг жаҳли чиқар ва душманликлари янада ортар эди. Бора-бора мушриклар Мадийнадаги яҳудийларни ҳам ўз сафларига қўшиб олдилар. Ҳатто, мунофиқларни ва атрофдаги саҳровий арабларни мусулмонларга қарши гиж-гижладилар.

Ислом томонидан алоқаларни яхшилаш учун ҳамма чоралар кўрилди. «Сизга ўз динингиз, бизга ўз динимиз», деб айтилди, аммо фойдаси бўлмади. Ҳижрат қилинди, бироқ нафи тегмади. Охири, аҳдномалар тузишга қарор этилди. Мадийнада яҳудийлар, Ҳудайбияда мушриклар билан алоҳида аҳднома тузилди. Шунингдек, бошқалар билан ҳам аҳдлашилди.

Лекин улар аҳдномаларни бузиб, яна Исломга ва мусулмонларга душманликларини давом эттиравердилар. Ана шундагина, чора-тадбир наф бермаганидан кейингина бароат эълон қилинди.

بَرَاءَةٌ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٠١﴾

**1. (Бу) Аллоҳдан ва Унинг Расулидан мушрикларнинг сиз аҳдлашганларингизга «бароат»-ора очиқлиги (эълони)дир.**

Яъни, эй мўминлар, сиз аҳднома тузган мушрикларга Аллоҳ ва Унинг Расулидан мана шу эълон – ора очиқлик эълонидир. Бу оятлар нузулидан сўнг аҳдномаларга амал қилишда «ора очиқ» бўлади, яъни, улар амалдан тўхтатилади. Энди, бир тараф иккинчи тарафга аҳдномани рўқач қила олмайди. У бузилди. Кейинги оятда Аллоҳ таоло аҳдномаларнинг амалдан қолиш муддатини тайинлайди ва мушрикларга хитобан айтади:

فَسِيحُوا فِي الْأَرْضِ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَاعْلَمُوا أَنَّكُمْ غَيْرُ مُعْجِزِي اللَّهِ وَأَنَّ اللَّهَ مُخْزِي الْكَافِرِينَ ﴿١٠٢﴾

**2. Бас, ер юзида тўрт ой сайр қилиб юринглар ва билингларки, албатта, сиз Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз ва, албатта, Аллоҳ кофирларни хор қилгувчидир.**

Бу иш мусулмонлар билан аҳднома тузган ва сўнгра аҳдни бузган мушрикларга тегишлидир. Бу тўрт ой тўққизинчи ҳижрий сана Зулҳижжа ойининг ўнинчи кунидан бошланиб Робиул охир ойининг ўнинчи кунигача давом этади. Шунда Зулҳижжа ойдан йигирма кун, Мухаррам, Сафар ва Робиул аввал ойлари тўлиқ ҳолда, Робиул охир ойдан ўн кун бўлади. Мана шу муддат чиққандан кейин Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан аҳдномага амал қилиш тўхтатилади. Бу, «ора очиқлик» эълонидир. Унгача, яъни, тўрт ойгача сизга биров тегмайди, ер юзида бемалол юраверишингиз мумкин. Юрсангиз юраверинг-у, аммо:

**«...билингларки, албатта, сиз Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз».**

Қаёққа ҳам борар эдингиз? Исломга ва мусулмонларга душманлик қилиб нима ҳам қила олар эдингиз? Яна билингларки:

**«...албатта, Аллоҳ кофирларни хор қилгувчидир».**

Сиз, албатта, хор бўласиз.

Кейинги оятда ора очиқлик фақат икки томонга тегишли эълон эмас, балки ҳаммага тааллуқли эканлиги айтилади.

وَأَذَانٌ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى النَّاسِ يَوْمَ الْحَجِّ الْأَكْبَرِ أَنَّ اللَّهَ بَرِيءٌ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ  
 وَرَسُولُهُ إِن يُّبْتِغِ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَإِن تَوَلَّيْتُمْ فَأَعْلَمُوا أَنَّكُمْ غَيْرُ مُعْجِزِي اللَّهِ وَبَشِّرِ  
 الَّذِينَ كَفَرُوا بِعَذَابِ آيَةِ الْيَوْمِ ﴿٦٠﴾

**3. (Бу) Аллоҳ ва Унинг Расулидан одамларга «ҳажжул акбар» кунидаги билдиришдир. Албатта, Аллоҳ ва Унинг Расулининг мушриклар билан оралари очиқдир. Бас, агар тавба қилсангиз, у ўзингиз учун яхшидир. Агар юз ўгириб кетадиган бўлсангиз, билингларики, албатта, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз. Куфр келтирганларга аламли азобнинг «башоратини» беравер.**

Бу ерда «бароат»ни эълон қилиш куни, вақти ва жойи ҳам маълум қилинмоқда.

**«(Бу) Аллоҳ ва Унинг Расулидан одамларга «ҳажжул акбар» кунидаги билдиришдир».**

Эълон оммага ҳаж мавсумида, ҳажжул акбар куни, муқаддас жойларда етказилган.

Имом Имодудин ибн Касир тафсирида Абу Маъшар ал-Маданийнинг Муҳаммад ибн Каъб ал-Қоразий ва бошқалардан қилган қуйидаги ривоятини келтирадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўққизинчи йили Абу Бакрни ҳаж амири қилиб юбордилар. Али ибн Абу Толибни эса, «Бароат» сурасининг ўттиз ёки қирқ ояти билан жўнатдилар. У одамларга ўша оятларни арафа куни ўқиб берди. Мушрикларга тўрт ой тегилмайди, ер юзида сайр қилиб юрадилар. Уларга Зулҳижжадан йигирма кун, Муҳаррам, Сафар, Робиул аввал тўлиқ ва Робиул охирдан ўн кун муҳлат берилди. Али бу оятларни уларнинг манзилларида ўқиб эшиттиргач: «Бу йилимиздан кейин мушрик ҳаж қилмайди, Байтуллоҳни яланғоч одам тавоф этмайди», – деб эълон қилди.

Ўша йили ҳаж аввалгидек, яъни, мусулмонун мушрик аралаш ҳолда, ҳар ким билганича ҳаж амалларини бажарган ҳолда, адо этилди. Аллоҳ «Бароат» сурасидаги мазкур оятларни Ҳазрати Абу Бакр амирликларида ҳожилар Мадийнаи Мунавварадан жўнаб кетганларидан кейин нозил қилган. Пайғамбаримиз Ҳазрати Алини уларнинг орқаларидан юбориб, ора очиқликни ҳаммага эълон қилишни топширганлар. Бунинг учун ўзига хос сафарбарлик ўтказилган. Иложи борича, ҳажга келган ҳар бир одамга бу хабар етказилган. Одамларнинг манзилларига, тўпланадиган жойларига бориб эшиттирилган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда бу воқеа батафсил баён қилинган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толибни аҳли Маккага бароат билан юборганларида мен бирга бўлдим», — деди Абу Ҳурайра ўғлига.

«Нима деб жар чақиргансизлар?» — деди ўғли.

«Жаннатга мўмин бўлмаган жон кирмайди, Байтуллоҳни ҳеч ким яланғоч тавоф қилмайди, кимнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тузган аҳдномаси бўлса, муддати тўрт ойгача, тўрт ойдан кейин Аллоҳ ва Унинг Расулининг мушриклар билан оралари очиқ, Байтуллоҳни бу йилимиздан кейин мушрик ҳаж қилмайди, деб чақирар эдик», — деди. Сўнгра: «Қичқиравериб овозим бўғилиб қолган эди», — деб қўшиб қўйди.

Ушбу эълонда аҳдга вафонинг бир кўриниши бор. Мушриклар аҳдга вафосизлик ва хиёнат қилган эди. Ҳеч қандай эълонсиз ҳам аҳдни бузилган ҳисоблашга мусулмонларнинг ҳаққи бор эди. Лекин Аллоҳ таоло аввал ора очиқликни эълон қилишни ирода этди. Парвардигори Олам бирданига, ора очиқ, деб қўймасдан, уларга тўрт ой муҳлат берди. Гарчи аҳднома тўрт ойдан аввал тугаса-да, яхшилаб ўйлаб олишлари учун тўрт ойга муҳлат берди.

**«Бас, агар тавба қилсангиз, у ўзингиз учун яхшидир»,** — деб ҳидоятга тарғиб қилди.

Кимки иймонга келиб, Аллоҳга бўйсунса, албатта, ўзи учун яхшилик қилган бўлади. Шу билан бирга, залолатда юравериш ёмонлигини баён қилиб:

**«Агар юз ўгириб кетадиган бўлсангиз, билингларики, албатта, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз»,** — деди.

Юз ўгириб қаёққа борар эдилар? Аллоҳнинг азобидан қочиб қутулиб бўлармиди? Бу ҳақиқатни уларга етказишни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга топшириб, оятнинг охирида:

**«Куфр келтирганларга аламли азобнинг «башоратини» беравер»,** — деди.

Булар кофирларни безовта этадиган, мўминларни хотиржам қиладиган гаплардир. Чунки, Аллоҳ таоло оқибат нима бўлишини олдиндан айтиб қўйди.

إِلَّا الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ثُمَّ لَمْ يَنْقُصُواكُمْ شَيْئًا وَلَمْ يُظَاهِرُوا عَلَيْكُمْ أَحَدًا  
فَاتَّبِعُوا إِلَيْهِمْ عَاهِدَهُمْ إِلَىٰ مَدِينَتِهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَّقِينَ ﴿١٠١﴾

**4. Магар мушриклардан сиз аҳдлашганингиздан кейин ҳеч нарсани нуқсон қилмаганлари ва сизга қарши бировга ёрдам бермаганларининг аҳдларини муддатларигача батамом қилинг. Албатта, Аллоҳ тақводорларни севадир.**

Бу ҳукм тўрт ой муҳлат берилган, аҳдларини бузганларга қилинган аввалги ҳукмдан мустаснодир. Бу оятда гап Бани Бакр ибн Канона қабиласининг Бани Ҳузайма ибн Омир уруғи ҳақида кетмоқда.

Мазкур мушрик қавм Қурайш тарафида туриб мушриклар билан мусулмонлар орасида тузилган Ҳудайбия сулҳига қўшилган эди. Ўн йилгача мусулмонларга қарши урушмаслик, уларга қарши бировга ёрдам бермаслик ва бошқа масъулиятларни бўйнига олган эди. Ҳудайбия сулҳидан икки йил ўтар-ўтмас ҳамма мушриклар аҳдномени буздилар, аммо Бани Ҳузайма ибн Омир уруғи аҳдларида собит турдилар. Шунинг учун, гарчи улар мушрик бўлсалар ҳам, Аллоҳ уларнинг амалларини тақдирлаб, махсус оят туширди. Умумий ҳукмдан уларнинг ҳукмини истисно қилди. Ислому уларнинг вафосини юқори тақдирлади. Ислому даъвати учун ниҳоятда хатарли бир пайтда, чор атрофдан, ичкаридан душманлар таҳдид солиб турган бир шароитда улар ўзаро тузилган ўн йиллик сулҳни охирига етказишга қарор қилдилар.

**«Албатта, Аллоҳ тақводорларни севадир»**, дейишдан, аҳдга вафо қилиш, мушрик бўла туриб мардлик этса, шунга лойиқ муомала қилиш тақводор мусулмоннинг иши эканлигини билиб оламиз.

Мусулмонларнинг бағри кенглиги самарасини берди. Аҳдига вафодорлиги учун алоҳида тақдирга сазовор бўлган Бани Ҳузайма ибн Омир қавми тезда Ислому кирди. Шунингдек, аҳдни бузганлари учун тўрт ойга муҳлат берилган мушриклар ҳам Ислому қабул этди.

Юқоридаги оятларга кўра, барча мушрикларга Аллоҳ ва Унинг Расулининг бароати эълон қилиниб, аҳдни бузганларга тўрт ой, бузмаганларга аҳднома муддати тугагунча муҳлат берилган эди. Келаси оятда мусулмонларга қуйидаги ишлар буюрилади:

فَإِذَا أَنْسَلَخَ الْأَشْهُرَ الْحُرْمَ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ وَخُذُوهُمْ وَأَحْصُرُوهُمْ  
وَأَقْعُدُوا لَهُمْ كُلَّ مَرْصِدٍ إِن تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ فَخَلُّوا سَبِيلَهُمْ  
إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ

**5. Бас, ҳаром ойлар чиққанда, мушрикларни қаерда топсангиз, ўлдиришлар, тутинлар, қамал қилишлар ва уларни ҳар жойда пойланглар. Агар тавба қилсалар, намозни тўкис адо этса-**

**лар ва закотни берсалар, йўлларига қўйиб юборинглар. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Сиртдан қаралса, ўта шафқатсиз амрга ўхшайди. Кўпчилик, жумладан, мусулмонлар ҳам оятнинг фақат биринчи ярмига эътибор берадилар.

**«Бас, ҳаром ойлар чиққанда, мушрикларни қаерда топсангиз, ўлдириглар, тутинглар, қамал қилинглар ва уларни ҳар жойда пойланглар».**

Аллоҳ мушрикларни қаерда учратсангиз, ўлдириглар, асир олинглар, қамал қилинглар ва уларни ҳар жойда пойлаб туриглар, деган, ундай ёки бундай қилиш лозим, дея кўп гапирадилар. Лекин воқеликни ҳамда оятнинг иккинчи ярмини эсдан чиқарадилар.

Маълумки, мушриклар билан урушлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларидан кейин бошланган, жами ўттизга яқин уруш ва тўқнашув бўлган, уларда икки юзга яқин мушрик ўлган. Тарих китобларида уларнинг номлари ҳам айтиб ўтилган. Яъни, ҳамма нарса аниқ ва ҳужжатли. Қолаверса, бу оятдаги амр йигирма икки йиллик сабр-чидам натижасидир. Бошқача айтганда, тушунтириш, турли йўлларни ахтариш ва аҳднома тузишлар наф бермаганидан сўнг, шунингдек, чор атрофни хавф-хатар ўраб олгандан кейин Ислом марказини ички душмандан тозалаш ниятида қилинган буйруқдир. Бу амрдан мақсад қириб ташлаш эмас, балки ҳақиқатни яхшилик билан тушунмаганларга бир оз таъсир ўтказиш эканлиги оятнинг иккинчи ярмидан ҳам билиниб турибди.

**«Агар тавба қилсалар, намозни тўқис адо этсалар ва закотни берсалар, йўлларига қўйиб юборинглар».**

Демак, бунда йигирма икки йиллик азоб-уқубат, мушриклар етказган жароҳатлар учун ўч олиш фикри йўқ. Улар тавба этиб, ширкдан қайтсалар, иймон келтириб, мусулмонлик амалларини қилсалар, жумладан, намоз ўқиб, закот берсалар, бўлди, ўз йўларида кетаверадилар, уларга ҳеч ким тегмайди. Улар ҳам исломий жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўладилар.

**«Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир».**

Аллоҳ уларнинг аввалги гуноҳларини кечиради, уларга раҳимшафқат кўрсатади.

Шундай жиддий ҳукм чиқариш баробарида мушриклар учун омонликка эришишнинг бошқа йўли ҳам кўрсатиб қўйилган:

وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلِمَ اللَّهِ ثُمَّ ابْلِغْهُ مَأْمَنَهُ  
ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْلَمُونَ



**6. Агар мушриклардан биронтаси паноҳ сўраса, унга паноҳ бер, токи у, Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнгра, уни омонлик жойига етказиб қўй. Бу, уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари учундир.**

Яна такрор айтиш лозимки, мазкур қатъий ҳукмлардан мақсад мушрикларни қириб ташлаш эмас, балки тўғри йўлга солиш, кўзларини очишдир. Йўқса, шундай қаттиқ ҳукм бўла туриб, бирон мушрик паноҳ сўраб келса, унга ёрдам беришликка буюрилмас эди.

**«Агар мушриклардан биронтаси паноҳ сўраса, унга паноҳ бер».**

Демак, мақсад жамики мушрикларни қириб ташлаш эмас, балки уларнинг кўзини очишдир:

**«...токи у, Аллоҳнинг каломини эшитсин»** ва ҳидоятга юрсин. Ҳа, ҳар бир мушрик ўзининг фойдасини билсин. Агар билмаса, ўзига зарар, лекин сен аҳдингга вафо қилиб:

**«...уни омонлик жойига етказиб қўй».**

Уларга бундай муомала қилинишининг сабаби:

**«...уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари учундир».**

Билмайдиган одамга билдириш учун ҳаракат қилиш керак. Агар у душман бўлса ҳам, илоҳий каломни эшитиши учун шароит яратиб бериш лозим.

Юқоридаги оятларда мушриклар билан тузилган аҳдномалар маълум муддат ўтгач, бекор бўлиши баён қилингандан сўнг келаси оятларда бундай қарорга келишнинг сабаблари айтилади.

كَيْفَ يَكُونُ لِلْمُشْرِكِينَ عَهْدٌ عِنْدَ اللَّهِ وَعِنْدَ رَسُولِهِ إِلَّا الَّذِينَ  
عَاهَدْتُمْ عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ فَمَا اسْتَقَمُوا لَكُمْ فَاسْتَقِيمُوا لَهُمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ  
الْمُتَّقِينَ

**7. Қандай қилиб мушрикларга Аллоҳнинг ҳузурида ва Унинг Расулининг ҳузурида аҳд бўлсин?! Магар сиз билан Масжидул Ҳаром олдида аҳдлашганлар, сизга нисбатан мудом мустақийм турсалар, сиз ҳам мустақийм туринг. Албатта, Аллоҳ тақводорларни севадир.**

Яъни, мушриклар учун Аллоҳнинг ҳузурида ҳам, Унинг Расулининг ҳузурида ҳам ҳеч бир аҳднома бўлиши мумкин эмас. Аллоҳга ишонмаганларга, Унга ибодат этмаганларга ва Пайғамбарнинг Пайғамбарлигини эътироф қилмаганларга қандай қилиб аҳду паймон бериб бўлади?



**«Қандай қилиб мушрикларга Аллоҳнинг ҳузурида ва Унинг Расулининг ҳузурида аҳд бўлсин?!»**

Аҳду паймон уларнинг фақат бир тоифасига, яъни, мусулмонлар билан Масжидул Ҳаром олдида, яъни, Ҳудайбияда аҳдлашган мушрикларгагина бўлиши мумкин.

**«Магар сиз билан Масжидул Ҳаром олдида аҳдлашганлар сизга нисбатан мудом мустақийм турсалар, сиз ҳам мустақийм туринг».**

Агар улар аҳдларида турсалар, мусулмонлар ҳам аҳдида туради. Фақат Бани Ҳузайма ибн Омир қавмигина аҳдга вафо қилгани олдин айтиб ўтилган эди. Модомики, улар аҳдларида турган экан, мусулмонлар ҳам вафоли бўлишлари шарт. Чунки, Ислом – аҳдга вафо динидир. Чунки:

**«Аллоҳ, албатта, тақводорларни севадир».**

Аҳдга вафо қилиш эса, тақводорлик сифатларидан бири ҳисобланади.

Лекин аҳдга вафо қилишнинг ҳам ўзига яраша чегараси бор. Аҳдга вафо деб номланган яхшилик мусулмонларга нисбатан зарар келтирадиган масдарга айланиб ҳам қолмаслиги зарур. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг,

كَيْفَ وَإِنْ يَظْهَرُوا عَلَيْكُمْ لَا يَرْقُبُوا فِيكُمْ إِلَّا وَلَا ذِمَّةً يُرْضُونَكُمْ بِأَفْوَاهِهِمْ  
وَتَأْبَى قُلُوبُهُمْ وَأَكْثَرُهُمْ فَاسِقُونَ

**8. Қандай қилиб (уларга аҳд бўлсинки), улар агар сиздан устун келсалар, на аҳдга ва на бурчга риоя этмаслар. Сизни оғизлари билан рози қиладилар-у, қалблари кўнмас. Уларнинг кўплари фосиқлардир.**

Мушрикларнинг ўзлари аҳдга вафо қилмаганларидан кейин улар учун Аллоҳ ва Унинг Расули ҳузурида қандай ҳам аҳд бўлсин? Улар оғизлари билан яхши гапларни гапириб, сиз билан аҳднома тузадилар-у, аммо қалблари аҳд тузишни ҳеч истамайди ва аҳдга вафо қилишни ҳам хоҳламайди. Улар аҳдни тузиб қўяверадилар, аммо фурсатни топганларида:

**«...сиздан устун келсалар, на аҳдга ва на бурчга риоя этмаслар».**

Қўлларидан келган барча ёмонликларни қиладилар. Бунга тарих шоҳиддир. Уларнинг мусулмонларга қилган шафқатсизликлари ҳаммага маълум ва машҳурдир.

**«Уларнинг кўплари фосиқлардир».**

Яъни, динда Аллоҳ чизган чегарадан чиқувчилардир. Бу ҳолат барча номаъқул ишларнинг асосий сабабидир.

أَشْتَرُوا بِعَايَتِ اللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَصَدُّوا عَن سَبِيلِهِ ۗ إِنَّهُمْ سَاءَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٩﴾

**9. Улар Аллоҳнинг оятларини озгина баҳога сотиб, Унинг йўлидан тўсдилар. Дарҳақиқат, уларнинг қилганлари қандай ҳам ёмон бўлди!?**

Мушриклар ҳаммага баробар келган Аллоҳнинг оятларини қабул қилмай, ундан бу дунёнинг озгина баҳосини устун кўрдилар. Дин йўлига юрсалар, дунёнинг матоҳидан ажралиб қоламан ёки камроқ улуш оламан, деб ўйлашди. Шунингдек, бу дунёдаги молдан садақа беришдан чўчишди. Шуларни ўйлаб, одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсишди.

«Дарҳақиқат, уларнинг қилганлари қандай ҳам ёмон бўлди!?»

لَا يَرْفُقُونَ فِي مُؤْمِنٍ إِلَّا وَلاَ ذِمَّةً وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُعْتَدُونَ ﴿١٠﴾

**10. Улар мўмин ҳақида на аҳдга ва на бурчга риоя қилмаслар. Ана ўшалар, ўзлари тажовузкорлардир.**

Улар бошқаларга нисбатан аҳдга ва бурчга риоя қилишлари мумкин. Аммо мўминга келганда:

«...на аҳдга ва на бурчга риоя қилмаслар».

Чунки, уларнинг қалбида иймонга ва аҳди иймонга душманлик руҳи сингиб кетган.

Шунинг учун, иймонга тааллуқли ҳар қандай гапни эшитсалар, сакраб тушадилар. Қаерда мўминни учратсалар, душманлик қилдилар. Аввалда берилган аҳд, олинган бурчга ҳам риоя қилмайдилар.

«Ана ўшалар, ўзлари тажовузкорлардир».

Бундан ортиқ тажовузкорлик бўлиши мумкин эмас. Лекин шундай бўлса ҳам, вақти келганда, мўмин киши уларни кечиради, ўзига биродар қилиб олади.

فَإِن تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ فَأَخَوْنَاكُمْ فِي الدِّينِ وَنَفَصِلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿١١﴾

**11. Бас, агар тавба қилсалар, намозни тўқис адо этсалар ва закотни берсалар, дин қардошингиздирлар. Биладиган қавм учун оятларимизни батафсил баён қиламиз.**

Улар яна такрор тўғри йўлга чақирилмоқда. Майли, шунчалик душманлик, адоват, жабр-ситам ўтказган бўлсалар ҳам, улардан ўч олиш ёки душманлик қилишга ният йўқ.

**«Бас, агар тавба қилсалар, намозни тўқис адо этсалар ва закотни берсалар, дин қардошингиздирлар».**

Ўтган ишларни юзига солиш йўқ. Фақат, билсалар, бўлди. Биз:

**«Биладиган қавм учун оятларимизни батафсил баён қиламиз».**

Агар буни ҳам билмасалар, ўзларидан кўрсинлар:

وَإِنْ نَكَثُوا أَيْمَانَهُمْ مِنْ بَعْدِ عَهْدِهِمْ وَطَعَنُوا فِي دِينِكُمْ فَقَاتِلُوا أَيْمَةَ الْكُفْرِ  
إِنَّهُمْ لَا أَيْمَانَ لَهُمْ لَعَلَّهُمْ يَنْتَهُونَ ﴿١٢﴾

**12. Агар аҳд берганларидан кейин аҳдларини бузсалар ва динингизга таъна тошини отсалар, куфрбошиларга қарши жанг қилинг! Зеро, уларнинг аҳдлари йўқдир. Шоядки, тўхтасалар.**

Улар ўзлари рози бўлиб аҳднома тузганларидан сўнг, ўзлари уни бузсалар, бунинг устига, сизнинг динингиз Исломга таъна тошини отсалар, улар куфрбоши, кофирларнинг бошлиғи — имоми бўладилар. Уларга қарши жанг қилиш лозим.

**«Агар, аҳд берганларидан кейин аҳдларини бузсалар ва динингизга таъна тошини отсалар, куфрбошиларга қарши жанг қилинг!»**

Чунки, улар аҳдга вафо қилмайдиган одамлардир. Уруш уларни йўқотиш учун эмас, душманликларини тўхтатиш учундир.

**«Шоядки, тўхтасалар».**

Ушбу ояти каримада аавал ўтган маъно яна бир бор таъкидланмоқда. Аллоҳ таоло мушрикларга қарши охирги чорани қўлашга амр берганидан сўнг нима учун бу фармонни берганини ҳам баён қилиб:

**«Зеро, уларнинг аҳдлари йўқдир. Шоядки, тўхтасалар»**, демоқда.

Ҳа, Арабистон ярим оролидаги мушрикларга қарши кескин чораларни кўришга уларнинг ўзлари аҳдга бевафо бўлишлари ва Исломга ва мусулмонларга ёмонлик қилишдан тўхтамаганлари ила сабаб бўлганлар.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло мусулмонларни бу ишга алоҳида аҳамият беришга чорламоқда:

أَلَا تَقْتُلُونَ قَوْمًا نَكَثُوا أَيْمَانَهُمْ وَهَكُمُوا بِإِخْرَاجِ الرَّسُولِ وَهُمْ  
بَدَءُكُمْ أَوْلَٰك مَرَّةً أَخَشَوْهُمْ فَاَللَّهُ أَحَقُّ أَنْ تَخْشَوْهُ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١٣﴾

**13. Аҳдларини бузган, Расулни (юртдан ) чиқаришга қасд қилган ва сизга (қарши) биринчи бўлиб (уруш) бошлаган қавм билан урушмайсизми?! Улардан қўрқасизми?! Агар мўмин бўлсангиз, қўрқинишга лойиқ зот Аллоҳдир!**

Ушбу ояти каримада мушрикларга қарши урушнинг баъзи сабаблари баён қилинмоқда. Мусулмонлар орасида ҳам, қавм билан нима учун урушамиз, деган савол туғилиши мумкин. Шундай саволга савол билан жавоб берилмоқда. Яъни:

**«Аҳдларини бузган, Расулни (юртдан) чиқаришга қасд қилган ва сизга (қарши) биринчи бўлиб (уруш) бошлаган қавм билан урушмайсизми?!»**– дейилмоқда.

Мушриклар мусулмонлар билан урушмаслик ҳақида аҳдномалар туза туриб, сўнг доимо уни ўзлари бузиб келганлар. Жумладан, Ҳудайбияда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўн йилгача урушмаслик хусусида тузилган аҳдномаларини ҳам буздилар. Шунинг учун, улар билан ҳар қанча уруш қилса, бўлади.

Иккинчидан, улар ўз вақтида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни юртлари Маккадан чиқариб юборишни қасд қилганлар. Ҳатто, ўлдирмоқчи ҳам бўлганлар. Бунинг учун ҳам улар билан ҳар қанча уруш қилса, бўлади.

Учинчидан, улар ўзлари аввал уруш бошладилар. Доимо фитна қўзидилар. Мусулмонларни йўқ қилиб юборишга уриндилар. Шу боисдан ҳам, улар билан ҳар қанча уруш қилса, бўлади.

**«Улардан қўрқасизми?!»**

Мусулмонларга қаратилган бу савол уларнинг қўрқиниш-қўрқмаслигини билиш учун эмас, балки урушга қизиқтириш учундир. Мўмин киши ҳеч кимдан қўрқмайди, у биттаю битта Аллоҳдан қўрқади.

**«Агар мўмин бўлсангиз, қўрқинишга лойиқ зот Аллоҳдир!»**

У зот эса, сизни мушрикларга қарши жангга чорламоқда. Кейинги оятда жанг қилишни таъкидлаш билан бирга, нусратни ҳам ваъда этади:

قَاتِلُوهُمْ يُعَذِّبُهُمُ اللَّهُ بِأَيْدِيكُمْ وَيُخْزِهِمْ وَيَنْصُرْكُمْ عَلَيْهِمْ وَيَشْفِ صُدُورَ قَوْمٍ مُّؤْمِنِينَ

**14. Уларга қарши жанг қилинглари! Аллоҳ уларни сизнинг қўлингиз билан азоблайдир, хорлайдир ва уларга қарши сизга ёрдам берадир. Ва мўмин қавмларнинг кўнгилларига шифо берадир.**

وَيَذِّهَبْ غِيظًا قُلُوبِهِمْ وَيَتُوبَ اللَّهُ عَلَىٰ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٥﴾

**15. Ва қалбларидаги аччиқни кетказадир. Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшанинг тавбасини қабул қиладир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Яъни, муҳими сизлар жанг қилаверинглар, бу ёғини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аллоҳ сизларни қудратига парда қила туриб, қўлларингиз билан мушрикларни азоблайди, хорлайди. Мўминларга нусрат, мушрикларга мағлубият бериш билан аввалда мушриклар озорлаган мўминларнинг кўнгилларини даволайди. Исломга ёрдам бериб, уни куфрдан устун қилиш билан мўминларнинг қалбида йиғилиб қолган аччиқларни кетказади.

Мўминларнинг ғолиб, кофирларнинг мағлуб бўлиши, Исломнинг устун келиб, куфрнинг қулаши баъзи мушрикларнинг кўзини очиб, иймонга чорлаши мумкин. Шундай бўлса, қандай яхши. Мўминларнинг жиҳоддан мақсадлари ҳам – шу. Одамлар иймонга келсин, Худодан бошқага қул бўлмасин, деб жиҳод қиладилар. Агар мушриклар иймонга келсалар:

**«Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшанинг тавбасини қабул қиладир».**

Аллоҳ ҳамма нарсани билиб туради ва фақат ҳикмат билан тасарруф қилади.

**«Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир».**

Кейинги оятда жанг қилишга буюришининг ҳикмати нима эканлиги билдирилади:

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تُتْرَكُوا أَنْ تَبْزُغُوا وَاللَّهُ يَوْمَئِذٍ عَلِيمٌ ۚ وَالَّذِينَ جَاهَدُوا مِنْكُمْ وَلَمْ يَتَّخِذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَا رَسُولِهِ وَلَا الْمُؤْمِنِينَ وَلِجَنَّةٍ وَاللَّهُ خَيْرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾

**16. Сиздан жиҳод қилганларни, Аллоҳдан, Унинг Расулидан ва мўминлардан ўзгани дўст тутмаганларни билмай туриб, Аллоҳ томонидан тарк этиб қўйилмоғингизни ўйладингизми? Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардор Зотдир.**

Даъват қилиб динга қизиқтирилганда, одамлар кўпчиликка қўшилаверади. Турли фикр, мақсад ва ғараз билан ўзини мусулмон кўрсатишга ҳамма уринаверади. Ким кимлигини билиб олиш қийин бўлади. Баъзилар сиртдан ўзини мусулмон кўрсатиб, ичдан Аллоҳдан бошқани дўст тутган бўлиши мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқани дўст тутган бўлиши мум-

кин. Мўминлардан бошқани дўст тутган бўлиши мумкин. Бундай кишиларнинг ҳақиқий башараларини очиш учун сохтакорлар чиндай олмайдиган қийинроқ иш тақлиф қилинади.

**«Сиздан жиҳод қилганларни, Аллоҳдан, Унинг Расулидан ва мўминлардан ўзгани дўст тутмаганларни билмай туриб, Аллоҳ томонидан тарк этиб қўйилмоғингизни ўйладингизми?»**

Жиҳод ана ўша ишлардан биридир. Жиҳодда ҳақиқий мўмин-мусулмонлар бошқалардан ажралиб чиқиб қоладилар. Фақат Аллоҳни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ва мўминларни дўст тутганларгина бу ишга ярайдилар. Бу ишларни кишилар кўзига кўрсатиш учун жиҳод фарз қилинган. Аллоҳ эса, буни ўзи азалдан билади.

**«Аллоҳ нима қилаётганларингиздан хабардор Зотдир».**

Аста-секин мушриклар билан бўладиган муомалалар ойдинлашиб келмоқда. Улар билан ора очиқлик эълон қилинди. Мурасасиз ҳолда туриб урушишлик, тавба қилсалар, ўзларига яхши бўлиши ва бошқа масалалар баён этилди. Шу аснода бир масала кўндаланг бўлади. Ҳозиргача Байтуллоҳнинг иморати – ободончилик ишлари ва ҳаж масалаларига худди мана шу мушриклар мутасадди бўлиб келаётган эди. Энди нима бўлади? Қуйидаги оятда бу саволнинг жавоби келади. Фақат Масжидул Ҳаром эмас, балки биронта масжидни ҳам обод қилишга уларнинг ҳақлари йўқлиги, бунга ким ҳақли эканлиги ва бошқа масалалар баён қилинади:

مَا كَانَ لِلْمُشْرِكِينَ أَنْ يَعْمُرُوا مَسْجِدَ اللَّهِ شَاهِدِينَ عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ بِالْكَفْرِ أُولَٰئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي النَّارِ هُمْ خَالِدُونَ ﴿١٧﴾

**17. Мушрикларга, ўзларининг кофир эканликларига гувоҳ бўлган ҳолларида, Аллоҳнинг масжидларини обод қилишлари жоиз эмас. Ана ўшалар амаллари ҳабата бўлганлардир ва улар дўзахда абадий қолувчилардир.**

Аллоҳнинг масжидлари, ўз номи билан, Аллоҳнинг уйлариридир. Бу уйларда Аллоҳдан бошқанинг исмини зикр қилиб бўлмайди. Мушриклар эса, ўз номлари билан, мушриклардир. Улар Аллоҳнинг эмас, балки Аллоҳдан ўзгаларнинг номини зикр қиладилар. Аллоҳга эмас, Аллоҳдан ўзгага ибодат қиладилар. Табиийки, улар ҳеч қачон Аллоҳнинг масжидларини обод этмайдилар.

**«Мушрикларга, ўзларининг кофир эканликларига гувоҳ бўлган ҳолларида, Аллоҳнинг масжидларини обод қилишлари жоиз эмас».**

Ушбу ояти каримани кенг тафсир қилган уламоларимиз мас-жидлар маънавий ва моддий обод қилинади, дейдилар. Бу икки ишни ҳам мушрикларнинг қилиши жоиз эмасдир. Айниқса, масжид деганда Масжидул Ҳаром кўзда тутилган бўлса, унинг атрофидаги маълум чегарагача мушрикларнинг келиши мумкин ҳам эмас. Ўша «ҳажжул акбар» куни эълон қилингандан буён шундай. Мушрик бўлган ҳолда масжидни обод қилиш беҳуда уринишдир:

**«Ана ўшалар амаллари ҳабата бўлганлардир».**

Иймони йўқ шахс ҳар қанча яхши иш қилса ҳам, ҳаракатлари беҳудадир. Улар барибир дўзахга тушадилар:

**«...ва улар дўзахда абадий қолурлар».**

Аллоҳнинг масжидини обод қилиш шарафи бошқа кишиларга насиб этгандир:

إِنَّمَا يَعْمُرُ مَسْجِدَ اللَّهِ مَن ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَءَاتَى  
الزَّكَاةَ وَلَمْ يَخْشَ إِلَّا اللَّهَ فَعَسَىٰ أُولَٰئِكَ أَن يَكُونُوا مِنَ الْمُهْتَدِينَ ﴿١٨﴾

**18. Албатта, Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охи-рат кунига иймон келтирганлар, намозни тўқис адо этганлар, закотни берганлар ва Аллоҳдан бошқадан қўрқмаганларгина обод қилурлар. Ажаб эмаски, ана ўшалар ҳидоят топгувчилардан бўлсалар.**

Масжидларни обод қилиш шарафига муяссар бўлиш кўпгина шартларни бажарган кишигагина насиб этар экан.

Шартларнинг биринчиси:

«Аллоҳга иймон келтириш».

Яъни, қалбида фақат Аллоҳга иймони бор бўлган, ундан бошқа ҳеч бир зот ибодатга лойиқ эмас, деб билган кишида Аллоҳнинг масжидларини обод қилиш шарафига муяссар бўлишнинг битта шарти мавжуд бўлади.

Иккинчиси:

«Охират кунига иймон келтириш».

Бу ҳам иймоннинг энг катта рукнларидан биридир. Охиратдан умидвор кишигина Аллоҳнинг масжидларини обод қилишга ҳаракат қилади.

Учинчиси:

«Намозни тўқис адо этиш».

Чунки, намоз диннинг устунидир. Ким уни қоим қилса, динни ҳам қоим қилган бўлади.



Тўртинчиси:

«Закот бериш».

Бу, молиявий ибодат бўлиб, баъзи ҳолларда «садақа» деб ҳам аталади. Яъни, у ҳам иймонни тасдиқловчи ибодатдир.

Бешинчиси:

«Аллоҳдан бошқадан ҳеч қўрқмаслик».

Чунки, Аллоҳдан бошқадан қўрқиш ширкнинг бир туридир. Мазкур сифатларни ўзида мужассам этганларгина Аллоҳнинг масжидларини обод қиладилар ва:

**«Ажаб эмаски, ана ўшалар ҳидоят топгувчилардан бўлсалар».**

Макка мушриклари эса, мазкур сифатлардан бирортасига эга бўлмасалар ҳам, ўзларича, Аллоҳнинг уйи – Масжидул Ҳаромни обод қилувчилармиз, деган даъвони қилиб юришар эди. Келгуси оятда уларга хитоб қилиниб, бу даъволари нотўғри экани баён этилади.

﴿ أَجَعَلْتُمْ سِقَايَةَ الْحَاجِّ وَعِمَارَةَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ كَمَنْ أَمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَجَاهِدَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا يَسْتَوُونَ عِنْدَ اللَّهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴾

**19. Ҳожиларга сув беришни ва Масжидул Ҳаромни обод қилишни Аллоҳга, охират кунига иймон келтирган ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилган каби қилдингизми?! Улар Аллоҳнинг ҳузурида тенг эмаслар. Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.**

Маълумки, Макка мушриклари Масжидул Ҳаромнинг ва ҳажнинг хизматларини тақсимлаб олишган эди.

Маълум қабила ёки уруғ Каъбаи Муаззаманинг калитини сақласа, бошқаси уларга ёрдамлашишни ва ёки шунга ўхшаш ишларни ўзига олган эди. Шунингдек, ҳожиларга тегишли хизматлар ҳам, айниқса, ҳожиларга сув бериш алоҳида мартаба ҳисобланарди. Бу ишлардан мушриклар доимо фахрланиб юришар эди. Ҳатто кишилар орасида бу ҳақда тортишувлар ҳам бўлиб турарди. Оятда бу ишнинг ҳақиқий баҳоси берилмоқда.

**«Ҳожиларга сув беришни ва Масжидул Ҳаромни обод қилишни Аллоҳга, охират кунига иймон келтирган ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилган каби қилдингизми?!»**

Масжидул Ҳаромдаги баъзи ободончилик ишларини қилиш ёки ҳожиларга сув беришнинг ўзи Аллоҳга иймон келтиришга ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга ҳеч қачон тенг келмаслиги таъкидланмоқда. Чунки, масжидни обод қилса-ю, ҳожига хизмат этса-ю, ўзи мушрик бўлса, ундан нима фойда? Ҳеч фойда йўқ. Шунинг учун ҳам, оятда:

«Улар Аллоҳнинг ҳузурида тенг эмаслар», – дейилмоқда.  
Мушриклар қандай яхши иш қилмасин, барибир, золимдирлар.  
**«Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас».**  
Кейинги оятда мўминларнинг фазли баён қилинади:

الَّذِينَ ءَامَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللّٰهِ بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ أَكْثَرُ دَرَجَةً عِنْدَ اللّٰهِ  
وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَائِزُونَ ﴿٢٠﴾

**20. Иймон келтириб, ҳижрат қилганлар ва Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод қилганларнинг даражалари Аллоҳнинг ҳузурида жуда улуғдир. Ана ўшалар ютуққа эришувчилардир.**

Масжидул Ҳаромни обод қилсалар ҳам, ҳожиларга сув берсалар ҳам, ўзлари мушрик ҳолида юрганларга Аллоҳнинг ҳузурида дўзах борлиги ҳаммага маълум. Улар ютуққа эриша олмайдилар. Мўминлар, муҳожирлар, мужоҳидлар ютуққа эришадилар. Уларнинг қандай ютуққа эришишлари кейинги оятда баён қилинади:

يُبَشِّرُهُمْ رَبُّهُم بِرَحْمَةٍ مِّنْهُ وَرِضْوَانٍ وَجَنَّتْ لَهُمْ فِيهَا نَعِيمٌ مُّقِيمٌ ﴿٢١﴾

**21. Роббилари уларга Ўз тарафидан бўлган раҳмат, розилик ва ичида уларга аталган доимий неъматлар бор жаннатларнинг башоратини берадир.**

Яъни, иймон келтириб, ҳижрат қилиб, моллари ва жонлари билан жиҳодга чиққан бандаларга Роббилари томонидан, жумладан, қуйидаги мукофотлар башорати берилади:

1. Роббиларидан бўлган раҳмат.

Зотан ҳар бир ўзини билган банда учун ушбу илоҳий раҳматга эришиш олий мақсаддир.

2. Роббиларидан бўлган розилик.

Роббил оламийдан бўладиган розилик икки дунёдаги энг улуғ неъмат, энг олий мукофот эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

3. Роббил оламиин томонидан бериладиган, ичида доимий неъматлар бор жаннатлар. Албатта бундоқ жаннатларга фақатгина Роббиларининг раҳмати ва розилигига сазовор бўлган бандаларгина эришадилар.

Хўш, ана ўша жаннатларга эришиш билан иш тамом бўладими? Йўқ, албатта. Ундан кейин нима бўлишини кейинги ояти карима баён қилади.

خَلِيدٍ فِيهَا أَبَدًا إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٦٦﴾

**22. Улар унда абадий қолувчилардир. Албатта, Аллоҳ–ҳузурида улуғ ажр бор Зотдир.**

Демак, жаннатга кириш оддий кириш бўлмайди. Балки, абадий қолиш учун кириш бўлади. Ана ўшандоқ киришгина ҳақиқий роҳат-фароғат касб этади. Чунки, вақтинчалик неъмат ҳар қанча яхши бўлмасин, етарли ҳузур бахш эта олмайди.

Энг муҳими,

**«Албатта, Аллоҳ–ҳузурида улуғ ажр бор Зотдир».**

Бу, Аллоҳ таоло мазкур бахтиёр бандаларга зикр қилинган нарсалардан ўзга яна бошқа мукофотларни ҳам Ўзи билиб беради деганидир.

Кейинги оятларда мўмин кишининг қалби фақат Аллоҳ учун, дину диёнат учун холис бўлишлиги, у бошқа ҳеч бир нарсага боғланмаслиги зарурлиги баён қилинади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا ءَآبَاءَكُمْ وَإِخْوَانَكُمْ أَوْلِيَاءَ إِنِ اسْتَحَبُّوا  
الْكُفْرَ عَلَى الْإِيمَانِ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ مِنكُمْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٦٧﴾

**23. Эй, иймон келтирганлар! Агар куфрни иймондан устун кўрсалар, ота-онангиз ва ака-укаларингизни дўст тутманг. Сиздан ким уларни дўст тутса, бас, ана ўшалар, ўзлари золимлардир.**

Ислом ақийдаси учун соф қалб керак. Ақийда тоза қалбдан жой олиши учун ундан бошқа манфаатлар узилиши лозим. Яъни, иймон, эътиқод, дину диёнат масаласи ҳамма нарсадан устун қўйилмоғи керак.

**«Эй, иймон келтирганлар! Агар куфрни иймондан устун кўрсалар, ота-онангиз ва ака-укаларингизни дўст тутманг».**

Ҳатто ота-она ва ака-ука каби дунёдаги энг яқин кишилар бошқа диёнатни танлаган бўлсалар, уларни ҳам дўст тутиб бўлмайди. Яъни, қалбдан яхши кўриш мумкин эмас. Улар билан алоқа, муомалалар бўлаверади, аммо қалб фақат ақийда учун холис қолади. Куфрни ихтиёр этган қариндошларни дўст – валий тутиш ширкнинг бир кўринишидир. Шунинг учун, бу ишни қилганлар оятда золимлар деб аталмоқдалар.

**«Сиздан ким уларни дўст тутса, бас, ана ўшалар ўзлари золимлардир».**

Мазкур золимлардан бўлмаин десангиз, бу борада Аллоҳ таоло-нинг амрига итоат қилинг.

قُلْ إِنْ كَانَ آبَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ وَإِخْوَانُكُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ وَعَشِيرَتُكُمْ وَأَمْوَالٌ اقْتَرَفْتُمُوهَا  
وَتِجَارَةٌ تَخْشَوْنَ كَسَادَهَا وَمَسَاكِنُ تَرْضَوْنَهَا أَحَبَّ إِلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَجِهَادٍ  
فِي سَبِيلِهِ فَتَرَبَّصُوا حَتَّى يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرٍ ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿١٤﴾

24. «Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз, касб қилган молларингиз, касод бўлишдан қўрққан тижоратларингиз ва хуш кўрган масканларингиз сизга Аллоҳдан, Унинг Расули ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан маҳбуброқ бўлса, у ҳолда, Аллоҳ Ўз амрини келтиргунча кутиб туринг. Аллоҳ фосиқ қавмни ҳидоят қилмас», – деб айт.

Ушбу ояти каримада инсон учун бу дунёда энг қадрли саккиз нарса эслатилиб, улардан ҳам маҳбуброқ нарса Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлида жиҳод қилиш бўлмоғи лозимлиги уқтирилмоқда.

Мазкур саккиз нарсанинг ҳаммаси ёки бирортаси инсонга Аллоҳдан, Унинг Расулидан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан маҳбуб бўлса, унда, у инсоннинг иймони нуқсонга учрайди.

Ундоқ ҳолни ўзига раво кўрган инсон Аллоҳ таоло унга қарши Ўз амрини келтириб, уни жазолашини кутмоғи лозим бўлади.

Ундоқ ҳолни ўзига раво кўрган инсон Аллоҳ таоло ҳидоятга бошламайдиган фосиқ қавмдан бўлади.

Энди баъзи нобакор инсонлар Аллоҳдан, Унинг Расулидан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан маҳбуброқ кўриши мумкин бўлган мазкур саккиз нарсани ояти каримада келган тартиби бўйича кўриб чиқайлик:

#### 1. «Ота-оналарингиз».

Бу дунёда ота-она инсонлар учун жуда қадрдон ҳисобланадилар. Исломи дини уларга яхшилик қилишни, уларни ҳурматлаш ва эъзозлашни қаттиқ тайинлаган. Аммо, шундай бўлса-да, уларнинг муҳаббати Аллоҳдан, Унинг Расулидан ва Унинг йўлидаги жиҳоддан устун бўла олмайди. Мусулмон одам бу ҳақиқатни билмоғи лозим.

#### 2. «Болаларингиз».

Инсон учун фарзанд – Аллоҳнинг улуғ неъматидир, унинг жигаргўшаси, кўзининг қувончидир, наслининг давомчиси ва ўзидан кейин чироғини ёқувчидир. Фарзанд қадрини, унинг ҳар бир инсон учун

аҳамияти ҳақида кўп айтилган, кўплаб асарлар ёзилган. Аммо, фарзандга муҳаббат Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳод муҳаббатидан устун бўла олмайди.

### 3. «Ака-укаларингиз».

Ака-ука ва опа-сингиллар ҳам инсонлар учун энг қадрли шахслар ҳисобланади. Уларни қадрлаш, ҳурматлаш ва яхши кўриш, ҳолидан хабар олиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Бироқ уларнинг муҳаббати Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳод муҳаббатидан устун бўла олмайди.

### 4. «Жуфтларингиз».

Эр-хотинлик алоқаси Ислом таълимоти бўйича инсоний алоқалар ичида энг муқаддаси саналанади. Эр-хотин бир-бирига кийим ўрнида кўрилиб, бир-бирининг айбини беркитиб, бир-бирини зийнатлаб турувчи шахслардир. Уларнинг бир-бирларини рози қилмоқ учун ҳаракат этишлари қаттиқ таъкидланади. Шариатимизда эру хотин зиммасида ўзаро бурч ва масъулиятлари белгиланган бўлиб, ҳар бир эру хотин уларни бажармоғи шарт ҳисобланади. Аммо, инсоннинг жуфти ҳалолига бўлган муҳаббати Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳод муҳаббатидан устун бўла олмайди.

### 5. «Қариндош-уруғларингиз».

Қариндош-уруғларга яхшилик қилишга ундашда дунёда Исломга тенглашадиган дин ёки тузум йўқ. Ислом қариндошларга силаи раҳм қилишни мусулмонлик бурчига айлантирган. Шундай бўлса ҳам, қариндош-уруғнинг муҳаббати Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳод муҳаббатидан устун бўла олмайди.

### 6. «Касб қилган молларингиз».

Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни молу мулкка муҳаббатли қилиб яратган. Исломда ҳалолдан топилган молу дунё катта неъмат саналади. Кишиларни ҳалол касб қилишга тарғиб этилади. Лекин молу мулкка ружуъ қўйиш қораланади. Молу мулкнинг муҳаббати Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳод муҳаббатидан устун бўла олмайди.

### 7. «Касод бўлишдан қўрққан тижоратларингиз».

Тижорат ҳам инсон учун зарурдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам тожирлик қилганлар. Кўпчилик катта саҳобалар ҳам тижорат қилганлар. Исломда тижорат ҳалол касбнинг энг яхши услубларидан бири ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда тижоратни ҳалол қилганини эълон қилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бу ишга тарғиб қилганлар. Аммо, тижоратнинг муҳаббати Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳод муҳаббатидан устун бўла олмайди.

**8. «Хуш кўрган масканларингиз».**

Яхши маскан ҳар бир инсон боласи учун бу дунёда зарур ва маҳбуб нарсадир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кенг, яхши масканнинг инсон саодати учун зарур бўлган уч нарсадан бири эканлигини таъкидлаганлар. Ҳар бир инсонда яхши масканга эга бўлиш учун табиий муҳаббат, хоҳиш бор. Ушбу муҳаббат ва хоҳишни динимиз тўғри тақдирлайди. Аммо, масканнинг муҳаббати Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳод муҳаббатидан устун бўла олмайди.

Кўриниб турибдики, Ислом инсонни мазкур нарсалардан қайтармайди, уни тарки дунё қилишга ҳам чорламайди. Лекин Аллоҳ инсон қалбининг Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳод муҳаббатига тўлиб туришини хоҳлайди.

Аллоҳ сақласин, агар мазкур нарсалардан бирортасини Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳоддан устун қўядиган шахс бўлса, оқибат ёмон бўлади. Оятда бундай одамларга қарата:

**«...у ҳолда, Аллоҳ Ўз амрини келтиргунча кутиб туринг»**, дейилмоқда. Аллоҳнинг амридан мурод — У зотнинг азобини кутишдир.

Шу билан бирга, бундай одамларни оятда **фосиқлар** деб номланмоқда.

**«Аллоҳ фосиқ қавми ҳидоят қилмас».**

Улар мазкур нарсаларни Аллоҳ, Унинг Расули ва Унинг йўлидаги жиҳоддан маҳбуброқ кўриб фосиқлик қиладилар. Фосиқларни Аллоҳ ҳидоят қилмайди. Чунки, у, катта бадбахтликдир.

Аллоҳ ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни дунёдаги ҳамма нарсадан кўра яхши кўрмагунча, инсон тўлиқ мўмин бўлмайди. Жиҳодни ҳамма ишдан афзал кўрмагунча муваффақиятга ҳам эриша олмайди.

Худди шу маънода Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам бир қанча ҳадиси шарифлар ворид бўлган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Зухра ибн Маъбуднинг боболари қуйидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттобни қўлларидан тутиб турар эдилар. Умар:

«Аллоҳга қасамки, эй, Аллоҳнинг Расули, сиз мен учун ўзимдан бошқа ҳамма нарсадан маҳбубсиз», — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирортангиз мен унга ўзидан ҳам маҳбуб бўлмагунимча мўмин бўла олмайди», — дедилар. Умар:

«Энди, сиз, эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, мен учун ўзимдан ҳам маҳбубсиз», — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ана энди тўғри бўлди, эй Умар», – дедилар».

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менинг жоним қўлида бўлган зотга қасамки, сизлардан бирор-тангиз мен унга ота-онасидан, боласидан ва ҳамма одамлардан маҳбуб бўлмагунимча, комил мўмин бўла олмайди», – дедилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Агар насияга олди-сотди қилсангиз, молнинг думидан тутиб, экин-тикинга рози бўлиб, жиҳодни тарк қилсангиз, Аллоҳ хорликни юклаб қўйиб, то динингизга қайтамагунингизча, уни устингиздан олмайди», деганларини эшитганман», – дейди.

Жиҳод, яъни, ғайридинлар билан бўладиган уруш ҳақида сўз кетганда, аввал бўлиб ўтган жиҳод саҳифаларидан баъзиси эсга олинади:

لَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ فِي مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ وَيَوْمَ حُنَيْنٍ إِذْ أَعْجَبَتْكُمْ  
كَثْرَتُكُمْ فَأَمْ تَغْنَنَ عَنْكُمْ شَيْئًا وَضَاقَتْ عَلَيْكُمْ الْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ ثُمَّ  
وَلَيْتُمْ مُدْرِيينَ ﴿٢٥﴾

25. Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга кўп жойларда нусрат берди. Ҳунайн кунда ҳам. Ўшанда сизни кўплигингиз мағрур қилган эди. Бас, сизга ҳеч фойда бермади ва кенг ер сизга торлик қилиб қолди. Сўнгра, ортга қараб қочдингиз.

ثُمَّ أَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَى رَسُولِهِ وَعَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَأَنْزَلَ جُنُودًا لَمْ تَرَوْهَا وَعَذَّبَ  
الَّذِينَ كَفَرُوا وَذَلِكَ جَزَاءُ الْكَافِرِينَ ﴿٢٦﴾

26. Сўнгра, Аллоҳ сокинлигини Пайғамбарига ва мўминларга туширди ҳамда сиз кўрмайдиган лашкарларни туширди ва куфр келтирганларни азоблади. Ана ўша кофирларнинг жазосидир.

ثُمَّ يَتُوبُ اللَّهُ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ عَلَى مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٢٧﴾

27. Сўнгра, ўшандан кейин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг тавбасини қабул қилди. Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.



Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло мусулмонларга кўпгина маконларда нусрат берган эди. Бунини, айниқса, ушбу уч оят тушганда ҳозир бўлган авлод, яъни, саҳобалар авлоди жуда яхши билардилар. Аллоҳ таоло бу ояти карималарда Ҳунайн ғазотига алоҳида эътибор бермоқда. Ҳунайн ғазоти Маккаи Мукаррама фатҳ қилингандан сўнг, саккизинчи ҳижрий йилнинг Шаввол ойида бўлган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккаи Мукаррама фатҳини тамомлаб, ишларни бир ёқлик қилиб, шаҳар аҳолисининг кўпи мусулмон бўлиб турган пайтда нохуш хабарни эшитадилар. Хабарда айтилишича, Ҳавозан қабиласи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши уруш қилиш учун одам тўплабди. Уларнинг бошлиғи Молик ибн Авф ан-Назрий экан. Унга сақифликлар тўла қўшилибди. Яна Бани Жашм, Бани Саъд ибн Бақр, Ҳилол қабиласидан Авъоъ уруғи (улар оз экан) Бани Амир ибн Омир ва Авф ибн Омирлар қўшилишибди. Улар ўзлари билан аёллар, болалар, қўйлар ва бошқа нарсаларни ҳам олиб чиқибдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳи учун олиб келган муҳожирлар, ансорийлар ва араб қабилаларидан тузилган ўн минг кишилик аскарлари билан душман томон йўл олдилар. Исломига янги кирган икки минг маккалик ҳам у киши билан бирга эди. Ҳаммалари бир бўлиб душман томон юриш қилдилар. Икки томон Макка билан Тоиф орасидаги Ҳунайн деб номланадиган водийда тўқнашдилар. Жанг тонг ғира-шира ёришганда бошланди. Мусулмонлар водийга кириб боришганида, ҳавозанликлар қўйган пистирма уларга сездирмай бирдан ҳужум қилиб қолди. Улар тинмай камондан ўқ ёғдиришар, қиличларини ишга солишар ва подшоҳлари буюрганидек, ёшасига ҳужум қилишар эди. Ана шу пайтда мусулмонлар орқага қараб қоча бошладилар. Ўша куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам собит турдилар. У киши ҳачирларини душманнинг рўбарасига қараб солар эдилар. Ҳачирнинг юганини ўнг томондан Аббос, чап томондан Абу Суфён ибн ал-Ҳорис ибн Абдулмуттолиб тутиб тортишар, унинг юришини секинлатишар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, одамларни қайтаришга уриниб: «Мен томонга, эй, Аллоҳнинг бандалари, мен томонга. Мен Аллоҳнинг Расулиман. Менинг Пайғамбарлигим ёлғон эмас. Мен Абдулмуттолибнинг фарзандиман», — деб қичқирар эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам билан саҳобалардан юз кишича собит турдилар. Уларнинг ичида Абу Бақр, Умар, Али, Аббос, Фазл ибн Аббос, Абу Суфён, Ибн ал-Ҳорис, Айман ибн Умму Айман, Усома ибн Зайд ва бошқалар розияллоҳу анҳум бор эдилар. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари Аббосга баланд овоз

билан: «Эй, дарахт соҳиблари», деб чақиришни буюрдилар. (Ҳудайбияда муҳожир ва ансорийлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дарахт остида байъат қилган эдилар. Ана ўша кишиларни чақиришни амр этдилар). Аббос баланд овоз билан чақиришга тушди. Улар эса: «Лаббайка, лаббайка», деб жавоб бериб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томон қайта бошладилар. Баъзи кишиларнинг минган улови қайтмаса, совутини кийиб, уловидан тушиб, пиёда келди. Улардан бир гуруҳи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида тўплангандан сўнг, уларга сидқидилдан кучли бир ҳамла қилишга буйруқ бердилар. Шунда мушриклар енгилиб, пала-партиш қочишга тушди. Асирларни тўплаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қошларига олиб келишгандагина, бошқа мусулмонлар ҳам қайтиб келишди.

Бу урушда биринчи марта мусулмонлар томонида ўн икки минг кишилик аскар қатнашди. Аскарнинг кўплиги уларни ғурурлантириб, ғалабанинг асосий манбаини унутиб қўйдилар. Оқибатда, жангнинг бошланишида мағлубиятга учрадилар. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга собит турган оз сонли мусулмонларга Аллоҳнинг Ўзи нусрат берди. Шу билан бирга, Аллоҳ мусулмонларга ёрдам учун фаришталарни ҳам туширди.

Энди ана ўша ишларни ушбу уч ояти карималар қандоқ васф қилганини ўрганиб чиқайлик.

**«Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга кўп жойларда нусрат берди. Ҳунайн кунида ҳам».**

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло мусулмонларга жуда кўп жойларда ёрдам берди. Бадр урушидан бошлаб то Ҳунайнгача бўлган барча урушларда Аллоҳ таоло мусулмонларга Ўз ёрдамини бериб келди. Ҳунайн куни ҳам Аллоҳнинг ёрдами бўлмаганда, мусулмонларнинг иши чатоқ бўлиб қолган эди.

**«Ўшанда сизни кўплигингиз мағрур қилган эди. Бас, сизга ҳеч фойда бермади ва кенг ер сизга торлик қилиб қолди».**

Ҳунайн уруши Маккаи Мукаррама фатҳидан кейин бевосита бошланганидан, унга мазкур фатҳда иштирок этган фотиҳлардан ташқари фатҳ сабабли янги мусулмон бўлган аҳли Макка ва бошқа кўпгина томонлар ҳам чиқишган эди. Ҳамма янги ғалаба, Исломнинг зоҳир бўлиши нашидасини сурар эди. Кўпчилик, энди иш битди, мусулмонларга ҳеч ким бас кела олмайди, деган фикрда эди. Биринчи марта мусулмон лашқари ўн икки минг кишилик катта лашқарга айланган эди. Кишиларни бу улкан адад ғурурга кетказиб қўйганди. Уларда озлик чоғимизда қанчадан-қанча душманларнинг устидан ғолиб чиққанмизку, шунча катта сонга эга бўлиб туриб

Ўзимиздан оз сонли мушрикларни енга олмасмидик, деган манманлик пайдо бўлган эди.

Аммо, Ҳунайн уруши қизиган пайтда аскарнинг ададининг кўплиги сизга ҳеч қандай фойда бермай қолди. Мушриклар қўйган пистирмадан тўсатдан қашқатқич зарбага учраган сиз мусулмонлар ўзларингизни дарҳол ўнглай олмай қолдингизлар. Душманнинг кучли босқиси туфайли сизларга ер юзи торлик қилиб қолди ва:

**«Сўнгра, ортга қараб қочдингиз».**

Қочганда ҳам, ҳеч нарсага қарамай қочдингиз. Ҳатто ўз Пайғамбарингизни ҳам ташлаб қочдингиз.

**«Сўнгра, Аллоҳ сокинлигини Пайғамбарига ва мўминларга туширди ҳамда сиз кўрмайдиган лашкарларни туширди ва куфр келтирганларни азоблади».**

Аллоҳ таоло туширган сокинлик туфайли Унинг Пайғамбари ҳамма қочганда ҳам собит турди. У зот ҳеч нарсадан кўрқмай хачирларини душман томон илдамлатар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни қайтаришга уриниб: «Мен томонга, эй, Аллоҳнинг бандалари, мен томонга. Мен Аллоҳнинг Расулиман. Менинг Пайғамбарлигим ёлғон эмас. Мен Абдулмуттолибнинг фарзандиман», — деб қичқирар эдилар.

Шунингдек, Аллоҳ сокинлик ато қилган оз сонли мўминлар ҳам Пайғамбар билан бирга собит турдилар.

Бу саботга, айниқса, Аллоҳ томонидан сизга кўринмайдиган лашкарлар — фаришталарнинг туширилиши катта мадад бўлди.

Шундоқ қилиб, охир-оқибат, Аллоҳ кофирларни азоблади.

**«Ана ўша кофирларнинг жазосидир».**

Мусулмонлар томонидан зарба еган кофирлар жазоларини тортдилар.

**«Сўнгра, ўшандан кейин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг тавбасини қабул қилди. Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир».**

Уларнинг душман билан тўқнашганда ортга қараб қочиш ила содир этган оғир гуноҳларини афв этди.

Мушрикларга тегишли бу эслатмалардан кейин улар ҳақидаги ҳукм эълон қилинади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اِنَّمَا الْمُشْرِكُوْنَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوْا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ بَعْدَ  
عَامِهِمْ هٰذَا وَاِنْ خِفْتُمْ عِيْلَةً فَنَسُوْا يُغْنِيْكُمْ اللهُ مِنْ فَضْلِهٖ ۗ اِنْ شَاءَ اِنَّ اللهَ  
عَلِيْمٌ حَكِيْمٌ

**28. Эй, иймон келтирганлар! Албатта, мушриклар нажасдирлар, бунга шубҳа йўқ, бу йилларидан кейин Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар. Агар фақирликдан қўрқсангиз, Аллоҳ, Ўзи хоҳласа, сизни тезда фазли ила бой қилиб қўядир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Ақийдалари бузуқ мушриклар маънавий жиҳатдан нажас ҳисобланадилар. Ушбу ояти карима ҳукмига биноан улар Масжидул Ҳаромга яқин келишлари мумкин эмас. Оятда «бу йилларидан» ибораси билан тўққизинчи ҳижрий йили назарда тутилган. Ўша йили, юқоридан ўрганганимиздек, Ҳазрати Абу Бакр амирликларида ҳаж бўлган ва ҳазрати Али бу оятларни ҳажга келганларга ўқиб, ҳукмини тунтирганлар. Ўша йилдан бошлаб мушрикларнинг Масжидул Ҳаромга келишлари ман қилинган.

**«Эй, иймон келтирганлар! Албатта, мушриклар нажасдирлар, бунга шубҳа йўқ, бу йилларидан кейин Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар».**

Бунинг учун Ҳарам чегараси белги қилиб олинди. Маккаи Мукарраманинг атрофидаги ўша чегарадан мусулмон эмасларга ичкари киришга рухсат берилмайдиган бўлди. Оятда ҳукм эълонидан кейин пайдо бўлиши мумкин бўлган саволга ҳам жавоб берилиб:

**«Агар фақирликдан қўрқсангиз, Аллоҳ, Ўзи хоҳласа, сизни тезда фазли ила бой қилиб қўядир»,**— дейилмоқда.

Маълумки, аҳли Макка, асосан, Масжидул Ҳаромнинг зиёратига келган зиёратчи ва ҳожилардан тушадиган маблағларга яшар эди. Уларга тақдим қилинадиган хизматдан, хусусан, тижоратдан даромад топар эди. Мушриклар келмай қўйсалар, тижорат касодга учраши мумкин эди. Лекин Аллоҳ таоло аҳли Макканинг хотирини жам қилиб, Ўз фазли ила уларни бошқа томондан бой қилиб қўйишини билдирмоқда.

**«Албатта, Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир».**

У ҳар бир ҳукми билиб туриб жорий қилади. Унинг чиқарган ҳукмлари ҳикматдан холи бўлмайди.

Шу билан Ислом жамиятининг мушрикларга тааллуқли ниҳойи ҳукмлари ҳақидаги оятлар охирига етади. Ўрганиб чиққанимиздек, улар ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олган.

Кейинги оятларда аҳли китоблар билан бўладиган алоқалар ва муомалаларнинг ниҳойи шакли баён этилади:

قِنَلُوا الذِّينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ

وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَن  
يَدِهِمْ صَاحِرُونَ ﴿٦٦﴾

**29. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиганларга, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳаром қилган нарсаларни ҳаром деб билмайдиган ва ҳақ динга юрмайдиган китоб берилганларга қарши, то улар бўйинсунган ҳолларида ўз қўллари билан «жизя» бермагунича, жанг қилинг.**

Ушбу ояти каримада аҳли китобларга – «китоб берилганларга» қарши урушишга амр этилмоқда. Жанг қилмасликнинг битта йўли бор. У ҳам бўлса, улар мусулмонларга бўйинсунган ҳолларида ўз қўллари билан бизни беришларидир. Шундагина уларга қарши уруш қилинмаслиги мумкин. Жизия эса, ғайридин кишининг Исломи ҳимояси остида яшаш, мусулмонлар томонидан тақдим этилган оммавий хизматлардан фойдаланиши ва бошқа сабаблар учун Исломи давлатига тўлаб туриладиган маблағдир. Жизияни ўз қўли билан бўйинсунган ҳолда берадиган аҳли китобларга қарши мусулмонлар урушмайдилар. Бошқаларига қарши эса, уруш қиладилар. Бунинг сабаби бор:

Биринчидан:

**«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиган»** бўлганлари учундир.

Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонмаслик – дунёдаги ёмонликларнинг бошидир. Исломи дунёда ёмонликни йўқ қилиб, яхшилиқни тарқатишни бўйнига олган. Ушбу улкан масъулият юзасидан Исломи барча ёмонликлар масдари бўлган иймонсизликка, хусусан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиганларга нисбатан алоҳида қаттиққўл муомалада бўлади.

Иккинчидан:

**«Аллоҳ ва Унинг Расули ҳаром қилган нарсаларни ҳаром деб билмайдиган»** бўлганлари учундир.

Исломи шариатида ҳалол ва ҳаром орасини фақат Аллоҳ ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ажрим қилади. Бу иш одамларнинг ўзига ташлаб қўйилган эмас. Шу билан бирга, ҳалол ва ҳаром иши ақийдага тааллуқли иш ҳамдир. Ким Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсани ҳаром деб билмаса, кофир бўлади, мусулмонликдан чиқади. Нрсаларни ўзича ҳалол ва ҳаром демоқ катта жиноятдир, Аллоҳнинг шериги бўлишга уринишдир. Бу жиноятга қарши курашиш Исломи дини зиммасидаги мажбуриятлардан биридир. Ер юзи-

да фақат Аллоҳнинг амри вожибдир. Бандалар устидан ҳукм юри-  
тувчилар йўқ бўлиши керак. Бандалар фақат Аллоҳнинг ҳукми ос-  
тида яшашлари лозим.

Учинчидан:

**«ҳақ динга юрмайдиган»** бўлганлари учундир.

Охирги ҳақ дин Исломдир. Аллоҳ бу динни қиёмат кунигача  
бандаларга икки дунё саодатини таъминловчи илоҳий тузум сифа-  
тида юборди. Инсоният шу динга киргандагина, динга тўла бўйин-  
сунган саналади. Ким бу дин йўлига юрмаса, ҳақ динга кирмаган  
бўлади ва уни ҳақ динга чақириш мусулмонларнинг вазифаси ҳисоб-  
ланади.

Ушбу ояти каримада юқорида батафсил ўрганиб чиқилган уч  
сабабни ўзида мужассам қилган барча кофирлар ҳақида эмас, бал-  
ки, ўша сабабларнинг соҳиби бўлган,

**«...китоб берилганларга қарши, то улар бўйинсунган ҳоллари-  
да ўз қўллари билан «жизя» бермагунича, жанг қилинг»,** дейил-  
моқда.

Китоб берилганлардан мурод, Аллоҳ томонидан илоҳий китоб  
туширилган динга эргашувчилардир. Улар ушбу ояти карима нозил  
бўлган вақтда ҳам, ҳозирда ҳам Яҳудий ва Насронийлардир.

Ушбу ояти карима ҳукми бўйича аҳли китоблар Исломни қабул  
қилишдан бош тортсалар, улар мусулмон давлатига жизя тўлашля-  
ри лозим бўлади. Жизя тўлашдан ҳам бош тортсалар, уларга қарши  
то бўйинсунган ҳолларида ўз қўллари билан «жизя» бермагунлари-  
ча, жанг қилинади.

Аҳли китоб бўлмаган кофир қавмлар Исломни қабул қилмасалар,  
уларга қарши уруш қилинади. Улардан жизя қабул қилинмайди.

Бу маънодаги Исломий таълимотлар ўзига тегишли оятлар таф-  
сирида кераклигича баён этилган. Ҳозир асосий гап аҳли китоб-  
лар — Яҳудий ва Насоролар, улар ўз розиликлари билан, бўйсунган  
ҳолларида жизя бермагунларича, мусулмонлар томонидан уруш қили-  
нишлари ҳақида кетмоқда.

Кейинги оятда аҳли китобларга қарши урушиш ёки жизя тўлашни  
таклиф қилишга сабаб бўлган омиллари эслатиш давом этади:

وَقَالَتِ الْيَهُودُ عُزَيْرٌ ابْنُ اللَّهِ وَقَالَتِ النَّصَارَى الْمَسِيحُ ابْنُ اللَّهِ ذَلِكَ  
قَوْلُهُمْ بِأَفْوَاهِهِمْ يُضَاهِئُونَ قَوْلَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَبْلُ قُلْنَا لَهُمُ اللَّهُ أَنْفُ  
يُؤْفِكُونَ ﴿٢٠﴾



**30. Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғлидир», – дедилар. Насоролар: «Масийҳ Аллоҳнинг ўғлидир», – дедилар. Бу оғизлари билан айтган гапларидир. Аввалги куфр келтирганларнинг гапига ўхшатурулар. Аллоҳ уларни лаънатласин. Қаён бурилмоқдалар?!**

Аҳли китобларга нисбатан юқоридаги ҳукмларнинг чиқишига сабаб бўлган нарсаларнинг тўртинчиси, аҳли китоблардан:

**«Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғлидир», – дедилар».**

Яъни, Аллоҳга Узайрни ширк келтирадилар.

Шунингдек:

**«Насоролар: «Масийҳ Аллоҳнинг ўғлидир», – дедилар».**

Улар ҳам Аллоҳга Масийҳ – Ийсони ширк келтирадилар.

Бу ишда яҳудийлар ҳам, насоролар ҳам ўзларидан олдин ўтган бутпараст мушрикларга ўхшашга уринадилар. Ҳа,

**«Бу, оғизлари билан айтган гапларидир. Аввалги куфр келтирганларнинг гапига ўхшатурулар».**

Илмий асосда собит бўлганки, улар мазкур ақийдани Юнон, Рум, Ҳинд ва Миср мушрикларидан олганлар. Асл яҳудий ва асл насроний ақийдаларда бу гаплар йўқдир.

**«Аллоҳ уларни лаънатласин. Қаён бурилмоқдалар?!»**

Шунинг учун ҳам, Аллоҳнинг охириги ва мукаммал динига эргашган мусулмонлар уларни тўғри йўлга солиш учун ҳаракат қилишга амр этилгандирлар.

Аҳли китобларга нисбатан юқоридаги ҳукмларнинг чиқишига сабаб бўлган нарсаларнинг бешинчиси кейинги оятда баён қилинади:

اتَّخَذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرَهْبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِّن دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمُّرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَّا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحٰنَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٢١﴾

**31. Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг ҳибр ва роҳибларини ҳамда Масийҳ ибн Марямни Робб тутдилар. Улар фақат битта илоҳдан бошқага ибодат қилмасликка амр қилинган эдилар. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. У зот улар ширк келтираётган нарсадан покдир.**

«Ҳибр» яҳудийларнинг диний олимидир. «Роҳиб» эса, насороларнинг диний одамидир. Аҳли китоблар ҳақидаги мазкур уруш қилиш ёки жизя талаб этиш ҳукмининг нозил бўлишига бешинчи сабаб:



**«Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг ҳибр ва роҳибларини ҳамда Масийҳ ибн Марямни Робб тутдилар».**

Аҳли китоблар қандай қилиб ҳибр ва роҳибларни Робб – Парвардигор тутишлари мумкин, деган савол пайдо бўлиши турган гап. Буни насоро ва яҳудийларнинг ўзлари ҳам инкор қиладилар. Лекин гап тамоман бошқа ёқда. Бу нозик масалани тушуниш учун Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шарҳларига қулоқ тутсак, яхши бўлади.

Имом Аҳмад ва имом Термизийлар Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анхудан қуйидагиларни ривоят қиладилар: У кишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватлари етганда, Шомга қочиб кетган экан. Жоҳилият даврида Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳу насронийлик динига кирган экан. Унинг сингиси ва қавмидан бир жамоа одамлар мусулмонлар қўлига асирга тушибди. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг сингисини озод қилиб, ҳадялар берибдилар. Сингил бориб акасини Исломга тарғиб қилибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига боришга ундабди. Машҳур Ҳотим Тоийнинг ўғли бўлмиш Адий ўз қабиласининг бошлиғи ҳам эди. У Мадийнага борганида, одамлар унинг келгани ҳақида гап тарқатишди. У бўйнига кумушдан ясалган хоч таққан ҳолида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига киради. Шунда у зот: «Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг ҳибр ва роҳибларини ҳамда Масийҳ ибн Марямни Робб тутдилар», оятини тиловат қилаётган эдилар.

Адий розияллоҳу анҳу айтадиларки: «Мен:

«Уларга ҳеч ибодат қилишгани йўқ», – дедим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Лекин уларга ҳалолни ҳаром қилдилар ва ҳаромни ҳалол қилдилар, улар эса эргашдилар. Ана ўша уларга ибодат қилишдир», – дедилар».

Бундан кўриниб турибдики, бирор шахс ёки нарсани худо деб эътиқод қилиш билангина ширк бўлмас экан, балки ҳаётда шариатнинг кўрсатмаларини қўйиб, бошқанинг кўрсатмаларини олиш билан, жумладан ҳалол-ҳаромни ажратишда Аллоҳнинг айтганидан бошқанинг айтганига юриш билан ҳам ширк келтириш содир бўлар экан.

Яҳудийлар ва насоролар ўз ҳибрлари ва роҳибларини худо деб эътиқод қилишгани йўқ, қилмайдилар ҳам. Лекин уларнинг айтганларига бўйинсунганлари, яъни, ҳалол деганларини ҳалол, ҳаром деганларини ҳаром деб билганлари учун ширк келтирган, уларни Робб қилиб олган ҳисобланмоқдалар. Ким Аллоҳдан бошқанинг ҳукмини

ихтиёр этса, ширк келтирган бўлади. Бошқани Робб қилиб олган ҳисобланади. Бундай одамлар ер юзида Аллоҳнинг ҳокимиятига қарши чиққан одамлар саналадилар. Ҳолбуки,

**«Улар фақат битта илоҳдан бошқага ибодат қилмасликка амр қилинган эдилар».**

Аммо, аҳли китоблар бу амри илоҳийга амал қилмадилар. Яхудийлар ва насоролар ўз ҳибрлари ва роҳибларини Робб тутдилар. Бу айни Аллоҳга ширк келтиришдир. Чунки,

**«Ундан ўзга ибодатга сазовар зот йўқ. У зот улар ширк келтираётган нарсадан покдир».**

Уларнинг бу қилмишлари учун, юқорида келтирилган уруш ёки жизя ҳукми айни адолатдир.

Уларга нисбатан бундай ҳукм келишининг олтинчи сабаби қуйидаги ояти каримада баён қилинади:

يُرِيدُونَ أَن يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّا أَن يُتَمَّ نُورُهُ وَلَوْ كَرِهَ  
الْكَافِرُونَ ﴿٢٢﴾

**32. Улар Аллоҳнинг нурини овизлари билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар ёқтирмаса ҳам, Ўз нурини батамом қилишдан бошқа ҳар нарсадан бош тортадир.**

Яъни, Аллоҳ фақат Ўз нурининг тўқис бўлишини истайди. Шунинг учун ҳам, У зот Ўзининг нури илоҳийсини – дини чироғини ўчирмоқчи бўлган аҳли китобларга қарши, улар бўйсунган ҳолларида жизя бергунларича, уруш қилишга амр этди.

هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ  
كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ ﴿٢٢﴾

**33. У, гарчи мушриклар ёқтирмаса ҳам, Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан уни ҳамма диндан устун қилиш учун юборган зотдир.**

Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳидоят ва ҳақ дин билан юборган. У Ўз дини Исломнинг дунёдаги барча динлардан устун бўлишини хоҳлайди. Аҳли китоблар Аллоҳнинг бу хоҳишига қарши чиқадилар. Улар Исломнинг бошқа динлардан устунлигини кўра олмадилар. Шунинг учун, қўлла-

ридан келган барча ёмонликларни қиладилар. Аҳли китоблар Аллоҳнинг нури тўла бўлишини ёқтирмайдилар. Улар бу нурни оғизлари билан ўчиришга интиладилар. Бу нурга – Исломга қарши оғизларидан турли ифво-бўхтонлар чиқади. Шунинг учун ҳам, уларга нисбатан юқоридагидай ҳукм чиқиши айни адолатдир.

Аҳли китобларга нисбатан чиққан ҳукмнинг яна бир сабаби қуйидаги оятда зикр қилинади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّ كَثِيرًا مِّنَ الْأَجْبَارِ وَالرُّهْبَانِ لِيَآكُونُوا مَوَالٍ  
النَّاسِ بِالْبَطْلِ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ  
وَالْفِضَّةَ وَلَا ينفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

**34. Эй, иймон келтирганлар! Албатта, ҳибр ва роҳибларнинг кўплари одамларнинг молларини ботил йўл билан ерлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар. Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли азобнинг башоратини беравер.**

Аҳли китобларнинг ҳибр ва роҳиблари мол-дунёга ўчлиги тарихда маълум ва машҳурдир. Улар одамларнинг молларини ботил йўл билан еганлар. Ушбу ояти каримада бу қабих иш уларнинг «кўпларига» нисбат берилмоқда. Озчилиги ботил йўл билан одамларнинг молини ейишга қизиқмайди. Бу эса, воқеликка тўғри келади. Бир вақтлар ҳибр ва роҳиблар тўплаган дунёлари подшоҳ ва императорларникидан ҳам кўплиги ошкор бўлган.

**«Эй, иймон келтирганлар! Албатта, ҳибр ва роҳибларнинг кўплари одамларнинг молларини ботил йўл билан ерлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар».**

Ҳозирда ҳам бу иш давом этмоқда. Аҳли китобларнинг диний муассасаларига, уларнинг жамғармаларига назар солган киши буни яхши билиб олади.

Ояти каримада баён қилинишича, ҳибр ва роҳиблар фақат одамларнинг молларини ботил йўл орқали ейиш билан кифояланиб қолишмайди. Балки, Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар ҳам:

**«Албатта, ҳибр ва роҳибларнинг кўплари одамларнинг молларини ботил йўл билан ерлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар».**

Бугунги кунда одамларни Аллоҳнинг йўлидан тўсиш ва мусулмонларни Исломдан чиқариш учун ҳадсиз-ҳисобсиз маблағлар сарфланмоқда. Ҳибр ва роҳибларнинг одамларни Аллоҳнинг йўлидан

тўсишлари ҳақида ҳар қанча гапирилса оз. Шу боис, уларга қарши юқоридаги ҳукм чиққан. Оятнинг давомида олтин-кумушларни йиғиб-тўплаб, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли озорлар бўлиши ҳақида ҳам сўз кетади.

**«Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли азобнинг башоратини беравер».**

Мазкур аламли азобнинг қандай бўлиши қуйидаги ояти каримада баён қилинади:

يَوْمَ يُحْمَىٰ عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فُتُكْوَىٰ بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ وَأَمْشُرُهُمْ  
هَذَا مَا كَنَزْتُمْ لِأَنفُسِكُمْ فَذُوقُوا مَا كُنْتُمْ تَكْنِزُونَ ﴿٢٥﴾

**35. Бир куни ўша (олтин-кумуш)ларни жаҳаннам ўтида қизитилур ва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилиб: «Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!» – дейилур.**

Бу икки оятдаги олтин ва кумуш, яъни, молу дунё тўплаш ҳақидаги маънолар кўпчиликни чўчитиб қўйган. Ҳатто саҳобаи киромлар ўрта-сида ҳам турли саволлар туғилган. Шунда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушунтириш берганлар.

Имом Абу Довуд Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Олтин ва кумушни хазина қилиб тўплайдиганлар» ояти нозил бўлганда мусулмонларга оғир келди. «Биздан бирор киши ҳам ўзидан кейинги фарзандига молу мулк қолдирмас экан-да», – дейишди. Шунда, Умар розияллоҳу анҳу: «Мен сизларни бу кўнгилсизликлардан чиқарман», – дедилар-да, юриб кетдилар. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Саҳобаларингизга бу оят катта нарса бўлиб кўринди-ку», – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ закотни беҳудага эмас, балки молларингизни поклаш учун фарз қилган. Меросни эса, фақат орқангиздан қоладиган мол учун фарз қилган», – дедилар. Шунда Умар розияллоҳу анҳу:

«Аллоҳу акбар», – дея такбир айтиб юбордилар. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига:

«Сенга эр киши учун энг яхши хазина нималигини айтайми? Аҳли солиҳ хотинки, унга назар солса, хурсанд қилади, бир иш буюрса, итоат этади. Ундан эри ғойиб бўлса, муҳофаза қилади», – дедилар.

Шу ва шунга ўхшаш ҳадисларга суянган ҳолда оятдаги аламли азобга сабабчи «ҳазина» закоти берилмаган молу дунё, деган хулосага келинади. Дарҳақиқат, закотни бермай мол тўплаганлар аламли азобга дучор бўладилар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Закотни адо қилмаган ҳар бир одамга қиёмат куни ўтдан тамға қилиниб ёнбошига, пешонасига ва орқасига босилади. У куннинг миқдори элик минг йилга тенг бўлади, то одамлар орасида ҳукм чиқариб бўлгунча, тамға босилаверади. Сўнгра, ё жаннатга, ё дўзахга йўли кўрсатилди», – деганлар.

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўзидан кейин ҳазина қолдирса, қиёмат куни унга икки қора нуқтаси бор, кўзойнакли илон бўлиб кўринади. Унинг орқасидан қувлаб юради. Ундан:

«Сен нимасан ўзи?» – деб сўраса:

«Мен ўзингдан кейин қолдириб кетган ҳазинангман», – дейди. Сўнгра, яна орқасидан қувиб боради. У қўлини тутати. Илон қўлини тишлаб ютади ва жасаднинг қолганини ҳам юта бошлайди», – деганлар.

Аввал айтганимиздек, юқоридаги етти оятда аҳли китоблар, яҳудий ва насоролар билан Ислом давлатининг муносабати ҳақидаги ниҳойи ҳукмлар баён қилинди.

Бундан олдин мушриклар ҳақидаги ниҳойи ҳукмлар айтилган эди. Мушрикларга тегишли ҳукмлар унча кўп тортишувларга сабаб бўлмайди. Чунки, бу ҳукмлар, асосан, Арабистон ярим оролига хос бўлиб, сабаблари юқорида баён этилди. Улар ҳаммаси Исломни қабул қилдилар.

Аммо, аҳли китобларга оид гап-сўзлар, тортишувлар жуда кўп. Шунинг учун, бу мавзуни бир оз шарҳлашга тўғри келади. Худди мушриклар ҳақидаги ниҳойи ҳукмга ўхшаб, аҳли китоблар ҳақидаги ниҳойи ҳукм ҳам бирданига нозил бўлгани йўқ. Бу оятлар тушгунга қадар анчагина гап-сўзлар, муомалалар ва воқеалар бўлиб ўтган. Ана ўшалар асосида охириги қарор сифатида ушбу оятлар нозил бўлган.

Маълумки, Маккаи Мукаррамада аҳли китоблар кўп эмас эди. Варақа ибн Навфалга ўхшаш баъзи бир шахслар турли сабабларга кўра аҳли китоблар билан алоқада бўлиб, уларнинг динини қабул қилган бўлиши мумкин. Улар Исломга ва мусулмонларга яхши муносабатда бўлганлар. Айримлари Исломга кирганлар ҳам. Кейинчалик Мадийнаи Мунавварада ҳам баъзи яҳудийлар Исломга кирдилар. Қуръони Каримда бунга ўхшаш аҳли китобларни мадҳ этувчи ояти карималар бор.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратларидан кейин аҳли китоблар билан алоқалар кучайди. Бунга, аввало, Мадийнаи Мунавварада яшаб турган яҳудийлар сабабчи бўлдилар. Улардан Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳуга ўхшаш, Аллоҳ ҳидоят берганлари мусулмон бўлиб, ажрларини икки ҳисса олиш бахтига муяссар бўлдилар. Лекин асосий гуруҳ биринчи кунданок Исломга ашаддий душманлик қила бошладилар. Улар мусулмонлар ўртасида фитна чиқаришга уринишдан ҳеч ҳам тўхтамадилар. Ислом дини, Қуръони Карим ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида турли ифво-бўхтонлар тарқатишда бир лаҳза ҳам сустлашмадилар. Биринчи кундан бошлаб Қуръони Карим оятлари уларнинг хатоларини очиқ айтиб, ўзларини ўнглашга чақирса ҳам, кўнмадилар. Мунофиқликни ҳам худди шу яҳудийлар келтириб чиқардилар. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул исми яҳудий эканлиги ҳаммага маълум. Яҳудийлар қибла Байтул Мақдидан Маккага – Каъбага ўзгарганда ҳам катта ифвогарлик сафарбарлигини ўтказдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг севимли аёллари Оиша онамизни зинода айблаб, ёлғондан ифво тарқатганлар ҳам ўшалар. Мушрикларни тўплаб мусулмонларга қарши урушга гиж-гижлаганлар ҳам ўшалар. Охири бориб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар улар билан сулҳ тузишди. Тинчлик-омонликда бир-бирини ҳурмат қилиб яшашга келишилди. Аммо яҳудийлар бу сулҳга ҳам хиёнат қилдилар. Оқибатда, Бани Қайнқоъ, Бани Назийр ва Бани Қурайза номли яҳудий қабилалари билан урушишга мажбур бўлинди. Яҳудийлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш учун суиқасд ҳам уюштирдилар. Фақат Аллоҳнинг иноятигина у зотни сақлаб қолди. Улардан бир кампир Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга заҳарланган қўй гўшти берди. Хайбарда яҳудийлар билан мусулмонлар ўртасида катта жанг бўлди. Аммо, яҳудийларнинг Исломга, мусулмонларга қарши душманлигининг чегараси кўринмас эди. Шунинг учун, уларга нисбатан биз ўрганаётган оятлардаги ниҳойи ҳукмлар чиқарилди.

Аҳли китобларнинг яна бир тоифаси бўлмиш насороларга келадиган бўлсак, биринчи даврларда улар билан яхши алоқалар бўлган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан заифҳолларига насроний подшоҳ Нажоший юрти Ҳабашистонга боришни, у ерда зулм кўрмасликларини айтганлар. Қуръони Каримда насоролар бошқаларга қараганда мусулмонларга яқинроқ эканликларини тасдиқловчи оятлар бор. Айни чоғда, худди яҳудийлар каби, насороларга ҳам уларнинг кофир эканликларини эслатадиган, хатола-



рини ўзларига баён қиладиган оятлар ҳам мавжуд. Маккаи Мукаррамага ҳам, Мадийнаи Мунавварага ҳам баъзи насроний гуруҳлар келиб, Қуръони Карим тинглашгани, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга турли саволлар беришгани, кўнгли таскин топганлари Ислонни қабул қилганлари маълум ва машҳур. Баъзилари одоб доирасида тортишув ҳам олиб борганлар. Форс давлати билан насроний Рум давлати урушиб енгилганида, мусулмонлар аҳли китоб румликлар мағлубиятидан қаттиқ хафа бўлишган. Қуръони Каримда Рум сураси нозил бўлиб, унда тезда румликлар форслар устидан ғалаба қозониши хабари берилган эди.

Лекин Арабистон ярим оролида Ислон давлати пайдо бўлганини эшитган румликлар ўзларининг форслар билан давом этиб келаётган душманликларини унутдилар. Улар зудлик билан мусулмонларга қарши аскар тўплай бошладилар. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Басрадаги рум ҳокимига юборган элчилари ал-Ҳорис ибн Умайр ал-Аздийни ўлдирдилар. Одатда, элчига ўлим йўқ эди. Аммо насоролар ҳамма амал этадиган қоидага амал қилмай, мусулмонларнинг элчисини ўлдирдилар. Бу ишни уруш чиқариш учун қилишган эди. Элчини ўлдириб қўйиб, яна аскар тўплашни давом эттирдилар. Румликлар ўзлари юз минг аскар йиғдилар. Уларнинг Шомдаги иттифоқдошлари ва насроний араб қабилалари ҳам юз минг аскар тўладилар. Шу икки юз минг аскар билан мусулмонларни йўқ қилиб ташлаш қасдида эдилар. Саккизинчи ҳижрий сананинг Жумадул-Ула ойида улар мусулмонларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан юборилган уч мингга яқин аскар билан Муъта урушида тўқнашдилар.

Сўнгра, Табук жанги бўлди. У жанг тўғрисида ушбу «Тавба» сурасида батафсил баён қилинади. Кўриниб турибдики, насоролар Ислон ва мусулмонлар учун жиддий хавфга айланган эдилар. Шунинг учун, уларга нисбатан бу оятларда чиқарилган ҳукмлар ҳеч ажабланарли эмас. Бу, воқелиқдан келиб чиққан ҳукмдир. Энди, унга аввал зикр қилиб ўтилган еттита мафкуравий, ақийдавий ва амалий хатарларни қўшсак, бу ҳукм айни адолат экани равшан бўлади.

Бу ҳукмларнинг адолатли эканлигини тарих ҳам тасдиқлади. Қуръони Каримнинг: «Токи уларнинг миллатларига эргашмагунингча яҳудий ва насоролар сендан зинҳор рози бўлмайдилар», деган ояти бежиз эмас эди. Ҳозирги лаҳзагача Ислонга ва мусулмонларга нима ёмонлик етган бўлса, ҳаммасида яҳудийларнинг қўли бор. Буни янада яхшироқ билишни истаганлар тарих китобларига мурожаат қилсалар, яхши бўлади. Насороларнинг ҳам Ислонга, мусулмонларга қарши олиб борган душманликлари фақатгина машҳур салб уруш-



ларидан иборат эмаслигини кўпчилик яхши билади. Шу маънода тарихга бир назар солинса, ушбу оятларни Аллоҳ нима учун нозил этганининг ҳикмати яхшироқ тушуниб олинади.

Бир қарашда мурасасиз кўринган, аммо, аслида, адолатли ҳукмларнинг содир бўлиш ҳикматлари, оятларнинг ўзида айтиб ўтилган етти сабаби ва тарихий воқелигини ўрганиб чиқдик. Энди, ҳукмнинг ўзини ўрганишга, аниқроғи, бу ҳукмнинг жавҳарини тушунишга ҳаракат қилайлик.

Аллоҳ таоло биз ўрганаётган оятларда мусулмонлар жамоасининг аҳли китобларга – яҳудий ва насороларга муомаласи қандай бўлишини белгилаб бермоқда. Мусулмон давлатида яшаётган иймонли-Исломли кишилар Аллоҳнинг ер юзидаги халифалари ҳисобланадилар. Улар ер юзида адолат ўрнатиш, зулмни кўтариш, ҳамма ёқда ҳуррият ҳукм суришидан масъулдирлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи киромлари шу масъулиятни тўлиқ тушунганлар ва ўшанинг тақозоси билан ҳаракат қилганлар. Улар масъулиятни адо этиш учун жиҳодга чиққанлар. Саҳобаларнинг жиҳодларини ва кейинги авлоднинг уни давом эттиришини кўпчилик турлича тушунади, турлича баҳолайди.

Душманлар буни босқинчилик ҳаракати, бошқа юртларни босиб олиш, бойликларини ўзлаштириш, халқларни қул қилиш, дея баҳолайдилар. Ўлкамизнинг ҳақиқий босқинчилари бўлмиш кофирлар бу ҳаракатни «Араб истилоси» деб номлаганлар. Уларнинг айтишича, араблар бостириб келиб ҳаммаёқни ўзлариники қилиб олганлар. Кишиларни мажбуран Исломга киритганлар. Исломни қабул қилмаганларни ўлдирганлар ёки катта солиқ солганлар.

Ўзини Исломга дўст санаганлар ва кўпчилик мусулмонлар бу зулмкор баҳодан Исломни гўё «ҳимоя» қиладилар: Исломда жиҳод фақат ватанни ҳимоя қилиш учун жорий қилинган; Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам давридаги ҳамма урушлар фақат мудофаа учун бўлган; Қуръони Каримдаги оятлар ҳам худди шу маънога далолат қилади, дейдилар.

Лекин бу икки тоифанинг даъволарини бир оз ўйлаб муноқаша қилинса, ҳамма нарса равшан бўлади.

Исломий фатҳларни «Араб истилоси» дейиш нотўғри эканлигини душманларнинг ўзлари ҳам билади, аммо Исломга қарши нимадир ўйлаб чиқариш керак бўлган. Натижада, шу ибора ўйлаб топилган. Чунки, фотиҳ мужоҳидлар ичида араб эмаслар ҳам кўп эди. Шу билан бирга, уларнинг ҳаракати ҳеч қачон истило бўлмаган. Мусулмонлар қаерга борсалар, динга даъват қилиш учун, адолат ўрнатиш учун борганлар. Ўша ерларнинг аҳолиси билан ака-ука бўлиб яшаб

қолганлар. (Душманлар «катта солиқ» деб номлаган «жизя» тўғрисида кейинроқ гаплашамиз.) Мусулмонлар ҳеч бир юртнинг молу мулкани талаб олиб кетмаган. Кишиларни Исломга киришга мажбур ҳам этмаган. Уларнинг муомаласи мустамлакачиларнинг номаъқул муомаласига мутлақо ўхшаган эмас. Буни инсофли ажнабий тарихчилар ва олимлар ҳам такрор-такрор қайд этганлар. Машҳур олим Томас Орланднинг «Исломга даъват» китобида бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган кўпгина ҳужжатли далиллар келтирилади.

Шуниндек, «ҳимоячи»ларнинг гапларига ҳам ўзига яраша эътирозлар чиқади. Масалан, агар Исломда жиҳод фақат мудофаа учун жорий қилинган бўлса, нима сабабдан саҳобалар Арабистон ярим оролидан чиқиб бошқа юртларга бордилар, у ерларда шаҳид бўлдилар, деган савол берилса, улар жавоб беришга қийналиб қолишади.

Яхшиси, бу масалани саҳобаларнинг ўзидан сўраш керак. Тарихда шундай бўлган ҳам. Саҳобаи киромлар Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу бошчиликларида ўша даврдаги иккита катта империянинг бири Форс давлати чегарасига келиб тушдилар. Бундан хабар топган Форс давлати Рустам исмли лашкарбоши раҳбарлигида тайёргарлигини кўриб қўйган эди. Рустам мусулмонлар томон ўз элчиларини юборди. Форс элчилари мусулмонларнинг бошлигини тополмай анча вақт овора бўлишди. Чунки, Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг алоҳида ажратилган жойи ҳам, кийими ҳам йўқ эди. У киши лашкарлари билан аралашиб юрар эдилар. Элчилар у кишини одамлар орасидан топдилар. Ўзларини таништирган элчилар Форс давлати раҳбарлари мусулмонлар вакили билан гаплашмоқчи эканлигини билдиришди. Саъд ибн Абу Ваққос орқаларига шундай қараган эдилар, ерда ёнбошлаб ётган, юпун кийинган Робий исмли саҳобага кўзлари тушди. Унга: «Сен булар билан боргин, бошлиқлари бизнинг вакилимиз билан гаплашмоқчи экан», — дедилар. Робий розияллоҳу анҳу бир чапдаст ҳаракат билан найзасига таяниб от устига сакраб минди ва элчиларга қараб: «Кетдик», — деди. Элчилар лол бўлиб туриб қолдилар. Бир жулдурвоқи кийинган «вакил»га, бир ерда ўтирган «амир»га қарашди. Ўзаро бир нималарни гаплашдилар-да, ниҳоят, катталари Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуга:

«Бундан кўра тузукроқ одам йўқми?» — деди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу:

«Ичимизда тузугимиз шу, вакил юборишни сизлар сўрадингиз, биз эмас», — дедилар. Ноилож қолган элчилар ўша вакилни олиб, йўлга тушдилар. Қароргоҳга яқинлашишлари билан элчилар оддан тушиб, таъзим қилиб юра бошладилар. Мусулмонларнинг вакили Робий розияллоҳу анҳу эса, уларнинг бу кулгули ҳолларини томоша

қилиб, оддан тушмай кулиб ичкарига кирди. Аммо, қоровулар бирдан ёпирилиб, уни от устидан тортиб олишди ва улуғлари олдига от миниб бориб бўлмаслигини англатишди. Аммо, у киши бошини мағрур тутиб, найзасини ерга қадаб-қадаб кета бошлади. У ҳар сафар найзасини ерга урганида, ерга тўшалган бир йўлбарс терисини тешар эди. Робиъ розияллоҳу анҳу тўғри бориб, тахтда ўтирган бошлиқнинг ёнидан жой олди. Аммо, хизматкорлар дарҳол у кишини пастга ўтиришга мажбур этишди. Шунда Робиъ розияллоҳу анҳу:

«Бизга сизлар ҳақингизда, адолатли подшоҳларингиз ҳақида хабарлар борар эди. Ҳаммаси беҳуда экан. Агар ўзингизга ўхшаш бир одамга шунчалар таъзим қиладиган бўлсангиз, бизга ҳеч ҳам тенг кела олмайсизлар», — деди. Форсларнинг каттаси таржимонга:

«Ундан сўра-чи, нима учун келишди экан?» — деди. Робиъ розияллоҳу анҳу бу савол жавобига асрлар бўйи қоида бўлиб қолган жумлани айтди. У:

«Аллоҳ таоло бизни бандаларни бандаларга ибодат қилишдан Аллоҳга ибодат қилишга, динларнинг жабридан Исломнинг адлига, бу дунё торлигидан у дунё кенглигига чиқариш учун юборди», деди.

Ҳа, мусулмон фотиҳлар бошқа юртларга фойдаларини кўзлаб эмас, балки Аллоҳнинг амрини бажариш учун борганлар. Улар дунёдаги инсонлар қуликнинг турли кўринишларидан озод бўлиши учун курашганлар. Ер юзида фақат Аллоҳнинг ҳукми барқарор бўлишини истаганлар. Улар ер юзидаги бирон кимсага жабр ва зулмни раво кўрмаганлар. Ҳар ким хоҳлаган динини танлаб, Ислом адолатидан фойдалансин, деб ҳаракат қилганлар. Улар қайси юрт тупроғига қадам қўйсалар, олдин ерли аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб борганлар. Чунки, уларнинг вазифаси кишиларга Аллоҳнинг дини — Исломни етказиш бўлган. Улар ҳақ динга тарғиб қила туриб, мусулмон бўл — саломат бўласан ёки динингда қолмоқчи бўлсанг, жизя бер; унга ҳам, бунга ҳам кўнмасанг, орамизда уруш бўлади, дейишган.

Мусулмон фотиҳлар: «Биз тажовузкор уруш қилмаймиз, бировни динимизга киришга мажбур ҳам этмаймиз. Биз фақат бошқаларни Исломга даъват қиламиз, ким хоҳласа, мўмин бўлсин, хоҳдамаса, кофирлигича қолсин. Ўзининг иши. Фақат бизнинг йўлимизни тўсмасин, бошқаларни даъват қилишимизга халақит бермасин. Исломга кирмоқчи бўлганларнинг ҳам йўлини тўсмасин. Бизнинг фикримизча, инсон фақат мусулмон бўлгандагина ёлғиз Аллоҳга ибодат қилган бўлади. Бу ҳақиқатни одамларга етказиш бизга топширилган. Топшириқни адо этишимизга тўсиқ бўлма! Ким бетараф бўлса, марҳамат, четда тинч-омон тураверсин. Лекин ким бизга қарши чиқса, даъватга йўл бермаса, бошқаларнинг Исломни ўрганишига тўсиқ бўлса,

у билан урушишдан бошқа илож қолмайди», — дейдилар. Мусулмонларга уруш қилганларга қарши уруш қилинади, холос. Уруш пайтида Исломий қоида бўйича қари кишилар, ёш болалар, аёллар ва ибодатхоналарга тегиш мумкин эмас. Шунингдек, қурол кўтариб чиқмаганлар ҳам тинч қоладилар. Агар Аллоҳ нусрат бериб, мусулмонлар ғолиб келсалар, душманни қуролсизлантириб, уларнинг Ислом соясида тинч-омон яшашлари жорий қилинади. Урушмасдан дастлабки даъватдаёқ ўз динида қолиб, жизя беришни ихтиёр этганлар ҳам мусулмонлар билан бирга тинч-омон яшайверадилар.

Жизя одамларни қийнаш учун жорий қилинган солиқ эмас. У ҳар бир бошга мажбурий ҳам эмас, балки қодир кишилардан маълум миқдорда олинадиган тўловдир. Биринчидан, жизя Аллоҳнинг динига даъват қилишнинг йўлини тўсмаслик, қарши турмаслик аломати сифатида берилади.

Иккинчидан, жизя берган шахсни мусулмонлар ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қиладилар. Унинг ўзи, молу мулки ва оила аъзоларининг ҳимоясини ўз зиммаларига оладилар. Жизя тўлаган киши ҳарбий хизматдан ва бошқа сафарбарликлардан озод қилинади.

Учинчидан, жизя тўлаган киши мусулмонлар тақдим этадиган оммавий-ижтимоий таъминотлардан фойда олади. Улар қурган кўприк, йўл, бозор ва бошқа нарсалардан фойдаланади. Қариганда, кексалик нафақаси олади.

Тўртинчидан, жизя олгандан сўнг мусулмонлар юқорида зикр этилган ишларни бажара олмасалар, жизяни қайтариб эгасига топширадилар.

Умуман, жизя масаласига тузукроқ назар солинса, уни ҳар ким ўзи учун бериши аён бўлади. Худди шу маънода мусулмонлар ҳам Байтул молга закот, ушур, ва бошқа йўллар билан ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Исломдаги жизянинг адолатини янада яхши тушуниш учун уни танқид қилиб, адолатсиз деганлардан бирининг муомаласига назар солайлик.

Коммунистлар ўз фойдаларини кўзлаб, кишиларни алдаш учун баъзи диний ташкилотлар тузган эдилар. Бу ташкилотларда фақат улар ихтиёр қилган кишилар ишлашига қарамасдан, ўша ташкилотларга ҳам, уларда ишловчиларга ҳам мисли кўрилмаган оғир солиқлар солинар эди. Баъзи бир маиший хизматлар учун диний ташкилот ва ходимлар томонидан тўланадиган ҳақ ҳам бошқалар тўлайдиган тўловлардан ортиқча эди. Бунинг устига, улар диний ишда ишлаган ватандошларга ҳар қандай нафақа беришдан, жумладан қариллик нафақаси беришдан мутлақо бош тортар эдилар.

Хулоса қилиб айтилганда, Худога ишонган одам коммунистларга ҳақ тўлаб ишониши керак эди. Шу ҳолларига уларнинг бошқаларни танқид қилишларига ҳайронсан.

Демак, аҳли китобларга таклиф иккита: Ислом ёки жизя бериш. Мусулмон бўлсалар, биродар бўлиб яшайверадилар. Жизя берсалар, уларнинг ҳимояси, тинчлик-омонлиги ва диний эркинлиги мусулмонлар зиммасида бўлади. Урушни хоҳлаганлари уруш ҳам қилаверадилар. Мусулмонлар ўзлари эришган бахт-саодатга бошқалар ҳам эришишини истайдилар. Ана шу истак йўлидаги тўсиқларга, куфр, зулм ва туғёнларга қарши курашадилар.

Жиҳод ва унинг аҳамияти баёнидан кейин жиҳоднинг йўлини тўсадиган нарсаларни йўқ қилиш ва унинг қоидалари ҳақидаги оятлар келади.

Румликлар мусулмонлар билан урушиш учун аскар тўплашади. Мусулмонлар уларга қарши жиҳод эълон этганида, оммавий сафарбарликлари йўлида бир тўсиққа дуч келишади. Бу сафарбарлик ҳаром ойлардан, яъни, уруш қилиш ҳаром бўлган ойлардан бири Ражаб ойига тўғри келиб қолган эди. Мусулмонларнинг Ражаб ойида эълон қилган оммавий сафарбарликлари, урушга отланишлари душманларнинг танқид ва таъналарига сабаб бўлди. Улар қадимдан ҳамма амал қилиб келаётган ҳукмларга мусулмонлар амал қилмай, уруш ҳаром қилинган Ражаб ойида урушга чиқмоқдалар, деб жар солдилар. Келаси ояти каримада бу масалага аниқлик киритилади:

إِنَّ عِدَّةَ الشُّهُورِ عِنْدَ اللَّهِ اثْنَا عَشَرَ شَهْرًا فِي كِتَابِ اللَّهِ يَوْمَ خَلَقَ السَّمَوَاتِ  
وَالْأَرْضَ مِنْهَا أَرْبَعَةٌ حُرْمٌ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ فَلَا تَظْلِمُوا فِيهِنَّ أَنْفُسَكُمْ  
وَقَاتِلُوا الْمُشْرِكِينَ كَافَّةً كَمَا يُقَاتِلُونَكُمْ كَافَّةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ  
الْمُتَّقِينَ ﴿٢٦﴾

36. Албатта, Аллоҳнинг китобида ойларнинг сони, Аллоҳнинг ҳузурида осмонлару ерни яратган куни ўн икки ой қилиб белгиланган. Улардан тўрттаси (уруш қилиш) ҳаром (ойлар)дир. Мана шу тўғри диндир. У(ой)ларда ўзингизга зулм қилманг. Мушрикларга қарши жам бўлиб, улар сизга қарши жам бўлиб урушаётгандек, уруш қилинг. Ва билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар биландир.

Ушбу ояти карима ойларнинг ҳисоби, табиий равишда, Аллоҳ осмонлару ерни яратган пайтдаёқ, уларнинг ҳаракатига боғлиқ қилиниб ўн икки этиб белгиланганлигини баён қилмоқда.

Бу доимий равишда бир хил турадиган собит ҳисобдир. Унда инсоннинг ҳеч даҳли йўқ. Инсон фақат Аллоҳ яратган нарсаларга қараб, Аллоҳ берган ақл билан ойларни санайди, холос.

**«Албатта, Аллоҳнинг китобида ойларнинг сони, Аллоҳнинг ҳузурида осмонлару ерни яратган куни ўн икки ой қилиб белгиланган».**

Ўн битта ҳам, ўн учта ҳам қилиб бўлмайди. Янги ой чиққан куни янги ой бошланади. У йигирма тўққиз ёки ўттиз кун бўлади. Кейин яна янгиси чиқади. Олдиндан белгилаб қўйилган ҳисоб билан, ой тўлин бўлганда ҳам, янги ой бошланди, дейилмайди. Бундай дейишлик хатолик ҳисобланади. Чунки, Аллоҳнинг ишига бандаси аралаша билмайди.

**«Улардан тўрттаси (уруш қилиш) ҳаром (ойлар)дир».**

Яъни, ўн икки ойдан тўрттасида уруш қилиш Аллоҳ томонидан ҳаром қилингандир. Бу Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойлари бўлиб, мазкур ойларда уруш бошлаш ҳаромдир.

**«Мана шу тўғри диндир. У(ой)ларда ўзингизга зулм қилманг».**

Юқорида зикр қилинган ҳукм тўғри дин ҳукмидир. Ислоҳ ҳукмидир. Бу ҳукмга хилофан ҳаром ойларда уруш қилиб, ўзингизга зулм қилманг.

Агар мушриклар сизга уруш эълон этсалар, сиз ҳам:

**«Мушрикларга қарши жам бўлиб, улар сизга қарши жам бўлиб урушаётгандек, уруш қилинг».**

Чунки, бир тараф уруш қилганда иккинчи тараф жим тура олмайди. Албатта, уруш бировга раҳим қилмайди. Унда турли ҳоллар бўлади. Аммо, бу сизга турли ножоиз ишларни қилишга баҳона бўла олмайди. Сиз мусулмонсиз, доимо Аллоҳнинг амрида юришингиз керак.

Шунинг учун:

**«Ва билинги, албатта, Аллоҳ тақводорлар биландир».**

У зот Ўзига тақво қилувчиларга нусрат беради.

إِنَّمَا النَّسِيءُ زِيَادَةٌ فِي الْكُفْرِ يُضَلُّ بِهِ الَّذِينَ كَفَرُوا يُحِلُّونَهُ عَامًا وَيُحَرِّمُونَهُ  
عَامًا لِيُوَاطِّئُوا عِدَّةَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ فَيُحِلُّوا مَا حَرَّمَ اللَّهُ زَيْنٌ لَهُمْ سَوْءَ أَعْمَالِهِمْ وَاللَّهُ  
لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ ﴿٢٧﴾



**37. Албатта, «насийу» куфрда зиёда бўлишдан ўзга нарса эмас. Бу билан куфр келтирганлар залолатга кетказилурлар. Аллоҳ ҳаром қилган нарсанинг ададига мослаш учун уни бир йил ҳалол қилурлар, бир йил ҳаром қилурлар. Бас, бу билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилурлар. Уларга амалларининг ёмонлиги зийнатланди. Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас.**

Ояти каримадаги «насийу» сўзи луғатда ортга суриш маъносини ифода қилади. Жоҳилият аҳлида уруш ҳаром қилинган ойнанинг ҳукмини бошқа, кейин келадиган ойга суриш одати урф бўлган эди. Яъни, араб мушриклари ҳам мазкур тўрт ой ҳаром ойлар эканлигини айтар эдилар. Ўша ойларда уруш тамоман тўхтар эди. Агар бирор киши шу ойларда отасини ўлдирган одамни учратиб қолса, унга тегмасди. Аммо, бордию урушни хоҳлаб қолсалар, аслида ҳаром бўлган ойнанинг ҳаромлигини орқага суриб қўйиб, уруш қилаверар эдилар. Мисол учун, Муҳаррам ҳаром ой, аммо шу ойда уруш қилгилари келиб қолса, бу йил унинг ҳаромлигини Сафар ойига сурдик, ўша ойда уруш қилмаймиз, деб Муҳаррамда уруш қилишар эдилар. Сафарда эса, уруш қилишмасди. Янаги йили аксинча бўларди. Улар бир йилда тўрт ой урушмасак бўлди-да, қайси ойда бўлишининг нима фарқи бор, дегандек иш қилишар эди. Оятда уларнинг бу тасарруфларига баҳо ва шарҳ берилмоқда.

**«Албатта, «насийу» куфрда зиёда бўлишдан ўзга нарса эмас».**

Мушриклар аслида эътиқод масаласида кофир эдилар. Энди, шариат масаласида ҳам, яъни, ҳалол-ҳаромни белгилашда ҳам Аллоҳнинг айтганига хилоф қилиб, куфрда зиёда бўлдилар. Уларнинг бу иши куфр устига куфр бўлди.

**«Бу билан куфр келтирганлар залолатга кетказилурлар».**

Куфр келтирган мушриклар насийу билан, ундаги алдов, кўзбўямачилик ва ҳийла билан янада адаштирилдилар.

**«Аллоҳ ҳаром қилган нарсанинг ададига мослаш учун уни бир йил ҳалол қилурлар, бир йил ҳаром қилурлар».**

Яъни, улар Аллоҳ ҳаром деган ойларнинг сонига мослаб тўртта қилиш учун бир йил бир ҳаром ойни ҳалол этиб, ўрнига бошқа ойни ҳаром қилсалар, келаси йили ҳалиги ойни яна ҳаром қилиб, ўрнига ҳаром бўлган ойни яна ҳалол қилаверадилар. Уларга бир йилда тўрт ой ҳаром ойи бўлса бас, қайси ой бўлишини ўзлари танлаб олаверадилар.

**«Бас, бу билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилурлар».**

Бу эса, катта жиноят ва куфр устига куфрдир. Аслида ҳалол ёки ҳаром қилиш фақат Аллоҳнинг ҳаққидир. Аммо, мушриклар ўзларича ҳалол ва ҳаром қилишга журъат қилаверадилар. Чунки:



**«Уларга амалларининг ёмонлиги зийнатланди».**

Уларга ёмон амаллари яхши бўлиб кўринди. Гуноҳлари тоат бўлиб кўринди. Бўлмаса, Аллоҳ урушни ҳаром қилган ойда уруш қилишар эдимиз? Ўзларининг «насийу»лари уларга яхши амал бўлиб кўринди. Улар бу билан ўзларини Аллоҳ таолога итоат қилаётгандек сездилар. Аслида эса, бу катта гуноҳ. Аллоҳ ҳаром этган нарсани ҳалол, ҳалол деган нарсани ҳаром қилиш билан куфр устига куфр келтирган эдилар. Қоюда бўйича эса:

**«Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас».**

Чунки, уларнинг ўзлари шунга лойиқ ишларни қилдилар.

Шу маънода мушрикларнинг мусулмонлар Ражаб ойида, Аллоҳ урушни ҳаром қилган ойда румликларга қарши урушга сафарбарлик эълон этиб, гуноҳ иш қилмоқдалар, деб жар солишлари ноўрин. Гарчи ўша йили мусулмонлар сафарбарлик эълон қилган ой мушрикларнинг «насийу»ларига, яъни, ойни ортга суриш ҳисоблари бўйича Ражабга тўғри келган бўлса-да, Аллоҳ таоло жорий қилган ҳақиқий ҳисобга кўра Жумадул-охир ойи эди. Мусулмонлар мушрикларнинг ҳисоби билан эмас, Аллоҳ таоло кўрсатган ҳисоб билан амал қиладилар.

Кейинги оятда умумий сафарбарлик эълон этилганда дангасалик қилиш катта гуноҳ эканлиги айтилади, бундай пайтларда мушрик ва кофирларнинг таънасига эмас, мусулмон бошлиқларнинг амрига қулоқ осиб зарур экани баён қилинади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَا لَكُمْ إِذَا قِيلَ لَكُمْ أَنْفِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَنْتَقَلْتُمْ إِلَى  
الْأَرْضِ أَرْضَيْتُمْ بِالْحَيَاةِ الدُّنْيَا مِنَ الْآخِرَةِ فَمَا مَتَّعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا فِي  
الْآخِرَةِ إِلَّا لَاقِيلٌ ﴿٣٨﴾

**38. Эй, иймон келтирганлар! Сизга нима бўлдики, Аллоҳнинг йўлида қўзғолинг дейилса, ерга ёпишиб олдингиз. Ёки охиратни қўйиб, дунё ҳаётига рози бўлдингизми? Охират олдида бу дунё ҳаёти жуда оз-ку?!**

Бу ояти карима Табук урушига оммавий сафарбарлик эълон қилингандан сўнг юз берган баъзи ҳолатлар туфайли нозил бўлган. Румликлар Шомда катта қўшин тўплаб мусулмонларга қарши урушга тайёргарлик кўраётганлари, Рум подшоҳи Ҳеракл кишиларга бир йиллик сарф-харажат бергани, уларга Лаҳм, Жузом, Омила, Фассон каби араб қабилалари ҳам қўшилгани, уларнинг пешқадам аскарлари Балқо де-

ган жойга етиб келгани ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар келди. Шунда, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Румга қарши урушга оммавий сафарбарлик эълон этдилар. Одатда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам урушга чиқар бўлсалар, ҳарбий ҳийла учун ўзларини сиртдан бошқа томонга кетаётган қилиб кўрсатар эдилар. Аммо, бу сафар иш қийин, масофа узоқ, вақт зиқ бўлгани учун ҳаммасини очиқчасига айтдилар. Ўша пайтда ҳаво жуда ҳам қизиган бўлиб, одамлар юришдан кўра, туришни афзал кўрган вақт эди. Бу сафарбарликка ҳамма ҳар хил муносабатда бўлди. Мунофиқлар гап тўқиб, одамларни кўрқитдилар. Румликлар кучли бўлади, масофа узоқ, ҳаво иссиқ, кўзғалманглар, деб фитна тарқатдилар. Албатта, бу омиллар баъзи кишиларга таъсир кўрсатди, кўзғолишдан қочиб дангасалик қилганлар ҳам топилди. Ушбу оятлар ана шу ҳолни муолажа қилади:

**«Эй, иймон келтирганлар! Сизга нима бўлдики, Аллоҳнинг йўлида кўзғолинг дейилса, ерга ёпишиб олдингиз».**

Ҳа, Аллоҳнинг йўлида кўзғолиш ердан – бу дунёдан узилиб, отилиб чиқишдир. Кимки ерга – бу дунёга ёпишиб қолган бўлса, Аллоҳнинг йўлида кўзғола олмайди. Шунинг учун, оятнинг давомида:

**«Ёки охиратни қўйиб, дунё ҳаётига рози бўлдингизми?»** – дейилмоқда.

Демак, Аллоҳнинг йўлида кўзғолиш учун мустаҳкам иймон, бу дунёнинг матоҳидан кўра охиратни устун қўйиш ҳиссиёти бўлиши зарур. Агар иймонда заифлик бўлиб, охиратдан кўра бу дунёни яхши кўрса, ҳеч ким Аллоҳнинг йўлида жиҳодга кўзғола олмайди. Шунинг учун ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларининг бирида: «Ким ғазотда қатнашмай ёки ғазотда қатнашишни ният қилмай туриб ўлса, мунофиқлик шўьбаларидан бирида ўлган бўлади», – деганлар. Жиҳоддан қочишлик катта гуноҳдир. Бу дунёнинг арзимаган матоҳи деб, охиратни куйдириш оқил кишининг иши эмас.

**«Охират олдида бу дунё ҳаёти жуда оз-ку?!»**

Шу оз ва арзимаган нарсани деб улкан савобдан қочганларга Аллоҳ нима жазолар бериши кейинги оятда баён қилинади:

إِلَّا نَفَرُوا يُعَذِّبُكُمْ عَذَابًا أَلِيمًا وَيَسْتَبَدِلُ قَوْمًا غَيْرَكُمْ وَلَا تَضُرُّهُ شَيْئًا وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٣٩﴾

**39. Агар кўзғолмасангиз, сизни аламли азоб билан азоблайдир. Ўрнингизга бошқа қавми келтирадир. Сиз Унга зарар келтира олмасиз. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.**

Бу хитоб фақат Табук уруши сафарбарлигидан бош тортмоқчи бўлганлар учун эмас, балки ҳаммага тегишлидир.

**«Агар қўзғолмасангиз, сизни аламли азоб билан азоблайдир».**

Мабодо, мусулмонлар Аллоҳнинг йўлида қўзғолишдан бош тортсалар, бу дунёю у дунёнинг аламли азобига учрайдилар. Душмандан енгилиб, хору зор бўладилар. Ҳамма нарсадан айриладилар.

**«Ўрнингизга бошқа қавми келтирадир».**

Ҳолбуки, қилаётган ўша қилмишингиз билан:

**«Сиз Унга зарар келтира олмассиз».**

Балки зарар ўзингизга келади.

**«Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир».**

Жумладан, сизни кетказиб ўрнингизга бошқа қавми келтиришга қодир. Сиз ёрдам бермасангиз, Пайғамбарига ёлғиз Ўзи ёрдам беришга ҳам қодир. Бунга тарихда мисоллар бор.

إِلَّا نَصْرُوهُ فَقَدْ نَصَرَهُ اللَّهُ إِذَا خَرَجَهُ الَّذِينَ كَفَرُوا ثَانِيًا أَتَيْنَ إِذْهُمَا  
 فِي الْغَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَحْزَنْ إِنَّا نَرَى اللَّهَ مَعَنَا فَأَنْزَلَ اللَّهُ  
 سَكِينَتَهُ عَلَيْهِ وَأَيَّدَهُ بِجُنُودٍ لَّمْ تَرَوْهَا وَجَعَلَ كَلِمَةَ الَّذِينَ  
 كَفَرُوا السُّفْلَى وَكَلِمَةَ اللَّهِ هِيَ الْعُلْيَا وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٥٠﴾

40. Агар сиз унга ёрдам бермасангиз, батаҳқиқ, Аллоҳ унга, куфр келтирганлар уни икки кишининг бири бўлган ҳолида чиқарганларида, нусрат берди. Улар икковлон ғорда турганларида, у шеригига, хафа бўлма, Аллоҳ, албатта, биз билан, деди. Бас, Аллоҳ унинг устидан Ўз сокинлигини нозил қилди ва сиз кўрмаган лашкарлар билан қўллади. Куфр келтирганлар калимасини паст қилди. Аллоҳнинг калимаси эса, ўзи юқори. Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли Зотдир.

Эй, мўминман деб юрганлар, агар сиз бу сафар Пайғамбарга ёрдам бермасангиз, ҳечқиси йўқ, сизга ёмон бўлади. Аллоҳ Ўз Пайғамбарига ёрдам бериши турган гап. Уни Маккада кофирлар ўлдирмоқчи бўлиб, гапни бир жойга қўйганларида ҳам Аллоҳ унга нусрат берган. Аллоҳ кофирларнинг ёмон ниятларини унга билдирган ва унга чиқиб кетишни амр қилган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр Сиддиқ билан бирга ҳижратга чиққанлар. Мушриклар кўп эдилар, Аллоҳ Пайғамбарига ёрдам берган. Ҳа:

**«Агар сиз унга ёрдам бермасангиз, батаҳқиқ, Аллоҳ унга, куфр келтирганлар уни икки кишининг бири бўлган ҳолида чиқарганларида, нусрат берди».**

Ўшанда Аллоҳ унга ёрдам бермаса, ҳеч ким ёрдам бера олмас эди. Мушриклар орқаларидан етиб келиб қолган эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шериклари Абу Бакр Сиддиқ У зот соллаллоҳу алайҳи васалламга ёмонлик етишидан қўрқиб, агар мушриклардан бирортаси оёғи остига қараса, бизни кўриб қолади, деб титраб турардилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, хотиржам эдилар.

**«...икковлон ёрда турганларида, у шеригига, хафа бўлма, Аллоҳ, албатта, биз билан, деди».**

Пайғамбаргагина хос бўлган хотиржамликдир — бу. Чунки, у, Аллоҳнинг доимо ўзи билан бирга эканини сезиб туради. Шунингдек, Аллоҳ таоло Пайғамбарига Бадр ва Ҳунайн ғазотларида ҳам ёрдам берди.

**«Бас, Аллоҳ унинг устидан Ўз сокинлигини нозил қилди ва сиз кўрмаган лашкарлар билан қўллади».**

Ўша сокинлик туфайли ҳамма хотиржам бўлди ва жангга шижоат билан кирдилар. Ўша жангларда уни сиз кўрмаган лашкарлар — фаришталар билан қўллади. Шундай тадбирлар билан Аллоҳ:

**«Куфр келтирганлар калимасини паст қилди».**

Уларни мағлуб ва хору зор қилди.

**«Аллоҳнинг калимаси эса, ўзи юқори».**

Унинг калимаси доимо юқори бўлади. Сиз Пайғамбарга Табук урушида ва бошқа урушларда ёрдам бермасангиз ҳам, Аллоҳ Ўзи унга ёрдам беради. Чунки:

**«Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли Зотдир».**

Ғолиб — азизлик сифати билан Аллоҳ Ўз Пайғамбарини душман устидан ғолиб қилади. Ҳақимлик сифати ила ҳар бир ишни ҳикмат билан амалга оширади.

أَنْفِرُوا خِفَافًا وَثِقَالًا وَجَاهِدُوا بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٤١﴾

**41. Енгил бўлса ҳам, овир бўлса ҳам, қўзғолингиз ва Аллоҳнинг йўлида молларингиз ва жонларингиз ила жиҳод қилингиз. Агар билсангиз, шу ишингиз ўзингиз учун яхшидир.**

Яъни, умумий сафарбарлик эълон қилингандан кейин ҳамма қўзғалмоғи лозимдир. Мусулмон инсон Аллоҳнинг йўлида молини ҳам,

жонини ҳам қурбон қилишга доим тайёр турмоғи зарурдир. Ана шундагина ўзларига яхши қилган бўладилар.

Мухлис мусулмонлар бу олий маънони тўлиқ тушунган пайтларида «енгил бўлса ҳам, оғир бўлса ҳам», қўзғалганлар. Аллоҳнинг йўлида молларини ва жонларини фидо қилганлар. Ҳамда ваъда қилинган яхшиликка эришганлар. Бутун дунёга етакчи халқ бўлганлар.

Машҳур тафсирчиларимиздан имом Ибн Жарир Тобарий тафсирларида Ҳаййан ибн Зайд ал-Шаржийдан қуйидагиларни ривоят қиладилар: «Сафвон ибн Амр Ҳимс волийси бўлган вақтида умумий сафарбарликка қўзғалдик. Уфсусдан жўнаб, ал-Жарожима томон кетмоқда эдик. Кўзим қариб, букилиб қолган чолга тушди. Қошлари ўсиб кўзини тўсиб қолибди. Дамашқлик экан, муҳожирлар ичида улов миниб бормоқда эди. Олдига бориб:

«Эй амаки, Аллоҳ сизни узрли деган-ку?!» – дедим. У қошларини кўтариб менга қаради-да:

«Эй, биродаримнинг боласи, Аллоҳ биздан енгил бўлса ҳам, оғир бўлса ҳам қўзғалишни талаб қилган. Аллоҳ кимни севса, синаб кўради. Сўнгра, қайтариб яна қўйиб қўяди. Аллоҳ Ўз бандалари ичидан шукр ва зикр қилганларни синайди. Аллоҳдан ўзгага ибодат этмаганларни синайди», – деди.

Шундай тарғибларга ҳам қарамасдан, Табук урушига бормаи қолган мунофиқлар ҳақида кейинги оятда сўз кетади:

لَوْ كَانَ عَرَضًا قَرِيبًا وَسَفَرًا قَاصِدًا لَّاتَّبَعُوكَ وَلَكِنْ بَعَدَتْ عَلَيْهِمُ الشُّقَّةُ  
وَسَيَحْلِفُونَ بِاللَّهِ لَوِ اسْتَطَعْنَا لَخَرَجْنَا مَعَكُمْ يُهْلِكُونَ أَنْفُسَهُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ إِنَّهُمْ  
لَكَاذِبُونَ ﴿٤٢﴾

**42. Агар осон манфаат ва яқин сафар бўлганида, албатта, сенга эргашар эдилар. Лекин уларга масофа узоқ кўринди. Улар тезда Аллоҳ номи билан қасам ичиб: «Агар қодир бўлганимизда, албатта, сиз билан чиқар эдик», – дерлар. Улар ўзларини ҳалок қилурлар. Ҳолбуки, Аллоҳ улар ёлғончи эканларини, албатта, биладир.**

Ушбу ояти каримадан бошлаб мусулмонлар сафига заифлик киришига сабаб бўлганлар, хусусан, мунофиқлар ҳақида сўз кетади. Улар шахсий манфаатларини кўзлаб, мусулмонлар орасига суқилиб олган кимсалар эди. Ўзларини сиртдан мухлис мусулмон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Лекин Табук ғазотига умумий сафар-

барлик эълон қилиниши билан уларнинг сирлари фош бўлиб қолди. Дину диёнат йўлида ҳақиқий машаққат чекиш соати келганда, уларнинг ҳақиқий башаралари очилди. Табук узоқ жой, об-ҳаво иссиқ ва душман кучли бўлганидан қўрқиб, сафарбарликдан қочдилар ва одамларни ҳам бормасликка даъват қилдилар. Бу билан улар сафарбарликдан қочишда ўзлари ёлғизланиб қолмасликларини ҳам ўйлар эдилар. Қанчалик кўп одам қолса, уларнинг айби шунчалик беркиларди.

**«Агар осон манфаат ва яқин сафар бўлганида, албатта, сенга эргашар эдилар».**

Мадийнага яқин жойларда бўлиб ўтган баъзи ғазотларда шундай қилганлар ҳам. Аммо, Табук масаласида эргашмадилар. Чунки:

**«Лекин уларга масофа узоқ кўринди».**

Бу ғазотда осон манфаатга эриша олмасликларига кўзлари етди. Шунинг учун, сенга эргашмадилар. Улар Аллоҳнинг амрига хилофан, сафарбарликдан қолдилар. Қолганда ҳам, дангасалик ва қўрқоқлик қилиб, машаққатдан қочдилар. Аммо, ҳамма қўрқоқ ва заифлар каби ёлғон гапириб, ўзларини оқламоқчи бўлдилар:

**«Улар тезда Аллоҳ номи билан қасам ичиб: «Агар қодир бўлганимизда, албатта, сиз билан чиқар эдик», – дерлар».**

Заиф-қўрқоқларнинг ҳоли шу: ёлғон гапириб, ёлғондан қасам ичиб, кишиларни алдаб мақсадларига етмоқчи бўладилар. Лекин бу ишлари билан:

**«Улар ўзларини ҳалок қилурлар».**

Чунки, ёлғон гап ва ёлғон қасам доимо одамни ҳалокатга олиб келган. Ёлғончи ва қасамхўрга мушкул аҳволдан қутулиб кетишнинг бирдан-бир йўли ёлғон гап ва ёлғон қасам бўлиб кўринади. Лекин бу ишларни Аллоҳ кўриб, эшитиб турибди-ку. Ёлғон, одамни бу дунёда ҳалок қилади, қиёмат кунида шарманда бўлиши эса, турган гап.

**«Ҳолбуки, Аллоҳ улар ёлғончи эканларини, албатта, биладир».**

Шундай экан, қочиб қаерга борар эдилар?

Кейинги оятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга лутф билан улардан баъзиларига изн бериб қўйганлари яхши бўлмагани билдирилади:

عَفَا اللَّهُ عَنْكَ لِمَ أَذِنْتَ لَهُمْ حَتَّىٰ يَتَّبِعَكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَتَعْلَمَ الْكٰذِبِينَ ﴿٤٣﴾

**43. Аллоҳ сени авф қилди. Нима учун уларга то сенга ростгўй бўлганлар равшан бўлмай туриб ва ёлғончиларни билмасингдан туриб, изн бердинг?**



Аллоҳ таоло қилинган нотўғри тасарруфни тилга олишдан олдин: **«Аллоҳ сени афв қилди»**, деб Ўз Пайғамбарига афвни эълон этиб қўйиб, сўнгра сабабини айтмоқда. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мунофиқлардан баъзиларига урушга бормасликка изн бериб қўйган эдилар. Аслида, шошилиб рухсат бергандан кўра, кутиб турганларида яхши бўлар эди. Чунки, изн олганларнинг кимлиги билинмай қолди. Изн бўлмаганда ҳам улар, барибир, сафарбарликдан қолар эдилар. Шунда уларнинг мунофиқлиги ҳаммага ошкор бўларди. Шунинг учун, Аллоҳ Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

**«Нима учун уларга то сенга ростгўй бўлганлар равшан бўлмай туриб ва ёлғончиларни билмасингдан туриб, изн бердинг?»**, – демоқда.

Бу, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ томонидан итобдир.

لَا يَسْتَعِدُّنَا الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أَن يُجَاهِدُوا بِأَمْوَالِهِمْ  
وَأَنْفُسِهِمْ وَاللَّهُ عَلَيْهِمُ بِالْمُتَّقِينَ ﴿٤٤﴾

**44. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар сендан моллари ва жонлари билан жиҳод қилишдан қолишга изн сўрамаслар. Аллоҳ тақводорларни билгувчи Зотдир.**

Яъни, иймони бор кишилар жиҳоддан қолишни ўзлари учун катта камчилик ва бахтсизлик деб биладилар. Чунки, жиҳод ибодат ва қурбат ҳосил қилиш учун қулай фурсатдир.

إِنَّمَا يَسْتَعِدُّنَا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَأَرْتَابَتْ قُلُوبُهُمْ فَهُمْ فِي رَيْبِهِمْ يَتَرَدَّدُونَ ﴿٤٥﴾

**45. Албатта фақат Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиганлар ва қалблари шубҳага тўлганларгина сендан изн сўрарлар. Бас, улар шубҳаларида иккиланаверадилар.**

Жиҳоддан қолишга изн сўрайдиганлар маълум. Улар Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиганлар ва қалблари шак-шубҳага тўлган кимсалардир. Аллоҳга иймони йўқ бўлганидан, Унинг амридан бўйин товлаб, жиҳоддан қолишнинг йўлини ахтарадилар. Охират кунидан умидсиз бўлганидан, жиҳод туфайли келадиган шаҳидлик ёки улкан



савоб уларни қизиқтирмайди. Уларнинг қалблари шак-шубҳага тўлгани учун жиҳод ҳақида ҳам турли гумонларга борадилар. Қандай қилиб бўлса ҳам, жиҳоддан четлаб қолиш пайида бўладилар.

**«Бас, улар шубҳаларида иккиланаверадилар».**

Иккиланиб-иккиланиб, бу дунёю у дунёнинг азобига ботиб қолганларини сезмай қоладилар.

﴿ وَلَوْ أَرَادُوا الْخُرُوجَ لَأَعَدُّوا لَهُ عُدَّةً وَلَكِنَّ كَرِهَ اللَّهُ نِعْمَتَهُمْ فَثَبَّطَهُمْ وَقِيلَ اقْعُدُوا مَعَ الْقَاعِدِينَ ﴾

**46. Агар чиқишни хоҳлаганларида, унга тайёргарлик кўрар эдилар. Лекин Аллоҳ уларнинг ҳаракатланишларини ёқтирмай тутиб қолди. Уларга, ўтирувчилар билан ўтиринглар, деди.**

Ўша иймонсиз мунофиқларда, аслида, жиҳодга чиқиш нияти бўлса, аввалдан тайёргарлик кўриб қўйган бўлар эдилар. Сафарбарлик эълон этилгандан сўнг турли баҳоналар қилиб, жиҳоддан қолишга изн сўраб келишлари, уларнинг жиҳодга чиқиш ниятлари йўқлигидандир. Улар чиқсалар, етарли шарт-шароитлар мавжуд эди. Ораларида Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ва ал-Жадд ибн Қайс каби ўз қавмининг бошлиқлари ва бой-зодагонлари ҳам бор эди.

**«Лекин Аллоҳ уларнинг ҳаракатланишларини ёқтирмай тутиб қолди».**

Чунки, Аллоҳ таоло уларнинг ёмон табиатли мунофиқ эканликларини яхши билади.

Шу сабабдан:

**«Уларга, ўтирувчилар билан ўтиринглар, деди».**

Яъни, мунофиқларга ожизлиги, қарилиги, аёллиги ва болалиги сабабли жиҳодга бормай қоладиганлар билан уйда қолаверинглар, дейилди.

﴿ لَوْ خَرَجُوا فِيكُمْ مَا زَادُوكُمْ إِلَّا خَبَالًا وَلَا تُدْرِكُونَ الْغَنَّةَ فِيكُمْ سَمِعْنَا لَهُمْ مِنَ اللَّهِ عِلْمٌ بِالظَّالِمِينَ ﴾

**47. Агар улар ичингизда чиққанларида ҳам сизга ёмонликдан бошқа нарсани зиёда қилмасдилар, тезлаб орангизга фитна солишга уринардилар. Ҳолбуки, ичингизда уларга қулоқ солувчилар бор эди. Аллоҳ золимларни билгувчи Зотдир.**

Мунофиқлар сиз билан жиҳодга чиққанларида, орангизга фитна солишга уринардилар. Аввалги урушларда шундай бўлган эдику. Уларнинг фитнасига мужоҳидлардан қулоқ соладиганлар ҳам топиларди. Оқибатда мусулмонлар ичида парокандалик юз бериб, сафлари бузилар эди.

**«Аллоҳ золимларни билгувчи Зотдир».**

Шунинг учун, уларга Ўзи билиб тадбир кўради.

لَقَدْ ابْتِغُوا الْفِتْنَةَ مِنْ قَبْلُ وَقَلَّبُوا لَكَ الْأُمُورَ حَتَّىٰ جَاءَ الْحَقُّ وَظَهَرَ أَمْرُ  
اللَّهِ وَهُمْ كَارِهُونَ ﴿٤٨﴾

**48. Батаҳқиқ, бундан аввал ҳам, токи улар ёқтирмасалар-да, ҳақ келиб, Аллоҳнинг иши устун бўлгунича, фитна қўзиб, сенга ишларни ағдар-тўнтар қилишар эди.**

Яъни, мунофиқлар аввалдан фитначи бўлиб келганлар. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнаи Мунавварага келган пайтларида устма-уст фитна қўзғашган. Доимо ишларни остин-устин қилиб бузиб юришган. Аллоҳ имкон бериб, мусулмонлар душманлар устидан ғалаба қозониб, Ислом куч-қувватга эга бўлгандагина, мунофиқлар кўрққанларидан бир оз бўшашиб қолишган эди.

Навбатдаги оятларда мунофиқларнинг қилмишларидан намуналар келтирилади:

وَمِنْهُمْ مَّنْ يَقُولُ أَسْأَلُ اللَّهَ بِإِذْنِي وَلَا تَنْفِيءِي ۖ أَلَا فِي الْفِتْنَةِ سَقَطُوا وَإِنَّ جَهَنَّمَ  
لَمُحِيطَةٌ بِالْكَافِرِينَ ﴿٤٩﴾

**49. Улардан: «Менга изн бер, мени фитнага солма», дейдигани ҳам бор. Ажабо, улар фитнага тушмадиларми? Албатта, жаҳаннам кофирларни ўраб олгувчидир.**

Ушбу ояти кариманинг сабаби нузули ҳақида Муҳаммад ибн Исҳоқ қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни жангга ҳозирлик кўра туриб (Табук жангига) Жаҳд ибн Қайсга:

«Эй Жаҳд, Бани Асфарга (яъни, румликларга) қарши курашга тайёрмисан?» – дедилар. У бўлса:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менга изн бер, мени фитнага солма. Аллоҳга қасамки, қавмим яхши билади. Мендан кўра хотинларга ўч

одам йўқ. Мен Бани Асфар (сариклар)нинг хотинларини кўрсам, чидай олмайман, деб қўрқаман», – деди. Шунда Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан юз ўтирдилар ва:

«Сенга изн бердим», – дедилар. Бу оят Жадд ибн Қайс ҳақида нозил бўлган».

Мунофиқлар доимо кутилмаган баҳоналарни топиш билан машҳурлар. Мана, уларнинг битта вакили Жадд ибн Қайс, йўқ ердан баҳона топиб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Менга изн бер. Мени фитнага солма», деб турибди. Худди жиҳодга борса, фитнага учрайди-ю, бормай қолса, сақланиб қоладигандек. Лекин, аслини олганда, жиҳодга бормай қолишининг ўзи фитнадир.

**«Ажабо, улар фитнага тушмадиларми?»**

Яъни, айтаётган гапларини қаранг. Ажабо, улар жиҳодга бормай қолишлари билан фитнага тушмадиларми? Ҳа, уларнинг ҳақиқий фитнага тушишлари жиҳодга бормай қолишларидир. Чунки, худди шу сабабдан жаҳаннамга ўтин бўладилар.

**«Албатта, жаҳаннам кофирларни ўраб олгувчидир».**

Уларнинг бошқа кирдикорлари ҳам кўп.

Масалан:

إِنْ تُصِيبَكَ حَسَنَةٌ تَسُؤْهُمْ وَإِنْ تُصِيبَكَ مُصِيبَةٌ يَقُولُوا قَدْ أَخَذْنَا  
أَمْرًا مِنْ قَبْلُ وَيَتَوَلَّوْا وَهُمْ فَرِحُونَ

**50. Агар сенга яхшилик етса, уларни хафа қиладир. Агар сенга мусийбат етса: «Олдиндан ишнинг олдини олган эдик», – деб хурсанд бўлиб юз ўгириб кетарлар.**

Мунофиқлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмонларга яхшилик етишини кўра олмайдилар. Аҳли Исломга етган яхшилик мунофиқлар учун мусийбатдир.

**«Агар сенга яхшилик етса, уларни хафа қиладир».**

Аммо, аҳли Исломга мусийбат етса, мунофиқлар хурсанд бўладилар.

**«Агар сенга мусийбат етса: «Олдиндан ишнинг олдини олган эдик», – деб хурсанд бўлиб юз ўгириб кетарлар».**

Яхшиям уларга қўшилмаганимиз, уларнинг гапига кирмай, ишнинг олдини олган эканмиз, соғ-саломат қолдик, дейишади. Чунки, улар ҳодисаларга сиртдан, беш кунлик дунёнинг ўткинчи матоҳи юзасидан баҳо берадилар. Ҳар бир қийинчилик ва машаққатни ёмонлик деб ўйлайдилар. Шундай ҳолга сабабчи ишлардан четлаб

қолишни муваффақият деб биладилар. Мухлис мусулмон киши эса, ҳар бир нарса Аллоҳнинг иродасига боғлиқ эканлигига қаттиқ ишонган ҳолда, ажру савобдан умидвор бўлиб, қўрқмасдан ҳаракатини қилаверади.

Келаси оятда худди шу маънодаги гапни мунофиқларга жавоб тариқасида айтиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга топширилмоқда:

قُلْ لَنْ يُصِيبَنَا إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَنَا هُوَ مَوْلَانَا وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ  
 الْمُؤْمِنُونَ ﴿٥١﴾

**51. Сен: «Бизга Аллоҳ ёзиб қўйган нарсадан ўзгаси зинҳор етмайди. У бизнинг хоҷамиздир. Мўминлар Аллоҳгагина таваккал қилсинлар», – деб айт.**

Яъни, бизга нима етса ҳам, Аллоҳдан етади. Аллоҳ таоло бизга нимани битган бўлса, ўшани кўрамиз. Аммо, оқибатимиз яхши бўлиши, Аллоҳ бизга ғалабани ёзиб қўйгани ойдек равшан. Ўша ғалабага эришиш йўлида дуч келинадиган қийинчилик ва машаққатлар бизни ютуқларга элгувчи воситалардир. Шу тарзда Аллоҳ бизни синаб кўради.

**«У бизнинг хоҷамиздир».**

У бизга доимо ёрдам беради. У бизни доимо Ўзи сақлайди.

**«Мўминлар Аллоҳгагина таваккал қилсинлар».**

Ҳа, улар фақатгина Аллоҳнинг Ўзигагина суянсинлар. Аллоҳнинг қазою қадарига ишонин ва Унга таваккал қилиш тайёргарлик ва ҳаракатга зид эмас. Балки, Аллоҳнинг амрини бажо келтиришдир. Аллоҳнинг амрини бажармаган ва ҳаракат қилмаганлар ҳеч қачон таваккал қилмаган (суянмаган) бўладилар.

قُلْ هَلْ تَرَبَّصُونَ بِنَا إِلَّا إِحْدَى الْحُسَيْنَيْنِ وَنَحْنُ نَتَرَبَّصُ بِكُمْ أَنْ يُصِيبَكُمْ  
 اللَّهُ بِعَذَابٍ مِّنْ عِنْدِهِ أَوْ بَأْيِدِنَا فَتَرَبَّصُوا إِنَّمَعَكُمْ مُّتَرَبَّصُونَ ﴿٥٢﴾

**52. Сен: «Сиз биз учун фақат икки яхшиликдан бирини кутмоқдасиз, холос. Биз эса, Аллоҳ сизни Ўз ҳузурда бўладиган ёки бизнинг қўлимиздан етадиган азобга дучор қилишини кутмоқдамиз. Бас, кутаверинглар, биз ҳам сизлар билан бирга кутувчилармиз», – деб айт.**

Жиҳодга бормай қолган мунофиқлар жиҳодга кетган мусулмонлар учун икки нарсадан бирини кутадилар, холос.

**«Сиз биз учун фақат икки яхшиликдан бирини кутмоқдасиз, холос».**

Ўша икки нарса ҳам мусулмон учун яхшиликдир. Улардан бири — мусулмон инсоннинг олий мақсади — Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиб шаҳид бўлишдир. Иккинчиси эса — урушда ғолиб келишдир.

**«Биз эса, Аллоҳ сизни Ўз ҳузурида бўладиган ёки бизнинг қўлимиздан етадиган азобга дучор қилишини кутмоқдамиз».**

Аммо, мусулмон киши жиҳоддан қочиб қолган мунофиқ учун икки ёмон ҳолатни кутади. Биринчиси — мунофиқлиги туфайли, жиҳоддан қочгани учун Аллоҳ томонидан бериладиган азоб. Иккинчиси — Аллоҳнинг мусулмонларга амр қилиб, мунофиқ ва кофирларни ўлдиришидир.

Демак, иш шундай экан, кутиш керак. Оқибат маълум.

**«Бас, кутаверинглар, биз ҳам сизлар билан бирга кутувчилармиз».**

Мунофиқлар сиз ҳам, кабоб ҳам куймайдиган қилиб, тарозининг оғир босган палласига ўтиб оладиган оғмачилардир. Табук ғазотига тайёргарлик кўриш жараёнида, унга жўнашдан олдин ҳам улардан баъзилари бу ишларни қилмоқчи бўлдилар. Жиҳодга бормаслик учун турли баҳоналарни топиш билан бирга, молу дунё беришни ваъда қилдилар. Яъни, жонимиз билан жиҳодга узрли бўлиб қолдик, аммо молимиз билан жиҳодга тайёرمىз, демоқчи бўлдилар. Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга уларнинг бу таклифлари раддига қуйидагиларни айтишни буюрди:

قُلْ أَنْفِقُوا طَوْعًا أَوْ كَرْهًا لَنْ يُنْقَبَلَ مِنْكُمْ<sup>وَص</sup> إِنَّكُمْ كُنْتُمْ قَوْمًا فَاسِقِينَ ﴿٥٣﴾

**53. Хоҳлаб ёки хоҳламай нафақа қилаверинглар. Сиздан зинҳор қабул қилинмас. Сизлар, шубҳасиз, фосиқ қавм бўлдингиз.**

Яъни, эй мунофиқлар, хоҳ мажбуран, хоҳ ихтиёрий равишда, савоб учун деб, сарф-ҳаражат қилаверинглар. Аммо, зинҳор сиздан бу хайру эҳсон қабул қилинмайди. Чунки:

**«Сизлар, шубҳасиз, фосиқ қавм бўлдингиз».**

Дин чизган чегарадан чиққан қавм бўлдингиз.

Кейинги оятда уларнинг садақалари нима учун қабул бўлмаслиги баён қилинади:

وَمَا مَنَعَهُمْ أَنْ تُقْبَلَ مِنْهُمْ نَفَقَتُهُمْ إِلَّا أَنَّهُمْ كَفَرُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ۗ وَلَا يَأْتُونَ  
الصَّلَاةَ إِلَّا وَهُمْ كُسَالَىٰ وَلَا يُنْفِقُونَ إِلَّا وَهُمْ كَرِهُونَ ﴿٥٥﴾

**54. Уларнинг нафақаларининг қабул этилишидан ман қилган нарса фақат Аллоҳга ва Унинг Расулига куфр келтирганлари, намозга доимо дангаса ҳолларида келганлари ва доимо ёқтирмай инфоқ қилганларидир.**

Мунофиқлар қилган нафақа қабул бўлмаслигининг учта бош сабаби бор экан. Биринчиси:

**«Аллоҳга ва Унинг Расулига куфр келтирганлари».**

Ислом қоидаси бўйича Аллоҳга ва Унинг Расулига иймони йўқ кишининг ҳеч қандай яхши амали қабул қилинмайди. Унга савоб берилмайди. Яхши амалларнинг қабул қилиниши, уларга савоб берилишининг асосий шарти иймондир. Мунофиқлар сиртларидан мусулмонга ўхшасалар ҳам, ичларида кофирдирлар. Шунинг учун, нафақалари қабул бўлмайди.

Иккинчиси:

**«намозга доимо дангаса ҳолларида келганлари».**

Чунки, аслида, уларнинг қалбида намозга ихлос йўқ. Худо учун эмас, балки мусулмонларга ўзини диңдор қилиб кўрсатиш учунгина, хўжақўрсинга намоз ўқийдилар. Ўша ҳолда ҳам доимо дангасалик билан намоз ўқийдилар. Бу энг ёмон сифатлардан бўлиб, улардан садақа қабул қилинмаслиги турган гап.

Учинчиси:

**«...доимо ёқтирмай инфоқ қилганларидир».**

Улар, аслида, хайру эҳсонга ҳам ихлоси йўқ кишилардир. Лекин мунофиқлик билан эҳсон қиладилар. Қачон эҳсон қилсалар, ёқтирмай, ноилождан қиладилар. Албатта, бундай ҳолда берилган нафақа қабул бўлмайди.

Мунофиқлар молу дунёли, фарзандлари кўп ва қавмлари орасида обрў-эътиборли кишилар эди. Аллоҳ таоло Пайғамбарига уларнинг бу жиҳатларидан ажабланмасликка ва ҳавас қилмасликка буюрмақда:

فَلَا تُعْجِبْكَ أَمْوَالُهُمْ وَلَا أَوْلَادُهُمْ إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُعَذِّبَهُمْ بِهَا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا  
وَيَزْهَقَ أَنْفُسَهُمْ وَهُمْ كَانِفُونَ ﴿٥٥﴾

**55. Уларнинг моллари ва болалари сени ажаблантирмасин. Аслида, Аллоҳ ўша нарсалар сабабли уларни ҳаёти дунёда**

**азоблашни ва кофир ҳолларида жонлари чиқишини хоҳлайди, холос.**

Кофирлар ва мунофиқлардаги мавжуд молу дунёлар, фарзандлар, мансаб ва обрўлар мусулмонларнинг ҳавасини келтирмаслиги керак. Чунки, берилган молу дунёга, фарзандларга ва бошқа им-тиёзларга шукр қилмаслик, Аллоҳнинг розилиги йўлида ишлатмаслик уларни бошга етган балога айлантиради. Мунофиқлар худди ўша ҳолга гирифтордирлар. Уларга молу дунё ва кўп фарзандлар бериш билан, яъни:

**«Аслида, Аллоҳ ўша нарсалар сабабли уларни ҳаёти дунёда азоблашни»** истайди.

Уларнинг тўплаган моллари бошларига бало бўлади. Қаерга сарф қилсалар, ўша ердан кўнгилсизлик етади. Эркатоё, беодоб фарзандлари ҳам етти ухлаб тушларига кирмаган мусийбатларни келтириб чиқаришади. Булар билан Аллоҳ уларнинг:

**«...кофир ҳолларида жонлари чиқишини хоҳлайди, холос».**

Яъни, молу дунё ва фарзанд ташвишида тавба қилмай, бу дунёда кофирликларича ўтиб, у дунёда ҳақиқий азобга гирифтор бўладилар.

وَيَحْلِفُونَ بِاللَّهِ إِنَّهُمْ لَمِنكُمْ وَمَا هُمْ مِنْكُمْ وَلَكِنَّهُمْ قَوْمٌ يَفْرُقُونَ ﴿٥٦﴾

**56. Улар ўзлари, албатта, сиздан эканликларига Аллоҳ номила қасам ичарлар. Ҳолбуки, улар сиздан эмас. Лекин улар қўрқадиган қавмдирлар.**

Мунофиқлар сиртларидан ўзларини мусулмон қилиб кўрсатадилар, шунинг учун ҳам, Аллоҳ номи билан қасам ичиб, ҳақиқий мусулмонларданмиз, демоқчи бўладилар. Ҳолбуки, улар сиздан эмаслар. Лекин сиздан қўрққанларидан ўзларини мусулмон қилиб кўрсатишга уринадилар.

لَوْ يَجِدُونَ مَلْجَأً أَوْ مَغْرَبَاتٍ أَوْ مُدْخَلًا لَّوَلُوا إِلَيْهِ وَهُمْ يَجْمَحُونَ ﴿٥٧﴾

**57. Агар бирор бошпаноҳми, форми ёки кириб оладиган жойми топсалар, шошилиб ўша томонга юзланарлар.**

Мунофиқларнинг мунофиқ бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳам уларнинг қўрқоқликларидир. Уларга жон ширин туюлиб, ҳамма нарсадан қўрқиб, доимо ўзларини панага олиб юрадилар. Қаердан паноҳ топсалар, ўша ерга жойлашадилар. Бошпаноҳ берганга маъқул тўнни киядилар. Унга мослашадилар.



وَمِنْهُمْ مَنْ يَلْمِزُكَ فِي الصَّدَقَاتِ فَإِنْ أُعْطُوا مِنْهَا رَضُوا وَإِنْ لَمْ يُعْطُوا مِنْهَا إِذَا هُمْ  
يَسْتَخْطُونَ

**58. Улардан садақалар ишида сенга айб қўядиганлари ҳам бор. Агар ўша садақалардан уларга берилса, улар рози бўларлар. Агар берилмаса, кўрибсанки, ғазабланарлар.**

Баъзи мунофиқлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга садақаларни тақсимлаш масаласида очиқдан-очиқ таъналар қилганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламни адолатсизликда айблаганлар.

Мунофиқларнинг Исломи ва мусулмонларга зарар етказиш услубларидан бири ҳам мусулмон раҳбарларни садақаларни адолатли тақсимламасликда айблашдир. Ҳамма одамда молу дунёга қизиқиш бўлади. Кўпчилик орасида фитна қўзишнинг энг осон йўли — молу дунё ҳақида жанжал чиқаришдир. Буни яхши билган мунофиқлар ҳеч ўйлаб ўтирмай садақа тақсимловчини адолатсизликда айблашга ўтадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларида бўлиб ўтган айрим ҳодисалар бу ҳолни тасдиқлайди. Имом Бухорий розияллоҳу анҳу Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисга назар солайлик:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам садақаларни тақсимлаб турганларида, бирдан Зул Ҳувайсир ат-Тамимий келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, адолат қил», — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шўринг қурсин. Мен адолат қилмасам, ким адолат қилади?!» — дедилар. Шунда. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу:

«Менга изн беринг, унинг бўйнидан чопай», — дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Майли, қўявер. Унинг шериклари бор, уларнинг намозининг олдида сиз ўз намозингизни, рўзалари олдида рўзангизни арзиманган санайсиз. Аммо, диндан худди ўқ камондан чиққандек тез чиқадилар», — дедилар».

Эътибор берадиган бўлсак, Зул Ҳувайсир ат-Тамимий кела солиб, ҳеч нарсани суриштирмай турибоқ, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламни адолатсизликда айблай бошлаган. Нима адолатсизлик, қачон ва қай тариқа, кимга нисбатан, қанча миқдорда, деган саволларга жавоб йўқ. Садақа борми, бор. Тақсимлаш бўлдими, бўлди. Демак, адолатсизлик бўлиши турган гап, деган тушунчага бориб, воқеликни

ўз қаричи билан ўлчаб, тухматни қилаверган. Мунофиқлар ўзлари доимо адолатсизлик қилиб юрганлари учун, бошқалар ҳам шундай қилса керак, деган фикрдалар. Бўлмаса, кимга таъна қилаётганини ўйламайдими? Аллоҳнинг Расулига-я! Бутун дунёда адолат ўрнатиш учун юборилган зотга-я! Шунинг учун ҳам, унга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шўринг қурсин. Мен адолат қилмасам, ким адолат қилади?!» — дедилар».

Ўша бетамиз мунофиқнинг бемаънилиги шу даражада оғир эдики, воқеага гувоҳ бўлган саҳобалар уни, ўлдирса бўлаверадиган гуноҳ қилди, деб тушундилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: «Менга изн беринг, унинг бўйнидан чопай», — дедилар.

Иккинчи бир ривоятда ҳам худди шу ҳолни кўрамиз.

Ибн Мурдавайх ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхундан қилган ривоятда шундай дейилади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳунайн ғазотида тушган ўлжаларни тақсимлаб турганларида, бир одамнинг:

«Бу тақсимлаш Аллоҳ учун бўлмади», деганини эшитдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бориб, у гапни етказган эдим, у киши: «Мусога Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, бундан кўпроқ озорларга ҳам сабр қилган», — дедилар».

Бу ҳолда ҳам қуруқ тухмат. На далил бор, на ҳужжат. Қуруқ даъво, аввал айтганимиздек, ўлжа бериш борми, бор, тақсимлаш борми, бор. Демак, адолатсизлик ҳам бор, деган тахмин асосида қилинган тухмат. Бундай тухматларнинг асосий сабаби ояти каримнинг ўзида баён қилинади:

**«Агар ўша садақалардан уларга берилса, улар рози бўларлар».**

Мунофиқларга ўша молу дунёдан тегса бўлди, уларга манфаат етса бўлди, ҳаммаёқ адолатга тўлган бўлади. Аммо:

**«Агар берилмаса, кўрибсанки, вазабланарлар».**

Ҳамма ёққа ифво, бўҳтон тарқатадилар. Уларнинг фикрича, адолат ўзларининг шахсий манфаатларидан иборатдир.

وَلَوْ أَنَّهُمْ رَضُوا مَا آتَاهُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَقَالُوا حَسْبُنَا اللَّهُ سَيُؤْتِينَا اللَّهُ مِنْ

فَضْلِهِ وَرَسُولُهُ إِنَّا إِلَى اللَّهِ رَاغِبُونَ

**59. Агар Аллоҳ ва Унинг Расули уларга берган нарсаларидан рози бўлганларида ва Аллоҳ бизга кифоя қилур, бизга тезда Аллоҳ**

**ва Унинг Расули ўз фазлидан беради, албатта, биз Аллоҳга рағбат қилувчилармиз, деганларида, яхши бўларди.**

Бундай дейишлик юқори одоб намунасидир. Аллоҳ ва Унинг Расули нима берса, шунга чин қалбдан рози бўлиш иймоннинг талабидир. Мўмин-муслмон дилидагина рози бўлиб қўявермай, уни тилига ҳам чиқариб айтади. Келажақда ҳам доимо Аллоҳнинг Ўзигагина рағбат қилишни таъкидлаб айтади.

Аммо, мунофиқлар ундоқ қилмадилар. Аллоҳнинг Расули берган нарсани оз ҳисобладилар. У зот қилган тақсимни адолатсиз тақсим ҳисобладилар. Бу борада Аллоҳнинг Расулига очиқ-ойдин таъна тоши отишгача бориб етдилар. Ҳолбуки, садақаларни Аллоҳнинг Расули ўзларича тақсим қилмаган эдилар.

Аслида, садақаларни бўлишни ҳам Аллоҳ Ўз зиммасига олгандир:

﴿ إِنَّمَا الصَّدَقَتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَمِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤَلَّفَةِ قُلُوبِهِمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغُرَمِينَ وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَبْنِ السَّبِيلِ فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴾

**60. Албатта, садақалар фақирларга, мискинларга, садақа ишида ишловчиларга, кўнгилларини улфат қилинадиганларга, қул озод қилишга, қарздорларга, Аллоҳнинг йўлига ва йўл ўғлиларига берилиши Аллоҳ томонидан фарз қилингандир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир.**

«Садақалар» деганда «закот» назарда тутилгандир. Бу ояти карима Аллоҳ таоло бойларга, яъни, моли нисобга етган муслмонларга фарз қилган закотга кимлар ҳақли эканлигини баён қилади. Демак, садақаларни ҳар ким ҳам олавермайди, балки Аллоҳ таоло Ўзи тайинлаган кишиларгина оладилар. Бошқаларга закот олиш ҳаромдир. Закотга ҳақдор тоифалар ушбу ояти каримага асосан саккизтадир:

Биринчи тоифа:

«**фақирлар**» — бир оз молга эга-ю, лекин мулки закот берадиган даражада нисобга етмаган камбағал одам.

Иккинчи тоифа:

«**мискинлар**» — ҳеч нарсаси йўқ, жуда ҳам камбағал одам.

Учинчи тоифа:

«**садақа ишида ишловчилар**» — уларни «Омили закот» дейилади. Ислом давлатида закот ҳукумат томонидан йиғилади. Закот йиғиш ва унга боғлиқ бошқа ишларни бажариш учун ҳукумат қўйган одам

«Омили закот» бўлади. Ана ўша ишда ишловчиларнинг маоши ҳам закотдан берилади.

Тўртинчи тоифа:

**«кўнгилларини улфат қилинадиганлар».**

Яъни, баъзи кишиларнинг кўнгилларини Исломга мойил қилиш учун ҳам закотдан тушган молдан берилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи одамларга, Исломга кириб қолса ажаб эмас, деган маънода ҳам закот улашганлар. Исломга янги кирган баъзи кишиларга улар динда собит қолсинлар учун, кўнгилларини Исломга янада қизиқтириш учун закотдан берилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Уйайна ибн Хисн, Акраъ ибн Ҳобис ва Аббос ибн Мирдас ал-Силмийларга шу маънода закотдан берганлари маълум. Яна баъзи кишилар борки, закотдан олсалар, Исломга, мусулмонларга ёмонлик қилмай турадилар, ўшаларга ҳам, тўғри деб топилса, закотдан берилади. Кўпчилик уламолар, жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари бу тоифадаги одамларга ҳозир закот тақсим этилмайди, деганлар. Замондош уламоларимиздан баъзилари бу фикрни айтган улуғларимиз даврида Ислом қувватли бўлиб, кишиларнинг қалбларини мойил қилишга ҳожат йўқ, деган фикрга келганлар, аммо ҳозир вазият ўзгарди, шунинг учун, бу тоифадагилар закотдан олса жоиз, дейдилар.

Бешинчи тоифа:

**«қул озод қилишга»** – маълумки, ушбу оят нозил бўлган пайтда дунёда қулдорлик тузуми мавжуд эди. Ислом қулдорликка қарши кураш бошлади. Турли услублар билан инсонларни қулликдан озод қилиш чораларини кўрди. Жумладан, бу ишни ибодат даражасига кўтарди. Закот молиявий ибодат ҳисобланиб, Исломнинг беш рукнидан биридир. Бой мусулмонлардан йиғилган закотдан бир қисмини қул озод этиш ишига сарфлашга амр қилинди. Хусусан, закот қулларнинг «мукотаб» деб номланадиган турига бериладиган бўлди. Қул одам ўз хожаси билан маълум миқдор мол эвазига озод бўлишга келишса, бунга «мукотаб» дейилади. Демак, ўша мукотабга озод бўлиши учун келишилган молни тўлашга ёрдам тариқасида закотдан берилади.

Олтинчи тоифа:

**«қарздорларга»** – турли сабабларга кўра қарз бўлиб қолган одамга қарзини узиш учун ёрдам тариқасида закотдан берилади.

Еттинчи тоифа:

**«Аллоҳнинг йўлига»** – энг аввало, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилаётганларни, қолаверса, дину диёнат, мусулмонлар оммаси фойдаси учун бўладиган ишларни ичига олади.

Саккизинчи тоифа:

«Йўл ўғли» — яъни, сафарда, ватанидан узоқда оғир иқтисодий ҳолга тушиб қолган шахс, гарчи ўз юртида бой бўлса ҳам, ночор аҳволига кўра, закот олишга ҳақдор бўлади.

Ушбу саккиз тоифадан бошқаларга закот бериб бўлмайди. Агар берилса, закот ўрнига ўтмайди. Олган учун ҳам ҳаром бўлади.

Баъзи кишилар ўйлаганидек, закот олиш тиланчилик эмас, закот бериш тиланчини рози қилиш ҳам эмас, балки Аллоҳ буюрган молиявий ибодатдир. Закот бой шахснинг бўйнидаги фарзидир. У закотни «Ма, ол, ялангоёқ» қабилида эмас, такаббурлик ҳолида эмас, аксинча, тавозуъ билан, олувчига ширин муомала қилиб, раҳмат айтиб бериши керак. Олувчи ҳам тиланчидек эмас, балки Аллоҳ ажратиб берган ҳақни олаётгандек ҳис этиб олиши керак.

Мунофиқларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни садақаларни тақсимлашда айблашлари ноўрин эканини баён қилиб, садақа — закотни тақсимлаш қоидаси тушунтирилганидан кейин, яна мунофиқлар ва уларнинг кирдикорлари ҳақидаги сўз давом этади:

وَمِنْهُمْ الَّذِينَ يُؤْذُونَ النَّبِيَّ وَيَقُولُونَ هُوَ أذنٌ قُلٌّ أذنٌ خَيْرٌ لَكُمْ يَوْمَئِذٍ  
بِاللَّهِ وَيَوْمَئِذٍ لِلْمُؤْمِنِينَ وَرَحْمَةٌ لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ يُؤْذُونَ رَسُولَ اللَّهِ لَهُمْ  
عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٦١﴾

**61. Улардан Пайғамбарга озор берадиган ва: «У қулоқдир» дейдиганлар бор. «Сизга яхшилик нарсаларга қулоқдир. Аллоҳга иймон келтирадир, мўминларга ишонадир, сизлардан иймон келтирганларга раҳматдир. Аллоҳнинг Расулига озор берадиганларга аламли азоб бордир», — деб айт.**

Улуғ одоб ва ахлоқ соҳиби бўлмиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамма билан яхши муомалада бўлардилар. Ҳамманинг дардига қулоқ осар эдилар. Ким у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сўзлашса, унинг гапини эътибор билан тинглардилар. Мунофиқлар бу юксак одоб намунасидан ҳам эгри хулоса чиқариб, моғор босган қалблари ҳиқду ҳасадага тўлиб, фитна гап ўйлаб чиқардилар. Мазкур олий инсоний гўзалликни камчиликка йўйдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга «қулоқ» деб лақаб қўйдилар. Яъни, нима гапирилса, эшитаверади, ёлғон гапирасанми, алдайсанми, масхара қиласанми, фарқига бормайди, дейишди.

Оятда Аллоҳ таоло уларнинг бу кирдикорларини фош этмоқда:  
**«Улардан Пайғамбарга озор берадиган ва: «У қулоқдир» дейдиганлар бор».**

Айни чоғда, Аллоҳ таоло уларнинг беодобликларига қандай жавоб беришни ҳам Ўз Пайғамбарига ўргатмоқда:

**«Сизга яхшилик нарсаларга қулоқдир».**

Яъни, ҳа, у қулоқдир, лекин сизларга яхшилик бўладиган нарсаларга қулоқдир. У ўзига келган ваҳийга, Қуръонга қулоқ осади, бу эса, фақат яхшилик, сизларга яхшиликдир. Шунингдек, у сизларнинг гапингизга ҳам яхши қулоқ осувчидир. Аммо, у фақат қулоқ солиш сифатигагина эга эмас. Бошқа олий сифатлари ҳам жуда кўп. Жумладан у:

**«Аллоҳга иймон келтирадир».**

Бу энг олий сифатдир. Барча яхши сифатларнинг онасидир.

**«Мўминларга ишонадир».**

Улардан кўнгли тўқ, чунки уларни иймонлари фақат яхши йўлга бошлайди. Сиз мунофиқларга ўхшаб доимо фитна қўзғаш билан машғул бўлмайдилар. Яна у:

**«Сизлардан иймон келтирганларга раҳматдир».**

У барча оламларга раҳматдир. Айниқса, иймон келтирганларга раҳматдир. Уларни икки дунё саодатига бошлайди.

Шундай сифатларга эга бўлган Пайғамбарни доимо эъзозлаш, эҳтиром қилиш, улуғлаш лозим. Сиз бўлса, унга озор бериб юрибсиз.

**«Аллоҳнинг Расулига озор берадиганларга аламли азоб бордир».**

Кейинги оятда мунофиқларнинг яна бир қабих сифати ҳақида хабар берилади:

يَخْلِفُونَ بِاللَّهِ لَكُمْ لِيَرْضَوْكُمْ وَاللَّهُ وَرَسُولُهُ أَحَقُّ أَنْ يُرْضَوْهُ إِنْ كَانُوا مُؤْمِنِينَ

**62. Улар сизларни рози қилиш учун Аллоҳнинг номи ила қасам ичарлар. Агар мўмин бўлсалар, Аллоҳни ва Унинг Расулини рози қилмоқлари ҳақли эди.**

Мунофиқларнинг машҳур қабих сифатларидан бири — одамларни рози қилиш учун Аллоҳнинг номи ила қасам ичишларидир.

**«Улар сизларни рози қилиш учун Аллоҳнинг номи ила қасам ичарлар».**

Одатда, мунофиқлар ҳар қандай шароитга тезда мослашиб, нима қилиб бўлса ҳам, вазиятдан қутулиб чиқишга уринадилар. Киши-

лардаги иймон ва диёнат туйғуларини қўзғотиб, уларни ишонтириб, вазиятдан қутулиш учун Аллоҳнинг номи билан қасам ҳам ичаверадилар. Мақсадлари — одамларни рози қилиш.

**«Агар мўмин бўлсалар, Аллоҳни ва Унинг Расулини рози қилмоқлари ҳақли эди».**

Ҳа агар улар ҳақиқий мўминлар бўлганларида, ҳар бир ишни Аллоҳнинг ва Пайғамбарнинг розилиги учун қилардилар.

أَلَمْ يَعْلَمُوا أَنَّهُمْ مِنْ يُحَادِدِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ فَأَبَتْ لَهُمْ نَارَ جَهَنَّمَ خَالِدًا فِيهَا ذَلِكَ  
الْخِزْيُ الْعَظِيمُ ﴿٦٣﴾

**63. Улар кимки Аллоҳга ва Унинг Расулига хилоф қилса, албатта, унга жаҳаннам оташ бўлиб, унда абадий қолишини, ана шу катта шармандалик эканлигини билмасларми?!**

Яъни, бу ҳаммага маълум ҳақиқат-ку! Наҳотки, мунофиқлар шуни ҳам билмасалар? Агар билсалар, мунофиқ бўлмасликлари, Аллоҳ ва Унинг Расули буйруқларига хилоф иш қилмасликлари керак эди.

يَحْذَرُ الْمُنْفِقُونَ أَنْ نُنزَلَ عَلَيْهِمْ سُورَةً تُنَبِّئُهُمْ بِمَا فِي قُلُوبِهِمْ قُلِ اسْتَزِرُوا  
إِنَّ اللَّهَ مُخْرِجٌ مِمَّا تَحْذَرُونَ ﴿٦٤﴾

**64. Мунофиқлар уларга қалбларидаги нарсанинг хабарини берадиган сура нозил бўлишидан қўрқарлар. Сен: «Истеҳзо қилаверинглар, албатта, Аллоҳ сиз қўрқаётган нарсани чиқаргувчидир», — деб айт.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида яшаган мунофиқлар ҳар доим мусулмонлар билан бирга юрганларидан, нозил бўлаётган оятлар ва суралардан хабардор эдилар. Улар баъзи вақтларда сура нозил бўлиб, ҳеч ким билмайдиган яширин ишлар ҳам фош қилинаётганининг жонли гувоҳи эдилар. Ўзлари мунофиқлик қилиб, яширин гаплар айтиб ёки дилларида Исломга, мусулмонларга қарши ўй-фикрларни тугиб юришар эди. Аммо, бирон сура нозил бўлиб, қалбимиздаги сирни очиб қўймаса эди деб, қўрқардилар ҳам.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло уларнинг мазкур ҳолатларини баён қилиб:

**«Мунофиқлар уларга қалбларидаги нарсанинг хабарини берадиган сура нозил бўлишидан қўрқадилар»,** демоқда.



Бу уларнинг доимий хавфсираб юришларини акс эттиради. Мунофиқнинг ичи бошқа, таши бошқа бўлади: доимо фитнани қўзиб қўяди-да, сўнг ўзи қўрқиб юради. Аммо, бу кирдикорлари, барибир, вақти-соати келиб фош бўлиши турган гап. Бу ҳақиқатни оятнинг давомидан англаймиз. Унда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

**«Истеҳзо қилаверинглар, албатта, Аллоҳ сиз қўрқаётган нарса ни чиқарувчидир, – деб айт», –**демоқда.

Улар қўрқаётган нарса қалбларида Исломга ва мусулмонларга нисбатан яширилган ёмонликдир. Ана ўша нарсани, улар ҳар қанча яширсалар ҳам, Аллоҳ таоло пайти келганда юзага чиқарувчидир. Мунофиқлар ўз нифоқларини ҳар қанча яшириб ўзларини мухлис мусулмон этиб кўрсатишга жон-жаҳдлари ила тиришсалар ҳам, дардни иситмаси ошкор қилади, деганларидек, ҳаётда учраб турагиган синов ҳодисалари туфайли уларнинг мунофиқликлари тезда фош бўлиб қолади.

وَلَمَّا سَأَلْتَهُمْ لَيَقُولُنَّ إِنَّمَا كُنَّا نَخُوضُ وَنَلْعَبُ قُلْ أَبِاللَّهِ وَءَايَاتِهِ وَرَسُولِهِ  
كُنْتُمْ تَسْتَهْزِءُونَ ﴿٦٥﴾

**65. Агар улардан сўрасанг, албатта: «Биз фақат ўзимизча гап қилиб ўйнаётган эдик, холос», – дейишади. Сен: «Аллоҳни ва Унинг оятларини истеҳзо қилаётган эдингизми?» – деб айт.**

Яъни, агар мунофиқлардан ўша истеҳзо қилиб айтган гаплари ҳақида сўрасанг, улар, биз ҳеч нарса деганимиз йўқ, фақат шундай, ўзимизча гаплашдик, ўйнашдик, холос, дейдилар. Сен уларга ҳақиқатни айт:

**«Аллоҳни ва Унинг оятларини истеҳзо қилаётган эдингизми?»**

Чунки, уларнинг қилмишлари шундан иборат. Келаси оятда мунофиқларга хитобан айтиладики:

لَا تَعْنَدُوا قَدْ كَفَرْتُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ إِنَّ نَعْفَ عَنْ طَائِفَةٍ مِّنْكُمْ يُغَدِّبُ طَائِفَةٌ بَأْسَهُمْ  
كَانُوا مُجْرِمِينَ ﴿٦٦﴾

**66. Узр айтманглар. Батаҳқиқ, иймонингиздан кейин куфр келтирдингиз. Агар сиздан бир тоифани афв этсак, бошқа тоифани жиноятчи бўлганлари учун азоблаймиз.**

Сиз қилар ишни қилиб қўйиб, узр айтишингиздан фойда йўқ. Иймон келтиргандан сўнг, унда собит турганингизда, бошқа гап

эди. Аммо, сиз иймондан кейин куфр келтириб, мунофиқ бўлдингиз. Энди узр айтманг. Билмасдан, жаҳолат билан сизга қўшилиб қолган тоифани афв этсак ҳам, бошқаларингизни жиноятчи бўлганларингиз учун, албатта азоблаймиз.

Бу оятлар барча мунофиқларга тегишли бўлса ҳам, уларнинг нузулига бевосита сабаб бўлган ҳодисалар ҳақидаги ривоятларни уламоларимиз китобларида келтирганлар.

Жумладан, Муҳаммад ибн Исҳоқ розияллоҳу анҳу қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотига жўнаётганларида бир гуруҳ мунофиқлар, жумладан, Водийъа ибн Собит ва Мухашшо ибн Ҳумайрлар ҳам бирга эдилар. Улар бир-бирларига: «Бани Асфарга қарши урушиш турли арбобларнинг бир-бирлари билан урушуга тенг деб ўйлайсизларми? Аллоҳга қасамки, бизга худди эртага арқонга боғланган ҳолингиз кўриняпти», – деб мўминларни кўрқитдилар. Мухашшо ибн Ҳумайр: «Аллоҳга қасамки, биздан ҳар бир кишига юз даррадан урилса, яхши бўлар эди. Сизнинг айтаётган бу гапларингиз учун биз ҳақимизда Қуръон нозил бўлсагина, нажот топишимиз мумкин», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аммор ибн Ясирга: «Анави қавмининг олдида бор. Улар ёнмоқдалар. Улардан нима деганлари ҳақида сўра. Агар инкор қилсалар: «Йўқ, бундай-бундай дедингиз, деб айт» – дедилар. Аммор уларнинг олдида бориб, ўша гапларни айтди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига узр айтиб келдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уловларига миниб турган эдилар. Водийъа ибн Собит уловнинг жиловидан ушлаб олиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, биз ўзимизча гаплашиб ўйнаган эдик, холос», дея бошлади. Мухашшо ибн Ҳумайр эса: «Менинг исмиим ва отамнинг исми шунга бошлади», – деди. (Ёмон маънодаги исмлар эканлигига ишора қилинмоқда.) Ушбу оятда, афв қилинади, дегани Мухашшо ибн Ҳумайрдир. У «Абдурроҳман» исмини олди ва Аллоҳдан шаҳид бўлишни ва қаерда ўлгани билинмаслигини сўради. Ямома урушида шаҳид бўлди ва унинг асари топилмади.

Мунофиқларнинг сифатлари ва кирдикорлари санаб чиқилгандан сўнг, энди, уларга бериладиган азоблар ҳақида сўз кетади:

الْمُنْفِقُونَ وَالْمُنْفِقَاتُ بَعْضُهُمْ مِّنْ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمُنْكَرِ وَيَنْهَوْنَ  
عَنِ الْمَعْرُوفِ وَيَقْبِضُونَ أَيْدِيَهُمْ نَسُوا اللَّهَ فَنَسِيَهُمْ إِنَّ الْمُنْفِقِينَ هُمُ  
الْفٰسِقُونَ ﴿٦٧﴾

**67. Мунофиқ эркаклар ва мунофиқ аёллар ҳаммалари бирдирлар, ёмонликка буюрурлар, яхшиликдан қайтарурлар ва қўлларини маҳкам юмарлар. Аллоҳни унутдилар, бас, У ҳам уларни унутди. Албатта, мунофиқлар – улар фосиқлардир.**

Мунофиқлар қаерда бўлсалар ҳам, кимлигидан қатъиназар, эркак-аёл бўлсин, нима иш қилмасин, барибир мунофиқдир. Ҳаммалари ҳам бир гўр.

**«Мунофиқ эркаклар ва мунофиқ аёллар ҳаммалари бирдирлар».**

Чунки, асллари бир. Кўрсатадиган фаолиятларининг маъноси бир. Улар:

**«...ёмонликка буюрурлар, яхшиликдан қайтарурлар ва қўлларини маҳкам юмарлар».**

Улар доимо кишиларни ёмон ишларга, гуноҳга, Аллоҳнинг амрига қарши чиқишга, ҳаром-харишга буюрадилар. Айни чоғда, яхшиликдан, иймондан, Исломдан, тақводан, жиҳоддан қайтарадилар.

Оятдаги «қўлларини маҳкам юмадилар» ибораси бахилликни англатадиган киноядир. Яхшиликка мол-мулк сарфламайдилар. Улар:

**«Аллоҳни унутдилар, бас, У ҳам уларни унутди».**

Мунофиқлар мазкур қилмишлари билан Аллоҳни унутдилар. Унга итоат қилмадилар. Эсан чикардилар. Аллоҳ уларнинг қилмишларига яраша жазо берди.

**«Албатта, мунофиқлар – улар фосиқлардир».**

Иймондан чиққанлар, ундан жудо бўлганлардир.

Албатта шунчалик нобакорликлари, ёмонликлари ва гуноҳлари ила мунофиқлар ўз ҳолларига тек қўйилмайдилар. Улар ўз жазоларини олишлари лозим. Келаси ояти каримада Аллоҳ таоло томонидан мунофиқларга раво кўрилган жазолардан баъзилари зикр этилади.

وَعَدَ اللَّهُ الْمُنَافِقِينَ وَالْمُنَافِقَاتِ وَالْكُفَّارَ نَارَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا هِيَ حَسْبُهُمْ وَلَعَنَّ اللَّهُ وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِمٌ

**68. Аллоҳ мунофиқ эркакларга, мунофиқ аёлларга ва кофирларга жаҳаннам оташини ваъда қилди. Унда абадий қолурлар. Ўша улар учун етарлидир. Ҳамда Аллоҳ уларни лаънатлади. Уларга доимий азоб бордир.**

Ушбу ояти каримада мунофиқларга бериладиган жазоларнинг охирадтагиси ва энг улуғи улгуржи равишда тафсилотсиз баён этилмоқда:

**«Аллоҳ мунофиқ эркакларга, мунофиқ аёлларга ва кофирларга жаҳаннам оташини ваъда қилди».**

Ушбу жумлада умулаштирилиб, мунофиқларга деб қўявермасдан, алоҳида-алоҳида қилиб, мунофиқ эркакларга, мунофиқ аёлларга ва кофирларга, дейилиши ҳам уларга охиратда бўладиган азоб шиддатли бўлишини таъкидлайди. Аллоҳ таоло тамонидан жаҳаннам оташининг ваъда қилиниши эса, уларнинг жаҳаннам оташида жизгинак бўлиб куйишларига заррача ҳам шубҳа йўқлигини билдиради. Чунки, Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақдир. Мазкур мунофиқ ва кофирлар жаҳаннам оташида бир марта ёки маълум муддат куйиб, сўнгра қутулиб қолмайдилар. Балки,

**«Унда абадий қолурлар. Ўша улар учун етарлидир».**

Шундоқ бўлса ҳам, уларга яна бошқа азоб-уқубатлар ҳам бор.

**«Ҳамда Аллоҳ уларни лаънатлади. Уларга доимий азоб бордин».**

Буларнинг ҳаммаси уларнинг қилмишларига муносиб жазодир.

Келаси оятда мунофиқларга бевосита хитоб қилиниб, эй мунофиқлар, сизлар:

كَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ كَانُوا أَشَدَّ مِنْكُمْ قُوَّةً وَأَكْثَرَ أَمْوَالًا وَأَوْلَادًا فَاسْتَمْتَعُوا  
بِمَخْلَقِهِمْ فَاسْتَمْتَعْتُمْ بِمَخْلَقِكُمْ كَمَا اسْتَمْتَعَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ بِمَخْلَقِهِمْ وَخُضْتُمْ  
كَالَّذِي خَاضُوا أُولَئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَأُولَئِكَ هُمُ  
الْخٰسِرُونَ ﴿٦٩﴾

**69. Ўзингиздан аввалгиларга ўхшайсиз. Улар сизлардан кўра қувватлироқ, молу дунё ва бола-чақалари кўпроқ эдилар. Бас, ўз насибалари ила маза қилдилар. Ўзингиздан олдингилар насибалари ила маза қилганларидек, сиз ҳам ўз насибангиз ила маза қилдингиз. Улар шўннигандек сиз ҳам шўннидингиз. Ана ўшаларнинг амаллари дунёю охиратда ҳабата бўлди. Ана ўшалар ўзлари зиён кўргувчилардир.**

Ҳар вақт ва ҳар ерда мунофиқлар бир-бирларига ўхшайдилар:

**«Ўзингиздан аввалгиларга ўхшайсиз. Улар сизлардан кўра қувватлироқ, молу дунё ва бола-чақалари кўпроқ эдилар».**

Яъни, улар доимо моддий қувватга суянадилар, молу дунёни, бола-чақани кўпайтиришга ва ўша нарсалар билан фахрланишга уринадилар.

**«Бас, ўз насибалари ила маза қилдилар. Ўзингиздан олдингилар насибалари ила маза қилганларидек, сиз ҳам ўз насибангиз ила маза қилдингиз».**

Яъни, аввал ўтган мунофиқлар бу дунёда айшу ишрат қилиб, ўз насибасидан роҳатланишга уриндилар. Сиз ҳам эй, ҳозирги мунофиқлар, худди ўша аввал ўтган мунофиқларга ўхшаб, бу дунёда айшу ишрат қилиб, ўз насибангиздан роҳатланишга уриндингизлар.

**«Улар шўнғигандек сиз ҳам шўнғидингиз».**

Яъни, аввал ўтган мунофиқлар нимага, қандоқ шўнғиган бўлсалар, сиз ҳам ўша нарсага, уларга ўхшаб шўнғидингиз.

**«Ана ўшаларнинг амаллари дунёю охиратда ҳабата бўлди. Ана ўшалар ўзлари зиён кўргувчилардир».**

Яъни, ана ўшандоқ мунофиқларнинг; аввал ўтганларининг ҳам, бу ояти карима нозил бўлган пайтдагиларининг ҳам ва улардан кейингиларининг ҳам қилган барча амаллари дунёю охиратда ҳабата — беҳуда бўлди. Худди молнинг қорнини шишириб ёриб юборишга сабаб бўлган зарарли алафдек бўлди. Ана ўша мунофиқ ва кофирларнинг барчалари, ҳа, ана ўшалар, бошқалар эмас, зиён кўргувчилардир.

Тафсирчи уламоларимиздан бирлари дунёда мунофиқликнинг ривож топишига асосан золим ва фосиқ подшоҳлар сабаб бўлишини, уларнинг даврида мухлис — содиқ кишилар ва хайрли ишлардан кўра, мунофиқ, риёкорлар ва уларнинг қабих ишлари кўп бўлишини ва қадрланишини айтадилар. Подшоҳ, амир ва раисларнинг бузғунчи эканликларининг энг катта далили мунофиқ ва тилёғламачиларни ўзларига яқинлаштирганлари ҳамда ростгўй ва насиҳатчи кишиларни ўзларидан узоқлаштирганларидир, деб қуйидаги ҳадиси шарифни келтирадилар:

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рухлар сафарбар қилинган лашкарларга ўхшайдилар, бир-бирлари билан танишганлари улфат бўлади, бир-бирига ёқмаганлари хилоф қилади», — деган эканлар.

Олдинги оятда мунофиқлар илгари ўтган кофирларга ўхшатишган эди. Келаси оятда ўша олдинги ўтганлардан баъзилари зикр қилинади:

أَلَمْ يَأْتِهِمْ نَبَأُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ قَوْمِ نُوحٍ وَعَادٍ وَثَمُودَ وَقَوْمِ إِبْرَاهِيمَ  
وَأَصْحَابِ مَدْيَنَ وَالْمُؤْتَفِكَةَ أَنَّهُمْ رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَمَا كَانَ اللَّهُ  
لِيَظْلِمَهُمْ وَلَكِنْ كَانُوا أَنْفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٥٨﴾

**70. Уларга ўзларидан олдин ўтганларнинг, Нух, Од, Самуд қавмининг ва Иброҳим қавмининг, Мадян эгаларининг ва тўнтарилган (қишлоқ)ларнинг хабари келмадими? Уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар. Бас, Аллоҳ уларга зулм қилмас эди. Лекин улар ўзларига зулм қилар эдилар.**

Оятда эслатилган қавмларнинг қиссалари Арабистон ярим оролида кенг тарқалган эди. Улар бу қавмларнинг қилмишлари ва оқибатлари нима бўлганини яхши билишарди. Аммо, у қиссалардан ибрат олиш ўрнига, яна ўша қавмларнинг хатоларини такрорлашарди.

**«Уларга ўзларидан олдин ўтганларнинг, Нух, Од, Самуд қавмининг ва Иброҳим қавмининг, Мадян эгаларининг ва тўнтарилган (қишлоқ)ларнинг хабари келмадими?»**

Кейинги кофир ва мунофиқлар Нух қавмини тўфон босиб ҳалокатга учратганини ҳам, Од қавмини кучли оловли шамол ҳалок қилганини ҳам, Самуд қавмини қаттиқ қичқириқ яксон этганини ҳам, Иброҳим алайҳиссалом ўзи қутулиб қолиб, қавмлари қандай ҳалок бўлганини ҳам, Мадян эгаларини зилзила олганини ҳам, Лут алайҳиссаломнинг қавми яшаган қишлоқ қандай тўнтарилиб, жинояткор аҳолисини босиб қолганини ҳам яхши билишар эди.

**«Уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжатлар билан келдилар».**

Пайғамбарлари очиқ-ойдин ҳужжат билан келганида, уларни ёлғончига чиқариб, бошларига ўша мусийбатлар тушганини ҳам яхши билишарди.

**«Бас, Аллоҳ уларга зулм қилмас эди. Лекин улар ўзларига зулм қилар эдилар».**

Яъни, улар ўз қилмишлари билан ўзларига ўзлари зулм қилдилар. Бўлмаса, Аллоҳ уларга зулм қилмас эди.

Мунофиқларнинг қабих сифатлари зикридан сўнг, келаси оятда мухлис мўминларнинг гўзал сифатлари зикр қилинади. Зеро, нарсаларнинг ҳақиқати зиддига дучор бўлганда очилади.

وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

**71. Мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдилар. Улар яхшиликка буюрурлар, ёмонликдан қайтарурлар, на-**

**мозни тўкис адо этурлар, закотни берурлар ҳамда Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилурлар. Ана ўшаларга Аллоҳ тезда раҳим қилур. Албатта, Аллоҳ волиб ва ҳикматли Зотдир.**

Бу васфлар мунофиқлар ҳақида келган васфга тамоман зид эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Мунофиқларнинг бир хил эканликлари, улар доимо бир-бирларига ўхшашлари таъкидланган бўлса, мўминларнинг ўзаро дўст – валий эканликлари айтилмоқда.

**«Мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар».**

Яъни, мунофиқлар бир-бирларига қанчалик ўхшасалар ҳам, ҳеч қачон ўзаро валий – дўст бўла олмайдилар. Чунки, валийлик – дўстликнинг ўзига яраша вазифалари бўлади. Валий одам дўстига ёрдам бериши, оғир ҳолларда қутқариши, уни деб ўзини ўтга-чўққа уриши ва кўпгина машаққатлар чекиши лозим. Мунофиқ ҳеч қачон бу ишларни қила олмайди. У доимо ўзини ўйлайди, қўрқоқ бўлади, қийинчиликлардан қочади.

Мунофиқлар ёмонликка буюриб, яхшиликдан қайтаришар эди. Ўзларининг ёмонлик ва қабоҳатлари етмагандек, бошқаларни ҳам ёмонликка буюриб, яхшиликдан қайтаришарди.

Мўминлар эса, бир-бирларига дўст бўлиш билан бирга:

**«Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарурлар».**

Яъни, жамоат шаклида яхшилик қилишга уринадилар, кўплашиб ёмонликка қарши курашадилар. Аллоҳ таоло уларга яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришни фарз қилиб қўйган.

Мунофиқлар намозга доимо дангасалик билан келадилар, рағбат ва ихлос билан ўқимайдилар. Мўминлар эса:

**«Намозни тўкис адо этурлар».**

Ихлос билан, хушу-хузуъ билан намоз ўқийдилар. Бу ҳам уларнинг кўзга кўринган сифатларидан бири. Намозни дангасалик билан ўқиш мунофиқларнинг сифати. Намозни ўқимаслик эса, кофирларнинг сифати.

Мунофиқларнинг «Кўллари маҳкам юмилган» эди. Улар молу мулкларидан бошқаларга беришни истамас эдилар. Мўминлар эса:

**«закотни берурлар».**

Бу уларга Аллоҳ тарафидан фарз қилинган. Молларидан биродарларига маълум миқдорда беришни ибодат деб биладилар.

Мунофиқлар «Аллоҳни унутган», Аллоҳ ва Унинг Расулига итоат қилмас эдилар. Мўминлар эса:

**«Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилурлар».**

Улар Аллоҳ ва Пайғамбарнинг амридан бошқанинг амрига бўйсун-



майдилар. Аллоҳ ва Расулининг шариатидан бошқа дастурлари йўқ. Исломот таълимотидан бошқа таълимотлари ҳам йўқ.

**«Ана ўшаларга Аллоҳ тезда раҳим қилур. Албатта, Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли Зотдир».**

Бу ҳам мунофиқларга бериладиган жазога қарама-қарши бир ҳолдир. Мунофиқлар жаҳаннам оташига киритилиб, Аллоҳ томонидан лаънатланиб, доимий азобда қолишлари айтилган эди. Мўминларни эса, Аллоҳ таоло тезда раҳим қилиши таъкидланмоқда.

Бошқа мукофотлар эса, келаси оятда васф қилинади.

وَعَدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا  
وَمَسْكَنٍ طَيِّبَةٍ فِي جَنَّاتٍ عِدْنٍ وَّرِضْوَانٍ مِّنَ اللَّهِ أَكْبَرَ ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٧٢﴾

**72. Аллоҳ мўмин эр ва мўмина аёлларга остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларни, уларда абадий қолишни ва барқарорлик жаннатидан покиза масканларни ваъда қилди. Аллоҳдан бўладиган розилик эса, энг улуғидир. Ана ўша улкан ютуқдир.**

Кофир ва мунофиқларни жаҳаннам кутиб турган бўлса, мўмин ва мўминаларни ажойиб жаннатлар кутиб турибди. Кофирлар ва мунофиқлар дўзахда абадий азоб чексалар, мўмин ва мўминалар жаннатда абадий маза қиладилар. Уларни доимий истиқомат қиладиган жаннатларида покиза масканлар кутиб турибди. Лекин бу мўмин ва мўминаларга берилган мукофотнинг охирги даражаси эмас. Уларга бериладиган мукофотнинг энг улуғи Аллоҳнинг розилигидир. Бу мукофотнинг олдида жаннатлар ва уларнинг битмас-туганмас неъматлари ҳам ҳеч гап бўлмай қолади. Яъни, Аллоҳнинг розилигига эришиш:

**«Ана ўша улкан ютуқдир».**

Кейинги оятда кофир ва мунофиқлар билан қандай муносабатда бўлиш ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ушбу хитоб қилинади:

يَأَيُّهَا النَّبِيُّ جَاهِدِ الْكُفَّارَ وَالْمُنَافِقِينَ وَاغْلُظْ عَلَيْهِمْ وَمَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ  
الْمَصِيرُ ﴿٧٣﴾

**73. Эй Пайғамбар, кофирлар ва мунофиқларга қарши жиҳод қил ва уларга нисбатан қаттиққўл бўл. Уларнинг жойи жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон қайтадиган жой.**

Маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аввалда мунофиқларга нисбатан жуда ҳам кечиримли бўлганлар. Уларнинг кўпгина беодоблик ва душманликларини афв қилганлар. Ҳатто баъзи саҳобалар ҳаддан ошиб кетган мунофиқларни ўлдиришга изн сўраганларида ҳам, қўй, одамлар, ўз шерикларини ўлдиришти, демасин, деганлар. Аммо, ушбу ояти карима энди юмшоқ муомалаларнинг вақти ўтганини, энди мунофиқларга ҳам кофирларга қилгандек муомала қилиш вақти келганини билдирмоқда. Уларга қарши жиҳод қилиб, қаттиққўл бўлиш тайинланмоқда.

**«Эй Пайғамбар, кофирлар ва мунофиқларга қарши жиҳод қил ва уларга нисбатан қаттиққўл бўл».**

Уламоларимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мунофиқларга қарши уруш қилмаганларини, уларни ўлдирмаганларини алоҳида таъкидлайдилар. Лекин шу оятдан кейин муомала кескин ўзгариб, уларга нисбатан қаттиққўл бўлинган ва кирдикорлари аёвсиз фош этилган.

Охиратда мунофиқларнинг жойлари жаҳаннам бўлиши аниқ.

**«Уларнинг жойи жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон қайтадиган жой».**

Келаси ояти каримада ана шундоқ оғир жазога гирифтор бўладиганларнинг баъзи кирдикорлари фош этилади.

يَحْلِفُونَ بِاللَّهِ مَا قَالُوا وَلَقَدْ قَالُوا كَلِمَةَ الْكُفْرِ وَكَفَرُوا بَعْدَ إِسْلَامِهِمْ وَهُمْ وَايْمًا  
لَمْ يَنَالُوا وَمَا نَقَمُوا إِلَّا أَنْ أَغْنَاهُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ مِنْ فَضْلِهِ فَإِنْ يَتُوبُوا يَكُ خَيْرًا لَهُمْ وَإِنْ  
يَسْتَوُوا يُعَذِّبَهُمُ اللَّهُ عَذَابًا أَلِيمًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمَا لَهُمْ فِي الْأَرْضِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا  
نَصِيرٍ

**74. Улар гапирмаганлари ҳақида Аллоҳнинг номи ила қасам ичарлар. Батаҳқиқ, куфр калимасини айтдилар ва Исломларидан кейин куфр келтирдилар ҳамда ета олмаган нарсаларига қасд қилдилар. Ҳолбуки, улар Аллоҳ ва Унинг Расули уларни Ўз фазлидан бой қилиб қўйганларидан бошқа «айб» топа олмадилар. Агар тавба қилсалар, ўзларига яхши бўладир. Гар юз ўгириб кетсалар, Аллоҳ уларни бу дунёю охиратда аламли азоб билан азоблайдир. Ер юзида уларга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқ.**

Ояти каримадаги васфлар барча мунофиқлар учун умумийдир. Улар бир гапни айтиб қўйиб, кейин, айтганим йўқ, деб тураверадилар. Ояти кариманинг нозил бўлишига эса, тубандаги ҳодиса сабаб бўлган:

Имом Аҳмад розияллоҳу анҳу Абу Туфайл розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотидан қайтаётганларида жарчига буюриб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тепалик йўлига юрдилар, ҳеч ким у йўлга юрмасин», – деб жар чақиртирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уловларини Ҳузайфа етаклаб, Аммор ҳайдаб кетишаётган эди, тўсатдан бир гуруҳ юзини беркитиб олган отлиқлар тезлаб келиб, Аммор розияллоҳу анҳуни ўраб олишди. Аммор розияллоҳу анҳу ҳалиги отларнинг юзига уриб ҳайдай бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳузайфага:

«Етакла, етакла!!!» – дедилар. Сўнгра, уловдан тушиб олдилар. Аммор қайтиб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Аммор! Ҳалиги одамларни танидингми?» – дедилар. Аммор розияллоҳу анҳу:

«Ҳамма отлиқларни билардим. Аммо, булар юзларини беркитиб олган эканлар», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Нима қилишмоқчи бўлганларини билдингми?» – дедилар. Аммор:

«Аллоҳ ва Унинг Расули билади», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Улар Расулуллоҳнинг минган уловини олиб қочиб, сўнгра уни йиқитмоқчи бўлдилар», – дедилар. Шунда Аммор розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бирига:

«Аллоҳ учун ростини айт, тепалиқдаги ўтган одамлар нечта эди?» – деб савол берди. У киши:

«Ўн тўрт киши эди», – деб жавоб берди. Аммор розияллоҳу анҳу эса:

«Агар сен ҳам улар билан бўлсанг, ўн бешта экан», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан учтасини (номини айтиб) санадилар. Улар:

«Аллоҳга қасамки, биз Расулуллоҳнинг жарчиларини эшитмабмиз, ҳалиги одамларнинг ниятидан ҳам беҳабар эдик», – дейишди. Аммор розияллоҳу анҳу:

«Гувоҳлик бераманки, қолган ўн иккитаси бу дунёю у дунёда Аллоҳга ва Унинг Расулига уруш очганлардир», – дедилар».

Кўриниб турибдики, мунофиқлар пайтини топсалар, ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд қилишдан ҳам тоймайдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида мунофиқлар бир неча бор куфр гапларни айтганларидан кейин тониб, айтганимиз йўқ, деб қасам ичишган. Ояти каримада ўша

ҳақиқат таъкидланиб, улар куфр гапни айтганлари ва шу билан мусулмонликдан чиқиб қайта кофир бўлганликлари баён қилинмоқда.

**«Улар гапирмаганлари ҳақида Аллоҳнинг номи ила қасам ичарлар. Батаҳқиқ, куфр калимасини айтдилар ва Исломларидан кейин куфр келтирдилар ҳамда ета олмаган нарсаларига қасд қилдилар».**

Оятдаги «ета олмаган нарсаларга қасд қилдилар»дан мурод Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни ўлдирмоққа қасд қилганлари ва мақсадларига ета олмаганларидир.

Нима учун улар Исломга, мусулмонларга ва Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламга бу қадар душманликда бўлганлар? Ислом мунофиқларга нима ёмонлик қилибди? Улар Исломга кирганлари, мусулмонларга қўшилганларидан кейин қандай ва қанча зарар кўрдилар? Исломга нима айб қўядилар? Оятда айтилишича, улар Исломга фақат битта айб қўйишлари мумкин, у ҳам бўлса, Исломга кирганларидан кейин:

**«Аллоҳ ва Унинг Расули уларни Ўз фазлидан бой қилиб қўйганларидан бошқа «айб» топа олмадилар».**

Исломнинг «айби» шу: мазкур нобакорлар камбағал эдилар, бой қилиб қўйди, қашшоқ эдилар, фаровон турмуш кечирадиган қилиб қўйди. Шунинг учун, мунофиқлар ундан «ўч» олмоқчилар. Лекин, барибир, Аллоҳнинг даргоҳи кенг, уларга тавба эшигини очиб қўяверади:

**«Агар тавба қилсалар, ўзлари учун яхши».**

Ўтган гуноҳлари кечирилади. Икки дунёнинг саодатига эришиш учун йўл очилади. Ўзлари учун яхши бўлади. Кимки ўша мунофиқлик йўлида давом этишни хоҳлаб:

**«Гар юз ўгириб кетсалар, Аллоҳ уларни бу дунёю охиратда аламли азоб билан азоблайдир».**

Бу ҳам муқаррар. Ундоқ кишилар икки дунёда хору зор бўладилар. Қанча уринмасинлар, бу хорликдан қутула олмайдилар. Чунки:

**«Ер юзида уларга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқ».**

Кейинги оятларда мунофиқларнинг яна баъзи қилмишлари баён этилади:

﴿ وَمِنْهُمْ مَّنْ عٰهَدَ اللّٰهَ لَئِنۡ اٰتٰنَا مِنْ فَضْلِهٖ لَنَصَّدَّقَنَّ وَلَنَكُوْنُ مِنَ الصّٰلِحِيْنَ ﴾

**75. Улардан: «Агар У зот Ўз фазлидан берса, албатта, садақа қиламиз ва, албатта, аҳли солиҳлардан бўламиз», – деб Аллоҳга аҳд берувчилар бор.**

فَلَمَّا آتَتْهُمْ مِّنْ فَضْلِهِ بَخِلُوا بِهِ وَتَوَلَّوْا وَهُمْ مُّعْرِضُونَ ﴿٧٦﴾

**76. У зот Ўз фазлидан берган чоғда эса, бахиллик қилиб, юз ўгириб, орқага қараб кетарлар.**

فَأَعْقَبَهُمْ نِفَاقًا فِي قُلُوبِهِمْ إِلَى يَوْمِ يَلْقَوْنَهُ بِمَا أَخْلَفُوا اللَّهَ مَا وَعَدُوهُ وَبِمَا كَانُوا يَكْذِبُونَ ﴿٧٧﴾

**77. Бас, Аллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва ёлгон гапирганлари учун Унга рўбарў бўладиган кунгача қалбларида нифоқни оқибат қилиб қўйди.**

Ояти карималарда мунофиқлар нафақат мусулмонларни ёки Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламни, балки Аллоҳ таолони ҳам алдашга уринишлари кўриниб турибди.

«Улардан: «Агар У зот Ўз фазлидан берса, албатта, садақа қиламиз ва, албатта, аҳли солиҳлардан бўламиз», – деб Аллоҳга аҳд берувчилар бор.

**У зот Ўз фазлидан берган чоғда эса, бахиллик қилиб, юз ўгириб, орқага қараб кетарлар».**

Қалбда иймони бўлмагандан кейин, шундай бўлиши турган гап. Мунофиқ, бирор нарсага эришиб олиш учун, қанча ваъда керак бўлса, бераверади? Мақсадга эришгандан кейин эса, ваъдаларни унутади. Берган ваъдаси қолиб, ўзи бошқа томон кетади. Аммо, бу қилмишларининг оқибати яхши бўлмайди. Аллоҳ уларнинг қалбига мунофиқликни доимий равишда, қиёмат кунигача давом этадиган қилиб солади.

**«Бас, Аллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва ёлгон гапирганлари учун Унга рўбарў бўладиган кунгача қалбларида нифоқни оқибат қилиб қўйди».**

Натижада, доимо мунофиқлик қилиб, гуноҳларини кўпайтириб турадилар ва қиёмат куни ашаддий азобга дучор бўладилар.

Қизик:

أَلَمْ يَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ سِرَّهُمْ وَنَجْوَاهُمْ وَأَنَّ اللَّهَ عَلَّمُ الْغُيُوبِ ﴿٧٨﴾

**78. Улар Аллоҳ уларнинг сирларини ҳам, яширин гапларини ҳам албатта билишини ва Аллоҳ, албатта, гайбларни билгувчи Зот эканини билмасмидилар?**

Сиртдан мўминман деб даъво қилиб, ичида куфрни сир сақлаган пайтларида, мусулмонлар ичида диндорлик ҳақида лоф уриб, ўзлари қолгач, уларга қарши яширин гапларни пичирлаганларида Аллоҳ ҳаммасини билиб турганини хаёлларига келтирмайдиларми? Ахир, Аллоҳ таоло ҳамма гапларни яхши билгучи Зот-ку!

Ушбу оятда мунофиқларнинг умумий ҳолатлари васф қилинади. Ҳамма замон мунофиқлари шу ҳолда бўладилар.

Уламоларимиз бу оятларнинг нузулига бевосита сабаб бўлган ҳодиса ҳақида ҳам ривоят қилганлар. Имом ибн Жарир Тобарий Абу Амома ал-Боҳилийдан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Саълаба ибн Ҳотиб Ансорий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга:

«Дуо қилинг, Аллоҳ менга молу дунё берсин», — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шўринг қурсин, эй Саълаба, шукрини адо қилган оз молинг, сен чидай олмайдиган кўп молдан яхшироқ», — дедилар. Саълаба яна ўз сўзларини такрорлади. Шунда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шўринг қурсин, эй Саълаба, Аллоҳнинг Пайғамбарига ўхшашга рози бўлмайсанми? Менинг жоним қўлида бўлган зот билан қасамки, агар мана шу тоғлар мен билан бирга тилло ва кумуш бўлиб юришларини хоҳласам, юрар эди», — дедилар. Саълаба:

«Сизни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, агар Аллоҳга дуо қилсангиз, менга молу дунё берса, ҳар бир ҳақ эгасига ҳаққини берар эдим», — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй, бор худоё, Саълабага молу дунё бергин», — деб дуо қилдилар. Саълаба қўй боқди. Қўйлари қуртдек кўпайиб кетди. Мадийнага сифмай қолди. У шаҳардан четга чиқиб, водийлардан бирига жойлашди. Пешин ва аср намозларини жамоат билан ўқиб, қолганларини ўқимай қўйди. Қўйлари эса, тобора кўпайиб борарди. У жумадан бошқа намозга келмай қўйди. Қўйлари яна кўпаяверди. У жумага ҳам келмай қўйди. Жума куни отлиқларнинг олдини тўсиб, нима хабар борлигини сўрайдиган бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Саълабага нима қилди», — деб сўраб қолдилар. Одамлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, у қўй боққан эди. Мадийна торлик қилиб қолди», деб унинг хабарини айтиб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Саълабанинг шўри қурсин, Саълабанинг шўри қурсин!» — дедилар. Кейин Аллоҳ таоло: «Уларнинг молларидан садақа ол», оятини нозил қилди. Закотнинг фарзлари нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам икки кишини мусулмонлардан закот йиғишга юбордилар. Бири Жухайна қабиласидан, иккинчиси Салим қабиласидан эди. Уларга мусулмонлардан закотни қандай олишларини ёздириб бердилар. Уларга, Саълабанинг ва фалончининг, деб Бани Салимлик бир одамнинг исмини айтиб, «Уларнинг олдиларига бориб, закотларини олинглар», – деб буюрдилар. Улар йўлга чиқиб, Саълабанинг олдига келдилар, закотни сўрадилар ва унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёздириб берган мактубни ўқитдилар. У эса:

«Бу жизядан бошқа нарса эмас. Бу жизянинг сингисидан бошқа нарса эмас. Мен бунинг нималигини билмайман. Сизлар кетаверинглар, ишни тамом қилганларингиздан сўнг олдимга келинглар», – деди.

Силмий (Бани Салимлик одам) эса, закот йиғувчиларнинг келганларини эшитиб, туяларининг тишига қараб, энг яхшиларини закотга ажратиб қўйди ва икковларини хурсандлик билан кутиб олди. Улар туяларни кўрганларидан кейин:

«Сенга буларни бериш вожиб эмас, биз сендан буни олмаймиз», – дедилар. У:

«Илтимос, олинглар. Чин кўнгилдан чиқариб қўйганман. Буларнинг ҳаммасини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб боринглар», – деди. Ундан қабул қилиб олдилар ва бошқа одамларнинг закотларини ҳам йиғдилар. Сўнгра, икковлари Саълабанинг олдига қайтиб бордилар. У, мактубингизни кўрсатинг, деди-да, уни ўқиб кўриб:

«Бу жизядан бошқа нарса эмас. Бу жизянинг сингисидан бошқа нарса эмас. Сизлар бораверинглар, мен бир ўйлаб кўрай», – деди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб бордилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вакилларини кўришлари билан, ҳали ҳеч гап сўрамай туриб:

«Саълабанинг шўри қурсин», – дедилар. Силмийга барака тилаб дуо қилдилар. Иккала закотчи у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Саълаба нима қилганини ва Силмий нима қилганини айтиб бердилар. Аллоҳ таоло: **«Улардан: «Агар У зот Ўз фазлидан берса, албатта, садақа қиламиз...»** оятларини нозил қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида Саълабанинг қариндошларидан бири турган эди. Бу гапларни эшитгандан сўнг тезлаб унинг олдига борди ва:

«Шўринг қуриди, эй Саълаба, Аллоҳ сенинг ҳақингда, бундай-бундай оятларни нозил қилди», – деди. Саълаба тезда йўлга чиқди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, закотни қабул қилишларини сўради. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ менга сендан закотингни қабул этишни ман қилди», – дедилар. Саълаба ўзини ҳар томон уриб, бошига тупроқ соча бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:



«Ўзинг қилдинг, мен сенга буюрсам, итоат қилмадинг», — дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам закотни қабул этмаганларидан кейин Саълаба манзилига қайтди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан ҳеч нарсани қабул қилмай вафот этиб кетдилар. Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу халифа бўлганларида Саълаба олдиларига келиб:

«Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидаги эътиборимни биласан, Ансорийлар ичидаги обрўйимни ҳам биласан, закотимни қабул қил», — деди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу:

«Сенинг закотингни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабул қилмаганлар», — деб унинг закотини қайтардилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳам ундан закот қабул қилмай вафот этиб кетдилар. Ҳазрати Умар халифа бўлганларида, Саълаба у кишининг олдиларига ҳам келди:

«Эй, мўминларнинг амири, закотимни қабул қил», — деди. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳам:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр қабул этмаган закотингни мен қабул қилайми?» — дедилар. У кишидан сўнг Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу халифа бўлганларида ҳузурларига келиб:

«Закотимни қабул қил», — деди. У киши:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар қабул қилмаган закотингни мен қабул этайми?» — дедилар. Саълаба ҳазрати Усмон халифалик даврларида вафот этди».

Ҳодисага диққат билан назар соладиган бўлсак, айрим мунофиқларни ҳисобга олмаганда, мусулмонлар оммаси закотни ўзларига Аллоҳ томонидан қурбат ҳосил қилиш учун яратиб берилган қулай фурсат деб тушунганлар ва уни ортиғи билан адо этишга доимо ҳаракатда бўлганлар.

Мунофиқлар бўлса, аксинча тушунганлар. Молу-дунёга эга бўлгунларича, закотни ўз вақтида адо этишни қайта-қайта такрорлашдан чарчамасалар ҳам, молу-мулкка эга бўлганларидан кейин, закотни худди ғайридинлардан олинадиган жизяга тенг кўрганлар.

Келаси оятларда мунофиқларнинг закот ҳақидаги нотўғри тасаввуридан бир кўриниш баён қилинади:

الَّذِينَ يَلْمِزُونَ الْمُطَّوِّعِينَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ فِي الصَّدَقَاتِ وَالَّذِينَ لَا  
يَجِدُونَ إِلَّا جُهْدَهُمْ فَيَسْخَرُونَ مِنْهُمْ سَخِرَ اللَّهُ مِنْهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٦﴾

**79. Мўминлардан кўнгилли бўлиб садақа қилувчиларни ва ўз кучлари етгандан бошқани топа олмайдиганларни айблайдиган ва масхара қиладиганларни Аллоҳ масхара қиладир ва уларга аламли азоб бўладир.**

Бу оятни яхшироқ тушунишимизга ояти карима нозил бўлиши пайтидаги ҳодисаларни ўрганишимиз ёрдам беради.

Ибн Жарир Тобарий ва ибн Ҳиббон раҳматуллоҳи алайҳимолар Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (Табук ғазотига чиқиш пайтида) одамларни садақа қилишга қизиқтирдилар. Абдурроҳман ибн Авф тўрт минг (тилло танга) келтириб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, молим саккиз мингдан иборат эди. Ярмини олиб келдим, ярмисини олиб қолдим», — деди. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ сенинг олиб келганингга ҳам, олиб қолганингга ҳам барака берсин», — дедилар. Абу Ақийм бир соъ хурмо келтириб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, икки соъ хурмо топган эдим, бир соъни Роббимга қарзга бераман, бир соъни аҳли аёлимга», — деди. Мунофиқлар уни айблаб масхара қилдилар:

«Абдурроҳман ибн Авф фақат риё учун берган эди, Аллоҳ ва Унинг Расули манавининг соъига муҳтожларми?!» — дейишди.

Яъни, мунофиқларнинг маломатидан кўп садақа берган ҳам, оз садақа қилган ҳам қутула олмади. Мунофиқлар ҳар доим ва ҳамма жойда маломатдан бошқага ярамайдилар. Ўзлари бирор иш қилмай, пул-мол сарфламай юрадилар. Аммо, қилганларни айблаш ва масхара қилиш билан овора бўладилар. Ояти каримада ундоқ кимсаларни:

**«Мўминлардан кўнгилли бўлиб садақа қилувчиларни ва ўз кучлари етгандан бошқани топа олмайдиганларни айблайдиган ва масхара қиладиганлар»,** — деб васф қилинмоқда.

Халқимизда бу ҳолни тўлиқ васф қилувчи «Ўзи беролмайди, берганни кўролмайди», деган нақл бор. Улар мўмин-мусулмонларни масхара қиладилар, аммо вақти келганда уларни:

**«Аллоҳ масхара қилади ва уларга аламли азоб бўладир».**

Чунки, уларнинг ишлари тузалиб бўлмайдиган даражада қаттиқ бузилган. Ҳатто Пайғамбар алайҳиссалом улар учун истиғфор айтсалар ҳам, гуноҳлари мағфират қилинмайди.

أَسْتَغْفِرُ لَهُمْ أَوْ لَا تَسْتَغْفِرُ لَهُمْ إِنْ تَسْتَغْفِرُ لَهُمْ سَبْعِينَ مَرَّةً فَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَفَرُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿٧٩﴾

**80. Улар учун истиғфор айтсанг ҳам ёки истиғфор айтмасанг ҳам, барибир. Агар улар учун етмиш марта истиғфор айтсанг ҳам, Аллоҳ уларни зинҳор мағфират қилмас. Бу, уларнинг Аллоҳ ва Унинг Расулига куфр келтирганлари учундир. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.**

«Мунофиқлар» сурасидан маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолодан мунофиқларнинг гуноҳларини мағфират қилишни сўраб, улар учун истиғфор айтиш таклиф қилинган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишга мойил бўлганлар. Ўшанда ҳам худди шу маънодаги ояти карима нозил бўлган. Биз ўрганаётган ояти каримадан билиниб турибдики, Табук ғазоти асносида мунофиқларнинг кирдикорлари кетма-кет фош бўлгандан кейин, яна улар учун истиғфор айтиш таклифи бўлган ёки ҳолат шуни тақозо қилиб қолган. Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, мунофиқлар учун истиғфор айтишлари ва айтмасликлари барибир эканлигини, фойдаси йўқлигини билдирмоқда. Фақат, бу оятда таъкид қаттиқроқ бўлмоқда:

**«Улар учун истиғфор айтсанг ҳам ёки истиғфор айтмасанг ҳам, барибир. Агар улар учун етмиш марта истиғфор айтсанг ҳам, Аллоҳ уларни зинҳор мағфират қилмас».**

Арабларнинг одатида, бир нарсани кўп марта такрорлашни англатиш учун «етмиш» сўзи ишлатилади. Бундан санаб етмиш марта истиғфор айтиш тушунилмайди. Балки, қанча кўп истиғфор айтсанг ҳам, барибир, мағфират қилинмайди, деган маъно чиқади.

Ояти кариманинг охирида эса, нима учун уларга бундоқ муносабатда бўлинаётгани баён қилинади.

**«Бу, уларнинг Аллоҳ ва Унинг Расулига куфр келтирганлари учундир. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас».**

Келаси ояти каримада Табук ғазотига чиқмай ортда қолганлар ҳақида сўз юритилади. Албатта, улар ҳам, асосан, мунофиқлар эди:

فَرِحَ الْمُخَلَّفُونَ بِمَقْعَدِهِمْ خِلْفَ رَسُولِ اللَّهِ وَكَرِهُوا أَنْ يُجَاهِدُوا بِأَمْوَالِهِمْ  
وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَقَالُوا لَا تَنْفِرُوا فِي الْحَرِّ قُلْ نَارُ جَهَنَّمَ أَشَدُّ حَرًّا لَوْ كَانُوا يَفْقَهُونَ ﴿٨١﴾

**81. Улар, Аллоҳнинг Расулига хилоф қилиб ортда қолганлар, ўтирган жойларида хурсанд бўлдилар ва Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод қилишни ёқтирмадилар ҳамда: «Иссиқда қўзғалманглар», – дедилар. «Жаҳаннамнинг оташи иссиқроқ, агар тушунсалар», – деб айт.**

Мунофиқларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хи-лоф қилиб, урушга бормай, сафарбарликдан қочишларига уларнинг иймонлари йўқлиги, қўрқоқликлари, бу дунёга берилганликлари ва бахилликлари сабаб бўлган. Улар урушга бормай қолганликларини соғ-саломатлик, қийинчиликка дучор бўлмаслик ва беҳудага мол сарфламаслик, деб хурсанд бўлдилар. Ҳа,

**«Улар, Аллоҳнинг Расулига хилоф қилиб орда қолганлар, ўтирган жойларида хурсанд бўлдилар ва Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод қилишни ёқтирмадилар».**

Улар Аллоҳнинг йўлида на жонларини қийнашни ва на молларини сарфлашни – ҳеч бирини хоҳламадилар. Бу ҳам етмагандек:

**«Иссиқда қўзғалманглар», – дедилар».**

Яъни, одамларни ҳам ўзларига ўхшаб сафарбарликдан қочишга чақирдилар. Улар бу дунёнинг арзимаган иссиғидан қочишмоқдаю, аммо ўзларини охиратнинг ашаддий иссиғига дучор қилишмоқда. Аллоҳ бу ҳақиқатни уларга эслатишни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам буюриб:

**«Жаҳаннамнинг оташи иссиқроқ, агар тушунсалар», – деб айт», – демоқда.**

Улар, ўзларича, урушдан қолганларига хурсанд бўлиб юрибдилар. Лекин қилган ишлари хурсанд бўладиган иш эмас.

فَلْيَضْحَكُوا قَلِيلًا وَلْيَبْكُوا كَثِيرًا جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٨٢﴾

**82. Бас, қилган касблари туфайли оз кулиб, кўп йиғласинлар.**

Улар бу дунёда қанча кўп кулсалар ҳам оз бўлади. Аммо, охиратда кўп йиғлашлари турган гап.

Кейинги оятда урушдан бош тортганлар билан бундан кейин қандай муомалада бўлиш кераклиги баён қилинади:

فَإِنْ رَجَعَكَ اللَّهُ إِلَى طَائِفَةٍ مِنْهُمْ فَاسْتَعْتَذَرُواكَ لِلْخُرُوجِ فَقُلْ لَنْ تَخْرُجُوا مَعِيَ أَبَدًا وَلَنْ تُفَنِّلُوا مَعِيَ عَدُوًّا إِنَّكُمْ رَضِيتُمْ بِالْقُعُودِ أَوَّلَ مَرَّةٍ فَاقْعُدُوا مَعَ الْخَالِفِينَ ﴿٨٣﴾

**83. Бас, Аллоҳ сени улардан бир тоифасига қайтарса-ю, улар сендан (урушга) чиқишга изн сўрасалар: «Мен билан ҳеч қачон чиқмайсизлар ва мен билан бирга ҳеч қачон жанг қилмайсизлар, сизлар биринчи мартада ўтиришга рози бўлдингиз, бас, орда қолувчилар билан ўтираверинглар», – деб айт.**

Оғир пайтда қийинчиликдан қочиб, жонининг роҳатини кўзлаган, аввал бошдаёқ ишни бузишга ҳаракат қилганлардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Улар доимо панда берадилар. Шунинг учун:

**«Бас, Аллоҳ сени улардан бир тоифасига қайтарса-ю, улар сендан (урушга) чиқишга изн сўрасалар...»**

Яъни, Табукдан эсон-омон қайтиб борсанг-у, мунофиқлар ҳузурингга келиб, сендан сен билан бирга келаси урушга чиқишга изн сўрасалар. Бундай бўлиши турган гап. Чунки сизлар ғолиб бўлганингиздан кейин мунофиқлар сизларга қўшилишга ҳаракат қилдилар. Шунда, сен уларга:

**«Мен билан ҳеч қачон чиқмайсизлар ва мен билан бирга ҳеч қачон жанг қилмайсизлар»,** – деб айт.

Нима учун, деган савол пайдо бўлса:

**«Сизлар биринчи мартада ўтиришга рози бўлдингиз, бас, ортда қолувчилар билан ўтираверинглар»,** – деб айт».

وَلَا تُصَلِّ عَلَىٰ أَحَدٍ مِّنْهُمْ مَّا تَأْتِيهِمْ قَبْرًا وَلَا تَقُمْ عَلَيْهِمْ كَفَرُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَمَاتُوا  
وَهُمْ فَاسِقُونَ

**84. Ва ҳеч қачон улардан ўлган бирортасига ҳам (жаноза) намоз ўқима, қабри устида турма. Чунки, улар Аллоҳга ва Унинг Расулига куфр келтирдилар ҳамда фосиқ ҳолларида ўлдилар.**

Тавба қилмасдан, фосиқ – диндан чиққан ҳолида, мунофиқлик ҳолида, яъни, Аллоҳга ва Унинг Расулига куфр келтирган ҳолатда ўлганларга нисбатан ана шундай муносабатда бўлиш керак. Чунки, жаноза намозини ўқиш, қабри устида туриш ўлган учун катта ҳурмат ва эъзоздир. Бу улкан ҳурмат ва эъзозни ҳақдор кишиларга қилиш керак. Мунофиқ ва фосиқлар бунга лойиқ эмас.

وَلَا تُعْجِبْكَ أَمْوَالُهُمْ وَأَوْلَادُهُمْ إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَن يُعَذِّبَهُمْ بِهَا فِي الدُّنْيَا وَتَزْهَقَ أَنفُسُهُمْ  
وَهُمْ كَافِرُونَ

**85. Уларнинг мол-дунёлари ва бола-чақалари сени ажаблантирмасин. Аслида, Аллоҳ ўша нарсалар сабабли уларни дунёда азоблашни ва кофир ҳолларида жонлари чиқишини хоҳлайди, холос.**

Чунки, уларга ажабланиб, ҳавас билан қараш ҳам ҳурмат маъносини билдиради. Улар ҳеч бир ҳурматга муносиб эмас. Куфр,

мунофиқлик ва фосиқликлари туфайли ҳурмат, эҳтиром ва ҳавасга — ажабланишга лойиқ эмаслар. Молу дунёлари, бола-чақалари уларга бу дунёнинг азобидир. Молу дунё топиш учун икки дунёларини куйдирадилар. Бутун умрлари, куч-қувватлари, ақл-заковатлари ва вақту имкониятларини шунга сарфлайдилар. Улар ўз ўлчовларидаги роҳатга эришаман деб, молу дунё топиш учун, ўзларини азоб-уқубатга гирифтор қиладилар. Бола-чақалари эса қандай бўлишларидан қатъи-назар, улар учун бу дунёнинг азобидан иборат бўлаверади.

Чунки одатда бундай мунофиқ ва фосиқ кимсалар уй-жой ва бола-чақага ҳаддан зиёд меҳ қўядилар. Натижада, улар молу дунё, бола-чақага овора бўлиб, бу дунёдан фосиқликларича ўтиб кетадилар. Ўзларини ўнглаб, тўғри йўлга тушиб олишга имкон бўлмайди.

وَإِذَا أَنْزَلَتْ سُورَةً أَنْ آمَنُوا بِاللَّهِ وَجَاهِدُوا مَعَ رَسُولِهِ اسْتَعْتَدْنَاكَ أُولَ الْأَطْوَالِ مِنْهُمْ  
وَقَالُوا دَرْنَا كُنْ مَعَ الْفَاعِلِينَ ﴿٨٦﴾

**86. «Аллоҳга иймон келтиринглар ва Унинг Расули билан жиҳод қилинглар», — деб сура нозил қилинган пайтда улардан бой-зодагонлари: «Бизни тек қўй, ўтирувчилар билан бирга бўлайлик», — деб изн сўрайдилар.**

Иймони бор жиҳод қилади. Иймони йўқ — мунофиқ жиҳоддан қочади. Иймони бор иймони йўлида ҳамма машаққатларни кўтаришга тайёр. Аммо, мунофиқ фақат жонининг роҳатини кўзлайди. Қайси томонда роҳат бўлса, қаерда ўзининг манфаати бўлса, ўша томонга ўтади. Ҳеч гап йўқ, ҳамма нарса жойида бўлган пайтда кўпчиликнинг олдига тушиб, кўксига уриб, мен мусулмонман, мен мўминман, деб юради. Аммо, иймон ҳимояси учун жиҳод керак бўлиб қолса, жиҳодга имконияти бўлатуриб, айниқса, бой-зодагонлари жиҳодга бормай хотинлар билан ўтириб қолишга изн сўрайди. Мунофиқларда ғурур, иззат-нафс ва мардлик умуман бўлмайди. Улар ўз жонлари роҳати учун ҳар қандай пасткашликка тайёрлар.

رَضُوا بِأَنْ يَكُونُوا مَعَ الْخَوَالِفِ وَطُبِعَ عَلَى قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَفْقَهُونَ ﴿٨٧﴾

**87. Улар хотин-халажлар билан бирга бўлишга рози бўлдилар ва қалбларига муҳр босилди. Бас, улар англамаслар.**

Улар ўзлари хоҳлаб пасткашлик қилдилар. Шу сабабдан, қалбларига муҳр босилди. Энди, улар ўз фойдаларини англамайдилар. Агар англаганларида жиҳоддан қочмас эдилар.

لَكِنَ الرَّسُولِ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ جَاهِدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ وَأَوْلِيَّتِكُمْ لَهُمُ  
الْخَيْرَاتُ وَأَوْلِيَّتِكُمْ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٨٨﴾

**88. Лекин Пайғамбар ва у билан бирга иймон келтирганлар моллари ва жонлари билан жиҳод қилдилар. Ана ўшаларга, ўзларига яхшиликлар бўладир. Ана ўшалар, ўзлари нажот топгувчилардир.**

Булар мунофиқларга ўхшаб молу дунёга берилиб, унинг кетиб қолишидан қўрқиб, бахиллик қилмадилар. Топганларини Аллоҳнинг йўлидаги жиҳодга сарфладилар. Улар, мунофиқларга ўхшаб, жонлари ширин кўриниб, қўрқиб, урушдан қочиб, хотин-халаж орасига кириб ўтириб олмадилар. Улар Аллоҳнинг розилиги учун, Унинг йўлида шаҳид бўлишни орзу этиб жиҳод қилдилар. Шунинг учун, уларга барча яхшиликлар берилади. Шунинг учун, улар нажот топдилар. Охиратда эса:

أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٨٩﴾

**89. Аллоҳ улар учун остида анҳорлар оқиб турган жаннатларни тайёрлаб қўядир. Унда абадий қолурлар. Ана шу буюк ютуқдир.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишига эргашган мўминлар фақат бу дунёда яхшилик ва нажотга эришибгина қолмадилар. Балки, охиратда ҳам остида анҳорлар оқиб турган жаннатларда абадий қолиб, улкан ютуққа эришадилар.

Келгуси оятда аъробий (саҳровий)лардан ҳам урушга иштирок этмаган тоифалар борлиги зикр қилинади:

وَجَاءَ الْمُعَذِّرُونَ مِنَ الْأَعْرَابِ لِيُؤْذَنَ لَهُمْ وَقَعَدَ الَّذِينَ كَذَبُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ سَيُصِيبُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٩٠﴾

**90. Аъробийлардан узр айтувчилар уларга изн берилишини сўраб келдилар. Аллоҳга ва Расулига ёлғон гапирганлар эса, ўтириб қолдилар. Улардан кофир бўлганларга аламли азоб етадир.**

Араб тилида «аъробий» деб саҳрода истиқомат қилувчи арабларга айтилади. Уларнинг ичидан ҳам Табук урушига бормай қол-



ганлари бор эди. Улар икки қисмдан иборат эди. Биринчи қисмдагилар узрлари борлиги учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб изн сўрашган ва у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга рухсат берган эдилар. Иккинчилари эса, Аллоҳга ва Расулига ёлғон гапирган, мўмин бўлмаса ҳам, мўминман деб юрганлар эдилар. Улар изн ҳам сўраб ўтирмай, урушга бормай қўя қолдилар. Биринчиларига ҳеч гап бўлмаса ҳам, иккинчиларига бу ишлари учун аламли азоб бўлиши муқаррардир.

Юқоридаги оятлардан, ҳамма урушга бориши шарт экан, бу масалада узр ўтмас экан, деган нотўғри фикр туғилмаслиги керак. Кейинги оятларда кимларга рухсат берилгани айтилади:

لَيْسَ عَلَى الضُّعَفَاءِ وَلَا عَلَى الْمَرْضَى وَلَا عَلَى الَّذِينَ لَا يَجِدُونَ مَا يُنْفِقُونَ  
حَرْجٌ إِذْ نَصَحُوا لِلَّهِ وَرَسُولِهِ مَاعَلَى الْمُحْسِنِينَ مِنْ سَبِيلٍ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٩١﴾

**91. Заифҳолларга, беморларга ва сарф-харажат қиладиган нарса топа олмаётганларга, Аллоҳга ва Расулига ихлосли бўлсалар, насиҳат қилсалар, гуноҳ йўқ. Чиройли амал қилувчиларни айблашга йўл йўқ. Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Урушга ярамайдиган заифҳол кишилар, беморлар ёки урушга бориш учун керак бўладиган сарф-ҳаражатларни кўтара олмайдиган одамлар урушга бормай қолсалар, айб эмас. Гуноҳ ҳам бўлмайди. Чунки, Ислом инсонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. Мазкур узрлар билан урушга бормай қолган шахслар:

**«Аллоҳга ва Расулига ихлосли бўлсалар, насиҳат қилсалар, гуноҳ йўқ»,** яъни улар гуноҳкор бўлмайдилар.

Аммо, улар жамият учун хатарли бир пайтда бепарво бўлмай, ихлос билан ўзларига яраша ишларни адо этишлари лозим. Мисол учун, қўриқчилик, аёллар ва болаларга қараш ва шунга ўхшаш мусулмонлар учун фойдали оммавий ишларни қиладилар. Ҳеч бўлмаганда, насиҳат билан ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борадилар.

وَلَا عَلَى الَّذِينَ إِذَا مَا أَتَوْكَ لِتَحْمِلَهُمْ قُلْتَ لَا أَجِدُ مَا أَحْمِلُكُمْ عَلَيْهِ تَوَلَّوْا  
وَأَعْيُنُهُمْ تَفِيضُ مِنَ الدَّمْعِ حَزَنًا أَلَّا يَجِدُوا مَا يُنْفِقُونَ ﴿٩٢﴾

**92. Яна, сенга улов беришинг учун келганларида: «Сизларни миндиргани нарса топа олмаяпман», деганингда ғамгин бўлиб,**

**кўзларидан ёшлари тўкилиб, орқага қайтиб кетганларга ҳам, сарфхаражат қиладиган нарса топа олмаганлари учун гуноҳ йўқ.**

Бу тоифадагилар ўзлари соғ-саломат, бақувват, урушга ярайдилар. Рағбатлари ҳам бор. Урушга бориш учун жўнаб йўлга ҳам чиққанлар. Аммо, Табук узоқ жой бўлгани учун миниб оладиган улов керак. Уларнинг эса, уловлари йўқ. Шунинг учун, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оддиларига улов сўраб келишган. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга миндиришга улов йўқлигини айтганлар. Шунда, бу ихлосли кишилар жиҳоддек шарафли ва савобли ишдан қўли калталиқ қилиб, маблағ топа олмай бебахра қолаётганларидан ҳасратланиб, йиғлаб ортларига қайтганлар. Аллоҳ тало уларнинг узрли эканликларини ушбу оятда баён қилган.

Уламоларимиз мазкур кишиларнинг исмларини ва ким эканликларини аниқловчи ривоятлар ҳам келтирганлар. Шулардан биттасини эслаб ўтамиз.

Ал-Авфий ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга ўзлари билан ғазотга қўзғалишга амр қилдилар. У кишининг ҳузурларига саҳобалардан бир гуруҳи келдилар. Уларнинг ичида Абдуллоҳ ибн Мақва ал-Мозоний ҳам бор эди. Улар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бизга улов беринг», – дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга қасамки, сизларга миндиргани бирор улов топа олмайман», – дедилар. Улар йиғлаб қайтиб кетдилар. Жиҳодга бора олмай қолганлари ва улов топа олмаганлари оғир ботди. Аллоҳ уларнинг рағбатларини, ўзига ва Пайғамбарига бўлган муҳаббатларини кўргандан кейин ўз китобида узрларини туширди».

Мусулмонлар ичида мана шу руҳият ҳукм сурганда доимо ғолиб бўлганлар.

﴿ إِنَّمَا السَّبِيلُ عَلَى الَّذِينَ يَسْتَأْذِنُوكَ وَهُمْ أَغْنِيَاءُ رَضُوا بِأَنْ يَكُونُوا مَعَ الْخَوَالِفِ وَطَبَعَ اللَّهُ عَلَى قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴾

**93. Бой-бадавлат бўлиб туриб сендан изн сўрайдиганларни айб-лашга йўл бор. Улар хотин-халажлар билан бирга бўлишга рози бўлдилар. Аллоҳ уларнинг қалбларига муҳр босди. Бас, улар билмаслар.**

Урушга чиқмай қолганлари учун айбдор бўладиганлар, гуноҳга ботадиган ва жазога тортиладиганлар маълум. Улар барча имкониятлари бўлатуриб, бой-бадавлат бўлишларига қарамасдан, хотин-халажга қўши-

либ, урушга боришдан қочиб, изн сўраб келадиганлардир. Уларда ҳиммат йўқ, ғурур йўқ, орият йўқ, урушга бормаслик учун хотин-халажга қўшилиб олишга ҳам розилар. Ушбу ишлари учун:

**«Аллоҳ уларнинг қалбларига муҳр босди».**

Ҳис-туйғуларини беркитиб қўйди. Ор-номусни сезмайдиган қилиб қўйди. Олий мақомларга интилмайдиган этиб қўйди. Энди, бунга ўхшаш нарсаларни:

**«Бас, улар билмаслар».**

Шунинг учун, турли пасткашликларни қилаверадилар.

يَعْتَذِرُونَ إِلَيْكُمْ إِذْ أَرْجَعْتُمْ إِلَيْهِمْ قُلْ لَا تَعْتَذِرُونَ لَكُمْ قَدْ نَبَأَ اللَّهُ  
مِنَ أَخْبَارِكُمْ وَسَيَرَى اللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُ ثُمَّ تُرَدُّونَ إِلَىٰ عِلْمِ الْغَيْبِ  
وَالشَّهَادَةِ فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٩٤﴾

**94. Ҳузурларига қайтиб келганингизда, сизга узр айтарлар. Сен: «Узр айтманглар, биз сизларга ҳеч қачон ишонмаймиз. Батаҳқиқ, Аллоҳ бизга сизларнинг хабарларингизни берди. Албатта, Аллоҳ ва Унинг Расули амалингизни кўрадир, сўнгра, вайбни ва шаҳодатни билгувчи Зотга қайтариласизлар. Бас, У сизга қилиб юрган амалингизнинг хабарини берадир», – деб айт.**

Яъни, узрсиз бўлатуриб урушдан қочиб, хотин-халаж билан қолишга рози бўлганлар, сиз урушни тугатиб:

**«Ҳузурларига қайтиб келганингизда, сизга узр айтарлар».**

Чунки, у пайтда сизнинг ғалабангиз маълум бўлади. Улар палланинг оғир томонига ўтиб, сизга тилеғламалик қилишни бошлайдилар. Урушга бормай қолганлари учун турли баҳона-сабабларни тўқиб, сизга узр айтишга тушадилар. Ана шу пайтда сен, эй Пайғамбар, уларга қарага:

**«Узр айтманглар, биз сизларга ҳеч қачон ишонмаймиз».**

Яъни, аввал ишонган бўлсак ҳам, энди ҳеч қачон ишониш йўқ, деб айт. Чунки:

**«Батаҳқиқ, Аллоҳ бизга сизларнинг хабарларингизни берди».**

Сизларнинг ким эканлигингиз бизга ойдек равшан бўлди. Энди, аввалгига ўхшаб айтган гапларингизга ишонавериш йўқ, деб айт.

**«Албатта, Аллоҳ ва Унинг Расули амалингизни кўрадир».**

Агар амалларингизда Исломот таълимотларига мос ҳақиқий ўзгариш содир бўлса, амалингиз гапингизга тўғри келса, ана шунга қараб сизларга муомала қилинади. Аммо, иш бу билан тугаб қолмайди. Ҳақиқий баҳо берадиган вақт ҳам келади.

«...сўнгра, ғайбни ва шаҳодатни билгувчи Зотга қайтариласизлар».

Яъни, охирада сир ва ошкорни билгувчи зот Аллоҳ таолонинг ҳузурига қайтиб борасизлар.

«Бас, У сизга қилиб юрган амалингизнинг хабарини берадир», – деб айт».

سَيَحْلِفُونَ بِاللَّهِ لَكُمْ إِذَا انْقَلَبْتُمْ إِلَيْهِمْ لَتَعْرِضُوا عَنْهُمْ فَأَعْرِضُوا عَنْهُمْ إِنَّهُمْ رَجِسٌ  
وَمَا وَدَّعَهُمْ جَهَنَّمَ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٩٥﴾

95. Уларнинг ҳузурларига қайтиб келганингизда уларни айб-ламаслигингиз учун сизга Аллоҳнинг номи ила қасам ичарлар. Бас, улардан юз ўғиринглар! Албатта, улар нопокдирлар. Қилиб юрган касблари жазосига жойлари жаҳаннамдадир.

Демак, урушдан қочиб, сафарбарликдан ортда қолган ўшалар фақат оддий узр айтиш билан кифояланмайдилар, балки узрлари ҳақиқий эканлигига ишонтириш учун қасам ичадилар. Қасам ичганда Аллоҳнинг номини тилга оладилар.

«Уларнинг ҳузурларига қайтиб келганингизда уларни айб-ламаслигингиз учун сизга Аллоҳнинг номи ила қасам ичарлар».

Лекин уларнинг қасамларига ҳам ишонмаслик керак экан. Чунки, пасткаш мунофиқнинг ўз манфаати йўлида Аллоҳ номи ила ёлғон қасам ичиши ҳеч нарса эмас.

«Бас, улардан юз ўғиринглар!»

Ўзларига ҳам, қасамларига ҳам ишонманглар. Чунки:

«Албатта, улар нопокдирлар».

Нопоклардан эса, доимо юз ўғириш керак. Сизларнинг улар билан ишингиз бўлмасин. Аллоҳ Ўзи билиб муомаласини қилади.

«Қилиб юрган касблари жазосига жойлари жаҳаннамдадир».

Чунки, улар доимо ёмонлик қилиб юрадилар.

يَحْلِفُونَ لَكُمْ لِتَرْضَوْا عَنْهُمْ فَإِن تَرْضَوْا عَنْهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يَرْضَىٰ عَنِ الْقَوْمِ  
الْفَاسِقِينَ ﴿٩٦﴾

96. Улар сизлар улардан рози бўлишингиз учун сизга қасам ичарлар. Агарчи сиз улардан рози бўлсангиз ҳам, Аллоҳ фосиқ қавмлардан рози бўлмас.

Мунофиқларнинг иши шундай: улар Аллоҳнинг розилигини эмас, балки банданинг розилигини олишга уринадилар. Мунофиқлик шу асосга қурилган. Дилдан мўмин-мусулмон бўлмаса ҳам, одамларга ўзини мўмин-мусулмон сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Ушбу узрсиз ҳолда урушдан бош тортганлар Аллоҳдан қўрқмай, ёлғон баҳона тўқиб урушга бормадилар. Энди эса, Аллоҳга тавба, тазарру қилиш ўрнига, бандаларга узр айтмоқдалар.

**«Улар сизлар улардан рози бўлишингиз учун сизга қасам ичарлар».**

Бу билан улар улкан ҳақиқатни унутмоқдалар. Улар учун бандаларнинг эмас, бандаларнинг Робби бўлмиш Аллоҳ таолонинг розилиги кераклигини билмаяптилар. Шунинг учун ҳам, оятда:

**«Агарчи сиз улардан рози бўлсангиз ҳам, Аллоҳ фосиқ қавмлардан рози бўлмас»,** деб узил-кесил ажрим чиқарилмоқда.

Келаси оятларда Табук уруши пайтидаги Ислом жамиятида мавжуд тоифалар ҳақида гап кетади. Чунки, бу вақтга келиб, хусусан, Маккаи Мукаррама фатҳидан сўнг турли жойлардан турли одамлар Исломга кирганларини билдирган эдилар.

الْأَعْرَابُ أَشَدُّ كُفْرًا وَنِفَاقًا وَأَجْدَرُ أَلَّا يَعْلَمُوا حُدُودَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِ ۗ

وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٩٧﴾

**97. Аъробийлар куфр ва нифоқда ашаддийроқ ва Аллоҳ Ўз Пайғамбарига нозил қилган нарсанинг чегараларини билмасликка лойиқроқдирлар. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир.**

«Аъробийлар» дейилганда, аввал айтиб ўтилганидек, саҳрода яшайдиган араблар кўзда тутилади. Ўша аъробийларнинг баъзи қабилалари Мадийнаи Мунавваранинг атрофидаги саҳроларда яшар эдилар. Улар Исломга кирмасларидан олдин кофирларга қўшилиб, мусулмонларнинг маркази бўлган Мадийнаи Мунавварага қарши ҳужумларда қатнашиб турганлар.

Оятда аъробийларнинг асл табиатлари васф қилинмоқда.

**«Аъробийлар куфр ва нифоқда ашаддийроқ ва Аллоҳ Ўз Пайғамбарига нозил қилган нарсанинг чегараларини билмасликка лойиқроқдирлар».**

Улар ўзлари яшаб турган муҳитга мослашиб қолганлар. Улар куфр ва нифоқда ашаддий бўладилар. Аъробийлар шафқатсиз табиий шароитда узоқ яшаганлари учун, кўнгли қаттиқ, қўпол табиатли бўлиб қоладилар. Шу сабабли, улардан бирорта ҳам Пайғам-

бар чиқмаган. Эҳтимол, улар таълим-тарбия ишлари ва ҳисоб-ки-тоб амалларини билмаганлари учун, Аллоҳ туширган оятлар ва уларнинг маъноларидан ҳам беҳабардирлар. Яна бунга ўхшаган сабаблар жуда ҳам кўп бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммасини Аллоҳнинг Ўзи билади. Чунки:

«Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир».

وَمِنَ الْأَعْرَابِ مَنْ يَتَّخِذُ مَا يُنْفِقُ مَغْرَمًا وَيَتَرَبَّصُ بِكُمْ الدَّوَابِّرَ عَلَيْهِمْ دَائِرَةُ السَّوْءِ

وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٩٨﴾

**98. Аъробийлардан қилган инфоқни зиён деб биладиган ва сизга бало-офат келишини кутиб турадиганлари ҳам бор. Ёмон балолари ўзларига урсин! Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи Зотдир.**

Ушбу оятда васфи келган аъробийлар мунофиқлардир. Улар сиртдан ўзларини мусулмон кўрсатганлари учун, Ислом дини тақозо қилганидек, мусулмонларга ўзларининг сири очилиб қолишдан кўрқиб, закот беришга ва жиҳод учун баъзи бир сарфларни қилишга мажбур бўладилар. Ичларида эса, катта зиён кўрдим, деб куюнадилар. Айни чоғда, улар замон айланиб, сизнинг бошингизга бало-офатлар келишини ҳам кутиб турадилар. Урушда енгилишингизни орзу қиладилар.

«Ёмон балолари ўзларига урсин!».

Бировга офат тилагунча, ўзларига бахт тиласалар бўлмасмиди?!

«Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи Зотдир».

Мунофиқларнинг нима деяётганларини эшитиб турибди. У зот уларнинг қилмишларини ҳам билиб турибди. Айни чоғда:

وَمِنَ الْأَعْرَابِ مَنْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَيَتَّخِذُ مَا يُنْفِقُ قُرْبًا  
عِنْدَ اللَّهِ وَصَلَوَاتِ الرَّسُولِ أَلَّا إِتَّهَمُوهُمْ سَيِّدِ خُلُومِهِمْ اللَّهُ فِي رَحْمَتِهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ

رَحِيمٌ ﴿٩٩﴾

**99. Аъробийлардан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган ҳамда инфоқ қиладиган нарсасини Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш ва Расулнинг дуосига мушарраф этиш воситаси деб биладиганлари ҳам бор. Билсинларки, албатта, ўша нарсалар улар учун қурбатдир. Албатта, Аллоҳ уларни Ўз раҳматига киритадир. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Бу оятда васфлари келган аъробийлар мухлис, мўмин-мусулмон аъробийлардир. Улар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган саодатманд кишилардир. Уларнинг иймонлари Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилишга, мол сарфлашга ундайди. Улар инфоқни хурсандлик билан қиладилар. Чунки, инфоқ, уларнинг фикри ва тушунчалари бўйича, Аллоҳга қурбат – яқинлик ҳосил қилишнинг ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дуоларига эришишнинг энг яхши йўллари билан биридир. Улар тўғри тушунадилар.

**«Билсинларки, албатта, ўша нарсалар улар учун қурбатдир».**

Бу ишларни қилганларни Аллоҳ таоло Ўзига яқин олади ва:

**«Албатта, Аллоҳ уларни Ўз раҳматига киритадир».**

Чунки:

**«Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир».**

Мўмин бандаларининг гуноҳларини кечиради ва уларни Ўз раҳмати ила жаннатга киритади.

Юқоридаги ояти карималарда аъробийларнинг турли тоифалари ҳақида сўзлаб бўлгандан кейин келаси оятларда исломий жамиятдаги барча аъзолар иймоний табақаларга тақсимланиб баён қилинади. Биринчи табақадагилар:

وَالسَّابِقُونَ الْأُولُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

**100. Биринчи пешқадам муҳожирлар ва ансорийлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Уларга остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Уларда абадий қолурлар. Ана ўша улкан ютуқдир.**

Бу тоифадаги мусулмонлар Ислом жамиятининг асл мағзини, жавҳарини ташкил этар эдилар. Булар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм пешқадам муҳожирлар эди.

**«Биринчи пешқадам муҳожирлар»**

Улар Маккаи Мукаррамада ҳеч ким иймонга келмаганда иймонга келган, кофирларнинг озорларига чидаган, уларнинг зулмларига бардош берган улкан саҳобийлардир. Уламолар ушбу оятда, олий мақом эгалари, деб сифатланаётган муҳожирлар Бадр урушига қадар Маккаи Мукаррамадан Мадийнаи Мунавварага ҳижрат қилган са-



ҳобалар, дейдилар. Чунки, улар қийин вақтда иймонга келиб, қийин вақтда ҳижрат қилган шахслардир. Бадр урушида мусулмонлар ғолиб келиб, Ислом жамияти юзага чиқиб, ўз таянчига эга бўлгандан кейин, ҳижрат қилиш ҳам осон бўлиб қолган.

Иккинчи қисм — «**ансорийлар**» — Мадийна аҳлларида биринчи бўлиб Исломга келган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Ақабада байъат қилган, дин қардошларини юртлари Мадийнага таклиф этган, маккаликлар ҳижрат қилиб борганларида уларга ўзлари емай едирган, ўзлари киймай кийдирган, уйларини, молу мулкларини бўлиб берган, дину диёнатлари учун молу жонларидан кечишга тайёр турган мадийналик пешқадам мусулмонлардир.

Учинчи қисм — «**уларга яхшилик билан эргашганлар**» — пешқадам муҳожир ва ансорийларга яхшилик билан эргашганлардир. Улар васф қилинмиш пешқадам муҳожир ва ансорийлардан кейин, мазкур машҳур воқеалардан кейин мусулмон бўлишиб, худди пешқадам мусулмонлар каби ихлосли, ибодатли ва тақводор кишилар бўлганлар. Уларга фақат пешқадамлик — энг қийин вақтларда сафда бўлмаганликлари етишмайди, холос. Уч тоифадаги мусулмонларнинг барчасидан:

**«Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар».**

Банда эришиши мумкин бўлган энг юқори мартаба Аллоҳнинг розилигидир. Зотан, ҳар бир банданинг олий мақсади ҳам — шу. Банданинг Аллоҳдан розилиги Унинг қадарига ишониш, қазосидан яхшилик кутиш, неъматларига шукр қилиш, бало-офатларига сабр қилишдир.

Аллоҳ улардан рози эканлигидан:

**«Уларга остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларни тайёрлаб қўйди».**

Улар мазкур жаннатга вақтинчаликка кирмаслар. Балки,

**«Уларда абадий қолурлар».**

Аллоҳ таоло улардан рози бўлмаганда, уларни бундай икромга сазовор қилмас эди.

**«Ана ўша улкан ютуқдир».**

Бундан ортиқ ютуқ бўлиши мумкинми?

Ислом жамиятидаги иккинчи табақалар:

وَمِمَّنْ حَوْلَكُم مِّنَ الْأَعْرَابِ مُنْفِقُونَ وَمِنْ أَهْلِ الْمَدِينَةِ مَرَدُوا عَلَى النِّفَاقِ لَا تَعْلَمُهُمْ نَحْنُ نَعْلَمُهُمْ سَنَعَذِّبُهُمْ مَّرَّتَيْنِ ثُمَّ يَردُّونَ إِلَىٰ عَذَابٍ عَظِيمٍ ﴿٦٠﴾

**101. Атрофингиздаги аъробийлардан мунофиқлар бор. Мадийна аҳлидан ҳам. Улар нифоқда сийқаси чиққанлардир. Сен уларни билмассан, уларни Биз билармиз. Албатта, уларни икки марта азоблармиз. Сўнгра, улкан азобга қайтарилурлар.**

Аввал ҳам аъробийлар ва бошқа мунофиқлар ҳақида гап бўлган эди. Аммо ушбу ояти каримада аъробийларнинг ва аҳли Мадийнанинг алоҳида мунофиқлари, сийқаси чиққан мунофиқлари ҳақида сўз кетмоқда.

**«Атрофингиздаги аъробийлардан мунофиқлар бор. Мадийна аҳлидан ҳам. Улар нифоқда сийқаси чиққанлардир».**

Шу даражада сийқалари чиққанки, усталигидан, ҳатто Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уларнинг мунофиқ эканликларини билмайдилар. Уларнинг мунофиқлигини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади.

**«Сен уларни билмассан, уларни Биз билармиз».**

Бу бадбахт шахслар ўзларини икки хил тутганлари учун, яъни сиртдан мусулмонун ичдан кофир бўлганлари учун:

**«Албатта, уларни икки марта азоблармиз».**

Икки марта жазолаш бу дунёнинг ўзида бўлади. Қандай бўлишининг ҳақиқатини Аллоҳнинг Ўзи билади. Уламоларимиздан баъзилари ўзларича ижтиҳод қилиб, эҳтимол, бири мусулмонлар ичида сиримиз очилиб қолмасин, деб доимо қўрқинчда яшашлари, иккинчиси ўлим азоби бўлиб, ўлим фаришталари уларнинг жонларини қийнаб олиши бўлса керак, дейдилар. Нима бўлса ҳам, мунофиқлар бу дунёда икки марта азобланишлари турган гап. Аммо, иш шу билан тугамайди:

**«Сўнгра, улкан азобга қайтарилурлар».**

Яъни, у дунёда ҳақиқий азобга дучор бўладилар.

Ислом жамиятидаги учинчи табақадагилар:

وَأَخْرَجْنَا مَن ظَلَمْنَا فَمَا نَبْتَغُ الْعُقُوبَةَ عَلَيْهِمْ وَأَخْرَجْنَا مَن ظَلَمْنَا فَمَا نَبْتَغُ الْعُقُوبَةَ عَلَيْهِمْ وَأَخْرَجْنَا مَن ظَلَمْنَا فَمَا نَبْتَغُ الْعُقُوبَةَ عَلَيْهِمْ  
 إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ

**102. Бошқалар эса, гуноҳларини эътироф қилдилар: улар яхши ва ёмон амални аралаштириб қилганлардир. Шоядки, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилса. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир.**

Бу тоифадаги кишиларнинг яхшилик ва ёмонликлари тенгма-тенг келиб қолгандир.

**«Бошқалар эса, гуноҳларини эътироф қилдилар: улар яхши ва ёмон амални аралаштириб қилганлардир».**

Ушбу оят тушишига сабаб бўлганлар Табук урушига бормай қолиб, сўнгра ўз ишларидан афсус-надомат қилиб тавба этган кишилардир. Улар ғазотдан қолиб жуда ёмон иш қилганлар, аммо чин кўнгилдан афсусланишлари яхши ишдир. Энди, бундай табақадаги кишиларнинг ишлари Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қилинади.

**«Шоядки, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилса».**

Уламоларимиз «шоядки» сўзи Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилганда, албатта бўлишига далолат қилади, дейдилар. Чунки:

**«Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли Зотдир».**

Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Ибн Жарир Тобарий розияллоҳу анҳу Убайд ибн Салмондан қилган ривоятда қуйидагиларни айтади: «Аз-Заҳҳокдан Аллоҳнинг: «Бошқалар эса, гуноҳларини эътироф қилдилар, улар яхши ва ёмон амални аралаштириб қилганлардир», деган ояти тўғрисида қуйидагиларни эшитдим: «Бу оят Абу Лубоба ва унинг шериклари ҳақида нозил бўлган. Улар Табук ғазотига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бормай ортда қолдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жўнаб кетганларидан кейин у кишидан ажраб қолганларига афсус-надомат чекдилар. «Биз соя-салқинда, овқатларни еб, хотинлар билан ўтирамиз-у, Аллоҳнинг Пайғамбари жиҳодда, қийинчиликда юрадимми? Аллоҳга қасамки, ўзимизни устунларга боғлаб қўямиз, сўнгра, то Аллоҳнинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари кечириб ечмагунча ўзимизни ечмаймиз», — дедилар. Сўнгра ўзларини ўзлари боғлаб қўйдилар. Улардан уч киши ўзини устунга боғлаёлмай қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазотдан қайтиб келдилар. Масжиддан ўтдилар. Масжид йўллари устида эди. Ҳалигиларни кўриб қолиб, улар ҳақида сўрадилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Булар Абу Лубоба ва унинг шериклари, сиз билан бормай ортда қолишган. Ўзларини, сиз кўриб турганингиздек, боғлаб қўйишди. Токи сиз уларни ечмагунингизча, ўзларини ўзлари ечмасликка Аллоҳни орага қўйиб аҳд қилишди», — дейилди. Шунда, Аллоҳнинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менга то уларни қўйиб юборишга амр қилингунча, ечмайман. Токи, Аллоҳ уларни авф этмагунча, кечирмайман. Улар ўзларича мусулмон ғазотидан юз ўгирдилар», — дедилар. «Бас, Аллоҳ: «Бошқалар эса, гуноҳларини эътироф қиладилар»» оятини то «Шоядки, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилса»гача нозил қилди. «Шоядки» Аллоҳдан бўлса, «вожиб»ни англатади. Бас, Аллоҳнинг Пайғамбари уларни қўйиб юбордилар ва кечирдилар».

Сўнгра, Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитобан деди:

خُذْ مِنْ أَمْوَالِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيهِمْ بِهَا وَصَلِّ عَلَيْهِمْ إِنَّ صَلَاتَكَ سَكَنٌ لَهُمْ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٠٣﴾

**103. Уларнинг молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан ва уларнинг ҳаққига дуо қил. Албатта, сенинг дуоинг улар учун сокинликдир. Аллоҳ эшитгуви ва билгувчи Зотдир.**

Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Ибн Жарир Тобарий раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Лубоба ва унинг шерикларини қўйиб юборганларидан кейин улар молу мулкларини олиб келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйдилар ва:

«Мана, молу дунёмизни олиб бизнинг номимиздан садақа қилинг ва бизнинг ҳаққимизга дуо қилинг, бизни покланг», – дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менга амр қилинмагунча, булардан ҳеч нарса олмайман», – дедилар. Шунда, Аллоҳ: «Уларнинг молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан ва уларнинг ҳаққига дуо қил. Албатта, сенинг дуоинг улар учун сокинликдир», оятини нозил қилди. Бу, улар қилган гуноҳлари учун истиффор айт, деганидир. Оят нозил бўлганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг молларидан бир қисмини олиб, номларидан садақа қилдилар».

Уларнинг садақасини олиш кўнгилларини тўлдирди. Тавбалари ҳақиқатда қабул бўлгани уларнинг кўнгилларини равшан қилди. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари мукофот бўлди.

**«Аллоҳ эшитгуви ва билгувчи Зотдир».**

Дуоларни эшитади, ким чин дилдан тавба қилганини билади.

الَّذِينَ يَعْلَمُونَ أَنَّ اللَّهَ هُوَ يَقْبَلُ التَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِ وَيَأْخُذُ الصَّدَقَاتِ وَأَنَّ اللَّهَ هُوَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿١٠٤﴾

**104. Улар, албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан тавбани қабул қилишини ва садақаларни олишини ва, албатта, Аллоҳнинг Ўзи тавба-**

### ларни кўплаб қабул қилгувчи ва раҳимли Зот эканини билмасларми?

Яъни, бу ишларни фақат Аллоҳнинг Ўзигина қилади. Бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шунинг учун, Расулуллоҳ бизни кечириб ечмагунча ўзимизни ечмаймиз, деганларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан амр бўлмагунча ечмай турдилар. Чунки, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам бунга ҳақлари йўқ эди. Улар садақаларини олиб келганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан амр бўлмагунча олмай турганларининг сабаби ҳам шундан.

Қуйидаги оятда Пайғамбаримизга ғазотга бормаи қолиб, кейин тавба этган мусулмонларга бевосита қуйидаги хитобни қилиш топширилади:

وَقُلْ أَعْمَلُوا فَيَسِّرِ اللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُ وَالْمُؤْمِنُونَ وَسَتُرَدُّوكُمْ إِلَىٰ عِلْمِ الْغَيْبِ  
وَالشَّهَادَةِ فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٦٠﴾

**105. Сен: «Амал қилинглари! Бас, албатта, Аллоҳ, Унинг Расули ва мўминлар амалингизни кўрадилар. Ва, албатта, ғайбни ва шаҳодатни билгувчи Зотга қайтариласизлар. Бас, У сизларга қилиб юрган амалларингизнинг хабарини беради», – деб айт.**

Содир бўлган гуноҳга афсусланиш, ундан тавба қилиш маънавиятга, ҳис-туйғуга боғлиқ нарса. Бу билан иш тугаб қолмайди. Балки, тавба ва надомат ҳақиқий эканлигини билдирувчи аломатлар бор. Бу аломатлар тавбадан кейин инсон ўзини қандай тутишига боғлиқдир. Тавбадан кейин яхши амалларни қилиб кетса, тавбаси ҳақиқий бўлади. Бўлмаса, йўқ.

**«Амал қилинглари! Бас, албатта, Аллоҳ, Унинг Расули ва мўминлар амалингизни кўрадилар».**

Ана ўшада тавбангиз ҳақиқийми, сохтами экани аён бўлади. Чунки, оғиз билан, тавба қилдим, дейиш осон, лекин, тавба тақозоси ила амал қилиш осон эмас.

Баъзи уламоларимиз бундай ҳолларда бир йил давомида тавба қилувчини кузатилади. Ана ўша муддатда у ўзи тавба қилган гуноҳни тақрорламаса, тавбаси ҳақиқий бўлади, деганлар.

Ояти кариманинг давомида тавба қилган гуноҳкорларга қуйидаги хитоб қилинмоқда:

**«Ва, албатта, ғайбни ва шаҳодатни билгувчи Зотга қайтариласизлар. Бас, У сизларга қилиб юрган амалларингизнинг хабарини беради».**

Албатта Аллоҳ таолога қайтилишдан бошқа илож йўқ. У зот ҳамма-ҳамма нарсани, ғайни ҳам, ошкорни ҳам билиб туради. Ана ўша илми юзасидан охиратда барчага уларнинг қилиб юрган амаллари хабарини, қилганларига яраша жазо ёки мукофотини ҳам беради.

Ислом жамиятида ўша пайтда мавжуд тўртинчи тоифа:

وَأَخْرُوتُ مَرْجُونَ لِأَمْرِ اللَّهِ إِمَائِعِدَّ بِهِمْ وَإِمَائِي تَتُوبُ عَلَيْهِمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٠٦﴾

**106. Ва Аллоҳнинг амрига ҳавола қилинган бошқалар бор. Уларни ёки азоблайдир ёки тавбаларини қабул қиладир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Уламоларимиз бу тоифадаги одамлар мазкур оят нозил бўлган пайтда уч киши, — Ҳилол ибн Умаййа, Каъб ибн Молик ва Мирор ибн ар-Робийълар эди, дейдилар. Улар мунофиқ эмас, балки чин мусулмон бўлганлар, лекин хато қилиб, Табук ғазотига бормай қолганлар. Сўнгра, афсус-надомат қилганлар-у, аммо Абу Лубоба ва унинг шерикларига қўшилиб, ўзларини масжид устунига боғламаганлар. Абу Лубоба ва унинг шерикларининг тавбалари қабул қилинди, гуноҳлари кечирилди. Аммо, бу уч кишининг амри Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қилинди. Хоҳласа, уларни азоблайди, хоҳласа, тавбаларини қабул қилиб, гуноҳларини кечиради.

Шу билан Табук ғазоти пайтида Ислом жамиятида мавжуд бўлган тўрт тоифа ҳақидаги умумий гаплар тамом бўлади. Кейинги оятларда эса, ўша тоифаларга мансуб, аммо алоҳида таъкидлаш лозим бўлган баъзи гуруҳлар ҳақида сўз кетади. Яна ўша гуруҳлардан бири: Масжидул Зирор — зиён масжиди, деб номланган масжидни қурган ўн икки кишилик мунофиқлар гуруҳи эди. Масжидул Зирор қиссаси Табук ғазотига боғлиқ ҳодисалар ичида энг машҳурларидан биридир.

Имодуддин ибн Касир розияллоҳу анҳу ўз тафсирида мазкур масжид ва унга боғлиқ келаси оятларнинг нозил бўлиши ҳақида Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни келтирадilar:

«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнага келишларидан олдин у жойда Ҳазраж қабиласидан Абу Омир Роҳиб исми бир одам бор эди. У жоҳилият пайтида насронийликни қабул қилган, аҳли китобларнинг илмини ҳам ўрганган эди. Жоҳилият вақтида ўзича ибодат қилиб ҳам юрарди. У Ҳазраж қабиласида катта обрўга эга эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнага ҳижрат қилиб келиб, мусулмонлар У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларида тўпланиб, Исломнинг шаъни кўтарилиб, Аллоҳ



уларни Бадр уруши куни зафар қучдирганида, лаънати Абу Омир Роҳиб очиқдан-очиқ душманлик қила бошлади. Қочиб чиқиб, Макка кофирлари олдига борди. Қурайш мушрикларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши урушга чорлади. Улар ўзларига қўшилган араб қабилалари билан Уҳуд урушига келдилар. Муслмонларга нима бўлса, бўлди. Аллоҳ уларни имтиҳон қилди. Оқибат тақводорларники бўлиб чиқди. Мазкур фосиқ ўша урушда икки томон орасига чуқурлар қазиб қўйган эди. Ўша чуқурларнинг бирига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йиқилиб тушдилар. У кишига мусийбат етди. Юзлари жароҳатланди, тишлари синди, бошлари ёрилди. Уруш бошланишидан олдин Абу Омир ансорийлар орасидаги қавмига хитоб қилиб, уларни ёрдам беришга, унинг гапига киришга чақирди. Улар эса, унинг гапини эшитиб:

«Аллоҳ сени кўзимизга кўрсатмасин! Эй фосиқ, эй, Аллоҳнинг душмани», — деб уни сўқдилар. У:

«Мендан кейин қавмимга ёмонлик етибди», — деб орқасига қайтди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қочиб кетишидан олдин Аллоҳнинг йўлига даъват қилиб, унга Қуръон ўқиб берган эдилар. У эса, бош эгмай, Исломни қабул қилмай кетган эди. Шунда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни узоқ жойларга қувғинда бўлишини сўраб дуо қилган эдилар. Дуо қуйидагича ижобат бўлди. Одамлар Уҳуд урушини тамом қилганларидан сўнг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишлари ривож топиб кетаётганини кўрган Абу Омир Рум подшоси Ҳеракл олдига қочиб бориб, ундан муслмонларга қарши ёрдам сўради. Ҳеракл унга жой берди, ёрдам қилишга ваъда берди. Шунда, Абу Омир ансорийлар ичидаги ўз қавмидан бўлган мунофиқларга хат ёзиб, аскар билан келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни енгишини айтди. Уларга турли ваъдалар берди. Ҳамда уларга бирор марказ бўладиган жой қуришни буюрди. Токи, ундан хат олиб борадиганлар ўша жойда учрашсинлар. Кейинроқ ўзи келганда ҳам ўша маскан кузатиш жойи бўлсин. Бу хатдан кейин ҳалиги мунофиқлар Қубо масжиди яқинида бир масжид қура бошладилар. Уни яхшилаб битирдилар. Қурилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотига чиқишларидан аввал битди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, ўзларининг масжидларида намоз ўқишларини сўрашди. Бу билан мунофиқлар У кишининг қўллашларига ва иқдорларига эришмоқчи эдилар. Улар масжидни, қиш кунларида заифҳол ва бемор кишилар намоз ўқиб турсинлар деб, қурганликларини айтдилар. Аммо, Аллоҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни унда намоз ўқишдан Ўзи асради. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен сафарга



жўнаб турибман, агар қайтиб келсак, иншоаллоҳ», – дедилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Табуқдан қайтиб келаётганларида Мадийнага бир кунлик ёки ундан озроқ масофа қолганда Жаброил алайҳиссалом Масжидул Зирорнинг хабарини олиб тушди. Уни бино қилувчилар масжидларида мўминлар жамоаси орасига таҳлика солиш ниятида эканликларини билдирди. Қубо масжиди биринчи кундан бошлаб тақво асосида қурилганини хабар қилди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўзлари Мадийнага киришларидан олдин у масжидни бузиб қўйишни топшириб одамлар юбордилар».

Қуйида Жаброил алайҳиссалом олиб келган мазкур оятларни ўрганишга киришамиз:

وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مَسْجِدًا ضِرَارًا وَكُفْرًا وَتَفَرُّقًا بَيْنَ الْمُؤْمِنِينَ وَإِرْصَادًا لِمَنْ حَارَبَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ مِنْ قَبْلُ وَلَيَحْلِفُنَّ إِنْ أَرَدْنَا إِلَّا الْحُسْنَىٰ وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿١٠٧﴾

**107. Зиён, куфр, мўминлар орасига тафриқа солиш ва бундан олдин Аллоҳга ва Унинг Расулига уруш очган кимсани кутиш жойи бўлиши учун масжид қурганлар, албатта, биз яхшиликдан бошқа нарсани ирода қилганимиз йўқ, деб қасам ичарлар. Аллоҳ шоҳидлик берадики, улар, албатта, ёлғончилардир.**

Мазкур мунофиқлар қурган масжиддан ҳеч қандай фойда йўқ эди. Чунки, улар ўз масжидларини Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васаллам биринчи бўлиб тиклаган Қубо масжиди ёнида қурган эдилар. Шунинг учун, бу масжид Масжидул Зирор – зиён масжиди, деб номланди.

Бу масжиднинг куфр учун қурилди дейилишига сабаб мунофиқлар уни ўзларига марказ қилиб, куфр ишларини ривож топтириш мақсадида эдилар.

«мўминлар орасига тафриқа солиш» эса, Қубо масжиди туриб бу масжиднинг бино қилиниши оқибатида бир масжидда намоз ўқиб турган кишилар иккига бўлиниб, ораларига тафриқа тушиши кўзланганлигини билдиради.

«бундан олдин Аллоҳга ва Унинг Расулига уруш очган кимсани кутиш жойи бўлиши учун»дан мурод Абу Омир Роҳиб ва унга ўхшаган Ислом душманларидир. Мунофиқлар юқоридаги мақсадлар билан масжидни қурганлар, лекин ўзлари:

**«Биз яхшиликдан бошқа нарсани ирода қилганимиз йўқ», – деб қасам ичарлар».**

Мунофиқларнинг машҳур белгиси ана шу. Ўз ёлғонларини ва ёмон ниятларини хаспўшлаш учун ҳеч тап тортмай қасам ичавера-

дилар. Бу сафар уларни Аллоҳ таоло Ўзи оят индириб, гувоҳлик бериб шарманда қилди.

**«Аллоҳ шоҳидлик берадики, улар, албатта, ёлғончилардир».**

Ояти карима маълум шахслар, маълум масжид сабабли тушган бўлса ҳам, унинг маъноси умумийдир. Мунофиқ ва кофирлар барча жойларда ва барча замонларда Исломига зиён етказиш учун, куфрни ривожлантириш учун, мўмин-мусулмонлар орасига тафриқа солиш учун, Аллоҳ ва Унинг Расулига уруш очганларга кузатиш жойи бўлиши учун кўплаб Масжидул Зирорлар қурганлар. Бу ҳолат динсиз давлатлардаги масжид ва диний муассасалар мисолида жуда ҳам равшан намоён бўлган.

Кейинги оят Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва У киши орқали У зотга эргашган мўминларга хитобдир.

لَا نَقُومُ فِيهِ أَبَدًا الْمَسْجِدَ أُسِّسَ عَلَى التَّقْوَى مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ أَحَقُّ أَنْ تَقُومَ فِيهِ فِيهِ  
رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَّخِذُوا اللَّهَ مِجْتَبَأً

**108. Сен у(масжид)да ҳеч қачон турма! Албатта, биринчи кундан тақво асосида қурилган масжидда турмоқлигинг ҳақдир. Унда покланишни севадиган кишилар бор. Аллоҳ эса, покланувчиларни севадир.**

Исломига зиён етказиш, куфрга хизмат қилиш, мўминлар орасига тафриқа солиш, Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши урушадиганларнинг кузатув жойи қилиш ниятида қурилган масжидда намоз ўқиш ҳеч қачон Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мўминларга тўғри келмайди. Уларга энг лойиқ жой бор. Ўша Масжидул Зирорнинг ёнгинасида дунёда биринчи бўлиб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан тақво асосида қурилган Қубо масжиди турибди.

**«Унда покланишни севадиган кишилар бор».**

Гуноҳлардан пок бўлиш учун намоз ўқиётган, тиловат, зикр қилаётган, эътикоф ўтирган кишилар бор.

**«Аллоҳ эса, покланувчиларни севадир».**

Албатта, улар билан буларнинг орасидаги фарқ осмон билан ерча. Буни тушуниб етиш керак.

أَفَمَنْ أُسِّسَ بُيُوتُهُ عَلَى تَقْوَى مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانٍ خَيْرٌ أَمْ مَنْ أُسِّسَ بُيُوتُهُ  
عَلَى شَفَا جُرْفٍ هَارٍ فَأَتَمَّهَا رَبُّهُ فِي نَارِ جَهَنَّمَ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

**109. Биносини Аллоҳга бўлган тақво ва Унинг розилиги асосида қурган кимса яхшими ёки биносини емирилаётган жар ёқасини асос қилиб қуриб, у билан бирга жаҳаннам ўтига қулаган кимса яхшими? Ва Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.**

Ҳар бир иш тақво асосида, Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаб қилингандагина мустаҳкам ва барчага фойда келтирадиган бўлиши мумкин. Ана шундай иш қилган одам таги қаттиқ ва ишончли ерга мустаҳкам бино қурган бўлади.

Бузуқ ният билан, Аллоҳнинг розилигини эмас, ёмонликни кўзлаб, қандайдир шахслар, тузумлар ва жамоалар розилигини кўзлаб қилинган иш эса, қулаб кетай деб турган жар ёқасига, емирилиб бораётган бўш тупроқ устига бино қуриш билан баробардир. Унинг биноси битар-битмас ўзи билан бирга жарга қулаб тушади.

Оятда ушбу ўхшатиш ила Аллоҳнинг розилиги учун Қубо масжидини қурган тақво аҳли яхшими ёки хиёнат, куфр ва нифоқ йўлида Аллоҳнинг эмас, Абу Омир фосиқнинг амри ила, унинг розилиги учун, Ислому ва мусулмонларга қарши жосусхона ниятида қурилган Масжидул Зирор яхшими, деган савол ташланмоқда. Шунингдек, ояти каримада Масжидул Зирорни қурганлар ўз бинолари билан жаҳаннам ўтига қулашлари ҳам таъкидланиб, яна:

**«Ва Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас»,**— дейилмоқда. Золимлардан мурод кофир, мушрик ва мунофиқлардир. Чунки, энг катта зулму куфр, ширк ва нифоқдир. Уларнинг Исломуга зарар етказиш учун, мусулмонларни алдаш учун қурган нарсалари ҳам зулму ҳисобланади.

Бундай масжидул зирорлар ҳозирги кунимизда жуда ҳам кўпайган. Улар турли исломий ташкилотлар, муассасалар, марказлар, масжид ёки мадрасалар ва бошқа номлар ила барпо қилинмоқда. Уларни барпо қилувчиларнинг кўплари тақво асосида, Аллоҳнинг розилиги учун эмас, балки ўзидаги нуқсонларни ёпиш, одамларга яхши кўриниш ва керак бўлган чоғида улар орқали Ислому ва мусулмонларга зарар етказиш учун бу ишларни қилаётганлари маълум. Улар ўзларича пухта иш қилганга ўхшашга уринадилар. Лекин аслида ишлари чатоқлигини ўзлари ҳам биладилар.

لَا يَزَالُ بَيْنَهُمُ الَّذِي بَنَوْنَهُ فِي قُلُوبِهِمْ إِلَّا أَنْ تَقَطَّعَ قُلُوبَهُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٠٩﴾

**110. Барпо қилган бинолари қалбларида шак-шубҳа ҳолида бардавом қоладир. Магар қалблар қиймаланиб кетсагина, шак-шубҳа қолмас. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир.**

Масжидул Зирор бўлган бино қулаб тушди. Қулаганда ҳам жаҳаннам ўтига қулади. Аммо, қолдиқлари уни барпо қилганлар қалбида доимий шак ва шубҳа ҳолида давом этади. Доимо уларга зулмларини, Исломга ва мусулмонларга қарши қилган уринишларини ва бунинг сабабидан дўзахга тушишларини эслатиб туради. Тўғри, истисно бир ҳолат ҳам бор. Уларнинг қалбида шак-шубҳа қолмаслиги мумкин. Бу ҳолат фақат қалблари қиймаланиб кетса, яъни ўзлари ўлиб битсаларгина бўлиши мумкин:

**«Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир».**

У зот ҳамма нарсани билиб туради. Жумладан, ким тақво асосида, Аллоҳнинг розилиги учун иш қилаётганини ҳам билади. Ким бузғунчилик ниятида, Аллоҳнинг динига, мусулмон бандаларига қарши иш қилаётганини ҳам билади.

Ҳамда уларнинг амалларини ҳақим сифати ила ҳикмат асосида муолажа қилади.

Гарчи ушбу ояти карималар Мадийнаи Мунавварада Абу Омир фосиқнинг амри билан мунофиқлар қурган Масжидул Зирор ҳақида нозил бўлган бўлса ҳам, ҳукми умумийдир. Кейинги даврларда кимки Масжидул Зирорга ўхшаш ишларни қилса, мазкур оятлар тахтига доҳил бўлаверади. Масжидул Зирорнинг оқибати оятда очиқ-ойдин айтилиб турибди.

Имом ибн Касир Масжидул Зирорнинг ҳоли воқелиқда нима бўлгани ҳақида ҳам бир неча ривоятлар келтирган:

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу: «Зирор учун қурилган масжиддан Расулуллоҳ даврларида тутун чиқиб турганини кўрдим», — дейдилар.

Ибн Журайж эса: «Бизга зикр қилинишича, баъзи одамлар ўша жойдан чуқур қазишганда ҳам тутун чиққан экан», — дейди.

Халаф ибн Ясир ал-Куфий: «Аллоҳ таоло Қуръонда зикр қилган мунофиқларнинг масжидини кўрдим. Унинг тошидан ҳам тутун чиқиб турибди. У бугунги кунда ахлатхона экан», — дейди.

Бузғунчилик, Аллоҳнинг динига ва мусулмонларга зарар етказиш мақсадида қилинган ҳар бир ишнинг оқибати — шу.

«Тавба» сурасининг сўнгидаги оятларда Ислом жамиятининг яна баъзи бир алоқалари ҳақида баёнотлар келади. Жумладан, ушбу жамиятнинг ўз Роббиси — Аллоҳ таоло ва бошқалар билан бўладиган алоқаси, Ислом динининг ҳақиқатлари, тақлифотлари ва бошқа масалалар муолажа қилинади.

﴿إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَىٰ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ بِآتٍ لَهُمُ الْجَنَّةِ

يَقْتُلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيُقْتَلُونَ وَيَقْتُلُونَ وَعَدَا عَلَيْهِ حَقًّا فِي التَّوْرَةِ  
وَالْإِنْجِيلِ وَالْقُرْآنِ وَمَنْ أَوْفَى بِعَهْدِهِ مِنَ اللَّهِ فَاسْتَبْشِرُوا بِيَعْيِكُمُ الَّذِي بَايَعْتُمْ  
بِهِ وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١١١﴾

**111. Албатта, Аллоҳ мўминлардан уларнинг жонлари ва молларини жаннат эвазига сотиб олди. Улар Аллоҳнинг йўлида жанг қилурлар, ўлдирурлар ва ўлдирилурлар. Бу, Тавротда, Инжилда ва Қуръонда Унинг зиммасидаги ҳақ ваъдадир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Ким Аллоҳга берган аҳдига вафо қилса, бас, қилган савдоларингиздан шод бўлаверинг. Ана шунинг ўзи улкан ютуқдир.**

Ушбу оятда иймон ва Исломога киришни бир савдо иши сифатида васф қилинмоқда. Бу савдо алоқасида Аллоҳ таоло харидору, мўмин инсон – сотувчи. Мўмин-мусулмон бўлиш билан инсон ўз жони ва молини Аллоҳга сотади. Аллоҳ таоло эса, мўмин-мусулмон бандасига жонингни ва молингни менинг йўлимга тиксанг, Мен бунинг эвазига жаннатни бераман, деб сотиб олади.

**«Албатта, Аллоҳ мўминлардан уларнинг жонлари ва молларини жаннат эвазига сотиб олди»,** дегани шу маънони англатади. «Сотиб олди», яъни, савдо тугади. Шунинг учун, ҳар бир мўмин-мусулмон шахс савдони бузмаслиги, Аллоҳга сотган жони ва молини беришга доим тайёр турмоғи лозим.

Мазкур савдо аҳдномасига биноан:

**«Улар Аллоҳнинг йўлида жанг қилурлар, ўлдирурлар ва ўлдирилурлар».**

Чунки, аввалда кучга кирган савдо аҳдномаси шуни тақозо қилади. Мўминлар ўз жонлари ва молларини жаннат бадалига Аллоҳга сотганлар. Улар лозим пайтда дарҳол Аллоҳнинг йўлида жангга кирадилар, кофирлар ва Аллоҳнинг душманларини ўлдирадилар. Бунинг эвазига улкан ажр ва савоблар оладилар. Ёки уруш тақозосига кўра душман томонидан ўлдириладилар ва шаҳид бўлиб Аллоҳ билан тузган савдо аҳдлари бўйича ҳақларини оладилар, жаннатга кирадилар.

**«Бу, Тавротда, Инжилда ва Қуръонда Унинг зиммасидаги ҳақ ваъдадир».**

Яъни, юқорида айтилган ишлар Аллоҳнинг зиммасида эканлиги Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Қуръонда ҳам битилган ҳақ ваъдадир. Фақат, бандалар берган аҳдларига вафо қилсалар бас. Аллоҳ таоло эса, ваъдасига хилоф қилмайди.

**«Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор?»**

Аллоҳ таоло Ўз ваъдасига хилоф қилмаслиги, Ўз бандаларига ваъда қилган нарсаларини ато этиши турган гап. Аммо, бунинг учун бандаларнинг ўзларида истеъдод бўлиши керак.

**«Ким Аллоҳга берган аҳдига вафо қилса, бас, қилган савдоларингиздан шод бўлаверинг».**

Чунки, сизга бу савдодан, албатта, фойдалар келади.

**«Ана шунинг ўзи улкан ютуқдир».**

Шу билан бирга, мўмин-мусулмонлар бошқа сифатларга ҳам эга бўлишлари лозим.

التَّائِبُونَ الْعَابِدُونَ الْحَامِدُونَ السَّاجِدُونَ الرَّاكِعُونَ  
الْمُتَّقُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّاهُونَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَالْحَافِظُونَ لِحُدُودِ اللَّهِ وَبَشِّرِ  
الْمُؤْمِنِينَ

**112. Улар тавба қилувчилар, ибодат қилувчилар, ҳамд айтувчилар, рўза тутувчилар, рукуъ қилувчилар, сажда қилувчилар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчилар, Аллоҳнинг чегарасида турувчилардир. Ва мўминларга хушхабар бер!**

Бу ояти каримада мўмин кишининг бир неча сифатлари зикр қилинмоқда, агар уларда бу сифатлар мавжуд бўлса, мўминлик шарафига эришадилар ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам берадиган хушхабарга ҳақли бўладилар:

**«Тавба қилувчилар»**—билиб-билмай содир этган ҳамма гуноҳларидан тавба қилиб қайтадилар. Гуноҳларга чин қалбдан афсуснадомат чекадилар ва уни иккинчи қайта такрорламайдилар.

**«Ибодат қилувчилар»**—Роббиларига домий равишда, ихлос билан ибодат қиладилар, Унинг амрларини бажариб, наҳйиларидан қайтадилар.

**«Ҳамд айтувчилар»**—яъни, Аллоҳ таолога ҳамду сано ва мақтовлар айтиб, шукр қилиб яшайдилар.

**«Рўза тутувчилар»**—бу ҳам мўмин банданинг энг улкан сифатларидандир. Аллоҳнинг розилиги учун ўз ихтиёри билан емоқ-ичмоқ ва турли лаззатли ҳамда шаҳватли нарсаларни тарк этиш олийжаноб сифатдир.

**«Рукуъ қилувчилар, сажда қилувчилар»**—намоз ўқувчилар, яхшилаб ўқувчилар. Намоз диннинг устунни бўладию, мўмин кишининг асосий сифати бўлмасмиди?



**«Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчилар»** – буни шариат тилида амру маъруф, наҳйи мункар дейилади. Яъни, мўмин киши фақат ўзини ўйлайдиган худбин шахс бўлмайди. Балки ўзига етган яхшиликларнинг бошқаларга ҳам етишини ўйлайди. Бунинг учун амалий ҳаракат ҳам қилади. Чунки, Ислом дини унга ўзгаларни яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтаришни фарз қилгандир.

**«Аллоҳнинг чегарасида турувчилардир».**

Дунёдаги ҳар бир яхшию ёмон ишни Аллоҳ таоло Ўз дини орқали баён қилиб, чегаралаб кўрсатиб қўйгандир. Мўмин инсон ана ўша чегаралардан чиқмайди. Аллоҳ таолонинг кўрсатмаларига тўғри амал қилиб яшайди. Ушбу сифатларга эга бўлганлар – мўминлардир. Эй Пайғамбар:

**«Ва мўминларга хушxabар бер!»**

Мазкур сифатларни ўзларида мужассам қилганлари учун, улар икки дунёнинг саодатига сазовордирлар.

Келгуси оятларда Аллоҳ билан юқорида зикр этилган савдони қилган ва мазкур сифатларга эга бўлган мўминлар уларга қўшилмаган мушрик ва кофир, яъни ўша сифатларга эга бўлмаганлар билан қандай муносабатда бўлишлари баён қилинади:

مَا كَانَتْ لِلنَّبِيِّ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْ يَسْتَغْفِرُوا لِلْمُشْرِكِينَ وَلَوْ كَانُوا أُولِي قُرْبَىٰ  
مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُمْ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴿١١٣﴾

**113. Пайғамбар ва мўминлар учун дўзах эгалари эканлиги аён бўлган мушрикларга, агар яқин қариндошлари бўлса ҳам, истиғфор айтишлари дуруст эмасдир.**

Ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Имом Аҳмад Ибн Мусаййибдан, у эса отасидан қуйидагиларни ривоят қиладилар: «Абу Толибнинг вафоти яқинлашганда унинг олдига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кирдилар. Унинг ҳузурда Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй амаки, ла илаҳа иллаллоҳу, десанг, Аллоҳ ҳузурда сен ҳақингда дуо қиламан», – дедилар. Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умаййалар эса:

«Эй, Абу Толиб, Абдулмуттолибнинг динидан юз ўгирасанми?» – дедилар. У бўлса:

«Мен Абдулмуттолибнинг динидаман», – деди. Бас, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар ман қилинмасам, сенинг учун истиғфор айтаман», – дедилар. Шунда, Аллоҳ таоло:



**«Пайғамбар ва мўминлар учун дўзах эгалари эканлиги аён бўлган мушрикларга, агар яқин қариндошлари бўлса ҳам, истиғфор айтишлари дуруст эмасдир»** оятини нозил қилди».

Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламгаки рухсат йўқ экан, бошқаларга бўлмаслиги аниқ гап. Бу ерда иймон ва эътиқод алоқаси ҳамма алоқалардан устун туриши яққол кўриниб турибди. Мўмин киши учун ҳамма нарсдан иймони афзал, шунинг учун, у аввало иймон, дин қардошлари ила алоқа ва боғланишларни йўлга қўяди. Қон-қардошлик алоқаси эса, бу жойда ҳеч нарсани ҳал қилмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мўминларга мушриклар учун истиғфор айтиш жоиз эмаслигини баён қилувчи бу ояти каримадан кейин ўз-ўзидан бир ҳақли савол пайдо бўлади. У савол: «У ҳолда, нима учун Иброҳим алайҳиссалом ўзининг мушрик отаси учун истиғфор айтган?» деган саволдир.

Арабистон ярим оролида, хусусан, Маккада Иброҳим алайҳиссаломнинг қиссалари машҳур эди. Чунки, қисса айнан шу ерларда бўлиб ўтганди. Маккаликлар ўзларининг Иброҳим алайҳиссалом динидан эканликлари билан фахрланар эдилар. Келаси оятда пайдо бўлиши мумкин бўлган ўша саволга жавоб келмоқда.

وَمَا كَانَتْ أَسْتِغْفَارُ إِبْرَاهِيمَ لِأَبِيهِ إِلَّا عَنْ مَوْعِدَةٍ وَعَدَهَا إِيَّاهُ فَلَمَّا بَيَّنَّ لَهُ أَنَّهُ عَدُوٌّ لِلَّهِ تَبَرَّأَ مِنْهُ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ لَأَوَّاهٌ حَلِيمٌ ﴿١١٤﴾

**114. Иброҳимнинг отаси учун айтган истиғфори унга берган ваъдаси устидан эди, холос. Вақтики, унга отасининг Аллоҳга душман эканлиги аён бўлганда, ундан воз кечди. Албатта, Иброҳим тазарруъли ва ҳалиймдир.**

Яъни, отаси Иброҳим алайҳиссалом билан тортишиб, уни сўкиб, тошбўрон қилмоқчи бўлганда ҳалийм сифатли Иброҳим алайҳиссалом: «Сенинг учун Аллоҳга истиғфор айтаман», — деб ваъда берган эди. Ана шу ваъдага вафо қилиш учун отасига истиғфор айтди, холос. Кейинчалик унга отаси Аллоҳнинг душмани эканлиги аён бўлди. Ўшанда у отасидан воз кечди. Демак, бўлиб ўтган истиғфор айтиш Иброҳим алайҳиссаломнинг ўз шахсий сифатларидан келиб чиққандир.

**«Албатта, Иброҳим тазарруъли ва ҳалиймдир».**

Биз «тазарруъли» деб таржима қилган сўз оятда «оввоҳун» деб келган. Яъни, кўп нола қилиб, оҳ урувчи киши деганидир. «Ҳалийм» эса, озорларга сабр қилувчи, кечирувчан шахсдир.

Юқорида Аллоҳ таоло мўминлар мушрикларга истиғфор айтишлари мумкин эмаслигини баён қилди. Эндиги оятда уларга бу ҳукм-

ни эълон этмасдан туриб, бу ҳақда итоб ва азобга дучор қилмаслигини айтмоқда.

وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِلَّ قَوْمًا بَعْدَ إِذْ هَدَاهُمْ حَتَّى يُبَيِّنَ لَهُمْ مَا يَتَّقُونَ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿١١٥﴾

**115. Аллоҳ бир қавмни ҳидоятга бошлаганидан сўнг уларга сақланишлари лозим бўлган нарсани баён қилмасдан туриб залолатга кетказмас. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билгувчи Зотдир.**

Яъни, иймон келтириб мусулмон бўлганларга аввало нима қилиш кераклиги, нималардан сақланишлари лозимлиги баён қилинади. Кейин ҳам ноҳақ иш қилсалар, нотўғри йўлда юрсалар, ана шундан сўнг, Аллоҳ уларга нисбатан чора кўради.

**«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билгувчи Зотдир».**

Шунинг учун ҳам, олдин ҳукмни баён қилмай туриб ҳеч кимни жазога тортмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ يُحْيِي وَيُمِيتُ وَمَا لَكُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿١١٦﴾

**116. Албатта, осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. У тирилтирар ва ўлдирар. Сизларга Аллоҳдан бошқа дўст ҳам йўқ, ёрдамчи ҳам йўқ.**

Осмонлару ернинг мулки фақат Аллоҳнинг Ўзига хос бўлганидан кейин, У буларда Ўзи истаганича ҳукм қилади. Хоҳлаганини тирилтиради ва хоҳлаганини ўлдиреди.

**«Сизларга Аллоҳдан бошқа дўст ҳам йўқ, ёрдамчи ҳам йўқ».**

Демак, Унигина дўст тутинг ва Ундангина ёрдам сўранг.

Осмонлару ернинг мулкига эга бўлганидан, сизларга дўст ва ёрдамчи бўлганидан:

لَقَدْ تَابَ اللَّهُ عَلَى النَّبِيِّ وَالْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ الَّذِينَ اتَّبَعُوهُ فِي سَاعَةِ الْعُسْرَةِ مِنْ بَعْدِ مَا كَادَ يَزِيغُ قُلُوبُ فَرِيقٍ مِّنْهُمْ ثُمَّ تَابَ عَلَيْهِمْ إِنَّهُ بِهِمْ رءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿١١٧﴾

**117. Батаҳқиқ, Аллоҳ Пайғамбарининг, унга қийинчилик вақтида эргашган муҳожир ва ансорларнинг тавбасини қабул қилди. Улардан баъзиларининг қалблари тойиб кетай дегандан сўнг тавбаларини қабул қилди. Албатта, У Зот уларга марҳаматли ва меҳрибондир.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тавбаларини қабул қилгани хусусида хабар бермоқда. Маълумки, Пайғамбарлар маъсумдирлар. Аммо, бу оятда Пайғамбаримизнинг Аллоҳдан тушган ваҳийга хилоф қилганлари ҳақида гап кетаётгани йўқ. Бу ҳол бўлиши ҳам мумкин эмас. Балки, У зот алайҳиссалом ижтиҳод маъносида баъзи бир кишиларга Табук ғазотига чиқмай қолишга изн берган эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу билан афзал ишни эмас, ундан пастроғини қилган эдилар. Афзали эса, то ростгўйлар ёлғончилардан ажралгунча кутиб туриш эди.

Шунга кўра Аллоҳ таоло У киши алайҳиссаломга ўтган оятлардан бирида: «Аллоҳ сени афв қилди. Нима учун сенга рост сўзлаганлар аниқ бўлгунча ва ёлғончиларни билгунингча кутмай, уларга изн бердинг», деган оятни нозил қилган эди. Бу оятда айнан ўша ҳолат ҳақида сўз кетмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга:

**«Батаҳқиқ, Аллоҳ Пайғамбарининг, унга қийинчилик вақтида эргашган муҳожир ва ансорларнинг тавбасини қабул қилди»,** дейишда ҳам ўзига хос ўша вақт воқелигига оид сабаблар бор. Ўша сабабларнинг асосийси оятнинг ўзида зикр қилинмоқда:

**«Улардан баъзиларининг қалблари тойиб кетай дегандан сўнг, тавбаларини қабул қилди».**

Маълумки, Табук ғазоти одатдан ташқари қийинчиликларга тўла бир уруш бўлган. Шунинг учун, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни очикдан-очик эълон қилиб, шу қийинчиликларга чидай оладиганларгина боришларини таъкидлаганлар. Шунда, баъзи саҳобай киромларнинг кўнгилларидан «Ғазотга бормасаммикин», деган хаёл ҳам ўтди. Баъзилари мунофиқларнинг румликлар кучли эканликлари ҳақидаги гапларидан кўрқиб, тараддудга тушдилар. Аммо, кейин Аллоҳ қалбларига сабот бериб, белни боғлаб жиҳодга чиқдилар. Бу ишлар саҳобалар каби улуғ мақом соҳиблари учун ноўрин иш эди. Иккиланишлар улар учун тавба қиладиган тасарруф ҳисобланди. Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилди.

Ушбу оятлар нозил бўлиши давридаги ҳодисалар ҳақиқатан ҳам ибратлидир. Уларни тасдиқлаб Қуръони Карим оятларининг нозил бўлиши ҳам шуни кўрсатади.

Аллоҳ таоло «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиган, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳаром қилган нарсани ҳаром билмайдиган

ва ҳақ динга юрмайдиган китоб берилганларга қарши то қўллари билан, хор бўлган ҳолларида жизя бермагунларича жанг қилин-лар» оятини нозил қилганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларини Румга қарши ғазотга тайёргарлик кўришга буюрдилар. Бу давр қийинчилик вақти эди. Қаттиқ иссиқ бўлиб, қурғоқчилик эди. Мевалар пишган, одамлар сояда мевалардан баҳ-раманд бўлиб дам олишни хоҳлайдиган вақт эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одатда бирор ғазотга чиқадиган бўлсалар очиқ айтмасдилар, бошқа томонга бормоқчи эканликларини айтиб ту-риб, кейин мақсад қилинган тарафга юрар эдилар. Магар Табук ғазотида бундай қилмадилар. Машаққатли, узоқ ва шиддатли за-монда, душманнинг кўплиги сабабидан одамлар ўзига яраша тайёр-гарликларини кўрсин деб, очикдан-очиқ айтдилар. Одамларни тай-ёргарлик кўришга буюрдилар. Ҳамда Рум билан уруш қилиш ния-тида эканликларини билдирдилар. Баъзи мунофиқлар Рум қизлари-нинг фитнасига тушишдан қўрқишларини айтиб, ортда қолишга изн сўради. Уларга изн бердилар. Бу ҳақда уларнинг ижтиҳодлари-ни авф қилганини айтиб, итоб ояти нозил бўлди. Унда:

«Аллоҳ сени авф қилди. Нима учун сенга рост сўзлаганлар аниқ бўлгунча ва ёлғончиларни билгунингча кутмай, уларга изн бердинг», дейилган эди.

Баъзи мунофиқлар жиҳоддан қочиб, ҳақда шак қилиб, Расулул-лоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ташвишга солувчи миш-мишлар тўқиб, иссиқда сафарбарликка борманглар, деб гап тарқатишди. Улар ҳақида Аллоҳ таоло:

«Иссиқда қўзғалманглар», – дедилар.

«Жаҳаннамнинг оташи иссиқроқ агар тушунсалар», – деб айт. Бас, қилганлари туфайли оз кулиб, кўп йиғласинлар» оятини нозил қилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга баъзи мунофиқ одам-лар Сувайлим исмли яҳудийнинг уйига тўпланиб олиб, Табук ғазо-тида одамларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ортда қолишга чақираётганлари маълум бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ерга бир гуруҳ саҳобалар билан Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳуни юбордилар ва уларга Сувайлимнинг уйига ўт қўйиб юборишга амр қилдилар. Толҳа розияллоҳу анҳу амрни бажо келтирди.

Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жиддийлик би-лан сафарга отландилар. Одамларга керакли нарсаларни олиб, шо-шилишга амр қилдилар. Бой кишиларни хайр-эҳсон этишга, улови йўқ мужоҳидларга улов олиб беришга қизиқтирдилар. Бундай хайр-

эҳсон қилувчиларнинг пешқадами Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу эдилар. У киши ҳеч ким қилмаган катта миқдордаги хайр-эҳсонни қилдилар. У кишининг бу сахийликларини тақдирлаб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй, бор худоё, Усмондан рози бўлгин, мен ундан розиман», — дедилар. Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳу тўрт минг дийнор келтирди ва:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, менинг молим саккиз минг эди, ярмини сизга олиб келдим, ярми ўзимга қолди», — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ берганингга ҳам, олиб қолганингга ҳам барака берсин», — дедилар. Абу Уқайл розияллоҳу анҳу бир яҳудийнинг хизматини қилиб икки соъ хурмо топар эди. У ҳам келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, икки соъ хурмо бор эди, бир соъини Роббимга қарзга бераман, бир соъи аҳли аёлимга қолади», — деди.

Кейин мусулмонлар ичида «йиғлоқилар» номини олган бир гуруҳ саҳобалар келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан жиҳодга бориш учун улов сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга:

«Мен сизларни кўтарадиган нарса топа олмадим», — дедилар. Улар кўзларидан ёшлари маржон-маржон тўкилиб ортларига қайтдилар.

Ибн Ямин ибн Умайр ибн Каъб ан-Назрий ҳалиги йиғлаганлардан Абдурроҳман ибн Каъб ва Абдуллоҳ ибн Миғфални кўриб, нимага йиғлаяпсизлар, деб сўради. Улар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, бизга улов беришларини сўраган эдик, у кишида бизни миндирадиган нарса йўқ экан. Ўзимизда ҳам жиҳодга чиқадиган ҳеч нарсамиз йўқ», — дейишди. Шунда у икковларига сув ташийдиган туясини ва бир мунча хурмо берди. Икковлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жиҳодга бордилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўттиз мингга яқин киши билан йўлга чиқдилар. Бир гуруҳ мусулмонлар ҳеч шак ва шубҳалари бўлмаса ҳам, ўзларича, қолса бўлаверса керак, деган ният билан жиҳоддан қолдилар ҳам. Уларнинг ичида Каъб ибн Молик, Мурора ибн Робийъ, Ҳилол ибн Утаййа, Абу Хусайма, Умайр ибн Ваҳб ва бошқалар бор эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саниййатул Вадоъ номи жойга аскаргоҳ қурдилар. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай эса, ундан пастроқда алоҳида аскаргоҳ қурди. Кейинроқ эса, одамларини олиб йўлдан қайтди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, илгарилаб кетавердилар. Бирор киши ортда қолса, одамлар келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, фалончи ортда қолди», – дейишарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса:

«Уни тек қўйинглар, унда бирор яхшилик бўлса, Аллоҳ уни сизларга етиштиради. Агар ундай бўлмаса, Аллоҳ сизни ундан қутқарган бўлади», – дер эдилар. Абу Зарр розияллоҳу анҳу ҳам ортда қолди. Унинг туяси юрмай қолган эди. Одамлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Абу Зарр ортда қолди», – дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни тек қўйинглар, унда бирор яхшилик бўлса, Аллоҳ уни сизларга етиштиради. Агар ундай бўлмаса, Аллоҳ сизни ундан қутқарган бўлади», – дедилар. Абу Зарр туясининг юришини кутиб турди. Юравермагач, туянинг устидаги нарсаларни олдида елкасига кўтариб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг изларидан юриб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир жойда дам олгани тўхтадилар. Мусулмонлардан бирлари узоқдан келаётган одам қорасини кўриб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бир одам ёлғиз пиёда келмоқда», – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Абу Зарр бўлсайди», – дедилар. Одамлар синчиклаб қараб, унинг Абу Зарр эканини танидилар ва:

«Эй, Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, ўша одам Абу Зарр», – дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ Абу Заррга раҳмат қилсин, ёлғиз юради, ёлғиз ўлади, ёлғиз тирилади», – дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жиҳодга кетганларидан бир неча кун кейин Абу Хайсама ҳаво иссиқ кунда уйига келди. Қараса, иккита хотини боғда, икки сўрига жойларни солиб, сувларни сепиб, ҳамма ёқни саранжом-саришта қилиб, салқинлатиб уни кутиб ўтиришибди. Таом ҳам тайёрлаб қўйишибди. У кириб усти ёпиқ сўрилар олдида тўхтади. Икки хотинига ва улар қилган ишларга қаради. Ўзича: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жазирама қуёшда, шамолда ва иссиқда бўлсалару, Абу Хайсама соя-салқинда, тайёр таомда, гўзал хотинлар билан молу мулкида турса, бу бўлмаган гап», – деди. Сўнгра: «Аллоҳга қасамки, биттангизнинг ҳам сўрингизга кирмайман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб бораман, менинг сафар кийимларимни тайёрлаб беринглар», – деди. Хотинлари айтганини қилдилар. Кейин туясини миниб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб олиш учун йўлга тушди. Йўлда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб олиш учун кетаётган Умайр ибн Ваҳбни кўриб қолди, икковлари биргалашиб юриб кетдилар. Табукка яқинлашганларида Абу Хайсама Умайр ибн



Ваҳбга: «Менинг гуноҳим бор, сен орқада туриб тур, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олдин борай», — деди. У рози бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукка тушиб турганларида у яқинлашиб кела бошлади. Одамлар:

«Йўлда бир улов минган одам шу ёққа қараб келмоқда», — дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Абу Хайсама бўлса эди», — дедилар. Одамлар:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, бу — Абу Хайсама», — дейишди. У туясини чўктириб олдинга юриб келди-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Ҳа, шўри қуриган, Абу Хайсама», — дедилар. У бўлган гапни айтиб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга яхши сўзлар айтиб, ҳаққиға яхши дуо қилдилар.

Тарихчи ва тафсирчиларимиз бу ғазотда мусулмонлар бошларидан кечирган мислсиз қийинчиликларни, ўша воқеа иштирокчиларидан ўта таъсирли қилиб ривоят қиладилар.

Жумладан Қатода розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда шундай дейилади: «Табук йили Шом томонга ҳаво жуда исиган пайтда чиқдилар. Уларнинг чеккан машаққатларини Аллоҳнинг Ўзи биледи. Улар қаттиқ қийналган эдилар. Бизга зикр қилинишича, икки киши бир дона хурмони бўлиб баҳам кўришган экан. Баъзи ҳолларда эса бир неча киши бир дона хурмони ораларида айлантирган эканлар. Буниси хурмони сўриб устидан сув ичар экан, сўнгра ёнидаги кишига узатар экан. У ҳам худди шундай қилар экан. Аллоҳ таоло уларнинг тавбасини қабул қилиб, ғазотдан эсон-омон қайтарди».

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга қийинчилик ҳақида савол берилди. Шунда, у киши: «Табукка Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қаттиқ иссиқ пайтида чиқдик. Бир жойга тушганимизда жуда чанқадик. Ҳатто бўйинларимиз узилиб кетса керак, деб гумон қилдик. Одамлар сув излаб юриб-юриб ўлар ҳолатда қайтиб келишар эди. Баъзи одамлар туясини сўйиб, қорнини ёриб ичидаги ахлатни сиқиб ичишгача борди. Ортиб қолганини жигарига босар эдилар». Шу вақт Абу Бакр:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ сизни яхши дуога одатлантирган. Бизга бир дуо қилинг», — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шуни хоҳлайсанми?» — дедилар. Абу Бакр:

«Ҳа», — деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини кўтариб дуо қилдилар. У киши қўлларини туширмасдан туриб, ёмғир қуя бошлади. Сўнгра, тўхтамади. Одамлар идишларини тўлғазиб



олдилар. Кейин бориб қарасак, аскар турган жойдан бошқа ерга ёмғир ёлмаган экан».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукда ўн кундан ортиқ турдилар. Уруш бўлмасдан ортга қайтдилар. Ана шундай қийинчиликларга Аллоҳнинг розилиги учун чидаганлари сабабли Аллоҳ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, муҳожирлар ва ансорийларнинг тавбасини қабул қилди.

Кейинги оятда ғазотдан қолган уч кишининг тавбасининг қабул бўлгани ҳақидаги хабар келади.

وَعَلَى الثَّلَاثَةِ الَّذِينَ خَلَفُوا حَتَّىٰ إِذَا ضَاقَتْ عَلَيْهِمُ الْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ وَضَاقَتْ عَلَيْهِمْ أَنفُسُهُمْ وَظَنُّوا أَن لَّا مَلْجَأَ مِنَ اللَّهِ إِلَّا إِلَيْهِ ثُمَّ تَابَ عَلَيْهِمْ لِيَتُوبُوا إِنَّ اللَّهَ هُوَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ

**118. Ва ортда қолган уч кишига ҳам. Уларга кенг ер тор бўлиб, юраклари сиқилиб, Аллоҳдан қочиб, ўзгага бориб бўлмаслигига ишонганларидан сўнг, тавба қилишлари учун тавба эшиги очилди. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳимли Зотдир.**

Ушбу ояти каримани тўлиқ тушуниш учун мазкур уч кишининг бўлиб ўтган қиссаларини яхшилаб ўрганиш лозим. Бу жуда ҳам машҳур ва ибратли қиссадир. Қуръони Каримда учталиклари ва уларнинг бошидан ўтган ҳолатларнинг алоҳида оят бўлиб нозил этилиши мисли кўрилмаган бир ҳодисадир. Бу уч кишининг қиссаси ҳамма тарих китобларимизда, тафсир ва ҳадис китобларимизда ривоят қилинган. Деярли ҳаммалари қисса тафсилотларини мазкур уч кишидан энг машҳурлари Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Қиссанинг хулосаси қуйидагича. Каъб ибн Молик шундай ҳикоя қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган ғазотлардан бирортасидан ҳам қолмаган эдим. Фақат Табук ғазотига иштирок этмадим. Яна айтиш керакки, Бадр ғазотига ҳам чиқмаган эдим. Аммо Бадрга чиқмаганлардан бирор киши итоб қилинмаган. Ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонлар Қурайшдан бошқани кўзлаб чиқишган эдилару, лекин Аллоҳ улар билан душманни кутилмаганда тўқнаштирди.

Ақаба кечасида Ислом учун аҳдлашилганда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик. Гарчи Бадр одамлар ичида кўп зикр қилинадиган ва машҳурроқ бўлса ҳам, мен бу ишни Бадрга алмаштирмайман. Аммо, Табук урушига келсак, мен ўша ғазотдан ортда

қолган чоғимдагидек кучли ва имкониятли бўлмаганман. Аллоҳга қасамки, ўша ғазотгача ҳеч қачон иккита уловим бўлган эмас. Ўшанда иккита уловим бор эди. Одатда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор ғазотга борадиган бўлсалар, сиртдан бошқа томонга кетаётган қилиб кўрсатар эдилар. Лекин бу сафар ундай қилмадилар. Ғазотга қаттиқ иссиқ пайтида чиқдилар. Сафар узоқ, душман кўп эди. Мусулмонлар тўлиқ тайёр бўлишлари учун ҳамма нарсани очиқ-ойдин қилдилар. Қаёққа кетаётганларини ҳам очиқ айтдилар. Мусулмонлар кўп эди. Уларни биров рўйхатга ҳам олмас эди. Агар бирор одам бормай қолмоқчи бўлса, Аллоҳдан ваҳий тушмаса, ҳеч ким билмай махфий қолиб кетадиган даражада эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазотга чиққанларида роса мева пишган, салқин жойларни одам хоҳлайдиган пайт эди. Мен ўшандай нарсаларни яхши кўрардим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва У киши билан бирга мусулмонлар ғазотга тайёргарлик кўра бошладилар. Мен ҳам улар билан тайёргарлик кўрмоқчи бўлар эдим, аммо ҳеч нарса қилмасдим. Ўзимга ўзим: «Агар хоҳласам, бирпасда қиламан», дер эдим. Расулуллоҳ ва мусулмонлар йўлга тушганларида ҳам мен қимирламадим. Улар кетганларидан сўнг ҳам мен иккиланар эдим. Орқаларидан етиб оларман, дердим. Кошки, шундай қилган бўлсам. Бироқ бу менга насиб этмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг изларидан одамларнинг орасига борсам, ўзимга ўзим мунофиқ ёки узрли одамга ўхшаб кўринавердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукка етиб боргунларича мени ёдга олмадилар. Табукда одамлар ичида ўтирганларида:

«Каъб ибн Молик нима қилди?» — дедилар. Бани Салама қабиласидан бир киши:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, уни икки чопони ва ёнбошига қарашни тутиб қолди», — деди. Шунда, ҳалиги одамга Муоз ибн Жабал:

«Яхши гап айтмадинг», — деди ва «Эй, Аллоҳнинг Расули, унинг фақат яхшилигини биламиз, холос», — дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам индамадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Табукдан қайтиб келаётгани хабарини эшитгач, мени ҳам босди. Ёлғон гапиришни ўйлай бошладим. «Эртага у кишининг ғазабидан қандай қутуламан», — дер эдим. Ҳар бир фикрли одамнинг олдига бориб бу ҳақда маслаҳат сўрар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етиб келдилар. Сафардан қайтганда қиладиган одатлари бўйича, биринчи, масжидга кирдилар, икки ракат намоз ўқидилар. Сўнгра, ўтириб, одамлар билан сўрашишни бошладилар. Ғазотга бормай қолганлар келиб у кишига узр айтиб, қасам ича бошладилар. Саксондан кўпроқ одам эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар-

нинг сиртдан айтган узрларини, байъатларини қабул қилдилар, улар учун истиғфор айтдилар ва ичларидагини Аллоҳга ҳавола этдилар. Навбат менга келди. У кишига салом берувдим, захарҳанда жилмайдилар ва:

«Бу ёққа кел!», — дедилар. Юриб бориб олдиларига ўтирдим. У киши менга:

«Сени нима олиб қолди. Улов сотиб олган эдинг-ку?», — дедилар. Мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, агар сиздан бошқа бирорта аҳли дунё қаршисида ўтирганимда, узр айтиб унинг ғазабидан қутулиб кетар эдим. Худо менга тортишиш қобилиятини берган. Лекин Аллоҳга қасамки, агар бугун ёлгон гапириб сизни рози қилсам, албатта, Аллоҳ мени сизнинг ғазабингизга дучор этади. Агар ростини айтсам, мендан хафа бўласиз. Нима бўлса ҳам, Аллоҳдан кўрдим. Аллоҳга қасамки, менинг узрим йўқ эди. Аллоҳга қасамки, сиздан ортда қолган чоғимдек, ҳеч қачон кучли ва имкониятли бўлмаган эдим», — дедим.

Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Аmmo манави рост гапирди. Тур, Аллоҳ ҳақингда ҳукм қилгунча кут», — дедилар. Туриб кетдим. Бани Салама қабиласи одамлари шошиб ортимдан етиб келдилар ва:

«Аллоҳга қасамки, бундан олдин ҳеч гуноҳ қилганингни билмаган эдик. Бошқа ортда қолганлар каби узр айтишдан ҳам ожиз бўлдинг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гуноҳинг учун истиғфор айтсалар кифоя қилар эди», — дейишди. Аллоҳга қасамки, улар мени шунчалик айблашдики, ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб ўзимни ёлғончи қилсаммикин, деб ҳам қолдим. Сўнгра уларга:

«Бирорта одам менга ўхшаган гап айтдимми?» — дедим. Улар:

«Ҳа. Яна икки киши сен айтган гапларни айтди ва уларга ҳам сенга айтилган гаплар айтилди», — дедилар. Мен:

«Улар кимлар?» — дедим. Улар:

«Мирора ибн Робиъ ва Ҳилол ибн Умаййа ал-Воқифий», — дейишди. Менга Бадрда иштирок этган икки аҳли солиҳ, улардан ўрнак олиб юрадиган кишиларни зикр қилишди. Икковларини айтишгандан сўнг, йўлимда кетавердим.

Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортда қолганлардан биз учовимизга одамларнинг гапиришини ман қилдилар. Одамлар биздан четландилар. Ҳатто менга ер ҳам ўзини олиб қочаётгандек кўриниб қолди. Ер мен танийдиган ерга ўхшамас эди. Шу ҳолда элик кун ўтди. Иккала шеригим уйларида чикмай ўтирар эдилар.

Мен уларнинг ичида кучли ва қувватлиси эдим. Бориб мусулмонлар билан бирга намоз ўқирдим, бозорларни айланардим. Аммо, ҳеч ким менга гапирмас эди. Намоз ўқиб бўлиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган жойларига келиб, у кишига салом берар эдим. Ўзимча: «Алик олиб, лабларини қимирлатдиларми ёки йўқми?» — дер эдим. Имкони борича у кишига яқин жойда намоз ўқир ва ўғринча назар солар эдим. Намоз ўқисам, менга қарар, У кишига қарасам, кўзларини олиб қочар эдилар. Мусулмонларнинг мендан ўзини олиб қочишлари чўзилиб кетгандан сўнг, амакиваччам ва энг севган одамим Абу Қатоданинг уйига бордим. Унга салом бердим, алик олмади. Унга:

«Эй, Абу Қатода, Аллоҳ ҳаққи айтчи, менинг Аллоҳ ва Расулини севишимни биласанми?» — дедим. У индамади. Унга яна ўша гапларимни такрорладим. У индамади. Яна қайтадан мурожаат қилдим. У: «Аллоҳ ва Расули билади», — деди. Икки кўзимдан ёшим қуйилиб ортимга қайтдим.

Бир куни Мадийнанинг бозорида юрсам, таом сотиш учун келган кишилардан бири одамларга:

«Менга Каъб ибн Моликни ким кўрсатиб қўяди?» — демоқда. Одамлар унга мени ишора ила кўрсатиша бошлади. У олдимга келиб, Фассон подшоҳининг мактубини берди. Ўқиш, ёзишни билар эдим. Очиб ўқисам: «Бизга соҳибинг сенга жафо қилгани хабари етиб келди. Аллоҳ сени хорлик ва зоелик диёрида қўймасин. Бизнинг ҳузуримизга кел, сенга яхшилик қиламиз», — деб ёзилган эди. Мактубни ўқиб бўлиб: «Бу ҳам бир бало — синов», — дедим ва уни олиб бориб тандирга солдим. Элик кундан қирқ кун ўтгандан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вакили келиб:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга хотинингдан четда бўлишни амр қилдилар», — деди. Мен:

«Талоқ қилайми? Нима қилай?» — дедим. У:

«Йўқ, ундан четда бўл, яқинлашма», — деди. Икки шеригимга ҳам худди шундай амр бўлди. Мен хотинимга:

«То Аллоҳ бу ишда ўз ҳукмини чиқаргунча, қариндошларингникига бориб тур», — дедим. Ҳилол ибн Умаййанинг хотини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Ҳилол қартайиб қолган чол. Унинг хизматчиси йўқ. Унга хизмат қилиб турсам, сизга ёқмайдими?» — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, Лекин сенга яқинлашмасин», — дедилар. Аёл:

«Аллоҳга қасамки, унинг бор нарсага ҳаракати йўқ ва Аллоҳга қасамки, сизнинг амрингиз бўлган кунидан бери йиғлайди», — деди. Баъзи қариндошларим:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан хотининг ҳақида изн сўрасанг-чи, Ҳилол ибн Умаййанинг хотинига унинг хизматини қилишга изн бердилар», – дейишди. Мен:

«Аллоҳга қасамки, мен у ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан изн сўрамайман, изн сўрасам нима дейишларини ҳам билмайман, ёш одам бўлсам», – дедим.

Яна ўн кун ўтказдик. Бизга гапириш ман қилинганига элик кун тўлди. Элигинчи кеча бомдод намозини уйларимиздан бирининг устида ўқидим. Аллоҳ бизни зикр қилган ҳолдек, ўзимча юрагим сиқилиб, кенг ер тор кўриниб ўтирган эдим. Салъ тоғи устидан бир одамнинг баланд овоз билан:

«Эй Каъб ибн Молик! Хушнуд бўлавер!!!» – деб қичқираётганини эшитдим ва дарҳол саждага йиқилдим. Кушойиш келганини билдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозини ўқиганларидан кейин Аллоҳ бизнинг тавбамизни қабул қилганини эълон этган эдилар. Одамлар бизга хушхабар келтира бошладилар. Шерикларим томон ҳам хушхабарчилар кетдилар. Бир одам мен томон от чоптирган, бири пиёда югурган эди. Пиёда юрган тоққа чиқиб бақирган ва унинг овози одан олдин етиб келган эди. Овозини эшитган одам олдимга етиб келганида кийимимни ечиб, суюнчисига унга кийгиздим. Аллоҳга қасамки, ўзи ўша вақтда бошқа нарсам ҳам йўқ эди. Бировдан кийим қарзга олиб кийдим-да Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томон югурдим. Одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, тавбам қабул бўлгани билан табриклашар ва:

«Аллоҳ сенинг тавбангни қабул этгани муборак бўлсин!» – дейишар эди. Масжидга кирсам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирибдилар, атрофларида одамлар. Толҳа ибн Убайдуллоҳ туриб, шошилиб келиб, қўлимни олди ва табриклади. Аллоҳга қасамки, муҳожирлардан ундан бошқа турмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берган эдим, у киши хурсандликдан юзлари чарақлаб:

«Онанг сени туққандан бери қувончли кунингнинг, хурсандчилигини қилавер», – дедилар. Мен:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, сизнинг тарафингизданми ёки Аллоҳнинг тарафиданми?» – дедим. У киши:

«Йўқ! Аллоҳнинг томонидан», – дедилар. Одатда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хурсанд бўлсалар, юзлари худди ойнинг парчасидек нурли бўлиб кетар эди. Биз буни яхши билар эдик. У кишининг олдиларига ўтирганимдан сўнг:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Тавбам учун молимдан Аллоҳ ва Унинг Расулига садақа чиқарсам», – дедим. У киши:

«Молингдан баъзисини ўзинг учун олиб қолганинг ўзингга яхши», дедилар. Мен:

«Ҳайбардан теккан улушимни олиб қоламан. Эй, Аллоҳнинг Ра-сули, Аллоҳ менга ростгўйлик туфайли нажот берди. Мадомики, боқий эканман, рост сўзламоғим ҳам тавбамдандир», — дедим. Аллоҳга қасамки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўшани айтганимдан бери, мусулмонлардан ҳеч кимни тўғри сўзликда мени синагандек кузатмаган бўлса керак. Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўша гапни гапирганимдан ҳозирги кунгача ҳеч ёлғон сўзламадим. Аллоҳ мени бундан буён ҳам Ўзи муҳофаза қилишига умид қиламан. Сўнг, Аллоҳ таоло:

**«Ва ордда қолган уч кишига ҳам. Уларга кенг ер тор бўлиб, юраклари сиқилиб, Аллоҳдан қочиб, ўзгага бориб бўлмаслигига ишонганларидан сўнг, тавба қилишлари учун тавба эшигини очди»** оятини нозил қилди.

Бу ояти карима ва қиссада олам-олам маъно ва ибрат бор. Баъзи уламоларимиз улар ҳақида батафсил гапириб ўтганлар. Агар ҳозирги мусулмонларда Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳунинг садоқати ва дину диёнат йўлидаги сафарбарликдан четда қолиш сабабидан хижолат бўлишининг миллиондан бир бўлаги бўлганда эди, дунё тамоман бошқача бўлган бўлар эди.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло содиқ мўминларга хитоб қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَكُونُوا مَعَ الصّٰدِقِينَ ﴿١١٩﴾

**119. Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинглр ва содиқлар ила бирга бўлинглар.**

Бу — аввалги оятнинг тушишига сабаб бўлган уч саҳобийнинг ишларига таҳсиндир. Ростгўйлик ҳамда садоқатда улардан намуна олишга даъватдир.

مَا كَانَ لِأَهْلِ الْمَدِينَةِ وَمَنْ حَوْلَهُمْ مِنَ الْأَعْرَابِ أَنْ يَتَخَلَّفُوا عَنْ رَسُولِ اللَّهِ وَلَا يَرْغَبُوا بِأَنْفُسِهِمْ عَنْ نَفْسِهِ ؕ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ لَا يُصِيبُهُمْ ظَمَأٌ وَلَا نَصَبٌ وَلَا مَخْمَصَةٌ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا يَطْءُونَ مَوْطِئًا يَغِيظُ الْكُفَّارَ وَلَا يَنَالُونَ مِنْ عَدُوِّ نَيْلًا إِلَّا كُنِبَ لَهُمْ بِهِ عَمَلٌ صَالِحٌ إِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ ﴿١١٩﴾



**120. Мадийна аҳлига ва уларнинг атрофидаги аъробийларга Расулуллоҳдан четда қолишлари ва ўз жонларини кўзлаб, унинг жонига эътибор қилмасликлари дуруст эмас. Зеро, уларга Аллоҳнинг йўлида ташналик, чарчоқ, очлик етса, кофирларнинг ғазабини чиқарадиган бирон қадам боссалар, душманга бирон зиён етказсалар, албатта, уларга солиҳ амал ёзиладир. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг ажрини зое қилмас.**

Мадийна аҳли Ислом даъватининг ҳамма ташвишларини ихтиёрий равишда ўз бўйинларига олган буюк бир жамоадир. Улар Исломнинг ва исломий жамиятнинг ўзагини ташкил қиладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўз ватанларига чақирган, У кишига ва бошқа муҳожирларга жой ва ёрдам берганлар ҳам Мадийна аҳлидир. Шунингдек, Мадийнаи Мунаввара атрофидаги қабилалар ҳам Ислом жамияти чегарасини қўриб тургандек гап. Шунинг учун ҳам:

**«Мадийна аҳлига ва уларнинг атрофидаги аъробийларга Расулуллоҳдан четда қолишлари ва ўз жонларини кўзлаб, унинг жонига эътибор қилмасликлари дуруст эмас».**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарбарлик эълон қилиб, жиҳодга чиққанларида уларнинг қочиб, ортда қолишлари дуруст эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иссиқда, очлик, ташналиқда, турли қийинчиликларда юрган бир пайтда, уларнинг соясалқинда жонларининг роҳатини кўзлаб ўтиришлари мутлақо нотўғридир. Бу сафарбарлик Аллоҳнинг амридир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан одоб ҳам у кишидан ортда қолишни тақозо қилмайди. Бунинг устига, бошқа омил ҳам бор:

**«Зеро, уларга Аллоҳнинг йўлида ташналик, чарчоқ, очлик етса, кофирларнинг ғазабини чиқарадиган бирон қадам боссалар, душманга бирон зиён етказсалар, албатта, уларга солиҳ амал ёзиладир».**

Демак, бу сафарбарлик кони фойда экан. Ундаги ҳар бир ҳаракат учун фақат ажру савоб ёзилиб турар экан. Кимга чанқлагани ёки оч қолгани ё чарчагани учун ажру савоб берилади? Фақат Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиққан муҳожирга! Кимнинг босган ҳар бир қадамига ажру савоб ёзилади? Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиққан муҳожирнинг кофирлар ғазабини келтирган ҳар бир қадамига! Шундай экан, албатта, сафарбарликдан қочиб, ортда қолиш дуруст эмасди. Мўмин киши амрга бўйсуниб, яхши амални қилиб қўяверсин:

**«Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг ажрини зое қилмас».**

Ҳа, мўминлар яхши амалларга ўзларини урсинлар. Зеро:



وَلَا يُنْفِقُونَ نَفَقَةً صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً وَلَا يَقْطَعُونَ وَادِيًا إِلَّا كَتَبَ لَهُمْ  
لِيَجْزِيَهُمُ اللَّهُ أَحْسَنَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٢١﴾

**121. Кичик ёки катта нафақа қилсалар ҳам, бирон водийни кесиб ўтсалар ҳам, албатта, уларга (солиҳ амал) ёзилар. Аллоҳ уларга қилган энг гўзал амалларининг мукофотини берар.**

Яна ҳаммаёқ тўла ажр-савоб. Катта-кичик бўлсин, нафақа қилсалар бас. Унга ҳам ажр-савоб берилади. Душман томон бирон водийни кесиб ўтсалар ҳам ажр-савоб ёзилади. Ёзилганда ҳам, мужоҳиднинг умрида қилган энг яхши амалининг савоби ёзилади. Шундай бўлиб тургандан кейин, нима учун энди сафарбарликдан қочиб, жиҳоддан ортда қолиш керак экан?

Албатта, бунчалик тарғибот ва ташвиқотдан сўнг, ҳеч ким жиҳодга бормай қолишни ўзига эп кўрмайди. Нима қилиб бўлса ҳам, номи сафарбарлик бўлса, ўшанинг биринчи сафида бўлишга ҳаракат қилади. Аммо, бу ҳолат жамият манфаатларига мос келадими? Тўғри, жиҳод улуғ савобли иш. Лекин ҳамма жиҳодга кетса, қолган ишларни ким қилади? Ана шунинг эътиборидан келаси оятда баъзи кишилар жиҳодга чиқмай қолиши ҳам мумкинлиги баён қилинмоқда.

﴿ وَمَا كَانُ الْمُؤْمِنُونَ لِيَنْفِرُوا كَآفَّةً فَلَوْلَا نَفَرَ مِن كُلِّ فِرْقَةٍ مِّنْهُمْ طَائِفَةٌ لِّيَنْفِقُوا فِي الدِّينِ وَلِيُنذِرُوا قَوْمَهُمْ إِذَا رَجَعُوا إِلَيْهِمْ لَعَلَّهُمْ يَحْذَرُونَ ﴾ ﴿١٢٢﴾

**122. Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди. Улар динни чуқур англаб, қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирардилар. Шоядқи, улар ҳазир бўлсалар.**

Ушбу ояти каримадаги мўминларнинг ҳаммалари бирдан жиҳодга чиқишлари лозим эмаслиги ҳақидаги маъно, бошқа оятлардаги ҳамма чиқиши лозимлиги ҳақидаги маъноларга қарама-қарши келмайди. Ҳар бир оятга мақомга қараб амал қилинади. Баъзи вақтлар бўладики, ҳамма жиҳодга чиқиши тақозо қилинади. Баъзи вақтларда эса, ҳамманинг чиқиши шарт эмас. Керакли даражада чиқса етади. Ҳамма нарса вазиятга қараб, Ислом жамияти раҳбарлари томонидан аниқланади.

Биз ўрганаётган бу оятда ҳамма жиҳодга чиқиши лозим бўлмаган ҳолат ҳақида гап кетмоқда.

Бу ояти каримани уламоларимиз икки хил тафсир қилишган. Биринчи тоифа:

«Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди. Жангга қўзғалмай қолар эдилар. Улар динни чуқур англаб, жиҳодга кетганлар қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирадилар. Шоядки, улар, (яъни, жиҳодга кетганлар) ҳазир — эҳтиёт бўлсалар», деган маънони илгари сурадилар.

Иккинчи гуруҳ, уламоларимиз эса:

«Мўминларнинг ҳаммалари (жангга) қўзғалишлари лозим эмас. Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди. Улар (жангга қўзғалардилар ва жиҳод давомида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўлган мулоқотларда) динни чуқур англаб, (ўрганар эдилар. Жиҳоддан) қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирадилар. Шояди, улар, (яъни, жиҳодга чиқмай қолганлар ҳам) ҳазир бўлсалар», деган маънони таъкидлайдилар.

Кўпчилик тафсирчиларда биринчи фикр олинган бўлса-да, иккинчи фикр ҳам кучли ҳисобланади.

Нима бўлганда ҳам, ояти карима ва уламоларимизнинг унга турли ёндашувларидан Исломи дини ўз динимизни чуқур англаб етишга қанчалик юқори аҳамият бергани яққол кўриниб турибди. Ҳатто жиҳодга бормай қолишга узр бўладиган бирдан-бир нарса ҳам диний илмларни чуқур ўрганиш учун бўлган ҳаракат бўлиши мумкин экан. Агар ушбу ояти каримани иккинчи хил тафсир қилган уламоларимиз йўлидан борадиган бўлсак, қирғин-барот уруш бўлиб турганда ҳам Исломи чуқур ўрганишга ҳаракат қилиш лозимлиги таъкидланганини кўрамиз.

Бу ҳолат диний илмларни чуқур эгаллаган уламоларни кераклигича тайёрлашга Исломи жамияти алоҳида эътибор бериши лозимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, уламоларнинг жамиятдаги ўринлари ва масъулиятлари юксак эканини ҳам таъкидлайди.

Кейинги оятда эса, кимга қарши жиҳод қилиш лозим экани баён қилинади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلِيَجِدُوا فِيكُمْ غِلْظَةً  
وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ

**123. Эй, иймон келтирганлар, сизга яқин бўлган кофирларга қарши жанг қилинг. Улар сиздаги шиддатни кўрсинлар. Ва билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар билан биргадир.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва хулафои рошидинлар даврида ушбу ояти каримага тўлиқ амал этилган. Ислом ерларига яқин турган куфр жамиятларига қарши жиҳод қилинган. Бу тарихда маълум ва машҳур ҳақиқатдир. Ислом душманлари фақат куч ишла-тиш луфатини англаб, бошқа луфатни тушунмаганларидан шундоқ ҳукм қилинган. Бу ҳам тарихий тажрибаларга йўғирилган ҳақиқатдир.

Мунофиқлар ҳақида кўпгина гап юритган бу суранинг охирида яна ўша мунофиқларнинг ҳолатлари, уларнинг Қуръон оятларини, ўзлари сиртдан аъзомиз деб юрган жамиятнинг таклифларини қан-дай қабул қилишлари ҳақида сўз юритилади.

وَإِذَا مَا أَنْزَلَتْ سُورَةٌ فَمِنْهُمْ مَن يَقُولُ أَيُّكُمْ زَادَتْهُ هَذِهِ ۚ إِمَانًا فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا فزَادَتْهُمْ إِمَانًا وَهُمْ يَسْتَبْشِرُونَ ﴿١٢٤﴾

**124. Улардан, бирон сура нозил қилинган вақтда: «Бу сиздан кимнинг иймонини зиёда қилди?» – дейдиган кимсалар бор. Бас, иймон келтирганларнинг иймонини зиёда қилди ва улар шоду хуррам бўлдилар.**

Қуръони Каримдан бир сура нозил бўлиши жуда катта ҳодиса бўлган. Аммо, мунофиқлар учун бу улкан ҳодиса истехзо ва масхара учун фурсат ҳисобланади. Улар сиртдан ўзларини мусулмон қилиб кўрсатиш учун уринадилар, аммо иймон ва Ислом тақозосидаги ишлар ўртага чиққанда, ўзларининг ким эканликларини фош қилиб қўйишади.

**«Улардан, бирон сура нозил қилинган вақтда: «Бу сиздан кимнинг иймонини зиёда қилди?» – дейдиган кимсалар бор».**

Яъни, нозил бўлган сура бировнинг иймонини зиёда ҳам қиладими, деган истехзони бошқача қилиб айтадилар. Уларнинг бу истехзоларига жавобан Аллоҳ таоло:

**«Бас, иймон келтирганларнинг иймонини зиёда қилди ва улар шоду хуррам бўлдилар», – дейди.**

Ҳа, Қуръон, унинг оятлари мўминларнинг иймонини зиёда қиладди. Улар ўша иймонлари ва унинг зиёдалиги туфайли икки дунёда шоду хуррам бўлурлар. Қалби касал мунофиқларга эса, бошқача таъсир қиладди.

وَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَّرَضٌ فزَادَتْهُمْ رِجْسًا إِلَىٰ رِجْسِهِمْ وَمَاتُوا وَهُمْ كَافِرُونَ ﴿١٢٥﴾

**125. Аммо, қалбларида касали борларнинг ифлосликлари устига ифлослик зиёда қилди ва улар кофир ҳолларида ўлурлар.**

Албатта, қалбларида касали борлардан мурод мунофиқлардир, «ифлослик»дан мурод эса, мунофиқликларидир. Яъни, нозил бўлган сура мунофиқларнинг нифоқлари устига нифоқ зиёда қилади. Ўтган оятда эслатилган: «Бу сиздан кимнинг иймонини зиёда қилди?» дейишлари ҳам нифоқлари устига нифоқ, яъни ифлосликлари устига ифлослик зиёда бўлишининг бир кўринишидир. Шундай қилиб бориб:

**«улар кофир ҳолларида ўлурлар».**

Бу эса, бадбахтликнинг олий чўққисидир. Чунки, улар бўлаётган ҳодисалардан ибрат олмайдилар.

أَوَلَا يَرَوْنَ أَنَّهُمْ يُفْتَنُونَ فِي كُلِّ عَامٍ مَّرَّةً أَوْ مَرَّتَيْنِ ثُمَّ لَا يَتُوبُونَ وَلَا  
هُم يَذَّكَّرُونَ ﴿١٢٦﴾

**126. Улар ҳар йили бир ёки икки марта фитна қилинаётганларига қарамасларми? Шунда ҳам на тавба қилмаслар ва на эсламаслар.**

Ҳар йили уларнинг ҳаётида бир ёки икки марта синовли ишлар, касалликми, бошқа мусийбатми бўлиб ўтади.

**«Улар ҳар йили бир ёки икки марта фитна қилинаётганларига қарамасларми?»**

Аслида ўша ҳодисалар уларнинг кўзини очиши керак. Лекин улар бу нарсаларга ибрат кўзи билан қарамайдилар.

**«Шунда ҳам на тавба қилмаслар ва на эсламаслар».**

Ҳаётда бўлиб турадиган турли фитна-синовлардан ибрат олиш, уларни эслаб тавба қилиш ва ўзини ўнглаб олиш учун ақл-идрок, иймон-эътиқод ҳамда инсоф керак. Мунофиқлар ўзларида айни ўша нарсаларнинг йўқлигидан мунофиқ бўлганлар. Шунинг учун ҳам, улар тавба ҳам қилмайдилар, эслаб ҳам ўтирмайдилар.

Бу ҳам етмаганидек, бошқа кирдикорлари ҳам бор.

وَإِذَا مَا أَنْزَلْنَا سُورَةً نَظَرَ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ هَلْ يَرَيْنَاكُمْ مِنْ أَحَدٍ ثُمَّ  
أَنْصَرَفُوا صَرَفَ اللَّهِ قُلُوبَهُمْ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَفْقَهُونَ ﴿١٢٧﴾

**127. Улар бирон сура нозил бўлган вақтда сизни биров кўрмадимми, деб бир-бирларига назар соладилар-да, сўнгра, бурилиб**

**кетарлар. Улар фаҳхламайдиган қавм бўлганлари учун, Аллоҳ қалбларини буриб қўйди.**

Ушбу ояти карима мунофиқларнинг ҳолини ажойиб услуб билан фош қилади. Кўпчилик иштирокида илмий мажлис бўлмоқда. Мунофиқлар ҳам ўзларини мусулмон кўрсатиб мажлисда ўтиришибди. Шу пайт Қуръони Карим сураларидан бири нозил бўлиб қолди. Бу мунофиқлар учун мусийбат, чунки янги сурада янги таклифлар, амрлар, қилиниши лозим ишлар бўлиши мумкин. Мунофиқлар фақат оғизларидагина мусулмонлар. Исломига, унинг амрига амал қилишга уларнинг тоқати йўқ. Шунинг учун, дарҳол қочиб қолиш пайига тушадилар. Бир-бирлари билан кўз уриштириб, биров кўриб қолмасин деб, дарҳол бурилиб, мажлисдан чиқиб кетадилар.

**«Улар бирон сура нозил бўлган вақтда сизни биров кўрмадими, деб бир-бирларига назар соладилар-да, сўнгра, бурилиб кетарлар».**

Мунофиқлар ўз фойдаларини ўзлари тушунмаганлари учун, ўзларига фойдали нарсдан бурилиб қочганлари учун, Аллоҳ таоло ҳам уларнинг қалбларини буриб қўйди. Ҳа,

**«Улар фаҳхламайдиган қавм бўлганлари учун, Аллоҳ қалбларини буриб қўйди».**

Энди, улар ҳидоятга келмай, мунофиқ кофирлигича ўлиб кетадилар.

Суранинг сўнгида Мадийнада нозил бўлган иккита оят келади. Бу оятларда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўз қавмларига бўлган муносабатлари ҳақида сўз кетади.

لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنْفُسِكُمْ عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ حَرِيصٌ  
عَلَيْكُمْ بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿١٢٨﴾

**128. Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган, сизнинг машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган, сизнинг (саодатга етишингизга) ташна, мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Пайғамбар келди.**

Бу ояти каримада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асосий сифатларидан бир нечаси зикр қилинмоқда.

**«Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган»**, яъни, бошқа ёқдан келмаган, осмондан тушмаган, балки ўзингиздан бўлган бир киши Пайғамбар бўлиб келди. Бу, ўйлаб кўрсангиз, ўзингиз учун шараф, обрў. Ўз ичингиздан шундай олий мақомга сазовор инсон чиққанига хурсанд, шод бўлишингиз ва унга эргашишингиз керак.

«сизнинг машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган», яъни, у Пайғамбар сизнинг машаққат чекишингизни, қийинчиликда қолишингизни мутлақо истамайди. Доимо сизга енгиллик, осонлик бўлишини хоҳлайди.

«сизнинг (саодатга етишингизга) ташна», яъни, бу Пайғамбар сизнинг икки дунё саодатига эришишингизга ташна. Шунинг учун ҳаракат қилади.

**«...мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Пайғамбар келди».**

Дунё тарихида У зот соллаллоҳу алайҳи васалламдек, кишиларга марҳаматли, меҳрибон инсон бўлган эмас. Бу улкан ҳақиқатни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва ҳадисларидан билиб оламиз.

Охирги оят Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитобдир.

فَإِنْ تَوَلَّوْا فَعَلَّ حَسْبِيَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَهُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ ﴿١٢٩﴾

**129. Бас, юз ўгириб кетсалар, сен: «Менга Аллоҳнинг Ўзи етарли. Ундан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ, Унга таваккал қилдим, У улуғ аршнинг Роббисидир», – дегин.**

Яъни, Эй Пайғамбар, агар сен динга даъват қилаётган одамлар чақириғингни қабул қилмай юз ўгириб кетсалар, сен:

**«Менга Аллоҳнинг Ўзи етарли».**

Аллоҳдан ўзганинг менга кераги йўқ. Сизларнинг ҳаммангиз, битта ҳам қолмай, юз ўгириб кетсангиз ҳам заррача зиёни йўқ. Аммо, билиб қўйинглар, юз ўгириб қаёққа ҳам борасизлар?! Ахир,

**«Ундан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ»,**

Шунинг учун, ҳамма фақат Унгагина ибодат ва қуллик қилмоғи лозим. Сиз нима қилсангиз қилаверинг, аммо мен

**«Унга таваккал қилдим»,**

Чунки,

**«У улуғ аршнинг Роббисидир», – дегин».**

Қолганини Аллоҳнинг Ўзи билади.

*Аллоҳ таолонинг ёрдами ва риояти  
ила иккинчи жуз тамом бўлди.*

*Учинчи жуз*

*«ЮНУС» сурасидан бошланур.*

## МУЊДАРИЖА

Моида сураси.....	3
Анъом сураси.....	154
Аъроф сураси.....	296
Анфол сураси.....	440
Тавба сураси.....	512



ШАЙХ  
МУҲАММАД СОДИҚ  
МУҲАММАД ЮСУФ

# Тафсири Ҳилол

ТУЗАТИЛГАН ВА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН

**ИККИНЧИ НАШР**

**2 ЖУЗ**

Тошкент — 2008

Муҳаррир *Шаҳобиддин Одилов*  
Мусаввир *Мунаввар Турсунбой ўғли*  
Техник муҳаррир *Мансур Қаюмов*  
Ношир *Исмоил Муҳаммад Содиқ*